

МИРМУҶСИН

АСАРЛАР

ТўРТ ЖИЛДЛИК

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1982

МИРМУҶСИН

АСАРЛАР

УЧИНЧИ ЖИЛД

МЕЪМОР

ЧОТҚОЛ ЙЎЛВАРСИ

Романлар

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1982

Y32
M55

Y32

70303 — 114
44 352(04) — 82 3 — 82 4702570200

МЕЪМОР



Биринчи қисм

І б о б.

СУИҚАСД

Рабиуссоний ойининг йигирма учинчи куни, Ҳиротда, жума намозидан чиқиб келаётган Шохрух Мирзога суиқасд қилинди. Ҳуруфийлар саркори — Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан бўлмиш Аҳмад Лур подшоҳга шахсан мурожаат этмоқ бахонаси билан яқин бориб, пичоқ урди... Аҳмад Лур Жоме масжиди остонасида ушланиб, шу лаҳзанинг ўзида тилка-пора қилиб ташланди...¹

Бу хабар шу куниёқ Ҳирот аҳлига маълум бўлиб, уч анчо — подшо чопарлари шитоб билан Самарқанд сари югурди. Уларнинг қўйнида Мирзонинг жароҳатлангани ва бошқа махфий маълумотлар ёзилган нома Улуғбек Мирзога борарди. Яна уч анчо Машҳаду Нишопурга, яна уч анчо Балх билан Астрободга олдинма-кейин жўнатилди. Кўп ўтмай Хуросону Мовароуннаҳр Мирзонинг қаттиқ жароҳатланганлигидан хабар топди. Аммо кўпларнинг хаёли дунёни ларзага солган темурийлар салтанатининг буюк тождорига қарши ўз ўлимини билгани ҳолда тиф кўтарган кимсада эди. Мана, бир неча йилдирки, пойтахт ҳам Ҳиротга кўчган, амирзодалар мирзо туғи остида.

Бундан етти йил аввал Ҳалаб шаҳрида Фазлуллоҳнинг маслакдоши — шоир Саййид Имодиндин Насимий хибс этилиб, оғир қийноқ билан қатл этилган эди. Яна ҳуруфийлар бош кўтариб, подшоҳга қарши суиқасд қилгани Ҳиротни ҳайратга солди...

Ҳирот шаҳри Кўҳисиёҳ тоғи этақларига жойлаш-

¹ Абдураззоқ Самарқандий. «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн».

ган. Кўхи сафеддан оқиб келган Ҳеҗирӯд дарёси ундан уч-тўрт чақирим пастдан оқиб ўтади. Дарвозаи Ироқ яқинида Низомия мадрасаси, Бозори Қандаҳор ва шу атрофда усти берк ҳовузлар ҳам бор. Ҳиротдаги гўзал бинолардан бири Жоме масжидидир. Бу бино шаҳарнинг шарқ томонида. У ғурийлар ҳукмронлиги даврида, яъни XII—XIII асрларда барпо қилина бошлаган. Лекин бу бинонинг ҳақиқий санъат ёдгорлиги даражасига кўтарилиши Хуросон меъморлари — устод Қавом, устод Нажмиддин Бухорий ва кейинчалик Мир Алишер номи билан боғлиқдир. Навоий бу бинони тубдан қайта ишлатган, биринчи маротаба шарқ наққошлигига хос ранг-баранг нақшин гуллар билан безатган.

Ҳиротнинг диққатга сазовор жойларидан яна бири, Ҳеҗирӯдга қурилган Пули Молон бўлиб, унинг атрофидаги ерлар сайроғоҳ эди. Бу гиштин кўприк ғоят кўхна. Ривоятларга қараганда, уни Бибинур исмли зоҳид аёл товук боқиб сотиб қурган экан... Шаҳар ташқарисида ҳам зиёратгоҳлар кўп. Улардан энг улуғи Гозургоҳ, Кўхисиёҳга яқин ердаги бу манзилга шоир Ансорий дафн этилган. Шу ердан Ҳирот қафт устида тургандай кўринади.

Суиқасд туфайли Ҳирот қамал қалъадек таҳлика ва кўрқув ичида қолди. Барча дарвозалар беркитилиб, ҳамма ерда навкарлар ва сарой фидойилари ҳозир ру нозир турарди. Дарвоза фақат элчию анчоларга махсус рухсатнома билан очилар, мансабдор шахслар амирзода Иброҳим Султоннинг рухсати билан шаҳардан чиқа олишлари мумкин эди.

Шаҳар шимолидаги фалакка бўй чўзган миноралар ҳам, қуёш нурида кўк кошинлари ярқираб турадиган Мусалло¹ ҳам хомуш ва хўмрайиб турарди. Кўк гумбазларни чарх уриб учадиган кабутарлар ҳам мадрасаларнинг гиштин деворлари қавақларига кириб, пусиб ётгандай. Арк рўпарасидаги миноралар, ахра-

¹ М у с а л л о — мадрасалар ансамбли бўлиб, кейинчалик Гавҳаршод бегим номи билан аталган. Бу бинолар (XV аср) меъмор Қавомиддин амалидир. 1885 йили уни инглизлар: майор Гольдиг ва Пикок динамит қўйиб портлатиб юборган.

ман девдек бўй чўзиб, ҳамма кўчаларга, растаю ра-
воқларга, карвон саройга, қуюқ кўланка ташлаб ту-
рувчи қалъа деворларига тикилиб турарди. Улар сал-
танатнинг бешафқат сарбозлари каби ҳаммани таъ-
киб остига олган, ҳамма вақт очик, мовий гумбаз
бағридаги кўк гумбазчалар тепасида булутлар сузар
эди. Гумбазлар ҳамоҳанглиги йўқ — кўзлар гумбази,
Мусалло гумбази, миноралар гумбази, осмон гумбази
ғоятда хомуш, улар бир-бирига қовоқ солиб турар,
каппонда, расталарда савдо-сотик давом этарди-ю, аммо
ортиқча бақириқлар, югуриб-елишлар, ёш-яланглар
тўдасидаги гурунглари йўқ, фақат навқару сипоҳилар-
дан чеккада кишилар бир-бирлари билан шивирла-
шиб, суиқасд ва хуруфийларга мансуб Аҳмад Лур
ҳақида гаплашишарди. Улар айроқчилардан ғоятда
кўрқиб қолишган, суҳбатга нотаниш кимса кўшили-
ши биланоқ ҳамма ўрнидан туриб кетар эди.

Шаҳарнинг Машҳад йўлида юракларга ваҳшат со-
либ Ихтиёриддин қалъаси қад кўтарган, бу ерга оғир
гуноҳ қилганлар ҳибс этиларди. «Худо ҳеч кимни
бу ерга келтирмасин...» Бу сўз кексалар тилида «ло-
ховла...»дан кейин айтиладиган дуога ўхшаб қолган
эди. Ҳибс этилиб, Ихтиёриддин қалъасига ташлан-
ган одамнинг бу ердан қайтиб чиққанини ҳеч ким
билмайди.

Қалъага ҳамоҳанг яна бир кўрқинчли ном Ҳирот
аҳлига маълум. Бу ёш амирзода Иброҳим Султондир,
у қаттиққўллиги билан номдор эди. Аммо бари бир
суиқасдни ҳар ким ўзича ҳар хил талкин этарди.

Ширвонга бадарға қилинган хуруфиянинг асосчи-
ларидан Фазлуллоҳ Астрободийнинг «Жовадони ка-
бир» китобида фуқаро ҳуқуқи ҳақида бирмунча эр-
кин фикрлар айтилганини сарой аҳли, жумладан, аҳли
фузало билар, оддий фуқарога бу фикрлар «узун
қулоқ» орқали наридан-бери етиб борган эди.

Хуруфийларнинг ақидасича, коинот абадул-абад,
илоҳий ибтидо одамда ўз аксини топган, инсон худо-
га ўхшаб яратилган. Коинот ҳаракати, инсоният тари-
хий даври айланишидан иборат. Ҳар бир давр бошида
Одам Ато пайдо бўлиб, охирида қиёмат бўлади. Ило-
ҳий ибтидо пайғамбарликнинг, имоматликнинг илғор

кўришиларида зоҳир бўлади... Улар, ҳар бир араб ҳарфида дунё гардишининг сўфиёна белгилари бор, ҳарфларда инсон юз тузилишининг илоҳий белгилари мавжуд, деб тушунадилар. Бу оқим халқ ичида кенг тарқалади. Улар амирзода Мироншоҳни — дажжол, деб атайдилар. Кейинчалик, Сардрўд яқинида Жалойир билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлганидан сўнг, ҳуруфийлар энди имом Маҳдий пайдо бўлиб, ер юзида адолатли давлат ўрнатади, дейдилар. Улар Маҳдий сардорлигида авом зулмга қарши қурол билан кўтарилмоғи лозимлигини уқтирадилар. Ҳиротда, кейинчалик ҳуруфийларнинг катта гуруҳи борлиги, бу гуруҳ уларнинг ишларини давом эттираётганлиги, унга Фазлуллоҳнинг жияни — Хожа Аздудин ва Мавлоно тарик, Магмур, Ҳорун бўзчи ва яна бир қанча раиятпарвар аҳли фузало алоқадор экани маълум бўлди. Шохруҳ салтанати кейинчалик шоир Амир Қосим Анварни ҳам ҳуруфийликда айблади.

Аҳмад Лур, асли Луристон шаҳридан бўлиб, Ҳирот бозоридаги кичик бир тим ичида истикомат қиларди. У ўрта яшар, кишиларни таажжубга солиб, устига доимо наMAT ёпиниб юрар, кичик бир хужра ичида зар дўппи тикиб тирикчилик қиларди... Аҳмад Лур ҳақида мукамал тафсилот наинки саройга, шу ҳафта ичида тилдан тилга ўтиб, бутун Хуросонга тарқалди.

Бу ходисалар саройда фавқулодда чора-тадбирлар кўришни тақозо этди: жароҳатланган подшоҳ ёнида жарроҳ-табиблар билан гаплашиб турмоқ унинг учинчи ўғли Мирзо Бойсунқурга топширилди. Унинг қошида «салтанат кўрки» Гавҳаршод бегим ҳам бор эди. Амирзода Иброҳим Султонга мазкур суиқасдга алоқадор шахсларни тафтиш этиш, ҳибсга олиб, Ихтиёриддин қалъасига қамаш, жазолаш ишлари юклатилди. Кичик ўғиллари — Суюрғотмиш билан Муҳаммад Жўкийлар Журжон вилоятидан дарҳол Ҳиротга чакириб олинди.

Бу — темурийзодаларга нисбатан биринчи суиқасд бўлиб, салтанатни титратиб юборган эди. Боғи Зоғондаги хоналардан бирида жароҳатланган Шохруҳ ердан бир газ кўтарилган ўрнида, тунда тўлганиб ётарди. Жарроҳларнинг доруйи беҳуш бериб, жаро-

хатни тозалаб боғлагани, оғрикни таркатадиган дорилар ичиришганига қарамай инграр, тепасида турган табибларни ҳам сезмасди. Атрофида олтин ва кумуш жомларда сув ва совун, юмшоқ оқ матолар, қон тўхтадиган дори-дармонлар, куйдирилган латта, олтин косада мўмийё, жарроҳлик асбоблари турар, табиблар «Алқонун»ни varaқлашар, шайхулислом ва Жоме масжиди имоми дамо-дам дуо ўқиб, дам урар эди.

Суикасдга алоқадор ҳисобланиб, ҳибсга олинганлар ичида машҳур меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ўғли Низомиддин ҳам бор эди. Бу хабар дарҳол Иброҳим Султон орқали шу куниёқ салтанатнинг «иффату кўрки, оқилаи замон» Гавҳаршод бегим қулоғига етди. У ўғли Бойсунқур Мирзо билан гаплашиб, аввал дарғазаб бўлди, сўнг таассуф билдирди. «Не сабабдин шундоқ доно, бунинг устига салтанатга кўп хизматлари сингган, улур султоннинг инъому эҳсонларига сазовор бўлган устод Нажмиддин Бухорий фарзанди «бундоқ қабих ишга аралашди экан», деб ўйлади Гавҳаршод бегим. Шу лаҳза чуқур хаёлга чўмиб, онаси қошида турган Бойсунқур Мирзонинг кўз олдига пойтахтда қад кўтараётган янги мадраса ва буюк Мусалло пайдо бўлди. Бу, Хуросон кўркини устод Қавом ва устод Бухорийлар қурган эдилар. Нажмиддиннинг асли ота-боболари Бухородан бўлиб, уруғлари Хурдаки — Бухорийларга бориб тақалади. Амир Темур сарбадорлар ҳаракатига барҳам берганидан кейин, бу ҳаракатга алоқадор одамлар ҳар томонга тарқаб кетган. Нажмиддин ҳам Хуросонга ана шу сабабга кўра келиб қолган эди. Сарой аъёнлари бу тарихдан яхши хабардор эдилар. Бойсунқур Мирзо шуларни кўнглидан кечирди. Унинг кўнглида шубҳа пайдо бўлди. «Нажмиддин Бухорий — ёстиқ остидаги чаён эмасмикан?» деб хаёл қилди ва буни онасига айтган эди, Гавҳаршод бегим ўғлига андек оғир бўлишни, чуқур тафтиш, аниқ исбот бўлмагунча мўътабар кишиларга қаттиқ шубҳа билан қараб, таъқиб этмаслик лозимлигини уқтирди. Лекин энг ёмони шу бўлдики, Мир Қосим Анварнинг ҳайдалиши, мавлоно Маъруф Хаттотнинг ҳибсга олиниши Жаъфар Табризий, Юсуф Андугоний, устод Қавом, устод Нажмиддин Бухорий-

лар юрагига ларза солди. Хаттотлар андухидан вокиф бўлган Бойсункур Мирзо ўз отаси Иброҳим Султон олдида хомуш бош эгди. Чунки бу «мавлоно»ларнинг барчасига у хомий, унинг паноҳидаги кишилар эканини яхши биларди. Шу сабабли бундан бир йил аввал Мирзога «девони олий амири» унвони берилган эди.

У отаси тепасида турган жарроҳу табибга кўз ташлаб, кейин ичкарига, ўз хонасига кирди. Отаси Мирзо Улуғбек Хўжа Юсуф Андугонийни сўратиб, одам юборганида форсий икки байт ёзиб, аччиқ ва киборнома юборгани ҳам ёдига тушди. Бу гап Мирзо Улуғбекка ёкмаган эди...

Маълумки, Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрда, Суюрғотмиш Адоқда, хуллас, ҳар қайсиси ўзи ҳокимлик қилаётган ўлкада фан ва санъат, ободончилиги ишларига эътибор берардилар. Бойсункур Мирзо ўз қобилияти, ўткир зехни, ишбилармонлиги билан биродарларидан ажралиб турарди. Кейинчалик Тус, Машхад, Астробод, Журжон вилоятларидан иборат мамлакатга отаси томонидан ҳоким этилиб тайинланди. Лекин у онаси Гавҳаршод бегим ёнидан жилмай, Хиротда яшарди...

...Жума куни ярим тунда меъмор Нажмиддин Бухорий ховлисига бостириб кирган қурол-яроғли навкарлар ухлаб ётган Низомиддинни турғизиб, дарҳол қўлларини орқасига боғлашди. Саросимада титраб турган меъморга салтанат буйруғи шундай эканини айтиб, Ихтиёриддин қалъаси томон ҳайдаб кетишди. Кекса меъморнинг қалби тилка-пора бўлди. Эндигина мўйлаби сабз урган, яқингинада Фарғона жангидан қайтиб келган Низомиддиннинг ранги девор бўлиб оқариб кетган эди. У саросима ичида дам отасига, дам онасига қарарди; афсус, ичкари хонада, қозикда осиглиқ турган дамашқий шамширини ҳам қўлга ололмади. Ҳа-хув дегунча навкарлар уни туртиб олиб чиқиб кетишди. Меъморнинг «Кўйиб юборинглар! Ўғлимнинг гуноҳи нима?!» — деб қилган илтижоларига ҳам эътибор беришмади. «Мен улуг ҳазратга устингиздан арз қиламан!» деди ота сарпойчан, сипоҳлар йўлини тўсиб. «Биз, ўғлингизни салтанат номидан

хибсга олдик! Ҳар қанча арзингиз бўлса, амирзода ҳазратларига айтасиз!» — деди қилич яланғочлаган шоп мўйлабли сипоҳ. «Бу бир англашилмовчилик! — деди остонада донг қотиб қолган меъмор. — Низомиддин! Бу бир англашилмовчилик, эшитяпсанми, ўғлим, бу бир англашилмовчилик! Мен тонг отиши биланоқ ҳазрат ёнига бораман! Сенинг гуноҳинг йўк! Бу бир англашилмовчилик эканини айтаман! Қўрқма, ўғлим...» — деди эшиккача оёқяланг чиқиб. Кейин яна сипоҳларга мурожаат қилди: «Уни уриб озор берманглар, унда гуноҳ йўк, бу бир англашилмовчилик! Ахир мусулмон фарзандисизлар, унга озор берманглар! Мен тонг отиши биланоқ ҳазрат ёнларига бораман!..»

«Миясини еган чол! Озор берма эмиш! — деди қилич яланғочлаган навқар. — Аввал ўғлингнинг кимлигини билиб ол! Агар билганингда валдирамас эдинг! Қани, юр тезроқ!» У қўли боғлиқ Низомиддиннинг елкасига туртди. «Отажон, хайр! Онажон, мени кечиринг, хайр!..» — деди орқасига қайрилиб Низомиддин. Тўс-тўполондан юраги чиқиб кетган синглиси Бадиа дам акасига, дам токчадаги ханжарга қарар эди. Акасининг «ханжарни олиб бер», деган ишорасини кутарди. Низомиддин ишора қилишга ҳам улгурмади. Бадиа ҳам унга яроғини лип этиб олиб беролмади... Хонадони ғорат этилган меъмор кийиниб, ҳозирнинг ўзидаёқ саройга бориб, арз қилмоқчи бўлди. Ҳазратга содиқ, умр бўйи сидқидилдан хизмат қилган бир меъморнинг хонадонига ғорат солиш — ёлғиз ўғлини хибсга олиш тўғрими!? Қани адолат? Ахир бу англашилмовчиликни келиб, отасидан сўраш, тафтиш қилиш лозим эмасмиди! Ухлаб ётган фарзандининг қўлларини боғлаб, ҳайдаб олиб кетиш... бу — зулмуку! Бу ишлардан улуғ беканинг хабарлари бормикан? Бойсунқур Мирзонинг хабарлари-чи? Наҳотки улар ўз кишиларининг содиқ эканлигини била туриб, унга дахл қилишга розилик билдирдилар? Қайси гуноҳим учун? Ёки бу икки амирзода ўртасидаги олишувми? Саройдаги икки шаҳзода олишувия ораларидаги фитна бутун бир мамлакат бошини ташвишдан чиқармайди, дедилар. Фитнанинг азобини фуқаро тортади.

Шундоқ бўлдимикан? Бойсунқур Мирзо билан Иброхим Султон ораларида нифоқ бормикан? Подшоҳга қилинган суиқасд бу нифоқни яна ҳам авж олдириб юбормадимикан? Мавлоно Юсуф Андугонийнинг Самарқандга, Мирзо Улуғбек хузурига юборилмагани ҳам шунинг учун бўлса-я?..

Меъмор ҳовлида, анча маҳалгача қаққайиб туриб қолди. Унинг хаёлидан сарой амалдорлари, саркорлар ўта бошлади. Бу ишларга меъморнинг нима алоқаси бор? Ёш йигитчанинг қўлларини боғлаб олиб кетиш адолатданми?!

У ҳассасига суянган ҳолда ҳовли ўртасида қаққайиб, очиқ қолган дарвозага тикилди. Оҳ-воҳ қилиб ўтирган хотини — Маъсума бекага ҳам эътибор бермасди. Бадиа бўлса нима қилишини билмай, ота-онасига қараб жавдирар, отаси бирон нажотли гап айтадигандай, унинг оғзига тикилар эди. Агар у қаттиқ ухлаб қолмаганида, навкарларнинг кириб келаётганини билганида албатта ичкари хонадаги осифлиқ қилич-ни унга тутқазиб, ўзи ханжар билан уларга ҳамла қиларди... Жуда бўлмаганда, акасини қочириб юборарди. Эҳ, аттанг!.. Ҳовли ўртасида қаққайиб турган Меъмор ниҳоят ҳушини йиғиб олди, ҳозир ярим тунда Арк томон бориш у ёқда турсин, шаҳар кўчаларида юриш ҳам мушкул эканини ўйлади. У қайтиб хонага кирди. Дарвоза ланг очиқлигича қолди, атай ёпмади. Ҳассасини даҳлизга кўйиб, чакмонини қозиққа илди. Индамай ўз жойига келиб ўтирди. Боядан бери уни кузатиб турган Бадиа отаси ёнига келиб, чўкка тушди. Онасига тасалли берди, «Бир нима денг?! Нима маслаҳат берасиз?» дегандек отасига тикилди. Меъмор ўзини қўлга олиб, қизининг сочини силади:

— Сабр қилмоқдан ўзга чорамиз йўқ. Бу бир англашилмовчилик, ҳақ йўлига қарор топади. Худо хоҳласа, Низомиддин тонгда қайтиб келади. Эҳтимол, орага бирон шубҳа ёки чақув тушиб, ўғлимизни ҳибс этгандирлар. Тафтиш қиладилар, сўрайдилар, ҳақиқатни билгач, бўшатиб юборадилар. Низомиддинда айб йўқ, у нима гуноҳ қилиши мумкин! Низомиддин ёмон йигит эмас, у ҳам худди ўзимдек салтанатимизга содик. Олий ҳазрат Амир Темур бинни Тарағай баҳо-

дирга, ундан кейин Мирзо Шохрух хазрати олийларига сидкидилдан хизмат қилаётган бир уста бўлсам, нечук менинг фарзандим салтанатга ғайр бўлсин?! Йўқ, бу ишда бир англашилмовчилик бор. Ҳақиқатни топадилар, Низомиддинни бўшатиб юборадилар.

— Худододбек билан оралари бузук, деб эшитган эдим, — деди Маъсума бека. — Ёки шу сабаб бўлди-микан?

— Худододбек хақида гапирмагин! У одобли йигит, ўғлингнинг дўсти! Иккиламчи, у менинг кадрдоним устод Қавомнинг ўғли. Улардан ёмонлик чикмайди. Қавом хазратлари ҳам дўстим, ҳам устозим... Йўқ, Худододбекдан ёмонлик чикмайди! Ахир улар ёқалашган бўлсалар ёқалашигандир, лекин ёқалашган йигитларни Ихтиёриддинга қамамайдилар. Тонг отиши билан мен биродарим Қавом хазратлари ёнига борамаң, маслаҳат сўрайман. У зот ҳамма вақт менга кўмак берганлар, бу сафар ҳам кўмак берадилар. Устодни саройда қаттиқ эҳтиром қиладилар.

— Устод Қавом шу ерлик, бизнинг аслимиз Бухородан...

— Бадзабонсен! Бу гапни сен иккинчи бор оғзингга олма! Айб бўлади, — деди тутақиб Меъмор. — Хуросону Мовароуннаҳр бир туғ остидадирки, биз ҳаммамиз улуғ хазратга хизмат қиламиз. Биз, меъмор муҳандислар дилида бундоқ андиша ҳеч қачон бўлмаган. Хусусан, устод Қавомнинг диллари бундоқ андишадан олис.

Маъсума бека индамай қолди.

— Аммо, Фазлуллоҳ кишиларининг анча вақт ўтиб кетганига қарамай кек сақлаб, бундоқ саъй ишларга ружу қилмоғи салтанатни даргазаб қилмай иложи йўқ. Ишқилиб, худойи таоло улуғ султонни ўз паноҳида асрасин, тезроқ жароҳат битиб, ёстикдан бош кўтарсунлар. Ана ундан сўнг яна осойишталик келиб, дилгирлик кетади. Бобомиз Хурдаки — Бухорийга алоқадор бўлганининг бизга дахли йўқ. Буни мен ўз хизмату садоқатим билан исботлаганман. Буни наинки устод Қавом, ҳамма билади...

То товонигача тушадиган узун ғалабия кўйлак кийиб, отасининг пинжида ўтирган Бадиа хозироқ ака-

сининг кийимларини кийиб, Катвон дашти маҳораба-сида эркаклар либосида жанг қилган баҳодир қиз бўлғуси келарди. Қани энди у акасининг ўтқир исфи-хонини яланғоч ушлаб, уни олиб кетган, отасига шунча ситам бераётган ғанимлар бўйнига қилич солса! Энди у ҳам ёш эмас — ўн олтидан ўн еттига ўтмоқда...

У қаноти синган отасига қанот бўлғуси келарди; нега у ҳам ўғил бўлиб туғилмади?

Бадиа бир лаҳза хонадонини ғамхонага айланги-риб кетган навқарлардан ғазабланиб, мислсиз таш-вишга ғарқ бўлган ота-онасига раҳми келиб ўтирар-кан, хонага тўшалган ғилам устида лойли этиклардан қолган изларга кўзи тушди. Подшо одамлари акасини турткилаб, дўк уриб, кўлларини боғлагани хаёлида жонланди. У бераҳм кимсалар инсон билан эмас, худди ҳайвон билан муомала қилаётгандек, акасининг кўлла-рини бураб боғлашди.

Отаси, онаси олдида саросимага тушиб қолган Ни-зомиддин уларга қаршилик кўрсатишни ҳам, кўрсат-масликни ҳам билмай, фақат отасига қараб жавдираб турарди. Отадан садо чиқмагач, у индамай туриб бер-ди, бўғизланадиган кўйнинг оёқларини боғлагандек, унинг ҳам кўлларини орқага чандиб боғладилар. Даҳ-лизда, ланг очилиб қолган кўча эшикка қараб йиғлаб ўтирган Маъсума бека кафтларини очиб, тангрига мурожаат этарди: «Э худованди карим, мушкулимни осон қил! Боламни ўз паноҳингда асра, қолган ум-римни уқубатга ташлама!»

Бадиа ўрнидан туриб, кўча эшигини ёпиб келмоқ-чи бўлди. Отаси қайтарди:

— Чиқма, қизим! Очиқ қолса қола қолсин. Юра-гимизни узиб кетишди, яна нимамизни олишарди. Одатда хибсга олишганда эшик олдида анча вақтгача айғоқчилар юради... Чиқма, қизим! Ақлим бовар қил-майди, тавба у нима гуноҳ қилиши мумкин? Бу, шуб-ҳасиз, англашилмовчилик бўлиши керак.

Бадиа нам кўзларини отасига тикди. Акасининг қаршилик кўрсатмагани, жуда бўлмаганда ўзининг унга қилич ёки ханжар узатиб юборолмаганига ич-ичида пушаймон еди. Бир одамни шундоқ кўз олдиларида кўйдек боғлаб олиб кетсалар-у, у қаршилик кўрсатол-

маса! Акаси бундоқ одам эмас эди-ку! У жуда жангари, осонликча бўй бермайдиган, кўркмас, дадил эди-ку! Нега у бўшашиб, итоаткор бўлиб қолди? Ёки онаси олдида улар билан қиличбозлик қилишни лозим топмадими? Ҳарқалай, акасининг қаршилиқ кўрсатмай, уларнинг олдиларига тушиб кетгани Бадиага алам қилди.

Узун кўйлаги яшириб турган қадди-комати, кўзлардаги фусуну лаблардаги латофат ногихоний ҳасрат ниқобига ўралди, унинг қалдирғоч қошлари, кўзларидаги чақин, юнонларга ўхшаш оқ юзу лаблардаги доимий табассум йўқ. У отаси билан онасининг ҳасратига шерик бўлиб, юлдузлар чақнаган қора тунда мунгли ўтирибди. Бу соҳибжамол қиз олдида от ўйнатиб баҳодирлигини намойиш қиладиган Худододбеклар қани? «Марду олижаноб»лигини намойиш қиладиган бу йигит, унинг ёлғиз акаси ҳибс этилганини билган бўлса, нечун жим? Отаси баъзан хуфия айтганидек, «хукмдорлар бир аждардир-ки, яқин юрмоқ ғоятда хавфли...» Устод Қавомнинг ўғли Худододбекдан кўра ҳам кўпроқ ўз дикқатини тортиб юрадиган кўркам Бойсункур Мирзо бу лаҳза унинг кўзларига аждар, Иброҳим Султон эса, икки елкасидан икки илон ўсиб чиққан Заҳҳокка ўхшаб кўриниб кетди.

Шаҳар жанубида — баландлик устида қад кўтариб турган қалъаю Арк, шимол қисмидаги Мусаллою миноралар кўркинчли бир қора тоққа ўхшаб, Бадианинг юрагига ваҳшат соларди. Унинг ҳажрида куйиб юрган Худододбек ҳам назарида совуқ бир нарсага айланди. Худододбекнинг оҳ-воҳларининг миси чиққандай бўлди. Устод Қавом, гарчи отасининг яқин ошнаси бўлса ҳам бу икки донгдор меъмор ўртасида азалий бир яширин рашку ҳасад мавжуд, Маъсума бека ҳам бу тўғрида илгари бир неча бор шама қилган бўлса ҳам, Бадиа бунга ортиқча эътибор бермасди. Энди мана бу воқеалар уни чуқур ўйларга толдирди.

Дарҳақиқат, бир қарашда инок, дўсара кўринган Қавомнинг миждозиди шуҳратпарастлик унсурлари йўқ эмасди. У бу борада ҳар қандай яқин ошнасининг

хам юзига чанг солишдан тоймасди. Аммо устод Қавом ўзининг мислсиз ва узоқ йиллик меҳнату санъати билан Хуросонда донг таратган. Уни Самарқанду Бухоро, Машҳаду Табриз усталаригача яхши билишар, Бибиҳонимга монанд бўлсин, деб қурилган Гавҳаршодбегим мадрасаси бу томони Хиндистон, бу томони Бағдодгача машҳур эди. Лекин ундаги шухрат-парастлик, тамаъ олдида подшоҳларга тиз чўкишдан ҳам, ўзгалар манфаатини босиб-янчиб ўтишдан ҳам қайтмаслигини кўпчилик биларди. Шу туфайли яқин ошналари уни: «Устод Қавом меъморлар меъмори эмас, подшоҳлар меъмори» дейишарди киноя билан. У асли хиротлик бўлгани сабабли, ўз ҳамшаҳарларини суяр, Бухорий, Андугоний, Самарқандийларга унча йўл бермасди. Меъморчилик санъатига алоқаси йўқ, доимо устод Қавом билан устод Бухорий орасини бузиб юрган «юмшоқ супурги» Аҳмад Чалабийни эса қўллаб-қувватларди. Устод Қавомнинг бу феълени сафдошлари билсалар ҳам билмаганликка, ўзларини унинг феъли ожизлигини сезмаганликка олишарди. Ахир бундай «дард»га мавлоно Шарафиддин Али Яздий ҳам дучор эдилар-ку! Баъзан мавлоноларнинг ўзини билган кимса қилмайдиган номақбул қилиқлари бўлади; бу қилиқ ойдаги доғга ўхшайди. Шу доғ туфайли кишилар ойдан кечмайдилар-ку! Денгиз устидаги чўпу кўпикларни эмас, унинг чуқур бағридаги дурру жавохирни кўра билганлар устод Қавом, устод Бухорийлар кадрига ета олади! Лекин, бари бир, Нажмиддин ва Юсуф Андугонийлар хонадонида устод Қавомнинг «ўлармонлиги», «беш кўлини баробар оғзига тикиши...» ҳақида турли гаплар юрарди. Бу гаплардан фарзандлар ҳам воқиф эдилар. Бадиянинг кўз олдида отасининг шаън-шавкати билан масрур, доимо қамчиндек шай юрадиган, хиндиларга ўхшаш қорамағиз Худододбек билан келишган, салласи тепасига жиға тақиб юрадиган Бойсунқур Мирзо келди. Уларга негадир нажот кўзи билан қаради — наҳотки амирзода, қолаверса, Худодбекнинг отаси — устод Қавом бу ишга аралашмай, унинг отасини бу кулфатда ёлғиз қолдирсалар? Бундай бўлиши асло мумкин эмас! Акаси Низомиддин, эҳтимол, бебошлик қилгандир, ёқалаш-

гандир...Эхтимол, бирон мансабдорни сўккандир, эхтимол... эхтимол... Бунинг учун Ихтиёридинга олиб кетмоқлари шартми?! Бу ишда, дарҳақиқат, ё хусумат ё англашилмовчилик бор! Иккиламчи, Низомиддиннинг исмини Қавом ҳазратлари қўйганлари, Бадиани келин қиламан, деб тилларидан бол томиб гапирганлари ҳаммага маълум-ку! Шу туфайли унинг отаси ўзининг яхши шогирдларидан бири бўлмиш Зулфиқор Шошийдан шубҳаланиб, уни Бухорога жўнатиб юборган эди.

Зулфиқорни аввал шогирдим, ҳунаримнинг тираги, фарзандимдан аъло йигит, деб юрган Меъмор, ўз қизига мойиллигини сезиб, Ҳиротдан узоқлаштирди. Бу ҳақда вақтида хабар бермаган иккинчи шогирди Заврак Нишопурийдан ҳам қаттиқ хафа бўлди. Унинг нияти устод Қавом билан қуда бўлиш, икки меъмор «Гавҳаршод бегим» Мусаллосидек абадул-абад ёнма-ён туриш эди. Гарчи Худододбек билан Низомиддин толиби илм бўлмасалар, муҳандису меъморчиликка иштиёқ қўймаган бўлсалар ҳам, ҳарқалай, ўзларига мос бир хизмат топулар, деб ўйларди. Аммо Зулфиқор Шошийнинг ғайрату иқтидорига дилидан қойил қоларди. Мана, илму қобилият! Устод уни отасига яхши сўзлар билан номалар ёзиб, яхши саруполар кийгизиб, сарбонга тайинлаб... жўнатган эди.

Зулфиқор Шоший эса, бу хонадондан асло кетгуси йўқ эди. У хатто Ҳиротда қолиб, бошқа бир ерда истиқомат қилса ҳам, устоднинг қўлида хизмат этишни истарди. Наинки гишт териш, мардикорликка ҳам тайёр эди. Аммо меъмор хонадонининг ўз хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб қолганини сезиб, хижолат тортди ва жуда баланд дорга осилганини пайқади.

Зулфиқорнинг Бухорога жўнаши ҳақидаги «хукм» устод Қавом берган катта зиёфат куни чиқарилган эди...

Бу гапларнинг бари Бадианинг хаёлидан ўтди. Бадиа назарида бирдан жарликка тушиб кетганга ўхшаб, юраги орқага тортиб кетди. Бирваракайига шунча алам — отасининг тираги, ёлғиз акасининг қўллари боғланиб, олиб чиқиб кетилиши... Қандай оғир! Бу

фожиа катта кемага тушган дарзга ўхшарди. Ишқилиб бу «дарз» тезда беркитилсин, кема фарқ бўлмасин, дерди ўзига ўзи Бадиа.

И б о б

МЕЪМОР НАЖМИДДИН БУХОРИЙ КЎТАРГАН ҚАЙҒУ-АЛАМНИ ФИЛ КЎТАРСА, БЕЛИ СИНАРДИ

Бадиянинг хаёлини бир лаҳза ўша, Хўжа Юсуф Андугоний келган базм ишрол қилди... Киши баъзан шундай оғир дақиқаларда ҳам рўшнолик кунларини эслайди — бу билан юрак гурбат эмас, шодлик учун яратилганини исбот қилмоқчи бўлади. Бу ҳол — қор қўйнида бош кўтариб турган чечакка ўхшайди! Бегуноҳ Зулфиқор Шошийнинг ногихоний жўнатилиши ёмон бўлди. Ахир у бу даргоҳдан ноилож чиқиб кетган эди. Низомиддиннинг ҳибсга олиниши ҳам ногихоний бўлди. Бадиа ўй сураб, хаёлларининг поёни йўқ эди... Уни кўрганда эс-хушини йўқотиб қўядиган Зулфиқор ҳам бу ердан жўнаб кетди — дунёнинг иши доимо шундай тасодифларга тўла экан-да! Бадиянинг кўз олдида яна Зулфиқор келди, бу йигит Худододбек каби пурвиқор, амирзода каби кўркам эмас, у этик кийиб, бошидаги бухороча дўппини салла билан ўраб оларди. У аслида отасининг билағон ва уддабууро шоғирди, бухоролик уста Нусратнинг ўғли бўлишига қармай, Низомиддинга асло иш қўймас, устод хонадонидеги ҳамма ишларни ўзи бажарарди. Меъмор баъзан менинг тўрт ўғлим бор, бири Низомиддин, бири — Заврак Нишопурий, бири — Зулфиқор Шоший ва бири — Ғаввос Муҳаммад Ҳирий, дерди. Бирварақайига бу тўрт ўғилнинг иккисидан жудо бўлиши Меъморни оғир бир ҳолга тушириб қўйганини Бадиа яхши сезиб турарди. Зулфиқор Шошийнинг «гуноҳи» маълум... аммо Низомиддиннинг гуноҳини билишмай тун бўйи қовурилишди. Бадиа ҳам, Масъума бекаю Меъмор ҳам эрта билан тўппа-тўғри Бойсунқур Мирзо ёнига бориб, бўлган ҳодисаларни батафсил айтишгач,

у олижаноблик кўрсатиб, Низомиддинни кутқариб беришидан умидвор бўлишарди. Меъмор бу англашилмовчиликнинг дархол олдини олажагига ишонарди. Наинки, амирзода, бу ишни устод Қавомнинг бир оғиз сўзи билан ҳам тўғриламоқ мумкин, деб ўйларди у. Бадиа ҳам шундоқ бўлишига асло шубҳа қилмасди. Жасур Худододбек ҳам бу ишга аралашади, бу танти йигит ўз ўртоғи Низомиддиннинг зиндонда ётишига асло йўл қўймайди, деб ҳисобларди у.

Тонг отди.

Тонг отиши ниҳоятда қийин бўлди. Меъмор Нажмиддин умрида бунчалик отиши мушкул бўлган тонгни биринчи мартаба кўриши. У азонгача худога ёлвориб, ичдан йиғлади, тунда янги қурилаётган мадрасаси атрофини айланди, юлдузлар чаманида унга тикилди, гумбаз тепасига келган янги ойнинг ўроғига бефарқ қаради. Булар, назарида, тошдай қотиб қолганга ўхшарди. Ҳозир унинг кўнглига чироқ ёкса ёримас эди. Тонг отиши билан нонушта ҳам қилмай, зинғиллаганича Аркнинг баланд деворлари ёнидан ўтиб Мусаллога, ундан ўтиб, янги қурилаётган мадраса ёнига келди. Барвақт келиб, ганчхок қораётган шогирди Заврак Нишопурийга юзланди. Устодни бунчалик барвақт кўрган Заврак таажжубланиб, қўли кўксида, салом берди. Бу йигит ҳам дўсти Зулфиқор Бухорога жўнатилган кундан буён қўли ишга бормаё юрар, бир нимасини йўқотган одамдек хомуш эди-ю, азбаройи устодга эътиқоди бениҳоя бўлгани туфайли буни билдирмасликка интиларди. У, Нишопурга жўнаб кетишни ҳам хаёл қилди, андиша бунга йўл бермади. Заврак Меъмор юзидаги ғайри одатий бир ҳолни кўриб, қўлидаги белкуракни ерга қўйди. Яқинроқ борди. Меъмор учун бу ерда ишлаётганлар ичида Зулфиқору Заврак, Ғаввос Муҳаммаддан яқинроқ одам йўқ эди. Шу сабабли, унга Низомиддинни тунда қўллари ни боғлаб олиб чиқиб кетишганию ҳозир ўзининг устод Қавом, ундан сўнг амирзода ёнига арз билан боражагини бир йўла гапирди. Бу хабарини эшитган Заврак юракдан куйиб кетди. У кейинги пайтда бошқа ошнасиникида ётиб юрарди. У бирон гап ҳам айттолмади. У бир нимадан кўркса ёки таъсирланиб

кетса, гапиролмай ғўлдираб қоларди. Меъмор Заврақдан корфармо Аҳмад Чалабийга ҳам бу гапни маълум қилишини, ўзининг бунда келолмаслигини, эвини топса, Аркка кириб чиқажагини айтди, кеча хумдондан келтирилган оби гиштларга ҳам қайрилиб қарамади. У одатда гиштлардан бирини қўлга олиб, у ёқ-бу ёвига қарар, чертиб ҳам-кўрар, «ганчни эҳтиёт қилиб, оз-оз қоринг», — дер эди. Бу гаплар ҳам йўқ. «Ра-воққа гишт қўйилаётгани сабабли ганчнинг миқдори ҳокка нисбатан оширилсин», — деб кўрсатма ҳам берарди. Бу гаплар ҳам йўқ. Фақат «Ғаввос Муҳаммадга айтинг, кошинларни олиб келиш пайти етди. Кулол Абутолиб билан Васиятиддинларга ложувард хоки, кўрғошин, гилвата, луҳ етказиб бермоқлик керак», деди. «Ҳамма айтганларингизни қиламиз, устод», — деди Заврақ Нишопурий. Меъмор бу ерда кўп турмай, устод Қавом ҳовлисига йўл олди.

Нажмиддин Бухорий олтмиш ёшлардан ошган, паст бўйли, елкалари кенг, серҳаракат одам. Тақа мўйлаб ва иягини қоплаган катта қўнғир соқоли япаски даҳанининг кенглиги юзини кулчага ўхшатиб кўрсатарди. Устод Қавом бунинг акси — чўкки соқол, иягининг торлиги, бошининг катталиги, қирра бурун ва новчаллиги билан икки кекса меъмор бир-бирига ўхшамас, уларни сиртдан қараб, дарҳол ажратиб олиш осон эди. Нажмиддин Бухорийнинг чатма қошлари қуюқ, ёноқлари андак мўғулларга ўхшаб бўртиб чиққанига қарамай, асли бухоролик, туркий «юз» уруғидан бўлиб, ёшлигида оз вақт Сариосиёнинг Бойбўри, Суфиён, Токчиён мавзуларида яшаган. Кейинчалик, замонанинг зайли билан Хуросонга келиб қолган. Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўрган, риёзиёт — ҳандаса илмига зехни ўткир, муллаваччалар орасида энг тиришқоқ, баҳс, мутолаани яхши кўриш одати ҳамон, қирқ йил орадан ўтиб кетганига қарамай, ҳозир ҳам ўз кўринишларини намойиш этарди. Баъзан ўз хонасида, қўлда қамиш — қалам, чуқур хаёлга чўмар. Бу пайтда у қалам орқасини бир чеккадан беихтиёр чайнай бошлар; хонтахта устига ёзиғлиқ қоғозлар, ҳандасавий ўлчов ва рақамлар, қора лас билан чизилган бениҳоя кўп лойиҳа чизиқлари, учбурчаклар ту-

рарди... Баъзан у узундан-узоқ ҳандасавий ҳисобларни қоғозга ёзиб қолар, яна ўйчанлик ва қамишқалам орқасини ғажий бошларди. Унинг чизғичу паргар ва бошқа асбоблари кўп йиллардан буён тутилар, аммо қамиш-қалам чидамас, тез-тез бозордан ўн-ўн бешта-лаб олиб келиб қўйиларди. Баъзан у кун бўйи хонасидан чиқмай тахта қоғоздаги чизиқлар устида ўйлар, чизмаларнинг кам-кўстини тузатиш билан кунни кеч қиларди. Бундоқ пайтларда унинг ёнига на Бадиа ва на Низомиддин кира олади, фақат зехни ўткир Зулфиқор билан Заврак бир нимани баҳона қилиб кириб, ёнида қолиб кетишарди. Олиб кирилган чой ҳам совиб қолар, аллақандай ўлчовлар — учбурчаклар хаёлини тортиб кетарди. Қоғоз устидаги рақамлар одам қиёфасига кириб, улар билан гаплашар, тахта қоғоз устида уларни юргазар, кўпайтирар ва баъзи рақамлар устидан чизиқ тортиб ташлар эди.

Шундоқ илму амалиёт билан кунлари ўтиб турган Меъмор бошига улкан ташвиш тушиб, ўғлининг ҳибс этилиши ҳаммасини бир томонга улоқтириб ташлади. У қоғоздаги валат чизиқларни эмас, унинг ўзини қандайдир бир куч «валат» ҳисоблаб, ўчириб ташлаётгандай бўларди.

Меъмор кўча четидан шошилиб борарди. Ҳеч қачон унинг ҳовлиққанини кўрмаган кишилар бунчалик ошиқиб бораётганидан таажжубланишар, бир лаҳза тўхтаб, унга боқишарди. Лекин устод буни сезмас, ҳеч кимга қарамай, якин дўстиникига ошиқар эди. У тезроқ етиб бориш мақсадида тўғри бозорни кесиб ўтди. Эрта биланоқ бозор гавжум — Самарқанддаги катта бозорга ўхшатиб, Ҳиротда ҳам Бозори малик барпо этилган эди. Самарқанддаги улкан бозорнинг бир бошидан кириб иккинчи бошидан чиқиб бўлмайди. Уни яхшилаб айланиб чиқмоқ учун кишига бир неча кун керак бўлади. Пишиқ фиштан кўркам қилиб ишланган дўконлар олдида харидору дам олувчилар учун оқ мармар тошлардан курсилар қўйилган. Ошхона ва чойхоналар харидорларга мунтазам хизмат қилиб турарди. Дўконлар икки қаватли бўлиб, уларнинг тепаси бутун кўча юза гумбаз қилиб қопланган, ёруғлик тушиб туриши учун гумбаз саҳнида деразасимон пан-

жарали туйнуклар кўйилган. Бозор ичи шунчалик озода ва кўркамки, тоғдан йўндириб келиниб ётқизилган тошлар кўчаю бозор сахнини лой-чангдан асрар, пишган гиштан ишланган ариқлар ҳар қанча сувларни махсус қувурлар орқали ўтказиб турарди. Шунинг учун ҳам бозорга келган кишининг кавушига заррача бўлса ҳам гард юкмасди... Тоқилар остидаги дўконларнинг тоқчаларига уюлган ҳарир моллар, турлитуман рангдаги шойи, атлас, ҳаво ранг бахмал, зарбоф кимхоб ва бошқа ранго-ранг базозлик моллари бу ерга келганларнинг кўзини ўйнатади... Бозордан дунёдаги энг асл, камёб моллардан тортиб, истаган ҳамма нарсани харид қилиш мумкин эди...

Меъмор Бухорий билан устод Қавом учрашуви ғайри одатий бўлди; Худододбек дарвоза олдида Меъморни кўриши билан дарҳол ўнг қўли кўксига салом бериб, ичкарига таклиф этди. Отасининг қадрони, Ҳиротнинг мўътабар зотларидан бири, Бадианинг отасини ўз эшигида кўриш ринд табиатли йигитни додиратиб қўйди. У «мўътабар зот»ни бошлаб, меҳмонхонага олиб керди. Меъмор кенг ва кўркам хонага кириши билан андек ўзини қўлга олиб, фотиҳадан сўнг, Худододбекка мурожаат этди:

— Бевақт келганим учун узр. Муҳим бир иш устод билан гаплашишни тақозо қилди...

— Ҳечкиси йўқ. Мен ҳозир отамни чақириб чиқаман, — у дик этиб ўрнидан туриб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

Бир муддатдан сўнг сарпойчан, елкасига чопон ташлаб олган устод Қавом қўлида тасбех, меҳмонхонага ҳайратомуз кириб, меъмор Бухорий билан қўл сиқишиб омонлашди. Меҳмонни юқорига ўтказиб, дарҳол ўғлига дастурхон ёзишни буюрди. Худододбек яна илдамлик билан қайтиб чиқиб кетди. Фотиҳадан сўнг, устод Қавом дўстига бокди.

— Хуш келибсиз! — ҳамкасб ошнасининг бевақт келгани уни ўйлатиб турарди.

— Хушвақт бўлинг, — деди меъмор Бухорий андухли бир чехра билан уҳ тортиб. Бу енгилгина уҳ тортиш остида жуда ҳам оғир бир алам борлигини устод Қавом дарҳол сезди. Мадраса қурилишида бир

ишқаллик чиқдимикан, деб хаёл қилди у. Ёки маблар сарфланиб бўлдимикан? Муҳандиснинг хатоси баъзан «гулдаста» билан равоқ оралиғида сезилиб қоларди. Пойдевор ғалат қўйилганмикан?.. Устод Қавом хаёлидан бир лаҳзада қанча гаплар ўтди. У кадрдон ошнаси, Мусалло ва бошқа иншоотлар қурилишида ўзининг билимдон, донолиги ва ғоятда самимийлиги билан унга кўмаклашган, хизмату эътибори, билими жиҳатидан баробар бўлишига қарамай, доимо ошнасини улуғлаб келган, асли бухоролик дўстига қўлидан келган ҳамма ёрдамни кўрсатишга ҳозир турар эди. Нажмиддин Бухорий бир зумлик сукутдан кейин бош кўтарди:

— Устод! Бошимга кулфат тушди. Тунда ўғлим Низомиддинни Ихтиёриддин қалъасига олиб кетдилар...

— Нечун? — устод ҳайратланиб сўради. — Ихтиёриддинга, дедингизми?! — бу саволни берди-ю, яна ўзи бирдан жим бўлиб қолди. Ҳуруфия тўдасига мансуб бўлган Аҳмад Лур подшога суиқасд қилган, ҳуруфийларни тутиб, Ихтиёриддинга ҳибс этилаётгани устодга маълум эди. Демак, Низомиддин бу «ниҳоятда хавfli тўда»га мансуб, улуғ ҳазрат жонига қасд қилганлар орасида бор... Иккиламчи, сарбадорлардан кўра ҳам, ҳозирги пайтда хавfli бўлган ҳуруфийлар подшоҳ салтанатининг ичидаги асосий душмани ҳисобланарди.

— Сабаби менга қоронғу... — деди Нажмиддин Бухорий дўстининг юзларига тикилиб. У дўстидан қандайдир нажот сўрагандек бўларди. Устод Қавомнинг бир оғиз сўзини Бойсунқур Мирзо ҳеч қачон ерда қолдирмаслигини биларди.

— Ёмон иш бўлибди, — деди устод Қавом масалага бир қадар тушуниб. У бухоролик ошнасининг отаси Хурдаки Бухорийларга алоқадор бўлиб, боши кетганини ҳам эшитган эди. Шундай мўътабар зотнинг фарзанди ҳам салтанатга қарши бўлгани, нобақор чиққанига афсусланди. «Нима етмайди? Шундок баобрў Меъморнинг фарзанди, ҳамма нарса етарлик бўлса. Бу ҳуруфийлар йўқолиб-йиғиб кетган сарбадорларнинг илдизларидир, бадкирдорликка ўтиб, ёмон

ишларга ружу қилмоқдалар», деди ичида ўзига ўзи устод Қавом. Кейин у бир лаҳзалик жимликдан сўнг дўстига қаради: — Устод! Худонинг ўзи мушкулини осон қилсин! Мушкули осон бўлса, ўглингиз тез кунда озод бўлиб чиқади...

— Бир англашилмовчилик бўлганга ўхшайди, — деди Меъмор Бухорий ич-ичидан куйиб. — Нима гуноҳ қилибди-ки, уни Ихтиёриддинга олиб кетадилар! Ахир бу ерга салтанат душманлари, бадтарин кимсалар, ғоятда хавfli шахслар ташланар эди-ку! Бошим қотиб қолди.

— Худога ёлворинг, Меъмор, худо нажот берса ҳеч гап эмас, ўглингиз қутулиб чиқади. Тафтиш қилишар, агар англашлмовчилик содир бўлган чорда, уни дархол бўшатиб юборадилар. Бундай воқеалар бўлган, эшитганман. Ҳа, худога ёлворинг, оллодан ўзга панохимиз йўқ.

— Мирзо билан гаплашиб, агар гуноҳи бўлса сўраб олиб берурсизми, деб келган эдим.

— Мумкин. Аммо бизга ҳали Низомиддиннинг айби нима эканлиги номаълум-ку? Ёки сиз жанобга маълумми?

— Билмаймен.

— Бирон шубҳангиз борми?

— Йўқ, устод. Ҳеч нарсадан шубҳам йўқ.

— Унда сабр қилмоқ даркор. Фақат сабр!

Шу дам Худододбек хонага дастурхон олиб кирди. У чўкка тушиб ўтириб, меҳмонга ва отасига хушбўй хинд чойи узатди. Устод Қавом нон ушатиб, дўстига марҳамат қилиб, дастурхондаги ширинликлардан олишга таклиф қилди. Меъморда иштаҳа йўқ эди; у пиёладаги чойдан хўплаб, унинг кўмагини сўрагандек устодга тикилди. Устод Қавом бўлса, бу ишнинг таги ёмонлигини, ҳатто амирзода Иброҳим Султоннинг Ҳиротда қаттиқ алғов-далғов қилаётгани, салтанат душманлари ёки бу ишда шубҳаланилган кимсаларга нисбатан қаттиқ жазо берилаётганини биларди. Қаҳри қаттиқ бу амирзода аҳли нафосатни унча хуш кўрмаслиги, унинг наздида салтанатни беобрў қиладиган гаплар шу фузаларою шуародан чиқажагини билиб, баъзида укаси Бойсункур

Мирзога ҳам кулоқ солмасди. Бобом Мағриб билан Машрикни, Ҳинду Чинни шамширу маърифат ила мусаххар қилгон, дерди у.

Амирзоданинг феъли устод Қавомга маълум. Шу лаҳза устод юрагига ғулғула тушиб, ўрнидан турди-да, ўғлини ташқарига чақириб кулоғига оҳиста шивирлади: «Кўчага чиқиб, у ёқ-бу ёқларга кўз ташла, Меъмор жаноблари изидан айғоқчи тушмаганмикан? Тунда Бухорийнинг ўғлини тутиб олиб кетибдилар. Агар унинг орқасидан айғоқчилар кўйилган бўлса, бизнинг ҳовлига келгани шубҳага сабаб бўлади...» Худододбек ташқарига чиқди. Хона ичига қайтиб кирган устод Қавом Нажмиддин Бухорийни яна дастурхонга таклиф қилди-да, чой узатди. Унга «Фақат худога ёлворинг, сабр қилинг...»дан бўлак гапи бўлмагач ва озгина чўчиётганини сезгач, Меъмор ортик бунда турмай, ўрнидан кўзғалди.

Устод Қавом ҳам шуни истаб турган эди.

— У ёқ-бу ёққа қарадингизми? — деди у олазарақ бўлиб, — бу ёққа келишда мабодо орқангизда айғоқчи бўлмадимикан? Ҳозир «сув илонлар» кўпайиб кетган...

— Устод, мен шу нарсага эътибор бермабмен. Сувга тушган одам сувдан сесканмайди. Айғоқчи кўядиларми, кўймадиларми, менга бари бир, — деди Меъмор даҳлизда кавушини кия туриб.

У дўсти билан хайрлашиб кўчага чиқди. Устод Қавом ошнаси кетидан ташқарига чиқмай, ҳовлида қолди. Ўзини одамларга кўрсатгиси келмади. Йўлда кетаётган Бухорий: «Мен-ку алам сувига тушган кимсамен, ҳеч нарсадан кўркмаймен, ошнам нега кўрқар экан? Тавба, — деди ўзига ўзи. — Бировнинг дарди билан бировнинг не иши бор? Нарироқ борганида Худододбек билан ҳам қамти келиб қолди, бек у ёқ-бу ёққа аланглаб, одамларга қараб юарди. Нажмиддин Бухорий унинг нима қилиб юрганини пайқади. У харсангтош ётқизилган айланма кўчалардан борар экан, кўнглида бир нидо бор эди: «Менинг тинчгина ишлашимга имконият бермаётирлар! Мен ишламоқчимен! Мен Хуросонга кўрк бўладиган яна бир мадраса куриб бермоқчимен. Унда хуросонликларнинг

фарзандлари илм олади. Мен бу бинони абадул-абад турадиган қилиб қурмоқчимен. Менга на ақчаю на инъом керак! Мен уни райят учун қурмоқдамен. Нахотки менга тинчлик бермасалар?! Ахир асиру қулларга ҳам ишлаш имконияти берадилар-у, нечун менга йўк! Эй, тангрим, ёлғиз ўзингга сиғинаман; меҳнат қилмоғим учун тинчлигу ҳаловат бер! Фарзандимни бағримга қайтар, алам оташида бағримни ёндирма! Дўстга хор, номардга муҳтож қилма мени!».

Ш 6 0 6

ТАЪҚИБ

Меъмор тор кўчалардан ўтиб, Пули Молонга чиқди: Ҳерирўд дарёси устига қурилган бу баланд гиштин кўприк устида бир нафас тўхтаб, Арк томонга тикилди. Баландликдаги Ихтиёриддин қалъасининг баҳайбат деворлари унга дарғазаб тикилади. Пастликда буралиб оқаётган Ҳерирўднинг нариги томонидаги миноралар, қалъаю арк атрофидаги асалари индек бир-бирига тутшиб кетган томлар, айланма тор кўчалар меъмор Бухорий кўзига хомуш ва ғамгин кўринар, улар шунчаки бир суратга ўхшар эди. Бутун Хирот Меъмордан юз ўгиргандек.

Машҳад йўлида қовоғини солиб турган Ихтиёриддин қалъасида фарзанди Низомиддин қўл-оёқларига кишан урилиб, зах ерда ётибди. Аркнинг кун чиқиш томонида Жоме масжид бўлиб, бу томон эрталабдан бошлаб гавжум. Ундан нарида Бозори Қандаҳор ва Бозори Малик. Ундан нарида Инжил ариғи. Кўприкда Меъмор хаёлга толди. Устод Қавом билан учрашувининг юрагидаги аламни яна ҳам кучайтирди. У ўғлининг ҳибсга олинуви «англашилмовчилик» эмас, у жойга оғир жиноятчи, «салтанат душмани тушиши»ни айтиб, юрагини сиқди. Нахотки, унинг Низомиддини салтанат душмани? Йўк, бундай бўлиши мумкин эмас! Низомиддин нега салтанатга душман бўларкан?! У ҳали бўз йигит, сарой олдида катта обрўга эга бўлган Меъморнинг фарзанди. У, ахир, Фарғона

жангида қатнашиб, Улуғбек Мирзо инъомига сазовор бўлган-ку! Нега у подшоҳга душман бўларкан?! Бу ҳеч ақлга сирмайди! Йўқ, бундай эмас! Менинг зотимда жиноятчилар йўқ! Қавом жанобларининг шубҳаланишлари ноўрин!

Меъмор Пули Молон устида девонасифат, у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Ҳозирок, тўппа-тўғри Иброҳим Султон ёнига борсамми? Ёки ундан олдин Бойсунқур Мирзо ёнига борсаммикан? Бойсунқур Мирзо меъмор Бухорийни хурмат қилади. Ахир у қанча яхши гаплар айтган. Ҳатто Мирзонинг бунчалик эътиқодини сезган устод Қавом унга бир қадар рашк қиларди. У тўппа-тўғри Бойсунқур Мирзо ёнига бориб, юрагидаги ҳамма гапларини айтиб, йиғлаб, ёлвориб, агар ўгли гуноҳор бўлса, бир сафар гуноҳидан ўтиб, озод этишларини сўрасаммикан? Умр бўйи салтанатга хизмат қилди, қолган умрини ўнта жони бўлса, ҳаммасини Мирзо ҳазратларига бағишляяжгини айтсаммикан? У ўйлаб қолди. Пули Молондан ўтиб кетиш Саланг тоғидаги «Мори марғ», яъни Ажал йўлидан ҳам оғир бўлди. Мен изтиробдамен, қалбимни алам эзмокда, дерди у ўзига ўзи. Унинг хаёлидан Арастунинг гапи ўтди: «Бизнинг кулмаган кунимиз — яшамаган кунимиздир...» — Мен — йиғлаётимен. Демак, мен яшамаётимен. Бундан чиқди, мен ўлганмен. Мен ўлган одамману, лекин қимирлаб юрибмен. Мен соямен. Ҳа, ҳозир менинг фақат соям қолган...

Меъмор бир муддатдан кейин Пули Молондан ўтиб, пастликка туша бошлади. Арк томонга бориб, амирзодалар ёнига киришга юраги дов бермади. Унинг қуловига юракни эркаловчи аллақандай бир куй эшитилди. Бу созу куй ва дилрабо овоз унга таниш... Бу куй уни ўзига чорлагандек ҳам бўлди. Куй иккинчи кадрдон дўсти Хўжа Юсуф Андугонийнинг ҳовлисида эшитилар эди. У ўша ёққа юрди. Бутун Хуросону Мовароуннахрга донги кетган бу бастакор камтару хушфёъллиги билан машҳур. Мирзолар уни «бастакори замон», авом бўлса, «олтин соз» деб атарди. «Базми Жамшид» Андугонийсиз ўтмас, «базми Жамшид» эмас, «базми Андугоний» дейиларди ва ёки Андуго-

ний бўлмаган базм — «базми Жамшид» деб аталмасди.

Пули Молондан ўтиб, тор кўчаларга кириб кетган Меъмор тўғри Андугоний ҳовлисига юрди. Ҳарқалай, бу ишда унга устод Андугоний кўмак бермоғидан умидвор эди. Меъмор ножу — игна баргли дарахтлари соясидан кета бошлади. Эрта билан у иккинчи ошнасининг эшигини тақиллатди. Ичкари кириб ўтирмай, дўстига нима боисдан келганини айтди. У, айвонга ўтириб, фотиҳа ўқиди-ю тезда қаёққадир бориши лозимлигини айтиб, дастурхон ёзмаслигини таъкидлади. Унинг хуши ўзида эмаслигини, қандайдир дарди борлигини сезиб, бастакор Меъморга тикилиб ўтирар эди. У Ҳиротнинг энг эътиборли кишиларидан бири ни бу аҳволда кўриб, ғоятда ачинди.

— Фарзандларимиз мана шундоқ! — деди аввалига айбни ёшларга қўйиб. Чунки унинг ҳам бир ўғли узоқ йили жанжалга аралашиб вафот этган саркарда амир Бирандиқнинг неварасини қилич билан чошиб ташлаган эди. Бу воқеа Юсуф Андугонийга қанча ташвиш солиб, ўртага Бойсунқур Мирзо тушиб, ўғлини зўрға жаллод қўлидан ажратиб олиб қолган. — Бизлар мисқоллаб обрў топамиз, ўғилларимиз ботмонлаб бу обрўни тўкадилар! Мамлакат осойишта. Ҳозирги пайтда жангу жадал, юриш-суриш йўқ. Бу болаларимиз тинчгина юрсалар нима қиларкан-а? Фарзандларимиз иши падарини андухга солиб, юртни нотинч қилиш, шайтон васвасасига солиш бўлиб қолмоқда. Устод, ўғлингиз нима иш қилибдики, уни Ихтиёриддинга қамабдилар?

— Бу томони менга қоронғу, азизим.

— Подшоҳ ҳазратларига суиқасд қилишда айбланганлардан бир неча киши тутилган, деган гапни эшитдим. Бу ишга алоқаси йўқмикан?

— Билмадим.

— Алоқаси бўлса, сиз билан бизнинг бошимизга ҳам Амир Қосим Анварнинг куну тушади. Аҳмад Лур ўша аснодаёқ ўлдирилган. Аммо унинг тўдаси борлиги, улар хуруфийлар — Фазлуллоҳ Астрободий муридлари, демокдалар. Мен бу гапни амирзоданинг ўз оғизларидан эшитдим. Ҳарқалай, онҳазрат омон қол-

ганлар, жароҳатлари тузалаётир... Низомиддиннинг хуруфийларга алоқаси йўқмикан?

— Билмадим.

— Агар бу ишга алоқадор бўлса, жуда дахшат. Ўртага тушмоқлик гоятда мушкул бўлади.

— Тавба! Не кун бошимга тушди, — Меъмор ох тортиб, бошини кафтларига қўйди. Бир лаҳза ўғлини эслади. Ўғлининг тилидан «Аҳмад Лур» деган номни эшитгани ёдига тушди. Аҳмад Лурнинг уйида нота-ниш йигитлар бўлгани, Низомиддин қурол-яроғларини шунчаки ишқибозлик учун тақиб юрмаслигини, бунинг тагида бир гап борлигини пайқади. Ўғли наинки Аҳмад Лурни, ҳатто Фазлуллоҳ, Ҳорун бўзчиларни ҳам тилга олар эди. Ўғлини қўлга тушганлардан кимдир сотиб қўйганини пайқади. «Ҳа, бу «англашилмовчилик» эмасга ўхшайди». Меъморнинг юраги орқасига тортиб кетди. У жаҳаннамий бир жар ёқасига келиб қолгандек чўчиб, бош кўтарди. — Азизим, нима маслаҳат берасиз?

— Аввал гуноҳини аниқ билайлик. Сўнгра Мирзонинг ёнларига бориб, гуноҳини сўраймиз. Ҳозир саройнинг айни дарғазаб чоғи — Ҳазрат жароҳатли ётибдилар. У зот соғайсалар, бу иш ҳам андек совийди. Тўғри бўлмайдиган иш йўқ.

— Саломат бўлинг.

— Подшоҳнинг хасталиги сабабли мамлакатда тўю маърака, базмлар тўхтатилган. Хонандалар сукутда, сеторлар филофда, — деди Андугоний.

Бир муддатдан сўнг Меъмор дўсти билан хайр-хўшлашиб чиқиб кетди. У тўғри уйига қайтиб келди-да, бор гапни қизи Бадиа билан хотини Маъсума бекага айтиб, ўрнига чўзилди.

Кун жуда оғир ўтарди.

Эртасига Меъмор нажот тилаб Бойсунқур Мирзо ёнига боришдан фойда йўқлигини билиб, ўрнида ётаверди. Ҳеч ерга тентираб бормади. Кечга яқин шогирди Заврак Нишопурий келиб, қурилишдаги аҳволни айтиб, кейин ўз хужрасига кириб кетди. Унинг гаплари Меъморнинг қулоғига кирмади ҳам. Индинига ҳам устод ҳовлидан ташқарига чиқмади. Бу куни ҳам ишнинг бориши хусусида гапиргани кирган Зав-

рак, Маъсума бекадан ҳамма гапни муфассал билиб, устоднинг аҳволига ачинди. Шу куни у дўсти Зулфиқор Шошийга нома ёзишга тутинди. Биринчи нома Ҳиротдан Бухорога қайтиб кетаётган карвон орқали бериб юборилган эди. Номада асосан устоднинг сихат-саломатлиги, ўз аҳволи ҳамда исмини очиқ зикр этиб бўлмайдиган бир киши ҳақида ҳам гап кетарди. Зулфиқор устоднинг қизини ниҳоятда яхши кўриб қолганини дўстига айтиб қўйган эди. У қалбидаги ҳамма гапларини Заврак Нишопурийдан яширмасди. Бу гапни ҳам сир тутолмай айтган ва шу куни олам-олам қувонган эди.

Шу бўйи бир ҳафта Меъмор уйдан чикмади. У кўрпа-тўшак қилиб, хаста кишидай ётиб олди. Мадраса қурилишида бораётган ишлар ҳақида фақат содиқ шогирди Завракдан эшитиб турарди, холос. Меъмор шогирди билан гаплашиб ўтирган пайтларидан бирида, Зулфиқор Шошийни Ҳиротдан жўнатиб юборганига, унга нисбатан адолатсизлик қилганига афсусланди. Заврак унга далда берар, худо хоҳласа, Низомиддин чиқиб келишига умид бағишлар эди. Чол хўрсинар, ўғлим билан юз кўришсак не бахт бўлади, деб изтироб чекарди. Авваллари ўзини олиб қочадиган, ҳамма билан гаплашавермайдиган Бадиа анча сўлган, ахён-ахёнда Заврак билан сўрашар, мабодо бирон иши бўлса уни отаси ёнига бошлаб кирар эди. Ундан ҳамма нарсани сўрарди, аммо юрагида доимо ёниб турадиган бир ном — «Зулфиқор» тўғрисида бирон нима сўрашга ботина олмас, унинг кадрдон дўсти Зулфиқордан нома олганини эшитган эди. Зулфиқор Бадиадан анча узоқлашиб кетса, ёруғ юлдуздек шунча ярқираб кўрина бошлади. У юрагининг бир ерида ловиллаб ёниб турарди-ю, Завракдан уни сўрашга асло ботина олмасди.

Заврак кўрпа-тўшак қилиб ётган Устодга Балхдаги Хўжа Муҳаммад мадрасаси таъмир қилинаётгани, унга Бойсункур Мирзо катта маблағ ажратганини, бу ишга устод Қавом бел боғлаб, Балхга жўнаганини айтди.

— Ҳа, амирзоданинг бир қўллариди гул, бир қўллариди ханжар, — деди Меъмор ғазабнок. — Тушун-

майман, асло тушунмайман! Ўзи нима ишлар бўлаётибди? Ёки қиёмат яқинлашган сари шундоқ бўлармикан; гулзору вайрона, ханжару андава, захару асал, ҳақу ноҳақлик ёнма-ён турибди. Мен бундоқ гапларни айтишга ҳаққим йўқ, мен салтанатдан ёмонлик кўрган эмасман, лекин ўғлим Низомиддин туфайли дилим ўртанмоқда! Турли носазо гаплар чиқмоқда. Э, худо, тавба қилдим! Осий бандангни ўзинг кечир!

Иккинчи ҳафтага ўтгач, Меъмор уйда ортик ётавермай, Бойсункур Мирзо ёнига нажоту паноҳ тилаб борди. Мирзо Меъморга таассуф билдириб, ўглининг подшоҳга суиқасдда иштироки борлигини, «ёмон одамлар»га қўшилиб қолганини, жинояти ғоятда оғир эканлигини маълум қилди. Тафтиш ва сўроқ вақтида, у ўзининг ҳуруфия тўдаси ичида бўлганию, агар Аҳмад Лур бу ишни қилолмаганида, Азд ёки Ҳорун деган киши подшоҳга қасд қилишга тайёр турганини, бордию бу ишни Ҳорун қилолмаганида ўзи бажаражагини ҳам айтибди... Ҳорун деган кимса қидирилаётган эмиш... Меъмор бу гапни эшитиб бошидан ҳуши учиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Сув сепиб, уни ўзига келтиришгандан сўнг, амирзода унга, бу оғир жинояти учун ўғли жавоб беражагини, Меъморнинг бунга дахли йўқлигини айтди. Бу ишлар бир ёқлик бўлиб кетгандан кейин Меъморнинг яна обрўсини тиклаб қўяжаги, тезда жароҳат битиб, тузалиб чиққан отасидан Меъморга нисбатан душман назарида қарамаслик, аввалгидек ўз хизматида барқарор туришини ваъда берди. Мирзонинг ҳамма гапларини сукут билан тинглаб турган Меъмор у билан совуққина хайрлашиб, чиқиб кетди.

Бу гапни эшитиб Бадиа ҳам бир сесканиб тушди. Оғасининг ўша Ҳорунбек каби қочиб қолмаганига ачинди. Унинг хаёлига жангари ва ўз жонидан кечиб бўлса ҳам истибдодга қарши курашаётган ҳуруфийларнинг барчасини тутиб кетмагандирлар, қолганлари не сабабдан ўз дўстларини қутқариб олиш учун ҳаракат қилмас эканлар, деган гап келди. Уларнинг бир-бирига садоқати ҳали шуми? Ёки ҳамма йигитларни тутиб кетишдимикан? Нахотки қолган-қутганлари бўлмаса?

Бундан ташқари, Ихтиёридин қалъасини ўттизга яқин сипоҳилар қўриқлайди. Зиндонбонлар шалвираган одамлар, улар шоп мўйлабини бураб, маҳбусларга олиб келинган хўракка шерик бўлиб ўтиришади, дейишган эди. Нахотки ўн чоғлиқ азамат йигит шамшир билан қалъага бостириб киролмайди?! Йигитлар қўрқок бўлиб қолдими? Хуруфийлар учун жон ширинми? Мавлоно Насимийнинг терисини шилишганда ҳам эътиқодидан қайтмаган эди-ку! Ҳа, номардлар! Худододбекнинг қўлидан бу иш келмайдими? Агар Зулфиқор бунда бўлганда, албатта қўлига қилич оларди!

Жума куни эрта билан Бадиа онаси тайёрлаб берган хўракни сопол тобоққа солиб, дастурхон билан бошига қўйди. Саватдаги офтобда қотирилган нон, катлама, туршакни Заврак Нишопурий кўтариб, Ихтиёридин қалъасига жўнашди. Бадиа узун кўйлаги устидан нимча кийиб, бошига онасининг кенг, қорамтир рўмолини ўраб олди. Унинг фақат икки кўзию чизиб қўйилгандек қалдирғоч қошларини кўриш мумкин эди. Оғзи, бурнининг ярмигача рўмоли билан беркитиб юрарди. У ўз гўзаллигини тамоман яширган эди. Уч-тўрт қадамча орқада келаётган Завракка хар замон-хар замонда гап қотиб қўярди-ю, асосан ҳали шундоқ кунда ҳол сўрамай жим бўлиб кетган Худододбек ва қоронғи зиндонда ўтирган акаси Низомиддинда эди. Отаси номусга қолмай деб, қаҳри қаттиқлик қилиб, бундан жўнатиб юборган Зулфиқор ҳам унинг кўз олдида турарди.

Ҳаво иссиқ.

Машҳад йўли жимжит. Ҳар замонда от-уловли киши ўтиб қоларди. Узоқда қорайиб турган Ихтиёридин қалъаси юракка қўрқув соларди. Улар қалъа дарвозаси ёнига етиб келиб, зиндонбонларга йўлиқишди.

— Нима олиб келдинг? — шоп мўйлабли зиндонбон одатдагидек дағал савол берди.

— Нон, катлама, туршак... — жавоб қилди Бадиа.

— Отанг ҳибс этилганми?

— Оғам.

— Бу ким? — зиндонбон Завракка ишора қилди.

— У ҳам оғам.

— Оғанг кўп экан?

— Ҳа.

— Эрга текканмисен?

Бадиа миқ этмади. Ғазабланди. Зиндонбонлар маҳбуслар хонадонидан келган кишиларга шундоқ дағаллик қилишлари одатий тусга кириб қолган эди.

Бу савол-жавобга қулоқ солиб, Бадиага тикилиб турган бошқа зиндонбон ошнасига дўқ урди:

— Ёш қиз экан, сен унга нега дағдаға қиласен! — у сипохи йигит Бадиага яқинроқ келиб тикилди-да, яна шоп мўйлабликка қаради: — Сен уни сўроқ қилма! Унинг оғаси зиндонда, бағри ёнади... Қани, менга айт-чи, оғангнинг исми нима?

— Низомиддин.

— Ҳа, тушундим, — афсусланиб бош чайқади ёш зиндонбон. — Нажмиддин Бухорий жанобларининг ўғиллари, юзида холи бор йигит...

— Худди шундай! — деди ёш зиндонбонга жавдираб Бадиа.

— Сен яхши қиз экансен. Ичкарига олиб кирсам, оғангни кўрасанми?

— Кўраман! — деди Бадиа кўзларига ёш олиб, — сизни ўла-ўлгунча дуо қиламан. Доимо худо сизга ёр бўлсин... — Бадиа боя уйда, агар оғасига жиндек ёрдам беришнинг иложи бўлса, деб олтин билагузукларини тақиб кетган эди. У оппоқ билакларидан чиқариб, қўлларига, очилган юзларига тикилиб турган зиндонбонга узатди, — буларни олинг. Сизга.

— Оғанг Низомиддинни кўрганингдан кейин оламан. Қўлингда турсин. Қани, емишларни кўтариб, менинг орқамдан юр! Сен, ҳей ясовул, бунда тур! Яна одамлар келиб қолиши мумкин.

Йигитнинг буйруқ беришидан, у зиндонбонларнинг бошлиғига ўхшарди. Шоп мўйлабли ҳам унга итоат қилиб, ташқарида қолди. Бадиа Заврак қўлидаги саватни олиб, қайтиб чиққанича бунда пойлаб туришини тайинлаб, зиндонбон орқасидан қалъа ичига кириб кетди.

Бадиа зиндонбон билан қалъанинг қоронғи, баҳайбат дарвозаси йўлагидан ўтиб, чап томондаги хоналарнинг бирига кирди. Ундан ҳам ўтиб, яна бир ай-

вонга, ундан яна бир хонага кириб, зиндонбон орқасидан кетаверди. Унинг юрагига қандайдир бир кўрқув тушди. Аммо у хозироқ бунда занжирбанд қилинган оғаси билан учрашажаги, агар унинг айтадиган бирон сирли гапи бўлса, тезда отасига етказажagini ўйлаб, дадил қадам ташлаб, заҳ қоронғи хоналардан ўта бошлади. Ичкарига киргач, зиндонбон йигит яна бир хужра эшигини очди-да, Бадиага ишора қилди.

— Бу хонага кириб, оғангни кутиб тур!

Бадиа ўша хонага кирди. Хона мадрасалардаги хужрага ўхшаш кичик бўлиб, тепада икки тўйнуқ бор эди. Хона эшиги ҳам қалин арча ёғочларидан ясалган, ҳалқа-занжирлари жуда мустаҳкам. Хонага обиғишт ётқизиблиб, ўртага бир неча бўйра ташланган. Бўйра устида эскигина кўнғир нама тўшалган. Ярим қоронғи хонанинг бир томонида қалин кўрпача, пўстак ва ёстиқ қўйилган. Бадиа ҳамма ёқни кўздан кечиргач, акасининг хозироқ кириб қолишини кутиб, хона ўртасида тикка-тик тураверди. Бир муддатдан кейин эшик гичирлаб очилиб, бояги зиндонбон кириб келди. У белидаги қиличини ечиб, ёқа тугмаларини бўшатди. Ичкарига киргач, хона эшигини яна мустаҳкамлаб ёпиб, занжирини ҳам солиб қўйди. Бадианинг юрагига кўрқув тушди.

— Оғам қанилар? — деди у жонҳолатда.

Кейин у олтин билагузукларини унга узатди. Зиндонбон олтин билагузукларни ола туриб, Бадианинг қўлларидан маҳкам ушлаб, ўзига тортди ва қучоқламоқчи бўлди. Бадиа иккинчи қўлидаги сават билан унинг юзига шундоқ урдик, зиндонбон орқасига тисарилиб, Бадианинг қўлини қўйиб юборди. Олтин билагузук нама тустига тушиб юмалаб кетди.

— Сен ўжарликни қўйиб, гапимга қулоқ солсанг, бир лаҳзага чидасанг... оғангни ёнингга олиб кираман.

— Яқинлашма! — деди Бадиа титраб, нима қилишини билмай. Уни алдаб, ёмон ният билан бу ерга олиб кирганини фаҳмлади. Ўзининг ниҳоятда соддадил эканидан ранжиди.

— Фақат бир лаҳза... — деди зиндонбон Бадиага яқинлашиб. — Бу атрофда ҳеч ким йўқ. Агар сен дод

солсанг ҳам ҳеч ким эшитмайди. Фақат бир лаҳза... Нимадан кўрқасан, мен бўри эмас, одамман. Ҳеч нарса қилмайди, қучоқлайман, холос. Бир дам чидаб турсанг, оғанни ўзингга қўшиб бериб юбораман. Бундан хурсанд бўлиб чиқиб кетасан. Кел, гўзал қиз, гапимга кулоқ сол! Ўжарлик қилиб, қаршилиқ кўрсатишнинг фойдаси йўқ. Бари бир сени ҳозир рижимлаб ташлайман. Ундан кўра ўзинг бағримга кир. Мен сени қийнамайман. Секин... Буни ҳеч ким билмайди... Кела қол! — зиндонбон камарини ечиб дағ-дағ титрарди.

Бадиа хона бурчагига тисарилди. Рўпарасида турган даҳшатли бўридан кўз узмасди. У баркашни ҳам, саватни ҳам ерга ташлади. Нимчаси чўнтагига қўл тикиб, титраб, қоронғи уй бурчагида турарди. Зиндонбон ҳозир ўз ўлжасига ташланишга чорланаётган йўлбарсдек, қонталашган кўзларида хирс, Бадиага тикилиб, секин-аста унга яқинлашиб келарди. Бадиа нимчаси чўнтагидаги кичкина, аммо ниҳоятда ўткир ханжарни суғуриб олди. Туйнукдан тушган нурда ханжар ярқираб кетди. Уй бурчагида турган Бадиага яқинлашиб бораётган зиндонбоннинг кўзи ханжарга тушиб, турган жойида қотиб қолди.

Бадиянинг кўзлари ёнар, титраб турган қўлидаги ўткир ханжар ярқираб эди...

IV б о б

УСТОЗ ВА ШОГИРД

Билик бирла билинур саодат йўли.

Аҳмад Югнакий

Фавқулудда бир кучнинг тазйиқи билан Зулфикор Шоший Ҳиротдан Бухорога қайтиб келган эди. Аслида, унинг бу яқин орада Ҳиротдан кетиш нияти бўлмаган. Қизи билан «ошиқ-маъшук»лиги сабабли Меъмор қаттиқ ранжиб, қутилмаганда уни жўнатиб юборди. Ота-она, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар бағрида бўлмоқ қанчалик яхшилигига қарамай, орадан бир

хафта ўтар-ўтмас Бухорода юраги сиқилиб, «ёлғизлик» азобини торта бошлади. У ўз шахрида зерикар, нима бўлаётганини ўзи ҳам билмас, одамларга кулиб, илтифот қиларди-ю, аммо ичи ёнарди... Табассуму жилмайишлар жонга тегиб, аста-секин тонгги тумандай йўқолиб, хомуш, ковоқ солиб юрадиган кунлар бошланди. Ҳижрон панжалари унинг томоғидан бўга бошлади. Аввалига отаси ўғлимнинг ҳамма ишлари жойида, Ҳиротда тез фурсатда меъмордан яхши таълим олиб келди, энди ўз шахрида ишлайди, деб юрарди. Уста Нусрат ўйланиб қолди; бу боқанинг хаёли жойида эмас, унинг юрагида бир сирру асрор бор...

Зулфиқор бўлса паришон, бир нимасини йўқотиб қўйган кишидек ўзича хаёл суриб, тушларида алахси-рар, кўнглига ҳеч нима сиғмас, сўраганларга ўзининг бетоб эканини айтарди. Ўғлининг меъмор хусусида доимо яхши гаплар айтганини, ҳеч кимдан шикоят қилмаётгани отасининг кўнглини бир оз тинчитган бўлса-да, хаёлпарастлигига ажабланарди. Бу хаёлпарастлик қаёқдан келди? Нега у ўз она юртида паришон? Нега у илгаригидай отаси ёнида ғайрат билан ишга киришмайди? Кафтларига туфлаб замбар кўтариш, хоҳ ганч қориш, ғишт териш ўрнига баъзан холи қолганида уҳ тортади? Нима гап?

Ҳа, унинг хаёли жойида эмас.

Зулфиқорнинг юраги ўртанарди... У баъзан соатларча хаёл сурар, унинг кўз олдида яна ўша Хуросон пойтахти, ниҳоятда буюк — кўкўпар миноралари, қалъаю Арк, Мусаллою қанчалаб мадрасалари, Жоме масжидию Бозори Қандаҳор, Боғи Жаҳонорою Пули Молон, гавжум кўчалари билан Ҳирот шаҳри пайдо бўлди. У ўтган кунларини эслади. Бу шаҳри азимнинг кунчиқар томонида, Херирўд дарёсидан унча узоқ бўлмаган Дорул Ҳуффо маҳалласида унинг усто-зи — кекса меъмор Нажмиддин Бухорий яшайди. Унинг хонадони катта ва ғоятда эътиборли. Ҳиротда Меъморни танимайдиган кимса йўқ. Устоднинг хизматлари буюк — яқинда Бойсунқур Мирзо мадрасаси ҳам битади, бу йирик маърифат масканининг ғиштин деворлари бурчагига, кўзга унча ташланмайдиган жойга: «Амали Нажмиддин Бухорий» деб ёзиб қўйи-

лади. Мадраса биноси асрлардан-асрларга ўтади — устод хотирасини авлодлар фахр билан тилга олади-лар. Бу мадраса ҳам Мусалло каби Хиротга кўрк бўлади. Устод Нажмиддин ҳам мавлоно Лутфий, мавлоно Шарафиддин Али Яздий, мавлоно Давлатшоҳ Самарқандий, Муҳаммад Авфий, устод Қавом, устод Андугоний каби Хуросону Мовароуннахрнинг ўлмас сиймолари бўлиб туради. Меъмор Нажмиддин Бухорий хонадонидо доимо ярқираб турадиган бир юлдуз бор: бу Бадиа...

Зулфиқор хаёлан Хирот кўчаларида чошиб юрарди...

Бундан уч йил муқаддам отаси билан у «Соҳибкирон Амир Темур салтанатининг давомчиси, пойтахтини Самарқанддан Хиротга кўчирган Шохрух Мирзо туғи остига» эмас, «Шаҳри меъморон, муҳандисон, нажжорон, сангтарошон, шоирон...»га келишган эди. Бундан ташқари, отасининг айтишича, бухоролик меъмор Нажмиддин Бухорийни паноҳ тортиб, йўлга чиқарган эди. Бир ойга яқин карвон билан йўл юриб, қанча манзилу мароҳилни тай этиб, «рўйи замин жаннати» — Хиротга кириб келишди. Карвон сарой атрофидаги мусофирхоналардан бирига жойлашиб олишган, янги либослар кийиб Бозори Қандаҳорга боришди — уста Нусрат юз тиллони камари қатига тикиб кўйган эди. Бундан ташқари ҳамёнида, ўғли Зулфиқор белида кўпгина «кебаки», «шоҳруҳия» тангалари ҳам бор эди. Бозорда кўп юрмай, намози жумага етиб бориш учун Жоме масжидга йўл олишди. Мингларча хиротликлар орасида уста Нусрат ҳам ўғли билан ёнма-ён турарди... Намоздан сўнг улар Мирзо мадрасаси қурилишига боришди. Корфармо-уддабурро Аҳмад Чалабийдан меъмор Нажмиддинни сўрашди. У одам устоднинг андак бетоб эканликларини, Дорул Хуффо маҳалласида туришликларини айтиб, ҳамонки Бухородан келибсиз, ҳовлиларига борганингиз маъқул, деди мусофир кишиларга яхшилик қилган бўлиб.

Ота-бола ортиқ қидириб юришмай Нажмиддин Бухорий ҳовлисини топишди. Ҳовлида нимадир иш билан машғул бўлиб юрган Меъмор эшик тақирлаши биланок ўзи келиб очди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! — Меъмор эшикда турган уста Нусрат билан Зулфиқорга тикилди. Бир лаҳзадаёқ уларнинг ота-бола эканини, ўглининг юзлари отасига жуда ўхшашлигини ҳам, нима мақсадда келишганини ҳам тушунди. Аксар ҳолларда фарзандларини шогирдликка оталари бошлаб олиб келишини биларди. Бундан ташқари йигитчанинг бошидаги каллапўшдан унинг хиротлик эмаслигини ҳам сезди.

— Устод, сизни зиёрат қилгани келдик, — деди уста Нусрат.

— Марҳамат, ичкарига киринглар, — деди Нажмиддин Бухорий уларни таклиф қилиб. Сўнг ўзи йўл бошлаб, ҳовлига олиб кирди. Ота-болани ташқари ҳовлидаги меҳмонхонага ўтказиб, фотиҳадан сўнг ўгли Низомиддинга дастурхон келтиришни буюрган эди ўшанда.

— Қалай, саломатмисиз?

— Шукур.

— Биз, Бухороданмиз. Бу — ўғлим Зулфиқор.

— Хуш кўрдик! — деди Нажмиддин Бухорий. У аввалига унча рўйхуш бермай, ҳовлида қилаётган иши чала қолгани учун бемаврид келган меҳмондан дилида унча мамнун бўлмаётган эди, «Бухоро» сўзини эшитиш билан чеҳраси очилиб кетди. — Мен ҳам асли бухороликман. Қалай, Бухоройи шариф обод бўлиб кетгандир?

— Жуда обод, — деди уста Нусрат ҳам очилиб, — янги бинолар тушяпти. Сиз ҳазратнинг асли Бухоройи шарифдан эканлигингизни биламиз. Сизни паноҳ тортиб келдик, устод. Мақсад, мана шу ўғлимни шогирдликка қабул қилсангиз, хизматингизда бўлса. Мен ўзим нажжорман, сангтарошлик ҳам қиламан... Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим. Сиз ҳазратнинг номи-шарифингиз Бухорода машҳурдир. Умидимиз сиз устоддан. — Уста Нусрат ёнидан тилло танга солинган ипак халтачани олиб, Меъмор ёнига қўйди. Меъмор аввал ҳайрон бўлиб, ўйланиб, кейин бухоролик уста Нусратга қаради:

— Ҳа, дарҳақиқат, менга шогирдлар келиб тура-

ди. Шогирдларим бор. Сизнинг фарзандингизни ҳам қабул қиламан. Аммо шартим бор. Мен ақча олмайман, — у хонтахта устидаги халтачани уста Нусратга қайтарди. — Имтиҳон қиламан. Агар фарзандингиз имтиҳондан ўтса, шогирдликка оламан. Йўкса, мендан хафа бўлмайсиз.

Уста Нусрат ялт этиб ўғлига қаради. Бу гап Зулфиқорга ёққани, аввал хомуш ўтирган йигитчанинг чиройи очилиб кетганини кўрган ота, шу лаҳза Меъморга боқди.

— Маъкул, устод.

— Имтиҳон жуда қалтис бўлади, — деди Нажмиддин Бухорий, — мабодо бир шикаст етса, мендан домонгир бўлмайсиз. Мен ҳаммани ҳам шогирдликка ола бермайман. Шогирдларим етарли. Сизлар Бухоройи шарифдан келганлигингиз учун... Аслида ҳозир мен шогирдга мухтож эмасмен.

— Ташаккур, устод! Агар энг баланд минора тепасига гишт қўйсин, десангиз ҳам биз рози.

— Дастурхонга қаранглар, мана бу ширинликлардан олинг. Бухорода шакарпазлар кўп, шундоқми?

— Шундоқ, устод.

— Токи заргарон, токи телпакфурушон, китобфурушон... доимо гавжуму обод бўлса керак?

— Худди шундай, устод.

Ота-бола Меъморнинг вақтини кўп олмай, ундан рухсат сўраб, дастурхонга фотиҳа ўқиб ўринларидан туришди. Меъмор Нажмиддин Бухорий уларни эшиккача кузатиб, фарзандингиз эртага келсин, имтиҳон оламан, деб қўйди. Ота-бола хурсанд бўлиб, карвон саройга қайтиб келиб, ўз хужраларида ўтириб, таом едилар. Ундан сўнг Зулфиқор қалам ва давотини олиб, хандасадан машқ қилди. Магоки Аттори, Масжиди Намозгоҳ, Минораи Калон ва яна бир мадраса лойиҳаси чизилган қоғозни олиб, анча вақтгача отаси билан суҳбатлашиб ўтирди. Ҳазрати Сайфиддин Баҳорвий, Буён Қулижон, Исмоил Сомоний мақбаралари ҳақида баҳслашишди. Морпеч, ангоб, шикофта, пештоқ, равок, «гулчамбар», гумбазлар, морпечга ганчхок қуюқ қилиниши ва унинг хандасавий тузилиши ҳақида, ўлчовлар, мувозанат ҳамда мадрасанинг китиба, қанос,

тимнаувлари¹ тўғрисида гаплашишди. Зулфиқор шу кунни кечгача меъморчиликка оид ҳамма билганларини яна бир-бир хотирлади, ундан сўнг кўчага чиқиб, Аркдан унча нари бўлмаган чала миноралар тагида юрди. Минораю Мусалло кошинлари, гумбазу куббалар ўн тўрт кунлик ой нурида ярқираб, мислсиз бир гўзаллик кашф этган эди. Улар Хуросон пойтахтининг шаъну шавкатини яна ҳам улуғлаб турарди. Ундан сўнг, ҳали битмаган Мирзо мадрасаси атрофида ҳам айланиб юрди. У карвон саройга қайтиб келганида отаси ҳужрада ухлаб ётарди. У ҳам ётиб, ухламоқчи бўлди, аммо эртанги имтиҳон унга уйқу бермади, у яна хаёллар наҳрида оқди. Унинг бошида ҳеч нарса йўқдек, у ҳеч нарсани билмайдигандек туюларди. Мактабда олган билимию отаси билан бирга янги ҳаммом ва тим қурилишида ишлаб, орттирган тажрибаси ва умуман, меъморчилик ишига жуда қизиққани пойтахтга катта обрўга эга бўлган Нажмиддин Бухорийга шогирд тушишга ундади. Меъморчиликни ўрганмоқчи бўлди.

Зулфиқор Шоший тонг отгунча ўйлаб чикди. Унинг рўпарасида ўша машхури замон, аллома меъмор Нажмиддин Бухорий риёзиёт, хандаса, меъморчиликка оид саволлар бериб, тикилиб тургандай бўларди. Зулфиқор бўлса тутилиб, саволларга жавоб беролмай бўғилар, хижолат бўларди. У тонг отишга яқин, чарчаб, ухлаб қолди. Эрта билан отаси ўғлини уйғотиб, нонушта қилишди. Шундан сўнг, Зулфиқор бир неча китобларини қўлтиқлаб, устод ховлисига жўнади. Зулфиқорни устод очик чеҳра билан кутиб олиб, яна ўша хонага таклиф этди, ўзи юкорига чиқиб ўтирдида, рўпарасидаги чиройли йигитга бошдан-оёқ тикилиб, ўтиришга таклиф этди. Зулфиқор чўкка тушди. Китобларини ёнига қўйди. Ҳозир берилажак саволни кутиб турди. Аммо Меъмор хол-аҳвол сўрай бошлади.

— Қалай, отангизнинг кайфиятлари яхшими? Ҳирот ёқдими?

— Отамлардан сизга салом! Ҳирот муаззам ша-

¹ Мадраса пештоқидаги кошин тасвирлар ва дарвоза тепаси.

хар... Отамларнинг кайфиятлари чоғ. У киши бозорга кетдилар...

Меъмор яна бир лаҳза Зулфиқорга тикилди.

— Менга бирор ғазал ўқиб беролмайсизми?

Ҳозир риёзиётдан ёки хандасадан бирон савол кутиб турганида бу гап Зулфиқорни ўйлатиб қўйди.

— Мумкин, устоз, — деди Зулфиқор кулимсираб.

— Ўқинг.

— Ғазал ўқишимни сўраяпсизми, устоз?

— Ҳа.

Бир лаҳзалик сукутдан кейин Зулфиқор айвоннинг ганч деворларидаги ўймакор тоқчаларга қараб, ғазал ўқий бошлади:

Гуфтам: Эй, султони хубон, раҳим кун бар ин ғариб,

Гуфт: дар дунболи дил раҳ гум кунад мискин ғариб.

Гуфтамаш бизгар замоне! Гуфт: маъзурам бидор,

Хонапарварде чи тоб орад ғами чандин ғариб.

.....

— Офарин! — деди кулоқ солиб ўтирган Меъмор, — Ҳофизи Шерозийдан ўқидингиз.

— Шундай, устоз, — деди уялинқираб Зулфиқор, — отамларда «Мунтахаби девони Ҳофиз» бор, мен шу мўътабар китобдан ўқиб, бу ғазални ёд олганман.

— Мана қоғоз, давог... — деди Меъмор, — Ҳофизи Шерозий ва унинг «Мунтахаби девони»ни ёзинг. Мен хатингизни кўрмоқчиман.

— Ҳўб бўлади, — у қоғозга чиройли қилиб ёзди.

— Офарин, — Меъмор Зулфиқорнинг хуснихати-га кўз ташлаб, кейин йигитчанинг юзига қаради, — Шайх Саъдийдан ҳам ёд биларсиз?

— Биламан.

— Туркий ғазаллардан ҳам биласизми?

— Биламан, устод. Туркий забон — она тилим. Биз хонадонимизда туркий сўзлашурмиз. Биз асли Шошданмиз...

— Ўқинг!

— Ҳозир ўқийман, — Зулфиқор яна айвоннинг ганчин деворларидаги шинам тоқчаларга тикилди:

Эй жафочи, тут ғанимат кўркнинг давронини,

Ким, киши топмайдурур бу давр йили поёнини.

Онт ичибсен гўёким аҳди хуснингда бегим,
Килмагайсан бир жароҳатлик кўнгул дармонини.
Бу жамолу юзу кўз ким сенда бордир, англадим,
Ким тан ичра қўймагайсен ҳеч ошиқ жонини.
Ишқ учун ошиқни тангри ярлақаб ҳеч сўрмагай,
Ким яратмиш кўзу қошу ғамзаи фатонини.
Раҳм эмастур улки кўз ёш етти ошиқ оҳидин,
Ғамзанинг тоғина сув бердики, тўккай қонини.
Не кетурдунг десалар махшарда Лутфий дунядин,
Кўргузай бағримдаги новаклар пайконини.

— Бу ғазал «Девони Лутфий»дан.

— Офарин!

— Мавлоно Лутфийнинг устозлари Шаҳобиддин Хиёбонийдир. Мавлоно саройда хизмат қиладурлар ва ҳамда онҳазратнинг лутф-эҳсонларига сазовор бўлмишлар.

— Офарин, офарин! — деди кекса Меъмор Зулфиқорнинг ўйчан, мулоҳазакор кўзларига тикилиб, — айтинг-чи, бўтам, Мусаллони кўрдингизми? Унинг меъмори ким?

— Кўрдим, устод. Мен бу беқиёс уч мадрасани кўриш орзусида эдим. У амали устод Қавомдир.

— Офарин! Сизга руҳсат. Мана, танишиб олдик. Энди кеч, намозгар пайтига етиб келасиз, имтиҳон оламан.

— Хўб бўлади, — Зулфиқор ўрнидан туриб эгилиб, кекса Меъморга таъзим қилиб ҳовлига тушди. Низомиддин уни эшиккача кузатиб қўйди. Ҳовлида рўпара келиб қолган Бадиа «бухоролик йигит»га шундоқ бир қараб қўйди-ю, назар-писанд қилмай ўтиб кетди. Зулфиқор эшик олдида Низомиддин билан хайрлашиб, карвон сарой томон жўнаб кетди. Уни кичик ва қоронғи бир хужрада отаси бетоқатлик билан кутиб ўтирарди. У хужрага кирибоқ ҳамма гапни бир йўла айтди. Устод Нажмиддин Бухорийнинг фақат ғазал ўқитгани отани таажжубга солди. Имтиҳон кечқурун бўлишини ҳам маълум қилди. Уста Нусрат ҳайрон бўлди: «Эҳтимол фурсатлари бўлмагандир, шу сабабли кечқурунга қолдирилган». Зулфиқор яна қўшиб қўйди:

— Мен устод ховлиларида тунаб қолар эканман.

— Маъкул, — деди ота.

Ҳарқалай устод уларнинг кўкрагидан итармай им-

ниҳон билан шогирдликка олмоқчи бўлгани, қаттиққўл ва талабчан экани маълум бўлди. Унинг шогирдлари Бухоро меъморлари ичида эъзозланарди. Меъморчиликнинг Самарқанду Хирот мактаби, наинки Хуросону Мовароуннаҳрда, бу меъморчилик мактаби асосан устод Самарқандий, устод Қавом, устод Нажмиддин Бухорийлардан ташкил топиб, бу усул Лаҳор, Бағдод, Деҳли, Дамашк, бу томони Бухоро, Машҳад, Хивага тарқалиб раванқ топмоқда эди. Мадрасаю миноралар, кўпригу ҳаммомлар тез суръат билан қулай ҳамда кўркли қурилаётган бир пайт эди. Шу сабабли ҳам мулкдор кимсалар ва ёки беку амирлар ўз болаларини мутаассиб қори қилишдан кўра кўпроқ ҳарбий киши қилиш мақсадида Самарқандда Амир Сулаймон Хаш ёки Амир Бирандиқ тузган ҳарбий мактабга берардилар, баъзилар авом ичида ниҳоятда обрўли ном ҳисобланган — муҳандис ва меъморлар бўлишга қизиқарди. Тибб ва тижорат ишларидан ҳам меъморлар юқори турарди...

Кечкурун, қош қорайганда Зулфиқор оёғига этигини, тўнини кийиб, бир даста китобу дафтарларини кучоқлаб устодникига келди. Нажмиддин Бухорий ҳовлида кутиб олиб, ундан, бу ерда тунаб қолишлигингизни отангизга маълум қилдингизми, деб сўради. Зулфиқор отасига маълум қилганини айтди. Устоднинг таклифи билан Зулфиқор иссиқ хонада ўтириб, бирга овқатланишди. Овқатдан сўнг, Меъмор Зулфиқорни ҳовли четидаги бир чуқур совуқ ертўлага олиб тушди. Бунда катта бир хона бўлиб, ниҳоятда совуқ — ерда на намату ва на бўйра бор эди. Аксинча қуруқ ерга сув сепилиб, баъзи ерлар яхмалак бўлиб музлаган эди. Баҳайбат, улкан хона ўртасида каттакон бир юмалок тўнка турарди — тоқчадаги шам ёруғида бу кесилган ёнғоқ дарахтининг катта тўнкаси эканини билди. Ёниқ шам ёнида яна ортиқча икки шам турарди. Хона эшиги жуда мустаҳкам бўлиб, ҳовли орқаси — майдон томонга чуқурликда дераза очилган, ойналари кир босиб кетган. Хонанинг бир бурчагида меъморчилик асбоблари: ўлчовлар ва шулар билан бирга андаза, курак, теша, табар, чўкморлар ҳам тўплаб қўйилган. Хона, ютаман, деб хувиллаб ётарди.

— Мана шу ерда тунайсиз. Қолган гапларни эрта билан гаплашамиз, — деди меъмор Нажмиддин Бухорий Зулфиқорга тикилиб. — Мабодо тунашни иложи бўлмаса, совқотиб қолсангиз, мана шу арғамчини тортсангиз қўнғироқ жаранглайди, келиб эшикни очамиз.

— Хўп бўлади, — деди таажжубланиб Зулфиқор.

Меъмор Нажмиддин Бухорий Зулфиқорни хона ичида қолдириб, эшикни қулфлаб, юқорига чиқиб кетди.

Зулфиқор ҳайрон бўлиб қолди. Юрагига кўрқув тушиб, бориб эшикни итариб кўрди — қулф. Баланд дераза ёнига борди — кўча томонга қараган, нур тушадиган ёлғиз дераза. Хона бўм-бўш, ўртада тўнка. Бу нима? Бу — қамоқ эмасмикан? Бегона шаҳарда қамалиб ўтириш ва умуман, меъмор Нажмиддин Бухорийдек бир мўътабар зотнинг бу иши қандок бўлди? Уни бекордан-бекорга қамаб қўйиши қизиқ-ку! Ёки, уни жосус, амирзода Султон Абу Саид томонидан юборилган кишилардан деб шубҳаланишдимикан? Нажмиддин Бухорий ҳазратлари пёдшога жуда яқин киши эканлигини, Лутфий, Андугонийга қилинган шохона инъомлар Бухорийга ҳам берилганини эшитган эди. Бу кеча карвонсаройга ҳам навқар юборилиб, отасини ҳам ҳибсга олган бўлсалар-чи?! Меъмор билан сипоҳ ўртасида фарқ катта-ку, нечук меъмор сипоҳлар ишини қилади? Ёки у бир лаҳзада жаллодга айландими? Наҳотки ота-боладан шубҳаланишиб, қамоққа олишса?

Зулфиқорнинг хаёлидан Самарқандда аҳвол ёмонлашиб фитнес авж олиб, Халил Султонни сарой аъёнлари: амирлар, саркардалар тахтдан тушириб, ҳибс этишгач, подшоҳнинг катта қўшин билан Самарқандга борганлиги, Халил Султонни озод этиб, ўзи билан Хуросонга олиб кетганлиги, Самарқанд ҳокими этиб ўз ўғли — Мухаммад Тарағай Улуғбек Мирзони тайинлагани, Халил Султон воқеаси муносабати билан Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам дастлабки кунлар қаттиқ сиёсат юргизиблиб, айғоқчилар қўйилганлиги, Сарбадор ёки хуруфия одамлари эмас, амир Сорибуга, амир Сулаймон Хаш тарафида турганлар ҳам қаттиқ таъқибга олингани бирма-бир ўтди.

Бир лаҳзадан кейин Зулфиқорнинг оёғидан зах ўта бошлади. У бир ерда туролмай, бориб тоқчадаги шамларни кўздан кечирди. Бўм-бўш, кимсасиз хонада у ёлғиз бир ўзи эмас экан — шам атрофида айланаётган парвоналарга тикилди. Митти капалаклар қанотларининг куйиши, ўзининг жизғанақ бўлиб қулашига қарамай, оловга кўксини урарди. Эшик тепасидаги арғамчини тортиб, кўнғироқни жаранглатсинми? Эҳтимол, ҳозиргина бу ердан чиқиб кетган кекса Меъморяна тушиб, ҳа, туролмадингизми, ертўла ёқмадим, деб таъна қилар. Ёки у тушмас, Зулфиқор яна хаёлга толди; нима қилмоқ керак? У бир оёғини кўтариб, бир оёқ билан турди. Бу оёғидан ҳам зах ўтгач, иккинчи оёғини қўйди. Бу ҳам бўлмади — оёғи остига китоб, дафтарларини қўйиб устида турмоқчи бўлди. Йўқ! Бу асло мумкин эмас. Китоб оёқ ости қилинмайди! У Ҳиротга келган кунидан бошлаб, аввало, Мусалло тасвирини ўз дафтарига туширган. Ҳерируд дарёси устидаги кўприк, Аркнинг кунгураларию пештоқи, Жоме масжид тасвири, нимаики кўнглига ёққан бўлса, уни тошқалами билан дафтарига чизиб олган эди. Биноларнинг баландлиги неча газ эканлигини ҳам, номларини ҳам ёзиб қўйган. Бу дафтарда Бухородаги бир неча мадрасаларнинг ҳам тасвири бор бўлиб, уни доимо ўзи билан бирга олиб юрарди. Наҳотки у шу дафтару китобларни оёғи остига қўйса! У ярим қоронғи хона ўртасида турган каттакон тўнка ёнига бориб, устига минди. Унинг оёқлари ердан узилди. Хўш, азонгача бундай ҳолда туролмайди-ку! У бирон бурчакдан жой топиб ётиши керак. Меъморчилик асбобларини ерга ёйиб, устига чопонини ташлаб ётсамикан? Йўқ! Бу ҳам бўлмайди! Устод Нажмиддин Бухорий уни бу хонага қамашада бирор ҳикмат бор бўлса-керак, бўлмаса нега бегуноҳ бир одамни тўсатдан зах ертўлага қамаб қўяди? Садоқат учун қамокни мукофот қилмайдилар, бу ишда бир сир борлигини Зулфиқор аста идрок эта бошлади. У совуқ ва кўрқинчли хонани яна бир қарра айланиб чиқди. Хона ичида катта тўнка, шам, меъморчилик анжомларидан бўлак ҳеч вақо йўқ. У яна эшик ёнига келиб, зинапоёга — ховли томонга қулоқ осди. Жимжитлик. Фақат ҳар

замон ҳар замонда қадам товуши эшитилар, уй тепа-сида сичқон пайдо бўлиб, қитирлатиб, бир нимани кемирарди. Негадир қутилмаганда унинг хаёллари яна устод Нажмиддин Бухорий сари учди. Мўғуллар Сир-дарё ёқасидаги Ўтрор, Зернук ва Нур шаҳарларини изини қолдирмай ер юзидан йўқотганликлари, шаман ва мажусий қабилалари кўп обидаларни ер билан яксон қилганликларини устоддан суҳбатда эшитган эди. Бундоқ олижаноб аллома кимса Бухородан яхши ният билан келган йигитни совуқ ертўлага ташлагани таажжуб?! У ҳам мана шу парвонадек Меъмор зиёси-га учиб келган эди-ку. Демак, у ҳам парвонадек куйиб, шамдон тагига қулаши керак экан-да?!

Зулфиқорнинг бошини узундан-узоқ хаёллар чул-гади; Бир томонда, шарм, бир томонда, қўрқув... У шам ёнида турганича, хона бурчагига тикилди; наза-рида аллақандай бир нарса қимирлаб, ердан бош кўтараётгандек бўлди. Унинг аъзойи-бадани жимир-лашиб кетди. Нима, бу жинми? Кафанлари чулғаниб, аллақандай бир мурда ердан бошини кўтариб, уй бур-чагидан тикилиб турди. Унинг қовурға суяклари кўри-ниб, кўзлари шокосадек чакчайиб, Зулфиқорга тикил-ди. Зулфиқор кўзларини юмиб очди; мурда шу он гойиб бўлди-да, бир дамдан кейин яна уй бурчагида секин ердан бош кўтарди. Энг ёмони, хона ғоятда совуқ эди. Зулфиқорнинг бадани жунжиб, оёқлари ачиша бошлади. Бухорода, узоқ йили бетоб ётганида ҳам кўзига шундай мурдалар, алвастилар... кўринган эди. У бир лаҳза шам ёнида турди-да, ичида «ёсин»ни ўкиб, ўзига дам солди. Шу лаҳзада унинг назаридан ваҳима солиб қўрқитиб турган «мурда» йўқолди. Шам ёруғида шундоқ кўриниб турган тўнка иттифоқо унинг диккатини тортди. Нега у уй ўрғасида турибди? Нега шундоқ катта тўнкани ертўлага тушириб қўйишган? У ёнғоқ тўнкаси бўлиб, юмалоқ эди. Яна кўзларига кафанларини чулғаган бояги мурда кўринмаслиги учун тўнка ёнига келиб, ўзини алаҳситди. Унда бир хик-мат борлигини сезиб, тўнканинг у ёқ бу ёғига қара-ди. Итариб, ўрnidан кўзғатди. Зилдек оғир тўнка. Оёқлари ачиша бошлади. Агар болта бўлганида тўнка-ни ёрарди. Ярим қоронғи хонани кўздан кечирди —

болта, арра, теша деган гап йўқ. Унинг юрагида ҳам кўркув, таажжуб. Нима бўлаётганига тушунмасди. У тўнкани куч билан итарди; у ниҳоятда оғир бўлишига қарамай, осонликча юмалай бошлади. Бу ерда қаққайиб туравермай; катта хонани бир айланиб чиқди. Ундан сўнг қўнғизга ўхшаб, хона ичида улкан тўнкани думалатиб айлантира бошлади. Бир муддатдан сўнг, қаддини кўтариб, тўйиб нафас олди. Унинг совқотиб, ачишаётган оёқлари ҳам исигандек бўлди. Бурчакдан бош кўтарган «мурда» ҳам ғойиб бўлди. У яна совқотиб қолмаслик учун тўнкани итариб, хона ичида айлантира кетди. Бундан ўзга яна нима ҳикмати бўлмоғи мумкин, деди у ўзига ўзи. Зукко чолнинг имтиҳони энди бошланганини пайқади — демак, совқотиб, жунжиб ўтирмаслик учун тўнкани айлантириш керак! Ҳаракат қилмоқ керак. Ҳаракат — иссиқлик, иссиқлик — ҳаёт демак. Ҳаракату тадбиру ғайрат — иқбол... Бу, ёш Зулфиқорнинг ўз фалсафаси эди. Отаси бу гапни доимо такрорларди. У, тўнкани қалдиратиб думалатиб, бояги «мурда» бош кўтарган бурчакка ҳам олиб келди — баданни жимирлатиб қўрқитган мурдани янчиб ўтмоқчи бўлди. Мурда йўқ. Демак, уни жинлар қўрқитган. У ҳеч нарсани ўйламай, липиллаб ёнаётган шамга ҳам қарамай, тўнкани думалатиб, уй ичида айлана бошлади. У терлаб, совқотиш нималигини ҳам унутди. Тинмай айлантирди, ҳар замонда бир тўхтаб, қаддини ростлаб, нафасини ростларди-да, яна тўнка думалатишга тушиб кетарди. У ярим кечагача думалатди. Тугаб қолган шамдонга ёнида турган янги шамни қўйиб ёқиб, яна тўнка думалатишга тушди. У ниҳоятда чарчаб, деворга суянди. Бир лаҳза мизғиб олмоқчи ҳам бўлди. Йўқ! Бу асло мумкин эмас! Қотиб қолиши турган гап! У яна тўнка думалатишга тушиб кетди. Шу тариқа Зулфиқор совқотишни унутиб, тўнканинг ҳикматини тушунди. Алломалар ҳандасаю риёзиёт ва ёки шифо илмида эмас, оддий бир жисмдан ҳам ҳикмат топадилар; баъзан мўмиё эмас, оддий сув билан ва ёки сўз билан ҳам беморни даволайдилар, деди ўзига ўзи. Тўнкани қолдираётган Зулфиқор хаёлини кўз қорачиғига «алиф» тортилган Айниддин Аълам олди. Отасининг айтиши-

ча, бодапапарастликка берилиб кетган таррох¹ Айниддин Аълам Мадрасаи Пирмуҳаммад лойихасини хато чизиб, кунботар равоқлар кулаб тушгач, подшоҳ амри билан икки кўзига «алиф» тортилган экан. Бечора таррох кексалигида кўр бўлиб ўлган экан. Аммо «вақт ўлчагич» — соат кашф этган Ҳожи Муҳаммадга Соҳибқирон Амир Темур бир хуржун олтин инъом этган экан. Ана буни қаранг, деди ичида Зулфиқор, бировнинг бошида Ҳумо, биров Азройил қўлида... Фалакнинг гардиши шундоқ дерди, баъзида унинг отаси тош йўниб ўтириб. Зулфиқор хаёлини яна меъмор Нажмиддин Бухорий тортди. Бу чол мени ертўлага ташлаб, совқотсанг тўнкани юмалат, бошқа иложинг йўк, демади-ку. Унинг бирдан ғазоби қайнаб, арқонни тортиб, Меъморни чақирмоқчи бўлди. Бу қандоқ зулм! Бу бегуноҳ одамни қийнаш эмасми?! Бу ҳақорат-ку.

Унинг ёшлиқ қони қайнаб, ўзини камситилган, ҳақоратлангандек ҳис этди. У яна шам ёнига келиб, бурчакка қаради. Йўк, бу гал на «мурда» ва на «алвас-ти» кўринди. Хона ичида катта тўнкадан бўлак ҳеч нарсаси йўк эди...

Тун. Жимлик. Фақат узоқ-узоқларда итларнинг во-виллаган товуши эшитилади. Баъзан шипда сичқон бир нимани кемириб қитирлатади. Зулфиқорнинг юрак уриши ҳам ўзига эшитилиб турарди. Баъзан уста Нусрат ўғлининг ортиқча югуриб-елишларини, ҳовлиқишларини, жиззакиликларини хуш кўрмасди. Меъёрдан ошган хатти-ҳаракатларидан энсаси қотар, буни Зулфиқор сезар эди. «Юрган ҳам, югурган ҳам кун ўтказди — бас, шундоқ экан, нега ҳовлиқиш?» дерди отаси. Отасининг бу гапи билан Зулфиқор асло келишмасди. Осойишталик, босиқлик, камгаплик меъмор Нажмиддин Бухорийга ҳам хос экан. Лекин шогирд бўлмоқчи бўлган бир одамга бундай «илтифот» нечук? У «Боғи сафед», «Боғи жаҳоноро»ларни, Му-саллою Арк, Жоме масжидию минораларни томоша қилмоқчи эди. Таажжуб! Вақт ярим тундан оғиб кетди. Зулфиқор бадаидаги тери қотиши билан яна

¹ Т а р р о х — қуриладиган катта биноларнинг тарҳини (лойихасини) чизиб берувчи.

тўнкани юмалата бошлади. Бир муддатдан кейин шамдонга янги шам ўрнатиб, уни эскиси билан ёкди. Жунжиб, совқотмаслик учун яна тўнкани юмалатди. Негадир унинг уйқуси ҳам ўчиб кетди. Ҳамма ухлаб ётганида ёлғиз Зулфиқор бедор, совуқдан қотиб қолмаслик учун тинмай тўнкани думалатиб, ҳаракат қиларди; Дарвиш Муҳаммад ўзининг «Рисолаи қавонди хутут» ва «Ҳазоилул хутут» китобларини зах ертўлада ёзгани, умуман, бу машхур ҳаттот ўз асарларини ертўлада ёзгани унга маълум эди. Давлатшоҳ Самарқандий, Нишопурий, соат ясаган Ҳожи Муҳаммад Садр ҳам осуда канорада ишлаганлар...

Тонг отишга яқин зинада қадам товуши эшитилиб, қалин эшикнинг темир илгаклари шақирлаб очилди. Қалпоғу тўнини қозиққа илиб қўйиб, қўйлакчан, терлаб, тўнка юмалатаётган Зулфиқор бир лаҳза тўхтаб, эшикка қаради. Ланг очилган эшикдан эрта тонг нури тушди, Меъмор рўпарасида терлаб, ҳаллослаб турган бухоролик йигитга қаради. Зулфиқор салом берди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ Меъмор «Ваалайкум ассалом!» деб Зулфиқорга жавоб қилди. У тун бўйи тўнкани юмалатиб чиққанини ердаги издан кўрди. Аслида Нажмиддин Бухорий худди шу ертўла устидаги хонада китоб мутолаа қилиб ухламаган экан.

— Тўнингизни кийиб олинг, — деди Меъмор Зулфиқорга, — энди юқорига чиқамиз. Менинг кетимдан юринг.

Зулфиқор қалпоғини бошига кийиб, тўнини елкасига ташлади. Туйнук тагидаги китоб-дафтарларини ердан олиб, шамни пуфлаб ўчирди. Ундан сўнг, Меъмор орқасидан битта-битта қадам ташлаб, юқорига чиқди.

— Имтиҳондан ўтдингиз, Шоший жаноблари, — деди ҳовлига чиқишганда Меъмор Зулфиқорга қайрилиб қараб, табассум билан, — Имтиҳон бир оз галат. Сиз буни кутмагансиз. Начора. Мен, бўтам, сизнинг тадбиру саботингизни синаб кўрмоқчи эдим. Менга ҳам бу амални ўргатган устозларим даставвал бешафқат бўлган. Шуни ҳам сизга айтиб қўяйки, ёш Амир Ҳайдар, ҳазратнинг набиралари Алауддавла, Амир Бирандиқ саркарданинг икки набиралари ва яна бир

неча «толиби амал»лардан келиб, бу имтихондан ўтолмадилар. Уларнинг тўнкани юмалатиб, совқотмасликка идроки етмай, бир муддатдан сўнг арқонни тортиб, боз устига боз «Эшикни очинг!» — деб бақиршиб, чиқиб кетдилар... Улар мендан ранжиганлар ҳам. Аммо мен шартимни бузган, чидами йўқ, кам идрок шогирдлар билан иш қилолмайман, дедим. Насиб қилса кўрасиз, Заврак Нишопурий, Ғаввос Муҳаммад Ҳирий деган шогирдларим ҳам бор. Мен уларни шогирд демайман, ўғлим дейман... Китобларингизни тоқчага қўйиб, юз-кўлингизни ювиб келинг, бирга нонушта қиламиз. Ундан сўнг, ухлаб дам оласиз ва бориб отангизга хабар берасиз. Мен ҳамшаҳарим билан гаплашмоғим керак.

Тун бўйи ухламай чиққан Зулфиқор наридан-бери ювиниб келиб, устод билан бирга нонушта қилди. Уни уйку босарди. Лекин устоднинг сўзлари беқиёс қувонч бағишлагани учун унинг юрагида бир дунё қувонч бор эди. Устоднинг рухсатидан сўнг дархол карвон саройга — отаси ёнига бориб, ҳамма гапни айтмоққа ошиқарди. Учишга талпинаётган кушдек, юраги ҳапқираётган Зулфиқорнинг ҳаяжонини Меъмор яхши сезиб турарди. У Зулфиқорни ортиқ ушлаб турмай, фотиҳа берди. Зулфиқор устод билан хайрлашиб, карвон сарой томон чопиб кетди. Бетоқатлик билан кутиб ўтирган отасига бўлган воқеанинг бари-ни айтиб берди. Аввал хайрон бўлиб турган уста Нусрат охирида тиззасига уриб кулди: «Оббо чол-е, мен у зотнинг баъзи қилиқлари борлигини эшитган эдим. Ҳатто Бойсунқур Мирзо ҳам унинг ўжарликларини кечирар экан. Билагонликда устод Қавомдан юқори туради, дейишади. Мусалло қурилишида устод Нажмиддин Бухорий ҳам устод Қавом ёнида бўлган. Бухоройи шарифда бўлсак ҳам бу гапларни эшитганмиз. У пайтда сен тувилмаган эдинг...»

Шундай қилиб, бир ярим ойча Хиротда турган уста Нусрат эски ҳамшаҳари аллома меъмор Нажмиддин Бухорий ўз ўғлини шогирдликка олганидан мамнун бўлиб, белига боғлаб олган халтачадаги тилла тангаларига бола-чақаларига совға-саломлар харид қилиб, яна карвон билан Бухорога жўнади...

ҒАРИБ

Қиш чилласи қора совуқ кунларининг бирида кеч-га яқин нотаниш бир киши меъмор Нажмиддин Бухорий эшигини қокди. Югуриб чиқиб эшик очган Заврак Нишопурий рўпарасида юпунгина кийинган ориқ бир одам дилдираб турарди. У қуюқ саломдан сўнг, Меъмор ҳазратларига гапим бор эди, агар чакириб берсангиз миннатдор бўлардим, деди. Заврак у одамга бошдан-оёқ тикилгач, ниятини фаҳмлаган-дек бўлиб:

— Агар гапингиз жуда муҳим бўлса, унда мен кекса отамизни кийинтириб олиб чиқай. Бўлмаса, овра қилманг. Агар ёрдам сўраб келган бўлсангиз, менга айта қолинг, — деди.

— Худди шундай, — деди нотаниш киши Завракка мўлтираб, — мусофирман. Узоқдан келиб, бунда ночор ҳолга тушиб қолдим. Саховатли Меъмор ҳазратларининг олижанобликларини эшитганман. Атай келдим. Мен гадо эмасман!

Заврак нотаниш кишига яна бошдан-оёқ тикилди. Енги ичида, қўйнида пичоқ йўқмикан, деган шубҳа билан қаради. Бундан бир неча ой муқаддам нариги маҳаллада шунақа бир кимса нуфузли беклардан бирига пичоқ уриб ўлдириб кетгани бутун шаҳарга тарқалган эди. Завракнинг юрагига ғулғула тушди.

— Эрталаб келинг, бўлмаса ўшанда гаплашамиз.

— Карвонсаройдан ҳам чиқариб юборишди. Пулим йўқ, қорним оч...

— Унда бир лаҳза сабр килинг, мен ичкарига кириб чиқай, — Заврак йўл-йўлакай Зулфиқорни огоҳлантириб, ичкари ҳовлига кириб кетди. У аввал бу гапни Низомиддинга айтди. Ундан сўнг Бадиага. Ганжинада сандалга бағрини бериб ўтирган Меъмор Завракни чакириб, нима гап, деб сўради. Заврак ҳамма гапни лўнда қилиб устодга айтди-да, негадир бу мусофир кўзига шубҳалироқ кўринганини кўшиб қўйди.

— «Меъмор ҳазратларини қидириб, Дорул Ҳуффо маҳалласига келдим» деяпти. У бу ерга карвонсарой-

дан атайин келган эмиш. Ҳаркалаё, шубҳали, — деди Заврак.

— Мен чиқиб бир кўриб келай!

— Сабр қил! — деди Меъмор ўғли Низомиддинга. — Айб бўлади.

— Шубҳали одамларнинг ёнига чиқаверманг, ота! — деди Бадиа Завракнинг фикрини қувватлаб. — Шаҳримизда ҳар хил фирибгарлар кўпайиб кетган. Сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб, шилишади. Ўрганиб қолишган, илгари ҳам неча бор ақча сўраб келишган эди. Меҳнат қилсалар ўладиларми! Танбаллар!

Шу лаҳза Маъсума бека ҳам гапга аралашди:

— Шубҳали одам бўлса, эҳтиёт бўлиш керак.

— Совқотиб турибдими? Усти юпунми? — Завракдан сўради Меъмор.

— Ҳа, дилдираб турибди.

— Ундок бўлса, олиб киришлар. Сандалда исинсин, таом беринглар. Мусофир одам бўлса, унга шубҳа билан қараш яхши эмас! Жойи бўлмаса тунаб қолсин, мен эрта билан гаплашаман!

Бу гапни эшитган Заврагу Низомиддин, Бадиаю Маъсума беканинг тарвузи қўлтиғидан тушди — кекса отанинг буйруғини иккиланмай бажариш шарт! Заврак, хўп бўлади, дегандек қайрилиб ташқари хонага чиқиб кетди. Хонадан чиқиб, эшикда турган нотаниш одамни гапга солиб турган Зулфиқор Шоший ҳам устоднинг буйруғига таажжубланди. У ҳам нотаниш одамни орқасига қайтариб чиқариб, эшикни занжирлаб олмоқчи бўлиб турган эди. Заврак нотаниш одамни бошлаб олиб кирди. Бу лаҳза унинг кетидан келиб, ҳовлида турган Низомиддин билан Бадиа Зулфиқорга юзланишди. Нотаниш одам чоригини зинада ечиб, ичкарига кириб кетаётганида Зулфиқор Низомиддин билан Бадиага шивирлади.

— Қарашлари жуда хунук-ку.

— Низом ога, уни гапга солиш керак! — деди кўркув ва ҳаяжонда Бадиа, — ёнингизга ҳанжар солиб олинглар. Ухлаш керак эмас!

Қиш чилласи уйга қамалиб, зерикиб ўтирган ёшларга иш топилиб қолди. Бадиа гарчи нотаниш одам

ёнига жуда ҳам киргиси, унга баъзи саволлар бергиси келаётган бўлса ҳам, Низомиддин рухсат бермади. Бадиа ичкари ҳовлига, ота-онаси ёнига кириб кетди. Уч йигит сандалнинг оёқ томонига ўтириб, дилдираётган нотаниш кишини ўраб, гапга солишди. У таом еб, исиниб олгач, йигитларнинг ҳамма саволларига жавоб берди, гап орасида Меъморнинг ҳақиқага дуо қилди. Қорни тўйгач, унинг кўзлари чалишиб, ўтирган срида ухлаб қолди. Аммо уч давангир йигит, ҳар эҳтимолга қарши ёнларида ўткир ханжар, тонг отгунча ухламай чиқишди.

Тонг отди. Нотаниш меҳмон барвақт туриб, ювиниб кийимларини кийиб, сандалда Меъморни кутиб ўтирарди. Заврак нонушта тайёрлаб, у одам кутиб ўтирганини Меъморга хабар қилди. Устоднинг кириб келаётганини кўрган мусофир дарҳол ўрнидан туриб, унга таъзим этиб, салом берди.

— Хуш келибсиз, — деди Меъмор нотаниш одамга. Бундай сўзни Ҳиротга келганидан бери биринчи маротаба эшитган мусофир довдираб қолиб, устодни дуо қила бошлади.

Нонушта пайтида у ўзи ҳақида яна бошқатдан гапирди: исми — Али эканини, бошига оғир бир савдо тушиб, Сабзавор шаҳридан келиб қолганини, отаси Сабзаворда уста — нажжор эканини, ёз бўйи мешкобчилик қилиб юрганини, ҳозир эса, карвонсаройда қарздор бўлиб қолганини айтиб, киш чикқанича мадраса қурилишида хизмат қилсам... деб илтимос қилди.

— Марҳамат, — деди Меъмор, — Мадрасага бориб, уста Ҳасанбекка йўлиқинг, мен билан учрашганингизни айтинг. Ишонаманки, уста Ҳасанбек сизни ўз химоясига олар. Қарзингиз қанча? Қанча акча керак?

— Йигирма динор қарзим бор, устод.

Меъмор қўйнидан ҳамёнини олиб, эллик динор санаб берди. Мусофир хурсандлигидан довдираб қолди. Отанинг ишораси билан Низомиддин югуриб ичкари ҳовлига кириб, эски қалин чопон, этик, лозиму кўйлак ҳам олиб чиқди. Улар Меъморнинг эски кийимлари эди. Одат бўйича у ҳар йили киш оёқларида

эски кийимларини ғариб-ғураболарга бериб юборар эди. Бу сафар мусофир ўз оёғи билан кириб келгани айни муддао бўлди.

Мусофир хаяжонланиб йиғлаб, Меъморга қай йўл билан ташаккур айтишни билмасди.

— Хижолат бўлманг, — деди Меъмор, — биз; албатта, ҳаммага мурувват қилишга қурбимиз етмайди, аммо бизни паноҳ тортиб келган софдил кишилардан боримизни аямаймиз...

— Илоҳим... мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин, ғарибларга қилган карамингиз худойи таолодан минг бўлиб қайтсин, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг... О-омин!

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортдилар.

Мусофир киши иссиқ тўн кийиб хурсанд бўлиб чиқиб кетгач, хонага кирган Маъсума бека шогирдлар юзидаги мамнуниятни кўриб, гап ташлади.

— Маккадан ҳожи келганда ҳам бунчалик қилинмайди...

— Ўтган ҳафта Насриддинбек тўйига эллик динор сарфлаб, сарпо олиб бординг, — деди Меъмор хотинига қараб, — бу ақча дарёга томчи ҳам бўлгани йўқ. Кўчаларда ғариб-ғурабо, хужраларда муллаваччалар оч, аммо беклар сассиқ кекирдак... Нуфузли бекларнинг ас-аса, дабдабаларига шерик бўлгандан кўра, бир бор ўтин бўлиб, бир ғарибнинг қумғонини қайнатган савоб!

Хона ичида ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Бир лахзадан кейин жимликни Бадиа бузди:

— Бу мусофир уста Ҳасанбек ёнига бориб хизмат қилармикан ёки дом-дараксиз кетармикан? Шуниси қизик!

— Ҳа, сенинг учун «қизик» ишлар кўп. Сиз, тўртовлон кўлингизга ханжар ушлаб, ухламай чиққанингизни ҳам биламан! Бу ғариб бечора корнини тўйғизиш мақсадида юрибди-ю, сизлар уни қароқчи гумон қилиб пашшадан фил ясадинглар. Офарин! Мана, кўрасиз, у шу бугуноқ уста Ҳасанга йўликади.

Дарҳақиқат, мусофир Али мешкобчи шу куниёк уста Ҳасанбекка йўлиқиб, у ерда ишлаётгани Меъмор хонадонига маълум бўлди.

ГЎЗАЛ БАДИА

Зулфиқор Шоший отасини кузатиб қўйгач, дастлабки кунлари серҳаракат пойтахтда зерикди, гарчи бўш вақти оз бўлса ҳам, атрофидаги одамлар ва иш унинг зерикишига йўл бермасдию, лекин ўзга шаҳарга ўрганолмай қийналарди. Биринчи бўлиб унга ўзининг илиқ сўзлари билан меҳрибонлик кўрсатган киши — Заврак Нишопурий бўлди. У жуссаси кичик, қорача, лаблари қалин йигит бўлиб, чап кўзида оки бор, ниҳоятда серҳаракат, ҳозиржавоб — гап билан енгиб бўлмайдиган кимса эди. Бадиа билан бирон иш юзасидан гаплашишга тўғри келиб қолса, ўнг томон юзини кўрсатиб турар, оқ тушган кўзини беркитишга ҳаракат қиларди. Қувноқ Бадиянинг кўз ҳақидаги ҳар қандай учирма гапига шу лаҳзанинг ўзидаёқ жавоб берар, жисмоний нуқсонидан қулса ҳам, у билан узокроқ гаплашишни истарди. Зулфиқорнинг келиши бир томондан яхши, иккинчи томондан, ёмон бўлди; ишчан мусофир йигит доимо ёнида бўлгани, Бухоро ҳақидаги ажиб ҳикоялари яхши, аммо бу қадду қомаги келишган, кўркам йигитнинг Меъмор ҳовлисида юриши, фавқулудда имтиҳондан мукамал ўтиб, устоднинг диққатини ўзига жалб этгани андак рашкини келтирарди. Дастлабки кунлари Бадиа ташқари ҳовлиларида юрган бухоролик шогирдни кўрмаганга олиб, парво қилмай юрди. Унинг диққатини гўё ҳеч ким тортмас, шогирдлар ичидан Завракни чақириб, унга иш буюрар, Заврак эса устод буйруғини эшитгандай, «Хўп бўлади, бекам!» деб зинғиллаганича кетарди. Бадиа гўё бошқа йигитларни кўрмагандек виқор билан яна ичкари ҳовлига кириб кетарди. Аслида у отасининг қўлида ишлаётган деярли ҳамма йигитларни яхши танирди, аммо «Хиротнинг таниғлик арбобларидан бири» — меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ёлғиз қизи бўлганлиги, ўзининг ҳусну камолда тенги йўқ эканлиги туфайли у арши аълода эди. Буюк, етук одамлар ниҳоятда камтар, камсуқум, дилбару меҳрибон бўлишини ҳам, камтарлик унинг гўзаллиги

устига яна ҳусн бўлиб тушишлигини ҳам бу доно қиз яхши биларди. У подшоҳнинг энг кичик қизи Гулгун ақонинг ҳам ғоятда гўзаллигини, Хуросонда машҳурлигини биларди. «Маликул калом» — мавлоно Лутфий Нажмиддин Бухорий кураётган мадрасага тикилиб туриб; «ҳам буюк пурқомат, ҳам бадиа...» деган экан. Иттифоқо Меъмор ўша кун қиз кўриб, унга Бадиа деб ном қўйди. Устод Қавом хонадони бу қиз туғилиши билан Маъсума бекага шода дур армуғон этган эди. Бадиа балоғатга етгач, баъзан ўша шода дурни бўйнига тақиб юрарди. Заврак Нишопурий, баъзан ҳазиломуз гап отар, Бадиа хандон ташлаб кулар, ўша атрофда ўралишиб юрган Худододбекка хаёли кетиб, юзларидан табассум қочар, дарҳол жиддийлашар эди. Бу сарбознамо йигитга у тегиши керак... Отасининг яқин ошнаси — меъморлар «малики» — устод Қавом билан Нажмиддин Бухорий кўнгилларида қариндош бўлиш нияти ҳам йўқ эмасди. Устод Қавомнинг Бадиани ўз ўғлига сўратганини Бадиа яхши биларди. Баланд бўйли, пурвиқор, отда яхши чопадиган, подшо сарбозларидан бири бўлишга интилаётган Худододбек аввал вазир Шуджа Арғун хонадонига яқин бўлиш мақсадида, унинг қизига совчи юборишни онасига маълум қилган эди. Кейинчалик, вазир бошқа бир вазир билан куда бўлажagini билган устод Қавом «даража ба даража...» бўлибди, биз ҳам Нажмиддин Бухорийга куда бўламиз, унинг асли мовароуннаҳрлик, манғит уруғидан, деди. Бу гап ўғли Худододбекка ҳам маъқул бўлиб, Бадиага кўз тикди. У баъзида башанг кийиниб, белида заррин камару исфихони ханжар, бинокорлар ёнида пайдо бўлар, меъморлар билан бир лаҳза умумдунёвий гаплардан: айниқса, Мухаммад Мирзо Хуросонга кўз тиккани, Самарқандга, кейинчалик Балхга юриш қилажаги маълум бўлиб қолганини, Шоҳруҳ Манғит томонга юриш қилмоқчи эканлиги ҳақида гаплашарди. Баъзан у шундай гапларни мақтаниб кишилар ичида ошкор қилаётганида отаси ўғлига тикилиб туриб лабини тишлар, холи пайтда кекса ота, ахир бу салтанатнинг сири-ку, ҳадеб вақиллайверма, ҳар хил одамлар бор, ҳатто менга ҳам гапирма, анави деворнинг ҳам қулоғи бор;

устод Хусайн Домогоний воқеасини эшитгандирсан! Ахир у зотнинг бир оғиз сўз учун боши кетди. Тилга эҳтиёт бўлиш керак! — деб танбеҳ берарди.

Худододбек мадрасага кириб, бир-икки ойдан сўнг талабаликдан қочиб кетди. Отаси ҳам, онаси ҳам ўғилларининг раъйига қарашди: ҳа, олим бўлмаса сипоҳ бўлар, деб ўзларига тасалли беришди. Дарҳақиқат, Худододбекнинг риёзиётга асло тоқати йўқ, отда чопиш, қилич солиш, базм... кўпроқ қизиқтирарди уни. Бўйи етган нозанин қизлар йигитнинг мана шунақанги мардини ёқтиради, «аммамнинг бузоғи» бўлиб юрганларни хуш кўрмайди, — дерди у ўзига ўзи, — йигит бўлсанг шўх бўл деган гап ҳам йигитлар йигитини танловчи дилбарлардан чиққан. Дунёда зўрлар яшайди, талошлардан енгилганлар, ожизлар йўқолиб кетади. Дунё фақат кучлилар учун гўзал, кучсизлар учун — вайрона. Зару зўр доимо кучлилар томонида. Илму маърифат ҳамма вақт кучлилар хизматида бўлади. Хусну латофат, маишату базм, шухрату ғурур зўрларники! Ожизлар фақат тобе бўлиб, кучлиларга хизмат қилмоғи керак!.. Бу — Худододбекнинг дунёқараши эди. Заврак Нишопурий бу гапларга аста мийғида кулиб қўя қолди. Кейинчалик буни Зулфиқор Шоший ҳам сездди. У аввал устоднинг ўғли билан жиддий баҳсга тушган эди, имо-ишора билан уни Заврак «тўрт энлик» пастга туширди. «Ўзингизни қўлга олинг, Шоший, устод ўғилларининг фикри кўпдан шундоқ, уни ўзгартира олмайсиз. Сарбозлар, сипоҳларнинг фикри аксар шундоқ бўлади. Подшомизнинг ҳам йўллари шу — тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!» деди. Зулфиқор қизишди: «Бу нодоннинг гапига қарангки, дўстим Нишопурий, илм ҳам мансабдорлар хизматини қилармиш! Демак, донолар нодонларга хизмат қиладими?!» Заврак кулди: «Ҳа, баъзан шундоқ ҳам бўлади. Дўстим, сиздан илтимос қиламан, Худододбек ёнида қизишманг, ўзингизни, босинг. Устод бу йигитни жуда ёқтирадилар, куёв қилмоқчилар...» Зулфиқор бу гапни эшитиши билан тилини тишлади, сукут қилди. Шу кундан бошлаб, устоднинг шўх, гапга чечан, шаддод қизига унча қайрилиб қарамайдиган, унга тикилиб, ҳазил-мутойиба қилишни ўзига

гуноҳ ҳисоблайдиган бўлди. Иккиламчи, меъмор Нажмиддин Бухорий билан устод Қавомлар катта даргоҳ — Хиротнинг устунлари экани, Зулфиқор билан Заврак сингари шогирдлар фақат илм олишлари, хунар ўрганишни кўзламоқлари керак. Бу ерларда шу сабабли юрганликларини асло унутмасликлари лозим! Бу гап Бадиага ер тагидан қараётган Зулфиқор Шоший устидан гўё совуқ сув қуйгандек бўлди. Биринчи кўришидаёқ бу қизнинг жозибаси унинг юрагини «жаз» этиб ёндирган эди.

Зулфиқорнинг диққатини биринчи куниёқ устоднинг ўғли Низомиддин ҳам ўзига жалб этди. Низомиддин билан Худододбек ўрталарида қандайдир бир ўхшашлик зоҳир; бири сарбозлар тўпида, иккинчиси бу тўдада расмий хизмат қилмаса ҳам, қиличга ишқибозлардан эди. Низомиддин билан Худододбек ўзларини лочин ҳисоблаб, оталари хизматидаги шогирдларни «муллабачча», «кўрқорилар» ҳисобларди. Бу икки йигит феълидаги муштараклик ташқаридан қараган кишиларга сезилиб турарди. Аммо, негадир, улар бири билан кам учрашарди. Низомиддиннинг ошнолари бошқа йигитлар эди. У кўп вақт «Боғи жаҳонро» қолиб, Бозори Қандаҳор томонларда юрарди. Зулфиқор ҳаммадан кўра кўпроқ Низомиддиннинг мавҳумлигига таажжубланар, шундоқ отанинг касб нуридан баҳраманд бўлмаётган ўғилдан норизо эди. У дарё бўйида чўллаган одамга ўхшарди. Нахотки Низомиддин илм дарёсидан бир пиёла ичмаса! Офтоб нури ҳамма ёққа баробар тушгани билан бир ерда гулу райхон, бир ерда ажриқу алаф битаркан-да!

Бадиа янги келган меҳмоннинг негадир ўзига бевътибор эканини пайқади. Кунлардан бир куни жўрттага ташқари ҳовлига чиқиб, унинг йўлида рўбарў бўлди. У бир лаҳза тўхтаб, отасининг шогирдига бошдан-оёқ тикилди. Ўзини четга олиб, келгиндиларга эвтибор бермайдиган гўзалнинг иттифоқо йўлида қамти келиб, тикилгани Зулфиқорни хайратга солди. Бадиа бекам бирон иш буюрсалар керак, деб ўйлади Зулфиқор. У шошиб, қизга салом берди ва негадир андек қизариб кетди. Атрофда ҳеч ким йўқлигини сезгач, унга мурожаат этди:

— Муҳтарама Бадиа бекам, менга бирон иш буюрасизми?

— Йўқ.

— Унда, мен хонага кирсам майлими?

— Йўқ! Мен сизни яхшироқ кўрмоқчиман.

— Марҳамат! — бир лаҳзадан кейин Зулфиқор ўзини тутиб олиб, Бадианинг оху кўзларига тикилди, — қалай, сурат ёмон эмасми?

— Сурат харқалай текис чизилган... Лекин мазмуни...

— Сиз, муҳтарама бекам, бу «сурат»нинг мазмуни билан қизиқманг, эътиборингизга арзимайди... — Зулфиқор бу гапни эҳтиёткорлик билан айтди.

— Эҳтимол?..

Зулфиқор индамай ерга қаради.

— Сизни йўлингиздан тўхтатдим, узр.

— Йўқ, муҳтарама бекам, узр сўрашнинг ҳожати йўқ. Сиз менга илтифот қилиб гаплашганингиздан ниҳоятда мамнунман.

— Ундоқ бўлса, келганингизга анча бўлди, нега мик этмайсиз?!

— Сизда шундай бир куч борки, кўрганимда ўзимни йўқотиб қўяман. Бу, сизни кўрган биринчи кунимдан бошланган. Киши офтоб нурига тикилиб боқолмагандек, сизга, муҳтарама бекам, тикилиб боқолмайман...

— Гапга ҳам уста экансиз, — деди Бадиа Зулфиқорнинг кўзларига ўткир тикилиб. Бугунча шу гап этади, дегандек, Бадиа гапни бошқа томонга бурди: — қорнингиз оч эмасми? Овқат олиб чиқайми?

— Йўқ, бекам, қорним оч эмас.

— Заврак Нишопурий келганларида ичкари ҳовлига кирсинлар, овқат сузиб бераман...

Бадиа қайрилиб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

«Гаплашаркансан-ку, — деди ичида Зулфиқор, — бир ойдан бери оғзимни очолмай кўрқиб юрган эдим». Дўстларидан бири, Бухорода, қизлар билан гаплашганда дадиллик, фақат дадиллик даркор, инчунун, бир чеккада қолиб кетаверасан, деган эди.

Бадиа билан танишиш мана шундоқ бошланди.

Бу воқеа ошналари Заврак Нишопурий билан Ғав-

вос Мухаммаддан гоятда сир тутилиб, юрагига тушган оташ унга мислсиз шодлик бағишлади. У қандай қилиб Бадиа диққатини жалб этганига таажжубланарди; у ахир Худододбеклар каби кўркам ва номдор эмас-ку! У бир мусофир. Меъморнинг зебо қизи наинки Худододбекни, бу хонадоннинг азиз меҳмони Бойсункур Мирзо диққатини ҳам жалб этган эди. Кимдир: «Бу қиз амирзодалардан бирининг боғини обод қилғуси» деганида Маъсума бека: «Йўқ, менинг қизим амирзодаларга канизакмас, фуқарога малика бўлади», деган эди.

Чарчаб келиб, хонада ётган Зулфиқор хаёлан яна Бадиа атрофида чарх урди: «Ёки бу қиз мени зериккани учун эрмак қилиб, илтифот кўрсатяптими?! Ёки бу илтифот сохтами?» — деб ҳам ўйлади. Ҳиротлик қизларнинг анча очик бўлишини эшитган эди. Аёлларни бухорочалик ўраб-чирмаб ташлаган шаҳар дунёда бўлмаса керак, дерди у ўзига ўзи.

Орадан бир соатча вақт ўтгач, Бадиа ташқари ҳовли ўртасига келиб, шогирдлар хонасига мурожаат қилди.

— Оғайи Заврак! Ҳо, оғайи Заврак!

Уни чақирганининг сабаби бу шогирд отасининг ишончини тамоман қозонган, ичкари ҳовлига ҳам бе-малол кириб юраверар, Низомиддин қилиши лозим бўлган ҳамма ички ишларни бажарар эди. Бадиа уни ўз оғасидек чақирар ва тортинмай юмуш буюра берарди. Ҳозиргина кўчадан келиб турган Заврак Нишопурий Зулфиқор Шоший билан Ғаввос Мухаммадга лоф уриб айтаётган гапини чала қолдириб, отилиб, хонадан ташқари чикди. У Бадианинг чақирғига сусткашлик, лоқайдлик билан қарашдан жуда эҳтиёт бўларди, чунки Меъморнинг эрка, яккаю ягона қизи Бадианинг сўзини икки қилишини истамас эди.

— Лаббай, Бадиа бекам! — Бадиа ўз исмига «бекам» сўзини қўшиб айтганни ёктирар, чунки подшонинг гўзал кенжа қизи Гулгун Аконинг номига ҳам «Бека» қўшиларди.

— Бу овқатларни олинг! Қўлим толиб кетди! Энди мен сизларни гўдак болаларга ўхшатиб, алдаб овқат едираманми?!

— Узр, бекам, ғофил қолибман.

— Анави бухоролик бизнинг таомимиздан кам сйди. Айтинг, хиротликларнинг бемаза таомидан ҳам есин! — Бадианинг бу гапларини Зулфиқор хона ичидан бемалол эшитиб турарди.

— Ундок деманг, Бадиа бекам, сиз пиширган таом шу даражада ширин, лаззатли бўладики, ҳали мен вақти-соати билан Нишопурга кетиб қолсам, ҳолим не кечади. Мен бунда ширин таомларга ўрганганман. Мен устодимдан ҳеч ажралмайман, билмайманки менинг Қамаруззамон бекамни биронта бек (Худодод-бекка ишора қилади) ёки биронта мирзо олиб кетса, мен унда худога йиғлайман, бир садоқатли ит каби кидириб бориб, охир бекамни топаман, остонага бошимни қўйиб, йиғлаб, шу остонанинг посбони бўлиб қоламан...

— Тошдан ҳам садо чикди, — деди қаҳ-қаҳ уриб Бадиа, — Нишопурий, мен сизни дарди йўқ кесак дердим. Бу, бухоролик келиши билан таажжуб, сизнинг ҳам товущингиз чиқиб қолди.

— Мухтарама бекам, аслида сиз ўзингиз ҳам Бухородансиз. Туғилган ерингиз Хирот, ота-боболарингиз Бухородан...

— Тушунтириб қўйганингиз учун ташаккур! Сиз, огайи Нишопурий, ўз гурурингизни ерга ураверманг. Мен сиз айтган бек-мекингни билмайман! Мен фақат отамнинг қизиман. Тўғри, одамзод нурга интилганидек донолик, инсонийлик, мардликка қараймиз...

— Шу уч фазилат, бекам, сизда мужассам.

— Ана энди сиз ўзингизга, илгариги Нишопурийга ўхшадингиз! Боринг, овқатни олиб киринг! — деди кулиб Бадиа... У жуда мамнун, ўйноқлаб, ичкари ҳовлига кириб кетди. Унинг юришлари, кифтларининг ҳаракати ниҳоятда чиройли эди. Ҳовлида серрайиб қолган Заврак Нишопурийдан ташқари хона ичидаги Зулфиқор билан Ғаввос Муҳаммад ҳам деразадан қизни кузатиб туришарди. Ичкаридаги икки йигит ўзини кузатиб, орқасидан боқиб турганини Бадиа ҳам пайқаб юрарди. Зотан, унинг ҳозирги гуфтигўси Заврак Нишопурийдан кўра ҳам кўпроқ ичкарида ўтирган бир йигитга қаратилган эди.

Зулфиқор баъзан бу қиз нима демокчи, дегандай хаёлга чўмар, Бадианинг хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, гапларидаги ишора уни чуқур ўйлашга мажбур этарди.

VII б о б

МАДРАСА ҚУРИЛИШИДА

Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ховлида нонушта қилди. Сўнг кўчага чиқишди — йўл-йўлакай корфармони ҳам олиб, тўппа-тўғри кулоллар маҳалласига боришди. Кошинпазлар ишида қусур кўп бўлаётгани, ложувард билан зард-қўрғошин гулларини вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида корфармо Аҳмад Чалабий устодга хабар қилган эди. Бир нимадан норизодирларки, бундай кўнгилсиз ишлар содир бўлмоқда. Илгари мурожаат қилмасалар ҳам, доимо кошинларни вақтида етказиб берадиган кулоллар бу сафар нима сабабдандир ишни судрашаётганини Меъмор пайқаган эди. У корфармо Аҳмад Чалабийга ақчадан ёнига кўпроқ солиб олишни тайинлади. Йўл-йўлакай шогирдларига кулол Абутолиб ниҳоятда серзарда, аммо ишига пишиқ одам экани, ортиқча сўз айтмаслик, фақат унинг ўзи сўзлаяжагини таъкидлади. Меъморнинг айтишича, Абутолиб ўзидан ўн ёш кичик бўлиб, асли бухоролик экан. Бухородалигида у устодга шогирд тушган. Ўша пайтда ҳам устод ўз шогирди билан эҳтиёт бўлиб гаплашган, ноўрин сўз, нафсониятига тегадиган кичик бир ҳаракат Абутолибни дарғазаб қилиши мумкин экан.

Аммо у раъйи келган кишисига жонини берарди, ишлаб чарчамасди. Бунинг устига кўп такводор, мутаассиб киши эди...

Кенг ховли майдонига ёйиб қўйилган сопол идишлар, кошин сополчалар ичида ўтириб, гилвата қуяётган кулол эшикдан меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ўзи кириб келаётганини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳар гал корфармо келиб ақча бериб, битган ашёларни аравага ортиб кетарди. Меъморнинг пиёда ҳал-

пиллаб эшикдан кириб келаётганини кўрган Абутолиб дарҳол ўрnidан туриб, истиқболи сари юрди.

— Омонмисиз кулол, бола-чақаларингиз саломатми?

— Худого шукур! Ўзингиз саломатмисиз? — у гилваталик кўлини этаги барига артиб, Меъмор билан омонлашди. Меъморнинг шогирдлари билан ҳам кўришди. Орқарокда турган серсавлат корфармо Ахмад Чалабийга хўмрайиб бир қараб кўйди-ю, у билан негадир совуққина сўрашди. — Қани, айвонга марҳамат!

Улар олдинма-кейин, ҳаммалари айвонга ўтишди. Фотиҳадан кейин кулол Абутолиб идишларга гул солаётган шогирдларига чой, дастурхон олиб келишни буюрди. Юқорига чиқиб, чордана қуриб ўтирган Меъмор кулолнинг ота-боболарини, айниқса унинг бултур қазо қилган оғаси — Абу Шаҳбозни эслаб, ҳаққига дуо қилди ҳамда унинг беназир усталиги ва худонинг раҳмати одам эканлигини шогирдларига айтди. Кулол кўзига андак ёш олиб, Меъмор унинг оғасини эсланидан ғоятда мамнун бўлди.

— Худойи таоло инсонни ҳамма жониворлардан азизу муқаррам этиб яратди, жонивору ҳайвонотга тўрт оёқ, саккиз оёқ, қирқ оёқ ҳам берди, ва лекин инсоннинг олдинги икки оёғини қўл қилди. У ҳайвонлардан фарқ этароқ, тўрт оёқлаб эмас, қад кўтариб, икки оёқлаб юрадиган қилди, — деди Меъмор ўртадаги сукутни йўқотиб. Бундай ривоятларни кулол Абутолиб ғоятда ёқтирарди. — Бир кичик бола кўлига юз тевани қатор боғлаб берсангиз, унинг орқасидан эргашиб кетаверади. Жониворни инсон учун яратди — сўйиб есак ҳам шикоят қилмайди. Инсоннинг қўли не мўъжизалар яратмоққа қодир, чунки худойи таоло ва таборак уни шундай азизу муқаррам қилиб яратмиш...

Бу гапларни эшитиб ўтирган шогирдлар ҳам, кулол ҳам, корфармо ҳам Меъмор оғзига тикилиб, таажжубланиб ўтиришарди. «Арастуйи замон» — Ибн Сино эмас, меъмор Нажмиддин Бухорий, — дерди ҳамма вақт Заврак Нишопурий.

Кулолнинг шогирдлари меҳмонлар олдига дастур-

хон ёзиб, чой узатишди. Чой устида Меъмор билан кулол ўтмишни эслашиб, «як пуф» воқеасини тилга олишди.

...Абу Шаҳбоз билан Абутолибни қадим Бухорода, оталари етаклаб келиб кошин пишираётган Нажмиддин Бухорийга шогирдликка бериб кетган эди. Улар занжиларга ўхшаш лаблари қалин, қора болалар эди. Ака-ука уста қўлида уч йил ишлашди — тезроқ ва тажанг Абутолиб уч йил деганда уста Нажмиддин Бухорийнинг розилигини олмай, ўз ҳовлисида хумдон қуриб, кошину идиш ясай бошлади. Бир ой деганда бу серғайрат, чаптаст Абу Толиб ҳамма ёқни кошину идишларга тўлдириб юборди. Акаси Абу Шаҳбоз эса устадан ажралмади. Укасининг қилаётган ишига ҳавас билан қаради. У укасини тез кунда бойиб кетади, деб ўйлади. Нажмиддин Бухорий ҳам тажанглик қилиб ажралиб чиқиб кетган Абу Толибга ҳеч нима демади. «Ҳа, энди уста бўлди, кошинни яхши ясайди, куч-қудрати танига сиймай, мана ҳамма ёқни молга тўлдиради. Бу яхши! Бухородек шаҳри азимда юзта кулол бўлса ҳам оз. Бозорларда идишлар кўпайсин, янги биноларга сирли сополлар кўпроқ етказиб берилсин»,— деди. Шу сабабли акаси хижолат бўлмасин, деб, Абутолибнинг мустақил иш тутаётганига уста монелик кўрсатмади. Аксинча, «палапон қанот ёзиб, парвоз этмоғи қандай яхши», деди. Кошинпаз учун карноб тупроғи, оқ қум, ангоб лойи, лух, жўша ҳамда тоғ жисмлари бўлмиш — малгаш, магил ҳам, мис тўпони, қўрошин тўпони керак. Булар етишмаганда, Нажмиддин Бухорий Абутолибга хом ашё бериб, қарашиб ҳам турди. Лекин иш бошқачароқ бўлиб чикди: бир ойдан кейин боши қотиб уста ҳовлисига хомуш чикқан Абутолиб, Нажмиддин Бухорий олдига бир даста ложувард кошинларни қўйди.

— Уста, ясаган бу кошинларимни икки бор хумдонга қаладим, — деди Абутолиб устодга мурожаат этиб, — икки сафар ҳам улар жилвасиз қўтир бўлиб чиқаётир. Салкам уч йил қўлингизда ишладим, бунда ҳам ўзим неча бор хумдонга қалаб, ўт ёқдим... Шу ҳовлида қилган ишимни ўз ҳовлимда қилдим, аммо меники қўтир бўлиб чиқаётгани ғоятда таажжуб! Буни

қаранг, ложуварду зардлар усти ғадир-будир. Шак-коклик қилдимми, бир ишим ёқмадими, меҳнатларим зое кетмоқда. Қартайган волидамизга, укаларимга ёрдам беролмай, андуҳдаман. Мана бу мингдан ортик кўтир молни бозорга олиб боролмайман...

— Бўтам, сиз кошинпазлик хунаридаги ҳамма сирларни диққат билан ўрганганмидингиз?

— Ҳа, — деди Абутолиб.

— Йўқ, бўтам, сиз шошдингиз! Сиз устани рози қилмай, ажралиб чиқиб кетдингиз. Кошинпаз кулолларни тўпламадингиз. Сиз кошинпаз гул солиб, охири «кўрғошин» бўёғи қуйишда бир пуфлаб юборишини унутдингиз. Бунда кошин гули устидаги ғубор учиб кетиб, хумдондан ойнадек текис ялтираб чиқиш сирини фаҳмламадингиз. Мана, барчаси кўтир бўлиб қолди. Мана шу як пуфни сизга айтмаган эдим, — деди.

— Абутолиб учинчи хумдонни мен айтгандай қилди. Кошинлари текис, ярқираб, бизникидан ҳам аъло чиқди. Шогирдим жонлик сўйиб, пиримизга бағишлади. Мана, шундоқ воқеалар ҳам бўлган, — деди оғзини очиб ўтирган Зулфикору Завракка Меъмор.

Абутолиб бўлса меҳмонлар олдида завқланиб, фахрланиб ўтирарди. Бир пиёла чойдан кейин Меъмор асосий гапга ўтди.

— Азизим, не сабабдан кошинларни вақтида ясаб бермадингиз, равоқда ишлаётган усталарнинг қўллари тўхтаб қолди? Мана, корфармо Чалабий жаноблари менга шикоят қилдилар. Хабарингиз борки, рабиул аввал ойига оз кун қолди, бу ерга Мирзо келиб, ишларни кўрмоқчилар. Мен ўйлайманки, яна катта маблағ берадурлар...

— Тўғри, устод, — деди бошини кўтариб Абутолиб, — кошин, «гулдаста» учун кўрғошин бўёқ, чўян бўёқ, ложувард... ясаб бериш бизга идиш ясашга нисбатан ҳам қиммат, ҳам қийин. Лекин биз бунга қарамасдан, азбаройи сиз устод учун ишламоқда эдик. Мана, икки ойдирки, корфармо жаноблари бизга бир танга ҳам берганлари йўқ. Биз бозордан лух, оқ кум, кўрғошин, ўтин олишимиз даркор. Хонадонимизда тошу тарози ҳам кўтарилиб кетган...

— Меъ кулолга айтган эдимки, — дея қизариниб

корфармо Аҳмад жавоб қилаётган эди, Меъмор ишора билан уни тўхтатди. Корфармо бир гувраниб, бўзариб, жим бўлиб қолди.

— Дарҳақиқат, пулсиз ҳеч иш қилиб бўлмайди, кулолнинг гаплари ўринли. Айб бизда. Маблагнинг кўпчилиги гишт қуяётганларга, ганчга мардикорларга бериб юборилибди. Кошинга шошадиган еримиз йўқ, деб корфармо жаноблари хато қилганлар, буни эътироф этамиз. Қани, Чалабий жаноблари, пулни чиқаринг!

Корфармо ёнидан тилло ва кумуш тангалар солинган халтачани чиқарди.

— Бу уч юз шоҳруҳия, — деди Меъмор корфармонинг кўлидан халтачани олиб, кулол Абутолибга узатиб, — буни сарф қилиб туринг. Яқин кунларда, худо хоҳласа, ўзим яна пул олиб келаман.

— Ташаккур, ташаккур! — кошинпаз ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. — Э, устод, сиз ўзингиз овора бўлманг, мана бу шогирд укаларим хабар қилсалар, ўзим бораман. Сиз безовта бўлманг.

— Кошинларнинг сифатига эҳтиёт бўласизлар.

— Албатта.

— Қани, турдик! — Меъмор юзига фотиҳа тортди.

— Шошманглар, овқат қилиб юбораман, — дея мулозамат кўрсатди кулол мамнун халтачани чўнтагига соларкан.

— Азизим, вақт жуда ўлчоғлик. Ишни бир оз жадаллаштириб юборасиз.

— Худо хоҳласа.

— Устод Қавом кишилари ҳам иш буюрганми?

— Йўқ. У зот аксар Васиятиддин, Насриддин кулолларга буюрадирлар. Бизлар ясаётган кошиннинг ложувард бўёғини кимёгар Муҳаммад Сабзаворий тайёрлаб берганлар. Муҳаммад Сабзаворийни ўзингиз яхши биласиз, Шаҳобиддин Дулдаининг уруғлари...

— Жуда маъқул, — деди Меъмор кулол билан кўча эшик томон юра туриб, — бола-чақаларингиз доимо саломат бўлсин, ўзингиз соғ бўлинг, хунарингизга ривож тилайман!

— Саломат бўлинг, устод!

Улар хайрлашиб, жўнаб кетишди.

Меъмор корфармо Аҳмад Чалабий билан ёнма-ён, уч шогирд орқада, мадрасага келишди. Янги мадрасанинг пештоқлари ҳам фалакка бўй чўзиб турарди. Пойтахт салобати кундан кунга ошиб, Мирзо мадрасаси ҳукуматни эмас, Ҳирот аҳлининг ҳам диққатини торта бошлади.

Кулоллар билан тил топишиб, ложувард кошинларни ўз вақтида етказиб беришажагига ишонган Меъмор жини ёқтирмайдиган, амалпарст Аҳмад Чалабий билан ҳам очилиб, қувнаб гаплашарди. У кета туриб, бу ерлик машҳур мунажжим Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал Қушчини Улуғбек Мирзо Самарқандга чақириб олиб, не-не иззату икром кўрсатганларини ўйлади. Кешдан келган меъмор дўсти ҳамма бўлган воқеани жуда муфассал айтиб берган эди. Улуғбек Мирзо аҳли илмга бениҳоя ғамхўрлик қилаётгани, меъмору мунажжимлар, мухандису табобат мутлақо таъқибдан йироқ экани, инъому эҳсонлар олаётгани Мовароуннаҳрдан ўтиб, Хуросону Ирокчача етган.

Мунажжим Али Қушчи Кеш ва Китоб шаҳарларига яқин Қутчи қишлоғида турилган бўлиб, унинг Самарқанд жанубидаги Кўҳак тоғи этакларида кичик расадхонаси ҳам бўлган. Унинг отаси Фозил Қутчи илму маърифатга берилган киши бўлиб, Мирзо хизматида бўлган. Ўғлининг Салоҳиддин Румий қўлида шогирд бўлиб, алжабр ва мунажжимликни ўрганганлигини эшитган Мирзо Улуғбек Алоуддинни дархол Самарқандга чақириб, олимлар орасига киритади, ховли-жой қилиб бериб, доимо ўз атрофида тутди. Али Қушчининг донғи мавлоно Лутфий каби ҳамма ёқни камрайди... Меъморнинг ҳам Али Қушчига ҳаваси келиб, вақти соати етиб, уни ҳам эъзозу икром қилишларига ишонарди. Али Қушчига «Фисоғурси замон» деган ном ҳам берилгани унга етиб келган эди. Аммо Субудой Мовароуннаҳр ва Хуросон халқини гиёҳу кўкатни кўп ейди, булар инсон эмас, молга яқинроқ, леб баъзи шаҳарларни тамоман қириб-йўқотиб ташлагани, улуғ султон шу сабабли ҳам мўғул хоқонларини йиққани ҳақида Улуғбек Мирзо хўб айтганини эслади. «Бизлар кўкат емаймиз, кўкат ейдиган молларни еймиз. Бу элатлар чўп ейдиганларни эмас,

чўпнинг ўзини еркан. Демак, булар ҳам мол. Шу сабабли биз икки оёқлаб юрадиган бу молларни қириб ташлаб, отларимиз хўрагини улардан асрамоғимиз лозим...» деган Субудой ўзининг ярим ёввойи, йиртқич қўшинига. Дарахту экин-тикин қилмайдиган мўғул аймоқлари асосан гўшт, сут, ёғ... истеъмол қилиб, ердан униб чиқадиган гиёҳ, ноку шафтоли, узуму анору анжирни кўрмаган, емаган, эдилар. Яъжуж-маъжуждек ёпирилиб келган, отда чошиб, қилич кесишга уста мўғуллар Мовароуннаҳр ва Хуросонда қалъаларнинг нечоғлик мустаҳкам турганига, баъзан саркардаларнинг заковату қахрамонлик кўрсатганига қарамай, мўри-малахдек ёпирилиб кирардилар. Улар қалъаю арклардан ташқари, масжиду мадрасаларгача ер билан яксон қилардилар. Не-не бинолар кунпаякун бўлди. Самарқанду Хирот, Бухорою Машҳад ҳозирги пайтда қурилаётган бинолар — йиқилган Хуросону Мовароуннаҳр мамлакатларининг бошқатдан қад кўтариш даври эди. Бу давр, меъмор Нажмиддин Бухорий таъбирича, Амир Самарқанд тахтига чиқишидан бошланди. Бу давр, мўғул Илёсхўжа қўшини билан беомон жанг қилиб, Самарқандни сақлаб қолган сарбадорлар давридан бошланди. Мана, тараққиёт даври келиб, шаҳарлар қайта қурилмоқда, деди ўзига ўзи Меъмор. Аммо Афросиёбу Сиёвуш ҳам, Искандар ҳам, Чингизу Доролар ҳам ўтди... Подшоҳлар ўтаверади, аммо биз солган иморатлар доимо қад кўтариб тураверади. Биз меъморлар ўлим билмаймиз, мадрасалар пештоқидаги ложувард кошинлар бизнинг кўз қорачиғимиздирки, доимо ярқираб туради, биз авлодларни кўраверамиз...

Меъмор баъзида шундай узоқ хаёлларга борарди.

VIII б о б

ТУТҚУН УСТА ЖЎРЖИЙ

Одатдагидек Меъмор эрта билан уч шогирдини олиб мадраса қурилишига келди. Кичик маҳкамада Аҳмад Чалабийни кўрмагач, мадраса ҳовлисига ки-

риб, зина ва ҳавозалардан кўтарилиб, «гулдаста» пештоқиға кошин ёпиштираётган усталар ёнига чикди. Ишлаётганлар бошида қизғиш, малла ранг салла, этик, одми чопони устидан камар боғлаб олган. Улар Меъморға кўзлари тушиши билан бир дақиқа ишни тўхта-тиб, бош ирғаб салом беришди. Орқасида ғишт кўта-риб келаётган йигитлар ҳам «Ассалому алайкум, ус-тод!» деб камоли эҳтиром билан ўтиб кетишарди. Чехраси очик, хушмуомала Меъмор учраган киши-ларға аввалоқ салом беришға ошиқар, кишилар би-лан илиқ омонлашар эди. Тенгқурлари билан бир лаҳза ёнида тўхтаб, саломталигини, бола-чақалари-нинг аҳволини сўрарди, ўраб олган тахта қоғозларни оир муддат қўлтиғиға қисиб, ошнолари билан қўл осришиб омонлашар, бирпас тўхтаб, ишнинг бориши, кам-кўсти бор бўлса, ёрдам беришға тайёр эканини айтар эди. Хамма нарсадан саломатлик қиммат экани, ҳавозаларда эҳтиёт бўлиб юришни, Мирзога ваъ-да қилинган муддатда бу иш интиҳосиға етиши ло-зимлигини кўшиб кўярди. Қурилиш ишиға янги кел-ган кишилар Меъморға тикилишар, унинг келаётган-ини кўриб, йўл бериб, чеккада қўл қовуштириб ту-ришар эди. Баъзилар зиналарға сочилиб қолган ғишт бўлақларини, кесакларни дарҳол йиғиштириб олиб таш-лардилар. «Дил ба ёру даст ба қор» нақлини машо-нхлар эмас, меъморлар айтганлар. Меҳнат қилгин — савдат топасан, дейди халқ. Унинг отаси ҳам бу гап-ни — меҳнат кишиға камол беришини, танбаллик, совуққонлик кишини охири хор қилишини ўғлиға так-рор такрор айтар эди. Унинг кўз олдидан серғайрат, ирришқоқ йигитларни кўрганда қувнаб, «Баракалла!» тендиган отаси ўтди. Меъмор мадраса томида юриб, ишларни кўздан кечирди; ганчхок қориб, ғишт тераёт-ганлар ёнида тўхтаб, қурилиш бошлаган кун — ер қазиндан то хозиргача ғайрат кўрсатиб ишлаётган Абсанбек, Хусайнбек деган ака-укалар билан омонла-шиб, уларға омад тилади.

— Авваламбор, — деди Меъмор уларға, — сиз-ларни худо ярлақасин, бунчалик инсофу оқибат би-лан хизмат қилаётганингиз бизни қувонтиради. Икки-ламчи, биз, корфармо билан сизлар хусусингизда Мир-

зога яхши сўзлар айтдик, у зот лутфу эҳсонидан сизларни баҳраманд қилгай.

— Миннатдормиз, — деди Ҳасанбек, — тан-жонимиз соғ экан, хизматимизни аямаймиз. Сиз мухтарам устоднинг меҳрибончиликларингиз бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшади. Дил ба ёру даст ба кор...

— Хизмат ҳақини вақтида олиб турибсизми?

— Ҳа, оляпмиз...

— Тўғриси айтмоқ керак, — деди Ҳусайнбек акасига қараб, — устод, анчадан бери бизга ҳақ тўланмади!

— Сиз хижолат бўлманг, — деди Ҳасанбек Меъморга, — биз ўзимиз корфармо Аҳмад Чалабий жанобларига айтиб, ишлаган кунларимизни ҳисоблатимиз.

— Мен ҳам корфармога айтиб қўяман, — деди Меъмор, — вақтида ақчаларни бериш керак. Кечиктириб бермоқлик учун ҳеч бир асос йўқ, ақчаларни хазинадан сўралган муддатда олинмоқда.

Гапга диққат билан қулоқ солиб турган Заврак Нишопурий бу гапни тош қалами билан дафтарига қайд этиб қўйди. Меъморнинг илтимоси билан у доимо бундай гаплар ёддан кўтарилмаслиги, устодга эслатиб туриш мақсадида қайд этиб қўярди. Меъмор ака-ука билан хайрлашиб, ҳавозалар орқали яна ҳам баландга — мадраса томига кўтарилди. «Ҳа, хунгазор!» — деди ичида корфармодан ранжиб. Меъмор кетидан уч шогирди — Заврак, Зулфиқор, Ғаввослар келарди. «Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга» бўлибди, — деди Меъмор Зулфиқор билан Завракка қараб, — корфармо жаноблари тушуниб бўлмайдиган одамлар-да!»

Мадраса томи қиррасида туриб, пастдан пакирда арқон билан сув тортиб олаётган жингала сочли, қирра бурун йигит ўзидан уч-тўрт қадамча нарида гишт тарошлаб ўтирган кекса одамга ўзга тилда бир нима деди. Кекса одам бир оз ўгирилиб, пастдан эҳтиёткорлик билан чиқиб келаётган Меъморга қаради. У қарашга қарадию пинагини бузмай ўтираверди. Ёш йигитчага бир нима деб, қисқагина гўлдиради. Меъморнинг сезишича, бу уларнинг ўз она тилида эди.

Тахминан: «Кўзинга қара! Эҳтиёт бўл!» дегани бўлса керак. Бундан икки кун илгари бир одам мадраса тоmidан қулаб тушиб, шу лаҳзанинг ўзидаёқ тил тортмай ўлган эди.

— Уста Жўржий, ассалому алайкум! — деди Меъмор унга яқинлашиб. Унинг асл номи ўз тилида Георгий бўлиб, қурилишдагилар Жўржий деб атардилар.

— Келинг, Меъмор, ассалом! — деди у кавказликларга хос виқор билан наридан-бери ўрнидан туриб. У Амир Темур вақтида Кавказ жангида асир олиниб, бу томонларга келиб қолган мингларча усталарнинг бири эди. Кейинчалик қайтиб кетишнинг иложини тополмай, Хиротда қолиб кетди. Катта ўглининг асли оти Иосиф бўлиб, бу ерда абжир ва кўркам йигитчани Юсуфбек, деб аташарди. Ота-бола туркий тилни ҳам билишар, ярим кул сифатида ҳуқуқлари чегараланган бўлишига қарамай доно ва дўсара, сермуқолот бўлганликлари сабабли таъқибу камситишлардан мустасно ишлашар эди. Улар ўз динларига мустаҳкам бўлиб, оилада фақат гуржи тилида сўзлашар, ўзларининг урф-одатларини батамом ўрнига қўйиб яшашарди. Гуржистондан ҳайдаб келинган асирлар Хуросон шаҳарларида кўп бўлиб, оғир ишларга ташланарди. Улар, айникса, Мовароуннаҳрда кўп эди. Самарқандда эса, ўзларига алоҳида «Даҳаи насарон» тузиб яшардилар.

— Ҳол-аҳволингизни сўрай деб келдим, — деди Меъмор, — ишлар қалай? Бардамсиз?

— Бардамман, Меъмор. Ишлар ёмон эмас, — деди серсоқол уста Жўржий Меъморга рўбарў туриб, унинг кўзларига тикилиб. — Биз, гуржилар ҳеч қачон ишимиз ёмон деб айтмаймиз. Тангрининг буюргани шу экан. Локин, Меъмор, сиз яхши одамсиз, дилимга ёқасиз. Шу сабабли, сизни кўрсам кўнглим ёришади. Мана, мадраса ҳам битишга яқинлашяпти.

— Худди шундоқ яхши фикр менинг кўнглимда ҳам бор. Қисмат экан, бу ерларда юрибсиз, уста Жўржий. Бу томонларга ризқингиз сочилган экан. Сизнинг кўп инсофли одам эканингизни биламиз. Шундоқ. Қани, менга айтингчи, сизга ҳақ тўландими?

— Ҳақ тўланади, Меъмор. Биз ғарибларнинг ҳақимизни ҳеч ким ололмайди. Мусулмонлар бировнинг ҳақини емаслигини биламиз. Аммо сиз менга амирзода билан гаплашаман, деб ваъда берган эдингиз?

— Ёдимда.

— Етмишдан ошдим. Она ерим Гуржистонни бир кўриб, ўша ерда ўлай. Мана, ўғлим Йосиф она ватани — Гуржистонда қолиб яшасин. Ўз она юртидан ажралган кишининг «бардамман», «ишларим яхши», деганига ишониб бўлмайди. Ўзимиз кулсак ҳам, дилимиз йиғлайди, Меъмор. Сиз зукко одамсиз, буларнинг барини яхши тушунасиз. Бойсунқур жаноби олийларига марҳамат қилиб, биз ҳақимизда яхши сўзлар айтинг, токи бизлар мадрасани битказиб, она юртимизга кетайлик.

— Хафа бўлманг, дўстим Жўржий, мен Мирзо билан албатта гаплашаман.

— Саломат бўлинг! Сиз — фикри тиниқ зиёли бўлганингиз учун ҳам биз чекаётган айрилиқ ситамини сезяпсиз. Амирлар, сардорлар, сарбозлар буни қаёқдан билади! Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша олмагани сабабли катта кучга эга бўлган истилочининг ҳамласига дош беролмадик. Тоғ чўққиларидаги метин қалъалар ҳам дош беролмай қулади. Хотинларимиз, қизларимиз олиб кетилди. Бундан ортиқ ҳақорат борми, Меъмор! Гуржи халқи ниҳоятда доно ва уста халқ, яхшилиқни биладиган, тарихан бой халқ. Буни сиз яхши биласиз. Тутқунлик азоби ҳеч кимнинг бошига тушмасин!

— Уста Жўржий, мен сизнинг изтиробларингизни қалбан сезиб турибман. Мана, шогирдларим ҳам сезиб турибди. Худо ниятингизга етказсин, о-мин! — Меъмор юзига фотиҳа тортди. Гуржи чол бўлса кўзига ёш олиб, христиан одати бўйича, ўз тангрисига сифинди. — Дунё шундоқ экан, Жўржий, мана гўё биз мовароуннаҳрликлар, хуросонликлар зобиту сиз забт этилгансиз. Дунё тенгсизликдан иборат. Сизларни тутқун қилган султон Амир Темур саройидаги бир элчи — «Бу янги оламда кўзга ташланган, оврўполик саналмаган ҳар қандай кимсани инклар деб атаймиз»,

деб ёзибдир. Демак, сиз билан биз ҳам сахройи «инк»-миз. Бу гап Бойсунқур Мирзони ҳам, устод Қавомни ҳам дилгир қилган. Сиз ўзингизни мағлуб атаб, бизни голибу зобит деб атаяпсиз. Иккинчи бир кимса борки, у иккимизни ҳам тан олмайди. Дунё шунақа, уста Жўржий. Фақат хафа бўлманг, сабр қилинг, сабр таги раҳмон...

— Ташаккур! — деди гуржи устаси.

Меъмор уста Жўржий ёнидан хайрлашиб жиларкан, хаёлидан ялт этиб ошнаси устод Қавом ўтди. Жўржий илгари ўғли билан бирга унинг қўлида ишларди. Димордор ва ниҳоятда кибор устод Қавом гуржиларга ёкмади; меъмор ёнида бир-икки шартта сўзлик қилган Жўржийни хайдаб юборди. Бундан ортиқ жазо беришдан ўзини тийди, сабаб, устод Қавом бошқа тутқун кишиларнинг қахрли нигоҳларидан хайиқди. Катта хизматлар қилган, Хиротнинг энг мўътабар зотларидан бўлган устод Қавом ўз манфаати йўлида ҳеч кимни юз-хотир қилмаслиги, унга сояси тушадиган ҳар қандай кимса юзига чанг солиши Меъморга маълум эди. Ошнасининг бундай димордор ва мансабпараст феълени билган Нажмиддин Бухорий баъзан ундан нарироқда юрарди. У билан яқинлашган чоғларида дарранда ёнида турган жонивордек ўзини эҳтиёт сақларди.

IX б о б

ТУЯДЕК ҚОМАТ БЕРМА, ТАРИҚДЕК АҚЛ БЕР

Ҳасад — занглаган ханжардирки, жароҳати маддалаб кетади. Одамзоднинг сиртидан ҳеч нарсани пайқаб бўлмайди, дерди Меъмор баъзан ўзига ўзи, зару шуҳрат ўлсин, унинг кетига тушган инсон мана шундай ҳасадгўй, икки юзламачи, ўз манфаати йўлида гоётда йиртқич бўлиб қолади. Бойсунқурнинг Меъморга кўрсатган бир илтифоти устод Қавом ҳаловатини бузди; Нажмиддин Бухорий жиззаки, қулларга ҳам, давлат душманларига ҳам ён босади, деган гапларни

амирзода қулоғига етказиб, неча вақтгача Меъморга ола қаратиб юрди.

Аммо мавлоно Лутфий амирзодага: Меъморга шуб-ҳа билан қарамаслик кераклигини ишора этиб, унга ўз қўлидаги ниҳоятда чиройли кўчирилган «Калила ва Димна» китобини берди. Кунт билан ўқиб чиқишини, айниқса, «вазири аъзам» — Хўкиз билан Қоплон ўртасидаги фитнага алоҳида эътибор беришини маслаҳат кўрди. Бу гаплар кейинчалик меъмор Нажмиддин Бухорий қулоғига ҳам етган эди. Энг ёмони шу бўлганки, қирқ йил тажриба қилиб, «бинонинг кунгайлик сурури» кашфиёти меъмору усталарга маълум бўлганида, шу қирқ йиллик ошнаси бу ишни ўз номи билан боғлашга уринди. Гўё меъморчиликдаги бу мўъжиза қадимдан маълум; «Самарқанд, Бухоро, Ҳирот, Хива меъморлари буни аввалдан қўллаганлар. Қорахонийлар ва юнонлар салтанати даврида ҳам бу ишга катта эътибор берилган», — деб, Бойсунқур Мирзонинг ҳаяжонини босиб қўйган эди. Меъмор Нажмиддин Бухорий бино ҳовлиси ва ҳужраларга офтоб тушмай салқин бўлишлиги эмас, аксинча, панжара ва эшик орқали ҳужраларга офтоб тушиши, лекин саратонда ҳам салқин бўлиши, эрталаб ва кечга яқин офтоб нурларида мадраса биноти ниҳоятда серфайз ва сурурлик бўлишини кўзлаб, пойдевор қўйишни тор кўчаларга мўлжаллаб эмас, кунгайлиги, катта биноларнинг бир-бирига мутаносиблигининг хандасавий ҳисобини аниқлаб, кейин ишга тушар эди. Катта бино атрофида очиқлик бўлишини лозим топарди. Мирзо Улуғбекнинг тахтга ўтириши билан Хўжайи жаҳонда, Бухорою Самарқандда мадраса қуриш ниятини эшитган меъмор Нажмиддин Бухорий ҳамкасб ёр-биродарларига нома йўллаб, бу олижаноб ниятни жон-дили билан қўллаб-қувватлашни, бу мадрасани Жоме масжиду Минораи Калондан узоқда бўлмаслигини, «кунгайлик сурури»га алоҳида эътибор бермоқ зарурлигини айтган эди. Нажмиддин Бухорийнинг Бухоро билан алоқаси ошнаси Қавомга унча ёқмасди. Булар ҳам ҳолва, лекин Меъморнинг баъзида қизишиб кетиши, гўзаллигу сифат борасида маҳкам туриб, усталар билан қаттиқ тортишуви, умум манфаатини

кўзлаётгани, пулни ортиқ исроф қилмаслик... бу ортиқча хатти-ҳаракатларини устод Қавом «исёнкорлик» деб биларди. Нажмиддин Бухорийнинг ота-боболари сарбадорларга алоқадор бўлганлиги уни кўкрагидан эзиб турар, бу «то қиёмат ювиб бўлмас гуноҳ» кўпдан бери азоб бериб келарди. Қачонки у қизишиб ортиқча ҳаракат қилса, ошнаси шу мозийни қайси йўл биландир эслатар эди.

Меъмор икки фарзанди — катта давлати билан ҳам фахр этарди. Айниқса, гўзал қизи Бадиани кичиклигидан эркаларди, у ўзининг сезгир ва ҳозиржавоблиги билан отасига тортган. Қизи бўйига етганида ҳам унинг наздида тўрт яшардек кўринарди. Баъзида туғилиб ўсган Бухороси хаёлини тортиб кетар; ота-боболаридан эшитган шаҳар тарихи, чеккан жабру жафолари кўз олдидан ўтарди; Чингизхон от солиб келиб, Минори Калон тагида фалакка бўй чўзган бу обидага маҳлиё бўлиб қолибди. У бармоқларини тишлаган ҳолда минора тепасига тикилиб, бошидан тумоғи ҳам тушиб кетибди. У атрофдаги бош эгиб турган кекса бухорликлар сафи олдидан от солиб ўтиб, Жоме масжиди ичига кирибди. Бош эгиб турган имомнинг соқолидан ушлаб, ҳақорат қилибди... Имом «Шаҳримиз вайрон бўлмасин, одамлар қирилмасин, деган мақсадда бизлар бош эгиб, сенга таслим бўлган эдик. Сен бизни ҳақорат қилдинг! Сен босқинчисан!» — деган экан, мўғуллар шу лаҳзанинг ўзидаёқ унинг бошини кесишибди. Юздан ортиқ бош кесилиб Жоме масжиди ичидagi кудуққа ташланибди. Бухоро аёллари, қизларини мўғуллар булғаб, кўпларини ўзлари билан бирга олиб кетибдилар. Не кунларни бошдан кечирган менинг бечора Бухором, деди Меъмор ўзига ўзи. У ҳозир жуда узоқдалигига қарамай миноралари, кўкўпар мадрасалари шундоқ ўзига кўришиб кетгандай бўлди. Донино қақроқ бу азим шаҳар атрофидаги Шаҳри Ҳайбару Ворзанза билан Варахша харобаларини ҳам хаёлига келтирди. У Мовароуннаҳр тупроғини кўмсади.

Ҳовлида иш қилиб юрган Бадиа кекса отасининг хаёлларидан тамоман беҳабар эди. Отанинг кўзи фарзандида эдию, хаёллари она шаҳри Бухорода, ёшлик йилларида эди.

Нажмиддин Бухорий кечкурун уйга гамгин қайтди, уни Бадиа чарчаган хаёл қилиб, хонтахтага таом кўйди. Меъмор ҳар кунги одати бўйича оила аъзолари ёки ташқари ҳовлига чиқиб, шогирдлари билан букунги қилинган иш ва эртанинг режаси, одамлар ҳақида гаплашиб ўтирмай, ётиб ухлаб қолди. Кейинги пайтларда кўп тажанг бўлиб турарди. Бадиа ҳам, онаси ҳам устод Қавом ёки Аҳмад Чалабий яна бир нима деб отасининг феълени айнитдими, деб ўйлашарди. Ёки мадраса қурилишидан нуқсон топилдими? Ҳар хил хаёллар она-бола фикрини қуршарди. Низомиддин бўлса тамоман парвойи фалак. Отанинг андухи эрта билан нонушта чоғида маълум бўлди; ганчхок қориб, юқорига олиб чиқиб берадиган бир аёлманд, камбағал мардикор бошига кулфат тушибди. Боласи кўп бу мардикорнинг ўн бир яшар қизи кичик укаларини уйи рўпарасидаги тезоқар Инжил анҳори бўйида ўйнатиб юрганида, икки яшар укаси югуриб келганича, думалаб сувга тушиб кетибди. Қизча дод деб, чапак чалиб анҳор бўйида у ёқдан-бу ёққа югурибди, лекин укасини қутқариб ололмабди. Нима қилишини билмай чинқариб ўтирган қизча «дадам келсалар мени урадилар», деб ўзини сувга ташлабди. Икки яшар боланинг ўлигини букун топишибди, аммо опасини топиша олмабди... Бу воқеани эшитиб, Меъморнинг юраги санчиб кетди. Бултур минора — «гулчамбар»га кошин ёпиштираётган киши қулаб тушганида ҳам худди шундоқ бўлган эди. Меъмор корфармога мардикорнинг уйига бориб, ақча бериб келишини тайинлади. Бир иморат битганича неча одам бу дунёдан ўтишини, қанча фожиали воқеалар бўлишини, бундай аянчли ҳоллар кўп бўлаётганини эслаб юраги сиқилди. Ситамгар фалакнинг гардишидан нолиди. Фариб-гураболар кўп ситам чекаётганини ўйлаб, хафа бўлиб кетди... «Дунёнинг ҳамма ташвиши сизда, отаси, — деди Маъсума бека Меъморга тасалли бермоқчи бўлиб, — бу иш ҳам худонинг иродаси. Бандасининг қўлидан ҳеч нима келмайди. Кейинги пайтларда асабингиз кўп бузилмоқда, ўзингизни қўлга олиб, эҳтиёт бўлинг». Қизи Бадиа ҳам онасининг гапларини тасдиқлади.

Корфармо Ахмад Чалабий қирқ ёшларга борган, йўгон, қаншари паст, кўзлари ўйнаб турадиган сергап одам. Ўзининг ғоятда киришимлиги, мансабдорлар олдига сертакаллуфлиги, серҳаракатлиги билан эътибор қозонган. У илмдан мутлақо бебаҳра бўлишига қарамай, Улуғбек Мирзо олиб бораётган ишлардан энсаси қотарди. Таҳсил кўролмаي, мадрасадан ҳам кетиб, Бозори Қандаҳорда отаси дўкониди мол сотди. Кейинчалик устод Қавом эътиборига тушиб, унинг тавсияси билан Мирзодан иш олган эди. Шаҳар четида — дала жойида бўлган бир йигитда «танҳорат» учун холи жой кидириб, бир тўнка орқасида ўтирган Бойсунқур Мирзога юзини тесқари қилиб бориб, кесак узатган. Шуну, жуда муҳим иш қилганлигидан ўзи ҳам шод бўлиб, устод Қавомнинг ёрдами билан янги қуриладиган мадрасага корфармо этиб тайинланди.

Қурилиш Меъмор лойиҳаси ва унинг бевосита раҳбарлиги остида бўлгани билан, моддий манба — одамларни ишлатиб ҳақ тўлаш, иншоот учун ғишту ганч, ёвочларни келтириш — унинг зиммасида. Корфармо қурилишда бевосита ишлаётган юзга яқин мардикору усталар билан бирга аравакашларни ҳам ўз измида сақларди. Ўзи асли Чалабий хўжа деган саррофнинг ўғли. Мадраса қурилиши ёнида икки хонадан иборат унинг ихчамгина маҳкамаси бўлиб, бу ерда баъзи кўнлари меъмор Нажмиддин Бухорий ҳам қоғозларни ёзиб, лойиҳани мадрасанинг баъзи бўлак тасвирларини кўздан кечирарди. Ёнидаги муҳандису усталар, шоғирдлари билан муҳокама қиларди. Оби ғишт, лажувард кошин, ганчхокнинг нисбатини, мустаҳкам қотишини кўздан кечирмоқ мақсадида улардан намуна олиб келиб кўришарди. Бундоқ маслаҳат мажлисларда маҳкама соҳиби, аммо илму фандан узоқ Ахмад Чалабий ҳам бир чеккада эснаб ўтирарди. У, Меъморнинг муҳандис билан равоқ ва баланд девор бурчаклари, гумбазнинг хандасавий уч бурчак, тўрт бурчак чизикларини ҳисоб қилиб чиқаётганларини кўриб ўтирарди-ю, лекин ҳеч бирига ақли етмасди. Кўнглида, «ҳа, бу ҳамма ҳисоб-китобларнинг отаси ҳам, онаси ҳам ақча. У менинг чўнтагимда. Ақча бор экан, бу хандасавий чизикларнинг чизилаверади, деворлар ҳам

кўтарилаверади. Бу ақча тугар экан, гиштин деворлар ҳам кўтарилган жойида тўхтаб қолаверади. Тилло тангаларнинг қудрати зўр», дерди. Бундоқ маслаҳат мажлисларни ҳам уюштириш ўз вазифаси, гўё хумдондан гишт келтиришдек бир гап, деб ўйларди. Мирзо бу мадрасани барпо этишни гўё унга топширган, у мардикорларни ишлатаётгандек, муҳандису Меъмори ҳам ўшалар қатори... деб биларди. Меъморининг хаёли тилло тангалардан кўра ҳам қад кўтараётган мадрасада эканини кўпдан пайқаб юрган Аҳмад Чалабий, баъзида тилла тангалардан бир қисмини ўз ҳамёнига ҳам урарди: мардикору усталарнинг ҳақига хиёнат қиларди. Меъмори унинг ҳаром ишларидан андак воқиф эди-ю, лекин бу шахсни ўз мансабидан четлатишга мутлақо қурби етмасди. Баъзи зарур масалалар билан Бойсунқур Мирзо ёнига боришга ҳозирлик кўраётган устодни пайқаб қолгудай бўлса, ундан олдин ўзи қасрга бориб, Мирзо қабулига кириб чиқар, бу гапни кейин Меъморга маълум қилиб, тарвузини қўлтиғидан туширарди. «Ахир менинг амирзодага айтиладиган зарур гапларим бор эди, нега ўзбошимчалик қиласиз?» — деса, у худди баъзи димоғдор мансабдорлардек гердайиб, «мухтарам амирзода ҳозир мадраса қурилишидан кўра бошқа зарур ишлар ҳам бор, деганлар», — деб кўзини лўқ қилиб турарди. Меъмори илгари бир неча бор лойиҳалари йўқолгани сабабли қоғозу тасвир-чизиқларини, хандасавий ҳисобларни жуда эҳтиёт қиларди. Пайшанба кунини эрта билан ишлаётган одамлардан сал четроқда Меъмори билан корфармо қамти келиб қолди. Уларнинг бўғилишиб гаплашаётганини одамлар узоқдан кўриб туришарди. Устод тажанг бўлиб, Аҳмад Чалабийга: «Энди лўттибозликни ташланг, йўқса, сизни корфармолик лавозимидан бекор қилиш керак! Сиз ўзингиз бир оми одамсиз, меъмориликдан тамоман узоқдасиз, лекин бунда қиморбозлар ҳам қилмайдиган ҳаром ишларни қиляпсиз! Қўлингиз эгри, бармоқларингизни кундага қўйиб табар билан чопиб ташлаш керак!» — дерди бўғилиб.

— Исбот борми? — кўзларини чақчайтириб Аҳмад Чалабий Меъморга ўқрайди.

— Бор! — деди захарханда билан Меъмор, — шу ерда ишлаётган ҳар бир одам буни исботлайди. Сиз кўпларнинг ҳақини бермай, ўз чўнтагингизга уряпсиз!

— Устингиздан ҳазратга, ундан сўнг амирзодам Иброҳим Султонга шикоят қиламан! — атай бақириб гапирди Аҳмад Чалабий.

— Қилаверинг! Ҳазрат ҳақиқат қилиб, салтанат пулини ўғирлаётганларни жазолайди! Бу дўқ-пўписани бошқа одамга қиласиз! Мен — меъморман! Сиз бундай каллобликни илгари ҳам қилган эдингиз! — деди Меъмор қатъият билан.

Ранги оқариб кетган Аҳмад Чалабий бир лаҳзадан сўнг ўзининг тамоман бурчакка тиқилганини сезиб, «вой юрагим, вой-вой...» деб, атай ерга ағнаб, оғзидан оқ кўпик чиқара бошлади. Унинг ўйин қилаётганини Меъмор сезиб турарди. Атрофига тумонат одам йиғилди. Юқорида, иккинчи қаватда, минорада, «гулдас-та»ю равоқларда ишлаётганлар ҳам югуриб пастга тушишди. Заврак Нишопурий билан Зулфикор Шоший Меъморни тўполондан четга олиб чиқиб «Устод, хафа бўлманг, бу очикдан-очик қилинган айёрлик! Бу одам ҳар хил пасткашликлар қилишдан тоймайди. Шундоқ ифво билан сизнинг тилингизни қисик қилиб, бошингизга чиқиб олмоқчи. Буни ҳамма билиб турибди...» — дейишди.

Меъморнинг капалаги учиб, ранги ўчди. У нима қилишини билмай, бир чеккада шогирдлари Фаввос, Зулфикор, Завраклар билан гаплашиб турарди. Баъзилар аҳволга яхши тушунмай, айбни Меъморга қўйиб, унинг тепасида ачиниб туришар, ерда ётган корфармо дамо-дам оғзини каппа-каппа очар, кўзларини олакула қилиб, юрагини чангаллаб: «ўламан, ўламан...» «ох, ох... кетдим» деб қўярди. Меъмор баттар хижолат тортарди.

У, Аҳмад Чалабийнинг тепасига келиб, «Ҳой, корфармо, сизга нима бўлди? Туринг...» деди. Ерда ётган Аҳмад Чалабий «Кетинг, кетинг!» деб Меъмордан юзини ўгириб, одамларга мурожаат этди: «Чопар юбориб, Мирзо Бойсунқурни олиб келинглар! Тезрок! Ҳазратга хабар қилинглар, мен ўляпман... Анави бухоролик мени шу ҳолга солди, ох...»

Ҳамма хайрон. Нима қилишни билмай Чалабий тепасида турарди. Кимдир бир коса сув олиб келиб ичирди. Тагида қолганини унинг юзига сепди. Заврак Нишопурий Меъморни уйига бошлади. «Сиз бунда турсангиз, у ҳар хил қилиқлар қилаверади, кетиш керак, — деди, — Зулфиқор билан Ғаввос уни уйига олиб бориб қўйишади», — дея қўшиб қўйди у.

— Уйига олиб боришсин, ана арава! — деди Меъмор бир оз жонланиб. — Зулфиқор Шошийга айтинг, табиб чақирсин.

Ғаввос тайёр аравалардан бирини олиб келди. Одамлар Аҳмад Чалабийни оҳиста кўтариб, аравага солишди. Унинг ёнида Зулфиқор билан Ғаввос ўтирган ҳолда корфармо ховлиси томон жўнашди. Шундан сўнг тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай бўшашиб, Меъмор ҳам Заврак билан бирга уйига кетди. Бунда тўпланган одамларнинг бир қисми яна ўз ишлари билан шуғулландилар, баъзилар уйларига кетдилар. Аммо тепада «гулдаста» гумбазига гишт тераётган усталар тушишмади. Бунга икки сабаб бор эди: бири, қорилган ганч-хокларнинг тезда қотиб яроқсиз бўлиб қолиши, иккинчиси, корфармонинг бундай «ўйини» биринчи эмаслиги. Меъмор уйга қайтиб келгач, шогирдларини ташқарида қолдириб, ўз хонасига кирди-да, кўрпачага чўзилиб, болишни қучоқлаганича ётди. Дарҳол унинг олдида қизи Бадиа билан хотини кирди. Отасини бетоб кўрган Бадиа югуриб чиқиб чой олиб кирди. Яна қайтиб чиқиб обдаста, дастшўй, совун олиб кирди. Меъмор ўтирган жойида юз-кўлини ювди...

Меъморни бошлаб олиб келган Заврак йўл-йўлакай ўз хонасига бирров кириб чиқди-да, яна мадраса томон кетди...

Х б о б

ФАРҒОНА УСТИГА БОСҚИНЧИЛИК ЮРИШИ

Турли вилоятларда ҳокимлик қилаётган амирзодалар Темур вафотидан сўнг, Хуросон подшоҳи Шохрух туғи остида бўлиб, унга бўйсунилари керак эди.

Шу муносабат билан салтанат пойтахти Самарқанддан Хиротга кўчирилди. Шохрух мамлакат бутунлигини сақлаш ва ўзига содиқ амирзодаларни ўрни-ўрнига қўйиш мақсадида жиянларига ортик ишонмай вилояту ўлкаларга кўпроқ ўз ўғилларини юборди. Шу йўсинда ўз оғалари Жаҳонгир, Умаршайх ва Мироншоҳ насли билан кураш бошланиб кетди. Катта ўғли Улуғбекка — Самарқандни, Иброҳим Султонга — Шерозни, Суюрғотмиш Мирзога — Қобулу Ғазна, Қандахорни, Бойсункур Мирзога — Астрободни берди... Лекин бу тадбир ҳам ўзини оқламади; анча кейинроқ невараси Султон Муҳаммад (Бойсункурнинг ўғли) бобосига бўйсунмай, Эронда мустақил иш юритди. Катта қўшин билан борган Шохрух уни тобе этолмай, қайтиб келди. То умрининг охиригача Шохрух Ғарбий Эронни Хиротга тобе этолмади. Бу воқеалардан илгари, ўз мавқеининг пасайиши, улкан мамлакатнинг парчаланиб кетишидан чўчиб, хижрий санасининг саккиз юз ўн олтинчи йили (1413 милодий) Улуғбек Мирзони катта қўшин билан Фарғона устига юборди. Бу, Самарқанд ҳокими, ёш амирзоданинг биринчи юриши эди.

Муҳаммад Тарағай — Улуғбек чақалоқлигида Сароймулкхоним тарбиясига берилган эди. Гавҳаршодбегим кўлида камдан-кам бўларди. Темур юришларида кичик амирзода бувиси билан угрук¹ аравада қўшин билан баъзан Ҳазор, баъзан Амударё, баъзан Қобул томонларда юрарди. Улуғбек ўн ёшга тўлганида, уни Муҳаммад Султоннинг қизи Ақобегимга уйлантиришди. Қиз она томондан Олтин Ўрда ҳокими — Ўзбекхон уруғидан бўлганлиги сабабли, Улуғбек ҳам бобоси каби «Кўрагоний» номини олишга сазовор бўлди. Самарқанд ҳокими этиб тайинланган амирзоданинг ғоятда ёш эканини ҳисобга олиб, отаси ўзининг энг содиқ мансабдорларидан бўлмиш Шох Малик тархонни унга маслаҳатгўй ва химоячи этиб тайинлади.

Ҳарбий юришлар, бос-бос, шаҳар қамаллари, чопди-чопдилардан ғоятда зада бўлиб қолган фуқаро юрагига эрта баҳор кунларида яна гулгула тушди. Авва-

¹ У г р у к — подшо оила аъзолари юрадиган аравалар.

лига пойтахт аҳлидан пинҳон тутилган уруш тезда ҳаммага аён бўлди. Эрта баҳор ойининг серфайз кунларидан бирида катта қўшин Хиротнинг шимолий дарвозасидан чиқиб, Балху Кеш орқали Самарқандга жўнаб кетди. Бу қўшинга Амир Довуд барлос сардорлик қилиб, ёш Мирзога кўмаклашмоқ ва унинг қўшини билан Фарғона устига бормоқ учун уч ой тайёргарлик кўрган эди. Улугбек Мирзо амакиси Умаршайхнинг ўғли — Амирак Аҳмад билан беомон жангга отланди. Хироту Самарқандга бўйсунмай, мустақиллик даъво этаётган Амирак Аҳмадни йўқотиб ўрнига ўз ўғилларидан бирини қўймоқ, Фарғона вилоятини тобе этмоқ Шохрух салтанати мавқеини кўтаришда ғоятда муҳим масала эди. Шу сабабли ўзи ёш бўлса ҳам, катта ҳарбий кучга эга бўлган Самарқанд ҳокими жангга отланди. Бундан аввалроқ Амирак Аҳмадни кенгаш баҳонаси билан чақириб, ўлдирмоқчи бўлганларини ҳам сезган эди. Ёш Улугбекнинг тажрибасизлик қилиб қўймаслиги учун отаси содиқ мансабдорларидан, «тархон» унвонига сазовор бўлган Шох Маликни унга йўлдош қилди. Мирзонинг шахсий ишларидан қатъи назар, салтанатга алоқадор ҳамма фармонлар унинг аралашувисиз бўлмасди.

Икки амакивачча темурийзодалар «сен каттами, мен катта» қабилида бир-бири билан жангга тайёрланардилар. Икки томонда ҳам мингларча кишилар қурол ушлаб, ҳарбу зарбга шайланарди. Самарқанд сарбозлари юрагида Фарғонани талаш, ўлжа олиш, ғалаба билан Самарқандга кириб келгач, подшонинг Катта ер инъоми — «суюрғала»сига мушарраф бўлиш нияти ёнарди. Яна ўша Катвон дашти, бу даштда қиёмат қойим, чопди-чопдида қанчалаб каллаларнинг узилиши, отларнинг кишнашию ярадор бўлиб ерга қулаганларнинг оҳ-воҳи...

Қўшин орасида Нажмиддин Бухорийнинг ёлғиз ўғли Низомиддин ҳам жанг яроғ-анжомларини осиб, йўрға отда борарди. Амир Довуд барлос, Амир Сорибуға ва Амир Сулаймон Хашлар аслида Темурнинг саркардаларидан бўлиб, Халил Султондан юз ўгириб, кексайиб қолганликларига қарамай, Шохрух хизматида эдилар. Бу мубориз туфайли Меъмор хонадонининг ҳар

йили эрта баҳорда Кўхисиёҳ этақларига равоч сайлига бориши ҳам қолди — ёлғиз ўғлини жангга йўллаш, Меъмор хонадонининг диққат марказида эди. Ўғил болаларга ўхшаб, чалвор кийиб, белини камар билан боғлаб олган шаддод Бадиа акасининг димишқий исфихонини камарига осиб кўрар, ҳовлида боғлоглиқ турган отга минмоқчи бўлар, онасининг эътирози билан бир оз тортиниб отдан узоқлашар, лекин бўйи чўзилиб, кўкраклари бўртиб чикқан гўзал киз ҳовлида қандайдир ғалаба завқи билан чарх айланиб юрарди. Ичидаги ғайрату сарбозларга хос шиддаткорлик танига сифмасди. Темур сарбозларидек қилич чопиш, рақиб бошини сапчадек узиб ташлаш, енгиш, катта ўлжалар билан қайтиш Хуросону мовароуннаҳрлик сарбозларнинг қон-қонига сингиб кетган. Чунки Темур «Камар бар миён ва сано бар забон», деган.

«Ғанимни ўлдириш савоб». Отасининг салтанат олдида катта хурматга эга экани — Бадианинг қалбига ҳам фидойилик тўйғуларини солган эди. Агар у йигит бўлганида, ҳеч шубҳасиз подшо учун жангларга борарди. Салтанат учун қурбон бўлишга тайёр; чунки «шаҳид бўлиш — у дунёда азиз бўлиш», демакдир. У бўйи етиб бирон ёш лашкарбошига берилишини жуда истарди. Бадианинг бундай хатти-ҳаракати онасини ҳам, отасини ҳам кўпдан ўйлатиб қўйган. Сарбаст, кучга тўлган Низомиддинда бунчалик шаддодлик йўқ, у фақат оила шарафини, отасининг салтанат олдидаги обрўсига путур етказмасликни кўнглига тугиб, жангга отланди. Аслида бу ўз сўзлик ўғил на подшоҳни ва на амирзодаларни хуш кўрарди — баъзида уларни қонхўрликда айблаб, номларига носазо сўзлар айтиб юборарди. Бундай пайтда Меъмор жуда хижолату андуҳга тушиб, ўғлига ёмон гапларни тилга олмаслик кераклигини такрор-такрор тайинларди.

Меҳтарбоди Ялдойи Самарқандийи соний деб аталмиш, ота-боболари айёрлик хизматида бўлган Муҳаммад Арғун ўз одамлари билан Работ, Куркат, Нав, ундан кейин Хўжанддан ўтиб, Кўчкак, Конибодомгача борди. Йўлларни обдан тафтиш этиб, довону кўприқларни кўриб, дафтарига белги чекди. Саркардаларга маълум бўлишига қарамай, шахсан амирзода-

нинг топшириғига биноан йўлидаги кудуклар, оқар сувлар оралиғи неча фарсанг эканлигини, атроф-жонибда душман томонидан пистирма қўйилган-қўйилмаганлигини, отлар учун бедаю хашак, серкўкат ерларни ҳам ўз дафтарига қайд этиб, чўпон, савдогар, баъзан шу атрофлик деҳқон сифатида «Ўратепага — инисиникига кетаётган» бўлиб, лашкар ўтажак йўлларнинг ҳаммасини кўздан кечирди. У катта мансабдор бўлишига қарамай, мухориба туфайли шахсан ўзи бошига қулоҳ кийиб, хизматга тушган эди. Мирзо ҳам, шох Малик тархон ҳам, Амир Довуд барлос ҳам Самарқандда Муҳаммад Арғунга уч хафта муддат беришган эди. Ўзининг тўққиз нафар навқари билан, ўткир ханжару доруйи беҳуш, сунъий соқол-мўйлаби, тилло тангалар ва турли анжомлар билан оту эшакларга миниб олган Муҳаммад Арғун сардорлигидаги айёрлар Навдан ўтгач, учга бўлиниб, Фарғона йўллари синчковлик билан текширишди. Бозорларга кириб, харидору мусофир сифатида одамлар билан суҳбат этиб, кўп сирру синоатларни билиб олишди. Мамлакатда қаттиқ сир тутилган бу юришдан Амирак Аҳмад давлатининг асло хабари йўқ эди. Аҳмад мирзо давлатидаги Муҳаммад Арғун одамларининг вақт-вақти билан Самарқандга, Ҳиротга хабар бериб турганликлари маълум эди. Аҳмад Мирзо саройидаги баъзи аламзада мансабдорларнинг хизмати ҳам бор. Атай қўйиб қўйилган хиротлик Шарафиддин Мурғобий Аҳмад Мирзонинг сиёсати Ҳироту Самарқандга зид эканини хабар қилиб турарди. Подшоҳни менсимай ғайр ишлар қилаётгани, ўз амакиси ҳақида носазо гаплар айтаётгани ҳақидаги маълумотлар аниқ исботу далиллар билан бу томонга етиб келиб турарди. Муҳаммад Арғуннинг тағи зил маълумотлари Шохрухни ҳам, Улуғбекни ҳам оёкка турғизди. Бу иш тезда бартараф қилинмаса, салтанат обрўсига путур етади, таназзулга олиб боради, деб ўйлардилар. Шох Малик тархон бу ишни «Мамлакат шарқидаги дарз» деб атади. Кейинги кунларда Конибодом, Кўчқак, Исфара оралиғида юрган айёрлардан Аҳмад Мирзо хабар топди; ортиқча ҳаракат қилиб юборган бир навқар Конибодомда қозихонага кириб, ўзининг самар-

кандлик эканини беихтиёр ошкор қилиб қўйган эди. Самарқанд томонга йўлга чиққан Амирак Аҳмад айёрлари бу ерда «Самарқандлик одамлар» борлигини сезиб қолиб, тезда саройга хабар қиладилар. Ўзлари асло келгиндиларга тегмай, атрофдан кузатадилар. Бу иш шу куни кечаси Навда турган Муҳаммад Арғунга маълум бўлиб, Яйпан орқали Хўқандга кириш режасидан воз кечиб, шитоб билан орқаларига қайтадилар. Улар назарларида, ҳамма нарса аниқ, лашкар сафари беҳатар бўлади, деган қарорга келишган эди. Исфарадаги воқеа Самарқанд яқинидаги Хушдала, Оқтепа деган жарларда қўлга тушган кимсалар, Дашти Қипчоқ кишилари, Бароқхон, Пирмуҳаммад одамлари билан боғлиқ, деб ўйлашади. Улар ҳам изғиб қолган эди. Лекин бунинг жангга алоқаси йўқ. Аҳмад Мирзо ҳам бу ишга лоқайд қарайди, қолаверса, қайси подшоҳ ўз айёрларини қўшнисига юбормайди, фароналиклар табиатан хотиржам, ўзича бек, сир бериб қўйилганига унча эътибор бермайдилар, деган тушунчага орқа қилишди. Муҳаммад Арғуннинг шахсан ўзи кўп вақт Хўқанд, Ахсикент, Марғинонларда юриб, буни сезган эди. Муҳаммад Арғун изидан Қораилон деган кимса шахсан амирзода томонидан жўнатилган эди. Бу одам ғоятда ўткир ханжарбоз бўлиб, Мирзонини кўриқловчи фидойилар гуруҳининг сардори эди. Унинг иши ғоятда махфий, айёрларни ҳам, анчорларни ҳам тафтиш эта олар ва изидан тушиб жазо бера олар эди. Қораилон деган одам борлигини Муҳаммад Арғун билар эди-ю, ким эканлигини ва унинг сиёқи қанақалигини шунча уннагани билан билолмас эди. Муҳаммад Арғуннинг билмоқчи бўлиб интилишини сезган Қораилоннинг ўзи сафарда бир куни вазият даражасидаги Муҳаммад Арғун овқатига доруйи беҳуш қўшиб, ўз чодирда ухлатиб, бир томон мўйлабни устара билан қириб, ғойиб бўлибди. Унга хат қолдириб «Эй, айёрлар сардори Муҳаммад Арғун, Қораилонни кўрмоқ истаган экансан, мана, мен чодирингга келдим. Меҳмонингни ҳурмат қилиб, кутиб олмоқ ўрнига ухлаб қолиб, сўйилган ҳўкиздеқ оёққўлларинг тарвақайлаб ётибди. Менга ҳурматсизлик кўрсатганинг учун бу сафар бир томон мўйлабинг

кетди. Агар яна Қораилоннинг ишларига аралашиб, уни танимоқчи бўлсанг, бошингнинг ҳам бир томони кетиб қолишидан кўрқаман. Камоли эҳтиром билан, Қораилон», — деб ёзиб кетибди.

Ўшанда, эрта билан кўз очган Муҳаммад Арғун бу ишдан ёқасини ушлади; амирзодага шикоят ҳам қилмади, одамларга айтмади ҳам. Қораилоннинг устунлигига тан берди. Исфара воқеасини ҳам у билса керак, деб кўрқиб юрди. Қачон йўлга чиқмасин, ҳукуқининг ниҳоятда катталигига қарамай, икки таъқиб уни чўчи-тиб турарди: — бири — душман айёрлари, иккинчиси — Қораилон... Бу номи бору ўзини ҳеч кимса кўрмаган, кўшин ичида бошқаларга ўхшаб кийиниб юрган, билиб бўлмас одамдан саркардалар ва ҳатто Амир Довуд барлос ҳам чўчирди. Қораилон фақат икки кишига маълум; уларнинг бири — Мирзо, иккинчиси Шоҳ Малик тархондир.

Фарғона устига кўшин тортган шахзода Жиззахдан ўтиб, Зомин йўли билан Ўратепа томон борарди. Кечга яқин Баландчақир сайхонлигида боргоҳ қурилиб, тўхташди. Лекин Муҳаммад Арғун кишилари Ўратепа ва Ганчи томонларда энига икки-уч чақирим йўл атрофларини кузатиб юришарди. Арғун томонидан Мирзога берилган маълумотлар — йўлларнинг хавфсизлиги ва баъзи белгию маълумотлар Қораилон томонидан тасдиқлангани, айёрлар иши пишиқ эканини эшитган Мирзо беҳадик йўл босиб, фақат кекса Амир Довуд барлосга сарбозларнинг руҳини кўтариш, бу юриш боболари юриши каби музаффарият билан яқунланишини айтмоғлиқни тайинлади. Лекин Мирзонинг Самарқанддан кўшин тортиб келаётгани, ҳозирги пайтда Баландчақирда боргоҳ тузиб, дам олаётгани ҳақида хабар топган Аҳмад Мирзо ҳам тезликда Андижон, Марғилон беклари билан кўшин тўплаб, Аҳсиқентдан Хўқандга тушди. Яна шитоб билан бу кўшин Яйпану Шўрсув томон юрди. Рафқон ва Шўрсув даштида душман билан тўқнашувни хаёл қилиб Рафқон текислигига боргоҳ қурди. Аҳмад Мирзо амакиси салтанатининг буюклиги, унинг катта кўшинидан ҳайқардию аммо ўзидан ёш амакиваччаси Муҳаммад Тарағай — Улуғбекка тобе бўлишни истамасди. Ик-

кинчи амакиваччаси бўлмиш Халил Султоннинг Самарқанддан Хуросонга олиб кетилганлигидан норози эди...

Баландчақир сайхонлигида боргоҳ ёзган самарқандликлар бир неча фарсанг ерга ёйилиб, қозонлар осишди...

Ҳиротдан чиққандан буён бир-бирига суяниб, ёнмаён келаётган уч ошна — Меъморнинг ўғли Низомиддин, кулолнинг ўғли Абуали, уста Ҳасанбекнинг ўғли Шодмонбеклар ҳам отларининг эгар-жабдуғини ечиб, ўтлатишди. Қозонларда эт қайнатаётганлар ёнидан ўтиб, отларини сойга олиб тушиб суғоришди. Шундан сўнг яна уларни серкўкат ерга боғлашиб, то таом шишгунича отлари ёнида ўтиришди. Майса устида ёнбошлаб ётган Низомиддин аллақандай соҳибжамол қизни севиб қолгани ҳақида ошналарига гапирарди. Мана, Ҳиротдан чиқиб кетишганига ҳам икки ой бўлганига қарамай, ҳамон у қиз кўз олдида турганини, кечаси тушларига ҳам кирганини сир қилиб айтди. Урушдан соғ-омон қайтиб, ўша қизни яна бир марта кўрса, армони қолмаслигини, агар боши кесилиб, ўлиб кетса, жуда армон бўлажagini ҳам кўшиб қўйди.

— Фарғона аҳли адув йўлига тушиб, дини ислом йўлидан чиқиб кетди, деганлари ёлғон, — деди Низомиддин ёнбошлаб ётган ерида, — аслида икки амакивачча бир-бири билан жанжаллашяпти...

— Дўстим Низомиддин, ундок деманг! Фарғоналиклар дини ислом йўлидан чиқиб кетган. Подшоҳимизнинг гапи — вожиб. Бу сўзга шак келтирмаслик керак, — деди чордана қуриб ўтирган Шодмонбек.

Тик турган Абуали филофидан суғуриб олган ўткир исфихонининг тигига тирноқларини тегизиб, уни томоша қилар, қиличини ҳавода бир-икки селпиб, худди ўзини жангга чоғлаётгандай бўларди. Саркардалар сарбозларнинг тез-тез қилич селпишини, қуролга меҳр кўйишни ерга новдалар суқиб, отда чошиб келиб, уларни қилич билан қирқишни жуда ёқтиришарди. Қилични филофида занглатадиганларни ёмон кўришар, хириллаб кулишар, «сендан сарбоз эмас, қиморбоз чиқади», дейишарди. Шу сабабли бўлса керак, Абу-

али элликбоши, юзбошилар кўрсин, дегандек гир ай-
ланиб, қиличини селпирди. Умрида қўлига қилич уш-
ламаган кулол ўғлининг юрагида жанг ва ғалаба су-
рури туғён урарди.

— Ошналар! — деди Абуали. — Мен ғанимлар-
дан бир ҳамлада беш-ўнтасининг калласини узиб таш-
ламай, ёнимга қарамайман! Подшоҳимиз туғини ба-
ланд кўтариб, душманни қувамиз!

— Иншоолло! — деди эндигина мўйлаби сабза
урган Шодмонбек кексаларга ўхшаб. Унинг бу сўзи
ўзига ярашмади.

— Мен ҳам ғалаба қозониб, душман устига бости-
риб боришни истайман, — деди Низомиддин, — чун-
ки шундай бўлмаса, мен қайтиб бориб, ўша севикли
қизни кўролмайман. Мен отамнинг ёлғиз ўғлиман.
Мен подшо ҳазратларини ҳали кўрганим йўқ. Шоҳ
Малик тархон ҳазратларини ҳам. Фақат ўзимизнинг
Амир Довуд барлоснигина кўрдим. Подшоҳларнинг
иши жанг қилиб, қон тўкиш, базм, айшу ишрат ва
шуҳрат... Отамлар Мирзони ғоятда маърифатпарвар,
дейдилар. У ҳазратнинг укалари Бойсунқур Мирзо
отамларни ва устод Қавомни ўз ҳимояларига олган-
лар.

— Фазлуллоҳ ким? — сўради Абуали.

— Буюк мутафаккир. Аналҳақ... пир эдилар. У
зот Мироншоҳ вақтида қатл этилганлар. Бизнинг ҳозир
ўз тўдамиз бор. Агар истасанг, биз жангдан қайтгач,
сени ҳам сардоримиз ҳузурига олиб бораман.

— Олиб бор. У зотларни кўришни истайман.

Низомиддиннинг чехраси очилиб кетди. Ётган ери-
дан туриб, у ҳам ўз қиличини Абуалига ўхшатиб
хавода селпиди. Элликбошилар кўзига гўё машқ
қилаётгандай бўлиб кўринди.

— Отамлар айтдиларки, — деди яна Низомид-
дин, — Мирзонинг ёнларида доимо икки зот юрадир;
бири — мансабдор Шоҳ Малик тархон, иккинчиси —
Ҳазрат Исомиддин. Бу зот «Ҳидоя» китоби муалли-
фининг авлодларидан бўлиб, кўп маърифатпарвар экан-
лар. Ҳазрати Исомиддин мадрасаларга ривож тилаб,
маърифатдан четда қолмаслик хусусида Мирзога таъ-
кидларканлар. Бу гапларни отам айтганлар. Аммо би-

ринчиси — Шох Малик тархон қонхўр одамдирки, хуруфийлар бир куни унинг бошини танидан жудо қилсалар ажаб эмас...

— Ҳой, ошна, бундоқ деманг! — деди чўчиб кетган Шодмонбек, — бундоқ дейишнинг фойдаси йўқ. Қораилон шу атрофда юрган бўлса нима дейсиз?

— Ия, — деди ҳаяжонини босиб Низомиддин, — бу ерда Қораилон нима қилади? Агар Қораилон бунда бўлса, ё сен Қораилон, ё мен. Иккимиздан биримиз.

Улар хахолашиб кулиб юборишди. Кулишди-ю, зада кушлардек атрофларига олазарақ кўз ташлашди. Яқин атрофда шубҳалик одам кўринмади. Демак, Қораилон йўқ. Уч ой муқаддам бир сарбоз бўғиб олиб чиқилиб, ҳамманинг кўз олдида кўксига ханжар урилиб, қазилган чуқурга итариб юборилган эди. Бу ишда Қораилоннинг қўли бор эди.

Эрта билан кўшин яна йўлга чиқиб, Ўратепани сиртлаб, Нав томон юрди. Индинига Ганчидан ўтиб, Оксув бўйида боргоҳ ёзилди. Яна ўша илгаригидай, ўнг қанотда Мирзонинг олабайроқ, кўркам чодирлари... Аслида бу чодирлар ихоталанган бўлиб, унда Амир Довуд барлос одамлари билан, Мирзо орқароқда, сиртдан қараганда, кўримсиз бир чодирда ётарди. Бу чодирни ҳам сарбозлар ихота қилиб, атрофида Қораилон кишилари юрарди. Шайхулислом Исомиддин хазратлари ҳам шаҳзода ёнидаги чодирлардан бирида. Лекин бутун кўшиннинг диққати туғ остидаги олабайроқ чодирда — Мирзони ҳамма шу чодирда, деб ўйларди.

Уч оғайни яна бошқалардан чеккароқ, серўтроқ ерга отларини боғлаб, ўзлари сал нарироққа, Оксув қирғоғига бориб ўтиришди. Низомиддин ёнидаги Абуали билан Шодмонбекдан кўра Меъмор ўғли сифатида ўзини «маърифатпарварроқ» қилиб кўрсатарди. Унинг билағонроқ бўлиб, мақтаниши Абдуалига унча ёқмасди. Низомиддиннинг бу мақтаниши ўзини маърифатли қилиб кўрсатишидан кўра ҳам, уларни «ҳақгўй, фуқаропарвар хуруфийлар» тўдасига диққатини тортиш, пир айтганларидай, «амирзодалар фуқаронинг жаллоди», «Қуръонда ҳар бир битик ҳарфнинг

Ўз илоҳий маъноси бор, подшоҳ унга амал қилмаяпти», деган сўзни айтмоқчи бўларди. Лекин бу гапларни очиқ айтмоқдан ҳайиқар, хиротлик ошналарининг таъкидлашича, ножинс кимсалар олдида бу гапларни зинҳор-базинҳор айтмаслик, токи Иброҳим Султон бу тўдадан вокиф бўлса, ҳамманинг боши дорда эканлигини биларди. Қораилон ҳам асли Иброҳим Султон измида бўлиб, ҳарбу зарб пайтида лашкар ичида пайдо бўлар, лекин уни амирзодадан бўлак ҳеч ким танимас экан. У подшоҳни лашкар ичидаги ишончисиз шахслардан огоҳ этар, уларни жаллод қўлига топширарди. Қораилон ваҳшати юрагига ларза солган Низомиддин ошналарига, хуруфия тўдаси ҳақида аниқ бир гап айтмай, Мирзонинг пири — Исомиддинга қўл бергани, ёш амирзода Жалолиддин Румийнинг «Маснави маънавий» асарини ўқигани, у ҳазратни ўз устози деб билиш шарафига муяссар экани, Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндустон», Абу Али ибн Синонинг «Ал-Қонун» китобларини қаттиқ мутолаа қилиши, отаси баъзида Мирзо билан унинг укаси Бойсунқурни муқояса қилиб, оғасига катта баҳо бериши, Жалолиддин Румий асли хоразмшоҳлар авлодидан бўлиб, тақдир тақозоси билан Истанбул, Анқара томонларга кетиб, Куния шаҳрида истиқомат қилгани, «Румий» тахаллусини ҳам ўша ерда олгани, у самарқандлик Шарафиддин отлиқ кишининг Гавҳар исмли қизига уйлангани, ўғиллари Султон ва Аловуддинлар туркий тилда ғазаллар ёзувчи шоирлар бўлганини айтиш билан чекланди.

— Отамларнинг устод Қавом билан суҳбатларида ўлтириб; — деди Низомиддин, — Исомиддин ҳазратларининг Саид Барака ҳазратлари каби амирзодага йўл-йўриқлар кўрсатиб туришликларини эшитганман.

Уларнинг суҳбати айни қизиган бир чоғда ориққина, рангпар, чўққи соқол, ғоятда хушмуомала бир киши тавоқда устидан буғи чиқиб турган эт кўтариб келиб, йигитларга тутди.

— Азиз иниларим, сизларга олиб келдим.

Қизғин суҳбат қилишаётган йигитлар хушфеъл кишига ялт этиб қараб, миннатдорчилик билдиришди.

— Э, овора бўлманг, биз ўзимиз бориб олиб келамиз. Бизни хижолат қилдингиз, — деди ўрнидан сапчиб туриб Абуали.

— Биз, кичиклар хизмат қилмай, сизни овора қилибмиз, ого, — деди Низомиддин.

— Ширин суҳбатларингизни бузмай дедим. Ҳавасим келди, мен кексани ҳам суҳбатларингга қўшинлар, — деди ўша одам мулойимлик билан.

Хижолат бўлган Шодмонбек билан Абуали сопол идишларини кўтариб, қозон бошига кетишди. Низомиддин ўша хушфёъл кекса билан ёлғиз қолди. Сарбозларга ўхшамаган, сердуо ва сертакаллуф бу одам Низомиддиннинг наслу насабини суриштириб, билиб олди. Отаси меъмор Нажмиддин Бухорий ғоятда муътабар одам эканлигини айтиб, ҳақиқа дуо қилди. Низомиддиннинг кўз олдида бу нотаниш одамнинг эътибори яна ошди. Ошналари шўрва, чапати олиб келганларида, у «ўзларинг яхшилаб овқатланиб олинглар, хали йўл узок, омон бўлинглар» деб ўрнидан туриб орқа томонга йўл олди.

— Юзбоши Абдуллобек ўлгудай кўпол одам, — деди Абуали, — бу одамни қаранглар, қандай хушфёъл, отамиздек меҳрибон. Сафарда шундоқ бўлиши лозим. Доно одамлар хушфёъл бўлади.

Низомиддин ҳам, Шодмонбек ҳам тавоқда эт олиб келган чўкки сокол, рангпар киши ҳақида яхши гаплар айтишди. Йўлга чиққанларидан бери улар билан бирдан бир ширин мулоқотда бўлиб, хол-ахвол сўраган ҳам мана шу «хушфёъл» одам эди.

Эрта тонгда боргоҳлар йиғиб олиниб, саркарда Амир Довуд барлос олдинда, кўшин яна йўлга тушди. Оз-оз тўхтаб, икки кечаю кундуз йўл юриб, Хўжанд биқинида — Сайхун ёқасида тўхтаб, яна боргоҳ ёзишди. Мирзо Фарғона устига бораётгани ҳақида Хиротдан махфий нома олган. Хўжанд беги мирзога пешвоз чиқиб, боргоҳда бир муддат гаплашиб, юз чоғлиқ ўз сарбозини Ёқуббек сардорлигида катта лашкарга қўшди. Музаффарият байроғини баланд кўтариб қайтишда Хўжанднинг азиз меҳмони бўлинг, деб илтимос қилди. Бек хайр-хўшлашиб, отига миниб ўз кишилари билан жўнаб кетгач, майдон четидаги тикан-

зорлар орасида қазилган чуқурлик ёнига қўллари орқасига боғланган икки йигитни олиб келишди. Бу чекка ерда кетмон билан чуқур қазилаётганига боядан бери Низомиддин билан Абуали: агарда қозон қуриш учун ўчоқ қазилаётган бўлса, нега чекка янтоқзорга қазилади? Бунинг устига, ўчоқ бунчалик чуқур қазилмас эди-ку? — деб ҳайрон бўлиб туришган эди, қўли боғлоқлик икки йигит чуқур ёнига олиб келинганча, юзбоши сарбозларини бу ерга чақирди. Ҳамма ёпирилиб келди. Низомиддин, Абуали, Шодмонбек ҳам қўли боғлиқ йигитларга яқин бориб, ҳайрон бўлиб туришди. Ўтган кун шу икки йигитни қозон тепасида эт олаётганларида кўрган эдилар. Иккалови ҳам қилич такқан, хурсанд юришган эди. Сарбозлар катта доира ясаб, чуқурлик атрофини ўрашди. Қўли боғлиқ йигитлардан сал нари, дўнглик устига чиққан мингбоши сарбозларга мурожаат этди. Бу ерда Амир Довуд барлос билан шайхулислом Исомиддин ҳам туришарди.

— Подшоҳ ҳазрати олийларининг содиқ сарбозлари! Ҳаммангиз эшитинг! Бу икки ярамас, самарқандлик Исроилхожи деган савдогарнинг ўғиллари бўлиб, йўлда музаффар лашкардан ажралиб, қочиб кетмоқчи бўлганлар. Бу хатти-ҳаракатлари билан паҳлавон сарбозларга иснод келтирдилар. Бу ярамаслар ўлим жазосига ҳукм этилди!

— Йўк, бундоқ эмас! Қочганимиз йўк! — деди икки йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб.

— О-мин, оллоху акбар! — шайхулислом юзига фотиҳа тортди.

Шу лаҳза, ҳамманинг кўзи олдида ака-уканинг ёқасидан ушлаб турган икки барзанги жаллод этиги қўнжидан пичоғини суғуриб олиб, қўллари боғланган йигитларнинг кўксига тикди. «Оҳ» деб, бир томонга қийшайётганида иккинчи, учинчи бор пичоқ тикиб, буради. Иккала йигит ҳам букчайганича чуқур ўрага кулаб тушди. Кетмон ушлаб турган икки киши чуқурга наридан бери, чангитиб тупроқ торта бошлади. Чанг кўтарилганида бу ерга тўпланган одамлар хомуш ва кўркув ичида ўз жойларига қайтиб келишди.

Ошналари билан чакчаклашиб, ҳазил-мутойиба гаплар айтиб юрган Низомиддин билан Абуалининг ҳам таъби тиррик, ғоятда хомуш бўлиб, ўтлаб юрган тушовли отлари ёнига келишди.

Бу кеча ҳеч кимнинг кўзига уйку келмади. Ҳаммининг кўз олдида кўксига пичоқ тикиб, чуқурга ташланган ака-укалар турарди. Шу орада Қораилон ўралашиб юрганини, бу фақат унинг иши эканини ҳамма пайқади.

Қораилон, Қораилон!..

Эгар-жабдуқларга бош қўйиб, осмонга қараб чалқанча ётган йигитлар ўн тўрт кунлик ой томон сузиб бораётган узун қора булутга тикилишар, бу қора булут ҳам улар кўзига вахшат соларди. Уларнинг наздида Қораилон ҳам худди шундоқ дахшатли. У, қораилон эмас, қора аждардир! Сузиб бораётган узун қора булут ой юзини қоплагач, йигитлар бир-бирига беихтиёр қарашди:

— Қораилон ой юзини қоплади, — деди Низомиддин.

— Буни қара, мен ҳам шу гапни айтмоқчи бўлиб турган эдим. Дилимдан шу гап ўтган эди, — деди Абуали.

— Дилингиздан ўтган бўлса ҳам, тилингизга чиқарманг, — деди Шодмонбек, — қалпоқнинг тагида одам бор.

— Мунча кўрқасан? — деди Низомиддин, — шу юрак билан жангга кирасанми?

— Бизнинг ишимиз — ганим бошига қилич солмоқ! — деди Абуали, — худо хоҳласа, душманни қушпаякун қилиб қайтамиз!

— Балли, баҳодирлар! — деди чой кўтариб ўтиб кетаётган кечаги рангпар, чўққи соқол, хушфеъл киши...

Мирзо Улуғбек лашкар тортиб, Самарқанддан чиқиб кетиши билан, подшоҳ иккинчи ўғли Иброҳим Султонни яна Шероздан Хиротга чақириб олди.

— Урушнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам қимордек гап, — деди у ўғлига, — баъзан қўлимиз баланд

келади, баъзан паст... Бу жанг узоққа бормайди, лекин Хуросон қўшини шай бўлиб турмоғи шарт!

У Иброҳим Султоннинг қаттиққўллик, захартабиат одам экани, ота измидан чиқмаслигини билиб, Самарқандда қолган — Шоҳ Малик тархоннинг ишончли мансабдор кишиси Васиятиддин Дулдай ёнига ўзининг ишончли мансабдорларидан Фулом Бадр тархон деган кишини шитоб билан жўнатди. Фулом бадр тархондан икки кун аввал саройдаги хизмати махфиядан Қораилонни одамлари билан Самарқандга жўнатган эди. Иброҳим Султон маълум вақтга Ҳиротга келиши билан барча маҳкама бошлиқларини ўз ҳузурига чақирди, хазина эшиги маҳкам беркитилиши, ортиқча чиқимлар тўхтатилиши ҳақида подшоҳ номидан бир неча фармонлар берди. Ҳирот дарвозаларига дарвозабонлардан ташқари яна отлиқ сарбозлар қўйди; шаҳарга кириб келган савдогарлар, чиқиб кетаётган кишилар қаттиқ назорат остига олиниши, ҳар қандай шубҳалик кимса дарҳол ушланиши лозим, деб буюрди. Солиқлар заминдорлардан, фукародан тезда йиғиб олинсин, қурилишларга ҳам пул сарф этиш муваққат тўхтатилсин, деди. Иброҳим Султоннинг қаттиққўллиги подшоҳга ёқарди. Унинг жанг пайтлари мамлакатда қаттиқ сиёсат юргизишни ўрганиш ниятида ҳам Шероздан чақириб олган эди. Темурхон юришларида кўп вақт Самарқандда қоладиган Шоҳруҳ отасининг тайинлашича, мана шундай тадбирлар кўрарди. Бойсунқур, Суюрғотмиш, Муҳаммад Жўқийлар ёш бўлганлиги сабабли, Иброҳим Султон подшоҳнинг ўнг қўли бўлиб хизмат қиларди. Ёш бўлишига қарамай, димоғдор ва маккор амирзодадан Ҳиротнинг катта мансабдорлари чўчирди. Унинг, бошқа амирзодалардан кўра ҳам, бўй-бастлари, юзлари, гапиришлари бобосига жуда ўхшаб кетарди. У олиму шоирлардан кўра ҳарбийларни иззат қиларди. Аммо ҳарбийлар бўлмаса, мавлонолар китобу ҳассаси билан мамлакатни қўриқлолмайдилар, салтанат оёқ ости бўлади, дерди. Амирзодадаги мана бу кайфиятни сезган уламою фузало кўпроқ подшоҳнинг ўзига ва қолаверса, Самарқанд султони Улуғбек Мирзога суянарди. Саройнинг «хизмати махфия»си — сарбози ҳар-

бий мансабдорлар амирзодага катта умид боғлаб, «Сохибқирон Амир Темур тузган салтанатнинг вориси Шохрухдан кейин Иброҳим Султонга ўтишига умид боғлашарди.

Х И Б О Б

ХАЗИНАЛАР ЭШИГИ БЕРКИТИЛДИ

Уруш сабабли маданият ва маърифат ишлари учун сарфланадиган харажатларга чек қўйилиб, хазиналар эшиги беркитилди. Корфармо Аҳмад Чалабий кунлардан бир кун мадраса томида юрган Меъморга, ишнинг чала қолаётганига афсусланаётгандай бўлиб, таассуф билдирди. Энди нима қиламиз, Гавҳаршодбегим хузурларига ёрдам сўраб кирсакмикан, деди. У яна хазиналардан бир танга ҳам бундок ишларга чиқармаслиги ҳақида фармон борлигини таъкидлади. Иброҳим Султоннинг Шероздан Хиротга келиши ҳам аҳли фузало фойдасига эмас, аксинча, зарарига, деб кўшиб кўйди. Корфармонинг ўз орқасидан эргашиб юрганга энсаси қотиб турган Меъморнинг «бундок ишларга» деб меъморчиликни паст уриб гапиргани ҳам газабини кўзгади. Унинг ҳамма гаплари оғзидан чиқмасданок Меъморга маълум бўларди.

— «Бундок ишлар» тўхтамайди! — деди Нажмиддин Бухорий юриб кета туриб. У атайин «бундок ишлар» сўзига урғу берди.

— Кишиларга қандай қилиб ҳақ тўлаймиз? — Аҳмад Чалабий бу саволни бердию Меъморнинг «бундок ишлар» киноясини тушунмади. Меъмор зеҳни нўстак корфармодан хафа бўлмай, ичида кулди. Чунки киши доно одамлардан хафа бўлади. Нодондан хафа бўлмоқ — эшакни мунажжим дейиш билан баробар, деди ичида ўзига ўзи.

— Кишиларга мен ўзим ҳақ тўлаймен. Аммо сизнинг оладурган ҳақингиз кўпроқ бўлгани сабабли, мен уни тўлолмаймен.

— Бу сўз билан хизматимдан кет, демоқчимисиз?!

— Тушунибсиз...

— Мен кетмаймен!

— Мен сизнинг хизматингизга ҳақ тўлолмаймен,— деди Меъмор унинг чақимчилигига ишора қилиб. — Умуман, сизнинг бу ерда қиладиган ишингиз йўқ; ганчхок қормасангиз, гишт термасангиз, кошин кўймасангиз... Сиз бунда нима қиласиз!?

— Мен қарзга ишлаймен. Дориламон бўлгач, амирзоданинг ўзлари менинг ҳақимни берадилар.

— Ихтиёрингиз. Аммо шу кунгача баъзиларнинг ҳақига хиёнат қилинди. Ҳисоб-китобда улар ўз ҳақларини талаб этадилар. Мен у ақчаларни қаердан топиб беришга ҳайронмен.

— Ўша одамлар билан юзлаштиринг! — деди корфармо титраб. Кейин у Меъмор ёнида ортик туролмай, ранги оқариб, томдан пастга тушиб кетди.

Меъмор одатдагидек яна бурчак томонга бурилди — бунда хонақоҳ гумбазига гишт ётқизаётган уста Жўржий ишларди.

— Ҳорманг, уста Жўржий!

— Келинг, Меъмор! Бардаммисиз?

— Шукур! Ўғлингиз қани?

— Пастга тушиб кетди. Бугун гуржиларнинг ҳайити. Ул-бул олгани бозорга кетди. Кечкурун бизнинг уйимизга марҳамат қилинг. Шу атрофдаги бошқа гуржистонликлар ҳам меникига келишади.

— Ташаккур!

— Жаноб Аҳмад Чалабийнинг ҳамма гапларини эшитдим. Бу одам ниҳоятда бадқирдор...

— Қандоқ қилай, дўстим Жўржий, у ўзи ишламагани ишламаган, кишилар ҳақига ҳам хиёнат қилмоқда. Яна бунинг устига бориб бизни амирзодага чақади. Бу одамни корфармо қилиб тайинлашгани таажжуб!

— Таажжубланманг, Меъмор, Аҳмад Чалабий саройнинг «кўзи». Шунақа ҳаром одамлар ўз эгаларига яхши хизмат қиладилар. Подшоҳингиз энди ўз жиянига қарши уруш очди. Ўз жиянини ўлдириб, молмулкни талаб келади. Қиёмат яқин, Меъмор, агар қиёмат яқин бўлмаса икки амакивачча бир-бирига тиф кўтарадими?! Бу келишмовчиликда минг-минглаб авомнинг боши кетади, болалар етим қолади... Ша-

харлар вайрон бўлади... Мана буни қаранг! Мана, сиз билан биз, икки кекса ҳам бу урушнинг машаққатини чекаётирмиз. Подшолар обрў талашади, бизлар жон берамиз... Биз, Хуросондаги гуржиларнинг туткун, кул бўлишимизга ҳам уруш сабаб. Темурнинг беаёв ўткир қиличи бизларни ватандан жудо қилди. Дунёда ҳамма нарсадан азиз, шафқатли Гуржистонни бир кўриб ўлсам, рози эдим, Меъмор. Юртимни кўрармиканман?

— Худога ёлворинг, Жўржий, ўзи йўл берсин.

— Албатта, эртаю кеч худога сиғинаман.

— Дунёда бир бағри бутун киши йўқ экан-да, хар кимнинг юрагида бир андух.

— Шундоқ. Бу ўткинчи беш кунлик дунёда биз ёқалашамиз, қон тўкамиз, бир-биримизни ҳақоратлаймиз. Еримиз берган нозу неъматлар ўзимизга етадику, одамлар тинч ишласа, нима қиларкин!

— Э, Жўржий, ҳамма гап шунда. Пиримиз Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари ҳам, ҳазрати Султон Орифин ҳам шу гапни айтадурлар...

— Чидаймиз. Чорамиз ҳам йўқ...

— Хазина эшиги беркитилди. Салтанат душман билан жанг қилмоқда.

— Меъмор! — деди қуюқ соқол Жўржий йўғон овозда Нажмиддин Бухорийга яқинроқ келиб, — Ишни тўхтатмаймиз! Иш оз қолган. Биз бу мадрасани темуррийлар учун эмас, Хуросон фуқаросига соляпмиз. Кейинги бола-чақалар, Қофкоздан қилич кучи билан олиб келинган бир туткун гуржи устаси ҳам бу мадрасага ништ қўйган, деб эслашар, ҳаққимизга дуо қилишар... Мана шу бизга ҳамма нарсадан қимматлироқ. Хафа бўлманг, биз ҳақ олмасдан ҳам ишлаймиз. Ахир биз қулмиз-ку, ҳақ талаб қилишга ҳаддимиз борми!

— Ундоқ деманг, Жўржий. Сизнинг инсофли одам эканингизни бунда ҳамма билади. Яхши истак учун ташаққур! Сизга худо ёр бўлсин, тезда ўз юртингизга — қавму қариндошларингиз ёнига омон-эсон боришингизга худойи таолонинг ўзи йўл берсин, омин! — Меъмор юзига фотиҳа тортди.

Жўржий ҳам ўз христиан удумича худога сиғинди. Корфармонинг кайфияти бузилиб юрганини кўрган

Меъмор, эртасига эрта билан ёнига уч шогирдини олиб, мадрасага келди. Бугун хаво гоятда яхши — баҳор қуёши ҳамма ёққа нур сочмоқда. Офтоб-олам-тоб майса-гиёҳларга, новда-нихолларга жон бағишлаб, оламни яшартирмоқда. Кўхи сафед чўққилари тиник феруза осмон бағрида ўзининг доимий қорлари билан серкирра олмосга ўхшаб яркирарди. Херируд дарёсидан эсаётган насим тунларга ором бағишлар. Қушлар кўкда ўйин қураб, улар олисдан жанг тахликасидан томоман узок...

Меъмор ўз одатича, аввал рўпара келган одам юзига боқди; ганчхок қораётган йигит Меъморга илгаригидай салом бериб, таъзим этди. Аммо бугун, негадир, одамлар ишга кеч келаётгандай кўринди. Ака-ука Ҳасанбек, Ҳусайнбек, томда ишлаётган гуржи ва пастдаги икки йигитни ҳисобга олмаганда, қурилишда одам йўқ эди. Жўржий ҳам ўғли билан Меъморни кузатди-ю, ҳамма гапга тушуниб, индамай ишини давом эттираверишди. Корфармо ишга келмади. Келмагани ҳам маъқул, деди ичида Меъмор. Асосий одамлардан яна ўн чоғлиқ киши йўқ. Бу эса Меъморнинг юрагини қисди. У шогирдлари билан бирга ҳамма ёқни айланиб, кичик маҳкамага кирди. Бошидаги салласини қозикқа илиб, бундаги жомакорини кийди. Тепасида ҳайрон бўлиб турган Зулфиқор Шоший, Заврак Нишопурий ва Фаввос Муҳаммадларга қараб илжайди:

— Энди биз ўзимиз ишга тушамиз.

— Маъқул, устод! — деди Зулфиқор дарҳол қўлидаги жилдни, лойиҳаларни тоқчага қўйиб. — Биз, учовимиз ишга тушамиз, сиз овора бўлманг, иш биздан қочиб қутулмайди.

— Шундоқ, устод, сиз қўяверинг, — деди Заврак.

— Майли, чарчагунимча ишлайман. Аммо, сиз болаларим, ишнинг оғирини ўз зиммангизга олинг. Бундан бу ёғи — сирчиларга, кошинпазларга ёрдам қилиш; кўпи кетиб ози қолган. Манави гуржи устага қаранглар. «Мен подшолар учун эмас, Хуросон фуқароси учун мадраса соляпман. Авлодларимиз буни биларди», — дейди. Бу тутқун одамнинг олижаноблигини кўриб, ҳайрон қоламан. У-ку, бегона, ўзимизнинг кор-

фармо бўлса одамларни ишдан айнатиб олиб кетди. Мен уни кеча хизматдан холи қилдим. Болаларим, энди ўзимиз ишлаймиз!

— Ташвиш тортманг, устод, — деди енглари нишимариб Фаввос Муҳаммад. — Ўша келмаганларнинг ўрнини босамиз, уялтирмаймиз.

Шогирдлар ишга тушиб кетишди.

Меъмор Нажмиддин Бухорий «гулдаста» хавоза-сида туриб, кошин ўрнатаётган ака-ука Ҳасанбек ва Ҳусайнбеклар ёнига борди.

— Саломатмисизлар!

— Келинг, устод! Ўзингиз саломатмисиз? — деди Ҳасанбек ҳеч нимани билмагандек, ҳар кунги одати-ча.

Одамларнинг хизматга келмагани — бундан буён акча бўлмаслигида. Бу гапни корфармо ҳаммага айтган эди. Лекин улар Меъморни кўзи қиймай, унинг оғзидан бирон тайинли сўз эшитмагунча, бир қарорга келишмай, ишлай беришажагини айтишган эди. Эрталаб, вақтида хизматга келишганидан ҳам хурсанд бўлишди. Меъморнинг «Бир тутқун гуржича ҳам бўлмадингизми?» — дейишидан чўчишарди.

— Уруш бошланиб, ортиқча харажатлар тўхтатилибди. Мадрасага мўлжалланган акча ҳам берилмас экан, корфармо шундай деди. Ўзи ҳам бир неча киши билан хизматни ташлаб кетди. Ҳа, албатта, ҳақ тўланмагандан кейин ким ҳам ишларди. Аҳвол шунақа, биродарлар...

— Ўзингиз нима қилмоқчисиз, устод? — дея Ҳусайнбек сўради.

— Мен нима қилардим. Шогирдларим билан кетган кишилар ўрнида ишлай берамиз. Ишлаганларнинг ҳақини ўзимиз тўлаймиз, хавотир бўлманглар, иншоолло, кишиларни беҳақ қўймаймиз.

Меъморнинг хаёлидан ялт этиб хотини Маъсума беканинг олтин болдоқлари, ёмбилари, бўйнидаги тўрт шода дури ўтди. Ундан сўнг, Мирзо ҳадя этган Нишопур-феруза кўзлик тилла узуги ўтди. Бу узук кўзига Ҳорун ар-Рашид хафа бўлган пайтида қўлидаги олмос узук кўзига ёзилган «инаш гузарат» деган сўзга қараб кўнгли таскин топганидан, Меъмор ҳам узукка

туркий сўз билан «Бу ҳам ўтар» деб ёздирган эди. Мана шу узугининг ҳам бахридан ўтишни кўзлади.

— Устод, — деди бир лаҳза андаваю ганчхокини тоғорага қўйиб Ҳасанбек, — мана, икки ойдан ошди, ўғилларимиздан дарак борми? Ҳеч нима эшитмадингизми? Зора амирзодалар ярашишса, жуда маъқул иш бўларди-да. Менинг ўғлим Шодмонбек отда юрмаган, қилич чопишни ҳам машқ қилмаган... Ҳайронман. Эртаю кеч худодан икки амирзоданинг ярашишларини тилаб ётибман. Ҳар куни сахарлаб ўн бир марта, кечкурун ўттиз бир марта болам ҳаққига «Ёсин...» ўқийман. Амир Довуд барлос Самарқандга етиб борганмиканлар?

— Ҳа, — деди Меъмор, — балки лашкар Фарғона йўлида бўлса ҳам ажаб эмас. Саройга яқин кишиларнинг сўзига қараганда, амирзодаларнинг тўқнашуви Сайхун бўйида бўлса, эҳтимол. Ҳарқалай, музаффарият Мирзо туғида дейишади.

Уста Ҳасанбек ўйланиб қолди:

— Яраш-яраш бўлмасмикан? Жанг бўлади, деб ўйлайсизми?

— Худо билади, иним. Олдиндан бир нима дейиш қийин.

Меъмор ўз шогирдлари билан кетиб қолганлар ўрнида ишга тушиб кетди. Заврак билан Зулфиқор юқорида ғишт теришарди. Фаввос сув олиб чиқиб, Меъморга ганчхок қориб берар, Меъморнинг ўзи ўнг «гулдаста» тепасидаги гумбазга ғишт терарди. Улар тўртовлон жон-жаҳди билан ишга киришиб кетишди. Туш пайтигача отасидан дарак бўлмагани — уйда ўтирган Бадиани ҳам ўрnidан кўзғатди. У онасига айтиб, зинғиллаганича қурилишга келди. Отасининг баланд гумбаз устида зағчадек бўлиб ўтирганини кўриб, таажжубланди. Бир муддатдан сўнг ҳамма гапга тушуниб, яна уйига қайтди-да, ишлаётганларга овқат олиб келди. Шаддод қиз чиройли гуржи йигит Иосиф билан гаплашиб, Зулфиқорнинг ҳам, Завракнинг ҳам энсасини қотирди. Зулфиқор Завракнинг қулоғига Бадианинг тезроқ уйига кетишини, гашига тегиб халақит бераётганини айтди. Сезгир Заврак ғишт кўтариб кела туриб, белини ушлаб турган Бадиага ҳазил-му-

гойба гап отди. Бадиа фақат унинг ҳазилини кўтарар, кўнглига олмас эди.

— Офтобнинг жамолига қарайман, деб оёғимга ништ тушиб кетди!

— Нима дедингиз? — Бадиа ялт этиб Завракка бокди. Унинг киноясига тушуниб, дарҳол жавоб қилди: — бир кўз билан-а?

— Ха, — деди кулимсираб Заврак Нишопурий, — катта офтоб осмонда турса-ю, кичик офтоб севикли оналари ёнига бориб, кечки овқатга қарашсалар, кўп яхши бўларди! Чунки бу ерда шундоқ фикр бўлмоқда.

— Ҳамманинг фикри шундоқми? — Бадиа отасидан ҳам ҳайикмай, кулиб, чақнаб Завракка тикилди, — ёки битта Нишопурий жанобларининг фикрларими, бу?

— Афв этасиз, бекам, бу жаноб Нишопурийнинг фикри эмас, жаноб Шошийнинг фикри!

— О-о! Бундоқ денг? — Бадиа ялт этиб Зулфиторга бокди. Бирдан у қизариб кетди. — Тушунарли... Мен, жанобларининг фикрларини ҳурмат қиламен! Кетдим! Ойимларга қарашамен, — у тезда жўнаб кетди.

Х II б о б

ЧИРОЙЛИ ЎЛИМ

Риёкор Аҳмад Чалабий қурилишга қайтиб келди... У бетини тагига босиб, орқаворатдан Меъморнинг илдиизига болта уриб юрган пайтда, иттифоқо, мадраса қурилишида яна янги қилиқ чиқарди, кимдандир нишанг олиб, Меъмор атрофидаги содиқ кишиларга ўлағайлайдиган бўлиб қолди. Унинг учун одамларнинг мадраса қурилишида қандай ишлаётганликлари эмас, ўзига ким таъзиму мулозамат кўрсатиб, ким чеккада — Меъмор атрофида юрганини кузатиш муҳим эди. Мана бу гап уни жуда қизиқтирарди. У таъзан одамларга илжайиб, амирзода илтифот қилаётганликлари, ақча беражаклари ҳақида, бу ақчани

яхши ишлаётганларга беринг, деб таъкидлаганини ҳам айтарди. Ўзининг амирзодага яқинлигини кўрсатгандай, пул бериш, тақдирлаш Меъмор кўлида эмас, ўз кўлида эканлигини таъкидларди. Илгари ўз ховлисида узок вақт ишлатиб, сиқиб ёғини олган, камгап, ишдан бошқа нарсани билмайдиган хокисор уста Абдуғафур деган мўмин одамнинг кейинги пайтларда, меъморга суяниб, атрофига ўтиб олгани сабабли унга дағдаға қилиб, арзимаган нарсадан сабаб топиб, бакириб кетарди. Уста Абдуғафур ҳам «корфармо ахлатдан мунчоқ топдилар», деб кўя қоларди. Меъмор, Ҳасанбек-Хусайнбек, уста Жўржийлар бир-бирларига қараб: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар...» дейишарди. Гап билмас мўмин уста Абдуғафурга биров келиб: «Уста, энди кеч бўлди, уйга бориш керак», — демагунча ишлайверарди. Шу одам ҳам Аҳмад Чалабийнинг риёкор, икки юзламачи кимса эканини билиб, аввалига индамай юрди, кейинчалик ундан тамоман юз ўгирди. Унга қайрилиб қарагиси ҳам келмасди. Бу холни сезиб юрган Аҳмад Чалабий: «Уста Абдуғафур «пес» дардига мубтало, унинг кўлидан таом еб бўлмайдди...» деган гапни тарқатди.

Жума куни эрта билан дарвоза пештоқи устида иш бошлаган уста Абдуғафур бирон соатлардан кейин ёнида фишт узатиб, ганчхок қораётган шогирд йигитга, шундоқ ёнгинасида турган Аҳмад Чалабий қолиб, ховлида, пастки қават хужраларидан бири олдида турган Меъморни чақириб чиқишни илтимос қилди. Йигитча зинфиллаганча пастга тушиб кетди. Уста Абдуғафур ҳеч маҳал бировни ўз ёнига чақиртирмаган, ғоят камсукум одам эди. Меъмор ўзини Уста Абдуғафур негадир юқори қаватга чақиртирганидан таажжубга тушди. Хабар келтирган йигитча билан олдинма-кетин қоронғи зинапояларда туртиниб юқорига кўтарила бошлашди. Тинчликми, деб сўради йўлда Меъмор, халлослаб. Йигитча тинчлик, деди. Демак, уста бинонинг бирор ерида дарз ёки чатокликни кўргану юрагига сиғдиролмади мени чақиртирган, хаёл қилди Меъмор. Улар мадраса томи устига чиқишгач, Аҳмад Чалабийни кўришдию индамай ёнидан ўтиб кетишди.

— Ҳа, уста, тинчликми? — деб сўради Меъмор уста Абдуғафурдан. У қўлидаги ғиштини ташлаб, андавасини ушлаб, ганчхок тоғораси ёнида оёқларини кериб ўтирар эди.

У ўтирган жойида Меъморга қараб жилмайди: ранги ўчиб, лаблари оқарган эди. Нарирокда белини ушлаб гўдайиб турган Аҳмад Чалабий уларга бир қараб кўйди-да, пастга тушиб кетди. Уста Абдуғафур уйқуси келиб мудраётган одамдек кўзлари чалишиб, боши қийшая бошлади:

— У-сто-з, рози бўлинг...

— Ҳай-ҳай, сизга нима бўлди?! — деди Меъмор югуриб бориб. У уста Абдуғафурни қучоқлаб, бошини кўксига босди. — Уста, азизим, кўзингизни очинг! — Ла-а-илаҳа иллалоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ...

Йўқ, уста Абдуғафур дунёдан ўтган эди. У то Меъмор пастдан чиқиб келгунича чидам билан ўзини тутиб турган экан. Меъмор келиб, қучиб бошини кўксига босиши биланоқ жон берди. Бечора шунга илҳак бўлиб турган экан.

Меъмор ҳам, шогирд бола ҳам бир муддат индамай қолишди. Меъмор дамо-дам унинг илтимосига кўра, калимаи шаҳодатни ўқиб, устага дам солиб турди. Бир муддатдан сўнг Меъмор уни ерга ётқизиб, белидаги белбоғи билан энгагини танғиди. Шогирд йигит имлаб Зулфиқорни, Завракни, Ҳасан-Ҳусайнбекларни чақирди. Улар томга югуриб чиқиб, ерда ётган уста Абдуғафурни кўриб ҳайрон бўлиб қолишди.

— Бир лаҳзада жон берди, — деди Меъмор, — эрта билан келиб, туппа-тузук ишлаб турган экан...

Ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди:

— Менга бирон марта ҳам тобим йўқ демадилар, — деди шогирд йигит, — аксинча бугун эрталабдан шоширтириб, ғайрат қилиб ишлаётган эдилар...

— — Бир лаҳза-я!.. — деди Меъмор, — «рози бўлинг...» дедилар-у, кетдилар. Ё, қудратингдан!

— Чиройли ўлим, — деди уста Ҳасанбек, — яна бунинг устига, бугун жума. Худо раҳмати эканлар.

Ишни тўхташиб, уста Абдуғафурни шу куни намо-

зи жумага чикаришди. Эрта билан мадрасанинг баланд томида ишлаётган уста Абдуғафур шу куни кечкурун ўз уйида эмас, пастда, ер бағрида ётарди...

Шундай қилиб, мадраса кураётган яхши одамлардан бири «фоний дунё»дан «боқий дунё»га кетди. Ҳамма ачинди: устанинг дунёга келганидан бошлаб, кўргани захмат бўлди. Бошқа ҳеч нарсани кўрмай кетганига ачинишди...

Аммо Меъморнинг «қанотлари бир чеккадан синаятгани»ни кўриб ичдан қувонаётган Аҳмад Чалабий устанинг вафотидан сўнг буқаламундай тезда ўз тусини ўзгартирди: «Уста Абдуғафурнинг кадрдон дўсти мен эдим, доимо менинг ховлимга бориб турарди, унга кўп яхшиликлар қилганман, Меъмор билан иноқлаштириб қўйган ҳам ўзим...» — деган гапларни тарқатди. Кадрдон кишиси ўлган одамдек унга аза тутиб юрди. Аслида уста Абдуғафур унинг ховлисида ишлаган кезлари «Меъмор ёмон одам, унга ҳатто амирзодалар ҳам ишонмайди, ўғли — ҳуруфияга мансуб каллакесар...» деган гапларни айтган эди. Бу гапларни уста Абдуғафур ҳеч қачон Меъморга айтмаган-у, аммо Аҳмад Чалабийнинг кўп фитна ва юраги қора киши эканини билиб, ундан ҳазар қилиб, ўзини четга тортган эди. Аҳмад Чалабий мана шу гапларни Меъморга айтиб қўйишидан чўчир, шунинг учун устани руҳан эзиб, умрини эговлаб юрарди. Уста Абдуғафурнинг тўсатдан қазоси — қор ёғди, излар босилди бўлди.

Икки жумадан кейин мадрасага Бойсункур Мирзо бир неча навкарлари билан бирга келиб, у ёқ-бу ёқларни кўрди. Жой солиниб тайёрланган «дарсхона»да Меъмор раислигида барча усталарни тўплаб, ишни яна ҳам тезлатиш ва шаъбон ойигача қурилишни таъмомлаб, рамазонга хурсандчилик билан киришни таъкидлади. Меъмор ишнинг бориши ҳақида унга ахборот бериб бўлгач, гап орасида яқинда тўсатдан қазо қилган уста Абдуғафурнинг сағир қолган болаларига ёрдам кўрсатишни илтимос қилди. Бу илтимосга амирзоданинг мойиллиги борлигини, «Ҳа, албатта...» деб бош қимирлатганини сезиб турган корфармо дархол таъзим қилиб ўрнидан турди:

— Дархакикат, уста Абдуғафур покиза одам эди. Зуккою аллома эди, — «аллома», «зукко» сўзларига урғу бериб, кўз кирини Меъморга ташлади, — устанинг қазоси бизнинг бошимизга тушган оғир мусибат бўлди. Қурилиш ишларимизнинг анча орқада қолаётгани, сифатсиз ганчхоку кошинлар ёпиштираётганимиз ҳам шу туфайлидир. Худо хоҳласа, ишни тезлатиб юборамиз. Алалхусус, уста хонадонига амирзодам ҳазратларидан мурувват кўрсатишларини илтимос қилиб сўраймиз. Менда тежалган ақчалар ҳам йўқ эмас...

Салқин хона ичида ўтирган усталарнинг биронтаси ҳам Бойсункур ёнида Аҳмад Чалабийнинг риёкорлик билан айтаётган гапларига жавоб тариқасида бирон сўз айтиша олмади. Меъмор ҳам сукут сақлади, устани ҳозир «пок» деб турган кимса яқиндагина «у пес, унинг қўлидан таом еб бўлмайди. У — болачақаларини оч ташлаб қўйибди, ярамас одам..., деган ифволарини эшитишган эди. Унинг мунофиқлигини ҳозир яққол кўриб, ичларида «астағфуриллоҳ» деб истиғфор айтишди.

Мажлисдан сўнг мадраса ховлисидаги курсига келиб ўтирган Меъмор икки чаккасини кафтлари билан қисиб, бир муддат ерга қараб ўтирди. Унинг икки чаккаси санчиб оғирди. Томда, хужраларда, пештоқу гулчамбарлар, ҳавозаларда турган одамлар Меъморнинг диққат бўлаётганини сезиб туришарди.

ХИИ Б О Б

ЖАНГ

Ўша оқшом дарё бўйидаги янтоқзор тепаликда самарқандлик икки навкар йигитни барчанинг кўзи олдида «булар қочмоқчи бўлдилар», баҳонаси билан кўксига пичоқ тикиб, ўлдириб, кўмиб ташланган «лашкар интизомини яна ҳам маҳкам қилиш»да кўрилган чоралардан бири бўлса-да, аслида ҳамманинг дилини сиёҳ қилган эди. Мағлубиятга учраган қўшиндек, сарбозлар руҳан синик, қовоклари солиқ тусга киришди.

Лекин Қораилон даҳшати уларни бир-бирлари билан очилиб-сочишиб гаплашиб, эркин муҳокама қилишга йўл қўймас эди. Қўшин руҳияси унча баланд эмаслигини сезган Мирзо, фарғоналиклар билан тўқнашув они жуда яқин қолганини ҳисобга олиб, эрта билан нонушта пайтида сарбозларга биттадан тилло танга улашишни буюрди. Йигитлар «хамир учидан патир» — чиройли тилло тангани кафтларига қўйиб томоша қилишди. Ундан сўнг, эҳтиёт қилиб ёнларига солиб қўйишди. Нонуштадан кейин, шайхулислом Исомиддин жанг онининг жуда яқин қолгани, ҳар бир муслмон хуросонлигу мовароуннаҳрликлар Аҳмад тарафидаги ғанимлар билан бўлган жангда «ўлса — шаҳид, ўлдирса — ғозий» эканини таъкидлаб, юзига фотиҳа тортди. Қилич-яроғлари шай, чўққайиб ўтирган сарбозлар ҳам юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан турдилар, отларини яхшилаб эгарладилар.

Муҳаммад Арғуннинг хабар беришича, душманнинг катта қўшини Рафқондан ўтиб, Конибодом сари келаётгани, тўқнашув Яккатут қишлоғи атрофида, Сайхун ёқасида бўлиши ҳамма жихатдан мўлжалга яқин эди; Улуғбек Мирзо Шох Малик тархон билан Амир Довуд барлос олдида Муҳаммад Арғундан душман қўшинининг нуфузи, сарбозларининг кайфияти қандайлиги ҳақида сўради. Ёш амирзоданинг босиқлик билан кераклик саволларни бераётганига Амир Довуд барлос аввал ҳайратланиб туриб, кейин бу гаплар унинг бобосидан мерос экани, барлоснинг ўзи ҳам бобоси қўшинида хизмат қилганида, Амирнинг саволлари мана шундай бўларди, деб кўнглидан ўтказди. У яна, душман томони қир орқасига пистирма қўймаганмикан, деб ҳам суриштирди. Муҳаммад Арғун маълумотидан душман пистирма қўймагани, сарбозлар орасида пиёдалар ҳам борлигини билиб қаноат ҳосил қилгач, дарҳол ўз чодирига саркардаларни чақирди.

Шайхулислом Мирзонинг ўнг томонида ўтирарди. Сўл томонида Шох Малик тархон билан Амир Довуд барлос. Ундан пастроқда Муҳаммад Арғун. Мирзо саркардаларга мурожаат этди:

— Фарғона устига лашкар бораётганидан Аҳмад Мирзонинг хабари бор. Биз Баландчақирга етмаси-

мизданок улар ҳам тайёргарлик кўрган. Мирзо саройидан бизга етиб келган маълумотлар шуни кўрсатадики, фарғоналиклар биздан кам, иш кўрган сарбозлари оз — кишилари кўрқувда... Лекин биз то шу кунгача Аҳмаднинг элчисини кутдик, дарак бўлмади. Элчини Самарқандда ҳам кутган эдик. Номаларга жавоб қилмади. Ахсикентда, Хўқандда, Андижонда отамнинг энг содиқ кишиларини ўлдириб юборди. Бир неча мансабдор шахслар Самарқандга қочиб келди... Бу ерда ўтирган мингбоши Иброҳим Дулдайнинг оталари Абдуқаххор Дулдайни ҳам ўлдириб юборди. Бу сўзларни айтмоқдан мақсад — Аҳмад кўп ёмон ишларни саъй этиб, охири бизнинг сабр косамизни тўлдирди. Отамнинг амри ила мен сизларни жангга олиб бораётирмен...

Шайхулислом шу лаҳза хутба ўқиб, амирзодага ва саркардаларга дам урди. Ҳамма сукутга чўмди. Мирзо Улуғбек давом этди:

— Саркарда Иброҳим Дулдайнинг учқур чавандозлари билан мен ўртада борадурмен, биз то Яккатут даштида душман қораси кўринмагунча сиполик билан юриб, душман кўрингач, менинг фармоним билан унинг устига ўқдек отиламиз. Амир Довуд барлос сарбозлари менинг ўнг қанотимда бўлиб, ярим чақирим кейинда, менинг ҳамламдан сўнг иккинчи зарбани беради. Шоҳ Малик тархон сўл қанотимда, саркарда Ёқуббек сарбозлари билан биргаликда охириги зарбани беради. Иншоолло, пайдар-пай зарба билан душманни пароканда қилиб, тор-мор этамиз.

— Амирона режа! — деди Шоҳ Малик тархон, — ҳеч қандоқ ислоҳ киритмоққа ҳожат йўқ. Ғоятда мукамал ва оқилона. Аммо амирзода ҳазрати олийларидан бир кичик илтимосим бор.

— Айтинг, — деди Мирзо унга қараб.

— Иброҳим Дулдайнинг зарбдор лочинлари билан биринчи галда мен борай, Мирзо, сиз саркарда Ёқуббекнинг бургутлари билан сўл қанотда борсангиз. — Бу таклифни дарҳол Муҳаммад Арғун маъқуллади. Амир Довуд барлос яна қўшиб қўйди: — Бу таклиф, менга отангизнинг топшириқлари. Бобонгиз ҳамма вақт сўл қанотда бўлардилар. Бунинг моҳияти катта. Би-

ринчи хужумга ўтган саркардани трандозлар нишонга олади. Тўхтамишхон билан жангда ҳам, Боязид, хо-размшоҳлар билан бўлган жангда ҳам бобонгиз сўл қанотда борганлар...

Мирзо мамнуният билан кулди. Бу таклиф тархоннинг садоқатидан дарак берарди. Мирзо Шоҳ Малик тархонга садоқати учун ташаккур айтди.

— Келишдик, жойимизни алмаштирамиз.

Саркардалар ўринларидан туриб, ўз сарбозлари ёнига боришди. Орқада қолиб, жойларни йиғиб олувчи кишилар шитоб билан ишга киришиб, анжомларни араваларга юклашарди. Кенг дала отликлар билан тўлган. Ҳаммининг кўзи ёш амирзоданинг отга минишида. У отга миниши биланоқ беадад лашкар дарё ёқалаб, дашт билан Конибодом сари силжиди.

Навкарлар Мирзога «Йўлбарс» деб аталмиш тўрик отни тутишди. Бу отнинг бўйи баланд, кўкраклари кенг, қорни кичик — олд томондан қаралганда йўлбарсга ўхшарди. Доимо ғайрати ичига сиғмай сўлиғини чайнар, ер тепинганида чачағлари кенгайиб, йўлбарс панжасига ўхшарди. Бу отнинг бошқа отлардан яна бир фарқи шунда эдики, у жангга кирганида рўпарасидаги отга икки оёқларини кўтариб ташланар, тўғри келса тишларди. Бу ҳаракат йўлбарснинг сапчиганига жуда ўхшарди. У мутлақо ерга йиқилган одамни босмас, устидаги ўз эгасини йиқилишдан сақлар эди. Баъзи сарбозлар «Йўлбарс»нинг баҳосини ўн минг тиллодан ҳам ортиқ ҳисоблашарди. Аслида бу отни Улуғбек Мирзо Самарқанд тахтига чиққан пайтида Бухоро беги тухфа этган экан. «Йўлбарс» жангга кириш учун мўлжалланган от, аммо «Оқ кабутар» деган серёл, виқор билан қадам ташлайдиган оқ от — Мирзонинг тантанавор юришлари, шаҳар олингандан сўнг бош эгганлар олдидан ўтишга мўлжалланган оти эди. Ҳозир «Оқ кабутар»ни Ёкуббек кўши-нида, орқароқда бир сарбоз етаклаб келарди.

Катта кўшин уч бўлиниб, дарё ёқасидаги дашт билан Кўчкак томонга бурилмай, тўғри Конибодом сари йўл олди. Конибодом ёқалаб ўтиб, қуёш тик келганида, Муҳаммад Арғун хабар қилганидек, Яккатут даштида шарқ уфқида чанг кўтарилди.

— Бу нима? — сўради Мирзо ёнида келаётган Ёқуббекдан. — Бу қорамол подаси эмасмикан? Чанг кўтаряпти.

— Аъло ҳазратлари, — деди Ёқуббек, — дарҳақиқат, чанг кўтарган қорамоллар подаси.

— Пода эмас! — деди дарҳол эътироз билдириб Муҳаммад Арғун, — бу Аҳмад Мирзо!

— Худди шундай, — деди чўкки соқоли, орик, рангпар бир киши амирзодага қараб.

— Янглишяпсизлар, бу дарҳақиқат пода! — деди қаҳқаҳ уриб амирзода. — Ёқуббек тўғри айтди. Кўзи ўтқир одамлар яна бир қарасин, бу — пода!

Муҳаммад Арғун ҳам Мирзонинг ҳамма нарсга гушуниб туриб, атай ҳазил қилаётганини сизди. Мирзо сарбозлар кўркмай дадил ҳужумга чоғланишлари учун «Йўлбарс» устида кулиб келарди.

— Тушундик... — деди Арғун.

— Тушунган бўлсангиз, зудлик билан Шоҳ Малик тархон жанобларига айтинг, яна бир неча дақиқадан сўнг пода устига бургутдек тезлик билан ҳужум қилсин!

Муҳаммад Арғун шитоб билан от чоптириб кетди. У етиб бориб, шаҳзода фикрини айтиши биланок, Иброҳим Дулдай сарбозлари кенг саҳрода бўрондай чанг кўтариб, қийқириб, ваҳшат билан фарғоналиклар устига от қўйишди. Бир муддат ўтар-ўтмас даштда тўс-тўполон кўтарилди, отлар кишнар, қиличу қалқонларнинг шарақ-шуруғи, бақириқ-чақириқлар авжга чиқди. Отлар оёқларини кўтариб кишнашар, қиличлар офтоб нурида ярқирарди. Дарёдаги гирдобга ўхшаб, икки қўшин бир-бири билан аралашиб, қилич солишарди. Ерга ағанаб тушган сарбозларга ҳеч ким қармас, яраланган отлар ўрам ичида чўлоқланиб, кишнаб юрарди. Бир муддатдан сўнг амирзоданинг ишораси билан Муҳаммад Арғун қир оркасидаги Амир Довуд барлос томон от чоптириб кетди. Бетоқат бўлиб, Мирзони кузатиб турган барлос от чоптириб келаётган Арғунни кўриши биланок, душман устига ёпирилди. Шу муддатнинг ўзида Мирзо билан Ёқуббек ҳам чап қанотдан ҳужум бошлашди. Пистирма қўймай, катта куч билан келган Аҳмад Мирзо бир ярим соат-

лар чамаси орқада жангни кузатиб туриб, ўз кўшининг мағлубиятга учраётганини сезди. Яна бир соат жанг давом этса, сарбозлари тамоман қирилиб кетишини сезгач, атрофидаги бир неча сардорлари билан орқага қочди. Аҳмад Мирзо кетидан юзга яқин сарбозлар ҳам қоча бошлашди. Биринчи зарбани берган Иброҳим Дулдай, юз чоғлиқ навқари билан Аҳмад Мирзони қувиб кетди. Ўз сардорларининг жангни ташлаб қочаётганликларини кўрган фарғоналиклар ҳар тарафга сочилиб қоча бошлашди. Баъзилар отдан тушиб, қилич ва қалқонни ерга ташлашди. Аҳмад Хўқанд қолиб, Ашт томон қочди. Кўп ўтмай, Иброҳим Дулдай Аҳмад Мирзони тутиб олиб келди. Жанг тугагани ҳамон учга бўлинган лашкар яна бирлашиб, шитоб билан Хўқанд сари силжиди...

Иккинчи мушт, яъни ўнг қанотдаги Амир Довуд барлос сарбозлари орасида қилич яланғочлаб югурган Низомиддин бир соат чамаси тўс-тўполон ичида қолди; кимгадир қилич солиб, отдан йикитди. Яна бир сарбоз билан анча вақтгача олишиб, бир-бирига тиг тегизишолмади. Орқаси билан тисарилиб келган бир отлик сарбоз, уларни ажратиб юборди. У, ҳамма нарсани унутган — қиёмат қойим ичида, нима бўлаётганини билмай қилич солар, чопонида Самарқанд лашкарининг белгиси бўлмаган суворий сари ташланарди. Ундан беш қадамча нарида отдан кулаб тушган бир сарбоз яна ўрnidан туриб, этакларидаги тупроқни қоқа бошлади: бир лаҳза ўтар-ўтмас унинг боши орқасига осилиб, танаси ерга гуппа ағанаб, питирлай бошлади. У уйқусираётган одамдек жонҳолатда яна бир ўрnidан турди. Низомиддин у одамнинг бўйнидан қон тирқираб чиқаётганини кўриб, кўзини бошқа ёққа олди. Бу одамнинг елкасида Самарқанд белгиси кўринмасди. Соқолининг мош-гуручлигидан кекса одам эканлигини пайқади. Ўзининг ҳам бўйнига қилич тушиб қолишидан кўрқиб, атрофига олазарак қараб, нарироқда бир-бирига қилич солишаётган самарқандлик билан фарғоналик томон югурди. У беҳос ёндан келиб, фарғоналикнинг елкасига қилич уриб, отдан кулатди. Ҳоли танг бўлиб турган шериги унга мам-

нун бокди. Улар иккови дархол чап томонларига бурилиб, шарақа-шуруқ қилич солишаётганлар тўпига ўзларини уришди. Низомиддин қилич солар, ора-чора ўз ошналари Шодмонбек билан Абуалиларни қидирарди. Бир муддатдан кейин қочиб кетаётган сарбозларни кўриб, фарғоналиклар енгилганини пайқади. Отининг жиловини тортди. Йигирма қадамча нарида отдан сакраб тушиб, қилич-қалқонини ерга ташлаб турган навкар ёнига от чоптириб бордию, унинг бош эгиб, таслим бўлиб турганини кўриб индамай қолди. Қўлида ярқираб турган қиличини ҳам эгар қошида тутди. Қиличи дамида қотиб қолган конни кўрди. Пешанасидан иссиқ тер оққандай бўлди. От жиловини кўйиб юбормагани холда сўл кафти билан пешанасини артган эди, қўли қип-қизил кон бўлди. Қалпоғини кўтарди — ҳа, қалпоқнинг таги жикка кон... ўзининг ярадор бўлганини сезгани ҳамон, боши, елкаси ачиша бошлади. У отда туриб, рўпарадаги одамга қаради; у Низомиддининг чаккаси, бурни устидан оқиб тушаётган конни кўриб, ерга қаради. Улар — ғолибу мағлуб бир лаҳза бир-бирларига ўқрайиб қараб туришди! Шундан сўнг Низомиддин отининг бошини қайириб, Хўқанд йўлида кетаётган сарбозларга етиб олиш учун шошилди. Сал юрмасиданоқ йўлда белида энлик қизил кумушкамар бир одамнинг тўнқарилиб ётганини кўрди. Юраги шиф этиб, орқасига тортиб кетди. Атрофида айланди — тўнида Самарқанд белгиси бор! У дархол отдан сакраб тўшиб, тўнқарилиб ётган одамни ағдарди; бу — Шодмонбек эди. Дўстидан жудо бўлибди... Кўзи тиниб, юрагига тиф санчилгандек бўлди. Юз қадамча нарида кетаётган сарбоз, Низомиддинни кузатиб турарди: «Қани, юринг! Улар анча олислаб кетишди!» Низомиддин «хўп» дегандек бош кимирлатди. Шу лаҳза йигирма қадамча нарида оҳ-воҳ қилиб ётган яна бир киши ердан бошини кўтарди. «Ҳой, иним, самарқандликман, мени олиб кетинг! Мен бу ерда қолмай, кечқурун қашқирлар, чиябўрилар келади...» Низомиддин отини етаклаб, унинг тепасига борди, «белимдан қилич едим, туролмайман...» Низомиддин бир лаҳза унинг тепасида турди.

— Отимга мингашолмайсизми?

— Йўқ, иним, туролмаيمان.

— Бир оз сабр қилинг. Ҳозир аравалар келиб сизларни йиғштириб олади.

— Шу илтифотингизга ҳам раҳмат! Арава келгунига чидаб туролмаيمان. Асли бухороликман, отим — Қудратулло. Ҳаққимга бир дуо ўқиб қўйинг.

— Хўп, ого, — деди Низомиддин маъюс.

Низомиддин Абуалининг ҳоли не бўлди экан, деб анча олислаб кетган қўшин орқасидан от чоптириб кетди. Бошидан сирқираб чиқаётган қон бурни учидан чак-чак томаётганини сезмасди. У анча ерга бориб, орқада чўкка тушиб, йиғлаб ўтирган мағлуб сарбозга қаради. Шодмонбекнинг калласини узган шу эмасмикан? Агар шу бўлса, нега унинг калласини олмадим? Нега у отида қочмади? Қочиб улгуриши мумкин эди-ку?

Ёмон туш каби қўрқинчли, чалкаш хаёллар Низомиддиннинг қон сирқираб турган бошини қуршаб олган эди. Олдинлаб кетган ошналарига етиб олай, деб у отини ниқталардию хаёлида боши учиб кетган Шодмонбек билан бели синиб инграб ётган бухоролик сарбоз турарди.

Кеч кириб қолган. Қуёш ғарб уфқига ботмоқда. Сўнгги нурлар даштга тушиб, тик турган кишининг сояси бир терак бўйи чўзилиб кетарди. Яккатут, Рафқон, Конибодом оралиғидаги кимсасиз даштда одамлар ва отлар сочилиб ётибди. Даштни кесиб ўтган арава йўлидан бирорта суворий ўтмайди. Бу ердаги тўқнашув — қиёмат қойим дахшати атроф ёкдаги қишлоқларга тарқалган эди. Боши кетиб, жони узилганлар ваҳшатдан тамоман қутулган. Аммо тиф тегиб қўл ёки оёғи узилганлар оҳ-воҳ уриб, мадад кутиб ётарди. Қуёш ботиши билан мис баркашдек ярқираб, дашт устида ой кўтарилди. Кечаги қоп-қора туя бутуллар йўқ, осмон мусаффо эди-ю, аммо ой қонга белангандай қизариб турарди. У кенг даштда, янтоқзорда сочилиб ётган кишиларни кўрарди. Бироқ ёрдам қўлини узатолмасди. Саҳрода ойдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бели синиб ётган сарбоз ҳам ойга тикилар, ундан нажот йўқ; у баланд қаср тўйнуғидан жамолини кўрсатиб турган маликага ўхшарди. Бели синган сар-

боз ойдан юзини ўгириб, пиллакуртдек сурилиб бо-
риб, ҳар эҳтимолга қарши, ерда ётган ўткир қилични
олди. Ёнидаги ўлик белидан ханжарини ҳам суғуриб,
ёнига қўли етадиган жойга қўйди.

Ярим тунда бу ерга орқадаги бир гуруҳ навкар
ихотасидаги аравалар етиб келди. Ярадор кишиларни,
қуролларни териб олиб, араваларга жойлаштиришди.
Шу орада, яна бир гуруҳ сарбозлар ихотасида «Уг-
рук» аравалар ҳам музаффарият дарагини эшитиб,
амирзода орқасидан жадаллаганича, Хўқанд томон ке-
тишди. Шаҳид бўлган сарбозларни эртага эрта билан
шу ерларга кўмишни айтган карвонбоши, ярадорлар-
ни тезда шаҳарга олиб киришни одамларга тайинлаб,
ўзи отга қамчи босиб, «Угрук» арава кетидан Хўқанд
сари чопди. Бу обдан чиройлик қилиб безатилган
аравалар ичида Мирзонинг хотини — Ақобегим, ҳамда
унинг бир неча хизматкорлари ўтирарди. «Угрук» ара-
вани кўриқлаш, мабодо мағлубият хавфи туғилганда
орқага қайтариш энг содиқ сарбозларига топширил-
ган эди.

Хўқандликлар ҳамма дарвозаларни очиб, Мирзони
шодиёна билан кутиб олди. Шаҳардан бир фарсанг
ташқарига чиқиб турган оқ саллали, Жоме масжиди
имоми; қози калон ва бир тўда казо-казолар катта
йўл устида Мирзони кутиб олиб, саройга олиб ке-
лишди. Дарҳол ичкариларни кўздан кечирган Мухам-
мад Арғун одамлари атрофга ясовулу навкарлар қўйиш-
ди. Арғундан аввал шаҳарга Қораилон кириб, сарой-
ни ва шу атрофни кўздан кечирган эди. У, Мирзога
Мухаммад Арғун ҳамма ишни кўнгилдагидек хозир-
лади, деб хабар берганидан сўнг, Мирзо саройга ки-
риб борди. Шу муддат иккинчи топқир анчолар Самар-
қандга ва ундан сўнг Ҳиротга музаффарият ҳақида
нома олиб кетдилар. Биринчи топқир тўрт анчо ғала-
ба қозонилган чоғ — жанг майдонининг ўзидан Са-
марқандга жўнатилган эди.

Хўқанд саройининг кўркам хоналаридан бирига ки-
раётган Мирзо кетидан Шох Малик кела туриб, унга
мурожаат этди:

— Амирзодам, гапим бор эди.

— Марҳамат! — у Шох Маликка қаради.

— Ҳордиқ оласизми ёки Аҳмад Мирзони сўроқ киласизми?

— Аҳмад Мирзо билан гаплашиб олиш керак.

— Тушундим.

— Саркардаларга айтинг, шаҳар таланмасин! Ҳазинабоннинг ўзи бунда келсин! Биз ўзимиз, эрта тонгдан бошлаб, саркардаларимиз устига заррин хилқат ёпамиз, тиллолар улашамиз. Ҳеч кимни хафа қилмаймиз...

— Тушундим, — Шох Малик ташқарига чиқиб кетди. Саройнинг ҳамма ерига, асосий эшикларга қуролли навкарлар қўйилган эди. Бир муддатдан кейин Мирзо сарой ҳовлисига чиқди: қўллари боғланган Амирак Аҳмад ҳовлида тик турарди. Атрофида Самарқанднинг саркардалари, мансабдор шахслар. Устига духобалар ташланган курсига Мирзо келиб ўтирди. Оёғи остида йўлбарс териси. Рўпарасида амакивачаси Аҳмад Мирзо бош эгиб турарди.

— Қўлларини ечиб юборинг! — деди Мирзо Муҳаммад Арғунга ишора қилиб. Арғун белидаги ханжарини суғуриб олиб, чилвир арқонни узиб ташлади. Амирак Аҳмад увишиб қолган қўлларини осилтириб, уқалади.

— Ҳа-а, амирзода, холингиз қалай?

— Биз енгилдик, сиз енгдингиз!

— Сиз, мамлакат ҳокими эмас, шахват ҳокими бўлдингиз! Офарин! Мунажжимлар кўзига «алиф» тортмоқ бир томонда, шахвоний хирс бир томонда! Биз бу ишга йўл қўёлмаймиз! Нега Ашт томон қочдингиз? Боисини билсак бўладими?

— Мағлубият ва саросималик кишини не ҳолга солмайди. Киши енгилгач, тўғри келган томонга қочади.

— Йўқ, очикроқ айтинг! Сиз қочиб жон сақламоқчи бўлсангиз, Шўрсув орқали тоққа чиқиб кетишингиз мумкин эди. Хўқанд ёки Марғионга шу сабабли кирмадингизки, сизни ўз кишиларингиз ушлаб берарди. Ашт орқалик юқорини кўзлаб қочишингиздан мақсад нима?

— Мақсад йўқ, фақат янглишиш...

— Сиз, содда кишилардан эмассиз! Сизнинг са-

ройингизда менинг одамларим бўлган, феълу атворингиз, мақсадингиз, мағлубият келгудай бўлса, нима чора кўрмоғингиз бизга маълум! Бу томонга юриш бошлашдан аввал, сиз қочажак ковакларнинг ҳаммаси бекилган. Энди, Мирзо, очикроқ гапиринг! Ҳақиқатни айтсангиз — омон қоласиз. Бўлмаса, хукм — битта! Қон тўкилади! Фуқаро қирилди, мен сизни омон қўймайман! Подшоҳни беҳурмат қилдингиз! Ҳақ гапни айтинг, амаким Амир Умаршайх арвоҳини хотирлаб, сизни омон қўямен! Бўлмаса, йўқ.

— Ҳақ гапни айтаман, амирзода, сўзингизга ишонаман. Аштдан тоғ йўллари орқали Сайхун бўйига, Сифноқ ва Шоҳруҳия шаҳарларига чиқиб олиб, Дашти Қипчоққа бормоқчи эдим. Биз билан яхши алоқада бўлган туғли Темур авлоди Муҳаммадхон билан аҳдлашувимиз бор эди. Муҳаммадхон Ўрусхоннинг набираси — Бароқ ўғлон билан келишмай, жанжал устига жанжал бўлмоқда. Сайхун бўйларидаги Дашти Қипчоқ хонлари Ҳирот ва Самарқандга қарши бўлиб, менга мадад беришга тайёр эди. Бароқ ўғлонни паноҳ қилиб Дашти Қипчоққа қочаётган эдим...

— Мана энди ўзингизга келдингиз, — деди ўрнидан туриб Мирзо, — сизни ўлим жазосидан сақлаб қоламен. Сиз эрта билан хотин ва болаларингизни олиб, Ҳиротга жўнайсиз. У ерда аввало подшоҳдан, ўз амакингиздан қилган гуноҳларингиз учун авф сўрайсиз. Кейин, мана бу гапларни: Бароқ ўғлон, Муҳаммадхон билан тузган аҳдларингизни подшоҳга мукамал айтиб берасиз! Бу жуда муҳим гап.

— Хўп, — деди Аҳмад Мирзо ўлимдан қолгани учун қўли кўксига, амирзодага таъзим қилиб.

Эртасига эрта билан Аҳмад Мирзо бола-чақалари билан аравага ўтқазилиб, Муҳаммад Арғун кишилари ихотасида Самарқандга, ундан Ҳиротга жўнатилди.

Анчолар ғоятда муҳим ва махфий номани олиб Самарқанд сари чопдилар; ундан Хуросонга ўтишади. Лекин Аҳмад Мирзо устидан қозонилган ғалаба хабари эртасигаёқ Ҳиротга маълум бўлди. Хўжанддан пайдар-пай учирилган кабутарлар Жиззахга, Жиззахдан Самарқандга жўнатилди. Самарқанддан учирилган ка-

бутарлар Шахрисабзга, ундан Балх, ундан Маймана, ундан Хиротга етиб келди. Биринчи хушхабар олиб келган Маймана кабутарини подшоҳ ўз кафтида ушлаб, оёғидаги ипак қозони очиб олди, хиротлик каптарбозга ўн тилло ва қимматбаҳо сарупо беришни буюрди. Хўжанддан тортиб, то Хиротгача бўлган масофадаги кабутар ўргатувчиларнинг ҳаммаси ақча ва сарупо беришларини тайинлади. Муҳим хабарларни тезда етказишда кабутарбозларнинг санъати анчалардан ҳам, тепаликлардаги ўт ёқувчи қоровулхоналардан ҳам қулайдир, деди Шохрух.

Катта кўшинни шайлаб, мабодо бирон кори-ҳол бўлса, шитоб билан Самарқанд сарига йўлга чиқишга ҳозирлик кўриб турган Иброҳим Султон бу хушхабарни эшитиб, бўшашди. Отасини зафар билан муборакбод қилиб, сарой аъёнлари юзидаги севинчга шерик бўлиб кўринди. Лекин аслида соҳибқиронликдан кўра ҳам, «соҳиби илм» оғасининг шаъну шавкати унга ёқмасди. Аҳмад Мирзо бир савалаб, «патини тўзитиб» юборишини, шундан сўнг отаси Самарқанд тахтига бирон «қаттиққўл» ўғлини юборишини умид қиларди. Умуман, у ўз оға-иниларидан Муҳаммад Тарағай билан Бойсунқур Мирзони давлат ва сиёсатга, ҳарбга аралаштиргиси келмас, укалари — Суюрғотмиш Мирзо билан Муҳаммад Жўқийларни келгусида ўзига тобе — Мовароуннаҳр ҳокимлари қилиб тайинлашни кўзларди... Қаҳри қаттиқ аМирзода Шерозга қайтиб келмай оғасининг Самарқандга қайтиб келишини кутди. Шу хурсандчилик кунларининг бири Шохрух Иброҳим Султонни ўз ёнига чорлаб, яқин кунларда Аҳмад Мирзо Хиротга етиб келиши, гуноҳкор амакиваччасини унинг ихтиёрига юборажаги, ўз қўл остидаги бирон шаҳарга ҳозирча ҳоким қилиб қўйишини тайинлади. У, сиртда бўлгандан кўра кўз остида бўлгани маъқул, деди. Қораилон кишиларига ундан асло кўз узмасликни тайинлаб қўймоқ кераклигини ҳам айтди. Иброҳим Султон амр бажо келтирилишини, мабодо амакиваччаси яна фитнага ружу қилса «айб ўзида» деган гапни кўнглидан ўтказди. Чунки отасининг «Қораилон» номини тилга олиши ана шу нарсадан далолат берарди. Бир ҳафталардан кейин у отасидан рухсат олиб, Ше-

розга жўнади. Ўзига нисбатан ҳар бир кичик хатти-харакатларгача диққат билан кузатадиган «чакказарб» амирзодани укаси Бойсунқур Мирзо бошчилигида сарой аъёнлари кузатиб қолишди.

Оқ кабутарлар олиб келган мужда ва бунинг устида шаҳзоданинг пойтахтдан «қалтис» чиқиб, Шерозга кетиши Ҳирот аҳлига қўшқувонч бўлди. Рамазоннинг охирги ҳафтаси қолиб, катта ҳайитнинг баҳор ойларига тўғри келгани ҳаммага севинч бағишларди. Жангнинг тез тугаллангани, Аҳмад Мирзонинг Ҳиротга бош эгиб келаётгани, Фарғонада қатли ом у ёқда турсин, бирон кишининг ҳам бурни қонамагани меъмор Нажмиддин Бухорийни ҳам, кулол Абу Толибни ҳам, уста Ҳасанбек ва Хусайнбекни ҳам хурсанд қилди. Жанг тўполонида қон тўкилди-ю, ичкарида бу иш бўлмади. Ҳарқалай Улуғбек — Улуғбек, Иброҳим — Иброҳим, дейишди улар бир-бирларининг қулоғига, маърифату илм кишиси жанжални кўпроқ ақл-идрок билан ечади. Бунга чоғи келмаган ҳокимлар муаммони қилич билан ҳал қиладилар... Фарзандларимиз, худо хоҳласа, эсон-омон кириб келишади, деб умид қилишди улар. Лекин «меъморлар меъмори!» устод Қавом ўз ўғли Худододбекни Амир Довуд барлос қўлидан олиб қолгани, бу билан ўз фарзандини бошқаларникидан азиз кўргани ва шунга ўхшаш баъзи хатти-харакатлари билан, мана бир неча ойдирки, Нажмиддин Бухорий билан учрашолмай юрарди. Корфармо Аҳмад Чалабийнинг қилган фитналари, Меъморнинг гажанг юргани, мадрасада шогирдлари билан ўзи енг нимариб ишлаётганидан ҳам хабардор эди. Аҳмад Чалабийнинг «бухоролик Меъмор салтанатга ноҳайрихоҳ кимсалар» билан ошначилик қиляётгани ҳақида гапирганда (гуржи устаси Жўржий билан иноқлигини кўзда тутди) устод Қавом юзини тескари қилиб, буринни жийирди. Илгари бунақа гапларга жон қулоғини тутадиган устод Қавомга бу сафар гап ёқмаётгани, Чалабийни совуқ қарши олгани хайратга солди. Совуққина хайр-хўшлашиб чиқиб кетаётган Аҳмад Чалабий устодга: «бу ҳақда Иброҳим Султонга шипшигажани» айтганида, устод Қавом наридан-бери юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди.

— Бундоқ иғво гапларга амирзода бурнини қоқади!

— Нима дедингиз?

— Меъмор Нажмиддин Бухорий салтанат учун жуда кўп яхши ишлар қилган. Бунинг устига, ёлғиз ўғлини жангга йўллади. Яна нима қилиб берсин?! Салтанатнинг муътабар кишилари орасига тушиб, тагин бошингиз узилиб кетмасин, Чалабий жаноблари!

Аҳмад Чалабий ўзининг Қавом томонидан ғоятда совуқ қарши олинганига, устоднинг ўзгариб қолганига таажжубланди. Агарда Иброҳим Султон Шерозга кетиб қолган бўлса, Бойсунқур Мирзо Хиротда, унга арз қилишни ўйлаб қўйди.

XIV б о б

НАВРЎЗИ ОЛАМ

Хирот шимолидаги Кўхисиёҳ этаклари, ясси қирлар, жилғалар, бутун бир воҳа яшиллик билан ўралди. Кўхи сафед билан Кўхисиёҳ оралаб юзларча катта-кичик сойларни бирлаштириб оқаётган Херируд дарёси ҳам яшилликлар оралаб, Мурғобу Жайхун томон интилар, аммо уни беҳудуд ва ташна қумликлар йўл-йўлакай шимариб кўярди. Унинг жануброғидан оқадиган Фарахруд Хашруд ҳам ташна ерларга сингиб кетарди. Наврўзи олам бўлиб, тоғ атрофлари яшилликлар билан ўралгач, Хирот халқи тоғ бағирларига равочу лола сайлига отланишар, биргина Хирот эмас, Гургон, Қалъан Нав, Қароҳ шаҳарларининг аҳолиси ҳам равоч сайлига чиқишарди. Кўхисиёҳ орқасида яна ҳам баланд тоғлар силсиласи диққатни тортар — то Банди Туркистон тизма тоғларигача бу силсила давом этарди. Хиротдан анча узоқ Боло Мурғоб, Оби Қайсар бўйларида ҳам бу сайил навбахорга файз кўшарди. Ҳатто жанубдаги Намаксор кўли бўйидан ҳам одамлар Кўхисиёҳ этакларига келишарди.

Ҳеч кутилмаганда Нажмиддин Бухорий ховлисига устод Қавом кириб келди; дарвоза олдида уни Зулфиқор кутиб олди. «Хиротнинг ғоят эътиборли одами»га кўзи тушиши биланок у озгина довдираб қолди. Ке-

йин югуриб бориб, отининг жиловидан ушлаб, устодни оҳиста отдан туширди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом!

— Марҳамат, устод!

— Бисмилло... — Қавом олдинда, Зулфиқор от етаклаган ҳолда ташқари ҳовлига киришди. Ҳовли ўртасигача келиб қолган устод Қавомни хоналардан югуриб чиққан Заврак билан Ғаввос яна қуюқ салом билан кутиб олиб, меҳмонхонага — ҳовлининг кунчиқар томонидаги данғиллама ўймакор, ганчин катта хонага олиб киришди. Заврак шу лаҳза бу хабарни ичкари ҳовлига етказди. Меъмор Нажмиддин Бухорий дарҳол ўрnidан туриб, меҳмонхонага сарпойчан кирди.

— Э, марҳамат, келсинлар! Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Соғиндим, кўргим келди. Биз, кексалар бир-биримизга суянишиб қолганмиз... — деди илгаригидай димоғдорлик, пишқиришлардан жиндак бўлса-да, асар кўринмай устод Қавом. У ҳозир мутлақо бошқача, анча самимий бўлиб қолган эди. Унинг «Биз кексалар бир-биримизга суянишиб қолганмиз» деган сўзидан Нажмиддин Бухорий Қавомнинг подшолардан кўра ҳам ўз дўстлари, ҳамкасбларига суяниб қолганини пайкади. Ўлими яқинлашгач, киши ўз ошналарига ўюр бўлиб қолади — оғир кунига ярамайдиган, тобуткаш бўлолмайдиган амирзодалардан не фойда! Бунинг устига, яқинда тенгқурларидан ҳаттот Абдураззоқ Машҳадийнинг вафоти улар сафига тушган кучли бир зарба эди. Устод Қавом кўлини фотиҳага очди: — Қадам етди, бало етмасин!

— Хуш келибсиз!

— Соғ-саломатмисиз?

— Шукур...

Шу дам учала шогирд ҳам ўринларидан туриб, дастурхон тайёрлашга киришишди. Заврак югурганича яна ичкарига кирди. Устод келганини сезган Маъсума бека каттакон жез патнусга қанд-қурсларни кўяётган эди. Негадир меҳмон келса ҳам бепарво гурган Бадиа, ташқари ҳовлидаги молхонада отларнинг тепишиб, кишнашлари эшитилиши билан югуриб кета туриб, Зулфиқорга қаради:

— Бир ўзими?

— Ҳа, устоднинг бир ўзлари, — деди Зулфиқор.

Бадиа отхонага кириб, акасининг «Кўк каптар»ига қаради. Чопқир «Кўк каптар» бегона отни ёқтирмасди — у четлаб ўтиб, ўз отининг жиловини ечиб, нарироққа олиб бориб боғлади.

— Бу ишларни менга буюринг, бекам!

— Сизни аядим, ҳурматли Шоший, — деди от бошини нозик қўллари билан силаб Бадиа. — Сиз отамга жуда кераксиз. Отамлар бошқалардан кўра ҳам сизни қобилиятли дейдилар. — Бадиа Зулфиқорга қараб жилмайиб турарди. Унинг бу гапи камситишми ё одатдагидай ҳазилми — билиб бўлмасди. Аммо унинг кулгиси ниҳоятда ўзига ярашиб турарди. Зулфиқор довдираб қолди.

— Мен айтмоқчиманки, бу ишлар...

— Мен айтмоқчиманки, бу от фақат мени, ундан кейин акамни йўлатади ёнига. Мен йўғимда унга яқинлашманг, шикаст етказиши мумкин. Унга қаранг, отга ўхшамайди!

Шундан сўнг Бадиа отини эркалади, сўнг Зулфиқорнинг ёнига келди, кўзларига тикилиб, жилмайди.

— Боринг, устодингизга қарашинг! — у чошиб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

Зулфиқор қизнинг елкаларига, сочларига қараб қолди: эҳтимол, устоднинг бу келиши тўй ҳақидадир! Ҳали, Бадиянинг акаси жангдан қайтмай туриб, тўй бўлиши мумкин экас-ку! Эҳтимол, тўй ҳақида маслаҳатлашиб олмоқ учун келгандир?

Зулфиқорнинг юрагига қандайдир шубҳа тушди. Наҳотки, Бадиа ўша тўрсайган Худододбекка хотин бўлади? Наҳотки, узумнинг сарасини ит ейди? Пулу давлат, обрў... нималарга қодир эмас! Эй, сен бухоролик, чучварани хом санаб юрибсан! Бу кулгию қарашмалар, бу топилмас ширин лаҳзаю, ноёб табасумлар — шунчаки гап. Улар бировники. Ўша лаблари тўрсайган, қимору кўчқор уриштиришдан ўзга ишни билмайдиган Худододбек буларга бир йўла эга бўлади. Бу гўзалликлар ўша сўтакнинг қўйнида йўқ бўлиб кетади.

Шундоқ бўлармикан-а? Дунёнинг ишлари доимо

тескари. Шунча шаддодлиги, фикрининг тиниклиги, чакқонлиги билан Бадиа Худододбекка хотин бўлармикан? Ҳамма нарсани ўзгартириш мумкин, аммо инсон феълани ўзгартирмоқ амри маҳол, деган эди устод. Осмонда чарх уриб ўйнаб учган бу оқ кабутар Худододбек қафасида ётармикан?

Зулфиқор шундай хаёллар билан банд эди. У ўз шериклари ёнига келди. Устодларга дастурхон ёзиб, ҳамма нарсани муҳайё қилиб беришгач, ўз хоналарига киришди. Чунки устод уларни холи қўйишни истагандек бўлди.

— Мавлоно Жаъфар Табризий, Хўжа Юсуф Андугони ҳам хоҳиш билдириб, агар сиз бир ишга бош бўлсангиз, бизлар измингиздамиз, дедилар, — устод қавом Нажмиддин Бухорийга қаради, — азизим, наврўзи олам, ҳаммамизнинг димоғимиз чоғ. Бунинг устига кичик ҳайитнинг баҳор фаслига тўғри келгани яна ҳам нур устига аъло нур бўлди. Агар хоҳиш билдирсангиз, болаларимизни олиб, араваларда Кўҳи-сиёҳга, равоч сайлига борсак. Шунга нима дейсиз?

— Сиз, устод, бир нима десангиз, биз бўйин бурган эмасмиз, — деди Меъморнинг чеҳраси очилиб, — айни муддао!

— Фисоғурс (Пифагор) ҳакимни бир авлиё наддофлар¹ дўконига олиб борган экан, — деди гапни узокдан айлантиришни яхши кўрадиган устод Қавом, — ҳаким бу ерда кўрибдиларки, чийратма иплардан овоз чиқибдир. Ундан сўнг, даштдаги ўлган тошбақа суюгидан ҳам овоз чиқибдир... Фисоғурс ҳаким оҳангни ана шундай ўрганиб, мусиқий сурурлар кашф этибдилар. Мусиқа инсон танасига жон киритибди. Хўжа Юсуф Андугоний танимизга жон бермоқчилар...

— Кўп ҳикматли гап айтдингиз, — деди Меъмор. Устод Қавом «донолиги»ни тан олиш унга жуда хуш ёқарди. — Хўжа Юсуф Андугоний ҳазратларининг муборак овозларини анчадан буён тинглаганимиз йўқ, танимизга жон бўлсинлар.

— Бойсунқур Мирзо ҳам шу кун сайилга чиқурлар. Лола сайли киши дилидаги губорни йўқотур,

¹ Наддофлар — пахта титувчи, ип йигирувчилар.

равоч медани тозалайди... Бу — «Ал-Қонун»да ёзилган.

— Қачонга мўлжаллагансиз?

— Пайшанба кунни чиқиб кетиб, жума кунни кечки пайт қайтамиз. Агар сайлимиз яхши бўлса, жумани ҳам унда ўтказмоғимиз муддао. Карохдан ўтиб, Шўрак томон борсак. Лолаю равоч у томонда кўп.

— Мавлоно Андугоний «Рисолаи мусиқий» ёзиб-дурлар, деб эшитдим. Бу, таҳсинга сазовор, — деди Меъмор Нажмиддин Бухорий, — у зотнинг қавл, рехта, савт, сажъ, амал, нақш¹...ларини тинглаганмиз. Танбури беқиёсларига монанд соз йўқ.

— Балли! — деди ўз суҳбатларидан мамнун бўлиб устод Қавом, — Аъло ҳазрати муаззами ҳумоуний устод Андугонийни бутун Ҳиндистонга алишмайман, дебдилар. Бундан ортиқ тавсиф борми! Аммо устод Андугоний бундан бир неча ой илгари қаттиқ дилгир эдилар. Сабаб, Мирзо катта лашкар билан Фарғона устига боргани, Аҳмад Мирзонинг номуносиб ҳаракати сабабли Ҳўқанд, Ахсикент, Андижон раияти устига тушадиган шўриш у зотнинг дилига алам берди. Лекин ишнинг бежанжал, беқирғин бўлгани у зотни яна оёққа тургазди. Устод юрагидан андух кўтарилди — у зот ҳам Аҳмад Мирзонинг ўзи айбдор эканини тан олдилар...

— Хайрият!

— Яна бир гапни сизга айтмоғим даркор: Аҳмад Мирзо Ҳиндистону Чинга сафар қилиб, Ахсикентга қайтиб келгач, расадхона қуриш иштиёқида юрган Ҳакимхон Водилий деган бир мунажжимнинг кўзига «алиф» торттирибдир. Ҳакимхон Водилий аввал Бухоро, кейин Самарқандда таҳсил топган мулло одам экан. Самарқанду Ҳиротда илм-маърифатга ривож берилаётгани, Мирзо Улуғбек аҳли фузалого меҳрибонлик кўрсатаётгани, агар унга эътибор қилишмаса, Самарқандда, илмпарвар амирзода хизматига келиб қолишини бир неча бор айтган Ҳакимхон Водилийни «бировнинг хотинига зўрлик қилмоқчи бўлди», деган бўхтон билан тутиб олиб келинган. Аҳмад Мирзо-

¹ Мусиқа асарлари.

нинг фармони билан икки кўзига «алиф» тортириб, сўқир қилиб кўйишган. Мирзо Аҳмад бир базмида: «Мана энди у мунажжим бўлиб, осмонга тикилолмайди! Ўзи яратган мавжудот сирларини худойи таолодан ўзга ҳеч кимса билолмайди. Энди у на хиротлик, на самарқандлик паноҳларини ҳам кўра олади!» дебди. Қоронғи хужрада оху надомат билан ётар сўқир мунажжим хусусидаги хабар ҳам Мирзо Улуғбек қулоғига етибди. Ахир бу зулм-ку!

— Агар Мирзо Аҳмад шундай ёмон ишларга саъй этган бўлса, унинг тахтдан олингани мақбул бўлибди, — деди Нажмиддин Бухорий.

— Мирзо Аҳмад Бароқ ўғлон билан ҳам тил бириктирган, деган гап бор.

— Бу ҳам жуда хунук гап.

— Таксир, сиз менга «Ал-Мажистий» китобини бериб турмоқчи эдингиз. Ёдингиздан кўтарилгани йўқми?

— Асло, — деди Нажмиддин Бухорий, — агар истасангиз ҳозир олиб чиқаман.

— Абулвафо билан Тусий хусусида бир-икки маълумот айтсангиз.

— Абулвафо ал-Бузжоний Хуросонда таваллуд этганлар. Кейинчалик Бағдодга бориб, қадимги юнон олимларининг ал-жабр ҳамда фалакиётга оид асарларини таржима қилдилар ва илмий шарҳладилар. Ҳисобу ҳандаса соҳаларида янги илмий масалаларни илгари сурдилар ва талай рисоалар яратдилар. У зот Бутлимуснинг «Ал-Мажистий» китобини янги фикрлар билан тўлдириб қайта ишладилар. Бағдоддаги расадхонада янги жадваллар тузишда ҳам қатнашдилар. Ой ҳаракатини ўрганишга доир муҳим тадқиқотлар ҳам олиб бордилар. Муҳаммад Насриддин Тусий Марағ шаҳрида расадхона барпо этдиларки, бу расадхона ўз замонининг улкан илмий маркази бўлди. Расадхона олимларининг кўп йиллик тадқиқотлари сифатида «Эбхон зиж» жадвали тузилди. Тусийнинг ҳандасавий илми ривожланишида муҳим аҳамият касб этган «Таҳрир уклидус» китоби битилди. Унинг «Шоклул Гита» китоби туфайли ясси ва айланма ҳандаса мустақил ал-жабр фани бўлиб қолди. Насриддин Ту-

сий булардан ташқари жабр, тиб ва мантик назария-си билимларининг бошқа соҳалари бўйича ҳам кўпгина китоблар ёзган.

Икки меъмор аллавақтгача ширин суҳбатлашиб ўтиришди. Улар яқин анча вақтдан бери бундай кўнгилли ва дилбар суҳбатда бўлмаган эдилар. Улар Зулфикар олиб кирган таомдан тановул этишди. Аммо майга ружу қилишмади, сабаб, эртанги «равоч сайли» бемай ўтмасди. Кечга яқин устод Қавом қалингина «Ал-Мажистий» китобини қўлтиқлаб, Меъмор билан хайр-хўшлашиб, ўз ховлисига жўнади.

ХV б о б

ЙЎЛДА

Олмосдек серкирра, офтобда чўққилари яркираб турган баланд қорли тоғлар кўзни олади. Бу — Кўҳи-сиёҳ. Унинг остида яланғоч кўнғир қоялар силсила-си. Ундан ҳам пастда яшил гилам тўшалган беҳудуд тепаликлар кўринади. Чуқурликларда илон изи бўлиб сой оқиб ётибди. Шағал тошлар устида шаркираб оқаётган тоғ суви — биллур, у нафас олиб турганимиз ҳаводан ҳам беғубор. Киши ҳовучлаб ичган сари яна ичгиси келади. Сой бўйига тушган киши беихтиёр тепага — осмонга бигиздек кириб кетган чўққиларга қарайди; баландликларда осилиб турган улкан харсанглар ҳозироқ узилиб тушаётгандай ваҳима солар, тепаликда қатлам-қатлам тошлар орасидан ўсиб чиққан кўкатлар, баъзан унда-бунда чироқдек ёниб турган лолалар ўзини кўз-кўз қилиб, завқ бағишлар эди. Табиат мўъжизаларга нақадар бой; тошларга урилиб, шаркираб оқаётган шаффоф сув ичида оқимга қарши сузиб бораётган баликларнинг кумуш тани яркираб кўриниб қолар, бир дақиқада қайроқ тошлар орасига кириб яширинарди. Сой шов-шуви орасида асаларилар зувиллаб чексиз майсазорлардаги ўт-ўланлар дастурхони томон ошиқишарди. Сой бўйида турган киши тепасидаги бахайбат чўққиларга беихтиёр боқар, бошдан қалпоқ тушиб кетгудай тик баланд-

ликларга қарар эди. Негаки, инсон табиати юксакликларга интилади. Тоғ ҳавоси нақадар сўлим — чарчоқ асабларга ором, юракларга мадор, танларга қувонч бағишлар, иноқлик ва ширин мулоқотларга сабабчи бўларди. Улкан қоятошлар остидаги жимлик, тошдан тошга урилиб оқаётган сой шовқини, асаларилар ғингиллаши кишини аллалар, киши ўзини тетик ва енгил ҳис этарди, Меъмор айтганидек, киши дарду аламдан холи, бемалол юарди...

Кўҳисиёҳ этакларидаги кенг майсазорлардан бири Равоч дараси деб аталарди. Ҳар навбаҳор бу кўкламзорга хиротликлар от-аравада чиқиб, бир-икки кун сайр этиб, хордик чиқариб қайтишарди. Сайил кунларида шаҳардан ҳолвачию шакарпазлар, аттору кабопназларгача аравада бу жойга келишар, савдо-харид, баъзида курашу дор, кўчқор уриштириш ҳам авж оларди. Баландликларга чодир тикилиб, аёллар, болачақалар ҳам яшил майсазорларда сайр қилиб, хордик чиқарардилар. Сипоҳ табиат, ринд йигитлар ўзларининг чопқир, гўзал отларини ясатиб, йўрғалигини, тез чопишини намоиш қиладилар; баъзида ўттизқирқ отлиқ ихотасида амирзодалар ҳам сайрга чиқарди. Аллақандай бир саркарданинг топшириғи билан ёш амирзода бежига, кўзга ташланмайдиган либосда юради — аммо унинг атрофида парвона бўлаётган забардаст сарбозларнинг ғужғон уриши ёш амирзодани дарҳол элга маълум қилиб қўя қоларди. Қачонлардир бу Равоч дарага Гулгун Ақо ҳам йигит кийими кийиб келган экан. Уни ҳеч ким сезмаган. Кенгликда савлат тўкиб чопиб юрган отлиқларга ҳамма тикилар, улар виқор билан чопишарди. Ҳарқалай, ҳамма сайилда, ёш амирзоданинг руҳи кайфиятини хушлашга қаратилган бўлар. Баъзан битта-яримта девонаю қаландарлар ҳам одамлар орасида юарди, уларнинг гилларидан «Султоним» мисралари тушмасди.

Ўғил бола кийимини кийиб олган Бадиа то Пули Молон ва Ҳерирўд дарёсидан ўтиб, адирларга етгунча соябон аравада, ота-онаси ёнида ўтирди. Яшил қирларга етгач, орқада акасининг тўриқ отини миниб келаётган Зулфиқорни отдан тушириб, ўзи минди. Боядан бери ваши келиб, юрайми-юрмайми, деб

арава ортида келаётган тўриқ ҳам устига Бадиа ми-ниши билан дикиллаб юриб кетди. От жониворнинг мамнун бўлганини бемалол сезиш мумкин эди. Бу тўриққа Низомиддиндан кўра Бадиа кўпроқ меҳри-бонлик қилар, вақтида ем-беда, сув берар, эркалаб пешаналарини силар, ёлларини тарар эди. Бадиа от-хонага кириши биланок тўриқ пишқиарар, ётган бўлса дарҳол ўрнидан турарди, Низомиддин отга ишқибоз бўлгани билан унинг боқувига кўп эътибор бермасди. Жангари отини миниб кетиб, бир қадар ювош тўриқ-ни уйда қолдирарди. Яхшиям отнинг бахтига Бадиа бор экан. У Бадиани кўриши билан жонланиб кетар-ди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бадиа унинг жило-вини кўлига олиши билан жонланиб, пишқириб йўртиб кетди. Бадианинг ўғил бола эмаслигини фақат тўрт киши биларди, холос. Унинг қилиқлари ўғил бола-ларникига жуда ўхшарди. Сочларини ихчам турмак-лаб, Низомиддиннинг духоба дўпписини кийиб, усти-дан Ҳирот йигитларига хос ихчамгина салла ўраб олган, салланинг зар чизикли печи елкасига тушиб турар эди. Акасининг жез тўқалик қайиш-камари би-лан этигини, кўйлаги устидан унинг юпқагина қизил чопонини кийиб олган эди. Бир дамдан сўнг тўриқ араванинг олдига тушиб олди. Бадиа Заврак Нишон-пурийга кўзини қисиб қўйиб, олдинда кета бошлади. Ота-онаси унинг қилиқларини мутлақо кўришмас, фа-қат ҳар замон, ҳар замонда Зулфиқор арава орқаси-дан бош чиқариб, Бадианинг қилиқларини кузатиб борарди. У, кўримсиз бўлса ҳам, Завракдан Бадиани қизганар, унга нисбатан майли борлигини ҳали журъ-ат этиб айтолмаган бўлса-да, Бадиа бу бухоролик йигитнинг шайдолигини биларди. Шу сабабли ўзини кўз-кўз қилар, қилиқлари ўзига ғоятда ярашар эди.

Бир муддатдан кейин арава олдида бораётган «ўғил бола» отнинг жиловини сал тортиб, орқага ўтиб хо-муш қолаётган Зулфиқорга кулиб қўйди:

— Отингизни тортиб олганимдан хафа эмасми-сиз?

— Асло! — деди ўтирган жойида тавозе билан Зулфиқор. У бирдан қизариб кетди. Дам Бадиага, дам унинг онаси Маъсума бекага қаради. Шаддод қиз

жўртгага ота-онаси ёнида эркаланарди. У тўсатдан берган ўз саволига ўзи изоҳ бера бошлади:

— Бу тўриқ менга жуда ўрганган. Акамлардан кўра мени яхши кўради. Ҳатто акамларни йиқитган вақти ҳам бўлган... Чунки акамлар бир куни уни урган эдилар. От кўполликни ҳеч унутмайди. Сизни ҳам ётсираб, йиқитмасин, дедим-да. Ҳайвонлар, айниқса, от билан фил ўз эгасининг гапига тушунади. Ҳозир мана шу гапимизни ҳам тўриқ билиб турибди. Лекин жонивор гапира олмайди. — Бадиа яна қикирлаб кулди.

— Тилга тушунишини билган эдим, — деди кулиб Зулфиқор, — сиз бир куни овқат емаётганида гаплашиб, унга вақтида хўрак емокни тушунтирган эдингиз. Ўз қулоғим билан эшитганман.

— Бу гапингиз рост!

— Ҳамма гапларингизга тушундим. Жуда тўғри, — деди Зулфиқор жилмайиб. — Сиз минганингиздан кейин, кўриб турибман, от ҳам яшнаб кетди.

— Мен-чи? — сўради Бадиа ота-онаси олдидаги Заврак Нишопурий билан гаплашиб турганларида бехосдан.

Зулфиқор унга дафъатан жавоб қайтаришга журъат этолмай, сукут сақлади.

— Сизни Бухорода уйланиб келган дейишади, шу ростми?

— Лаббай?

— Бухорода хотинингиз борми?

— Йўқ, — деди Зулфиқор секин бош қимирлатиб.

— Нега отангиз шу пайтгача уйлантириб қўймадилар? Бухороликлар ёш уйланадилар, деб эшитган эдим.

— Сиз ўзингиз ҳам бухороликсиз-ку?

— Нега эрга беришмади, демоқчимисиз? — у яна қаҳ-қаҳ уриб кулди, — қўрқманг, отамлар яхши эшитмайдилар. Улар жаноб Нишопурий билан гаплашяптилар. Жаноб, мен Ҳиротда туғилганман... Ҳиротликлар бу борада унча шошмайдилар. Ҳарқалай, сиз Нишопурий эмассиз, анча шубҳалик одамга ўхшайсиз. Сизнинг юрагингизда қандайдир киши билмайдиган сирлар бор. Мен одамни тез билиб олардим, негадир

сизни билмаяпман. Юрагингизни очишни истамаяп-
сиз...

— Унчалик эмас, Бадиа бекам.

— Ҳо-ой, қизим, энди отдан туш! — деди Маъсу-
ма бека ўз диққатини сергап Завракдан олиб, соябон
араванинг ён томонида ота-онасига кўринмай Зулфи-
корга яқин келаётган қизига, — анови ерда кўприк,
жарлик борга ўхшайди. Йўл жуда тор, ана кўряпсан-
ми? Бир томон тикка тоғ, бир томон чуқур жарлик.
Кўзингга қара!

— Хўп, ойижон, — деди Бадиа. Кейин у яна паст
овоз билан Зулфикорга мурожаат этди: — Бари бир
билиб оламан!

Ҳамма ёқда баҳор севинчлари. Бадиа ғоятда кай-
фи чоғ; навбаҳорнинг сарин еллари унинг юзларига
қанот уриб учар, у осмонда чарх уриб учаётган куш-
ларга, баланд қояларнинг гўё очилиб қолган қизғиш
бағирларига дўнг қирлар устида гилам бўлиб турган
лолаларга кўз ташлар эди; гўё табиат буларнинг ба-
рини Бадиа учун яратгандай. Гўзал қиз ҳамма ёққа
сукланиб тикиларди: остида суюкли оти, аравада меҳ-
рибон ота-онасию шогирдлар... Заврак Нишопурий-
нинг баъзан қизиқчилик қиладиган одати ҳам бор
эди...

Дарҳақиқат, бухоролик йигит унинг юрагига қўл
сола бошлади: наҳотки яхши кўриб қолган бўлса?!
Худододбек-чи? Аммо бу пурвиқор, сирти ялтирок,
димоғдор йигитнинг жангга бормагани, ўз отини бош-
қа бировга бериб, амирзода аралашувида бунда қол-
гани Бадиага ёқмаган эди. «Бўлғуси куёвининг ғўда-
йиши ва бунинг устига халигача бир хунари бўлмай,
отасининг давлатида айш қилиб юриши... Йўқ, катта
хонадоннинг пурвиқор ўғлидан кўра бухоролик кел-
гинди йигит унинг кўз олдида ярқирай бошлади.

Чуқур жарлик устидан ўтадиган кўприкка яқин-
лашганда, Маъсума бека Бадиага отдан тушиб, арава-
га ўтишни буюрди. Бадиа итоат билан тўриқдан сак-
раб тушди-да, жиловини Зулфикорга тутқазди. Зул-
фикор Бадианинг аравага чиқиб олишига ёрдамлаш-
гач, ўзи сакраб отга минди-да, секингина бир қамчи
уриб, арава олдида ўтди. У «Шайтонкўприк»дан ўтиб,

от жilовини тортиб, араванинг ҳам ўтишини кутиб турди. Орқасидан етиб келиб, Зулфиқорга яқинлашган Заврак унинг Бадиа билан ҳадеб гаплашаётганига гаши келиб кинояли гап отди

— Тўра йигит, мана бу отга ҳам бир минсалар! Шунда иккита отга минган бўладилар. Бу отга минганингиз учун Нишопурий сизга ҳеч нима демайди, аммо нариги отга минганингизни Худододбек эшитса — каллангиз кетади...

— Қизиқчилик қилишга ҳам устасиз-да Нишопурий, — деди Зулфиқор кулимсираб. — Сизга бу отни бериб бўлмайди, чунки бир томон тоғ, бир томон жар; жарни кўриб борарсиз-у, аммо тоққа пешананингизни уриб оласиз, деб кўрқаман. Бу ҳам майлию, тўриқ сизни миндирмайди-да! Яхшиси тагингиздаги байталдан ажралманг!

— Ҳо-хо-хо-хо-хо, — Заврак Нишопурий беихтиёр кулиб юборди. — Майли, эшак тепкисини от кўтаради, лекин каллага эҳтиёт бўлинг.

— Калламни узадиган қилич Ахсикатда юрибди...

— Ҳамма нарсадан хабарингиз бор-а, Шоший?

— Қани, тўриққа ўтинг, Нишопурий, кўнглингиз ўксимасин! — Зулфиқор отдан сакраб тушиб, аравага кўшиғлиқ байталнинг жilовини ушлади. Икки йигит ўринларини алмаштиришгач, арава тоғ ёқасидаги тор йўлда қалдираб жадал юриб кетди. Бадиа Зулфиқорнинг шижоатидан, атай бу ёққа ўтиб олганидан завқланарди. Маъсума бека чуқур жарликларга қараб, «Субхонлло!» деб кўксига туфлар, Меъмор бўлса икки шогирдининг сал қуюшқондан чиқиб, талтайишаётганидан энсаси қотиб келарди: қани, шундоқ яхши соатларда, унинг ёнида ўғли Низомиддин ҳам бўлса! У ҳозир икки йигитга ҳам от бермай лочиндек учиб юрарди. Ҳарқалай, жангнинг ғалаба билан туггани унинг юрагига таскин берса-да, аммо урушнинг ҳар қанақасида ҳам қурбон берилмай илож йўқлигини ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетарди. Шодмонбек билан Абуали ҳам саломатмикан?

Меъмор Нажмиддин Бухорий тушган аравадан анча олдинда бораётган устод Қавом, устод Табрзий арвалари ва улар олдида от ўйнатиб бораётган Худо-

додбек ҳам довондан ошиб, тоғ ораликларига киргач, кўздан ғойиб бўлишди. Худододбек ўзини кўрсатишни, ҳаммадан олдин бўлишни кўзларди. Лекин анчадан бери Меъмор аравасидан орқада келаётган қизил чопонлик уч отлик шитоб билан юриб, улардан ўтиб кетди. Меъмор ҳам, Зулфиқор ҳам анчадан буён бу отликларнинг тезда ўтиб кетмай орқада келаётганига хайрон бўлишди. Кейинчалик бунга эътибор ҳам бермай кўйишди. Чунки наврўзи олам, сайил! Айниқса, бу сайилга ўзига тузук бадавлат оилалар, мансабдорлар, қариб колган лашкарбошилар келишаётган эди...

ХVI 6 о 6

РАВОЧ САЙЛИ

Эрта билан олдинма-кетин йўлга чиққан уч арава қош қорайишига яқин Кўҳисиёҳ этакларига сайилгоҳга етиб келди. Зулфиқор билан Заврак кенг сайилхонлик чеккаси, тоғ тагига — харсангтошлар оралаб оқаётган беором сой бўйига тушишиб, устод Қавом билан мавлоно Табрзий мўлжаллашган ердан унча узоқ бўлмаган майсалар устига чодир тика бошлашди. Устод Қавомнинг шогирдлари ҳам юз кадамча нарида ишга тушиб кетган эди. Лекин Худододбек отининг жиловидан ушлаганча, худди хода ютгандай ғўдайиб турар эди. Бадиа эса Зулфиқор билан Завракка ёрдамлашар, Худододбек аввал уни «ўғил бола» деб эътибор бермадию бир лаҳзадан сўнг тикилиб қаради. Бир неча кадам яқинроқ келиб, яна тикилди. Кимгадир ўхшатди... Бадиа ҳам уни ер тагидан кузатарди. Худододбек ўзга чодир атрофида ўралашиб юришга ғурури йўл бермай, ўз чодир томон кетди. «Жуърат этолмади, — деди ичида Бадиа, — энди мен «куёв»ни боплайман!» Зулфиқор нарироқда, чодир қураётганлар тепасида ғўдайиб турган Худододбекка кўзи тушдию Бадиага ғалати қаради. Бадиа бу кинояли қарашни тушунди, аммо пинагини бузмади. Ҳеч нимани сезмагандек ишини қилаверди. Оқшом сурмасида унинг юзларидаги ўзгаришни ҳам сезиб бўлмас-

ди. Бир лаҳзадан сўнг Бадиа катталар тўдасига ҳам кўшилолмай, гўдайиб турган Худододбекни кўрсатиб, Зулфиқорга мурожаат этди:

— Унга қаранг, жаноб Шоший, юмронга ўхшаб қаққайиб турибди!

— Кимни айтяпсиз, бекам? — деди Зулфиқор ёнида турган Завракдан ҳайиқиб.

— Устод Қавомнинг ўғилларини...

— Ундоқ деманг, тоғдек коматини тик тутиб турибди-ку.

— Ҳа, тик тутиб турибди! Бир туп тут бир туп турупни тутиб турибди, туруп тутни тутиб турибди, ха-ха-ха-ха-а!

Кулгидан сўнг ўртага жимлик тушди.

— У киши устод Қавомнинг ўғли бўлгани учун ишламай, гўдайиб туришлари керакми?! У киши устод Қавомнинг ўғли бўлгани учун жангга ҳам бормасликлари керакми?!

— Бекам, сиз ортиқча гапларни кўп гапиряпсиз, — деди Заврак Нишопурий. У Меъмор оиласида ўз садокати билан катта обрў қозонган бўлиб, шаддод қизга эркин танбеҳ бера оларди. Меъмор ҳатто ўз ўғли Низомиддиндан кўра ҳам Завракнинг гапларига ишонарди. — Агарда устод Қавом ҳазратлари хонадонига яна бир нима деб тил тегизсангиз, муҳтарама аямларга айтиб бераман!

— Кўрқмайман!

Заврак Зулфиқорга хўмрайиб қараб қўйди: гўё у «Сен чалғитяпсан! Бўлғуси куёв хақида шундай носано гаплар айтиш яхши эмас!» дегандай бўларди.

— Сиз ҳеч кимдан кўрқмайсиз, бекам!

— Мен ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан кўрқмайман! Аёл билан эркак баробар эканлиги муқаддас китобда айтилган, келиб-келиб сиз, жаноб Нишопурий, мени камситасизми?! — у хандон ташлаб кулди, — бари бир сизга тегмайман!

Заврак Нишопурийнинг ранги оқариб, атрофига олазарак қаради. Бу гапларни ё Низомиддин, ё устод ишитсами, дарҳол думи тугилиши аниқ эди.

— Тавба! Сиз жинни бўлиб қолдингизми, бекам! — у кўрқа-писа Зулфиқорга хўмрайиб қўйди.

— Йўқ, соғман!

— Сизни Маъсума бекам ўғил бола қилиб туға қолсалар нима бўларди!

— Кўнглимдагини топдингиз, Нишопурий! Мен ҳам шуни истардим. Лекин мен сизга ёмонлик қилмайман, сиз ёмон одам эмассиз. Аммо эски хунарингизни қилиб, отамга чақсангиз унда мендан шафқат кутманг! Бир марта чақиб акамга калтаклатгансиз, эсингиздами? Ўшанда «Қиз болани уриб бўлмайди, тушган жойида бахтсиз бўлади», деб аям ўртага тушмаганларида...

— Ҳали ҳам эсингиздан чиқмаган экан-да!

— Йўқ!

— Бўлмаса ўзингизга эҳтиёт бўлиб юринг.

— Нима, сиз менга ота эдингизмики...

— Бўлмаса билганингизни қилинг, эътибор қилмаганим бўлсин!

— Эътибор қилганингиз билан кўролмайсиз, Нишопурий!

Бадиа, Заврак, Зулфиқор бирдан хахолаб кулиб юборишди. Бу портлашни нарида турган кексалар; устод Қавом, мавлоно Табризий, меъмор Бухорий, ундан нарироқда турган хотинлар, Худододбек ҳам эшитиб, бу томонга ялт этиб қарашди.

— Дўстлар! — деди қозик қоқаётган еридан бош кўтариб Бадиа, — гапни бир ерга қўйиб олайлик, мана, катгароғимиз — Зулфиқор Шоший жаноблари, ундан кейин, сиз Нишопурий, ундан кейин учинчи бўлиб, мен, ўртамизда ихтилоф бўлмасин! Билиб қўйинглар, мен отамнинг ўғлиман! Эрта тонгдан саяил бошланади. Ҳар қандай вазиятда ҳам бир-биримизни ранжитиб қўймайлик! Кимда-ким сиримизни ошкор этса, у — хоин!

— Бекам; бизнинг сиримиз йўқ! — деди Заврак кулиб. — Ҳамма сир сизда. Бўпти, сизнинг сирингизни очсак, хоинмиз!

— Келишдик! — деди Бадиа тантанавор. Бугун унинг ғоятда кайфи чов, сергап ва қандайдир қахрамонликлар қилгиси келарди.

— Жуда шўх... — деди Заврак Бадиага сездирмай Зулфиқорнинг кулоғига, — устод буни тезроқ узатиб

юбормасалар, ҳаммамизнинг энка-тенкамизни чиқаради. Қиз боланинг бунчалик шўх бўлишини биринчи кўришим. Ё, тавба, ақли ҳам жуда тиниқ... Устод аввал Низомиддинни уйлантирмай туриб, ҳеч қачон буни узатмайдилар. Ўғилларидан кўра шу шайтон қизни яхши кўрадилар.

— Ростдан-а?

— Ҳа. Қаранг, мана бу сўлақмон куёвнинг аҳволини! Бу ўғил болача кийиниб юрибдию, у бўлса таниб ололмапти... Киши яхши кўрган одамани минг ўраб ташланмасин, битта қилиғидан билади, тўғрими, Шоший?

— Жуда ҳам тўғри.

— Сўлақмоннинг аҳволига қаранг, сувга бўккан нондай ивиб ётибди. Отаннинг давлатида тезроқ тўйни қилиб, бу таранг кўғирчоқни тезроқ бағрингга босмайсанми, ландавур! Сизга аталгани ҳам Бухорода бўлса керак-а Шоший? Бизники Нишопурда...

Зулфиқор индамади.

— Жаноб Шоший, мана бу арқонни тортиб туринг! — деди Бадиа Зулфиқорга яқин келиб.

— Мени «жаноб» деманг, бекам, мен устодимнинг ноғирдиман, — деди Зулфиқор.

— Нима деб атай? — Бадиа бир лаҳза Зулфиқорнинг кўзларига атай тикилиб қаради.

Унинг фусункор кўзлари ғоятда чиройли жилмайди. Бу сўзни анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган Зулфиқорнинг бирдан аъзойи бадани жимирлаб кетди. У ўзини йўқотиб, Бадиага тикилди. Ёнида бу хаяжонли ҳолатни кузатиб турган Завракдан ҳам мутлақо ҳайиқмади.

— Мени Зулфиқор, деб атайверинг.

— Хўп. Лекин бундай дегани уяламан, — деди Бадиа, — сиз каттасиз. Кўпдан бери бир нарсани ўйлаб юрибман; Низомиддинни — оға, сизни ўрта оға, анави Нишопурийни кичик оға, деб атасам-чи?

— Маъқул, — деди Заврак, — лекин Ғаввос Муҳаммад Хирий жаноби олийларини қаёққа кўясиз?

— Ғаввос жаноблари ҳаммангиздан катта, мен у кишини «катта оға» дейман.

— Йўқ, кимдир ортиқчага ўхшайди! — ҳазил қилди Зулфиқор.

— Ҳув, анави! — деди Бадиа Худододбекка ишора қилиб.

— Бекам!

— Дўстлар! — деди Бадиа бирдан Зулфиқорнинг гапини бўлиб. Ўзининг «ўғил бола» экани ёдига тушди. — Биз энди гапни қўйиб, тезроқ чодирни курайлик-да, йўл юриб чарчаган кексаларга хордиқ берайлик. Ойимларга бунақа узок йўл юришни табиблар ман этган. Қани, бўлинглар!

— Мана, энди аклингиз кирди, — деди Заврак.

Кексалар йўл юриб чарчаганларига қарамай, хотин-халаждан, ёшлардан ажралиб нарироқда суҳбатлашишар, кенглик ва тоғ ҳавоси уларга кайфи-чоғлик, сурур бахш этган эди. Қуёш ғарбга, Кўҳисиёҳ чўққилари орқасига ошиқар, сайхонликда турганларнинг сояси чўзилиб, қурилаётган чодирларгача етган, отлар ер тепиниб кишнашар эди. Меъмورнинг икки қўли орқасида, ошналарининг суҳбатига қулоқ солиб тургандек бўларди-ю, кўзлари юз қадамча нарида чодир кураётган шогирдларида, ўғил бола кийимини кийиб олган шаддод қизида эди. Сойга яқин ерда катта бир олабайроқ чодир қад кўтарибди. Бу амирзодалардан бирининг чодирини бўлса керак: темирзодлардан бўлмаса ҳам, кам деганда лашкарбошию сарой амалдорларидан бириники бўлса, эҳтимол.

Меъмор бир лаҳза ўша йўл-йўл олабайроқ чодирга тикилди. Унинг кўз олдида «шаҳриёри иктидор» Шохруҳ Мирзо гавдаланди. У фуқаропарвар, маърифатпарвар бўлиб, Меъморга меҳрибонлик кўрсатиб, пешанасини силагандек бўлди. Ҳа, Меъмор Бухорий ўз меҳнату садоқати билан бундай хурматга лойиқ. Ахир у ёлғиз фарзандини ҳам подшоҳ учун қонли жангга йўллади. Шунинг учун ҳам Меъмор бошқа устоду мавлонолар қатори салтанат олдида катта хурматга эга. Меъмор шуларни хаёлидан ўтказар экан, ўзича мамнун бўлиб қўйди. Мана, фуқаро сайлу фароғатда, илму маърифат ривожу тараққиётда. На Хорун ар-Рашид, на Жамшид ва на Фаридун бундоқ салтанат тузган! Темурхон болалари катта муҳораба-

лар қилиб, ягона салтанат тузиб, маърифатга эътибор берган, улар абадул-абад Хуросону Мовароуннахр тахтида ўтирадилар. Меъмор хаёлида ҳамма ёк гулистон, ҳамма одамлар бир-бирига меҳрибон, ҳамма ерда мўл-кўлчилик бўлиб туюлиб кетди...

У баъзан ўглининг соғ-саломат жангдан қайтишини тилаб, фуқаро боши узра соябон бўлиб турган Шохрухни дуо қилар, юртда тинчлик бўлса, умри боқий бинолар қуриб беришни ўйларди. У қўлларини оркага қилиб, шуларни ўйлаб турарди-ю, нигоҳи чодир тикаётган шогирдларида эди; Зулфиқор Шоший билан ғоятда қобил Заврак Нишопурийни ўз иши, ўз касбининг давомчилари деб санарди. Уларни ўз ўглидан ҳам зиёдроқ кўрарди. Лекин Зулфиқор бошқаларга қараганда ҳам ўткир ва дадил эди. Меъморчиликда фақат зехну иқтидорнинг ўзи кифоя эмас, унинг дадил ва оғишмай иш кўриши ҳам ғоятда муҳим. Аммо Нишопурийда дадиллик етишмасди. Қилиб турган иши хақида жиндак эътироз эшитса, дарҳол йўлидан қайтиб, бошқатдан иш бошларди; чунончи, мадраса хонақосидаги равоқнинг хандасавий ўлчовини унча тўғри олишмаганда шундай бўлган эди. Бу гапни Аҳмад Чалабий ҳазил тарзида айтганига қарамай, Заврак Нишопурий, устод олдида гуноҳор бўлмай, деб уч газ деворни бошқатдан кўтартирган. Меъмор бу гапни эшитиб, холи бир вақтда текшириб кўриб, Нишопурийнинг ортиқча меҳнатига ачинган эди ўшанда.

Меъмор ҳамма ёкқа мамнун нигоҳ ташлади — жаннат шу бўлса керак-да, деб ўйлади у ўзича.

— Ана, чодирларимиз ҳам тайёр! — деди устод Қавом.

— Чодир эмас, кошона фирдавсул ягона! — деди хаяжон билан Меъмор, — бундоқ жаннат ерда қурилган ҳар бир чайла ҳам кошонадан афзал. Беқиёс табиат бағридаги ҳар бир чодир — бир Оқ Саройдир...

— Дўстимнинг кайфлари чор, — деди устод Қавом, — жуда шоирона гап айтдингиз. Офарин! Мен сиз жанобни қистамаганимда, бу гўзалликлардан баҳра олмаган бўлурдингиз: Сизнинг мамнунлигингиз бизнинг мамнунлигимиздир. Аммо мавлоно Лутфийни ҳам чорладик. У зот бедармонликни важҳ этиб, чиқмади-

лар. Афсус. Ахир биз билан чиққанларида кайфи чорлик яна яхши бўлур эди ва эхтимол, ҳазратнинг бирикки ғазалларининг дунёга келишига сабабчи бўлур эдик...

Кексалар ўз боргоҳлари томон юриб, ичкарига кириб кетишди. Ёш-яланг бўлса шарқ осмонида ярқираб турган ўн тўрт кунлик ой нурида аллапайтгача сайр этишди. «Алиф лайло ва лайло»да тасвирланган Боғи Эрамдан ҳам аъло деб хисобланаётган бу ерларнинг тайину тафоришини келтириб, ёшлар тўда-тўда бўлиб ўйнашар — ғийбат йўқ, Меъмор наздида, дарҳақиқат, Боғи Жаҳонаронинг катта кўриниши эди. Беғуборлик фақат табиатда эмас, кишилар кўнглида ҳам мавжуд эди.

Тонг...

Кўҳисиёҳ этакларида субҳи козиб эмас, субҳи содиқ¹. Тунда, ғарби-жануб томонда кизғиш бўлиб кўринган муштарий² тунда аллақачон пастга чўкиб, кўздан ғойиб бўлган. Шарқ осмонининг ёришиб келаётганига қарамай Нохид³ юлдузи фалакда ярқираб турар, у гўё Шамсул қамардан кейин учинчи менман дегандай бўлади. Ёшлар уйкуда, сахархез кексалар таҳорату намозга тайёргарлик кўришарди. Меъмор дасторини бошига кўндириб, қиблага юзини тўғрилади. Эрта тонгда турмай, намоз ўқимай, «ҳоқони сайид давлатпаноҳ» номига дуо қилмайдиганларни ақли қосир⁴ атарди. Меъмор тангрининг эҳсонидан маҳрум бўлмаслик ва умуман, руҳ тетикликни юракка жо қилмоқлик ниятида доимо сахарлаб турарди. Бу унга болалигидан одат. Ҳатто Бухорода мадраса эҳзорида⁵ талаба эканида ҳам шундай қиларди. У бомдодни адо этгач, харсангтошлар оралаб шарқираб оқаётган сой бўйига тушиб, табиатнинг мислсиз жамолини томоша қилди. Шундан сўнг, ухлаб ётган шогирдларини безовта қилмай, чодирга кириб чикди. Бу пайтда атроф ёришиб, кун тиф уриб қолган эди. У «Шоклул Гита» китобини

¹ Субҳи козиб — ёлгон тонг, субҳи содиқ — чин тонг.

² Муштарий — Юпитер.

³ Нохид — Зухро.

⁴ Ақли қосир — калтафаҳмлар.

⁵ Эҳзори — мадраса курслари.

олиб, ўқишга тутинди. Зулфиқорга «Тахрир Эглидус» китобини ҳам ёддан чиқармай, жилдга солиб олишни буюрган эди. Уни безовта қилиб ўтирмай, «Шоклул Гита»ни ўқишга тутинди. Китоб қатидаги букланган қоғозни очиб, тошқалам билан унга янги чизиқлар тортди. Меъмор анчадан буён янги бир мадраса лойиҳаси устида бош қотириб юрарди. Кунларнинг бирида унинг оғзидан: «Ўғлим Низомиддин омон-эсон келгач, катта ғалаба шарафига яна бир мадраса қура-миз — бу мадраса Хуросондаги энг кўркем мадраса бўлади...» деган гап чиққан эди. Меъмор ўз чодирини ёнида елкасига пешматини солиб, унча ҳарорати бўлмаган офтоб нурида китоб ўқир, баъзан-баъзан шабада учирмасин, деб тош бостириб қўйган катта яхлит қоғозни олиб чизиқлар тортар, хаёл сурар эди. Меъморнинг саҳарлаб туриб чодирдан ташқарида китоб ўқиётганини таҳорат олиш учун сой томон ўтиб кетаётган устод Қавом ҳам кўрди.

Меъморнинг диққатини кенг ва ям-яшил дала, фирғир эсаётган шабада, адирлардаги қип-қизил гилам-лолалар, шапалоқ барглари чайқалиб турган равочлар, тоғ манзаралари тортса ҳам, «Шоклул Гита»дан кўз узмасди, у ахён-ахёнда чодирдан ташқарида ухлаб ётган йигитчаларга қараб кўярди: янги авлод ўсиб етилмоқда... Мана ўзи ҳам энди кексайиб қолди. Йиллар шу даражада тез ўтардики, ҳа-ҳув дегунча у олтмишдан ошиб, пайғамбар ёшига яқинлашмоқда — икки фарзанд кўрди, аммо ҳали неvara қучиб эркалаш мумкин эмасар бўлгани йўқ. У неvara кўришни жуда орзу қиларди. Инсон қариб, ўзининг кетар вақти яқинлашганини сезади; шунча узок йилларни ўтказган инсон яна уч-тўрт йилдан кейин тупроқ орасида ётади. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас, бу уч-тўрт йил — бир лаҳза, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Лекин инсонда эртанги ўлимни хаёлига келтирмай, абадуллабод яшайдигандек буюк бир ҳис бўлиб, унинг ҳужайраларигача сингиб кетгандир. Бу одатий ҳис мақсад сари сузиб бораётган катта бир кемага қиёс этилса, инсоннинг кексайгани сари молу мулкка ҳирс қўйиб, борган сари хасислашуви — шу катта кема четига ёпишиб, у билан бирга сузиб бораётган майда ши-

лимшиқ чиганоқларга ўхшайдик, шилимшиқларнинг ҳаммасини қириб ташлаб бўлмайди, улар инсоннинг гўригача борадиган нарсалардир. Меъмор яна ўзини мажбур қилиб, «Шоклул Гита»га кўз ташлади.

Йўқ, ундаги юксак орзулар китоб ўқитгани қўймасди — унинг бир куни бемехнату бемашқ ўтса, дарду фикри қоронғи бўлиб кетарди. Тиниб-тинчимас Меъмор тонг сурури олдида асир бўлди. Хату чизикларга тўла китобини ёпиб, ўрнидан турди. У сув тўлдириб тайёрлаб қўйилган қумғон тагига олов ёқди. Ҳушёр шогирдлари ҳатто тутантириқ ҳам тайёрлаб қўйишган экан.

Устоднинг чой қўяётганини сезган Зулфиқор Завракни туртиб уйғотди. Улар ётган еридан бош кўтаришди-ю, тўну дўппиларини, этикларини кийиб, мис кўзани ҳам кўтариб, сой бўйига кетишди.

Хамма ёққа офтоб ёйилганда чодир ичида ётган Бадиа ёстикдан бош кўтарди; онасининг эътирозига қарамай, яна ўша шаҳардан кийиб келгани — ўғил бола либосини кийиб, белини камар билан маҳкам боғлади. Сочларини наридан-бери ўраб, қалпоқ билан бостирди. Чодирдан чиқиб, у ёқ-бўёққа каради, отасига салом берди. Юз ювмай туриб салом бераётганини сезса ҳам, отаси бош қимирлатиб қўйди. Бадиа тўппа-тўғри қозикларга боғлоқлиқ отлар ёнига бориб, ўз тўригини эркалаб, юзларига уриб, сочилган хашакни тўплаб, отнинг қусур-қусур хашак еяётганига тикилиб турди. Бир лаҳзадан кейин ўйноқлаб, сой томонга жўнади. Тепаликда унга жуда ўткир тикилиб турган икки нотаниш давангир йигитга кўзи тушди, бу лаҳза ўзининг «ўғил бола» эканлигини эслаб, улардан чўчимасди, бўртиб чиқиб турган кўксини билин-тирмаслик учун камарини ҳам ечиб олди. Сойга тушаверишда у Зулфиқор билан Завракка камти келди.

— Ассалому алайкум, оғалар! Яхши ётиб турдиларингми?

— Ваалайкум ассалом, бекам! Ташаккур!

— Кўриб турибсизки, мен «бека» эмас, Бадридинман. Нишопурликларнинг ақли тушдан кейин киради, дегани рустми дейман-да! Қани, кўзадаги сувдан қўлимга қўйиб юборинглар!

— Хўп бўлади, укажон! — деди Заврак илжайиб, Зулфиқорга кўз қисиб қўйди-да, Бадианинг оппоқ, чиройли қўлларига сув қуйди. Бадиа шу ернинг ўзида юзларини ҳам ювиб олди. Рўмолчаси билан билакларини, юзларини артаётганида, Завракнинг кўзи оппоқ билагига тилла билагузукка тушди. У дарҳол таъна билан жавоб қайтарди, — ҳой, ўғил бола, анави билагузукми?

— Танбеҳингиз тўғри, — деди Бадиа билагига қараб. Билагузукка Зулфиқорнинг ҳам кўзи тушди. Бадиа шу лаҳзанинг ўзидаёқ уни ечиб олиб, Завракка узатди, — ўз қўлингиз билан ойимга топширинг!

— Йигитча! Хув, анави тош орқасига ўтиб, ўзингизни бир кўздан кечириб олинг...

— Нишопурликларнинг ақли секин кира бошлади.

Бадиа ўйноқлаб нарироқдаги тошлар орасига кириб кетди.

— Юринг, биз кетдик, уялмасин, — деди Зулфиқор Заврак билан олдинма-кетин чодир томон йўл олиб.

— Анави ҳўкизни қарангу манави парини! — деди Заврак анча нарида ўз чодирни ёнида турган Худододбекни яна кўрсатиб, — бири жавохир, бири харсангтош. Узумнинг асилени ит ейди — бу бийрон ва шаддод киз ўшанинг қўлига тушяпти.

— Касби кори нима?

— Касб нима қилади! Хўроз, кўчқор уриштиради... Қимор...

— Унда қийин экан. Устоднинг шўри...

— Ҳе-е-ей, жаноблар! — бир лаҳзадан сўнг Бадиа орқадан етиб келди, — дарҳақиқат, бўйнимда марваридим ҳам қолган экан.

— Нишопурликларнинг ақли пешиндан кейин эмас, эрта билан кириб, пешиндан кейин чиқади...

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа. Таслим бўлдим, оға!

— Мана бу-сўзингиз йигит сўзи! Қани, қўлингизни тутинг! У мис кўздан Бадианинг қўлига сув қуйди.

— Ҳозир қўлимни ювдим-ку, мунча такводорсизлар?

— Икки марта ювса, камайиб қолмайди.

— Жаноблар! Анави тоғларга қаранглар! Эрта би-

лан тоғлар қандай чиройли-а! — деди Бадиа, — хув, анави лолаларга, тошларни ёриб чиққан гиёҳларга қаранглар! Бу тоғларнинг орқасида яна сайхонликлар, сойлар бор, шундоқми, Зулфиқор оға?

— Бу кўриниб турган тизма тоғлар орқасида яна баланд тоғлар бор, Карох шаҳри ҳам, — деди Зулфиқор. — Ундан нарида Туркистон тизма тоғлари, ундан нарида Мурғоб дарёси ва қумликлар. Шунақаси Самарқанд, ундан сўнг Бухоройи шариф...

— Бухоро шу томондами?

— Ҳа, бу ерга нисбатан шимолда.

— Бухорони соғиндингизми?

— Янги келган кунларим жуда соғинган эдим...

— Энди-чи?

— Энди ўрганиб қолдим, — деди Зулфиқор Заврақдан андек ҳайиқиб. Аслида у «сенинг муҳаббатинг бу соғинчдан минг маротаба юқори... Сен турган ер мен учун ҳамма нарсадан азиз...» демоқчи эди. Бу, савқи табиий ҳол бўлди, Бадиа бошқа савол бермай, Зулфиқорнинг кўзларига ўткир тикилди-да, ерга қаради. У ўзининг «ўғил бола» эканини яна унутиб, қизларга хос нафис ва жон олғучи қилиқ қилди.

— Жаноблар! Сайил қачон бошланади? — деди Бадиа, яна «ўғил болалик»ка қайтиб.

— Мана, сиз билан биз турдик, бошланди ҳисоб...

— Ҳазилингизни қўйинг, Нишопурий! Бозор қани? От чопиш — улоқ, кураш, айиқ ўйнатадиган жой қани? Шакарпазлар қани? Равочлар уюлиб кетади дейишган эди, қани?

— Сабр қилинг, укажон, ҳаммаси бўлади, — деди Заврақ.

— Фор ичида бир авлиё киши бор, дейишган эди. Уни зиёрат қилиб келмаймизми?

— Ўша авлиёни мен ҳам эшитганман, — деди Заврақ мис кўзани чодир ёнига қўйиб. — Лекин у форга, менимча, биз ҳаммамиз бирга борамиз. Маъсума онамиз назр ҳам олиб келганлар. Тугунни ўзим кўтариб аравага олиб чиққанман. Ошиқманглар, ўша форга ҳаммамиз бирга борамиз. Эҳтимол, устод Қавом, Табризий, Андугоний ҳазратлари ҳам бирга бо-ришар...

— Форга, менимча, хаммамиз бирга борамиз, — деди Зулфиқор.

— Йўқ! — деди кескин эътироз билдириб Бадиа. — Мен у ҳазратлар, калла-саллаликлар билан боришни истамайман! Дўстлар, биз бу ерга равоч сайлигами ёки мўътабар зотлар ёнида қисилиб, қўл ковуштириб ўтириш учун чиққанмизми? Биз Жоме масжидига келганимиз йўқ-ку!

— Тўғри, — деди Зулфиқор Шоший кулиб, тезда Бадиа фикрига қўшилиб.

— Сизга-чи? — Бадиа Завракка қаради.

— Жуда тўғри!

— Етар, шаҳарда юрагимиз сиқилиб, диккинафас бўлиб ётганимиз!

— Вой-бў, мана бу «юраги сиқилган»ни қаранглар! — деди Заврак ёқасини ушлаб, — хой, «йигит»-ча, акаси жонидан, тўрт энлик пастга тушинг! Сизнинг Гулгун Ақодан фарқингиз йўқ!

Бадиа хандон ташлаб кулди. Зулфиқор ҳам. Лекин унга «акаси жонидан» деган сўз ёқмай, ўзини тутди.

— Дўстлар, қўйинглар, ўша улуғларни! Ўзимиз кетаверамиз.

— Худододбек-чи? У ҳам биз билан бирга борсин, — деди Заврак.

— Керакмас! — деди қизариб Бадиа ва беихтиёр яна Зулфиқорга қаради. — У ўз отаси билан бирга бораверсин! Биз билан нима қилади? У борса, ҳамма ёқ музлаб кетади. Такводорларни жуда ёмон кўраман. Мен бугун тўригимни роса чоптирмоқчиман. У ҳам яйрасин...

— Сиз, йигитча, фақат тўриқни эмас, бизларни ҳам тоза ҳаллослатмоқдасиз!

— Ҳа, жаноб, сиз ҳали тўриқнинг кетидан тилингизни осилтириб югурасиз.

— Иложим қанча! Шу осилган тилгинам ўлгур бир куни бошимга бало бўлмаса, деб кўрқаман.

— Тўғри сезибсиз. Ташвиш қилманг, бошингизни омон-эсон кетказиб олганингиздан кейин у ташвишу балолардан тамоман қутуласиз.

— Йигитча, сиз нима деяпсиз? Агар сиз мени

бундай кўрқитаверсангиз ёнингизда юрмайман. Шахарда ҳам жуда ишим кўп эди, менга равоч сайлига чиқишни ким кўйибди! Мен нодон шаҳарда қолиб, Фаввосни чиқарсам бўлмасмиди!

— Ана, энди айнингиз! — деди Бадиа жиддийлашиб. Яна у ялт этиб Зулфиқорга қараб кўйди, — дўстлар, мен ҳозир ойимларнинг рухсатларини оламан, ундан сўнг горга борамиз.

— Биз нонушта қилишимиз керак, — деди Заврак Бадиага тикилиб. — Шундай қорним очдики, тўриққа ташлаган хашакни ҳам егим келиб кетяпти.

— Сиз, Нишопурий жаноблари, шундай сайилда ҳам ва бунинг устига устозингизнинг кизи олдида ҳам яхши гапларни бир ёққа кўйиб, овқат тўғрисида гапирасиз!

— Биринчидан, сиз устодимнинг «ўғли» бўлиб олгансиз, иккинчидан, мен Юсуф, сиз — Зулайхо эмас-сиз, уяладиган ерим йўқ! Менга ҳозир бунақа ақлли гаплардан кўра бир бурда нон яхши!

— Балли Нишопурий! — деди Бадиа, — оғалар, қани юринглар бўлмаса, нонушта қиламиз!

XVII б о б

ГОРДАГИ АВЛИЁ

Бадианинг хоҳишига кўра, Маъсума бека устодни ўз ошналари билан қолдириб, Зулфиқору Заврак йўлдошлигида Кўҳисиёҳ этагидаги горга жўнади. Гор икки фарсангча йўл бўлиб, сайхонликдан шундоқ кўри-ниб турарди. Бадиа авлиёга аталган бир баркаш қатламани ўзи кўтариб олди. Уларга Худододбек кўшилди. У негадир ўзига ярашмайдиган сохта камтарлик кўрсатиб, бошини эгиб, Маъсума бекага илтифот кўрсатгандай бўлди. Зулфиқор ва Заврак билан омонлашди.

— Таажжуб! — деди Худододбек Бадиага кинояли илжайиб. У яна бошдан-оёқ тикилди, — муборак бўлсин!

— Салтанат учун жангга мен ҳам оғам Низомид-

дин билан бирга бораман деб, саркарда Амир Довуд барлос ҳазратлари ёнига кирган эдим, бари бир олишмади... — деди Бадиа жўрттага.

— Тасанно! — деди Худододбек бўғиқ бир овозда. Бир зумдаёқ унинг кайфи бузилиб, нафаси ичига тушиб кетди. — Шунинг ўзи ҳам жасорат! Таҳсинга сазовор! Жангнинг ҳам равоч сайлига ўхшаш файзи бор... Икки томон бир-бири билан ҳазиллашиб, қикирлаб кулишади, хикоялар айтиб беришади, равочу ширинликлар улашади...

— Жангга кетган баҳодир йигитлар шаън-шавкат билан қайтиб келишгач, — деди Бадиа бўш келмай, — бу ерда қочиб юрганларнинг калласи узилади, деган гап бор! Аъло ҳазратнинг саройларига яқин одамлардан эшитдик. Урушда узилган шунча каллалар етмасмиди! Энди бунда ҳам узилса, жуда ачинарли ҳол бўлади-да!

— Бунақа совуқ гапларни қўйиб, яхши гаплардан гаплашинглар, — деди Маъсума бека мулойимлик билан. — Жанг тугабди, Мирзо Муҳаммад Тарағай ҳам, саркарда Амир Довуд барлос ҳам келишаётган эмиш. Уғлим Низомиддин ҳам, худо хоҳласа, тез кунда етиб келади.

Дабдаласи чиққан Худододбекка ер остидан қараб бораётган Заврак, уни юпатиш, мулзамликдан қутқариш маъносида гап қотди:

— Бек! Қалай, Пули Молон, Ҳерирўд томон бориб турибсизми? Устод Қавом улуғ ишга саркорлик қияптилар экан.

— Ҳа қарашяпман... — деди Худододбек бўшашиб қолган танбур торидек икки-уч хил товуш чиқариб. Аслида у кўприк қурилишига эмас, кўчқор уриштириш учун борарди.

Худододбек Бадиадан «шاپалок» егач, анча ўзига келиб, мулойим бўлиб қолди. У чап ёнда, Завракдан ҳам орқароқда келарди. Фор овзида, баланд ясси тош устида Яланғоч авлиё — ориқ бир кекса одам гулхан ёқиб ўтирарди. Тутаб ётган тутундан ғорга кираверишдаги тошлар қорайиб кетган. Ҳар замонда «авлиё» пуфлаб, қора қумғонини суриб қўярди. Зиёратга келганлар қовоқ солиб ўтирган Яланғоч авлиёга салом

беришиб, унинг ёнига назр-ниёзини кўйишди, эскигина сопол товоққа биттадан кумуш танга ташлашди, сўнг авлиёнинг рўпарасига — гулхан атрофига чўкка тушиб ўтиришди. Яланғоч авлиё кўлини жуфтлаб ҳаммани бир йўла дуо қилди-да, ўрнидан туриб ёр ичига кетди. У ичкаридан катта бурама кўчқор шохини кўтариб олиб чиқди. Маъсума бекадан бошлаб, ўтирганларнинг ҳаммаси шохни ўпишди. Шундан сўнг, шохни яна жойига олиб кириб кўйди. Авлиё соқовга ўхшарди, гапирмасди. Буни ҳамма зиёратга келганлар биларди. Мабодо бир нима сўралса, қисқа жавоб қиларди. Бундай савол камдан-кам берилиб, зиёратга келганлар назрини бериб, фақат ўша кўчқор шохини ўпиб қайта берардилар. Авлиё атрофида яна бир кекса одам ҳам ўралашиб юрарди. Бадиа сопол косага яна бир кумуш танга ташлаб, Яланғоч авлиёга мурожаат этди:

— Жангга кетган оғам Низомиддинни дуо қилсангиз... у ҳақда, ўзим ҳақимда бир нима айтсангиз...

Маъсума бека Бадианинг гапидан донг қотиб қолди. Ҳамма қилт этмай, авлиёга тикилиб ўтирарди.

— Оғанг тез кунда келади, — деди авлиё ва шу лаҳза пичирлаб дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Кейин Бадиага тикилиб-тикилиб қаради. — Сен яхши хонадонга келин бўлиб тушасан. Кўп яшайсан, етти ўғил, етти қиз кўрасан...

У бу гапни эшитиб қизариб, ўтирган жойида қотиб қолди.

— Тавба қилдим, де! — Маъсума бека Бадиага ишора қилди. Лекин Бадиа миқ этмай ўрнидан турди. Кейин Яланғоч авлиёнинг зийраклигига тан бериб, таъзим қилиб, пастга туша бошлади. Бадиадан сўнг бошқалар ҳам ўринларидан туриб қўллари кўксида, авлиёга хайр ишорасини қилиб жўнашди.

Бадиа сири фош бўлиб — қиличи синиб, қалқони тешилган сарбоздек лол бўлиб қолди. Худододбекка жон кирди: у ер тагидан секин Бадиага қараб кўйди. Чап ёнда келаётган Заврак Нишопурий Худододбекка қаради: «яхши хонадон» ўшаники бўлса керак. Ҳали шу сўлақмон «етти ўғил, етти қиз»га ота бўладими? Қизининг бу шўхлигидан Маъсума бека ҳам хижолат

эди. Зулфиқорнинг ҳам бу воқеадан таъби тиррик бўлиб, орқарокда келарди.

— Онамлар ҳам ҳар йили шу авлиёга назр олиб келиб, ҳаммамизни дуо қилдирардилар. Бу жуда мўътабар одам, — деди ўртадаги сукутни бузиб Худододбек. У ғолиб сарбоз каби гердайиб олдинда борарди. Бадиянинг попуги пасайганидан хурсанд эди. — Бу авлиёни амирзода Иброҳим Султон ҳам ҳар замон, ҳар замонда зиёрат қилиб турадилар. У ҳамма нарса-ни билади, унга ёлғон гапириб бўлмайди.

— Яланғоч авлиё ҳазратлари, дарҳақиқат, сезгир одам эканлар, — деди Зулфиқор, гапга араллашиб, — лекин Бадиа бекамнинг қалпоғи остидан чиқиб турган сочларини кўриб қолдилар. Иккиламчи, ўғил болалар либосида сайилга чиқиш хиротликларга кўпдан одат. Мана, ҳозир сайил бозорига борайлик, сизларга «ўғил болалар»ни кўрсатаман...

Бадиа ялт этиб Зулфиқорга қаради. Зулфиқор унинг кўзига халоскор бир инсон бўлиб кўринди. Танига андак жон кирди. Бу гап Худододбекка ёқмади, ранжиганнамо гап қотди:

— Азизим Зулфиқор Шоший, авлиёга тил тегизиб бўлмайди. Ҳақиқат аччиқ нарса, чидаш керак! Иккиламчи, бу авлиё жуда мўътабар зот, унга ихлос қўйган омад топади. Унинг айтгани келади...

— Кўчқорнинг иркит шохидан ўпдим, мана энди томоғим оғрияпти, — деди унинг гапини бўлиб Зулфиқор. — Сўйилган кўчқормикан ёки калла солишиб ўлган кўчқормикан?

Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. «Калла солишиб» дегани очикдан-очик кўчқорбоз Худододбекка ишора эди.

— Дарҳақиқат, буни қаранг, сочим анча чиқиб қолган экан, — деди Бадиа эрқаланиб Зулфиқорнинг қулоғига.

— Фақат сочингиз эмас, белингизни ҳам камар билан сиқиб боғлагансиз... Буни уч яшар бола ҳам пайқамай иложи йўқ.

— Сиз эътибор берган экансиз!

— Бўлмасам-чи? Мен сизнинг посбонингиз, содик итингизман.

Бадиа Зулфиқорга табассум қилди. Улар ўртасидаги бу гапни ҳеч ким пайқаманган эди. Бадиага жон кириб, у яна илгаригидай сўзамол ва шаддодлигига қайтди.

Улар ёрдан қайтишганидан сўнг бозорга боришди: кенг сайхонликда туриб, бозор деб аталган ўрталикда қопларда равочлар, исмалок ўтлари уюб ташланган. Шакарпазлар, сомсапазлар, ҳолвачилар, ёймачилар ҳам ўз чодирларидан чиқиб, бозорни обод қилишган эди. Ўғил болача кийинган қизлар ҳам учради. Уч давангир йигит орасида келаётган Маъсума бека дарҳол ўзини шоҳи мато сотаётганлар тўпига урди. Заврак бир кучок равоч сотиб олиб, ҳамроҳларига улашди. Нишопурий мамнунлик билан нордон равочни чайнаб, юзларини буриштириб турганида, Худододбек бир кийимлик чиройли шоҳи матони харид қилиб Маъсума бекага ва яна бир кийимлик зар қадалган ипак матони Бадиага тутди. Сайил таомили бўлганлиги сабабли улар бу тухфани қабул қилмай иложлари йўқ эди.

— Вой-бў-ў, — деди Бадианинг кўзлари катта бўлиб. Зулфиқор билан Заврак ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Бу матолар учун Худододбек бир неча олтин танга тўлади. — Бадиа мағрур турган Худододбекка каради-ю, гап қотди: — Ё подшо билан дўст бўл, ё жаллод билан. Ё бир йўла ҳоким бўласан, ёки бир йўла ўлиб қутуласан... Мана бунақа жаноб Нишопурийга ўхшаган йигитлар билан юрсанг, фақат равоч чайнаб, юзингни буриштириб юрасан. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа...

— Мана бу биздан тухфа, — деб Маъсума бека чиройли гуллар солинган катчани сотиб олиб, Худододбекка тутди.

— Бизларнинг ҳам номимиздан деб билурсиз, бек! — деди Заврак қулиб.

Заврак билан Зулфиқорнинг маъюс турганини сезган Бадиа, дарҳол онасидан тилла танга олиб, яна икки катча сотиб олди-да, Зулфиқор билан Завракка тухфа қилди.

— Ҳаммамиз ҳам тухфалик бўлайлик, олинглар, оғалар!

Ҳамма мамнун. Аммо ҳамон Бадианинг кўз олдида

авлиё турарди. Бир томонда Зулфиқор, бир томонда Худододбек, бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки йигит унинг хаёлини нари обориб, бери олиб келарди...

XVIII б о б

САЁҚ ЮРГАН ТАЁҚ ЁР

Ҳар бир ишида амирзодаларга тақлид этиб ҳаркат қиладиган корфармо Аҳмад Чалабий устод Бухорий, устод Қавом, мавлоно Табризийларнинг равоч сайлига чиқиб кетганларини эшитиб, икки қизил чопонликни уларнинг орқаларидан жўнатиб юбориб, ўзини анча енгил ҳис қилди. Шундан сўнг, кўнгли ишрат тилаб қолди. У гап-сўзда, қаддини тик тутиб, чап кўлини белидаги энлик камарига тикиб туришда, орачора хаёлчан қадам ташлаб орқа-олдига юриб туришда Иброҳим Султонга тақлид этарди. Амирзодалар, айниқса, Иброҳим Султоннинг ишратбозлигидан, «кувваи шахват» деган ном ҳам олганлигидан, рофизийлар махфий тузган ишратхонада ўғирланиб олиб келинган ёш жувону қизлар билан ишрат қилиб, ҳамён-ҳамён тилла танга тўкиб келишидан хабардор эди. У, устаю шогирдлардан узиб олиб қолган тилла тангаларни катчага солиб, қош қорайгач, шаҳар чети — овлоқ кўчаларда турувчи рофизийларникига жўнади. Кундуз куни беклар каби яширинча «махрам» юбориб, ўзининг келишига яхшилаб тайёргарлик кўриб кўйишни, ё Дамашқ, ё Қорабоғ малакларидан танла-нишини буюрган эди.

Эшиқда кутиб олган бесўнақай ғилай бир одам Аҳмад Чалабийни ичкарига бошлаб, ярим қоронғи бир хонага олиб кирди. Хона ўртасига курси кўйилиб, дастурхон нозу неъматлар, маю гулоблар билан безатилган, хона юқорисида ўрин солиғлик, даҳлизнинг бир томонида ханик, обдастада илиқ сув, лунги...

Аҳмад Чалабий ичкарига кириб, чопонини ечди. Бошидаги саллани ҳам олиб, чопони билан бирга қозикқа илди. Ундан сўнг курси чеккасидаги қалин

тўшалган кўрпачага ўтирди. Шу лахза эшик ғирч этиб очилиб, ҳарир ва қимматбаҳо матолардан тикилган либосда ёш бир жувон ичкарига кириб, унга салом берди-да, рўпарасига ўтирди. Аҳмад Чалабийнинг юраги дук-дук ура бошлади, жуда келишган, кўкракдор, беллари хипча, бодом қовоқ... ўн саккиз ёки ўн тўққиз ёшлардаги гўзал бир малак. Аҳмад Чалабий юборган маҳрами фоҳишахона эгасига «амирзоданинг тоғалари» деб тушунтиргани сабабли «халтачадаги тилла тангалар» алоҳида тайёргарлик кўриб, «Димишқий малак» ўрнини босадиган қиз топиб олиб келишга ундаган эди.

— Номинг нима?

— Малак, — деди у аввал «амирзода»нинг ном сўрашидан таажжубланиб, кейин унинг бўйнига осилди. Одатда амирзодалар бундоқ тафсилотни суриштирмай, май ичиб, дарҳол ишратга майл қилишади. Бу одамнинг хаёл суриши, ҳовлиқиши унга ғалати туюлиб жилмайди. Кўлини юраги устига қўйиб, нозланиб табассум қилди-да, жавоб берди:

— Шом ўлкаси, Дамашқ шаҳриданман, ҳурматли амирзода.

Малак туркий сўзни кийналиб, бошқача бир оҳангда гапирарди. У «амирзода»нинг сўмрайиб ўтирганини кўриб, дарҳол пиёлаларга май қуйди-да, оппок бйлақларини кўрсатиб Аҳмадга узатди:

— Ичинг!

— Хўб, ичаман, — Аҳмад Чалабий пиёлани олиб симириб юборди. У ўзининг дадил ва кучли бўлишини кўзлаб пайдар-пай икки-уч пиёла май сипқорди. Малак амирзодаларга қиладиган қилиғи «ғалвира» усулини қўллади. Аҳмад дами чикқан пуфакдек бўшашиб ўтириб қолди. Ярим тунгача аҳвол шу бўлгач, ўриндан туриб, кийимларини кийиб чиқиб кетди. У чиқиб кетаётганида эшик олдида фоҳишахона эгаси кўлида шам, унинг йўлини тўсди:

— Сохиб, ҳақ тўламасдан кетаётурсен?!

— Ўзи гуноҳкор! Иш бўлмади...

Ғилай одам шамни токчага қўйиб, кучли қўллари билан Аҳмад Чалабийнинг ёқасидан тутди.

— Ҳақини ташлаб кетинг! Агар муттаҳамлик қил-

сангиз, бу ердан соғ чикмайсиз! Мен бугун эрталабдан буён сизга ҳозирлик кўрдим.

— Нега у бунақа қилади бўлмаса?

— Қип-яланғоч бўлиб ётиб берди-ку! Ўзинг ҳез бўлгач, менда нима гуноҳ! Харажатини тўла!

— Йўқ! — деган эди, Аҳмад Чалабий даҳанининг тагига бир мушт тушиб, гандираклар ерга ағдарилди. У этиги билан тепмоқчи бўлиб чоғланаётганини кўрган Аҳмад бақирди, — тавба қилдим, тўхта! Мана, ҳақингни бераман.

У ўрнидан туриб, ёнидан катчани очди. Кафтига тилло танга тўкаётганида, ҳалиги вилай чанг солиб кўлидан катчаю тилла тангаларни юлиб олди.

— Бу ердан омон-эсон чиқиб кетаётганингга шукур қилавер! — деди сўл кўли билан Аҳмад Чалабийнинг камаридаги ханжарни ҳам суғуриб олиб, — сен номард ханжар тақишга ҳаққинг йўқ! Агар яна бирон нима десанг, сирингни бутун шаҳарга овоза қилиб юбораман! Жўна!

Аҳмад Чалабий кўзларини ола-кула қилиб, фоҳишахонадан чиқиб кетди.

У бирон ҳафта уйда ётиб, Меъморнинг бола-чақалари, ёр-биродарлари билан равоч сайлидан қайтганини эшитиб, мадраса қурилишига борди. Меъморга тавозе кўрсатиб, бетоб бўлгани ва бунинг устига «амирзода пулни камроқ бераётгани»ни айтди.

— Қарз узилар, хотин ёнга колар, корфармо, — деди Меъмор кулимсираб, — ҳозир ақчани сиқиштиришганининг фойдаси йўқ, кейин ўзлари хурсанд бўлади.

«Хотин» сўзини эшитиши билан Аҳмад Чалабийнинг ранги ўчди. Гап шаҳарга тарқалиб кетибди, хаёл қилиб, гапи гапига қовушмай, гўлдираб, Меъмор олдида бақа бўлиб қолди...

ХИХ б о б

ОЁҚ ОСТИДАГИ ФОЖИА

Сайил авжига минди. Ҳамма ёқ одамларга тўлиб, гала-ровур, ўйин-кулги бошланиб кетди.

Худододбек Бадиа ҳозирок бориб, «йигит» либосини ечиб, ўз аслига қайтади, деб янглишди. У яна илгаригидай пинагини бузмай, уч йигит ичида тўртинчиси, илғору дадили бўлиб қадам ташларди. Улар обдон равоч чайнаб, бозорни бир-икки айланишгач, нариги кенг майдонда чавандоз йигитлар улоққа тайёргарлик кўришаётганини, от чоптиришиб юргани кўзга ташланди. Ёлғиз қозигида қолган тўриқ бетоқат бўлиб тинмай айланиб кишнарди. Дам у ёқдан-бу ёққа чопаётган ёш чавандоз йигитларни, дам кишнаётган отини кузатиб турган Бадиа кутилмаганда ҳамроҳларига мурожаат этди:

— Жаноблар! Менга рухсат беринглар, бориб отамга қарашим керак. Ҳамроҳ бўлганингиз учун ташакур!

У ёлғиз ўзи тўриқ томон кетди. Йигитлар унинг орқасидан тикилиб қараб қолишди.

Бадиа отининг олдига келиб, уни эркалади, эгар, жабдуқ уриб қайишларини маҳкам тортиб боғлади. Юганини оғзига солиб, жиловини эгар қошига илди. Эгасининг эркалаши отга жуда ёқарди. Ўзидан узоқлашгани сабабли соғинган эканми, от жонивор қилт этмай эгасининг фармону ишорасига шай турарди. Бадиа от атрофини айланиб, теваракни кўздан кечирди, узоқда ўзини кузатиб турган Зулфиқор, Заврак, Худододбекларга қараб қўйди. Орадан кўп ўтмай Бадиа эгар қошидан ушлаб отига енгилгина минди-да, улоққа тайёргарлик кўриб, чопиб юрган чавандозлар тўпи сари учиб кетди. Уч йигит ундан кўз узмай ўша равоч сотаётганлар ёнида туришарди. От айлантириб, чопиб юрган бу «ўғил бола»нинг бошқа йигитчалардан ҳам фарқи йўқ эди. Чавандозлар ичида Бадиадан бўлак «ўғил» бўлиб олган қизлар йўқлигига уч йигит қаноат ҳосил қилишса ҳам, орадан бир оз вақт ўтгач, Зулфиқор равоч сотиб олаётган бир «йигит»чани Худододбекка кўрсатди. Ўзига тикилишиб қараётганини сезган «ўғил бола» наридан-бери равочни олди-да, уларнинг кўзидан жўнаб қолди.

— Мана гапимнинг исботи! — деди Зулфиқор. — Бухорода бундай одат йўқ. Ҳирот пойтахт, шу сабабли янги-янги одатлар чиқаверади.

— Бухоро анча чекка, унда мутаассиб кишилар, имомлар кўп дейишади. Шу ростми? — сўради Худододбек.

— Рост. Аммо меъмору устолар унда ҳам бор, — деди Зулфиқор. «Ундоқ бўлса, эй бухоролик, нега бу томонларда санқиб юрибсан?» — деган гап туғилмасин, деб изоҳ берди: — Бухорода устод Нажмиддин Бухорий каби катта меъмор бўлмаса ҳам, кичикроқлари бор. Мен ўз ҳамшаҳарим — бу улур Меъморнинг донгини эшитиб, унинг услуби ниҳоятда кўнглимга ёққани сабабли Ҳиротга келдим.

— Ҳа, меъмор Нажмиддин Бухорий ҳазратлари ягона! — деди Худододбек Зулфиқорга тикилиб.

— Ҳа, Нажмиддин Бухорий ҳазратлари билан отангиз устод Қавом ҳазратларини Хуросону Мовароуннахрда ягона десак хато бўлмайди. Бу бизларнинг ғойибона муҳаббатимиз, шахсий туйғуларимиз даъвати билан айтилаётган сўз эмас, умуман, маърифат аҳли уларни ниҳоятда эъзозлаб, шундай аташади.

Худододбек жим бўлиб қолди. Бир лаҳзадан сўнг улар от чоптириб юрган ёшларга қарашди. Йигирмадан ортиқ ёш чавандозлар тоғ бағридаги кенгликда у ёқдан-бу ёққа қувлашар, чопагон отлар ичида у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган Бадиадан кўз узмасди. У аллақандай тенгқур йигитчалар билан басма-бас от қўйиб, бошқа отлардан ўзсин деб тўриқни ниқталарди.

...Нима ҳам бўлдию, отлиқлар орасида Бадиа бирдан кўринмай қолди. Боя қандайдир бир чавандоз у билан ёнма-ён чопиб юрган эди. Отлар ичида эгасиз юрган тўриққа Зулфиқорнинг кўзи тушди. Бирдан унинг юраги орзиқиб нафаси оғзига тикилди. Шерикларига: «Бадиани олиб қочишди!» деди-ю, чавандозлар тўдаси томон югурди. Бундан бир лаҳза бурун ёнидаги «йигитчани» отдан азот юлиб олиб, олдига ўнгариб кетганини кўрган одамлар ҳайратланган эди. От чоптириб юрганлар ҳам ҳайрон бўлиб, жиловни тортиб четга чиқишди. Зулфиқор билан Завракнинг ҳам кўзи тушган эди. Улар кетма-кет чопиб келаётиб, йўл-йўлакай: «Бадиани олиб қочди», дейишди. Худододбек ҳайрон бўлганича тура берди. Зулфиқор тўдага етиб бориши биланоқ, тўриққа югурди. У жон-

холатда отга етиб олиб, чакқонлик билан минди-да, жиловни қўлга олиб тоққа қараб чопди. Узокда пашшадек бўлиб кўринган қора нарса орқасидан учиб борарди. У тинмай отни ниқтарди. Бадиани олиб қочган чавандоз даштдан ўнгга бурилиб, тоғ оралиғига кирди-да, кўздан ғойиб бўлди. «Чоп, жонивор, чоп!» Зулфиқор ҳам ўнгга бурилиб, тоғ оралиғига кириб кетди. Йўлда Бадианинг телпаги тушиб қолган эди, Зулфиқор уни узокдан кўрдию, яна жадаллади. Баъзан Бадиани олиб қочаётган чавандозни йўл бурилишида кўриб қолар кўздан қочирмасликка ҳаракат қилар: «Э худо, шарманда қилма!» деб отини қистарди. Унинг кўзлари олдинда-ю хаёли Бадиада... Мана, эркаликнинг оқибати! Агар қароқчи тутқазмай кетса нима бўлади! Унда ота-онаси жудолик аламига чидармикан? Ўзи-чи? Усиз дунёда яшай олармикан? Бадиадан айрилса, ўзини анави тоғ чўққисидан жарликка ташлагани афзал! Бундан бўлак йўл йўк! Қани, тўрик жонивор, чоп, тезроқ, ҳа-чу! От жонивор ҳам кучининг борича олдинга интилар, унча-мунча жилғалардан сакраб ўтиб кетарди. Демак, Бадианинг изига тушган одам бор экан, бўлмаса унинг қиз бола эканини авлиёдан бўлак ҳеч ким билмас эди. Зулфиқор негадир шу лаҳза Худодоббекни эслади: «Лалаймай ўл! Бўлғуси куёв ҳам шунақа бўладими?! У Бадиани севмайди».

— Чу, жонивор чу!

Агар у қароқчига етиб бориб, Бадиани қутқариб олмаса, Меъмор ҳам, Маъсума бека ҳам шу ернинг ўзида тамом бўлади. «Э, худо, шарманда қилма!» Эртаиндин Низомиддин музаффарият билан қайтиб келиб, синглисини қароқчи олиб қочганини эшитса, нима деган шармандалик! Қароқчи Бадианинг изига эхтимол шаҳарда тушгандир. Форга борганларида орқаларида қизил чопон, шоп мўйловли одамлар от етаклаб, ўралашиб юришган эди-я! Зулфиқор уларни Пули Молондан ўтаётганларида ҳам кўргандек бўлган эди...

— Чу, жонивор, чу!

Баъзан кўриниб, баъзан кўринмай бораётган қароқчи тамоман кўздан йўқолди. Зулфиқор шиддат билан чопиб кетаверди. Атрофидаги баланд чўққилар усти-

га қулаб тушаётгандай ваҳимали осилиб турарди. Бир маҳал у рўпарасида — сершағал сой четида, устида одам йўқ, қароқчининг оти юрганини кўрди. Эгари қорнига осилиб қолган, ундан нарироқда Бадиа қакқайиб турарди. Зулфиқор отдан таппа тушди-да, Бадианинг олдига борди. Унинг қўлида Зулфиқорга таниш кичик ханжар ялтираб турарди. Бадиа йўл четида ётган қизил чопон, саллалик, давангир қароқчига имо қилди: У кўзларини ола-кула қилиб, худди сўйилган хўкиздеқ ағанаб ётарди.

— Нима гап ўзи? — дея ховлиқиб сўради Зулфиқор.

— Нима бўларди? — деди Бадиа сўқмоқ четида чўзилиб ётган одамга жирканч назар билан қараб, — анча жойгача ўзимни ўнглаёлмадим. Мана шу ерга келганда ханжарни суғуриб олиб...

— Бекам, келинг, отга миндириб қўяй. Бу ердан тез кетайлик!

— Бир икки ховуч сув ичириб юборинг, оға! — деди Бадиа, — бу номард Чалабийнинг иши экан. Жон аччиғида айтиб қўйди.

Зулфиқор ховучида сув олиб, Бадиага ичирди. Бадианинг ўғил болаларга ўхшаб гапириши, бу дахшатли ҳодисага нописандлик билан қараётгани уни ҳайратга солди. Ё тавба! Бу ўзи қизми, ўғилми! Зулфиқор кўзларига ишонмай ҳайратланди.

— Кетайлик, бекам!

— Тўриқни анави харсангтош ёнига олиб боринг, оға, мен миниб олай, — Зулфиқор Бадианинг қўлтивидан кўтариб, аранг отга миндирди. У отга миниб олиб Зулфиқорга гап қотди, — оға, сиз анави тўнғизнинг отига миниб олинг. Чодиримизга етиб олганимиздан сўнг ҳайдаб юборармиз!

Шу пайт рўпарадан биров от чоптириб келаётганини кўришди. Зулфиқор дарҳол ўлиб ётган қароқчи оёлидаги пичокни суғуриб олди. Ҳалиги отлиқ етиб келгач, жиловини тортиб, Зулфиқор билан Бадиага, ўлиб ётган қароқчига қаради. Ҳамма гапга тушунди. Олишишга чоғи келмаслигини пайқагач, бир лаҳзалик сукутдан кейин, Зулфиқорга ўқрайди.

— Ким ўлдирди уни?!

— Мен! — деди Бадиа унга ўқрайиб.

— Бу сенинг оғанғи?

— Оған!

— Жўнанғлар! Айб ошнамнинг ўзида, ажали етган экан. Сен зўр чиқибсан, даъвом йўқ. Энди эҳтиёт бўл, агар яна қўлимизга тушсанг, отангнинг ёнига қайтиб боролмайсан!

Бадиа унга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, отини ниқтади. Зулфиқор қўлида пичоқ, эҳтиёт бўлиб, Бадиа билан ёнма-ён, қароқчидан кўз узмай юра бошлади. Анча йўл юриб, тоғ орасига киришгач, Бадианинг илтимоси билан Зулфиқор ҳам тўриққа мингашди.

Тўриқ ниҳоятда чарчаганига қарамай йигит билан қизни миндириб, шахдам қадам ташлади. Бадиа Зулфиқорнинг кўксига бош қўйиб, ўнг оёғи билан сонининг оғриғини ҳам сезмай сармаст келарди. Агар Зулфиқорнинг ўрнида ё Низомиддин, ё отаси бўлганида «вой-вой»лаб йиғлаши аниқ эди.

— Сал нарига бориб, отдан тушаман, — деди Зулфиқор.

— Кўркманг, сизни ҳеч ким кўрмайди. Қаранг, икки томон осмонўпар тоғлар.

— Ҳа, тоғлар! — деди Зулфиқор, — эсимизни чиқариб юбордингиз-ку!

— Ойимлар кўрмаганмиканлар?

— Билмадим! Лекин Заврак билан Худододбек кўрди!

— Кўрса кўрар! — деди Бадиа юзларини Зулфиқорнинг кўксига қўйиб. Атрофида ҳеч ким йўқлигини пайқагач, Зулфиқор ўз кўксига бош қўйиб турган Бадиани қучиб, лабидан, дудоқларидан ўпди. Қизнинг ўзи шунини истарди. У йигит қучоғида эриб кетди.

— Оғажон, оғритманг!

— Яна битта ўпай.

— Бас! — деди Бадиа Зулфиқорга тикилиб. Кейин у яна илгаригидек жиддий тусда гап қотди: — Оға, шу воқеани ҳеч кимга билдирмайлик. Айб ўзида эканини шериги тан олиб айтди-ку!

Улар тоғ оралиғидан чиқиб, сайил бўлаётган кент майдонга бурилишда ҳовлиқиб келаётган Заврак Нишопурийга қамти чиқишди. Уларнинг саломатлигини

кўрган шогирд ўз кўксига туфлади. Бадиа от устида, ён томонда Зулфиқор пиёда келарди.

— Тинчликми? — сўради ранги оқариб кетган Заврак.

— От опқочди, — деди Бадиа.

— Юрагимиз чиқиб кетди-ку!

— Яна кимнинг юраги чиқиб кетди? — жонхолот-да сўради Бадиа.

— Кимники бўларди? Менинг юрагим...

— Бошқа ҳеч ким билгани йўқми?

— Бек чодир томонга кетган. Хабар қилса керак.

— Ярамас! Лекин оға, бўлган воқеа шуки, мени от опқочди... Вассалом!

— Енгингизга қон тегибди, қаранг!

— Айб ўзида!

— Ха, майли, — деди Заврак ўзини босиб, — аммо бекам, доимо шунақа иш қиласиз. Сизнинг отангиз сарбоз эмас, меъмор, кишини қариган чоғларида ташвишга солавериш инсофдан эмас!

— Узр сўрайман, оғо! Отамга бу гапни билдирмай кўя қолинглар.

— Билдирмаймиз, ташвишланманг, бекам, худо бир асради, — деди Зулфиқор Заврак билан ёнма-ён кета туриб.

Сой бўйига етишганида, Бадияни эҳтиёткорлик билан отдан туширишди. У қўлларини, юзини ювиб олди. Уни яна отга миндириб қўйишди. Бозорга яқинлашгач, у Завракдан илтимос қилиб, икки дона равоч хам олиб, от устида чайнаб кета бошлади. Зулфиқор билан Завракка «ўзларингиз бозорда бир оз айланиб, чодирга борарсиз, мен холи бораман. Туя кўрдингми, йўқ!» деди.

Бадиа ўз чодирига яқинлашганида устод Қавом чодирни томонидан ҳовлиқиб келаётган Маъсума бека кизини кўриб, бир оз ўзига келди.

— Тинчликми? Юрагим қинидан чиқиб кетаёзди-я!

— Тинчлик, — деди Бадиа сиполик билан отдан сакраб тушиб. — От опқочди! Хув, нарироқдан қайтариб олиб келдим...

— Оғаларинг қани?

— Бозорда.
— Худододбек бўлса, сени кимдир опқочиб кетди, деди, — она ўз кўксига туфлаб, — юрагим чикиб кетди-ку!

— Отамлар қанилар?

— Форга кетишган. Худододбек хабар бергани кетди.

— Ярамас! У кишини безовта қилиш нимага керак эди?! Борайми?

— Ҳожати йўқ, қизим! Юр, чодирга кир! Энди бу либосларингни еч!

Бадиа бу гал рози бўлиб, онасининг айтганини қилди. Унинг бирданига ювош тортиб қолгани онасини таажжубга солди.

Бадиа Худододбек билан отасининг ҳовлиқиб келаётганини кўриб, дарҳол чодирдан ташқарига чикиб, уларни қарши олди. Ўз аслига келиб, отасини кутиб турган Бадиани кўрган Худододбек хангу манг бўлиб қолди.

— Тинчликми? — сўради Меъмор қизидан.

— Ҳа, тинчлик, отажон, — деди Бадиа пинагини бузмай, — отим опқочди. Билмадим, нега бундай қилди?

— Бунақа одати йўқ эди-ку, харом ўлгурнинг, — деди Меъмор соябон арава ёнида ўт чимдиётган тўриққа ўқрайиб қараб.

Худододбек Бадианинг қаҳрли кўзига бир қараб кўйди-да, бошқа гап айтолмай, Меъмор билан хайрлашиб, ўз чодирга томон жўнади.

Меъмор тушки овқат вақтида Зулфиқорни ёнига қақриб ундан бўлган воқеани сўради. Зулфиқор лўнда қилиб, ҳақиқатни айтди. Меъмор хайратланиб, донг қотиб, чодир томонда ўтирган қизига қаради. Худододбек беҳудага ҳовлиқтирмаган экан... Меъмор ўйла-ниб туриб, Зулфиқорга маслаҳат солди:

— Кечга яқин шаҳарга қайтсак, нима дейсиз?

— Кечаси йўл юриш, устод, хавфли. Эрта билан йўлга чиқайлик.

— Маъкул, — деди Меъмор.

Зулфиқор билан Заврак ҳамма анжому нарсаларни шай қилиб, ўзлари арава ёнига сўйил яшириб

қўйиб, ёнларида ўткир пичок, тун бўйи мижда қоқмай, чодир атрофида посбонлик қилиб чиқишди...

Эрта билан улар араваларида шаҳарга қайтиб тушишди.

Орадан бир ой ўтгач, Амир Довуд барлос сардор бўлган лашкар Балхга кирибди, бир ҳафтага қолмай Ҳиротга етиб келади, деган хабар тарқалди. Дарҳақиқат, бир ҳафта ўтар-ўтмас эрта тонгдан Ҳирот дарвозалари тепасида карнаю сурнай, ноғоралар авж қилди; султон Шохруҳ Мирзо лашкари ғалаба билан қайтиб келди. Улар орасида Низомиддин ҳам бор эди, у соғ-саломат қайтиб, отасининг кучоғига ташланди. Меъмор уч кундан сўнг, ўғли шарафига катта зиёфат бериб, ёр-биродарларини мамнун этди. Уста Ҳасанбек бўлса ўғли Шодмонбекнинг жангда шаҳид бўлгани туфайли аза очди...

Иккинчи қисм

XX 6 0 6

ҲОРУН БЎЗЧИ ИСЁНИ

Нажмиддин Бухорий, кечагина Ҳирот кўшини Маймана шаҳри устига шитоб билан бостириб кетганини эшитиб, юраги ачишди. Яна бир култепа пайдо бўлмаса ҳўб эди... Мосиф¹ водийсида Вардана, Зандана, Кармана, Афшана, Варахша, Нур, Тавоис, Искажжат, Байканд каби шаҳарлар бўлганини тарихнавис Абубакир Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг китобидан ўқиб билган эди. Мажусийларнинг буюк шаҳри Рабинжон² ҳам култепага айланганини эшитган эди...

Ҳалаб ва Ҳамадон шаҳарларидан амирзодалар таъкиби остида бош олиб чиқиб кетган баъзи хуруфийлар аввал Машҳад ва Ҳиротдан, кейинчалик, Туркистон тизма тоғлари орасидаги Дарайи Гурзивон, Боло Мурғоб, Банди Амир водийларидан бошпана топган эди. Айникса, Маймана, Балх ва тоғ оралиғидаги Калласаркори шаҳарларидаги хуруфийлар Фазлуллоҳ ва Саййид Насимий қатлидан сўнг жунбишга кирган, Обий Қайсар соҳиллари, Давлатобод шаҳарчаларида ҳам пойтахтдан сурилганларни жим ётибди, деб бўлмас эди. Ўзаро қирғин, ҳарбий юришлар, ўлпону ушр солиқлари раиятни тобора қашшоқлаштириб, тинкасини қуритди, амирзодаю бекларнинг фаҳш ишлари авом орасида тарқалиб, кишиларда нафрат уйғотар, аслзодалар кўпроқ Машҳаддан келган рухонийларга суяниб, «фоний дунё азоб-укубатларини кўп чеккан бан-

¹ Мосиф — Зарафшон.

² Рабинжон — Сугдиёнларнинг Зарафшон водийсидаги катта шаҳри. Кейинчалик (1158 йил, милодий) уни хоразмшоҳлар вайрон этган.

да боқий дунё роҳатини кўради...» деган ақидалари билан одамларни алдашарди.

Аммо фирқайи хуруфия таъсиридаги кишилар бу дунё роҳатидан воз кечмаслик, золимга бош эгмай, ўз инсонлик ҳуқуқини ҳимоя қилмоғи лозимлигини айтишарди. Бу ўринда, мўғул хукмдорлиги даврида бўлган «Оға-ини ҳикояти»ни кўп айтишарди: Чингиз лашкари Хуросонни босиб олгач, Балх шаҳрида, кўчада икки оға-ини юзларини ерга қилиб ётишган экан. Кечга яқин кўчада пайдо бўлган одамлар, улар тепасига келиб: «Эй, оға-инилар, не сабабдан чўзилиб ётибсизлар?» деб сўрашибди. Улардан бири бош кўтариб айтибди: — «Мўғул сарбози бизларга бунда ётинглар, бир лаҳзадан сўнг бошқалардан қўлим бўшагач, келиб сенларнинг бошингни ҳам чопаман, деб тайинладилар. Биз кутиб ётибмиз», — дебди. «Э, нодон, — дебди бир йўловчи киши, — тур, ўрнингдан! Мўғуллар Балхдан чиқиб Майманага кетишди, сенинг бошингни чопишга фурсат йўқ». Шундан сўнг оға-ини ўринларидан туриб, этакларидаги тупрокни қоқишибди.

Яна бир ҳикоятда, амирзода Мироншоҳ ўзининг орқаклик қудрати бениҳоя эканлигини билдирмоқ бўлиб, дорию дармон билан ўз ҳарамида ҳар ҳафта бир кўҳлик қизни кори шахват билан тонг отгунча кийнаб ўлдирар экан. Бу «одат»ни ҳозирги вақтда амирзода Иброҳим Султон ҳам такрорлар, шишиб, кўкариб кетган канизларнинг мурдаси яширинча дафн этилиб, йўқ қилиб юборилар экан...

Бу гап Банди Туркистон тоғлари оралиғидаги Даррайи Гурзивон ва Калласаркори аҳли орасида кўп тарқалди. Бу томонлардан олиб кетилган тоғ қизларининг тақдири нима бўлганини фуқаро биларди. Маймана аҳли орасида эътибори кучайган хуруфийлар Машҳаддан келган мутаассиф руҳонийлардан кўра ҳам баобруъ эди. Бўз ва бошқа мато тўқувчи Ҳорун деган мўйлабдор бир одам бозорда ва ичкари маҳаллаларда одамларни ўз атрофига тўплаб, уларга ҳамдард бўларди.

Унинг айтишича, Маймана беги амирзодалар уруғидан бўлиб, фахш ишларни кўп қилар, косиблару

зироат етиштирган дехқонларнинг сармоясини шилиб олар, тинмай Ҳиротга кўю қорамоллар юбориб турар экан.

Совур ойининг иккинчи ҳафтаси, якшанба куни эрта билан бозорда кўтарилган ғалаён тоғдан ногихоний оқиб тушган шиддатли селдай Маймана беги турган эски қалъа томон оқиб кетди. Ғалаён кўтарганлар олдида қилич яланғочлаб Ҳорун бўзчи борарди.

Шу куни тонг саҳарда бўзчининг олти нафар одами кетмону курак кўтариб, қалъанинг орқа деворлари остидан икки жойни қовлаб борут тўкиб, пилталарни улаб қўйишган эди. Бу ғалаёнга Дарайи Гурзивондан бир неча қадхудо қишлоқ оқсоқоллари бошлаб келган яроғлиқ одамлар ҳам қўшилган. Бозору қаппон, косибу ҳаммоллар битта қолмай ғалаёнга қўшилиб кетди. Тўқайга ўт кетса хўлу курук баробар ёнганидай, димоғдор, одамлардан жирканиб, ўзини улут тутадиган бек анчадан буён кишилар ғазабини қўзғаб, тоқатини тоқ қилиб келарди. Эркақлаб кетган пиёздек бу новча, ёш бек оғзидан ҳеч қачон ширин гап чиқмаган, доимо димоғи осмонда, одамларни қуртқумурскача ҳам кўрмасди. У ёш бўлса ҳам, қорни тарвуздек юмалоқ, оёқлари ингичка, елкалари тор бир кимса эди. Шу ҳолига қарамай, шаҳвоний ишларни кўп қиларди.

Ғалаён тўппа-тўғри қалъага яқин келгач, борут гайёрланган томонга ўтиб, Ҳорун бўзчининг ишораси билан пилталарга ўт қўйишди. Қаттиқ бир гумбурулаш натижасида қалъа деворидан бир қисми қулаб тушди. Шовқин кўтарган оломон қалъага кириб, бекни хобхонасида қилич билан чопиб ташлашди. Бекка яқин кишилардан яна уч-тўрт одамни ҳам найза санчиб ўлдиришди. Қалъани ихота қилиб турган навқару ясовуллар ҳар томонга тумтарақай қочиб кетишди. Ғалаён ўз ишини қилиб, кечга яқин тўполон босилгач, Ҳорун бўзчини Маймана ҳокими деб эълон қилишди.

Орадан уч ҳафта ўтгач, иттифоқо, Маймана йўллари навқар босиб, ярим тунда беадад отлиқлар шаҳарга бостириб кирди. Шаҳарда яна чопқин бошла-

ниб, бир неча кишини тутиб олиб чиқиб, дарахтга боғлаб, уриб ўлдиришди. Ҳорун бўзчи билан ўн чоғлик киши тоғ оралиғига — Мурғоб томонга қочиб яширинди.

Кейинги хабарларга қараганда, Ҳорун бўзчи ёвмит туркманлари сингари мўйлабини қириб ташлаб Аст-рободга ўтиб кетибди. Баъзилар унинг Ҳиротда яшириниб юрганини ҳам кўрган эмиш...

Ўғли ҳаёти қил устида тургани туфайли Самарқандга, Улуғбек Мирзо номига нажот тилаб ёзилган номага ҳадеганда жавоб бўлавермагач, Нажмиддин Бухорийнинг юрагига гулгула тушди. Нажот истаб чор атрофга югурди. Худди шундай кунлардан биринда, иттифоқо, «Маликул калом, туркий забон...» ҳаёлига келди. Бу ҳаёлини Бадиага, Маъсума бекага, шогирдларига маълум қилди. Подшо саройининг энг мўътабар шоирларидан бўлмиш мавлоно Лутфий ҳовлисига йўл олди. Нега бу фикр илгарироқ ҳаёлига келмаганига, у зотдан паноҳ тилаб бормаганига ачинди; мавлононинг ҳазрат олдида саркардаю нуфузли беклардан кўра ҳам эътибори баланд эканини ўйлади. Айниқса, Хуросон ёшлари мавлононинг биллурдай тиниқ, баҳрдай теран туркий ғазалларини бениҳоя севишарди. У Ҳирот яқинидаги Дехиканор қишлоғида туғилиб, машҳур сўфий мавлоно Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф таълимини олгани, «Маликул калом» деган табаррук унвонга мушарраф, Шайх Саъдий, Хўжа Ҳофизлар қаторида турадиган, айниқса, туркий забон пур эътибор одам экани ҳаммага маълум эди. Эллик ёшларга борган, баланд бўйли, ориқ, қорамағиз, қошлари қуюқ, кирра бурунли, мулоийм ва ҳозиржавоб бу шоир тезда оғиздан оғизга тушиб кетган. Ошиқона ғазаллари билан танилган. Ўзи инсон сифатида ҳам камтарин, барчага баробарлиги билан шуҳрат топган эди. Ҳамма вақт оппоқ саллани чиройли ўраб, соқол-мўйлаблари текисланган, кийимлари бегард, озода юрарди. У, асосан Шохруҳ Мирзо замонида эътибор қозонди. Сарой хизматига ўтди. Бойсунқур Мирзо, Улуғбек Мирзолар билан ҳам гоётада яқин эди. Мавлононинг «Улуғбекхон билур Лутфий

камолин, ки рангин шеъри Салмондин қолишмас», деган байти амирзодалар эътиборида эди. Хаттот Азхар ва Жаъфар Табризийлар мавлоно Лутфий ғазалларини турли баёзларда дастхат билан ёзишган, «Гул ва Наврӯз» достонини ҳам кўчиришган. «Девони Лутфий» хаттот Ёкут услубида кўчирилган бўлиб, Шохрух Мирзога тухфа қилинган. Мавлоно ёш эътибори билан Меъмордан кичикроқ бўлганига қарамай, анча салобатли, айни вақтда ширин забон, дилбар одам экани меъмору муҳандислар орасида маълум эди. Мавлоно Лутфий Меъмор Хиротда кураётган «Мирзо» мадрасасини бир неча бор келиб кўрган, суҳбатларда бўлган. У бир суҳбатда ўзининг Олтин Ўрда томонларга ва ундан сўнг Қрим, Қорабоғ, Озар томонларга саёҳат қилиш орзуси ҳам йўқ эмаслигини маълум қилган эди. Меъмор унинг ўн минг байтдан ортиқ «Зафарнома» китобини ёш амирзода Бойсунқур Мирзо орқали вақтинча олиб ўқиган эди. Меҳри Талъат бека мактабига қатнаб ўқиб юрган Низомиддин билан Бадиа кейинги таҳсилдан сўнг Мирзонинг отаси кўлидаги бу омонат китобини ўқиб, «Зулфингни кўриб...» «Қани бу шаклу шамойил...» ғазалларини кўчириб олган эдилар. Умуман, шоирнинг сермуравват инсон экани Меъмор хонадонига маълум эди. Киши бошига иш тушмагунча, атрофдаги одамларнинг ғазилати унча ярқираб кўринмас экан. Аксинча, баъзан серғазилат кўринган кишилар дарду алам билан паноҳ тилаб қолишган кунларда ғазилат у ёқда турсин, бадкирдор одамлар экани ҳам намоён бўлиб қолди. Хуллас, Меъмор мавлоно Лутфий ховлисиغا паноҳ тилаб жўнади.

Шоир эрта билан ўз эшигида Меъморни кўриб, унга меҳрибонлик кўрсатди. Ичкарига олиб кириб, юқорига ўтказиб, олдида дастурхон ёзди. Шоир Меъморнинг бошига тушган мусибатдан, юрагидаги аламдан хабардор эди; у Меъморни ўз эшигида кўришидаёқ, нима мақсадда келганини сезган эди. Бу топилмас устод, беназир олимнинг аҳволига ва ўғлининг хибс этилганига ачиниб, унинг обрўсини сақлаб қолиш, агар жиндек илож бўлса, ўғлини Ихтиёриддин қалъасидан чиқариш лозимлигини, бу йигит хуруфийлар-

нинг махфий тўдасига кириб қолса-да, аслида салтанат учун бўлган жангларда иштирок этганини Мирзога айтиб, баъзи ёмон ниятли кимсалар шу йўл билан Меъморга шикаст етказишни кўзламоқдалар, деган эди. Мирзо «маликул калом» фикрини тамоман тасдиқлаб, ҳамма имкониятдан фойдаланажagini, аммо хуруфия — салтанатнинг ашаддий дўшмани, оғаси Иброҳим Султон бу ёмонликни батамом тугатиб юбориш учун қаттиқ чоралар кўраётганини ҳам айтган эди.

Бу гаплар ялт этиб шоир хаёлидан ўтди.

Аммо у ҳеч нарса билмагандек, аввал ҳол-аҳвол сўрашиб, кейин Меъмор ўғлининг ҳибсда эканини эшитганини айтди. Унга таассуф билдирди.

— Хурматли зот, худди шу масалада сиздан паноҳ истаб келдим. Бошимга оғир кулат тушди...

— Ҳаммасидан воқифман, — деди шоир чуқур ўйчанлик билан ва Меъморнинг изтиробига шерик бўлгандай. — Сизни бунчалик изтиробга солмай ишни тўғриламағимиз керак эди. Мен Бойсунқур Мирзога бу ҳақда айтган эдим. Бир мен эмас, аҳли шуаро шу фикрда. Бир гал подшо ҳазратлари афв этиб, ёшларнинг гуноҳидан ўтсалар, фуқаро аро салтанат эътибори яна ҳам кўтариларди, дедим. Энди мен улуг ҳазрат ёнларига кириб чикмоқчиман, чунки бусиз ҳеч илож йўқ.

— Худо ёр бўлсин сизга, доимо саломат бўлинг.

Меъмор билан шоир учрашуви мана шу тариқа бўлди. Чунки ёзилиб гаплашиб ўтирадиган пайт эмас эди. Меъмор мавлоно Лutfий билан хайрлашиб, тезла ўз уйига жўнади.

Дарҳақиқат, «маликул калом» ўз сўзида туриб, подшоҳ хузурига киришга ҳаракат қилди. Чоршанба куни кечга яқин унинг бир неча бор қилган илтимосини қондириб, сарой мансабдорлари ҳамда вазири аъзамнинг аралашуви натижасида хасталикдан тузалаётган подшоҳ шоирни қабул қилди. У аркнинг кунчиқар томонидаги деворлари ўймакор ганч, катта хона — қизил гиламлар ташланиб нақшин шифтга улкан қандил осилган хонада қабул қилди. Шохрух Мирзо хона юқорисидаги тахтада ўтирарди. Ичкарига

кирган шоир бош эгиб, таъзимдан сўнг унга анча яқин бориб, ҳозирланиб қўйилган курсига ўтирди. Ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг, ўзининг янги кўчирилган «Ғазалиёт»ини тухфа этди. Шундан сўнг мақсадга ўтиб, подшо ҳазратларидан Ихтиёриддин қалъасига ҳибс этилган олти йигитнинг гуноҳини бир оз енгиллатиш, овозаларга қараганда, уларга ўлим жазоси таҳдид этаётганини эшитгани, аҳли шуаро номидан ҳам жазони бир оз енгиллатишни илтимос қилди. Аввал «Ғазалиёт» китобини очиб, варақлаб турган Шохрух Мирзо шоирга кўз ташлади, китобни ёнига қўйиб, ҳаяжон билан гапираётган мавлонога энсаси қотиб тикилди. Бир муддатлик сукутдан кейин, «ўзиники бўлмаган ишларга аралашиб, довдираб юрган шоирга» ачингандек бўлди.

— Сиз, ҳурматли зот, садоқат, поклик ва баҳодирликни васф этадирсиз. Нечун бир тўп наслу насаби нопок каллакесарларни ҳимоя қилибсиз? Мавлононинг бу ишлари жуда таажжуб?! Улар ҳуруфия тўдасига мансуб бўлиб, мусулмонликдан воз кечиб, куфр йўлига ўтганлар...

— Подшоҳи олам, бу чалғиған ёшлар ўз айбига пушаймон бўлар, тавба қилар, бир куни мамлакат корига ярар, деган умиддаман. Улардин бирининг отаси — машҳур меъмор Нажмиддин Бухорийдир, бирининг отаси...

— Маймана шаҳрида раият шу ҳуруфийлар васвасасига тушиб ғалаён кўтарган. Биз кўшин йўлладик. Уларнинг саркори Ҳорун бўзчи деган кимса эмиш, — деди қовоғи солинган Шохрух. У шоирга бошдан-оёқ тикилгач, бир юмшаб, деди: — Ўғлим Иброҳим Султонга бу сўзларингизни айтаман. Ҳуруфийлар ичида Меъморнинг ўғли ҳам бор экан, дейман. Аммо ҳуруфияни батамом йўқотиш унга топширилган.

Мавлоно Лутфий подшоҳга яна таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

Кейинчалик, ўз илтимоси ерда қолиб кетганини билган шоир бир ой уйдан кўчага чиқмай «хаста» бўлиб ётди. Шундан сўнг «саёҳат» баҳонаси билан аввал Олтин Ўрда, ундан сўнг Қриму Қорабоғ томонларни кўзлаб подшоҳ саройидан бош олиб чиқиб кетди...

КАТЛ

Мухтарам китобхонга маълумки, биринчи бобда меъмор Нажмиддин Бухорийнинг шаддод қизи Бадиа Ихтиёрдин қалъасига ҳибс этиб ташланган оғаси Низомиддинга хўрак олиб борган эди. Зиндонбон қизни алдаб, оғангни кўрсатаман, у билан гаплашасан, деган баҳона билан номусига тажовуз этмоқчи эканини сезиб қолганди...

Бадиа саросимада қалъа ичидаги ярим қоронғи хона бурчагига тисарилди. Кўзлари ола-кула бўлиб, рўпарасида турган даҳшатли зиндонбондан асло кўз узмасди. У баркашни ҳам, саватни ҳам ерга ташлади. Нимчаси ичига қўл тиқиб, ниманидир маҳкам ушлагани ҳолда, титраб турарди. Шоп мўйлабли зиндонбон ҳозирок ўз ўлжасига ташланишга чоғланаётган қоплондек, қон талашган кўзларида ҳайвоний хирс, Бадиага яқинлаша бошлади. Бадиа нимчаси ичидаги кичкина, аммо ниҳоятда ўткир ханжарни бир лаҳзадаёқ суғуриб олди. Туйнукдан тушган ёруғликда ханжар яркирарди. Хона бурчагида турган Бадиага яқинлашиб бораётган зиндонбоннинг кўзи ханжарга тушиши билан шу лаҳзанинг ўзидаёқ жойида қотди.

Шоп мўйлабли зиндонбон орқасига тисарилди.

— Чиқиб кет бу ердан! Йўқол! — у қўли билан эшикка ишора қилди.

Бадиа зиндонбондан четлаб, деворга суйкалиб, иккинчи хонага, ундан сўнг қоронғи йўлакка ўтди. Орқадан келиб қолмасин, дегандек, атрофига олазарак бўлиб, яна бир йўлакка ўтди-да, қалъа дарвозасига чиқди. Дарвоза ёнида ҳам ўнг қўлидаги ханжарни маҳкам ушлаган ҳолда тўрт томонга олазарак бўлди. Дарвоза ёнида қилич осиб, найза ушлаб турган навкарлардан ҳам чўчиб, физиллаганича пастликка — қалъа олдидаги майдонга тушди. «Ҳа, кабутарни қўлдан чиқариб юборибсиз-да» деди эшикдаги навкар ичкаридан чиқиб келаётган зиндонбонга. «Бу кабутар эмас, чаён! Ёнига яқинлашсам, чақадиганга ўхшади, ярамас! Ёнида ханжари бор экан. Ҳозирги ёшлар яроғ

олиб юрадиган бўлган...» — деди ҳафсаласи пир бўлиб зиндонбон.

Пастда, майдон четидаги йўлкада кутиб ўтирган Заврак Нишопурий Бадианинг кўлидаги ханжарини кўриб, ўрнидан дик этиб турди. У югуриб келиб сўради:

— Хўш, Низомиддин оғани кўрдингизми?

— Ҳалиги малъун мени алдаган экан, — деди Бадиа кўлидаги ханжарни нимчасининг ичкари қати-га яшириб, анави қароқчига ўхшатиб, нақ юрагига санчиб, ўлдириб чиқмоқчи эдим, оғам Низомиддинга шикаст етказмасинлар, деб бу ишни қилмадим.

— Оғангизни кўрдингизми?

— Қаёқдан кўраман!

— Сават қани?

— Ўша хонада қолди. Билагузукларим ҳам қолди... Мана, подшонинг навкарлари! Уларнинг порахўр эканликларини эшитган эдим. Лекин бунчалик аблаҳ эканликларини билмасдим. Шуларга ишониб ўтириб-миз-а! Салтанат учун жонини тикиб, жангга кирганлар зиндонда! Тушуњапсизми, жаноб Нишопурий? Отамлар доимо салтанатга тил тегизма дердилар, мана — салтанат!

— Юринг, кетдик, бекам!

— Кетдик! — деди Бадиа қалъа дарвозасидан ўзларига ўқрайиб қараб турган зиндонбондан кўз узмай, — улар бизга тикилиб қарашяпти. Низомиддинга шикаст етказишмасмикан?

— Низомиддин тафтиш этилмоқда. Унинг иши амирзода фармони билан боғлиқ, — деди Заврак, — фармонсиз унга тегиша олмайди. Мен шундоқ деб тушунаман. Ишқилиб, худо ўз паноҳида асрасин. Низомиддиннинг подшо учун жанг қилиб келгани, баҳодирлиги сабаб бўлиб тез кунда зиндондан чиқариб юборишларига имоним комил. Қандайдир бир шубҳа уни хибс этилишига сабаб бўлган...

— Илоҳим айтганингиз келсин, оға!

Бадиа билан Заврак қўлтиқларидан тарвузлари тушиб, уйга қайтиб келишди. Отасига ҳам, онасига ҳам «хўрақларни ичкарига олиб кириб кетгани...» ҳақида гапиришди-ю, аслида бўлган воқеани айтишмади. Бадиа бу гапларни сир сақлаш кераклигини Завракдан

ўтиниб сўради, йўкса, чолнинг бир дарди икки бўлиб, ўлиб қолиши мумкин, деди. Зулфиқорнинг Бухорога жўнатиб юборилиши — Бадиа учун катта жудолик бўлган эди. Фаввос Муҳаммад бир қадар тўнг одам, у билан очилиб, сирлашиб гаплашган вақтлари камданкам. Лекин Зулфиқор бунинг акси, у дилбар йигит — у билан тез орада иноқлашиб кетишган. «Бадиага кўз олайтирди», «Хунар ўрганиш ўрнига ошиқ-маъшуқлик қилди...» деган шубҳа билан хайдаб юборилди бечора. У бор вақтида ёлғон гапириш, Меъмордан бирон нарсани сир тутиш — жиноят ҳисобланарди. Зиндонбон воқеаси сир тутилиб, Зулфиқордан кейин отасига биринчи бор ёлғон сўзлаши эди.

Кунлар ўта бошлади.

Мадраса қад кўтариб, хурсандчилик бўлади, деб турилганда Низомиддиннинг ҳибс этилиши Меъмор қаддини дол қилиб қўйди. Бу дунёда ғам-ғуссасиз одам йўқ. Меъмор ҳам чинакамига ғуссанинг зўрига учради. Меъмор равоч сайлига чиққанда тоғ этагидан оқиб ўтадиган сой бўйида ўтириб, тошлар орасида сузиб юрган танга балиқларни томоша қилган эди. «Шу ҳам ҳаёт бўлдим-ю, бу балиқлар мириқиб ўз кифтларини ўзлари қашлай олмасалар! Киши ўз кифтини қашлаши қандай роҳат!» деб кифтини қашлаб, кулган эди. Кошки эди у ҳам ўша балиқдек дунё ташвишларидан холи, беандух, шу тиник сув ичида хоҳлаган томонига сузиб юрса! Кифтини ўзи қашламаса ҳам кошки эди! Одамларнинг унга нисбатан ишончи адойи тамом бўлгандай... У бирон навқарга кўрамта¹ ўрнида ҳам керак бўлмай қолди. Агар иш шундай давом этса, дорулмулк²ни ҳам ташлаб, бошқа томонга бош олиб кетмоғи лозим бўлади. Бу воқеа ҳали бора-бора шундай шубҳалар солурки, дўст-ёрлар ҳам ўзларини тортиб, ундан ҳазар қилурлар...

Маъмур чуқур ўйга чўмар, унинг кўз олдидан сарой аъёнлари ўтарди. Бу мансабдорлар ўз юзларини тесқари қилиб ўтиб кетаётгандай бўларди.

Низомиддин ҳибс этилган бу машъум кунлардан

¹ Кўрамта — ўқдон.

² Дорулмулк — пойтахт.

бирида Меъмор олим уламо, фозилу фузало, шоиру шуаро хомийси Мирзо Улуғбекка иккинчи бор нома йўллади. Номани саройга олиб бориб, Самарқандга кетаётган анчолардан бериб юборилишини илтимос қилди. Ҳар куни қандайдир зарур ишлар билан Самарқандга чопар кетишини ва ҳар куни у томондан чопар келиб туришини биларди. Ўзига яқин бир юқори мансабдор билан маслаҳатлашганда, у Меъмор номасини зудлик билан Самарқандга — Улуғбек Мирзога юборишга ваъда берди. Ўғлининг қисмати шу нома билан боғлиқ эканини айтиб, ёлвориб, юракдан ўтиниб сўради. Хатда: «Оламpanох Улуғбек Мирзо хазрати олийларига, «Илму маърифат раҳнамоси, султонлар султони, мунажжиму муҳандису меъморлар устоди, аъло ҳазрати муаззами хумоюни Улуғбек Мирзога етиб маълум бўлғайким, мен содиқ қуллари, бир ғариб меъмор Нажмиддин Бухорийдурманким, аслим Бухоройи шарифдан бўлиб, йигирма йил Хуросонда Аълоҳазратга сидқидилдан хизмат қилдим... Эндиликда ўғлим Низомиддин бизга номаълум бўлган сабабларда иштибоҳ этилиб, ҳибсга олинди. Ихтиёридин қалъасига ташланди. Мансабдор шахсларнинг хабар қилишларига қараганда, ўғлим Низомиддинга ўлим жазоси таҳдид солиб турибди. Оламpanох меҳрибон! Менинг ўғлим Низомиддин сиз Аълоҳазратнинг содиқ сарбозингиз сифатида Фарғона юришида иштирок этиб, салтанатингиз душманларига қарши курашган, бошидан қаттиқ ярадор бўлган. Сайхун бўйидаги даштда бўлган жангда сиз, Аълоҳазратга ва саркарда Ёқуббек жанобларига қасд қилиб, орқадан қилич чоғлаб бораётган рақибни ер билан яксон қилган. Мен, салтанатнинг содиқ кули, меъмор Нажмиддин бир неча бор подшоҳимиз тухфаю эҳсонларига сазовор бўлганман. Хиротда, Балхда, Самарқандда, Бухорода бир неча кўприк, сардоба, хаммом, мадрасаю масжид қурилишида бош бўлдим. Садоқатим ва шу хизматларимни инobatга олиб, ўғлимни қатл этилишдан олиб қолишингизни сўрайман. Худойи таоло сиз хазрати олийларига доимо ёр бўлсин, музаффар байроғингиз доимо салтанатимиз устида хилпираб турсин. Содиқ қулингиз, меъмор Нажмиддин Бухорий».

Барот ойининг ўн олтиси, Хирот шахри», деб ёзилган эди.

Ҳамма гапдан воқиф сарой мансабдори номани Меъмор қўлидан олди-да, совуққонлик билан уни албатта Самарқандга юборажагини маълум қилди. Меъмор Нажмиддин Бухорий унга эгилиб сидқидилдан гапашаққур айтиб чиқиб кетди. Анчолар орқали Самарқанду Балх, Машҳаду Табриз, Нишопуру Қобулга чиқиб кетаётган барча ҳужжатномаларни Иброҳим Султон кишилари кўрмоғи ва ёки хабардор бўлмоғи шарт эди. Сарой мансабдори бу фарзи айнга риоя қилиб, Меъмор номасини кечга яқин амирзоданинг ўз қўлига берди...

Тун.

Ҳаммага қўрқув солиб турувчи Ихтиёриддин қалъаси. Баланд ва хўмрайган совуқ бу бинода чирок йўк, фақат дарвозалари, қалин деворлари устида машъала кўтариб юрган посбонларгина бор. Тунда у яна ҳам даҳшатлироқ бўлиб, ўтган-кетганларга қўрқув солади. У бир улкан Аҳраман девдек Хиротнинг Машҳад йўлида қакқайиб турибди. Унинг совуқ кучоғида қанчалаб маҳбуслар азоб чекмоқда. У, Меъмор наздида кулча бўлиб ётган улкан бир илонга ўхшарди; қанча одамни ўраб олиб, ютишга хозирланаётгандай... Машҳадга кетаётганлар ва у томондан келаётганлар қалъага бошдан-оёқ тикилиб ўтиб кетишарди.

Жума куни қалъа ҳовлисига қурилган етти дор ёнига зах ҳужраларда ётган олти маҳбусни олиб чиқишди. Уларнинг ҳаммаси ёш йигитлар бўлиб, улуғи йигирма беш, кичиги йигирма ёшда эди. Худди шу куни уларнинг дўсти Аҳмад Лур Жоме масжидидан чиқиб келаётган подшоҳга суикасд этиб, шу ернинг ўзида подшоҳ кишилари уни тутиб олиб, тилка-пора қилиб ташлаган эди. Етти дорнинг бири уники бўлиб, ўзи йўк эди.

Олти маҳбус қатор дор тагида туришарди. Улар орасида Меъморнинг ўғли — Низомиддин ҳам бор. Қилич яланғочлаган навкарлар маҳбусларга нисбатан ўн баробар кўп. Тик келган ўн тўрт кунлик ой қалъа ҳовлисини кучсизгина ёритиб турарди. Қўллари боғ-

лик махбуслар баланд деворлар тепасидаги ойга боқишар, бир-бирларидан рози-ризолик сўрашар ва кимнингдир от чоптириб келиб, подшо ўз ҳукмини ўзгартиражагини кутишарди. Навкарларнинг хўмрайган дахшатли башаралари, ўликхоналарнинг миқ этмай турувчи кулф эшиклари бир-бирига ўхшаб кетарди. Махбус йигитлар орасида турган Низомиддин ойга қарар, илгари қанчалаб завқу хурсандчилик бахш этган ой бу гал қонга белангандай, юз-кўзлари моматалок бўлиб, шишиб чиққандай кўринарди. У ҳамма ишнинг сабабчиси, шошқалоқ Аҳмад Лурга ўхшарди. Ана энди унинг ўрнига сен осиласан, деди хаёлан Низомиддин ойга қараб. Шу орада Низомиддиннинг кўзи қилич яланғочлаган навкарлар орқасида, ёлғиз бир ўзи курсида ўтирган рангпар, чўкки сокол, ингичкагина одамга тушди. Бу одамни қаердадир кўргандек эди. Ўйлаб-ўйлаб, уни Фарғона жангида, даштда, қозон тепасида кўрганини эслади. У ўшанда табокда гўшт олиб келиб, ёнларида ўтирган эди. Бу одам каллакесарлар орасида нима қилиб юрганига ҳайрон бўлди.

Дор тагидаги олти йигитни тутиб олиб келган, дахшатли Қораилон мана шу шахс эканини Низомиддин мутлақо билмасди. У яна ёнидаги ошналарига қаради. Наҳотки, ҳозир улар дорга осилиб ўлиб кетадилар! Наҳотки, уларнинг кунлари битган! Ахир у подшо хазратлари учун жанг қилиб, зафар қозониб келди-ку! Унинг хизмату садоқатини ҳисобга олиб, осиб юборишмас. Наҳотки, подшоҳ уни осиб юборишга фармон берса! Йўқ, бу дор олдига олиб чиқиш бир сиёсат: уларни кўрkitиб, бундан кейин ёмон ишларга қўл урмасликка даъват этиб, пўписа қилиб кўйишмоқчи. Бу иш катта танбеҳ бўлсин деб, дор ёнига ҳам олиб келишган. Агарда уларни ҳақиқатан ўлдирадиган бўлсалар, ота-оналари билан юз кўриштириб, хайрлашишга имконият бериларди. Ширин сўз, чўкки сокол ҳам бунда юрмасди. Демак, бу бир пўписа... Низомиддин яна хаёлга толар... Бундай хаёлдан сўнг у яна мурдадай қотарди.

Тун ўрталарида икки сипоҳи от чоптириб келиб, қалъа дарвозасидан ичкари кирди. Улар отдан тушма-

ган ҳолда зиндонбонга нома узатишди. Зиндонбон номани дарҳол курсида ўтирган чўкки соқолга берди. Дор тагида оёқ-яланг, қўллари боғлиқ жавдираб турган олти маҳбусга жон кирди: «Э, худо, ана, подшонинг янги ҳукми келди. Бизларни ўлим жазосидан олиб қолади», деб ўйладилар.

Қоғозга кўз ташлаган чўкки соқол зиндонбонга ҳамда маҳбуслар атрофида қилич ялонғочлаб турган навкарларга ишора қилди; тайёрланиб турган навкарлар дарҳол маҳбуслар бўйнига сиртмоқни солиб, куч билан арқонни тортишди. Олти маҳбус саройдан келган мансабдор отлиқлар олдида осиб ўлдирилди.

Уларнинг мурдаси азонгача дорда осилиб ётди. Эрта билан ўлиқларни қалъанинг орқа томонидаги эшикдан олиб чиқиб, тиканзор бир ташландиқ ерга казилган чуқур хандаққа ташлаб, устидан тупроқ тортиб, текислаб юборилди.

XXII б о б

МЕЪМОР ТЕЛБАСИФАТ

Низомиддин қатл этилганига бир ҳафта бўлган бўлса ҳам, унинг ота-онаси бу фожиадан тамоман беҳабар эди.

Қиш бошланган.

Шаҳарда қора совуқ изиллар, бева-бечоралар гўшаларда жиндаккина олов атрофида ўзларини тутиб, жунжиб ўтиришар, ҳаво бўшашиб, тарақлаб қотган ерлар пилч-пилч бўлгач, кўчама-кўча изғиб, тиланчилик қилишарди.

Сандалга бағирларини бериб ўтирган ота-она ва Бадиа хомуш, мунгли ўтиришар, сандалнинг яна бир томони бўш тургани, иккинчи фарзанд совуқ зиндонда ётгани — ота-она бағрини тимдалар, овқат ҳам томоғидан ўтмас эди. Меъмор бир лаҳза бўлса ҳам хотини билан қизига далда бериш учун ўтмишдан турли хикоялар айтиб, уларни овутар эди.

Меъмор баъзан соатларча бармоқлари билан соқолини тимирскилаб, хаёл суриб ўтирарди. Отасининг

чукур изтироб чекаётганини Бадиа сезса ҳам, бир нима дея олмас, ота бечора ғоятда эзиларди.

Меъмор Самарқанддан Хиротга махсус нома келадди, ўғлимни қутқаради, деб астойдил ишониб, бу «мужда»ни кутиб ётарди. Аслида унинг номаси Самарқандга юборилмай, Иброҳим Султон ишораси билан бунда қолиб кетган эди. Келаси жума кuni бу машъум хабар шаҳар аҳолисига маълум бўлиб, «подшога суиқасд қилганлар осилибди...» деган гап оғиздан-оғизга ўтди. Меъмор сарпойчан, ранги оқариб югурганича саройга борди; агар уни хозирок амирзода Бойсункур хузурига киритмасалар, дод деб бозорга боражагини, ундан сўнг мадраса пештоқидан ўзини ташлаб юборишини айтиб, дарвоза олдида ўтириб олди. Бирон соатлардан сўнг уни амирзода хузурига киритдилар. Ҳовли саҳнида ерга қараб, хомуш турган Мирзо ранги оқариб, рўпарасига келган Меъморга қаради.

— Шу ростми, хурматли амирзода?

У хомуш, сукут сақлаганча тураверди. Бир лаҳзадан сўнг Бухорийга қаради:

— Жиноят ниҳоят оғир бўлганлиги сабабли менинг аралашувим ва илтимосларим инобатга ўтмади. Муурофаа¹ ҳам фарзи айни қувватлаб фатво берган...

— Салтанат учун жанг қилиб, қон кечиб келган эди-ку?

Бойсункур жавоб қилмади.

— Мен Улуғбек Мирзога нома йўллаган эдим?

— Бундан хабарим йўқ.

— Э, худо, бу қандок кўргулик! Э, худо, менинг жонимни олсанг бўлмасмиди! Қани адолат? — Меъмор ерданғижимлаб тупроқ олиб ўз бошидан сочганича, бақириб, дод солиб саройдан чиқиб кетди.

У то ҳовлисига етиб борганича бақириб, кўчаларда мункиб, ерга ағанаб яна ўрнидан туриб, деворларга бошини урди. Ҳовлисига кириши билан ўзини ерга отди. Заврак Нишопурий билан Ғаввос Мухаммад Меъморни кўтариб, хонага олиб киришди. Бу гапни эшитган Маъсума бека ҳам дод солди. Фақат Бадиа қотиб қолди.

¹ Муурофаа — диний суд.

Бир муддатдан сўнг Меъмор ўрнидан турди. Бадиага, Маъсума бекага, Заврагу Ғаввосга қараб, бир нима деб гўлдирарди:

— Мен ҳозир бориб чўқмол билан мадраса кошнинларини уриб тушираман! Мен ҳозир бориб ҳаммомни ҳам, кўприкни ҳам бузаман! Мен ҳамма ёқни бузаман!!! Ҳамма ёқни бузаман!!! Мусаллони ҳам бузаман, чунки унда ҳам менинг хизматим бор! Мен уларни ким учун қурдим! Ким учун!!! Шу қотил амирдодалар учунми?! Йў-ў-ўк, мен хато қилган эканман! Мен, эсини еган нодон чол доимо хато қилиб юрирман! — у пешанасига кафти билан қарсиллатиб ура бошлади.

— Ота, ўзингизни қўлга олинг, — деди Бадиа отасининг қўлларидан ушлаб, — отажон, бир оз сабр қилинг.

— Шунча хизматларим бадалига менинг биттаю битта ўғлимни ўлдирадиларми?! Ахир суиқасд қилганлар бошқа-ку! Шубҳа қилиб ҳам ўлдирадиларми? Қотиллар! Қонхўрлар! Аблаҳлар!!! Мен энди ҳамма қурганларимни бузаман! Ўт қўяман! Ёндираман!!!

— Отажон, сиз мадрасаларни у золимлар учун эмас, фуқаро учун қургансиз, — деди яна Бадиа отасини кучиб, унинг ёшли кўзларига тикилиб, — улар ҳам бир кун ўлиб, унутилиб кетади, сиз ўлмайсиз, сизни одамлар дуо қилади.

Меъмор Бухорий хотини, қизи ва икки шогирди билан тунни мижжа қоқмай ўтказишди. Азонга яқин Бадиа бодом ёғидан тайёрланган доруйи беҳушдан овгина бериб отасини ухлатди. Онаси ҳам мурдадек қотиб қолди — улар ғариб ва ҳақир одамлар каби бошларини ичига тикиб ётишарди. Улар бепаноҳ, бегуянич, жамиятда қувиб юборилган осий одамлардек ўз хоналарида ётишарди.

Заврак билан Ғаввос эрта билан бирлари бозордан нон келтириб, бирлари чой қўйиб, нонушта тайёрлашди. Энди бу таҳқирланган хонадонга Ҳиротнинг номдор кишилари қадам босмайди. «Э, у меъмор эмас, бир лўттибоз...» деб ҳақорат қиладиганлар ҳам чиқиб қолади. Уларнинг биринчиси Аҳмад Чалабий бўлади. У энди кулоҳини осмонга отиб қувонади, жирттак

уради... Заврак Нишопурий билан Бадиа кўз олдига корфармо Аҳмад Чалабийнинг совуқ башарасию хунгазор гавдаси кўриниб кетди. Нонуштадан сўнг Заврак Нишопурий ўз хонасига кириб, Зулфиқор Шошийга йиғлаб-йиғлаб нома ёзди. Номани ёнига солиб йиғиб юрган ақчасидан икки тилло танга олиб, югурганича карвон саройга борди. Шу бугун Бухорога жўнаётган карвонни топди. Инсофлик ва такводор бир савдогарга нома билан икки тилло тангани бериб, «ўлгунимча ҳаққингизга дуо қиламан, бу хатни қиёматли дўстим Зулфиқор Шошийга ёки унинг отаси уста Нусратга етказинг, худо йўли учун шу хизматни қилинг», деб ёлворди. У одам икки тиллони қайтариб бериб, «агар соғ-саломат етиб борсам, номани эгасига топшираман, ўғлим, изтироб чекманг. Худо хоҳласа, сизнинг хоҳишингизни бажо келтириб, савобга қолурман», деди.

Зулфиқорга нома кетганидан хабар топган Бадиа Завракнинг қўлини кўзларига суртиб, йиғлади...

Меъморнинг кўзи мошдай очилди. Ҳали подшодан бизга Суюрғола¹ бўлади, деб юрган эдим, мана у! Мўғуллар Ўтрору Нур ва Зернук²ни йўқотиб юборганини афсус билан айтардик, аммо ўзимизнинг подшоларимиз, ўзимизнинг туркий уруғларимиз ўзимизни йўқотиб юборяпти, — деб ох урди Меъмор. — Бу фожиа ҳамма учун моҳак тоши³ бўлди, сен юз йил садақат билан меҳнат қилу, агар подшоҳ сендан бад олса шу лаҳза ёстуғинг қурийд. Ўғлимнинг фожиаси — эл учун моҳак тоши бўлди... Энди мен бунда меъмори малик бўлганимдан кўра, ўша ўз юртимда наддоф бўлганим афзал. Хуросон энди мен учун харом, мен бу ерга келиб нима рўшнолик кўрдим! Ҳозир кўза синдирган азиз! Мен билардим, кейинги пайтларда нуктадонлар эмас, хушомадгўйлар азиз бўлиб қолди...»

Чол кун бўйи шундоқ гапларни айтиб, йиғлаб ўтирди. Овқат ҳам емади. Кечга яқин Заврак билан бирга

¹ С у ю р ғ о л а — ер инъом этиш.

² Ўтрор, Нур, Зернук шаҳарларини мўғуллар йўқотиб юборган.

³ М о х а к т о ш и — тилла билан жезни ажратадиган минерал тош.

Ихтиёридин қалъасига борди. Шоп мўйлаблик зиндонбон подшонинг фармони: «Фарзи айн билан қатл этилганлар яширин кўмиб юборилди», — деди. Ўғлининг мозорини топиб беролмаслигини айтиб, хўмрайиб турди.

— Жаноза ўқилдими?

— Йўқ!

— Ўғлим Низомиддин ўлим олдидан калима келтирдими?

— Ха, ҳаммалари ҳам калима келтиришди.

— Вой, болагина-е-ем! Отангни ўлдиришса бўлмасмиди! — чол хўнгиллаб йиғлади.

Шундан сўнг у қалъа дарвозасидан чиқиб, пастликка, майдонга тушди-да, ерга чўкка тушиб ўтирди. Заврак Нишопурий ҳам унинг ёнига чўкка тушиб ўтирди. Кекса Меъмор қалъа дарвозаси томон қараб, ўғлига дуо ўқиб, юзларига фотиҳа тортди. Қалъа дарвозаси ёнида хўмрайиб турган зиндонбонларга бир сўз демай, орқаларига қайтиб кетишди.

Дахшатли фожиадан кейин бегона товукдек четлаб, атрофда ўзини тортиб юрган учинчи шогирди Ғаввос Муҳаммад ҳам бетоблигини баҳона қилиб, Меъмор ҳовлисига келмай қўйди. Бунга Заврак таажжубланмади, чунки Ғаввос Меъморнинг Аҳмад Чалабий билан оралари бузилганидан кейин шундай бўлиб қолган эди.

Орадан бир ой ўтди.

Ғаввос Муҳаммаднинг устодни ташлаб кетиб қолгани армон бўлиб турганида эшикдан учинчи шогирд Зулфиқор Шоший кириб келди. У ўтириб обдан йиғлади, Заврак билан ичкари ҳовлига — Низомиддиннинг хонасига кириб фотиҳа ўқиди. Заврак Нишопурийнинг номасини олиб, бундоқ оғир кунларда устод ёнида бўлишни лозим топиб, зудлик билан етиб келибди. Бу ҳолни кўрган Меъмор мени ташлаб кетадиганлар эмас, йўқлаб келадиганлар ҳам бор, деб бир оз таскин топди. Худододбек ҳам бу томонларга қадам босмай қўйган эди.

Иккинчи ойнинг ўрталарида, иттифоқо, Меъмор эшигига икки отлик келиб тўхтади. Булар ким бўлди экан, деб ташқарида кутиб олган Зулфиқор билан

Заврак хайрон бўлишиб турганида, иккинчи отлик — ўрта яшар, яроғ осган бир мансабдор отидан сакраб тушиб, ёнидаги шай кийинган, бошидаги ипак саллага жиға ўрнатилган йигитни эҳтиёткорлик билан отдан туширди. Иккала отни ҳам эшикда турган шогирдлар қўлига топшириб, сўради:

— Меъмор жаноблари уйдадилар?

— Ҳа, уйдалар, — деди Завракнинг хаёли ўзига келиб. Ахир бу йигит Бойсункур Мирзо-ку! У келганларни одатдагидек Зулфиқорга топшириб, ўзи югурганча ичкарига кирди, устодга амирзода Бойсункур келганини хабар қилди. Меъмор ўтирган еридан қимирламади. Келган бўлсалар кираверсинлар, дегандек ишора қилди. Заврак яна зингиллаганча қайтиб чиқиб уларни ичкарига таклиф этди. — Марҳамат, кираверинглар!

Мирзо билан мансабдор ичкарига кириб, Меъмор билан қўл беришиб омонлашгач, одатдагидек Заврак улар олдида дастурхон ёзди, чой олиб кирди. Бир муддатдан сўнг, мансабдор Меъмор билан Мирзони хона ичида ёлғиз қолдириб, Зулфиқор билан Завракни атай бошлаб ташқари ховлига чиқиб кетди. У кетаётиб хона эшигини ҳам ёпиб кетди. Хона ичида, дастурхон атрофида икки киши — Бойсункур билан Нажмиддин Бухорий қолди.

— Мухтарам Меъмор, — деди Мирзо, гарчи Меъмор салтанат томонидан отасининг қаттиқ сиёсатидан ғоятда озор топиб, жабрланганлигидан унга рўйхуш бермаётганини сезиб турса ҳам, дардмандлик билан мурожаат этди. Унинг хатти-харакати ва илгаригидай ўйлаб пишитилган гапларидан мулойим ва зукко Гавҳаршод бегимнинг овози эшитилгандай бўларди, — бошингизга оғир кун тушди. Ҳуруфийлар илгарилари ҳам салтанат душмани ҳисобланиб, подшо ҳазратлари томонидан қаттиқ жазоланган; Фазлуллоҳ Астрободий тақдирини ўзингиз яхши биласиз. Бундан ташқари «сарбадорлар» сардорлари Мавлонозода, Абубакир Қалавий, Хурдаки — Бухорийлар... қисмати не бўлган, уни ҳам яхши биласиз. Қалавийни Амир Ҳусайн қатл этди. Аммо сиз устоднинг салтанат учун қилгон хизматларингиз буюк ва беқиёс. Иншоолло, салтанат ҳам, фуқаро ҳам сизни унутмагай. Эндилик-

да шаҳарда ҳар турли миш-мишлар таркалиб, сиз, хурматли зотнинг подшоҳга қарши гапларингизни ай-ғокчилар тинмай етказиб турибди. Фуқаро ичида кўп кишилар сизнинг ёнингизда туриб, салтанатга кўз олайтирмоқдалар. Сиз устодга яна бирон шикаст ет-маслигини ўйлаб, Хуросондан чиқиб кетишингизни маслаҳат кўрамиз.

— Мен ўзим ҳам шу фикрга келган эдим, — деди Меъмор — мен энди «шубҳали» одамман.

— Хурматли Меъмор, иложсизликдан бу фикрга келдик.

Меъмор ўйланиб қолди, ҳа, демак... Хуросондан чиқиб кетмоқ лозим.

— Мен қаёққа кетай?

— Ҳажга, Маккаю Мадинага. Мана ақча, — Мир-зо чўнтагидан тилло тангалар тўлдирилган халтачани чиқариб дастурхон четига қўйди. У яна Меъморга қаради. — Гап-сўзлар бости-бости бўлиб, бу воқеа фуқаро ёдидан кўтарилгач, яна қайтиб келасиз, ўзи-миз сиз жанобни кучоқ очиб кутиб оламиз. Бу ҳам бир тадбир. Мен сиз жанобга яна бир гапни айтиб қўйишим керак. Қораилон изингизга тушган, корфар-мо Чалабий, оғамга кўп ёмон гапларни етказиб, бўхтон тошларини отмоқда. Бундай фитначилар учун қулай фурсат етиб келди. Иккиламчи, равоч сайли вақтида қизингиз ўлдирган кимса тўғрисида ҳам Қораилон хабар топган. Бу маълумотлар бизга етиб келди. Эҳтиёт бўлинг, Меъмор. Қизингизни ўғирлаб кетиш билан сиз жанобга катта ғусса солиш режалари бар-бод бўлганидан ўзлари пушаймон. Қораилон билан ўйнашиб бўлмайди! Амирзодалар орасига нифоқ со-либ, фитна билан не-не кишиларни ёқалаштирадиган ҳам Қораилон! Бепарво бўлиш ғоятда зиён. Қо-раилоннинг майда илонлари ҳам ниҳоятда кўп эканини эшитгандирсиз.

— Низомиддин жангдан қайтиб келгандан сўнг, Фарғона ҳокими Аҳмад Мирзонинг икки вазири сот-қинлик қилиб, баланд мартаба, мол-дунё ниятида Мир-зони тутиб берганликларини айтган эди. Лекин Улуғ-бек Мирзо Фарғонани олганларидан кейин Амирак Аҳмадни Ҳиротга жўнатиб, икки сотқин вазирнинг

бошини кесишга фармон берганлар — сен ўз хокимингга сотқинлик қилдингми, менга ҳам вафо қилмайсан, деганлар. Тўғри қилганлар. Чалабий сотқин шахс, у амирзода Иброҳим Султонга ҳам вафо қилмайди. Бу — аниқ!

— Бу жуда ибратли гап, хурматли Меъмор.

— Мен ўз она юртимга кетаман! Мовароуннахрга! Йигирма йилдан буён Бухорони кўрмадим. Мен ўз тупроғимни соғинганман, шахзода! Ақчаларни олмайман, уй-жойимни сотсам, йўлга етарли пул бўлади.

— Бу сизнинг ўз ихтиёрингизда. Биз бир нима деёлмаймиз. Қайда бўлсангиз ҳам, омон бўлинг, Меъмор. Бу ақчани олинг, у сизнинг ҳаққингиз. Бу ақчани мен бераётирман... Хайр, Меъмор! — Бойсункур Мирзо ўрнидан турди.

Меъмор ҳам ўрнидан туриб, унинг узатган икки кўлини олди-ю, жойидан жилмади.

Мирзо ва мансабдор шахсни Зулфиқору Заврак кўчагача кузатиб, отга миндириб жўнатишди.

Меъмор ҳамма амирзодалар ўғлимнинг қотили деб, қанчалик ёмон кўрмасин, лекин Бойсункурнинг сўзлари ҳақиқат эканини пайқаб турарди.

У шогирдлари ва таниш-билишлари орқали ховли-жойларини сотмоқчи эканини маълум қилди. Харидорлар келиб туришди. Устод Андугоний, йўл учун пул беражаги, уй-жойни сотмай, бирон йил Бухорога бориб туришини, қайтиб келганидан кейин яна бунда яшайверишини маслаҳат қилди. Меъмор унамади. Заврак билан Зулфиқор ҳамма вақт ёнида бўлишини айтиб, Бухорога жўнашини маъқул кўришди. Шогирдларининг бу садоқати Меъморга қувват бағишлади: «сизлар Низомиддин ўрнига Низомиддинимсиз», деди.

У шошиб-пишиб арзон-гаровга ховли-жойини сотди, мол-мулкини ҳам... Ундан сўнг шогирдлари билан бирга қарвонсаройга бориб, Бухорога жўнайдиган қарвонин излаб уч кун муддат ичида ҳамма ишларини саранжом этиб, йўлга чиқишажагини айтишди. Тез ва бехатар Бухорога етказиб қўйишлари учун сарбонга катта пул ваъда қилишди. Амирзода хабар қилганидек Қораилон изига тушгани, у касофатлар

иккинчи фарзанди — Бадиага бирон шикаст етказ-масликлари учун у тезроқ жўнаш пайига тушди.

Меъморнинг карвонсаройга қатнаб юрганини Аҳмад Чалабий сизди. У, яқин келмай, наридан юзини тескари қилиб ўтиб кетарди. Уни карвонсаройда кўриб Меъмор билан шогирдлари таажжубланишди. Зулфиқорнинг ранги ўчиб айтишича, пешанасини танғиб олган яна бир совуқ кимса ҳам улар атрофида айла-нишаётган эмиш — бу кимса ўлган қароқчининг ош-насига жуда ўхшаб кетар экан. Бадианинг масла-хати билан Зулфиқор билан Заврак бозордан ўзлари-га ўткир пичоғу шоп сотиб олишди. Олис йўлга чиқ-қанда ёнда яроқ бўлмағи бало-қазони даф этармиш. Бу Бадианинг ҳар эҳтимолга қарши тадбир-чораси эди. Йигитларнинг яроғ сотиб олишаётганини ҳам қандайдир нотаниш кимсалар кузатаётганини сезиш-ди. Қораилон номини эшитган Меъмор ўғли ишида унинг қонли панжаси борлигини билди. Бу дахшатли қўл қизи ва хотини бахтини қаро қилмаслиги, ўзи-нинг бўйнидан бўғиб ўлдирмаслиги учун у иккилан-май тезда Хуросондан чиқиб кетишга қарор қилди. Уки, кўз тиккан бўлса, Бадианинг яроғга куч бериши ҳам бефойда, деди Меъмор ўзига ўзи.

Шу кунлари уста Ҳасанбек билан уста Ҳусайн-беклар келиб, Меъморга ҳамдардлик изҳор этишди. У билан хайрлашишди, мадрасанинг битиши тўй эмас, азага айлангани — Шодмонбек билан Низомиддин-нинг ўлими юрагимизни узди, дейишди. Кундан-кунга замон оғирлашиб, Меъмору банно¹, нажжору мухан-дис, кулолу, наққошу сангтарошлар ахволи ёмон бўлиб, мансабдорлар иши йирик бўлаётганини ай-тишди. Кебакхон, Қозонхонлар даврида ҳам бунчалик ахли хунар завол кўрмаган эди, дейишди. Ўз отала-рининг «Дил ба ёру даст ба қор» деганларига ҳам амал қилмаётирлар, деди усталар. Меъморнинг «кўчиб кетаётганини» эшитган кулоллар: Абутолиб ўғли Абу-али билан келиб, жуда ачинишди — ўзлари томони-дан бирон ёрдам керак бўлса жони диллари билан беришга тайёр эканликларини айтишди. Меъмор ак-

¹ Б а н н о — устод.

синча ҳеч кимдан ҳеч нима сўрамади, ғариб кулолларга ўзининг баъзи ўлчов асбоблари, уй жиҳозларидан берди. Амирзода инъом этган заррин тўнни ҳам кулол устига ёпди. Унинг, олмайман, деганига ҳам унамади. «Ҳар замон-ҳар замонда Ихтиёриддин қалъасига бориб ўғлимга дуо ўқиб кўйинг, — деб илтимос қилди. — Уни қалъа ичида ўлдирдилар, шу атрофга кўмганларини ҳам билдим. Демак, унинг қабри шу атрофда», — деди кўзига ёш олиб Меъмор.

— Кулол, сиздан бир нарса сўрайман, — деди Меъмор энги билан кўз ёшини артиб.

— Сўранг, устод!

— Иккита хумча. Йўл узок, кумлик кўп, сув олиб кажавага ташлаб кўямиз.

— Яхши хумчаларим бор, сирлангани ҳам, сирланмагани ҳам, устод, ҳозир олиб келамиз.

Кечга яқин Меъмор ховлисига устод Қавом, Мутриб¹ Хожа Юсуф Андугоний, Табризий, мавлоно хофиз Абрў, мавлоно Лутфулло Шоший, Қутбиддин Самарқандий, уста Ҳожи Муҳаммад, Асадулло Машхадий ва яна бир неча тарроҳу, меъмору хаттотлар кириб келишди.

Улар олдида Меъмор кўзига ёш олмади, фақат фалакнинг гардиши — ўз қисматининг аччиқ эканини айтди, холос. Қора кийиниб олган Бадиа мехмонларга чой-нон кўйиб, сиполик билан хизмат қиларди. Отаси билан бирга келган Худододбек ҳам тез-тез Бадиага кўз ташлар, буни Бадиа сезиб турарди. У, ховлида турган Зулфиқор билан Завракка бек ўзидан кўз узмаётганини, бир гапи борга ўхшаётганини билдирди. Орадан кўп ўтмай, гўё бу хайрлашувдан ташвишлангандай, Худододбек катталар ёнида ўтиришдан зерикиб, ховлига чикди. У Бадиа билан қамти келиб, гўё яқин қариндошлардек бошга тушган ғуссага ачиниб, қизга мурувват қилмоқчи бўлди.

— Бизнинг ховлимизда, синглим ёнида қолинг. Отангиз бир муддатга Бухорога бориб турадилар. Яна бунда қайтиб келадилар...

¹ М у т р и б — созанда.

— Нега яна қайтиб келишлари керак?

— Бу бир сиёсат. Жанжаллар тинчигандан кейин пойтахтга қайтиб келмай, унда нима қиладилар. Мейморлар бунда бўлмоғи керак.

— Менимча, олиму фозиллар Самарқанду Бухорода бўлишлари керак. Албатта, у чинакам олиму эркпарвар инсон бўлса. Хуросон олимлар учун зиндон!

— Сиз, жаҳл устида гапирмоқдасиз, мен буни тушунаман.

— Бу гапни бутун Ҳирот аҳлидан эшитасиз, унда хаммани тушунишингиз керак. Сиз мени ўз синглингиз ёнида олиб қолмоқчисиз? Шу гап чинданми?

— Ҳа, бекам, чиндан. Онам ҳам шу фикрдалар.

— Мен қолсам, подшони ўлдираман. Бу аниқ! Аҳмад Лур пичоқни яхши уролмаган... хомлик қилган. Мен билиб ураман. Бу гапга онангиз нима деркинлар?

Худододбек миқ этмади.

— Иш шунақа бек! — деди Бадиа «бўлғуси куёв»нинг кўзларига тик қараб. — Сиз бунақа ёмон қизни нима қиласиз! Сизнинг мулойим, одоблик синглингизни ҳам йўлдан оздиришим мумкин. Сиз ўзингиз ҳам нотинч бўласиз. Рози-ризолик сўраладиган бир пайтда, ҳурматли бек, сиз мени синглингиз ёнида олиб қолиб, кўнглингиз борлигини айтмоқчисиз. Кечикдингиз, бек! Ота-оналаримизнинг «аҳду паймонлари» бир рўёдек ўтиб кетди. Гап бошқа, иш бошқа. Оғамнинг ўлими юрагимни парчалаяпти. Лекин Ҳиротдан чиқиб кетаётганимизга жуда хурсандман.

— Тақдирнинг бундай бўлишини ким билибди. Хайр, бекам!

— Хайр! — Бадиа онасини ёнига кириб кетди. Мана шу бир лаҳзалик суҳбатда неча йиллик бордикдилар тугади. Бадиа жўрттага бор гапларни унга маълум қилди, бу хунгазор, чапани йигит Бухорога ҳам келиб юрмасин, деб ипни узди.

Эртасига ҳамма нарса тайёр бўлиб, юклар, бўҳчалар тугилиб, йўлга ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда яна Ғаввос Муҳамад ховлида пайдо бўлди. У эсанкираган, талвасада. Устоддан ажралиб, бу ерда қолмаслигини, устод қаёққа борса шу ёққа кетажagini бил-

дирди. Бу гап Зулфикор билан Завракка ёқмай, энса-си котди. Бадиага ҳам... Лекин Маъсума бека ўртага тушиб, «уришманглар, бир-бирларингизга қаттиқ га-пирманглар, ўзимизники ўзимизга етади. Фаввос Му-хаммад устоднинг ёмон шогирди эмас, майли, биз билан кетса кетаверсин. Шундоқ ёмон кунда биз би-лан бирга бўлган ҳар қандай одамни кадрлаш керак, кўкрагидан итармоқ яхши эмас», деди.

Эртасига эрта билан Меъморнинг Хуросондан чи-киб кетаётганини эшитган Жўржий ўғли билан устод ховлисига келиб қуруту пишлок тўлдирилган чарм қопчани беришди.

— Муҳтарам зот, сизга ҳамдардлигимни изҳор қиламан, — деди Жўржий йўғон овозда, — шаҳардан чикиб кетаётганингизни эшитиб, яна ҳам қайғурдим. Сиз билан бизнинг қисматимиз жуда ўхшаш... Сиз — меъморсиз, мадрасаю минора қурдингиз, мен — тош-қалъалар қурганман. Касбим мени бу ерларга етакла-ди. Маккага жўнаётган эмишсиз?

— Йўқ, азизим, ҳажга эмас, ўз она шаҳрим — Бухороийи шарифга!

— Унда аламингиз анча енгил тортибди. Фарзан-дингизни йўқотсангиз ҳам, юртингизни топяпсиз. Сиз хали ҳам менчалик бебахт эмассиз, Меъмор, — деди уста Жўржий — мана шу нарса ичидаги пишлогу қурут йўлда керак бўлади. Аммо мана шу чарм қоп-чада хислат кўп. Мени Қазбек тоғи этақларида, Те-рек ва Кура дарёлари сохиллари, ундан сўнг Ҳазар денгизидан ўтиб, қумликлардан пиёда ҳайдаб келиш-ди. Шу узок йўлда мана шу чарм қопча бирга бўлган — хўрак тоза туради, сув ҳам солсангиз оқмайди, шуни олинг. Бу диёрларга келиб топган яккаю ягона кадр-дон дўстим сиз эдингиз, — у кўзига ёш олди.

— Ташаккур, уста Жўржий!

— Сиз кетганингиздан кейин менинг ҳолим нима бўлади! Ҳам ватандан, ҳам дўстдан жудо...

— Азизим, сизга ҳам нажот тегиб, ўз туғилган юртингизга боринг, қариндош-уруғлар жамолини кўринг, илоҳо омин!

— Айтганингиз келсин! — Жўржий унча қовуш-маса ҳам ўз дини таомилини қилди.

Улар алламаҳалгача гаплашиб ўтиришди. Бунчалик содиқ дўстлар камдан-кам бўларди.

Меъмор хотини ва қизининг бир неча бор такрорий уқтиришлари натижасида пулни аччиқ чайнаб, уч соябон арава, олти отни кирага олиб, катта қарвон кетидан юришни ва йўлда сарбондан ташқари бир қадар мустақилроқ бўлишни гаплашишди. Қирақашларга икки баробар ортиқ ҳақ тўланиб, йўлни яхши биладиган одам танланди. Тўғрироғи, забардаст бир аравакаш келиб, ўзи олиб боражагини билдирди. Бу тадбир, Меъморнинг йўлга чиқишидан икки кун аввал Бойсункур Мирзо ўзининг ишончли кишиси орқали «Меъмор Хуросондан чиқиб кетишда катта йўл — Қалъайи Нав, Боло Мурғоб, Шибирғон, Балх... орқали эмас, бошқа йўлдан юрсинлар», деган гапи туфайли бўлди. «Бошқа йўл»ни ўзлари биладилар, дебди. Бойсункур Мирзонинг маҳрами эшикка «тиланчи» қиёфасида келиб, бу гапни фақат Меъморнинг қулоғига айтиб, ғойиб бўлди. Гапнинг исботи тариқасида амирзода ўзининг тилло нигинини бериб юборибди. Бу узукни Меъмор яхши танирди...

Меъморнинг ғоятда боши қотди: ўғлини ўлдирсалар ва яна бунинг устига ўзини ҳам. Бу қандай таъқиб! Гуноҳи нима?! Кўз олдида ҳамма номдор шахслар кўрқадиган даҳшатли Қораилон пайдо бўлди. Бу Қораилоннинг қўли етмаган жой йўқ экан-да! Ундан кўра подшонинг ўрнига подшо бўла қолса бўлмайди-ми! Амирзодаларгача ундан кўркса! Илғари Муҳаммад Арғун дейиларди, у ўзининг ойболтаси билан Қораилон олдида ҳеч гап бўлмай қолди! Қораилон мўғуллардан кўра ҳам кўп хунрезлик қилмоқда; ҳатто Мункахон Угэдэй бошини кесганда ҳам очиқ кесган. Нахотки, Шохруҳ Мирзо сиёсатни шунчалик қаттиқ қилиб қўйди экан! Ҳар бир одамнинг орқасида ханжар ушлаган бир қўл турганга ўхшайди. Амир Темур кўп вақт жангу жадал, юришларда бўларди. У замонда ўлганлар жангда ўларди. Аммо Шохруҳ замонида юриш йўғу фуқаро орасида ўлим ғоятда кўп. Қандай оғир кунлар келди! Эртага у диққинафас, рутубатли Ҳиротдан чиқиб кетади, шу йўсин билан бир йўла у беадад ғаму ғуссадан ҳам қутулади!

Кутулади?

Йўқ! Бунда унинг кўз қорачиғи — фарзанди ер тишлаб ётибди, не-не умиду орзуларга юраги тўла, кувноқ ва баҳодир Низомиддини етдим деганда йикилиб, унинг бўйнига сиртлонлар арғамчи солиб бўғиб ўлдиришди. Уни «бухоролик» деб камситишди, шубҳаланишди, шунча садоқатию жонини тикиб жанг қилганига ҳам қарамай, ўлдиришди. У наҳотки тожу тахт душмани бўлса!

Хувиллаган, бўм-бўш ҳовли...

Бундаги ҳар бир устун, ҳар бир гишт энди бегона, бировники.

Ховлига шони ғарибон чўқди... уч шогирд ташқарида курук бўш хонада шумшайиб ўтиришарди — бу хонаю ховлилар энди улар учун ёт. Ичкари ховлида кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди; ўртада устига эскигина дастурхон ёпилган курси, курси устида нон, қанд-курс, чой...

Меъмор кўзлари бир нуқтага қадалган, ҳақоратланиб, «жамият дарёсининг тўлқинлари уни бир хасдек итқитиб қирғоққа чиқарди, энди у тўлқинларда сузолмайди, у ҳеч кимсага керак эмас». Фусса чекаётган устод хаёлан ўтмиш кўчаларида саргардон кезарди; қани энди, у ҳам Моний, Зардушти, Маздак, Муқанна каби истибдодга қарши борсаю тожу тахтни кунпаякун қилиб ташласа! Баъзи ҳукмдорлар Мусайлима¹ қабиласига ўхшайди. Улар хурмо данагидан санам ясадилар, оч қолгач, ўз худоларини чақиб едилар... Мен ҳам, Табризий ҳам, Қавом ҳам хурмо данаги эдик, аввал бизга сифиндилар, қалъалар қуриб бердик. Энди улар оч қолган эдиларки, бизни битта-битта чақиб емоқдалар. Қутайба ибн Муслим ал Бохилий ўн икки минг қорамол терисига олтин билан ёзилган «Авесто»ни мажусийлар китоби, деб ёқиб юборди. Бундан ортиқ ваҳшийлик борми! Ҳали бу Иброҳим Султон мингларча бухорийларни ёқади. Абу Райҳон Беруний айтганларидек, меҳнатсиз шухрат қозонган одам улуғлик кийимида ҳам яланғочдир. Мен кекса дарахт, эгилиш, юмшоқлик даврларим ўтиб кет-

¹ Берунийнинг «Осор-ул бокия» асаридан Мусайлима хикояси.

ди, қаттиқ ва мўрт бўлиб қолдим. Энди қуришим заруратдир.

Ярим кечада Меъмор кўчага чиқиб кетди. Бу пайт Маъсума бека билан Бадиа қаттиқ ухлаб ётишган эди. Меъмор сарпойчан аввал тўппа-тўғри Пули Молонга бориб, баландликдан шаҳарга қаради; тун, фақат юлдуз тўла осмоннинг ғарби-жануб томонида тўлин ой ярқираб турарди. У шунча нур сочгани билан ҳам шаҳарни мунаввар қилолмасди — офтоб бўлолмасди. Унинг назарида бутун Ҳирот қора ридога ўралиб, мотам тутаётгандай. Аммо хув ана, баландликда — сарой ичидаги қасрларда ҳокимлар базм қуриб, ҳозир сархуш, ухлаб ётибди. Улар юмшоқ шоҳи кўрпаларда ағанаб, пишиллаб, бамайлихотир ухлашмоқда. Ташқарида, деворлар остида, дарвозаларда яроғ ушлаб посбонлар мижжа қокмай уларни қўриқламоқда.

Меъмор кўзларини уқалаб, шаҳарга яхшироқ, жонжаҳди билан тикилди. Кўчаларни, томларни, расталарни, каппон, карвонсаройларни кўрмоқчи бўлар, ҳаммаси тун кучоғида. Фақат унда-бунда чироқ милтилларди. Лекин мис баркашдек бўлиб, атрофида улкан нурли доира ясаб турган ой нурларида гала миноралар, Мусалло, Гавҳаршод бегим, Мирзо мадрасаларининг кошинлари ярқираб кўриниб турарди. Меъмор кўприк устидан тушиб, ўша томонга юрди. Унинг кўлида ҳасса, яланғоч оёғида кавуш, ёқалари очик, тунги шамол чанг кўтариб, унинг юзига урар, у ҳеч нарсага эътибор бермай минораю мадрасалар томон юрарди. Мири шаҳид мақбарасидан ўтиб, қалъага яқинлашишда бир йўловчи қамти келиб, жадал келаятган чолга шубҳаланиб тикилди. Кейин ўз йўлида давом этди. Нарироқда қувлашиб юрган итлар ҳам бир лаҳза унга тикилиб, вовиллашишди-да, яна жим бўлишди. Қалъа девори тепасида юрган навқар ҳам ярим тунда сарпойчан, бош яланг кетаётган кекса одамга қараб таажжубланди: у девона ёки телватезак касалига мубтало одам бўлса керак, деди ўзига ўзи. Меъмор ҳеч нарсага эътибор бермас, у шу юрганича тўппа-тўғри осмонўпар гала миноралар тагига бориб, аллақандай бир минора пойдеворини кучоқлади: хози-

роқ уни ердан суғуриб олиб, отиб юбормоқчидек бўларди. Унинг кулочи ҳеч қаёққа етмас; у коматини ёзиб деворга ёпишиб ётган кўршапалакка ўхшарди. Шу атрофда юрган кишилар кун бўйи Бозори Қандахорда юрадиган Мажнун-девона бу ерга келиб қолибди хаёл қилишди. Аммо ўша Мажнун-девона шу ерда, мусалло ёнидаги эски мадраса жиловхонасида ухламай ётарди. Ойдинда минорага ёпишаётган одамга узоқдан бошини кўтариб қараб, бу ғайри табиий ҳолга тушунолмай у ўрnidан турди. Бир «девона» бу томонга келиб қолибди деб, иштончан ҳингиллаб кулиб Меъмор ёнига келди-да, уни масхара қила бошлади. Меъмор унга ялт этиб қараб Мажнун-девона эканини билди. Минорадан кулочини олиб, Мусалло томон юрди. Гавхаршод бегим мадрасаси ёнига келиб, «гулдаста»га қаради; зангори кошинлар ой нурида ярқираб турарди. Ундан сўнг яна жадал юриб, ўзи қураётган мадрасага келди. Қирқ кадамча наридан туриб, мадраса дарвозаси, пештоки, равоқига тикилди; яшил ва лажувард кошинлар; қанос, помоялар ярқираб турарди. У мадрасага яқин бориб, дарвоза ёнидаги помоя кошинларини пешмати этаклари билан артди. Унинг назарида девордаги чанг босган кошинлар яна ҳам ялтираб, жилва соча бошлади. У мадрасага бошдан-оёқ тикилди; бориб деворга пешонасини суртди, кучоқлади. Меъморнинг орқасидан кузатиб, таъқиб этиб юрган Мажнун-девона ҳайрон бўлиб куларди. Шу атрофдан ўтиб кетаётган тунги йўловчилар ҳам янги солинаётган мадраса деворини кучоқлаб, ёпишиб ётган одамга ҳайрон бўлишарди. Эллик кадамча нарида чўққайиб ўтирган Мажнун-девона йўловчиларга уни кўрсатиб, масхара қилиб куларди. Меъмор тамоман бепарво, ҳеч ким билан иши йўқ эди. Ухлаб қолган миршаб ҳам негадир уйғониб кетиб, яна шақилдоғини шақиллата бошлади. Асли навқар бўлган бу сарбаст, новча одам ўзига жуда таниш Мажнун-девонанинг хиринглашини эшитиб, унга яқин келди-да, мадраса деворини ўпиб, бошини сурқаб, кулоч ёзиб кучоқлаб турган кекса одамни кўрди. У яқинроқ келиб, бу — меъмор Нажмиддин Бухорий ҳазратлари эканини кўриб ҳайратга тушди. «Бечора ўғлининг қатли-

дан кейин девона бўлиб қолибди», хаёл қилди. У жуда ачиниб, унга яқин бориб, аста гапирди:

— Ассалому алайкум! Муҳтарам зот, шамоллаб қолмайсизми?

Меъмор ялт этиб қоровулга қаради. Лекин деворга ёпишган қулочини олмади:

— Ваалайкум ассалом!

— Ҳурматли Меъмор ҳазратлари, бу ерда шамоллаб қолмайсизми, деяпман.

— Йўқ, шамоллаб қолмайман.

— Мана бу ерда менинг кулбам, қумфонда чой қайнаб турибди, марҳамат қилинг.

— Йўқ, азизим. Мен чой ичганман. Ташаккур!

«Ана айтмадимми, у бормади. У — жинни!» деди тиззасига уриб хингиллаб Мажнун-девона. Қоровул Меъмордан узоқлашиб, индамай четда турди. Негадир, «Меъмор жинни бўлиб қолибди», деган фикрни тасдиқлагандай, бунга у ишонди. Дарҳол унинг ёнига Мажнун-девона ҳам келиб, улар иккови нарироқдан туриб «жинни меъмор»ни кузатишарди. Меъмор бўлса мадрасанинг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ўтиб, пештоқу гулчамбарларга, равоқу кунгураларга тикиларди. Яна қайтиб келиб, кошин ёпиштирилган деворни кучоқларди.

Бир муддатдан сўнг у бояги қоровул турибди, хаёл қилиб яна ёнига қаради.

— Қоровул! Азизим!

— Мен бу ёқдаман, Меъмор ҳазратлари, — деди югуриб келиб қоровул.

— Бу мадрасага ўзингиз қараб турасиз-а?

— Албатта!

— Кошинларни чанг босмасин. Талабалар атрофини озода сақласинлар.

— Хўп бўлади.

— Яхши қараб тураман, деб айтинг, азизим! Мен кетмоқдаман.

— Яхши қараб тураман...

— Мадрасани сизга топширдим, сизни худога...

Хайр, иним.

— Хайр, саломат бўлинг, Меъмор ҳазратлари!

Меъмор мадраса ёнидан узоқлашиб, ўз ховлиси

томон кетди. Мажнун-девона бўлса қорама-қора уни таъқиб этиб, эшигигача келди-да, Меъмор ичкарига кириб кетгач, яна орқасига — Мусаллою гала миоралар томон жўнади. У хайрон, ҳеч нарсага тушунмасди, ўзини бу дунёда яккаю ягона девона деб ўйларди. Нахотки, яна битта девона пайдо бўлган бўлса?! Искандар ҳам битта, Темур ҳам битта, Доро ҳам битта, худо ҳам битта, Мажнун-девона ҳам битта! Нахотки, бу дунёда яна бир девона пайдо бўлган бўлса?!

У хайрон эди.

Эртасига у Бозори Қандаҳорга тушиб, расталарни айланди, аммо кечаги девонани учратмади...

XXIII б о б

ҲАЙДАЛИШ

Шу гуссали кунларнинг бирида, эрта тонг қоронғисида меъмор Нажмиддин Бухорий эшиги олдига уч арава келиб тўхтади. Аравалар янги, гупчак ўқлари обдан яхшилаб мойланган, харсанг ётқизилган кўчада гумбурлаб юришидан узоқ сафарга тайёрланганлиги сезилиб турарди. Уларнинг бири очик, юкка мўлжалланиб, иккинчиси соябонли. Аравакаш — кифтлари кенг, ўрта яшар, забардаст бир одам эди. Унга шу даражада пул ваъда этилган эдики, бу пулга яна уч арава сотиб олиши мумкин эди. Аравакаш бу гапни эшитиб негадир кулиб кўйган эди. У катта карвонга уланиб йўлга чикса ҳам, кира қилганларнинг хоҳишлари билан карвондан ажралиши ва хоҳлаган жойда тўхтаб дам олишлари, ҳатто қолиб кетишлари ҳам мумкин эди. Учинчи, усти очик аравага юклар ортилди. Бу юк кийим-кечаклар... унинг, ҳам учдан икки қисми меъморлик анжомлари, китоблар, қурилиш-ўлчов асбоблари, тешаю курак ва кетмонлар билан тўлган эди. Биринчи аравага Меъмор оила аъзолари билан чиқиб, иккинчи ва учинчи араваларда Зулфикор, Заврак, Фаввослар ўтириши керак эди.

Бадиа яна эркакча кийинди: оёғида акасининг этиги, кўнжида икки ханжар, бошида тоқия устидан чиройли қилиб салла ўраб олган. У ўзини, ота-онасини, шогирд оғаларини «ноғихоний бало-қазодан» сақлаб қоладиган ҳамма чораларни аввалдан ўйлаб олган; дори-дармонлардан тортиб, то заҳаргача, бодом ёғи, жавза қай, илон чаққанда суркайдиган малҳамларгача тахт қилиб қўйган эди... Бадианинг яна «баҳодир» бўлиб юриши Зулфиқор билан Завракнинг юрагига гулгула солди. Равоч сайлида бўлган воқеа яна такрорланадигандек. Ишқилиб, «бека қиз овга чиқар, кетидан ғовға чиқар...» бўлмасин-да! Ўзининг айтишича, боло мурғоблик аравакаш юк олиб чиқиш учун ховлига кириб кетганида дастурхонга ўроғлик икки қилични Бадиа Зулфиқорнинг қўлига берди. «Бири — сизники, иккинчиси — Заврак оғамга. Аравага беркитиб қўйинглар. Ғаввос оғага ойболта билан пичоқ бердим...» Саркарданинг гапини икки қилиб бўлмагандай, Зулфиқор билан Заврак Бадиага итоат этишиб, буйруғини бажаришди. Бадианинг йигитона кийиниб юрганини қўшнилар ҳам кўриб таажжубланишгани йўқ, чунки бу шаддод қиздан ҳайиқишар ва бу ўрганиш бўлиб қолган эди. Уни гап билан енгиб бўлмаганидан ташқари, у қилиб юрган ишидан қулиб, масхаралашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Чунки Бадианинг баъзан серзарда, баъзан кўнгилчанлиги, қўлидан келган ҳамма яхшиликни, нимаики иш қилса одамлар хурсанд бўлишини ўйлаши, сахийлиги биронта кишини бу кизга ўқрайиб қарашга йўл қўймасди. Унинг қилиқлари ўзига ярашар ва хатто дугоналари ҳам ҳасадини мутлақо яширишарди. Бу бўйсунмас, ёввойи қушни қўлга ўргатиш ҳамма йигитларнинг ҳам қўлидан келавермаслигини билишарди. Бадиа акаси Низомиддиннинг Фарғона жангига осиб борган қизил ғилофлик қиличини биринчи аравага олиб чиқиб, соябон миҳига ошқора илиб қўйди. «Тиштирноғигача қуролланган» Бадиа билан ҳозир ҳазиллашиш асло мумкин эмас, у ҳозир ўзида йўқ, қандайдир қонли тўқнашувлар муқаррарлигига ишониб, ўзини тайёрлаётганини сезиб туришарди. Бу ғайри табиийликни Зулфиқор билан Заврак қиз феълидаги ўзига

хослик деб тушунишарди. Лекин аслида у «тиланчи» қиёфасида келиб, отасининг қулоғига шивирлаб кетган Бойсункур Мирзо кишисидан хабардор эди. У кимса Меъморга яна: «Сизларнинг араваларингиздан унча узоқ бўлмаган масофада ўн чоғлик отлик «жайрон ови» баҳонаси билан юради, уларнинг қўлларида камон бўлиб, бошларига салла танғиган. Бу навқарлар Мирзонинг одамлари, сизлар то Майманадан ўтиб, Шибирғонга етгунча кузатиб, ихота қилиб боради. Улардан чўчиманглар, улар билан асло гаплашиб мулоқотда ҳам бўлманглар», дебди. Бу гап ҳам Бадиага маълум бўлиб, Мирзо Мурғоб, Пули Сангин, Чоржў Фороб йўлини тавсия этмаяпти. Бухорога энг яқин йўл шу бўлгани билан у ғоятда хавfli эди. Маймана, Андхуд, Қизкудук йўли бир хафта узоқлиги бўлгани билан бир қадар хавфсиз эди.

Мирзонинг бу тадбирига Бадиа ишонмади; ҳам қотиллик, ҳам шафқат... Захар билан асал ёнма-ён! Нахотки «асал» ейишаётган бўлса? Захар ва асал бир-бирига қўшила олмайди. Бу гап саройнинг одатдаги оддий макри, биз, фуқаро тушунмаймиз, соддадиллик қилиб, нобуд бўламиз. Бу макру хийлалар амирзодалар ўртасидаги оддий бир ўйин...

Чарчаган, ковоклари салқиб, мудраб ўрнидан турган Меъмор кизининг гапларини тасдиқлади.

— Дарҳақиқат, саройдаги икки амирзоданинг бири бири билан олишуви — фуқаронинг шўри! Бу олишув, тахту тож талашувларидан фақат фуқаро азоб чекади. Лекин мен Мирзо сўзига амал қиламан, унинг гапида ҳақиқат борлигига дилим ишониб турибди, — деди Меъмор.

Дарҳақиқат, Қораилон томонидан Иброҳим Султонга етган маълумотга қараганда, Бухорога чоршанба кuni олдинма-кейин икки катта карвон жўнаши, биринчи карвон охирига Хиротдан кўчиб кетаётган Меъморнинг уч араваси ҳам қўшилажагини, бу карвонлар қисқа кум йўли — Мурғоб, Пули Сангин ва Фороб орқали Бухорога кириши маълум бўлганини хабар қилган эди. Иброҳим Султон Қораилон қулоғига шивирлаб, хуфия топшириқни маълум қилди. Қораилон ўн чоғлик каллакесар сарбози билан бир кун

ўтгач карвонлар ортидан бориб, Мурғоб дарёси бўйида: «қароқчилар молини талаб, бошини чопиб кетибди...» деган хабар Иброҳим Султон қулоғига етиши кераклигини тайинлаб, тахт қилиб қўйган эди. Бу каллакесарлар орасида Бадианинг кушандаси, қизил чопонлик галварс ҳам қасос оламан, деб пайт пойлаб юрарди...

Ҳамма нарсаларни ташиб олиб чиқилгач, дарвоза ёнида кўни-кўшнилари, ҳовлисини сотиб олган одам билан хайрлашаётган Меъмор бир муддатдан сўнг улар орасидан ажралиб чиқди. Аравакашни бир чеккага олиб бориб, паст овозда унга мурожаат этди:

— Бояги мен айтган гапларга қандай қарайсиз?

— Маъкул, — деди аравакаш ҳамма гапга тушунгандай, — ҳамонки, шундай шубҳа бор экан, мен сарбонга озгина ақча бериб, сизлардан беш ёки олти фарсанг олдин юраман, аравам нобоп, дейман. Сарбонга тилло танга бўлса бас. Сизлар карвонсаройдан чиқаётганларингизда биз Қалъайи Мордан ўтиб, Пули Сангин томонга кетаётган бўламиз. Мабодо арава ишдан чиқса, сизлар етиб оласиз дейман...

— Балли!

— Аммо биз Боло Мурғоб — Маймана йўлида кетаётган бўламиз.

— Балли!

— Оби Қайсар, Андхудга етиб олсак, у томони бежавф. Устод, уч кечаю уч кундуз қийналамиз. Хурросондан чиқиб, Жайхунга яқинлашдик, демак, хавф йўқолади. Сиз, жаноб айтганингиздек, биз ҳозироқ карвонсаройга киришимиз билан мен сарбонга йўликаман. Иншоолло, ёмон кўзларга панд бериб, омон-эсон Бухорои шарифга кириб борамиз.

— О-омин! — Меъмор билан аравакаш юзларига фотиҳа тортдилар.

Шундан кейин ҳаммалари араваларга чиқишди. Ҳиротнинг харсангтош ётқизилган, айланма кўчасида уч арава гумбурлаб юриб кетди. Дарҳақиқат, карвонсаройга етишгач, аравакаш сакраб отдан тушди-да, кенг ҳовлидаги хужралардан бирига кирди. Эндигина ўрнидан турган қотма, баланд бўйли сарбонга йўлиқиб, саломдан сўнг ҳозироқ йўлга чиқишини, аравада

аёллар борлиги сабабли олдинда юришини, бир кор-
хол бўлса орқада катта карвон борлиги ва унинг
мадади билан шитоб қилиб юрмоғини айтди. Сарбон
тилло тангаларга кўзи тушиши биланок, йўлга кўпроқ
сув олиб: «хайдайвер, Боло Мурғобда учрашиб, кол-
ган гапларни ўша ерда гаплашамиз», — деди. Арава-
каш сарбонга ташаккур айтиб ташқарига чикди.

Фурсатни қўлдан бермай уч аравани катта йўлга
солиб, Боло Мурғоб томон шитоб билан жўнади. Улар
Пули Молондан ўтишганида, эндигина шарқ осмони
ёришаётган эди. Шаҳарнинг ғарби-жануб осмонида
тўлин ой ярқираб турарди. Олдинги арава харсанг
ёткизилган йўлдан тупроқ йўлга ўтиб, қалдираши ту-
гагач, аравакаш орқасига — Меъморга қараб кўйди.

— Иш ўйлаганимиздек бўлди, устод. Сарбон илти-
мосимизга унаб, дадил, қўрқмай бораверинглар, Боло
Мурғобда тунаб, дам оламиз, деди. Агар сиз рози
бўлсангиз, Боло Мурғобга етмай, йўлда дам олиб,
хордиқ чиқарамизда, ундан сўнг Боло Мурғобдан ўтиб,
Маймана сари жўнайвераимиз. Катта карвон бу ерда
тунаб, эртасига Пули Сангин томон юриб, биздан
ажралиб кетади. Улар бизни кум ичида, анча олдин-
да боряпти, хаёл қилади. Майманаю Андхудгача
йўллар жуда яхши, Оби Қайсарни ёқалаб бориш ва
бунинг устига Давлатобод, Чуқургузарларда дам олиб;
керакли нимарсалар сотиб олмоқ ҳам мумкин.

— Балли! — деди Меъмор хушфеъл аравакашга.

Аравакаш сергапроқ экан, бир муддатдан сўнг Меъм-
орга гап котди:

— Мен чарчасам, отга жияним минадилар, —
деди у отаси орқасида ўтирган «йигитча» Бадиага
қайрилиб қараб, — шундокми, жиян? Исмингиз нима?

— Бадиуззамон, — деди Бадиа дархол ё онаси, ё
отаси гапириб қўймасин учун олдини олиб. У овозини
бошқачароқ қилиб чиқарди. Қизнинг шумлик қилаёт-
ганини билиб турган она ҳам, ота ҳам миқ этмади.
Эхтимол, Бухорога етиб олгунча шундай «тадбир»
керакдир. Бадиа бундан бўлак бошқа сўз айтмади.
Аравакаш Меъмор «ўғли»ни камгап, димоғдор фахм-
лаб орқасига қайрилиб яна бир қараб қўйгандек бўл-
ди-ю, аслида кўп нарсадан хабардор эди.

Салтанат таъқиб... хақида ўйлаб келаётган Меъмор hozирги ёшларнинг эҳтиёткор ва пухталигини кўриб таажжубланар, замон шуни такозо килаётир, деб ўйларди. Гап биргина унинг қизида эмас, одамлар шундоқ бўлиб кетганини, ўз манфаати йўлида ҳеч қандай ишдан ҳазар қилмайдиганлар кўпайиб кетаётгани, бунга мансабдорларнинг ўзлари сабабчи эканликларини хаёлидан ўтказарди. Илгариги одамлар анча содда, раҳмдил, мўмин эканини, айниқса, ўзининг тенгдошлари қувлик-шумликлардан узоқ, инсофлик, фариштаси бор одамлар эканини дилидан ўтказди. Ҳозирги ёшлар ичида қиморбозлар, майхўрлар кўпайиб кетаётгани жангу жадалларнинг бир қадар тўхтаб, подшо одамларининг маишату шуҳратга юзтубан кетганликларига сабаб эканини фаҳмлади. Шу боисдан ёлғиз қизию шогирдларини сертантана, сербазм ва фирибгарликлар макони Хуросондан тезроқ олиб чиқиб кетаётганидан бир қадар мамнун эди. Ёш қизининг баъзи «қилиқ»ларидан хафа ҳам бўлмасди. Дунёда яшириниб қоладиган ҳеч сир йўқ, у вақти келиб қачонлардир очилади. Низомиддиннинг Иброҳим Султон томонидан қатл этилиши — бу жиноят бир куни одил бир амирзода Хуросон тахтига ўтиргач, золимни жазолайди, деб ўйларди. Улуғбек Мирзонинг Меъмор хатига жавоб қилмагани, бу «маърифат хомийси, илмпарвар» амирзодадан ҳам ихлосини қайтарди. У болалигида Самарқандда вабо тарқалиб, фуқаро қирилиб кетгани, шаҳарда жуда оз туркий уруғлар қолганини, тоғлардаги зироат билан машғул бўлувчи уруғлар шаҳарга мажбуран кўчириб олиб келингани, ўтроқлаштирилганини эшитган эди. Бу йиллари Меъмор Намозгоҳ маҳалласида истиқомат қиларди.

Икки томон кенг, ясси қирлар. Жимжит дала ўрта-сидаги илон изи йўлда уч арава шитоб билан борарди: тонг ёришгунча улар анча йўл юриб қўйишди. Шу орада ўн чоғлиқ ёш навкарлар белларида шамшир, қўлларида камон, от чоптириб ўтиб кетишди. Орқа аравада келаётган Зулфиқор дархол арава четига, намат остидаги қилични суғуриб олиб, ҳозирлик кўриб турди. Бу ҳолатни сезиб турган олдинги арава-

даги Бадиа Зулфиқорга кафтини кўрсатди, бу «хавф йўқ» ишораси эди. Агар у муштумини кўрсатса «эхтиёт бўлинг» дегани бўларди. Бу имо-ишораларга иккинчи аравада келаётган Ғаввос тушунмай, илжайиб қўйди. Камон ушлаган «овчи» навкарларнинг саркори аравадагиларга тикилиб қараб, олдинги аравада бошини чиқариб қараётган Меъморга салом бериб ўтиб кетди. Ўгли қатлию ундан кейин ҳар хил хатарлар юрагини олиб қўйган Маъсума бекам дам эри, дам аравакашга жавдираб қарарди.

— Мирзо бизни алдамаганига бир белги — мана бу овчи навкарлар, — деди Меъмор ярим овозда қизи билан хотинига. — Мен боя тонг ёришгандан буён камон ушлаган навкарлар кўринармикан, деб атроф-жонибга қараб келаётган эдим.

— Менинг бу гапга ишонгим келмаяпти, — деди Бадиа, — лекин, сипоҳдан ошнанг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин, дейдилар, отажон. Зарур бўлиб қолса, оғамнинг шамшири мана бу ерда! Бу — сизга. Менинг ўз яроғим бор! Анави аравакаш ҳам қараб турмасин, ёнида пичоғи бормикан? Сўраб кўринг! Нонушта қилаётганимизда мана бу чўкморни унга айтиб қўйганимиз маъқул. Бизлар ҳам кам эмасмиз — етти кишимиз. Ойимлардан бошқа ҳамма яхши курулланган.

— Сен нималар деяпсан, қизим, — кўрқиб сўради Маъсума бекам, — бир нарсани сезяпсизларми?

— Ҳеч гап йўқ! Эхтиёт шарт-да. Ахир бизлар — салтанат душманларимиз. Хуросонда бизни ҳар қадамда хавф кутиб турибди. Бизни ҳайдаяптилар! Биз бадарға қилиняпмиз!

— Бу гапинг тўғри эмас! — деди ота. — Биз салтанат душманлари эмасмиз! Шубҳаю бад олиш, ярамас кимсаларнинг фитнаси бизни подшо қаҳрига гирифтор қилди. Бу вақтинча. Албатта ҳақ жойида қарор топади, биз яна юзага чиқамиз. Биз ҳайдалаётганимиз йўқ! Мирзонинг ўзлари ҳажга кетишни таклиф қилдилар, биз бўлсак ўз юртимизга кетишни лозим топдик.

— Ота, содда бўлманг! Сиздек бегуноҳ бир одамнинг бўйнига тавқи лаънат илишди, оғамни ўлдириш

хам, сизни сафдан чиқариш ҳам — бизни душман деб билганидан! Уларнинг ақли ҳамма нарсага етади — ҳамма иш ўйланиб қилиняпти. Содда бўлманг, отажон, улар очикдан-очик душман, бизни йўқ бўлиб кетишимизни истайдилар. Сизни зиндонга ташлаб ёки очикдан-очик ўлдиришга кучлари етмайди. Агар бундай иш қилганларида бутун Хуросон оёкка туради. То қиёмат бу хунрезлик доғини юва олмайдилар. Шу сабабли сизни ҳайдашди. Бошқа одам бўлганида ўлдиришарди. Бойсункур Мирзонинг гапига ишонманг!

— Тилиннга куч берма, қизим! — Меъмор аравакашдан ҳайкиб гапирди.

— Қани энди ўша сарбадорларнинг сардори Мавронозодами, Қалавийми, хуруфийлар сардори Фазлуллоҳми, Хорун бўзчими ҳозир тирик бўлсаю, мени жангга бошласа! Мен оғам шамширини кўтариб, жангга кирардим ва ўз қўлим билан подшоҳнинг бошини узардим! Хуруфийлар, маълум бўлдики, жуда ожиз ва бетадбир. Пичоқ билан подшоҳ ёнига борган Аҳмад Лур, юрагини мўлжаллаб урмайдими! Қорнига урибди-я, нодон!

— Бас қил, бу гапларни! — Маъсума бекам Бадининг оёғини чимчилади. Эшитмади хаёл қилиб, аравакашга ҳам қараб қўйди.

Уч арава далама-дала қир ошиб, тушга яқин Мурғоб дарёси бўйида тушиб овқатланишди. Отларни сугориб, хўрак беришди. Бир муддат хордиқ чиқаришгач, ёнда келаётган уч отни аравага қўшиб, аравадаги отларни ёнга олишди. Яна шитоб билан йўл юришиб, шу юрганча тўхтамай, Боло Мурғоб шаҳрига кириб боришди. Бунда ҳам тўхтамай, Оби Қайсар ёқалаб, Чечекту манзилгоҳидан ҳам ўтиб, қайдасан, Маймана, деб кетаверишди... Кунчиқиш, шарқи-жанубда, ясси қирлар орқасида Банди Туркистон чўққилари кўзга ташланарди. Унинг нариги ёғи — Кўхисиёх ва Кўхисафед, бултур баҳор ойларида бу тоғ этакларида бўлишган эди. Мана энди Кўхисиёх этакларидаги сайиллар орқада қолиб кетди, бир умр энди у томонларни кўришмайди. Хомуш ўтириб, баъзан қизини, баъзан эри, пурғусса Меъморни ичида дуо ўкиб, дам солиб келаётган Маъсума бекам тилга кирди.

— Йигирма йилча муқаддам, Низомиддин бўйим-далигида Бухородан чиқиб кетган эдик. Толлимаржон деган ерда касал бўлиб қолган эдим. Ўша ерга яна қанча бор?

— Хали беш-олти кун юрамиз.

— Шунақа узоқми? Ота томондан тошкандликман, кўп шаҳарларни кўрдигу лекин ўша томонга бормадик. Тошкандни кўргим келади.

— Ғаму саргардонлик сен билан мени жаҳонгашта қилиб юборди, — деди Меъмор хотинига, — Хуросонга келиб, мадрасалар қурганимга ҳам афсусланаман, ҳам фахр этаман. Бу бинолар ичида фуқаро фарзанди маърифат олгани менинг бахтим, аммо бу бинолар султонлар мулки ҳисобланганидан, уларнинг номи билан аталганидан хафа бўламан. Мана, мен энди, дарёйи уммон остидаги чиғаноқдек қопқоғимни ташлаб, кетиб қолдим. Менинг мадрасам ҳам ўша чиғаноқдек минг йилларга етаверади... Султон Санжар Мурғоб дарёсига ғиштин тўғон қурдирганида қир ишлатган. Қир ғоятда мустаҳкам ашё. Янги мадраса пойдеворига қир солганман. Метин бўлиб кетди!..

Боло Мурғобдан ўтишгач, яна бир муддат юришди. Отларнинг обдан чарчаганини сезган аравакаш, Меъморга мурожаат этиб, Мурғоб дарёси шохобчасидан биринчи кечув яқин қолгани, Майманагача яна уч кечув борлигини айтди, агар лозим топилса, ҳозир дам олган маъқул бўларди, деди.

Меъмор маъқул кўрди.

— Сиз сарбон, нима десангиз биз измингиздамиз, иним.

Кечувга яқин ерда тўхташиб, отларни аравадан чиқаришди. Учинчи аравага ортиб олинган бедадан ташлаб, эгар-жабдуқларини, юганларини ечиб қўйишди. Аравадан сакраб тушган Бадиа шағалтошлар устидан ёйилиб, шариллаб оқиб ётган Мурғоб шохобчаси бўйига келди. Кўкдаги ой ҳамма ёқни ёритиб турарди. Ой нурида беором сув тошлардан-тошларга урилиб, шовиллаб оқиб ётибди. У нақадар чиройли. Тунги шабада жонга ором бағишларди. Аммо қандайдир бир кўрқув унинг нигоҳини дарҳол сувдан олиб

атрофга, қирларга йўналтирди. У кечув жойини мўлжаллаб қўйгач, бу атрофда бирон кимса борми, дегандек юриб, кўздан кечириб келди. Шундан сўнг онасини етаклаб, тепалик орқасига олиб кетди. Меъмор билан аравакаш дарёда юз-қўлларини ювиб, таҳорат қилиб, хуфтон намозини ўқишга киришди. Йиқитлар ҳам ювинишиб олиб, отларни суғоришди, ундан сўнг дастурхон ёзиб, нон, қанд-курс қўйишди. Лекин ҳамма чарчаган, кўзларни уйқу босарди. Бир чой қайнагунча дам олишиб, аравакашнинг буйруғи билан шогирдлар ёнда келган уч отни араваларга қўшиб, йўлга тушишди. Кечувдан ўтиш ҳам қийин бўлмади — аравакаш қулай ерини яхши билар экан. Яна ортиқ туриб қолинса уйқу босиб, совиб қолишдан қўрққан аравакаш Майманага етиб олгач, карвонсаройда ухлаб, яшилаб дам оламиз, деди. Маймананинг карвонсаройи жуда қулай, унда кадрдон ошнаси борлигини ҳам айтиб, ҳаммани мамнун қилмоқчи бўлди. Хат-саводи бўлмаган бу одам илм-маърифат кишиларини бениҳоя эҳтиром қилишини Меъмор сезиб турарди. Бундан бир қанча вақт бурун мавлоно Хожа Муҳаммад Мутриб деган зотни Самарқандга кўчириб олиб келганини, у зот ниҳоятда покиза одам эканликларини таъриф қилди. Аравакашнинг билинича, у зот ҳам шоир, ҳам созанда эканлар. Бошига бусса тушиб, Самарқандни паноҳ тортиб, кўчиб келибди. Самарқанд бир шамчиروқ, биз ахли шуаро парвонадек учиб бориб, у чироқ атрофида айланамиз, дебди ўша мавлоно.

— Мавлононинг бу гапида ҳақиқат бор, — деди Меъмор, — аммо Самарқандда ҳам у парвонанинг қаноти куйиб, қулаб тушиши турган гап. Биз ҳам Самарқандга мурожаат этиб нома ёздик, жавоб бўлмади... Шундан сўнг, ўз шаҳримизга кетишни лозим топдик. Қолган кунларимни бир чеккада, узлатда худойи таолога сифиниб, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман. Биз кексаларга энди, шундай қилмоқ фарзу қарз. Дунёнинг аччиқ-чучугини татидик... Мана бу ёшларни йўлга солиб юборгач, ўзим тоат-ибодатда бўламан. Салтанатга яқинлашмайман, мансабдорлардан узок юраман... Подшоҳлар бир аждарки, узокдан кўрмоқ

яхши, аммо ёнида бўлмоқ хавфли, бир сабаб билан комига тортмоғи осон... Бултур Атоулла Шоший, Абдуллох Кўхистоний деган зотлар ҳам Ҳиротдан Самарқандга кўчиб кетишди. Куз ўтиб, қиш келяптими, билмадим-билмадим... тўтию товуслар, кумрию андалиблар иссиқ мамлакатларга қараб учишяпти...

XXIV б о б

АНДХУД ҚАРВОНСАРОЙИДАГИ РҮЁ

Тонг сахарда улар Майманадан беш тош бери Чилтон дара деган манзилга етиб, бир муддат дам олишни лозим топишди. Учинчи аравага қўшилган от чарчаб, орқада қола бошлаган эди. Шарқ осмони аста ёришиб келарди: ҳадемай ўнг томондаги баланд тепалар, ундан наридаги тик қоялар устида офтоб порлайди. Учинчи араванинг оти ўзгартирилди. Меъмор аравадан тушиб, бир муддат бўлса ҳам майса устига ёнбошлади. Шогирдлари келишиб унинг ахволини сўрашди. Меъмор иккинчи кечувдан ўтишда шағал йўлда бир оз кўнгли беҳузур бўлганини, лекин бу ҳол тезда ўтиб кетажагини айтди. Бадиа билан Маъсума бека ҳам келиб ўтирди. Шу лахза Бадиа яна ўрнидан туриб, аравадаги хумчадан ним коса шарбат олиб келди.

— Кўнглингиз равшан бўлади, ичинг!

Меъмор бош чайқади.

— Ким истайди, марҳамат!

Ўтирганлар ҳам бош чайқашди. Ҳеч ким истамаётганини сезган Бадиа ўзи симириб, кейин отаси ёнига келиб ўтирди. Меъмор кун чиқиш томондаги баланд ва қўнғир қояларга тикиларди. Битта-яримта учиб ўтаётган қушларга ҳам қараб қоларди.

— Бир нимани сезяпсизларми? — деди Меъмор ўзининг беҳол бўлиб турганидан ташвишланаётган шогирдларига, — мен боядан бери бир нарсани кузатиб ётибман. Қаранглар, кичик қушлар ҳам, арилар билан чивинлар ҳам бир томонга, хув, анави тик қоялар орасига учишяпти.

Шогирдлар тепадан, кулоқлари ёнидан ҳар замон гингиллаб учиб ўтаётган асалариларни кузатишди.

— Агарда шу қоя атрофига яна ҳам яқинроқ бориб қарасақ, чивинларнинг бир томонга учаётганини кўрамыз.

— Бу нима, устод? — сўради Зулфиқор.

— Бу, менимча, мўмиё. Мана шу тоғ бағрида, бирон ерда мўмиё бор. Бу тахмин, албатта. Эрта билан чивину қушчаларнинг бир томонга учиши шундан далолат бериб турибди. Мўмиёйи асил изловчилар эрта билан худди шундай тоғ этакларида, дараларда ётишиб, чивинларнинг, қушларнинг учиб ўтишини кузатадилар. Шу йўл билан мўмиёни топадилар...

Бадиа кулди.

— Йўқ, сен кулма!

Негадир яна ҳамма беихтиёр жилмайди.

— Сизларни алдаётганим йўқ, азизлар, — деди Меъмор ҳам жилмайиб. — Кекса одамнинг гапига ишониш керак.

— Тўғри айтяпсиз, — деди жиддий бир тусда Меъморни қувватлаб аравакаш, — мана шу тоғларда мўмиёйи асил бор. Бир-бири билан олишиб, суяги синган тоғ эчкилари ҳам мўмиёни қидириб топиб, ялаб, даволанадилар...

— Ана, айтмадимми! — деди Меъмор. Мўмиёнинг ўзидан кўра у ҳақдаги қизиқ ҳикоялар кишини даволарди; буни чол жўрттага айтиб, ўзига тикилиб, ташвишланаётганларнинг диққатини тарқатиб юборишни ўйлаган эди. Ҳадеб ғурбату амирзодаларнинг макру зулмини ўйлаб, ташвиш тортавермай яхши, беғубор гаплар билан йўлдошларини овутмоқ Меъморга хуш келди. У аравага чикди. Кўнгил беҳузурлиги ҳам йўқолди. Ҳамманинг диққати ўша дара четидаги қояларда қолди.

Офтоб ёйилганда уч арава Маймана шаҳрига кириб борди. Аравакаш карвонсарой соҳиби билан гаплашиб Меъморнинг хотини, «ўғли» билан бир хужрага тушиб, қолган тўртовлон яна бир хужрага жойлашишди. Отларни наридан-бери аравадан чиқариб, карвонсарой хизматкорига топширишди. У, Меъмор-

нинг имоси билан хизматкорга уч кумуш танга бериб, то тушгача отларига ем едириб, дам беришни илтимос қилди. Хизматчи бу одатдан ташқари тангалардан мамнун бўлиб, ҳамма ишни жони дили билан тайёрлаб қўяжagini, бемалол кириб ухлайверишларини айтди.

Улар хужраларга кириб таппа-таппа ташлаб ухлаб қолишди; уйқу жой танламас, деганлари шу бўлса керак-да!

Улар юришда давом этиб, сафарнинг бешинчи куни, Давлатобод, Чуқургузарлардан ўтиб, Оби Қайсар ёқалаб Андхуд шахрига кириб келишди. Яна қарвонсарой, отларга хордиқ бериш, овқатланиш... Йўл азоби — гўр азоби шу эканини Бадиа амалда кўрди. Охудек эркин югуриб юрган қиз биринчи бор ҳуқуқсизлик ва қийналиш исканжасида қолган, на она ва на отага, на Зулфиқору Завракка шикоят қила олар, лекин ўзини ҳамма вақт мамнун кўрсатишга уринар эди.

Андхудда ҳаво исиди. Лоҳас бўлиб турган Меъмор ёнига салоҳ осган бир навкар йигит келиб, мурожат этди:

— Муҳтарам жаноб! Мен «жайрон овига чиққанлар»нинг сардориман. Биз энди Андхуддан қайтиб кетамиз. Бу ёғида хавф-хатар йўқ, иншоолло, манзилнингизга соф-саломат етиб оласиз.

— Ташаккур! — деди Меъмор, — сизларнинг ҳам омон-эсон етиб боришларингизни оллодан тилайман.

— Хайр, саломат бўлинг!

Навкар йигит бир лаҳзалик учрашувдан кейин қарвонсарой дарвозасидан ташқарига чиқиб кетди.

Бу фавқуллода ва қисқа учрашувни Бадиадан бўлак ҳеч ким кўрмади, деб бўлмайди. Аравақаш ҳам негадир шу орада ивирсиб юрарди. Навкар йигитнинг шарпаси йўқолгач, Бадиа отасидан сўради:

— Кетишарканми?

— Ҳа.

— Хуросондан чиккунча, деб айтган эдингиз-ку. Унда Жайхун соҳилигача боришлари керак эмасмиди?

— Шунга ҳам шукур қил. «Жайрон ови» деб ўзлари бизни чопиб кетишганда нима қилардинг?

— Бундай қилиша олмасди. Биз ҳам тайёргарлик кўрганмиз.

— Ҳарқалай Мирзо бизни алдамаган. Энди ишондингми?

— Хуросон сарҳадидан ўтмагунча қўлим ханжар дастасида туради!

Меъмор индамади. У хужрага кириб, чўзилиб ётди. Маъсума бека иссиқ чой ҳозирлади. Улар ҳавонинг димлигидан шикоят қилишарди. Тинмай рўмол билан ўзини елпир, бўйнидаги терларини артарди.

Кўп ўтмай Меъморни уйқу элитди. Маъсума бека чолининг тепасида ўтириб, қўлидаги рўмолчаси билан кўнмоқчи бўлаётган пашшаларни хайдар, кўнгли беҳузурлигини яшириб келаётган эри юзига тикилар, ўғлининг доғи алами Меъморни икки букиб қўйганини шундоқ кўриб турарди. Аммо Меъмор ўзининг путурдан кетаётганини асло сездирмас, дилида ғусса катта бўлганига қарамай, дадил, куч-қуввати кўп, енгилмас эканини исбот қилмоқчи бўлаётгандай юрарди.

Меъмор шу мизғиганида туш кўрди: у битай-битай деб қолган мадраса ҳовлисида турар эмиш. Мадраса деярли тугалланиб, ҳовли ичидаги баъзи ишлар — иккинчи қават хужраларидаги ганч ишлари, ҳовлига уюлган ортиқча фишту тупроқларни чиқариб ташлаб, сахни, йўлларни, зинапояларни тозалаш, баъзи ҳавозаларни девордан олиб, мардикору усталар билан ҳисобкитоб қилиш ишлари тугалланиб, ниҳоят салтанат вакили — Мирзо Бойсунқурни бу ерда тантанавор кутиб олиб, унга янги мадрасани кўрсатишга ҳозирлик кўрилаётганмиш. Меъмор ҳовли ўртасида виқор билан турармиш.

Кимдир курси олиб келиб, ўтиришга ундар, Меъмор бўлса, бош ирғаб ташаккур айтару ўтирмас, унинг дарду фикри нигоҳи одамларда эмиш. У ўрнидан туриб, ҳовлини айланармиш, дарвозадан ташқарига чиқиб пештоқларга, равоқу «гулдаста»ларга кўз ташлар — кошинлар, қуббалар, гумбазу сипарлар Меъморга тантанавор кўринар, унинг орқасидан эргашиб, қилинган ишлар, нақшлар, хандасавий ҳисоблар ҳақида

унга ахборот бериб юрган шогирдларни Заврак Нишопурий, Фаввос Муҳаммад, Зулфиқор Шоший ва нарироқда шумшайиб, унинг ёнига яқин келолмаётган корфармо Аҳмад Чалабий ҳам унга бир нима демоқчи бўлиб юрармиш. Мадрасанинг ҳамма томонини айланаб чиққан Меъмор, хонақоҳга кириб, ерга солинган янги гиламларни кўздан кечирармиш. Чунки бугун янги белгиланажак муфти имомлигида бунда биринчи бор намози пешин ўқилар экан. Шу меҳроб ёнига борибди, деворларга, тепадаги туйнуғу гумбаз тагига осилган қандилларга ҳам кўз ташлармиш. Ҳамма нарса жойида! Ундан сўнг дарвозадан кираверишда, ўнг томонга наққошлар хатти хуфия билан ёзиб қўйган: «Амали меъмор Нажмиддин Бухорий» ёзувига кўзи тушибдимиш, негадир бу ёзув унинг кўзига: «Амали Аҳмад Чалабий» бўлиб кўриниб кетибди. У ёнида юрган шогирди Завракка қарабди. Заврак бўлса елкасини қисиб, «Буни қаранг устод, асли меъмор қолиб, корфармо ўз номини ёзиб қўйибди!» деб фиғон бўлармиш. У дарҳол ложувард кошнлар билан ёзиб қўйилган бу тарихни теша билан кўчириб ташлаб, тузатиб қўймоқчи бўлармиш. Меъмор бўлса шогирдини бу жазмдан қайтариб, майли, қўявер, қизишма, у ҳукм этиб ўз номини ёзиб қўйгани билан тарих биладики, бу мадрасанинг меъмори биз! Зўрлиғу фармон билан олинган обрў узоққа бормади. Биз бўлсак, Бухородаги Минораи Калондек абадул-абад тураверамиз! — дермиш. Аммо устоднинг бу гапларига қаноат қилмаган шогирд шу лаҳза теша билан «амали Аҳмад Чалабий» сўзини кўчириб ташлаб, «амали Бухорий» деб ёзиб қўйганмиш. Юқорида хужралар ичини ганчлаётган уста Ҳасанбек билан уста Ҳусайнбеклар ҳовлида юрган Меъморга қўллари кўксига, узоқдан салому таъзим этишар, очик чеҳра, табассум билан уни навозишу табрик этишгандек бўлишармиш. Кўп ўтмай, айниқса, Меъмор билан суҳбатлашишни ёқтирадиган Жўржий унга қўл узатармиш:

- Бардаммисиз, Меъмор?
- Ўзингиз бардаммисиз, уста?
- Ишимизнинг битиши билан, мана бу ажойиб илм қасри билан сизни қутлайман!

— Сизни ҳам!

Шундан сўнг Жўржий ҳам Меъморнинг ишлари ниқилинч эканини сезиб, зинапоялардан юқори қаватга — унда хужра деворларига ганч суриб ишлаётган угли ёнига чиқиб кетганмиш.

Меъмор атрофидаги одамларга илиқ муомала қилиб, ҳамма ёқни кузатиб турган бир пайтда амирзода келяптилар, деган хабар тарқалибди. У Мирзони кутиб олмоқ учун мадраса ташқарисига чиқибди; бир неча отлик сарбоз ихотасида амирзода Бойсунқур келаяётганига кўзи тушибди. У янги мадраса ёнига келиб отдан тушгач, меъмор Бухорийга карамай, ундан сал олдинроқда турган корфармо Аҳмад Чалабий билан кўл беришиб, омонлашиб, унинг таклифи билан ичкарига юра бошлабди, У бу ерда қаққайиб турган Меъморни сезмагандек, кўзи тушган бўлса ҳам, уни мадраса қурилишига ҳеч қандай алоқаси йўқ киши ҳисоблаб эътибор бермабди. Бу мадрасанинг меъмори Аҳмад Чалабий деб ҳисоблаб, унга илтифот кўрсатибди. У билан бирга мадраса ичига кирибди, ҳамма ёқни томоша қилибди; унинг ёнидаги мансабдор ҳам кўлидаги тугунни ечиб, соҳибининг имоси билан зарбоф чопонни Аҳмад Чалабий устига ёпибди. Чалабий амирзодага қуллуқ қилиб, бош эгибди. Шундан сўнг, Аҳмад Чалабий Мирзо диққатини равоқу пештоқларга жалб этиб, уларни тушунтириб, уларнинг хандасавий ҳисобларини ҳам бидиллаб гапира бошлабди. Орагира бу мадраса қурилишида «юнон олими Фисоғурс ҳаким таълимотига суянганини» ҳам айтибди. Меъмор Нажмиддин Бухорий ўз шогирдлари билан бир чеккада шумшайиб қолибди, унга ҳеч ким эътибор бермабди. Аҳмад Чалабий Мирзога илмий жиҳатдан нотўғри гапларни айтганидан фирон бўлиб турган Меъмор бирдан бақириб юборибди:

— Ёлғон! Бу малъун сизни алдаяпти-ю! — дебди титраб Мирзо ёнига бориб. — Ҳамма гаплари ёлғон! У лўлиларга ўхшаб саннаб, сизни алдаяпти! У ҳеч нарсани билмайди, илмдан беҳабар одам! Унинг ҳамма гаплари ёлғон. — У ўз овозидан уйғониб кетиб, кўзини очганида тепада ой сузар, ҳамма ёқ жимжит, қумлик, унинг атрофида Маъсу-

ма бекам билан Бадиа хайрон бўлишиб, кўрқиб туришарди.

Меъмор ўзига келиб, қизи билан хотинига қаради. Аравакаш хужра эшиги олдида бедор кузатиб турарди.

— Туш кўриб, уйкусирабман... — деди Меъмор.

Эрини кузатиб турган Маъсума бека шу паллагача ўзини тутиб келарди; ўғли Низомиддинни йўқотгани, бутун хонадонининг тўзиганидан хўрлиги келиб, кўзига ёш олди. Меҳнат қилганлар хору зор бўлиб юргани хўрлигини келтирди-да, баттар ўртаниб кетиб, чўққайиб ўтириб, бошига тушган қора кун дастидан тоза хўнграб йиғлади...

— Қўйинглар, — деди Меъмор, — қўй, йиғлама, худонинг хоҳиши шундоқ экан, иложимиз қанча!

Бадиа тоқчадаги шамни ўчирмади. Ота ўз тушини яхшиликка йўйди; ундан сўнг қизи билан хотинига яхши гаплар — эски ҳикоятлардан айтиб берди. Лукмони ҳакимнинг зиндонда ётгани, подшоҳга суяк тикилиб қолганида эчки сўйиб, суякни олгани... Биби Фотима оч қолган болаларига қозонга тош ташлаб қайнатиб, пишириб бергани... тошлар шолғомга айланиб, болаларининг қорни тўйгани ва бошқаларни гапириб, қизи билан хотинини овутди. Кулол чарх каллагига қўйган гумбаз — лойдан идиш ясаб, олмадек ортиб қолганини ташлаб юбормай, ҳуштак ясайди. Чалабий мана шунақа «Хуштак» одамлардан, деди яна чол.

Эрталаб Зулфиқор билан Заврак карвонсарой ҳовлисидаги қудукдан сув тортиб, икки обдаста ва яна мис кўзада сув тўлдириб Меъмор ётган хужрага олиб кириб беришди. Улар иккови ҳам тунги ҳангомадан хабардор эдилару ўзларини кўрсатмай, уларни муҳофаза қилиб туришган эди. Фақат биргина Ғаввос Муҳаммаднинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, пишиллаб ухлаб ётарди.

Меъмор ювиниб, таҳорат қилиб намозини ўқиб олгач, ҳовлига чиқди. Нонуштага ҳозирлик қилишни шогирдларига топширди. Лекин ҳовлида қудук ёнида турган бир нотаниш киши Меъморга салом берди. Ўзининг нажжор Абдулазиз Аҳсикатий эканини, бир

неча йил муқаддам устод қўлида ишлагани, фалакнинг гардиши билан Қобул, Нишопур, Ҳирот шаҳарларида истикомат қилганини, ҳозир бу Андхуд шаҳрида усталик қилиб юрганини гапирди. Ундан сўн Ҳиротдаги мадраса қурилишида ишлаганини ҳам айтди. Қўлига теша тегиб кетганида устоднинг ўзлари бөлбоғларини ечиб боғлагани, бир парча кигиз куйдириб босиб, қон тўхтатилганини айтиб, Меъморнинг ёдига туширди.

— Тўғри, тўғри, ёдимга тушди, — деди Меъмор. — Қалай, қўлингиз, тузукми?

— Тузалиб кетди, устод, — у чап қўли бармоқларини кўрсатди.

— Хайрият.

— Ўзингиз бақувватмисиз?

— Шукур.

— Мадраса Мусалло ёнида яна бир Мусалло бўлди. Хуросон кўксидаги беназир гул, — деди у одам.

Меъмор сукут сақлади. Ерга қаради.

— Ёнингизга келишдан мақсад, ҳаддим сифса, каминанинг ҳовлисига ташриф этиб, бир пиёла чойимни ичсангиз бошим осмонга етарди. Жуда ҳам илтимос қиламан. Ҳовлим узоқ эмас, мана шу яқинда. Уч ўғлим, икки қизим бор. Ўғилларим ҳам нажжор. Ўғилларим оту араваларни шай қилиб қўйишди. Ҳаммаларингизни таклиф этаман. Андхудга келиб, устод, бизнинг бир пиёла чойимизни ичиб кетмасангиз хафа бўламан. Мен ҳам сизнинг шогирдларингиздан бириман. Ҳаққим бор таклиф этишга.

— Биз, Хуросондан нима сабабдин чиқиб кетаётганимиздан хабарингиз борми?

— Хабарим бор.

— Бизни меҳмонга чорлаб, яна ўзингизга бир ноҳушлик тилаб олманг?

— Бу гапларни қўйинг, устод. Сизга неча йил хизмат қилсам ҳам қарздорман. Сизга ёмонлик истаганларнинг ўзлари ёмон!

— Салтанат мени ҳайдади...

— Агар салтанат сиздек мўътабар зотни ҳайдаган бўлса, мен ундоқ салтанатни ҳурмат қилмайман! Салтанатни чалғитган ёмон одамлар бор! Лекин сизга

бир сирни айтмоғим шарт. Сиз мухтарам устоднинг Андхуддан ўтиб кетаётганингиздан мутлақо хабарим йўқ эди. Шу салтанат кишилари, уларнинг айтишича, сизни ихота қилиб келаётган навкарларнинг сохиби шахсан менга мурожаат этиб, карвонсаройда эканингизни маълум қилди. Кўлингиздан келса Меъмор билан мулоқотда бўлиб, кўнгилларини кўтаринг, деди. Ўзлари Андхуддан жўнаб кетишди. Мана шундай гап, устод. Иккиламчи, мана бу аравакашингиз кўп яхши одам. Хорунбек пахлавон бу ерларда кўп бўлган, биз уни эхтиром қиламиз...

— Сиз жуда таажжуб гапларни айтяпсиз!

Меъмор турган ерида хаёл сурди. Унинг кўз олдида тушуниб бўлмас Бойсунқур Мирзо ва унинг ўн човлиқ «шикорчи» навкарлари пайдо бўлди. Бу ҳақиқатми ёки макрми — ақли етмасди.

У рози бўлиб, хотини, қизи, уч шогирди ва аравакашни олиб, нажжор Абдулазиз Ахсикатий ҳовлисига жўнади. Абдулазиз ўғиллари отларни сўғориб, арваларни шай қилиб қўйганини, карвонсарой сохиби ҳам унга тегишли одам эканини, ҳеч нарсанинг ташвишини қилмаслик кераклигини айтди.

Улар яқингинадаги бир ҳовли дарвозаси ёнига келишди. Эшикдан кираверишда, ҳовли четида қўл-оёқлари боғлоқлик қўй тепасида турган қассоб Меъморга мурожаат этиб, фотиҳа беринг, устод, деди. Меъмор қафтларини очиб, фотиҳа берди. Қассоб қўйни сўйиб юборди. Нажжор Абдулазиз Ахсикатий меҳмонларни катта бир хонага, Маъсума бека билан Бадиани ўз оиласи ёнига — ичкари хонага таклиф этди. Дарҳол дастурхонлар ёзилиб, нону ширинликлар, қаймоғу қатик олиб келинди. Чой олиб кирилди. Кетма-кет таомлар мухайё қилинди...

Нажжор Абдулазиз Ахсикатий Меъмор бошига тушган мусибатдан, ўғли Низомиддинни хуруфияда айблашиб, қатл этишганигача, ҳамма гапдан хабардор экан. Обруйингиз яна барқарор бўлиб, ҳақ жойига қарор топажак, дейишиб, уни дуо қилишди.

Шу кунни Меъмор Абдулазиз хонадонида тунаб қолди. Эртасига эрта билан карвонсаройдаги арвалар шай қилиниб, нажжор Абдулазиз Ахсикатий эши-

гига олиб келиниб, шу ердан яна йўлга тушишди. Абдулазиз ўз ўғиллари билан бир неча фарсах ергача Меъморни кузатиб бориб, яна қайтиб келишди.

Уч арава олдинма-кетин кумликлар ичига кириб кетди.

XXV б о б

ҚОРАЙЛОН ИЗГА ТУШДИ

«Ўлакса илонга қўнган пашшадан эҳтиёт бўл...»

Ибн Сино

Нажмиддин Бухорий шубхалик одам сифатида Хуросондан чиқариб юборилганидан сўнг, Бойсункур Мирзо мадраса қурилишини ниҳоясига етказиш ва тантанали қабул маросимларини ўтказишларига раҳбарлик қилишни устод Қавомдан илтимос қилди. Лекин меъмор Бухорий бунда эканида ҳасадгўйлик қилиб турадиган устод Қавом, Нажмиддин кетганидан сўнг, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолиб, бир нимасини йўқотган одамдек гангиб юрди. У амирзоданинг илтимосини рад этди; авваламбор, бетобман, қолаверса, кексалигимга карамай, ҳар қанча янги бошланажак ишларига тайёрман, аммо тайёр ошга баковул бўлолмайман, деди. Бу жавоб Мирзони ранжитмади, аксинча у шундоқ жавобни кутган экан. Устод Қавомнинг рад жавоби Бойсункур Мирзо оркали подшоҳга ҳам етди: «Меъмор Бухорийлар хонадони хуруфияга алоқадор бўлгани туфайли шу жазога лойиқ. Аслида унинг беназир меъморлиги бизга маълум...» дебди Шохрух ўз ўғлига, Меъмор жўнаб кетгандан сўнг Ҳасанбек билан Ҳусайнбеклар, наққош Худобахш икки ўғли билан нажжор ва сангтарошлар корфармо Аҳмад Чалабийга итоат этмай, ишга келмай қўйганлар. Мадрасада иш тўхтаб қолган, фақат тутқун гуржи уста ўғли билан бирга ишлаётгани мансабдорлар қулоғига етган.

— Биз ҳозир оёғимиз остидаги мадраса қурилишига эмас, олис Сайхун бўйларига қарашимиз керак! — деди Шохрух ўғлига зардаомуз, — у томонда дашти қипчоқлар — Бароқ ўғлон лашкар тўпламоқда! Тушундингизми?

— Тушундим, — деди Мирзо.

Ҳамма вақт хаттот, наққош ва меъморлар масаласини кўтариб кираверганидан отасининг энсаси қотиб турганини сезган Бойсунқур итоаткорлик билан таъзим қилиб, ташқарига чиқиб кетди.

Орадан бир ой ўтгач, мавлоно Анварий ҳам Хиротдан Самарқандга кўчиб кетди. «Хиротга куз тушиб, ватвату турналар иссиқ мамлакатларга учиб кетмоқдалар», деган гап ҳам саройда айланишиб қолди. Иброҳим Султон тарафдорлари: «ватвату турналар кетса кетар, аммо андалиб кишда ҳам, ёзда ҳам ўз ерини ташлаб кетмайди. Бизга ҳозир ватват эмас, андалиб керак...» дейишибди. Ёш амирзодаларнинг маишату бир-бирлари билан тарафкашлик қилмасликларининг олдини олиб, Шохрух баъзан уларни бўлғуси катта мухорибага — Чинга юриш, Бароқ ўғлон хужумига тайёргарликни бўшаштирмаслик, лашкарга эътибор беришликни таъкидлардию, аммо аслида у беҳаловатликни ғоятда ёқтирмас, отаси бунёд этган салтанат тахтида тинч ўтириб базму ишратга муккасидан кетган эди. Гавҳаршод бегим, Бойсунқур Мирзо ва Самарқанд ҳокими Улуғбек Мирзо таъсири ва таъйиқи билан подшо Иброҳим Султонга аҳли уламою фузало устидан таъқибни ҳаддан зиёд қилмаслик, мумкин қадар уларга тегмаслик кераклигини айтди. Иброҳим Султоннинг Исфахонга ўз саройига боришига ҳам монелик кўрсатилмади. Аммо бу фармойиш кечикиб берилди. У ғоятда махфий топшириқ билан Қораилонни Нажмиддин Бухорий изидан жўнатган эди...

Ўша куни Меъмор ҳовли-жойини сотиб, шаҳардан чиқиб кетаётгани Қораилон маҳкамасига маълум бўлди. У ҳатто Меъморнинг уч янги арава ёллаб, катта қарвондан олдин юришини бу ҳақда сарбон билан аҳдлашиб қўйганини, қарвондан бир неча манзил илгари юришини биларди. Бу иш уларнинг қора режасига жуда қулай эди. Шу сабабли ўн қаллакесарни олиб орқама-орқа жўнади. Уларни боло мурғоблик бир аравакаш олиб кетаётганини ҳам билишарди. Аммо қарвонсаройдан чиқиб кетган Меъмор Кушка, Қалъайи Мор, Тошкўприк орқали эмас, бошқа йўл — Боло Мурғоб, Маймана, Чуқургузар, Анд-

худ орқали Хуросондан чиқиб кетаётганини мутлако билишмасди. Эртасига улар савдогарлар либосида изма-из жўнашди. Ярим тунда хуфия Кушка яқинидаги бир манзилгоҳда катта карвонга етиб бориб, бир кишидан: «уч арава қани», деб сўрашди. У одам елка кисди, ҳеч қандай уч аравани кўргани йўқлиги, аниқроғини сарбон билишини айтди. Савдогар либосидаги қароқчилардан бири сарбонни ётган еридан уйғотиб, уч аравани сўради. Сарбон «Хорунбекнинг аравалари олдинда, жуда илгарилаб кетган, Қалъайи Мордан ўтиб, Тошкўприкка етиб қолган бўлсалар ҳам эҳтимол», деди. Савдогар либосидаги отлиқлар вақтни кўлдан бермаслик учун яна йўлга тушиб, даламадала, даштма-дашт отларини ниқталаб чопиб кетишди. Кушка дарёси ёқалаб, Қалъайи Морга етишди. Шаҳар жимжит. Нотаниш отлиқларни кўриб, бад олган итлар вовиллашди.

Тонготарда улар шаҳарни бир айланиб чиқиб, карвонсаройга киришди:

— Уч арава келдимиз?

— Кеча ҳам, бугун ҳам, тунда ҳам саройга биронта арава киргани йўқ, — деди карвонсарой қоровули.

— Бошқа бирон кўнадиган жой йўқми? — отлиқлардан бири сўради.

— Йўқ, жаноб! — деди қоровул. — Бу ерни Қалъайи Мор дейдилар, ҳар бир бегона ит тугул, бегона илон кирса ҳам пайқаймиз.

Отлиқ орқароқда турган чўкки соқол, рангпар кимсага бир қараб кўйди. У индамади. Юзлари заҳил, камгап, ғазабини ҳам, шодлигини ҳам билиб бўлмайдиган, доимо юзларида бир захархандалик зоҳир бу кимса азбаройи амирзода Иброҳим Султонга садоқати юзасидан «сафарга» чиққан эди. Бу гал бажариши керак бўлган иш — унинг наздида тиш ковлаш билан баробар қўлининг учи билан қилиб қўядигандек туюлган эди. Бундай «шунчаки» ишларга бошқаларни юборар, аммо Меъморнинг Хуросонда катта эътиборга молик одам эканлиги сабабли уни йўқотиш жуда «моҳир жарроҳ» қўлида бўлмоғи, гап-сўз тарқалмаслиги лозимлигини Иброҳим Султон Қораилонга топширган, шунинг учун ҳам унинг ўзи йўлга чиққан эди.

— Бегона ит ҳам, бегона илон ҳам шахрингга кирган, пайқамагансан! — деди отлик зарда билан.

— Э, савдогар бача, мени сенлама! Мен пайғамбар ёшидаги одамман. Сизларни пайқадим, сизлар итмисиз, илонмисиз, билмадим...

Отда турган йигит камчин билан кекса қоровулнинг оғзига шартта туширди. Чол вой деганича оғзини ушлаб, ерга йиқилди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ оғзибурнидан кон келди. У бўйнига пичоқ тортилган товукдек ерда питирлаб ётганида отликлар карвонсаройдан чиқиб, жадаллик билан Тахта ва ундан Тошкўприк томон жўнашди.

— Чакки килдинг! — деди йўлда Қораилон манглайини танғиб олган қизил чопонли суворийга.

— У ярамас бизни ҳақорат килди!

— Думбулсан! — деди Қораилон илжайиб. Бу илжайиш жуда кўрқинчли эканини пайқаган қизил чопонли «тавба қилдим» деди. Қораилон одатда қоидадан чиққан кишининг илжайиб туриб қорнига ханжар тикиб, отдан ағдариб кетар эди. Бундай пайтда ҳеч ким ҳеч нарса демай, миқ этмай турарди. Қизил чопонли дағ-дағ титрай бошлади. Йўқ, бу гал ҳеч фожиа содир бўлмади: отликларнинг наздида соҳиб «гўдак»ни бир гал кечирди.

Улар яна кун бўйи жадал юриб, Тошкўприк, ундан сўнг Сандикочгача боришди, уч аравадан ному нишон бўлмагач, яна Тошкўприкка қайтиб келиб, шу ерда тунашни лозим топишди. Уч араванинг қаноти бўлганда ҳам бунчалик олислаб кетиши мумкин эмас эди. Қораилон айрон ичиб ўтириб, ўзининг маҳорат режаларини кимдир пайқаганлигини сизди. Ҳеч қачон аҳли шуаро, аҳли фузало бунчалик «панд» берганини эслаёлмас. Саройдаги мансабдорлар ичида кимдир бор, деб ўйлади. У ўзидан ўзи хижолат бўлди: «Наҳотки мен иккинчи бир томонни ўйламадим! Улар бизни лақиллатиб, Маймана, Андхуд йўли билан бориб, ё Карки, ёки Халач оркали Жайхундан ўтиб кетсалар нима бўлади! Агар улар Мовароуннаҳрга ўтиб кетсалар, бу гап Самарқандга етиб боради, тафтиш бошланади...

Қораилон эрта билан барвақат туриб, ўтирган ерида тўдадаги ориқ, абжир бир йигитга қаради:

— Сен мен билан қоласан! Бошқалар Ҳиротга жўнанглар! Бизнинг саёҳатимиз тўғрисида ҳеч кимга лом-мим! Аҳдни бузганнинг боши қўлимда! Жўнанглар, кўзичокларим! — у яна илжайди.

Йигитлар секин отларига миниб, ёввойи мушукдек пусиб жўнаб кетишди.

Қораилон ишонган йигити билан ёлғиз қолди.

— Анави нодон қизил чопон қоровул чолни уриб, яхши иш қилмади. Ими-жимиди бўладиган ишнинг хидини чиқариб қўйди, — деди Қораилон шеригига. — Карвонсаройда биз хусусимизда шубҳа туғилиб қолди. Энди оёғимга кирган тиканни чаён ниши билан илишим керак!

— Режа қандоқ бўлади энди, соҳиб?

— Биз иккимиз энди илонга айланиб, қум ичига киришимиз керак! Ўз ўлжамизни ўша ерда ушлашимиз керак! Тушундингми?

— Яъни?

— Яъни, — деди Қораилон шеригига. У қисқа савол берган кишиларни ёқтирарди, — яъни Қумлик ва Оби Қайсар тепаликларидан ўтиб, Андхуд шаҳрига борамиз. Ундан сўнг чўпонлар орасига кириб, ўлжамиз Халачга етмасданок, Калиф қумликларида паймонасини тўлдирамиз. Меъморнинг ўн саккиз яшар қизи бор, унга заҳар эмас, доруйи беҳуш бермоқ лозим. Биз энди тиғи-ғарронни эмас, Меҳтарбоди Ялдойи Самарқандий йўлини тутиб, заҳар жангини бошлаймиз. Бизлар — «мурғоблик чўпонлармиз»...

— Маъқул, соҳиб.

Қораилон ўз шериги билан қумликлар, дашту тепаликлардан оша отни қамчилаб, уч кечаю уч кундуз деганда Андхуд шаҳрига етиб келишди. Йўл-йўлакай у «Хуросон аҳли шуарою фузало орасида сиёсат душманлари кўпайиб, салтанатга таҳдид солаётгани ва яқин йиллар ичида бундай ғайри сиёсат кимсаларни батамом йўқотиш хусусида» подшоҳ ҳазратларининг махфий фармони борлигини, амирзодалардан энг яхшиси — Иброҳим Султон эканини гапирди.

— Биз ҳаммамиз Муҳаммад Аргун хизматида бўлганимиз билан аслида биз подшоҳ ҳазратларининг шахсан ўзларига ҳамда амирзодага бўйсунамиз. Улардан бошқа ҳамма мансабдорлар, саркардалар бизнинг кўзи-

миз остида. Кимда-ким, салтанат сиёсатига зид иш юритиб, гап айтдимиз, бизнинг мана бу темир панжаларимиз уларнинг гирибонида! Биз тез вақтда Хурсонни чириган, ачиган мавлонолардан, шариатда мункир аҳли фузалодан тозалаб оламиз. Ана ундан сўнг ишлар жуда яхши бўлади, на сарбадорликка мойил кимсалар ва на хуруфийлар бўлади! Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам подшоҳ хазратлари бизларга суянадилар, биз улуғ хазратнинг ўткир ханжарларимиз!

Шериги, тушундим, дегандек бош қимирлатиб келарди.

Қораилон Андхуддаги карвонсаройдан «уч арава» дарҳақиқат, бунда бўлгани ва икки кун бурун йўлга чиқиб кетганини билди. Яна отларига миниб жадал кетишди. Бир кечаю бир кундуз юриб, тақир даштда узоқдан қудуқ ёнига тушиб, отларни суғориб, дам олишаётган уч арава соясида ўтирганларни кўришди. Улар дам олаётганлар ёнига бориб, отдан тушишди. Дастурхон юқорисида ўтирган Меъморга салом беришиб, ўзларининг каркилик чўпонлар экани, Андхуддан савдо-сотик қилиб, бола-чақалари ёнига кетаётганини айтишди. Меъмор уларни дастурхонга таклиф этиб, ўз ёнидан жой кўрсатди. Аммо негадир Бадианинг ҳам, Зулфиқорнинг ҳам юрагига шубҳа тушди; агар улар чиндан ҳам Каркига ўтиб кетишаётган бўлса, бу ёқларда нима қилиб юришибди? Ҳар қандай йўловчи ҳам уларни сезмай, катта йўлдан ўтиб кетишлари аниқ эди. Йўл устида қудуқлар бор, улар атай аравакаш Ҳорунбек маслаҳати билан анча ичкари қудуққа боришган эди. Бир муддатли суҳбатдан кейин «чўпонлар» хуржунларидан қаттиқ нон, қурут, ширинлик олиб дастурхонга кўйишди. Лекин негадир суҳбат унча қовушмасди. У ёқ-бу ёққа аланглаган Қораилон бир лаҳзадан сўнг нарироқда қозон осиб, гўшт қайнатаётган Маъсума бекага қаради, кейин Меъморга мурожаат этди.

— Шундай пайтда ёш келинми, қизми бўлганда яхши бўлар экан-да. Кампир қийналиб қолибдилар?

— Тўғри, иним, йўл жуда чарчатди, — деди Меъмор, — кампиримиз шўрва қайнатапти, пишиб қолди.

Қораилон ўз орқасида ўғил болача қийиниб, тик турган Бадиани пайқамасди. Бу Қораилоннинг бирин-

чи эътиборсизлиги эди. Одам кузатишда у ҳеч қачон янглишмаган эди.

— Ўғлим, томоғимиз қақраб кетди, озгина сув бер, — Қораилон орқасига қайрилиб Бадиага мурожаат этди.

Бадиа шу лаҳза кичик мис кўзачани олиб, қозон ёнига келди. «Чўпонлар»нинг кўзини шамғалат қилиб, ён чўнтагидаги доруйи беҳушдан кўзачага ташлаб, қудукдан тортиб олинган сувдан кўйиб, «чўпон»га тутди. Қораилон ёш йигитча олиб келган кўзачадаги сувни симирди, ёнидаги шеригига ҳам узатди. У ҳам чанқаган экан, анча симирди. Бир муддатдан сўнг уларнинг кўзлари чалишиб, ўтирган жойларида ёнларига қийшайиб, ухлаб қолишди. Бадиа билан Зулфиқор зудлик билан «чўпон»ларнинг ёнларини титкилашди: ёнидан ханжар, кичик шишаларда заҳар ва турли айёрлик анжомлари, отлар устидаги хуржунда ўк-ёй, сунъий сокол-мўйлаб, кийим-кечаклар ҳам чиқди.

— Ота, булар чўпон эмас! — деди Бадиа. Бу гапни Зулфиқор ҳам, Заврак ҳам тасдиқлади.

Аравакаш Хорунбек билан Ғаввос Муҳаммад хайрон бўлиб, донг қотиб қолишди. «Қизингиз йўқми, кампирга қийин бўлибди», деган гап ҳам уларни шубҳага солган эди.

— Булар бизнинг изимиздан тушишган! — деди яна Бадиа.

— Абдулазиз Ахсикатий юборган, — деди Заврак, — бўлмаса бизларнинг бу ерда эканлигимизни қаёқдан билади!

— Абдулазизни гапирманглар! — деди Меъмор, — у жуда пок инсон. Бу шахслар бошқа ёқдан келяпти. Бу аниқ!

— Нима қилмоқ керак? — Бадиа отасига қаради.

— Доруйи беҳушнинг кучи қанча вақтга етади? — Меъмор сўради.

— Эрталабгача ухлайди, — деди Бадиа, — мен кўпроқ ташладим.

— Унда, бу ердан тез кетамиз! — деди Меъмор, — улар уйғонганга қадар Каркига етиб оламиз. Иккиламчи, биз етти кишимиз, улар фақат икки киши. Қўлидан ҳеч иш келмайди!

Шу лаҳза Маъсума бека қозондаги шўрвани катта мис кўзага ағдариб, аравага олиб чиқди. Оловни ҳам наридан-бери ўчиришиб, отларни қўшиб, шитоб билан жўнаб қолишга тайёргарлик кўришди. Эҳтимол, шериклари бўлса орқадан етиб келмасин, деган қўрқув ҳам йўқ эмасди уларда. Хорунбекнинг маслаҳати билан икки номаълум шахснинг отини ҳам ўзлари билан олиб, хуржун ва ёнларидан чиққан дорию ханжарларни ҳам йиғиштириб аравага солишди.

Аравалар жўнаб кетишига шай турган бир пайтда, ухлаб ётган номаълум кимсалар тепасида турган Бадиа, Зулфиқор бир-бирларига қарашди. Бошқалар араваларга чиқиб олган эди.

— Нима қиламиз? — Бадиа Зулфиқор билан аравакашга қаради.

— Булар изимизга тушгани аниқ! — деди Хорунбек. — Булар чўпон эмас! — Хорунбек ухлаб ётган чўкки соқол, рангпар кимса тепасига яқин келиб, бир муддат тикилиб турди, — менга айтишларича... (бу гапни айтгач, Хорунбек тилини тишлади, кейин яна гапирди). — Бу шахс Қораилон деган жаллодга ўхшайди. Лекин кўп вақт амирзодалар атрофида юрарди. Қумда, биздек бир химоясиз одамлар орқасида юриши жуда таажжуб! У «катта ишлар» устида бўлар эди. Агар бу малъуннинг Қораилонлиги рост бўлса, Низомиддинларни тутиб берган шу бўлади! Сиз аравага чиқиб олинг, Бадиа бекам! Заврак Нишопурий жанобларига айтинг, охирги аравадаги белкуракни олиб тушсинлар!

— Сиз менинг «Бадиа»лигимни қаёқдан билдингиз?! — Бадиа жаҳл билан Хорунбекка қаради.

Хорунбек индамади.

— Айтинг!

— Йўлда гаплашамиз, — деди Хорунбек, — ҳозир пайти эмас! Вақт ниҳоятда зик. Мен сизни анча вақтдан буён биламан, қизим!

— Тушимми, ўнгимми?! — деди Бадиа. — Бизнинг атрофимизда нималар бўляпти ўзи? Зулфиқор оға, ҳеч нарсага тушунмаётирман?!

— Ҳарқалай, мен сизнинг душманингиз эмасман! — деди аравакаш. — Ҳадеб ханжарингизни ушлайверманг!

— Отамлар чаёнга ҳам, илонга ҳам шафқат қилдилар, бу — хато! Мен кетдим. — Бадиа Заврақка имо қилди-да, ўзи биринчи аравага чиқиб, отаси ёнига чўкди.

Орқада қолган Ҳорунбек Низомиддиннинг димишқий шамширини яланғочлаб, ўткир учини Қораилон кўксига икки бор санчди. Шеригига ҳам. Ҳорунбек атай Қораилон кўксига ўзи тиф санчди. Заврак, Ҳорунбек, Зулфиқор наридан-бери жасадларни кумга кўмишди.

— Агар бу ҳақиқатан ҳам Қораилон бўлса анчадан буён кетимга тушиб, мени излаб юрибди, — деди Ҳорунбек йўлдошларига. — Ишқилиб, бу унча-мунча қароқчи бўлмай, Қораилон бўлиб чиқсин. Меъмор ҳазратлари изига тушиб, қасд қилган илон менинг кўлимда боши янчилгани яхши бўлди...

— Сиз на вазир, на Меъмор бўлсангиз, нечун сизни у анчадан буён таъқиб этади? — сўради Зулфиқор.

— Иним... Кейин айтаман.

Улар аравалар орқасидан югуришиб келиб ўз жойларига чиқиб олишди.

Бадиа ўзининг «йигитча» эмаслигини билиб келаётган ва бунинг устига қароқчилар бошини янчган аравакашга тикилди; унинг рўпарасида содда бир аравакаш эмас, қалъаларни зеру забар қилган Жалолиддин Мангуберди ёки Темур Малик каби паҳлавон тургандай бўларди. Бу аравакашда катта сир борлигини пайқади. У чурқ этмай, ҳар замон-ҳар замонда Ҳорунга қараб қўярди.

Уч арава яна дашту қумликлар оша илгарига қараб силжий бошлади. Бўлган фожиали воқеа ҳаммага маълум, ҳамма индамай жим ўтирарди. Бармоқларини тишлаб, хаёл суриб ўтирган Меъмор Ҳорунбекка гап котди:

— Сиз асли Майманадан эмасмисиз?

— Ҳа, устод, мен Майманаданман.

— Карвонсаройда сизни боло мурғоблик дейишди. Бу гапни ўзингиз ҳам айтгандек бўлувдингиз?

— Ҳа, устод, боло мурғобликман, десам ҳам бўлади... У ерда оға-иниларим бор. Мен Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд, Балх, Калласарқори, Оби Қайсар,

Давлатобод шаҳарларида ҳам турганман... Баъзан бу шаҳарларнинг ҳам номини айтаман. Ўша ерликман, дейман.

— Кўп шаҳарларни билар экансиз, — деди Меъмор хайратомуз, — аравакашлик касбингиз бунчалик кўп ерларни кўришни тақозо этган бўлмоғи керакдирда, а?

— Бу томони ҳам бор. Аммо асли ота касбим бўз тўқимок...

Меъморнинг юраги шигиллаб кетди. У яна мик этмай қолди. У ҳамма гапга тушунгандай, аравакашга қараб қолди, Ҳорун бўзчи!

XXVI б о б

ОДАМ САФАРДА БИЛИНАДИ

Икки номаълум шахснинг изларига тушиб, бунда келиши бир томон, Абдулазиз Намангонийнинг эъзозу зиёфати бир томон, Ҳорунбек муаммоси бир томон — Меъмор гангиб қолди. Шунча ўлим етмасмиди! Кўй эмас, эчки эмас, икки одамни ўлдириб кетаётганлари барчани ўйлатиб қўйди. Қасд қилган илоннинг боши янчилгани яхши, аммо бу қонли воқеалар кекса Меъмор, яъни одам ўлдириш у ёқда турсин умрида биронта кишининг бурнини қонатмаган киши учун жуда оғир! Низомиддин қатли, равоч сайлидаги қароқчи ўлими, бугунги фожиа... ўзи нима гаплар бўляпти! Доимо бино қурилиши — усталар орасида, хандасавий чизиклар, ал-жабр, риёзиёт билан шуғулланиб, бош қотириб келган кишини бу қутилмаган воқеалар довдиратиб, саросимага туширмаслиги асло мумкин эмас эди.

— Илоннинг боши янчилгани яхши бўлди! — деди Бадиа, — отажон, ҳеч кўрқманг.

Меъмор чўчиб тушди:

— Нима дединг?

— Изимиздан тушиб келаётганлар қароқчилар экани аниқ бўлди. Чўпон бўлса шунча заҳару ханжару сохта соқол-мўйлабларни нима қиларди?

— Эҳтимол, бизга қасд қилмагандир?

— Бизга қасд қилмаган бўлса, бошқа бир одамга қасд қилар. Бошқани ўлдирса майлими?! Нега Мирзо ўн «овчи» отликни юборди? Мана бу фожиа Мирзонинг ҳамма гаплари ҳақиқат эканини тасдиқлади. Сизнинг душманингиз Мирзо эмас, бошқалар! Бу икки кимсани ажал ҳайдаб келган!

— Сен Меъморнинг эмас, жаллод қизининг гапини гапиряпсан!

Бадиа ерга қаради.

— Бу қаро кунлар ўтиб кетармикан, э худо! Ўзингга тавба қилдим...

— Бу қаро кунлар ўтиб кетади; ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, — деди гапга аралашиб Маъсума бека. У боядан бери нафаси чикмай декчадаги шўрваннинг тўкилиб кетмаслиги учун маҳкам ушлаб ўтирган эди.

— Агар бегуноҳ оғамни ўлдирмаганларида мен бунчалик қаҳри қаттиқ бўлмасдим, — деди Бадиа отасига.

— Энди бас қил, қизим! Энди сен ҳам қизимсан, ҳам ўғлим. Бас қилинглар энди хунрезликни! Бу ишларнинг ҳаммаси худодан. Худога ёлвориб, гуноҳимни кечир дегин!

Бадиа бош эгиб ўтирди-да, бир нима деб пичирлади, отасини ризо қилмоқ учун уч бор «тавба қилдим», деб такрорлади.

Икки томон чексиз қумликлар...

Қорамтир сарғиш қум тепаликлари оралаб Ҳорунбекнинг уч араваси борарди.

Жимжитлик. Бадиа соябон аравадан бош чиқариб, атроф-жонибга тикилар, ҳеч бир жонивордан асар йўқ, бирон қуш ҳам осмондан қанот қоқиб ўтмасди. Ҳаво ниҳоятда қизиган, отлар ҳаллослаб терлар, кучининг бориचा тиришиб аравани тортардилар.

— Мурғоб отлари қумга ярамайди, — деди от устида кетаётган Ҳорунбек Меъморга гап қотиб, — қумга такаёвмит отлари яхши, ҳам тез чопади, ҳам чидамли. Мана бу икки бегона от — ёвмит отлари, кўрдингизми? Афтидан эгаси қумда юришни ҳисобга олган экан. Афсуски, бу отларни аравага кўшиб бўлмайди.

Меъмор ҳам, Бадиа ҳам индамади.

— Бу одамларни ажал ҳайдаб келган экан, — деди

яна Ҳорунбек Меъмор изтиробига шерик бўлиб, — улар шунчаки одамлар эмас, қасд қилиб изингиздан тушган одамлар. Бунни мен пайқадим, устод. Сиз салтанат учун хавфли одам сифатида жўнатиляпсиз. Бухоройи шарифга етгандан кейин ҳам эҳтиёт бўлинг, салтанат ишларига аралашманг. Чунки улар қасд қилган экан, яна бир куни кўзига кўринсангиз яра янгиладнади. Подшолар ҳам ўлиб туради — бирон амирзода тахтга чиққанигача ўзингизни панада тутинг. Ҳар бир пошоҳ ҳам янги тахтга чиққанида «яхши» бўлади — фуқаропарвар бўлиб ўзини кўрсатади. Яхши ваъдалар қилади. Кейин секин-секин айнаб шуҳратпарастликка, маишатга, шубҳага юзтубан кетиб, мамлакатда мана шундай фожиалар содир бўла беради...

— Эҳ-ха-а, — деди Меъмор Ҳорунбекка жилмаийиб, — сиз ҳам кўп гапдан хабардор экансиз.

— Сиёсатни бир мансабдорлардан, бир шахарма-шахар юрадиган аравакашлардан сўраш лозим. Биз, устод, кўп нарсани биламиз. Ўзимиз мадраса кўрмаган бўлсак ҳам бемаърифат эмасмиз.

— Саломат бўлинг. Сиз юравериб жаҳонгашта бўлиб кетибсиз.

— Ҳалиги одам, агар пайқаган бўлсангиз «бир ёш келинми, қизми бўлганда шўрвани тезроқ пишириб юборарди», деди. У ичимизда Бадиа қизимизнинг борлигини қаёқдан билди? Қизимиз йигит кийимини ўхшатиб кийиб юргани туфайли бир оз чалғиди. Яна бир муддатдан кейин билиб олиши аниқ эди.

— Тўғри сезибсиз, — деди Меъмор.

— Мен ўзимни жўрттага унинг орқа томонига олиб турдим. У атрофга аланглади, кимнидир қидирди. Бизлар неча кишидан иборат эканимизни улар илгаридан яхши билишларини сездим.

— Ваҳима қилаверманглар, юрагим ўйнаб кетяпти, — деди Маъсума бека, — уларнинг шериклари рўпарамиздан чиқиб қолмасмикан?

— Ойижон, қўрқманг. Подшонинг биздан бошқа ишлари ҳам жуда кўп. Газандаларнинг боши янчилганини эшитса, ажаб бўлибди, шу қўйдек ювош одамларгаки, кучи етмабдими, бундоқ жаллодларнинг ўлгани маъқул, дейди. Хўп деяверинг. Бўлди энди. Улар қайтадан бизнинг изимизга тушишмайди!

Маъсума бека пичирлаб дуо ўқиб, қизига, ундан сўнг ўзига дам урди.

— Ана, қаранглар, эчкемар! — деди Бадиа.

Орқада келаётган иккинчи аравадаги йигитлар ҳам кум тепалиги устида томоғини лиқиллатиб турган каттагина эчкемарга қарашди. Лекин негадир арава ўртасида нафаси чикмай ўтирган Ғаввос Муҳаммаднинг кўзлари олазарак бўларди. Орадан бир муддат ўтгач, яна Бадианинг дилбар овози эшитилди:

— Жаноблар, қаранглар, кум илони!

Соябон аравадагиларнинг ҳаммаси бошларини чиқариб, кум устида сувда сузгандек тез кетаётган илонга қарашди. Иккинчи арава оти устидаги Заврак қамчини ҳавода ўйнатиб, илонга дўқ урди. Лекин илон парвойи фалак, ҳатто Завракка қайрилиб ҳам қарамай йўлида кетаверди.

— Зўр илон экан! — деди Бадиа Завракка, — бундоқ Нишопурий жанобларига қайрилиб салом ҳам бермади-я! Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!

Заврак ҳам кулди. Бу бугунги биринчи кулги эди. Бу кулги диққинафас бўлиб кетаётганлар учун худди қишдан чиққанларга баҳор гунафшасидек ғоятда тансиқ эди. Заврак Нишопурий дарҳол жавоб қилди. У бундай учирма гапларга ҳозиржавоб эди:

— Беғараз илон экан. Ақлли илонларнинг индамай, салом ҳам бермай илонга ўхшаб юрганлари маъқул! Буни қаранг, юришлари қандай чиройли. Товусдек хиром қилади-я!

— Сиз жанобни ўша илон авраб қўймадимикан? Жуда мактаб юбордингиз? — деди Бадиа.

— Менга афсуну авраш кор қилмайди. Онамлар Нишопур шаҳри яқинидаги чалдиворда етмиш йилдан бери истикомат қиладиган бир фолбинга ўқиттириб, дам солдириб берган туморлари қўлтиғимда. Менга инсу жинс ҳам яқинлаша олмайди. Мени афсун билан ром ҳам қилиб бўлмайди, менга заҳар ҳам таъсир қилмайди, гап ҳам!..

— Ўх-хў-ў, — деди Бадиа, — гап таъсир қилмаслигини билардигу қўлтиғингизда тумор борлигини билмас эканмиз.

— Ҳа, бекам, сал-пал сурбетроқмиз.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа.

— Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури, — деди яна Заврак кўз қисиб, Ғаввосга ишора қилди.

Бадиа оғир сафарда ҳеч кимнинг дилини оғритадиган гап айтмасликни кўнглига туккан эди, у Завракка жавоб қайтармади.

Ҳамма ёқ кўнғир қум тепаликлари. Уфққача чўзилиб кетган илон изи йўл. Жимжитлик. Аравада ўтирганлар қаёқдан келиб, қаёққа кетишаётганини ҳам билишмасди. Баъзан икки йўл келиб қолганида аравакаш Ҳорунбек офтобга қарар, ундан сўнг пешмати, ёнидаги қибланомани олиб кафтига қўяди. У баъзан қибланомани Меъморга ҳам кўрсатиб, ё ўнг ё чап йўлга ўтишни тасдиқлаб ҳам оларди. Бир неча фарсахдан кейин қудуқ келишини олдиндан айтар, қудуқни эзмаланиб тасвирлар, ҳамма айтганлари тўғри чиқарди.

Йўлга чиққанидан бошлаб камгап, хомуш бўлиб қолган Ғаввос Андхуддан чиқиб, қум ичига киргач, серхархаша бўлиб, гап ёқмай қолган эди. Шунақа экан, нега қўшилиб йўлга чиқди? Унинг жонга тегиб, ошналари билан гаплашмай гиш-гиша қилиб келаётгани фақат иккинчи аравадагиларга маълум. У анчадан буён Зулфиқор билан Завракни қон қилиб келаётган эди. Биринчи аравада келаётганлар бундан беҳабар, фақат унинг хомуш, камгап бўлиши — Бухорони кўриш иштиёқида иссиқ уйини ташлаб келаётгани туфайли деб билишарди. Бадиа ҳам, Меъмор ҳам худди шундай деб ўйлашарди. Меъмор бошқа шогирдларидан кўра ҳам унга ўзгача илтифоту эхтиром кўрсатар, чунки у ёш жиҳатдан сал каттароқ ва бунинг устига оилалик эди. Заврак билан Зулфиқор у билан қаттиқ ҳазил ҳам қилмасди. Аслида, унинг бирга узоқ сафарга чиққанидан хурсанд ҳам эмас эдилар.

Бу кун ҳам ўтди.

Йўлда қудуқ ёнида тунаб, овқатланиб ухлашди. Зулфиқор билан Заврак яланғоч қилични тиззаларига қўйган холда ухламай, галма-галдан қоровуллик қилишди. Кишилардаги руҳият, чарчокликни сезган отлар ҳам жим, тик этган товуш уларни шубҳалик қарашга мажбур этарди. Жимжитлик, кимсасизлик, ярим ўлик табиат наинки инсон, жониворлар юрагига ҳам ваҳи-

ма соларди. Буни миужа қоқмай ўтирган Зулфиқор аниқ сезиб ўтирарди.

Осмон тўла юлдузлар... Бунда юлдузлар шунчалик кўп ва шунчалик яқин кўринадики, шундоқ қўл уза-тиб, шафтоли тергандек терса бўладигандай. Зулфиқор чалқанча ётиб осмонга қарар, баъзан осмонда узун нурли чизик чизиб юлдуз учарди. Улар йўлга чиққанида ярқираб турган тўлин ой ҳам ўроқ шакли-ни олибди. Тиккада турган «Етти қароқчи»га кўз таш-лар; биз ҳам етти киши — юлдуз ҳам еттита... Рама-зон ойлари унинг онаси шу «Етти қароқчи»га қараб саҳар уйғонарди. У Минораи Калон орқасига ўтгани-да ўчоққа олов ёқиб, овқатга ҳозирлик кўрарди. Мана ўша «Етти қароқчи», кимсасиз чўл устида ҳам ярқи-раб турибди. Бир муддатдан сўнг Заврак ўрнидан туриб ўтириб, «энди сен ухлайвер», деди. Шу дам нарироқда, ота-онаси ўртасида ётган Бадиа секин ўрни-дан туриб келиб, пичирлаб гапирди: «Оғалар, икко-вингиз ҳам дам олинглар, мен қоровулчилик қила-ман». Бу ҳам илтифот, ҳам фармон эди — бажармас-лик мумкин эмас. Зулфиқор билан Заврак: «Хўп, бо-риб ўз ўрнингизда қоровуллик қилинг!» дейишди. Ба-диа шу лаҳзада ўз жойига кетди.

— Бу қизнинг мана шунақа қилиқлари учун бир марта ҳайдалган эдим, — деди Зулфиқор Завракнинг қулоғига, — яна устоднинг дилини оғритишни иста-майман.

Заврак Зулфиқор ёнида ётиб, оёғи билан сал тур-тиб кўйди.

— Бари бир сен шу қизни яхши кўрасан, икко-вингнинг тилинг бир...

— Бунақа гапларни йиғиштир, ёлғон!

— Ўзларингиз сезмайсизлар... Бизлар анчадан бери сезамиз...

— Кўйсанг-чи бу гапларни!

— Ошиқ-маъшукларнинг парвойи бўлмайди, улар фақат бир-бирларини биладилар...

— Бас, дўстим! Ана энди уйқум ҳам қочиб кетди!

— Сизларга менинг ғашлигим йўқ, аммо ҳавасим келади. Мени ҳам бирон одам яхши кўрармикан... Фақат кўзим... жуссам...

— Азизим, гап жуссада эмас, хафа бўлма, гап инсоннинг олижаноблигию ақлида...

— Шундоқ деймизу, лекин бари бир кизлар хуснга, қадду қоматга қарайдилар...

— Ухла энди, азизим!

Шу пайт Бадиа ўрнидан туриб, Зулфиқорнинг тепасига келди.

— Жаноблар, нимани шивирлашиб гаплашяпсизлар? Мен у ерда ёлғиз кўрқяпман, ёнимдан вишил-лаб илон ўтиб кетгандек бўлди. Ундан сўнг, сизлар ҳам эшитдингизми, хув анави томондан чиябўрининг овози келяпти. Чақалок болаларга ўхшаб увляяпти...

— Бекам, жойингизга борсангиз яхши бўларди.

— Хижолат бўлаверманглар, мен, ахир сингилларингман! Аравакаш Хорунбек ҳам бизни яхши билади, айб қилмайди. Ойимларга ҳам айтиб келдим.

— Бўпти, ёнимизда ўтира қолинг, — деди Заврак Нишопурий.

— Мен жуда сизларнинг ёнингизда ўтиришга зор эмасман, лекин кўрқяпман. Шунинг учун келдим. Хув, анави томонга қаранглар, қумликлар устида катта дев турганга ўхшайди. Уни қаранглар, юряпти. Ўшани кўриб, баданим жимирлашиб кетди. Девни ўлдириб бўлмайди, дейишади, шу ростми? Унинг қони тўкилса — ҳар томчисидан минг дев пайдо бўлаверади, дейишади. Шу ростми?

— Бу ваҳима гапларни қаёқдан топасиз-а, бекам? — Зулфиқор кулди.

— Ундоқ деманг, — деди Бадиа секин ва тобекорлик билан. — Бизларнинг бу ерда тунаётганимизни девлар, жинлар кўриб туришибди. Улар баъзан кўзга ҳам кўринишади. Улар бир дақиқада ҳамма ёқдан тўпланиб келиб, бизнинг ёнимизда базм куришлари, баъзан шикаст беришлари ҳам мумкин. Жаноблар, ана, улар хув анави қум тепасида чўққайиб ўтиришибди. Менга қараб имо қилишяпти. Жуда кўркиб кетяпман. Ёки бу бизлар ўлдириб келган айғоқчиларнинг руҳи эмасмикан?

— Бекам, восвос бўлиб қолибсиз! — деди Заврак, — бир оз дадил бўлинг! Ваҳима қилаверманг, бу

ерда ҳеч нарса йўқ. Фақат ҳар замонда юмронми, чўл сичқоними, илонми ўтиб қолиши мумкин. Қароқчини тил торттирмай ўлдирган одамлар, сичқондан кўрқадими?

— Вуй, жуда кўрқяпман.

— Келинглар, яхши гаплардан гаплашайлик. Осмондаги юлдузларга қаранглар! Шу юлдузлар нима экан? Гавҳар тошлармикан?

— Улар жуда кўп-а. Қандай чиройли, — деди Бадиа юлдуз тўла осмонга қараб, — ҳаммасини тўплаб олгим келади...

Бадияни дев, ажиналар ваҳимасидан ажратиб олаётганига қувонган Зулфиқор Шоший бошқаларга эшиттирмай, секин ғазал ўқиди:

Жоним чиқадурад дард ила, жононима айтинг!

Мен хаста гадо холини султонима айтинг.

Ўртанмак-у кўз ёшию ўлмак дурур ишим,
Бу қиссами ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-кат юрагим боғлади қон ғунча мегизлик,
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юз узра юлдуз каби сонсиз,
Ул кўзлари чўлпон, моҳи тобонима айтинг.

Лутфий дилафгор тилар ҳажр элидин дод.

Аҳволини ул бегиму хонима айтинг.

— «Қон ёшим эрур юз узра юлдуз каби сонсиз», дебдилар ҳазрати Лутфий, — деди Бадиа завқланиб. — Худди бизни айтибдилар.

— Ҳазрат Лутфийни кўриш бахтига муяссар бўлганман. У зот бизнинг устоддан ёшроқ, баланд бўйли, қотмадан келган одам. Мавлоно узоқ йили устод ёнларига келган эдилар. Мадраса қурилишига ҳам келганлар. Тўғрими? — Заврак Бадиага қаради.

Бадиа бош қимирлатиб, бу гапни тасдиқладию, овоз чиқармади, унинг хаёлидан отасининг бу машҳур шоирга акаси Низомиддин ҳақида ёрдам сўраб мурожаат этгани, бу иш унинг қўлидан келмагани, бу уриниш натижа бермаганини келиб отасига айтганини ҳам эслади. Шоир Хуросондан чиқиб кетганини ҳам эшитган эди. Бундоқ улуғ зотлар икки хил гапирмаслигини кўнглидан ўтказиб, шерикларига гап қотди:

— Ҳазрат Лутфий отамнинг яқин ошнолари, у зот ҳам Хуросондан чиқиб кетганлар. Дарҳақиқат, Хуросонга киш кириб, совуқлик бошланыпти... Подшоҳ зулми ошиб кетди.

— Қайси подшоҳнинг зулми ошмабди? — деди Зулфиқор. — Чингизхон, Угэдэйхон, Чигатойхон, Қозонхон, Қозоғонхон, Туғлик Темир, Кебакхон... Қайси бири фукарога яхшилик қилибди?

— Бу гапни биз айтсак ярашади, чунки бизнинг хонадондан хуруфия чикди. Сиз, жаноб Зулфиқор Шоший, эҳтиёт бўлинг, бундай гапларни айтишга одатланманг. Сарбадорлар ҳам ҳамма вақт шундай деб келганлар.

— Азизлар, гап аввал илон-чаёндан бошланди, — деди Заврак, — кейин жину девлар, энди подшолар... Энди яхши гаплардан гаплашайлик. Анави тўнғизнинг хириллаб ухлашига ҳавасим келяпти, — у Ғаввосни кўрсатди. — Сизлар икковингиз баҳри байт айтишиб ўтиринглар, мен озгина мизғиб оламан.

— Йўқ, энди ухлаш йўқ! — деди Бадиа ўрнидан туриб кетаётган Завракнинг этагидан тортиб, — кемага тушганнинг жони бир!

— Айтмадимми, сиз Кебакхондан ҳам золимсиз! — деди Заврак яна қайтадан жойига ўтириб. — Сизлар эркинроқ гаплашиб ўтиринглар деб, сизларга муруват қилаётган эдим. Сизлар яхшиликни билмаяпсизлар. Дунёда жину дев, подшоҳу илон-чаёндан ташқари «бўсаи канор...» деган гаплар ҳам бор...

— Жаноб Нишопурий, сал эсларини йиғиб олсинлар! — деди Бадиа, аслида бундай ҳазиллар ёкса ҳам шарму ҳаё йўл бермагай. — Тил югуриги...

— Бошга! — деди Заврак Нишопурий дарҳол.

Тонг ғира-ширасида ухлаб, хордиқ олган аравакаш отларни сугориб, араваларга кўшди, улар наридан бери юз-қўлларини ювиб, йўлга тушиб кетишди.

Кўп ўтмай чинакамига қум барханлари бошланди. Андаккина совиған қумлар қуёш кўтарилиши билан яна қизий бошлади. Аравада мудраб келаётган Бадиага отаси қум тепа устида кулча бўлиб, ўзини офтобга солиб ётган каттакон чипор илонни кўрсатди. Бадиа

кўзларини очиб, илонга қаради, уйқуси ҳам қочиб кетди.

Кум, кум, кум...

Эртасига ҳам яна шундай юриш; ҳамма ёқ кум, йўлнинг поёни кўринмасди. Ҳам толиш, ҳам диққатлик...

Индинига, иккинчи аравада анчадан бери гингшиб келаётган Ғаввос Муҳаммад арава ўртасига ётиб олди; буларга қўшилиб йўлга чиққанидан пушаймон бўлиб келаётган бадавлат хонадоннинг лўмбиллаган ўғли аравада осмонга қараб ётиб олиб, оҳ ура бошлади. Заврак билан Зулфиқор аввал унинг бу қилиғини яшириб келишаётган эди, бир дамдан кейин бу ҳолга кўзи тушган Бадиа Зулфиқорга «Нима гап?» дегандек имо қилди. Зулфиқор унга ҳеч гап йўқ, деган ишорани қилди. Лекин аслида Ғаввос Муҳаммад енгилтаклик қилиб, ўз йўлдошларини сўкиб, оғзидан кўпик чиқариб, оҳ уриб ётарди.

— Хув, уят бўлади! Бу нима қилиқ? — деди Заврак.

— Сен лаънати мени йўлдан оздирдинг! — деди бакириб Ғаввос, — бўлмаса мен Ҳиротдан чиқмаган бўлардим! Нега мен сенларга қўшилдим?! Менга нега керак эди бу азоб! Сен мени чалғитдинг!

— Ўзингиз хоҳлаб келдингиз, Завракда айб йўқ, — деди Зулфиқор. — Биз хатто сизни ҳисобга қўшмаган эдик.

— Сиз аралашманг! Сиз бухороликсиз, юртингизга кетяпсиз!

— Мен сизни ранжитиш ниятида айтаётганим йўқ. Ўзингизни қўлга олинг, йигит кишисиз! Уят бўлади! Иккиламчи, бу енгилтаклигингизни устод сезиб қолсалар хафа бўладилар!

— Сиз менга насиҳат қилманг! Мен бунақа қумда юролмайман! Сизнинг ошиқ-маъшуқлигингиз учун мен қумда сарсон бўлиб ўлиб кетолмайман! Бола-чақаларим бор!

— Нодон экансиз! — деди Зулфиқор оёқларини тарвақайлатиб арава ўртасида ётган Ғаввос Муҳаммад тагидан тиззасини тортиб олиб. У «ошиқ-маъшуқ» сўзи учун Ғаввоснинг лунжига туширмоқчи эди, ўзини тутди.

— Фойдаси йўк! — деди Заврак Зулфиқорга бошини сарак-сарак қилиб. — Бу тўнғизнинг шунақалигини билардим! Илгари ҳам бир бор шунақа қилган... Савдогарнинг ўғли-да...

— Ўзинг тўнғиз! — бақирди Ғаввос.

— Бу имтиҳондан ҳам ўтмаган, сизга ўхшаб ертўла синовиди ҳам бўлмаган. Устод Қавом ўртага тушиб, устодга шогирд қилиб берилган. Буни қаранг, қилаётган қилиғига илонлар пўст ташлайди!

Ғаввос Зулфиқорга ҳам, Завракка ҳам қарамай, осмонга қараб, оғзидан кўпик чиқариб, ох ура бошлади.

— Во-й, во-й, ўламан... кумларингнинг ҳам падарига лаънат! Мени бошлаб олиб чиққанларнинг ҳам падарига лаънат! Тўхтатинглар!!! Араваларни тўхтатинглар! Қайтиб кетамиз! Мен орқага қайтиб кетаман! Во-й-ой!

Биринчи аравада кетаётган Бадиа яна Зулфиқорга қаради:

— Нима гап? Нима деяпти?

Зулфиқор елкасини қисди.

— Аравакашга айтинглар, орқага қайтиб кетамиз! Вой, вой, — деди яна бақириб Ғаввос Муҳаммад.

Бу гапларни эшитган Бадиа аравакаш Ҳорунбекдан илтимос қилиб, биринчи аравани тўхтатди. У ота-онасига ҳеч нима демай аравадан ерга тушди-да, иккинчи аравага ўтди. Аравалар яна юришда давом этди. У Зулфиқорнинг рўпарасига ўтириб, отга миниб бораётган Завракка мурожаат этди.

— Нима гап?

— Эрталабдан бери шу гап, бекам, — деди Заврак, — қайтиб кетаман, деяпти.

— Во-о-й, во-о-ой, ўламан! Кумларингнинг падарига лаънат, ўламан! Араваларни қайтаринглар! Хиротга қайтиб кетамиз! Во-о-ой...

— Жаноб Ғаввос, бу нима қилиқ?! — деб Бадиа оғзидан кўпик чиқариб, аравада чалқанча ётиб олган Ғаввосга тик қаради.

— Йўк, мен қайтиб кетаман!

— Қайтиб кетиб бўлмайди, тушунинг ахир! Биз Жайхунга яқинлашяпмиз. Жуда кўп йўл юрдик. Хоҳламас экансиз Майманада айтишингиз мумкин эди!

— Мен бормайман! Қайтиб кетамиз, во-ой...

Бадиа ҳайрон бўлиб қолди. У дам ғазабланди, дам ўзини қўлга олиб, тишини-тишига қўйди.

— Тоза дард устида чипқон бўлди-ю, Заврак оға, сиз тушунтиринг, йигит киши уялмайдимиз?!

— Гап юқмаяпти, бекам!

— Мен ҳеч нарсани билмайман! Мени Хиротга қайтариб олиб боринглар!

— Нима қиламиз? — Бадиа Зулфиқорга қаради.

— Бу ҳеч кимнинг ғапига қулоқ солмаяпти. Устодга хабар қилиш керак.

— Устоднинг гами ўзига етмайдимиз!

Бадиа яна унга мурожаат этди:

— Ўзингизни қўлга олишингизни сўрайман! — деди у кўзларида ғазаб ўтлари чакнаб. — Йўқса, жазойингизни бераман! Сиз ҳаммани безовта қиляпсиз!

— Бор, ўша аравангга! Мен Бухоросига бормайман! Мен касалман! Қайтаринглар араваларни!

Бадиа Зулфиқорга имо қилди, кейин жон-жаҳди билан буйруқ берди.

— Бу аблахни аравадан отиб юборинг! — У шу лаҳза этиги кўнжигга қўлини тикиб ханжарини олди. — Айтганимни қилмасангиз, тўнғизни шу ерда ўлдираман!

Бадиянинг буйруғини икки қилиш асло мумкин эмаслигини биладиган Зулфиқор сапчиб ўрнидан туриб, оҳ-воҳ уриб, ялпайиб ётган Ғаввосни азот кўтариб қумга отиб юборди. Тўнкадек гурсса қумга тушган Ғаввос апил-тапил ўрнидан туриб, дод солиб, арава орқасидан эргаша бошлади. Бу ишдан биринчи аравада кетаётганлар ҳам хабардор бўлди. Тишини-тишига қўйиб келишаётганлар индамади. Учала арава ҳам тўхтамай кетаверди.

— Номард! Қўрқоқ! — деди Бадиа.

Ғаввос Муҳаммад қумга ағанаб, оҳ уриб, бақира бошлади. Бир муддатдан кейин, талвасага тушган Ғаввос олислаб кетаётган аравалар орқасидан югурди, яқинлашгач, Бадиа кўзидаги ғазаб, ярқираб турган ханжарни кўриб орқага тисланди. Ҳуруфия тўдасига алоқам бор, мен акам қонига қон оламан, деб юрадиган Бадиа учун бу чўли биёбонда Ғаввосга ўхшаганларнинг биқинига ханжар тикиб кетиш ҳеч гап эмас эди.

Фаввос Муҳаммад биринчи аравадагиларга қараб бақирди:

— Мени олиб кетинглар, до-од, тавба қилдим!

Ҳеч ким унга қайрилиб қарамади. У борми, йўқми, ҳеч ким парво қилмади. Кетаётганларнинг ҳаммаси Бадианинг измида эканига тушунди. Гўзал киз унинг кўзига Қораилон каби дахшатли бўлиб кўринди.

— До-о-о-д! Мени ташлаб кетманглар!

Бадиа арава устида индамай тура берди. Бир муддатдан сўнг унинг ишораси билан Заврак отдан сакраб ерга тушди, ўрнига Зулфиқор отга миниб, йўлда давом этаверишди. Қумга сакраб тушган Заврак анча нарида судралиб, дод солиб келаётган Фаввос Муҳаммадни учинчи аравадаги юқлар устига чиқариб қўйди-да, ўзи яна югуриб келиб, иккинчи аравага — Бадианинг ёнига ўтирди. Бу холни кўрган Маъсума бека, Меъмор ва Ҳорунбекларнинг юраги таскин топиб, индамай кета бошлашди.

— Чиқдимми? — секин сўради Бадиа.

— Ҳа, — деди ўрнашиб олиб Заврак, — асбоблар орасига тикиб қўйдим.

— Шунча йилдан буён мен унинг бунақа қилиқлари борлигини билмаган эканман. У хайвоннинг ўзгинаси экан-ку!

— Оғир бўлинг, каттиқ гапирманг, бекам! Ханжарингизни ҳам бекитиб қўйинг! — деди Зулфиқор, — бу ҳам бир тутқанокдек дард. Қийинчиликни кўрмаган хомсемиз одам-да. Шунақаси ҳам бўлади.

— Хўп, — деди Бадиа Зулфиқорнинг айтганларига амал қилиб.

— У ҳамма нарсани кузатиб боряпти, — деди Заврак.

— Яна ох-воҳ қилиб ўйин кўрсатмасин.

Уч арава қумликлар оралаб, олдинга кетаверди. То кечгача улар миқ этмай боришди. Отлар ҳам обдан чарчади...

Шу чарчаб толиққан оғир бир пайтда иккинчи аравадаги отига миниб кетаётган Зулфиқор орқада Заврак билан ёнма-ён хомуш ўтирган Бадиага эшитилар-эшитилмас, илгари гингиллаб айтадиган қўшиғини айта бошлади:

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг!
Мен хаста гадо холини султонима айтинг...

Қовоқ солиб ўтирган Бадиа бошини кўтариб, жилмайди. Унинг лабларидаги табассумни кўрган Зулфиқор, ашулани яна ҳам баландроқ олди. Биринчи аравада кетаётган Ҳорунбек орқасига қайрилиб қараб, «Бормисан, укажон!» деб хурсанд бўлиб кетди.

— Қаттиқроқ айт! Ичимизда ҳасрат тоғини йиқитадиган паҳлавон ҳам бор экан-ку!

XXVII б о б

БЕХУДУД ҚУМЛИКЛАР...

Баҳри муҳитдек беҳудуд қумликларнинг тўқ сарик, кўнғир «тўлқин»лари силсиласи кўзни оларди. Қум барханлари силсиласи узра жимираб ҳарорат кўтарилар — бу ерда иссиқлик жуда баланд бўлишига қарамай Меъмор кийналмай нафас олар эди. «Дўзах» деб аталмиш Қизилқум оралиғида ҳам чўпонлар яшарди. Негадир бу ерларда Меъмор яхши нафас олиб, ўзини бардам сеза бошлади. Ҳорунбек ҳам илгари бу ҳикматни сезган эди. У ёлғиз турган Меъмор ёнига келиб, ҳавонинг қизик бўлишига қарамай беғубор, соф экани, бу ерларда киши асаби жуда мулойти муътадил бўлишини айтди.

— Сўзингиз жуда тўғри, иним, — деди Меъмор қафтларини бир-бирига ишқалаб, — қумда ҳаво қизик бўлишига қарамай, нафас олиш қулай. Асаблар ҳам юмшаб, киши кайфияти кўтарилади. Ана, орқада рутубатли Ҳирот қолди, кейинги йилларда мен ўзимни жуда ҳақиру хаста ҳис этардим. Ҳозир биз ўша «рутубат»дан холи, таъқибдан узоқ қум оралиғидамиз...

— Ҳақ гап, — деди Ҳорунбек, — аммо сиз ҳазрат, таъқиб дедингиз, дарҳақиқат, Муҳаммад Арғун айғоқчилари сув илондек кишининг ичига кириб кетади. Устод, сиз ҳамма шогирдларингизга ҳам бирдек ишонасизми?

— Ишонаман. Шогирдларим ичида хоин йўқ.

— Мен-чи? Мен бегона кишиман-ку? Менга ишонасизми?

— Ишонаман! Сиз яхши одамсиз. Сизнинг инсофли одам эканингизни ўша биринчи куниёқ жамолингиздан сезган эдим.

— Ташаккур, устод! Сиз юраги пок, чинакам меъмор, зиёли киши бўлганингиз учун шундай деяпсиз. Менга ишонмасангиз ҳам бўларди. Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, қизиму рафикамдан бўлак ҳеч кимга ишонмасдим. Сиз ҳақиқатан ҳам таъқиб остидаги кишисиз. Сарой сизни «хавfli одам» ҳисоблайди.

— Бу гапларни қаёқдан биласиз, иним?

— Эшитганман.

— Таажжуб! Менинг бошимга тушган ғусса карвонсаройларга ҳам ёйилган экан-да.

— Сизнинг дардингизга ярим Хуросон шерик. Амирзодалардан зулм кўрганларнинг ҳаммаси сиз томонда. Мен ҳам зулм кўрганман, аравакашлик — кейинги касбим. Асли ота-бобом бўзчи ўтган, ўзим ҳам бўз тўкийман. Мен Саййид Имоиддин Насимий, Мир Қосим Анварнинг китобларини ўқиганман.

— Бундоқ денг, — Меъмор аравакаш Ҳорунбекка тикилиб қаради, — дунёда бағри бутун киши йўқ экан-да!

Улар бир муддат сукут ичида чор атрофдаги чексиз кумликларга тикилишди. Меъморнинг хаёлига ялт этиб, Мир Қосим Анвар билан «Маликул калом» Лутфий келди. Бу икки шоир ҳеч қачон ўз бетоблигини ўзгага билдирмаслиги, доимо «Мен саломатман, шукур» дейиши Меъморга ёқди. Меъмор доимо ўзининг бардам эканлиги, ишлаб чарчамаслигини, намоёиш қиларди. Яхши ният — ярим мол эканида ҳикмат бор бўлганидек, киши ўзининг доимо соғ эканини айтиши узок умр бағишлайди. Киши танидаги аъзоларнинг ҳам қулоғи бор: ўзининг бардамлигини эшитган аъзолар яна соғ туриб хизматни бажараверади. Уч алломанинг бу одати кейинчалик ҳарбий юришларни тўхтатиб, Хуросон тахтида ўтириб қолган Шохрухнинг ҳам қулоғига етиб, у ҳам доимо амирзодаларга, элчиларга, мансабдор шахсларга ўзининг ғоятда бардамлигини атай билдириб турарди. Унинг учун бундай қилиш — саркардалар, амирзодаю беклар подшоҳ қариб, касалманд бўлиб қолган, деб бошқа амирзодага эътимод қўймасликлари учун керак эди.

— «...Фа айнама таваллу фасамма важхуллоҳи¹» — деди Ҳорунбек қум барханларига тикилиб турган Меъмор дикқатини ўзига жалб этиб. — Пиримиз Фазлуллоҳ ҳазратлари демишким, «важҳ» сўзи ўн тўрт рақам бўлиб, бизнинг йигирма саккиз харф бутун мавжудотнинг асосидир...»².

Меъмор Ҳорунбекка яна тикилиб қолди. Унинг кўз олдига қатл этилган ўғли Низомиддину жангари Аҳмад Лур келди. Ёшлар-ку бу фирқа «афзаллиги» билан сеҳрланган бўлса, аммо сиз, Ҳорунбек унча ёш эмассиз-ку, сиз нега бу ишни ихтиёр этдингиз? Не зарурат бор эди, демокчи эди, бундан бир йил бурун Хуросондан ҳайдалган шоир Мир Қосим Анвар кўз олдига гавдаланди. Меъмор индамай қараб қолди. Ҳалаб шаҳрида амирзодалар томонидан териси шилиниб, минг қийноқ билан ўлдирилган улўф шоир ва мутаффакир Саййид Имодиддин Насимий хаёлидан ўтди.

— Ҳазрат Насимий шиа мазҳабида бўлиб, Мансур Халлож каби «аналҳақ» деди ва ўзини, оллоҳман, деб кўфр йўлига ўтди... Шу сабабли қатл этилди.

— Мироншоҳ кишилари Фазлуллоҳ ҳазратлари хусусида авомга шундоқ гапларни тарқатди. Аслида бу мўътабар зот авом тарафида туриб, фуқарога қўп зулм етказётган амирзодаларнинг кирдикорларини қоралардилар.

— «Бақара» сурасини тўлароқ ўқимоқ лозим, — деди Меъмор. — «Валил-лоҳил машриқу вал-мағрибу фа айнама таваллу фасамма важхуллоҳи. Иналлоҳа восисиъун аълимун!», яъни, машриқ ва мағриб Оллоҳникидур ва қаерга сиз боқманг, унда Оллоҳ важи бор. Ҳақиқатан ҳам унинг даргоҳи кенг, у ҳамма нарсадан вокиф, дегани.

— Офарин, устод!

— Айтадурларким, шоир Насимий хўб соҳибжамол баҳодир киши экан... Шоирнинг терисини шилаётган жаллод унга қараб: «Сен — аналҳақ бўлсанг,

¹ «...Сиз қаерга боқманг, унда Оллоҳ жамоли бор...» («Қуръон»нинг «Бақара» сурасидан).

² Хуруфийлар таърифича, «Важҳ» сўзидаги харфлар: вов — 6. жим — 3, хаввос — 5.

нега сарғаймоқдасан?» — деб савол берибди. Кўп қон оқиб азоб чекаётган шоир айтибдурким: «Мен муҳаббат осмонининг қуёшиман, ҳамма вақт ярқираб турганман. Қуёш ҳам ботаётган чоғида сарғаяди...» Териси шилиниб, ўлдирилаётганда бундоқ гапни фақат фавқуллода баҳодир инсонлар айта олади. Бу мислсиз баҳодирликдан амирзодалар таҳликага тушган. Мир Қосим Анвар, мавлоно Ашраф Мороғавий, Саййид Имоиддин Насимийлар улуг шоирлардир.

— Ташаккур, устод! Мен сизни бунчалик олижаноб эканингизни билмас эканман. Ташаккур! — деди терисига сиғмай Ҳорунбек.

— Азизим Ҳорунбек, биз жуда гапни чуқурлатиб юбордик. Келинг, яхши гаплардан гаплашиб, кулшайлик. Хиротда ёруғлик кўрмай, юракларимиз андух зулматидан чиқмади.

Ҳорунбек кулди. У Меъмор билан яна хуруфия ҳақида, юрагидаги ўзи учун муқаддас ва олий ғояларни тилига чиқариб, узоқ гаплашиш истаги бор эди. Аммо Меъморнинг яна фикрий чуқурлашишдан бош тортаётганини сезиб, унинг хоҳишига қаради.

Меъмор индамади. Ҳозирги замонда энг тараккий топиб, айниқса, мадраса талабалари, майда хунармандлар орасида кенг тарқалиб кетган «сўфиёна фалсафий оқим — хуруфия фирқаси унинг кўнглидан ўтди. Бу «гирдоб»га тушиб, ҳалок бўлган ўғли Низомиддин асло кўз олдидан кетмасди.

Отаси билан Ҳорунбекнинг анчадан бери бошқалардан ажралиб, гаплашаётганини, айниқса, отасининг ниҳоятда жиддий пайтда қиладиган хатти-ҳаракатларини узоқдан кузатиб турган Бадиа атай келиб, суҳбатдошлар ёнига ўтирди. Ҳорунбекнинг «Фазлуллоҳ...» деганини эшитиб қолиб Бадиа гапга араллашиб кетди.

— Илохийлик оддий фуқарода мужассамдир, олло нурига кирган кимса ҳар қандай ҳукмдорлардан ҳам юқоридир. Ҳазрати Фазлуллоҳ аналҳак, деган эди оғам. Лекин хуруфия махфий фирқасининг яхшироқ куч тўпламай якка-якка подшоҳга тиф кўтармоғи шошма-шошарлик бўлган.

— Офарин! — деди Ҳорунбек кулиб.

— Тўрт томон кум, хайрият, бунда ҳеч ким эшитмайди. Агар сен бу гапни Ҳиротда айтганингда онангдан аввал сенинг бошингни узардилар. Мен қандай фарзандлар орасида қолдим... Э, худо, тавба қилдим, узинг кечир! — деди Меъмор

— Устод, мени авф этинг, — деди шод кулгидан ўзини тутиб Ҳорунбек, — хуруфия ниҳоятда пок ва адолатли, авомпарвар фирқадирким, дунёнинг жамийки ёшлари уни орзу қиладилар.

— Оғамнинг айтишларича, — деди Бадиа, — Ҳалаб шаҳрининг ҳокими Ёшбек Саййид Имодиддин Насимий ҳазратларини тутиб, зиндонга ташлаган ва қийноқ билан қатл этган. Ёшбек амирзода Султон Муайидга тобе беклардан бўлган... Шоирнинг фожиали, лекин баҳодирона ўлими шундай бўлган.

— Насимий «аҳли зоҳир шуароси» эмас, балки мажозий муҳаббатни куйлаган мутасаввуф — сўфи шоир эканини ҳазрат Лутфий айтган эдилар, — деди Меъмор беихтиёр гапга аралашиб.

— Шу сабабли Саййид Имодиддин Насимий ва унинг устоди Фазлуллоҳни шаҳид этдилар. Хуруфийлар шу сабабли Шохруҳ ҳаётига қасд қилдилар! Мир Қосим Анвар Ҳиротдан ихрож этилди... — деди Ҳорунбек. — Лекин «Шохнома»ни ифтихор этган Бойсункур Мирзо устоди Мир Қосим Анварни чин қалбдан севарди. Улуғбек ҳам Мир Қосим Анварга жуда яқин дўст бўлган, у шоир бошига ҳам сиз ҳазратнинг кунингиз тушган. Ҳиротдан ихрож қилинган бу шоир Улуғбек даргоҳидан паноҳ топди, унинг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлди.

— Бу тафсилотларни бундан буён айтиб юрмоқликнинг ҳожати йўқ! Мен ҳам кўп гапириб юбордим, — деди Меъмор қизига насиҳатомуз. — Мен, онанг ёшимизни яшадик, лекин сен ёш жонингга жабр қилмагин, бу гаплар яхшилик келтирмайди! Сипоҳ билан гаплашмоқчи бўлсанг қўлингда табаринг бўлсин, деганлар. Амирзодалар биз билан гаплашиб ҳам ўтирмайди. Бир ишора билан бош узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Қизим, тилга эҳтиёт бўл!

— Тўғри, — деди Ҳорунбек, — мен устоднинг сўзларини қувватлайман.

Бадиа шаддодлик қилганидан хижолат бўлиб, ерга қаради.

Меъмор гапни бошқа томонга бурди:

— Амирзодалар хунхорликлар, бемаъни ишларни қилиб кўйиб, салтанат таназзулига юзтубан кетаётганида бу айбни бошқа бир одамга тўнкаб, «фарзин» айирбошлашадилар ёки «фил суради»лар. Бунинг маъноси шуки, Фарғона жангида кўп одам нобуд бўлиб, Сайхун бўйларида ахвол ёмонлашиб, фуқаро кашшоқлашиб кетди. Худованднинг қудратини қарангки, зироат ҳам унмади. Бу «номаврид жангнинг сабабчиси Ёқуббек» деб, ҳамма гуноҳни унга тўнкаб, бошини олиб юборишди. Кейинги вақтларда кўп эътиборлик одамлар хуруфияда айбланиб, Хуросондан ялпи чиқариб юборилмоқда. Бу ҳам таназзул. Мен ишонаманки, амирзодаларнинг ўзи қолиб, бу иш учун вазир Муҳаммад Арғуннинг албатта боши кетади! Амирзодалар ўз жиноятларини фуқародан яшириб бирон вазиру саркардани сўйиб юборадилар. Шу билан мамлакатда яна ҳукмронликни давом эттириб, айшу ишрат сураверадилар...

Хорунбек билан Бадиа Меъморнинг «салтанатга тегадиган бундоқ гапларни гапирманглар», деб таъкидлашию, аммо ўзининг беихтиёр гапириб юборишига ичдан қулиб, бир-бирларига қараб кўйишди. Бу гуфтигўли сезиб турсалар ҳам боядан бери келишга ийманиб турган Зулфиқору Заврак бир муддатдан сўнг Меъмор атрофини ўрашди.

— Азизлар, — деди яна Меъмор, — биз Саййид Имоиддин Насимий билан Мир Қосим Анварни ёдга олдик. Келинглар, у зоти боборакотларнинг рухларига бағишлайлик!

Ҳамма чўкка тушиб, юзига фотиҳа тортди.

То уфққача чўзилган беҳудуд кум барханлари беҳисоб қабрларга ўхшарди. Бу қабрларда дорга осилган Низомиддин ва унинг олти ўртоғи, Фазлуллох Астрободий, Саййид Насимий, Мир Қосим Анварлар ётгандай бўлиб кўринарди.

ХАЛАЧ ЯҚИНИДАГИ ҚУМ БЎРОНИ

Қораилоннинг қумга кириб, ғойиб бўлганини эшитган Муҳаммад Арғун, уни Мовароуннаҳр орқали бошқа мамлакатга қочиб кетди, хаёл қилди. Чунки у қадами етган ерда қон тўкиб, ишни тез ажрим қиларди. Ғоятда махфий бўлишига қарамай, Хуросонда қилган хунрезликлари ва жуда хавфли кимса бўлиб қолганлиги сабабли амирзодалардан бирининг одамлари, албатта, бир куни уни йўқотиб юборишлари аён бўлиб қолган, буни унинг ўзи ҳам сеза бошлаган, вақт ганиматида, тилло тангалар йиғишга ружу қилаётгани юқори мартабали мансабдорлар ўртасида унга нисбатан шубҳа туғдира бошлаган эди. Хуллас, уни бериб қўйилган чексиз имтиёз салтанатнинг бошига бир кун бориб бало бўлишини сарой аҳли тилида бўлмаса ҳам, дилида мулоҳаза қилар эди. Фуқарони қўй пода си деб бўлмайди, ситам ошиб, вақти соати етгач, «қўйлар» йўлбарсу шерларга айланиб кетади — у на шоҳу, на Қораилондан кўрқади! Ўзини подшога Муҳаммад Арғундан ҳам яхшироқ кўрсатиб юрган Қораилоннинг ғойиб бўлганидан Муҳаммад Арғун шу сабабли ҳам таҳликага тушмади, аксинча қувонди. Қани энди шу ярамас йўқолиб-йитиб кетсаю у юзага чиқса! Вазири тафтиш Муҳаммад Арғун яна бир ой кутиб, агар келмаса, кейин кириб подшоҳга хабар қилажагини дилидан ўтказди. Аслида подшоҳ Қораилонни Муҳаммад Арғундан ҳам кўра яхши биларди.

Вазир Қораилоннинг шериги билан бирга қум ичида ўлиб ётганидан мутлақо хабари йўқ эди.

Меъмор Фаввоснинг талвасага тушиб, оҳ-воҳ урганидан кейин барчанинг кайфи бузилиб, сукут ичида келаётганларида, Маъсума бекага одатдагидек гап қотиб, кўзларига жуда катта бир бинонинг шаклу таровати кўринаётганини, Бухорога омон-эсон етиб борганларидан сўнг унинг тарҳини яхшилаб қоғозга чизажагини айтди. Бу шундай бир мадраса бўладики, рўйи заминда унинг тенги топилмайди. Қани энди шундай бир одил подшоҳ бўлсаю унга ўз хунари билан хизмат этиб, ундан яхшилик кўрса! Баъзида у

пешмати ёнидан тошқаламу дафтарини олиб, арава-нинг чайқалиб, қалқиб кетаётганига қарамай нима-ларнидир чизиб, ёзиб қўяр эди. Маъсума бека ҳамма вақт унинг фикру ўйларини қувватлашга, диққат билан тинглашга ўрганиб қолган, арава устида ҳам у Ҳиротдагидек меҳрибонлик кўргизиб, чолининг фикру ниятини маъқулларди. Аслида, ҳозир унинг юрагига лойиха сиғармиди, юраги Ҳиротда қолиб кетаётган ўғли Низомиддинда эди... Тиниб-тинчимас бу чол умр бўйи ўз лойихаларини, чизмаларини Маъсума бекага гапириб келди, аслида у унинг лойихаю чизмаларига асло тушунмасди. Аммо кадрдонининг тушуниб бўлмас ҳар бир чизигу хатлари ҳам кадрдон ва аллақандай мўъжизадай бўлиб туюларди унга. У Меъморнинг гапларини эътироз билдирмай, сабр-тоқат билан эшитар, бош қимирлатиб тасдиқларди. «Бир оёғинг гўрда, бир оёғинг ерда, қайсар чол, энди сенга иморат солишни ким қўйибди! Ўзингнинг иморатинг солиняпти!» — дейдиган бирон одам йўқ. «Инсон шунақа экан-да, — деди ичида Маъсума бека, — бу самарқандликлар, бухороликлар ва шошликлар эртага ўлаётган бўлса ҳам бугун иморат солишади. Дашти қипчоқликлар бойиса хотин олади, туркийлар бой бўлса — том солади... Том солиш у кишининг қонида бор-да...»

Хуфтонга яқин уч арава Жайхун бўйига — Карки шаҳрига етиб келди. Бу ер — Хуросон билан Мовароуннаҳр чегараси. Меъмор карвонсаройга тушибок, қизи билан бирга окшом қоронғисида жимирлаб оқаётган дарё бўйига бориб, юз-қўлларини ювиб, бир-икки қултум сув ичишди. Бу сув умр бўйи ичиб катта бўлгани Зарафшон сувидек тотли эди. У дарё бўйида хуфтон намозини ўқиди. Ўғлининг рухига тиловат қилиб, кўзидан ёш тўкиб бахшида килди... Ибодатдан кейин у қизи билан бирга яна карвонсаройга келиб, йўлдошларига чехраси очилиб салом берди. Бир чеккада ғариб бўлиб ўтирган Фаввосга ҳам яхши гапирди, ўзингизни ёмон сезмаяпсизми, деб сўради. Бу томони Мовароуннаҳр, қумликлар тугаб, далалар, боғу роғлар, экинзорлар бошланишини, дарёдан ўтиб Толлимаржонга етгунча яна озроқ қум борлиги, ундан у ёғи яхши бўлиб кетишини айтди.

— Мулла Ғаввос Муҳаммад иним! Машаққат бўлса ҳам Бухоройи шарифни кўриб қўйганингиз яхши, — деди Меъмор очик чеҳра билан. — Одамзод бир сабаб билан ўзга юрт, ўзга шаҳарларни ихтиёр этади. Сабабики бўлмаса, ким иссиқ ўрнини ташлаб, кум тепаликлари орасида саргардон бўлиб юрарди! Синдибоди Баҳрий жаҳондаги жамийки баҳру дарёларни сузиб ўтган, ибн Ваттута ҳам еру сувда юриб, дунёни айланиб чиққан...

— Кўнглим беҳузур бўлиб... йўлдошларимни безовта қилибман, устод, мени кечиринг, — деди бошини қўйи солиб Ғаввос Муҳаммад.

— Зарари йўқ, — деди Меъмор. — Буни йўл машаққати деймиз. Бухорога етиб олсак, дам оламиз, барча машаққатлар унутилиб кетади.

Ғаввос Муҳаммад эрталабдан ҳамма билан яна саломалик қилишиб кетдию, аммо Бадиа билан Сулфиқор Шоший юзига қаролмади.

Дарёдан оту араваларни ўтказадиган сол ва улкан қайиқлар Халач шаҳрида бўлганлиги туфайли эрта тонгда уч арава яна дарё ёқалаб юра кетди.

Бир томон кум, бир томон сув...

Негадир Меъморнинг кўз олдида ғазабини ҳам, шодлигини ҳам билиб бўлмайдиган, қаҳри қаттиқлиги билан бобосига ўхшайдиган Иброҳим Султон кела бошлади. Халач йўлида, чексиз кумликлар ичида, иттифоқо бу пурқахр ҳукмдорни эслашига ўзи ҳам тааж-жубланди, кулча юз, ёноқлари туртиб чиққан, япасқи бурун бу амирзода оға-инилари — на Муҳаммад Тарағай ва на Бойсунқурга ўхшарди. Унинг башараси кўпроқ мўғулларни эслатарди. Ўз шахсию шухрати йўлида ҳеч қандай мулоҳазага бормай, ёмон кўрган кимсасини гезликда йўқотиб юбориши билан Мункахоннинг худди ўзи эди. У ўз рақибига кутилмаганда дахшатли зарба берарди. Ўз қўл остидаги Исфаҳон, Шероз ва Машхад беклари амирзодадан зириллашарди; кўп вақти отаси ёнида — Ҳиротда ўтишига қарамай, Эрондагилар ҳам кўрқишарди. Уни «мўғул шахзода» деб атардилар. Шу ёвуз одамнинг ҳадеб лоппа-лоппа ёдига тушавергани Меъморни чўчитди. Ёки бу савқи табииймикан? Яна у шу кумликлар ичида пайдо бўлиб қолса-я! Амирзода келишган хотинлар, ишрату тўшак ҳақида кўпроқ

ўйларди. Унинг учун ишратдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳамма нарса, жангу жадаллар, кирғину макрлар фақат шунга етиш учун бўлган тадбирлардан деб қарарди. Маърифатпарвар Улуғбек Мирзо билан Бойсунқурлардан куларди. Маърифат авомни алдаш учун керак, дерди у. Бир куни у ўша ҳарамиди кийнаб ўлдирган канизак учун макбара қуришни меъмор Нажмиддин Бухорий билан устод Қавомга топширди. Устод Қавом тезликда сафар анжомларини шай қилиб, Шерозга жўнадию, аммо Меъмор бормади: «Ғариб канизак ҳукмдорнинг бир кечалик ишрати учун қурбон бўлиб кетди. Бу кийикнинг шохини қозик қилиш, бош суяк чаноғида май ичиш билан баробар. Гўзалнинг ўлигидан ҳам фойдаланиб, шуҳрат топадиларми!? Кўйинглар, отонаси бағридан юлиб олиниб, у бечора ғариб қиз ҳарамга ташланган, тупроқда тинч ётсин! Мен бундоқ ишларга қўл урмайман!!» деди Меъмор. Шерозда ўша канизакка чиройли сағана қурилди. Лекин Иброҳим Султон ўз амрини бажармаган ва бунинг устига «носазо» гап айтган Меъморни ёмон кўриб қолган эди. Субудой билан Чигатой ишрат қилиб, ўз «куч»ларини кўрсатиш мақсадида қиз ўлдирганларини эшитган эдик, бу мўғул ҳукмдорларининг одати экан. Булар ҳам шу ишни қилибди, демак, қиёмат яқин қолибди, деди Меъмор. Бу қилиқ эркакнинг кучлилигини эмас, носоғломлигини кўрсатади. Меъмор бу сўзларни ҳамкасабалари, шогирдлари ичида эмас, мансабдорлар олдида ҳам тажанг бўлиб айтган эди. Бу гаплар амирзода қулоғига бориб етганига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Лекин Меъморнинг, аввало, раият, қолаверса, салтанат олдидаги мавқеи, Хуросону Мовароуннаҳрдаги шуҳрати унга қарши кескин чора кўришга йўл қўймас эди.

Чолнинг пинакка кетганини сезиб ўтирган Маъсума бека тўсатдан унга мурожаат этди:

— Ҳой, отаси, анави кумларнинг оқишини қаранг! Сувга ўхшаб оқяпти.

— Ҳа, кўряпман.

— Анави юмронга қаранг! — деди Бадиа жимликни бузиб.

— Кўряпман.

— Нима учундир илонлар кўринмаяпти? — деди

атрофга аланглаб Бадиа, — ёки Халач шахри томонда илонлар каммикан? Эчкемар ҳам кўринмайди?

— Хув ана! Кум тепасига қаранг, — деди отда ўтирган Ҳорунбек. — Кумнинг оқиши, юмронларнинг безовта бўлиши — бир ниманинг белгиси...

— Ниманинг белгиси? — дарҳол сўради Бадиа.

— Бўрон бўлиши эҳтимол, кизим. Лекин ҳаммаси худодан... — деди аравакаш. — Озгина шамолга кум оқса, орқасидан бўрон келади, дердилар. Бунни «хаммир учидан патир», дейишарди. Бу ерларда гирдибоду бўрон кўп бўлади. Тезроқ Халачга етиб олсак яхши бўларди. От жониворлар ҳам роса тортяпти. Мўлжалимда Халачга кечга яқин кириб борсак эҳтимол.

— Дарвоқе, шамол бўляпти! — деди Меъмор соябон араванинг ёнларини очиб. У терлаб-пишиб бораётган отга, орқадаги аравага, ундан кейинги учинчи юк ортилган аравага, унинг орқасидан келаётган икки йўрға отга ҳам кўз ташлаб кўйди. Машаққатли, иссиқ йўл бедов отларни ҳам бошқа отлардек, «мўмин» қилиб кўйган эди. Қуриб-қахшаган табиат ҳамма нарсани жижғанақ қилиб, қовжиратаман, сувсизликдан қақратаман, менинг қайноқ шамолларим қашқирдан ёмон! Тимдалаб-титаман, дегандек бўларди. Меъмор Ҳорунбекка қаради. — Хув анави томонга қаранг, у гирдибод эмасми?

— Гирдибод! — деди Ҳорунбек.

Икки малла устун фалакка бўй чўзиб бураларди.

— Қибланомага қаранг, у қайси томон?

— Мағриби-шимол, — деди Ҳорунбек белбоғидаги жез қибланомани кафти устига кўйиб. — Қоракум. Тўғри юраверса, Сақарга, мағриб томонга юрилса, Марвга борилади. Бу йўлларда кўп юрганман. Аксар, мана шу Карки, Халач, Сақар йўлида бўрон бўларди. Шу ерларда бир гап бор. Юмронларнинг дарё томонга югуришида ҳам бир гап бор. Ишқилиб, ўзи асрасин.

Олисда фалакка устун бўлиб турган икки гирдибод орқасида яна «устунлар» пайдо бўлди. Арава филдираклари остида шувиллаб оқаётган кумлар қолиб, Меъмор олис-олисларда гир айланиб, қуму янтоқларни осмонга олиб чиқаётган гирдибодлардан нигоҳини

узмас эди. Беш-олти «минора» фалакка бўй чўзиб, осмонга тўзон пуркарди. Улар гала минораларга ўхшаб кетарди. Олдингиси Минораи Калонга ўхшаса, оркадагилари Ҳиротдаги гала минорага, баъзан Мирзо мадрасасининг икки «гулдаста»сига ҳам ўхшаб кетарди. Бу янги мадрасани тўрт йилда қуриб битирдию, тўйи насиб қилмади. Етдим деганда, йиқилди. Буюрмаган экан! У ер юзида жаннат яратиб, битганида ичкарига киролмай остонада йиқилиб ўлган Шаддодни эслади. У ҳам шундай бўлди. Худо ўша мислсиз боғни саккизинчи жаннат қилиб юборган экан...

Унинг кўз олдига Низомиддин келди — янглишиб, аждар комига кетган болам, бутун бир салтанатга қарши таёқ билан жанг қилмоқчи бўлган эди. Сен қалтис ташлаган қадамнинг қурбони бўлиб қора ерда ётибсан! Шу лозимиди? Бир тўда йигит мағрибдан то машриққача етган, лаккак лашкари бўлган салтанатни қулата олармидингиз! Сипоҳларнинг кучли қўллари гирибонингиздан тутиб, бўғиб ташларди. Салтанат билан ўйнашишнинг оқибати мана шунақа! Биз бу ишни қилсак майли эди: ёшимизни яшаб, ошимизни ошадик. Биз ҳамма қабихликларни кўрдик, подшоҳга яқин юрмоқ — аждарга яқин юрмоқдан хавфли эканини билардик. Биз иморат барпо этардик, гарчанд подшоҳ учун қурилаётган бўлгани билан, бу фуқаро мулки эди. Сиз, хали ҳеч нарсани кўрмаган гўр гўдаклар, чалғиб аждар комига лаҳм этдек кириб кетдингиз! Полопон вақтингиздаёқ ёруғ дунёдан кетдингиз! Ана шунга куяман! Бу Заҳҳок хали кўп фарзандларимизни ейди! Хали-бери у ўлмайди. Агар бу Заҳҳок ўлса, у Заҳҳок тахтга чиқади. Агар у ўлса, ўрнига эҳтимол бошқаси чиқади. Эҳтимол Муҳаммад Султон чиқади... Шохрух: «Бизнинг салтанатимиз, худонинг хохиши билан, абадул-абаддир», деган. Биз ҳам дунёдан ўтиб кетамиз, аммо бу подшоҳлар тураверади... Йўқ! — деб ўзига ўзи хитоб қилди Меъмор. — Бир адолатли подшоҳ келиб, ғариб-ғураболар бошини силайди, мазлумлар золимлардан ўч олади! Интиқом пайти етади — алқасосу минал ҳақ! Эҳтимол у подшоҳ илм-маърифатга ривож бериб, аҳли фузалого меҳрибонлик кўрсатар. Энг ёмони — кўнгилни қиймалаб, ғазабни аланга олдирадигани шуки, зехни

паст, баъзи ноқобил мансабдорлар обрӯ учун кекса олимларга шогирд тушгандай бўладилар-да, оз муддатда улар мадрасаю мактабда «тахсил» кўриб, олим билан «биргаликда илм билан машғул бўлади»лар. Сиёсату қилич ва оталарининг зўрлиги билан «олим» бўлиб оладилар. Кейин эса, илмнинг шўрини қуритадилар!»

Темурийзодаларнинг орасида учраб турадиган баъзи мана шунақалари Меъморнинг юрагини сиқиб, ғазабини қўзғатарди. Ҳукмдор Иброҳим Султон ўзининг ишрату кишиларни қийратишдан бўлак нарсани билмовчи жохил, нодон, дағал бир одам эканлигини ниқоблаш мақсадида аввал риёзиёт билан шўғулланмоқчи бўлди. Юраги сиқилиб, дафтарни улоқтирди-да, устозига «тўн кийдириб, жўнатиб юборинглар», деди. Риёзиёт бўлмаган гап, ўзини билган кимса бунақа ишлар билан бошини қотириб юрмай, ҳарбу зарбни машқ қилгани маъқул, деди. Лекин баъзан оғаларидан кейинда қолмаслик, улардан ақллироқ кўриниш мақсадида яна аҳли фузалога кўз ташлади. Бу гал у устод Қавомга «муҳаббат билан» қараб, меъморчилик санъатини ўрганиб, мамлакатда кўп бинолар қурдирмоқчи бўлди. Бу ҳам бўлмади, тез орада устод Қавом билан ҳам хайрлашди. Унинг хандасавий ҳисобу ўлчовлари асло миясига кирмади. Устод Қавом янги қасрлар тарҳини тасвирлаётганида унинг хаёли харобаларда кезди, мағлубларнинг оҳ-зоридан нашъаланди.

Баъзан шундай узундан-узун хаёллар Меъморни қуршаб олиб, бир муддат тарёку наша элитган одамдай бир нуктага тикилганича хаёл суриб қоларди. Бундай чоғларда ёнида ўтирган хотинию қизини ҳам кўрмасди — у тамоман узоқ-узоқларда юрарди. Отасининг бундай тушқун пайтларида Бадиа унга ҳалал бермас, отажон, ҳадеб бундай уҳ тортавериш кишини ичдан емиради, дея олмасди. Бу — аччиқ қисмат захри эканини, бу қалб жароҳатини даволаб бўлмаслигини тушунарди.

Темурийзодалар ўзларига ён босган зотларнинг бошидан тилле сочардию, аммо уларнинг ҳукмдорлигига қиттаккина мункир келган кимсани асло кечирмасди — қаттиқ ўч олардилар. Бунини сарой атрофидаги мансабдорлар эмас, Хуросону Мовароуннаҳр аҳли

яхши биларди. Вазиру вузаро орасида бир қалтис қадам ташлаб, бутун умрга «шубҳали кас» бўлиб қолган бундай одамлар ўша замонда «сарбадор»ликда, Шохруҳдан то Алауддавла замонигача «хуруфия»да айбланиб, пойтахтдан анча нарига суриб кўйиларди. Тасаввуф кишилари Машҳадга, мансабдорлар Астро-бодга, сипоҳлар бўлса, тоғ ичидаги Наранг томонларига жўнатиларди. Меъмор Нажмиддин Бухорий ҳам умри гурбатда ўтиб кетадиганлар тоифасига кириб, кексалиги туфайли Наранг тоғига маъдан қазиш учун эмас, умрини тоат-ибодат билан ўтказиш, токи у дунёга бегуноҳ борсин ниятида ҳажга жўнатилган эди. Аммо Бойсунқурнинг аралашуви билан ўз она юрти Бухорога жўнади. Бунга ҳам шукур қилмоқ керак, деди у ўзига ўзи...

Уч арава ёнидаги отлар билан Жайхуннинг чап ёнида, қумликлар ичида борарди. Каркидан чиққандан сўнг оқшомга қолмай етиб боришлари мумкин бўлган Халач негадир жуда олис бўлиб кетди. Олисдаги сарғиш чанг ва гирдибодлар карвонга яқинлашиб кела бошлади. Қўлида қибланом, икки кўзи фарб қумликлари устидаги гир айланаётган гирдибодларда бўлган Ҳорунбек орқасига қайрилиб, Меъмор билан Бадиага қаради.

— Чап томонга қаранглар! Ҳув, анави ялангликка қаранглар!

— Кўряпмиз, — деди дарҳол Бадиа. — Унда одамзод суяги ётибди. Бечорани қашқир талаган бўлса керак.

— Йўқ, — деди Ҳорунбек, — ана, нариги томонларга ҳам қаранг, ҳамма ёқда бош чаноклари, ковурга-оёқ суяклари... Шунча одамни бўри талаган эмас, Самарқандликлар билан хоразмликларнинг ўртасида каттиқ жанг бўлган. Булар хоразмликларнинг суяги... Шамол қумларни учириб, тепаликларни ялаб кетган, қум остидаги жасадлар очилиб қолган. Ана, қалқону қиличлар ҳам ётибди...

Учала аравада келаётганлар ҳам дарҳол ўша суякларга, тўнкарилиб ётган бош чанокларига қарашди; кенг қумликларга сочилиб ётган инсон устухонларининг адади йўқ эди.

Бадиянинг хаёлига йўлда саранжом қилишгани икки

жосус қароқчи келди. Уларнинг ҳам жасади қум орасида ётади-да, бир куни шамол бўлиб, уларнинг ҳам суяклари юзага чиқиб қолади.

Кўп ўтмай узоқдаги бўрон яқинлашиб кела бошлади, арава ғилдираклари тагидаги қумни учираётган шамол энди ғувиллаб бўронга айланиб, араваларни сариқ чанг ўрай бошлади. Отлар ҳам пишқириб, бетоқат бўлар, туёқлари қумга ботиб кетарди. Арава соябонларига шитирлаб урилаётган қум ичкаридан ёмғирни эслатарди; қани энди қум бўрони эмас, шовиллаб ёмғир ёғса, деб ўйларди Бадиа. Бу ерларда ёмғингарчилик кам бўлади. Негадир бу ерлар осмонидан оқ паға булутлар камдан-кам сузиб ўтадилар. Бу ерлардан кўп қатнаган Ҳорунбек ҳам бўронни кўрадию ёмғирни ҳеч қачон учратмаган эди.

Ҳорунбек отнинг жиловини тортиб аравани тўхтатди. Сал ишорани кутиб турган от жониворлар ҳам дарҳол жойида тўхтади. Олдинги от қаттиқ пишқирди. Бошқа аравалар ҳам одатдагидек олдинги аравага яқин келиб тўхташди. Йигитлар аравалардан таппатаппа сакраб қумга тушишди. Улар ғувиллаб учаётган бўрон ичида бир-бирларини аранг кўришарди. Аввалига, чолга бир нима бўлди, хаёл қилган Зулфиқор билан Заврак югуриб келиб устодга қарашди, йўқ, устод ҳам, Бадиа ҳам, Маъсума бека ҳам яхши ўтиришарди. Шогирдларининг безовта бўлганини сезган Меъмор бўрон туфайли юриш ноқулай бўлаётганини лекин кайфият ёмон эмаслигини сезди-да, йўлнинг энг машаққатли жойи шу, дарёдан ўтгандан кейин, ундан у ёғи — Мовароуннаҳр, «дунёдаги энг гўзал мамлакат» эканини айтиб, уларга таскин берди. Шогирдлар чолнинг далда бераётганини сезиб, ичдан қулиб қўйишар, алдаса ҳам ўзи бардам эканлигидан мамнун эдилар. Ғаввос Муҳаммаднинг ҳам улардан бир қадамча нарида устодига жавдираб қараб турганини сезиш мумкин эди.

— Нима қилайлик? Шу ерда тўхтаймизми ёки юраверамизми? — Меъмор йўлдошларига мурожаат этди.

— Юриб бўлмайди! — деди бир дамлик сукутни бузиб Ҳорунбек.

— Дарёга яқинроқ борамизми? — сўради Бадиа қум кирган кўзларини уқалаб.

— Бу жуда хавfli, — деди Ҳорунбек.

— Бўлмаса жойимизда тураверайлик, — деди Меъмор.

— Маъкул, — дейишди шогирдлар. Ҳорунбек ҳам бош қимирлатиб тасдиқлади.

— Отларни чиқариб, арава ғилдиракларига маҳкам боғлаш керак. Бўроннинг тезда ўтиб кетишига кўзим етмайди, — деди яна Ҳорунбек, — уч-тўрт кунлаб бўлганини ҳам биламан! Ишқилиб, тез ўтиб кетсин.

— Ҳорунбек, гирдибодлар узокда эди, мана бу томонга яқинлашяпти, — деди Меъмор. — Бу ерда ҳам тез ўтиб кетади. Кўркмаслик керак. Лекин отларнинг хашакларини арава тагига олиб кириш лозим! Учириб олиб кетиши ҳам турган гап.

— Охирги аравадаги наमतларни олиб, ғилдиракка ёпинглар, — деди Ҳорунбек, — ҳаммамиз араваларнинг тагига киришимиз керак!

Ғувиллаб учаётган бўрон ичида йигитлар наридан бери хашагу бедаларни арава тагига олиб кириб, ғилдиракларга наमत ёпишди. Бадиа билан Маъсума бека арава тагига кириб яширинишди. Бир муддатдан кейин Меъмор ҳам арава тагига кирди.

Тинмай бўрон ғувиллаб эсар, намату чодирларни пирпирак қилиб учуриб кетмокчи бўлар, араваларни силкитар, ғилдиракларга боғлоклик отлар оёқларини кериб, кимир этмай туришарди. Бегона икки от ҳам жим, қитмирлик қилмасди.

Халач бўрони!..

Хуросондан Самарқанду Бухорога қатнайдиғанларга бу ернинг феъли жуда маълум, аммо энг яқин йўл шу бўлганлиги туфайли ҳамма ё Мукри, ё Карки, ё Халачга бормасликка, Жайхундан ўтмасликка иложлари йўқ. Хонобод, Қундуз, Қалъайи Зол орқали юрадиганлар ҳам бўларди — бу, асосан Дехли, Қобулдан келадиганлар нуктаси эди. Аравалар тагига кириб, қум бўронидан жон сақлаган Меъмор ва Ҳорунбеклар хаёлида уч-тўртга бўлиниб, лимиллаб оқаётган дарёнинг нариги томонидаги Хўжааббос шаҳарчасига ва ундан Толлимаржонга чиқиб олиш ташвиши турарди. Лекин кутилмаганда бошланиб қолган Халач бўрони уларни дарё бўйига ҳам етказмай, қум остида

такка тўхтатди. Меъмор филдиракка ёпилган наMAT орасидан узоқ-узоқларга боқарди; ҳамма ёқ сарик чанг, аммо баъзида ғарб томонда фалакка устун бўлиб турган гирдибодлар ҳам анча яқин келиб қолган эди. Бу «устун»лар орасида мовий гумбазлар ҳам унинг кўзларига кўриниб кетгандай бўлди. Фалакка бўй чўзган аллақандай буюк қаср рўпарада намоён бўлиб, Меъморнинг хаёлини олиб қочди. У хаёл ичида араваларни, наMATларни тортқилаб, ғувиллаётган Халач бўронини сезмас, унинг кўз олдида гирвату бўрон кашф этган мислсиз бир қаср турарди. Бу қаср ўзининг улкан равоқу «гулдаста»лари, гумбазу дарвозалари билан Оқ саройдан ҳам Боғи Жаҳоноро қасридан ҳам буюк эди. Қорамтир гирдибод, уни бирдан Ихтиёрдин қалъасига ўхшатди. Меъморнинг юраги орқасига тортиб кетди — бу даҳшатли қалъа ичида унинг Низомиддини ўлдирилган! Дунёда бу қалъадан ҳам ваҳшатли қалъа бўлмаса керак!

Меъморнинг хаёл суриб, гиёҳвандлардек қотиб қолганини кўрган Ҳорунбек, бош чайқаб, устод баъзан шундай ҳолга тушиб қолармикан, бу эҳтимол аччиқ аламнинг оқибатидир... деб ўйларди. Аравакашнинг ички ҳолатини сезиб турган Бадиа чидаб туролмай, дарҳол отасини туртди:

— Сув берайми, ота?

Чол ўзига келди.

— Йўқ, сув ичмайман! — деди Меъмор, — буни кара, қизим, мени хаёл олибди; мана шу томонда бир катта қаср солинган эмиш...

Бадиа Ҳорунбекка қараб қўйди. Бу нигоҳ билан у «отам жинни бўлиб қолган эмас, аҳли фузало мана шундай узоқ хаёл сурадиганлар бўлади. Катта бинолар ғишт териш билан кўтарилавермайди. Қанчалар уйқусиз тунлар, хаёллар, изтиробу изланишлар, мутолаалар натижаси...» демоқчи бўларди.

Меъмор сўзини яна давом эттирди:

— Қум тепаликларини ҳам тамоман унутибман. Мана шу томонда жуда катта қаср турибди. Ё тавба, бу барханлар устида қаср нима қилади! Худойи таоло менинг дилимга яна бир катта қаср бино этишни соляпти. Мен бу қасрни аниқ кўрдим. Ҳа, бу туш

эмас, шундоқ куппа-кундузи, уйғоқ турганимда кўрдим. Бўлмаса, келиб-келиб шу қум саҳросида қаср кўраманми! Ё тавба!

Бадиа ҳам, Маъсума бека ҳам, Ҳорунбек ҳам ярим қоронғи арава тагида жим, Меъморга қарашди, улар лом-мим демай индамай туришарди.

— Бадиа қизим, шогирдларимдан бирини, Зулфиқорними, Завракними, Ғаввосними чақириб беролмайсанми? Дафтарини, тошқалам билан жозварини ҳам ола келсин.

— Мен чақираман, — деди дарҳол ўрнидан кўзғалиб Ҳорунбек.

— Сизга нима бўлди, отаси, — деди Маъсума бека эрига муурожаат этиб, — шундоқ пайтда дафтарқалам нимаси!

— Худо дилимга солди, ўша буюқ қасрни ўз кўзим билан кўрдим, онаси, бир амаллаб чизиб оламиз. Ёдингда бўлса керак, «Мирзо» мадрасаси ҳам шундоқ бўлган эди. Ёддан кўтарилмаслик учун баъзи ерларини қайд қилиб қўямиз.

Бўрон тинимсиз ғувиллаб турганида ёнгинадаги аравадан чиқиб, отларнинг тагидан ўтиб, Зулфиқор билан Заврак эмаклаб кириб келишди. Улар орқасидан Ғаввос Муҳаммад ҳам келиб кирмоқчи эди, ичкарига сиғмади. Ҳорунбек билан Ғаввос араванинг сиртида чўкка тушиб ўтириб, бошларини ичкарига тикишган эди. Бу ҳолат Бадиада кулги кўзғади: у онаси пинжига суқилиб Зулфиқорнинг қош-кўзларидан нигоҳ узмай тикиларди. Зулфиқор устодга яқин ўтириб, қўйнидан кенг ва қалингина дафтарини очиб, тиззасига қўйди. Тошқаламни Меъморга узатди. Зулфиқор орқасида ёпишиб турган Заврак Меъморнинг дафтар саҳифаларига тортаётган чизикларидан, хандасавий ўлчовларидан кўз узмасди.

— Сизларни безовта қилдим-а?

— Бемалол, устод.

— Худо дилимга шуъла солди, буни қаранглар, бир яхши бино кўзимга кўринди. Анави гирватлар минораларга ўхшайди, учиб бораётган сариқ қум — девору равоқларнинг ўзгинаси. Кексалик, яна ёдимдан кўтарилиб кетмасин, деб дафтарга чизиклар тортиб, белгилар қўйишни лозим топдим. Бир яхши одил

подшоҳ бўлсаю, унга атаб курсам. Подшоҳ Искандар, Фаридун ёки Хорун-ар-Рашиддек адолатли бўлса. Аммо улар тирик бўлганида бу қаср уларга муносиб бўларди. Жамшиду Искандар бўлганида, мен уларга бу қасрни қуриб берган бўлардим. Унинг номини «Олтин сарой» деб атардик. Афсуски, улар йўк...

Ярим қоронғи арава тагида Меъмор қўлидаги тошқалам билан дафтар саҳифаларига чизиклар тортар, ёзар ва яна янги саҳифаларни очиб, чизиклар чизарди. Шогирдларнинг кўзи дафтарда. Хорунбекнинг нигоҳи Меъморда, Бадиа бўлса Зулфиқорнинг юзларига тикиларди. Маъсума бека араванинг ичию ташида ўтирганларнинг ҳаммасига жавдираб, ҳамманинг хатти-ҳаракатини кузатиб ўтирарди. Мушфиқ она учун бунда ҳамма кадрдон эди. У ҳаммадан кўра ҳам Ғаввос Муҳаммаднинг кўнглини ўқситмаслик мақсадида унга меҳрибонлик кўрсатмоқчи бўларди.

Меъмор дафтарга хандасавий чизиклар чизиб, шогирдларига нималарнидир тушунтирарди. Фисогурс хисоби бўйича учбурчаклар ва уни кесиб ўтувчи тўғри чизиклар бурчагига рақамлар қўйиб кўрсатарди. Меъморнинг ҳаяжонланиб айтаётган, «мислсиз қаср» тасвири ва хандасавий ҳисоблари ёш шогирдлар наздида бир афсонага ўхшарди. Устоднинг кўп гапларига ишонгилари келмаса-да, унга итоат ва эътиқод юзасидан ҳамма гапларини маъқуллашарди.

Ташқарида намату чодирларни кучли шамол тортиқилар, Ғаввос билан Хорунбек бўлса дамо-дам узоқдаги «фалак устунлари»га қараб қўйишарди.

— Ҳай, уста, — деди Маъсума бека, — шу пайтда бу чизикларингиз кимнинг қулоғига киради! Ҳали замон устимиздан кум босиб кетадими... Шогирдларингизни ўз ҳолига қўйинг, отларга қарашсин. Лоховла вало қуввата!..

— Сен дуойингни ўқиб, дам солиб ўтиравер! — деди илжайиб Меъмор, шогирдларига кўз қисиб. — Қўлимиз бўш, бари бир бекор ўтирибмиз. Бу бизнинг касбимиз.

— Ахир қўрқиб кетяпмиз!

— Ким? Сен ўзингми, ёки Бадиа ҳамми?

— Мен ўзим, — деди Маъсума бека бўрон тортиқилаётган чодирни маҳкам ушлаб.

— Кўркма! Ҳаммамиз шу ердамиз. Бўрон тезда ўтиб кетади, биз Жайхуннинг нариги томонига ўтганимиздан кейин бунақанги ёмон офатлар бўлмайди. У томон Мовароуннахр, Бадиа, сен кўркмаяпсанми?

— Йўқ, отажон.

— Ана, эшитдингми, онаси.

— Эшитдим, — деди Маъсума бека, — аммо сизлар шатранж ўйнаётган одамлардек ўзларингиз билан ўзларингиз гаплашиб ўтираверасиз, биз бу гапларингизга тушунмаймиз. Мундоқ тушунадиган гаплардан ҳам гаплашинглар. Халачга кечга яқин кириб борармиканмиз?

— Худо хоҳласа, — деди Меъмор иши билан машғул бўлиб.

Орадан кўп ўтмай аллақандай бир куч араваларга келиб урилди. Отлар кишнади. Ҳамма ёқни коронгилик босиб, юзларга қум урилди. Аравалар ҳам бориб кела бошлади. Биринчи арава тагида ўтирганлар беихтиёр филдиракларга ёпишишди. Қандайдир даҳшатли бир қўл коронгилик ичида ҳамма нарсани тортиб, осмонга отарди. Бу бир дақиқа ичида пайдо бўлган ёвуз куч зилзилага ҳам ўхшарди, ер остин-устун бўлиб кетаётгандай, кеч нарсани кўриб, тушуниб бўлмасди.

— Бу гирдибод! — деди оғзи-бурнига қум кирган Меъмор, бир дақиқадан кейин жонҳолатда. — Бир-бирларингизни маҳкам ушланглар!

Меъмор беихтиёр кизи билан хотинини ушлади. Зулфикор бир қўли билан бориб-келиб турган арава филдирагини, бир қўли билан Бадияни маҳкам ушлади. Заврак устодининг оёғига ёпишди. Ҳорунбек билан Ғаввос биринчи арава филдиракларига маҳкам ёпишганча кўзларини юмиб тураверишди.

— Жойларингдан кимирламанглар! — деди яна Меъмор шу лаҳзанинг ўзида... — Гирдибод ўтиб кетади.

Коронгилик бир неча дақиқа давом этди. Юзларга урилаётган бетўхтов қум бўрони кўз очиргани қўймасди. Ғужанак бўлиб бир-бирларига ёпишиб олган йўловчилар «гирдибод» деган гапни эшитишди-ю, аммо нима бўлаётганини бош кўтариб кўриша олмади. Фақат отларнинг бир лаҳзалик кишнаши ҳам тўхтади. Кўп

ўтмай қоронғилик кетиб, кун ёришаётганга ўхшади. Фувиллаб эсаётган бўронга қарамай, Меъмор секин бошини кўтарди, гирдибод ўтиб кетган эди.

— Гирдибод ўтиб кетди, жигарларим. Бу ҳам худонинг ишларидан бири, — деди Меъмор.

Ҳамма секин бош кўтариб у ёқ-бу ёққа қаради. Дарҳақиқат, чанг-тўзон анча нарилаб, Карки томонга кетарди. Осмону фалакка бўй чўзган гирдибод ичида намату, чодир хашаклар учиб юрарди. Гирдибод қаерларнидир ялаб, қаерларгадир қум тепаликлари уюб кетибди. Иккинчи арава тўнкарилиб, учинчи аравани анча нарига олиб бориб, филдиракларининг ярмигача қумга кўмиб қўйибди. Унинг устида на хашак ва на юклар бор. Биринчи арава филдиракларига боғланган уч от бору қолган отлардан дарак йўқ. Юз қадамча нарида қумга ботиб ётган учинчи араванинг ўнг томонида саман йўрға орқа томонидан қумга ботиб, чиқа олмай унналарди. Аравага кўшиб бўлмайдиган бегона икки отдан тамоман дарак йўқ. Қум бўронининг анча пасайганини, гирдибод бу ердан ўтиб кетганини кўрган Меъмор арава тагидан чиқиб, атрофга қаради. Аравалар куп-қурук. Гиламу шолчалар, қотган нону толқон солинган халтачалар, кийим-кечакларгача олиб кетибди. Олис қум тепаликлари устида хашак қолдиқлари сочилиб ётарди. Қийшайиб ётган учинчи аравада фақат декчаю, белкурагу кетмонлар қолибди...

Меъмор арава тагидан чиқиб, қумда чўққайиб ўтирган Маъсума бекага ялт этиб қаради:

— Катча борми?

— Бор, — деди хотини, — бири менда.

— Менда ҳам бор, — деди Бадиа.

— Хайрият, — деди Меъмор, — мана, ўтники — ўтга, сувники — сувга, қолди қатикнинг пули... Бу ҳам худонинг хошиши.

Зулфиқор Шоший билан Заврак Нишопурий шу лаҳза югурганча отни қумдан қутқариб олиш учун нарида қийшайиб ётган учинчи арава ёнига келишди. Фаввос орқама-орқа чопиб белкурак олиб, от тепасига борди. Хорунбек ҳам югурганича бир тепаликка чиқиб, атрофга аланглади. Йўқолган отларни кидирди. Ҳеч қаерда жонли нарсадан нишон йўқ. Тўрт отнинг саломат қолганига ҳам шукур қилишди.

— Жонимиз омон қолди, — деди Меъмор, — бўлмаса, бу гирдибод ёмон нарса. У қароқчилардан баттар. Жонимиз омон қолганига шуқур қилайлик!

— Гирдибодни кўрар эдим, аммо мундоқ ичига тушмаган эдим, — деди тепалиқдан тушиб, устод ёнига яқинлашган Ҳорунбек. — Бизни дабдала қилиб кетди-я! Энди қолган отлар билан тезда Халачга етиб олмасак, отлар хўраксиз, сувсиз ҳалок бўлади.

— Шундай қилайлик, биродар, — деди Меъмор, — бу кўргулик ҳам бор экан. Лекин бу зиённи қоплайдиган ақчаларимиз бор, биз ҳаммасини тўлаймиз.

— Бу худодан келган нарса, устод, мен бу офат етказган зиён учун ҳақ олмайман.

— Ҳозир мол-жон ўртада, иним, Бухорога етиб олайлик, у ёғи бир гап бўлар.

Уч йигит саман йўрғани қутқариб олиб келишди.

Шундан сўнг атрофга сочилиб, бирон нарса кўри-нармикан, деб қум тепалиқларини, пастликларини излашди. Ҳеч вақо йўқ. Гирдибод қиладиган ишни қилиб, оладиганини олиб, яна қумликларга кириб кетган эди.

— Йигитлар, узоқ-узоқларга қаранглар, отлар кўринмайдими? — деди Ҳорунбек. — Жониворлар қаёқда қолган экан? Ёмон одамнинг оти бўлса ҳам от... жониворда нима айб.

— Ҳеч нарса кўринмайди, — деди Заврак.

— Шоший жанобга ҳам айтинг, у киши ҳам қарасин, — деди Бадиа. — Сиз, жаноб Нишопурий, бир кўз билан нимани ҳам кўрардингиз!

— Шундоқ пайтда ҳазил! Тавба! — деди жаҳли чиқиб Заврак. Кейин юзини тесқари қилиб, Зулфиқорга ярим овозда гапирди: — Мен нима ғамда-ю, у... гул санчади!

Зулфиқор мийиғида кулди.

— Нима деяётганингизни билдим, жаноб Нишопурий! Мени камситяпсиз, — деди Бадиа. У фақат йўлдошлари руҳини кўтариш, андақ кулиш ниятида бу ҳазилни ўринсиз қилган эди: — Отолмаган сопқон ҳам бошга тегар, ҳам оёққа!..

— Йўқ, бекам, мен фақат биз уч кўз билан ҳамма ёқни қидиряпмиз, дедим, — Заврак «уч» сўзига ургу бериб, Зулфиқорга қаради, — яъни, бекам, менинг бир кўзим, Зулфиқорнинг икки кўзи, жами уч кўз

бўламиз. Уч кўз бўлгандан сўнг қумга тушган игнани ҳам кўрамиз.

— Бўлар иш бўлди, ачинишнинг фойдаси йўқ, — деди Бадиа, — шу сабабли ҳозир ҳазилдан бўлак фойдали нарсани билмаётирман. Шундоқ эмасми, жаноблар!

— Жуда тўғри, бекам, — деди Заврак.

Қумда таланиб, бор-йўғидан ажраган кичик қарвон сочилган нарсаларни йиғиб, отларни эгарлаб арваларга қўшишга ҳозирлик кўрди. Томоғи қақраган Бадиа нима дейишини билмай, қаергадир қумларга кўмилиб кетган мешу хумчани қидирарди. Отлар ташна... Лаблари лабларига ёпишиб қолган Меъмор ҳам ўз ташналигини билдирмай, тупук ютар, очликка чидаш мумкин, аммо ташналикка бардош бериш ғоятда машаққат эканлигини дилидан ўтказарди. Бу ҳолатни сезиб турган Ғаввос биринчи арава шотисига боғлоқлик каттагина челақни ва қумда тўнқарилиб ётган ёр хумчани олиб, қум йўлининг ўнг томонига — кун чиқиш томонга жўнади.

— Дарё анча олисда. Топа олармикансиз? — сўради Ҳорунбек.

— Қибланомага қаранг, тўғри кетяпманми?

— Тўғри кетяпсиз, — Ҳорунбек кафтидаги қибланомага қаради.

— Унда топаман.

— Кечикманг, ўғлим, биз бунда узоқ туролмаймиз, — деди Меъмор.

— Хўп, устод.

Ғаввос Муҳаммад бир қўлида челақ, хумчани қўлтиқлаб олганича қумлар оша югуриб кетди. У фурсатни қўлдан бермаслик учун кучининг борича югурарди. Ҳозир югуриш керак, лекин сув билан югуриб бўлмаслигини биларди.

— Ҳарқалай у «ғаввос!», — деди Заврак, — сув топиб келишига ишонаман. Лекин бу бойваччанинг рўпасидан бирон илон чиқиб қолса, пақир билан хумчани ташлаб, дод солиб қочиб келмоғи ҳам мумкин.

Бадиа кулимсиради:

— Унда ўзингизга навбат келади!

— Мен ҳозироқ зингиллаб кетардим, идиш йўқ, бекам.

— Сабр қилиб туринглар, — деди Маъсума бека, — лекин Фаввос Муҳаммадни ўқситадиган гапларни айтманглар, у ҳам бировнинг нуридийдаси. Ҳар тўқисда бир айб. Сал кўрқоқроқ бўлса нима! Одамнинг сал кўрқоқроқ бўлгани ҳам яхши бўлади. Устозингиз ҳам бақадан жуда кўрқардилар.

Барча тайёргарлик ишларига киришиб, отларни кўшиб, курук араваларга чиқиб, Фаввосни кутишди.

Фаввосдан дарак йўқ. Бир дамдан сўнг Меъморнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Бу нима иш бўлди?!

— Сабр қилинг, устод.

— Йўлга чиққандан буён дам бетоқат бўлиб, охвоҳ қилади, дам куттириб қўйдиради. Оғирчиликни кўрмаган йигит-да.

— Сабр қилинг, — деди яна Маъсума бека.

Бир маҳалда узоқда қора нуқта кўринди. Арава устида ўтирган Заврак тик ўрнидан туриб, Фаввос келаётганини айтди.

— Сизнинг кўрганингизга ишонса бўлади, — деди биринчи аравада ўтирган Бадиа, — сиз дурбинда кўргандай жуда яққол кўрасиз.

— Ўзлари қақраб, ҳолдан кетяптилару яна мендан куладилар. Буни қаранг, онажон!

— Майли, оға-сингилнинг гапи ботмайди, — деди Маъсума бека, — сен ҳам, Бадиа қизим, бунақа қалтис ҳазилингни қўйгин. Заврак ўғлимнинг бир кўзи икки кўздан ҳам яхши кўради.

Бадиа қикиллаб кулиб, Зулфиқорга кўз қисиб қўйди.

Хонумони таланиб, қиличи синиб, қалқони тешилган — енгилган сарбоздек хомуш алам тортиб ўтирган Меъмор билан Ҳорунбек жонланди. Улар мик этишмай, узоқда терлаб-пишиб сув олиб келаётган Фаввосдан кўз узишмасди. Ҳатто аравага қўшилган отлар ҳам Фаввосга тикилишарди. У етиб келмасданок Ҳорунбек пастга тушиб, кутиб турди. Терга ботиб, халлослаб келаётган Фаввос челақдаги сувни Ҳорунбекка узатди. У тез юриб халлослаганидан тили гапга келмасди.

— Сув лойқароқ.

— Э, ука, лойқароқ бўлса ҳам сув-ку! Омон бўл!

— Барака топинг! — деди Маъсума бека.

— Устод, нима дейсиз? — Ҳорунбек Меъморга қаради.

— Хумчадагидан ҳаммамиз ичайлик. Пақирдаги сувни отларга оз-оз ичиринг, — деди Меъмор.

— Устод, мен яна зинғиллаб бориб келавераман! Дарё узоқ эмас экан, аммо юриш қийин. Дарё негадир лойқа оқяпти...

— Жайҳун доимо лойқа оқади, — деди Меъмор, — биз шу сув билан Халачга етиб оламиз, ўғлим. Бу ишингиз кўп яхши бўлди.

Фаввос устозининг андак бўлса ҳам мамнун бўлганидан қувонди. Аравалар бирин-кетин юриб кетгач, Заврак ёнида ўтирган Фаввос ёнидан илон чиқариб, билинтирмай Завракнинг тиззасига қўйди. Тиззаси устида буралаётган чипор илонга кўзи тушган Заврак капалаги учиб, дод деб сакраб ерга тушди.

— Ҳа, нима гап? — деб Ҳорунбек отининг бошини тортди.

— Нима қилди? — Зулфиқор билан Бадиа ҳам Завракка қарашди.

— Ҳали бу ишни сиз қилдингизми?! — деди боши эзилган илонни кўриб Заврак заҳарханда билан Фаввос Мухаммадга.

— Сизни илону аждарлардан кўркмайди, деб эшитган эдим, баҳодир Нишопурий!

— Ҳалиги гапни эшитган экансиз-да. Қандай қилиб эшитдингиз? Анча нарилаб кетган эдингиз-ку?

— Ҳар ким ўзига тааллуқли гапни нариласа ҳам эшитади. Агар менинг устимдан яна кўрқок деб кулсангиз, мен энди аждарни тутиб келаман.

Фаввос Мухаммад ўз устидан кулишганини мутлақо эшитмаган эдию аммо тусмоллаб, бу хазилкаш йигит, албатта орқамдан бир нима дейди, деб ўйлаган эди. Тахмини тўғри чиққанига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

— Офарин, Фаввос! — деди Заврак яна сакраб аравага чиқиб. Кейин унинг елкасига қўл ташлади. — Қани, менга айтинг-чи, қандай қилиб, бу ярамасни тутиб ўлдирдингиз?

— Кетаётсам рўпарамда турган экан, бош кўтариб тилини чиқараверди. Яқинроқ бориб, хумча-

нинг қорни билан бошини эздим-қўйдим. Вассалом! Сизнинг гапингизни эшитганим йўқ, лекин орқамдан, албатта, бир нима дейишингизни кўнглимдан ўтказиб қўйган эдим. Чунки сиз гапирмай туролмайдиган одамсиз!

— Зехнингизга қойилман, Фаввос!

— Ўша илонни мен ҳам кўрай, — деди Бадиа.

— Э, қўйсанг-чи! — деди Маъсума бека эътироз билдириб. — Илонни ҳам ўйнайдими одам! Турки курсин!

Сув ичган отлар анча ўзларига келиб, пишкириб йўлга тушишди.

Шу куни тунда улар Халачга кириб боришди. Карвонсаройга тушиб, отларга ҳам ҳордиқ бериб, ўзлари ҳам дам олишди. Бу ерда ҳам Фаввос Ҳорунбек ёнида юриб, ғайрат кўрсатди. Отларга қаради. Карвонсарой хизматчилари билан гаплашиб, овқат ва чой тайёрлади. Отларга хашак бериб, яхшилаб суғорди. Фаввоснинг ишчан бўлиб кетганига Зулфиқор билан Заврак таажжубланишарди. Лекин бу ёмонми? Яхши-ку! Сафарда шундоқ бўлишлик лозимлигини тушунган бўлса, бу жуда маъқул иш-ку!

Эртасига эрта билан от-араваларни сол устига чиқариб, дарёдан ўтказиш машаққати бошланди. Улкан ёғоч сол ҳар арава-отни алоҳида-алоҳида қилиб, уч бор дарёни кечди. Тўртинчи ўтишда солга Бадиа, Маъсума бека, Меъмор ва Зулфиқор тушишди. Дарёнинг нариги томонига ўтган от-аравалар, Хўжааббос манзилгоҳида тўхтамай, тўғри Толлимаржон ёки Файзобод шаҳарларига қараб юришни кўзлаб, шай турарди.

Дарёдан кечувда ҳам Фаввос жонбозлик кўрсатди. У уч бор сол устида отларнинг жиловидан ушлаб, ҳуркитмай нариги томонга ўтказди. У қилаётган бу жонбозликлари билан қумдаги «гуноҳи»ни ўзича юваётган эди, буни ҳаммалари ҳам кўриб туришарди.

— Мен, Фаввос оғайни қўрқоқ деган эдим, фикрим хато экан, — деди Бадиа.

— Бадиа бекам, ҳозир у сув юртида, — деди Заврак. — Фаввослар сувда ботир бўлади. Улар балиқ мижоз, қумга тоқатлари йўқ, чунки балиқ сув билан-да...

— Йўк, жаноб! У кумда ҳам ботир бўлади, — деди кулиб Бадиа, — сиз ҳамма вақт гапда ботирсиз! Бир сафар енгилганингизни тан олинг, жаноб!

Заврак бир лаҳза индамай қолди-да:

— Хўп, тан олдик, бекам! — деди кўлини кўксига қўйиб.

Жайхундан ўтиб, Хўжааббос йўлига тушган уч арава Толлимаржон шахри, қайдасан, деб кетаверди. Улар энди, гарчи яна кумликлар аро бораётган бўлсалар ҳам, аслида, Мовароуннахр тупроғида эдилар. Бу рўйи замин, Меъмор такрор-такрор айтадиган, дунёдаги энг гўзал ва энг муқаддас мамлакат эди!

XXIX б о б

«КОБУС» ДАРДИ

Толлимаржон йўл устидаги кичик, кўримсизгина шаҳарча бўлиб, Карки, Халач, Хўжааббос атрофидаги кумликлардан кейинги тақир ва яссиликларга жойлашган. У дарёдан анча узок, Қизкудук ва Файзобод қалъаларига яқин. Бешкенту Қаршига етгунча дашт, бу атрофда қўй боқиб юрган чўпонлар кўп учрайди. Бу ерларда қудуғу сардобалар кўп. То Бешкент яқинидаги Қашқадарёга етиб олгунча қудуқ сувларидан бўлак сув йўк... Жазирама иссиқ, қуёш бу ерларга эрталабдан то кечгача нур тўкади, аммо шўрхоку сувсизлик боғлар унишига йўл бермайди. Тиккайган дарахт йўк. Қани энди бу ерларга сув чиқариб, ток кўкартирилса, ҳамма ёқни шарбатга тўлдириш мумкин эди.

Карвонсарой бу ерда шаҳар чети — йўл устида бўлиб, одатдагидек яхши хужраларни Самарқанддан Ҳиротга бораётган мансабдорлар эгаллаган. Карвонсарой соҳиби Меъморга яхши қарамади — ғарибу ғурабо, қаландарнамо одамлар тушадиган икки хонани таклиф этди. «Ўтники ўтга, сувники сувга...» бўлган, ҳеч вақоси қолмаган, ейиш-ичишининг ҳам мазаси қочган бу йўловчиларга карвонсарой хизматкорлари ҳам унча илтифот кўрсатишмади. Отларни аравадан чиқариб, Халач бўронидан қолган-қутган нар-

саларни шу хужраларга тушира бошлашди. Орадан бир муддат ўтгач, карвонсарой соҳиби Ғаввос Муҳаммад билан бирга келиб, андак табассум билан Меъморга илтифот кўрсатди.

— Муҳтарам жаноб, юқоридаги махсус катта хона сизга, — деди соҳиб, кўли кўксига, таъзим билан.

Бу махсус хона ичида такаёвмит гиламлари тўшалган, парестиклар, партўшаклар ва жамийки анжомлар муҳайё эди.

— Нега бундай бўлиб қолди? — хайратланиб сўради Меъмор. У аҳволнинг бир лаҳзада ўзгарганидан таажжубланди. Соҳиб ёнида турган Ғаввос Муҳаммаддан асло кўз узмасди. Бу йигит ёлғон сўз айтиб, фирибгарлик қилмадимикан, устозига яхшилик қилман, деб ёлғон сўзлар айтмадимикан, деган хаёл бир лаҳзада Меъмор миясидан ўтди. Бунинг устига уни «жаноб» деб атагани ҳам янгилик. Бу одам ҳамма мансабдорни шундай аташга ўрганиб қолганини билиб тасалли топди.

— Маъзур тутасиз, жаноб, марҳамат. Неча кун турсангиз ҳам биз хизматдамиз, — соҳиб Меъмор билан Ғаввос Муҳаммадни ҳовлида ёлғиз қолдириб, ўзи кетди.

— Бу ҳолни қандоқ тушунмоқ керак? — Меъмор шогирдининг кўзларига қаради.

— Бу ҳолни тушунмоқ жуда осон — ақча, — деди Ғаввос, — кўнглингизга ҳеч қандай нохуш фикр келмасин, устод. Мен бориб унга беш тилло танга бердим, вассалом! Бошқа ҳеч қандай гап айтганим йўқ. Бу одамларга шу керак. Ёнимда отам берган анча тилло танга бор; шундоқ пайтда коримизга ярамаса, улар нега керак! Мен соҳибни алдаганим ҳам йўқ, ёлғон гапирганим ҳам йўқ!

— Ташаккур!

Ғаввос Меъморни ўша шинам хона сари бошлаб олиб борди:

— Онамиз, синглим Бадиа билан сиз шу хонада бўласиз. Соҳибнинг хизматкори эмас, ўзимиз — уч шогирдингиз хизматда бўламиз.

— Маъқул, — деди руҳи кўтарилиб, кайфи чоғ бўлган Меъмор.

У Маъсума бека билан қизини имлаб чақириб, ўша энг аъло хонага кириб кетди.

Ховлини кесиб ўтиб кетаётган карвонсарой сохиби кудук ёнида қаққайиб турган Ғаввосга ярим овозда: бу хонада бир неча йил муқаддам валиахд амирзода Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мирзо Ҳиротга кета туриб бир кеч тунаганини, ундан ташқари Шох Малик ҳам турганини, бу хона энг яхши хона эканини таъкидлади.

— Бу муҳтарам жаноб шоирмилар? Хуросондан ихрож этилганмилар? — дея сўради сохиб.

— Йўқ. Бу жаноб — меъморлар.

Ғаввос бундан бошқа сўз айтмади. Сохиб «шундок денг» дегандек бош қимирлатиб, ҳеч нарсага тушунмай яна ўз йўлида давом этди.

Халач бўронининг ғоратидан кейин сиртдан билдирмаса ҳам ичдан анча шахти қайтиб, маъюс тортиб қолган Меъмор ясатиғлик хонага кирибоқ ётди. Бадиа бу «илтифот»га шубҳа билан қараб, оғасининг латтага ўроғлик исфихонини ўзига яқин қўйди. Белидаги ханжарини ҳам шай қилиб, иккинчи исфихонни Зулфиқорга олиб чиқиб берди.

Улар бунга ҳайрон бўлсалар ҳам, «доно Бадиа» сўзини икки қилишмади.

Кўҳисиёҳ — равоч сайлига боришганидаги қароқчи ўлими, ундан кейин Калиф чўлида — кудук ёнидаги фожиа... Меъморни жуда чўчитиб, юрагига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. «Ўзи нима бўляпти...» дерди баъзан боши қотиб. Низомиддин фожиасидан кейин, унинг назарида ўлим жуда кўпайиб кетгандай эди. Ёки Бадиа оғаси учун хун оляптими?! Дарҳақиқат, Бадиа қаттиқ изтиробга бормасди — бу ўлимлар унинг учун шунчаки одатдаги ўлимлардай кўринарди. Аммо бутун умрида китоби лойиха, ғишту ганчхоклардан бошқа нарсани билмаган Меъмор учун эса бу воқеалар жуда даҳшатли ҳоллар юз бераётгандай бўлиб туюлар эди. Ёки бўрон учиролмай сандикда қолган Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул албоб»ини олиб ўқисинмикин? Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддиматул адаб»и билан Абу Али ибн Синонинг «Муътасмуш шуаро» китоблари мутолааси билан машгул бўлсинми? Лекин бари бир унинг кўнглига бу

китоблар ҳам сифмади, уни ҳар хил хаёллар олиб қочди — у шоҳона хужрада ҳам яхши ухлолмади, бир неча бор босинқиради. Маъсума бека буларнинг барини чарчаш ва Халач бўронига йўйди. Отасининг бўғилиб, «Йўқ», мен ўлдирмадим, йўқ!..» деб хириллаб, нафас ололмади бўғилаётганини кўрган Бадиа ўйланиб қолди. У онаси билан отасининг ёнида ўтириб тонг оттирди. Тонготарда хужрадан чиққан Меъмор карвонсарой ҳовлисини кесиб ўтиб, дарвозадан ташқарига йўл олди.

Чексиз дашт, ясси тепаликлар...

Меъморнинг мағриб томонда, тепаликлар устида ярқираб турган ярим ой ўроғига кўзи тушди. Ой жуда ҳам катта бўлиб, тепалик устига тушиб қолгандай турарди. Бундай манзарани Меъмор шунча ёшга кириб биринчи марта кўриб, таажжубланди. У бир муддат ойга тикилди; худди Жоме масжиди гумбази устидаги ойнинг ўзи! Аммо у қумуш ранг, бу ой ҳақиқий олтин. У чоғроқ эди, бу эса улкан... Меъмор икки кафтини ёзиб, ойга тикилган ҳолда юрт қаторида ўзига ҳам яхшилиқлар тилаб дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Унинг кўнгли анча ёришгандай бўлди. Олам қайта яшараётгандай кўриниб кетди-да, бу тонготардаги айни манзара қалбида бетакрор туйғулар уйғотиб юборди. Унинг кўзига ўша шарқ томонда қандайдир бир гумбаз кўриниб кетди. Қандайдир меъмор қўли билан бино этилган гумбазга ўхшарди. Тепаликлар секин-аста ўша бинонинг гиштин деворлари, равоқу пештоқлари тусига кира бошлади. Бу ҳам Халач бўрони кун дафтарига чизган лойиҳани эслатарди. Меъмор тонготар коронгилигида, чексиз даштда ёлғиз турарди. Беқарор шабада пешмати этаклари билан ўйнашар, соқол-мўйлабларини силаб ўтарди...

У яна хужрага қайтиб кириб ўтирди. То нонуштагача яна кўзи илиниб, мизғиб, бир неча бор чўчиб тушди. Аллақандай ўйлар хаёлини чулғади. Арасту-нинг: «Душман томонларнинг фикру мақсадларини яхши билмай туриб, уларнинг ишларига аралашма, қариндошларнинг адоватию қўшниларнинг ҳасадини ислоҳ қилишдан машаққатли нарса йўқ дунёда», — деган гапи кўнглидан ўтди. Ўзига ўзи: Яхшилиқ йўлида

ранжу меҳнат тортсанг, буни машаққат деб ҳам англама. Дунёда шу қолади, деб қўйди. Арастунинг доно сўзлари негадир лоппа-лоппа ёдига кела бошлади. Ёки бу савқи табииймикан? У ўзининг ўтган умридан заррача шикоят қилмайди, гарчи ранжу меҳнат чекдим, яхшилик қилдим... деди у яна ўзига ўзи фикран.

Шу ергача соппа-соғ, дадил келган Меъмормни негадир ҳадеб ваҳима босавергани Бадиа орқали Зулфиқорга ҳам маълум бўлди. Буни Ғаввос ҳам сезиб хайрон бўлди...

Уша куни эрта билан бор-йўғини уч аравага жойлаб, уч шогирди билан Ҳиротдан чиқиб кетаётган Нажмиддин Бухорий билан Бойсунқур Мирзо одами учрашиб, «овчи йигитлар то Хуросон чегарасигача қорама-қора боради, улардан чўчимаслик керак, уларнинг иши сизларни муҳофаза қилиш», деган эди. Шу пайт Меъмормнинг калласига: «Хўш, кимдан?» деган савол келмаган экан. Машаққатли йўл юриб, Калиф қумлигида, қудуқ бўйида боши янчилган икки шубҳалик одам фожиасидан кейин у қаттиқ ўйланиб қолган эди. Мен сарбозу саркарда эмасман, менинг қўлимда қилич эмас, андава ўйнайди. Мен бино қураман: ёндирмайман, вайрон қилмайман, мен қураман — нечук менинг атрофимда хунрезликлар содир бўлмоқда? Бу жуда таажжуб-ку? Демак, Бойсунқур Мирзо бизнинг изимизга қўйилган қотилни пайқаб, муҳофаза сифатида «овчи йигитлар»ини йўллаган. Нажмиддин Бухорий қолганларини ақл мантиқи билан еча бошлади: Иброҳим Султон фуқаро орасида эътибори зўр бир Меъмормнинг Хуросондан чиқиб кетиб, Бухорода «ҳар хил гапларни» гапириб юрмаслиги ва бунинг устига, Ҳиротда қурган биноларининг такрори бошқа жойда бўлмаслигини ўйлаб, уни бола-чақаси ва шогирдлари билан биргаликда «қумда қароқчи талаб ўлиб кетибди», деган хабарни тарқатиб йўқ қилиб юбормоқчи бўлган. Бу вазифани кўп хунрезликларни қилиб, амирзодаю беклар ичига низо солиб юрган яқин одами — Қораилонга топширган. У кимса учун эса, бу вазифа чўнтагидаги бодомни «қирс» этиб чақиб егандай жўн гап. Бойсунқур Мирзо бу қора нијатдан хабар топгану, унга йигитларини киши билмас «хамроҳ» қилган. Қораилон гарданига юклатилган ва-

зифани олисда, кум ичида бажаришни кўзлаб келиб,
ўзи ҳалиги аҳволга тушган...

Хирот.

Орадан бир ой ўтди, лекин Қораилондан дарак йўқ.

Бу иш Муҳаммад Арғунни эмас, Иброҳим Султонни ҳам ўйлатиб қўйди. Қораилонни бошқа хорижий давлатга қочди, хаёл қилган Муҳаммад Арғун ўзининг уч сипоҳини тоб билан унинг изига солди ва аниқроқ бир хабар топиб келишни буюрди. Агар лозим бўлса Самарқандга ҳам, Бухорога ҳам боришларини тайинлади. Булар Қораилоннинг бу томонларга эмас, Панжакент, Жиззах ва ниҳоят, Дашти Қипчоққа — Бароқ ўғлон томонга қочди, деган хаёлдан ҳам холи эмасдилар.

Муҳаммад Арғун одамлари Халач яқинида кумга ботиб ўлиб ётган отларнинг эгар-жабдугидан, бу — Қораилоннинг оти эканини аниқ билиб, орқаларига қайтишди. Исбот учун ўлик отнинг эгар-жабдугини ўзлари билан олишди. Хиротга қайтиб келишгач, бу хабарларни дарҳол амирзодага етказишди. Бунинг устига каркиликлардан, Халач яқинида кум барханлари устида қаттиқ бўрон бўлиб, гирдибод чўпонларга ҳам анча зиён етказганини эшитгач, амирзода ҳам, Муҳаммад Арғун ҳам Қораилоннинг гирдибодга тушиб қолиб, ҳалок бўлганига тўла ишонишди.

Шодлик билан туғилиб, шарафу обрў билан ўлмоқ — инсон учун бахт. Ўлимдан қочиб қутулиб бўлмайди, ўлгандан сўнг ўз обрўси билан тупроққа топширилмоқ — тириклигида меҳнат қилиб, мазмундор яшаганликнинг исботидир. Наслу насаби номаълум, ота-онасининг ҳам тайини йўқ Қораилонни бирон кимса ҳам эсламади — унинг изсиз йўқолганидан фуқаро эмас, ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам хурсанд бўлдилар...

Карвонсаройда Калифдаги қудуқлардан бирининг ёнида ўлдирилган икки жасад топилгани — кучли шамол мурдалар устидаги кумни олиб кетиб, очиб қўйгани, чўл қузғунлари талаётгани ҳақида кимдир гапирган. Бу гаплар Меъморнинг қулоғига етди. У Бадиа билан Зулфикорга бир қараб қўйдию индама-

ди. Лекин шу карвонсаройда пешанасини зангори рўмол билан танғиб боғлаб олган қизил чопонлик бир одам Зулфиқор билан Бадианинг диққатини тортиб, юраклари шувиллаб кетди. Бу одам ҳеч ким билан гаплашмасди. У Бадиага ўткир бир тикилди. У ўзининг шоп мўйлаби, икки ёноғидаги бўртиб чиққан суяклари, ўткир қарашлари билан «равоч сайли»да Бадиани олиб қочган қароқчи шеригини эслатарди. У ўч олмоқ ниятида изларига тушганмикан?

Бу шубҳа ҳам Маъсума бека орқали Меъмор қулоғига етди. Меъмор карвонсарой ҳовлисида у билан қамти келиб, юраги шифиллаб кетди. Қароқчинини кўрмаган бўлса ҳам, ҳамма белгиларини Зулфиқор билан Бадиадан эшитган эди.

Ўлимлар, соядек изга тушиш, таъқиб, қувғин, ҳақорат... Меъморга айниқса кейинги кунлари қаттиқ таъсир этиб, васвасага туша бошлаган ва бу васваса даҳшати унга чирмашиб, томоғидан бўға бошлаган эди. Юрса ҳам, турса ҳам кўз олдида шубҳалик одамлар рўёдай уни кузатишаётгандай бўларди. Босинқирашлари ҳам ҳолва экан, иккинчи тунни ойдинда ҳовлига чиққан Меъморни дев қувлади. Танидан жун ўсиб чиққан, бошида икки шохи бор, кўзлари ёниб турадиган новча бир дев уни тутиб оламан деб ҳовлида пойлаб турган экан, тириктириб қувлаб, тутолмади. Меъмор бакирганича уйга қочиб кириб, ўзини гиламга ташлади. Хотини, қизи, ён хонадаги шогирдлари ҳам уйғониб кетиб, дарҳол ичкарига — хонага киришди. Ерда, гилам устида кўзлари ола-кула бўлиб ётган Меъморга сув ичиришди. Меъмор бўлса гулдираб тили сўзга келмай, фақат эшикни кўрсатарди. Бадиа ханжарини кинидан суғуриб, югурганича эшикка чиқди. Қилич яланғочлаган Зулфиқор ҳам олдинмакетин у билан ҳовлига чиқди. Ҳовли жимжит, ҳеч ким йўқ. Бадиани қудуқ олдида қолдириб, Зулфиқор югурганича карвонсаройдан ташқари чиқиб, деворлар атрофини, далани қаради: ҳеч кимса йўқ. Дарвоза ёнида ухлаб ётган икки олапар ит ҳам ҳайрон бўлгандек Зулфиқорнинг қўлида ярқираб турган қиличга қарашди. Зулфиқор ҳамма ёқни кўздан кечиргач, яна Бадианинг ёнига келди.

— Ҳеч ким кўринмайди.

— Тавба, — деди Бадиа отхона ёнидаги қоронғиликдаги кўзини узмай, — тагин у қароқчи отхонага бекинган бўлмасин?!

Шу лаҳза рўпарадаги эшиги очик хужрадан чиқиб келган қоровул ховли ўртасида туриб, Зулфиқорга муурожаат этди:

— Жаноб, бир нарсадан хавфсираяпсизми?

— Ҳа! Бу ерда бегона одамлар борга ўхшайди! — деди андак дағдаға билан титраб. — У ярамасларнинг бошлари оғирлик қилаётганга ўхшайди! Биз ҳаммамиз қуролланганмиз!

— Жаноб, бу ерда қароқчи йўқ. Бегона одам фақат ўзларингиз. Икки самарқандлик мўйсафид бор эди, кеча эрта билан, сизлар келган кунингиз кетишди. Бошқа бегона одам йўқ. Ҳурматли отангиз ховлига чиқиб, бир муддат ойга тикилиб турдилар-да, сўнгра ўзларидан-ўзлари бақириб, хонага қочиб кириб кетдилар. Мен уйғоқ эдим, ҳайрон бўлиб қолдим. Бу ерда одам тугул бегона чивин кирса ҳам қоплонларим билишади. Дарҳол вовиллаб, бутун саройни бошларига кўтарадилар. Ўттиз йилдан бери шу ердамиз, ҳали бирон кори ҳол бўлгани йўқ. Бу ер тинч жой. Ухлай-веринглар, тақсир!

Бадиа билан Зулфиқор ичкарига қайтиб киришди. Шу лаҳза Ғаввос билан Заврак ҳам этиклари қўнжидаги ўткир пичоқни қўлларига олиб ташқарига чиқишди. Яна икки йигит ташқарига чиқиб, ўзига ўқрайиб қараб турганини кўрган қоровул бош чайқаб, лом-мим демай ўз хужрасига кириб кетди. Бир лаҳзадан сўнг, катта хонадан Меъмورнинг беўхшов овози эшитилди:

— Дев, ана дев! Мени олиб кетмоқчи!

Меъморнинг кўзлари ола-кула бўлиб, эшик тепасига тикилганича бақирарди.

— Ота, дев йўқ. Биз уни ўлдирдик, — деди Бадиа.

— А?! Яна кимни ўлдирдинг?! — чол яна безовталаниб, телбаларга ўхшаб, ҳаммага тикилар, ҳеч кимни танимасди. Хонада уч шам ёқилган, у деворга тушган одамларнинг соясига ҳам ағрайиб, чўчирди.

Зулфиқор Бадиага қараб, лаб тишлаб ишора қилди:

— Устод, биз ўша девни қувиб юбордик, — у «кувиб» сўзига урғу бериб, икки бор такрорлади.

Чол дарҳол жавоб қилди:

— Қувиб юборинглар!

— Ота, қувлаб юбордик, кетиб қолди, — деди Бадиа отасининг пешанасига қўлларини босиб. Дарҳақиқат, чолнинг иссиғи баланд эди.

Шу ҳолда улар Толлимаржон карвонсаройидан кўзғалолмай қолишди. Меъморнинг ҳарорати пастга тушмас, бунинг устига тинмай алаҳсирар, васваса қилиб турарди. Кеч кириши билан ҳамманинг юрагига қўрқув тушарди, чолнинг босинқираб, довдираши йўлдошларини оёққа турғизарди. Эрта билан у ўзига келар, тунда қилган ишларини мутлақо эслолмас ва ўзи ҳам хайрон бўларди...

Учинчи куни шогирдлар ичида ёш жиҳатдан каттароғи бўлган Ғаввос Муҳаммад табиб излаб шаҳар айланди. У дараклаб бир табибнинг уйига қидириб борган эди, у Қизқудук томонга — чўпонлар ичига кетган экан. Биттагина бу табибнинг бозори чакқон, ҳовлисида камдан-кам бўлар экан. Лекин ўзи ниҳоятда билагон, жарроҳлик ҳам қўлидан келар экан. Карвонсаройга қайтиб келган Ғаввос бу гапни ошналарига айтиб, ёнига тилло танга тўла катчасини солиб, йўрға бир отда хайё-хув, деб Қизқудук даштига чопди. Ғаввос ўн тош чамаси узоқликдаги Қизқудукқа борди. Ғаввоснинг бу ишга тез киришиб, мустақил ҳаракат қилаётгани Бадиага ёқарди — «кўрқоқ», «инжиқ» деган фикрлар ундан узоқлаша бошлади. Халачда бориб дарёдан сув олиб келганидаёқ Бадиа ўз фикрини ўзгартирган, йўлда уни аравадан улоқтириб юборганлари учун хижолат эди. Лекин Бадиа Ғаввос учун ўшанда шундай бир жазо қўллагани ғоятда тўғри бўлганини билмасди.

Эртаси куни кечга яқин Ғаввос Муҳаммад Қизқудук даштидан табиб олиб келди. Йўрға саман байталга минган табиб олтмишлардан ошган, чўкки сокол одам бўлиб, йўлда Ғаввос Муҳаммаддан дарднинг ҳамма белгиларини сўраб олганди. От устидаги хуржуннинг икки кўзи дори-дармон, жарроҳлик асбоблари билан тўлган эди. Табиб уйига ҳам кирмай тўппа-тўғри карвонсаройга келишининг боиси асосан яна

катчадаги тилло тангалар бўлди, у Қизкудук атрофидаги бошқа қишлоқларга ўтмай, дарҳол Толлимаржонга қайтишга қарор қилди. Бунинг устига табиб мавлоно Лутфий, устод Андугоний, Машҳадийлар сафдоши меъмор Бухорий номини эшитган эди. Устод Бухорийни кўриш учун ҳам у энтикиб йўлга тушди. Фаввос Муҳаммад «устод Нажмиддин Бухорий бошига тушган ғаму ғуссаларни» ҳам, умуман, йўл-йўлакай айтиб келди. Табиб Меъморнинг яна кеч кириши билан «Дев келди, девни ҳайданглар!» деб васваса қилаётгани устига кириб келди. Бемор ёнида ўтирган Маъсума бека, Бадиа, Зулфиқор, Заврақлар дарҳол ўринларидан туришди. Улар табибни кун бўйи кутишган эди. Табиб аёлларни хонадан чиқариб юбориб, бемор ёнига чўкка тушиб ўтириб, томирини кўрди. Кўз милқларини, тилини текширди. Меъмор «табиб» деган сўзни эшитиб ўзига келди, кўзини очиб, унга тикилди. Зулфиқор бегона одамга қараб яна «девни ҳайданглар» деб қоладими, хаёл қилган эди, йўқ, ундай қилмади. Чол жим туриб колди.

— Меъмор ҳазратлари қисман «қобус дарди»га чалинибдилар, — деди табиб. — Яхши ҳамки, вақтни ўтказиб юбормай мени олиб келибсизлар. Бундай дард билан оғриган кишиларни кўп учратганман. Ёнғокдан ясалиб, қайд қилдирадиган жавза қай бериб, ични тозалаймиз, сўнгра қатиқ ичирамиз. Озгина доруйи беҳуш бериб, ухлатамиз. Худо ўзи шифо берса, соғайиб кетадилар. Жавза қай «Ал-Қонун»да ёзилгандирки, Лукмони ҳаким ҳам қобусга жавза қай даво демишлар...

Шогирдлар табиб атрофида унинг хизматига тайёр туришарди. Табиб сув илитишни, янги ивитилган қатиқни хурмачаси билан олиб келишни буюрди. Фаввос билан Заврак югуриб ташқарига чиқиб кетишди. Бемор ёнида Зулфиқор билан Ҳорунбек қолишди. Бир дамдан кейин йигитчалардек кийиниб олган Бадиа ҳам кириб, бир чеккада турди. Ҳожи табиб унинг қиз бола эканини сезмади.

— Бу дард — кўрқув ва ғуссадан бошланади, — деди табиб, — сафро ошиб, уни авжга миндирган. Иситмани туширсак, устод ҳазратлари кўзларини очадилар. Довдирашлари ҳам йўқолади. Бу зот қандай

ишни ва кимни яхши кўрардилар? Шу хусусда гаплашмоқ даркор. Нимани хуш кўрмасалар ва ёки бирон кишидан бад олсалар, уни гапириб, ёдга солмаслик, ўтиб кетган ёмон гапларни такрорламаслик лозим.

— Хўп бўлади, — деди Зулфиқор.

Заврак қайнаган сув олиб келгач, табиб Меъморни сафро қайт қилдириб, қўл, бетларини ювди. Бир пиёла иссиқ чой ичириб, доруйи беҳуш билан ухлатиб қўйди. Эрта билан келиб, ўзи қатик ичиражаги ва бошқа дорилар беражагини айтиб, карвонсаройдан чиқиб кетди. Дарҳақиқат, кўнгли бир оз ёришган Меъмор азонгача алахсирамай тинч ухлади. Шогирдлар унинг тепасида мижжа қоқмай ўтириб чиқишди. Бадиа дам хонага, дам ҳовлига чиқар, юрагини отасининг дарди эзарди.

Эрта билан Ҳожи табиб келиб, Меъмор билан омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, Шаҳобиддин ҳакимнинг китобидан «Қобус дарди» назмини ўқиб берди:

Эшит, то қобусдан айтайин нишон,
Уни «тахора» дер аҳли Ҳиндустон.
Нафас чикмай, кимир этмайди забон,
Қаттиқ азоб тортар шунда ҳар инсон.
Кўп киши билади, уйқуда ногоҳ
Оғир бир юк босиб қолади гоҳ-гоҳ.
Ўлдим энди дея қилганда гумон,
Бирдан нафас чиқиб, бўлади равон.
Баъзилар ўша юк девдир дейишар,
Бу сўз билан улар хато қилишар!
Давосини сенга айтсам, эй инсон,
Бослиқ томиридан олмоқ керак қон.
Жавза кайдан бергил яна бир дирам,
Кўкракдаги хилтга беради барҳам...
Ўн дирам мустако бергил ҳар куни,
Икки ҳафта даво қилдирсанг бунни,
Бу доридан бемор топади шифо.
Аммо ким бу дардга учраса мудом,
Емасин кунжуту яна моши хом.
Саримсоқ пиёздан асрасин ўзни,
Ловия, нўхотдан ўгирсин юзни!¹

Меъмор завкланиб маснавийни эшитарди.
Ҳожи табиб асли Бойсун ёқдан бўлиб, Қўнғирот

¹ М. Хасанов таржимасидан.

уруғидан эканлиги, замонанинг зайли билан Толлимаржон томонларга келиб қолганини, қўл-оёғи синганни мўмиё билан даволашни, жаррохлик ҳам қилишни, яра-чақани малҳам билан даволашни ҳам айтди. Ундан сўнг, Ҳиротда Абулқосим Иштихоний деган мўътабар зот бор, эшитганмикансиз, дегандек Меъморга қаради. Меъмор эшитганман, деб бош қимирлатди. У зот ҳам асосан Мовароуннаҳрдан бўлиб, Самарқандда тахсил топганини, устози эканлигини айтиб, Меъмор диққатини бир муддат ўзига жалб этди. У қайта-қайта томир кўрди, дори берди, қатик ҳам ичирди... Алмисокдаги қизик гапларни гапириб, Меъмор диққатини тортди. Табиб хушфёллиги ва кўп қизик, антиқа гапларни билиши билан Меъморга жуда ёқиб қолди. Ёшлигида Бойсун ва Қумқўрғонда яшаган чоғларида Қўнғиротнинг тўғиз, қорабўйин, ўр, хуросоний уруғлари билан Жузнинг итқути, марка, қарапчи уруғлари бир-бирлари билан чиқишмай, доимо жанжаллашиб келганини, айниқса, қарлуғ ва қатағон уруғлари ҳам ахил эмаслигини, қиз олиб, қиз бермаслигини гапирди. Тепасида қадалиб турган Бадиа ва шогирд йигитларга, «ишларингизни қилаверинглар, касалга тикилиб турмоқ — давони сусайтирмоқ ва умуман, бемор тепасида хомуш ва қадалиб ўтирмоқлик яхши эмаслигини Абу Али ибн Сино ҳам таъкидлаб айтганлар, — деди. — Меъмор ҳазратлари камида бир ҳафта Толлимаржонда қоладилар, ундан сўнг, худо хоҳласа, мен ўзим Бешкентгача бирга бориб, у ёғига кузатиб юбораман». Косон ва Хўжа Муборакда, чўпонлар ичида яқин одамлари бор, бек, мингбоши ҳам унга яқин таниш эканини, ҳарқалай Бухоройи шарифгача қийналмай боришларига ёрдам беражагини айтди. Бу дилкаш одамнинг ўз ақидаси ҳам бор: у беморга дори-дармон бериш билан бирга, яхши сўзлар, яхши ҳикоялар ҳам айтиб, кўнглини хушлаш ҳам уни тезроқ шифолайди, деб биларди.

— Меъмор ҳазратлари менинг ихтиёримда, — деди у, — ҳазрат уч-тўрт кун ётиб, оёққа турганларидан кейин, устод пойи қадамлари бизнинг ҳовлимизга ҳам етсин, кейин ўзим кузатаман. Мен устоднинг мадрасаларини кўрганман, Мусаллони ҳам... Меъмор ҳазратларини эшитган эдим-у, мулоқотда бўлмаган эдим.

Мавлоно Жаъфар Табризий, устод Хожа Юсуф Андуний, устод Қавомни ҳам эшитганман.

— Ҳурматли иним Абдуласад Ҳожи, — деди ётган ерида Меъмор табибга мурожаат этиб, — шогирдларимга айтинг, ҳамон биз бунда уч-тўрт кун қоладиган бўлсак, бозорга бориб, турли анжомлар ва йўлга керакли нарсаларни харид қилсунлар. Халачдаги бўрон бизнинг барча нарсамизни торож қилди...

Ҳожи табиб бу гапни ҳовлига чиқиб биринчи галда Фаввос Муҳаммадга ва яқинлашиб келган бошқа шогирдларга айтди. Бу гапдан Бадиа ҳам, Ҳорунбек ҳам хабардор бўлди. Ичкарига қайтиб кирган табиб, Фаввос Муҳаммад ҳақида Меъморга гапирди:

— Шу шогирдингиз бошқаларидан юз чандон сизни яхши кўрар экан. Қандай қилиб мени олиб келганини ўзим ҳам билмай қолдим. Мен эртага йўлга чиқаман, деган эдим, ялиниб-ёлворди, сиёсат ҳам қилди. Охири йиғлаб, менга илтижо қилди. Зудлик билан йўлга чиққаним тўғри бўлган экан, қобус дарди — жуда бешафқат, сафро ҳам ёмон... Тез чора кўрилмаса, ёмон оқибатга олиб келарди. Бу шогирдингиз — шогирд эмас, аини бир фарзанддай экан. Фикрим тўғрими, устод?

Меъмор «тўғри» дегандек бош қимирлатди.

Ҳожи табиб уйига жўнади.

Чоршанба кунни эрта билан карвонсарой дарвозаси ёнида уч арава шай турарди.

Анча тузалиб, йўлга чиқиб кетаётган Меъмор Ҳожи табиб берган сандал ёғочидан қилинган асога тираниб, ҳовлида кайфи чоғ ҳолатда хотини билан бир лаҳза гаплашиб қолди.

— Меҳри гиёингиз бор, уста, — деди Маъсума бека касалдан чиройи очилиб турган эрига хушомад қилиб. Чунки табиб ҳам худди шундоқ гаплар айтишни шогирдларига тайинлаган эди. — Каерда бўлманг, атрофингизни одамлар ўрайди. Худди асаларининг «подшоси»га ўхшаб, сиз учган томонга дўстларингиз атрофингизни ўраб уча беради. — Меъмор асаларилар ҳаётини кўп гапирар, уларнинг ўз қонун-қоидаларини яхши кўрарди... — Мана, Ҳожи табиб, Ҳорун-

бек, ўзимизнинг шогирдларимиз, Андхуд шахридаги нажжор Абдулазиз Намангоний, Мирзо Бойсункурнинг одамлари... хаммалари сизнинг сафарингизда парвона бўлиб юришибди. Уларни бирон одам мажбур қилаётгани йўқ. Бухорода бораётган одамлар илгари йўлда биронта таниш учратса учратарди, бўлмаса — йўқ.

— Аммо Ҳожи табиб ниҳоятда дилкаш одам экан,— деди Меъмор чехраси очилиб. — Ҳожи бизнинг қувилганимиз, подшонинг «қўш қўллаб ургани», «хавфли» одам эканимизни билади. Шунга қарамай, меҳрибонлик кўрғазиб юрибдими, чинакам инсон экан! Мунофиқлардан худо асрасин! Мунофиқ одамлар ҳам тўлиб ётибди! Мана Аҳмад Чалабийни олайлик. Ҳамма гапни, ҳамма оддий нарсаларни ҳам сир тутарди. Улар ожиз одамлар. Улар шундай қилмасалар, ўзларининг ожиз, жамоага кераксиз кимсалар эканликлари билиниб қолади. Шунинг учун ҳам, мушук ахлатини бекитгандек, улар ҳамма оддий нарсаларни ҳам сир тутадилар. Димоғдорлик, гўддайиш каби иллатлар уларнинг касби. Подшоҳ саройи бундай одамларга тўлиб ётибди.

— Уста! — «подшоҳ» сўзини тилга олгани сабабли Маъсума бека лабини тишлади.

— Авваламбор, бу ерда бегона кимса йўқ! Иккиламчи, подшоҳ наздида биз ўлган одамлармиз, ўлганлар ҳеч нарсадан кўрқмайди! Бизнинг кўрқадиган еримиз йўқ! Энди нимадан кўрқамиз?!

— Биз ўлганимиз йўқ! Бизни ўлди, деганларнинг ўзи ўлсин! — деди Маъсума бека.

— Балли, ана энди ўзингга келдинг!

— Сиз ўлмайдиган инсонсиз, уста, — деди яна Маъсума бека, — чунки сиз ҳеч қачон бировга ёмонлик хоҳламагансиз.

Меъмор сукут саклаб, ерга қараганича ўйлашиб қолди. У ҳассасининг учи билан ер чизарди....

Шу лаҳза карвонсарой ховлисида ўзининг саман байталида Ҳожи табиб пайдо бўлди. Байталнинг қорни чиққан, устидаги хуржуннинг икки кўзи табобат анжомлари билан тўлган эди. У отдан тушиб Меъмор билан саломалиқдан сўнг, бу кеча қандай ухлаганини, ётиш олдидан қатиқ ичдими — шуларни сўради.

Ҳаммаси жойида. Шундан сўнг Меъмор ва нарирокда, Ҳорунбек ўзининг байталига тикилиб туришганини сезиб, гап қотди:

— Кўриниши унча бўлмаса ҳам, иши пухта, — деди Ҳожи табиб Ҳорунбекка, — жонивор йўрға, чидамли. Борадиган жойларимнинг барини билади. Битта камчилиги шуки, хуржундаги дорилардан олиб беморларга беролмайди, бўлмаса ҳамма нарсани билади.

Ҳорунбек илжайди.

— Ҳа, фақат табиблик қилолмайди. Ундан бўлак ҳамма нарсага фаҳми етади. — Бу соддадил чолнинг куйиб-пишиб отини макташидан атрофдагилар ҳам завқланиб кулишди.

XXX б о б

БИЧИЛГАН ҚУЛ

Шаввал, яъни саратон авжга минган, ҳавонинг ниҳоятда қизиган бир куни. Толлимаржондан чиққан уч арава Дашт карвонсаройида андак тўхтади. Кўримсиз бир чалдивор жазирамада ёниб ётарди. Васваса дардидан анча фориф бўлган Меъмор Ҳожи табиб измидан чиқмай, эрта билан одатдагидек яна битта-битта юриб ҳовли ўртасидаги қудук тепасига келди. Меъмор от суғораётган кишидан табибнинг сув ичгиси келиб, боғлоқлик ерида бетоқат бўлаётган байталини ҳам суғориб кўйишни илтимос қилди. Қудукдан сув тортаётган киши челақни ерга кўйди-да, қаддини ростлаб, Меъморга тикилди. У бир нима демай анча вақтгача тикилиб турди. У, ориқ юзлари қаҳрабодек сарғайиб кетган, соқол-мўйлаби йўқ кўса эди. Пешанасини тириштириб, ўқрайиб қараб туришидан менинг илтимосим малол келди хаёл килиб, Меъмор узр сўради:

— Мен сизнинг бандлигингизни пайқамай иш буюрибман. Афв этасиз, биродар.

Заъфарон захил одам жавоб қилмади. У яна эгилиб ердан челақини кўтарди-да, нарирокда боғлоқлик турган отни суғора бошлади. Мен билан гаплашгиси келмади, деб Меъмор орқасига қайтиб кетаётган эди.

ўзини кўрмаганликка олиб турган бўлса ҳам, аслида зийраклик билан кузатиб турган халиги одам Меъморнинг орқасидан гап отди:

— Ҳой, қария, тўхта!

Меъмор орқасига қайрилиб қаради.

— Тўхта, отингни сугориб бераман!

— Барака топинг.

— Савдогармисен? Бекмисен? Самарқанддан Балхга кетяпсанми ёки Балхдан Самарқандга?

— Мен устамен. Бино қурамен. Бухорога кетяпмен...

— Бухорога бориш шартми! Бинони шу ерда қуравермайсанми?

Меъмор ўйланиб колди. Уни девона хаёл қилиб, бош ирғадию жавоб қилмади. Бир зумдан кейин у яна ўртадаги сукутни бузди. Рўпарасидаги кўса одам ниҳоятда камгап, тўнг, кўзлари чакчайганча тикилиб турарди. Меъмор бир оз ундан ҳайикди ҳам.

— Ҳа, шу ерда курса ҳам бўлаверади... — деди Меъмор.

— Кимга!? Амирзодагами?

— Одамларга, фукарога...

— Йўқ, амирзодага қургин, инъом оласен! Хотининг, кизинг борми? Уларни ўша қурган уйинг ичига олиб кириб, амирзодага кўшиб қўй!

— Ҳой, ҳой, тилингни тий! — деди ўз хужрасидан чиқиб келаётган табиб бояги одамнинг шанғиллаб гапираётган ҳақорат гапларини эшитиб. — Сенга нима бўлди! Бу зот меъмор Нажмиддин Бухорий ҳазратлари бўладилар! Амирзодалардан алам чекиб сарсон-саргардон бўлиб юрибдилар. Сен, Меъмор ҳазратларига ноҳақ, носазо сўзларни айтадурсен! Агар яна бир оғиз сўз айтсанг, мен сендан юз ўгирамен! Дархол узр сўра!

— Бу одам амирзодалардан кўп ситам чекканга ўхшайди, — деди Меъмор табибга, — билмай гапириб юбордилар, майли, хафа бўлмаймен.

— Менга яна тарякдан сотинг, табиб, — деди жим бўлиб, хўмрайиб турган у одам. — Мен ҳали дори ютганим йўқ. Ҳамма ёғим оғриб, тиришиб кетяпмен...

— Юр, менинг хужрамга! — деди табиб у одамни

орқасидан бошлаб. Табиб Меъмори хам ўз хужрасига таклиф қилди.

Хужрага киришгач, Меъмори юқорига ўтқизиб, икки томонга табиб билан кўса одам ўтиришди. Табиб дори халтасидан бир тунука қутича олиб, қоғозга ўралган қора майиздек нарсани у одамга узатди.

— Уч бўл.

— Хўп бўлади, — деди у одам бир оз очилиб, хонтахта устидаги пиёлага бир қултум қайнаган сув қуйиб, тарякнинг учдан бирини чимдиб узиб пиёлага солиб, бармоқлари билан эзди. Эритиб, қулт этиб ютиб юборди.

— Бу йигитнинг номи Тожи. Йигирма олти ёшда, — деди Ҳожи табиб секингина. — Асли Шаҳрисабздан бўлиб, домланинг ўғли, бошига оғир мусибат тушиб, бу томонларда тентираб юрибди. У ҳозир эски пайтавадан хам хор.

— Шундоқми... — деди Меъмори хайратомуз унга тикилиб. Унинг назарида олтмишларга борган кекса одамга ўхшарди. Айни қирчиллама йигитча пайтида бунчалик заъфарон ва тажанг бўлиб қолганига хам таажжубланди, хам афсусланди.

— Амирзода Иброҳим Султон Шерозда бу йигитни туттириб олиб келиб номус жазосига гирифтор қилган. У бир умр ҳақоратга ташланган... Шўрлик Шаҳрисабзга хам қайтиб боролмай дарбадарликда юрибди. Ўлиб-нетиб кетмасин, деб дори-дармон бериб юраман. Ўлиб кетганида ўзига яхши бўлар эди. Иродани хам амирзода олиб қўйган. У ҳозир карвонсарой соҳибининг хизматкори...

Тожи чўкка тушиб, бошини хам қилиб ўтирарди. Унинг газабу тажанглиги тарқаб, анча юмшаган, йўловчининг юзига тик боқолмасу, лекин ҳар замон-ҳар замонда бошини кўтариб, табибга мамнуният билан тикиларди. Таряк уни юмшатиб, оёқ-қўлини бўшаштирди.

...Бу воқеага беш йилча бўлди. Шаҳар бозорида отаси берган пулни сармоя қилиб, дўкон очган Тожи савдо-сотикни авж олдириб, қаддини ростлай бошлади. Шаҳарда анча-мунча ошналар хам орттирди. Жума кунлари тенгқур йигитлар билан тўпланиб базмлар

қуришди. Унинг жуда оғзи ботир, гап келганида ҳеч кимни аямасди. У аслида жуда кўркам ва долдон йигит бўлиб, қоп-қора, чакмоқ мўйлаби ўзига жуда ҳам ярашиб турарди. У сўзамол, серҳаракат ошнала-ридан ҳеч нарса ни аямайдиган қўли очик, улфати эди. Тез кунда бозор-тижорат аҳли ўртасида ном чиқариб, «Тожиддин-бойвачча» бўлди. Тожи ошиқи беқарор бўлиб, бир ошнаснинг жуда чиройли сингисини тўю-томоша билан олди. Ёш хотинини ниҳоятда яхши кўрар, унинг тўйи учун бор-йўғини сарфлаб юборган эди. Иттифоқо кунлардан бир куни Тожини навкарлар дўконидан ушлаб олиб, қозихонага олиб боришади. Мансабдор бир одам у билан қамти ўтириб: «Сен, амирзода Иброҳим Султон олий ҳазратлари ишратбоз деб гап тарқатибсан!» деб сўрайди. Тожи тонади. Ундан сўнг мансабдор Тожининг баъзи ошналари номи-ни атаб, «шулар ёнида «амирзода ҳам ишратбоз, ҳам бачча.... Шундоқ қилиб ўз хирсини қондиради...» деб-сан? Агар тонсанг, ўша ошналарнинг билан юзлашти-раман» дейди. Тожи ошналарининг бунда олиб кели-ниши ва юзлаштирилишидан чўчиб: «Билмай гапириб юборибман, тавба қилдим» дейди. Мансабдор кимса бу сўзларни қоғозга ёзиб, ҳеч қачон тонмаслиги учун каломуллони ўртага қўйиб, қасам ичдиради. Шундан сўнг уни навкарлар олиб чиқиб, зах бир ертўлага қамашади. Орадан бир неча кун ўтгач, Тожини амир-зода ҳарамига олиб боришиб, ойнавон ганжина ўрта-сига қўйилган бақувват курсига ўтқазиб, қўл-оёғини унга маҳкам боғлашади. Оғзига рўмолча тикиб, катта деразадан ичкари хонага қараб ўтиришини ва ичкари хонадаги воқеани яхши кўриб олгач, кейин бўшатиб юборишажагини айтишади. Кўп ўтмай бу хонага То-жининг ҳарир ипак қўйлак кийган хотинини кекса бир аёл олиб қиради. Улар тўшалган ўрин ёнида бир муддат ўтиришгач, ҳалиги аёл чиқиб кетади-да, бу хонага бошида жиғадор бўрк, кимхоб чопонини елкага ташлаган амирзода Иброҳим Султон кириб келиб, бир пиёла май ичади-да, Тожининг чиройли ёш хотинини кучоқлаб, тўшакка босади... Бу манзарани кўриб тур-ган Тожи бир неча бор оҳ уриб, ҳаракат қилади, аммо овози чиқмайди, ўрнидан ҳам қўзғалоқмайди. Бир муд-датдан сўнг ўрнидан турган амирзода боши қийшайиб

осилиб қолган Тожиға яқинроқ келиб, «бундан буёқ сен ҳам, хотининг ҳам хизматимда бўласанлар...» деб бошқа хонага ўтиб кетади. Шу куни кечқурун обдан калтакланиб, кейин доруи беҳуш бериб, ухлатилган Тожини бичиб қўйишади. У бир неча кун ҳарам ичидаги ҳужрада ётади. Ўзига келгач, шу ҳовлида ҳарам оғаси бўлиб ишлаб юради. Бир-икки ой ичида унинг соқол-мўйлаблари тўкилиб, кўса бўлиб қолади. Ранги ҳам заъфарон. Шу вақт ичида амирзода унинг кўз олдида хотинини уч бор булғайди. Тутқун канизак бўлиб қолган у жувон кейинги кунларда ўзини томдан ташлаб ўлдиради. Доимо дарғазаб, заъфарон юрадиган Тожи бир неча ойдан кейин ҳарам қоровуллари кўзини шамғалат қилиб, бу даргоҳдан қочиб кетади. Мана, неча йилдирки, бир оғиз сўзи учун хонавайрон бўлиб, ҳақоратланган Тожи Хуросондан чиқиб ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабзга ҳам боролмай, бунда сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Ким эдиму энди кимман, деб йласа керак. Ҳамма нарсадан ғабланиб юради. У аммани ёмон кўради, умуман, ёруғ дунёдаги ҳамма имирлаган нарсани ёмон кўради. Дафъи савдо деганай, фақат тарякни тан олади, шунга жонини беради... Бир лахзадан сўнг, у Меъмор билан табибга ўмрайиб бир қараб қўйди-да, ташқарига чиқиб кета уриб, яна тўнғиллади:

— Соҳиб, отларни суғор деган, эди, лаънати отлар сув ичмай бир-бирини тишлашяпти! Ҳамма ёқ расво! Мен бу ердан кетаман! Соҳиб ҳақ тўламаяпти! Расво! Дунёда ҳақиқат йўқ, ҳамма ёқни вайрон қилиш керак!..

У чиқиб кетди. Меъмор билан Ҳожи табиб бир-бирларига қарашди, унинг орқасидан ачиниб тикилиб қолишди.

XXXI б о б

ЧУҚУР ОҚИМ

Бозорма-бозор тентираб, жазирама иссиқда эрта-лабдан кечгача сув сотадиган Али мешкобчи хусусида аввалги бобларда сўз айтган эдик. Ҳиротдалигида Меъморнинг меҳри гиёси тушган бу одам мадраса

қурилишига ҳам кириб, бунда гишт тераётган кишиларга муздек чашма сувидан заранг косада улашар, биринчи косани Меъморга суниб, ундан кейин мадраса ховлисини айланиб, ҳаммага «Чашмаи Хизр» сувидан ичириб, кейин хайр-хўшлашиб жўнарди. Бу ғариб ва кимсасиз киши асл Сабзавор шахридан бўлиб, фалакнинг гардиши билан Хиротга келиб қолган. У қирқ ёшларга борган, жуссаси кичик, миктидан келган, овози ўткир қорача одам эди. Аслида тузуккина бир устанинг ўғли экан. Отаси вафотидан кейин бошига тушган бир қайғу ўз юртидан узоқлаштириб, Хирот бозорларида мешкобчилик қиларкан. Дастлабки йиллари Меъморнинг эски-тускисини кийиб, пул олиб юрди. У юз-кўзлари, гап-сўзлари ўз отасига жуда ўхшашиб кетадиган ва бунинг устига мусофирпарвар, мурувватли Меъморни яхши кўриб, баъзан уй хизматини ҳам қилди. Кейинчалик, мадраса қурилишида ишлади. Эри казо қилиб кетган бир бева хотинга уйланиб, унинг ховлисига кўчиб борди. Ўз наздида мешкобчилик сердаромад бўлганлиги учун шу ишни қилади. Аммо бошқа бегона одамдан пул сўрамас, сув ичирар, ким нима берса олар, ишқилиб бозору кўчаларни айланиб юриб, чарчаган одамга бир коса муздек сув тутиб, яна йўлида давом этаверарди. Хар куни эрта билан икки меш сувни «Чашмаи Хизр»дан олиб келиб, бирини Меъмор хонадонига, иккинчисини ўз кулбасида мис кўзаларга тўлдирарди. Дастлабки вақтларда Маъсума бека пиширган овқатлардан, шогирдлар қатори у ҳам тановул этиб, «Саховатли Меъмор хазратларининг умрлари узоқ бўлиб, доимо сихат-саломат бўлсинлар», деб дуо қиларди. Низомиддинни кўриб «худойи таоло менга ҳам фарзанд берса, мана шунақа удлик-шудлик бўлсин», дерди. Ўз иши билан доимо машғул бўлиб юрган Али мешкобчи кейинчалик Низомиддиннинг хибс этилиб, Ихтиёриддинга ташланганини эшитиб, эрта билан келиб Меъморнинг кўнглини сўради... Орадан бир неча ой ўтгач, Низомиддиннинг осилганини эшитиб, бўйнида сувсиз меш, растама-раста, кўчама-кўча дод солиб, бошидан тупроқ сочиб, йиғлаб юрди. Ихтиёриддин қалъаси ёнига келиб худога ёлворди. Мусалло атрофида «Мирзо» мадрасасини қураётганлари орасига ҳам

кириб, Низомиддиннинг ҳам, бошқа йигитларнинг ҳам гуноҳи йўқлигини айтиб, дод солиб бақирди. Унинг ноласига Меъмор хонадонидан бўлак кишилар локайд қаради. Бозорда ясовулбоши унинг қилиб юрган ишларидан жирканиб: «Хей, мешкобчи, агар сен яна шундоқ бақириб юрсанг, оғзингга қамчи билан ураман, ўттиз икки тишинг синиб тушади!» деб дўқ урди. Али мешкобчи ичида: «Сен кўппакнинг қўлингдан шу иш келади, албатта» дедию индамай жўнаб қолди.

Орадан кўп ўтмай Меъморнинг ҳовли-жойларини сотиб шаҳардан чиқиб кетганини эшитди. Хайрлашиб, кузатиб қолмагани юрагини ўртаб, азонда меши тўла «Чашмаи Хизр» сувини кўтариб, «Даҳаи дорул Ҳуффо» маҳалласига келди. Жуда таниш бўлган дарвозани тақиллатди. Ҳозироқ шогирдлардан бири ёки Бадиа бекам чиқиб оцади, салқин чашма сувини ошхонадаги хумга кўйдириб, очик чехра билан ташаккур айтади, хаёл қилиб турган Али мешкобчининг айтгани бошқача бўлди. Илгари очик турадиган бу дарвоза танбалаб бекитилган. Шарақ-шуруқ қилиб, занжирлари олиниб, ярим очилган дарвозадан башараси совуқ бир одам кўриниб, жим қараб турди.

— Меъмор ҳазратларининг ҳовлилари шу эди-а, сиз жаноб кўчиб келдингизми?

— Сотиб олдим!

— Мен Али мешкобчиман. Меъмор ҳазратларининг ташқари ҳовлиларидаги хужрада турганман. Соғиниб, қўмсаб келдим. Зарур ишим йўқ, бошим оғиб келиб қолганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Қандай яхши инсон эдилар. Бундоқ мусофирпарвар, саховатли одамлар кам учрайди...

— Орқасидан югурсанг, етиб оласан! У «саховатли» кишинг ҳали Бухорога етгани йўқ, — деди у одам мешкобчига кўзларини ўкдек қадаб. — Ёки ўша хужра сеникимиди?

— Алҳазар, жаноб! Мен бир ғариб одамман, мен фақат қўмсаб келдим...

— Яна бошқа гапинг борми?!

— Йўқ.

У одам эшикни «тарс» эткизиб ёпиб, ичкарига кириб кетди.

«Ох, қандай замонларга қолдик — деди ўзига ўзи мешқобчи, — одам одамга шундай муомала қилади-ми?» У мешдаги чашма сувидан кўчада юрган болаларга қуйиб бериб, жўнаб қолди. Пули Молондан ўтиб, гала миноралар ёнига келганида, узоқдан офтобачини кўрган Мажнун-девона томоғи қақраб унинг йўлини тўсди:

— Сув бер!

— Мана, ич, — деди мешқобчи заранг косани тўлдириб узатиб, — ич, жигарим, энди сирлашадиган фақат иккимиз қолганга ўхшаймиз.

— Яна бер, — деди девона биринчи косани симириб бўлиб. У яна тўлдириб берди. Девона иккинчи косани ҳам ичди.

— Яна қуяйми?

— Бас, — деди у мешқобчига илжайиб. Шундан сўнг кафтини очиб, дуо қилаётган мешқобчига мурожат қилди: — Сен ғариб одамсан, сенинг дуойинг ижобат бўлади; э худо, дашту биёбонларда қон йиғлаб кетаётган Меъмор ҳазратларининг мушқулларини осон эт, жувонмарг бўлган ўғиллари Низомиддинни раҳмат қил!

Улар иккови ҳам юзларига баробар фотиҳа тортдилар.

— Меъмор ҳазратлари кўчиб кетибдилар, кўмсаб борган эдим, ичкарига киритишмади, — деди мешқобчи илжайиб, мамнун турган девонага.

— Тунда Афросиёб қўшин тортиб келди. Зулфиқоримни олиб чиқиб, мана шу ерда чунонам жанг қилдимки, мажусийлардан биронта ҳам қолмади. Бугун кечаси Афросиёб яна келади, сиз ҳам хушёр бўлиб тулинг! Ўз куёви Сиёвушнинг бошини олган ҳам шу Афросиёб, лашқари беадад билан келади. Ҳаммасини кириб ташлайман!

Али мешқобчи девонага қараб, унинг айниётганини сезди. Шундан сўнг хайрлашиб Бозори Қандаҳор томонга жўнаб қолди. Дорул Ҳуффо маҳалласи илгаригидек эмас — бу маҳалла фариштаси йўқ, совуқ ва бефайз бўлиб қолган эди. Нима сабабдан бу томонга келганини ўзи ҳам билмади. Ҳарқалай, инсон яхшилик кўриб, туз ичган ерини кўмсар экан.

Меъморнинг ҳовли-жойини сотиб олган одамнинг

совук муомаласи гўё мешкобчини елкасига тушган калтак бўлди: у юзини ўгириб индамай жўнаб қолди. Ҳиндиларнинг дайди сигири ҳам шунақа бўлар экан; қисир қолиб, уйдан чиқарилиб юборилгач, бир неча ой боши оғиб яна ўз уйига кириб келаверар экан. Лекин муомаланинг илгаригидай бўлмаганини сезган сигир кейинчалик ўз ҳовлисини тарк этиб, кўчадаги дайди сигирларга қўшилиб кетар экан.

Меъморнинг ҳайдалиб кетишида корфармо Аҳмад Чалабийнинг қўли борлигини, уста Жўржий ва кулларнинг ҳам Ҳиротдан чиқиб кетишига шу одам сабаб бўлаётганини эшитган қизиққон ва тили ботир Али мешкобчи бозорда бақириб: «Эътиборли кишилар Хуросондан қувилмоқда. Мансабдор шахсларнинг зулми ошиб кетди!» — деб юрди. Хотинининг қазосидан сўнг у ҳам Ҳиротдан бош олиб, Сабзавор томонга кетмоқчи бўлади. Аммо у томонга қайси юз билан боришини билолмади. Меъморнинг бирдан бир яқин ошнаси устод Қавом эканлигини эшитган эди; у зотнинг ҳовлисига бориб, зиёрат қилиб келди. Хайрият, бу зот Меъмор номини тилга олиб, бўзлаганини сезиб, дарҳол олдига дастурхон ёзди. Кейинги пайтларда у Худододбекнинг никоҳ тўйида хизмат қилди. У устод Қавомдан, Бухоройи шарифга кетаётган бирон карвонга уни қўшиб, жўнатиб юборса, то қиёмат дуо қилажagini айтди. Устод Қавом аниқ ваъда қилмаган бўлса ҳам, шу бир офтобачининг Нажмиддин Бухорийни қанчалик яхши кўришини сезиб, хайрон бўлиб қолди. Шу ёшга кириб ўзига бирон ихлосманд одам йўқлиги кўнглидан ўтди.

Али мешкобчи яна мадраса қурилишига кириб одамларга сув тутди. Лекин қамти келиб қолган Аҳмад Чалабийга сув бермай, юзини тескари қилди. Буни сезган Аҳмад Чалабий мешкобчига мурожаат этди:

- Ҳей, сувингдан бир коса бер.
- Сув йўқ!
- Ана, меш тўла сув-ку?
- Бу Чашмаи Хизрдан. Сизга ҳайф кетади!
- Тентак!
- Сиз жанобга мол бозоридаги шалтоқ сувни ҳам раво кўрмайман!
- Йўқол бу ердан!

Али мешкобчи корфармо Аҳмад Чалабийга хўмрайиб сўнгра жўнаб қолди.

Рамазон ойи охирларида Ал-Жазойир амирининг Ҳиротга келиши ва бу тантанавор кунлар Ҳирот аҳлини масруру маст қилиб, салтанатнинг ас-асаю дабдабаси одамлар диққатини ўзига жалб этиб, нигоҳини хиралаштиради, хаёл қилди, ҳукмдорлар. Улар янглишди; қатлу талон-торожлар, қуввину пўписалар, ғарибу ғурабонинг аянчли ҳаёти — қашшоқлик, мулкдорларнинг керилишларию амирзодаларнинг адовати фуқаро тинқасини қуритган эди.

Бозорма-бозор санғиб, сув сотиб юрган Али мешкобчи ҳамма ерда «қиёмат яқин қолгани»ни, мансабдорларнинг хиёнаткорлигию одамларда меҳру оқибат қолмаганини бақириб айтиб юрди. Кечкурунлари чарчаб ҳужрасига келгач, токчадаги китобни қўлга оларди. Бу китоб «Чор дарвеш» бўлиб, Меъмор ҳадя қилган эди. Али мешкобчи ёшлигида мактаб кўрмаса ҳам, хат таниб олган, қийналиб ўқирди. Энг қизиғи, бу китобнинг қатида Меъмор умри давоми йиққан ҳикматли сўзларни шилдирок қоғозга ёзиб қўйган бўлиб, уларни доимо ўқиб, ёдлаб юрди.

Бу гапларда одамийлик, ахлоқ-одоб, ҳалол меҳнат, мардлик, шарму ҳаё, инсоф, тадбиркорлик каби фазилатлар улуғланар, танбаллик, ҳаромтомоқлик, порахўрлик, жаҳолат, ёлғончилик, адоват, ҳасад, ғийбат, хиёнат, кибр-ҳаво сингари иллатлар қораланар эди. Али мешкобчининг бу гапларни айтиб юриши, табиийки, сарой атрофидагиларга ёқмасди.

Бозорма-бозор югуриб, замонаю мансабдор кимсаларнинг бераҳму бешафқатлигидан, порахўру бемуруватлигидан шикоят қилиб юрган мешкобчини кунлардан бир куни икки ясовул чашма бошида: «Сен ярамас келгинди сувни булғатдинг», деб камчи билан чунонам савалашди. Ерда чўзилиб қолган Али мешкобчининг биқинига тепишди. Унинг оёқларига камчи уриб, иккинчи бор бозор кезмайдиган қилиб ташлаб кетишди.

Чўзилиб ётган мешкобчини кечга яқин қандайдир номаълум одамлар кўтаришиб ҳужрасига элтиб қўйишибди. Ҳушига келган мешкобчи эрта билан қовоғи

тепасидаги ёрилиб қон оққан ерларини кимдир рўмол билан боғлаб кетганини, ёнига бир коса сув, нон қўйилганини пайқади.

Бу ким бўлди? Ахир у сўққабош, кимсасиз, мусофир-ку? Унинг қўнглини олиб турадиган меҳрибон Меъмор ҳам ҳайдалиб кетган-ку! Қашқирлардек йиртқиқ ясовуллар қўлидан олиб, ўз хужрасига ётқизиб кетган ким экан? Бу шаҳарда унинг яқин ошнаси қолмаган-ку?! Мешкобчининг аъзойи бадани зирқираб, бош кўтаришга мажоли келмай ётганида, куннинг ўрталарида, хужра эшиги очилиб, рўмолчага озгина хўрак тугиб олган икки йигит кирди. Улар мешкобчига салом бериб, эҳтиёткорлик билан ёнига ўтиришди. Уларнинг бири — йигирма ёшларда, чиройли қилиб салла ўраб олган мадраса муллаваччаларидан бўлиб, иккинчиси, ҳам эндигина мўйлаби сабза урган, гавдаси йўғон йигит эди. Муллавачча биринчи бўлиб, ярим овозда кеча кечқурун чашма тепасида ётганини, икковлари кўтариб олиб кириб қўйганини айтди. Қимир-лолмай, калтак зарбидан инграб ётган мешкобчи, агар унинг қўлида Ҳазрати Алининг зулфиқори бўлганида барча мансабдорларни, амирзодалару подшоҳгача, ҳамма-ҳаммасини бир кунда кириб ташлашини айтиб, оҳ урди. Бир ғариб одамга шунча ситам бергани худодан кўркмайдиларми, деди яна инграб.

— Йўқ, улар худодан кўркмайдилар! — деди муллавачча ярим овозда босиқлик билан. — Фукаронинг чумолича ҳам қадри йўқ. Биз ҳам, қудратли мешкобчи, сизга ўхшаб жабр чекдик.

— Сизлар ким бўласиз? — мешкобчи икки йигитнинг меҳрибонлик кўрсатганидан мамнун бўлиб сўради.

— Бизлар Низомиддин ва Аҳмад Лурнинг дўстларимиз.

— Тушундим, — деди мешкобчи, — Низомиддин асл йигит эди! Танийман. Шерикларингиз қатл этилиб, сиз икковингиз қутулиб қолдингизми?

— Йўқ, бизлар жуда кўпмиз, — деди муллавачча. — Бизлар қатл этганлари билан адо бўлмаймиз.

— Тушунарли.

— Ёнингизга келишдан мақсадимиз — биринчидан, сиз ғариб ва софдил кишига қўлимиздан келган-

ча мурувват қилмоқ, иккинчидан, бундан буёқ ўз ёгин-гизга қовурилиб юрмай, хоҳласангиз, бизнинг ёни-мизга келиб, биргалашиб иш тутмоқликни айтиш эди. Ёлғизлик ёмон, йиғласак ҳам бирга йиғлайлик, ёмон-лар билан ёқалашсак ҳам бирга бўлиб ёқалашайлик-ки, ҳақиқатни бирликда топайлик.

— Исмингиз нима, азиз укаларим? — сўради меш-кобчи.

— Менинг исмим — Талаба, шеригимнинг исми — Интиком. Тузалганингиздан кейин келинг, бизларни Мадрасаи Олиядан топасиз...

Икки йигит хайр-хўшлашиб ўринларидан турди-лар.

— Албатта бораман, — деди Али мешкобчи ном-лари яширин, меҳрибонлик кўрсатаётган икки хуш-фешъ йигитга тикилиб.

Чоршанба куни эрта билан Дорул Ҳуффо маҳал-ласида пайдо бўлган яна бошқа икки нотаниш одам Меъморнинг эшигини тақиллатди. Эшикни қия очиб, нотаниш кишиларга совуқ назар ташлаган юзлари гўштдор уй эгаси сипоҳларга хос пурвиқорлик билан «Хизмат?» дегандек қаради.

— Ассалому алайкум! — деди эшик тақиллатган-лар баробарига, — Меъмор ҳазратларида ишимиз бор эди, марҳамат қилиб чақириб берсангиз.

— Бу ер қозихона бўлганми?!

Эшик тақиллатганлар жим бўлиб қолишди.

— Бу ховлини мен сотиб олганман! Бу ерда меъ-мор-пеъморинг йўқ! Уни бекорга ҳайдашмаганга ўхшай-ди. Хоиннинг отасида ҳам бир гап бор экан!

— Соҳиб, бизни авф этинг, биз бу ерга янглишиб келиб қолибмиз.

Эшик қарсса ёпилди.

Кўчада қолган бу икки нотаниш одам бир-бирига хайрон бўлиб қараб қолди.

— Бу тушимми ё ўнгимми?

— Ўнг, — деди соқол-мўйлаби сийрак, лўмбилла-ган семиз, ўрта яшар одам рўпарасидаги шоп мўйлаб-ли қотма кишига.

Бу одамларнинг бири — Фармон кал лақабли этикдўз қосиб бўлиб, ёшлигида боши ғоятда қирмоч кал бўлган, ёши ўтиши билан у тузалиб кетган бўлса

хам, қулоғигача бостириб хожи дўппи кийиб юарди. Кўнгли очик, кулгию ҳазилни ёқтирар, улфатлари орасида ҳаммадан аввал бир бошини очиб кўрсатиб, ўз лақабидан гап бошлар, гапга чечан эди. У меъморнинг хонадонига маҳси, кавушу этик тикиб берар, баъзида Меъмор Бозори Қандаҳордаги унинг дўконига келиб гаплашиб, дилкашлик қилиб ўтирар эди. Иккинчи киши — Парфи сўтак бўлиб, уйда косибларга сағри тайёрлаб сотарди. У ўзига етгунча беғам, гап билмас сўтак эди. Улар бир-бири билан ёшлиқдан ошна бўлиб, икковлари ҳам Меъморга ихлосманд, кўп масалаларда келиб маслаҳатлашиб туришарди. Низомиддиннинг қатлидан хабарлари бор, келиб дардлашиб, ҳасратлашиб кетишган эдию, аммо шундай мўътабар зотнинг ҳайдалиб кетиши асло хаёлларига келмаган эди. Бунинг устига эшик очган совуқ кимсанинг: «Бу ер илгари қозихона бўлганми?!» дегани уларни ўйлатиб қўйди. Улар, дарҳақиқат, ҳозир қозихонадан чиқиб келишаётган эди. Уларнинг бир камбағал косиб ошнаси меҳнат ҳақини тўламай, анча вақтдан буён муттаҳамлик қилиб келаётган хўжайини — улгуржифуруш бойвачча устидан қозига арз қилган эди. Бу иш анча вақт судралиб юриб, бугун ҳал бўлган эди. Улгуржифуруш бойвачча пора бериб, қутулиб кетди. Бойвачча ҳақ, арз қилган косиб муттаҳам бўлиб қолди. Қозихонадан кўксини чангаллаб фиғон қилиб чиқиб кетган косибга тасалли беришди. Аммо косиб, бу ярамас одам бошқа бир жиноятни ҳам пул билан ёпиб юборганини кўрган — у бировнинг хотинига кўз олайтирган номард эди.

Фармон кал билан Парфи сўтак ўз ҳамкасабаларига сабр қил, сабрдан бошқа илож йўқ, деб тасалли беришди. Лекин уларнинг Меъмор ҳовлисига йўл олганларининг боиси бу эмас, бошқа масала эди. Меъморнинг мана шу бир ой ичида Ҳиротдан чиқиб кетганидан хабарлари йўқ эди.

Парфи сўтак билан Фармон кал орқаларига қайтиб, Пирмуҳаммад тандирчи ёнига келишди. Кенг ва текис ҳовлида пешанасини танғиб олиб, ўғиллари билан тандир ясаётган гавдаси йўғон киши қўлидаги тахтачасини қўйиб, ошналари билан қўл сиқишиб омонлашди. Болалардан холироқ, айвон соясига бо-

риб ўтиришди. Фотихадан кейин, Фармон кал гапни лўнда қилди:

— Кулоғимизга ёмон гап чалинди; Муҳаммад Аргун маҳкамаси худо раҳмат қилгур Низомиддиннинг отаси Меъморга кўз тикиб, у зотни орадан кўтариб ташламоқ ниятида эмиш. Бу гап жуда аниқ кишидан эшитилди. Мавлононинг маслаҳатларига кўра, Меъморни хабардор қилиб кўяйлик, деб борган эдик, у зот ҳовли-жойларини сотиб, кўчиб кетибдилар.

— Кечиккан бўлсангиз ҳам ҳарқалай бу гапни Талаба жанобларига ҳам маълум қилиб, маслаҳат сўраш керак, — деди тандирчи. — Мен бир нима деёлмайман. Ўзингизга маълумки, Талаба жаноблари ҳамма нарсани маслаҳатлашиб олмоқ кераклигини айтган эдилар. Мавлонога ҳам бу гап маълум, нечун у киши Талаба ҳазратлари билан маслаҳатлашмай, сизларни Дорул Ҳуффога юбордилар экан?

— Бу гапингиз маъкул, — деди суҳбатга аралашиб Парфи сўтак. — Мен ҳам йўлда сизга айтдим-а, олдин мадрасага боришимиз керак деб.

— Боришдан қочмаймиз, — деди Фармон кал.

— Эҳтиёт бўлинглар, — деди Пирмуҳаммад тандирчи, — бирон жуфт этикми, маҳсими, кўлингизга олиб олинглар. Ҳовлиқманглар, ховлиққан одамга ҳамма қарайди.

Кал билан Сўтак бир пиёладан чой ичиб, ўринларидан туришди. Тандирчи ўргатганидек рўмолга янги этик тугиб, мадрасага боришди. Шу атрофда айланиб юришди. Орадан кўп ўтмай, кўлида китоб бошида чиройли салла, муллавачча келиб, улар билан омонлашди. Бу йигит «талаба» эди. Улар кўчада янги этикни кўриб, савдолашаётган бўлиб, асосий гапга ўтишди. Фармон кал Талабага ҳамма гапни лўнда қилиб айтди. Муллавачча бўлса шошмасдан этикнинг у ёқ-буёқларини айлантириб кўрган бўлди.

— Бу ишнинг чораси кўрилган. Марҳум Низомиддиннинг отаси соғ-саломат Бухорога жўнаб кетди. Ўзимизга тегишли бир одам аравакашлик қилиб, у зотни олиб кетди. Биз ўйлаймизки, Меъмор ҳазратларининг сафарлари бехатар бўлгай.

— Хайрият, — деди Фармон кал.

— Этигингиз қиммат экан, уста, — деди мулла-вачча, — биз ўзимиз бозорга бориб савдолашиб оламиз. Тушундингизми?

— Тушунарли. Хайр, саломат бўлинг! — деди Фармон кал.

Фармон кал билан Парфи сўтак яна орқаларига қайтишди. Улар йўл-йўлакай Талабанинг жуда хушфеъл, доно йигит эканини гаплашиб кетишди. Ситамгар фалак, бешафқат подшоҳлар ўзи сабаб бўлиб, фуқаро мана шу интиқом йўлига, хуруфия фиркасига жамулжам бўлаётганини, бу ҳам тангрининг иродаси эканини айтишиб, ўзларига тасалли беришади. Башарти қўлга қиличу найза ушлаш лозим бўлиб қолса, бу фармонни Талабаю Хорун бўзчи берса, қон тўкишга тайёр эканликлари, тангри марҳаматига шоҳу амир эмас, халойиқ лойиқ эканини сўзлашишди.

— Марҳум Низомиддин отасига шикаст етказмаслик чорасини ҳаммадан аввал ўйлаб, ўз одамимизнинг қўшиб юборилиши, бу жуда зукколик бўлибди, — дейишди улар бир-бирига. — Демак, биз Талабага суянсак, ишонсак, у жаноб айтганини қилсак, жонимизни фидо қилсак арзийди ва бизнинг чеккан заҳматимиз зое кетмайди.

Жума куни Жоме масжидига — намози пешинга оқиб келаётган одамларнинг кети узилмасди. Шу одамлар ичида амирзода Иброҳим Султон Шерозга жўнаб кетганидан кейин Бойсунқур иродаси билан ўз мансабидан бекор қилинган митти Сулаймонбек ҳам боши куйи ғарибона келарди. Қамчинидан қон томган учинчи жаллод, яъни Муҳаммад Аргун, Қораилондан кейинги, «сарой синчларини маҳкам ушлаб турган мих»нинг пораю фахш ишлари фош этилиб, омбур билан суғуриб ташлангани бир кундаёқ фуқаро қулоғига етиб, оғиздан-оғизга кўчди. Кўринишда хокисор, бакирмай, секин гаплашадиган, одамларнинг «пешанасини силаган» бўлиб, чоҳга тепиб юборадиган бу маккор шахс анчадан буён Мирзо диққатини тортарди. Бу одам Иброҳим Султоннинг баджаҳл, қаттиққўлликдан фойдаланиб, ўз манфаати йўлида кўпларнинг ёстигини қуритиб юборган эди. Унинг маҳкамасига уч бор кириб, йиғлаб-ёлвориб, ўғли гуноҳини андак

юмшатиб, қатлдан олиб қолишини илтимос қилган Меъморга ҳам жуда юмшоқ, мулойим муомала қилиб, аслида ўзининг «салтанатга садоқати»ни изҳор қилиш баҳонасида амирзодадан шу «хуруфия тўдаси»ни тезда осиб ўлдиришни бир неча бор талаб қилган эди. У мақсадига етган. Энг дахшатлиси шу бўлган эдики, бу кимса юмшоқ гапириб, ҳаммага ўзини «дўсара» кўрсатиб, қабих ишларни қиларди. Унинг «ширинсўз», «мулойим», «одампарвар»лиги фақат бир ниқоб эди, холос. Бу кимса ўз мансабидан бекор бўлгач, бир неча ой хонанишин бўлиб ётди, ҳеч кимга қўшилмади. Бирон кимсага арз ҳам қилолмади — сабаби унинг жирканч шахс экани Шохрухга ҳам маълум эди. Икки-уч ойлардан сўнг Сулаймонбек бошини секин шилликкуртдек чиқариб атрофига аланглади. Жимжитлик. Шундан сўнг ён қўшнисиникидаги никоҳ тўйига чикди. Хизмат қилиб юрган йигитчалар унинг ёнига нон, қанд-қурс қўйиб кетдию, аммо ҳеч ким у билан гаплашиб, ёнида ўтирмади. У ёлғиз, якка-мохов бўлиб ўтирди-да, кейин тўйдан чиқиб кетди. Яна бир куни жанозага чикди. Тўпланган одамлар ундан ўзини тортиб, у билан ҳеч ким мулоқотда бўлмади. Унга тобут кўтаришга ҳам гал бермай, бир томонда қолдирди. Жоме масжидида ҳам ундан одамлар узоқлашиб, пой-гакларда намоз ўқидилар, аммо унга яқин туришмади. Одамлар миқ этишмас эдию, лекин ундан ўзларини тортишарди. Сулаймонбек буни жуда яхши пайқаса ҳам, бари бир сурбетлик қилиб одамларга суркалаверарди. Кунлардан бир куни Фармон кал Парфи сўтакка мурожаат этди:

— Бу ярамасни тинчитиб қўя қолсам нима дейсан? — у этиги кўнжига солиб қўйган дудама ханжарга ишора қилди.

— Савоб бўларди! Аммо Талаба билан бир маслаҳатлашиб кўриш керак.

— Бу гапинг маъқул, — деди Фармон кал Парфи сўтакнинг лўмбиллаган юзларига жилмайиб қараб, — сендан ҳам балодек ақлли гаплар чиқади-я!

— Ҳамма ақл ўзимда дейсанми! Ақлингнинг кўплигидан бошингга шира тушиб, шафтоли қоқи қилиб қўйган.

— Балли, сўтак! — деди хахолаб Фармон кал, —

шунинг учун экан-да, аммамнинг бузоғидек кечаси билан бошдаги ширани ялаб чиққанларинг.

— Вой, вой, ошна, қўй, кўнглимни айнитма! Яхши ҳам қирмочингни капгир билан сидириб ташлаганлар, бўлмаса етти маҳалланинг пашшаси орқангдан гувиллаб эргашиб юрарди.

— Об-бо, сўтаг-е! Енгдинг. Бас! Ўтмас пичоқ кўл кесар деб шуни айтадилар-да! Туриб-туриб оласан. Ўзи бир вақти келиб қолади-да, миянг ўлгур бирдан ишлаб кетади. Офарин! Худо ҳаммага ақл улашганида сенга жуда узун тегиб қолган-да, а!

— Ўшанда сенинг елкангдан ушлаб турувдим-да. Худо: — тила тилагингни, деди. Мен ақлдан тўрт энлик ошиғроқ бериб юборинг, дедим. Мана, жонингни киритяпман, дўстим!

— Бас, биз енгилдик, сиз енгдингиз! Энди тўғри гапга ўтайлик; хўш, нима қиламиз? Талаба бизнинг дўконимизга келмаяпти. Ёки яна мадрасага борамизми?

— Бу жуда шошилишми?

— Сулаймонбекни кўрсам гашим келиб, юролма-япман. Шу ярамаснинг боши оғирлик қилиб юрибди чамамда!

— Эртагача сабр қилайлик.

Эртаси куни, дарҳақиқат, Бозори Қандахорда, тим ичида Талаба пайдо бўлиб, у этик харид қилиш бахонаси билан Фармон кал дўконига кириб, курсига ўтирди. Саломаликдан сўнг, Фармон кал дарҳол мақсадга ўтиб, ниятини айтди.

— Бундоқ иш қилмоққа биз рухсат этолмай-миз, — деди ярим овозда Талаба, — бу «Саркарда» ҳазратларининг ҳам фикрлари. Сотқинлик, авомга жабру зулм истаганлар мана шундоқ хор бўлишини одамлар кўрсин. Уни сўйиб юборсангиз қутулади-кетади. Кўтир мушукдек ҳеч қаерга сиғмай, одамлар ундан ҳазар қилиб юргани бошқа одамларга катта ибрат-ку. Бир-икки йил қўйиб бериш керак, ўзи ўлиб кетади. Ҳали бунақа хор бўладиган мансабдорлар анча-мунча. Агар бир-икки йилдан кейин ҳам сурбетларча яшайверса, сиз билан маслаҳатлашиб уни йўқотиб юборамиз.

— Жуда маъқул.

— Пес — бу дард. Тузук одамлар ҳам бу дардга мубтало бўлиши мумкин. Аммо бу пес ёмон пес, бадтарин пес. Бунга даво йўқ, бундан биз хазар қилишга ҳаққимиз бор.

— Жуда тўғри.

— Этигингиз қиммат, уста. Биз талабаларнинг қудратимиз етмайди. Яна бир келаман.

— Келинг, мулла, арзонроғи ҳам бўлади. Яхши кунлар ҳам келиб қолар...

— Худо хоҳласа, албатта, — Талаба хайрлашиб дўкондан чиқиб кетди.

Хиротни айланиб ўтадиган Ҳерирўд дарёси жи-мирлаб оқиб ётарди. Бу сувнинг мавж уриб жимирлашлари, бурилишлари остида кучли оқим доимо шитоб билан шимолга, Мурғоб томонларга югурарди. У бир қарашда кўзга кўринмас ва лекин унинг қудрати-ни хуросонликлар сезиб турардилар.

XXXII б о б

ЧЎЛИ БОБО МАСКАНИ

Уч арава Толлимаржон, ундан сўнг дашт карвонсаройидан чиқиб, Қарши шаҳри қайдасан, деб йўлга тушди. Учинчи аравада Халач бўронидан омон қолган баъзи қақир-кукурлар, Меъморнинг темир-терсак асбоблари; кетмон, белкурак, андава, ганчхок тоғоралари, сим, элак ва ҳоказолар... От устида Фаввос Мухаммад ўтирарди. Икки хуржунини дори-дармонлар билан тўлдириб олган табиб ўзининг ювош байталида биринчи аравага ёнма-ён, Меъмор билан гаплашиб келарди.

Икки кун йўл юриб, Қарши карвонсаройига етиб келишди. Шаҳарга кириб келишда дарё кўпригида пойлаб ўтирган хизматкор йигитлар табибни кутиб олиб, бек ховлисига жўнашди. Табиб бекнинг бир ўғли оғир касал эканини, чоршанбага унга етиб боришини Меъморга айтган эди. Табиб йўлдошларини карвонсаройга жойлаб, бир кеча ҳордиқ олганларидан сўнг, эрта билан келиб Бухоро йўлига чиқариб, кузатиб қўйишини маълум қилди. Меъмор ҳам, Ҳорунбек

ҳам табибга миннатдорчилик изҳор этишди. Табиб байталидан тушиб, бек кишилари олиб келган аравада шаҳар ичкарасига кириб кетди. Кечқурун икки йигит каттакон дастурхонга ўроғлиқ нон ва ширинликлар, иккинчи бола хурмачада қатиқ кўтариб келди. Булар бек ҳовлисидан юборилганини, Меъмор ҳазратлари мана шу қатикқа пиёз тўғраб ичиб олиш лозимлигини таъкидлашди.

Эрта билан табиб бекнинг кичик укаси билан бирга карвонсаройга келиб, бек жаноблари нонуштага таклиф этаётганларини айтди. Йигитчанинг ҳовлида Ҳорунбек билан гаплашиб турганини кўрган табиб, Меъморга имо қилди.

— Бек ёмон одам эмас. Сизнинг келганингизни эшитиб, атай тайёргарлик кўряптилар.

— Борамиз, — деди Меъмор. — Бек ҳазратлари қакирадию бормаймизми? Сиз учун ҳам борамиз.

Табиб билан Меъмор олдинда, эрта билан улар бир неча кўчани кесиб ўтиб бекнинг ҳовлисига кириб келишди. Ҳовлида турган бек дарвозагача юриб келиб, Меъмор билан қўл беришиб омонлашди. У эллик ёшлардан ошган, қора соқол, юмалоқ одам эди. Маъсума бека билан Бадиа ичкари ҳовлига кириб кетишди. Ҳорунбек билан Меъморнинг шогирдлари бек укаси билан пастки айвонга ўтиришди. Табиб, Меъмор, бек ва яна бир кекса одам катта, нақшин меҳмонхонага тайёрланган дастурхон атрофига ўтиришди.

Нонушта пайтида, бек, ички оғир ва мусибатли гаплардан хабари йўқ, Меъморнинг Бухорога ўтиб кета туриб, унинг ҳовлисига тушишганидан бениҳоя хурсандлигини, илм кишиларининг пойқадами шарофати билан унинг ўғли бугун анча чиройи очилиб, кўзини очганини айтди. Бек подшоҳнинг «алломайи замон» мунажжим эканликлари, Мирзо Улуғбек илму фан кишиларини ўз қаноти остига олаётганига таассуф қилиб, майда ҳокимлар, беклар ҳам хаттоту шоирларга, мударрису меъморларга яхши кўз билан қараб, гўё шундай қилса, подшоҳ ҳазратлари олдида обрўлари ошишини билади. Бундоқ зиёли одамлардан четда қолмасликка ҳаракат қиларди. Бекнинг гапларидан Меъмор унинг мутлақо мадраса кўрмаганини пайкади. Ёнида ўтирган мўйсафид, шаҳардаги Жоме

масжидининг имоми экани ҳам билинди. Меҳмонлар бек ўғлига худо шифо бериб, тезроқ ўрнидан туриб кетсин, деб дуо қилишди. Бек Хиротда бўлмаганини, лекин Мусалло Жоме масжид, миноралар таърифу тавсифини кўп эшитганини айтди. Табиб ҳам Меъморнинг офир мусибат билан Бухорога кетаётганини маълум қилишни лозим топмади. Йўлда, Хорунбек ҳам бек кишиларига Низомиддин қисматини гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деган эди.

Гапдан гап чиқади, деганларидек, нонушта пайтида бек тўсатдан Меъморга мурожаат этиб, бу ерда бирон ой қолиш иложи йўқмикан, муҳим бир илтимосу узримиз бор эди, деди.

— Мен шошинч бир иш билан Бухорога кетяпман, деди Меъмор. Афтидан, бек бу ерда бирон масжид қуриш нияти бор, хаёл қилди. Ёнида ўтирган имом бунга ишора бериб тургандек бўларди. — Яна, бек ҳазратлари, мен бетобман, дўстим Ҳожи Абдул-асад яхши биладилар. Юмуш бўлса, жоним билан қилиб берар эдим. Агар бир-икки кун қолиб, усталарга лойихасини чизиб, кўмаклашиб юбориш лозим бўлса, бош устига.

— Бир-икки кунда бўлмайди, — деди яна бек, — биз сизга катта ҳақ тўлаймиз. Ихтиёрингизга анча одамлар берамиз. Сизнинг келганингизни кечаёқ табибдан эшитиб шу фикр кўнглимиздан ўтган эди. Ўғлим бетоб бўлмасидан илгари Самарқандга одам юбормоқчи бўлиб турган эдим, боламнинг дарди бу ишни хаёлимдан кўтариб юборди.

— Қандай юмуш экан? — Меъмор сўради.

— Хўжа Муборак деган жойимиз бор. Бу томонда катта чорва, қанчалаб мол боқилади. Чўпонларнинг мендан илтимоси шуки, йўл ёқасига сардоба қурмоғимиз лозим. Шундоқ бир жой борки, кўрсангиз ўзингиз ҳам кетолмай қоласиз. Бундан неча юз йил илгари ўтган Яланғоч авлиё ҳам Хўжа Муборак яқинига сардоба қуриш кераклигини айтган экан. Бунинг учун ҳар бир чўпон менга юз қўй ваъда этди. Бир-икки йил ичида бизнинг қўлимизга юз мингга яқин қўй қиради. Иккиламчи, Улуғбек Мирзо ҳазрати олийлари ҳамма амиру бекларга кўпригу сардобаю ҳаммомлар қуриш ҳақида фармойиш берганлар.

— Савоб иш, — деди Меъмор.

— Имконинг бўлса, яхши иш бу, — деди табиб.— Меъмор ҳазратларининг саломатликларини хоҳишларига ҳам қараш лозим. Лекин йўлингиз Хўжа Муборак орқали ўтади, ўша жойларни кўриб кетсангиз зарар қилмайди. Сиз кўпроқ сут, қатик ичишингиз керак, бир кун, ярим кун чўпонлар меҳмони бўлсангиз, бу фақат фойда!

— Муҳтарам бек, — деди Меъмор, — биз ўша ердан ўтиб кетамиз, мен аҳволни бир кўрай, йўлдошларим билан маслаҳатлашай, бундан сўнг сиз жанобга ўз фикримни айтаман. Бир ўртача сардоба учун юз эллик мингга яқин оби гишт ишлатилади. Ундан сўнг ганчхок ва пойдевор учун қир тайёрлаш ва ҳоказолар...

— Гиштининг ярми бор; Косон ва Пўлоти қишлоқларида. Биз етказиб берамиз. Пўлоти қишлоғида уста Обид ва уста Худойберган деган кишилар ҳам бор, улар сизга кўмаклашади.

— Ҳозир бир нима демоқ қийин, аммо жойни бориб кўриб, кейин бир фикрга келамиз. Аммо, муҳтарам бек, бундоқ хайрли ишга бел боғлаганингиздан ниҳоятда хурсандман. Бундоқ ишлар ҳамма бекларимизнинг ҳам кўнглига кела бермайди.

— Ҳорун ар-Рашид кўп яхши бинолар қўрганлар,— деди гапга аралашиб табиб. — Минораи Калонни қорахонийлардан Арслон қурдирдилар. Етти тош йўлдан у кўриниб туради. Карвонлар қумда адашиб, саргардон бўлмайдилар. Бухорои шариф марказида турган Минораи Калон уларни чорлаб туради... Қарши билан Шахрисабз оралиғида бир неча сардобалар борки, улар сомонийлар, қорахонийлар замонида қурилган. Абу Райҳон Беруний Ғазна шаҳрига ўтиб кетаётганларида сардоба ёнида бир ҳафта қолган эканлар...

— Кўпчилик бўлиб сиз ҳазратга таъсир кўрсатяпмиз, — деди бек жилмайиб, — шояд, Оллоҳ кўнглингизга бу ерлар муҳаббатини солса.

Меъмор бош қимирлатиб, Ҳожи табибга қараб жилмайди: «ичимдаги дардни билмайсизлар, агар мен ҳам сизлардек гаму ғуссасиз бўлганимда, бу ерларда анча вақт қолиб кетардим. Қандоқ қилайки, дили пора

бўлиб, қувилган Меъмор ўз тупроғи сари ошиқяпти...» дегандек бўларди у.

— Ўйлаб кўрайлик, тўсатдан бир фикр айтиш ки-йин бўляпти, — деди Меъмор бекка яна мулойимлик билан.

Нонуштадан сўнг карвонсаройга қайтиб келган Меъмор ўз хужжрасига йўлдошларини тўплаб, эртага эрта билан жўнашажаги, Косондан ўтгач, Хўжа Муборак яқинида чўпонлар орасига киришажагини, бу ер йўл устида эканини ҳамда бекнинг илтимосини ҳам айтди. Ҳеч кимдан садо чикмади. Бир кишидан ташқари, ҳамма тезроқ Бухорога етиб олишни, йўл азоби жонга текканини билдирди. Фақат Ҳорунбек сукут сақлар ва кам гапирарди. У Меъмордан ҳеч вақт узоқлашмас эди-ю, аммо ҳеч сўз айтмасди. Бу ҳолни сезиб юрган Бадиа ҳамманинг олдида унга му-рожаат этди. Негадир унга нисбатан юрагида бир шубҳа пайдо бўлган эди.

— Отамларнинг фикрларига сиз нима дейсиз?

Ҳорунбек ялт этиб Бадиага қаради. Унинг Калиф кумлигида бўлган воқеадан сўнг андак шубҳаланиб ю-рганини сезган Ҳорунбек жуда босиқлик билан гапирди:

— Аравалар шай, худо хоҳласа, эрта билан йўлга чиқамиз. Лекин бекнинг таклифига келганда, бу ма-салани мен эмас, Меъмор хазратлари ҳал қилишлари керак. Менинг вазифам, сизларни соғ-саломат Бухорога етказиб қўйиш. Менинг фикрим, мана шундоқ, Бадиа бекам.

— Агарда отамлар бу ишни олсалар, биз анча қолиб кетамиз. Бунга сиз нима дейсиз? Бизларни ташлаб яна Ҳиротга қайтаверасизми?

— Меъмор хазратлари аввал бориб ўша жойни кўрсинлар, кўрмасдан туриб бир фикрга келолмаёт-ганликларини ҳаммамиз сезиб турибмиз. Бу ёғи ҳам бир кунлик йўл...

— Ҳорунбек тўғри айтдилар, — деди Меъмор, — ўша ерга борайлик, бир фикрга келамиз.

Бу гал ҳам Бадиа камгап Ҳорунбекни ушлолмади. Одатдагидек эрта билан улар яна йўлга тушишди. Карвонсаройга келган табиб Меъмор билан хайрлаш-ди. Бек ўз укасини то Хўжа Мубораккача улар билан қўшиб юбораётганини айтди. Бекнинг укаси ўзига

ўхшаш яна икки отлик билан қўлларида тугун, бирга йўлдош бўлиб боришга шай турарди. Меъмор табибга миннатдорчилик билдирди:

— Бизга кўрсатган меҳрибончилигингиз учун та-
шаккур! Асло унутмаймиз, — деди Меъмор.

Бекнинг укаси қийиқ кўз, нигоҳи ҳеч нарсани на-
зарписанд қилмай, мағрур юрган Бадианинг қалдир-
ғоч қошларида эди.

Аравалар жўнаб кетди.

Биринчи арава атрофида қаршилиқ уч отлик гап-
лашиб борарди. Бу хол Ҳорунбекка негадир ёкмади.
У кўп ўтмай ўз ўрнига Зулфиқорни ўтқазиб, ўзи
иккинчи аравага чиқиб олди.

Йўлда бир тўхтаб, кечга яқин Косондан ўтиб, кенг
бир ўтлоқда тўхташди.

— Мана шу жой Хўжа Муборок билан Косоннинг
ўрталиғи, — деди отликлардан бири, — сал ичкари-
роқда кудук бор. Оғамлар шу ерни кўрсат, деганлар.
Бари бир шу ерда тунашга тўғри келади.

— Тунаймиз, — деди Меъмор негадир тетикла-
ниб. Ҳар гал у кечга яқин аравадан тушишда чарчаб,
бехол бўларди. Бу гал унинг тетиклигини, иштиёқ
билан у ёқ-бу ёқларга аланглаганини кўрган Бадиаю
шогирдларининг чехраси очилди. — Сизлар нима дей-
сизлар. Яхши, баҳаво ер экан, ўша кудук ёнига бо-
райлик. Бекзода, ўша сардоба қуришга мўлжалланган
жойни кўрсатинг!

— Мен билмайман, — деди йигит. Агар оғаси
буйруқ қилмаганида улар билан шунча йўлни босиб
келишга мутлақо тоқати йўқ эди. — Шу атрофда
кудук ёнида Чўли бобо туради, деганлар, ўша одамни
чақирайлик.

— Йўқ, бўтам, ўша Чўли бобо ёнига ўзимиз
бора қолайлик, — деди Меъмор. Кейин Ҳорунбек-
ка буйруқ қилди. — Қани, хайданг, ўша ерга бо-
рамиз!

Катта йўлдан чиқиб, бир чақиримча ичкарига ки-
ришди. Кунчиқар томонда тепаликлар бўлиб, кунбо-
тар томон текислик, ундан нари қумликлар. Кудук-
дан сал нарироқда сочилиб ётган кулбаларнинг бири-
дан арава ҳамда отликларни кўриб Чўли бобо чиқиб
келди. Одамларни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Одат-

дагидек Хорунбек сакраб отдан тушиб, жиловини ушлаб турди. Зулфиқор билан Заврак арава остидаги шотичани олиб, оркага кўйишди. Эҳтиёткорлик билан Меъмори, ундан кейин Маъсума бекани ва Бадиани пастга туширишди.

— Жуда баҳаво жой экан, — деди шу лаҳза Бади. — Қарши шахрини аслида мана шу ерга курадиган экан!

— Худди мана шу кудукнинг ёнига! Тўғрими, бекам? — гап қотди Заврак.

— Табиатнинг хатосини қарангки, баҳаво ерлар қолиб, катта шахарларни бир чеккага куради.

— Масалан, Бухорони, — деди яна Заврак, — шунча дарёлар ёқаси қолиб, бир жазирамага...

— Нишопур шахрини ҳам бир чалдивор ўрнига қуришган, дейишади.

— Нишопурни кўрмагансиз, бекам. Нишопур жуда яхши жойда.

— Ҳар кимга ўз шахри ёқади.

— Бекзода жаноблари, сиз асли Қаршида туғилганмисиз? — сўради Заврак гўдайтиб турган бекнинг укасидан.

— Ҳа, — деди у от устида турганича. Негадир у суҳбатга киришолмай совуқ турарди, — биз асли — шахрисабзлик, барлос уруғиданмиз. Отам сарбоз бўлганлар.

— Тушунарли, — деди Заврак, — беклик ўша вақтдан денг. Бунинг устига барлос уруғидан бўлсангиз, сиздан буюк одам йўқ бунда, — деди киноя билан.

Меъмори аравадан тушганидан сўнг бу томонга келаётган серсокол Чўли бобо қаршисига чиқиб, у билан эски танишлардек кўл беришиб омонлашди.

— Чўли бобо сиз бўлсангиз керак?

— Ҳа, мен бўламан, — у йўғон овози билан даядил гапирарди, — биз томонларга хуш келибсизлар! Қалай, мол-жон омонми, саломатмисизлар!

— Шу ерда, кудук бўйида тунаб, тонгда жўнаб кетмоқчимиз.

— Қудук бўйи эмас, уйларимиз сизнинг ихтиёрингизда, марҳамат.

— Ташаккур!

— Сизлар ким бўласиз?

— Мана бу йигит бек ҳазратларининг инилари, — деди Меъмор. — Бизлар йўловчилар, Бухорога кет-
япмиз.

— Қани, отларни аравадан чиқаринглар, — деди чол, бу орада кулбалардан болалар, йигитчалар ҳам чиқиб келишди. Бир неча катта итлар ҳам пайдо бўлди. — Ҳали замон ўғилларим ҳам молдан келиб қолишади.

Одатдагидек ҳамма ишга тушиб кетди; чиройли ер танланиб, наMAT, шолчалар ёзилди, отлар аравадан чиқарилди... Бекнинг иниси ҳам отдан тушиб, қараш-
гандек бўлди.

Меъмор Чўли бобо билан ёнма-ён юриб, қудук атрофларини айланди. Қудукдан нарироқда, кунчиқар томондаги тепаликлардан тушиб келган кичкина бир ариқча анча нарига бориб, қумликка сингиб кетарди.

— Кўп баҳаво жой экан, — деди Меъмор чолни гапга солиб.

— Жуда яхши жой. Бунақа жой ҳеч қаерда йўқ, иним. Мана шу ариқ қирдан оқиб келади. Аммо саратонга бориб қуриб, кунимиз фақат қудуққа қолади. Бу атрофда, — у кенг, тақир далаларни кўрсатди, — болаларимдан ташқари, тўққиз чўпон бор. Биз қоракўл боқамиз. Ишимиз яхши, аммо сув чатоқроқ. Мана шу ерга сардоба қурилганида одамларга ҳам, молларга ҳам, сизга ўхшаш йўловчиларга ҳам, хатто қушларга ҳам яхши бўларди. Мен буни йигитлигимдан орзу қилдим. Лекин бўлмади, қўлимиз қисқа. Юзбонши ҳам, бек ҳам билади, аммо нима учундир бу ишни қилишмайди. Биз ҳокимларга мол ваъда қилдик. Аллақаёқда уста Обид, уста Худойберган деган кишилар келиб кўришди. Бари бир яна қолиб кетди.

— Қаерга мўлжаллагансиз?

— Мана, манави ер. Бу ер ўзи сардоба учун мўлжаллангандай, пастлик ва жуда қулай. Буни кўринг, шундоқ ерга қурилмаса, қаерга қурилади! Гузар, Файзобод атрофидаги сардобаларни кўрганман. Аммо бу ер жуда қулай ер...

Меъмор кечки салқинда, даштнинг ғир-ғир шабадаси эркалаб турганида, «нихоятда баҳаво» ва «жаннат» даштда Чўли бобо кўрсатган пастликни айланиб

юриб кўздан кечирди: кадамлаб ўлчаб ҳам кўрди. Чўли бобо Меъмори кузатиб, унинг кадамларида бир ҳикмат борлигини, бежиз савол бермаётганини сезиб, агар мана шу ерда гумбаз кўтарилса жуда зўр иш бўлишини такрор-такрор айтарди. Икки кексанинг кудукдан нарироқда айланишиб, гаплашиб юрганини кузатиб турган Ҳорунбек арава ғилдиракларига отларни боғлаб, хашак ташлади. Шундан сўнг кексаларга яқин бориб, гапларига кулоқ солди.

— Ҳорунбек, иним, сиз нима дейсиз? — гап котди Меъмори, — кечаги гап мана шу ерда экан. Мана бу қуриб ётган ариқ жилғалардан йиғилиб, анов тепаликлардан тушаркан. Саратонга келиб қуриб қоларкан. Шу ерга сардоба зарурлиги кўриниб турибди.

— Тушунарли, уста.

— Илгари ҳам сизларга ўхшаб кўриб кетишган, — деди Чўли бобо, — лекин натижа бўлмади. Бу ерда сувни сақлаш учун гумбаз жуда зарур. Бу томони юз чақирим, то Қоровулбозоргача, бу томони Қамашию Бешкентгача бир тузук сардоба йўқ. Чўпонларга ҳам, йўловчиларга ҳам бу жуда зарур. Савоб бўлади.

— Агар мандан сўрасангиз, — деди Ҳорунбек. — Бухорога шошилиб кириб боришнинг ҳожати йўқ.

— Нечун? — сўради Меъмори.

— Сиз ҳамма вақт, уста, фуқаро тарафида туриб, хайрли ишдан қайтмагансиз. Бу ишга раҳбарлик қилсангиз, мен ўйлайман, яна бир хайрли ишни юзага чиқарган бўласиз...

— Укажон, мен бу ишдан қочмайман. Лекин сизнинг вақтингиз ва араваларингизни вақтида бўшатиб, хақини тўлашим керак. Ана шу мулоҳаза бор. Менку, ишдан қочмайман. Бунинг устига, бу иш на амиру на подшоҳ учун! Бу коъфар фуқаро ҳожати учун.

Чўли бобонинг жой солаётганлар ёнига кетганидан фойдаланиб, Ҳорунбек Меъморга оҳиста сирли бир гапни шивирлади:

— Уста, буёғи Бухорогача озгина қолди. Мен ҳамма гапни сиз ҳазратга Бухорода айтиб, яна орқамга қайтиб кетмоқчи эдим. Шу ерда, холи турганимиздан бир гапни айтмоғим лозим. Бу ерда иш бошласангиз қанча вақтга чўзилади?

— Бир, бир ярим ой.

— Бир, бир ярим ой кечикиб Бухорога кириш айни муддао! Ҳозир ҳам кириб бора бериш мумкин, лекин озгина кечикиш — бу ҳар қандай хавфу хатардан бизни йироқ қилади. Табиб айтганидек, суткатикни кўпроқ истеъмол қилиш, далада юриш сизнинг саломатлигингиз учун жуда зарур. Гапнинг очигини айтсам, сизни Бухорогача омон-эсон етказиб қўйишни менга Талаба жаноблари ҳамда ошноларим топширишган. Сизлар билан бирга юравераман, отаравалар сизнинг ихтиёрингизда! Бухорога етказганимдан кейин, қайтиб кетаман. Талаба жанобларига бу хабарни айтиб тинчлантираман. Андхуд юқорисида, кум ичида, ўлдирганимиз икки шахснинг бири Қораилон эди...

— Сиз ўзингиз кимсиз?

— Мен — ўғлингиз Низомиддиннинг дўстлариданман. Мени Ҳорун бўзчи дейишади... Сизни оилангиз билан эҳтиёт сақлаб Бухорога етказиш бизларнинг вазифамиз!

— Бизларингиз кимлар?

— Бизлар — хуруфийлармиз. Бу ерда мендан бўлак ҳеч ким йўқ.

— Таажжуб! Шу вақтгача, қанча йўл юриб мен сизни билмабман-да. — Майманадаги Ҳорун бўзчи — сиз бўласизми?

— Ҳа. Пинҳонийлик — бизнинг касбимиз. Лекин зарур бўлиб қолган чоғда сиз жанобга очиқ айтиш ҳам менга топширилган. Мана, сирни очдим. Аммо бу сирдан йўлдошларимизнинг хабари бўлмагани маъқул!

— Хўп, — деди Меъмор. — Хўш, қоламизми, кетамизми!

— Қолайлик.

— Эрта билан бекка инисидан хабар йўллаймаман. Чўли бобога ҳам айтамыз. Эрталабгача дам олайлик.

Ҳорунбек отларга қарагани кетди.

Шу куни йигитлар далада ётиб ухлашди. Меъмор хотини, қизи билан Чўли бобо уйида тунади. Эрта билан очиқ ҳавода қилинган нонушта пайтида Меъмор шогирдлари билан маслаҳатлашиб, бек инисига сардоба қуришга рози бўлганлиги, тезликда одам ва ғишт етказиб беришни бек ҳазратларига маълум қилишни сўради. Уста Обид ва уста Худойберганларни ҳам

чақириш кераклигини келадиган одамлар кетмону бел-курак, ганчхоқ қоришга тоғора ва замбилларни олиб келсинлар, деди. Бекнинг иниси наридан-бери нонушта қилиб, икки сувори ошнаси билан Қаршига от чоптириб кетди. Сухбатдошининг уста экани, сардоба қуриш учун келганини билган Чўли бобо дарҳол ўғилларини чақириб, жонлиқ сўйиб юборди. Ишнинг ғоятда муҳимлигини сезган шогирдлар нонуштадан кейин бири қалам-қоғозга, бири ернинг пасту баландини кўришга, бири — режа тортишга тушиб кетишди. Тезроқ Бухорога етиб олиш учун ошиққан Бадианинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, отасига қаради.

— Шу гапингиз аниқми?

— Ҳа, кизим, шундоқ қилмасак бўлмайди. Бу жуда хайрли иш.

— Соғлигингиз яхши эмас-ку, отажон?

— Ишламай турсам соғлиғим ёмон бўлади. Ишласам ҳеч касал бўлмайман.

— Аравакашнинг вақти қандоқ бўлади?

— У рози. Уники, рози қилганимдан кейин, сен ўзимнинг фарзандимсан, рзилигингни сўрамай қўя қолдим.

Бадиа индамади. Унинг унча рози эмаслиги сезилиб турарди. Лекин қандоқ қилсин, отасининг баъзан шундоқ фавқулодда ишлари, ўжарликлари бўлиб турарди.

Бу воқеа нохуш хабардек Зулфиқор билан Бадиани ўйлатиб қўйди — улар Бухорога етиб олиш учун ошиқишарди. Севикли устознинг кутилмагандаги буйруғи Зулфиқорнинг ҳафсаласини пир қилди. У ўз ота-онаси бағрига ошиқар, устозини иззату икром билан кутишиб, тўю томоша билан Бадиага уйланиш орзуси бор эди.

— Отамлар бу ерда қолмоқчилар, сардоба қуришни ўйлаяптилар, — деди Бадиа аравакаш Ҳорунбекка қамти келиб. — Сиз бу гапга нима дейсиз!

— Отангиз бебаҳо, олижаноб одам. Умр бўйи авом учун заҳмат чекдилар. Яна шундай қилмоқчилар. Бундоқ ишлар ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди.

Бадиа миқ этмай қолди. Бир лаҳзадан кейин сўради:

— Сиз энди кетасизми?

— Мен у одамни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман!

— Эътиқодингиз учун ташаккур! — деди Бадиа бошқа сўз сўрашга ҳеч ҳожат қолмаганидан кейин.

Орадан кўп ўтмай бу суҳбатдан беҳабар Зулфиқор ҳам Ҳорунбекка мурожаат этди:

— Устодимиз яна бирон ой бунда қолишни айтяптилар. Сиз қоласизми ёки кетасизми?

— Ҳурматли Шоший жаноблари, мен ўз фикримни бўлғуси қайлиғингизга, афв этасиз, Бадиа бекамга айтдим.

— Гапингиз қизиқ-ку?

— Устоз нима деса шогирд шуни қилмоғи даркор! Ана, Ғаввос жанобларига бир қаранг! Бу ишдан хурсанд бўлиб, ҳозироқ ишга тушиб кетмоқчилар. Меъмор ҳазратлари ҳаммадан кўра сизни яхши кўрадилар. Бу ишончни оқлаш лозим-ку, ахир, дўстим!

— Узр. Юзта жоним бўлса, ҳаммасини устодга бағишлайман, — деди Зулфиқор қизариб.

— Мана бу — ўғил боланинг сўзи!

XXXIII б о б

САРДОБА

Шу куниеқ узоқ-яқиндаги чўпонлар тақирликдаги кудуқ ёнига — Чўли бобо уйи атрофига одамлар келиб туришганини эшитишди. Баъзилар ўзи, баъзилар чўлиқни юбориб, тафсилотини Чўли бободан эшитиб хурсанд бўлишди. Кечга яқин бу ер яна гавжум бўлиб кетди: бир неча қозон осилиб, дастурхонлар ёзилди. Болалар кўп эди. Чўли бобо бошлиқ ўн чоғлиқ чўпон йигитлар бир томон, Меъмор бошлиқ олти уста бир томон, ерга ташланган шолчаю наmatлар устида маслаҳат мажлиси қуришди. Чўли бобонинг келинлари, ёш-яланглар хизмат қилиб туришарди. Чўли бобо мана шу ўн йигит, ўзи билан ўн бир киши устанинг ихтиёрида бўлишини, анави тепалик орқасидаги Қоратош деган жойда харсанг борлиги, чўқмор билан уриб бемалол кўчириб олиш мумкинлигини айтди. Қоратош бу ердан бир ярим чақиримча масофада бўлиб, харсангни чўпонларнинг ўзлари аравада керагича келтириб беришларини ваъда этишди. Лекин обиғишт жуда зарур эди.

— Косонда икки хумдон бор, — деди Чўли бобо

Меъморга, — бу ер билан хумдонлар ораси уч тош келиб қолади. Араваларимиз катнаб турса, бир хафта ичида оби гиштни ташиб келса бўлади.

— Уни кўприкка ишлатиб юборишган, — деди бошқа чўпон.

— Йўк, турибди, — эътироз билдирди Чўли бобо, — яқинда бозорга борганимда ўз кўзим билан кўрдим.

— Ерни ковлаш ишлари бўлса, мана бу оға-иниларга қўйиб берасиз, — деди ёш чўпон чап қаторда ўтирган ака-укаларини кўрсатиб, — қудук казишда буларнинг тенги йўк. Мана шу қудукни ҳам улар ковлаган.

— Қўйиб берсангиз ерни илма-тешик қилиб ташлашади, — деди Чўли бобо ёнида ўтирган ошнасига ҳазил қилиб, — юмруну кўр каламушга дарс беришади.

— Тўғри! — деди кулиб ака-укаларнинг бири. Унинг бир кўзи қисик бўлиб, «кўр каламуш» лақаби бор эди, — қудукқа ўтириб кўядиганлар ҳам бор, тўғрими, Чўли бобо?

— Қаттиқ кетманглар!

— Бизларга касал теккан, — деди бояги ҳазиллашган чўпон, — тўрт юз қўйни эвлаштирамиз, аммо мана бу ўн киши — бир бўлолмаймиз. Яхши ҳам Чўли бобо борлар.

— Кўздан гапирманглар, — деди Зулфиқор суҳбатга аралашиб, — бизга ҳам тегиб кетади.

Заврак Нишопурий ялт этиб Зулфиқорга, ундан кейин илжайиб ўтирган Бадиага қаради.

— Ҳа, бизнинг ҳам сизлардан камчилик еримиз йўк, — деди Заврак дарҳол, — шу ўн саккиз киши орасида фақат бир яримта кўзу яримта ақл етишмас экан.

Бирдан кулги кўтарилди.

— Бу гапни мен эмас, — деди бостирма қилиб Заврак қўли билан Зулфиқорга ишора этиб, — бу гапни «Бухоронинг жарчиси» ошкор қилди.

Яна гуррос кулги кўтарилди. («Бухоро жарчиси» деб ханги эшаклар кўзда тутилган эди).

— Сизлар ҳам қаттиқ ҳазил қилар экансизлар, — деди Чўли бобо, — бизнинг чўпонлар ёмон, гап келганда ҳеч аяшмайди.

Боядан бери сукут сақлаб ўтирган Меъмор Чўли бобога қаради:

— Кум борми?
— Ҳамма ёқ кум-ку?
— Бу кум бўлмайти.
— Нега?
— Сув куми керак.
— Косондан, Қашқадарёдан олиб келамиз.
— Ёғин-сочинга ҳали анча бор-а?
— Э-ҳа, вақт кўп. Биз томонда Самарқандга қараганда ёғин-сочин кам бўлади.

— Эрта билан фотиҳа берасиз, ер қазииш ишларини бошлаб юборамиз.

— Саломат бўлинг! — деди кўзлари чакнаб Чўли бобо, — бекдан хабар келишини кутмаймизми?

— Бекдан хабар келади. У кишининг ўзлари мендан бу ишни илтимос қилганлар. Бизлар учун энг муҳими шуки, бек ҳазратлари оби ништ ҳамда қирқ-эллик одамни ўз вақтида юборсалар, иш яхши кетарди.

Меъмор эртасига эрталаб шогирдлари билан сардоба қурилажак жилға ёнига барвақт келди. Бу чоғ Чўли бобо ўғли кўмагида бир катта кўчкорнинг оёқларини боғлаб, ётқизиб турган жойида Меъморга «фотиҳа беринг», деб қўлини жуфтлади. Меъмор юриб кетаётган ерида бир лаҳза тўхтаб, фотиҳа берди. Чўпон йигит кўчқор бўғзига пичоқ тортди.

— Қозонга босинглар, — деди Чўли бобо, — аёлларга айт, кулчатоғини шўрванинг сардагига қилсин!

— Хўп, бобо, — деди чўпон йигит.

Ернинг текис, қия томонларини обдан кўздан кечириб бўлгач, Меъмор уч шогирдини уч томонга юбориб, ўзи сардоба қурилажак жойда турди. Кунчиқиш, кунботиш томонларни ҳисобга олди. Ҳорунбекнинг қибланомасини олиб ерга қўйди. Заврак, Зулфиқор, Фаввос узоқдан туриб бўлғуси сардобани кўришди, қўлларигади қоғозга уч эшик ва тепада уч туйнук чизишди. Кейин учала шогирд Меъмор атрофига тўпланиб, шу ернинг қулайлигини, бўлғуси гумбаз олисолислардан ҳам яхши кўринишини айтишди. Юқоридаги икки туйнук офтоб чиқиши ва ботишига тўғри қилиниб, кириш эшиклари чап бўлганини маъқул кўришди. Меъмор Чўли бободан кўп вақт бу даштда шамол қандоқ юришини сўради. Чол шамолнинг кун ботишдан кунчиқиш томонга юришини айтди. Демак,

сардобага кириш эшикларини шамолга терс очиш керак, деди Меъмор. Меъморнинг ишораси билан Зулфиқор эрта билан учини ўткир қилиб ясаган бир газлик қозик билан тешани Чўли бобо қўлига берди.

— Чўли бобо, — деди Меъмор баланд овоз билан, — биз мана бу ерларнинг хандасавий ҳисобини олдик. Шу қозикни, мана, оёғингиз остидаги ерга қоқинг. Шу ер сардобанинг қоқ ўртаси бўлади.

Чўли бобо катта қозик учларини ерга ботириб, қўлини фотиҳага очди. Ундан сўнг қозикни теша билан уриб, ерга киритди. Зулфиқор бобонинг қўлидан тешани олиб, яна ҳам мустаҳкамлади-да, Меъморга қараб, энди устига миҳ қоқиб, каноф тортаверсак бўладими, деб сўради. Худди шу аснода узокдан отликлар кўринди. Даштда Чўли бобо атрофига сочилган одамлар катта йўлга боқишди. Беш отлик олдинма-кетин келиб, аравалар ёнида отдан тушишди. Улар ичида бекнинг иниси ва яна бошқа шахслар ҳам бор, орқада, бешинчи отда табиб ҳам келган эди. Улар отларини чўпон йигитларга топшириб, узокда ер ўлча-шаётган Меъмор ва шогирдлар томон юришди. Меъмор узокдан табибни кўриб, бир неча қадам босиб унинг истиқболига чикди.

— Хуш келибсиз, табиб, саломатмисиз? — деди Меъмор.

— Бор бўлинг. Ўзингиз қалайсиз? Сут, қатикдан кўпроқ истеъмол этяпсизми? Шундоқ бўлиши керак. Пишлоқ, саримойни ҳам ҳар куни эрта билан тановул этмоқ лозим. Бош оғриғи, кўз тиниши йўқми?

— Йўқ, — деди кулиб Меъмор, — бу ерга келиб жуда яхши бўлиб қолдим. Дашт ҳавоси ёқяпти.

— Айтмадимми! Худо хоҳласа, «қобус»дан асар қолмайди.

Меъмор бошқалар билан омонлашди.

— Бу қарорингиздан бек хазратлари жуда миннатдор бўлдилар, — деди табиб. — Мана бу киши — Қамбар хўжа, бек хазратларининг мирзолари. Булар хазратнинг яқин кишилари, Қарши шаҳрининг эътиборли одамлари.

— Бек хазратлари сизга салом айтиб, ҳамма ашёларни вақтида етказиб беришни бизга топширдилар, — деди Мирзо.

— Бек ҳазратлари илгари Қарши яқинида кўприк ҳам қурганлар, «Бек кўприк» деб атаймиз, — деди келган мансабдорлардан бири.

— Маърифату ободлик чироғини ёққан киши то-абад ўлим билмайди, — деди Меъмор.

— Мана, сардоба битиб, бу ерлар ҳам обод бўлиб, Бекобод ўлса ажаб эмас, — деди яна Қамбар Мирзо.

— Иншоолло, — деди табиб.

Меъмор индамади.

— Ишни ҳам бошлаб юборибсизлар, бўладиган ишнинг вақтида бўлганини бек ҳазратлари яхши кўрадилар, — деди гапга аралашиб бекнинг иниси.

— Мана шу ернинг эгаси Чўли бобо қозикни қокдилар, — деди Меъмор, — хандасавий иш бошланди ҳисоб. Бу ёғи бўлаверади.

Қамбар Мирзо «Бу ерларнинг эгаси Чўли бобо эмас, бек!» демоқчи бўлиб турган эди, тилини тишлади. Чунки илм ахли инжиқ бўлади, борганингизда эҳтиёткорлик билан гаплашинг, фуқарога қиладиган дағалликларингизни Меъморга қила кўрманг, бу одамларнинг сиркаси сув кўтармайди, иккиламчи, подшоҳ шунақа аҳл фузалопарвар бўлганлиги сабабли, улар билан ҳисоблашишга мажбурмиз, деган эди бек.

Тушдан кейин от-аравада уста Обид ва уста Худойберган деган косонлик усталар ҳам келиб қолишди. Усталар аравадаги асбобларни ерга тушириб, Меъмор билан бек ноиблари турган ерга келди.

— Ассалому алайкум! Ҳорманглар!

— Ваалайкум ассалом! Бор бўлинглар! — деди Меъмор.

— Сиз устоднинг Бухорога ўтиб кета туриб, муҳтарам ва олиҳиммат бек ҳазратларининг бир оғиз сўзларини аъло билиб, бу ишни ихтиёр қилганингиздан жуда миннатдор бўлдик, — деди жиккакдан келган уста Обид шанғиллаб. — Уста Худойберган Қаршидан чиқмаганлар, мен Хиротда, Балхда, Ғазнада, Самарқандда бўлганман. Устод Қавом, устод Исмоил бинни Тоҳир Исфаҳоний, устод Нажмиддин Бухорий амал этган мадрасаларни кўрганман... Муборак номингиз Хуросону Мовароуннаҳрда машҳур. Яхшидан от қолади, дейдилар.

— Жуда ҳам унчалик эмас, — деди Меъмор, — одамзодни ўз юрти тортар экан, Бухоройи шарифга қайтиб келяпман.

Меъморнинг рўпарасида турган Ҳорунбек секин йўталиб, «ички гапларни очиб қўйманг», дегандай бўлди. Меъмор дарҳол гапни бошқа томонга бурди, чунки уста Обид ҳам баландпарвоз гапларни ёқтирарди.

— Бек ҳазратларидан сизнинг бу ишга тайёр эканлигингни ва ҳазратнинг ховлиларидаги меҳмонхонани ўзингиз қурганингни билиб, хурсанд бўлдим. Меҳмонхона бағоят чиройли қурилган.

Бу гап уста Обидга жуда ёқиб тушди. У ипақдек мулойим тортиб, гапи орзидан тушиб кетди. Бекнинг иниси, мирзою бошқа мансабдорлар ҳам бу гапдан жуда миннатдор бўлишди. Фақат қозик ёнида турган серсоқол Чўли бобо билан Меъмор шогирдлари сўмрайишиб туришарди.

— Қозикни ҳам қоқибсизлар. Маъқул, — деди уста Обид атрофга аланглаб, — доира ярми неча газ бўлади, устод?

— Биз йигирма газни белгиладик. Сиз нима дейсиз?

— Айни муддао! Менинг кўнглимдан ҳам шу ўтган эди, тиккасига қирқ газ бўлади.

— Пойдеворни йигирма газ мўлжаллапмиз. Файзободдаги сардобанинг ичи узунасига ўттиз газ. Биз ўн газ оширдик.

— Айни муддао!

— Пойдеворни уч газ чуқурликда ўйиб, манави Қоратош деган жойдан харсанг майдаларини олиб келиб, бир қатор ташлаб, устидан қир тўксак...

— Айни муддао.

— Пойдевор ердан ярим газ кўтарилгач, ундан сўнг оби гишт терсак. Сардоба йигирма газча баландга кўтарилиши керак. Менга хабар беришларича, оби гиштнинг бир қисми бор, қолганини Косондаги икки хумдон етказиб берар экан...

— Жуда тўғри, устод.

— Фотиҳа берилди. Қора қўчқор катта қозонда пишяпти, — деди Меъмор Чўли бобога қараб. — Шу бугундан ишни бошлаб юбордик.

— Ҳақини қанча гаплашдинглар? — сўради уста Обид, — усталарга қанчаю шогирдларга, ундан сўнг мардикорларга қанча ҳақ тўланади?

— Буни биз билан гаплашасиз, — деди Қамбар Мирзо.

— Биз буни суриштирганимиз йўқ, — деди Меъмор, — корфармо Мирзо биладилар.

— Ҳисоблик дўст айрилмас, дейдилар, хафа бўлмайсиз гапимга, устод.

— Бемалол, — деди Меъмор, — қани, Зулфиқор, Заврак, Ғаввос! Азизлар, канопнинг учини олиб, ерга доира чизинглар. Пойдевор икки газ бўлсин. Чўли бобо!

— Лаббай, уста!

— Йигитлардан Қоратошга юборинг, чўқмор билан тош синдиришсин. Сиз, уста Обид ва уста Худойберган, гишту ганчхок келгунча уч-тўрт азамат йигитларни олиб, янтоқ, юлғун, жилға ёқасидаги қамишлардан кетмон, ўроқ билан қирқиб, ёқишга бош бўлинглар. Кулига қум кўшиб, қир тайёрлаймиз. Мирзо жаноблари! Манави шўрвадан кейин, шаҳардан келадиган одамларни чиқариш керак. Дастлабки арава гиштарни ҳам жўнатиб, қум, ганчни ҳам араваларга ортиб юборинглар. Ишни жадаллаштирмасак бўлмайди. Мана бу лойиҳани бек ҳазратларига кўрсатинг, агарда биронта ислоҳ киритиш лозим топсалар, бемалол ислоҳ киритиш мумкин, — Меъмор сардоба лойиҳаси чизилган қоғозни Зулфиқор қўлидан олиб Қамбар Мирзога узатди. Мирзо лойиҳага бир кўз ташлади-да, буклаб қўйнига солди.

Одамлар ишга тушиб кетишди.

Қуёш тик келганда Чўли бобо ҳаммани овқатга чақирди. Одамлар ўзлари ишлаб турган ерларидан кудук атрофига тўпланишди.

Яқиндагина тўсатдан касал бўлган, рангидаги синиқиш-заъфаронлик кетмаган Меъморнинг дашт офтобида сардоба қуриб бераман, деб жон чекиб юрганини кўраётган шогирдлари устодга ачинишарди. Устод ҳам бир ишга жон-жаҳди билан киришиб юрганида ўзлигини тамоман унутарди. Бошқанинг ҳар бир гапи қўлини ушлаб, йўлига ғов бўлаётгандай туюларди. Шу сабабли на Зулфиқор, на Заврак ва на Ғаввос чурқ этарди. Ачиниш ҳам, илтимос ҳам, меҳрибончи-

лик, тергаш ҳам бефойда эди шу топда. Меъморни ўз холига қўйиб бериш керак. У шунни хоҳларди. Хатто Бадиа: «Отажон, иш топилади, ўзингизга қаранг...» деганида чолнинг жаҳли чиқиб, умрида бирон марта койимаган қизини «Нодон, бу гап ақлсиз гап!» деб жеркиб ташлади. Масъума бека ҳам Зулфиқору Фаввосга «Қўяверинглар, бу чол ўзи шунақа. Ишлаб турганида унга ҳеч қанақа гап ёқмайди. Сут билан кирган жон билан чиқади», дея насиҳат қилиб қўйди.

Меъмор малла ранг салласи пешига манглайи терларини артиб, пойдевор қазиётганлар тепасида турар, доиранинг бузилмаслигига риоя қилишни уқтирарди.

Ҳорунбекнинг от-аравалари ҳам харсангтош ташишга тушиб кетди.

Бадиа билан Маъсума бека Чўли бобо келинлари билан бирга овқат тайёрлашга ёрдамлашишди. Икки забардаст чўпон йигит терлаб-пишиб тинмай қудукдан сув тортишарди.

Эртасига эрталабдан бошлаб гишт ортган аравалар Косондан Чўли бобо қудуғи ёнига етиб келди. Йигитчалар жуда эҳтиёткорлик билан уларни тушира бошладилар...

Учинчи қисм

XXXIV б о б

МЎЪТАДИЛ ИҚЛИМ

Меъмор одатдагидек эрта билан ҳаммадан аввал туриб, сардоба пойдевори қазилган ерга келди. Уюб қўйилган фиштларга кўз ташлади. Бир оби фиштни кафтига қўйиб, теша билан уриб кўрди. Сарик фишт устидаги тўрт бармоқ чизиклари хаёлини олди: «Отанга раҳмат! — деди ичида. — Бу фишт эмас, мрамар». Шундан сўнг, кунчиқар томонидаги қоратош тепалигига бориб, сочилиб ётган харсанг бўлакларига кўз ташлади. Чўпон йигитларнинг астойдил иш қилишаётганини ҳам кўрди: сардоба бек жанобларидан кўра ҳам уларга зарур эканлигини тушунишибди... Тепаликка чиқиб, атрофга кўз ташлади; дарҳақиқат, ернинг нишаби ўша қозик қоқилган жойга қаратилган экан. Ёмғиру жала, қишки қор сувлари ҳам шу ерга оқиб келиб тўпланиши аниқ. Чўли бобонинг мўлжали жуда тўғри экан. Агарда сардоба ичини яна ҳам чуқурлаштириб, ховуз қилинса, бу ерда доимо сув бўлади.

Чўли бобо боядан бери Меъморнинг сахарлаб узокдаги тепаликка чиқиб, атрофни кузатаётганини кўриб турарди. У Меъмордан ҳам аввал туриб, кўтондаги моллардан хабар олган, Қоплон ва Арслон деган шерсифат кўнғир бўрибосар итлар ҳам чолнинг орқасидан лўкиллаб эргашиб юрар эди. Чўли бобо Меъморнинг фикри хаёлини бузмаслик учун унинг ёнига бормади; молларига қаради, хашак ташлади, суғорди.

Меъмор тепаликдан туриб бепоён даштга кўз ташлади: текис ва кўнғир дашт устида мовий гумбаз — осмон гумбази ҳам улкан бир сардобага ўхшарди. Машрик уфқи аста-секин ёришиб келарди. Кенг, кўнғир даштда бир неча қора нуқтадек бўлиб, Чўли бобонинг узокдаги пасткам уйлари, ундан нарироқда-

ги кўтон атрофида оту аравалар, фишт уюмлари, ас-боб-ускуналар сочилиб ётарди. Чексиз кўнғир дашт ичида бу бир кафтдаккина жойни эгаллаган, холос. Меъмор тепаликда айланиб атроф-жонибга кўз ташлар; яхшироқ тикилган одам шу дашт текислигида ҳам олис қирлар силсиласини, яшилликни, қирлардан илон изи бўлиб тушган жилғаю ариқчаларни, камишзорларни, Қоратош тепалиги этагидаги жарлигу юмалаб ётган харсангларни, олис-олисларда қачонлардир одамлар яшаган тупроқ қалъалар харобаларини кўриш мумкин эди. Бу камишзорлару сада юлғунлар кимсасиз ва бўм-бўш эмас, улар ичида баҳайбат қоплону шерлар бўлиши керак, деди Меъмор фикран, кейин яна хаёлан давом этди: улар ичида ваҳший даррандалар бўлмаганида ҳам, беҳисоб кўю кўзилар, кўчқорлар, қорамоллар юрибди... Бу дашт, тирик дашт! Юлғунлар, гужуми камишлар орасида ётган паррандалар ҳам Қоратош тепасига чиқиб турган нотаниш одамни кузатиб тургандир!

Меъмор атрофига, табиат жамолига суқланиб тикиларди. Ранг-бўёқлар йиллар ўтиши билан хиралашиб аста-секин ўчиб кетади. Фиштин бинолар нурайди, кошинларни шамоллар ялаб, рангини ўчиради... аммо бу замин хуснини — икки дарё оралигидаги жаннат мисол мамлакат хуснини на шамол, на довул ва на оташ ўчира олади! Бу ерларда доимий майсалар гуркирайди, ариқлару дарёлар оқади, сардобаю қалъалар қад кўтариб тураверади. Бу замин шундай беқиёс замин!

Бир муддат ўтгач, жанубдан, Қарши томондан Бухорога туя қарвонлари даранг-дурунг кўнғироғини чалиб, қатор тизилиб ўта бошлади. Меъмор турган жойида эринмай туяларни санади, қирқ туя... Нор туялар устида кажавалар тўла мол. Меъмор туя қарвони ортидан қараб қолди — улар она шаҳри Бухорога кетяпти. Эҳтимол, улар Хуросондан келаётгандир? Хаёли яна Низомиддинга кетди. Меъмор таажжубланарди; бир фарзанди хуруфияга кўшилиб, подшоҳларни тахтдан тобутга тортмоқ бўлса, иккинчи фарзанди — Бадиа йигитча либосни кийиб, ёнида ханжар олиб юрса... Тавба, бир меъмор оиласидан шундаки жангари фарзандлар чиқса! Сарбозу саркардалар хо-

надонидан бундоқ болалар етилса, таажжубга ўрин қолмасди. Қилич эмас, давоту китоб ушлаган, умр бўйи иморат солган бир мўмин уста хонадонидан хан-жарбозлар!..

Меъмор гўё чексиз денгизда, у сохил билан бу сохилга етолмай тахта порада қалқиб сузаётган Синдибоди Баҳрийга ўхшарди — у ёқда Ҳирот, бу ёқда Бухоро, на унга ва на бунга ета олар, баҳри мухит тўлқинларида қалқиб ётарди.

Офтоб ёйила бошлади. Меъмор тепаликдан пастга тушиб, сардоба пойдевори қўйилажак ерга келди. У томондан Чўли бобо ҳам етиб келди. Бир неча ерга дастурхонлар ёзилиб, нонушта тайёрланаётган эди. Бир муддатдан сўнг ҳамма ишга кетди. Ишнинг учинчи куни шаҳардан яна ўн беш киши чиқиб, Меъморнинг ихтиёрига берилди. Чўли бобо кулбаларининг қарши томонига бир неча чодирлар қурилди. Кимсасиз, ўлик кўринган дашт одамлар билан жонланиб кетди. Ишнинг тўртинчи куни шаҳардан бек ҳам чиқиб келиб, Меъмор билан гаплашди, сардобани айланиб кўрди, ёнидан Меъмор қериб юборган лойиҳани чиқариб, «бу тасвир жуда маъқул», деб Меъморга қаради. Меъмор шогирдларининг илтимоси билан атай икки қатор фиштни гир айлантириб терди. Ундан сўнг икки ҳавозаларни тайёрлаётган уста Обид билан Зулфиқор ҳам фишт теришга тушишди. Кунчиқар томонда Ғаввос билан уста Худойберган, ора-чора Заврак ҳам Зулфиқор ёнида туриб фишт терарди. Бек бунда кўп турмай, яна одамлари билан шаҳарга тушиб кетди.

Тушдан кейин катта йўлдан Бухоро сари ўтиб кетаётган туя қарвони негадир ўз йўлидан қайрилиб, сардоба қурилаётган томон юрди. Қарвон бунда ишлаётган одамларга яқин ерда тўхтаб, бир неча одамни юклари билан қолдириб, яна йўлида давом этди. Юкларни ерга қўйиб, узокдан Меъмор ёнига келаётган ўрта яшар, лўмбиллаган бир одам қушлардек қанотини ёзиб, Меъмор билан қучоқлаша кетди. У икки кўзи ёш бўлиб, Меъморни бағридан бўшатиб, белбоғлари учи билан кўз ёшини артди.

— Хуш келибсиз, азизим Ҳасанбек! — деди Меъмор бу кутилмаган учрашувдан ҳайратланиб. — Соғ-саломатмисиз? Бола-чақаларингиз омонми?

— Шукур, уста, ҳаммаси саломат.

Шу лаҳза яна уч одам келиб, иккиси Меъмор билан кучоқлашди, учинчисини Меъморнинг ўзи бағрига босди. Бу — Низомиддиннинг кадрдон ўртоғи Абуали эди. Қолганлар — уста Хусайнбек, кулол Абутолиб эдилар.

— Хуш келибсизлар! Қадамларингизга ҳасанот! Хўш, қайси шамол учирди? Нега карвондан ажралиб қолдинглар?

Бу лаҳза Меъмор ўз кадрдонлари билан топишганини кўрган Чўли бобо, Ҳорунбек ва устаю шогирдлар ишни ташлаб, уларни ўраб олишди. Заврак, Фаввос, Зулфиқорлар Ҳасанбек уста ва Абутолиб кулол билан кадрдон оғалар каби омонлашишди. Уларнинг бу ерни топиб келишганлигига хайрон қолдилар. Айниқса, ўз аравасида Қоратошдан харсанг ташиб келаётган Ҳорунбек от жиловини ушлаган ҳолда жилмайиб, таажжубланарди.

— Қидириб Маккани топибди, деганларидек, биз ҳам Бухорони кўзлаб йўлга чиқдик. Қарши карвонсаройига тушиб, бу ерлик эски ошнамиз уста Обидни излаб уйига бордик. Болалари Хиротдан Меъмор ҳазратлари келганию устани Хўжа Муборакка олиб кетишганини айтишди. Мана, полапон кабутарчалар онаси кетидан учганидек, азизим, биз ҳам бу томонга учиб келавердик. Биздан икки кун илгари йўлга чиққан карвонда Жаъфар Табризий ҳазратлари бир неча хаттотлар билан Самарқандга кетдилар. Ундан бир ҳафта илгари уста Жўржий ҳам Самарқандга, «Даҳаи насарон»га, ўз хешу ҳамватанлари ёнига кўчиб кетди. Сизни эслаб, кўп гапирди...

Меъмор кадрдонларини ўз чодирига таклиф этди. Бадиага дастурхон тайёрлашни, уларнинг юкларини чодир ичига олиб кириб қўйишни буюрди. Уларни чодир ёнидаги наматга ўтқазиб, Чўли бобо билан Ҳорунбекни олиб қолди-да, тўпланиб турган бошқаларни иш жойларига юборди...

Энди икки оғиз сўзни Хиротдан эшитинг:

Вақтики, меъмор Нажмиддин Бухорийнинг Хиротда турмоғи номатлуб деб топилиб, пойтахтдан чиқариб юборилгач, Мирзо мадрасаси қурилиб битиб, ишга тушган вақт эди. Корфармо Аҳмад Чалабий ялвил-

лаб, Бойсунқур ҳузурига тез-тез бориб, бу бино бити-
шини тантанавор ўтказиб, зарбоф чопонлар кийишни
мўлжаллаб юрарди. Меъморнинг бедарак «йўқолиб-
йитиб» кетгани гўё унинг йўлини очган, ундан «буюк»
одам йўқ эди. Усталар, наққошлар, сангтарошу наж-
жорларга буйруқ берар, мадраса биносининг баъзи
қолган-қутган ерларини тезликда тугатишни айтиб,
шоширарди. Ўзини кўрсатиш учун уста ва шогирд-
ларга ақчаларни кўп-кўп берарди. Одамларга турли
ваъдалар қилиб, усталар ҳақида Бойсунқур Мирзога
яхши сўзлар айтганини, Мирзо уни ҳурмат қилиши-
ни, нима деса, унинг гапидан чиқмаслигини айтиб,
валдирарди.

Аммо, бари бир, отаси ўлган хонадондек устаю
шогирдлар тўй арафасида хомуш бўлиб қолишди. Та-
лабчан ва зукко устозлари ҳайдалиб, илмсиз, меъ-
морчиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ бир оми одам
бош-қош бўлиб қолиши ҳеч кимга ёқмасди. У юзлар-
ча меҳнат қилаётган кишилар ўзини ниҳоятда ёмон
кўришини, уларнинг фикри хаёли Меъморда эканини
сарой мансабдорларидан яширишга ҳаракат қиларди.
Мансабдор шахслар ёки Мирзо қурилишда кетаётган
иш билан қизиқиб қолса, дарҳол ўзи қалқон бўлар,
бошқани йўлатмасди, ўзини «салтанат кишиси», са-
ройнинг «содиқ ити» қилиб кўрсатар эди. У қилиб
юрган ишларни кўрган одамлар энсаси қотар, бу та-
магир, мансабпараст ўз манфаати йўлида отасини ҳам
танитайдиган бир расво эканлигидан газабланарди-
лар. Баъзан эса, корфармо устидан «Арслоннинг ўли-
ги — сичқоннинг тириги» деб очикдан-очик қулишар-
ди ҳам.

Меъморни у салтанату сиёсатга ёт, ҳуруфия тўдаси-
нинг оқсоқолларидан, деб вайсаб, орқасидан тош отиб
ҳам кўрди. Аммо унга ҳам ҳеч ким ишонмади, аксинча
Меъморнинг таъсир-эътибори яна ошиб кетди. Дарға-
заб Аҳмад Чалабий Меъмор масаласини ҳал қилиб,
номини тамоман ўчириб юборишни кўзлаб, янги бир
гап тарқатди: «Нажмиддин Бухорога боргач, одобсиз,
ахлоқсиз ишлар қилибди. Бу ҳолни илгаридан сезиб
юрган хотини Маъсума бекам куйиб ўлибди. Маҳалла
аҳли Меъморни тошбўрон қилиб ўлдирмоқчи экан, у
қизини олиб қаёққадир қочиб кетибди...»

Бу гап тезда шахарга тарқалиб кетди. Оғиздан-оғизга ўтиб, баъзи одамлар чалғиб: «қабоҳат йўлига кирган» Меъморни лаънатлади. «Жўржий билан дўстлашгани ҳам бежиз эмас эди... — деди Аҳмад Чалабий. — Нажмиддин Бухорийнинг асли ота-боболари шиа мазҳабидаги одам, сарбадорлар уруғидан. Диндан қайтган бу кофирни тез орада топиб, йўқ қилиб юборишлари аниқ...»

Пойтахт бўйлаб учиб юрган бу бўхтон саройга ҳам кирди: Мирзо ҳам, Шохруҳ билан Гавҳаршодбегим ҳам ёқаларини ушлашди: «Ё, алҳазар! Шу даражада нобакорлик!» Бу ҳақда ҳатто ўғли Мирзо Улуғбекка хабар қилиб, бу «ярамас кимса»ни топиб ўлдириб юбориш лозимлигини айтмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо аниқ далиллар бўлмагани сабабли ҳамда Меъмор билан юзма-юз гаплашмай туриб, бундай қарорга келиб бўлмайди, деб ўзини босди. Бу гапларни Меъморнинг энг қадрдон дўстлари Абутолибу уста Ҳасанбек-Хусайнбеклар ҳам эшитган эди. Уста Жўржий ҳам бу гапдан хабар топиб қўл силтади: «Очикдан-очик, бўхтон! — деди у, — Бу гап Меъморнинг душманларидан чиққан! Тухматнинг умри қисқа». Устод Қавом, мавлоно Табризийлар шу кунлари ховлиларидан ташқарига чиқишмади. Ҳарқалай улар ҳам бу гапга чидашолмай, хайрият, Меъмор бу ерда эмас, агар у Ҳиротда бўлиб, бу гапларни эшитганида шу лаҳзанинг ўзидаёқ юраги ёрилиб ўлиб қоларди, дейишди.

Дув-дув гапга сабабчи бўлган бу бўхтон бир ярим ойлардан сўнг ўзидан-ўзи сўниб кетди. Шу давр ичида мадраса ишга тушиб, саройнинг топшириғи билан устод Қавом, Мусалло ва Мадрасаи Олиянинг мударрислари янги мадраса дарвозаси олдида Бойсункур Мирзони тантанавор кутиб олиб, хутба ўқишди... Мирзонинг диққати Хуросоннинг эътиборли уламо ва фузалоларида бўлиб, Аҳмад Чалабий бир чеккада қолди. Бу ҳол Аҳмад Чалабийга қаттиқ таъсир этди. У амирзода атрофидаги мансабдорлардан бирига: «Нега Мирзонинг диққатлари бошқа шахсларга қаратилди?» деган эди, у мансабдор: «Жаноб, сизга меҳнат ҳаққингиз тўланган. Сиз меъмор эмассиз-ку, нега обрў талаб қиласиз? Амирзода олиму фозиллар, эътиборли одамлар қолиб, сизга мурожаат этсинларми? Сиз ўзи-

миз қатори одамсиз...» деди. Бу гапдан сўнг Аҳмад Чалабийнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Бу ҳолни кузатиб юрган кулол Абутолибга ўшанда жон кирган: «Мансабдорлар ҳам бу ўпкаси йўқни унча хуш кўришмас экан», деди ўзига ўзи. Мадраса тугаллангандан кейин кулол ўз ишини қилаверди, аммо Аҳмад Чалабийни ҳеч бир устаю меъмор корфармоликка чақирмади. Ҳиротда солинаётган янги ҳаммомга ҳам бошқа одамлар ишбоши бўлди. Бозори Қандаҳорда қурилаётган янги тимни ҳам усталарнинг ўзи байлашиб, Аҳмадни аралаштиришмади. Пойтахт атрофидаги маҳаллардан бирида миноралик катта масжид солаётган устод Қавом ҳам бу ерга иш юритувчи сифатида Аҳмад Чалабийни эмас, яқинда мадрасада таҳсил кўрган бир йигитни чақирди. Аҳмад Чалабийнинг бир неча бор одам қўйиб гаплашишига қарамай, устод Қавом уни бу ишга йўлатмади. Бозори касод бўлган Аҳмад Чалабий етти бўғинлик чаёндай нишини кимга уришини билмай юрган кунлардан бирида иттифоқо бозорда кулол Абутолиб билан учрашиб қолди. Бу совуққина учрашувда Аҳмад Чалабий кулолни тилқисиқ қилиб қўймоқ ниятида, унга гап қотди.

— Кулол, ёдингизда бўлса керак, мен кошинлар учун сизга эллик қадок кўрғошин кукуни, ложувард, сабз ва қора бўёқларни ортиқ берган эдим. Уларни нима қилдингиз?

— Зард бўёқни ҳам ортиқ берган эдингиз, тўғрими?

— Тўғри. Хайрият, ёдингизда бор экан.

— Ўшаларни сизга қайтариш керак, шуни айтмоқчимисиз?

— Ҳа.

— Ҳисобдан янгилишибсиз, ҳаммаси ишлатилиб кетган.

— Инсоф керак! Мана кўряпман, ясаётган идишларингизга ўша бўёқларни ишлятасиз.

— Муҳтож бўлиб қолдингизми, Аҳмад Чалабий?

— Бировнинг ҳаққини бериш керак, ҳа, муҳтож бўлиб қолдим.

— Шу ростми? Астойдил айтасизми?

— Ҳа, рост.

— Муҳтож бўлиб қолганлигингиз ростлигини би-

лишим керак. Сизнинг гапларингизга ҳеч қачон ишонмаганман. Агар ҳозирги гапингиз чиндан ҳам рост бўлса, шунга қараб бир гап айтаман.

— Рост, жуда рост. Ишонаверинг! Ёлғон гапирсам отамнинг арвохи урсин! Каломулло урсин!

— Ишондим, — деди кулол Аҳмад Чалабийнинг доимо айёрона ўйнаб турадиган кўзларини бу гал сўниқ, маъюс кўриб, — хор бўлганингиз рост бўлсин! Отангизнинг арвохи урсин сизни! Каломулло урсин сизни! Сиз аблах одамсиз!

— Ия! Бу — ҳақорат-ку!

— Ҳа, жаноб, бу — ҳам ҳақорат, ҳам ҳақиқат! Бу кам сизга! Ўша менга берилган рангу кўрғошин кукунлари кошинларга ишлатилиб, мадраса пештоқию гулчамбарларда ярқираб турибди. Мен, кошинлар чиройли бўлсин, деб бўёқни аямадим, ўзимнинг буёқларимни ҳам кўшиб юбордим. Бировнинг ҳаққини егани худодан кўрқаман. Аммо сиз ғазнага ҳам, ғариб-ғурабо чўнтагига ҳам қўл тиқиб келгансиз. Сиз бировнинг ҳаққини емаган кунингиз ухлолмайсиз!

— Лаънати!

— Ҳозир гирибонингдан ушлаб тумшугингга соламан! Мен сенга бўхтон қилаётганим йўқ. Қизингни... Сен ярамасни отангнинг арвохи урсин! Сен, энг мўътабар Меъмор хазратларига тухмат қилдинг! У зотнинг ҳайдалишига сен ярамас сабабчи бўлдинг! Энди сенинг гирибонингдан ушлаб, қорнингга мана шу пичоғимни тиқиб ўлдирмасам, юрган эканман! Мен ҳам дунёга келиб бир савоб иш қилиб кетай! — кулол Абутолиб Аҳмад Чалабий ёқасига қўл узатган эди, у бирдан дод солиб қочди.

— Вой-до-од, мусулмонлар, бормисизлар! Бу жинни кулол мени ўлдириб қўймоқчи!

Аҳмад Чалабий лўкиллаб қочганича, ҳамманинг кўз олдида бозордан чиқиб кетди.

— Бопладингиз, кулол! — деди томоша қилиб турган Али мешкобчи, — пичоқни ишлатмай, бу амалдорни ўласи қилиб урганингизда жуда жойида бўларди. Биз ҳам кўшилиб, икки мушт уриб қолган бўлардик. Ҳозир ҳам ёмон бўлмади. Майли. Лекин қўлим кичиб турувди...

— Мени жинни дейди-я! У амалдормас, фирибгар!

Ундан қўрқадиган жойимиз қолгани йўқ! Қўлидан нима келарди у ярамаснинг!

— Мансабдорлардан фуқаронинг ихлоси қайтган, кулол, — деди Али мешкобчи, — бир алдади, икки алдади, энди алдашолмайди! Авом улардан юзини ўгирган. Фақат андак қўрқади, бола-чақаси бор-да. Бўлмаса ҳаммасини қиличдан ўтказиб, яхши одамларни подшо қилиб кўтарардик. Лекин энг ёмони шу патагига қурт тушган мансабдорлар ўзларининг хор бўлганини би-лишмаётир, билганида яхши бўларди.

— Мешкобчи!

— Ҳо, лаббай!

— Бу сўзлар сизнинг сўзингиз эмас, эҳтиёт бўлинг!

— Хўп, кулол, эҳтиёт бўламан. Лекин пичоқ су-якка бориб етди-да!

— Ёмонларни дўппослаб уринг-ку, подшоликка тил тегизманг! Оқибати ёмон бўлади.

— Хўп бўлади.

— Шундоқ бўлсин, укажон. Сиз ўзингиз ғариб одамсиз, бир шикаст етмасин дейман-да.

— Гапингиз жуда тўғри. Агар мансабдорлар ҳад-дидан ошиб кетаверса, фуқаро ҳам қараб турмайди!

Мешкобчининг гаплари тагида қандайдир бир зал-ворлик фикрлар бор эди, унинг кимларгадир ишониши-ни пайқаган кулол ҳайрон бўлиб, уйига жўнади. Шун-доқ эътиборли Меъморни пуф деб учуриб юборган салтанат билан ўйнашиб бўладими, деди ўзига ўзи.

Лекин Сулаймонбекдек катта мансабдорларнинг ҳам бекор бўлиб, уйга кириб қолгани, Низомиддиндек урушда жон олиб, жон берганларнинг дорга осиб юбо-рилганини ўйлади. Дунё иши — қисмати мураккаб, деди у ўзига ўзи. Нима қилмоқлик керак? Ҳақиқат қайда?

Бу томони Чин, бу томони Ҳалаб, бу томони Миср ва Истамбул, бу томони Ҳинд ва бу томони Олтин Ўрдаю дарёйи Иртишгача мусаҳхар этган Темурхон салтанати таназзулга юзтубан кетдими?! Бундоқ дав-лат ҳижрия ҳисоби билан саккиз юзини йилда дунёда бўлмаган-ку! На Дорою на Искандар, на Чингизу, на Маъмуну ва Жамшиду на Маҳмуд Ғазнавий бунчалик буюк салтанат туза олган! Ҳуруфия — теурийзодалар сантанатининг инқирози яқинлигидан даракмикан?..

Бўлган воқеаларни юрагига сиғдира олмаган Абутолиб кулол эртасига, чоршанба куни уста Ҳасанбекникига борди. Ўғли Шодмонбекнинг Фарғона жангидан қайтмагани, уни ўз қўли билан тупрокка топширган Низомиддиннинг ҳам ҳозир тупрокка қўшилиб кетгани ёмон из қолдирган бу усталар хонадонида анчадан буён хафаконлик, мотамсаролик ҳукм суларди. Абутолиб бўлган воқеанинг ҳаммасини муфассал гапириб берди. Усталар Али мешкобчи фикрини маъқулладилар; пойтахтда норизо одамлар кўпайиб, аҳли фузалою шуаро Мовароуннахрга — Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига — илмпарвар Мирзо Улуғбек паноҳига кўчиб кетаётганликларини айтдилар.

— Улуғбек Мирзо Бухоро ва Самарқандда, ундан сўнг Гиждувонда мадраса курадилар, деган овоза бор, — деди уста Ҳасанбек.

— Иш кўп, — деди Абутолиб, — бозоримиз доимо чаккон. Лекин касби бўлмаган Сулаймонбек билан Аҳмад Чалабийнинг бир куни хор бўлишини билардим. Мана ўша кун келди...

Улар аллавақтгача гаплашиб ўтириб, Меъмормни эслашди. Устозсиз Ҳирот хувиллаб қолгандай туюлди. Устоз ҳақида тарқалган хунук гаплар аслида Аҳмад Чалабийдан чиққани ва кунлар ўта бу мишмишларнинг заҳарли бўхтон экани ҳаммага маълум бўлди. Меъмормнинг номи яна илгаригидай ярқираб, фахр билан тилга олина бошлади. У яна Жаъфар Табризий, «маликул калом» Лутфий, устод Қавом, мавлоно Шарафиддин Али Яздийлар... каторида турди.

Одамларга қўшилолмай, яккаланиб қолган Сулаймонбекнинг Шерозга, Иброҳим Султонни паноҳ тортиб кўчиб кетганини эшитган Аҳмад Чалабий ҳам бор-йўғини сотиб, кўчиб кетаётган пайтида тўсатдан бир томон оёқ-қўли шол бўлиб, тилдан қолди. Уч ой ётиб, боқизмаган табиб қолмади. Аста-секин рўлдираб гапирадиган бўлди-ю, аммо чап томон оёқ-қўли ишламай, ингичка тортиб, шол бўлганича қолди. Лекин бу бир томони шол бўлиб қолган одамдан ҳам Муҳаммад Арғун кишилари хуруфия тўдасини ушлашда фойдаланишарди. У гузаргоҳ майдонда ўтириб, Али мешкобчига ўхшаш «шубҳали» одамларни куза-

тиб, каёққа ўтганини, ким билан гаплашганини, Мадрасаи Олия томонга — талабалардан бўлак кимлар ўтганини пойлаб ўтирарди... Кечга яқин унинг ёнига келган махфий кишилар бир лаҳза гаплашиб, яна тезда ғойиб бўлишарди...

Орқасидан одам қўйилгани, бозордами, кўчадами, юрганда нотаниш кимсалар изидан пойлаб юрганини сезган Абутолиб бу гапни аввал ўғли Абуалига, ундан сўнг Ҳасанбек-Ҳусайнбекларга айтди. Шу орада хуруфия тўдасидан бўлган яна икки муллавачча қўлга тушиб, Ихтиёриддин қалъасига ташлангани, кўп ўтмай қатл этилгани ҳаммага маълум қилинди. Бу гаплардан хабардор бўлган уста Жўржий ҳам изига одам қўйилганини пайқаб, катта пул билан Самарқандга кўчиб кетган эди. У кўчиб кетаётиб, ўз ошналарига эҳтиёт бўлишни, Аҳмад Чалабий меъмор Нажмиддин Бухорийга яқин ва сирдош бўлган одамларни бирмабир сотишини айтди.

Изига одам тушганини уста Ҳасанбек ҳам пайқаб укасига айтди. Хаттот Жаъфар Табризий, Хўжа Юсуф Андугоний, уста Ҳожи Муҳаммад ва бошқалар орқасига ҳам одам қўйилган эди. Кунлардан бир кун иш нима бўлаётганини билмай, дўконларга идиш-товок бериб гаранг бўлиб қайтиб келаётган Абутолиб қаршисидан Али мешкобчи чиқиб қолди. У бир хумча кераклигини, агар уйда тайёри бўлса ҳозир сотиб олишини айтди. Мешкобчи кулол билан бирга келиб, уйдан хумча олиб чиқиб кетди. Лекин йўлда кутилмаган бир қалтис гапини унга маълум қилди. Унинг орқасидан одам қўйилгани, ўғли Абуали Низомиддин билан Фарғона юришида бўлганию хуруфия тўдасига алоқадор, деб шубҳа остида эканини айтди. Вақти бевақт кўча-кўйда юрмасликни, тилига эҳтиёт бўлишини тайинлади: «Биз ҳам Меъмор ҳазратлари яхши кўрадиган кишилардан эдик, сиз ҳам шундоқ киши-сиз, кулол! Ҳазрат Фазлуллоҳнинг эркесвар, баходир кишилари хуруфийлар қўлга тушмайди! Аммо сизга ўхшаган бегуноқ кишиларнинг қатл этилиб кетиши жуда ачинарли. Шу сабабли бизнинг раҳнамомиз сизларнинг бепарво бўлмаслигингизни, маҳкама мансабдорлари сизларга кўз тикканини айтиб қўйишни топширдилар. Хумча сотиб олиш бир баҳона».

— Бу ишлар қачон тугайди, жонга тегди-ку! — деди кулол.

— Бу ишлар золимлар йўқолган куни тугайди.

— Мен сизни мешкобчи деб юрар эдим, сизда гап кўпга ўхшайди!

— Ҳа, кулол, гап кўп. Аммо битта гап бор — ҳақиқат. Мен жабр кўрган одамман. Лекин ҳақиқатни излайман...

— Меъмор ҳақида ёмон гаплар тарқалди. Хабарингиз бор. Сизларнинг раҳнамоларинг бу борада нима дейди?

— Бўхтон, фақат бўхтон! Бу гапларни Меъмор ҳазратларининг душманлари тарқатган. Ёлғоннинг умри қисқа, мана одамлар ишонмади-ку.

— Меъмор саломатмилар?

— Меъмор саломатлар, — деди мешкобчи кулолга жилмайиб, — сиз мендан жуда кўп нарсаларни сўраяпсиз, кулол. Энди ҳеч нарса сўраманг, билмайман! Сизни пок диллик одам деб биламан. Саломат бўлинг, хайр, мен кетдим.

— Хайр! — деди эшик олдида хаёл суриб қолган кулол.

Нима қилмоқ керак?

Мана шундай бир савол кулоллар хонадонини ўйла-тиб қўйди. Улар бу гапни Ҳасанбек билан Ҳусайнбекларга ҳам айтишди. Улар ҳам ўзларининг нотинчликларини айтиб: «Агар бизнинг Шодмонбегимиз ўлмай, жангдан қайтганида ҳам тинч қўйишмас экан...» деб, фиғон бўлишди. Шундан сўнг, ёлғиз бир йўл — сафар ихтиёр қилмоқлик, деган хулосага келишди. Мавлоно Лутфий айтганларидек, ўз юртингда таъқибга учрасанг, ўзга юртни ихтиёр этмай илож йўқ... экан. Лекин улар аввал меҳрибон Меъморни топиб олганларига қадар бола-чақаларни бунда қолдириб, Мирзо Улуғбек мадрасасида ишлаш бахонаси билан Самарқанд томонга йўлга чиқмоқчи бўлишди. Мавлоно Табризий ва Андугонийларнинг Самарқандга кетиши, сўнгра, уларга яқин кишиларидан баъзиларининг ҳам бир кечада хайёҳув деб жўнаб қолганликлари кулолу усталарни ҳам ўринларидан кўзғатди. Улар туя карвонига қўшилиб, Самарқанд эмас, Меъморни топиш мақсадида Бухорога йўл олишди. Қаршида эски

ошналари уста Обид кўмаги билан, мана, сардоба қураётган Меъморни эсон-омон топиб дийдор кўришишди.

XXXV б о б

МОВИЙ ГУМБАЗ ИЧРА ЯНА БИР ГУМБАЗ

Хўжа Муборакдан анча нари Чўли бобо қудуғи атрофидаги кимсасиз дашт, бу ердаги ясси қирлар, янтоқзору, тошлоқлар умрида одамлар билан ҳеч қачон бунчалик гавжум бўлмаган эди. Бу ерларда бир-икки чўпон хонадони қудуқ туфайли умр ўтказарди. Жазирама офтобда қоракўл қўйлари тошлар ора яккам-дуккам ўтларни кемтиб, кечки салқинда кўтонга тўпланишарди. Уч ҳафта ичида гиштин сардоба ердан икки-уч газ қад кўтариб, узоқ-узоқлардан кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Ҳар ҳафтада бу ерга келиб турган Ҳожи табиб катта йўлда ўзининг йўрға байтали устида туриб, ичкарилиқда — кенг сайхонликда турган тепасиз, чала гумбазга тикиларди. У ҷумолидек бетиним вимирлаб меҳнат қилаётган одамлар нималарга қодир эканини кўрди. Сардоба узоқдан дўпписиз яланг бошга ҳам ўхшаб кетарди. Табиб тўппа-тўғри келиб, гумбаз устида гишт тераётган Меъморга:

— Ҳорманг, Меъмор! — деди.

— Э-э, саломат бўлинг, мулла Абдуласад хожи!

— Бу ёғи жуда тез кўтарилибди-ку? Салламно, салламно!

— Ишлаб тургандан кейин ҳеч гап эмас.

— Сиз ҳам ҳорманг, уста Обид, уста Худойберган! Сизлар ҳам ҳорманг, уста Ҳасанбек, уста Ҳусайнобек, уста Абу оғалар! Ҳорманглар!

— Саломат бўлинг! — деган овозлар ҳар томондан эшитилди.

Бек ҳазратларининг ўғиллари ҳам ўринларидан туриб, юриб кетди.

— Кўп яхши бўлибди-да, — деди Меъмор.

— Сизга салом айтдилар.

— Саломат бўлсинлар!

— Сардобанинг битишига ўзлари келмоқчилар.

Ишлари бағоят кўп бўлгани сабабли Қамбар Мирзодан ҳамма гапни эшитиб турдим, дедилар. Худо хоҳласа, сардоба битадиган куни келиб, бунда сиз ҳазратни ва бошқаларни хурсанд қиламан, ундан кейин сиз бошлиқ ҳамма усталарни Қаршига таклиф этиб, катта зиёфат бераман, Меъмор ҳазратларининг зардўз чопонлари маҳкамдамда шай турибди, дедилар...

— Зарурати йўқ, — деди тепада гишт кўяётган Меъмор кулиб, — бек ҳазратлари хурсанд бўлсалар бўпти-да, — деди киноя билан. Ҳожи табиб бекнинг гапини кўпиртираётгандан энсаси қотса ҳам, аммо табибнинг ўзи жуда беғубор, яхши одам эканлигини биларди. — Гиштарни жуда мустаҳкам теряпмиз, биздан кейингилар ҳам бу ерга келиб сув ичади — ҳаққимизга дуо қилади. Бундан ортиқ мукофот борми бизга?!

— Салламно! Салламно!

— Қадрдоним Абутолиб кулол ўз ўғиллари билан, дўстим Ҳасанбек билан Ҳусайнбеклар бунда келишиб, бошим осмонга етди, Ҳожи Абдуласадхон! Мен бу олижаноб усталарни дўстим деб хато қилмаган эканман!

— О-о, салламно, салламно! Мен сизнинг донфингизни узоқдан эшитган эдим, бунда жамолингизни кўриб бағоят бахтиёр бўлдим.

— Саломат бўлинг!

Узоқ йўл босиб келган ҳиротлик Абутолиб ва ўғли Ҳасанбек, Ҳусайнбеклар ўша куниёқ Меъмор ёнига кириб, ишга тушиб кетишди. Улар Ҳиротда бўлган ҳамма гапни Меъморга бир бошдан айтиб беришди. Сардобани тамомлашгач, Бухорога бирга бориб, жой топиб олишмоқчи бўлишди. Куз ойларида хотин, бола-чақаларини ҳам олиб келиб, Бухороий шарифда туришни мўлжаллашди. Уларнинг айтишича, Мовароуннахр иқлими Хуросонга нисбатан анча мўътадил экан.

Чўли бобонинг айтишича, кўй кўйни кўриб иштаҳаси очилармиш. Меъмор ишни ҳаммага тақсимлаб, ўзи қўл ковуштириб қараб турадиган одамлардан эмасди. Унинг эрталабдан кечгача гумбаз устида пешанасини танғиб гишт тераётганини кўриб, юзга яқин

одам тинмай ишларди: биров ҳавозалардан туриб гишт узатарди, биров бу гиштни эҳтиёткорлик билан кўтариб келиб, сардоба пойдевори ёнига қўяр ва яна биров гишларни биттадан тоғорадаги сувга тикиб, вижиллатиб, қондириб оларди. Биров ганчхоқ қорар, уни челақларга солиб, ҳавозаларда андава ушлаб турган усталарга узатар, бири бўлса синган гишларни теша билан текислаб камгак ерлар учун хозирларди. Бир неча йигит, кетмону белкурак билан сардоба ичини ўйиб, ховузга тайёрлар, эшикдан кираверишда икки-уч поғоналик зинапоялар ясашар, яна бир неча одам қирдан оқиб тушадиган ариқ ўзанини ковлаб, Қоратош тепалигигача сочилишган эди. Бу ерлик чўпонлар хотин-қизларига ўхшаб қават-қават олача кўйлагу бўйнига маржонлар тақиб олмай, бир қават кўйлагу оёғига этик кийиб, бошини танғиб олган Бадиана онаси билан бирга қозон тепасида овқат пиширар, қозонлар биқиллаб қайнарди. Чўли бобо бошлик бир неча чўпон ҳар куни бир-икки жонлик сўйиб, қозонга босишарди. Қўнғирот уруғидан бўлган барча чўпон аёллари Ҳиротда туғилган бўлса ҳам, асли бухоролик — манғит уруғидан бўлган, шаддод ва эпчил, сўзамол ва ниҳоятда чиройли Бадианага махлиё бўлишар, унга тақлид қилиб гаплашишга, қадам ташлаб юришга ҳаракат қилишарди. Маъсума беканинг ота-боболари Сайхун бўйи — Шош шаҳридан, ўзбек уруғидан эканини, бошига қатта ғаму ғусса тушганини, ёлғиз ўғли Низомиддиннинг ўлдирилганини билишди. Хорунбекнинг Зулфиқорга, баъзан Завракка мурожаат этиб, бу гапни ҳаммага айта бериш керак эмас, деганига ҳам қарамай, Меъморнинг қисмати бу ерда ҳаммага маълум бўлди. Аммо қандайдир бир ғайри табиий куч ва салобат Меъмор жисмида доимо барқарор бўлиб, каттадан кичик уни ҳурмат қилар, унга тикилиб кузатар, у илтифот этиб, сийлаган одамнинг боши осмонга етарди. Меъморнинг ўзи ишнинг охирида туриб, тинмай ғайрат кўрсатиши ҳаммага ибрат бўлиб, бир ярим ойларга мўлжалланган иш бир ойдаёқ ўзини кўрсатиб қўйди.

Сардоба рўйирост қад кўтарди. Гумбазнинг энг тепаси — беш газ очик жой қолди. Бу жуда мураккаб иш эди, Меъморнинг ўзи гишт қўйишга қарор

килди. Фақат ичкарида, хавозалар устида турган уч шоғирди унга қарашарди. Бошқа усталар ердаги ишлар билан машғул бўлишди...

Гумбаз кўтарилиб, сардоба битишга яқинлашган, бугун чоршанба кун ичига кум ичидаги узок яйловдан бахшилар етиб келди. Чўли бобо Жумабозор, Қоровулбозор, Окёлшўрча, Зомук, Жейнав томонлардан чўпон ошналарини чақиртирган, бу томони Қарнобчўл ичидаги Қўйқудук, Тошқудук, Шўрқудук, Раимсўфи, Олачабоб томонларидан ҳам чўпонлар меҳмон бўлиб, ўзларининг бахшиларини олиб келишибди. Ҳар бир меҳмон отда, аравада жонлиқ олиб келган эди. Хўжа Муборакдан пастроқдаги Чўли бобо қудуғи ёнида катта сардоба қурилаётгани ҳақидаги хабар Қизилқум, бу томони Қарнобчўл ичида ҳамма чўпонлар қулоғига етган. Уларнинг сўровига кўра, Чўли бобонинг «Чоршанба кунига келаверишсин», дегани юриб етиб бўлмас ерларга икки кун ичидаёқ тарқалди.

Ман-ман деган бобочўпонлар эрталабдан бошлаб топган-тутганини кўтариб, бу ерга келиша бошлади. Катта майдон одамлар билан тўлиб, Самарқанд бозоридан ҳам гавжум бўлиб кетди. Ҳамма билан қўл сиқиб, қучоқлашиб хол-аҳвол сўраб, кутиб олаётган Чўли бобо уларни бирма бир Меъмор ёнига олиб келиб, таништирар, чўпонлар билан Меъморнинг қўл сиқишиб омонлашаётганини кўриб завқланар, кўзларидан ёш чиқиб кетар эди. Чўли бобонинг айтишича, бундан сақсон йил илгари, у ўн яшар болалигида отабоболари Йўлчи чўпон, Элчи чўпонлар бу ерга сардоба қурмоқчи бўлиб, обдан ҳаракат қилганлару ҳеч иложини тополмаганлар. Кеш шаҳрида турган Кебакхоннинг ноиблари сардоба тугул қудук ҳақида ҳам ўйламаган эканлар.

Оталари билан бирга келган ёш-яланг йигитчалар овқат пиширишни ўз қўлига олиб, хотин-халажни далага ёзиб ташланган намату шолчаларга жой қилиш, дастурхон ёзишга қўйишди. Юқорига, каттагина икки қизил гилам ёзилиб, доира шаклида қилиб ўнга яқин намату шолчалар ташланди. Ўчоқ қазилиб яна икки катта қозон қурилди. Икки семиз танача ва бир неча қўй сўйилиб, қозонларга ташланди.

Кечга яқин меҳнат қилиб чарчаган одамлар овқатланиб, дам олишарди. Кенг далада чигирткалар куйи авжга минган. Бугун на чигирткалар куйи тингланди ва на хордик: сардоба гумбази ёнида катта доира қилиб ўтирган одамлар — кексалар, ёш-яланглар, хотин-халаж, болалар гала-говури беҳудуд даштда ҳоким эди. Юқорида, тўрда — кип-қизил такаёвмит гилами устида Меъмор ва унинг Ҳиротдан келган кадрдонлари Ҳожи табиб, уста Обид, уста Худойберганлар ҳамда меҳмонга келган чўпонларнинг оқсоқоллари, бахшилар ўтирарди. Чўли бобо бугунги бўлажак «базми Жамшид» зиёфатнинг сарқори сифатида, фақат буйруқ бериб, меҳмон кутиб юрарди. Тошқудук, шўркудукликлар олиб келган икки хум мусаллас юқорига — Меъмор рўпарасига келтирилди. Бўза, айрон, қимиз қимронлар идишларда дастурхонларга тортилди. Лочираю патирлар, ширинликлар, товоқларда эту кулчатой, косаларда шўрвалар...

Қизил туркман гиламнинг иккинчисида бир-икки кампир, Маъсума бека, Бадиа ва бир неча ёш келинлар, иккинчи томонда Меъморнинг шогирдлари — Зулфиқор, Ғаввос, Заврак ва Ҳорунбеку Абуалилар, Қоратошдан харсанг кўчирган кийик кўз азамат чўпон йигитлар ўтиришарди.

Тўрдаги ёши улуғлар фотиҳадан сўнг таомларга қарашди. Одоб билан уларни кузатиб ўтирган ёшлар қимизга ружу қилиб, овқатга қўл узатишди. Меҳнат завқи, файзли дала шуқуҳи, кулги, ширин сўзлар, ҳазил-мутойиба гаплар билан гала-говур кучайиб кетди. Узоқ-яқиндан келган чўпон йигитларнинг нигоҳи шаҳар қизи Бадиада эди. У бугун ясаниб, Халач бўронидан омон қолган энг яхши либосларини кийиб, сочларини икки ўрам қилиб, орқасига ташлаган. Бадиа йигитлар нигоҳи ўзини тийри-борон қилаётганини, бу ҳолат Зулфиқорга унча ёқинқирамаётганини ҳам сезиб ўтирарди. Кеча Чўли бобонинг кичик ўғли — ниқтидан келган чўпон йигит Бадиага хушомад қилиб, атрофида айланишаётганини кўрган Зулфиқорнинг ранги оқарди. У хатто отаси Бухорода бетокатлик билан кутаётганини ҳам унутиб, Бадиага сеҳрланиб юрарди. Ёлғиз ишонгани Бадианинг чўпон йигитлар билан қулишиб юргани Зулфиқорнинг юрагига ғулғула солди.

Нахотки у шунақа! Нахотки у енгилтак қиз! Нахотки у севгилисидан сал келишганроқ йигитни кўрса элакишиб кетади?! Нахотки у!.. Нахотки у!..

Зулфиқор дардини ичига ютиб, шериклари ёнида индамай ўтираверди. Кенг далада доира ясаб ўтирган одамлар орасидаги деярли ҳамма йигитларнинг кўзи Бадиага, «муҳандис олим», «усталар устаси»нинг ёлғиз қизига қаратилган эди.

Улуғлар бир-икки пиёладан мусаллас ичишгач, эт ейишди. Чинни лаганда олиб келинган калла даставвал Меъмормнинг олдига қўйилди. Ундан кейин меҳмонлар оқсоқоли — хиротликлар кексаси кулол Абутолиб олдига, Дашти Қипчоқ удуми бўйича Меъмор қўй калласининг ўнг қулоғини ўзига, сўл қулоғини Чўли бобога узатиб, кейин лагани билан кўтариб ёнидаги шерикларига узатиб юборди. Бостириб-бостириб мусалласдан ичиб, этни жигарга қўшиб еди. Нимага эътибор бериб, кўпроқ ейишни ёнида ўтирган Чўли бобо ўргатиб турарди. Ҳамма Чўли бобо билан Меъмормдан кўз узмас, чўпонлар оқсоқолининг имо-ишорасига қаттиқ риоя қилишарди. Чўпонлар диёрида одамнинг кадри ниҳоятда баланд эканини хиротликлар пайқаб ўтиришарди. Негадир кейинги йилларда пойтахтда одам кадри пасайиб кетган, биров ўлиб, биров тириладими, ишлари йўқ. Баъзилар бунда одам кўпайиб кетганидан шундоқ инсон бекадр бўляпти, дейишарди. Дарҳақиқат, Хиротда одам одамга бўри, одамлар бир-биридан хайиқиб, бад олишарди. Бу эса — «қиёматнинг яқинлигидан далолат» дейишарди. Чўпонлар даштида қиёмат эмас, дунё янгидан туғилиб, энди бошланаётганга ўхшарди. Бу ерда ҳамма нарсага эътибор кучли. Хиротликлар буни сезгирлик билан пайқаб туришар, ҳаёт ниҳоятда содда, бир қадар зерикарли ва жўн бўлишига қарамай, қувлик-шумликдан, бўхтону иғводан, димоғдорлигу манманликдан, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилишдан тамоман узок эди. Бир қарашда дўлвор, қўпол ва исқирт кўринган одамлар, бу гуппи тўну олача қўйлақлар ичидаги сийнаю қалблар булок сувларидай мусаффо, биллурий эди.

Кўп ўтмай, элнинг: «Сўраймиз, бу ерга Элтузар бахши келганлар, «Алпомиш»дан ўқиб берсинлар!» деган илтимоси янгради. Чўли бобо оқсоқоллар ёнида

ўтирган, белида заррин камар, бошида сувсар телпак-лик бахшига мурожаат этди.

— Элтузар шоир, нима дейсиз? Биз ҳам сўрай-миз!

— Биз тайёрмиз, Чўли бобо.

— Бошланг. Йўлга тушинг.

Элтузар шоир ўз ёнига шогирдини чакириб, дўмб-расини духоба филофидан суғурди. Бир муддат ўзини чоғлаб, овозини ва дўмбирани созлаб, зиёфатда ўтир-ганларнинг диққатини жалб этди.

Ҳамма ёққа сув қуйгандек жимлик чўкди.

Элтузар шоир куйлай кетди: «...Алпомишхон Қал-моқ элда, Чилбир чўлда бораётиб кўрди: бир ерда тўксон кўра қўй ёйилиб ётипти. Бу тўксон кўра қўй Бойсарининг қўйи эди, чўпонларнинг махмадо-наси Кайқубат кал эди. Кайқубатга қараб, шул ороға бир Элибой келдими деб, Алпомиш сўраб турипти:

Ассалом алайкум, чўлда чўпонлар,

Устида кийгани эски чопонлар.

Қоғонокқа тўйиб ётган гуппонлар,

Шул ораға бир Элибой келдими!..

.....

Элтузар бахши Алпомишнинг одамийлиги, Барчи-нойга садоқати, элга ғамхўр, ғанимга шафқатсизлиги-ни ифодалайдиган манзараларни ўзини ўраб олган халқ кўзи олдида шундай куйладики, сомилар чурк этмай жон қулоқлари билан тинглаб ўтирар эдилар.

Айниқса, Нажмиддин Бухорий, акаси Бойбўрининг зулмидан бошқа юртларга кўчиб кетган Бойсари қис-матида ўз қисматини кўриб, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Отасининг адолатсизлигини қоралаган Алпо-миш тимсолида ўғли Низомиддин гавдаланиб, чуқур ўйга чўмди, юрагидаги дарди янгилианиб, ўкраб йиғ-лаб юборишига сал қолди. Буни кузатиб турган шо-гирдлари унинг ахволига тушунишар эди... Бунда ҳам ҳақ билан ноҳақлик ўртасидаги можаролар ҳикоя қили-нар, ҳокимларнинг зулми қораланиб, адолат, ҳақиқат шарафланар, меҳнаткаш халқнинг эзгу орзу-армонла-ри ифода этиларди...

...Элтузар шоир билан Хуррам бахшилар дostonларидан қисқа намуна айтиб бергач, ерўчоқлар ёнида чирмандаларини қиздириб ўтирган икки йигит меҳмонлар доирасига келиб, Чўли бобонинг «Олинглар!» ишорасидан сўнг «гиж-банг...»ни бошлаб юборишди. Ўртага икки чўпон йигит тушди-да, катта доирани аввал бир айланиб чиқиб, сиполик билан ўйинга тушишди. Ундан кейин яна икки йигит ўртага тушди... Йигитларнинг шўх ўйинлари, чирмандаларнинг ҳамоҳанг гиж-банглари Меъморнинг оғир хаёлларини бир лаҳзада тарқатиб юбориб, унинг кўнглини ёзгандай бўлди. У бир хўрсиниб кўйди-да, анча енгил тортиб, сардобанинг битишини тантана қилаётган оддий кишилар хурсандчилигига шерик бўлиб, беихтиёр қарсак чала бошлади.

Хотин-халаж тўдасида завқланиб ўтирган Бадиа назарида, чўпон йигитлар ўйини анча сипо ва сокин эди. Яна бир йигит ўртага тушиб «Гум-гум, гиж-банг»ни кучайтириб юборади, деб кутиб ўтирарди. Аммо ҳеч кимдан дарак бўлмади. Рўпарада ўтирган Заврак Бадиага ишора қилиб: «Қани, ўзингиз чиқинг, Бадиа бекам!» дегандек энгагини кўтарди. Бундай пайтларда Бадианинг ўйинга тушиб кетишини, у яхшигина ўйнашини Заврак Нишопурий билан Ғаввос Муҳаммад билишарди.

— Нима деяпсиз энгак қоқиб? — сўради Бадиа.

— Ўртага тушинг! Шу ерда ўйнамасангиз қаерда ўйнайсиз! — деди Заврак.

Зулфиқор ҳам кулимсиради. У ҳам Бадианинг дутору дафга яхши ўйнашини эшитган эди. Завракнинг дадил илтимоси Бадиани руҳлантириб юборди. У одамларни, бир-бирлари билан ғала-ғовур қилиб гаплашиб кетишганини кузатиб турарди. Акасининг азаси юрагида зил эди. Маъсума бека руҳсатидан сўнг у ўртага тушди. У ёқ-бу ёғини тортиб текислаб доирачиларга имо қилди. Бу билан у «Дадилроқ, жонлироқ чалинглар!» демокчи эди. Бадиа қулочларини ёзиб, чирманда «гиж-банг»ига ҳамоҳанг ўйинга тушиб кетди. Ўртадаги йигитлар дарҳол четга чиқишди. Ғала-ғовур, ўзаро гаплашишлар шу ондаёқ тўхтаб, ҳамма ўртага тушган устанинг қизига тикилди. Беихтиёр чирмандага мос чапак янграй бошлади. Шу лаҳза ўчоқ ёнида

юрган яна уч чирмандачи ҳам югуриб келиб, икки чирмандачига қўшилди. Чексиз даштда беш чирмандининг «гиж-банг»и янгради. Хаяжонга тушиб, ниҳоятда чиройли ўйнаётган Бадиа даврани айланиб чиқди. Бу — бошларига тушган фожиадан кейинги биринчи хурсандчилик эди. Бунинг устига, бу ўйин кимнингдир тўйи, кимнингдир зиёфатида эмас, катта меҳнат самараси — сардобанинг шарофати туфайли бўлаётган хурсандчилик йиғинидаги ўйин эди. Узоқ-яқиндан келган чўпонлар ҳам шаҳарлик гўзал қиз ўйинига махлиё бўлиб қолишди. Бадиа ўзини жуда эркин тутиб, дам айланиб, дам шох ташлаб ўйнаб, аёллар тўдасига қараб муқом қилиб, палапон қушчалардек елкаларини силкиб, дам эгилиб, таъзим этиб, дам кимгадир кўз қирини ташлаб, кимгадир ғазабнок, кимгадир уялинқираб товусдек хиром қиларди. У ғайрат ва ҳаяжон билан ўйнади, бунда ўтирган катта-кичикнинг оғзи очилиб қолди. Меъмор ҳам, Маъсума бека ҳам, Ҳорунбегу хиротлик усталар ҳам фахрланиб ўтиришарди. Беш чирманда ҳам авжга миниб, йигитлар уни ёриб юборгудай урардилар. Бадиа бутун санъатини кўрсатиб, чирмандалар янграб турганда осмонда учган юлдуздек ялт этиб, ўнг томонга хотин-халаж тўдасига бурилиб, жойига ўтирди.

Қийқириқ, чапак авжига минди.

Бадиадан кейин ўртага тушган бошқа йигитлар ўйин ҳароратини ўша даражага олиб чиқиша олмади. Бадианинг донғи ўтирганлар ичида оғиздан оғизга кўчди. Чўпон қизлардан ҳам бири чиқиб ўйнади, лекин соврин Бадиада кетди.

Зиёфату ўйин-кулги аллавақтгача давом этди. Ярим тунда, ой тиккага келганда Чўли бобо фотиҳа қилди, ҳамма ўз ерига кетиб, дам олишга ҳозирлик кўра бошлади. Аммо ҳамманинг хаёлида Бадианинг ракси эди. Унинг қилиқлари, муқомлари ҳамманинг кўз олдига турарди.

Базмдан сўнг Бадиа ўз оғалари — Ҳорунбек, Заврак, Ғаввос, Зулфиқор ва яна беш чирмандакаш сафида сардоба гумбази атрофида айланишди. Бир тўда бўлиб сардоба гумбазини айланишаётганда Заврак шумлик қилиб, Ғаввос билан Ҳорунбекларнинг қўлидан ушлаб, орқага тортди. Улар билан бирга чирман-

дакаш йигитлар ҳам жўнаб қолишди. Бу ҳолатни сезмаган Зулфиқор атрофига бир қараб, уларни кўрмагач, Бадиага буни сездирмай гаплашиб кетаверди. Улар сардоба ичига киришаётганида Бадиа гап қотди.

— Уни қаранг, осмон тўла юлдузлар... Худди қўлим етаётгандай... Улар жуда яқинга ўхшайди. Даштда юлдузлар жуда яқин кўринар экан. Катта гумбаз ичида яна бир гумбаз...

— Ха, — деди Зулфиқор, — тилла тангачалар қадалган бахмал гумбаз ичида яна бир олтин гумбаз. Дунё ичида дунё...

— Чиройли айтдингиз!

— Сиз жуда чиройли ўйнадингиз, — деди Зулфиқор сардоба ичига киргач, Бадианинг қўлларидан ушлаб.

— Сизга ёқдимиз?

— Жуда... — Зулфиқор Бадиани бағрига тортаётган эди, у баликдек сирғалиб, хахолаб ташқарига чиқди.

— Қани улар?

— Билмайман.

— Бунақа қилиқ Нишопурий жанобларидан чиқади. Фирромлар! Биламан, — деди Бадиа у ёқ-бу ёққа қараб, уларни қидириб, — буни қаранг, биз иккимизни атай ташлаб кетишибди!

— Наҳотки?!

— Ха, юринг тезроқ! У фирромларни топайлик!

Бадиа билан Зулфиқор дарҳол сардобанинг нариги томонига ўтиб, анча нарида кетаётган оғалари орқасидан чопиб етиб олишди.

— Бундоқ ишлар фақат Нишопурий жанобларидан чиқади! — деди Бадиа энтикиб Зулфиқор билан ёнма-ён олдинга ўтиб кетаётиб. У жўрттага Зулфиқордан узоқлашмай, ҳатто унинг қўлидан ушлаб, ўзларининг яқинликларини намойиш қила бошлади.

— Менда айб йўқ, бекам, — деди Заврак кулимсираб, — мана, Фаввос Муҳаммад жаноблари кетамиз, дедилар...

— Ёлғон гапни қўйинг! Ўзингиз бошладингиз! — деди Фаввос бирдан тутақиб.

— Фаввос жанобларини яхши биламан, у киши сипо одам. У кишида бачканалик бўлмайди. Мен бўридан кўрқаман, бу атрофларда бўри бор, дейишади.

Шундоқ тунда дўстини ёлғиз ташлаб кетиш кимнинг кўлидан келади?

— Авваламбор, сиз бекам, ёлғиз эмас эдингиз, — деди тили қичиб Заврак, — жаноб Зулфиқор Шоший борлар. Иккиламчи, мен дўстимни ёлғиз ташлаб кетадиган одам бўлсам, Ҳиротдан то бу ергача хизматингизда бўлиб келмаган бўлар эдим! Бу дашт ҳам баҳаволикда Кўхисиёҳдан қолишмас экан. Равоч сайили эсингиздами? Ишқилиб, охири бахайр бўлсин, бекам. Бўри сизни олиб қочолмайди, сиз бўрини олиб қочасиз. Иккиламчи, биз бўрилар атрофингиздамиз...

— Офарин! — деди Бадиа қаҳ-қаҳ уриб кулиб. — Гапда биз енгилдик. Нишопурий жанобларига асло гап топиб бериб бўлмайди. Анчадан бери нафасингиз ичингизга тушиб кетган эди, хайрият бугун чикди.

Шундан сўнг улар иноқлашиб, яна кўшилиб, ётоқлари томон кетишди.

Тонг отди.

Дашт тонги нақадар гўзал; ҳаво беғубор, ғир-ғир шабада эсиб, қуёшдан қайноқ нурлар қуйила бошлади. Эчкию қўйларнинг маъраши, баъзан кўппакларнинг йўгон овозда салмоқли вовиллаши дашт бўйлаб ёйилиб, бу тонгни янада сафоли қилиб юборди.

Эртасига кечга яқин меҳмон бўлиб келган чўпонлар яна Чўли бобо ва Меъмор билан хайрлашиб, отуловларида ўз жойларига жўнашди. Меъмор, усталар енг шимариб ишга тушишди. Яна одатдагидек бошқалар ҳам белгилаб берилган ўз вазифаларини бажара кетишди. Орадан уч кун ўтиб, шанба кунига сардоба қурилиб битди. Тепадаги «Чанғароқ»қа ҳам ғишт қўйилди. Якшанба кунига бек ўз одамлари билан бу ерга чиқиб келишини ҳамма кутарди.

Якшанба куни куннинг ўрталарига бориб, катта йўлда уч отлик пайдо бўлди. Сардоба атрофида ўтирганлар ҳайрон бўлишди, наҳотки бек бу ерга икки одам билан чиқиб келса?!

Ҳа, дарҳақиқат, шубҳа тўғри чикди, — бек йўқ, унинг кичик иниси, Қамбар Мирзо, Ҳожи табиб учовлон шаҳардан чиқиб келишган эди. «Нима гап? Бек келмадиларми?» — дегандек Чўли бобо Мирзога қаради.

— Бек ҳазратларининг муҳим ишлари чиқиб қолди. Ҳисоб-китобни ўзимиз қиламиз, — деди совук

нигоҳ ташлаб турган Қамбар Мирзо билан бекнинг иниси.

Ҳожи табиб боши қуйи, суҳбатга аралашмай, на- рига бориб сардоба ичига кирди.

Ахволнинг ўзгариб қолганини пайқаган Меъмор, бир муддат қараб турди. Кейин серрайиб турган Қамбар Мирзога мулойимлик билан гап қотди.

— Қани, ундоқ бўлса, ҳисоб-китобни бошлай беринг!

Қамбар Мирзо бир тош устига ўтириб, қўйнидан қозон чиқариб ўқиди.

— Меъмор Нажмиддин Бухорий, ўттиз икки кун ишладингиз. Ҳар кунингизга икки тангадан тўланадиган бўлган экан. Мана марҳамат, олтмиш тўрт танга, — у халтасидан шохруҳия кумуш тангаларидан санаб Меъморга узатди. Меъморнинг ўнг қўли тангаларга тўлди.

— Уста Обид, сизга ўттиз икки танга. Санаб олинг!

— Мирзо?

— Лаббай.

— Бизга бек ҳазратлари тилло танга ваъда қилган эдилар. Меъмор ҳазратларига ҳам. Бу кумуш-ку?

— Менга нима айтилган бўлса, шуни қиламан. Майда гапларни йиғиштириб, шунга шукур қилиб олаверинг?! — деди Қамбар Мирзо хўмрайиб.

Уста Обид у ёқ-бу ёққа аланглаб, одамлар кўзидаги совуқ бир қарашдан нима қилишини билмай, тангаларни олди.

— Уста Худойберган, сизга ҳам ўттиз икки танга!

Уста Худойберган ҳам олди.

— Меъмор жанобларининг уч шогирдларига, ўн тангадан берамиз. Бек ҳазратларининг инъоми деб қабул қиласиз. Акс ҳолда, биз талабаю шогирдларга ҳеч қачон ақча тўламаганмиз.

Фаввос бу тангаларни олиб Мирзонинг башарасига урмоқчи бўлиб турган эди. Меъмор лабини тишлади. Олинг, дегандек ибора қилди. Фаввос, Зулфикор, Заврақлар ҳам ўн тангадан олишди.

— Вассалом! Менга берилган ақчалар шулар, — деди Қамбар Мирзо ва этагини қоқиб, ўрнидан турди.

— Жуда яхши, — деди Меъмор, — бекнинг химматларига ташаккур айтамиз! Агар шуни бермаганларида ҳам бир нима дея олармидик.

— Бизда бошқа гапингиз борми?

— Йўқ.

— Мана, ҳисоб-китобни ҳам қилдик, — деди Камбар Мирзо бек иниси билан бирга бориб сардоба ичига киришди. Ҳовуз ичи муздек сувга тўлиб турарди. Ундан кейин, гумбазни айланиб, томоша қилишди. Ҳамма ёқни кўришгач, бир-бирига жуда зўр бўлганини шивирлаб гаплашиб отларга минишди. Нарироқда турган Ҳожи табибга: «Юринг, кетасизми?» деб мурожаат этишди. Ҳожи табиб шаҳарга кечки салкинда тушиб боришини айтгач, икки мансабдор отларга қамчи босиб жўнаб қолишди.

— Ўзи нима гап? Нима бўлди? — деди таажжуб ичида саросимага тушиб уста Обид.

— Мен шундоқ бўлишини сезган эдим, — деди Меъмор.

— Меъмор ҳазратлари, тақдир шундоқ экан, — деди Ҳожи табиб, — Ҳиротдан бир хабар етган...

— Биз ундан ўзимизнинг кимлигимизни яширганимиз йўқ! — деди Меъмор, — нонушта пайтида ўғлим қатл этилгани сабабли Ҳиротдан чиқарилиб юборилганим, ўз она шаҳрим Бухорога кетаётганимни айтган эдим. Бек «ҳечқиси йўқ» деган эди. Жуда таажжуб!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Хафа бўлманг, Меъмор ҳазратлари, нимаики етмаса, биз ўзимиз тўлаймиз, — деди Чўли бобо.

— Хафа бўлманг, — деди Ҳорунбек секин Меъморнинг қулоғига. — Менинг ёнимда, Ғаввос Мухаммад ёнларида халтачамиз тилло тангаларга тўла. Асло хафа бўлманг.

Меъмор яна кулди.

— Азизларим, мен асло хафа бўлмайман; биз бу ерга сардоба кўтарган бўлсак, фуқаро учун кўтардик. Чўпонлар учун кўтардик. Бу ердаги жониворлар, йўловчилар ва ҳатто қушлар учун ҳам у керак. Биз савоб иш қилдик. Қилинган савоб ишга миннат қилмайдилар. Мен қилган меҳнатимдан розиман. Ҳеч кимдан шикоятим йўқ.

Бу сўздан кейин фиғон бўлиб турган уста Обид, уста Худойберганлар ҳам бир оз бўшашиди.

— Мана шу тангаларни икковинглар бўлишиб ола-

сиз, — деди Меъмор ховучидаги кумуш тангаларни уста Обид ховучига тўкиб. — Сидкидилдан! Дарҳақиқат, тилла танга берилиши керак эди, — бизнинг сиёсатга аралашган ишимиз касофатига қолиб, сизларга кам ҳақ тўланди.

— Йўқ, кўйинг, Меъмор! — деди уста Обид.

— Олмасангиз қаттиқ хафа бўламан!

Бу сўздан кейин Заврагу Ғаввос, Зулфиқор ҳам қўлларидаги тангаларини уста Обид билан уста Худойберган ховучларига тўкишди.

Чўли бобо уйига кириб, бир янги почта пўстин олиб чиқиб, Меъморнинг елкасига ёпди.

— Мендан ёдгорлик бўлсин, Меъмор, — деди Чўли бобо, — ҳозир кун иссиқ, совуқ кунларда кийиб юрасиз. Бодингиз бўлса жуда даво.

— Ташаккур! — деди Меъмор.

Чўли бобонинг ўғиллари ичкаридан қоракўл қалпоқлар олиб чиқиб, уч шогирдга, уста Обид, уста Худойберганларга, ундан сўнг Ҳорунбек, Ҳасанбек-Хусайнбек, Абутолибу Абуалиларга ҳам кийгизди. Маъсума бека билан Бадиага ичига тулки тери, сирти кизил духобадан тикилган нимча кийгазишди.

Ҳорунбек билан шогирдлар кечгача араваларни тайёрлаб юкларни ортишди. Кечки салқинда бу ердаги чўпонлару қосонлик усталар билан хайрлашиб йўлга тушишди. Чўли бобо билан Ҳожи табиб Меъморни то Хўжа Муборак қишлоғигача кузатиб боришди. Бу ерда улар қучоқлашиб, йиғлашиб хайрлашишди. Меъмор қарвони шитоб билан йўл босиб, шу куни кечаси Қоровулбозорга етиб бориб, қарвонсаройга жойлашди.

Эртасига эрта билан, Бухоро, қайдасан, деб яна йўлга тушишди.

XXXVI б о б

ОҒУЛИ ХАНЖАР

Сардобани қуриб битириб, бекдан номардлик кўрган Меъмор ўша куни йўлга тайёргарлик кўраётганида яна хаёлидан Ҳиротда бўлиб ўтган таҳқирланишларни

ўтказди. У бу ердаги ўз меҳнатига ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмаган эди. Сидқидилдан бу ишни чўпонлар учун қилганини ҳам кўнглидан ўтказди. Аммо бекнинг бир оғиз ташаккури бўлмагани, келиб «Ҳорманг!» демагани кўнглига наштардек ботди. Ҳарқалай инсон — инсонда, у тош эмас! Меъмор «кувғинди» бўлгани учун ҳам бек бунда келмади. Худо урганни пайгамбар ҳам ҳассаси билан туртади, деди у ўзига ўзи. Аммо Меъмор хаёлидан аҳли нафосат оламида Фирдавсийга Махмуд Ғазнавий томонидан ваъда этилган тилла тангалар ўрнига кумуш тангалар тўлангани, танга ортилган туя бу дарвозадан кириб келаётганида, бу дарвозадан шоирнинг тобути чиқиб кетаётгани воқеаси ўтди. Ҳозир одамнинг таҳқирланиши янгилик эмаслиги, бундоқ ишлар илгари ҳам бўлиб келганлиги кўнглидан ўтди. Лекин Ҳирот воқеаси жуда ҳам захарли ва ҳеч ёддан чиқмайдиган иш бўлган эди. Меъмор рақиблари тарқатган совуқ гаплар аввал амирзода Иброҳим Султон қулоғига етиб, уни дарғазаб қилиб юрган бўлса, кейинчалик Шохруҳ қулоғига ҳам етди. У Меъморнинг: «Биз бу биоларни раият учун қурмоқдамиз...» деган сўзини шу ҳафта ичи Аҳмад Чалабий амирзода қулоғига етказган эди. Устод Қавом ховлисидаги бир зиёфатда, Меъмор дўстига мурожаат этиб: «Амали устод қавом Мусалло то қиёмат бу Ҳирот бағрида тургай. Келгуси авлод сиз ҳазратдан миннатдор бўлгай...» дегани Аҳмад Чалабий орқали амирзодага етган, у эса подшоҳга етказган эди. «Келгуси авлод устод Қавомдан эмас, сиз, ҳазрати олийларидан миннатдор бўлмоғи керак, чунки Мусалло сизнинг амалингиздир. Нечун қавом ёки Бухорий авлод таҳсинига сазовор бўлар экан?» Бу гап подшоҳга кечки пайт етказилган эди. Негадир тажанг ўтирган Шохруҳнинг чакка томирлари шишиб, тишини тишига қўйди. Иккала меъмордан ҳам энсаси қотди. Айниқса, меъмор Нажмиддин Бухорий унинг кўзига чаёндан ҳам ёмон кўриниб кетди. «Мен буларга ишонсаму бу ярамаслар энди подшоҳни ҳам менсимай қолишмоқда!» — деди муштумини қисиб Шохруҳ.

Бу фитналардан сўнг орадан бир ой ўтгач, подшоҳ ўрдасида муҳаррам ойи — рамазон тугаши, катта хайит чин арафасида мамлакатнинг номдор кишила-

рига инъомлар улашилди. Ўрда ховлисига тўпланган мансабдорлар, устодлару мавлоноларга заррин чопонлар кийгизилди. Номи аталиб, вазири аъзам ҳузурига таъзим қилиб борганлар тўн кийиб, баъзилар тилло тангалар ва ҳар турли инъомлар олиб, жойларига мамнуну масрур келиб чўкишди. Зиёфату базм тонгга уланиб кетди...

Бу анъанага ҳамма казо-казолар таклиф этилиб, фақат биргина устод Нажмиддин Бухорий чақирилмади. Ёр-биродарларининг подшо ўрдасига кетганидан хабардор Меъмор тонггача кўксини болишга кўйиб, ўз хонасида ётган эди.

Бадиа ҳам, Маъсума бека ҳам ҳеч нарсага тушунмай, таажжубланишарди. Нечун ҳаммани чақириб ва ҳатто Аҳмад Чалабийдек бетайин кимсаларгача таклиф этилиб, бизнинг отамиз чақирилмади? Ёки бу бир жузъий нуксон бўлиб, майда мансабдорларнинг ўз вазифасига лоқайд қараганликлари сабабли бўлди-микан? Ундок бўлса, нечун анжуманда Меъморни кўрмаган Бойсунқур Мирзо дарҳол одам юбормади экан?

Йўқ, бу атай қилинган эди. Подшоҳнинг «Оғуга суғорилган ханжар»ни шу йўл билан Меъмор юрагига ботирилган эди.

Меъмор Бухорий бу воқеадан сўнг бир ҳафта кўчага чиқмади. Унинг таъсирчан, жиззакирок одам эканлигини билиб, атай бу иш қилинган эди. Бўлмади! Меъмор бу аламни ҳам мардонавор ўтказди...

...Сардоба қурилишини тамомлаб, субҳи содиқда, даштда ёлғиз қаққайиб турган Меъмор хаёлидан мана шулар ўтди. Подшоҳларнинг тахтда узоқ ўтириб қолгани — фуқаро заволи, уларнинг тез-тез ўзгариб тургани маъқул. Бу дунёда ўлмайдиган одам йўқ, бировга ўлим тилаш яхши эмас, аммо ҳарқалай, ғарибларнинг эмас, подшоҳларнинг ўлиб тургани яхши, деди Меъмор ўзига ўзи хулоса қилиб.

БУХОРО

Узоқнинг иши қийин; ўғлидан олган кейинги номада бизлар ҳаммамиз Бухорога кўчиб кетаётирмиз, тез кунларда етиб борамиз, дейилганига қарамай, мана, бир ярим ойдан ҳам ўтдики, улардан ҳамон дарак йўқ. Уста Нусрат карвон кириши мумкин бўлган ҳамма дарвозалардан хабар олди. Кўп карвонлар Бухорога кириб келдию, аммо меъмор Нажмиддин Бухорийдан дарак бўлмади. Уста Нусрат хонадони хавотирда қолди. Шундай кунларда, кечга яқин шаҳарнинг айланма тор кўчаларидан бирига шалдир-шулдир қилиб уч арава кириб келди. Меъморнинг: Эски Намозгоҳ маҳалламга бораверай, уруғларим бордир, деганига қарамай, Зулфиқор ҳаммани ўз ховлисига олиб келди. Бу тadbир аравакаш Ҳорунбекка ҳам ёқди: «Уста, чиқиб кетганингизга йигирма йилдан ошган бўлса, ким ҳозир сизни дастурхон ёзиб кутиб ўтирибди? Зулфиқор Шоший жанобларининг ховлиларига тушганимиз маъқул. Шогирд ҳам фарзанддек гап», деди. Ҳорунбекнинг фикри Меъморга ёқди, чунки Меъмор дўсти Қавомнинг ўғли Худододбекни жини ёқтирмаган, қанча йигитларни менсимаган, тоғ кийигидек ҳеч кимга бўй эгмай ўсган Бадиа шу Зулфиқор ёнида итоат сақлашини, шаддодликлари ҳам пасайишини сезган эди. Маъсума бека билан Меъмор шу ҳақда гаплашиб қолишарди. Тўғри сўз Ҳорун бўзчининг Зулфиқор тўғрисида бирон ёмон сўз айтмагани Меъмор кўнглига таскин берди. Дарҳақиқат, уч шогирдининг ўзига ярашиқ уч фазилати бор эди. Аммо Зулфиқорда қандайдир бир салобат ҳам бор эди. Камгап ва айтганини қиладиган, қадди-қомати бошқалардан кўра келишган, кучли йигит эди. Бухоронинг Қарши дарвозасидан ўтишда бир муддат тўхташди, Меъмор аравадан тушиб, ҳамманинг кўз олдига ерга чўкка тушиб ўтириб, қиблага қараб фотиҳа ўқиди; бармоқларини тупроққа тегизиб, бошига сурди. Ундан сўнг дарвозобонларнинг бирига тилло танга, яна бирига кумуш танга берди. Улар ниҳоятда хурсанд бўлиб, мўътабар зотлардан бири келяпти, хаёл қилиб, араваларнинг

қораси йўқолгунча орқаларидан таъзим билан кузатиб туришди. Ҳар қанча босиқ, ҳар қанча сипо одам ҳам она шахрини кўриш ҳаяжони олдида бундай ҳаракатлар қилиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолади...

Уч арава айланма, тор кўчада уста Нусрат эшиги олдида тўхтади. Бир варакайига шунча одамни кўриб, хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўйган ота ҳамма билан кучоклашиб кўришгач, кўни-кўшниларга ўхшаб ғала-ғовур ичида бир чеккада тураверди. Ўғлини бағрига босиб, йиғлаб турган онаси Малоҳатбону эрига ишора қилди:

— Азиз меҳмонларни ҳовлига бошланг!

Унинг ўзи ҳаммадан аввал ҳовлига югуриб кириб ҳокандозга исириқ ташлаб, ўт ёқиб тутатди. Ҳовли ўртасида турган Меъмормдан бошлаб ҳаммани айла-ниб, исириқ солди. Кичик ўғли ва қизларига обдаста ва дастшўйлар олиб келиб, янги ироқи совунни олиб чиқишни буюрди. Ҳорунбек билан шогирдлар аравалардан юкларни тушираётганида косаларга қатик солиб, наридан-бери устига пиёз тўғраб, йўл босиб келганларга тутишди. Уста Нусратнинг катта қизлари югуриб қўшниникидан яна икки хурмача қатик олиб чиқиб, косаларга қўйди, уста Нусрат зўрлаб бўлса ҳам ҳаммага қатик ичирди. Аравадан кўпроқ қақир-қуқирларни; белкурагу кетмон, тоғораю мис кўза ва эски сандиқларни тушираётган шогирдларга қараб туриб, Меъмор кулимсиради.

— Ҳалач яқинида жуда кучли бўрон бўлди, — деди айвонда чордана қуриб ўтирган Меъмор фотиҳадан кейин уста Нусратга. — Гирдибодлар қумдан келиб шундоқ устимиздан ўтди. Бир кори ҳол бўлади, деб жуда кўркдик. Йўқ, ҳамма нарсамизни юлиб олиб кетдию, жонимиз омон қолди. Ўтники-ўтга, сувники сувга қолди қатикнинг пули, деганларидек, бу ҳам худонинг иродаси экан, унисини ҳам кўрдик...

— Кечикканингизга сабаб бор экан, — деди уста Нусрат, — хайрият, худо бир асрабди.

— Кечикканимизга сабаб бошқа нарса, — деди Меъмор кулимсираб.

— Ҳа?

— Даштда чўпонларга сардоба қуриб бердик.

— Бундоқ денг, — деди уста Нусрат хайрат билан Меъморнинг оғзига тикилиб. Меъмор ҳамма гапни бир бошдан айтиб берди...

Шу куни аллавақтгача дастурхон устида гаплашиб ўтиришди, сўнг уста Нусрат меҳмонларнинг хордиқ олишларини айтиб, энг яхши ясатиғлиқ хонасини Меъмор, Маъсума бека, Бадиага беришди. Заврак, Ғаввос ва Ҳорунбекни бошқа хонага киритишди. Абутолиб ўғли билан, Ҳасанбек, Ҳусайнбеклар ҳам бир хонага кириб ётиб ухлашди.

Эрталабки нонуштадан сўнг Нажмиддин Бухорийнинг илтимоси билан қизи Бадиа ёнида, уста Нусрат билан бирга Эски Намозгоҳ маҳалласига боришди. Маъсума бека Зулфиқорнинг она-опалари билан гаплашиб ўтирди. Уларга гапириб берадиган ҳикоялар ниҳоятда кўп эди. Бошқалар Зулфиқор билан бирга Бухорони томоша қилгани бозорга чиқиб кетишди. Йўлда Меъмор устага сиёсат ишларидан, ас-аса, даб-дабалардан ғоятда зерикканини, мансабдор шахслару ҳокимлар, беклар жонига текканини, қолган умрини бир чеккада тинчгина, ғарибона ўтказмоқчи эканини, катта ишларни олмай, иложи бўлса кўприғу ҳаммомлар лойиҳасини тузиб, ўзи ишбоши бўлиши ниятида эканини айтиб, Бухорога кўчиб келганини мансабдорларга зинҳор маълум қилмасликни айтди.

— Деггарон томонларда яхши ҳовлилар бор, олиб берайми? — деди уста Нусрат.

— Ҳасанбек-Ҳусайнбек ва кулолга ҳовли топиб беришимиз керак. Мен ўз ҳовлимни амакимларга ташлаб кетганман. У киши қазо қилдилар. Ўғиллари бор, улар турса керак. Шундоқ ёнгинада ўзларининг ҳам ҳовлилари бор... Бориб кўрайлик, уста. Анча йил ўтиб кетди. Амакиваччаларим билан гаплашиб, рози бўлишса, пул билан хурсанд қиларман.

— Ҳовлингизни кўрганман, Меъмор ҳазратлари, — деди уста Нусрат. Бадиа билан Меъмор унга ялт этиб қарашди.

— Ҳиротдаги ҳовлимизча эмас. Кичкина, уйлари ҳам қоронғу...

— Мен сизга жуда яхши ҳовли олиб бераман. Гир айланган хоналарини ўзим қурганман, ҳовлиси кенг, гулзор. Хоналари ганчхок билан ишланган, нақшин

шипю тоқларини биз ўзимиз олти ой ишлаганмиз. Яна бир одамнинг ховлиси ҳам сотиладиган бўлиб қолди. Бир ойдан бери сизга ушлаб ўтирибман. Баҳосини келишганмиз, Мен ўзим тўлайман. Сиз билан кейинчалик узилишиб кетамиз.

— Ташаккур! — деди Меъмор. — Лекин биз аввал Намозгоҳга бориб, ховлимизни бир кўришимиз керак.

Нажмиддин Бухорий узок сафарда бўлган баъзи «хангома»ларни уста Нусратга айтиб берди. Аслида туя карвонига қўшилиб келганида маъкул бўлармиди,— деди у. Аравада анча-мунча қийналишганини кўз олдига келтиргандек бўлди.

Эски Намозгоҳ маҳалласи шаҳар марказидан четроқ бўлиб, айланма тор кўчалар, пасту баланд томлар — бунда одамлар ари уясидек зич яшарди. Маҳалладан ариқ айланиб ўтарди, катта ҳовуз ҳам бор. Аравалар сиғмас, фақат от-улов кира оладиган шу тор кўчаларнинг бирида Меъморнинг отаси уста Шамсуддиннинг ховлиси бўлиб, торгина ўймакор эшикдан киргач, болохоналик, ости икки уй ва бир айвон кўзга ташланарди. Меъмор орқасида турган кизи Бадиага бир қараб қўйиб, жилмайди. Бу табассумда Бадиа отасининг ёш болалардек содда, хурсанд бўлганини яхши пайқаб турарди.

— Мана шу кўчага бир қарагин, қизим, — деди Меъмор, — шу кўчада катта бўлганман...

— Мунча тор?

— Бизнинг кўчамиздан ҳам торроқ кўчалар бор.

— Бу кўчаларда одамлар юрганми ёки чумолилар? Супуриб туришмайдими дейман! — Бадиа атрофига аланглаб, бурнини жийирди.

Бу кўчалар Бадиага унча ёкинқирамаётганини, Ҳиротдагидек дабдабалар йўқлигини сезиб турарди Меъмор.

— Сен бу кўчаларга менинг кўзим билан қарагин! Меъмор секин эшикни итарди. Ундан кейин тақирлатиб ҳам қўйди. Эшик очиқ экан, ичкарига киришди. Ҳеч ким йўқ, жимжитлик. Меъмор айвонга қаради; пешайвоннинг ўша тўрт устунни кўзига оловдек кўринди. Бу устунлар Меъморнинг ёшлигини эслатди; ўша мих ҳамон турибди. Бу михга у мадрасадан келгач, китоб-дафтарлари солинган жилдини илиб қўярди.

Ховли юзига ётқизилган оби фиштлар ўша-ўша... Пешайвонга чиқаверишдаги фишт синган бўлиб, ярмига бошқа фишт синиғи қўйилган эди. Бу ҳам ўша-ўша. Айвон устунига хижрия ҳисоби билан мадраса таҳсилини ёзиб қўйган эди, у ҳам ўчиб кетмабди. Ховли ўртасидаги бир туп тут яна ҳам каттароқ бўлибдию, бари бир ўша-ўша. Меъмор ошхонага, ўтинхона, хужра ва болохона зиналарига ҳам чиқиб кўрди, ҳаммаси ўша-ўша. Ховли ўртасида, бир қўлини тутга тираб, отасининг ҳаракатларини кузатиб турган Бадиа тааж-жубланиб, ёнида турган уста Нусратга қараб қўйди.

— Отамлар ҳеч тўймаптилар.

— Одамзод учун туғилиб ўсган еридан азиз ер йўқ дунёда, қизим.

— Кўриб бўлдингизми? — деди Бадиа ҳайратланиб.

— Кўрганим билан тўймайман. Буни қара, ўша йигирма йил илгари ўзим қўйган тарнов ҳам шундоқ турибди. Амакиларим яхши қарашибди... Бу ховлида инсон яшаётгани сезилиб турибди.

Шу пайт айвон ёнидаги қўшни ховлига чиқадиган кичик бир эшик очилиб, бир бола ховлига чиқди. Нотаниш одамларнинг берухсат ховлига кириб юрганини кўриб, ранги оқариб кетди:

— Хей, сизлар кимсизлар?

— Сен ўзинг кимсан? — сўради Бадиа.

— Мен Абдулвоҳидман!

— Ўх-хў, сен Абдулвоҳид бўлсанг, мен Бадиаман!

— Бу, менинг ховлим!

— Бу менинг ховлим! — Бадиа жўрттага жиддий туриб ҳазил қилди.

— Сиз кимсиз?

— Сен ўзинг кимнинг боласисан?! Жамолиддин бувангнинг набираси бўлсанг керак, а?

Бола «ҳм» деб уялинқираб, бир оз бўшашди. Бадианинг тахминий гапи тўғри чиқди. «Мен ҳозир бувамни чақириб чиқай» деб бола яна эшикчадан нариги ховлига чиқиб кетди. Орадан озгина фурсат ўтгач, кекса бир аёл ховлига тушиб, Бадиа билан уста Нусратга тикилди. Сўнгра айвон ёқасида турган Меъморгамма ҳам қаради:

— Сиз мулла Нажмиддин эмасмисиз?

— Шундоқ, Назминисо биби. Омонмисиз, болачақаларингиз соғ-саломатми?

— Шукур, шукур! Вой, мени қаранг, кўзим хиралашиб, сизларни танимай қолибман. Эсон-омонмисиз? Бола чақаларингиз омон-эсонми? Маъсума бекамиз омон-эсонмилар? Ўғлингиз, қизингиз... Хуш келиб-сизлар! Қани, айвонга чиқинглар!

— Бу, қизим — Бадиа.

— Вой, эсон-омонмисиз, айланиб кетай, қизим! Бўйларингга холанг қоқиндиқ! Мен ҳозир бошқаларни чақириб чиқай. Ҳой, Абдулвоҳиджон, югур, отангни чақириб кел!

Аёл нариги ҳовлига чиқиб кетгач, Меъмор Бадиага қаради.

— Бу кампир амакимларнинг хотинлари. Назминисо бувинг бўладилар.

— Эшитганман, — деди киборлик билан.

— Сенинг кўзингга шунақа кўрингани билан, Бухоро жуда улуғ шаҳар. Ҳали сен ҳеч ерни кўрганинг йўқ. Бунақа маҳаллалардан Бухорода мингларча. Хиротга нисбатан Бухоро юз чандон юқори. Самарқанд ундан ҳам юқори!

— Ҳа, мактайверманг, отажон! Мовароуннаҳр сизнинг жаннатингиз. Сиз билан баҳслашиш ниятим йўқ. Бари бир мен енгиламан.

— Офарин!

Орадан бирор соат ўтар-ўтмас, Жамолиддин бобою ўғиллари, кўни-қўшнилари, шу атрофдаги ёш-яланг, ҳамма ҳовлига кириб келаверди.

Ҳамма таажжубда! «Бу ердан кетиб, Хиротда машҳур бўлган уруғлари Меъмор Нажмиддин Бухорий маҳаллага келибди... У асли мана шу маҳалладан чиққан... Бухоро шаҳрининг Эски Намозгоҳ даҳалик меъмор Хиротдаги неча мадрасаларни қурган...» деган гаплар маҳаллада айтилиб, аввало унинг уруғлари, ҳаммаҳаллалари ва бутун Бухоро аҳли фахрланарди. Нажмиддин Бухорийнинг Хиротда, подшо хизматида эканлиги билан ҳатто Бухоро хоқими Шох Малик тархон, қози калону муфти — Ҳожи Мухаммад Порсо ҳам фахру ишонч билан аташарди. Бухоро фарзанди Ал-хиротда мўътабар экан, демак, темурийзодалар Ҳожи Мухаммад Пор-

со ҳазратларига ҳам, Шох Малик тархонига ҳам яхши кўз билан қарайдилар...

Ховлига тўпланганлар юзида ҳам фахр, ҳам тааж-жуб: нега бу Хуросону Мовароуннахрга донғи кетган одам карнай-сурнайсиз, бедабдаба кириб келди? Бу ўша Нажмиддин Бухорийми ёки бошқа одамми? Нажмиддин Бухорий келармиш-у, биронта мансабдор, жуда бўлмаганда юзбоши ҳам билмайдими?

Одамлар ҳайрон.

Бу ҳайронликни сезиб турган Меъморнинг ўзи муаммони очиб қўя қолди.

— Азиз ҳамшаҳарларим. Дарҳақиқат, мен ўша сизларнинг ҳаммаҳаллаларингиз Нажмиддин бўламан. Бошимга иш тушди: фарзандим Низомиддин қатл этилди. Шундан сўнг Хирот менга ҳаром бўлиб, ҳамма нарсдан кечиб, ўз шаҳрим Бухорога қайтдим. Мана бу қизим Бадиа. Рафиқам дўстим уста Нусратникида. Йўқотган бир фарзандим ўрнига уч фарзанд ва беш ошнам билан бирга Бухорога келдик. Улар ҳам уста Нусратникида. Сизларнинг олдингизда гуноҳкорман, вақтида келиб хабар ололмадим, ишингизга яролмадим...

— Йўк, ундоқ деманг, азизим укам! — деди хўнграб йиғлаб, Меъморни кучиб Жамолиддин амаки, — гуноҳкорман дейишингиз тўғри эмас! Сиз катта ишлар қилдингиз. Биз, ҳамма уруғларингиз сиз билан фахр этамиз. Қани, укажон, айвонга чиқинг.

Меъмор, уста Нусрат, Жамолиддин бува ва бошқа ёши улуғлар айвонга чиқишди. Бадиа билан Назминисо биби ҳам фотиҳадан кейин нариги ховлига чиқиб, атрофини ўраб олган бухоролик уруғлари билан суҳбатда бўлди. Хиротдан келган гўзал қизга ҳамма маҳлиё бўлиб тикиларди. Ёш жувонлар, укасини кўтариб олган жамалак соч қизлар, болалар... ҳамма-хамма унинг атрофида эди.

Дастурхон устида ҳамма гап Жамолиддин бувага маълум бўлиб, ховли Меъмор учун бир кундаёк бўшатиб берилиши ва ҳеч қандай пул тўлаш керакмаслигини айтишди. «Одам ўзи туғилиб, ўсган ўз ховлисига ҳам пул тўлайдими? Хафа бўламиз!» — дейишди. Уста Нусрат тайёрлаб қўйган Деггарон маҳалласидаги ховлига бормаслиги, ўз ховлисига кўчиб келиб, умрини тоат-ибодатда ўтказажоғини айтди. Деггарон

махалласидаги ҳовлини Ҳасанбек, Ҳусайнбекларга ва кулолларга сотиб олиб беришни, пуллари етмаса, Меъмор қарашиб юборишга тайёр эканини, Ҳиротдаги ҳовли-жойларининг ақчаси шундоқ турганини айтди.

Бу фикр Бадиадан бошқа ҳаммага ёқди.

Эртасигаёқ Меъмор ўз ховлисига юкларини ташиб, кўчиб келди. Заврак, Фаввос ва Ҳорунбекка болохона жихозлаб берилди Шу ҳафта ичи Деггарондаги кенг ва ажойиб ҳовли Ҳасанбек билан Ҳусайнбек, оға-иниларга катта пулга сотиб олиб берилди. Ундан сал нарироқ, майдон ёнидаги бир ҳовли Абутолибга сотиб олиб берилди. Меъмор иккала ҳовлининг ҳам ярим-ярим пулини тўлади. Боши кўкка етган кулол билан Ҳасанбек-Ҳусайнбеклар Меъморга қай йўл билан миннатдорчилик билдиришни билишмасди. Улар ҳозир бунда ишлаб, бола-чақаларини Ҳиротдан кузда олиб келишадиган бўлишди. Аммо яна Ҳиротга қайтиб кетишга отланаётган Ҳорунбекнинг Меъмор яна бирон ҳафта Бухорода қолишини илтимос қилди. Сабоби бу бирон ҳафта ичида Бадиа билан Зулфикор тўйини ўтказажаги, бу тўйда унинг иштирок этишини илтимос қилди. Ҳорунбек бунга рози бўлди. Лекин у ҳар куни қарвонсаройга катнаб, от-араваларидан хабар олиб турди. У қарвонсарой сохиби орқали Бухорода бир неча косиблар билан учрашиб, хиротлик дўстларининг саломини топширди, ниҳоятда хуфийа баъзи гапларни гаплашиб ҳам олдики, унинг ўз таъбири билан айтганда: бу гапларни фақат «бир худонинг ўзи биларди...»

Лекин Ҳорунбек бу сирни Меъморга очди:

— Устод, мен араваларимда Хуросонга бирмунча кишиларни олиб кетмоқдаман. Улар савдогарлар эмас, адолатсизликка қарши жангга кирадиган баҳодирлар. Амирзодалар лашкари олдида биз озмиз, аммо жафокаш раият бизнинг томонимизда. Аналҳақ кишилари пиримиз Фазлуллоҳ учун, бошқа қурбон бўлганлар учун жангга кириб ўч оладилар! Низомиддин учун ҳам ўч оламиз. Интиқом кунлари яқин. Бизнинг бир қанотимиз мадраса талабалари ичида, бир қанотимиз хунарманду косиблар ичида... Биз, айрим аждарларнинг бошини янчмагунча ором билмаймиз!

Меъмор Ҳорунбекнинг сўзларини диққат билан

тинглаб турарди. «Сиз уларни ўлдирсангиз, тахтга яна бир амирзода чиқади. Лекин у сизни эмас, амирзодаларнинг деганини қилади», демоқчи бўлиб турди-ю, бу сўзни тилига чиқаролмади. «Боринглар, истибодни кунпаякун қилинглар!» демоқчи бўлди. Аммо бу сўзни ҳам тилига чиқармади. У ўз рўпарасида рустамворий бир пахлавонни кўриб ўтирарди. Агарда Хуросону Мовароуннахрда шундоқ адолатпарвар одамлар яна кўп бўлса раият бахти эди. Илму фан камоли эди, деган сўзни кўнглидан ўтказди.

— Иним, эҳтиёт бўлинг, худо ёр бўлсин сизга, — деди Меъмор чин юракдан.

Келаси ҳафтада Бадианинг тўйи бўлди. Икки севишган қалб — Зулфиқор билан Бадиа бир-бирини топиб, муроду мақсадларига етишди. Меъморнинг шадод кизи уста Нусрат хонадонига келин бўлиб тушгани ҳамманинг кулоғига етди...

Тўйни ўтказиб, Ҳорунбек яна Хиротга қайтиб кетди. «Агарда ҳаққингизни олмасангиз, мен бир кекса одамни қиёматгача қийнаган бўласиз, олинг, иним», деди Меъмор тилло тангалар солинган халтачани узатиб. Ҳорунбек олди. Нечундир тўйдан кейин анча бўшашиб қолган Ғаввос Муҳаммад, агар устод хафа бўлмасалар Хиротга, ота-онам ёнига қайтиб кетардим, деди. Аксинча, Меъмор ўзининг бундан кейинги ҳаёти хонанишинликда, илгаригидек катта бинолар қуриш нияти йўқ ва бунга хожат ҳам йўқлиги, шу сабабли истаса, шогирдлари ҳам хижолат бўлмай ўз жойларига қайтиб кетавериши мумкинлигини айтди. Оғир кунларда бирга фарзанд бўлиб келганликлари учун юракдан раҳмат айтди. У учала шогирдидан ҳам мингдан-мингга рози эканини айтди, энди мустақил иш қилаверишларингиз мумкин, деб фотиҳа ҳам берди. Ғаввос Ҳорунбек билан бирга қайтишга тайёргарлик кўраётганида, Меъмор Заврак Нишопурийга ҳам мурожаат этди:

— Ўғлим, сиз ҳам хижолат бўлмай қайтаверинг. Менга йўлдош бўлиб, кузатдингиз. Келиб Бухорони ҳам томоша қилдингиз. Кунларимиз бекорга ўтмади — йўлда чўпонларга сардоба ҳам қуриб бердик. Энди уйингизга қайтишингиз мумкин.

— Мен қайтолмайман, — деди Заврак Нишопу-

рий ранжиб. — Сиз қаерда бўлсангиз мен ҳам шу ерда бўламан. Менинг ота-онам ёшлигимда вафот этган, етим ўсганман... Мен шу атрофдан ўзимга жой топиб тураман, албатта.

— Йўк, гап жойда эмас, — деди Меъмор, — мана жой, хоҳлаган хона сизники. Аммо мен сизнинг ёш вақтингиз, кунларингизга зомин бўлмаслигим керак. Мен энди илгаригидек донг таратиб, катта ишларга қўл уролмайман, ўғлим. Мен дунё ишларидан зерикдим. Қолган умримни чолу кампир бирга, хокисору фарибликда, тоат-ибодатда ўтказмоқчиман. Мана, менинг бахтимга ўз ховлим ҳам бор экан, омон-эсон етиб келдим. Салтанатнинг фармони, Мирзо Бойсункурнинг фикри ҳам шу: ҳажга кетмаганингизда ҳам қолган умрингизни сиёсатга аралашмай, тоат-ибодатда ўтказинг, деган. Ҳокимият фикрига амал қилмай яна илгаригидай ўзимни ўтга-чўққа урсам, кексалигимда гуноҳ орттираман, бўтам. Мен кекса одамни ҳурмат қилганингиз, сизнинг олижаноблигингиз. Аммо ҳадеб унга ёпишаверишингиз — ўз йўлингиз ва истиқболингизни ёпиб қўйиш демак. Менинг шавкатли кунларим ўтди, энди тунларим яқинлашмоқда. Мен сизнинг ниҳоятда иқтидору қобилиятли меъмор бўлаётганлигингизни билиб, бу гапларни айтяпман. Бир лаҳзали ҳиссиётга берилмай, Ҳиротга қайтинг!

— Устод, мен сизнинг жонингизга тегдимми? Шунини айтинг, фақат!

— Асло! Сиз кетсангиз менинг юрагим узилиб кетади. Лекин мен ҳақиқатни айтишим керак.

— Мен кетмайман! — деди Заврак Нишопурий катъий бир оҳангда.

— Қийнаманг, уста, — деди Маъсума бека кўзига ёш олиб, — Заврак кетмайдилар. Мен фарзандим деганман, бизни ёлғиз ташлаб ҳеч қаёққа кетмайдилар!

Шу билан гап тамом бўлди. Фаввос Муҳаммад билан Зулфиқор Шоший, Ҳиротда, Меъморнинг «ертўла синовидан ўтган эдилар-у, аммо етим ва юпун Завракни бу синовдан ўтказишга раҳм қилиб, Меъмор ўз хонадонидан олиб қолган эди. Заврак ҳаммадан кейин бўлса ҳам, Меъмор синовидан жуда ҳам аъло даражада ўтди.

Эрта билан саҳарлаб карвонсаройда от-араваларни шай қилиб, катта карвонга қўшилган Ҳорунбек ёнига кузатгани келган Меъмор, уста Нусрат, Зулфиқор ва Заврак Ҳорунбек билан ҳам, Фаввос Муҳаммад билан ҳам қучоқлашиб хайрлашишди.

— Сизларга оқ йўл, омон-эсон боринглар. Борганингиздан кейин нома йўллаш ёдингиздан чиқмасин. Муҳтарам Қавом ҳазратларига мендан салом айтинглар. Эслаб сўраганларга ҳам салом айтинглар. Ихтиёриддин қалъаси томонга ўтсангизлар, Низомиддин арвоҳини хурсанд қилиб, дуо ўқиб қўйинглар... — деди Меъмор кўзига ёш олиб. Катта карвон дарвозадан чиқишида, Меъмор яна Ҳорунбек билан Фаввосга мурожаат этди:

— Келган йўлимиздан борасизларми?

— Албатта, устод.

— Сардобани бир кўра кетинглар. Мендан Чўли бобога салом денглар!

— Албатта у ерда тўхтаимиз, саломингизни Чўли бобога етказамиз, — деди Ҳорунбек.

Карвон жўнаб кетди. Улар ғамгин бир ҳолда ўз уйларига қайтиб келишди.

Кунлар бир хилда ўта бошлади. Дарҳақиқат, Меъмор хонанишин бўлиб, тоат-ибодатда кун ўтказарди. Баъзан жума кунлари маҳалла кексаларига қўшилиб, Намозгоҳ масжидига борар, маҳаллада жаноза ва таъзиядан четда қолмас, бирон маслаҳат сўраб келган усталарга нимаики билса шуни айтиб, ёрдам берар, аммо катта мансабдорлар тўйларига, дабдабадор зиёфатларга бормасди. Узини касалликка солиб, узр айтиб, уйда ётарди. «Диққинафас бўлиб ётгунча, борсангиз кўнглингиз ёзиларди, — дерди баъзан Маъсума бека, — сиз бормасангиз, уларнинг зиёфату анжуман мажлиси ўтмай қолармиди!»

— Бормайман! Мени навқар юбориб, зўрлаб олиб кетолмайдилар! Кўнглимга ёқмаган жойда нима қиламан! Мен у мансабдор ҳокимлардан жирканаман! Улар еб-ичиб, семириб, кекириб, бир қуртдек ўлиб кетадилар... Улардан фуқарога фойда йўқ, улардан из қолмайди, улардан...

— Ҳа, тушунарли! — деди Маъсума бека, — «улардан, улардан!» Сиз шунақа деб ўлиб кетасиз,

улар кўп, улар яшайверади. Улар илгари ҳам кўп бўлган, бундан кейин ҳам кўп бўлади. Улар сизнинг жиғибийрон бўлишингизга парво қилмайди. Лекин сиз ҳам биладиганлардан хафа бўлинг-да, уларнинг нимасидан хафа бўласиз! Улар шунақа одамлар. Замон ўшаларники!

— Ўшаларга бош эг, демокчимисан? Эгмайман! Шундок ўлиб кетаман, локин уларга бош эгмайман! Улар менинг хизматларимни билишмади! Улар ўғлимни ўлдиришди! Улар мени қувғин қилишди! Улар... Мана, Меъморнинг аҳволи қандай! Биз жой соламиз, улар тўрга чиқиб ўтирадилар! Биз бугдой экиб, нон қиламиз, улар ейдилар. Биз меҳнат қиламиз, иззату обрўни улар оладилар! Аблахлар!..

— Шуни билар экансиз, четда қолмай ўшаларга кўшилинг!

— Вой, нодон! Ҳали, мен келиб-келиб сенга гапир-япманми! Ке, бу гапларни қўй, носковок қаерда, нос чекайлик!

Кунлар шундай бир хил ва бир меъёрда ўта бошлади. Ора-чора Бадиа келиб, ота-онасидан хабар олиб турарди. Заврак бўлса болохонада яшар, уста Нусрат қўли остида Зулфиқор билан бирга катта бир бой солдираётган ховлида ишлаб, Меъмор билан Маъсума бекани боқарди. Чолу кампирни хижолат қилмаслик учун баъзан ўзи бозорга борар, баъзан чолга пулни Бадиа орқали илтимос қилиб берарди.

Бир йилдан кейин Бадиа ўғил туғди. Икки хонадон ғоятда хурсанд бўлишди. Уста Нусрат чақалокка катта буваси ҳурмати учун Меъмор деб ном қўйди. Катта бобоси унинг қулоғига «азон» айтиб, танглайини кўтарди.

Меъморнинг ғарибу ҳақирликда ўтаётган осуда кунларидан бирида Самарқандга — уруғлариникига бориб келган кулол Абутолиб «Даҳан носарон»нинг каттадан кичигигача подшоҳнинг амри билан қатли ом қилинганини айтди. Бир неча кундан кейин яна эски «Қобус» дарди кўзгаб, тўшакда ётган Меъмор ёстикдан бошини кўтариб, кулолга бақрайиб қаради:

— Не сабабдан?

— Ғайри динлар Самарқанд аҳли ичида ёмон одат-

лар тарқатиб, куфр ишлар қилган эмиш... Шу сабабли қатли омга фармон берилибди.

Меъмор оғзини очиб, бақрайиб қараб қолди...

XXXVIII б о б

МЕЪМОР ВА МУНАЖЖИМ

Бухорода тантанавор кутиб олинган Мовароуннаҳр подшоҳи Улуғбек Мирзо, мана, учинчи кундирки, шаҳар марказидаги қадимий Аркда, унинг шарафига берилаётган базмда ўтирибди. Ўнг томонда Бухоро ҳокими Шоҳ Малик тархон билан шайх Ҳожи Муҳаммад Порсо, чап томонида ўзи билан Самарқанддан ҳамроҳ бўлиб келган саркарда Амир Довуд барлос ва бошқа олий мансабдор шахслар. Мирзо Самарқанд тахтига ўтирганидан кейин, Мовароуннаҳрнинг иккинчи улуғ шаҳри — Бухорога биринчи бор келиши эди. У саркарда Амир Довуд барлоснинг минг чоғлиқ навкарлари ҳимоясида Каттақўрғон, Янгиработ, Кармана, Тошработ, Бўстон, Гиждувон, Вобкент... орқали келди. Шоҳ Малик тархон билан Ҳожи Муҳаммад Порсо бошчилигида Бухоро аъёнлари подшоҳни Гиждувонда кутиб олишди. Одамларнинг айтишича, Мирзонинг бобоси Амир Темур ҳам Бухорода бунчалик тантанавор кутиб олинмаган экан. Темурхоннинг юриши Бухоро, Қорақўл ва Фороб орқали ўтиб, Бухорода атиги икки кун бўлиб, шитоб билан Қум йўлига чиқиб кетган экан. Мирзо Улуғбек масжиди Калонда жума намозини ўқиб, кейин мўътабар ерларни зиёрат қилди; Чашмаи Айюб, масжиди Намозгоҳ, Сайфиддин Боҳарзий, Буёнқулихон мақбараларига бориб фотиҳа ўқиди...

Подшоҳнинг Бухорога келиши муносабати билан кўчалар тозаланди, қоровулу ясовуллар тинмай йўлларга сув сепишарди. Бозорлар гавжум; ҳамма ёқда моллар — матолар уюб ташланган. Фуқаро ясаниб олган, хонадонларда хурсандчилик. Одамлар подшони дуо қилишар, гўлаҳу гиёвандлар бозорга чикмас, ғайри динлар масжиди Калон ва Арк атрофида, токилар тагида юрмас эди. Ҳар қандай жанжал ва тартибсиз-

ликлар қаттиқ жазоланиши айтилиб, ҳоким ҳазратларининг фармони растаю мадрасаларда, бозору тоқи телпақфурушон, тоқи заргарон, саррофон ва тимлар ичида жарчилар баланд овозда эълон қилган эдилар. Бозори Шаб ҳам обод ва туну кун миршабу ясовуллар ҳамма ёқни тартибга солиб турарди. Баъзи кунлари Тархон подшоҳни шаҳар четидаги Боғи насимга олиб чиқар, истироҳат, базм авж олар эди.

Шу тантанавор кунларнинг бирида, кутилмаганда шаҳарнинг ичкари маҳаллаларидан бири — Намозгоҳдаги кўримсизгина эшик олдида Шоҳ Маликнинг ясанган мансабдорлари пайдо бўлди. Тор ва айланма кўчада ўйнаб юрган майда болалар отлиқларни кўриб, гурра уй-уйларига қочиб кетишди. Эшикка чиқиб ўтирган кексалар ҳам кўчада пайдо бўлиб қолган сипоҳ амалдорларини кўриб, хайратомуз ўринларидан туриб, отлиқларга таъзим қилишди. Отлиқ амалдорлар сунъий илжайиб, қамчинлари дастаси билан эшикни оҳиста тақирлатди. Ичкаридан хотин кишининг овози чиққач, ёш мансабдорлар овоз чиқаришди.

— Биз, меъмор Нажмиддин Бухорий жанобларига келдик. Ишимиз бор, чақиринг!

— Нима юмушингиз бор? У киши бетоб.

— Эна, кўркманг. Бизлар яхшилик билан келганмиз.

— Кўрқавериб зерикиб, кўркмайдиган бўлиб кетганмиз. Эшик очик, ана, кириб, у кишининг ўзлари билан гаплашаверинглар!

Бир йигит отларни ушлаб, икки амалдор ичкарига кирди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! — деди супачада кўрпатўшак қилиб ётган Меъмор.

— Сизни олиб кетгани келдик.

— Лаббай? — Меъмор чўчиш ўрнига кулди, — мен ҳам сизлар қачон олиб кетаркансизлар, деб кутиб ётган эдим.

— Ана, дилимиз бир экан. Қани, жаноб, кетдик!

— Зиндонгами?

— Аркка! — деди мансабдор таажжубланиб, — биз сизни базмга, ҳоким ҳазратлари ҳузурига олиб борамиз.

— Базмга бормайман! Зиндонга бўлса бораман!
Чунки мажбурман.

— И-би, бу жаноб девонами?

— Ҳушим жойида, навкарлар, мен фақат «қобус» дардига мубтало бўлганман. Гапимга кирмай зўрла-санглар...

— Гапимга тушунинг, усто! Яхши ният билан келдик, — деди ўрта яшар, қирғий бурунлик иккинчи мансабдор. — Эҳтимол, сиз жаноб билан подшоҳ гаплашар. Бир зарур гапи бордир... Биз қаёқдан билайлик.

— Боринглар, кетаверинглар. Мени сўрашса, келмади, деб айтинглар!

Амалдорлар бир-бирларига қараб кулишди.

— Эй, усто, сизни бахту саодат кутади. Туринг ўрнингиздан, усто!

Шу пайт ҳовлига Зулфиқор кириб келди. У ҳам ясанган, шай мансабдорларни кўриб ҳайрон бўлиб қолди.

— Зиндонга бўлса бораман, аммо базмга бормайман, деяпман буларга, — деди кулимсираб Меъмор Зулфиқорга.

— Нима гап ўзи? — Зулфиқор юшоқлик билан сўради. У шаҳарда бўлаётган подшо тантаналари ва умуман, зиёфату базмлардан хабари бор эди.

— Сиз ўғилларимисиз?

— Ҳа, ўғиллариман.

— Айтинг, биз билан борсинлар, — деди қирғий бурун, — ахир бизни Тархон ҳазратлари юбордилар. Отангиз ўз фойдаларини билмаётирлар.

— Борадилар. Локин бир яхши арава олиб келиш керак. Иккиламчи, сизлар эмас, кексароқ кишилар келсин, — деди Зулфиқор Меъморнинг кексаларни яхши кўришини ва унинг тажанг бўлиб турганини пайқаб, — мен ҳам отам билан бирга бораман.

— Жуда маъқул.

— Бориб, арава олиб келинглар.

Ёш мансабдорлар зудлик билан чиқиб кетишди.

Аслида гап мана бундоқ бўлган эди; бир йил муқаддам «Мирзо Бойсунқур мадрасаси», кўпригу сардобалар меъмори Нажмиддин Бухорийнинг Хуросондан чиқиб кетиб, Бухорода тургани Мирзо Улуғбек қуло-

фига етди. Меъморга катта хурмат кўрсатиб, ўз номидан мактуб йўллаб, уни Самарқандга чақирди. Аммо меъмор ўзининг хастаю қариб қолганини, қолган умрини хилватда ўтказажagini айтиб, жавоб нома юборди. Номани олиб кетаётган Тархон амалдорларига подшо уни хурмат қилиб, нома ёзгани учун дуо қилиб, миннатдорчилигини изҳор қилди. Подшо Аркда, зиёфатда ўтириб негадир ҳаётида ҳеч учрамаган, терс жавоб ёзган бухоролик Меъморни иттифоқо эслаб қолди. У шу лаҳза бу гапни Тархонга айтиб, у билан бақамти ўтириб гаплашгиси келди. Чунки Нажмиддин Бухорий ҳақида унга Али Қушчи ҳам, Машҳадий ҳам, Самарқандий ҳам бир неча бор гапирган эдилар. Бу гап ситам чеккан ўжар чол билан гаплашиш, ҳозир бу катта базмлару ва бошқа ишлардан кўра ҳам муҳимроқ кўринди. Иккиламчи, кеча Мирзо Бухородаги аҳли фузало — мунажжиму аҳли шуарони чорлаб, мулоқотда бўлганида уста Исмоил ибн Тохир Исфаҳоний иштирок этди-ю аммо «Хуросондан ихрож қилинган» Меъмор кўринмади. Бу ҳол Меъмор Нажмиддин Бухорийни чақиртиришга даъват этган эди.

Кечга яқин Меъмор бир мударрис ва яна бир мансабдор ҳамроҳлигида шогирди Зулфиқор билан бирга кўхна Арк дарвозасидан обхоналар ёнидан ўтиб, юқорига кўтарилди. Катта ховлидан ўтиб, кенг хоналардан бирида ўтирган Мирзога рўпара бўлиб, унга таъзим этди. Унга мулозимлар кўрсатган, подшоҳга яқин кўйилган курсилардан бирига ўтирди. Мударрис билан мансабдор ичкарига кирмади. Зулфиқор устод билан бирга кириб, пойгакда тик турди. Мирзо Улуғбек ёнида Тархон ва яна бир меъмор ўтирарди. Зулфиқорнинг тахминича, бу зот — Исмоил ибн Тохир Исфаҳоний бўлиши эҳтимол. Мирзо салом-алиқ қилиб ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, Меъморни дастурхонга, нозу неъматларга таклиф этди. Шу билан бирга Меъморга савол берди.

— Самарқандга чорлаб, сиз жанобга нома йўллаган эдик...

— Ташаккур! — деди Меъмор ўрнидан туриб, — мен қимматли номангизни олдим!

— Жавобингиз бизни таажжубга солди. Биз, аҳли фузало бу жавобдан ўйланиб қолдик.

— Ахли фузало ўйланиб қолган бўлса ҳам, харқалай мен номага жавоб қилдим-ку, аъло ҳазратлари.

— Бу сўзни қандоқ тушунмоқ мумкин? — Мирзо Улуғбек таажжубланиб кулди. У негадир кекса Меъморни сўроқ қилаётганидан хижолат бўлиб, бу саволларни юмшатишга, аслида у билан бир нимани гаплашиб олмоқчи, иложи бўлса чолни Самарқандга олиб кетмоқчи эканини билдирмоқчи бўларди. Меъмор чолнинг кўрс ва тўнг жавоблари Шох Малик тархонни, андак ғазабга солиб, ора-чора унга хўмрайиб қараб кўяди. Мирзо Меъморга навозиш кўрсатгандай, унинг Ҳиротда қилган ишларига юксак баҳо бериб, у билан гаплашмоқчи ва эртага Самарқандга жўнаётгани сабабли уни чорлатиб олиб келганини айтди. Бу суҳбат — мунажжим билан меъмор суҳбати ҳисоблансин, деди у яна таъкидлаб. — Аниқроқ айтинг, хурматли Меъмор, сўзингизга тушунмадим?

— Ҳиротдалигимда сиз ҳазрати олийларига нома йўллаган эдим, — деди Меъмор жиддий бир тусда. — Паноҳ тортиб, фақат сизга йўллаган эдим. Ўғлимни қатл этилишдан олиб қолишни сўраган эдим. Жавоб бўлмади. Ўғлим қатл этилди...

— Мен ҳеч қандай нома олганим йўқ, — деди Мирзо Улуғбекнинг юзларидаги табассум бир лаҳзада ўчиб.

— Менга саройдаги мансабдорлар номани, албатта, Самарқандга, Мирзо ҳазратларига етказамиз, деб ваъда беришган эди. Таажжуб! — деди Меъмор Мирзо Улуғбекка тикилиб. — Локин менинг ўғлим Низомиддин, сиз, аъло ҳазратлари Фарғонага юриш қилганингизда салтанатимиз учун жанг қилиб, ярадор бўлган. У, Амир Довуд барлос сарбозлари ичида Ҳиротдан то Хўкандгача борди. Жангда баҳодирлик кўрсатгани учун сиз ҳазратнинг инъомингизга сазовор бўлган. Ўғлимнинг қиличи ҳамон уйимда сақланади. Гумону шубҳалар уни ўлимга маҳкум этди, аслида у Хуросону Мовароуннаҳрнинг яхши фарзандларидан эди. Менга ҳар қандай жазо берганингизда ҳам бари бир мен бу аччиқ ҳақиқатни сиз аъло ҳазратга айтмай иложим йўқ.

— Ҳақиқат айтилгани учун жазо берилмайди.

Мирзо Улуғбек чуқур сукутга толди. Меъморнинг

кўрс сўзлари остида катта норозилик борлигини, мансабдорлардан ёмонлик кўрганини пайқади. Атрофда ўтирганлар унинг нима дейишини кутишарди. Тархон хўмрайиб ўтирарди. Мирзонинг ёдига «суикасд» воқеаси келди. Бир-икки айбдор шахсни жазолаш ўрнига ўнларча киши қатл этилиб, фуқарога пўписа қилинганини ҳам биларди. Унинг кўз олдидан «қаттиққўл» укаси Иброҳим Султон ҳам ўтди. Лекин Мирзо сукутга чўмиб, Меъморга тикилганча қараб колди. Ёлғиз фарзандининг қатли — бундан ҳам ортиқ ситам борми!

Мирзо Улуғбек ҳеч нарса демади.

— Сиз аъло ҳазратлари, — деди яна Меъмор, — ўша қимматли номангизда уста Жўржийни ҳам, Абутолиб ва уста Ҳасанбек, Ҳусайнбекларни ҳам ўзингиз билан бирга Самарқандга олиб келинг, деган эдингиз?

— Ёдимда! — деди Мирзо Улуғбек.

— Жўржий бағоят моҳир усто эди. У Самарқандда «Даҳаи носарон»¹ қатли омида ўлдириб юборилган... Маҳалла тамоман қатли ом қилинган.

— «Даҳаи носарон»да ёмон кишилар салтанатга қарши ифвою бўҳтон гаплар тарқатган. Зино ишлар билан машғул бўлиб, Самарқанд аҳлини бузишган ва ҳаром ишларга ружу кучайиб кетган. Шу сабабли биз пойтахтни улардан тозаладик...

Мирзо Улуғбек хаёлидан унга етказилган маълумотлар ўтди.

— Баъзи маълумотларга қараганда, «Даҳаи носарон» қирғинига уйдирма «Лў ва Ли қиссаси» ҳам сабаб бўлган эмиш. Саройга етиб келган маълумотларга қараганда: «Ғайри динлар ҳар ҳафта базм тузиб, эркак билан хотин қучоқлашиб, ўйинга тушар эканлар ва ҳар йили бир маротаба наврўз ойида «муҳаббат куни» бўлиб, оиласи бошқа бўлишидан мустасно хушига ёққан эркак билан хотин қўшилишиб кетаверар экан...» Булардан ташқари, Лў деб аталмиш кимса ўз синглиси Ли билан эру хотин бўлгани тўғрисидаги «маълумот» сарой аҳлини оёққа турғазди. Бу гап Мирзонинг

¹ Даҳаи носарон — Самарқанддаги христиан динидаги кишилар маҳалласи. (XV аср)

қулоғига ҳам етди. Бу гап уйдирма, асло бундоқ бўлиши мумкин эмас, деди Мирзо. Аммо сарой аъёнлари бу гапни «исботловчи» «пухта далиллар» кўрсатдилар. Шундан сўнг, Мирзо «Даҳаи носарон» ахлини разолатга юзтубан кетган, деб ҳисоблади. Унинг кўзига уста Жўржий ҳам кўринмади. Жаҳоннинг энг улуғ шахри бўлмиш Самарқанд бағрида шундоқ «жирканч ҳодисалар бўлиб тургани» Мирзони ғазаблантирди. У қатли ом фармонига муҳр босди...

Меъмор ерга қаради.

Яна сукут.

Бир лаҳзадан кейин Шох Малик тархон билан ҳожи Муҳаммад Порсо: «Бу малъунни чиқариб юборайми?» дегандек Мирзо Улуғбекка қаради. Дарғазаб бўлиб: «Тили аччиқ бу ўжар чолни чиқариб юборинглар!» дейди хаёл қилиб турган тархон бошқача бир ҳолни кўрди: Мирзо Улуғбек бош чайқади.

Ҳиротда, «Мадрасаи Мирзо Бойсунқур» қурилишида жонбозлик кўрсатиб, астойдил ишлаган гуржистонлик усто Жўржий Меъмор кетганидан сўнг туролмай маъмуриятга бир неча бор мурожаат этиб, охири рухсат этилгач, хотини билан ўғлини олиб, Самарқандга, бунда яшаб турган ватандошлари: гуржилар ёнига — «Даҳаи носарон» маҳалласига кўчиб келгани сиз, азиз ўқувчиларга маълум. Бунга сабаб: ўзга юрtdа бўлса ҳам ўз юртдошлари орасида бўлиш нияти ва бунинг устига золим Иброҳим Султон кўлидан чиқиб, олим — Мирзо Улуғбек кўл остига ўтиш эди. Қанчалаб устаю шоиру муҳандисларнинг Самарқандга жўнаб кетиши умумий тус олгани ҳам сабаб бўлди. Бу кўчиб кетишликлар Хуросон мансабдорларига унча ёкмасада, йўлдаги қанчалар тўғаноғу қийинчиликларга қарамай, ўлиб-тирилиб Самарқанд сари — шамъ нурига интилган парвонадай учиб кетиша берди. Бу оқим, асосан, Ҳиротда ҳаммага маълум бўлган «меъмор Нажмиддин Бухорий воқеаси»дан кейин умум тус олди. Аҳли фузалонинг Меъмор орқасидан шувиллаб Мовароуннаҳрга оқиб кетиши, фақат Ҳирот мансабдорларинигина эмас, Шохруҳ Мирзони ҳам ўйлатиб қўйди. Бу ишда Самарқанд ҳокими — ўз ўғли Муҳаммад Тарағайнинг «қўли бормикан...» деган шубҳа ҳам пайдо бўлиб, Самарқанддаги, ўғли атрофидаги ўз кишила-

ри — олий мансабдорларидан вақт вақти билан Ҳиротга чакириб, суриштириб ҳам турди. Бу ишга жуда зийраклик билан қараб бормоқлик лозимлигини таъкидлаб, одам қўйган Шохрух назарида, «салтанатга нисбатан садоқати айниган мансабдор шахсларни йўқ қилиб юбормоқ унча мушкул иш эмас эдию, аммо айниган аҳли шуарони йўқотиб юбормоқ ғоятда мушкул ва бу иш авом орасида катта гап-сўзларга сабаб бўлиб, фуқаронинг салтанатга нисбатан комил ишончини барбод этарди, мисқоллаб йиғилган обрў ботмонлаб тўкиларди. Шу сабабли Меъмورнинг Хуросондан бадарга этилиши кейинчалик хато иш бўлиб чиққанини уни шу ернинг ўзида, вақт ўтказиб туриб, бирор сабаб билан йўқотиб юбормоқ мақсадга мувофиқ... эканини фаҳмлашди. Аммо иш кечиккан, тилни тишлашдан бошқа илож қолмаган эди. Бу иш Иброҳим Султоннинг шошқалоқлик билан чиқарган хато ҳукмининг оқибати, деб тушунди Шохрух.

Сукут ичида турган Мирзо Улуғбек яна бир фавқуллодда куч билан юзларидан учиб кетган табассумини қайтариб олди. У Меъморга қаради:

— «Даҳан носарон» фожиаси иккинчи бор эслатилди. Менинг энг яқин дўстим Али Қушчи ҳам сизга ўхшаб юзимга очиқ айтган эди. Худо ўзи кечирсин. Биз сиз билан бир мунажжиму меъмор сифатида гаплашаётирмиз. Ўғлингизни қатл этилишига таасуф изҳор қиламан, тақдири азал шундоқ ёзғилик экан. Тангридан сиз Меъмор ҳазратларига сабри чидам тилаймиз...

— ...
— Бу зот — Исмоил ибн Тоҳир Исфаҳоний жаноблари. Сиз Меъмор ҳазратлари, илтимосимизни қабул қилгайсиз, деб умид қиламиз. Сизнинг раҳнамолигингизда Исфаҳоний жаноблари хизмат қилишга илгарийёқ розилик берган эдилар. Сизнинг розилигингизни ва лойиҳаларингизни мен энди Самарқандда кўрурман, деган умиддаман. Исфаҳоний жаноблари, эҳтимол, Самарқандга, бизнинг ҳузуримизга келиб кетарлар...

Гап шу ерга етганда, ҳурматли китобхон, диққатингизни бир лаҳза тарихий саналарга тортаман.

Вақтиқи, милодий ҳисоби билан тўққиз юз тўқсон бешинчи йилга келиб Мовароуннаҳр ва Хуросонда муҳим сиёсий воқеалар юз берди: қорахонийларнинг сиртдан берган зарбалари сомонийлар давлатини кучли ларзага солди ва оқибатда уни инқирозга олиб келди. Бу даврда Хоразмда Кот шаҳри, Мовароуннаҳрда — Бухоро энг йирик шаҳарлардан бири бўлиб, дунёга Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Наршахийларни берган эди. Ундан анча аввал, халқ тилидаги ривоятларга қараганда, Кўҳиндузни қурган Сиёвуш ва унинг қайнатаси Афросиёб замонида, бу заминда мажусийларнинг муқаддас китоби — «Авесто» яратилди. Самарқанд, Кеш, Нақшаб, Гурганч ва Кот, Ғазнаю Исфохонлар ой атрофидаги юлдузлардек Бухоро теварагида ярқираб турарди... Милодий ҳисоби билан 1220 йилга келиб, Бухорони мўғуллар босиб олди. Бухоролик саркарда Инончхон Ўғил Ҳожиб шаҳарни ташлаб, Урганчга қочди. Чингизхон ўғли Тули билан Бухорога кириб келди. Лекин тўрт юз бухоролик сарбозлар Арк дарвозаларини бекитиб, ўн икки кун душман билан курашдилар. Чингиз обдан шаҳарни талагач, тилла ва кумуш, қимматбаҳо буюмларни тортиб олиб, Бухорода ўзининг нўёни ва бир қисм қўшинини қолдириб йўлга чиқди. Ўзини Искандари Зулқарнайн деб атаган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қочиб кетгани, шайху руҳонийларнинг Бухоронинг ўн икки дарвозаси калитини топширганликлари Чингизхонни андак хавфдан тушириб, нигоҳини Самарқандга йўналтирган эди. Аммо Бухорода қолган нўён Чингизхондан кейин шаҳарни талаш у ёқда турсин, хотин-қизларни тортиб олиб, зўрлаш, тажовузкорликлар авжга миндириб юборилгач, оломон мўғул нўёнини ўлдирди. Бу хабарни эшитган Чингизхон яна Бухорога қайтиб келиб, тўппа-тўғри оти билан Жоме масжиди ичига кириб, меҳробда ўтирган имоми олий ёнига келиб, унинг соқолидан чангаллаб тортди: «Сенлар нега менинг одамимни ўлдирдиларинг?!» Имом эса, Чингизхон башарасига тупуриб: «Биз шаҳар вайрона бўлмасин, деб калитни топшириб таслим бўлдик. Аммо сен ва сенинг ноибинг бизни талаб, аёлларимизни зўрлади!» деди. Шу лаҳза Чингизхон буйруғи билан имомнинг боши кесилган ва шу Жоме масжид

мехроб гумбази остида ўтирган юздан ортиқ кекса бухороликларнинг ҳам боши кесилиб қудуққа ташланди... Шу куни мўғул кўшини шаҳарга ўт қўйиб, биноларни вайрон қилди. Аммо қанчалик найзаю ойболта урганлари билан Минораи Калонни қулата олмаганлар...

Кейинчалик чингизийлар авлодлари орасида тахт талашув, низо кучайиб, салтанат тарқоқ давлатларга ажралиб кета бошлади. Гуюкхон даврида амакиваччалар жанги авж олди. Мўғулларнинг Эрондаги ҳукмдори Хулокухон катта кўшин билан Мовароуннаҳрга хужум қилиб Кеш ва Нақшобни, ундан сўнг Бухорога бостириб кириб, талон-торож этди, мадрасаларни бузиб, кутубхоналарга ўт қўйди. Кўп қон тўкилди. У чиқиб кетгач, бошқа мўғул ҳукмдори — Ангухоннинг ўғиллари — Чолай ва Қаранлар ўн минг кишилик кўшин билан Бухорога кириб, уч йил мобайнида ниҳоятда офир ёвузликлар қилди. Ҳамма ёқ шипшийдам бўлди. Шундан сўнг етти йил мобайнида бу шаҳарда ҳаёт буткул тўхтаб қолди, деб ёзган эди тарихчи Рашидиддин. Кебакхон, ундан сўнг Қозонхон ўлдирилиб, икки дарё оралиғи Қозоғонхон кўлига ўтгач, мўғул хони Туглик Темур томонидан Қозоғонхон ҳам ўлдирилиб, шу билан юз эллик йилга чўзилган мўғул ҳукмдорлиги тугади.

Мўғуллар ҳукмдорлиги даври Бухоро тарихида ғоятда аянч ва вайронагарчилик, талон-торож, мислсиз таназзул даври бўлгандирки, бу даврда на бир бино қурилди ва бир ариқ очилди. Бу давр Бухоронинг шўри бўлган. Аммо фалакка бўй чўзиб турган бобо минора — Минораи Калон Бухоронинг ёнган, вайрона бўлган, қонга беланган кунларини ҳам ўз кўзи билан кўриб, наслларга хикоя қилмоқчидай қад кўтариб турибди...

Зулму вайроналиклар, талон-торожлар тинкасини қуритган бухороликлар, Мирзо Улуғбекнинг биринчи бўлиб Бухорода мадраса қурмоқчи эканини эшитиб, ғоятда қувонди ва фуқаро орасида баланд руҳ ҳамда ватанпарварлик ҳислари авж олиб, одамлар у ишга бош қўша бошладилар. Мирзо Улуғбекнинг бу режаси мўғул вайроналикларидан кейинги биринчи ва қалдирғоч бино бўлмоғи керак эди...

Гап шу ерга етганда, хурматли китобхон, қисқагина бу кириш сўздан кейин яна асосий воқеага ўтамиз:

Вақти-ки, Меъмор муҳташам Аркдан — Мирзо Улуғбек ҳузуридан чиққач, дарвозадан анча пастда уни кутиб турган Заврак Нишопурий югуриб, унинг истиқболига келди. Чолнинг бир қадар кайфи чоғ, чехраси очик эди. Меъмор ёнидаги Зулфиқорнинг ҳам чиройи очик, шод кўринарди.

XXXIX б о б

ТИРИЛИШ

Дунё ташвишларидан холи — ўзи туғилиб ўсган ховлининг ярим қоронғи хоналаридан бирида Меъмор кун бўйи ёнбошлаб ётар, чўкиб кавш қайтараётган нор туялардек кўрган-кечирганларини қайта бошдан эслаб, яхши-ёмон одамларни кўз олдидан ўтказар эди. Пар тўшагу пар ёстиққа ботиб, эрталабдан кечгача ўйлар эди. Баъзида Маъсума бека: «Хой, уста, бир мундоқ кўчаларга чиқиб келсангиз-чи», дерди. Меъмор энсаси қотиб: «Ҳа, кўчада маймун ўйнатаётибдими?! Ўтиролмаётган бўлсанг ўзинг чиқиб келгин, хурсанд бўласан!» дерди. Бу гапи билан у ўзига ўзи тасалли бермоқчи бўларди: «Қизимни чиқардим, шогирдларимни тинчитдим, масжиду мадраса, кўпригу минора, ҳаммому сардоба қуриб бердим. Энди менда ҳеч кимнинг ҳаққи қолгани йўқ. Яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдим, энди ётаманми, тураманми, бировнинг иши бўлмайди...» У баъзан кампирига ҳам дағ-даға қилиб қоларди: «Ҳа, топиб-тутиб турганимда керак эдим, энди «пуф сассик» бўлдимми! Замбилга солиб, гўристонга олиб бориб ташлаб кела қолинглар! Мен энди сенларга керак бўлмай қолдим!» дерди. Маъсума бека дарҳол паст келарди: «Э, отаси, ундоқ деманг, яхши ҳам сиз борсизки, мен бу дунёда юрибман. Сиз бўлмасангиз, мен кимга керак бўлардим! Сиз уйда ўтириб ўзингизни ўзингиз билмаяпсиз, бутун Бухоро сизни дейди. Самарқанду Тошкенту Шаҳрисабзларда сизни танимаган одам йўқ. Меъмор Нажмиддин, деса одамлар соянгизга кўрпача ёзади».

Чол индамай қолар, бу гаплар унинг асабини юмшатиб, чиройи очилиб, хотинига:

— Бир кўчага чиқиб келайми? Нима дейсан? Қайтишда нос олиб келарман, — дерди.

— Чиқиб келинг, уни-буни кўриб ёзиласиз. Сиз келгунингизча мен кўрпачаларингизни қоқиб, супуриб қўяман.

Меъмор сарпойчан, кавушини кийиб, кўчага чиқиб кетарди.

Баъзи кунлари пар ёстиғу пар тўшак ҳам биқин-биқинига харсангтошдек ботиб, ух, деб ўрнидан турар, нима қилишини билмай, керишар, ховлида обиғишлар орасидан тешиб чиқиб, ўрмалаб юрган чумолиларга тикилар, соатларча уларни томоша қилиб ўтирарди. Хотинига қараб: «Энди оёғимни уқалаб, ўтириб чумолини томоша қилишдан бошқа ишимиз қолмади. Шундоқ бўлгандан кейин худойи таоло ҳам омонатини вақтида олиб, ташвишлардан холи қилиб қўя қолса, нима қиларди!» дерди. «Ношукур бўлманг, уста! Қачон олишини эгамнинг ўзи билади», дерди кўзини ола-кула қилиб Маъсума бека.

Шундоқ кунларнинг бирида шогирди билан совғасалом кўтариб, Исмоил ибн Тохир Исфаҳоний кириб келди. У эллик беш ёшларга борган, қора соқол, новча киши бўлиб, ўзининг ўта хушфёъллиги, ширинсуханлиги билан таниқли эди.

— Ассалому алайкум, Меъмор ҳазратлари! — деди у эшиқдан кириб келиб, гўё кўп йиллик кадрдон кишилардек ўзини жуда яқин тутиб. Ваҳолонки, Меъмор уни иккинчи бор кўриши эди. — Тобингиз қалай? Гузарларга кам чиқасиз? Бухоро иқлимига ўрганолмаяпсизми?

— Иқлимда гап йўқ, бир оз бетобман, — деди Меъмор бошини кўтариб. Маъсума бека дастурхон ёзди. Исфаҳонийнинг шогирди — ёшгина муллавачча ошхонадан чой олиб чиқиб, пиёлага қуйиб устодларга узатди. Меъмор ортиқча гап, эзмаликларни ёқтирмаслигини эшитган Исфаҳоний жаноблари гапни чўзиб ўтирмай, мақсадга ўта қолди:

— Мен сиз ҳазратнинг шогирдлигингизга яраб, ўз шаҳримизда подшоҳ ҳазратларининг илтимосларини ерда қолдирмай, мадраса бино этсак, деган ниятда

келдим. Ўзингизга маълумки, мўғул вайроналикларидан кейин Бухорода бирон катта бино, бирон мадраса қурилгани йўқ. Ўша куни сизнинг келишингизни эшитиб, мен ҳаммадан аввал Аркка етиб келган эдим. Буни қарангки, Тархон жаноблари эмас, олий ҳазратнинг ўзлари дарҳол мени чақиртирдилар. Сизнинг Хиротдан оғир бир вазиятда келганингизни Мирзо ҳазратларининг ўзлари бизга маълум қилиб, Тархону хожи Муҳаммад Порсо ҳазратларига: «Меъмор Нажмиддин Бухорийни парвариш қилинглар, зора вақти соати билан юрагидаги гинаю андуҳ бартараф бўлса... Самарқанд ва Бухорода шу меъморлар ғайрати ила катта ишлар бошлаймиз», дедилар. Сиз, Меъмор ҳазратлари бу гаплардан ўша куни огоҳ бўлмаган эдингиз...

Меъмор Исфаҳонийнинг ҳаяжон билан гапираётган гапларига қулоқ солиб ўтирарди. Бир оздан сўнг, тўсатдан гап бошлади.

— Мен ҳокимларнинг сўзига ишонмайман! — Исфаҳоний бақрайиб қолди. — Алдашади! Менга айтинг-чи, ҳурматли Исфаҳоний жаноблари, сиз ўзингиз асли қаердансиз?

— Мен — Бухороданман. Бухорода туғилганман. Отам Тоҳир хожи ҳам бухоролик. Бобомиз Исфаҳон шаҳридан экан...

— Тушундим, — деди Меъмор Исфаҳонийга ўтқир қараб. — Биргаликда мадраса қуришни ўйлаяпсиз. Олий ҳазрат ҳам ўша куни шу гапни айтдилар. Менинг қартайиб қолганимдан, янги бир лойиҳа тузишга ожизлигимдан хабарингиз борми! Мени ўзингизга шерик қилсангиз, ютқизасиз, азизим! Бу ишни ўзингиз мустақил бошлайверинг. Мен подшоҳлар учун битта ҳам фишт қўймасликка қасам ичганман. Мана, бор гап шу!

— Биз, ҳокимлар учун эмас, Меъмор ҳазратлари, бухороликлар учун фишт қўямиз.

— Сиз қандай қилиб бу сўзни айтдингиз! Ахир бу сўз учун бош кетадию?!

— Мен ҳамма вақт, ҳурматли Меъмор, фуқаро учун фишт қўйиб келганман. Ҳокимлар бир сабаб, холос. Иккиламчи, олий ҳазрат ҳам ҳоким, ҳам мунажжим, у зот бундoқ ҳақ гаплар учун аҳли фузалo-

нинг бошини олмайдилар, аксинча, онҳазрат аҳли илмга тараккий бермоқдалар. Инчунун сиз, ҳазратнинг ўша кунги «Даҳаи носарон» қатли омини эслатиб, танбех беришингиз бошқа амирзода ёнида бўлганида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Мирзо ҳазратлари бу нарсага анча совуққонлик билан қараб, сиздан ранжимадилар-ку!

Меъмор Нажмиддин Бухорий Исфаҳонийга тикилганча ўйланиб қолди. Бир муддатдан кейин, ишга қўшилиши ҳақида уни кўп шоширмаслик, у бетоб эканлиги, бир ҳафталар ичида ўйлаб жавоб айтишини маълум қилди. Исмоил Исфаҳоний хурсанд бўлиб, Меъморга сихат саломатлик тилаб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Исфаҳонийнинг келгани ҳақида шу куни кечқурун Заврак билан Зулфиқор хабар топишди. Икки шогирд ҳам бу илтимосни қабул қилиш кераклигини баробар айтишди. Меъмор хайрон бўлиб кулди:

— Сизлар менинг иш билан овора бўлишимни истаяпсизлар! Шундоқ эмасми?

— Йўк, устод, биз сал бошқачароқ ўйлаяпмиз, — деди Зулфиқор.

— Хўш?

— Юз йилдан бери Бухорога ҳали бир катта бино тушгани йўк. Борларини мўғуллар вайрон қилди, янгисини қуришгани йўк. Ёмон ҳукмдорлар ўтди. Аммо бу ҳукмдор фуқаро учун бино қураман, дер экан, азбаройи Бухоро шаҳримиз фойдаси учун бўлаётганини тушуниб, бош қўшиш керак бўлади.

— Дарҳақиқат, бор биноларни ҳам Қовар¹ гиёҳи босиб кетибди. Бу, қаровсизлик оқибати. Сиз ҳам шу фикрдамисиз, Заврак Нишопурий? — сўради Меъмор кўзларини ўткир қадаб. Меъморнинг бундоқ кескин қарашлари илгари кўнгилсиз гап билан тугарди. Лекин бари бир Заврак ўз фикрини очик айтди.

— Ҳа, устод. Шу фикрдаман.

— Фикрларингизни дадил айтганингиздан мамнунман. Ўйлаб кўришим керак.

¹ Қ о в а р — бу ўсимлик тарихий ёдгорликларнинг кушандаси. Европада уни Каперс спиноза деб аталади.

Бу ўжар чолнинг анча бўшашганидан дарак берарди. Эски ярасига қалампир сепган Қарши бегининг номуносиб ҳаракати то қиёмат Меъморнинг ёдидан кўтарилмаслигини шогирдлари яхши билишарди. Меъмор соқол-мўйлаби шаъну шавкатга зеб берган бу нодон бекнинг туриш-турмушидан жирканган, ўша куни Улугбек Мирзога, Тархону Муҳаммад Порсоларга худди шундоқ назар билан қараган эди. Унинг кўз олдида қориндор, тез-тез кекириб турадиган, чўнтагида яхши тиш ковлагичлар сақлаб, тишини ковлаб турадиган, мақсади емоқ-ичмоқ, кийинмоқ ва обрўталаб бўлган нодон бек турарди...

Индамай овқат тайёрлаб юрган Маъсума бека билан холи ўтиришганида, Меъмор очилиб, шогирди билан куёвининг дадил гапирашаётгани, уни ўрнидан турғазмоқчи бўлаётганини айтиб, унга сен нима дейсан, дегандек қараш қилди.

— Шох ҳам ўтади бу дунёдан, гадо ҳам. Ҳаммамизнинг бориб ётадиган еримиз бир. Бизга зулм қилиб ёмонлик қилган, Низомиддинни ўлдирган подшоҳ битта ёки иккита. Фуқаро кўп. Фуқародан биз ёмонлик кўрганимиз йўқ. Бас, шундай экан, бошингиздаги илм, юрагингиздаги жавҳарни гўрга олиб кетиб нима қиласиз! Сиз бу меъморликка осонликча етибсизми? Шогирдларингизни гаплари тўғри!

— Бунчалик доно бўлиб кетганингни пайқамаган эканман, турмуш сенинг ҳам ақлингни ошириб, аллома қилиб қўйибди.

— Такаббур бўлиб кетгансиз чол! Доимо ўзингизни билагон, бошқаларни нодон ҳисоблайсиз. Бугун мен билан маслаҳатлашаётганингиз кўнглимни кўтарди. Ҳандаса ҳисобини билмаганим билан одамгарчилик ҳисобини биламан...

— Тушундим. Дарҳақиқат, гапларинг тўғри, — деди Меъмор. Маъсума бека буни фаҳмлаб гапни тўхтатди, Меъмор яна сўради. — Қалин дафтарим бор эди, кўрмадингми?

— Дафтар, китобингиз кўп, қайси бирини сўраяпсиз?

— Халач бўрони пайтида мен ўша дафтарга бир лойиҳа чизган эдим, хабаринг бор, қалин муқовалик дафтар. Андхуддан ўтгач, Калиф даштида

кўзимга бир нималар кўриниб, лойиҳалар чизиб кўйган эдим. Равоқлар, арку «гулчамбар»лар тасвирини...

— Топиб бераман. Ўнтача дафтарингиз бор, ҳаммасини олиб келаман, ўзингиз топиб оласиз.

Меъмор дафтарларини титкилаб, ўша бўрон бошланадиган куни, гирдибоду узоқдаги тепаликларга қараб, хаёлан чизган лойиҳаларини кўздан кечирди...

Эртасига эрта билан Ҳасанбек билан Ҳусайнбеклар ишлаётган бой ҳовлисига келиб, улар билан бир муддат гаплашиб ўтирди. Улар ҳам Меъморга лойиҳага киришишини маслаҳат беришди. Устодларни ишдан қолдирмаслик ниятида кўп ўтирмай, ундан чиқиб Абутолибникига кирди. Ота-бола тинмай лой ийлаб, идиш ясашаётган эди. Улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, маслаҳатлик гапини айтди. Тажанг кулол ҳам ҳалигиларнинг гапига кўшилди: «Сиз ўз Бухоронгиз учун қанча иш қилсангиз шунча оз», деди у. Меъмор ундан чиқиб тўппа-тўғри қизиникига борди. Ўста Нусрат ҳам, куёви ҳам ишлаётган жойга кетишган экан. Чолнинг қизи билан гаплашадиган муҳим гапи борлигини пайқаган қудағайлар уларга халақит бермай ташқарига чиқишди.

— Дадажон, бу ишни дарҳол кўлингизга олинг!— деди Бадиа, — бизга Хуросон ҳокимлари ёмонлик қилди, Улуғбек Мирзодан ёмонлик кўрганимиз йўқ...

— Ҳаммаси ҳам бир гўр, улардан шафқат кутиш...

Бадиа ўйланиб қолди.

— Ҳамманинг фикри бир ердан чиқяпти, — деди ичида Меъмор, — тўғри, мен бу ишни зиммамга оламан. Мени катта қилган, ўқитган, одам қилган Бухоро учун ҳеч нарса қилганим йўқ. Мен она шаҳримдан қарздорман. Шунинг учун ҳам шу ишга киришаман. Улар бир томондан Низомиддиннинг отаси ҳуруфияга алоқадор кимса сифатида ва яна бунинг устига Ҳиротда қурган мадрасадан бошқа ерга ҳам қурмасин, деган ниятда мени йўқотиб юборишмоқчи бўлдилар. Биламан, улар бу ишни қилиша олмади. Аммо Мирзо Улуғбек мени ишга чорляпти, энди хавф йўқ, у менинг йўқолишимни эмас, иш кўрсатишимни истайди. Бизга ўхшаганлар унга керак, энди

хонадонимизга ажал кўз тикмайди. Энди бемалол иш-лаш мумкин. Мен энди, лойиҳалар устида бош қоти-раман, бирон ой кетади. «Тўрва қоқди» ишимни кўпдан буён пишиқлаб, ўйлаб юрардим. Яхшики, Бухорога буюрган экан. Эрта ё индин уста Исмоил Исфаҳоний келадилар, у кишига розилигимни айтаман...

Меъмор қизиникида ҳам кўп ўтирмай, ўз ховлиси-га қайтиб келди.

Шу ҳафта ичи у мунажжим ва подшоҳ номи билан боғлиқ бўлган янги мадраса лойиҳаси устида бош қотирди. Кенг хонтахта устида чизғичу қаламлар, пар-гору бурчаклар, лосу учлари ҳар хил қирқилган қами-шу савағич қаламлар, Тусий ва Фисоғурсларнинг ки-тоблари, ҳандасавий ўлчов асбоблари, уч бурчакли чизғичлар, бир неча яхлит хитойи қоғозлар тахт ту-рарди. Меъморга халакит бермаслик учун Заврак ҳам ховлида кўп юрмас, устод ўзи чақирмагунча кирмас-ди. Маъсума бека ҳам баъзан чолнинг керакли ни-марсаларини ҳозирлаб бергач, қўшненикига чиқиб ке-тар, кўчада майда болаларнинг чувиллашларига йўл кўймай, уларга обаки улашиб, алдаб, нарироққа олиб кетарди. Меъмор ғоятда жимликни ёқтирар, тақир-тукур, ғала-говурга асло тоқати йўқ эди.

Бирон ҳафталардан кейин у ўз шогирдларини ис-таб қолди. Заврак кечга яқин югуриб Зулфиқорни бошлаб олиб келди. Меъмор, икки шогирд ёнида, ярим тунгача лойиҳани муҳокама қилишди. Баъзи кунлари Меъмор туни билан ухламай, лойиҳа устида тонг оттириб чиқарди, Чолнинг бир ишга киришса қаттиқ ишлашини билган шогирдлари ҳам, хотини ҳам обдан ўз ҳолига қўйиб беришарди. Бундоқ кунла-ри у намози жумага бориш, масжидга чиқишни ҳам унутарди. Сўраганларга чол бетоб деб айтишарди.

Иккинчи ҳафтага ўтганда тоқати тоқ бўлган Исмо-ил Исфаҳоний одам келишини кутиб ўтирмай, яна Меъморнинг ховлисига кириб келди. Ўзини ховли юзида ишшайиб кутиб олган Меъморга қараб туриб, аввал ҳайрон бўлди. Кейин айвонда, катта хонтахта устида бир неча лойиҳаларни, бўлак-бўлак қоғозлар-да равоку «гулчамбар», ангобу шикофта чизиклари, пештоқу хонақоҳ шарафалари лойиҳаларига кўзи ту-шиб, жилмайди:

— Мени ҳам қанотингизга оласизми?

— Бирга бўламиз, уста, — деди Меъмор Исмоил Исфаҳонийни айвонга, лойиҳалар ёнига таклиф этиб. — Бирон нималарни чизиб ўтирибман. Сиз ўша келишингизда менинг юрагимга учқун ташлаб кетдингиз...

— Офарин, уста, офарин! — деди хурсанд бўлганидан Исмоил Исфаҳоний, — шу кеча яхши туш кўриб, кўнглимга келган эди. Сиз ҳазрат рози бўласиз, деб ўйлаган эдим. Эркакларнинг туши ўнг келди, дегани рост экан. Бу қарорингиздан мен бағоят хурсандман.

— Мана бу машқ лойиҳаларимга бир кўз ташланг.

— Офарин, офарин!

— Мен, Мирзо Улуғбек мадрасаларини тамоман бошқача ўйлаяпман. Бу мадраса — фалакиёт илмининг сардори, риёзиёт, илми дунёвийнинг устози номига ярашук, бошқа мадрасаларга нисбатан кўркам қулай бўлмоғи лозим. Мен гулчамбару пештоқларга ложувард кошинларни, зарду сиёҳларигача кўпроқ ишлатмоқчиман. Кошин устаси — хиротлик Абутолиб кулол ҳам ҳозир Бухорода...

— Офарин, офарин!

— Бўлмаса, яна икки ҳафтага рухсат этасиз, токи мен ишни охирига етказиб, сиз жанобнинг ҳукму муноварангизга ҳавола қилай.

Исмоил Исфаҳоний кулди. У мамнун эди.

— Сиз жаноб, шогирдларимиз Зулфиқор Шоший, Заврак Нишопурийлар, бу ишга киришиб, ёрдам беринглар. Лойиҳани олий ҳазратнинг ўзлари ҳам кўрмоқлари зарур. Чоғимиз келса уч, бўлмаса икки лойиҳа билан Самарқандга бориш керак. Худо хоҳласа, ўзингиз бориб келгайсиз. Мақбул топилган лойиҳа устида сиз билан биз оға-ини бўлиб, иш бошлаймиз.

— Жон-дилим билан...

— Азизим, сизга яна бир гапни ҳам айтиб қўяй, мен нимаики десам, шуни маъкул кўраверадиган шерикни ёқтирмайман. Маслаҳат ва мунозара бўлиши керак, биз сиз ҳурматли Меъмор билан бирга бешолти йил учун эмас, абадул-абад турадиган бино қура-

миз. Бунинг учун бизнинг анча-мунча мунозаралари-миз бўлмоғи керак.

— Албатта, — деди Исфаҳоний кизаринқираб.

Чолнинг эшикдан келган меҳмон билан қаттиқ гап-лашаётганини кузатиб турган Маъсума беканинг юраги шифиллаб, ичида ранжиб, тишини тишига қўйиб ўтирарди. Сухбатнинг охири яхши бўлиб чикди.

— Келаси ҳафта Самарқандга тайёргарлик кўра-версак бўладими?

— Бўлади, азизим, — деди Меъмор устага чой узатиб, — лекин иккаламиз, агар рози бўлсангиз, бориб Деггарон маҳалласи ва ўша Ҳинд саройи ёнидаги — мадраса учун мўлжалланган майдонни яна бир карра кўриб келсак. Нима дейсиз?

— Жуда маъқул, — деди табассум қилиб Исфаҳоний, — бу гапга эътироз билдиrolмайман ва мунозара ҳам қилолмайман...

Икки меъмор баробар хахолаб кулишди.

— Қани, кетдик, устод! — деди Исфаҳоний.

Икки меъмор кўчага чиқишди. Улардан бир кадам орқада Заврак ҳам келарди. Худди шундай, Ҳиротда, Мирзо мадрасасини куришда, бориб майдонни кўриш жараёнида Заврак ўзи билан ўлчов асбоблари, дафтару чизғичлар, арғамчию газларни лозим бўлмайди, деб олиб келмагани учун танбех эшитган эди. Бу гал Меъмор айтмаса ҳам, у ҳамма керакли ўлчов асбобларини жилдига солиб олди. Ҳатто обтароз билан шовуни ҳам олди. Ўртада Меъмор, ўнгда Исфаҳоний, чапда — Заврак улар айланма тор кўчалардан ўтиб, қадимий Арк майдонига, ундан сўнг, Минораи Калону Жоме масжиди ёнидан ўтиб, Деггарон маҳаллага келишди. Ҳинд саройи ёнида, тепаликда туриб, бу ердаги майдонни, майдон атрофидаги дўкончаларни кўришди. Атрофни айланиб, ерларнинг пасту баландигини кўздан кечиришгач, бу ерда ҳам ҳали майдон сатҳини очиб олгунча анча-мунча иш борлигини сезган Меъмор Исфаҳонийга мурожаат этди:

— Тархон ҳазратлари бир ғайратлик, инсофлик одамни корфармо қилиб белгиласалар яхши бўларди. Вақтдан ютар эдик. Корфармо одамларни жалб этар эди...

— Корфармо белгиланган. «Ғайратлик» ва «ин-

софлик» корфармо ёнингизда, — деди кулиб Исфахоний. — Лекин у сиз айтган, ҳазрат айтган икки фазилатга эгами-йўқми, бунисини айта олмайман.

Меъмор қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Заврак ҳам Исфахонийга ҳайрат билан қаради.

— Бундоқ денг! Икки ишни бирлаштирасизми?

— Авваламбор, сиз устод, бош меъморсиз. Бизлар сизнинг ёнингизда бўламиз, ҳамда ҳазрат менга бутун маблағу ақча ихтиёрини бердилар. Мен — корфармолик вазифасини ҳам бажараман. Бу олий ҳазратнинг шахсан илтимослари.

— Жуда маъқул иш бўлди, — деди Меъмор мамнуният билан, — Ҳиротда меъморчиликни билмайдиган бир кимсани бизга корфармо қилиб қўйишиб, тоза қийнашди. Унинг нияти пул топиб, шу баҳона билан бир нималик бўлиб қолиш экан. Бизнинг мадраса қураётганимиз билан унинг бир чақалик иши йўқ эди. Шундоқми, Заврак Нишопурий?

— Худди шундоқ. У бизни жуда қийнади. Устод, сиз ҳамма гапни айтганингиз йўқ. У жуда ёмон одам эди...

— Қачонки, илму фанга алоқаси йўқ одам бир нималик бўлиб қолмоқ, бойимоқ, текин обрў олмоқ ниятида орамизга суқилиб кирса, барчани қийнайди, фирибгарлигу бўхтон авж олиб кетади. Худо шундан сақласин!

Орадан анча вақт ўтгач, Меъмор номига Ҳиротдан мактуб келди. Уни устод Қавом йўллаган эди. У дўстининг Бухорога кўчиб келиб, соғ-саломат яшаб турганини, қизига тўй қилганини Ғаввос Мухаммаддан эшитиб, хурсанд бўлиб, Мирзо Улуғбек Бухорода мадраса қуришга жазм этганлари, бу мадрасанинг меъмори этиб, уни белгилаганликлари билан ҳам муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, ҳатто истаклар билдирадди. Меъмор ҳали лойиҳаларини Самарқандга юбормай туриб, бу гапнинг Ҳиротга қандай етиб борганидан таажжубланди.

— Йўқ, устод, — деди бу масала мағзини чақиб Заврак Нишопурий, — мунажжим ва Меъмор, бари бир аҳли фузало. Олий ҳазрат сиз билан келишиб, бир тил топишга кўзи етган. Наҳотки, икки олим бир-бирини тушунмаса!

— Бу гапингизда жон бор, — деди фикри ёришиб Меъмор, — лекин харкалай ризо бўлганимиз тўғри бўлибди. Бу ишни меъмор Қавом хазратлари ҳам мақбул кўрибдилар.

— Устод, биз ахир бирор савдогар ҳовлисига пешайвон солаётганимиз йўқ, — деди Заврак, — биз мадраса солаётирмиз.

Меъмор сукут ичра жим бўлиб қолди. У жуда ҳайратланиб, ҳаяжонга тушган онларида сукут ичра жим бўлиб қоларди. Бу ҳолатни сезган шогирдлар «пинакка кетган» устоднинг ҳозир аъзойи бадани мумдайд юмшаб, дили яйраб турганини пайқашарди.

Бир ҳафтадан кейин Исмоил Исфаҳоний лойиҳани олиб Самарқандга жўнади. Бу лойиҳалар атай уч нусха бўлиб, бирини Меъмор, иккинчисини Меъмор ва Исмоил Исфаҳоний, учинчисини эса Меъмор раҳбарлигида Зулфиқор Шоший билан Заврак Нишопурий тузишган эди.

XL 6 0 6

ДАСТЛАБКИ ҚУВОНЧЛАР

Исмоил Исфаҳоний Самарқанддан Бухорога қайтиб келди, у уйига ҳам кириб ўтирмай, отда тўппа-тўғри Меъмор ҳовлисига йўл олди. Эшик олдида кутиб олган Заврак Нишопурий дарҳол отни кўчадаги бир ёвочга боғлаб, корфармони ҳовлига олиб кирди. Меъморнинг ҳовлиси ҳам, эшиги ҳам кичик бўлганидан от киролмасди. Меъмор ичкари хонадан чиқиб, ҳовлида турган Исфаҳоний билан қўл сиқишиб, илиқ омонлашди:

— Омон-эсон келдингизми, хуш келибсиз!

— Шукур! Ўзингиз бардаммисиз, устод! Мана, ҳамма иш ҳал бўлди! — деди Исфаҳоний, — ҳазина эшиги бизга ланг очилди, лойиҳага олий ҳазратнинг ўзлари муҳр босдилар...

— Муборак бўлсин! — деди ҳаяжонланиб Заврак.

— Пойдеворни қўяверамиз энди! — деди Исфаҳоний.

— Ҳа, албатта, — деди сиполик билан Меъмор. Кейин хўрсиниб қўйди.

— Лойихага бокинг! — Исфаҳоний айвондаги чорси хонтахта устига Меъмор лойихасини ёзиб, ёнига босилган Улуғбек Мирзо нигин — муҳрини кўрсатди, — Самарқандда, ҳазрат ҳузурда ўтирган ўн чоғлик меъморлар бир карашдаёқ уч нусха лойихадан мана бу лойихага диққатлари жалб бўлди. Мен ҳеч сўз айтмасимданок, Мирзо ҳазратлари: «Бу лойихани меъмор Нажмиддин Бухорий жаноблари тузганлар. Бу Ҳирот мадрасаларини асло эслатмайди, локин Самарқанд услубларини сақлабдирлар. Пештоқу равоқларда, гулчамбарларда ложувард кошнинг кўплиги ҳамда тўғри чизикларнинг мўлликдан меъмор Нажмиддин Бухорий услубини пайқадим», дедилар. Бошқа икки лойихага ҳам боқиб, шогирдларингиз лойихасидан баъзи хужраларнинг икки қабат бўлиши, менинг лойихамдан хонақоҳ билан дарсхонанинг дарвоза ёнида бўлишини маъқулладилар. «Агар Меъмор жаноблари фикримизни маъқул кўрсалар, мана шу жузъий ислоҳлар билан бирга биз лойихани тасдиқ этдик», дедилар. Ақча жуда мўл берилди. Биз энди кўпгина усталарни ишга жалб этиб, шитоб билан қурилишни бошламоғимиз лозим...

— Офарин! — деди Меъмор, — икки лойихадаги гулларни олиб бу лойихага қўшамиз! Дарҳақиқат, жуда адолатли фикр айтилган, — деди яна Нажмиддин Бухорий умрида биринчи марта мағрур туриб, — сиз, Исфаҳоний жаноблари, бориб дам олинг. Эртанги келишингизда, агар имконияти бўлса, менга фалакиётга доир нимаики китоб бўлса, ола келинг. Айниқса, Абу Райхон Беруний ва ёки Жалолиддин Румий китобларини келтирсангиз, ғоятда миннатдор бўлурман. Яна бир ўқиб чиқишга иштиёқмандман. Халач бўрони китобларимни йўқотди. Улуғбек Мирзо мадрасалари қурилишига алоқадор томонлари бор бунинг, Ҳазратнинг «тўғри чизик» ҳамда «ложувард кошлар мўл» демоқларида ҳикмат бор. Лойихада мен атай тўғри чизикларни кўп ишлатганман. Гириҳ¹ нақшлар ҳам кўп. Меҳроб ра-

¹ Г и р и х — мураккаб геометрик нақшлар бўлиб, асосан, Самарқанд нақошлари кашф этган.

вокига ложувард кошинлар устига субҳи содик кав-
каблари нақшланган.

— Буни кўриб, Мирзо табассум қилдилар, — деди
яна Исфаҳоний. — Меъмор бизнинг ниятимизни ту-
шунибдилар, дедилар Мирзо ҳазратлари.

— Ёмон даллол ёнидан беради, деганларидек,
сиз, жаноб, Самарқандга бориш харажатларини ўзин-
гиз кўтардингиз. Менда, дарҳақиқат, ақча ҳам йўқ
эди.

— Устод, — деди Исфаҳоний, — хайрли ишга
пул эмас, жонимни бераман.

Инсон гўзал. На чаман боғлару на товусу шало-
лалар, на юлдузлару жавоҳир тошлар гўзалликда
унга тенглаша олади! Аммо инсон танида бебаҳо
юрак билан бирга беҳис тирноғу аччиқ ичаклар
хам бор. Биз кўпроқ юракка қулоқ солишимиз ке-
рак. Юрагу онг инсонни ғоятда гўзал қилиб туриб-
ди.

Исфаҳоний ҳақида баъзилар ундоқ, баъзилар бун-
доқ, деб Меъморнинг бошини қотиришган эди. Ик-
киламчи, худди шундоқ бошқа корфармо унинг та-
моман энка-тинкасини чиқариб, «нафосату илм са-
ройига кириб олган эшондай» оз булмаса мадраса-
ни ўзига мослаб қуриб, усталар ҳаққини шилиб,
айшу ишрат тузмоқчи бўлди. Худо бир асраб, бу
шилимшиқни ўз вақтида меъморчилик танидан си-
дириб ташлади. Меъморнинг хаёли ўша шахсга ке-
тиб, Бухорога келганидан сўнг атрофида айлани-
шиб юрган Исмоил Исфаҳонийдан бир қадар чўчиб
юрган эди. Аммо Исмоил Исфаҳоний у ўйлагандек
эмас, акси бўлиб чикди.

«Инсон кўзи тушган нуқтага етиб бориши мум-
кин...» Меъмор Нажмиддин Бухорий улў мунажжим
Улуғбек Мирзо таълимотидаги бу сўзнинг мағзини
чақиб, хаёл ичида ўтирарди. Ҳа, мен равоқу пештоқ-
ларга сипехр тасвирини нақш этарман, демак, қўлим
юлдузларга етади, улар ҳам фалак сипехрлари каби
абадул-абад чакнаб туради!

Отасининг гўшанишин бўлиб ётмай, ғусса узлати-
дан чиқиб, меъмор сифатида қайтадан тирилаётгани,
мунажжим Мирзо билан Исмоил Исфаҳоний чолнинг

сўниб бораётган ғайрат гулханига қайта оташ ташлаганликлари фақат шогирдларни эмас, Бадиани ҳам оёққа турғазиб эски шодликлари қайта бошлади. Бадиа Низомиддин фожиасидан кейин, отасининг фақат қизи эмас, ҳам ўйилу ҳам шогирди, ҳам маслаҳатгўйи бўлиб қолган эди. Хуросонда энг буюк меъмор устод Қавом ҳисобланса, Мовароуннаҳрда меъмор Бухорийнинг ундан ҳам ўткир эканлигини эътироф этишларини Бадиа билар эди. Аммо унинг бухоролик, хуруфияга «алоқадор» экани Меъморнинг салтанат олдида ярқираб турмаслигига сабаб эди. Бу адолатсизликни яхши биладиган Бадиа отасига юз чандон меҳрибон бўлиб, унга қанот бўлишга, бало-қазолардан муҳофаза қилишга тайёр эди. Отасига манфаати тегадиган ҳар бир ишга ўзини урар, бунинг акси бўладиган ҳар қандай ҳаракатдан ўзини тияр эди. Зулфиқордан буvasи ва амакиларининг Бухорога нома йўллаб қайнатасини Шошга¹ чорлаётганликларини эшитган ёш келин кечга яқин ҳеч ким йўқлигида эрининг бўйнига осилди:

— Оғажон, мени ҳам олиб боринг!

— Мен эмас, қайнатангиз таклиф этилган, — деди Зулфиқор хотинининг хипча белидан қучиб. Дераза пардалари ёпиқлиги, ҳовлида ҳеч ким кўринмаётганини сезган Зулфиқор Бадианинг дудоқларидан ўпди. У эрининг қучоғидан сирғалиб чиқишга ҳаракат қилиб, тагин эркаланди:

— Оғажон! Отамлардан илтимос қилинг, Шошга иккимиз ҳам борайлик. — Бу сўзни у шу қадар чиройли айтдики, ёзмоқ билан ифодалаб бўлмас эди. Зулфиқор Бадианинг бундай чиройли талаффузини фақат Хуросонда, Кўҳисиёҳ этақларидаги равоч сайлида эшитган эди, холос. — Биз Ҳиротдан Бухорога-

¹ Миллодан илгари, II ва I асрларда Тошкент ва шу атроф ерлар Чоч деб аталган, VIII асрга келиб, араб истилоси даврида Шош дейилиб, йирик савдо ва хунармандчилик маркази бўлган. Эронийлар уни Бинкент, деб ҳам атаган. Шаҳар баланд деворлар билан ўралган бўлиб, ички қисмини — Рободи доҳил, сиртини — Рободи ҳариж дейилган. XI—XII асрга келиб, қорахонийлар Тошкент, деб атаган. Шаҳар XIII асрда Ҳоразмшоҳ, ундан кейин мўғуллар ҳамда 1214 йили Кучликхон томонидан вайрон этилган. XIV асрга келиб яна қайтадан тиклана бошлаб, Соҳибқирон Амир Темурнинг муҳим иқтисодий ва стратегик нуктасига айланган.

ча ғам-ғусса чекиб келдик. Бухородан Шошга сафар
роят қувончли бўлса, мен сафарни яхши кўраман,
оғажон. Сизнинг бобокалонларингиз Шошдан, менинг
ҳам онамларнинг асли уруғлари ўша томондан экан.
Қадимий Шошни кўргим келади.

Зулфиқорнинг қариб қолган буваси ва амакилари бу
томонларга бир келиб кетишларини, айниқса, жигарла-
ри уста Нусратни илтимос қилишган эди. Устанинг
Ўқчи маҳалласидаги ҳовли-жойи ҳам амакилари қўли-
да эди. Маъсума бека Бухорода туғилганлигига кара-
май, узок уруғлари шошлик экани, шаҳарнинг Шаршин
таги маҳалласига бориб, Ёрлақаб Ҳожининг уруғлари-
дан борми, деб сўралса, бирон қариндоши чиқиб қоли-
шини биларди. Уруғларидан топилса, ўзининг соғ-
саломат бор эканини маълум қилишни жуда-жуда ис-
тарди. Мирзо Улуғбекнинг машрикдаги сарҳад-азм
шаҳарларидан бири бўлмиш Тошканд, Астрободу мо-
вароуннахрликларнинг «Султоним» зиёратига бориш-
даги энг катта боргоҳлари экани ҳам маълум эди.

Келинининг ниятини эшитган уста Нусрат мамнун
кулди:

— Она шахримиз Тошканд кейинги йилларда биз
учун жуда овлоқ бўлиб қолган. Бир неча бор Дашти
Қипчоқ хони Бароқ ўғлон қўлига ўтди. Суюкли кели-
нимиз у ердаги қариндошларимиз ёнига борар экан,
биз жуда қувонамиз.

Бу гапни эшитиб Меъмор ҳам кулди:

— Қизлар узатилган жойидан ота-онасиникига кел-
са, ҳовлида ётган супурги ҳам титраб кўрқиб турар-
кан; мени олиб кетиб қолмасалар яхши эди, деб...
Бадиа Шошни бунда кўчириб олиб келмаса, денг ҳали!

Заврак Нишопурий гапга аралашди:

— Бу иш бекамнинг қўлларидан келади. Бутун
Хуросонни Қораилон ваҳшатидан халос этган одам
учун Шошни бунда олиб келиш ҳеч гап эмас.

Маъсума бека ҳам тиззасига уриб кулди.

Чой олиб кирган Бадиа гап ўзи ҳақида кетаётгани-
ни, бу қочирим гаплар Нишопурийдан чиқаётганини
пайқаб, яна ишни бузиб қўймасин, хаёл қилди:

— Отажон, Тошкандга боришимга рухсат беринг.
Нишопурий жаноблари ҳамма вақт бир ҳунар чиқа-
риб, йўлимга тўғаноқ бўладилар.

— Нишопурий жаноблари ҳеч нима деяётганлари йўқ, қизим, — деди кулиб Меъмор, — аксинча.

— Бекам ҳамма вақт ёмонликни мендан ахтардилар, — деди Заврак қизариб, — бу ерни Бухоро дейдилар! Тошканд ҳам Бухорога ўхшаган. Хурматли бекам, сиз йигит либосини кийиб, от чопадиган Хуросон орқада қолиб кетди!

Бадиа бир нима демоқчи бўлдию қайнатаси ёнида дархол ўзини қўлга олди. Қизишмасдан охишта гапирди:

— Кичик отамлар ҳам, катта отамлар ҳам руҳсат бердилар. Биз, Зулфиқор оғам билан бирга мустақиллик олганмиз. Сизни ҳам, Нишопурий жаноблари, отам узатганларидан кейин мустақиллик оласиз...

Ўтирганлар гурра кулиб юборишди. Завракнинг ўзи ҳам.

— Шош хусусида мавлоно Фирдавсий: «Бимолид Чочи камонро ба даст, ба чарми гавазн андар овард шаст» деганлар. Шош — буюк шаҳар, — деди гапни бошқа томонга буриб Меъмор.

Бир ҳафтадан кейин Зулфиқор билан Бадиа катта карвонга қўшилиб, Шошга кетишди. Унда икки ойча туриб, куз киришига яқин Бухорога қайтиб келишди. Улар билан бирга уч амакилари ва катта амакилари уста Қудратнинг бўйи етган қизи — Қорақиз ҳам келди. Амакилар йигирма йил деганда ўз жигарлари уста Нусрат билан дийдор кўришиб, кўп шоду хуррам бўлишди. Бу яхши ишларнинг сабабкори Бадиа бека ҳақиқага дуо қилишди. Яна бир яхши иш шу бўлдики, орадан бирон ҳафта ўтгач, отасиникида Бадиага рўпара келган Заврак Нишопурий ўз синглисига йўлиққандай, бачканаликни қўйиб, сиполик билан Қорақизни суриштирди.

— Ҳа-а, Нишопурий жаноблари! Кесакдан ҳам товуш чиқаркан-ку! — деди Бадиа ҳаяжонланиб, — ўзимнинг Нишопур шаҳримга бориб уйланаман, демабмидингиз? Нишопурлик кўзи кўк, эроний қизлар доно бўлади, демабмидингиз?! Менинг томирларим — қорақўз туркий қизлар кам ақл бўлади! Қорақиз яқинда кичик амакиси билан Тошкандга қайтиб кетади, унда тўйи ҳам бўлади...

— Жуда сайраб юбордингиз, бекам! — деди илжайиб Заврак, — сизни бир кадрдон синглим деб хурмат қилиб гапирмоқчи бўлган эдим. Бир зумда шунча гап! Дарҳақиқат, мен Нишопурга борганимда уйланаман. Бунда мен бир ғариб мусофирман, нимама га ҳам уйланаар эдим. Мен бутун эътиқодиму умримни устодимга бағишлаганман, уйланиб нима қиламан! Уйланадиган кишининг бирон нимаси бўлади. Менда эски коржомадан бўлак нима бор! Худо мени ёлғизлику ғарибликка яратган. Майли, мен шундоқ ўтиб кетаман! Бу дунёда кўрмасам, у дунёда менга аталган хури-ғилмонлар бордир...

— Ха-а, муғамбир Нишопурий! Сиз уйланаман десангиз, устодингиз қарши бўлармидилар! Ўзингизнинг хафсалангиз йўқ! Бунақа нолангиз энди чиқди.

— Хафсала бор... Нима қилай, шунча йил ох-вох уриб юрдим, сиз тегдингизми? Менинг ҳам ҳеч бир йигитдан камлик ерим йўқ...

— Ҳей Нишопурий! Чегарадан чиқиб кетяпсиз!

— Тўғрисини айтаман-да! Мен бир бедаво... бир кўзлик одамга сиз тегармидингиз! Мен устодимдан бўлак ҳеч кимга керак эмасман! Итдек шу остонада ўлиб кетаман...

— Гап хуснда эмас!

— Қизлар учун биринчи галда керак бўлган хусн деган нарсадан худо мени қисган, ғариб хизматкорингизни бахтини очмай сарсону саргардон қилиб қўйган. Менга ким ҳам тегарди. Қора майиздаккина бўлса ҳам шу тошкандлик қиз менбопга ўхшайди...

— Қора майиз эмас, бу жавоҳир! Бунақа қиз Бухорода йўқ. Бунинг донолигини, бунинг оташлигини асло сўраманг, — деди хаяжон билан Бадиа. — Ниятингизни ойимларга айтаман. Отам ўртага тушиб, оғиз солсалар, менимча, яхши бўлади. Бир ҳаракат қилиб кўрамиз, ога!

Чақнаб, йигитларга ўхшаб елка ташлаб юриб кетаётган Бадиянинг орқасидан Заврак «бутун умидим, бекам, сиздан. Менинг ҳам бошимни икки қилиб, шу сержозибга Қорақизни олиб беринглар», дегандек, боши қуйи, илтижо билан қараб қолди.

БЕҲАЛОВАТ КУНЛАР

Бу йил Бухорода ёгин-сочин кам бўлиб, куз ойлари курук келди. Акраб ойи ўрталарида қора совук бошланди. Жума куни майда «тугмача» қор ёғиб, эрта билангача том ва мўриларни, йўл четларини юпқагина қор қоплади. Айланма кўчалар бўйлаб баданга игна санчувчи аччиқ изғирин турди. Юпун кийинган ғариб-ғурабо ўзини тим ва тоқилар ичига урар, кўчага чиқиб, офтобда, эшик тағларида ўтирадиган кексалар ҳам, югуриб-елган болалар ҳам хоналардаги сандаллар атрофига тикилишган, бозорлар товсилган, зарур бир иши бўлмаган кимса изғиринда юрмас эди. Мадрасалар ҳовлиларини тўлдирадиган муллаваччалару карвонсаройларни тўлдирган мусофирларни ҳам қора совук, хужраларга ҳайдаб киритган эди. Акраб, қора совук ойида Бухорода ўлим кўп бўлди — баъзи илиниб юрган кексалар куз япроғидек чирс-чирс узилиб кета бошлади. Айланма кўчаларда, эшик олдида бел боғлаб турган кишиларни кўп учратиш мумкин эди. Баъзилар бу йил илон йили бўлгани учун ўлим кўп, дерди... Бу сўзни бозор кезиб юрган қаландарларнинг «махшар куни» деб саннашидан пайқаш мумкин эди. Мавлавия, жаҳрия зикрларида ҳам «илон йили» даҳшати айтиларди. Аммо қорахонийлар шаън-шавкатидан ёдгор — Минораи Калон шаҳар ўртасида фалакка бўй чўзиб, мана, неча юз йилдан буён қад кўтариб турибди. У на қора совуқни ва на «илон йили»ни писанд қилади! У бухороликларга далда бериб, қадингизни букманг, бошингизни баланд тутинг, демоқчи бўлаётгандай пурвиқор гавдасини баланд тутиб, ҳамма ёқдан кўриниб турарди.

Шу қора совук кунларининг бирида Меъмор икки шогирдини етаклаб қозик қоқилган майдонда кезарди. Исфаҳоний бошлиқ усталар билан қилинган маслаҳатга мувофиқ, Деггарон маҳалласидаги кенгликда, улардан узоқ бўлмаган бу ерни танлашган, муҳандислар Арк, Минораи Калон, Жоме масжидларига мўлжаллаб, қуёшга ўнг, шаҳарнинг ғарбидан доимо эсиб турадиган насимга юз очган ҳолда қозик қоқишни

маслахат беришган эди. Меъмор яна бир карра ўлчаб, қоқилган қозиқларни маҳалла томларига чиқиб кўздан кечирар, узок бўлмаган Минораи Калон, Арк дарвоза — пештоқлари билан қиёс этиб, ўлчагич тахта асбобларини том устига кўйиб, тахтача устидаги чиқиқлар, даражаю рақамларни айлантириб, яна бир карра ўз ҳисобларини текшириб кўрарди. Ундан сўнг пастга тушиб, бир ҳафтадан бери Қарноб тоғларидан араваларда ташиб олиб келинаётган харсангтошларни кўздан кечирар, Заврак билан Зулфиқорга уларни бир ерга уймай, пойдевор қазиладиган жойдан узок бўлмаган жойга қатор теришни таъкидларди. Ўзи бўлса, анча иссиқ кийинганига қарамай совуқда дилдирар, икки шогирди совқотиб, қулоқ-бурунлари кўкариб кетганини пайқамасди. Бугун жума кунини бўлиб, ҳамма уй-уйида дам олиб ўтиргани, қариндош-уруғлар хаста кишиларни кўриб, кўнгил сўраб келаётган бир пайтда ўжар чол Деггарон маҳалласида, совуқда изғиб юриши шогирдларга ҳам ёқинқирамасди. У на қор изғиринларини, на эшикларга чиқиб, таажжубланиб қараб турган одамлару ва на оёқларидан совуқ ўтиб кетган шогирдларининг «бозиллаган сандал» ҳақидаги қочиримларини фаҳмларди. Унинг хаёли эрта-индин бу ерда қазиладиган мадраса пойдеворида эди.

— Ҳо-о-й, уста, дунёга неча марта келмоқчисиз? — эрта билан наридан-бери кийиниб, асбобларини кўтариб кўчага чиқиб кетаётган Меъморга хотини Маъсума бека гап қотди: — Бугун — жума... Бошқа чолларга ўхшаб тоат-ибодатингизни қилиб, худо деб ўтирсангиз бўлмайдимми?!

— Яна тилимни қичитяпсан-а!

— Бу мадрасани ҳам қуриб берарсиз... Бошингиздан тилла сочишар... Ахир, менинг ҳам тилим қичийди-да, ҳақиқатни айтмай иложим йўқ! Қариган чофингизда кўчаларда йиқилиб қолсангиз нима қиламан!

— Итнинг ўлигидек чўзилиб қоласан демоқчисанда, а? — деди Меъмор бир лаҳза ҳовлида тўхтаб. — Аммо сен шуни эсингдан чиқармагинки, бошимдан тилло сочадилар, деб иморат қураётганим йўқ! Ҳамма вақт кунимиз шу! Сен, нодон хотин менинг мулк орттириш ниятида югуриб-елмаётганимни билсанг ҳам гапирасан-а! Ё қудратингдан, э худо! Оғиз деганни

гапга чиқарган деб, қақшайверасанми?! Гапирганинг билан йўлимдан қолармидим! Хотин деганни худо мунча кам ақл қилиб яратди экан!

— Э, билганингизни қилинг, чол! Сизга гап тушунтириб бўладими! Сиз Афлотуну Арастусиз, сизга ақл ўргатиб бўлмайди! Бухоронинг эгалари Ҳожи Муҳаммад Порсо ҳазратлари ҳам сизчалик жонини жабборга бераётгани йўқ!

— Ҳа, балли! Ана энди ўзингга келдинг! Агар сен кеча жабру жафолар чекмаган бўлганингда мана шу қўлимдаги тешам билан бошингга бир тушириб, миянгни мажақлаб ташлардим!

— Боринг, чикиб кетаверинг, — деди Маъсума бека ҳам аччиқланиб. Чолнинг яна қаттиқ ўжарлиги тутиб, кўзлари ола-кула бўлаётганидан, эски «қобус» дарди тутиб қолаётганга ўхшайди. Қора совуқда дилдираб, шамоллаб касал бўлиб келса яна азобини тортиш ва айниқса Хиротда шунча югуриб-елиб қилган ишларини бир пақирга олмаганликлари, ҳозир Маъсума бека тилига куч бериб қақшатган эди. Чолнинг йўлидан қайтмаслигини пайқаган Маъсума бека илжайгандай бўлиб, ошхонага кириб кетди.

Меъмор ҳовли ўртасида серрайиб қолди. Ҳозирок хотини кетидан ошхонага кириб, бошлаб сўқиб чиксамикан? У бу ишдан фойда йўқлигини пайқаб, ўзини тутиб, индамай кўчага чиқиб кетди. Чунки Деггаронда уни икки шогирди кутиб турган эди. Хотинининг аччиқ сўзини йўл-йўлакай ўйлаб келди: «Дунёга неча марта келмоқчисиз, дейди-я! Уч марта келмоқчиман! Билдингми? Уч марта! — Чол яна ғазабланиб, ўзига ўзи дерди: — Бир марта келиб, мана бу мадрасани қураман. У битгандан сўнг, яна бир келгандек бўлман! Мен дунёга қайта-қайта келавераман! Сен нодон нодонлигингча қолаверасан!»

Қор ҳам ҳаловат экан, эртасидан бошлаб қаттиқ қора совуқ бошланди. Кексалар «туф» деса тупук қотадиган бундоқ қаҳратон кишининг бундан ўттиз йил илгари бўлганини айтишарди. Бунақа совуқ Бухорода камдан-кам бўлади. Одамлар уй-уйларига кириб кетишган. Оёғи ачиб, устод ёнида юрган Зулфиқор бундан бир неча йил муқаддам Хиротга борганида сув сепилиб, яхлатиб қўйилган ертўлага эрталаб-

гача қамаб қўйилганини эслади. Шу лаҳза унинг совқотиб кетаётган оёқлари исиб кета бошлади, у негадир совқотмай, Меъмор кетидан эргашиб юраверди. Аммо очик майдонда, катта харсангтошлар ёнида юрган Меъмор тез-тез бошидан қалпоғини олиб, бўйини қашиши, қулоғига қўйган қамиш қаламни сиёхга ботиришини кўриб турган Зулфиқор устодига қалпоқни бошдан олмасликни, ҳаво жуда совуклигини айтди. Меъмор мулојимлик билан «Ҳа, дарвоқе», деб қўя қолди. Зулфиқор хаёлидан Дашти Қипчоқда боши шамоллашдан қазоси етган Амир Темур воқеаси ўтди...

Бухоро усталаридан бири Деггарон маҳалласида корфармо маҳкамаси учун вақтинчалик ижарага олинган ховлида, кўпчилик ичида: «Шу ишни баҳорга қолдирилса маъқул бўлмасмиди?» — деган гапни айтди. Ер қаттиқ музлаган, қиру ганчхок қориш машаққат, деб ўз фикрини исботлагандек бўлди. Маслаҳат мажлисида, хона тўрида ўтирган Меъмор ялт этиб у одамга қаради. Бир нима демадию, аммо унга бир лаҳза тикилиб хаёлга чўмди. Меъморнинг зардаси қайнаб кетади, хаёл қилиб турган Заврак Нишопурий хоҳласа-хоҳламаса бирдан гапириб юборди:

— Жаноб, ернинг фақат тўрт энлик юзи музлаган, таги юмшоқ.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Заврак Нишопурий яна гап қотди:

— Корфармо жанобларининг хабар беришларича, Самарқандда мадрасани бошлаш ва тугаллаш муддати аниқ айтилган, уни тезроқ тугаллашни Меъмор ҳазратларидан илтимос қилинган. Биз, усталар совукдан қўрқмай Меъмор ҳазратлари нима десалар, шунга рози бўлмоғимиз шарт. Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир!

Бухорога келиб, Зулфиқор билан Завракка «уста» деган унвон берилди. Улар мустақил иш қилишлари мумкин эди. Бу усталик «тахсили»ни Меъмор, уста Нусрат, меъмор Исфаҳонийлар берган эди. Аммо Заврагу Зулфиқор ҳеч қачон устод ёнидан кетмаслик ва у зотга шогирдликни давом эттираверишга аҳд қилишган эди. Бухорога келгандан сўнг Заврак Нишопурий Меъмор номига «ҳазрат» сўзини қўшиб атай бошлади. Агар бундан кўра ҳам улурроқ ном бўлса, у билан

атарди. Унинг фикрича, Ҳожи Муҳаммад Порсою амир-зодалар эмас, бу зот «ҳазрат» эканлигини ўзига яқин кишиларга айтарди.

Меъмор бу гапларга индамади. Кейин яна ўз ишида давом этди — хонтахта устига ёзиб қўйилган лойиха бўйича усталарга гап тушунтира кетди.

Эртасига эрта билан пойдевор қазиш бошланди. Меъмор режасидан ҳеч ким чеккага чиқолмади; уч юздан ортиқ мардикор азамат йигитлар ер ўйишга тушиб кетишди. Улар тепасида усталар туришарди. Лойихага биноан, ер қазиш ўн бир бўлакка бўлиниб, ўн бир уста ўз одамлари билан иш олиб борарди. Меъмор корфармо билан ерга ташланган ёғочлар устида — мадраса олди, дарвозаю гулчамбарлар пойдевори қазилаётган ерда туришарди. Баъзи кишилар араваларда ташиб олиб келинаётган харсангтошларни уриб икки, учга бўлишарди. Баъзилар оби ғишларни синдирмай аравадан тушириб текис ерларга тахлашарди, Меъмор, корфармодан бўлак ҳамма ишга тушиб кетган. Қўл қовуштириб ўтирадиганларни Меъмор ёмон кўришини билганлар бир лаҳза тинмай ишлашарди. Бу қандайдир ҳайиқиш, ишдан ҳайдаб юборишдан кўрқиш эмас, балки нуроний чолнинг салобати босиб ишлашарди. Ҳамма ёқдан йиғилиб келган мардикорлар орасида «Нажмиддин Бухорий ҳазрат»нинг донғи тарқалиб, бу алломаи замонга ишлаб туриб, узокдан дамо-дам қараб қўйишарди ҳам.

Кечкурун Меъмор корфармо Исмоил Исфохоний, уста Нусрат, куёви Зулфиқор билан хайр-хўшлашиб, Заврак ёнида, ўз ҳовлисига қайтиб келди. Йўл-йўлаккай кечаги маслаҳат мажлисидаги бир устанинг «шу ишни баҳорга қўйсақ бўлмасмиди?» деган гапи хаёлини чулғаб олган эди. Меъмор чарчаган пайтида камгап ва умуман, индамай қолишини биладиган Заврак устодининг то Намозгоҳ маҳалласига етиб келгунча индамаганига таажжубланмади. Бу одатий бир ҳол эканини биларди. Йўқ, аслида Меъмор бошида фикрлар талоши авжга минган эди. «Шу ишни кўкламга қўйса бўлмасмиди? Бўлади! — деди Меъмор гўё рўпарасида ўша одам тургандай, — бўлади, нега бўлмайди! Сиз учун бу мумкин! Аммо мен учун, бу мумкин эмас. Мен кўкламни кутиб ётадиганлардан эмасман!

Менга ишлаган вақтимнинг ўзи кўклам! Ўша кўклам мени кутсин!»

Бухоро шахрининг ҳар ерида турли қурилишлар бошланиб кетди. Уларнинг энг йириги ва ҳатто мўғул истилосидан кейинги энг улкани Улуғбек мадрасаси эди. Меъмор Нажмиддин Бухорийнинг бевосита таклифи билан уста Ҳасанбек, Ҳусайнбеклар, кулол, кошинпаз Абутолиблар ишга тушиб кетишди. Меъмор ёнида Зулфиқору Заврак ҳамда корфармо Исмоил Исфаҳоний шай турарди. Меъмор бу мадраса алоҳида кўрку хуснга эга бўлади, деб Абутолиб ва Абуалиларга ҳозирданок ложувард зард кошинларни ясаб, пиширавериш лозимлигини айтган. Нома ёзиб, Косондан уста Обид ва уста Худойберганларни ҳам чақирди. Улуғбек мадрасаси қурилаётганини эшитиб, Қаршидан нажжор Абдулазиз Намангоний ва бошқалар ҳам етиб келишди. Бадиа билан Зулфиқор Тошканддан бошлаб келган уста Қудрат, уста Исмаил, уста Ҳикматлар оғалари уста Нусрат билан бирга ишга тушиб кетишди. Бухоро шаҳри атрофидаги ўнга яқин хумдонларда гишт пиширилди. Уба ва Қарнобдан қуму тошлар келтирилди. Шаҳардаги энг яхши сангтарошлар, наққошу ганч усталари бевосита Исфаҳоний ташаббуси билан бу ерга жалб этилди. Бошқа ердаги қурилишларга нисбатан бунда иш ҳақи кўпроқ тўланарди. Устолардан ташқари бу ерга оқиб келаётган мардикорларнинг ҳам саноғи йўқ.

Мадраса қурилишининг пойдевори қўйилиб, гишт терила бошлаганида, Фаввос Муҳаммад Ҳирӣ ҳам етиб келиб қолди. Бу гапни эшитган Фаввос Ҳиротда ортиқ туролмай яна халтачасини ақчага тўлдирган эди. «Мени чол бўлиб, алжиб қолди деб ўйлабмидингиз, йўқ, мен чинакам мадрасани энди қураман», дегандек, Меъмор унинг кўз олдида мағрур турарди. Меъмор Фаввосни илиқ кутиб олиб, яна ўз қаноти остига олди. «Мен ҳам, онангиз ҳам бу хабарни эшитганингиз ҳамон Ҳиротда туролмай қоласиз, деб ўйлаган эдик. Шунча йўл юриб, бизга тирак бўлмоқ ниятида келганингиздан ғоятда миннатдорман», деди Меъмор Фаввос Муҳаммаднинг елкасига қоқиб.

Фаввос Муҳаммаднинг гапига қараганда, бир қўл, бир оёғи шол бўлиб қолган Аҳмад Чалабий кейинги

пайтларда Ҳирот четидаги рофизийлар маҳалласига кўчибди. У аввал таносил дардига мубтало бўлиб, кўз жияклари, лаблари, бурун учлари яллиғланиб, яра бўлиб юрар экан. Анча ирганчиқ ва искирт бўлиб қолган Аҳмад Чалабийдан таниш-билишлари ўзларини четга тортган. Аҳмад Чалабийнинг дарди кейинчалик ўзгариб, башаралари кизариб, ола-була бўлиб қолган... Унинг корфармо бўлиб олиши ҳам қиморга боғлиқ экан... У яқинда ўлибди.

Ҳиротлик, тошкандлик, самарқандлик, бухоролик ҳамма уста ошнолари яна Меъмор атрофига тўпланишди.

Бадианинг таъбирича, сочилган дурлар қайта тўпланди... Шу киш ойларида Хуросондан катта қарвон билан келган савдогарлар орасида Ҳорунбек ҳам бўлиб, у Талаба Фармон кал, Али мешкобчиларни ҳам бошлаб олиб келибди. Улар Меъморнинг Бухорода яна мавқеи барқарор бўлганини эшитиб, хурсандликларидан бир муддатга ҳашарга келишибди. Улар эл кўзига мардикор бўлиб ишлаётган бўлсалар-да, аслида Меъмор ёнида эканликлари, садоқату эътиқодлари илгаригидай мустаҳкам экани, қатл этилган бир Низомиддин — юз Низомиддин бўлганини билдирмоқчи бўлардилар. Уларни Меъмор оиласидан бўлак ҳеч ким танимасди. Ўзларини бошқаларга маълум қилмасликни Меъмордан ҳам, Завраку, Зулфиқору Бадиадан ҳам илтимос қилишган эди.

— Уста, сиз бизнинг суянган тоғимизсиз, — деди ёлғиз турган Меъморга Ҳорунбек бир куни. — Сиз бизнинг қаторимизда туриб, золимларга қилич кўтармасангиз ҳам, бари бир ўзингизнинг олижаноб дилингиз, фуқаропарварлигингиз билан бизнинг суянчимиз, тоғимизсиз, Фазлуллоҳ Астрободий, Саййид Имомиддин қатл этилди. Амир Қосим Анвар бадарга қилинди. Каклик ўз тоғини қандоқ яхши кўрса, биз ҳам Ҳирот деган қафасдан учиб, соғиниб, ўз «тоғимиз»га келдик. Бир муддат сиз ҳазратни зиёрат қилиб, соғ-саломатлигингизни кўриб, яна Хуросонга учиб кетамиз.

— Сизларни соғ-саломат кўрганимга юз қатла шуқур қиламан! Сизларни кўриб ўғлимни кўргандек бўлдим. Доимо саломат бўлинглар!

Аммо кейинчалик Ғаввос Муҳаммаднинг отасидан келган номада ёзилишича, баҳор ойларида Хуросонга қайтиб борган Ҳорунбек ва яна бир қанча одамлар ушланиб, осиб ўлдирилган. Бу одамлар ичида «Талаба» номи билан юрган Абдулрашидхон Ҳиравий, ўзларини «Саркарда» ва «Интиқом» деб юритган хуруфийлар — Қулмуҳаммадхон, Оллобердихон, ҳамда Али мешқобчи, Фармон кал ва Парфи сўтаклар ҳам бор экан. Сарой жарчилари «Маймана шаҳрида исён кўтарган Ҳорун бўзчи шериклари билан қўлга тушиб, осилди...» деган гапни бир ҳафта жар солган.

Бу гапни эшитган Меъмор бирдан бўшашиб, хомуш бўлиб қолди. У дуо ўқиб, ўлган ошнолари арвоҳига бағишлади. Шу кун ишга ҳам чиқолмади...

Баҳор кириши билан «Улуғбек Мирзонинг Бухорода кураётган мадрасаси» донғини эшитган устод Қавом ўғли билан бирга Бухорога келди. Бир ой мобайнида меъмор Нажмиддин Бухорийнинг азиз меҳмони бўлиб, ундан сўнг Самарқандга жўнаб кетишди. У Меъмор лойиҳасию ишнинг боришини кўриб, дўстига таҳсинлар ўқиди. Гарчи тилига чиқармаса ҳамки, дилида фарзанди қатлидан кейин руҳий тушкунликка тушиб, уйга тикилиб, ғам ичида ўлиб кетади, хаёл қилган устод Қавом Меъморнинг ғайрату шижоат билан, иштиёқу баланд руҳ билан иш олиб бораётганини кўриб таажжубланди. Ошнасига худодан мададу ривож тилади. Хўмрайиб юрган Худододбек катта мансабдор бир хонадонга куёв бўлганига қарамай, Зулфиқор қаршисида маъюс бош эгди. Аслида Зулфиқору Бадианинг бахтига ҳасад билан қараётган бўлсада, Бухоро унинг кўнглига ёқмаётганини айтиб, отасини бундан тезроқ кетишга кистади.

Ёз ойларида Бухорога келган Хўжа Юсуф Андугоний билан Жаъфар Табризийлар ҳам Меъморнинг азиз меҳмони бўлиб, мадраса қурилишини томоша қилишди. Бир муддат туриб, сўнгра улар ҳам Самарқандга жўнашди.

Меъмор Бухорийнинг илгариги қурилишларини тасвирлаганимиздек, бунда ҳам қизғин меҳнат жараёни бошланди. Мадрасанинг гиштин деворлари ҳамманинг кўзи олдида қад кўтара бошлади. Меъморнинг пар тўшакда ётиб оҳ-воҳ уришлари тугаб, нос чекишга

ҳам вақт тополмас, уни гоҳ лойиҳа устида, гоҳ ганҷ-хок қораётганлар ёнида, гоҳ гишт тераётганлар, гоҳ аравакашу нажжорлар орасида кўриш мумкин эди. Ҳамма ишлар Меъморга келиб туташган; ҳамма жойда бош-қош, ҳамма унинг маслаҳати билан иш қиларди.

Улуғбек мадрасаси жадаллик билан қурилаётган бир кўтаринки пайт эди.

Меъмор ҳеч қачон бунчалик ғайрат ва иштиёқ билан ишга киришмаган, уста Ҳасанбек, уста Обидлар буни кўриб ҳайратланишарди. Меъморнинг шижоати уларга ғайрат бағишларди.

Баъзан Бадиа ҳам овқат тайёрлаб, қайнатаси, отаси ва эрига қолдириб кетарди; Меъмор қизининг бунда пайдо бўлиб қолиши бухороликларга анча эриш туюлиб, ёш, келишган жувоннинг одамлар ичидан ўтиб, Зулфиқор ёнига бориши кўпларнинг гашини келтирарди. Гарчи Ҳиротда бу одат одамларнинг унча эътиборини тортмаса, ортиқча ўраниш одати бўлма-са-да, Бухоро бунга асло йўл қўймасди. Зулфиқор ўз онасию сингилларига: «хиротликлар эркинрок, кейинкейин жойига тушиб кетади, ҳайратланманглар», дерди. Бадиа бўлса, мадраса қурилишига бориб, отасининг ишларига аралашишдан асло тортинмас, бу мадрасанинг катта равоқларига кошин билан юлдузлар тасвири тушажаги, бунда Улуғбек Мирзо фармони билан йигит-қизлар ҳам илм олажаги... ҳақидаги гаплар унинг қулоғига етган. Отасининг янгидан бошланиб келаётган шаъну шавкати, кўтаринки руҳ Бадианинг яна илгаригидай шаддодлигини қўзғаб турарди. Қайнана, қайсингилларининг баъзи таажжубланишларига ҳам парво қилмасди. «Самарқанд шаҳрини мўғуллардан ҳимоя қилишда, сарбадорлар орасида эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам яроғ кўтариб кўчага чиққан бўлса, Сароймулк хоним, Гавҳаршод бегим давлатни идора қила олган бўлсалар... нечун мен ўз отамга қарашолмайман! Мен ҳамма бино қурилишларида аралашганман...» дерди.

- Ҳарқалай, бу шаддод қизнинг энди ўзини қўлга олиб, фақат ўз хонадонининг бекаси бўлишини бу ердагилар жуда-жуда истарди. Бухоро Хуросон эмаслигини ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилишарди.

Лекин энг муҳими — ғайрат ва иштиёқ билан меҳр қўйиб ишлаётган Меъморнинг Бухоро шаҳри ўртасида, Минораи Калоннинг шундоқ биқинидаги Деггарон маҳалласида кун сайин қад кўтараётган мадрасаси эди. Унинг кўз олдида кўркам равоқлар, ложувард кошинлар, беқиёс шарафалар ўзини кўрсата бошлаётган эди.

Иш қизғин кунларнинг бирида Меъмор билан уста Нусрат ўртага тушиб, Заврак билан қорақизни унаштириб қўйди. Меъмор бу икки ёшнинг никоҳ тўйини кечиктирмай, шу яқин кунларда ўтказишни тайинларди.

Бу воқеа ҳаммадан кўра Бадиани шод этди, у ўз оғасидан ҳам аъло кўрадиган Заврак Нишопурийнинг бахт топаётганидан ниҳоятда хурсанд эди.

XLII

ИЛОН ҚАСДИ

Жуфти ўлдирилган илон ўч олармиш...

Пайшанба кuni тушга яқин юпқа пишириб, мадраса қурилишига кетаётган Бадиани айланма тор кўча муюлишида турган довдирнамо бир бола тўхтатиб, Зулфиқор оға сизни мана бу ҳовлида кутяпти, деди. Бадиа аввал ҳайрон бўлиб болага қаради, Зулфиқорнинг номини эшитгач, рўпарасидаги очиқ эшик ёнига келиши билан қандайдир бир кучли қўл унинг оғзини маҳкам бекитиб, кучоқлаганча қоронғи бир хонага судраб кетди. Унинг баркашдаги юпқалари ҳам қоронғи далонга сочилди. Капалаги учиб кетган Бадиа нота ниш бир бадбашара одам рўпарасида турганини кўрди. У одам дарҳол эшикни қулфлаб, этиги қўнжидан пичокни суғуриб олди. Бадиа нимқоронғи хона охиридаги эшикка тисарилди; бу ланг очиқ эшик ҳовлига олиб чиқади, хаёл қилиб, қочди. Кетидан пичоқ ушлаган одам ҳам кирди. У хона гиштин бир қоронғи хужра бўлиб, ҳовлига очилган биттагина туйнуги бўлиб, чиқиб кетадиган биронта ҳам эшик ёки деразаси йўқ эди.

— Қўлга тушдингми? — деди одам пичоғини яр-

киратиб, эшикни гавдаси билан қоплаб. — Мени танимаяпсанми? Мен сени анча вақтдан бери пойлаб юрган эдим. Мен сенинг изингдан қанча ақча сарфлаб бу ерга ҳам келдим. Равоч сайлига изингдан чиқиб, сени ўғирлаб кетмоқчи бўлдим, аммо ошнам пичоқ еб ўлиб кетди. Мен сени кумда тутиб, олиб кетмоқчи эдим, аммо овчи тирандозлар менга халақит берди. Мана, изингдан Бухорога ҳам келдим... Аммо отанг сени ўз шогирдига берди... Мен сени ўн уч яшар вақтингдан яхши кўраман, ҳамма вақт сени кузатиб юрганман. Сенинг қилиқларинг, гапларинг, сенинг қошу кўзларинг... Мен Ҳиротдаги бир гўлаҳнинг ўғлиман, ортиқча давлатим йўқ, ақчам ҳам. Энди гап битта! Мен билан бир лаҳза бирга бўласан! Шунда умр бўйи омадсизлигимни ювиб юборган бўласан! Бир умрга сендан ризо бўламан. Мен сени деб неча ўлимга дучор бўлдим, азоб чекдим, ақчаларим кетди... Мен ҳозир мадраса қурилишида мардикор бўлиб ишляпман. Ҳиротда ҳам Аҳмад Чалабий жаноблари қўлида ишлаган эдим. Кел, Бадиа!

— Яқинлашма! — деди Бадиа ўрнидан туриб, ҳозироқ сапчишга тайёрланаётган ёввойи мушукдек. Унинг кўзлари катта очилиб, ҳужумга шайланди.

— Гапларимни тушунмадингми?

Бадиа миқ этмади.

— Гапир!

У яна тикилганча, ҳозироқ ҳужум бўлишини пойлаб миқ этмай тураверди.

— Бизнинг овозимизни ҳеч ким эшитмайди. Дод солсанг ҳам бу ердан овоз чиқмайди!

— Номард экансан!

— Нима десанг ҳам майли. Фақат...

— Ўлдиришинг мумкин, лекин ниятингга етолмайсан!

— Етаман! Агар сен ҳозироқ рози бўлмасанг, бу ерда қолиб кетасан! Бир-икки кундан кейин, бари бир сенинг номинг қора бўлади. Очикда юролмайсан! Отанг ҳам бу шармандаликка чидолмай ўлади. Офанг Низомиддиннинг ўлдирилиши — отангнинг номини қора қилган. Бу воқеа хонадонингизни эмас, динсиз амирзода Улуғбек қурдираётган мадрасани ҳам таққа тўхтатади. Одамлар тарқаб кетади, гишт хумдонлар совийди...

— Йўкол, аблах!

— Ўйлаб кўр, бекам! — деди ҳалиги одам нариги хонага ўтиб, йўлакда ерга сочилиб ётган юпқаларини баркаши билан Бадианинг олдига ташлаб, иккала эшикни ҳам кулфлаб ташқарига чиқиб кетди.

Бадиа шу турганча қотиб тураверди.

Нима бўлди ўзи? Оёқ остида, қопқон бор экану буни пайқамай қўлга тушиб ўтирибди-я! Бир қўлга тушдинг, ханжар ёрдам берди. Икки қўлга тушдинг, яна ўша ханжар қутқарди. Энди сени ким қутқаради? Ўлимдан ҳам шармандалик оғир. Ҳатто унинг сўйиб ташланган ҳолда бир ҳужрадан топиллиши — қандай дахшат! Зулфиқор бош кўтариб юролармикан?! Отаналари ҳам тамом бўлади. Дарҳақиқат, мадраса қурилиши ҳам тугайди. Наҳотки, бу газандани Аҳмад Чалабий йўллади экан? У Мирзо Улуғбекни ҳам динсизликда айбламоқда, демак, унинг ҳам душмани. Бу ерда катта гап бор... Яна отамнинг шўри. Мен нодон қизга, ялвиллаб юрма, бу ер сенга Ҳирот эмас, деб неча маротаба тайинлашган эди.

Мен нима иш қилиб қўйдим?

У атрофига, гиштин деворларга кўз югуртирди. Қалин деворнинг кичкина туйнугидан ховлига қаради, жимжитлик. Эшик ниҳоятда мустаҳкам, қалин ёғочлардан ясалиб, зулфинида каттакон қулф турарди. Эгалари кўчиб кетган ховлига ўхшарди.

Бадиа эшикнинг маҳкам қулфланганини кўргач, зах хонани яна бир айланиб, қўлга илинадиган бир нима кидирди. Бўйраю наमतдан бўлак ҳеч нима йўқ. Гиштин деворни титкилаб кўрди — девор метин. Ҳамма вақт нимчаси ичига тақиб қўядиган кичик ханжар ҳам йўқ. Келин бўлганидан сўнг бунақа ишларни йиғиштириб қўйган. Пичоқ олиб юришни, ўғил болаларга ўхшаб кийинишни Зулфиқор ёқтирмасди. У ёқтирмайдиган ишни қилмас, чунки азамат Зулфиқор уни ўз аслига — хотинлигига қайтарган эди... Бадиа кўрқув ичида яна ҳужрани айланиб чиқди; девор гиштларини жон-жаҳди билан тортди. Бўйра тагидан бир ховуч тупроқ йиғиб олиб, уй бурчагига қўйди. Туйнукдан ховлига қаради, ховли жимжит. Туйнук атрофини тимирскилай бошлади. У тирноқларининг қонаб кетганига ҳам қарамай, туйнук ёнида бир синик гишт парчасини кўчириб олди.

У хозир пичоқ ушлаган бадбашара одам унга ёпишиб наमतга босишини кутар, кўлидаги фишт парчаси билан мўлжалга уришга чоғланарди.

Бир муддатдан сўнг ўша одам яна кулфларни очиб, кўлида пичоқ, ичкарига кирди. Бадиа кўлидаги фиштни орқасига бекитди.

— Ўйлаб кўрдингми? Гапимга уна! Бир лахзадан кейин сени чиқариб юбораман...

Бадиа миқ этмай, ўкрайганча турарди.

— Кел энди, жаҳлингдан тушгандирсан. Хеч нима бўлмайди, бир лахза... Такдирга тан бериш керак. Гўзал бўлишнинг, шўх бўлишнинг мана шунақа томонлари ҳам бор, мен сени фақат кучоқлайман. Мен ҳам дунёга умид билан келганман. Орқангдан юриб шунча азоб чекдим, бир лахза мени хурсанд қилсанг, умримдан розиман. Мен сени қийнамайман, кела қол. Бир лахза мени подшоҳ қил, Бадиа!

— Яқинлашма!

— Ҳали шундокми? Бўпти! — у эшикларни кулфлаб яна ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича, кечгача кўринмади.

Уйда юпқа пишаётганини, ҳали замон Бадиа олиб келиб қолишини кутиб, деворда фишт тераётган Зулфиқор дамо-дам кўча томонга қараб кўярди. У отасини, устодни, Заврагу Фаввосни юпқа келишидан огоҳлантириб, бирга овқатланишажagini айтган эди. Вақт тушдан оғиб кетган, Заврак бетоқат, узокдан Зулфиқорга ишора қилиб, қорнини кўрсатди: «Пиёзнинг пўчоғи бўлиб кетди... Юпқа қачон келади?» «Бир оз сабр қилинг, ҳозир келади», деди Зулфиқор кўчадан кўз узмай. Бадиадан ва сингилларидан дарак бўлмагач, Зулфиқор ҳайрон бўлиб отасига қаради.

— Бетоқат бўлиб ўтиргандан кўра югуриб уйга бориб кела қолсанг бўлмайдим! — деди уста Нусрат ўғлига қараб. У терлаб-пишиб ганчхок ташлаб, фишт терар, ёнидаги фишт олиб бериб турган шогирдларни ҳам шошираётган эди. У ишни қўйиб, уйига жўнади. Келса, Бадиа йўқ.

Онаси унинг баркашга юпқа териб, олиб чиқиб кетганини айтди. Улар ҳайрон бўлишди. Қаёққа бориши мумкин?

— Кударайимизнинг ёнларига кетдимикин?

— Эҳтимол... — деди Зулфиқор хайрон бўлиб турган онасига тикилиб. — Мен югуриб бориб келай,— Зулфиқор шу лаҳза яна кўчага чикди. Атрофга аланглаганча жадал қадам ташлаб Намозгоҳ маҳалласига жўнади.

Эшикдан шошиб кириб келаётган Зулфиқорни кўрган Маъсума беканинг ранги ўчди. Зулфиқор ўзини қўлга олиб, салом-алиқдан кейин сўради:

— Бади келмадими?

— Йўқ! — деди айвонда ўзига тикилиб турган қайнанаси.

— Тушда юпқа қилиб, мадрасага олиб бораман, деб чиқиб кетган эканлар. Анча кутдик, келмадилар. Бу томонга, ўтдиларми, деб ўйлаган эдим.

— Йўқ, болам, келгани йўқ. Қаёққа кетган бўлиши мумкин?

— Эҳтимол, қўшнимизникига киргандир, — деди Зулфиқор, — хабар олай.

— Бунақа одати йўқ эди-ку? Наҳотки сизларни куттириб, қўшниникига кириб ўтирса! Тавба, бундай одати йўқ эди-ку?

— Мен яна хабар қиламан, — деди эшикдан чиқа туриб Зулфиқор.

— Албатта хабар қилинг! Мен кутиб ўтираман.

Зулфиқор кўчаларни айланиб, яна мадраса қурилишига келди. Давра қуриб чой ичиб ўтиришган Меймор ҳам, отаси ҳам, Заврак ҳам, Ҳасанбек-Ҳусайнбеклар ҳам, уста Обид ҳам... бу ерга келмаганини айтишди. Зулфиқор яна югурганича уйга келди.

— Борми? — жонҳолатда сўради кампир.

— Йўқ.

— Наузамбиллло!.. Ё қудратингдан! Қаёқда бўлиши мумкин?

Зулфиқорнинг ҳам, онасининг ҳам ранги ўчди.

— Билмасам! Унга ҳадеб кўчага чиқаверишни ким қўйган? Оч қолаётгани йўқ эди-ку! Укалари олиб бора қолса ҳам бўларди-ку! — Зулфиқор тутақа бошлади.

— Бир оз сабр қил, болам.

— Нимасини сабр қилади? Унинг бу ерда борадиган жойи йўқ! Қаерга боради?! У хали шаҳарни ҳам яхши билмайди!

— Сабр қил, келиб қолар.

Зулфиқор боши қотган, лаблари гезарган, секин пешайвон зинасига ўтирди.

— Қаёққа кетган бўлиши мумкин? Тавба!

У яна ўрнидан дик этиб туриб, мадраса қурилишига югурди. Чой ичаётганлар ўринларидан туриб, ишга тушиб кетишган эди. Девор тепасида турган Меъмор «Борми?» дегандек Зулфиқорга ишора қилди. Зулфиқор бош чайқади.

Ҳамма ҳайрон.

Кечгача Зулфиқор зир югурди, аммо ҳеч ерда Бадиа йўқ. Кечқурун Меъморнинг бетоқат бўлаётганини кўрган корфармо Исмоил Исфаҳоний унинг руҳсати билан отга миниб, ҳоким маҳкамасига жўнади. Мухим ишлар билан келган мансабдорларни дарҳол қабул қилишини билиб, муншига маълум қилди. Кўнгилсиз гапни эшитган маҳкама амалдорининг ўзиёқ шу лаҳза, ховлида шай турган олти отликни шаҳар дарвозаларини бекитиб, шубҳали кимсаларни ушлашни топширди. Отлик навкарлар чопганча, дарвозабонларга хабар қилгани жўнашди. Айниқса, Шайх Жалол ва Мозори Шариф дарвозаларига одам қўйиш кераклигини уқтириб, илгари ҳам шундай бир қиз олиб қочиш воқеаси бўлган, бу ишни бухороликлар қилмайди, қумдан келган қароқчилар қилади, деди маҳкама мирзоси. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ Тархон ҳазратлари номидан ясовулбоши раҳбарлигида Деггарон, Сўфиён, Заргарон, Равгангарон, Намозгоҳ маҳаллаларини тафтиш қилишни, хонадонларни ҳам тинтишни, қандай бўлмасин, Меъмор қизини тезда топиш кераклигини буюрди. «Сиз бориб дам олаверинг, бу иш учун ҳазрат ёнларига кириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, биз топмай қўймаймиз! — деб Исфаҳонийни тинчлантирди. — Қаёққа кетарди?!»

Исфаҳоний маҳкамадан чиқиб, Меъморникига келди.

Зулфиқор тун бўйи Бухоронинг у дарвозасидан бу дарвозасигача югурди. Ясовулбоши одамлари билан шубҳали ховлиларга кириб ҳам чиқишди. Бадиа ҳеч қаерда йўқ.

Эртасига Меъмор ишга чиқолмай, уйда ётиб қолди. Юраги ёмон бўлиб, юришга ҳам мажоли келмади.

Курилишда ишлаётган кишилар орасида парокандалик, ҳар хил миш-мишлар пайдо бўлиб, ишнинг мазаси қочаётганини сезган Меъмор хотини ва Заврақнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, тагин мадраса курилишига келди. У индамай, ўтган кунги ишни давом эттираверди. Пастда, деворлар устида ишлаётган одамлар Меъморга қараб қўйишар, у юрагида мислсиз алам билан гишт терарди. У кўп вақт лойиҳа чизиб, одамларга буйруқ ва маслаҳат бериб ўтирмай, ўзи бир ердан ишга тушиб кетарди. Дарвоза ва хонақоҳ тепасидаги гумбазларни, меҳроб равоқи гишталарини аксар ўзи қўярди. Меъморнинг миқ этмай ишлаётганини кўрган уста Нусрат, уста Обид, уста Худойберган, уста Ҳасанбек, Хусайнбеклар, шогирд ва мардикорлар ҳам миқ этмай ишлашарди...

Кеча кечкурун яна эшик очилиб, рўпарада ўша дахшатли башара пайдо бўлди: бир қўлида пичоқ, бир қўлида косада сув эди. У сувни Бадиага яқин ерга қўйди.

— Кел энди...

Бадиа миқ этмади.

— Бекорга нобуд бўлиб кетасан!

— Яқинлашма! Пичоқ уриб ўлдиришинг мумкин!

Бундан бошқа нарса қўлингдан келмайди.

— Нодон! Мен сени аллақачон чиқариб юборган бўлар эдим.

Бадиянинг кўзлари катта очилган, у ўзига ташланиб ражимоқчи бўлаётган қашқирни кузатиб турарди. У ниҳоятда чанқаб, лаблари қуриб кетган эди. Ўйламай ташланган бир кадам уни не ҳолга солиб қўйди? «Нега мен ўйламай-нетмай у йўлакка кирдим? Наҳотки мен шу даражада нодонман! Энг дахшатли пайтларда ҳам қон тўкиб бўлса ҳам қутулиб чиққан эдим-ку? Ихтиёриддин қалъасидан ҳам қутулиб чиққан эдим-ку? Наҳотки шу ҳужрада қопқонга тушиб шармандаларча ўлиб кетман!»

— Ётавер бўлмаса! Ана, сувни ич! — ҳалиги одам яна эшикларни қулфлаб чиқиб кетди.

Бадиа сувни ичмоқчи бўлдию дарҳол ўзини тўхтатди, сувга доруйи беҳуш қўшилган бўлса-чи? У сувни тўкиб юборди.

Туннинг ўрталарида эшик очилиб, бир кўлида шам, бир кўлида пичоқ билан яна ўша одам кирди.

Бадиа яна ўша ерда турганича индамай, хужумни кутди.

— Тўкиб юборибсан-ку, нодон! — у Бадиага бошдан-оёқ тикилди. Бадиа титрар, аммо ҳозирок қурбон бўлиб кетишга тайёр эканини, пичоқдан қўрмаётганини пайқаган ҳалиги киши дағдаға қилди. — Ётавер! Шу ерда чириб кетасан!

У яна ташқарига чиқиб, эшикларни қулфлади.

Тонг отганда бадбашара одам яна кирди. Яна ўша хол. Куннинг ўртасида, кечкурун ҳам аҳвол бир хил бўлаверди.

— Сен нима, шу ерда ўлиб кетасанми?

Бадиа индамади.

— Гапир!

— Мени чиқариб юбор!

— Сен менинг ошнамни ўлдиргансан!

— Ошнанг мени олиб қочмоқчи эди. Мен ўзимни қутқараман деб... Бу ишингдан наф чикмайди. Зўр келса пичоқ уриб ўлдирарсан. Агар ниятинг шу бўлса, ур пичоғингни!

— Ёш жонингни хазон қилма! Ота-онангга зомин бўласан...

Бадиа миқ этмади.

— Ётавер шу ерда! Сўзимга кирмадингми, ўзингдан кўр!

Бадиа миқ этмай тураверди.

У одам яна ташқарига чиқиб, эшикларни қулфлади. Ҳовлига чиқиб туйнук ёнига келди:

— Эшит! Агар гапимга кирсанг, мен сени Бухородан олиб чиқиб кетаман. Сен мени мардикор деб ўйлама, мен ҳам катта мансабдор кишининг ўғлиман... Ҳали тунда бу хонага каламушлар, жинлар келади.

Яна жимлик.

Номаълум одамнинг ховлидан чиқиб кетаётган шарпаси сезилди.

Холдан кетган Бадиа унинг қораси йўқолиши билан ерга ўтириб, деворга суянди. Беҳол бўлиб, чўзилиб қолмаслик учун ўзи пиширган юпқадан бирини олиб еди. Чўнқайиб ўтирганича яна тонг оттирди...

... Икки кундан бери югуриб, ҳолдан кетган Зулфиқор эрта билан яна уйдан чиқиб, Мозори Шариф, Шайх Жалол дарвозалари томон кетаётганида уйларида унча нари бўлмаган тор кўча муюлишида ўтирган девона бола уни тўхтатиб, қўли билан рўпарадаги бекик эшикни кўрсатди.

— Ажина, ажина... — деди у кўзларини ола-кула қилиб. Девона болага қўл силтаб, эътибор бермай шошиб кетаётган Зулфиқор анча нарироққа борганда тўхтаб, унга қайрилиб қаради:

— Ажина?

— Ҳа, ажина бор, — у тошга ўтирган жойидан туриб, бориб, эшикка қулоқ осди, — ана, ажина!

Зулфиқор ҳам бир муддат тўхтаб беихтиёр бориб, эшикка қулоқ осди. Ичкаридан хотин кишининг «Ким бор! Қутқаринглар!..» деган товуши секин эшитиларди. Зулфиқор эшикни итарди, зич танбалаган. У сакраб деворга, ундан томга чиқиб, ҳовлига тушди. Яна жим қулоқ осди. Чап томонда, кичик бир туйнукдан яна ўша овоз эшитиларди: «Қутқаринглар... қутқаринглар...» Зулфиқор югурганча бориб, эшикка ёпишди. Эшик зулфинига отнинг тақасидек қулф солинган. У жонҳолатда эшикни итариб, кесақиси билан бирга бузиб кирди. Иккинчи хона эшигини ҳам тепиб, бузилган эшик билан уриб, кесақларини бўшаштирди. У югуриб бориб уйдан тешами, болта олиб келишга ҳам сабри чидамай, киравериш эшикка тираб қўйилган танба ёғоч билан бир неча бор уриб, ичкари эшикни ҳам қулатди. Ярим қоронғи хонага кирди. Унинг рўпарасида виштин деворга суяниб, қўлида вишт парчаси ушлаб турган Бадиа Зулфиқорга тикилиб қараб қолди. Зулфиқор ерда ётган баркашу юпқаларга, ундан сўнг телбасифат, кўзларини ола-кула қилиб турган Бадиага тикилди:

— Нима бўлди?

Бадиа индамади.

Зулфиқор бориб Бадиани кўтариб олди. Ўзини аранг тутиб турган Бадианинг қўлидаги вишт ерга тушиб кетди. У Бадиани кўтарганча, қоронғи хоналардан зинғиллаб борарди. У то уйга етиб олгунча ўша девона бола билан яна бир хотин кўрди. Бадиани ўз хонасига олиб кириб ётқизиб қўйди. У сув

сўради. Бадиа сувни ичиб, беҳол Зулфиқорга қаради: «Чалабий кишилари» дедию ҳушидан кетди. Зулфиқор Бадианинг олдига онасини, сингилларини қолдириб, табибга, шунақаси мадрасага бориб, устодга, отасига, ундан сўнг, Намозгоҳга югуриб, «оҳ-воҳ» қилиб ётган Маъсума бекага хабар етказди.

Орадан бир муддат ўтмасданок ҳамма қариндошу кадронлар Бадиа топилганини эшитиб, Зулфиқорларникига югуришди. Корфармо Исфаҳоний орқали хабар топган ясовулбоши от чоптириб келиб, ўша уйга бостириб кирди. Уй эгасини қидиртиришди.

Тушга бориб кўзини очган Бадиа ҳамма гапни Зулфиқорга айтиб берди. Машъум ниятига етолмаган одам асли хуросонлик бўлиб, отасининг душмани Аҳмад Чалабийнинг одами экани, Меъморнинг қўлини ишдан совутиб, оху надомат билан ўлиб кетишини кўзлаб, анчадан буён Бадианинг изига тушгани маълум бўлди.

Маҳкамадан: «Қизил чопон, иягида ямоғи бўр, япасқи бурунлик, ўттиз-ўттиз бешларга кирган одам қайси дарвозадан чиқиб кетишга ҳаракат қилса, ушлансин! Чиқиб кетаётган карвонлар ҳам пухта тафтиш этилсин!» деган фармон берилди. Ўша тор кўчада юрадиган девона бола ҳам маҳкамага олиб келиниб тафтиш этилди. Уй эгаси Галаосиёда тегирмончилик қилаётганини аниқлаб, у томонга одам юборилди.

Бир ҳафта ичида ҳаммаёқ қидирилиб, тафтиш этилди. Аммо «Чалабий одами» ҳеч қаердан топилмади.

У учинчи кунёқ шаҳарда отлиқ ясовуллар тинтув қилаётганини сезиб, Қарши дарвозасидан эшакда чиқиб кетаётган шу атрофлик дехқонлар орасида Қоровулбозор томон жўнаган эди.

Шу кунлари, Меъморнинг янги мадраса қуришга киришганини эшитган ҳожи табиб атай Меъморни кўргани Бухорога келган эди. Бу воқеа устидан чиқиб, Меъморнинг илтимоси билан уста Нусратникига келиб, Бадиани кўрди. У ҳар куни икки маҳал келиб, Бадиани даволай бошлади.

Хуросонлик мансабдор шахсларнинг Мовароуннаҳрга тумшук тикиб душманлик қилаётгани Шоҳ Малик тархон орқали Самарқандга, Мирзо Улуғбек қулоғига етказилди. «Меъмор кизининг йўқолиши»дан ташқа-

ри яна бир неча шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар со-
дир бўлган эди. Айниқса, Ҳожи Муҳаммад Порсо
ҳазратлари ва аҳли уламнинг фуқаро орасида эъти-
бори ниҳоятда кучайиб, маҳкама фармонлари эмас,
шайхулислом сўзларига қулоқ солаётганликлари Са-
марқандга етиб борган. Бу ишларда узокдаги ўз ука-
си Иброҳим Султон кишиларининг қўли борлиги маъ-
лум бўлди.

— Хайрият, худо бир асради, — деди Меъмор
Бадиани кўргани келганида, кўрпачада Ҳожи табиб
билан бақамти ўтириб, — бўлмаса сен икки амирзо-
да фитнасининг қурбони бўлиб кетардинг. Амирзода-
лар тахт талашиб, саройда фитнани авж олдирадилар
ва лекин унинг азобини фуқаро тортади. Шундоқ
эмасми, Абдуласад Ҳожи?

— Худди шундоқ, — деди табиб, — Қарши беги
асли кешлик бўлиб, ота-боболари сарбоз ўтган. Улар
Иброҳим Султонни маъқул кўришади, улар салтанат-
ни илм билан эмас, қилич билан кенгайтирмоқчи
бўладилар. Улуғбек Мирзо рўйи заминда қанча ша-
ҳарлар туриб, фалакка тикилиб ўтирибдилар, дейи-
шади. Бекнинг ўшандаги қилган ноинсофлигидан қат-
тиқ ранжидим. Кела туриб, бир муддат Чўли бобо
сардобасида тўхтадим. Сиз ҳазратни дуо қилмаган
чўпон йўқ. Сардоба қад кўтариб турибди.

— Бухоро Ҳирот эмас, кизим. Бу ерда очилиб-
сочилиб, явиллаб юриб бўлмайди. Бу ернинг феъли
менга маълум; сенга неча маротаба айтган эдим. Мана,
оқибат!

— Хайрият, худо бир асради, — деди Ҳожи табиб.

— Сизни кўзлаган одамлар бор экан, — деди
Бадиа, — ўша Чалабий... Уни ўлди, дейишган эди-
ку?

— Чалабий бўлмаса бошқалари бор. Улар мени
ўлдиришлари мумкин. Бу жуда осон. Аммо улар ме-
нинг илдиз-томирларимни узиб, секин-аста қуритмоқ-
чи. Шу йўл билан мени: «у меъмор эмас, шунчаки
жўн одам эди. Мана, Бухорода мадраса қурмоқчи
бўлди, қурби етмай, иш бузилди. Ҳиротдагини меъ-
морлар меъмори устод Қавом раҳбарлигида, Аҳмад
Чалабий кўмагида қурган эди...» деб гап тарқатмоқчи
бўлганлар. Бу йўл билан илмпарвар Мирзо Улуғбек-

ни ҳам «бизга ўхшаган шубҳалик» одамлардан ҳазар қилишга чақирмоқчилар. Ҳали жанг тугагани йўқ. Мен тирик эканман, жанг тугамайди. Жон қизим, энди ўзингга эҳтиёт бўл, кўчаларга кўп чикма!

Бадиа хўп, дегандай бош кимирлатди. Лекин эртасига хонада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, чиройли бахмал нимчаси ёнига латтадан билинмайдиган кичик филофча тикиб, сандиқнинг бир чеккасида ётган кичкина ханжарини солиб қўйди. Бу ишни ҳеч ким билмайди, деб ўйлади. Дарҳақиқат, уста Нусрат хонадонида бу ишни ҳеч ким билмади. Фақат Зулфиқор сездию, ўзини билмаганликка солди.

— Қўлингга гишт бўлмаганда, қароқчи бир-икки мушт урганда, нима бўларди? — деди Зулфиқор тунда Бадиага тикилиб.

— Фақат ўша уйда ўлигим қоларди.

— Ҳиротда ҳам хушторларинг бор эди.

— Ҳа, мана! — деди у қўли билан Зулфиқорнинг ўзини кўрсатиб.

Улар эру хотин Чўли бобо берган каттакон почапўстин устида бир-бирларига хумор кўзларини тикиб, талпинишар эди...

XLIII б о б

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Қанча йиллар ўтиб кетди...

Талон-тарож, босди-босдилар товсилиб, Самарқанд ёнида Бухоронинг ҳам бир қадар осойишта тургани туфайли йиллар тез кечаётгандай туюлар эди. Мана орадан қанча йиллар кечибди, Меъморнинг икки невараси ва бир эвараси бор. Катта невараси Меъморбек, бобо касбини давом эттирди. Яқинда у ҳам уйланиб, ўғил кўрди. Ўғлига тоғаси — Низомиддиннинг номини қўйишди. Иккинчи невара қиз бўлиб, унга бир кам тўқсонга кириб ўтирган бувисси — Маъсума беканинг исмини қўйишди. Меъмор қариб, мункиллаб юрибди. Унинг қадрдон дўстларидан биргина Ҳусайнбекдан ташқари ҳаммалари соф-саломат.

Меъмор қариб қолганига қарамай, уни зарбоф чопонларга ўраб, араваларда катта маъракаларга олиб боришар, унинг бир оғиз сўзию маслаҳатига умидвор кишилар Бухорода тўлиб ётарди. У пиру бадавлат қариди, шаҳарнинг улуғлари — ҳоким қушбегию шайхулислому Жоме масжида имомию ҳамма казо-казолар улуғ хамшаҳарлари Меъморни бениҳоя ҳурмат қиладилар. Кечмишлари кўп аламли бўлган, донишманд Меъмор Мирзо Улуғбек даврида қад кўтариб, фуқарою салтанат эҳтиромига сазовор бўлди. Унинг амали бўлмиш Мирзо Улуғбек мадрасасида таҳсил кўрган қанча талабаю муллаваччалар Меъморни яхши билишар, Бухоронинг кўрки ва энг гавжум ерларидан бири бўлган Улуғбек мадрасаси ярқираб турар эди. Меҳнат билан қаригани сабаблими, ҳар жума Меъмор қўлида ҳасса, пиёда битта-битта қадам ташлаб Жоме масжидига келарди. Унинг келаётганини кўриб, ёшлар, қариялар югуриб эшикдан чиқишар, янги гиламу шолчаларини Меъморнинг оёғи остига ташлашарди, унинг шу қаторлашиб қолган гиламлар устидан босиб ўтишини, кўтариб чиқишган гўдақларига бир қараб ёки унинг бошига қўл тегизиб, силаб ўтишини исташарди. Бизнинг фарзандимиз ҳам Меъмордек бўлсин, деб ирим қилишарди.

Нажмиддин Бухорий бўлса, Мовароуннаҳрда меъморчиликка, илму адабга, фалакиёт илмига равнақ берган жангу жадалларга ружу қилмаган, осойишталикни сақлаб турган Улуғбек Мирзо номини хутбага қўшиб ўқир, у темурийзодаларнинг энг адолатлиси дерди. У Улуғбек Мирзога ғоятда камоли эҳтиром билан қарарди. Унинг «Зижи Кўрагоний» жадвалию китоблари хонасининг тўрида турарди. Мамлакат ободлиги осойишталик, меъморчиликнинг тараққий этиб кетгани туфайли Зулфикору Бадиа, Заврағу Ғаввос, Ҳасанбеғу Абутолиблар ҳам Меъмор каби ўз нияту орзуларига етгандек, Бухорою Самарқандни дунёдаги энг адолатли шаҳар, деб ҳисоблардилар...

Аммо шу йиллари Мовароуннаҳрда ва унинг пойтахти — Самарқандда нима гаплар бўлмоқда, баъзилар билиб, баъзилар билмасди.

Гап шу ерга етганда, хурматли китобхон, Сизнинг диққатингизни яна тарихий саналарга тортаман:

... Улуғбек Мирзо билан Дашти Қипчоқ ҳокими Бароқхон ўртасидаги муносабатлар тез орада бузилди. Бароқхон мустақил хон бўлишга ҳаракат қилиб, ўша вақтда муҳим савдо шаҳари ҳисобланган Сивнок, Сирдарё бўйидаги ерларни даъво қилиб чиқди. Бароқхон Сивнок шаҳри унинг бобоси Ўрусхон қўлида бўлиб келганлигини ва бу шаҳарни бобоси обод қилганлигини даъвоси учун асосий важ қилиб кўрсатди.

Бунга жавобан Улуғбек Сирдарё бўйида яшовчи кўчманчи Дашти Қипчоққа қарши юриш бошлади, унинг қўшинига укаси Муҳаммад Жўқийнинг навқарлари ҳам келиб қўшилди. Юриш Улуғбек Мирзо қўшинининг тор-мор бўлиши билан тугади. Бу мағлубиятдан кейин Улуғбек Самарқанд тахтидан ва Мовароуннахр ҳукмронлигидан ажралишига сал қолди. У юзи шувут бўлиб пойтахтга қайтиб келганида, душманлари бўлмиш руҳонийларнинг фитнаси билан шаҳарда унга қарши ҳаракат бошланади. Мутаассиб руҳонийлар шаҳар дарвозасини беркитиб, Улуғбекни пойтахтга киритмасликни талаб қиладилар. Бу мағлубият Улуғбекка шу қадар ёмон таъсир этадики, то отаси вафотига қадар ва ҳатто қипчоқлар хужум қилган пайтларида ҳам уларга қарши ҳеч қандай юриш қилмайди.

Шоҳрухнинг вафот этиши билан Хуросонда ва Мовароуннахрда тўполонлар бошланиб кетди. Гавҳаршод бегим невараси Алауддавлани Темур тахтига ўтказиш ниятида бўлса ҳам, бироқ бу ниятни очиқ айтолмади, чунки одатга кўра бу тахтга Шоҳрухнинг катта ўғли Улуғбек ўтириши керак эди. Улуғбек Мирзо Хуросон тахтини босиб олмоқчи эканини ҳеч кимдан яширмади. Жуда мушкул бир пайт эди. Гавҳаршод бегим Улуғбек Мирзо билан аччиғлашиб, лашкарга сардорлик қилишни Улуғбекнинг ўғли Абдулатифга топширди. Орани бузмасликнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Чунки Улуғбекка қарши, Алауддавла билан Абулқосим Бобир (бу ҳам Бойсунқурнинг ўғли) ўзича ҳарбий ҳаракат бошла-

дилар. Алауддавла Машхадни, Абулқосим Бобир эса Мозандаронни босиб олди.

Алауддавла Абдулатиф кўшинини тор-мор келтириб, ўзини асир олди ва Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйди. Улуғбек ўз ўглининг қурбон бўлишини истамай, Алауддавлага ярашишни таклиф қилди. Алауддавла бу таклифни қабул этди, чунки ҳеч кимга бўйсунмай қўйган укаси Абулқосим Бобир Ҳиротни босиб олиши мумкин эди. Тузилган битимга кўра Абдулатиф Самарқандга юборилди. Улуғбек эса Ҳиротга ва Хуросонга қилган даъволаридан воз кечди.

Шартноманинг қайси бир моддаси бузилганлигини важ қилиб, Улуғбек 1448 йилда Абдулатиф билан биргаликда яна уруш ҳаракатларини бошлади. Ҳиротдан 14 фарсах нарида, Тарноб деган жойда Алауддаланинг кўшини тор-мор келтирилди ва Улуғбек Мирзо ўғли билан бирга Ҳиротга киради. Хуросоннинг босиб олинишига амирларнинг исёни ва Абулхайрхон бошчилигида кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳрга бостириб киришлари халақит берди... Улуғбекнинг Хуросонга юриши Самарқанд ҳокими ҳаётида бурилиш нуқтаси ва унинг шуҳратпараст ўғли Абдулатиф билан душманлигининг бошланиши бўлди. Манбаларда ёзилишича, Тарноб ёнидаги жанг вақтида Улуғбек Мирзо адолатсизлик қилиб, ғалабани ҳақли равишда иш кўрсатган Абдулатиф номидан эмас, балки иккинчи ўғли Абдулазиз номидан эълон қилган. Абдулатиф Шоҳруҳ даврида ҳурматда ва шуҳратда яшаган эди. Ота билан ўғли ўртасидаги бундай совуқ муносабатларнинг вужудга келишига қора кучлар сабаб бўлди, албатта. Улуғбек Абдулатифни Ҳиротнинг беги қилиб қолдириб, аҳолига бу шаҳар ва вилоят Темур даврида бўлганидек яна кичик беклигича қолади, деб кўрсатди. Ҳазабланган Абдулатиф отасининг душманлари билан яширин тил бириктирди. Отасининг қийин аҳволда қолганини пайқаб, унга қарши уруш бошламоқ учун қулай фурсатни кутди. Абдулатиф ўз беклигида «тамға»ни, яъни савдо-сотикдан олинадиган йиғинни бекор қилди. Улуғбек Ҳиндистонга борадиган савдо йўли ўтган Балхдаги бу йиғинга катта эътибор берарди. Давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолмоқ

учун ўзининг исёнкор ва маккор ўғлига қарши юриш қилишдан бошқа иложи қолмади. У иккинчи ўғли Абдулазизни Самарқандда ноиб қилиб қолдирди. Аммо Абдулазиз Улуғбек қўшинидаги амирларнинг оилаларига нисбатан зўрлик сиёсатини юргизди ва бу эса пойтахтда катта норозиликка сабаб бўлди. Ҳазорат Абдулазиз Улуғбекни Абдулатиф қўлига топширмоқчи бўлдилар.

Кейинчалик Абдулатиф қўшинига қарши Жайхун бўйида лашкар тузиб турган Улуғбек Самарқандда тартиб ўрнатиш учун пойтахтга қайтади ва Самарқандда Мироншоҳ қавчинни ноиб қилиб қолдириб, яна юришга чиқади. Бу вақтда Абдулатиф Амударёдан ўтиб Термизни босиб олади ва йўл-йўлакай Шахрисабзни қўлга олиб, Самарқандга қараб йўл олади. Куз кунларида Самарқандга яқин Дамашқ деган қишлоқ яқинида қаттиқ жанг бўлади ва жангда Абдулатиф ғолиб чиқади. Самарқанд амири Мироншоҳ шаҳар дарвозаларини беркиттириб Улуғбекни шаҳарга қўймайди... У Шохруҳияга ҳам киролмайди ва Абдулатифга таслим бўлишга мажбур бўлади. Абдулатиф отаси устидан яширин суд уюштириб, ўзи суднинг чиқарган қароридан «четда туради» — ҳақиқатда эса милодий ҳисоби билан 1449 йилнинг 27 октябрида отасининг ўлдирилишини уюштиради. Орадан бир неча кун ўтгач, Абдулатиф ўз укаси Абдулазиз ва Улуғбекка содиқ бўлган амирларни ўлдиртириб, темурийлар тож-тахтини эгаллайди. Ўзаро тож-тахт талашлари Абдулатифни ёвуз инсонга, отасининг қотилига айлантиради. Абдулатифнинг қисқа муддатли ҳукмронлиги даврида қора дарвешчилик катта имкониятга эга бўлди. Янги ҳукумат расмий мусулмон руҳонийларининг ашаддий қисми орасида ўзига мустаҳкам таянч топганидек, бу дарвешлар ҳам уни қўллаб-қувватладилар. Ўз отасини ўлдирган қотил ҳукмдорни халқ ҳам, зодагонлар ҳам жуда ёмон кўрардилар, бу эса ўтакетган шуҳратпараст Абдулатифнинг жиғига тегар ва андаккина бўйин товлаган кимсаларни қаттиқ жазоларди. Сарой зодагонлари орасида Абдулатифга қарши фитна тайёрланади ва бу фитна 1450 йилнинг 8 майида катта тўнтаришга олиб келади. Шаҳар хандаги ёнида, Боғинавдан

сал нарирокда Абдулатиф ўлдирилади. Тарихчи Мирхонд ёзганидек, қасоскорлар ҳеч кимдан яширинмай Абдулатифнинг қалласини Самарқандга олиб келиб, Регистонга илиб қўядилар.

Абдулатиф ўлдирилгандан сўнг ҳокимият Иброҳим Султоннинг ўғли Абдулло Мирзога ўтади...

Қирқ йил ичида бу гаплар бўлиб ўтди. Қариб қолган Меъмор хаёлидан аввалги уч йилу кейинги ўттиз етти йил ҳам бир бўлди; умрга татийдиган алам чеккан Меъмор кейинги йилларни осойишта ўтказиб, оёғини узатиб, тинч ва обрў билан фоний дунё галваларидан қутулиб, боқий дунё фароғатига ўтиш, болачақасини орқада қолдириб, бу дунё билан вилолашиш тараддудида эди.

Аммо...

XLIV б о б

АБУСАЙИД ХУЖУМИ

Султон Абусайид Мирзонинг кучли қўшин билан бостириб келаётгани хабари Бухорони ларзага солди... Улуғбеғу Абдулатиф, — ота-бола ўртасидаги ифвою жанжал оқибатида Абусайид Мирзо Бухорода яна ҳам куч тўплаб, Дашти Қипчоқ ҳокими Абулхайрхон билан аҳдлашиб, бу ердан Самарқандга хужум бошлашни кўзда тутарди.

Жума кунидан бошлаб Бухоро дарвозалари беркитилиб, бир қисм навқару сарбозлар шаҳардан ташқарига чиқди. Тезликда Самарқандга Улуғбек Мирзога анчолар орқали нома жўнатилди. Қариб қолган Шоҳ Малик шиддаткор ва айни вақтда анча тадбирқору серғайрат бу ёш темурийзодани биларди, унинг баъзи эътиборли одамлар билан тил бириктиргани-ю тўсатдан хужум қилишини ҳам сезарди. Абусайид Мирзонинг хужумига бардош беролмаслик хавфи юрагига қулғула солиб, Самарқанд олдида шарманда бўлишдан ҳам қўрқарди. «Абусайид Мирзога дарвозаларни очиб қўйиш керак, де-

ган хожи Муҳаммад Порсо. Бу хиёнат-ку», — деди ичида ҳоким, аммо бу сўзни тилига чиқара олмади. Шайхулисломнинг Улуғбек Мирзога очикдан-очик тескари бўлиб олганини кўрган Тархон ёқасини ушлади, ҳазратнинг оғир кунларида бу дини ислом пешволарининг сотқинлик йўлига ўтиб олишгани ҳам тасодиф эмаслигини сезарди.

Мовароуннахру Хуросондаги танглик, амирзодалардан Алауддавла, Абулқосим Бобур ва Абдулатиф, Абдулазиз, Абдуллолар... ўртасидаги жанг ва бунинг устига Абусайид Мирзонинг катта кўшин тузгани Тархон танидаги жонни суғуриб олди. Мўғуллар яжуж-маъжуждек бостириб келгани каби яна шаҳарда киргину вайроналиклар бошланади, Улуғбек Мирзо тузган сиёсату салтанат вайрон бўлади, содиқ кишилар, уламою фузало қатли ом этилар эканда! Абусайид Мирзони Бухорога киритмаслик тadbир-чораларини кўра бошлади. Шаҳар ахлини каттадан кичиги қўлга қурол олиб, Бухорони мудофаа этишга чақирди. Шу кезлари Абулхайрхоннинг Сайхун бўйида қипчоқларга қарши қалъага айлантирилган Ясси шаҳрини босиб олгани-ю, ундан сўнг Самарқандга келаётганидан Тархоннинг мутлақо хабари йўқ эди...

Якшанба кунини шаҳарнинг Қарши дарвозасидан уч фарсаҳ нарида икки томон сарбозлари тўкнашиб, бир муддатлик тўс-тўполон жангдан сўнг бухороликлар тор-мор этилди. Ярадор Шоҳ Малик тархонни олиб, бир тўда отликлар шаҳарга қочиб кириб, қалъа деворлари ва айниқса Қарши, Самарқанд, Мозори Шариф дарвозалари ёнида мудофаани кучайтиришди. Ярадор Тархон тўдасида шаҳарга қочиб кирган отликлар ичида Заврак Нишопурий ҳам бор эди. У юзбоши сардорнинг рухсати билан от чоптириб Деггарон маҳалласига келиб, қариб қолган уста Нусратга ўғли Зулфиқор билан невараси Меъморбек халок бўлганини маълум қилди. Ўлганлар жуда кўп эканини шошапиша айтиб, халлослаб, бир ёғлоғи сув ичди, отига ҳам сув тутди. Бу гапни эшитган Зулфиқорнинг онаси оҳ уриб, дод сола бошлади. Ховлида ўтирган Маъсума бека, Завракнинг хотини — Қорақиз, қариб қол-

ган меъмор Нажмиддин Бухорийлар саросимага тушишди. Ранги оқариб кетган Бадиа югуриб уйга кирди-да, Зулфиқорнинг этигини, устидан унинг чопинини кийиб, сочини қалпоқ билан бостириб олди. Қалин камар билан белини танғиб боғлаб, этиги кўнжига ўзининг ўткир ханжарини тикди, қўлида акаси Низомиддиннинг ўша димишқий қиличини филофдан суғуриб, ҳовлига чиқди.

— Сизлар энди мени йўлдан қайтаролмайсизлар! — деди Бадиа худди эри Зулфиқорга ўхшаб кийиниб, қилич яланғочлаб ҳовли ўртасида туриб. — Онажон, йиғламанг, мен ўғлимни ўлдирганлардан ўч оламан!

У сакраб Завракнинг отига минди.

— Сиз, Нишопурий, пиёда боринг! Мен Тархон ҳазратлари хизматига пиёда борсам бўлмайди. Қани кетдик! — у отга қамчи босиб, Қарши дарвозаси томон чопди. Бадианинг орқасидан белига осифлик қиличини қўлига ушлаб олган Заврак Нишопурий айланма тор кўчалардан ўтиб, дарвоза томон ҳаллослаб югурарди.

Кўчалар жимжит. Тархоннинг қаттиқ яраланиб шаҳарга қочиб кирганини эшитганлар уй-уйларига кириб, бекиниб ўтиришарди. Шаҳар камал қилингани бу ваҳимани яна ҳам кучайтириб юборди. Дарвозалар ёнидаги сарбозлар юриб туриши, бостириб кириб қолажак душманга қарши тадбир-чоралар кўрилаётганини ҳисобга олмаганда, шаҳар ўлик ҳолда эди. Фақат Минораи Калон ўртада бошини баланд кўтариб, хўмрайиб турарди. Мадрасалар ҳам жимжит, фалакиёт мударрислари, хандасаю риёзиёт муллолари учун сичконнинг ини минг танга бўлиб кетган эди.

Сардор от чоптириб келган Бадияни танимай, ҳайрон бўлиб турди. Шу лаҳза Заврак Нишопурий ҳам пиёда етиб келди.

— Сен кимсен? — сўради отда турган сардор.

— Мен Бадиуззамонман!

— Бадиуззамон бўлсанг шу пайтгача қаёқда юрган эдинг?

— Суриштирадиган пайт эмас, сардор жаноблари!

Сардор пешанасидаги жароҳатни ушлаб таажжубланиб, Заврак Нишопурийга ишора қилди:

— Бор, иним, анави отлардан бирига миниб ол!

Бир муддатдан сўнг Арк томондан от чоптириб келган сарбоз йигит сардорнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Сардор отда турган ҳолда юзига фотиҳа тортди.

— Тархон жаноблари дунёдан ўтибдилар, — деди сардор ёнидаги отликқа. У ҳам юзига фотиҳа тортди.

Сардор йигитларга тезда дарвоза тепасига қайноқ қорамой, харсангтошлар олиб чиқиб қўйишни, қоринни тўйдириб, отларни ҳам суғориб олишни буюрди.

Қош қорайишига яқин ҳовлиқиб келган бир отлик Шайх Жалол дарвозаси очилиб, душман шаҳарга босиб кираётганини айтди.

— Ё алҳазар! Ичимизда хоин бор экан! Дарвоза нега очилади! — деди сардор. Кейин жадаллик билан ўз сарбозларини бошлаб ўша томонга от солиб кетишди.

Шайх Жалол дарвозасига етмасданоқ кўчада икки томон отлиқлари тўқнашиб, бир-бирларига ҳамла қилишди.

Титраб, от чоптириб келаётган Бадиа кўчани тўлдириб келаётган ғолиб ва мағрур душман отлиқларидан бирига рўпара бўлиб, жон-жаҳди билан қилич солди. Отлиқ ялт этиб тушган ногаҳоний қилични пайқамай ҳам қолди. У гурсса ерга қулади. Шу дамнинг ўзидаёқ Бадиа чап томонидаги отликқа ҳам қилич урди. Димишқий исфахон Абусайид сарбозининг орқа бўйнига тегдими, у салом бергандек боши ерга эгилди-ю, кўзларини ола-кула қилиб йиқилди. Бадиага қилич уришга қўл кўтараётган отлиқнинг орқасидан дарҳол Заврак қилич урди. Аммо отлиқлар орасида қолган Завракнинг елкасига ҳам қилич тушиб, ерга қулади. Бу ҳолни Бадиа кўрмади. У рўпара келган сарбозга қилич уриб қулатарди. Унинг танида қандайдир фавқулодда, ғайри табиий бир куч пайдо бўлиб, мушукдек олазарақ, кўзлари косасидан чиқиб кетган, ҳеч нарсани сезмас, фақат рўпара келган душман сарбозига қилич билан човут соларди. У баъзан тагидаги отнинг бўшлиғига қарамай, икки кўзи душманда, пайдарпай шарақа-шуруқ қилич урарди. У хозир қиличи-

ни ҳам қўйиб, душманга сапчиб, тишлари билан томоғини узиб ташлашга ҳам тайёрланарди. Душман сарбозлари рўпараларида қандайдир бир телба, эркакларга ўхшамай ҳаракатлар қилаётган кимсага кўз ташлашиб, юракларига ваҳима тушди. Бу телба сарбоз ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт кишини чошиб кулатди. Орқароқда жанг қилиб, чекинишни мўлжаллаётган сардор «Бадиуззамон»нинг астойдил жанг қилаётганини кўриб, миясидан яшиндек бир фикр ўтди: «бирова Бухоро учун жон бериб жон оляпти, бирова хоинлик қилиб дарвозани очиб беряпти...» Сардор ўз бошига қилич келиб тушмаслиги учун атрофига аланлар, бақирар, «Ур, ур!» деб ўз йигитларига қичқирарди.

Ҳозирок қилич тушиб калласи узилиб кетишини хаёлига келтирмай, жуда ҳам эпчиллик қилиб, сарбозларга ҳамла қилаётган, рўпара бўлишмаган чоғда унинг ўзи отликлар устида бостириб бораётган, ҳеч нарсадан тан тортмай қилич солаётган «бухоролик»дан Абусайид сарбозлари чўчиди. Тор кўчага кириб келган душман сарбозидан уч киши ерга кулаб, бошқалари оти бошини қайириб, катта кўча томон қочди. Бу ҳолни кўриб, танига жон кирган сардор: «Ҳа, ҳа! Қочишди, қувиймиз!» деди. Бадиа қочиб кетаётганларни қувиб, катта кўчага, ундан мадраса рўпарасидаги майдонга чиқиб, орқасидан етиб келган бухоролик сарбозлар билан бирга жангга қўшилиб кетди. Улуғбек мадрасаси ёнидаги жанг қисқа бўлди; бу ерга қуйилиб келган Абусайид сарбозлари бир лаҳзадаёқ бухороликларни чошиб ташлади. Отдан кулаб, ерда оғзидан қон оқиб ётган сардорга кўзи тушган Бадиа: «Мана энди, сардор ҳазратлари, мени суриштирасиз...» деди ичида. Шу лаҳза унинг қўлига тушган кучли бир зарба қилични учуриб юборди. У сўл қўлини этиги қўнжигга тикиб, ханжарини олаётган эди, отига қилич тегиб, икковлари ҳам баробар ерга кулашди. Йиқилган Бадиа узангидан оёғини чиқариб олаётганида атай уни ўртага олган уч-тўрт сарбоз отдан сакраб тушиб, қўлларини бураб ерга босишди. Қўлларини маҳкам боғлаб, бўйнига арқон ташлашди. Бадиа тор кўчадаги жангдан душманни суриб, катта

кўчага ва ундан Улуғбек мадрасаси ёнидаги майдонга чикқанида узун сочлари елкасига тушиб қолган эди. Қочиб чикқан сарбозлар бухороликлар тамом саваланиб, чопиб ташлангандан кейин бу «бухоролик»нинг сочига кўзлари тушиб, таажжуб билан ишора қилиб сардорларига кўрсатишди. Унинг ғайри инсоний бир куч ва жуда усталик билан жанг қилаётганига ҳайратланишарди. Уни Шох Малик тархоннинг қизи хаёл қилишиб, тутиб олишди. Жанг тугаб Абусайид Мирзо қўшини ҳамма дарвозалардан кириб, шаҳарни босди.

Қилич яланғочлаб, от чоптириб кетган Бадиадан дарак бўлмагач, Меъмор ҳассасига таяниб, тўппа-тўғри шаҳар ўртасига — Арк томонга юра бошлади. У кўчаларда ағаниб ётган ўликлар тепасига келиб, шу Бадиа эмасмикан, деб юзига тикилиб қарар эди. Назарида, фавқулодда куч кашф этган жигарпораси Бадиа ҳам мана шу одамлардек қаердадир қалласи учиб ётгандек бўларди. Уни «Борма!» деб тўхтатиш асло мумкин эмас эди, унинг феълини отаси яхши биларди. Чол ҳассасига таяниб, Арк томон борарди. Кўчаларда югурган отлиқлар, у ёқдан-бу ёққа қўли боғланиб олиб кетилаётган мансабдорлар... Чолни назарписанд қилмай ўтиб кетишар, уни кўр деб ўйлашар эди. Йўқ, унинг кўзлари очик! У ҳамма нарсани кўриб борарди; у эртанги вайроналик, эртанги таъқибу таъналарни ҳам кўриб борарди. Кимга тўю кимга аза! Лекин ҳаммадан ҳам даҳшатлиси — Шайх Жалол дарвозасининг очиб берилиши бўлди. Бу ишни ким қилган экан? Кимнинг буйруғи билан дарвоза очилди экан? Абусайид Мирзонинг кучли қўшини ҳозирги пайтда Бухорога кириб келиши муқаррар эди ва лекин Улуғбек Мирзодан жавоб олмай туриб, шаҳар дарвозаларини очиб бериш — хиёнат! Эҳтимол, Мирзо Улуғбек ўз амакиваччасининг ўғли Абусайиднинг катта лашкар билан интилишини билиб, бежанг Бухорога ҳоким этиб тайинларди. Йўқ, Мироншоҳнинг димоғдор ва тадбиркор, айёр невараси Улуғбекка тобе эмас, уни ағдариб, Амир Темур тахтига ўтиришни истарди. Бу мақсад кўпдан Мирзо Улуғбекка, унга

содиқ одамларга маълум эди. Аммо Хуросон томонда Алауддавла, Абдулқосим ва Абдуллоларнинг маҳкам тургани, Сайхуннинг нарига томонида Бароқ ўғлон ва Абулхайрхонлар қиличи ярқираб турганини мунажжим подшоҳ Самарқанддан туриб яққол кўрарди.

Меъмор, орқасидан етиб келган уста Нусрат билан Арк томон бурилмай Шайх Жалол дарвозаси томон юрди; дарвоза атрофларини қарашди. Бадиа йўк. Ундан сўнг Улуғбек мадрасаси томон юришди, бу атрофда шиддатли жанг — қиличбозликлар бўлган эди. Ерда ётган ўликлар орасида Заврак Нишопурийни таниб, Меъмор ёнидан рўмолини олиб, мурданинг энгагини танғиди. Икки чол Қарши дарвозаси томон юрди; ланг очилиб, йўлларда думалаб ётган қорамай қуйилган қозонлар орасидан ўтиб, шаҳар ташқарисига чиқишди. Биринчи тўқнашувдаёқ катта қўшин ўраб олиб чопиб ташланган ўн-ўн беш чоғлиқ сарбозлар мурдаси ёнига келишди. Далада сочилиб ётган мурдалар ичидан Зулфиқор билан неваралари Меъморбекни ҳам топиб олишди. Нажмиддин Бухорий неварасининг мурдасини бағрига босиб, нола қилиб йиғлади. «Э, худо, қандоқ кунларга қолдим! Гуноҳларимиз шунчалик кўпмидики, бирваракайига фарзандимни ҳам, неварамни ҳам, шогирдимни ҳам қонга беладинг! Дод, фалакнинг дастидан! Менинг қайси гуноҳларим учун бунчалик азоб берасан, фалак!!!» Уста Нусрат бўлса Зулфиқорнинг бошини тиззаси устига қўйиб, пешанасини силаб, ағрайиб жим ўтирарди. Унинг хаёли оғиб гўё «ухлаб ётган ўғли» бошини силаб ўтирарди.

Тунда янги ҳоким, мансабдор кишиларнинг фармони билан алангалар ёруғида мурдалар йиғиб олиниб, шаҳар қўрғони четидаги қабристонга дафн этилди. Бухороликлар ўз кишиларини уйларига олиб кетишди. Ярадор сарбозлар ҳибсга олинган баъзи мансабдорлар ҳовлисига жойлаштирилди.

Меъмор билан уста Нусрат арава топиб келиб, ота-бола мурдани, Деггарон кўчасида ётган Заврак Нишопурий жасадини йўл-йўлакай уйга олиб келиб ётқизиб, тепаларига шам ёқишди. Эрта билан шу ҳолда кафансиз кийимлари билан дафн этишди. Кечга яқин маълум бўлишича, кулол ўғли Абуалию Ғав-

вос Муҳаммад ҳам шу жангда ҳалок бўлган. Аммо баъзи одамлар Деггарон кўчасида, ундан кейин мадраса олдида жуда қаттиқ жанг қилган эркак либосидаги аёлни кўрганларини айтишди. Бу аёл ё от чоптириб шаҳардан чиқиб кетди, ё бирон хонадонга яширинди, дейишди. Бу аёл сарбозларга қоплондек ташланиб, савалаб, чопиб, мўйлов бураган неча йўгон сарбозларни отдан ағанатгану, лекин унинг қаёққа гойиб бўлганини билишмасди. Ҳозир кўчаларда керилиб юрган Абусайиднинг отлиқ навкарлари ҳам, аёл киши ҳам шундоқ қиличбозлик қиладими деб таажжубланишарди. У ё Тархоннинг қизи ва ёки Мирзо Улуғбек келинларидан бири, дейишарди. Лекин ҳамма шу аёл тафсилотини аниқроқ билишга қизиқарди.

Ўша куни якшанба окшомида Шайх Жалол дарвозаси шайхулислом Ҳожи Муҳаммад Порсо топшириғи билан очилган. Сўнг Қарши ва Самарқанд дарвозалари ҳам... Бир неча отлиқ уламолар билан бирга Қарши дарвозасидан ташқари чиққан Ҳожи Муҳаммад Порсо Султон Абусайид Мирзони оқ отга миндириб, шаҳар ичига олиб киришди. Абусайид тўппа-тўғри Аркка кўтарилиб, катта ҳовлидаги қадимий тахтга ўтирди.

Шаҳарнинг ҳамма томони эгалланиб, Абусайид кишилари тили билан айтилганда, «тинчиб, саранжом» қилиб олингач, саркардаларнинг бу ҳақдаги ахборотларидан кейин, шу Аркнинг ўзида «улуғлар учун» зиёфат берилиб, тўрда Абусайид Мирзо ёнида Ҳожи Муҳаммад Порсо ўтириб, кўп нарсаларни гаплашиб олишди...

Эрта билан Султон Абусайид Мирзо Бухоро шаҳрининг кўпгина руҳоний ва номдор кишиларини чорлаб, улар билан қисқа мулоқотда бўлди. Саркардалар томонидан кечаги жангда бухороликлар ичида бир хотин киши бўлгани, жуда яхши жанг қилиб, тахминан етти-саккизта ном чиқарган сарбозни ер тишлатганини айтишди. Бу гап кечадан бери Абусайиднинг диққатини тортиб, ҳайрон бўлиб ўтирган эди. Эрта билан у ўша хотинни олиб келишни буюрди. Орадан бир соатча вақт ўтгач, ясовулхонада қўллари боғлоқлиқ Бадиани аравага солиб Аркка олиб келишди.

Унинг қўлларини ечиб, бир коса сув ичиришди. Ўзини бир қатор тартибга солиб олгач, оёғида этик, белида камар — эркакча кийинган, аммо сочлари елкаси билан битта тўзилган аёлни икки қилич яланғочлаган навкар Абусайид Мирзо ёнига олиб кирди. Тахтда ўтирган Абусайид навкарларга, аёлни яқинроқ олиб келинглар, деди. Бадиани тахтга жуда яқин олиб бориб, Мирзога қамти қилишди. Абусайид Мирзо аёлга тикилиб қаради. Ўрта яшар бўлишига қарамай, қандайдир келишган, ингичка бел, елкаю кўкси кенг эканини кўрди. Унинг оппоқ юзи, тўзиган сочлари ва қонли қўлларига қарамай учиб кетаётган қалдирғочдек қошлари... аёлнинг қандайдир аслзодалар оиласиданмикан ёки бу Улуғбек Мирзонинг ё кичик қизи, ё неварасимикан, деган хаёл ҳам кўнглидан ўтди.

Ўз навбатида мағлуб Бадиа ҳам рўпарасида, тахтда ўтирган Абусайидга қаради; унинг юзлари гўштдорлигидан маккорлик билан тутиб олиб, уни зах ҳужрага қамаб қўйган қароқчига ўхшарди. Агар бошидаги жиғаю тахту заррин камари бўлмаса ўша қароқчининг ўзгинаси эди.

Бир лаҳза сукутдан кейин Абусайид Бадиага савол берди:

— Кимнинг заифасисан? Нечун мардум ишига аралашдинг?

— Юртни босқинчидан ҳимоя қилиш ҳамманинг иши! — деди босиқлик билан Бадиа. — Мен, меъмор Нажмиддин Бухорийнинг қизимен!

— Меъморнинг фарзанди меъмор бўлмоғи лозим. Агар қизи бўлса, эрининг хотини бўлмоғи керак. Нечун сен илкинга қилич тутдинг?!

— Сенинг сарбозларинг фарзандимни ўлдирди. Мен — онамен! Кучим етганда ҳамма амирзодаларни кириб ташлардим!

Абусайид дарғазаб, навкарларга ишора қилди:

— Бу жангари макиённи олиб чиқиб, бошини узиб ташланглар!

Навкарлар Бадиага ёпишиб, қўлларини бураб, судраганча ташқарига олиб чиқишди. Шу фурсатнинг ўзидаёқ уни аравага босиб, Аркдан ташқаридаги бир эгасиз ҳовлига олиб киришди. Навкарлар-

дан бири қиличини ғилофидан чиқариб, Бадиянинг бўйнига чунонам зарб билан урди-ки, унинг боши узилиб кетди. Абусайиднинг бешафқат сарбозлари дунёдаги энг гўзал аёлни ўлдиришди. Улар муштипар бир онани ҳам ўлдиришди. Қисматинг ғоятда оғир бўлди Бадиа!

Уста Нусрат Бадияни Зулфикор билан Меъморбек қабри ёнига дафн этди. Икки кун ўтгач, шу ерга Маъсума бека ҳам қўйилди...

Бухорода ўлди-ўлди кўпайиб, фуқаро орасида Абусайид Мирзонинг келиши бехосият бўлди, деган гаплар тарқалди. Лекин «қари кузгун» деб ном олган Ҳожи Муҳаммад Порсо Султон Абусайид салтанатида ҳам илгаригидай шаъну шавкат билан яшайверди. У бу ҳокимга ҳам мос келиб, Бухоронинг устунларидан бири бўлиб тураверди.

Орадан кўп ўтмай Самарқанддан юқори мансабдор бир одам келиб, подшоҳ Улуғбек Мирзо ҳазратлари Султон Абусайид Мирзони тан олганлиги, Мирзо «адолатли» темурийзодалардан эканини, бари бир яқин фурсат ичида қариб қолган Шох Малик тархонни Самарқандга чақириб олиб, ўрнига Абусайид Мирзони ҳоким этиш ниятлари ҳам бор эди, деган гапни айтди. Арқда бўлган катта зиёфатда Самарқанддан келган мансабдорга заррин тўн кийгизилиб, катта обрў билан Самарқандга жўнатилди.

Бу тадбирлар тепасида Ҳожи Муҳаммад Порсо туриб, у Абусайидга: «Мана шу йўл билан, яъни бир ўк билан икки қаргани урасиз», деди. Чунончи, фуқаро тинчийди ва Абулхайрхон, Бароқ ўғлон бир томон, ўғиллари бир томон, тангликда қолган Улуғбек Мирзо сизга шубҳа билан қарамайди, Бухоро унинг наздида тинч ва осойишта бўлиб туради. Бу, сиз ҳазрат учун қулайлик туғдиради, куч тўплайсиз. Лашкар қудратга тўлган бир муддатда Самарқандга юриш қилиб, бобонгизнинг тахтини даъво қиласиз.

Бу гапларни эшитган Абусайид илжайиб шайхулисломга меҳр билан қаради. Чунки Ҳожи Муҳаммад Порсо унинг юрагидаги гапларини айтган эди.

Яна бир йил ўтди. Бухоро гўё тинчиди...

Хар пайшанба Меъмор эвараси Низомиддинни етаклаган ҳолда қабристонга кириб, бунда ётган куёви, невараси ҳамда хотини Маъсума бека, қизи Бадиа қабрлари ёнига келиб, тиловат қилар, ундан сўнг, «Қабристони мусофирон»га бориб, Заврак Нишопурий, Фаввос Муҳаммад, Абутолиб, Абуали, Ҳасанбек, Ҳусайнбеклар қабри тепасида ҳам дуо ўқиб, уйига қайтиб келарди. Эртасига жума куни катта масжидга бориб намоз ўқирди. Кунлар мана шундай бир хил хафаконликда ўта бошлади. Чол жуда ҳам мункиллаб қолган, бола-чақаларидан ажралиб, ёлғиз ўзи Намозгоҳдаги ҳовлисида турарди. Амакиваччаларнинг болалари, қўшнилари чолдан хабар олишиб туришарди.

Шу йиллари Бухорода деярли бирон катта қурилиш бўлмади. Усталар ҳам, меъморлару наққошлар ҳам ҳар томонга тўзғиб кетишди. Меъмор ғоятда қариб, юз ёшга яқинлашган сабабли бирон одам уни иморат солишга раҳбарлик қилиш у ёқда турсин, маслаҳатга ҳам чақиришмасди. Дастлабки йиллар фарзандларининг Абусайид Мирзога қарши жангда ўлганини билган ҳар бир бой ёки мансабдор Меъмордан ўзини олиб қочар, бу девонасифат бўлиб қолган машҳур устага яқин йўлашмасди.

Келаси жума куни Меъмор бир қўлида хасса, бир ёнида эвараси Низомиддини соний, яна катта масжидга келди. Намози жумани ўқиб бўлгач, масжиддан чиқиб кетаётганида эшикда кутиб турган мутавалли Меъмордан бир лаҳза сабр қилишни, бугунги намозда ўзлари имомликка ўтган Ҳожи Муҳаммад Порсо зоти поклари уни ўз ҳузурларига, хонақоҳ меҳроби ёнига чорлаётганини маълум қилди. Меъмор эварасига кўчада кутиб тура тур, деб ўзи хассасини дўқиллатиб, мутавалли билан бирга масжиднинг оби гишт ётқизилган кенг ҳовлисига юра бошлади. У меҳробга етиб келгач, ичкарида, гумбаз остида салқин, ярим қоронғи хонада гилам устида тасбех ўгириб ўтирган уч-тўрт кишига кўзи тушди. Энг юқорида Ҳожи Муҳаммад Порсо ўтирарди.

— Ассалому алайкум! — Меъмор кириши билан ўтирганларга салом берди.

— Ваалайкум ассалом! — деди тўрда ўтирган Ҳожи Муҳаммад Порсо, — келинг, Меъмор, ўтиринг!

Меъмор этакрокка чўкиб, қўлини фотиҳага жуфтлади...

— Саломат юрибсизми, Меъмор? — Ҳожи Муҳаммад Порсо жуда қариб қолган Меъморга, атай эшитсин деб, шанғиллаб гапирди. Уни яхши эшитмайди, деб ўйлаган эди.

— Шукур, тупрокдан ташқари...

— Чақиртирганимнинг боиси, эртагами, индингами янги либосларингизни кийиб келинг, сизни Аркка, Султон Абусайид Мирзо хузурларига олиб кирмоқчимен. У ҳазрат ҳам, иншоолло, аҳли уламою фузалога яхши қарайдилар.

— У ҳазратга учрашадиган ҳеч юмушим қолмади энди, таксир, — деди сиполик билан Меъмор. — Мен энди фақат мункар-накирга йўлиқиб, сўроқ беришдан бошқа нарсани ўйламаймен.

— Ноумид шайтон, ундоқ деманг, Меъмор!

— Шу ёшгача хоинлик қилганим йўқ, энди қолган умримда мени бу ишга тортолмайсиз!

Ҳожи Муҳаммад Порсо ҳам, ўтирганлар ҳам жим бўлиб қолишди.

— Куфр гапни айтдингиз! — деди Ҳожи Муҳаммад Порсонинг ранги ўчиб бир зумдан кейин. — Елкангизга шайтон минибди.

— Ҳақ гапни айтдим! — деди Меъмор Ҳожи Муҳаммад Порсога ўқрайиб. — Сиз хиёнат қилиб, Улуғбек Мирзо юзига оёқ тирадингиз! Бухоро дарбозаларини босқинчига очиб бердингиз! Махшар куни Мирзо Улуғбек юзига қандай қарайсиз?!

— Улуғбек дини исломга зид ишлар қилди. У кофир!

— Улуғбек Мирзо жоҳил ва хиёнаткор кимсаларга зид иш қилди! — деди ўрнидан туриб Меъмор. Сўнг ҳассасини тўкиллашиб Жоме масжиди ҳовлисидан ўтиб, кўчага чиқиб кетди. Масжид дарвозасидан уни кузатиб турган эвараси Низомиддин дарҳол бобосининг қўлидан ушлаб, уйга бошлаб келди.

Шу воқеа сабаб бўлиб, Меъмор катта масжидга мутлақо бормай қўйди. Ўша куни масжид аҳли уни

ур калтак-сур калтак қилиши ҳам мумкин эди, аммо бу ишга Ҳожи Муҳаммад Порсо рухсат беролмади: «Қўяверинглар, унинг ўзи эътибордан четда қолиб, итдек ўлиб кетади...» деди.

ХОТИМА

*Сен гарчи гуҳар дўкони очдинг,
Лекин бу гуҳарни элга сочдинг.*

Навоий

Юз ёшлардан ошиб, мункиллаб қолган меъмор Нажмиддин Бухорий ҳассасига таяниб Бухоро кўчаларида юрарди. Юзини қоплаган соқол-мўйлаби, кўзлари устига ўсиб тушган бароқ қошлари оппоқ оқарган, тарам-тарам суяклардан иборат кўкраги ҳам мадраса оби ғишти каби сарғиш эди. Бошида эски малла ранг салла, устида кўкси очиқ оқ қўйлак-лозим, оёғида кавуш... Ҳеч ким билан иши йўқ, эрта билан Намозгоҳдаги ўзининг кўхна ховлисидан чиққач, харсанг ётқизилган чет роҳаларда битта-битта босиб мадрасалар ёнига келарди. Минораи Калон атрофидан ўтиб, Масжиди Калоннинг баланд деворлари остидаги сояда тўхтар, ундан сўнг кубба гумбазлар — Тоқи Заргарон остидаги одамлар ғужғон урган бозорга кирар, салқин тимлар остидан ўтиб, лимиллаб турган Тошховуз лабида бир лаҳза нафасини ростлаб оларди. Кетидан атай ирим қилиб эргашиб юрган мешкобчининг заранг косадаги сувидан мириқиб ичар, «девона чол» деб атрофини ўраган майда болаларга ҳам эътибор бермасди. У яна ўрнидан турарди-да, ҳассасига тираниб йўлида давом этарди. Чолнинг келаётганини кўриб, баъзилар эшак араваларини бир дам тўхтатиб, ўтиб кетгунича қараб туришар, баъзи бесабрлар эса мункиллаб қолган Меъморни туртиб ўтиб кетишар, аммо чол бунга асло парво қилмасди. Рўпарадан келаётган аравакаш ва ёки ҳаммоллар албатта унга йўл беришарди; елкаларида оғир юк бўлишига қарамай, бир лаҳза сабр этиб, Меъмор ўтиб кетгунича қараб туришарди.

Меъмор баъзи кунлари эрта билан Улуғбек мадрасаси «гулчамбар»ига суяниб, ожизлашган хира кўзлари билан қуёшга тикиларди. Нурсиз кўзлари ёшланиб, қоронгилашиб кетганига қадар тикилиб турар, нималарнидир пичирларди: «Мадраса гумбази устидан қовар ўсиб чиқибди, уни йўқотиш керак!» дерди ўзига ўзи. Фиштин бинолардаги қовар унинг кўзига илон бўлиб кўринарди. Кўчадан ўтиб кетаётган кишиларга ҳам парво қилмас, уни бухороликлар ўзларининг улуғ ҳамшаҳарлари эканини билиб, хайратланиб, тикилиб ўтиб кетишарди. Баъзан бу табаррук чол ва улуғ мутафаккирнинг оёғи остига янги гиламини уйдан олиб чиқиб ташлайдиган хотин-халажлар ҳам учраб қоларди. Аммо у бу ишни сезиб қолиб дарҳол тупроққа ўтар, одамларга бундоқ қилиш керак эмаслигини айтиб, йўлида давом этарди. У ёқ-бу ёқдан келганлар уни танимай девона бўлиб қолган хаёл қилишарди: баъзан айланма тор кўчаларга кириб қолганида эшикдан чиқиб турган хотин-халаж кўрса-кўрмаса ҳам чолга эгилиб салом бериб, ўз болаларига, «бу бобо дадангнинг дадасининг дадаси...» деб тушунтирар, чол уларни яхши кўрмаса ҳам озгина илжайиб, қўли тегиб кетган қай бирининг бошини силар, қай бирининг елкасига қоқиб ўтиб кетарди. Баъзан битта-битта қадам ташлаб, мадрасалар тагидан ўтиб кетаётганида майдонда варрак учираётган бир қайнови ичида болалар мутлақо бу эски кийимдаги чолни танимай, растаю тимлар орасида юрадиган девона хаёл қилиб, унга кесак ҳам отишарди. Этаги барларига, ёнларига теккан кесакларни сезган чол қайрилиб, шўх болаларга қарарди-да, илжайиб кўярди. Баъзан бу ҳолнинг шоҳиди бўлган катта ёшлик кимсалар югуриб бориб, кесак отган болани ҳайдаб, танбех бериб, уйига киритиб юборишарди. Уларни яхши кўролмаса ҳам сезиб турган меъмор, «майли, кўяверинглар, болани хафа қилманглар, — деб бир лаҳза тўхтаб, ожиз кўзларини кулдириб, у ёқ-бу ёққа қарар, — мени девона деб кесак отишяпти. Ўз замонидан ажралиб қолган шумтака чолни ҳайдашяпти. Дарҳақиқат мен...» дерди ўзига ўзи. Баъзи кунлари бир келин чевараси боласини кўтариб келиб, Меъ-

морнинг устбошларини ювиб, жойларини супуриб, тартибга солиб кетарди. Баъзан чол ҳовлисига кириб, азим тут тагига тўкилганларини териб еяётган майда болаларни айвон ёқасидан аранг кўриб, чуғурлашишларини эшитиб, завқланиб ўтирарди. У ўзига ўзи: «Мўғуллар, амирзодалар ватандошларимни шунча ўлдиргани билан авлодимни йўқотиб юборолмади. Катта тутнинг бир томонини қирқса, бир томонидан новда чиқариб ўсаверади... Меъморни ҳеч қачон йўқота олмайсизлар!» — дерди.

У баъзан ўз айвонининг ўймакор устунига суяниб, тепасида — пештоқ пирамонида «ғув-ғувв...» қилаётган ёввойи каптарларга тикилар, қачонлардир болалигида қурилган бу устундаги михга дўппи ва салласини иларди. Бу мих қоқилганида Шахрисабздаги барлослар уруғида дунёга келган Соҳибқирон Амир Темуруч яшар бола эди. Икки дарё оралигида Кебакхон ҳукмдорлик қиларди. Улар ҳам ўтди... Қирқ йил ҳукмдорлик қилган Шохруҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзолар ҳам ўтди.

Жаҳонгиру Мироншоҳу Султон Суюрғотмишлар, Бароқ ўғлонлар ўтди... бир-бири билан қирпичоқ шахзода Алауддавляю Абдулатифу Мухаммад Жўқийлар ўтди. Дунёга устун бўламан деганлар бари ўтди, аммо Намозгоҳ даҳасидаги кекса меъмор Нажмиддин Бухорийнинг қийшайган айвонию ундаги устунлар ҳамон мустаҳкам турибди. Кебакхон даврида қоқилган мих ҳамон хизмат қилиб, қалпоқни кўтариб турибди... Мана, Абусайид Мирзо ҳам абадул-абад Самарқанд тахтида ўтираман, деяпти. Бу ҳам ўтади! Жаллод ҳам ўтади, жарроҳ ҳам ўтади — ўтмайдиган одам йўқ бу дунёда! Лекин одамлар бир-бирини ҳақорат қилмаса, бир-бирини ўлдирмаса нима қиларкин! Беш кунлик дунёда бир-бирига азоб бермаса нима қиларкин! Бир-бирига панд бериб, ҳасад қилмаса нима қиларкин!

Яна жума келди.

Чол яна ҳассасини дўқиллатиб кўчага чиқиб кетди. Бугун Бухоро осмонида улкан оқ булутлар сузарди. Ғарби-жануб томондан эсаётган кучли шамол кўчаларда чанг кўтариб, мадраса бинолари бурчагида гирдибод бўлиб қоларди. Куз эртароқ тушиб, одамлар

устларига пешмат, оёқларига кавуш-маҳси кийиб олишган. Баъзи кунлари ёғин-сочин ҳам бўлиб қолар, кап-понда, мева бозорларида ўтирган атрофдан келган дехқонлар қовун-тарвузлар, қоплардаги дон-дунлари устини ёпишиб, ўзларини панага уришарди. Тим тагидаги баззозлар, косибу заргару дўппидўзлар ҳам ёмғир тина бермагач, дўқонлари олдидаги чийни тортиб, уйларига жўнашарди.

Ҳавонинг авзойи бузилиб, осмонда булутлар қуюқлашаётган жума куни Меъмор яна катта масжидга бормаи, мадраса бинолари атрофида айланиб юрди. Унинг устида эскигина кўйлаги, оёғида кавуши... У куз салқинини ҳам сезмагандек, баъзан нимагадир сўкинар, кўзига чўққи соқол, қозон салла Ҳожи Муҳаммад Порсо билан Аҳмад Чалабий кўрингандек бўларди. Чол ҳассасини дўқиллатиб келиб, Минораи Калон тагида бир лаҳза тўхтаб у ёқ-бу ёққа аланглар, кимнидир кутгандек, бир лаҳза ҳассасига тираниб турарди-да, яна тош йўлкалардан юриб кетарди. Одамлар уни кузатаётганларига мутлақо эътибор бермасди. Ҳар куни аҳвол шу бўлгани сабабли мадраса ховлисию дарвоза атрофини тўлдириб юрадиган талабаю муллаваччалар чолга эътибор беришмасди. Ваҳоланки, улар дарс олаётган улкан мадрасани қурган уста — Меъмор мана шу чол эди. Ҳатто бу майдонда — Ҳинд саройи атрофида тентираб юрадиган катта кўппак итлар ҳам уни танишар, чолнинг келаётганига бир қараб қўйиб, яна бамайлихотир ухлаша беришарди. Ҳаво айниб, битта-яримта томчилаб тургани сабаблими, итлар ҳам, товуқлар ҳам ўзларини панага олишган эди.

Куннинг ўрталарига бориб, чакмоқ чақиб, момақалдиروق бўлди. Кўп ўтмай ёмғир ёға бошлади. Меъмор ҳам ўзини чеккага олди — мадраса дарвозаси ёнидаги равоқ остига ўтди. Хиралашган кўзлари билан осмонни қоплаган қуюқ қорамтир булутга тикилди. У гиштин деворга суяниб осмонга тикилар, қўлда ҳассаси, ичдан Тангрига мурожаат этгандай бўларди: «Эй, Тангрим, болаларимни олдинг, уруғ-аймоғимни, ёр-биродарларимни, шогирдларимни олдинг. Замондошларимдан ҳеч кимса қолмади... — Меъмор бир лаҳза

тўхтаб, яна фалакка тикилди, у на булутни, на шамолни ва на ёмғирни сезарди. «Мен қартайдим, дунё ташвишларидан зерикдим. Ёлғизмен, ҳеч кимга керагим қолмади. Ҳеч кимга даъвойим йўқ, бир ғариб бандангдан омонатингни ол!»

«Йў-ў-ўқ! — дегандай бир товуш Меъморнинг кулоғига етиб келди, — Сен ғариб эмассен! Сен бу дунёда кўп ишлар қилдинг!»

«Эй, Танграм! Сен куч-қудрати, беадад лашкари, шаъну шавкати билан дунёни титратган Амир Темур Кўрагонни, Искандару Доро жонини олдинг. Нечун бир ғариб, ожиз меъмор кимсанинг жонини олмайсан! Шаккок сўзларим учун тавба қилдим. Мен анал-ҳақ йўлини танладим, Сени севдим...»

«Меъмор! Сен шундай ишлар қилиб қўйдингки, улар абадул-абад дунёда қолади. Мен сувсиз сахро яратдим, сен унда сардоба қурдинг. Мен дарё оқиздим, сен унга кўприк солиб ўтдинг. Мен тупроғу сувни яратдим, сен ундан мустаҳкам ганчу гишт ясаб, мадрасалар қурдинг. Мен сенга ақлу идрок бердим, сен эса, мислсиз тафаккуринг ила жаҳон сирларини очдинг. Сенинг ишларинг абадият!»

Меъмор Нажмиддин Бухорий буларни хаёлан эшитиб, мадрасанинг гиштин деворларига ёпишганича бақрайиб қотиб қолди.

Мана, шамол ва довулларга, ёмғир ва қорларга, зилзила ва оташларга бардош бериб, неча юз йилдан буён у қурган бинолар ўзбек заминиди қад кўтариб турибди. Шу улкан биноларнинг бири тагида гиштин деворга суянганча меъмор Нажмиддин Бухорий ҳам тирик турибди. Шу меъморий ёдгорликларнинг яшил ва шаффоф кошин — кўзлари билан доимо янги авлодларни кўриб, қувониб келмоқда.

(Тамом)

1971—74 йиллар.
Тошкент

ЧОТҚОЛ ЙЎЛБАРСИ



БИРИНЧИ ҚИСМ

I боб

ДУНДИҚ ГУЛГУН ВА ЧАНДИҚ ҚОРАЖОН ҲАҚИДА СЎЗ

Моддий дунё доимо ҳаракатда, ўзгаришда — биров келади, биров кетади. Ҳаётни бир ерда ушлаб туриб бўлмаганидек, ҳар бир туғилиш уни қайтадан яшартира беради. Елиб-югуриб ўқийсан, ишлайсан, қарийсан, вақти келиб ёруғ дунё билан видолашасан... Бу, табиатнинг ўзгармас азалий бир қонунидирки, бўйсунмай иложинг йўқ. Бир ҳисобда шундай бўлгани, яъни ҳаёт дарёсининг айқириб оққани маъқул. Муҳими шуки, сен жамият учун иш қилиб, одамлар корига яролдингми? Ёки?.. Мана шу «ёки»дан кейин келадиган хаёллар ғоятда даҳшатли! Дабдабалар, тўю ҳашамлар — бари ўтади! Ёшингни яшаб, ошингни ошаб, пилла қуртидек вақти етгач, ўзингни турмушнинг ипак иплари билан ўраб, бу ҳаётни ёш авлодга қолдириб кетаётганингда кечмиш-кечирмишларингни бир лаҳза бўлса ҳам хаёлингдан ўтказасан. Қилган меҳнатинг, яхшиликларинг, садоқату олижанобликларинг учун одамлар сенга ташаккур айтаётгандек бўлади. Қувонасан, ўлим ҳам бир ухлаш каби енгил ўтади. Шодлик билан туғилиб, обрў билан кетишдек толега мушарраф бўласан. Аммо, хиёнатинг, пасткашликларинг... ёмон от қолдириб кетиш даҳшати танингга чирмашган дард азоби билан қўшилиб, сени бўғиб ташлайди, бу бир оний азоб умринг бўйи кўрган роҳату фароғатларингни йўқ қилади!

Ёш инженер Қоражон Мингбоев баъзан мана шундай хаёллар гирдобига чўмарди. У икки бор жароҳ курсисига ётиб, икки бор ўлимга панд берган. Бу ёруғ дунёдан ҳеч кимсанинг кетгиси келмаганидек, у ҳам ўзининг йигитлигини бошқалардек муносиб ўтказиб, келгуси йилларга умидворлик билан боқарди. Ҳаёти ўлжага қолгандек, баъзан қизишиб, енгилтакликлар қилиш, ҳовлиқиш унга бегонароқ кўринарди.

Лекин дунёда ўзини чиройли, тўкис ҳисобламайдиган одам бўлмаганидек, чандиқ Қоражон Мингбоев ҳам ҳеч вақт ўзини хунукман демасди. Ҳатто қора чўтирлар ҳам, лаби тиртиқ, оёғи чиллак, қорни хумчалар ҳам ўзини алланимаман деб ҳисоблайди-ку?! Шундай экан, Қоражон ўксимаса бўлади, унинг тўрт мучаси соғ, қадди расо, куч-қудратда бениҳоя. Фақат юзининг чап томони, бўйни чандиқ бўлиб қолган. У баъзан ойнага қараб, чандиқларига тикилиб қоларди. Қошининг ярми, чап қулоғи, ияги ва бўйни куйиб кетган эди...

Танк ичида ёнганман, беомон, қонли жангда,
Шарт ўзимни отмоқ бўлдим, тўппончам чиқди қиндан.
Аммо, узоқ-узоқлардан келарди дилбар овоз:
Мардга ўлим йўқдир, жоним, кутаман ҳар оқ тонгда!

«Сен мени кутганмидинг?! Қани, айт-чи, жонон?! Мени ҳеч ким кутган эмас! Ёниб ётган танк ичидан кийимларим, қалпоғим тутаб, ўзимни ташқарига отганимда икки фашист менга ташланди. Бирини тўппончам билан отиб ўлдирдим, иккинчиси билан эса йиртқишлардек олиша кетдик. Қуролларимиз қўлдан учиб кетди, балчиққа ботиб, узоқ ёқалашдик. Кўлмакда юмаланиб, бир-биримизни бўғардик. Бу ерда бир киши омон қолиши, иккинчиси ўлиши керак эди. Худди мана шу, Белоруссиянинг Бобруйск шаҳри ёнида, ўрмон ёқасидаги йўл четида Ватан тақдири ҳал бўларди. Ё мен, ё у... Биз тамоман ҳолдан тойиб ёқалашардик. Мен Чотқол сувини ичиб, баланд тоғларимдан қудрат олиб ўсганим учунми, ортда юртим, шу юрт бахтини сақлаб қолиш юрагимга жасорат солдими ёки мени ёшлигимда «Йўлбарсвой» дейишгани — лабларим қалин, билакларим йўғон бўлганиданми, кучли чиқдим. Фашистни тагимга босиб, кекирдагини ражиб ташладим. Эҳтимол, мен ўша йиртқишни ўлдирганим катта ғалаба тарозисига бир кичик ҳисса бўлиб босгандир. Қонли жангда омон қолдим, аммо ўзимнинг ҳам абжағим чиқиб, дабдала бўлган эдим. Чап юзиму бўйним куйиб кетган, ўнг елкамни ўқ ялаб ўтган, кўйлакларим жиққа қон эди. Мен яна ўз юртимга келаман, ёр-биродарларимни, онаизоримни кўраман, деб ўйламаган эдим. Омон қолишим — ўлжага қолган умр. Узоқ вақт госпиталда ётдим, жарроҳлар ҳаётимни қайтариб беришди-ю, лекин ҳуснимни сақлаб қолишолмади. Сен жасур солдатсан, деб Ватан кўксимга Қизил

Юлдуз ордени тақиб қўйди. Мана ҳамма гап... Мен безорилик қилиб, мажруҳ бўлганим йўқ!» Бу гаплар Қоражон дилидан ўтди. Бир-бирини қадрлайдиган, хушфёлу ширин сўз кишиларни у жуда ёқтирарди. Оғир дақиқаларни бошдан кечирган кишилар аксар шундай бўлади. Аммо тақдир уни ҳусндан сиққани билан, у ўзининг тоғ оралиғидаги гўзал қишлоғини, баланд чўққиларни, унинг шарқироқ сойларини севарди. У ўз Чотқол водийси шаънига ёзилган шеърни ҳам китоблар ичидан қидириб топиб, ёдлаб олган эди:

Асаблар чарчаса, тоққа бор зинҳор!
Адирларда қолма, тоғ сари юксал.
Бунда ҳамма ердан гўзалдир баҳор —
Чўққиларга тикил, сойга қулоқ сол.
Булултар келади, қушлар, қулунлар...
Сен нега келмайсан, деб учади ел.
Асаблар қақшаган, зил ўтар кунлар,
Чотқол тоғларига кел, азизим, кел!
Чотқолу Чимённинг бағрида бордир
Юз Венецияга арзир Бўстонлиқ.
Бунда тўрт фасл ҳам аввал баҳордир —
Хондайлиқ, Боғистон, Сижжаги дўндиқ...
Берида Хумсону нарида Нанай —
Кўрку жамолингдан ўзим айнанай!
Кўйлақларинг яшил, юзларинг лола,
Қаҳқаҳанг тоғлардан тушган шалола.
Кўкламда лоладан юз қирмизисан,
Яшил адирларнинг оқ қимизисан.
Баҳайбат тоғларнинг эрка қизисан,
Гўзаллик деганнинг худди ўзисан,
Эй, Чотқол бағрига яширинган жаннат!

Инженер Мингбоев рассом Тансиқбоевнинг бир суратини рамкага солиб, ўз хонасига осиб қўйган. Шундоқ гўзал табиат қучоғида туғилиб, рассом бўлмаганига ачинарди. Ҳа, жаннат у дунёда эмас, бу дунёда, ўз еримизда! У Чотқолу Писком, Угому Қурама тоғлари орасида, айқириб оқаётган олти дарё бўйларидадир. Ёш инженер ўз ерлари ҳуснига тўймасди.

Осмон мусаффо.

Бунда куз фасли ҳам ўзгачадир. Қоялар тагида қуриб, сарғайган ўт-ўланлар, юқорироқда эса олтин ранг либосга ўранган дарахтлар... Арчалар гўё бу

ерларни забт этган куз нафасини сезмагандек, ҳамон ям-яшил. Саҳарлаб оппоқ туман чўкади, сўқмоқлар, тошлар шудрингда чўмилишади...

Шу куз кунларининг бирида Сижжакнинг қуйи, дарё бўйига яқин ҳовлилардан бирида тўй бўлди; бу ерларнинг эътиборли қарияларидан Чоршанба ота ўғлини уйлантирди. Ота эрта билан элга ош берди. Бутун қишлоқ Чоршанба отаникига кўчиб келгандай, ҳамма ёқ одамга тўлиб кетди. Кечқурун кўркам боғда базм бошланди. Катта ҳовлининг саҳнига «П» ҳарфига ўхшатиб стол ясатилган. Дарвозадан кираверишда, ўнг томондаги олмазор ичига Писком дарёсига қаратиб солинган кўркам шийпонга ҳам жой қилиниб, пар ёстиқлар ташлаб қўйилган. Пастда дарё, кунчиқишда Асқартоғ ва жанубда Чотқолнинг баҳайбат чўққилари фалакка бўй чўзиб турибди. Шинаванда йигитчалар ҳовлининг у томонидан бу томонига сим тортиб, бир неча катта лампочкалар билан боғни чароғон қилишди.

Зиёфат столининг чап томонидаги ҳовли саҳнига икки катта тўнка қаланиб, гулхан ёқилган. Қўш чирманданинг гижбанги авжига чиқиб, шу қишлоқлик яллагчи аёл белини боғлаб ўйинга тушди. Унинг ўйини, хатти-ҳаракатлари кишида беихтиёр кулги қўзғатарди. У атай базмни бошлаб бериш учун гулхан атрофида бир-икки айланиб, навбатни ёшларга берди. Келин билан бирга келган меҳмонлар, қиз-жувонлар стол устига қўйилган ноз-неъматларни гуногун ейишар, кимлардир қимиз, кимлардир уялинқираб озгина бўлса ҳам вино симирарди. Баъзан ўйин, гижбанг тўхтаб, шаҳардан чиққан пурвиқор бир хонанда шосупадан ашула қилиб қоларди. Каттадан-кичик жим тинглашар, аммо стол юқорисида келин билан куёв атрофида ўтирган шўх қизлар мақомнинг узоқ давом этишига тоқат қилолмай, яна чувиллашиб кетишарди. Базмга келаётган меҳмонларни дарвоза олдида тавозе билан кутиб олаётган ота ғоятда кайфи чоғ, ҳовлида, ёшлардан сал четроқда — хонандалар ёнидаги чорси каравотда ўтирган бир гуруҳ меҳмонлар ёнига дам-бадам бориб: «Хуш келибсизлар! Нима етишмайди?» — деб мулозамат кўрсатиб турарди.

Чоршанба отанинг катта ўғли Абдуманноп Чорвоқ қурилишида «БелАЗ» машинасини ҳайдайди. У қурилишдаги ўз ошналари ва бошлиқларини тўйга таклиф этган. Қишлоқнинг эътиборли кишилари қаторида,

қош-киприклари сап-сарик, сергап, доимо лаблари ёрилиб юрадиган Иван Иванович Шишкин (у яқинда қурилиш партия ташкилотининг секретари қилиб сайланди), СУ-2, яъни тўғон қурилишидаги участка бошлиғи Қоражон Мингбоев ва яна шаҳарлик қаддиқомати келишган, хушбичим бир йигит — учовлон қўр тўкиб ўтиришарди. Бу йигит инженер Қиёмхўжа Ҳазратов бўлиб, Қоражоннинг бирга ўқишган ошнаси. Ҳозир Узгидроэнергострой трести бошлигининг ўринбосари.

Шаҳардан чиқиб қолган дўстини Қоражон қўярдақўймай тўйга олиб келганди. Ҳовлига киришлари биланоқ одамларнинг диққати уларга қаратилди — баъзилар уларни область раҳбарларидан деб ўйлашди. Қоражон кеча дўсти Қиёмхўжани ўз қишлоғига олиб ҳам борган эди. Бурчмулла, Юсуфхона, Боғистон, Нанайни кўрсатди. Тепаликларга чиқиб, Чотқол водийсини, табиат гўзалликларини томоша қилишди. Енқўргонда дўсти шарафига қўй сўйиб, меҳмон қилди. «Беш юлдуз»ликлар обдан ичилди. Бугун деярли ўша зиёфатнинг давоми бўлаётгандай...

Инженер Қиёмхўжа Ҳазратов камгап, сипо одам, унча-мунча гап билан уни кулдириш қийин. У биров нима демаса ҳам, киши ундан ҳайиқиб туради. Лекин ҳаммага эмас, ёнида ўтирган Шишкин билан Мингбоевга гап қотар, тикилиб турган нигоҳларга ўзини яна ҳам эътиборли, пурвиқор кўрсатишга уринарди.

Уч оғайни бир-икки рюмка бўшатишгач, кайфлари чоғ, «ман сизга айтсам...» бўлиб қолишди. Шўрвадан пуфлаб хўплашар, калла-гўшт, думғазаларни ёқтирадиган Қиёмхўжа билан Шишкин лаганга пайдар-пай қўл узатишарди.

Тўрда, келиннинг ёнида ўтирган қийиқ кўз, бодом қовоқ, кўринишдан анча шўх бир қиз Қоражон диққатини ўзига тортди. У бир-икки бор ўша момақаймоққа қараб қўйди. Унинг қилиқлари ўзига ярашиб турибди. Ёқимли. Гўзал қиз аввал ўзига қадалаётган бу нигоҳларни — «тийр борон»ни унча сезмаган бўлса ҳам, бир муддатдан сўнг пайқаб, ўнг томонда ўтирган ўша қора йигитга ялт этиб қараб қўйди. Қизнинг қарашлари ўтқир эди. Бу лаҳза Қоражон ҳам ҳеч нарсани сезмагандек ва «гўзал қиз»га шунчаки кўзи тушиб қолгандек бепарво ўтирди. Ҳа, киши гўзалликка қарайди-да! Бундоқ бир-икки марта қараб қўйган бўлса нима бўпти! Эҳтимол, унинг қулоғидаги ёниб турган ёқут

сирғасига қарагандир! Лекин, ҳар қалай, ўнг томонда қатор ўтирган йигитлар ичидан бир йигит келиннинг дугонасига тикилиб-тикилиб қўярди. Аслида Қоражон ўша қийиқ кўз, мажусийларга ўхшаган қиздан ҳеч кўзини узгиси келмасди.

— Анави ўнг томонда ўтирган киши мендан кўзини олмаяпти,— деди гижиниб қиз ёнида ўтирган дугонасига,— таъвияга бир қараб қўй! Маданиятсиз! Худди безориларга ўхшайди.

— Қайси бири?— сўради пучуққина иккинчи қиз секин билинтирмай, ўша томонга қараб,— бизга ҳеч ким тикилаётгани йўқ! Тикилса тикилаверсин, мен парво қилмайман!— деди бу тикилиш дугонасига эмас, ўзига қаратилганини қатъий эътироф этиб.

Бир лаҳзадан кейин ўша қиз пойлаб туриб, ўнг томондаги ўзларига тикилиб қараб қўяётган йигитни «ушлади».

— Ҳа, тўғри!— деди у дугонаси қулоғига шивирлаб,— у менга тикиляпти. Сенга эмас!

— Ҳар қалай, одобсиз кишига ўхшайди,— деди у,— аҳтимол, уйда хотини бордир! Хотинини уйга ўтқазиб қўйиб, кўчада кўзлари олма-кесак терадиган кишилардан жирканаман!

— Бўйни, юзлари чандиқ-ку?! Вуй, одам қўрқадил!— деди дугонаси астойдил Қоражонга тикилиб,— қарагин, бир хунук, лаблари ҳам тўрсайган, тишлари-ям сўлоқмондай... Шу аҳволда мунча тикиляпти-я! Бўйни чандиқ — лунжиги от тепганми?! Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!

— Ха-ха-ха-ха!— қийиқ кўз беихтиёр кулиб юборди,— ўша от сал берироғига тепганида кўр қилиб қўя қоларди-ю, кўча-кўйда хотин-қизларга тикилмасди!..

— От тепганга ўхшамайди!— деди пучуқ.

— Нимага ўхшайди?— қиқирлаб, оғзини бекитиб кулди қийиқ кўз.

— Юзини бир томони ямоқ, бўйни, қулоғи чандиқ... Вуй, одам ҳам шунақа хунук бўладими?! Тушимга кирса қўрқиб чиқаман. У нега ҳадеб бизга қараяпти? Жу-да ҳам турқи совуғ-а! Юзлари йўлбарсга ўхшайди-я,— деди яна қиз ҳаяжонланиб.

— Қўрқма!— деди қийиқ кўз дугонасига далда бериб,— бу ерда адам борлар, амаким ҳам бор! Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман!

Чандиқ йигит ҳадеб тикилавергач, қийиқ кўзли қиз унга қараб лабини чўччайтириб, тилини чиқариб

кўрсатди. Бу билан у Қоражонни маскара қилиб! «Менга кўп тикилаверма!» — дегандек бўлди. Қоражон индамай, мийиғида кулиб қўйди. Қизга ўзининг асло ёқмаётгани ва ҳатто кўзига хунук кўринаётганини пайқади. У беихтиёр ўша гўзал юзга яна бир қараганида, қийиқ кўз ўз башарасини бужмайтириб, бурнини жийирди. Бу энди жуда ҳам ёқмаётганини билдирувчи аломат эди. Ширакайф Қоражон ўзининг беихтиёр қарашлари билан унга озор бермаслик учун ёнидаги ошналарига узр айтиб, ўрнидан турмоқчи, тўйдан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, ундан олдин ўша қийиқ кўз икки дугонаси билан ўрнидан дик туриб, тўйхонадан чиқиб кетди. У юзини тескари қилиб, Қоражон ўтирган томонга назар ҳам солмади. Қоражон бу ҳолни кўриб жуда афсусланди. Уларга суқли боқишлари билан тинчлик бермаганидан хижолат бўлди. Лекин ўша қийиқ кўз бир кўришдаёқ жигаридан уриб, юрагига оташ ташлаган эди. Дунёда шундоқ чиройли инсонлар борлигидан жуда қувонди. Қизлар тўйдан чиқиб кетаётганида Қоражон атрофида ўтирган йигитчалар ҳам уларнинг қадди-қоматига суқ билан тикилишди. Йигитчалардан бири бу гўзал Милтиқбой аканинг қизи Гулгун эканини айтди. Қоражон ўша йигитчанинг оғзига жон қулоғини тутди:

— Кимнинг қизи дединг, ука?

— Милтиқбой акамларнинг қизлари-да! — кулди йигитча.

— Шу қишлоқданми?

— Ҳа.

Қоражон Гулгуннинг кетидан тикилиб қараб қолди. У жуда ўксинди; ҳамма бахтли, ҳамма ўз хотини билан қўша қариб юрибди. Биргина унинг омади келмаган. Мана, Шишкиннинг Галина деган доно хотини бор. Ҳазратовнинг хотини — Гулбадан ҳам ниҳоятда чиройли ва ақлли аёл. Гулбаданнинг латофатию уй тутишларини кўрган Қоражоннинг бу оилага ҳаваси келган эди. Ширин сўз, озода, кийинишни ҳам яхши билади, овқат пиширишни ҳам. Бу хонадонда бақриқ-чақриқлар, бир-бирини ҳурмат қилмай сўкинишлар йўқ, аксинча, Гулбадан ўз эри — инженер Ҳазратовга ишонар, суянар, болаларимнинг отаси, деб ҳурмат қилар, Қоражон уларникида бўлганида буни пайқаган эди. Гулбаданхон данғиллама уйларнинг бекаси бўлиб, кўпроқ бола боқиш, эрига овқат тайёрлаш билан банд эди. «Менга ҳам шундоқ бир ҳаловатни, шундоқ бир

яхши хотинни буюра қолса нима бўларди...» дерди баъзида ошналарига ҳаваси келиб Қоражон.

Орадан бирон ҳафталар ўтгач, Қоражон Мингбоев Писком дарёсининг суви кўтарилиши ҳамда шу атрофдаги хонадонларни кўриш мақсадида қурилиш бошлигининг топшириғи билан Сижжакка келиб, «Милтиқбой аканинг қизи Гулгун»га ҳам йўлиқди. Лекин Гулгун бир оғиз сўз демай, ҳайрон бўлиб турди. Қора йигитнинг гапи гапига қовушмай, рўпарасида маҳлиё бўлиб тура бергач, уялиб уйга кириб кетди. Жигаридан урган Қоражон нима қилишини билмай, кўчада лол қотди. Лекин у шу Гулгунни тўйдан сўнг яна бир бор кўрганига ҳам хурсанд бўлди. Унинг исми ҳам ажойиб экан. Қоражон «Гулгун» деган номни ҳеч эшитмаган. Бундоқ чиройли исми қаёқдан топишганига ҳам ҳайрон. Демак, бир зиёли хонадондан бўлса керак, деди. Унинг кимлигини билишга жуда қизиқди. Кейинчалик юраги сиқилиб, бу ҳақда Абдуманнондан сўради. Сўрамасликнинг ҳеч иложи бўлмади. Кечалари шу қийиқ кўз «мажусий» ҳақида ўйлай бошлади. Юрса ҳам, турса ҳам кўз олдида ўша... ярқираб кўрина бошлади. Уни ғойибона яхши кўриб қолганига ўзи ҳам иқрор бўлди. Кишининг бир кўришда шайдо бўлиб қолиши шу бўлса керак, деди у ўзига-ўзи. Киши кимгадир юрагидаги ҳасратини айтиб, кўнглини бўшатиб олиши азалий одат. Одам тафтини одам олади, дейдилар, бусиз мумкин эмас. Бирон қадрдон кимсаси йўқ киши бўлмайди. Машойхларнинг айтишича, қадим замонда бир одам хамирдан қўғирчоқ ясаб, курси четига қўққайтириб ўтқазган. У юрагида дарди кўпайганида, ҳасратини шу хамирдан ясалган одамга айтиб, дилини бўшатган. Кунлардан бир куни унга нимадир тегиб, ерга қулаб тушган. Шу атрофда ўйнаб юрган бир кучук боласи югуриб келиб хамирни тишлагани ҳамон тил тортмай ўлган. Бу хамир алам рутубатини ютавери� захри-қотилга айланиб кетган экан. Қоражон бу латифани Абдуманнонга айтиб бериб, бу билан унга бир нима демоқчи бўлган эди.

Қуёш нурларининг инсон танига тушиши, табиатни — дарахту гиёҳларни кўриш, ер устида соғ-саломат қадам ташлаб юриш, одамлар билан гаплашиш, ишлаш — қандай бахт! Бунинг қадрига етмайдиганлар ҳам бор — улар на офтоб нурларини, на табиат гўзалликларини кўришдек бахтдан бебаҳрадилар! Бунинг қадрига етмайдиганлар бор.

Қоражон ўлжага қолган умрини мазмунли кечириш, беҳаловатликни ёқтирмай, босиқ ва осойишталик билан умр ўтказишни афзал кўрарди. Баъзилардек шуҳрат кетидан қувмас, ўз умрию кунларидан қаноат қилиб, яхши ишлаб, ҳаётда нону насибасини териб юришдан бошқа нияти йўқдек эди.

Аmmo...

Тоғ оҳуларидек ўйноқи Гулгуннинг жоду кўзлари уни сеҳрлаб қўйди. Шунча вақт уйланомай, ёши ҳам ўтинқираб қолган ёш инженер Қоражон Мингбоев ўша қийиқ кўз ишқиди оҳ ура бошлади. Ҳуснсизлик баланд девор бўлиб, ўтолмасди. Унинг ҳаловати бузилиб, беҳаловат кунлар бошланди...

II боб

ТОҒДА ЖАЛА

Ҳа, унинг ҳаловати бузилиб, беҳаловат кунлар бошланди...

Яна кўклам.

Бу йилги кўкламда ёгин-сочин кам бўлиб, ҳаво қуруқ келди. Ҳамма жойда ўт-ўлан ёзнинг ўртасидаёқ жизғанақ бўлиб қуриб кетди. Тоғ этаклари, қирлардаги буғдою арпаларгача қовжирай бошлади. Ҳар йили қир ёғ бағирларидан чорва учун қишга хашак тўпланарди. Чотқолу Чимён водийларидагина эмас, Оқсоқота, Кўксув, Писком, Угом, Қоронқулсой, Оқтош, Саргардон, Оқбулоқ тепаларида ҳам ёз бўйи пичан ўриш қизгин борар. Ҳамма ёқда хўроз бир хил қичқирарди; Ғалвасой атрофларида мол емайдиган эрмана, кийик ўт, итсияр, талха, қизилмия, карнайгул каби доривор ўтлардан бўлак гиёҳлар қуёш тафтида қовжираб кетган. Ёмғир бўлмаганидан қўнғирбош, ялтирбош, буғдойиқлар кўкламдаёқ қуриб битди. Қизғалдоғу сариқ лолалар ҳам кам бўлди. Бунинг ўрнига бўзоч, қариқизга ўхшаган, тиканакли каррак, турли-тумчин бўтакўзлар гуллаб ётибди. Ҳиди чўл ялпизига ўхшаган, барги кумуш қизилпойга ҳар қадамда учрарди. Сертук айиққулоқ, зангори тусдаги авруклар ҳам кўп. Гуллари кунгабоқарга ўхшайдиган андиз, соябон гуллилардан «чайир», тулки қуйруқ, ширач, гулхайрн ҳамда пушти, оқ наъматаклар одатдагидек гуллади. Баландликларда дўланаю учқатлар ҳам кўкариб кўзга

ташланади. Лекин улар тоғу қирларга ҳусн бўлиб, яшнатиб тургани билан намгарчилик бўлмай, барра ўтларнинг жизгинак бўлиб кетгани тоғликлар кўнглини гаш қилган эди. Ёгин кам бўлганига қарамай доривор эрмана кўп ўсди. Бу гиёҳ қадимдан маълум бўлиб, офату кулфатдан сақлар, сафарга чиққан кишилар чарчамаслик учун уни оёққа ҳам боғлаганлар. Ибн Сино иштаҳа очишда, асаб, безгак ва бош оғриғини даволашда ундан фойдаланган. Ҳозир эрмана гиёҳи қайнатилиб, қорин шиши, меъда ҳамда ошқозонни тозалашда ишлатилади. Қуриган эрманани қишда мол лағмон егандек иштаҳа билан туширади. Гулидан асаларилар аримайди... Хуллас, эрмана гиёҳи Чотқолу Чимёнда шу даражада кўпки, дунёнинг ҳеч ерида бунчалик эмас.

Тоғлар гўзал, аммо улар қуруқ савлат бўлиб турмай, инсонга хизмат қилиши керак. Ўлкамиздаги бебаҳо тоғларимизни соғин сигирга қиёс этса бўлади. Бу улкан тоғлар минг йиллар мобайнида элни боқиб келмоқда. Ҳатто инсон қадами етмаган, фалакка бўй чўзган Чотқолнинг Обиқашқа чўққилари ҳам кийик, қоплон, какликларга паноҳ бўлиб келмоқда. Тоғлар инсоннинг дўсти! Ёз ниҳоятда иссиқ бўлди; тепаликлар устида жимлик ҳукмрон, фақат иссиқ қуёш тафтида юқори вольтли электр симлари товушидек тинмай визиллаб ётадиган ҳашаротларнинг овозидан бўлак товуш йўқ. Жазирамада қадам босишингиз билан гишлон чигиртканинг «гишлон-гишлон» деган овози чиқади; бу овоз «Ишланг! Ишланг!» деган хитобга ҳам ўхшашиб кетади.

Бир иссиқнинг бир совуғи бор, деганларидек, куз кириши билан водийда ёгин-сочин кўпайиб кетди. Осмонда бақироқ туясимон булутлар карвонининг кети узилмасди. Табиатнинг ёқимсиз қилиғини кўрингки, шу намгарчиликлар баҳорда бўлмайдими?!

Қовоқ солиб турган кўнғир булутлар чоршанба куни кечга яқин томчи ташлай бошлади. Шамол ғувиллаб, йўлларда тўзон кўтарилди, шатирлаб ёмғир ёға кетди. Ғазалкент бекатида, асфальт йўл четида турган икки аёлнинг рўмолларини, устидаги кийим этакларини тортқилаётган шамол бўрига ўхшаб увиллар, айланиб келиб яна ҳужум қиларди. Ёмғир кучайди. Йўл четида улардан бўлак ҳеч кимса йўқ. Кенг водийда фақат ёмғир ҳоким. Узоқ-узоқларда симрайиб, чордана қуриб ўтирган баланд тоғлар ҳам ёмғирни томоша қила-

ётгандек. Улар йўл четида шамолга таланиб, ёмғирда ивиб турган икки аёлга бепарво боқардилар. Қош қорайиб қолгач, ёмғир жалага айланди. Бирон машина ўтиб қолишидан умидвор бўлиб, йўлга нигорон турган икки аёлдан бири устидаги плашини ечгач, икковлари бошларига соябон қилишди. Узоқда икки кўзини ялтиратиб, куч билан гуриллаб келаётган машина кўринди. Соябондан чиққан ёш жувон йўл ўртасига тушиб, қўл кўтарди. Унинг кўйлаклари баданига чиппа ёпишган, сочлари ҳам юзи билан битта, ҳозиргина сувга пишиб чиққанга ўхшарди. Машина яқинлашгач, у ўзини четроққа олди. Улкан машина тўхтамай вағиллаганча ўтиб кетди. Унинг устига чўян қувурлар ортилган, кабинада ҳам тиқилиб уч киши ўтирарди.

— Қайтиб кета қолайлик, Гулгун! — деди тугунини қучоқлаб, ивиб турган аёл, — мана, бир соатдан бери турибмиз. На автобус бор, на биронта ўткинчи машина...

— Бир оз турайлик, опажон! — деди узоқдан машина овозини эшитган қизи яна асфальт йўл ўртасига тушиб. У одатдагидек қўл кўтарди. Яна юк машинаси вағиллаганча ўтиб кетди. Унинг ҳам усти тўла кабель, темир-терсақлар... Гулгун яна жойига қайтди. — Э, ўлсин, яна юк машинаси экан! Ҳаммаси Чорвоққа ўтпти. Наҳотки, биронта автобус ўтмаса!

— Уйимиз олис, кел қизим, қайтиб кета қолайлик. Мана, ивиб кетдик, — деди титраб аёл, — бугунчалик бувингларникида ётиб қоламиз. Эрта билан ёмғир тинса, Сижжакка жўнаймиз.

— Мен сизга, барвақтроқ кетайлик, дедим! Узингиз ивирсиб, мана, жалага қолдик! — деди йиғлаганга ўхшаб Гулгун.

— Бу худонинг хоҳиши, қизим. Айб менда эмас. Ҳадеганда ошни олиб келиша бермади. Ахир, бошқалар ўринларидан қўзғалмагандан кейин биз ҳам туролмас эдик-да! Чақириқ ҳам шунақа бўладими-ю! Рихси кенайингнинг ўзиям ўлгудай имиллаган. Мен унга неча маротаба айтдим, ҳой, келинпошша, биз Гулгуной билан узоққа борамиз, ошингизга гуручни барвақтроқ солинг, деб! Тепса-тебранмас бу Рихсихон бўлса, ҳа, ҳозир бўламан, опогойи, деб мана, бизни жалага қолдирди. Дунёда одамзод сал чаққонроқ бўлса-да! Бунақа ивирсиқларни кўрсам юрагим сиқилади. Айтганча, оймникида ётиб қолайлик, десам, аданг хавотир олиб, бир нима бўлдими, деб қўлтиқтаёқда қидириб келиши

тайин. Адангга, пешинга қолмай қайтиб келамиз, деган эдим. Укангдан ҳам кўнглим тинчимаётибди, томоғи оғриб, сал иссиғи чиқиб турган эди...

— Бунақа экан, шунча ўтириб нима қилардик!

— Қариндош-уруғчилик келди-кетди билан, қизим! Бир-биримизни шунақа йиғинларда кўрмасак қачон кўрамиз? Ётлашиб кетамиз. Яхши ҳам бувинг бор, агар у киши бўлмаса, тоғангникига борармидик! Кимга зарур келибди! Уша кишининг ҳурмати учун келдик-да, шундан шунга. У киши дунёдан ўтиб кетса, қариндош, ака-укалар бир-бирларининг ҳолидан хабар олармикан?!

Ивиб, эти жунжикиб турган Гулгун миқ этмади. Онасининг ўгитлари қулоғига кирмасди. Унинг тишлари такиллаб, қалтирай бошлади. Жала авжга минди, худди челақлаб қуярди. Гулгун яна ўша меҳмондорчиликка қайтиб кетишга ноилож рози бўлай деб турганида Чорвоқ томондан келаётган машинага кўзи тушиб, жаҳл билан қўл кўтарди.

— Бу машина Чорвоқдан келяпти-ку?— сўради онаси,— бизга бу ёқдан — шаҳардан чиқаётган машиналар керак эмасми?

— Энди барибир!— деди Гулгун титраб, қўлини ҳавода силкитар экан.

Машина прожектори Гулгунга тушди. Жалада икки кўзи ёниб, Гулгун ёнидан вағиллаб ўтиб кетган машина нарироққа бориб тўхтади-да, орқасига тисарилиб, жалада ивиб, титраб турган қиз ёнига келди.

— Биз жалада қолдик!— деди Гулгун газик эшигини очиб. Шофёр рухсат берса-бермаса ҳам машинага чиқа бошлади.

— Кўриб турибман,— деди шофёр йигит.

— Айнаниб кетай, болам, бизни машинангизга олинг!— деди югуриб келган Санобархон ҳам,— бизни Сижжакка олиб бориб қўйинг. Илоҳим, барака топинг!

— Марҳамат, чиқинглар!— деди йигит чекиб турган сигаретини кўчага ташлаб. Машина ичи қоронғи бўлганидан бир-бирларини яхши кўриб бўлмас эди. Она-бола орқага чиқиб ўтириб олишгач, машина кети-га бурилиб, шиддат билан келган томонига елиб кетди. Ёқасини кўтариб, шапкасини бостириб олган шофёр бир-икки орқасига қараб қўйди. Машина тепасидаги ойнасини ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган қизга тўғрилаб қўйди. Машинага чиқиб олганидан хурсанд бўлиб кетган Санобархон шофёр йигитга миннатдорчи-

лик изҳор этиб, кечикиб жалада қолганликлари, Рижс-хоннинг ошни тезда олиб кела бермагани, уйда инвалид эри — Милтиқбой ака безовталанаётгани, ўрлининг томоғи ангина бўлгани... бари-барини гапириб берди. Милтиқбой ака номини эшитган шофёр йигит яна бир орқасига қараб қўйди.

— Илоҳим, умрингиздан барака топинг! Ғазалкентликмисиз, иним?

Йигит бош чайқади.

— Хондайликдан бўлсалар керак? — Гулгун рудда ўтирган йигитнинг тепадек кенг елкаларига қаради. У қанча ҳаракат қилса ҳам шофёрнинг юзини кўролмади. У костюми ёқасини қайириб, шапкасини бостириб олган эди, — ёки Сойликданмисиз? Чимбойликдан эмасмисиз?

Гулгуннинг жўрттага савол бераётганини сезган йигит қисқагина жавоб қилди.

— Шу ерлик. Чотқол томонданман, — деди.

— Хумсонликлар камгап бўлади, дейишади. Иўлингиздан қайтардик, хафа бўлмайсиз-да, — совқотган Гулгуннинг дилбар овози титроқ янгради. У миннатдорчилик туйғуси билан елкадор йигитга боқди. Нотаниш йигит талаффузининг тиниқлигидан хондайликликка ўхшарди.

— Зарари йўқ, — деди йигит пинагини бузмай. Унинг икки кўзи йўлда. Югуриб чарчамайдиган чайир машинаси дам тепаликка, айланма йўллар оша дам пастликка, кишининг нигоҳи тушса юрак шигиллаб кетадиган жарликлар ёқасидан ўтиб, яна кўтарилиб қоларди. Тинмай жала қуяр, машинанинг икки ён томонидаги ойнасидан шариллаб сув оқар, олдинги ойнага урилаётган жала тарновдан тушгандай шариллар, машина кўзларидан тушиб турган нурда ярқирар, орачора чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурларди.

— Шундоқ жалада «чақириққа» боришни бизга ким қўювди! — Санобархон ўртадаги жимликни бузиб койинди.

Йигит яна индамади. Машина эчкига ўхшаб тобора баландликларга кўтариларди. Баланд тепаликдан шофёр йигит ўнг томонидаги пастликка қаради; пастликда айқириб, буралиб, дам тоғ қоялари ичига кириб, дам сайхонликда ёйилиб оқаётган дарё чақмоқ ярқирашида кўзга ташланарди. Унинг устидаги омонатгина қурилган Эшаккўприк ҳам бир лаҳза кўриниб кетди. Қия, айланма йўлларда кўп юрганига қарамай, йигит

жуда эҳтиёткорлик билан машинани олиб борарди. Бундай баландликларда салгина эҳтиётсизлик даҳшатли фожиага сабабчи бўлиши мумкин. Негадир у, баъзи шофёрлардек, машинасига чиққан чиройли жувонга ўзини кўрсатиш учун қуруқланмасди. У миқ этмай борарди. Бу ҳол Гулгунга гайри табиий кўринди. Аксар у бирон бегона машинага тушиб қолса, йигитлар ўзини кўрсатмоқчи бўлиб унга тинмай гап отишарди. Ҳатто ичи одамга тўла автобус ҳайдовчиси ҳам «гўзал жонон»га бир қараб қўйгач, жиндак ҳунар кўрсатарди. Негадир бу нотаниш йигит босиқ, хомуш кўринарди. Бировнинг ичидагини билиш қийин, гапирмаса гапирмас, шундоқ жалада бағритошлик қилиб уларни ташлаб кетмади-ку! Ёки бола-чақаси кўп, аёлманд одам бўлса, беш-тўрт сўм пул ишлаб олай, деб йўлидан қайтдимикан? Ёки нияти ёмонроқ одам бўлса-я? Миқ этмай кетиши Гулгуннинг юрагига ваҳима солди, жарпар оралигида пичоқлаб кетса-чи? Босқинчилик қилса-я? Онаси қўлидаги тугунни қимматли бўхча деб ўйламаслиги учун унинг нон, қанд-қурс эканини билдириб қўйди. Эҳтимол, у кун бўйи ишлаб, жуда чарчагандир. У ўзини яхши танитиб, «хавфли» кўринган одамнинг андак бўлса ҳам раҳмини келтириш ниятида онасига мурожаат этиб, укасининг томоқ оғриғи бўлгани, кеча босинқираб чиққанини тилга олди. Ундан сўнг, «фронтчи адаси»нинг бундай ёмғирли кунларда қирқилган оёқ учлари, ўқ тегиб яраланган кифтлари зирқираб оғришини, у дори ичиб ўралиб ётишини айтди. Фронтчи инвалид адасига ўзи укол қилиб қўйишини ҳам гапирди. Илгари адаси ўзига-ўзи укол қиларди. Лекин кейинги пайтларда қизининг жуда яхши укол қилиши, бу ишнинг машқини олганидан хурсанд эканлигини ҳам гапирди. Шофёр йигит ҳамма гапни эшитарди-ю, лекин индамасди. У Гулгуннинг отасига ўзи укол қилиши, ўзининг врач бўлишини орзу қилишигача билди. Лекин гапга сира аралашмай машинасини ҳайдаб кетаверди. Ўртага яна узоқ жимлик чўкди. Машина гуриллаб борар, қоронғида дам у ёққа, дам бу ёққа бурилар, уч киши ўртасида жимжитлик собит. Ташқарида чақмоқ чақиб, момақалди роқ гумбурлар, бир соатлардан буён тинмай жала қуярди...

Бир муддатдан сўнг машина тўхтади. Гулгун билан Санобархон бирон жарлик ичида тўхтамадимми, деб хаёл қилиб, шофёр йигитга ваҳима билан қарашди.

— Марҳамат, етдинглар!— деди шофёр йигит ўтирган ерида пинагини бузмай.

Санобархон машина ойнасидан кўчага қаради: ҳа, дарҳақиқат, ўзларининг дарвозалари ёнида туришарди. У эшикни очиб, пастга тушди.

— Гулгун, қизим, ҳалиги пулни бер!— деди Санобархон ерга тушиб олгач, машинадан чиқиб келаётган қизига.

Гулгун костюми чўнтагидан пул олиб йигитга узатди.

— Катта раҳмат сизга! Мана буни олиб қўйинг...

— Йўқ, овора бўлманг.

— Олинг, ўғлим, умрингиздан барака топинг, ҳожатимизни чиқардингиз. Бер, Гулгун, пулни узат! Дунёда сиздек инсофли, диёнатли одамлар борлигига шукур, олаверинг, ўғлим! Агар камлик қилса, ҳозир югуриб кириб, уйдан олиб чиқамиз.

— Ола қолинг,— деди Гулгун қўлини узатганича.

Йигит Гулгун қўлидан ёмғир тегиб ивиган пулни олди-да, гимнастёркаси чўнтагидан дафтарчасини олиб, қатига солиб қўйди. Шу лаҳза у андак ўгирилганида, Гулгуннинг кўзи унга тушиб, юраги шиғиллаб кетди; бу юзи чандиқ кишини қаердадир кўрган эди! Йигит пулни олди-ю, Гулгуннинг ўзига тикилиб қолганини сезиб, хайр, деди-да, яна машинасини гуриллатиб жўнаб қолди...

Гулгун уйига киргунча ўйлади. Бу йигитни у Абдуманноп аканинг тўйида кўрган экан... Унинг кўз олдида ўша чандиқ кимса пайдо бўлди. Яна икки нарса хаёлини қамраб олди: биринчидан, адресларини айгмасалар ҳам тўппа-тўғри ўз эшиклари ёнига олиб келгани, иккинчидан, Ғазалкентда, автобус пойлаб турганларида атай келиб машинага олиши... Ниҳоят, ўз юзига тушган ўтқир нурда у одам албатта уни таниганлигини ва машинада юзини кўрсатмай, индамай келтишида сир борлигини пайқади. Бу воқеа ҳам тасодиф, ҳам сирли эканини билди. Гулгун қисқа гапларни, ишорани ёқтирарди. Пардали гаплар, лутф билан фикр баён этиш унга ёқар, узоқ алжийдиган, такрор-такрор гапирадиган, ўз фикрини лўнда қилиб тушунтиролмайдиган кимсалар олдида юраги сиқилар ва тезда туриб кетгиси келарди.

Ҳамма нарса китобларда ёзилганидай бўлавермас экан, ҳаётда баъзан кутилмаган воқеалар ҳам содир

бўладки, сиз бош чайқаб, бундай бўлиши асло мумкин эмас, деёлмайсиз. Уша кеча тўйдан чиқиб кетган Гулгуннинг зардаси узоққа бормади, улар — икки дугона кўчада бир сз юриб, юқориликка кўтарилишгач, «чандиқ юзли одам»нинг тикилиб қараганлиги эсларидан чиқиб, ўзларини қизиқтирган мавзу — янги кўйлақлар, институт ва бошқа гапларга ўтиб кетишган эди. Уйга қайтгач, Гулгуннинг кўз олдига яна лоп этиб ўша одам келди. Уни «ғар кўз»ликда айблаган эди. Ҳар қалай, «ахлоққи гожица» одам эмаслигини, бундай қўрқинчли кишилар Сижжакда қаёқдан пайдо бўлиб қолганини ҳам ўйлади. Балки бунинг аксидир; баъзан ношуду беомад кишилар шундай тўрт томонга тош отиб юрадилар... Ҳаётда атрофингиздаги кишиларнинг феълу атвори, хатти-ҳаракатини кузатиб борсангиз, дудуқлар кўп гапирганини яхши кўришлигини сезмай иложингиз йўқ. Ҳаёт қизиқ, хотин-қизлар устидан кулиб, ишратни кўп гапирадиган, мақтанчоқ кимсалар аслида бу масалада эжиз эканлиги кўпдан маълум. Қал тароқни, қўрқоқ йўлбарсени, дудуқ нутқ сўзлашни яхши кўрганидай, кишидаги сжизлигу етишмовчилик доимо ўзини кўрсатиб туради.

Уша чандиқ, дўлзар одам Гулгуннинг тушига кириб, қўрқитди. У дам айқ, дам йўлбарсга ўхшаб, кенг далада срақасидан қувлармиш. Қочиб кетаётган Гулгун шунча интилганга Селан олдинга босолмасмиш. Йўлбарс қиёфасидаги одам бўкириб, чопиб келармиш. Гулгунга ташланганида у бақириб, уйғониб кетди. Қараса, қора терга тушиб кетибди. Ёстиқдан бош кўтариб, яна ўша чандиқ, «барзанги» одамни ўйлади. У тушига кириб, қўрқитганидан таажжубга тушди.

Шу кеча Гулгуннинг лабларига учуқ тошиб чиқди. Кийиниб, шай бўлиб, «тойча»сини (Милтиқбой ака қўлтиқтаёгини шундай атайди) ушлаб турган ота Санобархон билан Гулгуннинг кириб келишаётганини кўриб хурсанд бўлиб кетди. У яна жойига ўтириб, юрагидаги гулгула ғуборини ўчирди. Чекди. Лекин барибир унинг чап мўйлови лип-лип уча бошлади. (Асаби бузилиб, диққат бўлган чоғлари шундай бўларди.)

— Ҳа, нима бўлди?

— Автобус келавермай, жалага қолиб кетдик, — деди Санобархон, — оймлар-ку майли, бу Рихсихоннинг имиллашини айтмайсизми! Акам бечора умр бўйи шу шалтоқ хотинга чидаб келяптилар. Ҳай-ҳай, унинг гапларини эшитмабсиз, ғалтак ютиб, битта гапни бир соат-

да ҳам тушунтиролмади. Шу Рихсихон сабаб бўлиб, кечикиб қолдик...

— Сизлар келавермаганларингга энди ўрнимдан туриб Газалкентга бормоқчи бўлиб тургандим.

— Бахтимиз бор экан, шундоқ жалада бир яхши шофёр йигит учраб, олиб келиб қўйди. Сизнинг ҳурма-тингиз, сизни таниса керак, бир оғиз Милтиқбой ака фарзандларимиз, дейишимиз билан шу жалада кетаётган йўлидан қайтиб, кўчамизни айтмасак ҳам эшигимиз олдиғача олиб келиб қўйди. Худо етказди уни бизга.

Кутавериб асаби бузилган Милтиқбой ака юрагини фахр қучди — собиқ фронтчини одамлар шунчалик қадрлаши — бу қувонч юракдаги диққатликни қувиб чиқарди.

— Боринглар, кийимларингизни ўзгартириб чиқинглар. Ивиб кетибсизлар. Шамоллайсизлар. Шўрва қайнатиб қўйдим...

— Илоҳим, барака топинг, адаси! Шўрва қайнатиб бошлапсиз! — деди ичкари хонага кириб кета туриб Санобархон. — Ўғлингизнинг томоғи тузукми?

— Уйда ётибди.

Гулгун жиққа ҳўл бўлган кийимларини ечиб, бошқасини кийди-да, кейин айвонга чиқди. Жала андак пасайган, лекин барибир тарновлардан сув шариллаб оқиб турарди. Ҳовли юзидаги ёмғир оқиб тушган гулхона марзалари тўлиб, кўл бўлган эди. У ичкари хонада ётган укасидан хабар олди. Ундан сўнг яна айвонга чиқиб, ёмғирга тикилди. Кечки ёмғирни томоша қилиб, хаёлга чўмган Гулгунни бехосдан онаси чақириб қолди.

— Шўрва совиб қолмасин, қизим!

— Хўп, ҳозир кираман, — деди у ичкари хонага қараб. Лекин унинг қаршисида ўша одам турарди. Нега у кетида юрибди? У чотқоллик эмиш. Назарида Чотқол дараларидан келган бир қоплон унинг изидан юргандай...

Жала қандай яхши, ғубору рутубатни югади, япроқлару ўт-ўланни ювади. Эртага ҳаво очилиб кетса, Асқартоғдан бош кўтарган қуёш ҳаммадан аввал кунгай Хумсон у Сижжакни чароғон этади.

III боб

ҚАЛЪА ДЕВОРИДЕК ЖАРОҲАТЛИ БИР ЧЕҲРА ЕКИ УНИНГ КЕЧМИШ-КЕЧИРМИШЛАРИ

Эртасига ҳаво, дарҳақиқат, очилиб кетди. Асқартогдан бош кўтарган қуёш ҳаммадан аввал Хумсонуну Сижжакни чароғон этди.

Инженер Қоражон Мингбоев ўзини иш билан қанчалик алаҳситмасин, ҳеч иложи йўқ, ўша қийиқ кўз, бодом қовоқни бир кўришда севиб қолганига иқрор бўлди. У ўзига-ўзи ишонмасди: пахса девордай қалин кўкси пиёз пўстидек юпқа бўлиб қолдими? Ёки бу қиз сеҳргарми? Унинг турмуш қуриб, муросалари келишмай, қисқа вақтда ажралишганини ҳам эшитди. Ёши ҳам йигирма бешлар атрофида... Инженер Мингбоевнинг ҳам бодрингдек диркиллама, қирчиллама пайтлари ўтиб кетган. Лекин шу маҳалгача ҳеч кимни бунчалик севмаган эди. Унинг жигар-бағридан уриб, шайдо бўлиб қолди. У кўзини юмди, дегунча, хаёлан Гулгунни кўради. Унинг ёқимли қилиқлари, овози эшитилиб кетгандай бўлади. Қоражон каравотига бағрини бериб, ёстиқни қучоқлаб, изтироб чекарди; наҳотки, қизлар ҳаммадан кўп эътибор берадиган ҳусндан уни худо қисган! Унинг ҳам ўзига яраша ҳусни бор эди — у ўрнидан туриб, девордаги мактабда ўқиб юрган йиллари тушган фотосуратига тикилди. Ахир, бу... беомон, қонли жанг оқибати-ку! Ёшлигида у лўмбиллаган, қорамангиз, кўринишда ҳам бошқалардан ажралиб турадиган, ҳозиргидай хунук эмас эди-ку! Лекин ҳозир одамлар ичига кирса, унга бир ялт этиб қараб қўймайдиган кимса бўлмайди. Уни биладиганлар учун бу чандиқлар бир ҳусндек кўринади, аммо танимаганлар уни бедаво деб, назар-писанд қилмайдилар. Кейинги йилларда Қоражоннинг ўзи ҳам бунга анча кўникиб қолган эди. У ҳамма вақт иш билан овора бўлиб, меҳнат билан ўзини ўзи оутар эди. Аммо, тўйдаги воқеа Қоражон Мингбоев ҳаётида кутилмаган бир бурилиш бўлди — одамлардан четроқда юрадиган бу дўлвор йигитнинг нигоҳи ўша Гулгунга тушиб, юраги жуда алғовдалғов бўлиб қолди.

Уша куни Хўжакент, Сижжак довларини кезиб, тоза чарчаган Қоражон, сўнг, тунда ўз уйига кириб келиб, бурчакда турган катта тошойнага қаради. «Мен бедавоманми? Мен шу даражада хунук одамманми?»

Мен бирон кимсани яхши кўриб, ололмаймамми? Мендан қазар қиладиларми? Наҳотки, ҳусн ҳамма нарсадан муҳим бўлса?! Қоражон бошига бостириб кийиб олган шапкасини диванга отди. Костюмини ечиб, ойна ёнига яна ҳам яқинроқ борди. У чап юзи ва бўйинларининг чандиғига жон-жаҳди билан тикилди. Куйиб яримта бўлиб қолган қоши — қора булутлар ичига кираётган ойни эслатарди. Кўзнинг эгаси бор, дейдилар, ўшанда кўзи ҳам кўрмай қолиб, госпиталда очилган бўлса ҳам эти куйиб, кўз омон қолган эди. У яна ўзига-ўзи хитоб қилди: «Демак, мен бир бедаво одамман, мендан ҳамма қочади, мен севган одамимга етишишим мумкин эмас. Мен номига хотин деган кимса билан умр ўказишим керак... Мен текис йигитлар, чиройли қиз-жувонлар тўпига қўшила олмаймам! Мендан ҳамма қочади! Узумнинг яхшисини улар ейдилар! Ҳусн деган нарса фақат шунинг учун керакми? Мақсад, фақат «узум ейиш»дан иборат эмас-ку! Баъзилар мана бу ишни мақсад қилиб олган — биз фақат узум еймиз, давринг кепти, суриб қол, қабалида иш тутадилар. На ўқишда ва на ишда тайин бор. Вақт ўтиши билан бу ҳусн захкаш деворлардек шўралаб, нурайди...»

Машинадан тушаётган Гулгуннинг кўзи беҳосдан унинг юзига тушиб, захраси учиб кетгани ҳам кўз олдидан нари кетмасди.

Қоражоннинг томоғидан овқат ўтмади...

«Мен бедаво эмасман! Бу гапни ўша қизга қандай тушунтирай?! Шиддатли жангда, танк ичида ёнганимни қандай айтаман. Ахир, онам шундай чандиқ туғмаган-ку! Урушга бормасдан аввал мен ҳам силлиққина йигитча эдим-ку!»

Бир карра нобоп одам қўлига тушган кимса ҳаммани ўша нобопга ўхшатади. Гулгуннинг назарида ҳамма йигитлар лўттибоз эди. Улар аввал муҳаббат изҳор қиладилар, ялинадилар, кейин... Улар фақат мақсадларига етгунча қадрдон. У ҳеч кимга ўхшамасди. Урта мактабни тугатгач, турмушга чиқди. Нобоп эридан тезда чиқиб кетди. Институтга киролмай, мана бир қанча йилдан буён ота-онаси бағрида уй қизи бўлиб ўтирибди. Зеҳни ўткир, чиройли, шаддод қизнинг умри фақат ҳовли супуриш, дўппи тикиш билан ўтиши тўғрими?! У бирон ерда ишламайди. Абдуманнопнинг айтишича, қаллоб эри бошига қанча шўришлар солган... «Биз ўша Белоруссиянинг Бобруйск шаҳри ёнидаги қалин ўрмонда ё ўлим, ё ҳаёт, деб жанг қилдик. Сақлаб қолинган

бу бахтли ҳаётда ҳозир икки куч вақти-вақти билан тўқнашиб турибди; бири — меҳнат аҳли, софдил, ҳалол, юртга муносиб кишилар. Иккинчиси, ниҳоятда оз — қўл билан санарли бўлса ҳам кўзга ташланиб туради. Улар — текинхўрлар, фақат ўз шахсини ўйлайдиганлар... Улар тупроғимизнинг қаеридадир ётиб гашимизга тегяпти, ҳаром ишга қўл уряпти. Уларнинг кўпчилиги буқаламундек терисини ўзгартириб, баъзан ювош ва кераклидек кўринадилар. Уларнинг ичи мараз! Мана, икки куч ўртасида жанг кетяпти. Лекин ҳеч қачон мен фронтда қон кечиб жанг қилганимни одамларга писанда қилган эмасман. Мен мингларча кишилар ичиданги оддий бир кишиман...»

— Ҳой, ўғлим, овқатинг совиб қолди, — деди хонага кирган Қандил буви ўғлининг ойнага қараб хаёл суриб турганини кўряб, — тинчликми?

— Тинчлик, ойижон.

— Юз-қўлингни юв. Овқатинг совиб қолди, болам.

— Хўп бўлади.

— Анави ўртоғинг, телефон қилсин, деган эди.

— Садовниковми? Хўп, ойижон, албатта телефон қиламан.

— Шунча вақт ёмғир бўлмай, мана энди ўт боши қайтиб, қир-дала қовжираганда жалани қара! Бу ҳам худонинг марҳамати, болам. Бандасининг қўлидан нима келарди! Бу ёмғирларнинг ишларингга зарари тегмайдими?

— Йўқ, зарари тегмайди. Қор ёғсаям, ёмғир ёғсаям, саратон ёндирсаям бизнинг ишимиз тўхтамайди.

— Ҳа, ишқилиб, яхшилиқ бўлсин. Анзираг буви тўсатдан қазо қилибдилар, қишлоқдан хабар келди. Болалари шошиб қолиб, ўлимлигимни суриштиришибди. Сандиқдан олиб бердим. Магазинларда дока кўринса йигирма метр олиб қўй, болам. Эртаминан мошинангда мани қишлоққа ташлаб кет, ман энди бир-икки ҳафта ўша ерда бўламан.

— Хўп, ойижон. Бувини худо раҳмат қилсин!

Қоражоннинг бошидаги хаёллари учиб, яна қайтиб ташқарига чиқди. Юз-қўлини ювиб, кейин столга ўтирди. Кампир пиширган эт ва шилпилдоқдан озроқ еб, чой ичди. Унинг иштаҳаси йўқлиги, хаёли ўзида эмаслигини она пайқарди. Онасининг ўсмоқчилаб сўраганларига Қоражон ётиғи билан жавоб бериб, уни тинчатишга уринди. Ишидан бир хато чиқиб қолдимикин? Она хомуш ўтирарди. У сўроқлар билан аниқлашга

ҳаракат қилиб кўрди. Углидан тайинли гап чиқмагач, чарчаб, ивиб келган фарзандини қийнамай жойини тўғрилади ва кириб ухлашга ундади. Қоражон ичкари хонага кириб, каравотга ўзини ташлади. она кўзига ухлаб қолгандек бўлди. Аслида яна беҳудуд хаёллар уни ўз қомига тортган эди.

Инженер Қоражон Мингбоев Чотқол дарёси қуйи оқимида, тоғ бағридаги кичик Ёнқўргон қишлоғида туғилган. Унинг ота-боболари шу ерларда яшаб, чўпонлик билан умр ўтказганлар. Бобоси Мингбой чўпон бу ерликларга «Чирчиқ бува» номи билан ҳам машҳур эди. У етти ўғил ва бир қиз кўрибди. Қишлоқ Советида кўп йиллардан бери ишлайдиган Шамсиқамар деган сергап хотин ҳужжат беришда Қоратойнинг нимаси, Қоражон бўлсин деб, қора тушъ билан ёзиб берибди. Шундан кейин «той» ўрнига «жон» бўлиб кетган. Маҳмадона, ўзбилармон Шамсиқамар яна кўпларнинг номини ҳам қотириб «гузатиб» берган.

Ана шу Мингбой бува наслу насабидан бўлган Қоражон басавлат, йўғон йигит бўлиб чиқди. Унинг лаблари шерникидек қалин, сочлари типратикан, муштлири сўйилдек залварли. У қорамағиз, ўткир кўзлари ёниб турарди. Бирон нарсадан тез жаҳли чиқмас, ошналари билан баҳслашганда ўзини тутиб турар, бекорга сўкиниб, тажанг бўлавермасди. Ёқалашиб қолса, рақибини тоза дўппослаб, чўзилтириб қўймагунча қўлидан ҳеч ким ажратиб ололмасди. Ишлаб чарчамайдиган, ўта соддадил бола эди. Юзлари гўштдор, семизлигидан уни «бўлис» деб ҳам аташарди.

Йиллар ўтди.

Улуғ Ватан урушидан қайтиб келган Қоражон Мингбоев Тошкент политехника институтига ўқишга кирди. Аввал бировларнинг уйида ижара тўлаб туриб, кейин ётоқхонада яшаб, анча машаққат билан ўқиди. Очин-тўқин қолишлар, фирром йигитларнинг «қишлоқи» деб камситишлари, дарсларнинг мураккаблиги, туғилиб ўсган қишлоғини соғиниш... каби қийинчиликлар аввалига уни кўп қийнади, кейинчалик кўникиб кетди. Имтиҳондан ўтиб, институтга кириб олсам бас, бу ёғи ванғиллаб кетаверади, деб калта ўйлаган экан. Неча бор ўқишни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо қандайдир чидам юрагида собит эди, уни йўлдан қайтарди. Отасидан пул юборишни сўрашга юзи чидамай, шаҳарда иморат солаётган кишилар ҳовлисида ишлаб пул топди. Қуруқ нону қайнаган сув ичиб ўқишга бор-

ган кунлари кўп бўлди. Кийимларини ўзи ювиб, ўзи дазмолларди. Кўп вақт арзон-гаров картошка сотиб олиб, сувда қайнатиб еган пайтлари ҳам бўлган. Эт еб, катта бўлган чўпон ўғли учун картошкаю кўкатлар ичагига юк бўлмасди. У кейинги пайтларда бир қадар озиб, қуруқ бурни қолди. Қишда юпқа шим, брезент туфли кийиб институтга келган ҳам Қўражон бўлди. Бу олифталикдан эмас, йўқчиликдан эди... Шу аҳволда йиллар ўтди. Ўзига қолса аллақачон институтни ташлаб кетиши аниқ эди-ю, аммо қонидаги бир сабот уни маҳкам ушлаб, машаққатлар олдида бош эгдирмади. Атрофдаги баъзи ҳасадгўй кимсаларга ҳам забун бўлмади. У ҳар ишни босиқлик билан ўтказиб, шайтонга ҳай берарди. Охирги курсларга ўтганида, кутилмаганда, Наима деган келишган бир ёш жувоннинг қўлига тушди. Бу жувонга «харсанг тошдай ғадир-будур» Қўражон ёқиб қолиб, қўярда-қўймай ётоқхонадан ўз уйига, шаҳар марказидаги икки хонали квартирасига кўчириб олиб кетди. Унинг лаби устида қалин тук, мўйлови бор эди. Кўзига қон тўлган Қўражон никоҳсиз, ҳеч нимасиз ва ҳатто ота-оналарига хабар қилмай шу жувон билан бирга яшай бошлади. Унинг турмуши бирдан яхши бўлиб кетди. Кийимлари ҳам, ейиш-ичишлари ҳам — ҳамма ишлари жойида. У билан эру хотин бўлиб яшаётганини курсдошлари ҳам билди — улар ҳайрон, баъзилар, бахтинг келибди, деса баъзилар, адойи тамом бўлдинг, дерди. Қўражон ҳеч нарсага туншунмас, уйи бўлса, ёнида чиройли хотин, квартира... Бундан ортиқ яна нима керак? У қандини уриб яшайверди. Келгусида Наимани Чотқолга, ўз қишлоғига олиб бориб, ота-оналарига кўрсатиб, никоҳ қилиб олишни ўйлади. Наима ўта замонавий кийиниб, қошу кипригигача, оёгининг тирноғигача бўяйдиган, муҳаббат бобида анча «эркин», кўнглига ёққан кимса билан бирдан ош-қатиқ бўлиб кетадиган кимса эди. Ўзи унинг айтишича, аёллар билан мулоқотда бўлишни кўп хушламас, фақат эркаклар билан чақчақлашишни яхши кўрар эди. Наиманинг дарду дунёси, жони дили ресторани, ўта замонавий кийим — сертугма, тор шимлар. «Ҳой, хумпар! Гап кийимда эмас, ахир. Улуғ Ватан урушининг мислсиз қаҳрамонлари — Олег Кошевой, Зоя Космодемьянскаялар жуда содда кийинганлар. Америка хиппиларидан эмас, биз ўз қаҳрамон ватандошларимизнинг кийинишидан, хулқу атворларидан ибрат олишимиз керак», деган эди бир куни Қўражон,

Наима полга тупуриб, бурнини кўрсатди. Бу қилиқ Қоражонга жуда жирканч кўринди. «Мен сенинг филозофиянгга, идеянгга тупураман! Сен цивилизациядан узоқ, папуас, абorigенларга ўхшаган ўзбексан! Вақт ўтиши билан қабилаларингнинг урф-одати йўқолиб кетади! Европа цивилизацияси доимо ҳоким бўлади!» — деди етти бўғинли чаёндек кўкариб, титраб Наима. «Қабила-мабилангни билмайман, мен совет гражданиман! Шуни яхши биламан!» — деди Қоражон.

Ўртага шунча оғир гаплар тушишига қарамай, шу куни кечга яқин Наима ҳеч нима бўлмагандек, «эри» ни қучиб, унга коньяк қуйиб берди. Яна бамайлихотир бағрига кирди... Бу масхарабозлик-ку, деди ичида Қоражон. Бу ўзи қанақа инсон!!!

Орадан бир ҳафта ўтгач, ярим тунда Наиманинг қовоқ таглари кўкарган ҳолда шалвираб уйга келди. Ундан ичкилик ҳиди анқирди. Қоражон унга қўл тегишига ҳам жирканди. Қаёқда эдинг, деб сўрамади ҳам. Чунки уйда қиёмат-қойим бўларди. Ўзининг суюқ оёқлигини «ўта замонавийлик» ниқоби билан яшириб, кўнглига ёққан кимса билан ишрат суриш йигирманчи аср ёшларига хос эмиш.

Кунлар шундай ўтавергач, Қоражон, бор-э, деб эски чамадонини кўтариб, уйдан чиқиб кетди. Чиқиб кетишга чиқиб кетди-ю, аммо уни «ахлоқи нопок» киши сифатида институтда муҳокама қилишди. Наима Қоражон Мингбоев устидан аввал юмалоқ хат ёзди. Кейин очиқдан-очиқ олиша бошлади. Аёл ўзини руҳий касал деб қандайдир справка ҳам олиб қўйган экан. Агар бирон киши билан жанжаллашиб, унга жароҳат етказса жавобгар бўлмас экан. Унинг бу қилиғини кўриб, Қоражон ҳайрон бўлиб қолди. Муштумдек боши билан шунча фитналарни ўйлашга нима мажбур қилди. У жинойт қонунлари кодексини яхши биларди. Бу ишларни кўриб қангу манг бўлган Қоражон илгари уни «чесний бўлсанг айланай», деб кулган эди.

Қоражон янглишди. У янглишиб қўлга тушди. Эътимод қўйиб, гўзал деб юргани бу жувон тамоман тескариси бўлиб чиқди. У бир куни: «Биз ёш жувонларнинг иложимиз йўқ, қандоқ қилайлик, ёшлик...» — деган эди. «Ўзингнинг ошнанг мени қўярда-қўймай кинога судради. Мен фаришта эмасман, мен инсонман...» — деди бир куни. Улар ажралиб кетишди. У ҳозир Хайрушка деган бир йигит билан юраб эмиш.

Институтни тамомлаган кунларининг бирида шаҳар четидаги ресторанда бир ошнаси билан овқатланаётган Қоражон Мингбоев зал чеккасидаги столда фиғон бўлиб, бўғилиб ўтирган инвалид одамга кўзи тушган эди. Унинг ёнгинасидаги катта столда қизлар билан беибо қилиқлар қилиб, елкаларига қўл ташлашиб ўтирган йигитчалар дамо-дам бақаришарди. Улар бу залда ўзларидан бўлак одам йўқдек, ўтирганларни менсимай, бемалол қичқаришар, оёқлари билан полни тепиб, столни муштлаб гаплашишарди. Ҳуштак чалиб, ашула қилишарди. Баъзан сигарета тутунини орқага пуфлашганида тўппа-тўғри бояги мўйловдор инвалид одамнинг юзига уриларди. Қўлтиқтаёғини девор бурчагига тираб қўйган бу одамнинг кўкрагида бир неча жанговар орденлар лентачаси кўриниб турарди.

— Барака топкурлар, тўполок қилмай ўтиринглар!— деди инвалид бедоб йигитларга илтимоснамо мурожаат этиб,— шовқин менга ёқмайди.

Йигитлар бу гапга тушунар-тушунмас кулишди. Бароқ кучукчага ўхшаш сочлари кўзлари устига осилиб тушган қизлар инвалидга бир қараб қўйиб, хахолаб юборишди. Мўйловдор инвалид бу ҳақоратомиз қаҳқаҳадан сўнг ўрнидан туриб, қўлтиқтаёғи билан уларнинг бошига туширмоқчи бўлди. Лекин ўзини куч билан тугтиб қолди. Ўтирганлар атай инвалиднинг гашига тегишарди. Узоқроқда ўтирган Қоражон билан ўртоғи бу кўнгилсиз манзарани кузатиб туришарди. Безориларнинг таҳқиромиз қилиқлари давом этаверди. Инвалид одам паноҳ истаб у ёқ-бу ёғига қаради, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Лекин нарироқда икки кекса одамнинг ҳам тоқати тоқ бўлиб, чидай олмаётганликларини кўрди. Залнинг чеккароғида ўтирган Қоражонга ҳам кўз ташлади— Қоражон бу одамни сал-пал танигандек бўлди. Унинг фронтчи инвалид эканини бир кўришдаёқ билган эди.

— Ҳой, ярамаслар, мен инвалидман, кекса одамман, овқат егани қўясизларми, йўқми?!

— Уйингда овқатлан!— деди бир йигит инвалидга ўқрайиб.

— Нега?! Мен бунда овқатланолмайманми?! Ресторанга киришга ҳаққим йўқми?! Бу қандай бедодлик?!

— Ҳа. Шундай! Сенинг вақтинг ўтиб кетган! Бу ер бизники, бизнинг давр!

— Аблах! — қўлтиқтаёғини олаётган эди, официант югуриб келиб инвалидни туртиб, залдан ташқарига чиқиб кетишини талаб қилди. У қолган овқатни ҳам емай, хафа бўлиб, залдан битта-битта қадам ташлаб чиқиб кетаётганда бояги йигитлардан учтаси наридан-бери ҳисоб-китоб қилиб, олдин кўчага чиқиб кетди. Бу ҳаракатларни кузатиб ўтирган Қоражон билан ўртоғининг ҳам юраги орзиқиб, дук-дук уриб, ташқарига чиқишди. Ресторандан чиққан уч йигит катта кўчанинг қоқ ўртасида инвалидни ерга думалатиб, қорнига, ба-шараларига тепишарди. Унинг дод солаётганига ҳеч ким қарамас, сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетган эди. Инвалиднинг қўлтиқтаёғи бир томонда, қалпоғи бир томонда ётарди.

— Ажратмасак бечорани ўлдириб қўйишади! — деди Қоражон шеригига, — нима бўлса бўлди, мен мушт-лашаман!

У югуриб бориб бир безорининг қўлини ушлади:

— Сенда инсоф борми, ярамас?! Бу одам инвалид-ку! Инвалидни тепасанларми, номардлар!

Сочи елкасига тушган, қаншари паст, совуқ йигит Қоражоннинг лунжига бир туширди.

— Ие, сенлар уришни билмас экансанлар! — у бояги йигитнинг ёқасидан ушлаб, чунонам калла қўйдики, безори умбалоқ ошиб, ариққа тушиб кетди. Иккинчи безорининг тумшуғига солди. Шу лаҳза ўзини чоғлаётган учинчи безорини ҳам қаторасига уриб юборди. Ариқдан чиққан безорининг бурнидан тирқираб қон оқар, шерикларини гирибонидан олиб, биқин-биқинига ураётган забардаст, басавлат Қоражоннинг ёнига яқинлашолмасди. Ердан тош олиб отмоқчи бўлган эди, Қоражоннинг шериги югуриб бориб қулочкашлаб юборди. Икки бор калла зарбини еган безори ўрнидан туриб қоча бошлади. Қоражон қолган икки «ўта замонавий» сини чунонам дўппосладик, инвалид одам ўрнидан туриб, тепки оғриқларини ҳам сезмай: «Бормисан, ука! Ур, яна бир-икки ур бу ярамасларни!» — дерди. Қоражон икки олифта йигитчани ерга чўзилтириб қўйди. Анчадан буён унинг қўли қичиб, ғазабланиб юрарди. «Укажон, сен ҳам фронтовикка ўхшайсан, ур! — деди инвалид, — ҳаромиларни яхшилаб ур!» Узоқдан милиционер қораси кўриниши билан безорилар тумтарақай қочиб, кўздан ғойиб бўлди. Тўполонни эшитиб югуриб келган милиция ходими безориларни ушлолмади. Биқинига, юзларига тепилган инвалид юролмай, скамей-

кага ўтириб қолди. У Қоражонга ўзининг Сижжак қишлоғидан келганини, бир кўнгли тортиб ресторанга кириб қолганини айтди. Қоражон бир шофёр билан гаплашиб, инвалидни қишлоққа олиб чиқиб кетди. Йўлда инвалид одам бир неча бор кўнгли беҳузур бўлиб, ҳушидан кетди. У ўзининг «Қўйбоқаров Милтиқбой» эканини, ҳовлиси Сижжакдаги қишлоқ Советига яқин жойдалигини тайинлади.

— Мен, Қоражон Мингбоевман,— деди у ҳам инвалидга ўзини танитиб.

Шу кеча Қоражон машина билан Сижжакка бориб, инвалид Қўйбоқаровни опичлаб уйига олиб кирди. Капалаги учиб кетган хотинига бўлган воқеани наридан бери гапириб, ўзи яна шу машинада тоғ ораллиқларидан, дарё кўприкларидан ўтиб ярим тунда Чотқол бағридаги қишлоғига кириб келди. Шофёр йигитга шунча, бизникида қолинг, эрта билан йўлга чиқасиз, деганига қарамай, у кетмаса бўлмаслигини айтди. Ёнидаги пуллари унга берди.

— Кўп беряпсиз, ошна,— деди шофёр бир миқдор пулни қайтариб.

— Йўқ, олинг!— деди Қоражон,— жуда инсофли одам экансиз. Хизматингизни аямадингиз. Раҳмат!

Шофёр йигит пулни олиб, яна жимжит тоғ йўлларида машинасини ҳайдаб шаҳар тушиб кетди. Қоражон бўлган воқеани онасига айтиб бериб, кейин ётиб ухламоқчи бўлди, аммо кўзига уйқу келмади.

Бу воқеага ҳам кўп бўлгани йўқ.

IV боб

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Баланд Чотқол тизмаларидан бири — Қўнғирбуқа тепалигида ёлғиз ўтирган Қоражон хаёлига яна яқин ўтмишда Иван Иванович Шишкин билан учрашган кунлари келди.

Мақсадсиз киши — жиловсиз от — боши оққан томонга кетаверади. Институтни тамомлаш олдида бошига иш тушган Қоражон ўша кезлари қишлоққа келиб, нима қилишини билмай юрган эди. Оға-инилари қаторига қўшилиб, мол боқа бошлади. Шу ерлик баъзи йигитчалар ўнинчини тамомлаб — яхши имтиҳон топшириб шавқу завқ билан ўқишга жўнаётганида, у

«шунча йил ўқиб, яна подачиликка қайтгани» баъзиларни ўйлатиб қўйди. «Ўқиш юққанга юқади»,— деганлар ҳам бўлди. Устидан ариза тушиб, ишлари юришмай турганини билишмасди. «Подачининг боласи подачи, мулланинг боласи мулла бўлади»,— деди яна бир ҳамқишлоғи. «Урушга ҳам бориб, ботирлик кўрсатиб келди, ҳамма ишни қилди, лекин илм ҳаммага ҳам юқавермайди»,— деди қишлоқ сўфиси ўз ўғлининг қанча ўқиб, одам бўлмаганини пардалаш мақсадида. Бу шивир-шивирлар Қоражоннинг ҳам қулоғига етмай иложи йўқ эди. Начора! Институт муҳитидаги кучли тўлқин уни айна диплом оладиган бир пайтда қирғоққа итқитиб ташлади. У ҳовлисига узун кириб, узун чиқиб юрмай подачи инилари билан далага чиқиб кетди. Баъзан кенг қирлар, баланд тоғлар оғушида, барра ўтлар узра ётиб ўйларди: йўлдан озганларни, машипатга берилиб кетганларни ҳаёт тўлқинлари четга итқитиб ташлаши, эҳтиётсизлик қилганлар оёғига чўғиртақлар портиллаб кириб кетиши аниқ эканлигини хаёлидан ўтказди.

Мана, олти ойдирки у подачилик қилиб юрибди. Лекин кутилмаганда, иттифоқо бир куни институтдаги ошнаси Ваня, яъни Иван Иванович Шишкин қишлоқда пайдо бўлиб қолиши уни ҳайрон қилди. Елкасига эски костюмини солиб, сарпойчанг ҳовлига чиққан Қоражонланг очиқ эшик олдида турган Шишкинга рўпара бўлди. Кейин қўл сиқиб ўтирмай қучоқлаша кетишди. Бу йигит институтда бир неча йилдан буён комсомол комитети бюросининг аъзоси эди. Уни кўп вақт Иван Иванович деб ўтирмай, жўнгина қилиб Ваня деб қўя қолишарди. У бюро топшириғи билан Мингбоев ёнига келибди. Хат ёзиб ўтирманглар, ўзим бориб келаман, дебди.

— Қайси шамол учирди биз томонларга?— Қоражон кутилмаган бу келишдан ҳайратланиб сўради.

— Кўргим келди,— деди у Қоражон билан ёнма-ён хона томон юриб,— албатта сени анави гаплар қизиқтирса керак. Ҳар хил хаёлга бормаслигинг учун гапни лўнда қилиб аввал айтиб қўя қолай: устингдан ёзилган ариза ва анонимкалар, асоссиз, бўҳтон бўлиб чиқди. Текширдик. Бу комсомол комитетининг фикри. Всё! Ариза бўлгандан кейин текширишимиз шарт эди. Билдингми? Бу ёғига ҳушёр бўл!

Қоражон ерга қаради. У хомуш, миқ этмай турарди,

— Энди гап бундай! Дипломни олгач, биз бирга ишга борамиз! Жуда катта иш бошланган. Бизнинг факультетдан кўпгина йигитлар комсомол ташкилоти қарори билан ишга йўлланыпти. Тушундингми? Ҳамма гап шу! Энди, ўзимга келсам, мен бугун сеникида қоламан, у ёқ-бу ёқларни томоша қилдирарсан, деб ўйлайман. Эртага тушиб кетаман. Хоҳласанг, бирга шаҳарга тушамиз.

— Келганинг жуда яхши бўлди-да, Ваня,— деди Қоражон онаси, сингилларига уни таништириб,— жуда ҳам зериккан эдим. Сени тезда қўйиб юбормаймиз, уч-тўрт кун қоласан! Бу ерда кўрадиган жойлар бор,— деди.

— «Валерий Чкалов» фильмини кўргансан-а?

— Ҳа.

— Унда бир ери бор: гуноҳ иш қилиб қўйган Чкаловни учишдан четлатадилар. У алам билан Волга бўйига, ўз қишлоғига кетади. Балиқчилар ичида юради. Бу вақтинчалик эди. Улуғ учувчи яна ўз касбига қайтади...

— Ҳа, шундай.

— Мен айтмоқчи бўлганим, мана бу Чотқол дарёсию баланд тоғлар... юракда қанча дарду ғубор бўлса, барини олади. Бу тоғларни бир томоша қилайлик, тоғни яхши кўраман. Ўқиб юрганимизда, сени кўриб, қиёфангдан шу томонларни кўргандек бўлардим. Сен қувлик-шумликдан узоқ йигитсан. Қалай, ўша жонон ўзи созмиди? Қичиги зўр девдинг-а?

— Э, қўйсанг-чи! Ўшани эсласам юрагим сиқилади. Туҳматчи-ку!

— Қадди-қомати келишган нарса экан. Тарбиялаб олмабсан-да? Хипча бел...

— У-ў... Уни тарбиялаш! Бу иш сен билан менинг қўлимдан келмайди!

— Биладан, сен билан менинг қўлимдан бошқа иш келмайди. Ха-ха-ха.

— Вой, азиз дўстим-эй! Хизрни йўқлаган эканман. Сенинг келишинг менга дори бўлди. Сен — Ҳизр пайгамбарсан!

Улар хахолашиб кулишиб, ичкари уйга киришди.

— Уч кун аввал йўлбарсга дуч келдим,— деди яна кулиб Қоражон.— Йўқ, уч кундан кейин, мана ҳақиқий йўлбарсга дуч келдим...

Улар яна кулишди.

— Шу гаплар ростми? Ёки ваҳима гаплар, шунча-

ки олди-қочди ҳикояларми? Сен институтда ҳам гапирган эдинг?

— Рост! Чотқол оралиқларида чиройли йўлбарслар бор. Тўғрироғи, тугмача гулли қоплонлар. Улар қонун бўйича муҳофаза қилинади, ов қилиш мумкин эмас. Баъзилар, Чотқол ичкарасидаги қамишзорларда йўлбарслар йўқолиб кетган, дейди. Бу тўғри эмас! Йўлбарс бор.

Қоражон яқинда рўй берган бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

Ҳа, дарҳақиқат, Чотқол дарёси атрофида, бир томони Терс дарёсину Янгибозор, ундан то Сандалашгача етган тўқайзорларда баъзан йўлбарсу қоплонлар учрайди. Чотқол тизма тоғларида, Бештор чўққилари остида тугмача гулли кичик қоплонлар ҳам кўп. Бу ерлик кишиларнинг лоф уриб айтишича, йўлбарслар йиртқич бўлгани билан одамга тегмас эмиш. Агар у оч қолмаса, ўзига қасд қилмаган кимсага тегмас эмиш.

Куз кунларининг бирида кечга яқин қишлоқда қийчув бошланди: қўтондаги қўйларни мўлжаллаб, тоғдан тушган оч қоплон ҳай-ҳувдан қочиб, тор кўча ичига кириб қолган. Қалтак кўтарган одамларга ириллаб, ўкириб тургану, ҳеч кимга ёпишмаган. У тоққа чиқиб кетишни мўлжаллаб, деворлардан ҳатлаб томга чиққан, томдан томга сакраб, уйиб қўйилган пичан ғарамларига ўзини уриб, сочиб юборган. Бир муддатли тўполондан сўнг йўл топиб, яна тоққа чиқиб кетган...

Шў куни Шишкин ётиб қолди. Эртасига уларнинг бири саманга, бири тўриққа миниб, Чотқол бўйи — яси қирлар сари жўнашди. Ёнқўрғон қишлоғидан чиқиб, дарё бўйлаб ичкариликка кириша бошлади. Шишкин дарё четидаги баланд қоятошларга, осмонда чарх уриб учган лочинга маҳлиё бўларди. Икки томонда баҳайбат тоғлар савлат тўкиб турибди. Улар гўё чордана қуриб ўтирган алп-пахлавонларга ўхшарди. Ям-яшил майсазор қирлар алплар остидаги гиламга, баъзи ерларда ёйилиб оққан фируза рангдаги Чотқол дарёси алп тоғларнинг олтин косасига ўхшарди. Олис қирларга сочилиб, узоқдан қарғага ўхшаб кўринган қорамолларга тикилишарди. Қоражон Шишкинга қоплонлар сув ичгани ўтадиган сўқмоқни ҳам кўрсатди.

— Бизга қадрдон бўлган манзаралар бир куни келиб ўзгаради,— деди Шишкин,— лекин биз қариб-қартайганимизда ҳам ўша манзарани асло эсдан чиқармаймиз. Қишлоқдаги пастқам уйлари деворлар, тан-

дирларгача қадрдон. Миллион йил илгари яшаган петикантроп одамидан тортиб, кейинги миллион йиллар одамлари ҳам ўзига қадрдон бўлган манзараларни севади, эслайди! Инсон табиати шунақа. Ҳиндистонда жуда хушманзара ерлар бор, дейишади, аммо киши яшаган еридан гўзалроқ ер дунёда йўқ!

Икки отлиқ бир муддатдан сўнг мол боқиладиган кенгликка етиб келишди. Саҳарлаб чиқиб кетган укалари жуда олисдан туриб ўз огалари келаётганини кўриб, Олапар билан баробар югуришди. Тезда етиб келиб, отларнинг жilовини ушлашди. Қоражон хуржунни от устидан олди, бундаги шолча, ихчамгина брезент чодир — капани, қозиқларни олиб, укаларига берди.

— Ҳув анави ерга олиб бориб қоқинглар!

Меҳмонлар олдига келиб, ҳаллослаб тилини осилтириб турган бўрибосар Олапар гўё, «менга ҳам иш топширинглар», дегандай Қоражонга тикилиб турарди. Қоражон хуржуннинг иккинчи кўзидан декча, косалар ва уч-тўрт палён ўтин чиқарди. Шишкин минган отдаги хуржундан дастурхонга ўроғлиқ овқат, кулчалар ва бир-икки шиша ичкилик ҳам олди.

— Роса зиёфат бўларкан!— деди Шишкин гўшtlарга кўз ташларкан, кафтига кафтини ишқалаб,— ишқилиб, йўлбарс келиб ўзимизни зиёфат қилиб кетмасин-да!

Шолчалар ёзилиб, чодир — капа қўққайтирилгач, Қоражоннинг укалари дастурхон ёзишди. Қандил буви бериб юборган хўрақлардан ташқари, Қоражон укаларига қозон осилгани, яхшилаб шўрва қилишларини тайинлади. Қармоқларни ҳам тайёрлаб қўйишди, чунки Шишкин дарё бўйига бориб қармоқ ташлаб ўтиришни яхши кўрарди. Шундан сўнг икки ўртоқ «қиттак-қиттак» қилишди-да, кейин дарё бўйига бориб ўтиришди. «Бирон адашган, улоққан балиқ келиб қармоқни ликиллатармикан», деди ичида Қоражон.

— Балиқ борми?— сўради кайфи чоғ Шишкин болалардан. У ёнига яқин келган қўзичоқларни тирақайлатиб қувлаб қоларди. Бирини тутиб олиб қучоқлаб, ўпиб эркалади. Олапарнинг рашки келиб, симрайиб турарди. Тилини осилтириб, думини супурги қиларди.

— Балиқ кўп. Биз ҳар куни қанчадан-қанча тутамиз-ку!— деди болалардан бири.

— Маст одамга балиқ яқин келмайди,— деди Қоражон.

— Тагин орқадан ваҳима қилган йўлбарсинг келиб қолмасин!

— У ҳам келмайди.

— Ҳозир иккалангиз йўлбарс бўлиб кетдингизку,— деди укаларидан бири кулиб.— Қоплон ҳам бирон унгурда ётиб, сизларни томоша қилаётгандир.

Икки ўртоқ тоза томоша қилишди, бу яқин орада ҳеч ким қўзичоғу зерикиб юрган Олапарларни эркаламаган эди. Улар ўзларини лўкиллашиб, чоптирадиган одамларни хуш кўришарди. Жониворларни гапга тушунмайди деб бўлмайди, улар ўзига нисбатан яхши ёки ёмон муносабатда бўлаётган кимсанинг ниятини важоҳатидан, қилиғидан сезиб туради. Каттақон поданинг бамайлихотир ўтлаб юриши, қўзичоқларнинг эркаланиши, Олапарнинг думи билан ер супуриши бундан далолат бериб турарди.

Кеч кирди. Осмон тўла юлдузлар. Улар шу даражада паст кўринар эдики, қўл узатса етгудай.

— Азизим...— деди кайфи ошган Қоражон юрак сирини дўстига очиб.

— Юрагингда дард борлигини биламан... Юрагинг кесак эмаслигини пайқаганман. Лекин...

— Шу «лекин»ни айтма! Хато қилганман. Бу гапни сендан бўлак ҳеч ким билмайди.

Шишкин Қоражонга тикилиб қараб қолди.

— Киши ёдида фақат пиёда юрган ерлари қолади,— деди Қоражон ёши катталарга ўхшаб,— машинада визиллаб ўтиб кетган жойлар эсда қолмайди.

— Отда юрса-чи?— деди кулиб Шишкин.

— Отдагиси ҳам ёдда қолади. Лекин эшакка миниб тоғда юриш ундан ҳам файзли.

Қоражон дўстига жавоб бермай, шу куни ҳам қишлоқда олиб қолди, ҳамма ёқни кўрсатди, зиёфат қилди. Эртасига улар биргалашиб шаҳарга тушиб кетишди. Қоражон институтига бориб, дипломини олди. Шишкин айтганидек, улар икковлари ҳам Чорвоқ қурилишига, ишга йўлланма олишди...

Бу яқин кечмишлар Қоражон Мингбоев хаёлидан бирма-бир ўтди.

Чотқолу Писком дарёлари туташадиган ерда, баланд Чотқол тизмаларидан бири — Қўнғирбуқа тепалигида ўтирган Қоражон хаёл сурарди. Ўзидан икки ёш кичик Шишкин калласи бор йигит эканлигини, у билан оға-инидек бўлиб қолишганини, бошига бир иш тушса ёнида «саритой» борлигини кўнглидан

Ўтказди. Инженер Шишкин кейинги пайтда бошқа ишлардан озод этилиб, қурилиш партия ташкилотининг секретари қилиб сайланган. Бўстонлиқ район партия ташкилоти бюро аъзоси ҳам. Ниҳоятда софдил бу йигитни «қурилиш авторитетлари» ҳисобланадиган Садовников, Каминский ва бошқалар худди Сергей Сергеевич Парадоксовни ҳурмат қилгандай ҳурматлашарди. Врач Парадоксовнинг олижаноблиги Чорвоқда ҳаммага маълум.

Қош қорайиб, Чирчиқ водийсида беҳисоб чироқлар милтираб кўринди. Қулоқлари шамолда ачишгандан кейингина Қоражон Мингбоев секин-аста баланд қоядан пастга туша бошлади. У баъзан чарчаса, диққат бўлса чап томондаги баланд қояга — Қўнғирбуқа чўққисига чиқиб, тегирмон тошдан каттароқ ясси бир харсангга ўтирарди. Ёз ойларида бу ер гоётда баҳаво, гир-гир шабада. Бу ердан ҳамма ёқ кўринади. Пастда буралиб, тошдан тошга урилиб оқаётган Чирчиқ тўқ зангори тусда кўринарди. Қоражон тоғдан тушиб келаётганида, пастда, лаборатория ойнаси тагида ўтирган Галина Шишкина ҳам шундоқ кўриниб турарди.

— Ана, «Чотқол йўлбарси» тоғдан тушиб келяпти, Ваня! Дўстингга яна бир гап бўлганга ўхшайди,— деди Галина эрини туртиб.

— Нафасингни ёмон қилма! Ҳеч гап йўқ. Тоғда ўсган тоғни қўмсайди,— деди хотинига Шишкин,— хотиндан омади келмаяпти.

— Айб ўзида!— деди Галина,— эҳтимол, ўзи ношуддир...

Тоғдан тушаётган Қоражонга тикилиб қараб турган Галина ўйланиб қолди: ўзбек қизлари бечоранинг ҳусни йўқлиги учун тегмаётган бўлсалар керак. Агар унинг синглиси Валя келса, гап ҳуснда эмас, бу йигит «порядочный» кимса эканини айтмоқчи бўлди. Кейинчалик Галина ўз синглисини мақтаб Қоражонга кўп хушомад қиларди. Буни сезган Қоражон хаёлига қишлоғида катта бобоси қўшни қизлардан бирига, «сени келин қиламиз», деганида у бечора ҳар куни бобо ўтиб кетаётганида унга кўриниб, тинмай эшик супуришини эслади. Бу билан у бобога ёқмоқчи бўлган эди. Ўша бечора қиз бобо айтганига теголмай, бошқага уяттилиб кетган эди. Аммо Галина Шишкина шу яқиндаги Сижжак қишлоғида Гулгун деган қиз яшашини мутлақо билмасди, албатта.

ҚИЙИҚЧАГА ТИКИЛГАН ЕЗУВ

Зихи давлатлик ул икки қошинг-ким,
Кумуш тахт узра оғоношиб ётурлар...

Лутфий

Дунёдаги барча қишлоқлар ичида энг гўзали Сижжак, дунёдаги барча гўзал қизлар ичида энг гўзали Гулгун, дерди Қоражон ўзига-ўзи. Сижжак, деса бу йигитнинг юрагини ширин ҳаяжон қоплар, қандайдир бир куч уни тўлқинлантириб юборарди.

Уша кунги ресторанда бўлган кўнгилсиз воқеадан кейин бир ҳафта ётиб ўзига келган Милтиқбой ака отини эгарлаб Писком дарёси кўприги орқали Боғистонга ўтиб, ундан Кўксув орқали Чотқол ёқасидаги қишлоққа келди. Қоражонни тополмай, укаларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Мендан эсдалик, акангга бериб қўй, деб дўппи билан қийиқча туҳфа қилди. Айвонда ўтирган Қандил буви ташқарига чиқмай, эшитилар-эшитилмас ўғли Чорвоқда инженер эканлигини, агар зарур бир гапи бўлса у ёққа бориб сўраса топиб беришлиklarини эзмаланиб гапирарди.

Инвалид Милтиқбой ака қўлтиқтаёгини тўқиллатиб кета туриб:

— Азамат йигит экан, доимо омон бўлсин!— деди,— бизнинг ҳовлига меҳмон бўлиб келинглр. Албатта келинглр!

Шундан сўнг у яна тўриқда қишлоғига қайтди. Йўл-йўлакай Боғистонга тушиб, ошхонада «юзта»ни уриб олди. «Фронтвойларнинг ичмайдигани бўлмайди. Гуноҳимиз шу, жиндек оқидан тортамиз. Йигитнинг гули ичади»,— дерди мўйловини бураб.

Шанба куни Қоражон эрта билан газик машинасида Чорвоқ орқали Сижжакка ўйди. Машинани дарвозада тўхтатиб, ёлғиз ўзи Милтиқбой ака ҳовлисига кирди. Таклиф этилганига кўра йўл-йўлакай, бирровгина кўриб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетмоқчи эди. Милтиқбой аканинг сўзини ерда қолдирмаслик, шоҳи белбоғ, дўппи учун ҳам миннатдорчилик изҳор қилмоқчи эди. Энг муҳими, Гулгунни кўрмоқчи эди. Қийиқчага ипак билан тикилган гуллар орасида «Азамат йигитга» деган сўз ҳам бор эдики, буни кўргач, йигитнинг уйқуси келмай қолди. Бу сўз Қоражон учун атай ёзилганми ёки шунақа ёзиғи бор белбоғни унга туҳфа

этдилармикан? Ана шуни билишни Қоражон Мингбоев кўнглига тугиб қўйди. Фронтида ҳам бундай адреси ноаниқ туҳфаларни кўп олишган эди...

Қоражон ҳовлига кириб, айвон томон юрар экан, шийпонда турган Гулгунни кўрди. Бир қарашда нотаниш кўринган одамнинг айвонга қараб келаётгани Гулгуннинг юрагига ғулғула солди.

— Опа, биров келди, — деб юборди у беихтиёр.

Қоражон ялт этиб юқорига қаради-да, тўхтади.

— Салом!

— Салом!

Гулгун югуриб ичкарига кириб кетди. Қоражон ариқ устидаги тахтада қотиб турарди. У яна қайтиб чиқди:

— Тахтадан нарироқда тураверсангиз ҳам бўлади! Мен сиз билан «замри» ўйнаётганим йўқ! — ҳазиллашгандай гап қотди.

— Кечирасиз, Гулгуной.

— Менинг отимни қаёқдан биласиз?

— Зарурат туғилса киши ҳамма нарсани билади...

— Уҳ-ҳў! Сизга адамлар керакмилар? — Гулгун яқинроқ келиб Қоражонни бирдан таниб қолди. «Бу ўша йигит», деди ўзига-ўзи. Негадир юраги орзиқди. Унинг кўз олдида хунуклик билан олижаноблик гир айлана бошлади. У нима қилишини билмай лол бўлиб турарди.

— Ҳа, менга Милтиқбой акам керак эдилар.

— Адамлар йўқлар. Совхозга кетганлар.

Йигит бир зум нима қилишини билмай ўйланиб қолди, сўнг сал дадилланди-да:

— Мана бу қийиқчани сиз тикмаганмисиз? — деб ёнидан қийиқчани чиқариб Гулгунга кўрсатди.

— Ҳа.

— Жуда чиройли. Милтиқбой акамни кичик қизимсиз ё каттасимсиз?

— Милтиқбой акангизнинг биттагина қизлари бор. Уша мен...

— Доимо омон бўлинг.

— Адамларга нима деб қўяй?

— Ҳозир кетаман, — Қоражон билагидаги соатига қаради. — Қийиқчадаги мана бу ёзув илгаридан бормиди ёки атай тикдингизми?

— Атай тикдик. Мен ўзим тикдим. Яна саволингиз борми?

— Йўқ. Ташаккур! Жуда миннатдорман! Мен бу

қийиқчани ўлгунимча асрайман. Бу менинг учун жуда ҳам қимматли. Сиз тикканингиз учун ҳам қимматли, раҳмат!

— Тикиш осон. Адамлар айтсалар яна бошқа қийиқчаларга ҳам тикиб бераверамаман.

— Йўқ, ундоқ деманг, мана шу бир марта тикканингиз етади. Шу маъқул!

— Қизиқ?

Гулгун соддадил чандиқ йигитнинг ҳаяжонланиб гапираётганига қараб туриб кулиб юборди. Унинг кулиши ниҳоятда чиройли — икки ёноғида кулгич пайдо бўлиб, ҳуснини яна ҳам очиб юборарди. Қоражоннинг одамгарчилигига қойил қолиб, унга ҳурмати ошган эди. Ҳар куни ота-онаси тилида «чотқоллик йигит» достони бўлишини ҳам биларди. Аммо ҳозир Гулгуннинг ғурури у билан тезда эл бўлиб кетишга йўл бермади. Қоражон, «хайр», деб ҳовлидан чиқиб кетаётганида, Гулгун беихтиёр унга мурожаат этди:

— Адамлар келганларида нима деб айтай. Яна келинг.

— Албатта келаман! — деди Қоражон зўр меҳмондорчиликдан мамнун чиққан кишидек. Гулгун бу гал «йўлбарс важоҳатли кишидан» унча чўчимади. Унинг чандиқ юзини бомбаю ўқлардан жароҳатланган Брест қалъаси деворларига қиёс этиб, Милтиқбой ака кўп гапирарди.

Қоражон наздида кундан-кунга ишлар яхши бўлаётганга ўхшаб, юрагини муҳаббат шавқи қуча бошлади. Бу шавқу завқлар баҳор келишидан дарак берувчи қалдирғочларга ўхшарди.

VI боб

ЛОЙИҲА УСТИДА СУҲБАТ ЕКИ УЧ ДАРЁ ҚУШИЛГАН ЖОЙДА

Кундан-кунга юракларни шавқу завқ қуча бошлади. Бу баҳор элчиси қалдирғочларга ўхшарди — кўтаринки руҳ катта қурилишларда жуда муҳим омилдир.

Қурувчилар шаҳарчаси тушадиган яланг майдонда ҳали сувоқдан чиқмаган бинолардан бирига Бошқарма жойлашган. Майдон Чирчиқ кўпригидан ўтгандан кейинги сайхон тепада бўлиб, охири Хумсон қишлоғига борадиган йўлдаги жарликкача туташган. Кенг хонада деразага яқин қўйилган катта стол устида бир

нечта катта тахта қоғозлар, қора тушь билан чизилган чизма лойиҳалар турибди. Қоғозлар устидаги лойиҳада Ўзбекистон харитасига ўхшаб қора чизиқлар билан бирга зилол ва қўнғир бўёқлар ҳам бор. Улкан тоғлар оралигидан ўтаётган Чотқол, Писком, Кўксув ҳамда бир неча кичик сойлар зилол ранг билан белгиланган. Диққат билан лойиҳаларга кўз ташлаган киши мутахассис бўлмаса ҳам бу ерда катта тўғон кўтарилаётганини чизиқ ва бўёқлардан бемалол билиши мумкин.

Лойиҳалар ёзиб қўйилган столнинг ўнг томонида қурилиш бошлиғи Георгий Исаевич Садовников ўтирарди. Баъзи лойиҳалар хона дёворига ҳам осиб қўйилган. Стол атрофида Геннадий Моисеевич Арамбичкий, Игорь Ильич Каминский, қурилиш партия ташкилотининг секретари Иван Иванович Шишкин, инженер Қоражон Мингбоев, прораблардан Трифон Никаноренко, экскаваторчилар — Виктор Можаяев, Ҳамид Раҳимбоев, Николай Колбасин, Абдуманноп Чоршанбахўжаев ва бошқалар ўтирарди. Садовников яна кимларнингдир келишини кутарди. Бир оздан сўнг коридорда кирза этикларнинг бетартиб дукурдукури эшитилди. СУ-2га бириктирилган шофёрлар, портлатувчилар, бетончилар, тоғни ўйиб, туннель қазиётганлардан ҳам вакиллар кириб келди.

— Бошқа кутмаймиз-а? — сўради Садовников ёнида ўтирган Шишкиндан.

— Бошлайверинг, Георгий Исаевич.

— Уртоқлар! Дарёни бўғиб, янги изга солдик. Митинг ўтди, яхши бўлди. Туннель қазиш график бўйича вақтида кетяпти. Мен уларнинг матонат кўрсатаётганликларини алоҳида қайд этишим керак! Бугун гап асосан СУ-2, яъни тўғон қурилиши устида боради. Лойиҳалар ҳаммаси жойида. Давлат комиссияси тасдиқлаган. Лекин иш жараёнида лойиҳанинг баъзи ерларига ўзгартиш киритишимиз мумкин. Унинг авторлари, Ўзгидропроект ходимлари доимо биз билан бирга. Лойиҳа бўйича иш қизғин бошланиб кетди. Маълумки, биз анча-мунча иш қилиб қўйдик. Кеча газетада Ўзгидропроектнинг тупроқни ўрганиш бўлими мудир, инженер Леднев мақоласи босилиб чиқди. Бундан сал илгарироқ журналда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, инженер Музаффаровнинг мақоласи ҳам чиққан эди. Ҳаммамиз ўқидик. Бу мақолаларда муҳим проблемалар ўртага ташланган. Бизнинг тўғонга ҳам қандайдир алоқаси

борга ўхшайди. Мен мақола босилган газета ва журнални бир ҳафта аввал бу ерда ҳозир бўлган ўртоқларга берганман. Биз маҳаллий хом ашёдан катта тўғон қурыпмиз. Янглишмасам, бу тўғон СССРда биринчи. Биз қурган тўғон асрлар давомида яшаши керак. Маҳаллий хом ашё — тупроқ, шағал, қум, майда харсанг бўлаклари, йирик харсанглар шу даражада шиббаланиб, бир-бирига бирикиб кетиши керак, бўлмаса иш биз ўйлагандек бўлмайди. Биз эксперимент ёки таваккал қилолмаймиз, чунки ҳавзада икки миллиард кубометр сув тўпланadi. Кейинчалик бундан ҳам ошади. Бу ҳазилакам сув эмас. Денгиз. Пастда республика пойтахти Тошкент турибди... Сиз бир нима дейсизми, Йгсрь Ильич?

— Майли, бир-икки оғиз гапиришим мумкин, — деди кўзойнакли кекса инженер Каминский, — мен иккала мақолани ҳам ўқиб чиқдим. Инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаровни яхши танийман. Мақоласи назарийроқ, аммо бизнинг қурилишга алоқаси бор. Ледневники ҳам. Урта Осиё шароитида кўп районларда, айниқса, Тошкент области, Фарғона водийсида маҳаллий хом ашё билан тез ва арзон тўғонлар қуриш муаммосига бағишланган иккала мақола ҳам муҳим! Маҳаллий шароитни, бу ер табиатини мен унча яхши билмайман. Карьерларнинг яқин бўлиши, шағал-қумдан ташқари соғ тупроқ масаласи яхши. Инженер Мингбоев шу ерлик, Арамбицкий ҳам маҳаллий шароитни яхши билади. Улар гапирсин, эшитайлик.

Садовников пастроқда ўтирган ёш инженер Мингбоевга қаради. Қоражон ўрнидан туриб, стол ёнига яқин келди. Гарчи хунук, харсанг тошдек ғадир-будур юзига барча ўтирганлар ялт этиб қараган бўлсалар ҳам, бу йигитнинг ҳаёти ўлжага қолгани, танк ичида ёниб кетганини эслашиб, унга қандайдир бир ҳурмат билан тикилишди. Бу ерда ҳозир бўлганлар ичида лойиҳа муаллифларидан гўзал рус аёллари Резникова билан Городецкая ҳам аввал бу «чандиқ» кимсага тикилиб туриб, Шишкин билан шивирлашиб олгач, қарашлари ўзгарди.

— Тупроқ тўғонлар ҳамма мамлакатларда кенг тарқалган, — деди инженер Қоражон Мингбоев, — тўғон қуришнинг қадимий усулларидан ҳисобланади. Тупроқ механикаси ва ер ости сувлари тозаланиши назариясининг тараққиёти, шунингдек, механизациянинг кенг ривожланиши ҳозирги пайтда тупроқ тўғон-

ларининг анча баланд ва катта ҳажмли қилиб қуриш имкониятини бермоқда. Мен, Музаффаров билан Леднев мақолаларини жуда фойдали, деб ҳисоблайман. Тўғон ичидаги элакловчи оқим ҳаракати ва унинг пойдевори ички ювилиш ва нурашга йўл қўймаслиги керак. Тупроқдан қурилган тўғонлар мутлақо ёпиқ бўлади, сув тошиб, устидан ошиб ўтиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан Георгий Исаевичнинг, «тўғонимиз абадул абад», деганларида жон бор. Тупроқнинг механик таркиби бир хил, жумладан, эгилувчан ёки қаттиқ материалдан қалқон ўрнатилган тўғонлар бор. Бундан ташқари, турли хил тупроқдан тикланган, жумладан, филтрланишга қарши марказий кўтарма призмали тўғонлар ҳам бор. Шунингдек, маркази сув ўтказмас тупроқ ёки диафрагмали тўғонлар ҳам бор. Тўғоннинг муҳим бўлакларидан бири ер ости қувуридир. У элакланган сувнинг қияликка оқиб кетиши ва тўғон емирилишининг олдини олади. Ер ости қувурлари, яъни бизнинг туннель махсус саралаб олинган қум ва майда тошлардан иборат кичик қатламлардан аста-секин шағал ва тошлардан тузилган йирик қатламлар асосига қурилади. Сувни элаклаш йўлини узайтириш учун кўпинча сув ўтказмас материаллардан тўсиқ ўрнатилади. Бу тўсиқ юқорида айtilган қалқоннинг давомидир. Бизнинг тўғон шундай. Тўғон деворларини тўлқин, муз ва шамол натижасида емирилишдан сақлаш учун бетон, темир-бетон тахталари, тош ва харсанг ётқизиш кўзда тутилади. Қияликнинг паст қисмини сақлаш учун эса майда тош ва шағал қатлами ё бўлмаса чим ётқизилади. Бизда асосан карьердан олинган катта харсанг тошлар кўзда тутилади.

Ҳурматли ўртоқлар! Ўзгидропроект ҳамда лойиҳа авторлари кўп йиллар мобайнида ниҳоятда катта иш қилишгани ҳаммамизга маълум. Кейинги икки мақола бошлаган ишимизга қарама-қарши эмас. Аксинча, сифатни, маҳаллий хом ашё бирикмаси, шиббалашни пухта ўтказишни олдинга суради. Мен бу суҳбатда иштирок этаётган катта мутахассис ўртоқлар олдида бир нима дейишга ожизман, лекин менинг болалигим мана шу ерларда ўтганлиги, бу ерларни билишим сабабли айрим мулоҳазаларимни айтаман. Қум-шағал каръери лойиҳада жуда узоқда — Ғазалкент остонасига белгиланган. Мен тупроқни ҳам, қум-шағални ҳам тўғоннинг ёнгинасидан — Қўнғирбуқа тоғи остидан олишни таклиф этаман. Йирик харсангларни дарёнинг

чап томонидан, Сижжак йўлидаги Писком тоғ этакларидан портлатиш йўли билан олиш анча қулай. Кўп пул тежалади. Лойиҳа бўйича бу карьерлар ўн беш километр узоқ ерда. Тўғоннинг ўнг ва чап қанотларидаги баландликка кўтариладиган йўллар «БелАЗ» учун унча қулай эмас. Бу иш тепасида турган ўртоқлар йўлни яхшилашлари керак. Мен, асосан, карьерларни тўғонга яқин ердан белгилашни таклиф этман.

Инженер Каминский Садовниковга жилмайиб қаради:

— Мана, айтмадимми, Георгий Исаевич, ҳамма ишимиз пишиқ, лойиҳа бўйича кетяпти, деб ўтирмасдан, маслаҳатлашиб олганимиз яхши бўлди! Етти ўлчаб, бир кес, деганлар. Лойиҳани Давлат комиссияси тасдиқлаган, лекин баъзи ерларига биз шароит билан ҳисоблашиб, таҳрир киритишимиз мумкин. Инженер Мингбоев таклифи менинг дилимдаги гап. Карьерларни узоқ қилмаслик керак. Бу, миллион сўмларни тежашдан ташқари иш сифатини яхшилайти. Инженер Мингбоев бу нарсани вақтида яхши пайқаган. Шу ернинг боласи-да, ҳар тепалигу ҳар қояни яхши билади.

Шишкин, Никаноренко, Раҳимбобоевлар ҳам «шиб-балаш» ва «карьер» ҳақидаги гапларни мамнуният билан маъқуллашди. Суҳбат анча вақтгача давом этди. Йиғилганларнинг деярли ҳаммаси бир оғиздан бўлса ҳам гапиришди. Бу суҳбат Садовников учун жуда ҳам фойдали эди. Суҳбат охирида у бу учрашувдан мамнун эканлигини, анча масалалар аниқлаб олинганини айтди. Бу ҳақда обкомга ҳам, Трестга ҳам хабар қилишини, қимматли таклифлар амалий ишда ҳисобга олинажagini билдирди.

Қош қорайишига яқин тарқашди. Қўражон билан Иван Шишкин аллавақтгача дарё бўйида айланиб юришди.

Ҳаво мусаффо, дарё шовиллар. Атрофда баҳайбат тоғ чўққилари...

* * *

Чорвоқда катта қурилиш ишлари бошланиб кетгани, дарё бўғилиб, бир юз олтмиш саккиз метр баландликда тўғон бунёд этилаётгани, водийда денгиз пайдо бўлиши ҳақидаги хабар оғиздан оғизга кўчди. Ғарбшимолдаги Хондайлиқ, Сойлиқ, Чимбойлиқ, Хумсон

Хўжакент, Писком дарёси ёқасидаги Сижжак, Боғистону Нанай, Чотқолу Кўксув ёқасидаги Бурчмулла, Ёнқўрғон, Юсупхона, жанубда — Чимён, Ёижолу Қоронкўл, тоғ оралиқларидаги Қапал, Така ёнғоқ, Чақчам, Қорамозор, Яккатут... қишлоқларининг аҳолиси бу муждани эшитди. Азамат йигитлар талабгор бўлиб келиб ишга кириша бошлашди — бу ерда ҳаммага иш топилиши ҳақида қишлоқларга хабар қилинди. Тошкент — Чорвоқ йўлида тинмай поездлар қатнаб, платформаларда қурилиш материаллари, кранлар, экскаваторлар, бульдозерлар, скреперлар, улкан «БелАЗ», «КрАЗ», «МАЗ»лар олиб келинаётгани ҳаммага маълум эди. Чирчиқнинг ўнг томонидаги Хумсон йўлида — сайҳонликка вагон-уйлар жойлаштирилганини ҳам қишлоқ аҳли, каттадан-кичик кўрди. Поезддан ташқари Тошкент — Чорвоқ йўлида кучли «БелАЗ»лар тинмай вағиллаб югура бошлади. Уларга қуруру темир ускуналар, ёғочлар, транспорт учун эҳтиёт қисмлар, барча қурилишларнинг «нони» ҳисобланувчи цемент, ёқилғи цистерналари ортилган. Хуллас, дарёлар туташадиган Чорвоқ водийсида ҳаёт кайнай бошлади. Буюк қоялар, тоғлар асрий сукунат уйқусидан уйғониб, бу ерларда чумолидек ўрмалаётган инсон измига ўзларини топширган эдилар. Қатор қирқ туяни бир кичик бола етаклаб кетганидек, қатор тоғлар силсиласи инсон измига бўйсуниб, ўринларидан қўзғалаётгандай бўларди.

Тоғ оралиқларининг номдор кишиларидан бўлган сижжаклик Милтиқбой ака билан Чоршанба ота маслаҳатлашиб, бугун Хўжакент томон йўл олишди. Уларнинг бири, Улуғ Ватан урушининг инвалиди, кўкрагида орден-медаллар, совхоз боғбони бўлса, иккинчиси, кўп йиллар қишлоқ Советининг раиси бўлган, йигирманчи йилларда тоғдан тушган босмачиларга қарши қўлига қурол олиб курашган, ҳозир зукко кексаликда умр ўтказаётган қариялардан эди. От-аравани қўшишиб, эрта билан йўлга чиқишаётганида отанинг невараси — ўн икки яшар Ҳикматжон ҳам уларга эргашди. У тизгинни қўлга олди. Бу ҳолни кўрган шўх Гулгун ҳам жим ўтиролмади; у йўлда тушиб қолиб, автобус билан Ғазалкентга — бувисиникига зарур иш билан боражагини, буни онаси жуда-жуда тайинлаганини айтиб, адасидан руҳсат олди. Аравада тўрт киши — энг олдинда Ҳикматжон, ундан кейин Милтиқбой ака билан Чоршанба ота, охирида

Гулгун ўтириб, Чорвоқ томон йўл олишди. Кейинчалик шу атрофдаги қишлоқларни сув босади, деган ваҳимали хабар икки оқсоқолни ўрнидан қўзгатган эди. Нега сув босади? Наҳотки, Совет ҳукуматимиз бунга йўл қўйса? Минг йиллардан буён яшаб келган, ота-боболаримизнинг гўри турган бу қишлоқлар сув остида қолиши мумкинми?! Бу ерда қанча боғу роғлар бор, уларни сув босишига ким рухсат беради?! Ахир, бу қишлоқда уруш ветерани Милтиқбой ака Қўйбоқаров билан инқилоб ветерани Чоршанба ота яшайди! Шундоқ элга таниқ мўътабар одамларнинг ҳовли-жойини сув босиши мумкинми? Йўқ, бундай бўлиши ҳеч ақлга сиғмайди! Шўро ҳукумати учун жонини берган бундай одамлар завоқ топмайди! Шўро ҳукумати бор экан, бу одамлар яшайди, наслу насаби, оталари билан фахрлана берадилар! Шу одамларнинг ўзи Шўро ҳукумати демак! Хўш, шундоқ экан, нега қишлоқни сув босади? Нега улар билан маслаҳатлашмай бундоқ ишларга йўл қўйишди экан? Шу тақлид ўйлар мўйловдор Милтиқбой ака билан лўмбиллаган, тақир бош Чоршанба отани жунбишга солиб, «ҳозирги замон ёшларининг нима иш қилишаётганини билмоқ ёки бу ишнинг олдини олмоқ» мақсадида Чорвоққа тушиб, қурилиш бошлиғи билан бир гаплашиб қўйишмоқчи бўлишди.

Янгигина арава қишлоқдан чиққач, пасту баландликлардан ўтиб, Чорвоқ қайдасан, деб қалдираб кета бошлади. Эрталаб йўлга чиққан аравадагилар пешинга яқин Хумсон йўлидаги қурувчилар учун уй-жой қурилаётган сайҳонликка етиб келиб, штаб қайда эканини одамлардан сўрадилар. Бу ерда ҳам ҳамма ёққа қурилиш материаллари уйиб ташланган; гишту цемент, қуворлар, ёғочлар сочилган. Экскаваторлар сақриб-чақриб ер ковларди. Мингларча одам, биров билан бирөөнинг иши йўқ, турли миллат вакиллари энг шимариб ишларди. Милтиқбой ака билан Чоршанба отанинг: «Ҳой, нима қиляпсизлар? Тўхтанглар!» — деганларининг фойдаси йўқ. «Агар қишлоқларимизни сув босса, биз бунга рози бўлолмаймиз», дегандек Чоршанба ота у ёқ-бу ёққа назар ташлаган бўлди. Ҳув, пастдаги Эшаккўприк рўпарасида Чорвоқ сайҳонлигида чанг буруқсаб ётибди. Улар от-аравани тепаликдаги «штаб» деб аталган икки қаватли гиштин бино ёнида тўхтатиб, ерга тушишди. Бир оз ўзларини тартибга солиб, у ёқ-бу ёққа анграйиб, йўл қураётганлардан:

«Бошлиқнинг идораси шуми?» — деб сўрашди. «Иккинчи қаватга чиқиб, коридор билан борсангиз, тўғридаги хона. Эшигига фамилияси ҳам ёзиб қўйилган», — дейишди. Олдинда қўчқор шох бурама мўйловли Милтиқбой ака, ундан кейин зинадан ҳаллослаб чиқаётган тақир бош Чоршанба ота, ундан кейин юпқа зар рўмол ўраб, дўппи кийиб, сочини иккита қилиб ўрган, «қийиқ кўз, бодом қовоқ» Гулгун. Ҳикматжон аравага қараб қолди. Милтиқбой ака тўппа-тўғри қурилиш бошлиғи қабулхонасига кириб, телефон ёнида ўтирган хушбичимгина жувондан бошлиқни сўради. Георгий Исаевич Садовников объектда эканини эшитгач, тарвузлари қўлтиқдан тушиб, бир-бирларига қараб қолишди. Секретарь жувон қурилиш бошлиғининг тезда келиб қолишини, агар зарур ишлари бўлса, кутганлари маъқул эканини ҳам қўшиб қўйди. Бериқодаги, эшиги қия очилиб қолган бир хонадан кимнингдир сўзлаётгани эшитилиб турарди. Милтиқбой ака одобдан бўлмаса ҳам секин эшикни очиб, ичкарига қаради. Бу хонада, устига катта тахта қоғозлар қўйилган стол атрофида ўн-ўн беш киши ўтириб, мажлис қураётган экан. Юқорида туриб гапираётган одамга ҳам кўзи тушди. У ўз кўзига ишонмай, яна тикилиброқ қаради. «Ия, ўзимизнинг анави укамиз-ку» — ҳайратланди Милтиқбой ака. Отасининг ёнида турган Гулгун ҳам ялт этиб хонага қаради — гапираётган одам дарҳол унинг диққатини ўзига тортди: «Бу ўша чандиқ йигит-ку!» Гулгун уялиб кетганидан ўзини четга олди. Милтиқбой ака, одобсизлик бўлмасин дегандек эшикни қайтадан секин ёпди. Хона эшигига «СУ-2. Инженер Қ. Мингбоев» деб ёзиб қўйилган. Гулгун учун бир лаҳзада ҳамма нарса аён бўлди. Бу йигит шофёр эмас, қурилишда инженер экан... Мабодо, шофёр бўлганида ҳам энг яхши шофёр, инсофли киши эканини ўша жала куни билган эди. Гулгунга бу «қўрқинчли» одам бошқача кўрина бошлади, эркакларнинг қош-кўзи чиройли бўлиши шартми! Гап виждону юракда!

Шу лаҳза эшик очилиб, Қоражон коридорга чиқди. Гулгуннинг ранги ўчиб, саросимада қолди.

— Келинлар! Хуш келибсизлар!

— Ассалому алайкум! — деди биринчи бўлиб Қоражон Мингбоевга қўл узатган Милтиқбой ака, — шу ерда ишлар экансиз-да, укажон? Буни қаранг, биз буни билмас эканмиз. Бўлмаса сизнинг ўзингизга учрашиб кетаверсак ҳам бўлар экан-ку!

Қоражон деворга суяниб, ҳаллослаб турган Чоршанба ота, ундан нарироқдаги Гулгун билан ҳам қўл беришиб омонлашди. Гулгуннинг нозик қўлларини сиқаркан, юраги уриб кетди. Тўғрироғи, шу лаҳза уларнинг икковларининг ҳам юраклари бирдек тепар эди.

— Агарда Георгий Исаевич Садовниковда ишларингиз бўлса, бир оз кутинглар,— деди Қоражон Мингбоев,— жуда яхши одам. Ҳозир келиб қолади.

— Бизни сўрайдиган сўроқларимиз бор,— деди Чоршанба ота,— кўп гапларни ўртоғингиз Абдуманнопдан эшитдим. Қишлоқни сув босармиш. Хўш, бизлар қаёққа борамиз?!

— Ҳамма ёқни босмайди, қисман...

— Ҳа, ана, демак, гап бор экан. «Қисман» бўлса ҳам «миш-миш»ларнинг тагида гап бор экан. Сиз инженерсиз, билиб гапиряпсиз. Демак, Абдуманноп ҳам бу гапни ҳаводан олмаган экан. Тушундингизми, Милтиқбой? Мана, гапнинг таги чиқди. Биз бу ерга бекорга келганимиз йўқ. Абдуманноп бир нимани билмаса гапирмайди. Анави тепадаги савдогарларни эмас, бизларнинг ҳовлимизни сув босади. Камбағални туянинг устида ит қопади, дегани шу-да!

— Шу иш тўғрими, укажон?— сўради Милтиқбой ака.

— Қурилиш бошлиғи билан албатта учрашишларингиз керак экан,— деди Қоражон.— Мен бундай саволга жавоб беришим одобдан эмас. Қурилишда менга ўхшаган ўттиздан ортиқ инженер ишлайди. Бизнинг бошлиғимиз ўртоқ Садовников, менимча, у киши билан гаплашсангиз жуда яхши бўлади. Ўзи ҳам одамохун, гаплашадиган киши. Ҳозир келиб қоладилар...

— Майли, кутамиз!— деди Милтиқбой ака,— сиз кириб мажлисингизни қилаверинг.

Қоражон Гулгунга табассум қилди-да, ичкарига кириб кетди.

Гулгун кабинет эшигидаги хатга яна қаради: «СУ-2. Инженер Қ. Мингбоев».

Орадан бир муддат ўтгач, зинапоядан бир тўп одамлар билан йўл-йўлакай гаплашиб чиқиб келаётган паст бўйли бир киши коридордаги стулларда ўтирган Милтиқбой ака, Чоршанба отага салом бериб тўғридаги ўз кабинетига кирди. Қабулхонада ўтирган бежирим секретарь жувон ҳам бир даста қоғозларни кўтариб, у

одам изидан эргашди. Кўп ўтмай, секретарь аёл қайтиб чиқиб, Милтиқбой акага мурожаат этди:

— Георгий Исаевич келди. Марҳамат, киришингиз мумкин.

Улар ичкарига киришди. Гулгун ҳам. Икки оқсоқол қурилиш бошлиғига ўзларини танитиб турганларида Қоражон ҳам кириб келди. Садовников ўзи билан бирга келган прораблар, хўжалик ходимлари билан наридан-бери гаплашиб, секретарь олиб кирган қоғозларга имзо чекди-да, кейин ўрнидан туриб кабинет четида дераза яқинида турган катта стол ёнига келди. У сижжаклик оқсоқолларнинг мақсадини дарҳол пайқаган эди. Бундан бир ҳафта бурун Боғистон, Бурчмулла томонлардан ҳам одамлар келишганди.

Садовников истараси иссиқ, доимо кулимсираб турадиган хушфедъл бир одам эканлигини икки кекса пайқади. У икки оқсоқолга қурилиш макети атрофига стул қўйиб бериб, ёнида турган кичкина таёқчани қўлга олди. Кабинетда Гулгун, Қоражон ва бошқа прораблар билан бирга ўн чоғли киши ҳам бор эди. Улар ҳам беихтиёр бошлиққа тикилиб, жим қолишди.

— Мана бу — Чотқол билан Писком дарёлари қўшилаётган ер, — у таёқча билан йилтираб турган шиша чизиқларни кўрсатди, — юқорида Чотқолга Кўксув қўшилади, мана бу Кўксув. Тўғрими?

Икки кекса бош қимирлатиб тасдиқлашди.

— Мана бу Чирчиққа қурилган эски омонат кўприк. Бунга Эшаккўприк дейилади. Тўғрими? — Георгий Исаевич ўзбек тилида яхши гапирарди. У отаси билан Ўзбекистонга кўчиб келганида уч яшар бола экан. Тошкентда ўқиб, таълим олганлигини ҳам гап ичида қистириб кетди.

— Тўғри, — деди Милтиқбой ака.

— Баракалла! Мана шу икки қоя оралиғига, Қўнғирбуқа билан Асқартоққа баландлиги бир юз олтмиш саккиз метрлик тўғон қурамыз. Чирчиқ бўғилиб, сув кўтарилади. Пастда электр станцияси қурамыз. Шунда Тошкент областида юз минг гектар ерга сув чиқиб, пахта далалари кенгайди, боғ-роғлар бунёд этилади. Мана бу иш бир неча йилга мўлжалланган. Қурилиш Иттифоқ аҳамиятига эга. Мана, ўртоқ Мингбоев шу ерлик, — Гулгун ялт этиб Қоражонга қараб қўйди. — У — инженер. Қурилишда шу ерлик ўзбеклар кўп. Шу билан бирга руслар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар ҳам кўп. Ҳаммамизнинг ниятимиз битта — хал-

қимизнинг яна ҳам яхши яшаши, фаровонлиги учун қурилаётган бу ишоотни вақтида қуриб битириш. Партия ва ҳукуматимиз бу катта ишни сиз билан бизнинг зиммамизга юклади.

Диққат билан кузатиб турган Чоршанба отанинг назарида Садовниковнинг салмоқлиниб, ўз ишига комил ишонч билан гапириши Охунбобоевга ўхшашиб кетарди. Унинг юзлари ҳам Охунбобоевга ўхшаш, ўттиз бешинчи йилда гидростанция қурувчилари билан учрашган Йўлдош Охунбобоев станция макети ёнида худди шундай гаплашган эди. Бу учрашувда Чоршанба ота ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлган.

— Узбекгидроэнергострой трести, Гидропроект институти асосан бизга ёрдам беради. Буни инженер Мингбоев ҳам яхши билади,— деди Георгий Исаевич кексалар олдида Қоражонга ўхшаш шу ерлик йигитларга суянаётганини билдириб. Унинг сўзлари Чорвоқнинг истиқболи порлоқ эканини, шу ер фарзандлари бошқалардан кўра ҳам бу улуғ ишга кўпроқ ҳисса қўшишлари кераклигини билдириб турарди.

Қурилиш бошлиғи қилинадиган ишлар ҳақида отахонларга анча муфассал гапириб берди. Вақтини аямади. У ҳатто қишлоқ одамлари бу ишлар билан кўпроқ қизиқишларини истарди ҳам. Чорвоқ қурилиши партия ташкилотининг унга топшириғи ҳам шундай.

Милтиқбой ака билан Чоршанба ота Садовников кабинетидан мамнун чиқишди. Уларни пастгача Қсражон кузатиб қўйди. Арава Хўжакент томонга жўнади. Милтиқбой ака билан Чоршанба ота чоёхонага тушиб дам олиш, эски ошналари билан шакаргуфтерлик қилишни мўлжаллашди. Шу ердан Гулгунни автобусга чиқариб юборишди. Гулгун Қоражон ҳақида ўйларди. Ўйламаслиги мумкин эмас эди.

VII боб

«БИР НОТАНИШ ВУЗДИ ОРЭМИМ...»

Узи гулрангу гул монанд зоти,
Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти.
Навоий

Ҳа, Гулгун кейинги кунларда инженер йигит ҳақида оз-моз ўйлайдиган бўлиб қолди. Отасини безорилар қўлидан ажратиб олиши билан эҳтимол уни

Ўлимдан сақлаб қолгандир. Яримта, инвалид одамни яна бир-икки ортиқроқ тепганларида ўша ернинг ўзида ўлиб қоларди. Бу гапни отасининг ўзи неча бор такрорлаган эди. Чотқоллик йигитнинг мардлигига тасанно айтган. Шунча оғир жанглардан омон-эсон келиб, тўртта безорининг қўлида ўлиб кетса, бундан ёмони йўқ. Гулгун ўша куни Мингбоевга ташаккур айтмай, муомалани қуруқроқ қилганидан хижолат бўлди. Бу йигитнинг ким эканлигини муфассалроқ билишни истарди. Умрида бировга дағаллик ёки найранг қилмаган, дилозор дугоналарини асло ёқтирмайдиган Гулгун ўйланиб қолиб, афсусланди. У ўз феълига ҳеч тўғри келмайдиган иш қилган эди. Иккиламчи: шу «чандиқ йигит»нинг нимаси уни ўйлатиб қўйди? Қошлари ҳам кўмир билан чизиб қўйилгандек. Бунинг устига у қора, исми ҳам Қора, кўринишидан ёши ҳам анча жойга бориб қолганга ўхшайди... Лекин барибир у билан учрашиши керак! Ўзиям инженер экан. Бу йигитда бир сирли қудрат бор — ўтқир қарашларидан пайқади. Белбоқни баҳона қилиб, атай қишлоққа келиши бежиз эмас! Гулгун йўлда ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. Агар мен кимнидир яхши кўриб, йигитлар ҳақида ўйлар эканман, бу дугоналаримга албатта ёқмайди. Илгари синфдошлари ичида бир бола Гулгун ишқида оҳ уриб, шеърлар ёзиб юрарди. Қаердандир Гулгуннинг фотосуратини топиб, ёнида олиб юрганни болалар кўрган. Ўқитувчилари, синф раҳбари бир неча бор ёшлар ахлоқи ҳақида гапириб, юқори синф болалари бу масалада жуда ибратли бўлиши, фақат ўқишни, имтиҳонларни ўйлаши керак, деган эди. Ўнинчи синфда ўқийдиган бир йигит ёмон иш қилиб қўйгани сабаб бўлиб, мактабга комиссия келгани, таълим-тарбия ишлари бўш, деган баҳо берилгани ҳаммага маълум эди. Бу кўнгилсизликдан кейин мактаб директори анча вақт касал бўлиб ётди.

Гулгун жуда ўйланиб қолди. Лекин барибир яна кўз олдига чандиқ йигит кела бошлади. У фақат олижаноблик қилган йигитни бир кўрмоқчи. Бошқа ҳеч қандай нияти йўқ!

Нима қилиш керак?

Гулгун ўша йигит билан яна бир учрашишни негадир истарди. Бунинг учун нима қилиш керак? Отасига айтиб, ўша Мингбоевни уйга таклиф этишсаямикан? Йўқ. Бу жуда ноқулай. Ёки Чорвоқ қурилишига борсамикан? Йўқ, бу ҳам ноқулай. Йигит кишининг

изидан қидириб бориш уят! Лекин унинг ўша куни қийиқчани кўрсатиб, «бу сўз аслида ёзиғлиқмиди ёки атай ёзилдими?» деб сўрагани Гулгуннинг эсига тушди. Демак, у ҳам Гулгунни ўйлар экан-да?

Куз. Намгарчилик. Шивалаб майда ёмғир ёғарди. Хона ичида ним овоз қилиб қўйилган радио латиф бир музыка чаларди. Гулгун адасига косада аччиқ-чучук олиб келиб бергач, яна ошхонага, онаси ёнига кирди. Қозонда ош дамлоғлиқ...

Лекин уларга бениҳоя яхшилик қилган бир одамни суриштириб билиш гуноҳ эмас-ку! Бу энгилтакликка кирмайди. Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, саломатлигини йўқотган, инвалид бир одам ҳаётини сақлаб қолган кишини суриштиришнинг нимаси уят? То Берлингача жанг қилиб борган одамлар саноқли — унинг отаси Қизил Байроқ, Биринчи даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз орденлари, медаллар билан мукофотланган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони даражасига етай деб қолган. Шундоқ отанинг ҳаётини сақлаб қолган киши билан танишмоқ гуноҳми? Унинг отаси мол-дунё орқасидан қувиб, қўлини совуқ сувга урмай, обрў талашиб юрган кимсалардан эмас-ку! У яримта одам, яна кўчат экиб, боғ қиляпти. Совхоздаги катта олмазор боғ унинг қадоқ қўллари, меҳнатидан бунёд бўлган. У бировга панд берай, мансабу шуҳрат топай, деб яшаётгани йўқ. У доим олма дарахтларининг пайванди, ҳосили ва янги кўчатлар ўтказишни ўйлайди. Шу одам ўша куни ўлиб-нетиб кетса нима бўларди?! Ҳукуматга шундай одамлар керак, тўғрироғи, шундай одамлар ҳукумат демак. Агар шундай одамлар кўп бўлмаганда мамлакатнинг ҳоли нима бўларди? Шундай покиза одамни ўлдириш — мамлакатга суиқасд демакдир! Қора йигит мамлакатга қарши қилинган суиқасдга кўкрагини тутиб, сақлаб қолган. Гарчи безориларнинг онгсизларча хуружи бўлса ҳам, уни даф этиш қайси жасратдан кам?

Гулгун ёшлик ҳиссиётларини бир томонга йиғиштириб, масалага жиддий қаради. Бу мулоҳаза ҳам унинг кўзига инженер Мингбоевни бошқача кўрсата босилади.

Орадан яна бир ой ўтди. Декабрнинг ўрталарига бориб қалин қор тушди. Ёмғир аралаш лайлак қор билан бошланган ёнғингарчилик аччиқ изғиринга

айланди. Сурункасига бир ҳафта қор ёғиб, томлар, кўчалар, йўллар қорга кўмилди. Ҳар куни ҳовлида қор кураб, йўл очадиған укаси, қорнинг қалин бўлишига қарамай, пастликда, Чотқол билан Писком дарёларининг қўшилиш ерида уч оёқ устига ўрнатилган дурбин билан адирларга ўлчов тахтаси тиклаб, гоҳ у томонни, гоҳ бу томонни кўраётган одамларни кўрибди. Чодир — капалар қуриб, ер ўлчаётган одамлар пайдо бўлибди. Улар орасида ҳовлиларига икки бор келган ўша чандиқ қора йигит ҳам кўриниб қолармиш. Бу йигитни бола-чақали, деб ўйлашарди. Унинг ҳали бўйдоқлигини билмаган эди. Кишини сеҳрловчи қандайдир бир куч унинг кўзларига яширингандек. Унинг сиртқи кўринишидан кўра ҳам қилган ишлари, қўрқмаслиги Гулгунга кўриниб турарди. Қизларга ҳадеб суйкалаверадиған, ипақдек йигитларни хуш кўрмайди, аксинча, йигит киши йигитдек бўлса, мард, бир сўзли бўлса, дерди. Лекин, барибир, юраги жизилламаган синфдошига ҳам ҳурмат билан мулоқатда бўларди.

Кунлардан бир кун Гулгун ортиқ хаёл суравермай, жасорат кўрсатиб Чорвоққа, қурилиш штабига келди. У Қоражон билан учрашмоқчи, агар вақти бўлса бафуржа ўтириб гаплашмоқчи ҳам бўлди. У врач бўлишни ёшлиқдан орзу қилади. Унинг ўзи адасига укол қилади — бу ишда қизнинг маҳорати оилада тан олинган. Бу ишни Чорвоқ поликлиникасидан келган кекса врач Сергей Парадоксов ҳам ўргатган эди. Гулгун Чорвоққа келиб Қоражонни тополмади. Биров объектда, СУ-2 да деса, биров Тошкентга тушиб кетган, деди. Тарвузи қўлтиғидан тушди. Бир муддат бунда айланиб юргач, кейин нимадандир уялиб яна қишлоғига жўнади. Жим бўлиб кетган Қоражоннинг ёнига у атай келган эди. Ғурури ва шаддодлигини ҳам бир ёққа қўйиб, отаси баҳона, инженер Мингбоев билан бир карра гаплашишни кўнглига туккан эди. У ўзидан-ўзи хижолат бўлди, қиз бола совуқ кунда шундоқ изғиб юргани яхшими? Хайрият, унинг ниятини отаси ҳам, укаси ҳам билмади. Аслини олганда, уни инженер — қорача йигит сеҳрлаб қўйган эди. Қоражонни тополмагани Гулгун асабини қўзғаб, жаҳли чиққандек бўлди. Қиз болаки уни кўргани келса-ю, жойида ўтирмаса! Нима қилиб тентираб юаркин? Шу қиш ойларида шаҳарда нима бор? Тиячгина уйида ўтирса бўлмайдими? У энди мутлақо бу томонларга қа-

дам босмасликни, Қоражон қидириб келса яхши муомала қилмасликни дилидан ўтказди. Яна бир лаҳзадан кейин Қоражоннинг айби йўқлиги, ўзи хабар қилмай келганлигини ўйлади. Эҳтимол, бу йигитнинг шаҳарда бирон кишиси бордир? Эҳтимол... Одамнинг ичини билиш қийин. Ҳар қалай, қидириб бу ерга келиши яхши иш бўлмади! Эҳтимол, Қоражоннинг шаҳарда ҳақиқатан ҳам зарур иши бордир?

VIII боб

НУРАЕТГАН ПЕШТОҚ

Тошкентга, Ўзгидропроектга махсус иш билан тушган инженер Мингбоев йўл-йўлакай курсдош ошнас Қиёмхўжа Ҳазратовникига киришни кўнглидан ўтказди. Ҳазратов уни илгари ҳам бир неча марта ўз ҳовлисига таклиф этган эди. Кеча ҳам телефон қоқди. Ҳар гал имконияти бўлмай, Тошкентдан буюқ ургандай жўнаб кетадиган Қоражон Мингбоев бу сафар ошнаснинг телефон қоқиб, атай чақирганини, мабодо кирмай кетса, астойдил хафа бўлишини пайқади. Бу «Тошкентча мулозамат» эмаслигини ҳам пайқади. Кечга яқин у инженер Ҳазратов ҳовлисига кириб келди. Институтда ўқиб юрган кезларида ҳам бу ҳовлига бир неча марта келиб, ошнаснинг музей бўлиб кетган уй жиҳозларигаю жавон тўла жилди қал билан ёзилган қалин китобларига маҳлиё бўлиб қараган эди. Уша пайтларда Қиёмхўжа Ҳазратов янги уйланган, Гулбаданхон деган ёш, дилбар хотинининг девзира гуручидан дамлаган ошининг мазаси ҳамон эғзида, ҳалигача эслаб юарди. Ниҳоятда ифбатли, келишган бу жувон дўстининг боғини обод қилиб турганига, уйининг бекаси бўлиб, файз киритиб юрганига ҳаваси келган эди. Хотин-қизлар қаттиқ эътибор берадиган ҳусн деган нарсадан маҳрум Қоражон кўп вақт одамларга қўшилавермас, айниқса жоду кўзларини қадайдиган гўзал жувонлар тўдасидан узоқда юарди. Шу сабабли ҳам ошнасникига киривермас, ҳусни бир қарашдаёқ кўзни оладиган Гулбадан ундан дарҳол нигоҳини олиб қочишини биларди. Бу беихтиёр бўладиган ҳол уни камситгандай сезилиб, руҳан қийналарди. Гарчи бундай андишадан ғоятда узоқ бўлгани

билан бари-бир у Гулбадандан ийманиб, унга кўринишдан ўзини тортарди...

Шу куни Қоражон соч-соқолини текислатиб, янги костюмини, янги оқ сорочкасини, чипор гулли галстугини тақиб, ошнасиникига кириб келди.

Қиёмхўжа қирқ бешларга борган, кўркам, сарбаст киши. Ёш жувонлар унинг чертиб гапириши, салобати, кўркамлиги олдида сеҳрланар, унинг атрофидан кетолмай қоларди. Баъзи ёш-яланглар бу серсавлат одам олдида тортиниб, гапларини ҳам йўқотиб қўярди. Мехрибон, осуда бўлиб кўринган кўзлари баъзан макрона чақнаб қоларди; оқ айиқнинг ғазабини ҳам, шодлигини ҳам юзидан билиб бўлмаганидек, Ҳазратов ҳар қандай оғир лаҳзани гарчи ичдан қиринди ўтса ҳам билдирмаслик «санъати»га эга. У ўзини бепарводек тута оларди. Жанжалли ишларга бениҳоя кўп дуч келганими, ўйнашларининг макру ҳийлаларига бардош беравериб, қашқатаёқ бўлиб кетганими, ҳар қалай, ногаҳоний ташвишда ўзини қўлга олиб, сабот билан ўтказарди. Чертиб-чертиб гапирар, японларга ўхшаб энг қайғули хабарни ҳам тишининг оқини кўрсатиб, ха-ха-ха, деб кулиб, нописандлик билан қарши оларди. Совуқ илжайиш ва кўзларининг сирли чақнаб туриши, тетиклик, доимо зоҳир, сезгир аёллардан бири унинг японча илжайишини «Ҳазратовона кулги», дебди. Бу гапни эшитган бошқа панд еган жувонлар беихтиёр «ха-ха-ха-ха...» деб мириқиб кулишган. Кулиб туриб яна беихтиёр ўйланиб қолишган... Бобир Мирзо Ҳиндистонга бостириб кириб, уни қилич ва қон ила фатҳ этгани билан ҳинд аёллари Мирзони зolim деган эмас экан. Аёллар руҳияси ўзи катта фан, дерди баъзан совуқ илжайиб Ҳазратов. Унинг асли ота-бобоси Тошкентнинг шайхантоҳурлик хўжаларидан бўлиб, ошналари ўртасида ўзини «пешанаси дўнг» туғилган қўчқор ҳисоблар, исмига «хўжа» сўзини қўшиб айтишларини ёқтирарди. Қиёмхўжа ўзига етгунча серфикр, мулоҳазакор киши; кимдир сиртини силаган, ишратбозларнинг ақли бошида эмас, кўзида бўлади, дебди. Бу гап Ҳазратов хусусида бўлса унча тўғри эмас. Офтоб нури микробларни қириб ташлаганидай, киши жамолининг илиқлиги майда-чуйда ғийбатларни куйдириб йўқотади. Қоражон Қиёмхўжа олдида у тўғрисидаги ҳамма гапларни исқирт ғийбат деб, ошнасига очиқ дил, очиқ чеҳра билан боқарди. Ҳасадгўй, заҳил — симёнлар эмас, кўзга яқин, шаддод жувонлар ҳақида кўпроқ

яхши-ёмон гаплар юради. Эътиборли одамлар ҳақида шаҳарга гап тарқалади. Ҳар куни ўлгудай ичиб, таралабедод қилиб юрадиган ости кир, ўпкаси йўқлар ҳақида шаҳарга гап тарқалмайди, албатта!

Эшикдан кириб келган Қоражонни ҳовлида Қиём-хўжа билан Гулбаданбегим кутиб олишди. Болалар ичкарида эди. Бу хонадоннинг яна бир аъзосига ўхшаб кетган кексагина ола мушук ҳам хона ичидан чиқиб, зина тепасида думини калтак қилиб, меҳмонга қараб турарди. Қоражон ошнаси билан омонлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, ичкари хонага кириши билан димоғига нафталин ҳиди урилди. Еқимсиз бу ҳидни наҳотки улар сезмаса? Урганиб қолишганмикан? Кенг меҳмонхонага уч қизил гилам ташлаб қўйилган; уларнинг деярли ярми биринчи гилам остида. Деворга қоқилган гулдор гиламнинг эт-бетига кичкина дока халтачада нафталин тўлдириб, илиб қўйилган. Ойнадек ярқираб турган жавону шкаф, бошқа хоналардаги шифоньер, креслою каравотлар уйни тўлдириб ярқирарди. Уй складга ҳам ўхшаб кетган. Жавон ойнаси ичида матросча кийиниб тушган ўғилчасининг фотосурати — дўмбоқ бола тишини кўрсатиб кулиб турибди. «Бу ўғилчамиз!» — деди Қоражонни бошлаб, хоналарини кўрсатаётган Ҳазратов. У ўзини жуда ҳам болаларни яхши кўрадиган, болажон эканлигини билдирмоқчи бўларди. Болаларга меҳрибон бўлиш ҳақида кўпроқ гапиришини ҳам эслади Қоражон. Трестдаги бир мажлисда сўзга чиққан Ҳазратов Наманган областидаги Чортоқсой тўғони (бу сув омбори қурилишида инженер Ҳазратов тўғон участкасининг бошлиғи бўлиб ишлаган, кейинчалик сув омбори битгач, саккизинчи беш йиллик илғорлари мукофотланганда умумрўйхатда унинг номи ҳам бўлиб, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган) қурилишининг халқ хўжалигидаги хизматини битталаб санаганида оғзидан бол томарди. Чортоқ кўли атрофида қанча-қанча санаторийлар, пансионат, пионер лагерлари, спорт майдонлари ва ҳоказолар қуриш мумкинлигини айтиб, ёш авлодга меҳрибонлигини кўрсатган бўларди.

Бир зумда меҳмонхонадаги устига йилтироқ парча, катаклари ичида фиръавнлар ва ўша замон раққосалари тасвири солинган дастурхон устига целлофан ташланиб, нозу неъматлар ҳозирланди. Ичкиликнинг ҳамма тури, биллурий қадаҳлар ювилиб, силқитиб қўйилди. Патир нону закускалар ҳам муҳайё. Таомил

бўйича Ҳазратов олдин бир пиёла чой узатди. Қоражон чойни ҳўплаб, пиёлани ёруғга тутиб кўрди; кичкина, атрофига олтин ҳал берилган бу юпқа оқ чинни ичида яланғоч гўзал хотин тасвири бор эди. Тўғри чой ичиб ўтирган киши уни кўрмас, фақат ёруғга солиб қарагандагина юпқа чинни ичидаги тасвир кўзга ташланарди. Қоражон ҳушёрлик қилиб, пиёлани ёруғга солиб кўрганидан Ҳазратов мамнун бўлди. Бу билан у ошнаси ноёб нарсалар эгаси экани, таги кўрган, бой ва таъби нозиклигини тан олгандай бўлиб кўринди.

— Қисталоқ японлар жуда уста-да! — деди Ҳазратов, — мана бу дастурхон ҳам Арабистондан...

— Кўрдим, зўр! Нефертитининг тасвири бор экан.

— Неферти? Йўқ, бу Мисрники-ку? Неферти нима?

— Нефертити — бундан тўрт-беш минг йил илгари Миср тупроғида ҳокимлик қилган фиръавнлардан бирининг қизи. У жуда гўзал бўлган. Қисқа умр кўрган...

Ҳазратов бир нима демай донг қотиб қолди. Лекин ўз буюминиңг асил эканлиги кўнглини тўқ қилди. Институтда ўқиб юрган пайтларида «чандиқ йигит»нинг синчков, имтиҳонларда доимо ғолиблигини биларди, лекин Миср тарихларию фиръавнлардан гап очиши унинг маълумот доираси кенглигидан далолат бериб турарди. Бу Ҳазратовга унча ёқинқирамади.

Гулбаданга қишлоқи йигит анча дағал кўринди. Йўгон гавдали, қорача, юзлари чандиқ Қоражон Мингбоев ўтирганида нозик стулнинг суянчиқлари гирчиллаб кетган эди. Унг қўли билан пичоқ, чап қўли билан вилка ушлашни ҳам билмай, ўртадаги салатни қошиқ билан олиб олиб оғзига солди. Қоражонга сездирмай Гулбадан билан Ҳазратов бир-бирига имо қилиб, кулиб қўйишди. Инженер Мингбоевнинг алланима деб донғини эшитган Гулбаданхон рўпарасида дўлоп, турқи совуқ, тўпори бир одам тургандай бўлди. У овқатни шапиллатиб еяётгандай кўринди, шапиллатиб овқат ейдиганларни Гулбаданхон асло ёқтирмасди. Хайрият, ботинкасини ечиб хонага кирди, бу ишга диди етганидан, полга ташлаб қўйилган чўғдек гиламларни ботинкаси билан босмаганидан хурсанд бўлди.

Лекин бу «дағал одам» жуда ҳушёр, бировга ўзини гап билан бўлса ҳам таҳқир эттириб қўймаслигини

Ҳазратов яхши биларди. Шу сабабли у хотинининг ортиқча имо-ишорасига эътибор бермади. Шунга ўхшаган дағал, қассобнамо кўринган бир профессор пианинони ниҳоятда яхши чаларди, акварель бўёқларда табиат манзараларини чизарди. Бундан бир йилча бурун Намангандан келаётганда вагон-ресторанда худди шундай «дағал» бир одам маст бўлиб ошналари ўртасида айтилган бир ноқулай сўз учун арақ ичиб турган юпқа стаканни кутурлатиб чайнаб ташлаган эди. Бу ҳолатни ўз кўзи билан кўрган Ҳазратовнинг юраги ўйнаб, ўрнидан туриб, купесига жўнаган. Бояги йигитнинг оғзи қип-қизил қон, қандни кутурлатгандай шишани чайнади. Дарҳол ошналари унинг қўлларини ушлаб, энгаштириб, оғзидаги шиша парчаларини туфлаб ташлашни буюришди. Кимдир сувга югурди, кимдир рўмолчаси билан унинг оғзидан майда шиша парчаларини артиб ола бошлади... «Бу мастлик оқибати! Аҳмоқлик!» — деди Ҳазратов. Бошқалар ҳам шундай деб, у одамни лаънатлашган эди. Бу иш мардликка кирмайди! Лекин, барибир, бу даҳшатли ҳодиса Ҳазратов кўз олдида турарди. Узи ёки хотини томонидан бирон ноқулай гап ўтса, бу «қишлоқи», дейилиб, ҳақоратомуз гапларга тоқат қиладиган кимса эмаслигини Ҳазратов сезарди. У ўзига етгунча чакказарб, зардаси тез кимса, деб биларди. Ҳазратов наздида бу, фронт тамғаси, оғир ярадорликдан қолган асабийлик, деб ҳисобларди.

Қоражон бир-икки қадаҳ билан кайфи ошадиганлардан эмас, у жуда босиқ, ичишни ҳам билиб ичарди. Ҳазратовнинг гапларидан, унутилган эски ошнасини қайта топиши, Чорвоқнинг «устунларидан бири» — Мингбоев билан ош-қатиқ бўлишининг боиси: Трестни ташлаб, қурилишга боришни мўлжаллаётганини сизди. У борадиган бўлса бош инженер ёки кам деганда бош инженер муовини бўлиб боришни кўзларди. Бу ишда Мингбоевнинг ҳам кўмаги тегиши мумкин. У Садовниковга яхши гаплар айтса бас, бу ёғи анча-мунча чоки чокига келтириб қўйилганга ўхшарди. Суҳбат пайтида Қоражон Ҳазратовнинг ниятини тушунди. «Ҳазратов қичийдиган ерини олдиндан қашиб қўядиган»лигини атрофидаги ошналари биларди. «Ҳар қаерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу», — деди ичида Қоражон. Лекин начора! Агар у астойдил Чорвоққа бораман, деса, боради! У бу ерда ҳам яна битта орденни қотир-

моқчи... Унта Мингбоевнинг кўрсатган қаршилиги уч пул бўлиб қолади. Гап билганга минг танга, иш билганга бир танга, деган мақол Ҳазратовга атаб чиқарилгандай, у ўзига етгунча сўзамол. Эҳтимол, Амир Равнақ деган шоирнинг шеъри ҳам унга қаратилгандир.

Жавраш билан умринг ўтиб бородир,
Пўрсилдоқ гаплар-ла борурсан қайга?
Ҳунаринг шу экан, ҳунаринг «нодир»,
Бир кун ботишлигинг аниқдир лойга...—

деган мисралар ёдига тушди. Начора! Инсоннинг феъл-атвори тоғлар тизмасидек мустаҳкамки, даврлар ўтиб кетади, аммо емирилмайди. Инсон феъллини ўзгартириб, текислаш амри маҳол! Ошналаридан бири Ҳазратовни ўз мақсади йўлида ҳар қандай ишдан тоймайдиган кимса, у ёздан қолган чивиндек ўзини дераза ойнасига уриб, гингиллаб, тўғри келгани чақади, деган эди. Ана шундан ўзингиз хулоса чиқараверасиз!

— Тегирмон ҳам гали билан,— деди Қоражон Ҳазратовнинг қадаҳига коньяк қуйиб,— мен ўзим ҳам қуяй сизга.

— Ташаккур! Азизим, сиз қайси бир денгизда пароходларни қаърига тортиб кетаётган, самолётларни ҳам бедарак йўқотаётган жой борлигини эшитганмисиз?— деди ўзини билимдон кўрсатиб. Чунки баъзи ошналари Ҳазратовни инженердан кўра ҳам кўпроқ администратор бўлиб қолган деганлари қулоғига етиб келган эди. Бу гап тўғри эмаслигини исботлаш учун у кўп вақт мана шундоқ ўтиришларда ўзини билагон кўрсатишга уринарди.

— Эшитганман. Бу гап анчадан бери бор. Бу, Атлантик океанида, қитъага яқин, «Бермуд уч бурчаги» дейилади. Дарҳақиқат, сиз айтганингиздек, бу жойда пароходу самолётлар маълум вақтда бедарак йўқолиб кетяпти. Буржуа матбуоти турли гаплар тарқатиб, узоқ коинотдан келганлар бу пароходу самолётларни олиб кетяпти, демоқдалар. Баъзи олимларнинг айтишича, уларни ер остидаги магнитга ўхшаган куч тортиб олиб кетаётгани, қандайдир кучли тебраниш пайдо бўлаётгани ҳам маълум қилинган. Яна бир гуруҳ олимлар, Қуёш, Ой, Ер бир чизиққа келиб қолганида шундай тортиш қудрати кучайиб, фожиали ҳалокатлар пайдо бўляпти, дейиша-

ди. Ҳар қалай, бу воқеа ҳозирча жуда сирли ва муам-
модир... Таажжуб!

Икки йигитнинг кайфи ошиб қолди. Айниқса, меҳмондан олдин ўзи маст бўлиб қоладиган Ҳазратов ош киргунчаёқ «мен сизга айтсам» бўлиб қолди. Гулбаданхонимнинг ошхонада ўзи билан ўзи оворалиги, кенг хона ичида уларнинг икковларидан бўлак кимса йўқлиги — бўлиб ўтган ишрату баъзи «сирли гаплар»ни ҳам юзага чиқарди. Ичиб олган Ҳазратов жуда сергап бўлиб кетарди. Бундай пайтларда мақтанар, ҳамсуҳбатига «меҳри товланиб», уни ялай бошларди. Иттифоқо Қоражон қурилишга Ҳазратов билан машинада бирга келиб кетган «чикка бел» жувонни эслади. Кимлигини сўради.

— Ҳа, азизим,— деди секин шивирлаб Ҳазратов,— биз унчалик «ошиқ-маъшуқ» эмасмизу, аммо анчадан буён кетимдан эргашиб юрибди. Уни «Обакихон» деб атаймиз. Асли оти — Кимсанхон. Ўзи жуда жойида, биледи... Ҳа, жуда зўр... ха-ха-ха-ха! Лекин, қисталоқ тилда тақинчоқларни ниҳоятда яхши кўради. Кийимга ўзини уради. Бузилиб кетишига ҳам асосан шу пулга ўчлиги сабаб. Брильянт кўзли узук олиб бердим. Менга шундоқ ёпишиб олган, қаерда бўлсам топади. Наманганни ташлаб Тошкентга келди. Тўғриси, мен ўзим уни алдаб олиб келдим...

— Кеннайим билиб қолсалар нима бўлади?

→ Теримга сомон тиқади!— деди Ҳазратов рўпарасидаги ошнаси юзидаги чандиққа тикилиб.— Сездирмаймиз, алдаймиз, муомалани яхши қиламиз... Биз шўрликларнинг бошқа иложимиз йўқ. Доймо юрагимиз така пука. Азизим, ҳув анави тўйда бир қиз сизнинг ҳам юрагингиздан урган эди. Ёдимда. Қўлга туширдигизми? (У Гулгунни эслатаётганини сезди-ю, Қоражон миқ этмади.) Шу Обакихон Намангандан битта чамадон билан келди. Икки хонали квартирага жойлаб қўйдим. Бирон йил ўтмай, бу қуп-қуруқ квартира шифоньер, гиламу турли моллар билан тўлиб кетди. Жуда молга ўч...

— Узлари билан ҳам Наманганда?..

— Ҳа, албатта. Уша ердан топганмиз...

— Сиз хотинингиз билан чақчақлашиб ўтирганингизда у квартирасида ёлғиз қолиб изтироб чекади! Тошкентга у сизни деб келган. Шундоқми?

— Тўғри.

— Шу ҳолда қачонгача бориш мумкин?

— Ярим кечада ҳам эшик тақиллатиб борганман... Умуман, бундай жувонларнинг қисмати вой; ахир бир кун ё заҳар ичиб ўлади, ё ўзини сувга ташлайди.

— Бечора!

— Нима, нодон бўлса биз жавобгармизми? Унга худо ҳусн бериб, ақл бермаган. Доимо тараллабедод базм - бўлса-ю, иш бўлмаса. Кийимлари башанг, қўлларида қимматбаҳо тилла узуклар, ёнида келишган йигит бўлса... Айш суриб, одамларнинг кўзини ўйнатиб юрса. Мана шу керак. Ўзлари ҳам гап бўлганликларини эшитганмиз. Ўзлари ҳам фаришта эмаслар-а?

— Ҳа.

— Вей, ман сизга айтсам, бу иш аввал жуда ширин бўлиб, кейин албатта миси чиқади...

Қоражон кайфи ошган Ҳазратовнинг гапларини тинглаган бўлиб, бақрайиб ўтирарди-ю, хаёлини бошқа бир кимса чуллаган эди. Уша пайтларда Амир Равнақнинг бир ҳажвий тўртлигини ўқиган эди:

Каптарлар тўлига кирган қарғасан,
Адашиб кирмадинг, киргансан билиб.
Вақти етгач, чиқиб кетишинг осон —
Қурилиш қалъасин хўп шилта қилиб...

Демак, орамизда баъзи нопок йўл тутган кимсалар борлигини шоир биларкан-да, мияг пардаламайлик, бундай кимсалар борлигини шоир сезиб юраркан-да, деган эди Қоражон Мингбоев. Лекин ҳозир бу эски гапни Ҳазратов яна тилга олиб, Қоражонга эслатиши қизиқ бўлди. Бу билан у учинчи бор Наима воқеасини Қоражонга эслатарди. Илгари у Садовников ёнида Қоражонга ҳазил қилган бўлиб, бу гапни айтиб юборган эди. Қизариб хижолат бўлган Қоражонга «бу ҳазил» эканлигини айтиб, узр сўраган. Аслини олганда: «Сен, Мингбоев, ҳадеб, фронтчиман, деб ошаверма, тилингни қисиб юр! Бўлмаса, Наима билан бўлган жанжалларингни очиб ташлайман!» — деб дўқ урарди. Шу йўл билан Қоражон Мингбоевнинг тилини қисиб қилиб олмоқчи эди. Қоражоннинг оғзига қаймоқдек татиётган арман коньяги бирдан заҳар бўлиб кетди. Унинг ичгиси ҳам, егиси ҳам

келмади. Эчкиники доимо очик, қўйнинг айби бир марта очилса ҳамма ёқда дув-дув гап экан-да, деди ўзига-ўзи Қоражон маст бўлиб қолган Ҳазратовнинг тепакал бошига тикилиб.

Суҳбат мавзуи адабиётга ўтди. Бунга сабаб жавондаги китоблар бўлса, ундан ташқари, нариги кўчада турадиган инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаровнинг ҳамда маҳалладоши шоир Амир Равнақ эди.

— Ёзувчилар пулни кўп топади, дейдилар, бу унча тўғри эмас экан,— деди Ҳазратов,— мана шу Амир Равнақни йигирма йилдан бери биламан, косаси оқармайди... Битта костюми уч йил, тўрт йил кияди.

— Ҳа, эшитганман,— деди Қоражон,— шир шу маҳаллада турадиларми?

— Ҳаммаҳалламиз.

— Шесър ёзиб, бойиб бўлмаса керак.

— Шиғирини болалар ўқимаса, биз шиғир ўқимаймиз. Ёки битта-яримта ошиқ-маъшуқ бўлиб юрган ёшлар ўқийди. Кейинги пайтда бундоқ қўлга олиб ўқийдиган бирон роман чиқмаяпти,— деди Қиём-хўжа,— «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон», «Бўрондан кучли» бир ёзилиб қолган экан-да. Баъзи китобларни ўқийсану, сира маза қилмайсан. Театрдаги ёғочдан ясалган меваларга ўхшайди. Кўриниши «мева», аммо ушлаб кўрсангиз — ёғоч

Шу пайт телевизорда катта ашулани обдан маҳорат билан ижро этаётган хонанда ҳақида сўз кетди:

— Урушдан илгари, ўтгизинчи йилларда Уста Олим, Муҳиддин Қори, Тамарахонимлар Лондонда концерт бериб, бошлашган!— деди Ҳазратов ҳаажон билан,— ўзбек санъаткорларини Лондон тап олган.

— Ҳа, санъаткорларимиз билан фахрлансак арзийди,— деди Қоражон жавоб қилиб,— лекин чириган-ириган ўша Лондон ўлчов эмас! Умуман, шундай деб илм ва санъат юксалишини ўлчаш, менимча, тўғри эмас! Бизнинг ўз Москвамиз, ўз Тошкентимиз бор! Санъатимиздан Ватанимиздаги халқларимиз мамнунми? Чиндан ҳам бу санъат уларга керакми? Ана шу муҳим! Мен шундоқ деб ўйлайман.

Ҳазратов жим қолди.

— Зикинага қойилман!— деди яна Қоражон,—

у дилрабо рус қўшиқларини беқиёс ижро этиши билан санъаткорларнинг нималарга қодир эканлигини дунёга намоиш қилди. У бу ердаги баъзи хонандалардек обрў оламан деб турли яхши қўшиқларни мошхўрда қилиб айтаверса, баъзи сурнайчилар «Қарғалар...»ни чалиб ўтганидан ҳам хароб бўларди-ку!

Шу гапдан сўнг санъат ҳақидаги баҳс тугади. Уртага бир муддатли сукут тушди. Бу паузани қадаҳларга коньякнинг қултиллаб тушиши бузди. «Қани, олинг! Қани олинг!»дан кейин улар ўзлари ҳақида ўйлай кетдилар.

Қиёмхўжа илгариги хотини Ҳумайрани учта боласи билан қўйиб юборган. Тошкентнинг Ҳажимал маҳалласидаги ота ҳовлисини уларга ташлаб, кейинчалик ўзи Камолон томондаги бир номдор одамнинг оиласига ичкуёв бўлиб кирган. Шўх, келишган Қиёмхўжа Гулбаданга «ошиқ» бўлиб юриб, уйланди. Ундан турмуш қургани, учта боласи билан хотинини ташлаб кетганини яширган. Орадан йиллар ўтгач, бу воқеа очилиб, Гулбаданнинг ота-оналари ҳам эшитди. Гулбадан бўлса бир-икки кунлик дилсиёҳликдан сўнг тақдирга тан бериб, эрининг гуноҳидан ўтди. Қонни қон билан ювмайдилар, сув билан... деган ҳажималлик холаси — Нозима кампирнинг айтишича, кувёнинг илгариги хотини эри ташлаб кетгандан кейин ўзини хор қилмай Текстилькомбинатга ишга кириб, йўлини топиб кетган экан. Икки боласи боғчага, бири мақтабга борар экан. Комбинатда зарбдор бўлиб ишлаб, газеталарда сурати чиққан, орден ҳам олган дейишади... Нозима кампир кўрган билганини оширмай-тоширмай Гулбаданга айтиб берарди-ю, аммо юрагида бир воқеа тикандек қадалиб ётарди. Қанчалик тили қичмасин, бу гапни ҳеч айтгиси келмасди; Қиёмхўжа ўша Ҳумайра деган жувон билан турмушлари бузилмаган вақтда бош боласи — олти яшар қизчаси Яйра қўшнисининг қизи билан хона ичида шўхлик қилишиб, жавон тепасида турган чинни вазани тушириб юбориб, чилчил қилган. Кечга яқин ишдан келган Ҳазратов шу қизини чунонам урганки, қизчанинг чинқириғи, оҳу фиғонига қўшнилари чидолмай ҳовлига бостириб киришган. Шунда Нозима кампир Ҳазратовга ўқрайиб: «Болам, қиз болани уриб бўлмайди, отаси урган қиз бахтсиз бўлади!» — деган эди. Лекин Қиёмхўжа

кампирга ўдағайлаб: «Сиз аралашманг, бу ёмон бўлиб кетган! Мен бу вазани етмиш беш сўмга олган эдим!» — деган. Шу қизча бир куни кўча бошидаги дераза ёнида туриб, ичкарида қўшниларнинг пианино чалаётганини эшитиб, маҳлиё бўлиб турганида отаси Ҳазратов келиб, қўлидан силтаб тортиб, уйга олиб кириб кетган эди: «Эшшак, мен сени папиросга чиқариб юборсам, шунча кечикасанми!» Бу воқеани ҳам кўриб қолган Нозима кампир: «Вой, шўринг қурсин, сен қизчага қийин экан», — деган эди. Ҳазратовни инженер деб эшитгани, лекин турмушда қилаётган ишлари ҳеч инженер киши қиладиган иш эмаслигини ўйлаб, кампирнинг боши қотарди. Қиёмхўжанинг ота-онасига хаёли кетарди: ота-оналари бунчалик паст одамлар эмас, таги кўрган, сажаралик хўжалардан эди. Лекин бу йигит шу даражада пасткаш одам бўлганига ҳеч ақли етмасди. Катта қизининг музыкага ишқибозлигини сезган Ҳумайра, уни Глиэр номидаги музыка билим юртига киритиб қўйибди. Ҳумайра болаларини Ҳазратовга кўрсатмас экан. Уч фарзандини чиннидек, ораста қилиб тарбия-ляпти. Етмиш беш сўмлик чинни ваза учун қизини чинқиртириб ургани Ҳумайранинг дилини чилпора қилган. Бу воқеадан кейин у ташлаб кетган эри устидан шикоят ҳам қилмади. Чунки у шикоятга арзимамайди, унинг ўз оёғи билан кетгани яхши бўлди, деган эди. Лекин ўн йил умрим бекорга ўтди, яхши ҳам уч фарзандим — уч бахтим бор, бўлмаса менга жуда ҳам жабр бўлган бўлар эди... — дебди.

Шу-шу бўлиб Нозима кампирнинг Ҳазратовдан ихлоси қайтган, инженер деса, кўз олдига Ҳазратов келади, бундан бошқа инженерни кўрмаган. Агар бошқа инженерлар ҳам шунақа бўладиган бўлса, ҳаммасини ер ютсин! Бундан кўра маҳалладаги Одил пияниста яхши, у ҳар куни ичиб, маст бўлгани билан болаларини жонидан афзал кўради. Шу инженердан кўра Нортўй қори яхши, куф-суф қилиб, одам ўқиб юргани билан бировга озор бермайди, болаларининг бири институтда ўқийди, бири поликлиникада врач...

Тунда Қоражон Қиёмхўжа Ҳазратов ва унинг гўзал хотини, болалари билан хайрлашиб, ташқарига чиқди. У билан ёнма-ён зинапоядан тушган ошнаси кўчага бирга чиқиб, хайрлашиб қолди. Кайфи ошган Қоражон шу ҳолда Чорвоққа чиқиб кетиши асло

мумкин эмас эди. У бу уйда ётиб қолгиси ҳам келмади — бу уй ажойибхона — музейга ўшарди. Дўлвор, «қишлоқи» бир одамга пайтаваларини у ёқ-бу ёққа ташлаб, ёнгоқ дарахтидан қилинган венгр каравотида, пар ёстиқларда ётиш эриш кўринди. Бунинг устига, ошнасининг уйдан нафталин ҳиди анқиб турарди. Қайси хонага кирмасин, димоққа нафталин ҳиди уради. Қоражон бўлса нафталин ҳидини асло ёқтирмасди, бунақа жойда ухлаш у ёқда турсин, бирпас ўтирса ҳам асаби қўзғарди. Ошнам бойишга бойибди-ю, аммо пасткашроқ бойибди, кўнглидан ўтказди. Унинг кўз олдида пещтоқлари нураётган иморат тургандай бўлди... Қоражон кайф билан тўппа-тўғри Эски Жўва томон юрди. Себзорда турадиган яна бир бошқа ошнасининг ҳовлисига борди. Бунда ўзига ўхшаган дўлворроқ, Ташсельмашда ишлайдиган бир дўсти яшарди. Шу кеча ўша ошнасиникида тунаб қолди.

Эрта билан нонушта қилишди: бир коса қаймоқ, иссиқ нонлар хонтахтани безаб турарди. Қоражоннинг кеча ичкилик ичиб келганини кўрган дўсти хотинига эрта билан аччиқ хўрда қилишни тайинлаган экан, икки коса хўрда келди. Мурч сениб, маза қилиб ичишди. Бош оғриқлар ҳам қолди: одамзод қизиқ, бир ошнаси бою кўнгли тор, иккинчисининг мол-дунёси йўғу кўнгли кенг. Кўп нарса одамнинг феълу атворига боғлиқ, инсон ўз феълу хусусияти билан жуда ҳам мураккаблигини ўйларди. Ҳазратовнинг қўярда-қўймай ўз уйига таклиф этишида бир мақсади, мўлжаллаган иши борлигини фаҳмлади. Аслида, келмай қўя қолса яхши бўлишини, ўтириш қандайдир носамимий бўлганлигини, дўстининг бир илинжи борлигини фаҳмлаб, хафа бўлди. Ишчи ошнаси, Сижжакдаги мўйловдор Милтиқбой ака Қўйбоқаровлар бошқача. Бу кекса одам билан мулоқатда бўлган киши баҳра олади.

Инсон ташвишни мардонавор кўтаришга қодир, аммо фавқулодда бахту омадни номардларча кечириб қасалига ҳам мубтало. Шу сабабли муносиб кексаяётган ақли расо, бир сўз билан айтганда, бутун одамларни кўриб, киши тоғларга тикилгандай юракни завқ қучади. Бундай одамлар ноёб кигоблардан мўътабардир, деди ўзига-ўзи Қоражон.

ЗАМОН ФАРҲОДЛАРИ

Кесиб ҳар тешаси қилгач хароши,
 Фалак пили юкидек пора тоши.
 Чу метин зарбидин айлаб синтеза,
 Қаттиқ харони айлаб реза-реза..

Навоий

Чирчиқ водийсига барвақт қиш тушди; совуқ шамол эсиб, эргалабки изгирин танни ачитарди. Кеча штабдаги маслаҳатга кўра Мингбоев нонуштадан сўнг тўппа-тўғри асосий туннель томон жўнади. Бу ерга Садовников, Шишкинлар ҳам келиши керак эди. Петухов ва Мансуровлар бригадаси тун бўйи ишлади. Сув ичида «совуқ душ қабул қилишган» эди. «Проект — чалпак эмас, уни бир зумда пишириб бўлмайди», деб юрадиган кекса инженер ҳаммадан олдин асосий туннель қазийётганлар тепасига келиб, қутуриб оқаётган Чирчиққа қараб ўтирарди. Қоражон ҳам унинг ёнига келиб, буралиб-айқириб, дам қирғоқларидаги улкан қоятошлар ичига кириб, яшириниб, дам кенгликларда ёйилиб оқаётган кучли оқимга тикилди. Тушган нарсани чархпалак қилиб, қаърига тортиб кетадиган сув негадир бепарводек. Бу кеча у жуда ҳам қутурган эди, унинг четидаги сув сатҳини ўлчайдиган жадвал 700 га чиқиб кетган. Кечагина 300 рақамида эди. Сувнинг бу даражада кўтарилиши туннель қазийётганларга, пастки каналда ишлаётганларга хавф соларди. Туннель ва пастки каналга кирган сувни тезликда насослар ёрдами билан чиқариб ташлаш керак эди. Сув ичида юрган уч бригада кишилари насосларни ишга солиб, лоёқа сувни чиқариб ташлаша бошлади. Садовников билан Шишкиннинг юқорида серрайиб турмай, сув кечиб юрган бригадага аралашиб кетганини кўрган Мингбоев ҳам уларга эргашди. Кекса инженер Каминский канал четида туриб, сувнинг уриб кетаётган томонини кузатар, бульдозерчининг тез келмаётганидан диққат бўлиб, агрофига олазарақ қарарди. Узоқда, тўғон томонда тўп отгандай гумбурлатиб бульдозер моторини юргизаётган йигитга қўлини баланд кўтариб имо қиларди. Агар уч-тўрт кун Чирчиқ шундоқ кўтарилиб, қутуриб оқса, котлованга сув тўлади, пастда қазилаётган

ёрдамчи каналларни вайрон қилади. «ЧП» сабабли шу куни кечгача Қоражон Мингбоев пастки канал, котлованда бўлди. Тушликни ҳам бунда дўстлари билан бирга ейишди. Кўпдан қуён қочиб қутулмас: икки бульдозерчи, тўрт кучли насос ва бу ерда шахсан ишнинг тепасида турган қурилиш бошлиғи ва парторг одамларга далда бўлди. Сув-лойга ботганларига қарамай тошиб, бузиб кирган ерларга тошу тупроқ уйиб, кичик дамба қуришди. Бу ўтган кунги жала оқибати, дерди қурилиш бошлиғи. Чирчиқ билан ўйнашиб бўлмайди! «Саратонда ҳам унинг кўпайиб, тошиши бор»,— гапга аралашди Қоражон Мингбоев. «Асримизнинг бошида бу дарёни «Парпирак» деб атаганлар,— деди Каминский қандайдир бир китобни ўқиганини маълум қилиб. У, дарҳақиқат, тарихий ва бадий китобларни кўп ўқирди,— улкан харсанг тошларни парпирак қилиб кетишидан исми жисмига монанд. Лекин ўн бешинчи аср, Амир Темур замонида «Чир» деб аталган»...

Туннель, котлован ва ёрдамчи каналларга сув кириб кетиш хавфи йўқотилгач, кечга яқин Садовников билан Каминский штабга қайтишди. Қоражон ҳам этиги, телогрейскасини кийиб, ўз участкасига — тўғонга, ундан харсанг тошлар автомашиналарга ортилаётган карьерга, экскаватор ёнига келди. Бу ер унинг асосий иш жойи — бунда фарҳодлар тоғ синдириб, тўғон қуришарди.

Қурилишда сув босиш, катта кранларнинг аварияга учраши, тоғдай харсанг тошларнинг қулаб тушиши каби қутилмаган воқеалар уч йил мобайнида бир неча бор рўй берди. Бунинг устига Хўжакентда азон маҳали рўй берган кўчкин бутун бир катта гаражни, Тошкент — Чорвоқ бетон йўлини босиб қолди. Бир неча одам кўчкин тагида қолиб кетди. Кучли экскаватор ва бульдозерлар билан йўл очилди, аммо гараж қоровули ва яна бир кампирдан номнишон бўлмади... Бу ерда Мирзачўл ёки Қарши даштидагидек иссиғу совуққа бардош бериб ишлаш билан бўлавермайди — қўрқоққа олисда тикилиб турган тоғларнинг ҳар бири улкан девга ўхшаб кўринади. Улар асрий уйқусини бузган моторлар гумбурлаши ва портлашларга чидолмай, қоятошларни узиб олиб отар, дарёни тошдирар, жала қуярди... Садовников ҳам, Шишкин ҳам бундай чоқларда Чотқол фарзанди — инженер Мингбоевни ухлаб ётган еридан олиб

чиқиб кетардилар. Деразадан кўчага машина келиб тўхтаганини кўрган Қандил буви ҳозир эшик тиқирлаши, ўғлини кийинтириб, қайси бир участкага олиб кетишларини биларди. Бу гумонларининг тўқсон тўққизи тўғри чиқарди. «Ҳой, Шошқин болам, Чорвоқда кўриб олганларинг битта Мингбоевми? Чорвоқда минг-минг одам ишлаяпти-ю! Қаерда бир кори ҳол бўлса, ўғлимни олиб кетасизлар! У гап қайтармайди-да. Мўмин». Қурилиш бошлиғи кампирнинг сўзларини диққат билан тинглаб, жавоб қиларди: «Ҳа, онажон, ўғлингиз ҳеч гап қайтармайдиган яхши йигит. Уни уйлантириб қўйганингиздан кейин тегмаймиз. Иккиламчи, у бюро аъзоси. Биз ҳаммамиз ишга баб-баробар жавоб берамиз».

Бу гап кампирга ёқар, кимда-ким тўй ҳақида гапирса, у яшнаб кетарди. Одамларнинг эрга теголмай, вақтини ўтказиб юбораётган қари қизлари бўлади. Лекин, кампир бечоранинг умри ўтиб бораётган бўйдоқ ўғли тоғдек бўлиб юрарди. Аввал фронт деди, уруш босилгандан кейин институт, ундан кейин Чорвоқ... «Ишқилиб, шундоқ ўтиб кетмасанг яхши эди, болам,— дерди баъзида Қандил буви.— Наҳотки, шунча тумонат одам ичидан сенбоп қиз чиқмаса?! Ёки сувда юравериб, хотин олми ҳам эсингдан чиқиб, совуқ мижоз бўлиб кетдингми?»

Одатдагидек саҳарлаб Қоражон тўғон бошига келди. Икки баланд тоғ оралиғидаги кенг майдонда ёлғиз ўзи айланиб, кунчиқар — бўлғуси денгиз томонга тўкилган харсанг тошларни кўздан кечирди. Ҳар бири уйдек-уйдек метин тошлар ағанаб ётарди. Тўғоннинг бошдан-охиригача, узунасига харсанг ташланиб, ундан кейин тупроқ билан шағал қўшилмаси тўкилган. Ўрталикқа қум ва яна харсанг.. Тўғоннинг кунботар томонига ҳам тупроқ билан майда тош аралашмалари тўкилиб, «МАЗ»нинг тишлик оғир фўласи билан қайта-қайта шиббаланарди. Қоражон кеча кечқурун анализ учун лабораторияга олиб кетилган эрга келиб тупроқ зичлигини кўздан кечирди. Карьердан ташиб келинаётган майда харсанг тошлар жуда текис тўкилаётгани, айниқса «БелАЗ» ҳайдаётганлардан Можоев, Омоновлар оралиқни текис олиб, тўғоннинг бошидан охиригача етти юз эллик метрлик масофадаги камарга чизиб қўйилгандек тўкаётганликларини сизди. Икки баланд

тоғ оралиғидаги бу майдон аэропорт учиш майдонидаги бетон трассаларга ўхшарди. Унинг кенлиги ҳам бир неча стадионга тенг келарди. Майдон бўлиб кўринган бу жой ҳозир ердан йигирма метр кўтарилган. Бир томони Қўнғирбуқа, бир томони Асқартоғ оралиғидаги бу улкан майдондаги тўғон келгусида бир юз олтмиш саккиз метрга кўтарилади. Чотқол, Кўксув, Писком дарёлари сувлари тўпланиб, қирқ бир квадрат километрда ложувард денгиз ярқираб мағж уради... Денгизнинг ўрталаридаги чуқурлик юз эллик, икки юз метрдан ҳам ошади. Унинг баъзи жойлари Атлантик океан чуқурликларига тенг келади. ГЭСнинг қудрати олти юз минг киловатт бўлиб, машҳур ДнепроГЭСдан кучли бўлади. Эрта тонгда тўғонни айланиб юрган Мингбоев кўз-олдидан бу гигант тўғоннинг, Чорвоқ ГЭСининг келажаги ўтди. Чирчиқ водийсида узоқ йиллар мобайнида илмий-текшириш ишлари олиб борган, бундан йигирма йиллар аввал дастлабки лойиҳаларни тузган Николаев, Семинихин ва бошқаларни эслади. Гидропроект институтининг иши ниҳоятда катта эканлиги кўриниб турарди. Узининг домласи, инженер Борис Иванович Боведнийнинг беғараз ёрдами бир фронтчини оёққа тургазди.

Бир мuddатдан сўнг узоқда, тоғ остидаги карьерда мотор гуриллади. Экскаваторчи йлгит агрегатини ишга солаётган эди. Бирин-кетин буқага ўхшаган кучли «КрАЗ» ва «БелАЗ» машиналари қаторлашиб, Хўжакентдаги гараждан чиқиб йўлга тушишди.

Қуёш нурлари қояларда ярқирай бошлади. Прораб Никаноренко ва бошқа йигитлар ҳам етиб келишди. «БелАЗ» ҳайдаётган йигитлар харсанг тош ортиб, тўғон майдонига кириб келишди. Участки бошлиғи Мингбоев тоғ кесиб келаётган фарҳодлар билан салом-алиқдан сўнг лабораторияга борди. ГЭС котловани юқорисидаги вақтинчалик қурилган хоналардан бирида тўғон қатламининг зичлигини, қаттиқлигини аниқловчи асбоблар ёнида ўтирган Галина Шишкина ёнига кирди. Ташланаётган масса зичлиги жойида эканини билгач, Галинага бир-икки ширин ҳазил-мутойиба гап қилиб, яна «БелАЗ» ҳайдаётганлар ёнига чопиб кетди. Прораб Никаноренко билан гаплашиб, машиналарни сал жадаллаштириш лозимлигини тайинлади. Узи ҳозир Чирчиқ бўйига, қум олаётган экскаватор ёнига боришини,

тўғонга босилаётган қатлам зичлиги меъёрида эканлигини айтди. Шиббалаётган машиналар сонини олтига етказишни сўради. Шундан сўнг ўзи қум карьерига жўнади. Чотқол тизма тоғ этакларидаги карьердан харсанг тош ташиётган «БелАЗ», «КрАЗ»лар ўкириб, кучаниб, елкаларида тош кўтариб тўғонга шошилишарди. Бу кучли машиналар узоқдан қатор келаётган филларга ўхшаб кўринарди. Уларнинг кифтидаги филбонлар замон фарҳодларидир, улар тоғ кесиб, тўғон қуришарди.

Инженер Мингбоев кун бўйи тўғонда, ўз участкасида бўлди. Икки бор ўзи ҳам Абдуманноп «БелАЗ»ида карьерга бориб, харсанг тош келтириб тўқди. Инженернинг машина ҳайдовчилар ичида юриши, харсанг тош ташиши ишлаётганларни руҳлантирди. Ёз бўйи бошига сомон шляпа кийиб, қўлида лойиҳачертёж, сояда ўтириб ишни кузатадиганлар ҳам бор. Улар «БелАЗ» ҳайдаётганлар ичида обрў қозонолмаган. Инженер бўлсанг ўзингга, нима бўпти! Қурилишда ҳозир терга ботиб ишлаётганлардан кўра инженерлар кўпроқ. Политехника институтини тугатдингми — инженерсан. Бу ерда қоғоз ушлаб, гўдайиб турганларни эмас, «БелАЗ» ҳайдаётганларни, электр пайвандчиларни, цемент қораётган, арматура ясаётганларни севадилар! Кранларни бошқараётган аёллар бу ерда парилардан ҳам гўзал саналади.

Чорвоқ катта даргоҳ. Бунда замон фарҳодлари ишламоқда. Бу ерда инженерлар ҳам жуда кўп. Ҳамма бор... Бу ер ўзи бир катта дорилфунунга айланган.

Х боб

ТИЛСИМ

Сиртдан қараганда тўғон қурилишидаги ишлар кишини зериктирарли даражада бир хил кўринарди: кучли машиналарнинг вағиллаб югуриб, баландликка кўтарилиши, бульдозерларнинг кучаниб, у ёқдан бу ёққа суриниши, тупроқ, шағалларни тўплаши, шиббалаш, ётқизилган тошу тупроқнинг зичлиги ҳақида лаборатория анализи ва ҳоказо, ва ҳоказо... Аммо, бу ерда ғимирлаётган мингларча одамлар — мутахассислар, Хумсон йўлидаги сайҳонликка тушаётган

юзлаб синолар, йўллар, кўпригу кранлар, тортилаётган йўгон симлар тоғларнинг асрий уйқусини бузиб, янги тонгдан дарак бераётганга ўхшарди. Ухлаб ётган буюк паҳлавон депсиниб ўрнидан туриб, енг шимараётгандай кўринарди. Кун бўйи қурилишда бўлган Қоражон Мингбоев кечга яқин Чотқол баландлигидаги ўнг томон қояга — Қўнғирбуқа тепалигига чиқиб, япасқи тош устига ўтирди. Бу ер жуда баланд, бундан бутун водий кафтдек кўринади. Келгусида у турган қоягача тўгон кўтарилади; эҳ-ҳа-а, ҳали қанча иш қилиниши керак! Бошқалар учун бу баланд, тик қояга чиқиш анча машаққат бўлса, Қоражон учун зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилншдай гап. Чирчиқ устидаги лопиллаб турадиган Эшаккўприк чотқолликларнинг шаҳарга тушадиган асосий йўли бўлиб, бу ерга у Ёнқўрғондан пиёда келарди. У чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ нону гўштни олиб, тош устига қўйди. Этиги қўнжидан ўткир пичоғини суғуриб, рў-молчаси билан артгандек бўлди-да, гўштан кесиб еди. Пастда чумолидек ўрмалаб ишлаётган одамларга боқди. Олис-олисларда ГЭС қурилишида электрпайвандчиларнинг учқун чиқараётгани, қоя остидаги карьерда экскаваторларнинг гуриллаб, бақириб самосвалларга тош ортаётгани, ўнг қирғоқдаги қурувчилар шаҳарчасида иморатлар кўтарилаётгани шундоқ кўриниб турарди.

Қоражон ишга янги келган кунларини эслади. Ҳадемай анча вақт ўтиб кетибди. Уша, 1963 йили ҳам худди шундай кеч куз, намгарчилик эди. Бу ерга келишига ҳам Иван Иванович Шишкин сабаб бўлган.

Эрта билан ишга келган Қоражон ёрдамчи туннель орқали тўгон остидаги йўлакка тушди. Бу узун йўлак тўгоннинг бошидан-охиригача чўзилган бўлиб, махсус кишиларгагина тушиш рухсат этиларди. Инженер Мингбоев коридорнинг металл эшигини бураб, гилдирак мустаҳкамлагичларни бўшатиб олгач, электр чироқларни ёқди. Шериги, прораб Никаноренко билан бирга ичкарига киришди. Чироқ ёқишлиши билан вентиляция ҳам ишлаб кетди. Сиртдан қараганда унча сезилмаса ҳам аслида тўгон кун сайин бўй чўзарди. Ҳар куни ўн минг кубометр масса ётқизилиб, шиббаланарди. Қўшилаётган дарёлар суви аста-секин кўтарилаётгани ҳам сезила бошлади. Икки ён девор ва тепаси темир арматура билан кўтарилган,

узун коридордаги ҳар ўн қадамча ерга ўрнатилган чироқ ва намликни ўлчаб турувчи аппаратлар тўғон остида бирон ердан сув силқиб чиқишини дарҳол кўрсатарди. Коридордаги намлик доимо бир меъёрга бўлиб, деворнинг бирон ерида сув силқиса тревога кўтарилар эди. Аппаратлар ташқаридаги махсус навбатчи хоналарга хабар қилар, қизил чироқлар ёниб, сигнал бериларди. Яқин эллик йил ичида тўғонга хавф соладиган сувнинг силқиб чиқиб, тревога кўтариш ҳодисаси назарий жиҳатдан ҳеч бўлиши мумкин эмас. Юқорида тўкилаётган харсанг тошлар, машиналар гуриллатиш пастга — коридорга эшитилиб тураркан. Қурилиш бошлиғининг топшириғига кўра участка инженерлари махсус аппаратларни вақт-вақти билан назорат қилиб туришлари керак. Инженер билан прораб коридордаги қўша-қўша катта будильникка ўхшаган асбобларни кўздан кечиргач, ҳамма ёқ жойида, деб яна ташқарига чиқишди. Калитни топшириб, умумий дафтарга: «Аппаратлар нормал ишлаб турибди, нам йўқ, 1965 йил, 2 ноябрь», деб ёзиб қўйишди. Юқорида «Зубра»ларнинг кучаниб, тошу тупроқ ташиётганига назар ташлашди. Кувшинов деган шофёрнинг иситмаси борлигини, ё кеча кўпроқ ичган, ё ҳақиқатан шамоллаганини айтган прораб, зарари йўқ, ҳали сменадан кейин Хўжакентга, чинор тагига борамиз, касали тузалиб кетади, деб қўшиб қўйди. Лекин Мингбоев бу гапга лоқайд қаролмади, узоқдан бўкириб келаётган Кувшиновнинг «БелАЗ»и устидаги майда харсанг тошларни тўкиб бўлгач, Мингбоев уни қўли билан имо қилиб тўхтатди. Унинг назарида фақат Кувшинов эмас, у билан бирга «БелАЗ»нинг ҳам иситмаси чиқаётгандай, гандираклар, беҳол бўлаётгандай туюларди. У машина ёнига бориб, кабинада ўтирган йигитга мурожаат этди:

- Ҳа, нима гап?
- Ҳеч гап.
- Мазанг йўқроқ кўринади?
- Узоқдан қараб туриб сезилдими, а? Бу ерда ҳеч нарсани яшириб бўлмас экан-да? Ёки прораб айтдимми?
- Қани, туш пастга!
- Долзарб пайтда-я?
- Пастга туш! Калитни бер,— шофёр йигит кабинадан пастга тушди. Одамларга сездирмай, дарҳол кабинага Мингбоев чиқиб ўтирди: — Уйинг-

га бориб, ўралиб ёт! Келинга айт, сут пишириб ичирсин.

— Хўп,— деди дарҳақиқат иситмаси чиқиб, бўшашиб титраб турган йигит.

«БелАЗ» гумбураб юриб, карьер томонга кетгач, унинг ўзи тўғон қиясига келиб, сўқмоқ йўл билан пастга туша бошлади. У пастга, ГЭС қурилаётган жойга келиб, ундан Чирчиқ кўпригидан ўтиб, тўппатўғри уйига жўнади. Қоражон Мингбоев «БелАЗ»ни вағиллатиб карьерга олиб борди. Экскаватор ортан қирқ тоннача майда харсанг тошларни кўтарган машинани эпчиллик билан ҳайдаб, тўғон устига чиқди. Прораб кулиб, одатдагидек қўли билан ишора қилган ерга тўкди. У яна вағиллаб жўнаб қолди. Шу бўйи тушгача Мингбоев харсанг ташиди. Бошқалардан тезроқ юрар ва кўпроқ кубометр ташишга интиларди. «Инженер Мингбоев шахсий намуна кўрсатяпти», деб кулиб, ҳазиллашаётган шофёрларга ҳам эътибор бермасди. Баъзан улар қияликка кўтарилишда йўл бериб, четроққа ўтар, инженернинг кучли машинани усталик билан бошқараётганига ҳайратланиб қараб қолишарди. Фақат тушликка яқин Абдуманноп (Абдуманноп «иккинчи» деб аташарди. Чунки ГЭС қурилишида, арматурада ҳам Абдуманноп деган йигит ишларди) Кувшинов машинасида Қоражон ўтирганини кўриб қолди. Инженер тез-тез мана шундай ишга тушиб кетишини билган Абдуманноп фақат кулиб қўя қоларди. «Қурилиш битгач, алоҳида ташаббус кўрсатганликлари учун биринчи орден Шишкинга, иккинчи орден Мингбоевга берилади...»— деб киноя қилишарди. Бу гаплар кўпроқ гаражда бўларди. «Баъзи шофёрлар ҳам хотинлардек гап ташишни ёқтиришади, улар бировнинг иғвосини қилмасалар уйқулари келмайди»,— деган эди бир куни Иван Иванович Шишкин. Қоражон Мингбоев бўлса бу гапни тарқатган ҳезимкаш Соломко деган табелчига: «Менинг Қизил Юлдуз орденим бор, бу орден бутун умримга етади»,— деган эди.

Тушлик пайтида Никаноренко Мингбоевнинг ўн бир марта бориб келганини — уч юз тоннадан ортиқ масса тўкканини табелга ёзди. Унинг қўлидаги дафтарчада ўз фамилиясини кўрган Қоражон дарҳол эътироз билдирди; Кувшинов фамилиясига ёзиш кераклигини таъкидлади. «Бюллетень орқали пул

олади»,— деган эди прораб, Қоражон: «Кел, шу арзимаган иситмани врачга билдирмай қўя қолайлик. Кувшинов жуда ажойиб йигит. Ҳаммамиз ҳам Кувшиновдек ишлаганимизда, биринчи участка чангимизда қолиб кетарди»,— деди Абдуманноп узатган чойдан ҳўплаб. Инженер Мингбоев атай кечгача Кувшинов машинасида ишлади. У телсгрейка, қалпоғини ва белидаги энли фронтвой камарини ҳам ечиб қўйиб, «БелАЗ»ни бошқарарди. У чангга ботган, лаблари пўст ташлаб, кифтлари тердан жиққа ҳўл бўлиб кетган эди. Сменадан кейин у машинада гаражга бориб, ювиниб-тараниб олди-да, яна тўғонга қайтиб келиб, ўнг томондаги тепаликка, баланд Қўнғирбуқа тепалигига ўрмалаб чиқиб кетди: «Одамлар хотир, бола-чақаси ёнига боради. Мен кимнинг ёнига бораман...»— деди у ўзига-ўзи Чотқол тепалигидаги ўзининг улкан ясси тошига ўтираркан. Бу ердан бутун қурилиш кафтдагидек кўриниб турарди. Писком дарёси юқорисидаги кўм-кўк дарахтлар билан ўралган Сижжак қишлоғи ҳам бундан яққол кўриниб турарди. У баланд, қўнғир тоғлар оралиғига тушиб қолган бир қатра яшил томчига ўхшарди. Бу яшил қишлоқда Гулгун деган ажойиб сулув яшайди. Қоражон кўз олдида ўша яккаю ягона Гулгун пайдо бўлди. Бир лаҳзадан сўнг Гулгун хаёлан Чотқол тоғидай буюк бўлиб, ясси тош устида ёнбошлаб ётган Қоражон рўпарасига келди. Уни эркалаб, пешанасини силагандай бўлди: «Кун бўйи ишлаб, чарчабсиз, Қоражон ака. Юринг, бизникига кетайлик», дегандек туюлди. Қоражон кўзларини юмар, кўзларини юмса Гулгун жамолини кўрар, очса йўқоларди: «Мен диққат бўлсам, бирон нимани ўйлаб ечолмасам Қўнғирбуқа тепасига чиқиб кетаман. Қаттиқ хурсанд бўлсам ҳам, қаттиқ хафа бўлсам ҳам Чотқолим кифтига минаман. Бу тоғ менга қаноту ақл беради, фикримни тиниқлайди, чарчоғимни йўқотади, юрагимга қудрат беради. Бу кун мен яна сени эсладим, эй қийиқ кўз, бодом қовоқ мажусий! Одамлар ўз қадрдонлари ёнига борадилар, мен қайга борай?»

Қоражон Мингбоев хаёлга чўмди. Чорвоқ водийсига сурма ранг оқшом чўка бошлади. Бу қадрдон водий ичра айқириб оқаётган дарёлар остида тилсим яширингандек кўринарди. Бу ерда тилсим борлигини ота-боболари ҳам айтишган. Мана, ўша тилсим очилапти. Чўққилар остида, дарёлар қаърида шу

тилсим ўз дурри жавоҳирларнинг яшириб ётибди. Унинг сирли калитини меҳнат қилиб, тер тўкаётганлар топа олади.

XI боб

НАВОИЙ ОРЗУ ҚИЛГАН ТЎҒОН

Январь ойида Тошкентда янгича бир грипп тарқалди. У Лотин Америкасида пайдо бўлиб, океан оша ер юзининг кўп катта шаҳарларида авж қилди. У Чорвоққа ҳам етиб келди. Бу дарднинг вирусларига қарши дори-дармон, чоралар деярли йўқ эмиш. Телевизорга чиққан врач кўпроқ ҳўл мева, суюқ овқат истеъмол этишни, чой ичишни, уйда ётишни даъват этарди. Дарҳақиқат, январнинг иккинчи ярмида бу грипп авж олиб, кўп кишилар ишга чиқмади.

Инженер Қоражон Мингбоев озгина иситмаси билан ишга чиқди. Унинг боши оғриб, аъзойи бадани зирқирарди, суяклари чақилиб қақшарди. Иситмаси чиқиб, уйига титраб кетган Кувшиновни хаёлидан ўтказди. Парторг Шишкин эрта билан объектларни айланиб чиққач, тўғонга келиб, диспетчер хонасига кирди. Тинмай жиринглаб турган алоқа аппаратларини бошқариб ўтирган Исаак Ратманга йўлиқиб, ундан участка бошлигини сўради.

— Мингбоев барвақт келган. Тўғон устида...

— Машина ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ишга чиққанми? Касаллари йўқми? Поликлиникага телефон қилмадингизми?

— Асло сўраманг, Иван Иванович! Беш «БелАЗ—540» ҳайдовчиси, икки «МАЗ—525» шиббаловчиси, карьердаги экскаваторчи, арматурачилардан икки киши ишга чиқмаган. Грипп қутурипти. Бошқармадагилар ҳам деярли ётиб олишибди-ку!

— Ҳа, шундоқ. Ишқилиб, сиз билан биз ҳам ётиб қолмайлик. Илгаригиси Шанхайдан келган эди...

— Чеснокни кўпроқ истеъмол қилинг, Иван Иванович! Инженер Мингбоев қатиққа пиёз тўғраб ичишни тавсия этяпти. Ўзи шундоқ қилибди. Мингбоевнинг кампири кўп нарсани биларкан. Тоғликларда ҳикмат кўп. Бугун анча яхши эмиш. Юз грамм отиб юборилса ҳам ёмон бўлмайди. Галина Сергеевнадан яшириб бўлса ҳам отиб юринг. Мен Сара Давидовнага ҳеч билдир-

майман. Хоҳласангиз, столим остида бир бутилка оқидан бор, қиттак қиласизми?

— Одамлар кўриб қолса нима дейди?! Ҳа, майли, шу ярамасдан озгина қуя қолинг!

Исаак Ратманга жон кириб, икки стаканга ярим-ярим қилиб арақ қуйди. Одамлар кўриб қолмасин учун шоша-пиша уриштириб ичиб олишди-да, кейин Шишкин бош диспетчер билан илиқ хайрлашиб, машинасида тўғон бошига чиқиб кетди. Тўғонда харсанг бўлакларини нотўғри тўкиб кетган бир йигит билан ғижиллашиб, ғиғон бўлиб турган Қоражон Мингбоев ёнига келди. Жуда қувноқ бўлиб қолган Шишкин тушунар-тушунмас шофёр йигитни сўкди:

— Ўзингдан катта одам бир нима дегандан кейин қулоқ солгин-да, хумпар! Сени ким айтади 1963 йилдан буён ишлаб келаётган Можаяев деб! Участка бошлиғи тўғри танбеҳ берапти! Кеча тухумдан чиқиб, хўрозга ақл ўргатапти-я! Бизлар фашистларни дўппослаганимизда сенлар эмбрионда ҳам йўқ эдиларинг! Бор, аравангни торт, валаки салак!

— Тушундик, Иван Иванович, хато менда эканини Қоражон Мингбоевичга ўзим айтиб турган эдим,— деди юмалоқдан келган йигитча Шишкиннинг жиндак тортиб олганини пайқаб. Ўзи ҳам ҳар куни ишдан кейин уйига соғ бормас эди. Шишкиннинг «қувноқлиғи» унга жуда ёқиб кетди,— энди тўғри тўкаман. Сал шошиб, ёнбошга тўкиб қўйибман... Кечирим сўрайман.

— Ёнбошга? Аския қияптилар-ку! Ҳа, сенларнинг тилларинг ҳам ёмон! Мингбоев сезяпсизми, менга қочирим гап қияпти бу хумпар. «Сайко, сайко» деган анекдотга ишора қияпти! Бор, аравангни торт!

— Хўп бўлади,— деди Можаяев машина кабинасига кўтарилиб.

— Тезроқ смена планини бажар! Катталар бир нима деганда қулоқ солгин!— Кейин у Қоражонга қаради:— Одамлар грипп, бир доно киши, юз граммча тортиб юринг, деган эди, озгина тортганмиз, Мингбоев, узр!

Қоражон билан кабинада ўтирган шофёр Можаяев илжайиб кулишди. Уртада жаҳл йўқолди. Шишкиннинг кўнгли очиқлиги, юрагида кир сақламаслиги, гап бекитмаслиги ҳаммага ёқарди. Фақатгина унинг гўзал хотини Галина: «Парторг бўла туриб, ичиб юргани уялмайсанми!»— деб турткилар ва тез-тез танбеҳ

бериб турарди. Агар шу хотин бир нима демаса, бошқа ҳеч ким бу сариқ одамга қаттиқ гапирмас, унга тегишса увол бўлаётгандек кўринарди. У кўп ичмасди. «Ичинг, майли, ичманг, демаймиз, йигитнинг хўрози ичади. Лекин закуска қилишни унутманг. Жанжал кўтариб, партбюрога тушманг. Ана буниси ёмон! Эплансангиз, Исаак Ратманга ўхшаб ичсангиз, ичинг, майли! Одамлар ичмаса, бу ярамасни нега чиқарганлар?! Магазинга териб қўйиш учун эмас, озгина-озгина ичиш учун! Бўлмаса чиқармаслик керак!» — дерди у сергап бўлиб.

— Кайфингиз яхши кўринади, Иван Иванович?

— Ваня де!

— Ҳа, Ваня. Шундоқ пайтларда партбюрога ёзиб, илтимос қилганимиз баъзи масалаларни ҳал қилиб оладиган фурсат экан-а, — деди Қоражон Шишкинга қараб. — Гидропроектадаги ўртоқларга хат ёзган эдим. Пьезометр — фильтрация режимини кузатиш аппарати яхши ишламаяпти.

— Қани, аввал бир кўришиб қўяйлик, Мингбоев! Панжангни ташла, йўлбарс!

— Йўқ, азизим, панжамни ташлолмайман! Грипп деган ярамас менга ҳам юққанга ўхшайди. Дардларнинг ичида энг хунасаси шу! Тўшакда мундоқ касалга ўхшаб ҳам ётолмайсан, ишлаб ҳам юролмайсан. Совқотиб, суякларим сирқирашидан, юққанга ўхшайди.

— Йўғ-э?!

— Ҳа!

— Хўш, шундоқ экан, бу ерларда нима қилиб юрибсиз?! Беш «БелАЗ»чи, икки «МАЗ», экскаваторчи ва бошқалар грипп бўлиб ишга чиқмаган бир пайтда бошқа ишлаб юрганларга ҳам юқтириб, тўғонда ишни тамоман тўхтатмоқчимисиз?!

— Йўғ-э! Ваҳима қилманг, Иван Иванович.

— Ваня де!

— Ҳа, Ваня. Мен ҳеч ким билан қўл беришиб кўришганим йўқ, ўпишганим ҳам йўқ.

— Ўпишиш шарт эмас! Бу — Шанхай гриппидан ҳам ёмон! Бу жуда баттарин. У билан ўйнашиб бўлмайди! Мен бу ерга сиз — ҳазратларининг грипп бўлганингизни эшитиб келдим. Жаноби олийлари, дарҳол уйингизга кетинг! Врач юбораман! Агар истасангиз, анави поликлиникадаги сестра Маечкани юбораман. Укол қилишга жуда уста!

— Ҳазилингизни қўйинг. Укол таъсир қилмас эмиш.

— Қатиққа пиёз тўғраб ичиш-чи?

— Бу яхши!

— Шу ишни қилиб ётасиз, азизим! — Шишкин у ёқ-бу ёққа аланглаб, тўғон четида бир одам билан гаплашиб турган прорабни чақирди: — Ҳей, Никаноренко, ўртоқ Никаноренко!

— Лаббай, Иван Иванович!

— Тўғондаги ҳамма раҳбарлик ишлари ўзингизга юклатилади! Участка бошлиғи грипп, мен уни уйига олиб кетяпман.

— Тушунарли. Ҳамма иш яхши бўлади, безовта бўлманглар.

— Қани юр, уйингга ташлаб кетмасам, сен Чотқол йиртқичи бунда чўзилиб қоласан. Сен йўлбарслар дунёда камайиб кетяпсанлар; «Қизил китоб»га ёзилгансанлар... Қани юр, олдимга туш!

Қоражон билан Шишкин машинага ўтиришди. Машина сингиллаганча посёлкага жўнади.

Қоражон уч кунгача уйга қамалиб ётди. Қандил буви эрманадан қайнатиб ичирди. Шолғом хўрда, қатиқ ва пиёз гриппни енгишга ёрдам берди. Қандил буви бу тоғ ораллигидаги жойларда қаланги-қасанги дардларнинг оралаб юрганига ҳайрон бўлди. «Ширғай гериб» деган касаллар ҳам чиқяпти-я, ё қудратингдан! Бунақаларни бизнинг ота-боболаримиз кўрган эмас. Тоғдаги эрмана ўтимиз бор, бу доривор ўт ҳамма «ширғай гериб»ларни ҳайдаб чиқаради!» — деди кампир. Қоражон ҳам кўрпа-тўшак қилиб ётавермай ишга чиқиб кетди. Эрта билан у Шишкинга телефон қоқди.

— Ўртоқ парторг, салом! Мен ишга чиқиб кетяпман, ўзингизни одамларга ғамхўр қилиб кўрсатиш учун мени уйимга жўнатиб юбориш керак эди... Биладан сизни. Мен грипп эмасман. Ўн беш кун, йигирма кун бекорга ётиш тўғрими?

— Врачларнинг буйруғи! Итоат этмай иложинг йўқ, Мингбоев!

— Сиз эрмана деган доривор ўтни биласизми?

— Йўқ.

— Сиз, мажлис қарорини бажараман, врачнинг айтганини қиламан, деб ўтирмай, иситмаси чиқиб, грипп бўлиб ётганларга тоғдаги эрмана ўтини қайнатиб ичишни айтинг! Қатиқ ичишсин. Чеснок, пиёз ейишсин. Керак бўлса онам сизга консультация беради. Биз тоғ

ичида ишлаяпмиз. Еримиз шароитини биз яхши биламиз. Ойимнинг айтишича, қишлоқларга бундақа «қаланғи-қасанги» дард ҳеч қачон йўламаган. Буни шаҳардан кимдир олиб келган.

— Ха-ха-ха-ха... — Шишкиннинг кулгиси жаранглади. — Мингбоев, ҳозир ёнингга бораман! Мени кутиб тур!

— Хўп, келавер, — деди кийиниб шай бўлиб турган Қоражон трубкани қўя туриб. Сўнг онасига мурожаат этди, — эшитдингизми, Шишкин келяпти. Унга эрманини қайнатиб ичишни ўргатиб қўйинг.

— Мен унга битта эрманани эмас, бошқаларини ҳам ўргатаман. Қуритиб қўйганларимдан бераман. Лекин, мана шу Шишкин худонинг раҳмати одам экан. Ўзи сап-сариқ бўлса ҳам элнинг меҳри тушса, киши мана шунақа бўлади. Қўнглининг тозалигини қара, худо юқтирган-да! Маржа хотини ундан яхши. — Хотин» деган сўзни айтди-ю, Қандил буви бирдан жим бўлиб қолди. Ёши кетиб, уйланолмай юрган Қоражонга хотинлар ҳақида гапириш ёқмаслигини биларди.

Шишкин келиб ярим соатча Қоражоннинг онаси билан доривор ўтлар ҳақида гаплашиб ўтирди. «Бу баланд тоғларнинг ичи бойликларга тўла бўлиши билан унинг сиртида ўсган доривор ўтлар ҳам киши учун жуда зарур. Абу Али ибн Сино ҳақим буларнинг барини ўз китобларида ёзган...» — деди Қандил буви. Доривор ўтлардан Шишкинга намуналар берди. Дарҳақиқат, ўша кун иссиғи чиқиб, титраб-қақшаган Қоражон икки кун ичида ўзига келиб, отдек ер депсиниб турганини кўрган Шишкин бу ерда туғилиб-ўсганларнинг гапига қулоқ солиш кераклигини, доимо булоқ сувларидан ичиш лозимлигини ҳам яхши англади. Айниқса, Наволисойдан. Шишкин ўз машинасида Қоражонни тўғонга — диспетчерлар биноси ёнига ташлаб кетди. Участка бошлиғи бош диспетчер Исаак Ратман билан салом-алиқдан сўнг, юқорида қанча машина ишлаётганини сўради. Касал шофёрлар ўрнига гараж бошқа участкадаги беш машинани бу ёққа ташлаганини, умуман, аҳвол ёмон эмаслигини таъкидлади. Тўғонга майда харсанг тош, шағал, тупроғу қум ётқизилиб, шиббалангандан кейин янгидан тўкиладиган қаватга етарли даражада сув сепиш кераклигини, қўйилаётган янги қават «МАЗ — 525» билан шиббаланганда масса яхши бирикиб, метинга айланиб кетишини инженер Мингбоев таклиф этган эди. Бу таклиф аввал ўтмади. Каминский қаршилиқ

кўрсатди. Тўғон йиғирма метр кўтарилгунча бу иш қилинмади. Кейинчалик Гидропроектдан келган мутахассислар иштирокида бошқармада бўлган муҳокамада «Мингбоев усули» қўллаб-қувватланди. Чорвоқ қурилишининг бошлиғи, инженер Георгий Исаевич Садовников Мингбосев таклифини астойдил маъқуллади. Шу усул ҳақида Қўражон Мингбоевнинг «Чорвоқ чироқлари» газетасида икки марта мақоласи босилди. Шишкин кейинчалик: «Мана шу усул бир кандидатлик диссертациясига мавзу бўладиган иш», деган эди.

Қўражон кетаётган «БелАЗ» кабинасида тўғон бошига чиқиб, аҳволни кўздан кечирди. Прораб билан қўл беришиб кўришгач, шиббадан кейин яхшилаб сув сепилаётганини кўрди. Цистернали икки машина тўғон устида айланиб сув сепарди. Шундан кейин у прораб билан бирга тўғоннинг ўрта қисмидаги 6-стбор ёнига келди. У тўғон остини кўриш учун шахтага тушиб, асбобларни кўздан кечирмоқчи бўлди. Прораб касалдан туриб келган Мингбоевнинг шахтага тушишига розилик бермади. Кейин мажбур бўлди. Шахта ичидаги темир нарвондан секин-аста пастга тушаётган Қўражон экстензометрнинг кўрсаткичлари нормал ҳолда турганини кўрди. Шахта таги жаҳаннамдек қоронғи — салкам йиғирма метр. Қўражон шахта нарвончасидан яна пастга туша туриб, сейсмоаппаратларни ва икки трубади пьезометр — намликни ўлчайдиган аппаратураларни ҳам кўздан кечирди. Шундан сўнг у шахта қудуғидан қайтиб чиқди. Терлаб кетди. Тепада турган прорабга ҳамма асбоблар жойида эканини айтиб, ёнидан тўғон проектини олиб очди. Шамол харсанг тош устига ёзилган каттагина чорси қоғозни тортқилар, текис туришига қўймасди. Прораб тўрт тошни чизманинг тўрт чеккасига бостириб, қоғозни текислади. Участка бошлиғи билан прораб лойиҳага, чизмаларга кўз ташлашди. Ишнинг боришини кузатишиб, қоғозга баъзи белгилар қўйишди.

Чотқол тоғлари орасидаги мовий денгиздан келаётган кучли шамол юзларни ачитарди. «БелАЗ»лар тўғон устида вағиллаб югурар, оғир «МАЗ»лар япасқи гилдираклари билан шағалу тупроқни шиббаларди...

Мана, декабрь ҳам кирди, қордан дарак йўқ. Қорасовуқ, гизгизон... Майда ариқлар қотган, лекин қудратли Чотқолу Писком, бу томонда Чирчиқ айқириб, буралиб оқиб ётарди.

Чотқол ва Угом тизмалари узилган ерда Қўнғирбуқа чўққиси билан Асқартоғ бирлаштирилиб, «тангрининг азалий бир хатоси» тўғриланмоқда. Узоқдан қараган кишига Қўнғирбуқа чўққиси Миср эҳромига ўхшаб кўринади. Икки тоғ оралигидаги тўғри чизиқ — инсон даҳосининг самараси — кўтарилаётган тўғон кўзга ташланади. Бу мўъжизани Алишер Навоий «Садди Исқандарий» достонида орзу қилган эди... Орадан беш ярим аср ўтди, кишилар ўзбек ерида «Садди фуқаро»ни қура бошладилар. Чорвоқ пиёласи ҳаёт майи билан лиммо-лим тўлдирилмоқдаки, инсон яратаётган бу маъво олдида тангрилар лол! Эҳромни қуллар юз эллик йил мобайнида қуриб, фиръавн шаънини улуғладилар. Унинг бағрига ҳукмдорнинг жасади яширилди. Бу тўғонни замон фарҳодлари қурмоқдаки, у мамлакатни нур ва сувга сероб этажак. Бу буюк тўғон давримиздан ёдгорлик бўлиб, келгуси узоқ асрларга етиб боражак.

Бу замину бу эл ғоят қадимий —
 Манглайда ажиндек юз дарё, юз тоғ...
 Пахта иши бу элга кўпдан қадрли,
 Бу юртда яралмиш тенгсиз «Авесто».
 Олдинга босаркан йўловчи, баъзан
 Қайрилиб бир ортга қарашлик одат —
 Ҳалок бўлган юрт учун паҳлавон Широқ
 Берай деб халққа эрку саодат.
 Йўқотиб бўлмади халқ даҳосини,
 Яралди «Алқонун», «Хамса»ю «Алжабр»...
 Бизнинг давр беролди қадрү баҳосин,
 Ютиб кетолмади йиллар ўта қабр.
 Ажиндек кўринган юз дарё, юз тоғ —
 Эл бахт дер Чотқолни, Чирчиғу Сирни.
 Озодлиғу бахтга етгунча мундоғ,
 Оёқ яланг босдик қанча асрни.
 Аждодлар орзуси, эй Ватан — гулшан,
 Сенга осонликча келмадик етиб.
 Яратилдинг Ленин даҳоси-ла шаън,
 Курранинг энг кунгай томони этиб.
 Октябрь қуёши, Октябрь қуёши!
 Ҳаёту бахтимиз асоси ўзинг.
 Янги ва абадий умримиз боши,
 Порлаган ҳаётбахш қуёшдек юзинг.
 Гўзал Ўзбекистон, гўзал Ўзбекистон,

Тупроғу дарёю боғинг қучаман.
Менинг кўзим билан кўрсинлар сени,
Сен асло тенги йўқ бир буюк чаман.

* * *

Ер сатҳидан кўтарилган ҳар бир тепаю тоғнинг бағри бўм-бўш бўлмаганидек, фалакка бўй чўзган тўғон бағри ҳам қуруқ харсанг тошу тупроғу бетондан иборат эмас. Бу тўғон бағрида қимматбаҳо ва мураккаб аппаратлар яширингандирки, улар қўлтиққа қўйилган термометр каби тўғоннинг саломатлигини айтиб туради. Маҳаллий ашёлар асосида қурилаётган тўғонларнинг бунёд этилиши ва фойдаланишга топширилиши жуғрофий жиҳатдан зилзила бўлиб турадиган ерларга кўчаётганлиги, уларнинг сони эса тобора ортиб бораётганлиги, илмий-тадқиқот ва лойиҳаловчи ташкилотлар олдига қатор масалаю муаммоларни қўймоқда. Мустаҳкамлик, чидамлилиқ ва тежамлилиқни ўз ичига олган бу масала иншоотларнинг бевосита иш жараёнларини чуқур таҳлил этиш асосидагина ҳал этилиши мумкин. Таҳлил этиш эса ўз навбатида бевосита илмий-текширишларни ва муфассал маълумотлар олишга имкон берувчи назорат-ўлчагич ускуналарнинг бўлишини тақозо этади. Тош-тупроқ асосидаги Чорвоқ тўғони етарли даражада назорат-ўлчагич ускуналар билан жиҳозланаётган Иттифоқимиздаги биринчи ва энг улкан тўғондир. Сув омборининг йилдан-йилга тўлдирилаётганлиги, унинг чуқурлиги, тўғон қурилиши технологиясининг ўзига хослиги, айниқса, тез суръат билан кўтарилаётган босқичда ҳар томонлама мунтазам текширилиб, назорат қилиб борилишини талаб қилади. Баландлиги бир юз олтмиш саккиз метр бўлган бу тўғон симметрик шаклдаги марказий лой-балчиқ ўзакдан, икки қатламли поғонали қум-шағалдан, шунингдек, тоғ харсанг тошидан ишланган ён тараф призмалардан иборат. Тўғон назорат-ўлчагич ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ускуналар қуйидаги кузатув ишларини олиб боришга имкон беради: тўғон тузилишидаги шаклий бузилишлар, тўғон ўзаги ядроси босимининг назорати, ўзакдаги, шунингдек, призманинг пастки ерга тиралган қисмидаги босим назорати, тўғоннинг ерга тиралувчи қисмида, ўзагида ва иншоотнинг айланасидаги фильтрацион тартиб назорати, дарз кетишлар, арматура ва бегондаги

босим назорати, ер қимирлашни кузатиш назорати.... ва ҳоказо, ва ҳоказо. Тўғон бағридаги узун коридор ёки тик шахталарга кирсангиз, бунда жуда кўп ўлчагич аппаратлар ўрнатилганини, улар кечаю кундуз тўғон «саломатлиги»ни кузатиб, яхшилаб турганини кўрасиз. Бу кўриниб турган баланд тоғлар бағрида қанча бойликлар борлиги ҳаммага маълум. Бу қад кўтариб, кундан-кунга юксалаётган тўғон ҳам сиртдан қараган кишига бир қуруқ тепага ўхшаб кўринади. Бироқ бу тўғон бағрида ҳам тинимсиз ҳаракат қилиб турган, соатдек чиқ-чиқ-чиқ... уриб, ишлаб турган қанчадан-қанча аппаратлар турибди, улар тўғоннинг ички аъзоларидирки, уларсиз тўғон яшолмайди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

XII боб

ТОҒ ОРАЛИҚЛАРГА ЯШИРИНГАН ЖАННАТ

Ғараз гар жон эди, олдинг они, ҳой,
Улук тандин не истарсен, яна, ҳой.
Кўнгул қонин ичардин тўйғил эмди,
Мени ўз меҳнатимга қўйғил эмди.

Навоий

Баъзи истеъфога чиққан генералларга ўхшаб кўрган-кечирганларини қайта тиклаб эсдаликлар ёзиш, кўргазмалар тузиш билан банд бўлиб қолган пенсиядаги инженер-гидрострситель Файзулла Аҳмедович Музаффаров олтмиш олти ёшга кирди. «Бу рақамлар бошини кўтариб тикка турсин!» (99 демак)— дерди шоир дўсти Амир Равнақ. «Илоҳим ёнига яна бир рақам қўшилиб, учталиқ бўлсин!»— деб ҳазиллашган Марҳаматхоннинг ҳам ширин сўзлари, қочиримлари Музаффаровга қаймоқдек ёқарди. «Ёлғондан гапирсанг ҳам гапиравер, фаришталар омин деб юборсин»,— деб куларди Файзулла Аҳмедович Музаффаров. Бировга биров умр тиласа қандай яхши! Айниқса, ҳаётни Музаффаровчалиқ яхши кўрадиган бир одам кейинги йилларда қон босими ва диабет касалига мубтало бўлиб юрар экан, бу гаплар қанчалиқ ёқиши ҳаммага маълум. У баланд бўйли, барваста одам. Кўзида кўзойнак, бирон одам билан жиддийроқ гаплашганида кўзойнаги тепасидан мўралаб турарди. У, от калла, тепакал одам. Орқа бўйнида қолган жонсиз укпардаккина сочини авайлар, у аввал оқариб, кейин сарғайиб кетган эди. Орқа бўйни ҳам юмшоқ, ҳилвираган этдан иборат — йиллар ўз ишини қилиб, чандир-пайларни ҳам бўшаштириб қўйган. Кўзойнаги юзининг чўзинчоқлигини қисқартириб, бир қадар ҳусн қўшиб туради. Кўзойнак унинг жисмидаги яна бир аъзосига айланиб кетган — баъзан каравотда ёстиққа бош қўйганида шу кўзойнакнинг борлигини сезиб, тумбочкага олиб қўймаса, бошқа вақт бурни устидан жилмайди. У. турмушнинг аччиқчучугини татиган, бу дунёда кўрмаган нарсаси қолмади. Аммо бу ёруғ оламдан ҳеч кимсанинг кетгиси келмаганидек, у ҳам ўзининг ҳаёт оқшомини яна ҳам қувноқ, яна ҳам мазмундор ўтказишга интиларди. Кек-

саликнинг мўртлиги, кейинги йилларда анча бўшашиб қолганлиги кўпинча андуҳли хаёлларга толдирарди. Музаффаров бундан олти йил аввал республика министри лавозимидан пенсияга чиқиб, Тошкент кўчаларидан биридаги ўзининг катта ва кўркам ҳовлисида умрини фароғатда ўтказарди. У қирра бурун, қўй кўзлилиги, бурни устидаги «велосипед» кўзойнаги билан барчага таниш. Мўйлови ҳам ўзига ярашиб туради. Тепакаллиги, икки қулоғи орқасида қолган бир парча соч ҳам оқариб, сарғиш тортиб кетган. Қиш кунлари ҳассани фасонга эмас, заруратдан тутарди. Баъзан тенгдошлари суҳбатида: «Соқол оқи ўлимга пешровдир, тириклик сабзаси узра қировдир...»ни айтиб, бу дунё вақтинчалигидан шикоят қилиб бош чайқарди. Лекин кексалик инжиқликлари билан шафқатсиз жанг қилар, қувноқлик, меҳрибонликни доимий одат этиб, устида озодалик «ҳилқати» яшнаб турарди. Врачлардан ўзини тортмас ва лекин уларнинг ҳамма гапларига ҳам қулоқ солавермасди. Феъли айниб, асаби қўзгаган пайтларда ўзини қўлга ола билар; ичмас, чекмас ва лекин дори-дармонларсиз юрмасди ҳам. Баъзан бундоқ қараб туриб, умри бекорга ўтмагани, анча-мунча ишлар қилиб бергани, юрти мартабасини баланд қилиб, мукофотлару унвонлар олгани, шахсий ҳаётда ҳам бахт топгани — икки қиз, икки ўғил кўргани, бир қиз ва икки ўғилдан неваралар борлиги билан фахр этарди. Аммо ҳамма ишларни тартибга солиб, бахтга етдим, деганда бундоқ кўзини очиб қараса, ёш ўтиб кетиб, бедармон бўлиб қолганидан ҳам ачиниш, ҳам пушаймон чангали юрагини ғижимларди. Шу паллагача у инженер-олимлиги, жамоат ишлари, бола-чақа ташвишлари билан бўлиб, ёши ўтиб кетганини пайқамай қолибди. Мана энди анча узоқдан бўлса ҳам унга ёшлик — йигитлик йиллари ўз жамолини кўрсатиб, ҳавасини келтира бошлади.

Бир томонда сурбет ўлим турарди. Музаффаров кумушдан гуллар солинган ҳассасини кўтариб, у сурбетни олисларга ҳайдаб солмоқчи бўлар, унинг башарасини кўришга тоқати йўқ, ширин ҳаёт лаззатини сурарди. Бунга унинг ҳаққи бор.

Шундоқ кунларнинг бирида Файзулла Аҳмедович Музаффаров хотини Марҳаматхон билан ёнма-ён ўтириб, гапга тушиб кетишди.

— Баъзи ошноларимизга жуда ҳайронман, гўзалликда тенги йўқ жойлар шундоқ биқинимизда турса-ю,

от-арава овора қилиб, Қофқозу Қримга жўнашса! Бир-икки кун чамадон тайёрлайсан, бир кун учасан, жойлашасан, ўрганасан... яна бир-икки кун кетади. Беш-ўн кун юрар-юрмас яна қайтиш тайёргарлигини кўриш бошланади. Совға-салом излайсан. Чамадонинг қўлинг-да, аэропортда об-ҳаво учигга қулайлигини кутасан... Мана, аҳвол шунақа! Шундоқ Тошкентимизнинг ёнгинасида жаннат борлигини билмаймиз! Чорвоққа боргач, Угом, Писком, Кўксув, Чотқол, Чимён водийлари, пастда — Облиққа боргач, у ёғи Оҳангарон, Кўлбулоқ водийлари... Бу жойларнинг об-ҳавоси қандай яхши экани, бу ерларнинг манзараси дунёнинг ҳеч ерида йўқлигини одамлар билармикин? Шоир Амир Равнаққа ҳам ҳайронман, шундоқ оёғи остидаги беқиёс жойлар қолиб, Венеция, Париж... ва аллақаяёқларга интилади! Рассомларга қойилман! Етти жаннатнинг бири — Оҳангарон водийсини тасвирлашяпти. Ҳали олтига жаннат бу ёқда турибди.

— Майли, олиб боринг ўша айтган жаннатингизга. Сиз қаёққа бошласангиз, мен ўша ёққа бораман. Олиб боринг! Чотқолингизни ҳам, Угому Пискомингизни ҳам кўрсатинг! Лекин Оҳангаронга олиб бориб, мени тошкўмирга бўяб келмасангиз бўлгани!

— Эй, нодон-э! Лекин Чотқолда ҳали чинни ванна-лару кийим, безакларни бозорга соладиган жой йўқ! У ерлар ҳали теша тегмаган ерлар. Табиат қучоғи. Чотқол тоғларининг гўзаллиги, Наволисойдек биллурий сувларнинг шилдираб оқиб ётиши, қушлар сайраши, ҳавонинг тиниқлиги... Бунақа жойга бир ўрганиб олсанг, кейин жонингнинг ҳузурини билиб, ҳар доим ўша ёққа йўрғалайсан! Ана, бўйнингни чўзиб қара, ҳув ўша кунчиқиш томонда кўриниб турган — Бешик тоғ! У Чотқол тоғининг мингларча чўққиларидан бири. Унинг этакларида Кумушкон, Заркент, Сўқоқ, Навдак, Телов қишлоқлари бор. Пискому Чотқол оралиқларида Янгиқўрғон, Обираҳмат, Бурчмулла, Сижжак, Хумсон, Боғистон, Нанай қишлоқлари ҳам бор. Шундай баҳаво жойларимиз бўла туриб...

Бир дамдан кейин бошқа гапга алаҳсиб, бир қадар асабдан тушган Музаффаров яна илгариги гапга қайтди. Эзиб, узоқ гапириш, ўз фикрини ниҳоятда «муфассалаштириш» кекалик касали. Буни Файзулла Аҳмедовичнинг болалари яхши тушунишарди. Шунинг учун оталарининг эзмаланишини сабр-тоқат билан тинглашарди.

— Жаннат у дунёда, ўлгандан кейин тушаман, деб қанчалар ўтди,— деди Музаффаров сал ўзига келиб.— Йўқ, жаннат шу ўзимизнинг ёруғ дунёда. Юр, мен ўзим сени жаннатнинг ўзгинасига олиб кираман! Самарқанддан йўлга чиққан киши бир соат учиб, бир соат машинада юради. Хоразмдан эса икки соат учиб, бир соат машинада юрилади. Тошкентдан эса бир соат машинада юришнинг ўзи кифоя. Мен сени албатта Чоғқол тоғи оралиқларига олиб бораман, жаннат дегани шу ёруғ дунёнинг ўзгинасида эканини ўз кўзинг билан кўрасан!

Гаплашиб ўтириб, пенсионер Музаффаров баъзан тутақиб ҳам кетарди.

— Баъзан йиғинларда бирон ошнамик ҳақида: «Унинг юраги пок, умрида бирон кимсага қаттиқ гапириб, дилини оғритмаган, у ҳаммага яхшилик қилган...» деймиз. Бу, дарҳақиқат, тўғри, кишиларга яхшилик қилган олижаноб одамларни эъзозламоқ — адолат! Аммо, бошқа бир кимсага ишора қилиб, уни сўкиб, ўч олмоқ мақсадида кўнглига яқин «мўмин» бир одамни меъеридан ошириб мақтамоқ — мақтаётган кимсанинг дили кир, ифлослигидан далолат беради. Ширин гапни қуюқлаштириш орқасида у кўнглига ёқмайдиган бошқа бир одамдан ўч олади. Хўш, энди ўша «умрида бирон кимсани ранжитмаган», «юраги пок» одамга келайлик; агар унга халқ ва давлат манфаати нуқтаи назаридан қаралса, пора олиб қўлга тушганида, «башаранг курсин!» демай илож йўқ. Ҳар қалай, ҳеч ким «офарин, азизим!» демайди. Мен уни «иккиюзламачи!» деб балого қолганман. Демак, жамиятимизда баъзан учраб қоладиган кишилар билан ҳам муроа қилиб, уларнинг дилини оғритмаслигимиз керакми?! Демак, биз ялписига, орамиздаги порахўр шилталарга олижаноблик кўрсата беришимиз керакми?! Шунда ҳамма хурсанд бўлиб, мабодо бирон сайловда номзодимиз қўйилиб қолса, ўша шилталар ҳам: «Йўқ, бу мўмин одам, бировнинг дилини оғритмаган, юраги пок...» деб, бизнинг номимизни чизиб ташламай, аксинча, юз фоиз овоз олишимизга асос бўлади, деб қарашимиз керакми?! Қани, айт-чи! Биз, меҳнат қилаётган ҳалол одамларни, «юраги пок» деб, эъзозлашимиз керак, биз ҳаммани эъзозлашимиз керак. Аммо шахсиятпарастларни эмас! Биз юзлаб дўстларимиз орасидан бир-икки мана шунақасини ранжитишдан қўрқмаслигимиз керак! Ярамас одамлар бор, улар ўз ярамасликларини дафъатан сездирмайдилар — бу ишда улар хирп бўлиб кетган. Ҳар

қалай, мен «мўмин одам» бўлиб, «бировнинг дилини ранжитмаган» деган гапдан воз кечаман, халқу давлатимга керак одам бўлиб яшайман! Мен баъзи ярамас иш содир бўлганида, ўша шахснинг башарасига тарсаки тортиб, ўн беш кун қамалиб чиқишдан ҳам ҳазар қилмайман! Ушандай «мўмин одам» бўлганимдан кўра бўлмаганим яхши! Мен шилталар билан келишолмайман! Мана, мени дуду тутундан яратилган фаришта бўлмай, тупроқдан яратилган одам бўлганлигимнинг сабаби! Менинг кайфиятимга, этагим учигами, чанг-тупроқ тегиб юради. Мен, кафтида кири йўқ, фаришта эмасман! Мени ҳамма ҳам яхши одам, деб мақтайвериши шарт эмас, мен хонақоҳдаги зоҳид эмасман. Одамлар ичидаги одамман!

— Адаси, жон адаси! Чарчагансиз, — деди Марҳаматхон эрини эркалаб, елкаларига қоқиб. Чунки шундай тутақишдан кейин бир қору ҳол бўлиши, юрагида санчиқ бошланиб, ўзини ташлаб юбориши мумкин эди. У гапни бошқа ёққа буриб, Музаффаровни креслодан тургазди, — хўп дедим-ку. Адаси, ўша Чотқол тоғи оралигидаги яхши жойларга борайлик! Мен, анави ойм-тиллаларга ўхшаб, сизга курортга олиб боринг, брильянт зирак олиб беринг, деяпманми?! Менинг ўрнимда бирор симён-заҳар хотин учраб қолганида нима қилардингиз? Анави ўртоғингизнинг хотини эри томонидаги ҳамма қариндош-уруғларини ҳайдаб юбориб, эрининг топган пулига тилла асбоб олиб, зарга кўмилиб ўтирибди. Вай-бай, унинг заҳар тиллари, ачиб-сасиб мингиллаб ўтиришлари! Ким кўринса чақади. Ушанақа хотин бўлганимда нима қилардингиз?

* * *

Файзулла Аҳмедович Музаффаров кунлардан бир куни кўчадан уйга қайтиб кела туриб, гастрономдан икки шиша вино олди. У коньягу арақдан «воз кечи», унча-мунча сухой вино ичарди. Овқат олдидан Марҳаматхоннинг кўзини шамғалат қилиб, қадим мусаллас ичадиган кўк пиёлага қизил вино қуйиб, маза қилиб ичаётганида хотини кириб қолди:

— Энди мен сизга доктор ҳам чақириб бермайман! Сиз, ўз жонига ўзи қасд қиладиган одам экансиз! Бу нимаси?!

— Бу узумнинг суви. Шарбат! — деди қўлга тушган Музаффаров илжайиб, — бу ёмон нарса эмас, глюкоза...

— Ҳа-а, глюкоза?!

— Хотинжон, бу дарҳақиқат глюкоза!— деди илжайганча, лабининг таноби қочиб Музаффаров.— Буни асло ичкиликлар қаторига қўшиб бўлмайти! Аксинча, фойдали! Юрак айтармишки, ҳей, инсон, сен мени доимо бир коса шарбат ичида сақлагин! Ана ўшанда менинг қанақа ишлашимни томоша қиласан... Шунақа дермиш юрак!

— Мен ўша юракнинг ишлашини томоша қилавериб зерикдим!— деди Марҳаматхон тутақиб,— мен ҳамма вақт дор ўйнаётган одамдек, юрагим така-пука. Доимо қил устида туришдан зерикдим! Ичкилик деганинг оти ўчсин! Қачон сиз бу ярамасни ташлайсиз?!

— Ҳей, сен ҳаддингдан ошма! Пиён бўлиб, ариқларга думалаб ётганимда нима қилардинг?!

— Менга ундақа эр керак эмас!

— Ҳа-ҳа, керак эмас! Бу гап айтишга осон! Мен пиён бўлиб, лойга ботиб, ёқалашиб юрганимда ҳам, тақдир шу экан-да, деб кўникардинг. Худога шукур қил, бир катта фан арбобига тегиб олгансан. Бир қадаҳ сухой вино ичганим учун менинг партия масалами кўрмайдилар. Карл Маркс айтган: «Ҳамма инсонларга хос хислатлар мен учун ҳам ёт эмас!» деб. Ҳа, маршал Будённий билан маршал Ворошилов ҳам сухой вино ичишган. Бунга нима дейсан? Қани айт-чи, нодон! Менинг Будённий билан Ворошиловдан нима ортиқ? Қани гапир! (У ҳўнгиллаб йиғлайди.) Мен Ўзбекистондаги бир оддий фан арбоби, Академиянинг мухбир аъзоси бўлсаму, сухой вино ичишга ҳам ҳаддим сиғмайдими?! Октябрь инқилоби бўлмаганда, тоза эри дўппослайдиган хотинсан! Бахтингга инқилоб бўлди!

— Уҳ-ҳў, ҳаддингиздан ошяпсизми?! Сизнинг анави... ярамас жувон билан гап бўлиб, қилган ишларингизни ҳам бошқалар қилганмикин?! Ўртоқ Ворошилов билан ўртоқ Будённий сухой вино ичганлари билан сизга ўхшаб бир жувон билан гап бўлмагандирлар? Сиз унақа керилманг! Менга сиёсатни ҳам пеш қилманг! Академия... эмиш! Кошкийди, сухой вино ичиб, жим ўтирсангиз! Сиз бу винони ичганингиздан кейин йўрғалаб қоласиз, ўйнашларингиз эсингизга тушади!

— Эй, хотин-э,— дейди Музаффаров бир оз бўшашиб, бош чайқаб, қизариб,— менга туҳмат қилма! Мен умримда бировнинг қўлини ушлаган кимса эмасман! Агар мен ёмон одам бўлганимда, ўша сен айтган хотинга уйланиб олганимда нима қилардинг?!

— Гумои қиламан, дарҳақиқат, кўзим билан кўриб, ушлаб олганим йўқ. Аммо ушлаб олганимда ўзим билардим, икковингизнинг ҳам патингизни тўзитардим! Икковингизни ҳам болта билан чопиб ташлардим! (Марҳаматхон юрагига гулгула тушди.) Ҳозир бориб ошхонадан болтани олиб чиқайми!!!

— Жинни бўлдингми! Ҳай-ҳай! Тўхта! Қани энди мен ҳозирги олтинчи олти ёшда бўлмай ўттиз уч ёшда бўлсаму, сен болта ушлаб мени қувласанг. Оҳ-оҳ, қани эди! Ўша болтанг кўзимга қўлингдаги гулдастага ўхшаб кўриниб кетарди... Мен ҳингиллаб, тирақайлаб қочардим, сен бўлсанг бошлаб қувлардинг... Қани энди ўша кунлар. Ҳозир болтага эҳтиёж йўқ, хотинжон, юз фоиз ва батамом сенинг эрингман!

— Мени вақтида кўп куйдиргансиз! — деди Марҳаматхон андак бўшашиб, — қадримга етмайсиз, агар мендан бошқа шаллақи — закончи хотин бўлганида раҳбарларимиз ёнларига чиққан бўларди! Чиқмадим-ку. Ҳеч қаерга арз қилмадим. Қадримга етинг, даси!

— Ҳа, етаман. Раҳбарларимиз сенинг арзингга қулоқ солиб, мени савалардилар! Уларнинг сенинг арзингни тинглашдан бошқа ишлари йўқми? Бас, бўлди, Марҳаматой, энди қалтис гапларни тўхтатайлик. Ҳар қалай, мен бошқаларга нисбатан анча покиза одамман. Битта хотин билан яшаб умримни ўтказяпман. Сухой вино ўлсин, шу нарсадан ҳам мени бебаҳра қилма! Бу граммас, вино зотидан кўра ҳам глюкоза зотига яқинроқ. Айниқса, манавиниси глюкозадан ўтиб, сирка бўлиб қолибди. Ичмай дейман, аммо эркаклигим эсимга тушиб қолиб, бу ярамасдан симираман, кайф беришнинг ўрнига, жиғилдонимни қайнатиб, зарда қилиб кўнглимни айнитади.

— Мен сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман. Мен ҳамма вақт фойдангизни кўзлайман...

— Ҳа, сен жуда рўзгорбоп хотинсан. Шу томонингни билиб уйланганман. Ошналарим, хотин олишга устасиз, дейишади.

— Ҳар нарсага жаҳлингиз чиқавермасин-да, адаси. Унда яшаб бўладими! Жонингиз бекорга келибдими! Қўшнисининг эшаги думсиз турса ҳам Тошпўлат тажангнинг жони чиқиб кетган экан, лойга ботиб қолса, қаеридан ушлаб тортаман, деб, — Марҳаматхон қизиқчилик қилди. Лекин бу «қизиқчилик» унга жуда қимматга тушди.

— Ҳа, бу билан нима демоқчисан?! — деди бошини кўтариб Музаффаров, — қорамолни, умуман чорванинг овқатини еб қўяди, деб эшакларни қириб ташланганини тўғри деб топасанми?! Самосвал машинасига ўттиз-қирқтасини солиб, жарга ағдариб келишганини биласанми?! Телов деган қишлоқда бир муттаҳам қўлига кичик калдирли милтиқ ушлаб, бозордаги ҳамма эшакларни отиб ўлдирганини эшитганмисан?! Битта эшакнинг баҳоси уч сўм. Уч сўмга ҳам ҳеч ким олмаяпти. Шаҳарда бу мол тамом қолмади. Тоғлиқ ерларда озгина жон сақлаб қолди. Шу ҳам ишми?!

— Узоқни кўролмайдиган одамлар бундай нотўғри ишларга фармон берадилар, — деди Марҳаматхон гўё эри гапига монанд ақлли гап қилгандай бўлиб. Музаффаров қисқа ва ўйлаб гапирганларни ёқтирарди. Бундай лўнда гапирадиган одамлар билан учрашганда асаблари ором олиб, жони кирарди.

— Шунча ақлли, яхши гапларни топиб гапирадиган ўз хотинимдан айланай!

— Асаб бузадиганлар билан эмас, адаси, менинг ўзим билан гаплашаверинг доимо.

Баъзан хафа бўлган пайтларида Файзулла Музаффаров дўсти Амир Равнақнинг ушбу мисраларини дилдан ўтказарди:

Менсиз-да бу нафслар ўз ризқин ошайверар,
Улфатда яна майдан май жоми бўшайверар.
Улимимга ҳаёт ҳеч чок этмас ёқосин,
Сув ҳамда балиқсиз, албатта, яшайверар...

— Шундоқ дейсану, лекин ярамас шахслар бор. Биз энди шундоқ гўзал мамлакатни ўшаларга ташлаб кетаверамизми?!

— Адаси, ундоқ деманг! Яхши одамлар ҳам кўп, иккиламчи, биз ҳали кетаётганимиз йўқ.

— Оқтепалик Ҳайитбой оқсоқол айёр, лўттибоз кимсалар билан ундоқ-бундоқ деб пачакилашиб ўтирмай, тўппа-тўғри қамчи солиб юборарди. Тўғри қиларди!

— Яна айнидингиз! Асабни бузманг. Мен нега сиз билан боядан бери гаплашиб ўтирибман? Кўнглингиз ёришсин, десам, сиз яна айнияпсиз! Қанча қиладиган юмушим бор, кир ювишим керак, тахта-ўқлоғи... ишим бошимдан ошиб ётибди!

Телевизорни бураган Марҳаматхон зангори экранда рақсга тушаётган хипча бел, келишган жувонга кўзи тушди. У анграйиб, ошхонадан чой олиб чиқишни унутиб турган эди, эри гап қотди:

— Мунча имиллайсан, аяси! Сен ер айланишига қараб ишламайсан, йигирма тўрт соат сенга етмайди. Сен, қуёш системаси ҳаракатига қараб ишлайсан. Сен бу дунёда беш-олти юз йил яшамоқчисан...

— Ҳа, сиз, адаси, анави хипча бел раққосанинг айланишига қараб яшайсиз,— деди чимирилиб Марҳаматхон.— Бошқа программага оламан!

— Йўқ! Ўзи тураверсин! Чакки эмас... Ҳар кимса бир нима иш билан ўзини кўрсатгиси келади: ашула айтибми, бирон мансабда яхши ишлаётганими, ҳам врачу ҳам қўшиқни яхши айтишими, ишқилиб, кишилар нимаси биландир баландроққа чиқиб, ўзини кўрсатиш пайига тушади. Ўзини тутиб олган кишилар анча босиқ бўлганидек, ҳисоб-китоб, мақсад билан ишлаш ва доимо ишлаш, меҳмондўстликни ҳам ҳисобида ва икки томон бир-бирини баробар ҳурмат қилган ҳолда бўлиши, дангасалик, лақмалик гирдобига тушмаслик етукликдан дарак беради. Биз фақат ўзимизни эмас, келажагимизни ҳам ўйлайдиган кишилар бўлайлик. Ҳа, юрт манфаати йўлида, халқимиз бахти йўлида қувроқ бўлишимиз керак. Баъзи нодон кишилар еб-ичиб, ўзини ўйлаб ўтиб кетаверадилар. Халқ бундай шахсларга суянмаслиги керак!

— Ҳақиқатан, чарчабсиз, адаси. Ҳар нарсадан жаҳлингиз чиқиб кетяпти. Тоғ оралиғига борайлик, ўша жаннат деяётган жойларингизга борайлик! Зора озроқ бўлса ҳам дам олиб келсак.

Шанба кунни эрта билан бир оз тайёргарлик кўрган Музаффаров илгари ваъдалашганига кўра «тоғ сайлига» дўсти Амир Равнақни ҳам таклиф этди. Икки машинада улар Чимёну Чотқол қайдасан, деб жўнашди. Фронтчи ошнаси Милтиқбой Қўйбоқаров илгари уни бир неча бор таклиф этиб, келмагани учун анчадан буён гина қилиб юарди. «Бизлар кичкина одаммиз, академик эмасмиз, бунинг устига бир оёғидан ажралган инвалид одамнинг ҳолидан хабар олиш олижанобликка кирмайдими! Ахир биз қон кечиб, неча марта ўлимга тик қараб, ўшандоқ ердан соғ-саломат келган эдик. Омон-эсон юртимизга борсак, қиёматли оғанини бўламиз, борди-келди қиламиз, деб аҳдлашмаганмидик?!» Бу гаплар Файзулла Аҳмедович юрагидан ўтди.

Дарҳақиқат, ошнасини узоқ йиллар мобайнида икки-уч марта кўрди. Бир маротаба Қўйбоқаровнинг ўзи Тошкентга тушиб, Музаффаровнинг ёрдами билан стационарга ётиб, даволанди. Яна бир марта совхоз иши билан келганида...

Марҳаматхон эрининг ошнасига костюм, хотинига атлас кўйлак, ширинликларни тугун қилиб, кўтариб олди.

Қадрдон дўсти шоир Амир Равнақ Музаффаровдан олти ёш кичик бўлиб, суҳбати ширин, камтар, оқибатли киши. Улар анча йиллардан буён ошначилик қилишар, қариндошлиги бўлмаса ҳам қариндошлардан аъло эди. Бу хонадонда бирон маросим Амир Равнақсиз ўтмасди.

— Э, у бутун одам, — дерди Музаффаров Амир Равнақ ҳақида, — у билан бирга юрсам дам оламан, юракда ғубор қолмайди. Фариштаси бор одам. Сен ўзинг Амир Равнақнинг кимлигини биласанми?

— Ҳа, биламан. Лаврият!

— Офарин! Шуни билганингга ҳам шукур қиламан. Унинг асарлари Москвада нашр этилган. Москвада босилган китоб жаҳондаги кўп тилларга таржима этилади...

Биринчи машинага Амир Равнақ билан Музаффаров ўтирди. Шоир машинасини нотаниш бир йигит ҳайдарди.

Йўлда, одатдагидек, Музаффаров билан Амир Равнақ суҳбати яна авжга минди.

— Китоб — бебаҳо бойлик, — деди Файзулла Аҳмедович, — Абу Али ибн Сино демишларки: «Мен мантиқ, табиёт ва риёзат илмларини яхши ўргандим. Кейин илоҳиётни ўрганишга ўтиб, Арастунинг «Мобаъда ат-таба» («Табиатдан ташқари бўлган нарсалар»), «Метафизика» китобини қирқ бор қайта ўқидим. Лекин шундай бўлишига қарамай, мен унинг мақсадларини тушуна олмасдим. Кунлардан бир кун саҳобларнинг ёнига бориб қолдим. Унда бир даллол қўлига муқоваланган китобни ушлаб, мақтарди. Даллол менга: «Бу китобни ол, нархи арзон — уч дирҳам, эгаси пулга муҳтож», деди. Қарасам, у Абу Наср Форобийнинг «Мобаъда ат-таба» китобининг мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйга кела солиб ўқишга тушдим. «Мобаъда ат-таба» дилимда ёд бўлиб қолганлиги сабабли, шу ондаёқ китоб мазмуни менга аён бўлди. Бундай китобнинг топилганига шукур қилиб, эртасигаёқ камбағал-

ларга анча нарса садақа қилдим...» Шундай деб ёзганлар Абу Али ибн Сино.

Бу гап Амир Равнақнинг чеҳрасини очди. Китоб ҳақидаги ҳар қандай сўз бу одамни қувонтирарди. Шахсий кутубхонасида ўн минг жилддан ортиқ китоби ҳам бор, улар орасида ноёб, қадимий қўл ёзмалар ҳам бор эди. Амир Равнақ ҳам гап қотди:

— Шу улуғ мутафаккир, дарахтнинг камолга етгани меваси билан бедгиланади, деган эди. — Мевасидан дарак йўқ, ҳозирги вақтда мансаб кетидан қувадиганларга «Сиёсат ал-мадания» ҳамда «Сийрат ул-фозила»¹ китобларини тавсия этишимиз керак.

— Чет эл арбобларининг сўзи билан китобга баҳо бериш эскидан одат, — деди Файзулла Аҳмедович, — менимча, китобга энг яхши баҳони халқ берсин. Ватандошлар берсин. Бу асар ҳақида «Мистер Литтон бундай деган» эмас, халқларимиз севиб ўқиган, деган гапни айтиш керак. Асар мистер литтонлар баҳоси билан ўлчанмайди!

— Яхши даврлар келяпти, — деди яна Амир Равнақ, — бўлаётган ишларни кўриб қувонасан, киши. Лекин мен жуда оғир шароитларни ўтказдим — урушдан қайтиб келиб, лой қориб, ўз қўлим билан гувала ясаб уй солдим. Деярли ҳамма қора ишни ўзим қилдим. Мих қидириб, магазинма-магазин юрганларим, охир, шаҳар четидаги бир дўкондан уни топиб, икки баҳога сотиб олганим, уйнинг дераза, эшикларини ҳам хусусий кишилардан икки баҳога сотиб олиб, ўрнатганим... бари ёдимда. Ҳозир тайёр квартираларга кираётган ёшларга ҳасад қилмайман, аксинча, шундай бўлиши керак, дейман. Урушнинг оғирлигини биз тортдик ва ғалабани ҳам биз қилдик. Лекин Европа ёшлари тайёр квартираларга кириш, ўйнаб-кулиш имтиёзларини биздан аввалроқ олиша бошлади. Ғолибларнинг фарзандлари ҳаммадан аввал кўп қаватли уйларга кириши керак эди... Ҳа, мен ўтган умримдан норози бўлмайман, аксинча, умрим жуда мазмунли ўтди, деб фахр этаман. Ҳар қандай қоронғи кунлар ортидан албатта ёруғ кунлар келади, ахир қуёш бор, қуёш нурлари ҳар қандай рутубатларни қириб йўқотади...

Икки машина олдинма-кетин зингиллаганча тасмадек йўлда чопиб борарди; Шўртепа, Дўрмон, Қибрайдан ўтгандан кейин ҳавонинг ўзгаргани сезилди.

¹ «Фозил хулқлар».

Музаффаровнинг руҳи кўтарилиб, орқасига қайрилиб қараб хотинига имо қилиб, бу ёққа қара, табиатни томоша қил, демоқчи бўларди. Машинани жуда тез ҳайдамасликни таъкидларди.

— Мен айтган жойлар Чирчиқ шаҳридан ўтганимиздан кейин бошланади. Агар бир баланд тепаликдан орқада қолган Тошкентга қарасангиз, шаҳар сап-сариқ губор ичида турганини кўрасиз. Бу ерда химкомбинат рутубати ҳам Чирчиқ шаҳрини босиб ётади. Искандар деган ердан жаннат бошланади. Унгача сабр қиламиз.

Дарҳақиқат, бир муддатдан сўнг машина кўтарилди бошлади, икки томон баланд тепаликлар, ясси қирлар, рўпарада қават-қават баланд қорли тоғлар савлат тўкиб турарди. Улар Марҳаматхоннинг назарида, кенг ўтлоқларда чордана қуриб ўтирган басавлат Милтиқбўй ака Қўйбоқаровга ўхшарди. «Келинлар, азизларим, биз томонга ҳам ташриф буюрар экансизлар-ку! Тошкентда, шу иссиқ июль ойларида ёниб ўтиргандан кўра, ғир-ғир шабада, биз томонларга чиқиб келсанглар бўлмайдими? Ахир, мана шу хушманзара жойларимизни, тоғларимизни ҳам душмандан сақлаганмиз, оёқ ости бўлмасин, деб ўқ отишганмиз. Бунда баъзи савдогарнамо одамлар эмас, сиз билан биз дам олишга ҳаққимиз бор. Келинлар, азизларим!» — дегандек бўларди рўпарадаги баланд тоғлар. Чирчиқ кўпригидан ўтиб Ғазалкентга, ундан Чорвоққа — қирлар оралаб енгил машиналар тоққа юксалганида пастликдаги улуғвор манзара яққол кўрина бошлади. Айланма йўллар борган сари юқориликка олиб чиқарди. Баландликдан улар Чотқол, Писком, Кўксув дарёларининг бир-бири билан қўшилиб, Чирчиқ бўлиб оқаётганини томоша қилишди. Тоғ тепасига чиқишганида улар машиналардан тушиб, чор атрофга суқланиб тикилишди.

— Табиатнинг гўзаллигига қаранглар! — деди Музаффаров, — айтганимдек бу ерлар жаннатми, йўқми?

— Жаннатдан ҳам аъло! — деди уй ишларидан бир кун бўлса ҳам қутулиб, «озодликка чиққан» Марҳаматхон тўйиб-тўйиб нафас олиб. — Тасаннони ҳам олиб келсак бўларкан, буларни кўриб баҳри-дили очиларди. Боёқиш эридан ажралгандан кейин юраги сиқилиб юрибди. Невараларимни ҳам олиб келсам бўларди.

— Эҳ, онасан-да, онаизор! — деди Музаффаров, — сал яйрагандек бўлган эдинг, дарров эсингга болаларингу невараларинг тушди.

— Тасаннохонни ўша қуруқ сумбатчага бериб хато

қилганмиз! Янглишдик. Ўртага тушган одамлар бизни чалгитди. Бир ерда камчилиги йўқ, ойдек қизимни ўша аперистга бериб увол қилдим...

— Ҳой, хотинжон! Мен сени гурбатдан олиб чиқиб, бир оз яйрагин, деяпман! Рутубатдан қутулиб, мана бу тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг-чи! Ҳали бориб яна ўз ташвишларинг билан қовуриларсан, куярсан, обидийда қиларсан... Яқ нафаси ҳузур — давлати Сулаймон! Бир лаҳза бўлса ҳам гурбатни унут, ана, тўрт томонингга қара, мана шу ерларни жаннат дейилади!

Шоир ёнидаги дафтарчасини олиб, нималарнидир ёзарди. У гапга камроқ аралашиб, кўпроқ хаёл суларди.

— Шу ерга бир уй солиб, томоша қилиб ётадиган жой экан,— деди Таманно,— қандай гўзал жойлар! Жак, мана бу панорамага бир қарагин!

— Вижу,— деди Хайрушка синглизига мамнуният билан қараб, Таманно акасини эркалаб «Жак» деб атарди.— Худди самолётда кетаётганга ўхшаймиз.

— Шу ерларда пансионат очилса бўлмайдими?!— деди яна Таманно,— шунча жойлар бекор ётибди.

— Бекор ётгани йўқ, қизим,— деди Файзулла Аҳмедович,— сен кўриб турган бу панорама — совхоз ерлари, ўрмон хўжалиги совхозлари, қишлоқлар...

— Папочка, всё таки жалка! Шунча яхши ерларни пансионат, туризм базалағи қилиш керак эди.

— Улар ҳам бор. Мана бу рўпарада — Бурчмулла. Обираҳмат, юқорида Боғистон, Нанай, мана бу томонда Хумсон, бу томонда Чимён бор. Мана бу азим тоғлар Чотқол тоғларидир. Чотқол бу тоғларнинг энг буяги. Чотқолнинг ичкари томонлари Қирғизистонга қарайди. Мана бу Асқартоғ, бу томонлар — Писком, Угом тизма тоғларидир. Ўзбекистонимиз қандай гўзал-а? Бунақа жойлар дунёнинг ҳеч ерида йўқ!

— Папочка! Биз борадиган қишлоқ тоғ тепасида-ми?

— Ҳув ана, кўриниб турибди.

— Ушами?— Таманно тоғ оралигидаги яшилликка тикилди.— Қишлоқни тоғ тепасига қуришса бўлмайди-ми, томоша қилиб ўтирардик?!

— Сен айтгин, қуришар!— деди Марҳаматхон талтайиб, тилини буриб, қандайдир бир бузуқ талаффуз билан гапирётган Таманнога ялт этиб қараб,— унда овқатга сувни ҳув пастга тушиб, дарёдан олиб чиқишадими? Уларнинг экин-тикини бор.

— Мамочка, қишлоқилар анойи эмас, шундай яхши ерларда яшашар экан-а?

— Мана бу ножўя камситиш гапингни бундан буён эшитмай!— деди жаҳли чиқиб Музаффаров.— Ўзбекистоннинг ҳамма ери ҳам чиройли, ҳамма ерида ҳам одамлар яшаб, меҳнат қилади. Ажратиш керак эмас! Сенинг ўзингни ҳам шундоқ дейиш мумкин!

— Кечиринг, папочка!

— Айтмадимми, биз «жаннат»да ҳам яйрай олмай, асабимизни бузаямиз,— деди Марҳаматхон,— Таманно, бундан бу ёғига жаҳл қўзғайдиган гаплар гапирма!

— Хўп, мамочка!

— Биз турган ер денгиз сатҳидан икки минг беш юз метр баланд экан,— деди Амир Равнақ бир муддатдан сўнг гапга аралашиб,— ана, ёзиб қўйибди.

Хайрушка ҳам, Таманно ҳам ялт этиб тоғ тошига ёзиб қўйилган рақамга қарашди.

— Папочка, чумолилар!— деди Таманно харсанг тошлар орасидан чиқиб, ғужғон бўлиб югуришаётган тез чопар сариқ чумолиларга тикилиб,— улар тоғ тепасида маза қилиб ўйнаб юришибди. Биз бўлсак бундай чиройли ерлардан узоқда яшаймиз. Эҳ, сенлар!— Таманно чопиб кетаётган бир чумолини туфлиси билан босиб ўлдирди.

— Чакки қилдинг, қизим!— деди Файзулла Аҳмедович қатъий эътироз билан,— тирик жонни ўлдириш ярамайди!

— Илонни ҳамми?

— Албатта! Инсон табиатга жуда боғлиқ. Эҳтимол, ўша илон ҳам керак. Бўрини қириб ташлашга ҳукм этилган эди, кейинчалик бу ҳукм хато чиқди. Бўри йўқ жойларда чорва туёғи камайиб кетди. Ота-боболар тирик жонни ўлдирмаслик керак, деган гапи мағзида катта фалсафа ётади. Бунга диний бир руҳ бериш керак эмас. Инсон табиат билан қаттиқ боғлиқ,— деди Файзулла Аҳмедович,— аммо ҳаётда баъзи шахслар бор, улар бошқалар меҳнати эвазига шуҳрат қозониб, гишиниб, бузуқчиликлар қилиб, охири фош бўладилар...

— Зиёлилар ичида ҳам шунақа шахслар йўқ дейсизми?— деди Амир Равнақ.— Бор. Улар ўта шуҳратталаб. Меҳнат қилмай нон ейдилар. Бизни, қатламдаги маъдандек ер остида ётаверади, дейдилар. Йўқ! Биз ҳам қатламдан чиқиб, ярқираб, қуёш нурларида жилва қиламиз! Меҳнат қилганлар бу улуг юртда ҳеч қачон хор бўлмайди!

— Адаси, яна асабингиз бузиляпти,— деди Марҳаматхон табассум билан эрига боқиб. Ундан сўнг шоир амакига ҳам жилмайди,— арзимаиди.

— Тушундим. Бўлди, гапирмаймиз. Гап чумолидан чиқди. Уни Таманно бекорга ўлдирди!

Шу лаҳза бир кичик пашша Файзулла Аҳмедович боши атрофида гингиллаб айлана бошлади.

— Папочка, пашшани ҳам ўлдириш керак эмасми? У фойдалими?

Музаффаров кулиб юборди.

— Буни айтолмайман, қизим. Ҳамма ёқни томоша қилиб бўлдингларми? Қани, кетдик!— деди у машинага ўтириб. Лекин қизининг саволи уни ўйлатиб қўйди.

— Ҳамма ёқ гўзал! Бу ердан ҳеч кетгим келмаяпти,— деди эринчоқлик билан машина томон юриб Таманно,— Жак, аксига фотоаппаратни олиб келмабмиз. Қара, панорама қандай зўр! Анави томон архипелаг...

Марҳаматхон билан Таманно тоғ тепасидан чор атрофга суқланиб тикилишарди. Улар ҳақиқатан ҳам жаннатга тушиб қолишган эди.

Машиналар айланма тоғ йўлларида яна зингиллаганча югуриб кетди.

XIII боб

ФРОНТ БИРЛАШТИРГАН ДУСТЛАР УЧРАШУВИ

Кўп ўтмай икки машина Хумсонни чап томонда қолдириб, Сижжак қишлоғига кириб келди. Нишаба Писком дарёсига қаратилган қоя, тор кўчалардан ўтиб, бир неча ерда машинани тўхтатиб, болалардан сўраб, ниҳоят, Милтиқбой Қўйбоқаров ҳовлисини топишди.

Эшикка машина келиб тўхтаганини кўрган Милтиқбой ака наридан-бери қўлтиқтаёқларини олиб, бир оёқлаб кўчага интилди. Дарвоза олдида турган эски қадрдони, новча, қирра бурун Музаффаровни кўриб, у билан қучоқлаша кетди. Улар бир муддат бир-бирларини қўйиб юбормай кифтларига қоқиб, юзларига юзларини суркашди. Икковларининг кўзларида ёш пайдо бўлди. Ҳовлидан чиққан ёш-яланглар, машинадан тушган шаҳарлик меҳмонлар икки кексанин қучоқлашиб омонлашишларини томоша қилишарди. Узоқ йиллар мобайнида бир-бирини кўрмаган фронтчи қадрдонларнинг ҳаяжонли ҳолатини ҳайрат билан кузатишарди. Неча

Ўлимдан қутулиб, умри ўлжага қолган бу кишиларнинг бир-бирини қучоқлаб, кўз ёш қилишайтгани маъноси равшан, албатта. Ҳаммадан ҳам Амир Равнақ жуда ҳаяжонланиб кетди.

— Азизим Файзулла ака, Тошкент дегани бундан икки соатли йўл бўлса-ю, чиқиб келмасангиз, — дерди Милтиқбой ака белбоғи билан кўз ёшини артиб, — сизни ҳам кўрар кун бор экан. Хуш келибсиз! Хуш келибсизлар!

— Э, азизим, шаҳар тупроғи жуда оғир, ҳеч одамни қўйиб юбормайди. Мана, пенсиядамиз, — деди кулимсираб Музаффаров, — бу ёғига вақт кўп, отамлашаверамиз. Одер дарёси яқинидаги Ландберг шаҳрида қилган ишимиздан ҳам қилаверамиз...

— Ха-ха-ха-ха-а-а! Эсингизда бор экан, Файзулла ака, — деди қотиб кулиб Қўйбоқаров. У қўчқор шохига ўхшаган бурама, узун мўйловини силаб қўйди, — хўп қойил ишлар қилганмиз! Шўх эканмиз ўшанда!

— Ҳозир қалайсиз?.. — деди новча, узунчоқ юзли Музаффаров андак эгилиб, Қўйбоқаровнинг қулоғига шивирлаб.

— Водопровод... — деди секин шивирлаб Милтиқбой Қўйбоқаров ва бирдан ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб юборди.

— Отангизга раҳмат!

— Адаси, меҳмонларни ичкарига таклиф этинг, — деди оппоққина бир жувон ёнида оҳудек ҳушёр кузатиб турган қизи билан Милтиқбой акага мурожаат этиб: — Эсон-омонмисиз, хуш келибсизлар! — у Марҳаматхон, Таманно билан Хайрушкани ичкарига таклиф этди.

Олдинда қўлтиқтаёқли Милтиқбой ака, Файзулла Аҳмедович, Амир Равнақ, ундан кейин бошқалар кетма-кет дарвозадан ўтиб, ҳовлига киришди.

Ҳовли кенг, гулзор. Атроф чиройли ишком. Ҳовли ўртасида ихчамгина ҳовуз ва ўнг томонда шоҳсупа. Дарвоза тепасидаги шийпонда ўтирган киши кунчиқар томондаги Асқартоғ, Бўғистон қишлоғи, пастликдаги Писком дарёсини шундоқ кўриб турарди.

Сижжак қишлоғи Писком дарёсининг ўнг қирғоғи, Угом тизма тоғлари этагига жойлашган. Рўпарада Асқартоғ қад кўтариб турибди. Қишлоқ ўрни қиялик бўлиб, то Писком дарёси бўйигача айланма тор кўчалар билан тақалиб боради. Ҳамма кўчаю ариқларнинг нишаби дарёга қаратилган. Бу дарё анча чуқурликдан оқиб, Хўжакентда Угом билан қўшилади. Чотқол, Кўк-

сувлар ҳам унга қўшилиб келади. Сижжак рўпарасида Боғистон ва юқориқоқда Нанай қишлоқлари бор. Сижжак билан Боғистонни торгина кўприк боғлаб туради. Нанайга ўтадиганлар ҳам шу кўприкдан юрадилар. Боғистон қишлоғида Шайх Умар вале мақбараси бўлиб, қадамжо ҳисобланади. Сижжак қишлоғининг юқори қисми то Наволисойга етгунча олмазор боғлар. Асқартоғ орқасидан кўтарилган офтоб эрта билан биринчи галда Сижжакка тушади. Бу пайт Боғистон билан Нанай тоғ соясида турадилар. Писком дарёсининг икки томони то Бешторга боргунча ёнғоқзор, толзор, теракзордир. Бу ерда эрталабдан бошлаб турли қушлар қанот қоқиб, сайрашади — тинмай ўз инларига хўрак ташишади. Зағизгон, кўкқарға, майна, ёввойи каптарлар жуда кўп. Тоғни қалин қор босган қиш кунлари овқат излаб келган какликлар тап тортмай қишлоқ ҳовлиларига ҳам кириб келаверишади. Баъзан кечга яқин тоғ чўққилари устида калхатлар сузиб, айланиб юради.

Йигирма тўрт, йигирма бешларга борган хушбичим, чикка бел қиз ичкари хонадан беқасам кўрпача, пар ёстиқлар олиб чиқиб, ҳовуз бўйидаги супага тезда жой тайёрлади. У югуриб-елиб онасига кўмаклашарди.

— Бу — қизим Гулгун, — деди Милтиқбой ака меҳмонларни супага таклиф этиб, — Санобархон хонадонимизнинг бекаси. Мана бу — ўғлимиз Асқаржон. Урушдан келиб, топган давлатим шулар.

— Бахтли бўлишсин! — деди Файзулла Аҳмедович билан Амир Равнақ.

— Сизнинг фарзандларингиз қанча бўлди?

— Икки қиз, икки ўғил. Мана, ўғлимиз — Хайруллахон. Кенжатоё қизимиз — Таманно. Марҳаматхоннинг ҳам, менинг ҳам давлатимиз шулар.

— Омон бўлишсин!

Гулгун билан Санобархон, бирлари чой қўйиб, бирлари дастурхон ёзиб қўллари-қўлларига тегмай қолишди. Милтиқбой аканинг илтимосига кўра қўшнилари Чоршанба ота билан Эргашали ака қора қўйлардан бирини боққа олиб чиқиб сўйиб юборишди. Асқаржон бидон кўтариб қимизга кетди...

Тушга яқин Тошкентдан меҳмонлар келганини эшитиб, Милтиқбой аканикига бошқа қўшнилари ҳам чиқишди. Қимиз сузилиб, шўрваю эт тортилди. Зиёфат авжга минди. Узига иш қолмаганини кўрган Гулгун Таманно, Хайрушка ва яна шу ерлик икки дугонасини олиб, дарё томонга тушиб кетишди. Отасининг қадрдон

дўсти Тошкентдан атай кўргани келгани Гулгунни ниҳоятда хурсанд қилиб юборган эди. Шўх Гулгун ўзида йўқ шод, у меҳмонларга Сижжак қишлоғидаги «диққатга сазовор» жойларни кўрсатарди...

Шу куни зиёфат ўтиб, эртасига Милтиқбой аканинг бир уруғи меҳмонларни уйига чақирди. Унинг ҳовлиси Наволисой томонда. Улар бир тўда бўлиб, пиёда жўнашди. Йўл-йўлакай совхоз боғига ҳам киришди. Баланд тепаликдан туриб Писком дарёси ўзанини томоша қилишди. Милтиқбой ака шоирни тўхтатиб, ўз асалари қутилари ёнига олиб бориб, ниманидир тушунтирарди.

Олдинда кетаётган Марҳаматхон, Санобархон ва Файзулла Аҳмедович гаплашиб боришарди:

— Милтиқбой акам урушдан қайтиб келганидан кейин чиққанман турмушга. Бир қиз, бир ўғил кўрдик. Милтиқбой акамнинг фронтчи дўсти Музаффаров катта ишда ишлашини, катта олим эканлигини кўп эшитганмиз.

Сансбархон бахтли, ўз турмушидан мамнун эканлигини Марҳаматхон билан Файзулла Аҳмедович яхши пайқаб туришарди.

— Юринглар, Милтиқбой акамга етиб олайлик!— деди Санобархон. — Қалай, қишлоғимиз ёқдимиз, Марҳаматхон?

— Жуда чиройли!— деди ўйланиб турган Марҳаматхоннинг ҳуши ўзига келиб, — мен Сижжакнинг бунчалик чиройли жой эканини билмас эканман.

— Шу ердан боғ қилинглар, ер топиб берамиз.

— Қани эди, — деди Марҳаматхон қувнаб турган Санобархоннинг юзига қараб. Узоқда Милтиқбой аканинг қўлтиқтаёққа тираниб бир тўп меҳмон ва мезбонлар олдида йўл кўрсатиб кетаётганини кўргач, қадрдон дўстининг хотини билан узоқ гаплашиб, кулишаверишни ўзига эп кўрмай, Музаффаров қадамини тезлаб уларга қўшилди.

— Бу ерлардан юз марта ўтган бўлсам ҳам яна адашиб қолмайлик, — шаддод Санобархон наъматаклар орасидан ўтиб кета туриб Музаффаровга гапирди, — тоғ сўқмоқлари жуда айланма.

— Зора адашиб қолсак...— деди Файзулла Аҳмедович. Бу гапни Марҳаматхон эшитмади. — Ҳаётимда бир маротаба адашиб таъзиримни еганман...

Санобархон юрагида кири йўқ, ниҳоятда қувноқ аёл. Музаффаровнинг кўнгли ёришиб, кечмиш-кечирмишлар ширин рўёдек бир лаҳза қалбини эркалади. Ёки қалби

покиза аёллар шундоқ шўх бўлармикан? Бир инвалид, яримта одамнинг боғини обод қилган Санобархон Марҳаматхон билан Музаффаров назарида китобларда ёзиладиган ажойиб қаҳрамон хотинларга ўхшаб кетганди. Аслида, деди ўзига-ўзи Музаффаров, ҳаётда бундай хотинлар жуда оз.

Милтиқбой аканинг қариндоши ҳам тошкентлик меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олди. Зинапоя билан чиқиладиган болохонага яхшилаб дастурхон тайёрлаб қўйилган эди. Бу ердан ҳам бутун Писком водийсининг беқиёс манзараси кўриниб турарди.

— Баланд болохона қуриш бунда жуда яхши одат экан, — деди Музаффаров чор атрофига тикилиб, — бир катта рамкани кўтариб қай томонга тўғрилсангиз, Тансиқбоев чизган манзаралар чиқаверади.

— Гўзалликни сезиб турибсиз. Жуда катта баҳо бердингиз, домлажон, — деди Амир Равнақ. — Бу ернинг ҳавоси-чи. Ҳаво эмас, кислороднинг шундоқ ўзи. Тошкентга посилка қилсангиз бўлмайдими! Бизлар унда ўлиб бўлдиғу!

— Ошнажон, бу ёққа кўчиб чиқинг, — деди Милтиқбой ака, — хоҳласангиз бизникида, хоҳламасангиз яхши ҳовли топиб бераман. Энг яхши шиғирларни бунда ёзасиз. Асал билан боқаман. Асал шиғирлар битасиз.

— Ақл — Ҳасан, одоб — Ҳусан, дейдилар. Ҳиматингизга тасанно! Насибамиз қўшилган бўлса, албатта келамиз...

Ҳақиқатан, шаҳарда диққинафас бўлиб, ҳар куни тажанглиги тутиб юрган Музаффаров бу ерга келиб яшнаб кетди. Тоғ ҳавоси ёқиб, асаблари жойига тушди. Кечадан буён кайфи чоғ, ниҳоятда хушмуомала бўлиб қолди. Таманно ҳам заҳар адасининг бунчалик очилиб-сочилиб юганига аввал таажжубланди, кейин асаблари қақшаган кекса одамлар денгиз бўйларида, тоғликларда, кенгликларда ўзини бардам ҳис қилишини эслади. Марҳаматхон учун ҳам Музаффаровнинг касал бўлмай, тинч югани ва бунинг устига қувнаб юриши доридек зарур — айниқса, кейинги пайтларда одамлар билан тез-тез айтишиб, жиғибийрон бўлиб юрганидан кўп хавотирда эди. Умр бўйи почтачиларга ўхшаб тинмай югуриб-елиб ишлаб юрган кишиларнинг пенсияга чиқиши хавфли экан, улар яна чопқиллаб ишлаб юрса хўп, аммо ўтириб қолса, бирон икки йилдан сўнг ўлиб кетаркан. Шундай бўлган одамларни Марҳаматхон билади. Елиб-югуриб юрган одамларни уйга

тиқиб қўйгандан кўра енгилроқ бир иш бериб, овора қилиб қўйган айни муддао, дерди у. Шу сабабли инженер Файзулла Музаффаровнинг уйда ўтириб, хотинларнинг холаси, қизларнинг янгаси бўлиб қолиши, дам ошхонада тахта-ўқлоғи тепасида, дам жомашов ёнига курси қўйиб хотини билан ҳасратлаша бериши унга ёқмасди. Эркакнинг эркакдек бўлгани, ундан одекolon ҳиди эмас, ишхонасининг ҳиди келиб тургани маъқул экан. «Эркакларга ўхшаб иш қилсангиз-чи, адаси, тахта-ўқлоғи тепасида нима қиласиз?» — деган эди бир куни Марҳаматхон. Ушанда: «Мен сенга картошка ўра қазиб бердим, ҳадеб ҳовлига ўра қазий бераманми, нодон!» — деб ўдағайлаган эди Файзулла Аҳмедович. Бугун унинг эркакларга ўхшаб, салобат билан савлат тўкиб юргани, гаплари, хахолаб кулишлари Марҳаматхонга мойдек ёқарди.

Жаннатдек жойга келиб қолганидан кайфи чоғ Файзулла Музаффаров зиёфатда фронтчи ошнаси Милтиқбой Қўйбоқаров билан «оқ»дан тортишди. Хотинларнинг кўзини шамғалат қилиб, яна бир-икки бостириб-бостириб ичишди. Товуқ гўштларини бурдалаб ейишди. Кайфи ошган уч ошна «ман сизга айтсам...» бўлиб, бир-бирларини чунонам ялашдики, асти сўраманг. Одер дарёси бўйидаги қаттиқ жанглarda кўрсатган баҳодирликларини хотирлашди. Дам йиғлашди, дам кулишди. Ландберг шаҳрида бўлган, умр бўйи ёддан чиқмайдиган ошиқона воқеаларни ҳам эслашиб, тиззаларига уриб, тоза кулишди.

Зиёфат ярим кечагача давом этди. Ундан сўнг мезбон маст кишиларни кўчага чиқаргиси келмади — тоғ сўқмоқлари бир неча жарликлар ёқалаб ўтганидан, бирон кори ҳол рўй бермасин, деб зўрлаб бўлса ҳам олиб қолди.

Эртасига Милтиқбой ака, Амир Равнақ ҳамда Файзулла Аҳмедович болаларни қолдириб пастликда, дарё бўйида ёлғиз турадиган Чоршанба отаникига боришди. Бу чол яхши сайроқи беданалар боқарди. Таъби ринд, кўнглига ёққан ошналари билан ширин улфатчилик қиларди. Унинг девзира гуручидан дамлайдиган оши жуда ширин бўларди. Оз-моз бўза ҳам ичарди. Асли у хўжакентлик Саидвақос бойнинг корандаси бўлиб, умр бўйи шу қирларга буғдой сепган, бойнинг қизига ошиқ бўлиб қолиб, куйиб юрган. Бой бўйи етган қизини бошқа бир бойнинг ўғлига бериб юборгач, Чоршанба Писком дарёси бўйидаги ота-бобосидан қолган бир пар-

ча ерга ҳовли-жой қилди. Уйланолмагач, пешанасига бир уриб, наshawандликка берилиб кетди. Инқилобдан кейин бир боши икки бўлиб, оила тузди. Катта ўғли урушда ҳалок бўлди, кичик ўғли — Абдуманноп Чорвоқ қурилишида ишлайди. Қизи, неваралари чолдан тез-тез хабар олиб туришарди. Лекин Чоршанба ота қизи ва куёвининг шунча зўрлаганига қарамай ўзининг алмисоқдан қолган бир парча ери, эски уй-айвонини ташлаб кетмасди. Қишлоқнинг Сижжак деб аталиши, асли «се-чек»дан келиб чиққанини ҳам шу Чоршанба ота айтган.

Чоршанба ота қишлоқда ҳаммадан кўра Милтиқбой акани ёқтирар, шу инвалид одам билан юлдузи тўғри келарди. Баъзида атай уни чақириб олиб келиб, ош дамлар, аллавақтгача ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтиришарди. Милтиқбой ака ҳам дўстини атай Чоршанба отаникига бошлаб келди, ярим кечагача суҳбат қилишди.

Шу бир кўҳна ҳовлидаги уй-айвон унинг олтин қасри, «оқ саройи» эдики, уни ҳеч нарсага алишмасди. Қийшайиб, шифтлари исдан қорайиб кетган уй-айвон билан Чоршанба ота бир-бирларига жуда ўхшаб кетардилар. Ўзи ғарибу кўнгли подшоҳ бу чол Амир Равнаққа ҳам ёқиб қолди. Улар анча вақтгача дардқашлик қилиб ўтиришди.

Ҳар куни зиёфат, тоғ сайри, қимизхўрликлар билан Файзулла Аҳмедовичу Амир Равнақлар бунда беш кун қолиб кетишди. Олтинчи куни улар ошнасидан ижозат сўраб, уларни ҳам Тошкентга, ўз ҳовлиларига таклиф этиб, йўлга чиқиш тайёргарлигини кўришди. Таманно билан қадрдон дугона бўлиб қолган Гулгун адаси билан гаплашиб турган Музаффаров ёнида ўралашиб илҳақ турарди. Таманно ҳам Гулгунни жуда қизиқтириб, менинг хонамда иккаламиз турамыз, институтга имтиҳон топширишингга ўзим ёрдам бераман, деган эди. Адасининг қадрдон дўсти Музаффаров оиласида туриш иштиёқи — романтикаси ва яна институтга кириб олиш истаги юрагига ҳаяжон соларди. Гулгуннинг учигга тайёр турган каптардек энтикаётганини сезган Марҳаматхон билан Файзулла Аҳмедович Милтиқбой акага қарашди.

— Қизим ўнинчини тамомлагач, ўқишга кираман, деб бориб киролмай, қайтиб келди. Агар уни ўзингизлар билан бирга олиб кетиб, институтга киришига ёрдам берсангизлар, ўла-ўлгунимча миннатдор бўлардим.

Унинг ўзи ҳам сизларникига боришга жон деб турибди, — деди Милтиқбой ака дўстига муурожаат этиб.

— Жуда яхши. Бемалол, — деди Файзулла Аҳмедович. — Менимча, бу жуда тўғри. Ёшлар ўқиши керак. Жуда керак!

— Бизникида турадилар, — деди Марҳаматхон Гулгунни қучиб, — ҳеч хавотир бўлманглар. Мана шу иккита ширин қизим яқин дугона бўлиб қолишди, ўзларининг хос хоналари бор. Институтга кириб, ўқишлари керак. Шунга ҳам ёрдам бермасамиз, сизларнинг, фронтчи дўстлигингиз қаёқда қолади.

Тошкентга бориши аниқ бўлганидан хурсанд бўлиб Гулгун чапак чалиб юборди.

Санобархон бўлса нима дейишини билмай бир чеккада ҳайрон турарди.

Худди шу дарё томонда, Чотқол тоғи этакларида кучли бир портлаш рўй берди. Ҳамма ёқ титраб кетди. Бир зумдан сўнг пастликда, Чорвоқ, Хўжакент томонда осмонга чанг-тўзон булутдек қайнаб чиқди, портлашлар бирин-кетин уч-тўрт бор такрорланди.

Ҳовлида турган меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам бир дақиқа жим бўлиб қолишди. Дарахтларда ўтирган қушлар ҳам кўкка парвоз этиб, чағиллаб, Наволисой томонга қочишди.

— Бу нима? — сўради таажжуб билан Файзулла Аҳмедович. Унинг жисмида бундан ўттиз йил илгаригидай тўплар канонадаси, портлашлар ларзаси сезилиб кетди.

— Чорвоқда тоғ қулатиб, дарёларни тўсишяпти, катта қурилиш бўляпти, — деди Милтиқбой ака Файзулла Аҳмедович билан Амир Равнаққа фахр билан.

— Ҳа, дарвоқе... — деди Файзулла Аҳмедович Чорвоқда катта қурилиш бошланиб кетганини эслаб.

XIV боб

БИР ОНИЙ ШИРИН УПИЧ..

Тўйлари яқин қолган бир пайтда иттифоқо Гулгуннинг Тошкентга кетишини эшитган Қоражон Мингбоев ўпкасини қўлтиқлаб, тўғон трассасидан тўппа-тўғри Сижжакка келди — эшик олдида қамти келган Таманно «Гулгунларнинг қариндоши», «юзлари чандиқ, басавлат қора йигит»га бошдан-оёқ тикилди. Бу йигит

унча кўримли бўлмаса-да, кишини тортадиган қарашлари бор эди. Гулгуннинг унга бўлган илиқ муносабати, шошиб, гапини йўқотиб гапириши, қизариб кетишидан бир сир борга ўхшарди. Қоражон Таманно билан боли ирғаб саломлашгач, ҳовлига кириши билан Гулгунга рўпара келди. Дарҳақиқат, Таманнонинг сезишича, Гулгун андак қизариб Қоражонга салом берди. Негадир ҳаяжонланган, бир нимадан норозидек бу йигит Санъбархонга йўлиқди. Шу томонга келганида, итгифоқо Гулгуннинг Тошкентга кетаётганини эшитиб ҳайрон бўлганини айтди. Мактаб ёнидаги боғда қандайдир иши борлигини баҳона қилиб, наридан-бери чиқиб кетди. Дугонасида уялиб турган Гулгун онасига бир гапни шивирлаб, кўчага чиқди. Эшикда турган Таманнога тез қайтиб келишини билдирди.

Қоражон шу лаҳза бошқа кўча билан айланиб мактаб орқасига ўтди. Бу фақат Таманно билан Хайрушкадан яшириниш учун керак эди. Жимжит майдонда — сада соясида улар бир-бирига рўбарў келиб, бир муддат жим туриб қолишди. Гулгун ерга қаради.

— Тошкентга кетаётган эмишсиз. Ростми?

— Ҳа. Ўқишга кетяпман. Адамни ўртоғиникида тураман. Дугонам Таманно, имтиҳонга тайёрланишда ёрдам бераман, деди. Адам ҳам, опам ҳам Музаффаровлардан, шоир Амир Равнақдан жуда илтимос қилишди. Мен Таманно билан бирга тураман. Алоҳида хона ажратиб, имтиҳонга тайёрланишга шароит яратиб берамиз, дейишди...

Қоражон кулди. Гулгун яна ҳаяжонланиб гапирга бошлади:

— Уқишим керак, Қоражон ака! Барибир ўзингиз ҳам ўқитишингиз керак эди-ку! Музаффаровларнинг келгани яхши бўлди. Омад ўз оёғи билан келади, деганлари мана шу бўлса керак...

Устидан совуқ сув қуйилгандек, бир лаҳзада Қоражоннинг ҳаяжонлари йўқолиб, жим бўлиб қолди. Гулгуннинг раъйини қайтарадиган бирон сўз айтолмади. У нима дейишини билмай яна кулди. Қизариб кетди.

— Кел,— у Гулгунни ўпмоқчи бўлиб елкаларидан ушлаётган эди, қиз эътироз билдириб қочди.

— Йўқ!

— Нега?

— Кўриб қолишади...

Лекин Қоражон бунга қарамай зўрлик билан Гулгунни маҳкам қучиб, лабларидан шундай қаттиқ ўпди-

ки, унинг пастки лаблари кейинчалик албатта кўкариб қолиши турган гап.

— Сен нима ишлар қиялпсан?! Эрта-индин тўй деганда бу нима гап?— Қоражон эҳтиросда ёниб Гулгуни бағридан бўшатмай титрар, ҳаллослар, атрофга олазарак боқарди.

— Барибир ўқитишингиз керак эди, озгина сабр қилинг,— деди Гулгун ҳам қаршилиқ кўрсатмай, Қоражоннинг бағрида жим туриб.

Гулгун аллақайси бир журналда кўргани фотосуратга ўхшатиб, сочини орқага қубба қилиб, енгсиз оқ батист кофта, тор юбка, оёғига баланд пошнали туфли кийиб олган эди. У эркаланиб, кафти билан Қоражон юзларини силаб қўйди. Елкасига бошини қўйди. Дарвоза олдида уни Таманно кутиб турганини яна бир марта Қоражонга айтиб, қучоғидан чиқиб, ўз ҳовлиси томон пориллаб учиб кетди. Йўл-йўлакай орқасига қараб қўлларини силкиб, Қоражонга хайр ишорасини қилди. У ниҳоятда шод эди. Шўх Гулгуннинг бирон нима билан шахтини қайтариш, йўлига ғов бўлиш мумкин эмас. Унинг қишлоқдан чиқиб кетаётгани, тўйнинг яна бир қанча вақтга кечикаётгани Қоражон юрагига алам солаётган бўлса ҳам, у буни Гулгунга сездирмади. Тўғри сўз, шаддод Гулгун: «Сиз фақат ўзингизни ўйла-маслигингиз керак. Сиз институтни тамомлагансиз, инженерсиз, мен ҳам ўқишим керак»,— деган гапни айтиб юбориши ҳеч гап эмас эди. Ҳар қалай, бу кутилмаган воқеа инженер Қоражон Мингбоевга ёқмади.

Аммо, бир оний ширин ўпич шу лаҳзанинг ўзидаёқ Қоражон юрагида дашту биёбонни боғу бўстонга айлан-тириб юборди. Дунёнинг нақадар чиройли ва тотли эканини англади. Рўпарадаги Чотқолдек қадди-қомати кўтарилиб, ўзини йўлбарсдек кучли ҳис этди...

Шу лаҳза бирдан кучли портлаш — гумбурлаш бўлиб, ҳамма ёқ титраб кетди. Тоғлардан акси садо келди...

Қоражон Гулгунларникига яна қайтиб бориб, у билан хайр-хўшлашиб, тўғон томонга жўнади. У худди жанг майдонидан бир муддатга қадрдонини кўргани келиб, гумбурлашни эшитиши билан яна олдинги линияга югуриб кетган жангчига ўхшарди.

Яна Қоражоннинг омади келмади. Етдим деганда йиқилгандек бўлди. Ҳамма ишлар ҳал бўлиб, тўй қиламиз деганда бу не гап? Тошкентдан чиққан одам ким экан? Қизнинг: «Ўқишга кириб олсам, эҳтимол, тўйни

ҳам қилиб олармиз... Мен ўқишга киришим керак, Қоражон ака», — деган сўзи йўл-йўлакай қулоғида жарангларди. «Ҳа, у ўқиши керак. Нега мен бунга қарши бўламан! Ўзим ҳам барибир уни ўқитардим. У энди меники. Ўзи айтгандек, мен уни кўргани тез-тез Тошкентга тушиб тураман». Шундай хаёллар билан Қоражон тўғонга қайтиб келди. Лекин ҳар қалай унинг юрагида ҳам қувонч, ҳам дард бор эди.

XV боб

БИР БАЛОСИ БЎЛМАСА, ШУДГОРДА...

Илгари Наманганда, Чортоқ қурилишида, Ўзбек-энергострой трестида, кейинчалик хўжалик ва маъмурий ташкилотларда ишлаб юрган инженер Қиёмхўжа Ҳазратов Чорвоққа ишга келди. У таъминот бўйича бош инженер муовини вазифасига белгиланди. Бу ерга у икки мақсад билан келган эди: биринчидан, пул яхши тўпланеди, таъминот ҳам юқори, иккинчидан, қурилиш тугаллангач, қурувчилар, инженер-техник ходимларнинг катта группаси орден ва медаллар билан мукофотланади. Бу гапларни у эътиборли одамлардан эшитгани учун трестдаги вазифасини ҳам ташлаб, Чорвоққа югурди. Наманганда ҳам Чортоқ қурилишига мана шундай «лакаровка» қилингани сабабли орден рўйхатига илиниб қолган эди. Мазахўракка ўрганган Ҳазратов яна «лакаровка» қилинди. Бу одамнинг темир-терсақлар, бетон-арматуралар ичида бекорга юрмагани маълум эди. Кейинчалик у ўзининг яқин бир ошнасини Тошкентдан олиб чиқиб таъминот ишлари бўйича бошлиқ қилиб қўйди. Бунинг учун у қурилиш бошлиғи Садовниковнинг розилигини олди, албатта.

Бу йигитнинг тўла номи Ишларбек Худойбергано-вич Сапчабошевдир. Баъзи ошналари Ишларбек эмас, «Шиларбек», деб ҳам аташарди. Сапчабошевнинг Чорвоққа келиш тарихи диққатга сазовор. Бу «тарих» тахминан мана шундоқ: кунлардан бир кун Хўжакентдаги минг йиллик баланд чинорлар тагида улфатлари билан ошхўрлик қилаётган Ишларбекнинг нигоҳи тинмай бетон ва арматура ташиётган йўлбарсга ўхшаш кучли юк машиналари — «БелАЗ»лар орасида «Снаб» ва «Пишчеторг» сўзлари ёзилган, сал нозикроқ, елинлари осилган соғин сигирга ёки қимиз соғиладиган байталга

ўхшаш фургон машиналарига ҳам тушди. Улар ҳам пастдаги бетон йўлда физиллаб Чирчиқ кўпригидан ўтиб, юқорига чиқиб кетишарди.

— Узоқдан туриб шуни ҳам кўрдингизми-а?— деди улфатлардан бири Ишларбекка қойил қолиб,— биз «ёғлиқ жойларни» эшитиб билардик. Сиз кўрасиз. Кўриб бориш — афзал!

— Қирғий бўлиб кетинг-э!— деди яна бири.

— Қирғий нимаси! Бургут, сорбургут! Ишларбек соҳиб чангал, у кўрсичқон овламайди, у кам деганда қўю қўзини кўтаради.

Ишларбек мамнун илжайди.

— Қани, ошдан олинглар, ош бўлсин! Қолган ҳамма гаплар бўлаверади. Қаторимиздан кам бўлмайлик, ўрнимиз йўқолмасин!— Ишларбек пиёладаги арақни қултулллатиб ичиб, афтини бужмайтирди. У бундай ҳолатда бурнининг кичиклиги билан маймунга ўхшаб кетарди. Тузланган помидордан бирини тишлади, эҳтиётсизлик натижасида помидорнинг суви сачраб, бунда «камтарона» ўтирган Ҳазратов башарасига урилди. Ишларбекнинг юраги шиғиллаб кетди; бу ярамас помидор келиб-келиб хўжайиннинг башарасига сачрайдими! Оббо хумпар-ей! Лекин Ҳазратов ўз «қўзичоқлари»нинг бундай қилиқларини «олижаноблиги» билан кечирарди. Хиждолат бўлган Ишларбекка кулиб қараб қўйди. «Бордан юқади-да»,— деб кулди. Ишларбекнинг «бургут нигоҳи» дам Ҳазратовга, дам посёлка томонга тушарди. Шундай қилиб, Ишларбек Сапчабошев Чорвоқ қурилиши бошқармасида ўралашиб қолди; Садовников, Шишкин ва бошқалар билан учрашиб турар, таъминот ишларида шоввозлик кўрсатарди. Унга Тошкентдаги баъзи казо-казолар яхши тавсиянома ҳам ёзиб берган. У қурилишдаги мансабдорлар билан алоқани мустаҳкамлади. Садовниковнинг икки жажжи ширин қизчаси кўп вақт Сапчабошев идораси атрофида оҳулардек чопқиллаб ўйнаб юришарди. Ишларбекнинг, Ҳазратовнинг қизлари билан қалин дугона бўлдилар. Шу атрофда бу қизларни «ўз папочкалари» машинаси ҳам кутиб турарди. Бу машинада баъзан қийим-кечак, баъзан қора икра, апельсинлар... олиб кетишарди.

Ишларбек Сапчабошев антиқа одам; баъзан ўзини ўта гўлликка солар, баъзан ўта айёр. Баъзан юзига тупурсангиз қўли билан артиб ташлаб, ҳингиллаб кулиб қўя қолади. Бу пайтда у бир нимани ўмариб, сизни шилаётган бўлиб чиқади. Баъзан ошналари: сен Худой-

берганович эмас «Худоурганович» сан, дейишарди. Аввал бу «ҳазил» га жириллаб кўрди, кейинчалик кўни-киб, кулиб қўядиган бўлди. «Мен атеистман, майли, худо урган десангиз ҳам хафа бўлмайман, чунки мен худони танимайман! Худони танимаганимдан кейин нима десангиз деяверасиз-да! Мени худо берган эмас, мен материядан пайдо бўлганман», — дерди. Бундан анча илгари маҳалла чойхоначиси унга тикилиб туриб, катта йигит бўлганини кўриб ҳайратланган эди. Доим кўзи бежо бу йигитни ўша шилдирлиги билан маҳаллада яхши танишарди.

Ишларбек Сапчабошев қирқ саккиз, қирқ тўққиз ёшларга борган, новча кимса. Унинг барвақт сочи тўкилиб, тепакал бўлиб қолган. Икки қулоғи усти, орқа бўйнида маккажўхори попугидек жонсиз, қўнғир сочи бор. Икки тола сочни яхмалак отса бўладиган бошида у ёқдан бу ёққа тортиб қўяди. Пучуқроқ бурни остида нос тупуриб қўйгандек кичик мўйловчаси ҳам бор. Лаблари қалин, кўзлари чақчайган. Барвақт сочлари тўкилганига баъзи уруғлари таажжубланарди. Ўзи бўлса, буни диққатбозлик, «илмий ишни кўп қилгани» оқибати дерди. Умуман, у ўзини кўп фикрлайдиган, кўп ўйлайдиган одам сифатида кўрсатарди. Бир ҳисобда бу тўғри. Шу сабабли, ҳаммага равшанки, бошдан тезда соч тушиб кетади. У ўз уйида, рамка ичида ёшлигидаги, боши тўла жингалак сочилигида тушган суратини сақларди. Бу сурат ўн тўққиз, йигирма ёшлардаги вақти бўлса керак.

Ҳазил ҳазил билану лекин мана шу Ишларбек Сапчабошевнинг ҳам ўз фожиаси бор эди. У ўз ибораси билан айтганда, «бизнесмен» бўлиб, ариллаб-дариллаб юргани билан бир муштипар она уни «паҳлавоним», «орқамда қоладиган бўстоним», деб, унинг қинғир-қийшиқ ишларини билмас, ҳукуматга садоқат билан ишлаб юрибди, деб ўйларди. Савдо, хўжалик ходимларига «бўрининг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон...» қабалида қараш баъзи жойда одат тусига кирган эди-ю, аммо Чорвоқда ҳеч ким Ишларбекка шубҳа кўзи билан қарамасди. Бу одам ниҳоятда меҳмондўст, чопонини сотиб бўлса ҳам ошна-оғайнилари кўнглини оладиган, бир аломат улфати кимса эди.

Иттифоқо бир куни Ишларбек уйга аҳдлашиб қўйишган беш-ўн ошнаси келиб, атаб қўйгани қора қўйнинг «масаласини ҳал қилмоқчи» бўлишди. Якшанба куни кечга яқин Ишларбек ижарага турган ҳовлига

ошналари бирин-кетин кириб келишди. Эшикда туриб, ошналарини кутиб олаётган Ишларбек таклифга кўра бу ерга келган Қоражон назарида сал бошқачароқ кўринди. Ҳамма вақт чақнаб юрадиган бу йигит ҳаммага илтифот қилар, овқатга ва ичкилик ичишга таклиф этарди-ю, ўзи бир ерда ўтиролмай, у уйдан бу уйга хомуш кириб чиқарди. Унинг икки боласи ҳам кулишмас, меҳмонлар ёнига кириб, одамларга тикилишиб, яна чиқиб кетишарди. Меҳмонлар тоза еб-ичиб, тунда тарқалишди.

Эрта билан маълум бўлишича, худди шу пайт Ишларбекнинг касал ётган онаси қазо қилган экан. Меҳмон чақириб қўйган Ишларбек ошналарнинг кайфу шодлигини бузмаслик учун қазо қилган она энгагини боғлаб, юзига дока ёпибди-ю, буни билдирмай, меҳмондўстликни давом эттираверибди... Бу воқеадан хабар топган Қоражон Мингбоев эрта билан ошнасиникига югуриб келди. Дўст-ёрларга хабар қилишди. Кампир жасадини Тошкентга олиб бориб жаноза билан тупроққа топширишди. Қоражон Мингбоев Тошкентда то қабристонгача дамо-дам она тобутини елкасидан қўймай кўтариб борди. Аввал куни зиёфатда ўтирган йигитларнинг кўпчилиги келиб хизмат қилишди.

Маросимлар ўтди. Бир ойдан сўнг Ишларбек билан учрашиб қолган Қоражон, тортиниб, унинг юзига меҳмондўстлик бундақа бўлмаслигини шартта айтмоқчи бўлиб турган эди, Ишларбек гап бошлади:

— Биз дунёга мол-дунё орттириш учун эмас, дўст орттириш учун келганмиз, қандоқ қилай, қисмат шундоқ экан, онамларнинг қазолари худди шу кунга тўғри келиб қолди...

— Қазони бекитмаслик керак эди!— деди кўзини ола-кула қилиб Қоражон,— она қазо қилармишу, биз ичиб, кайф қилиб ўтираммиз?! Хўш, шундоқ мусибат бошга тушган экан, зиёфатни тўхтатиб, барчамиз сизнинг ёнингизда туришимиз керак эди. Бундай сохта меҳмондўстликни сизга ким ўргатган?! Ичингдан қиринди ўтиб турганда ҳам меҳмоннавоз бўлгин, деб ким ўргатди сизга?!

— Биз тошкентликлар шунақамиз...

— Сизлар-а?!

— Ҳа!

— Ҳамма тошкентликлар сизга ўхшаган эмас! Бундақа меҳмондўстликнинг падарига минг лаънат! Бу меҳмондўстлик эмас, пасткашлик! Ҳа, очиқдан-очиқ пасткашлик! Аввал ўзингга қара, меҳмон чақиринг

керакми — шароитинг қалай, нарсаларинг етарлими, имкониятинг борми, агар имконияти бўлса, унда меҳмон чақир ёки меҳмонман, деб келганларни қабул қил. Агар имкониятинг йўқ экан, меҳмон чақириш шарт эмас. Бу гапни мен фақат сизга айтаётганим йўқ, ошпа, бу гапни ҳамма «меҳмондўстлар»га айтаяпман. Қачон бизлар одам бўламиз?!

Ишларбек миқ этолмади.

— Онаси ўлса ҳам юзига парда ёпиб, меҳмондўстлик қилаверармиш! Суф, сиздака «меҳмондўст»га!

Улар ўртасида бўлаётган гуфтигудан инженер Ҳазратов ҳам хабар топди.

Эртасига ишдан кейин Қоражоннинг яна Қўнғирбуқа тоғига ўрмалаб чиқиб кетаётганини кўришган кишилар фронтчи йигитнинг бир нимадан хафа бўлганини пайқашди. Участка бошлиғи инженер Мингбоев тоққа чиқдими, демак, бир гап бор... Қоражон Қўнғирбуқанинг қоқ белидаги япасқи тошга ўтирди. Бу тошни «агар» деса ҳам бўларди. Онаси ўлимани яшириб, меҳмондўстлик кўрсатмоқчи бўлган нодон Ишларбек унинг асабларини дабдала қилган эди. Бурунги узун чопон «ўзвалар» ҳам бу «меҳмондўст»дан минг чандон ақлли. Ярамас! Қоражон Мингбоевнинг ўша уйда еган-ичгани ичига заҳар бўлиб кирди. Фронтдаёқ асаблари қақшаган чандиқ йигит Қўнғирбуқа устидан Сижжак томонга тикилди. Ҳув, олисда кун сайин кўпаяётган Чорвоқ денгизининг бир четида ажойиб қишлоқ бор. Бу қишлоқда дунёда ҳеч тенги йўқ гўзал қиз туради. У ҳозир Тошкентга кетган. Тошкентдаги Гулгун ўрнидан туриб, Қоражонга кулиб боққандай бўлди. «Хўш, йигит, жим бўлиб кетдингиз, қаёқдасиз?» — дегандай бир товуш қулоғига эшитилди. «Бирдан қаттиқ киришганлар бот айниб кетадилар, деб эшитган эдим. Шундоқ бўлмаётганмиқан? Мана, қанча кунлар ўтиб кетди, лекин сиз келиб ҳолимдан хабар олмадингиз... Мендан айниб қолдингизми? Сабаб нима?» — дегандай бўларди. «Йўқ, бундоқ эмас, жоним, мен сени жонимдан ҳам яхши кўраман! Сен бебаҳо қизсан!..» — дерди Қоражон тоғ устидан ўша гўзал қишлоқ томон тикилиб.

Ушанда грипп тарқалган январь ойида ўн кунча ётиб чиққан Ҳазратов, «бу гриппга дори йўқ, суюқ овқат, чой ичинглар», деган гап беҳуда эканини маълум қилди. Бу гриппга қарши дори борлиги, у жуда қиммаг, фақат баъзи катталар учтадан укол олаётганини айтиб, ўзи ҳам Тошкентда ким биландир гаплашиб, ким

нингдир рухсати билан бу уколдан олганини мақтаниб гапирди. Ҳазратовнинг гапига қараганда, бу уч укол янги гриппни йўлатмайди ёки енгил ўтади... Э, тавба! Бу гапни эшитган Шишкин билан Мингбоевнинг боши қотиб қолди. Агар бу дори кам бўлиб, барчага етмаса, унда нега «бу янги грипп учун вакцин йўқ, фақат сувни кўпроқ ичиш керак...» деган гап телевидениелардан тарқатилди экан? Ҳазратовнинг бу гапни очиндан мақсади нима? Мингларча оддий кишилар ўз иситмасида ўзи қовурилиб ётаверади, демоқчими? Бу гапни тарқатмаганда яхши бўларди, деди Қоражон. Ошнасма Ҳазратовда кўпроқ ўзини ўйлаш, бошқани менсимай, казо-казолар сафига кириш каби одатлар эскидан бор эди. Намангандан, Чортоқ қурилишида орден олиши ҳам шундай суйкалиш натижаси бўлди. Агар Ҳазратов раъйига қаралса, одамлар табақа-табақага бўлиниб кетади. Ошнасининг шу томонини Қоражон мутлақо ёқтирмасди. Курсдош ўртоғини ҳурмат қиларди-ю, димоғдорлигини хуш кўрмасди.

Кўп ўтмай Ҳазратов Чорвоқни ҳам ўзиники қилиб олди. Келишган қадди-қомати, сўзамоллиги билан атрофига одам тўплар, баъзан Садовниковни лол қилиб қўярди, Қоражон унча-мунча майда гапларни тилига чиқармас, иш бор жойда камчилик бор, турли феълу атвордаги одамлар бўлади. Шу сабабли юракни кенг қилиш керак, дерди у ўзига-ўзи.

Ўзи Ҳазратовнинг сиполиги, инженер деган номи, бир қанча қурилишларда қатнашгани кишиларни унга ҳурмат билан қарашга мажбур этарди. Мингбоев билан Шишкин ҳам ўз курсдошларига қаттиқ ишонарди. Шўхроқ, чиройли хотинларга суяги йўқлигини кечиришарди. Чунки шу қирчиллама ёшда ким сўфи бўлибди! Ҳар қандай йигит ҳам бир гап-сўз бўлмайд иложи йўқ...

Ишларбек эса сал барвақтроқ ўзининг кимлигини кўрсатиб қўя бошлади. Ўзи ишга олиб келгани сабабли Ҳазратов баъзан Ишларбекдан хафа бўлиб, бўғилиб қўярди.

Обакихон Намангандан Ҳазратов билан бирга келиб, кейинчалик Ишларбек билан ҳам қадрдонлашиб кетди. Кунлардан бир кун Ишларбек Тошкентдаги ўзининг икки хонадан иборат подвалига уни олиб тушиб, осиб қўйилган узумлардан бир бошини тутқазди. Шу ердаги устига гилам ташлаб қўйилган диванга ўтириб, Обакихон узумдан чўқилаб еди... Ҳазратовнинг хотини Гулбаданнинг «уришқоқ, ёмон хотинлиги»дан арз

қилди. Подвалнинг ичи озиқ-овқатга тўлиб кетган; шифтга қатор қазилар, иккинчи хона шифтига қирқма қовунлар илинган эди. Пастда яшиқлардаги семиринка, тухум олмаларнинг ҳиди димоққа уриларди. Катта бидонда қўй ёғи, бир неча яшиқда коньяк, арақ ва бошқа турли ичимликлар... бор эди. Ишларбекнинг Тошкентдаги бу подвали Ҳазратовга ҳам маълум. Бунда у кўп бўлган. Обакихон подвалга озиқ-овқатларнинг сархили ғамланганини, уч литрлик шиша банкаларда асаллар ҳам борлигини кўрди. Унинг рўпарасида қўл қовуштириб турган Ишларбекка тикилиб, жилмайиб гап қотди:

— Ишларбек ака, нега сизнинг отингизни «Ишларбек» дейишади?

Нозу неъматларнинг сархилини тўплагани, подвалнинг яхшилиги, қазилар осиб ташлангани фақат диваннинг яғир бўлиб кетганини ҳисобга олмаганда, ишлар жойида экани ва умуман, шулар ҳақида бир нима сўраса керак, деб Обакихоннинг лабларига тикилиб турган Ишларбекка тўсатдан исми ҳақида савол тушгани уни шошириб қўймади. Бу савол унга тез-тез берилар эди. У яхши жавоб тайёрлаб қўйган эди ҳам:

— Аслида отим Ишларбек. Паспортида ҳам шундоқ. Бу яхши ишловчи, забардаст деган маънони беради. Лекин ошна-оғайнилар эркалаб «Ишларбек» қилиб юборишган. Ха-ха-ха-ха!.. Хафа бўлмайман. Ёшлигимизда текисгина йигитча бўлганмиз-да. Оз-моз шўх бўлганмиз... Бўлар экан-да!

— Тавба! Шунақа ҳам исм бўладими?!— Обакихон рўпарасида ғўдайиб турган Ишларбекка қараб кулди. Бу кулиши билан менга нима, менга деса оти бунданам баттар бўлмайдими? Менга унинг червонлари керак, дерди ичида. Шу лаҳза яна савол берди:—Ўзгартириб олишнинг иложи бўлмайдими? Жуда бўлмаганда «Чаққонбек», «Илғорбек», «Илдамбек»... деган сўзлар ҳам бор-ку?

— «Наматбой», «Тезакбой» деган исмлар ҳам бор. Нима, меники ўшалардан ҳам ёмонми? Бу ничево! Худойбергановични баъзилар «Худойурганович» дейди. Нима, шунга ҳам хафа бўлайми? Мен жиртакни эмасман, оғир одамман. Ҳамма гапга чидашга одатланганман. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури, деган алломалар! Ҳар нарсага жаҳлингиз чиқаверса яшаб бўладими! Ҳозир ўртача ёш етмиш эмиш. Ҳамма ёқда дори, газ, селитра... Мен танқиднинг ҳам оғир

варбаларига чидашга одатланиб қолганман. Бир ярамас мени катта калибрдаги фирибгар дебди. Чидаганман. Чидаш керак! Ҳамма нарсага асабни бузаверсак, тезда рак бўлиб, ўлиб кетишимиз мумкин. Улмаслик керак? Шунинг учун индамай ишимни бошлаб қилавераман. Врачга кўриниб тураман. Мен яхши яшайман. Нариги кўчадаги бир қўшним чесний бўламан деб, бечоралар карам шўрвадан нарига ўтишолмайди. Кийимлари ҳам инчунун... Биз яшаймиз, яшашни биламиз. Ҳукуматнинг олди тор, орқаси кенг, ўмарган ўмаради, ўмаришни билмаганлар тишининг кирини сўриб ўтираверади.

— Ўмарганлар қўлга тушиб, уч йил ўтириб ҳам чиқади...

— Қаёқдан эшитгансиз?— кулди Ишларбек,— начора, баъзан шунақаси ҳам бўлади.

Обакихон унга маҳлиё бўлиб, тикилиб қолди.

Ишларбек Обакихон ёнига ўтириб уни бағрига босди.

— Қўйинг, қўйиб юборинг, кеннайим кўриб қоладилар.

— Кеннайингиз чарларга кетганлар, қўрқманг!

— Йўқ, бўлмайди!— Обакихоннинг қўлидаги узуми ерга тушиб, сочилиб кетди.

— Бўлади!— Ишларбек ҳаллослай бошлади,— бўлади, жонидан, ахир мен... шу умид билан...

Аввал шунчаки қаршилик кўрсатмоқчи бўлган Обакихон, кейин индамай қолди...

Унга ёқиш учун бир муддатдан кейин сохта гингшиди...

Бирон соатлар ўтгач, Ишларбекнинг тинкаси қуриб, подвал зиналаридан юқорига кўтарилди. Кечга яқин Обакихон уйига кетди. Ётиб ухлади. Кечаси келган эрини ҳам сезмади. Эрталаб таъби хира, эри билан айтишиб олди:

— Сиз ҳам эрми? Сўфиларга ўхшайсиз. Ўйнатмайсиз, ҳеч ёққа олиб бормайсиз! Узингиз ҳам... Умрингизда бирон хотинга гап ташламагансиз...

— Ҳой, Қимсанхон, ундоқ деманг. Мен ҳеч қачон ўз биографиямни бузган эмасман... Мени гап бўлишим мумкин эмас!

— Биографиянгизга тупураман!

— Ия, ия!

— Биронта хотинга ёқмаган совуқ кесак кимга керак! Мени гап қилишибди...

— Нотўғри! Мен сизни ҳеч қачон одобсиз деган эмасман!

— Денг! Деганингиз яхши эди! Ундан ҳам қаттиқроқ гапга лойиқман. Бирон марта тарсаки тортиб юборишингизни кутдим. Бирон марта сўкмадингиз!

Шу лаҳза Обакихон кўз олдида Ишларбек пайдо бўлди. Унинг икки қўли галифе шими чўнтагида, кўлиб, гўдайиб турарди. Обакихон бир оз бўшашди. Эрини жеркишни тўхтатди:

— Бўпти. Баттар бўлинг!

* * *

Обакихоннинг яқинда тегиб, номига эр қилиб юргани Қоризода олтмиш ёшларда. Бултур идораси қовун пишиғини мўлжаллаб, пенсияга чиқиш — «юбилей» маросими ўтказди. Уни жуда ҳам жўн, лақма одамлигидан фойдаланиб, мазах қилиш мақсадида атрофдаги баъзи одамлар атайин кўкларга кўтара бошлашди. Умрида бирон тузук иш қилолмаган Қоризода аввал бу мақтовларга ҳайрон бўлиб қаради; ҳали мен шунақа одамманми, деди ўзига-ўзи. Кейинчалик хом сут эмган инсон, мен шунақаман, деб барча мақтову пўрсилдоқ гапларни ўзига олди. Қоризодани атай пуфлаша бошлашди. Институт бухгалтери деган мана бунақа бўлади, деб ҳаммага кўз-кўз қилишмоқчи бўлишди. Қоризода босар-тусарини билмай, мақтовлардан маст бўлиб, пуфлаб турғазилган болаларнинг резинка ўйинчоғига ўхшаб гўдайиб юрди. У наздида яккаю ягона, ошналари ичида баъзан бирон журналда ўқигани — икки бошли туғилган бузоқ каби хабарларни илмийроқ қилиб гапирарди. «Арман радиоси», Афанди латифаларини ҳам дона-дона қилиб, «илмий» қилиб айтарди. Гаплари орасига мақоллар қўшар, агар шундоқ қилинса гаплари илмий жиҳатдан тўла бўлиб чиқаётгандай... Маҳалладаги райпишчеторг ошхонасида унинг «юбилей» кечаси «тантанавор» ўтди. Энг қизиги шу бўлдики, зерикиб юрган Обакихон Ҳазратовнинг топшириғи билан Қоризодага тегди. Улар иккови ҳам зиёфатда ўтиришган эди. Хотини ўлган, сўққабош Қоризода: «Худо гўзалликни кўрмоққа, нозу неъматларни емоққа яратган», — деб «чуқур фалсафий гаплар»ни ҳам чулдираб гапирадиган бўлди. Шундай «фалсафий» гаплар Обакихонга керак эди; у домлага «кўнгли борлиги»ни изҳор қилди. Эрли хотинлар ўйнаш тутса иш бегидир бўлишини ўйлади. «Сўфи

бўлиб ўтиб кетишни ният қилганмисиз?» деб сўраган эди бир куни Обакихон. Қоризода ҳаяжонланиб гапирган эди: «Ие, дунёдан умидимиз кўп, сўфи-тақводорликни бурунги замоннинг одамлари қилаверсин! Биз янгича одаммиз. Шунча ўқиб, ўтиб кетаверамизми? Йўқ, йўқ, биз сўфи эмасмиз! Биз янгича! Қолбаса кам еймиз, консерва ҳам еймиз. Кўнгил тортган ҳамма нарсани ейиш мумкин».

Қоризоданинг юзлари япалоқ, ёшлигида лақаби «чириган» бўлган. У ичини қурт еб, пўкак бўлиб қолган толга ўхшарди. Обакихоннинг унга кўз қисиб, муқом қилгани бирданига ҳаловатини бузди. Ҳладиган дунёда мен ўзимни ўзим тангри нозу неъматидан маҳрум этиб юраманми, деди. Жаннатдан чиққан ҳурилиқо ўз оёғи билан келиб, кўз қисиб, қош учуриб турса-ю, мен ўзимни четга тортсам! Мен ҳам сочилган насибамни териб еб, шукур қилиб юрсам, биров бир нима дейдими?! Қоризода ўшанда Обакихонга муқом қила бошлаган эди. Унинг қўл-оёқлари қовушмай, лаблари гапга келмай, гўлдирар, яхши кўриниш учун ҳар хил қилиқлар қиларди. Шундай қилиб, улар Ҳазратов сабаб бўлиб эру хотин бўлиб олишди.

Кунлардан бир куни Ҳазратов яна Обакихон билан учрашди. Ҳазратов унга тикилиб турарди.

— Мунча тикиласиз, юзим текис, юзимда хато йўқ!

— Қаерингда хато бор?

— Буни сиз биласиз.

— Ҳа, сен,— деди Ҳазратов ҳозиргина Обакихоннинг оппоқ билагига кўкарган ерини кўриб. У бекитишга ҳаракат қилган бўлса ҳам сезиб қолди. Ҳазратов калласидаги хаёлни Обакихон пайқади.

— Домла билан диванни сураётган эдик, қирраси тегиб кетди. Кўкариб қолди. Оз-моз оғрияпти ҳам...

— Ҳа, сен,— деди яна ичида Ҳазратов,— Ишларбек билан учрашаётганга ўхшайсан!— У чарчоқ ва хомуш ўтирди. Унинг жуда таъби тирриқ эди; баъзи сирлари Ишларбекка маълум бўлаётганини кўнглидан ўтказди. Кейинги пайтларда унга хўмрайиб юрарди. Назарида, ўғрини қароқчи ураётганга ўхшади. Кейинчалик Обакихон Ҳазратовдан кам илтифот кўраётгани, тақинчоқлар олиб келмаётгани сабабли Ишларбек билан яна дон олиша бошлаган. Бу билан у Ҳазратовдан ўч оларди. Бу «интиқом»ни сезган Ҳазратов Обакихондан кечиб кетмоқчи бўлди. Бунинг иложини қилолмади. У ўзини касалликка солиб юрагини чангаллади.

— Бўлмаса, нега бундақа қиласан?!

— Мен ҳеч нима қилаётганим йўқ. Шубҳаларни йиғиштиринг. Мен сизни яхши кўраман. Яна сизга нима керак? Мен эримга хиёнат қиляпман, сизга эмас. Сиз бунга тушунишингиз керак. Виждоним олдида менга жуда қийин. Мен нима азобларда юрибману яна сизнинг мана бу совуқ муомалангизни ҳам кўтарайми?

Обакихон бармоқлари билан оғзини бекитиб, пиқиллаб йиғлади. Унинг кўз ёшлари чиройли юзларини нам қилди. Бир лаҳзадан сўнг Қиёмхўжа Ҳазратов қаҳр-ғазабдан тушиб, Обакихоннинг елкаларига қўл узатиб, қучмоқчи бўлди. Лекин Обакихон унинг қўлларини итариб, ўрнидан дик турди-да, нариги хонага чиқиб кетди.

XVI боб

МУЗАФФАРОВЛАР ХОНАДОНИ

Шундай қилиб, Гулгун Музаффаровлар билан бирга Тошкентга келди. Олдинги тутун ранг «Волга»да Амир Равнақ билан Файзулла Аҳмедович, кейинги оч ҳаво ранг машинада эса Марҳаматхон билан икки қиз — Таманно, Гулгун ўтиришарди. Меҳмонлар тоза ўйнашиб-кулишиб, кайфлари чоғ, тоғ йўлларида тараллабеод қилиб келишарди. Хўжакентдаги минг йиллик чинорлар ёнига етишгач, машиналардан чиқиб, авлиёлар яшаган ғорларни, тошга ўйилган қадимий ёзувларни ва кийик шаклларини томоша қилишди. Булоқдан сув ичишди. Кун чиқиш томонда икки тоғ оралиғида ердан қад кўтараётган тўғонга ҳам узоқдан тикилишди. Улар чинорлар остидаги қоятошларга чиқишар экан, Файзулла Аҳмедовичнинг новчалиги, Амир Равнақнинг (асли исми Мир Муслим Миршарипов) жуссаси ихчамлиги ҳаммага сезилиб турарди. Марҳаматхон бир куни ҳазиллашиб, уларни «Пат ва Паташон» деб атаган эди. Амир Равнақ дўстини «Божа», у эса шоирни «Почча» деб атарди.

Амир Равнақ билан Музаффаров нималарнидир гаплашарди. Гулгун ҳам бу тўғонга тикилди; у қўлларини қошига соябон қилиб қарар экан, шу тўғон устида хомуш, унинг кетишидан норизо бўлиб ўтирган Қоражон кўзига кўриниб кетди. Шу ой ичи тўй қиламиз, деганда ўжарлик қилиб: «Мен ўқишим керак!» — деди у. Онасига тутақиб: «Мени бир марта эрга бер-

динглар, севмаган кишига эрга тегиб хато қилдим... Энди нега шошиш керак! Мен ҳам ўқийман!» — дегани хаёлидан ўтди. Қоражоннинг ҳақиқатан яхши кўришини, бу йигит кўнглига ёққанини ҳам билади. Лекин начора! У ўқиши керак! Институтга кириб олса, эҳтимол, бир-икки йилдан кейин унга тегавериши мумкин-дир... Тошкент узоқ эмас-ку!

Машиналар Дўрмондан ўтиши биланоқ иссиқ ва оғир ҳаво сезила бошлади. Буни ёшлардан кўра ҳам кексалар тез пайқашди. Бўстонлиқ районининг ҳар қанча чиройли, табиат қучоғининг бениҳоя дилбарлигига қарамай, Марҳаматхон учун иссиқ ва ҳавоси оғир бўлса ҳам Тошкент яхши эди. Ўз уйим — ўлан тўшагим... Тошкентда туғилиб-ўсганлар бу улуғ шаҳарнинг на иссиғию на совуғини ва на чангу рутубатини сезадилар. Тошкентликлар учун дунёда ундан кўра муаззам шаҳар йўқ. Бир йили аранг асъасою дабдаба билан Ялтага борган Марҳаматхон уч кундан сўнг кетаманга тушиб қолиб, айни ёз чилласида яна Тошкентга қайтиб келган эди. Баъзилар, тошкентликлар ўз шаҳарларини ташлаб бошқа ерларда туrolмайдилар, дуо кетган... дейдилар. «Биринчидан: Тошкент дунёда энг ширин сув бўлмиш Чирчиқ сувини ичади. Чирчиққа Наволисой билан бирга мингларча булоқлар қўшилиши ўз ўзидан маълум. Иккинчидан: Тошкентда континентал иқлим бўлиб, минтақанинг ўрта қисмига жойлашган. Учинчидан: Тошкент билан Самарқанднинг табиий қулай минтақаларда туришини мозийдаги аждодларимиз — сугдиёнлар билан саклар ҳам қайд этган, балки уларнинг ўзи шу ерларни бунёд этгандир... Тошкент билан Самарқандга тил тегизиб бўлмайди. Тошлоқ дала ерлар қолиб, шаҳримиз атрофидаги чорбоғлар, мевазорлар бузилиб, иморатлар қалаштириб ташланганини тарих ҳеч кечирмайди! Қанча чорбоғлар бузилиб кетди, юз йиллик ёнғоғу туту ноқлар... Шотут тамоман йўқолиб кетди!» — дерди ҳасратидан чанг чиқиб Музаффаров. Бундоқ гап кетганда ўзини тутолмай қоладиган Амир Равнақ бошини сарак-сарак қилар: «Э, азизим, булар тушунишмай ётибди! Кимга айтасиз бу гапни! Қанча яхши ишлар бўляпти, тўғри, биз буни эътироф этамиз. Ҳукуматимиз зўр ишлар қиляпти. Лекин шаҳарда шилдираб оқиб турадиган ариқларнинг кўмилиб кетгани, қовун полизга дори солинаётгани бизнинг тилимизни қичитмай иложи йўқ. Биз, қалам аҳли индамай ўтолмаймиз, бу бизга теккан касал.

Шу тилимиз ўлгур қичиб, баъзан балога қоламиз. Исполкомдагилар кўпроқ мажлис қилишади: умрида битта ҳам дарахт кўкартирмаган думбул бир йигитча шаҳримизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича мудир. Узи будканинг орқасида туриб пиво ичгани ичган... Вазифа нуқтаи назаридан шу кимсаяна бунинг устига районга депутат. Атрофига ўзига ўхшаганларни тўплаб, бизга ўхшаганларни бир пақирга олмайди! Э, азизим, юз йиллик ёнроғу шотутни бульдозер билан қўпориб ташлаш осон, аммо ҳалиги ўпкаси йўқни мудирлигидан олиб ташлаш қийин!»

Икки кекса кела-келгунча йўлда ҳасратлашиб келишди. Амир Равнақнинг машинасини ҳайдаб кетаётган шофёр йигит бўлса, киши кексайган сари инжиқроқ бўлиб қолиб, атрофида бўлаётган деярли барча ишлардан норози бўлаверишини пайқаб, уларнинг гапига ортиқча аҳамият бермасди. Ҳа, дарҳақиқат, ўттиз-қирқ йил илгари шу икки одамнинг айрим ишларидан ўша вақтдаги кексалар ҳам бурнини жийириб, норози бўлган эди. Бу азалий одат, «шикоятлар»дан ёмон хулоса чиқариб, уларни қоралашнинг ҳожати йўқ. Ҳозирги навқирон киши ҳам бир кун кексайиб, ўзи қилган ишларни маъқул кўриб, янги авлод ишларини унча ёқтирмай, арз-дод қилади. Бу аниқ! Шунинг учун ҳам ҳаёт Чирчиғу Чотқол сувларига ўхшаб тошдан тошга урилиб бўлса ҳам олдинга оқади. Оқсин! Кўлмак бўлиб қолиш ёмон.

Амир Равнақ ҳам, Музаффаров ҳам гапириб-гапириб, кейин ўкинишга тушишарди. Бу инкору қисман норизолик тагида ҳаётни севиш ва талабчанлик туйғулари ётарди.

— Шундай кишилар борки, улар онадан тўғридан-тўғри мансабдор бўлиб туғилган, яъни қўчқор туғилган... Улар одамлардан ажралиб юрадилар,— деди Амир Равнақ,— тобуткаш ҳам эмас, тўйда пешкаш ҳам эмас. У бир пиёла чойимизни ичмайди, бир пиёла чой ҳам қуйиб бермайди. Улар фақат мажлисларда ҳамма билан «ўртоқ», яъни расмий гаплашадилар.

— Анавини айтяписиз-да,— деди Музаффаров,— у кафтида кири йўқ одам, тушундим. Охири унинг кимлиги маълум бўлиб чиқди-ку!

Амир Равнақ жужунчаси чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, унга араб алифбосида қия қилиб ёзилган шеърини Файзулла Аҳмедовичга ўқиб берди. Шоир бу шеърда кимнидир ҳажв қиларди:

Ун икки ой «отпуска»да,
Лекин маошлар киссада.
Идорага ўт тушса-да,
Акамлар боғдадир, боғда.

Дўст юзига шарт тупуриб,
Минбарларда зап кўпириб,
Фитна шаробин шөпириб,
Акамлар боғдадир, боғда...

— Жуда боплабсиз! — деди Файзулла Аҳмедович, —
очиқроқ ёзиб юборибсиз, зарар қилмасмикан?

— «Муштум»га бераман, — деди Амир Равнақ кескин. Унинг жуда ғазаблангани сезилиб турарди. — Бу кимса ё янги йил киришида, ё бирон байрам арафасида ошналарига шум хабар етказиб, бундан завқланади. Кўринишда мусича, аммо зимдан иш тутадиган беҳосият шахс. Шу кимса қилгиликни қилиб, кейин какликка ўхшаб, бошини қорга тиқиб ётаверади.

— Топибсиз.

— Яна эшитинг:

Умринг ўтажак, ғам тугамас, ёр кутарми...
Доно кишиким ғам ила ғамнок ўтарми!
Ҳар ишчи тушибди, нетасан, бор чегараси —
Ғамни унут, ақли расо дилда тутарми.

— Офарин!

— Шу рубойни мен Нишон акага ёздим. Бошига ўлим тушиб, кўп ҳасрат чекди. У бебаҳо одам. Қирқ йилдан бери Ташсельмашда ишлайди.

— Яхши.

Бир лаҳзалик сукутдан кейин Амир Равнақ суҳбат доирасини кенгайтирди. У фақат маҳалласининг эмас, халқнинг шоири эканини билдирмоқ ниятид! жаҳоний масалаларга суҳбатни бурди:

— Шоир қалби дунёни тинглайди, биз фақат ўз уйимиз ҳақида қайғурадиган шоир бўлиб қолишдан қўрқамиз. Америка ҳарбийлари ваҳшийликни ҳаддан ошириб, Вьетнамдаги бутун бир Сонгми қишлоғи аҳолисини каттадан-кичигигача қириб ташлади. Болаларнинг нима гуноҳи бор эди?! Генерал Уэстморленднинг ҳам боласи, невараси бордир! Нега улар қирилмайди?! Жемс Даффи ва ёки бошқа бир лейтенантнинг буйруғи билан болаларни отиб ташлашди. Бу кимсалар на ачи-

ниш ва на уволни билади. Улар Вьетнамда ўз қурола-рини синаб, бу мамлакатни қўшинни чиниқтирадиган полигонга айлангиришди. Халқлар буни асло унутмас-лиги керак! Бундай қабихликлар қилаётганларнинг на радиоси ва на газетаю нутқиға ишониб бўлади! «Аме-рика овози» ва Биби-силарга қулоқ соладиган нодон стилияга болаларимизнинг қулоғи тагига бир-икки тар-саки қўйсак ҳеч зарар қилмайди. Баъзи болалар душ-манинг катта пул сарф қилиб, ташвиқот қилаётганига тушунмай чалғишяпти!

— Баъзи болалар деганингизга бир нарса ёдимга тушди,— деди Музаффаров,— шовқин-сурон, тарил-лаш кишилар асабини бузиши, саломатликка зарари уч яшар болага ҳам маълум. Шаҳар шароитида тиним дунлари сирти силлиқ йигитчалар магнитофонлари тўй баҳона эрталабдан бошлаб бақиртириб қўйишлари жонга тегди! Бу безориларнинг қилиғини йўқотишда участка милиционерлари ҳам четда турмасликлари ке-рак эди. Лекин минг афсус...

— Мотоцикли атай тариллатиб, одамларни безов-та қиладиган йигитчаларни одобли йигитлар деб бўла-дими!— деди Амир Равнақ.— Боз устига машҳур қў-шиқларимизнинг сўзини олиб ташлаб, бошқа сўз тиқиб ижро этиш яхши эмас. Яна бунинг устига шева-чиликни авж олдириб, узоқ йиллар мобайнида ишла-ниб, қонунлашган ўзбек адабий тилини, унинг фонети-касини ҳам бузаяптилар. Бобирдек шоир ғазалини ҳам «анг», «ганг» қўшиб айтишяпти. Умумадабий тилимиз бирлигига риоя қилмаганларнинг халқ ичида эътибо-ри кетишига шубҳа қилмаймиз!

— Кишиларнинг савияси ниҳоятда ўсиб кетгани қувонарли ҳол,— деди Музаффаров,— аммо китоб ўқи-майдиган, санъатга бефарқ, тарихимизни яхши бил-майдиган баъзи ўртоқлар дўқ, маҳмадоналик, кибор-лик билан идорани бошқараман, деб кучанаётганлари-ни партиямиз қоралади. Ҳозир баъзи шундайларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Маърифатдан кўра кўпроқ ейиш-ичишни мақсад қилиб олган баъзи ошна-ларимиз эслари борида этакларини ёпиб олсалар яхши бўларди!

— Оҳ-оҳ, азизим, дилимдагини айтдингиз,— деди Амир Равнақ Музаффаров елкасига қўл ташлаб,— ки-тоб ўқимайдиган, ичи бўш хумча, қачонлардир қилиб қўйган хизмати билан кекириб юрадиган бундай одам-ларга, ҳой, озгина ўпкангни бос, дейдиган ҳам чиқиб

қолар! Азамат халқимиз, жонажон партиямиз бор, уларнинг танобини тортиб қўйишига ишонаман. Тарихдек иш қилиб, ҳукуматдан туядек ҳақ оладилар. Анойилар! Ушалардан бири тушида ўлиб қолибди. Улибди-ю, ўлимини ўйлаб, гўё юраги шиғ этиб кетибди. Наҳотки у ўлса? У ҳайрон бўлиб пешонаси тиришибди, ён-верига қарабди. Ҳеч ким йўқ. Чунки у тириклигида биронта жанозага бормаган экан, бировнинг тобутини кўтармаган экан...

— Э-э, мансаб! — деди сўзни чўзиб Музаффаров, — биров — мансабга муносиб, ишчан, камтар, кўриб қунайсан. Халқнинг бахти! Биров — мана шунақа мияси электр плитага ўхшаб секин қизариб қизийди. Бундай кимсалар юртнинг шўри! Гап ана шунда. Бизларнинг ҳўл ўтиндек тутаб, вижиллаб, тутун чиқариб гаплашишимизнинг важи ана шу, азизим.

Музаффаровнинг оч ҳаво ранг машинаси ҳам гириллаганча келарди. Хайрушқа машина ойнаси орқали Гулгундан кўзини олмасди, унинг юраги шиғиллаб, қўрқаётганини кўриб завқланар, олдинда кетаётган барча машиналардан ўзиб кетарди. Бир муддатдан сўнг орқада отаси қолиб кетганини пайқаб, Хайрушқа машинани секинлатиб, орқада келаётган иккинчи машинага қараган бўлиб, Гулгуннинг нафис лабларига суқ билан тикилар, синглисининг ғашига тегиб, унга тегажаклик қиларди. «Ака, олдинга қаранг, тагин бир фалокат бўлмасин!» «Кўзимга қараб келяпман, руль менинг қўлимда бўлганида ҳеч ташвиш тортманлар». Хайрушқанинг қулоғига сижжаклик қизнинг гўр нарса эмас, «эрга тегиб чиққан»лиги чалинган эди. Қирғовулдан ҳид олган тулкидек Хайрушқанинг югургилаб, тинчи бузилди. Хотин-қизларга хушомад қилишга суяги йўқ акасининг ниятини Таманно яхши пайқаб ўтирарди. Хайрушқа Гулгунга суқланиб тикилавергач, Гулгун ўзини ноқулай сезиб, тез-тез дугонасига гап қотарди. Бошқа нима иложи ҳам бор?!

Икки машина юз километрча масофани босиб, куннинг иккинчи ярмида Тошкент кўчаларидан ўтиб, Музаффаровлар дарвозаси олдида тўхташди. Амир Равнақ қадрдон ошнаси билан хайрлашиб, ўз уйига кетди. Хайрушқа машинадан чиқиб, каттакон ёғоч дарвозанинг темир илгакларини олиб, ланг очди. Файзулла Аҳмедович. Марҳаматхондан кейин Таманнонинг таклиф-илтифоти билан Гулгун ҳовлига кирди. Гулгун машинага қараганида Таманно дарҳол пайқаб, чамадо-

нини акаси олиб киришини, безовта бўлмаслигини айтди.

Музаффаровлар ҳовлиси кенг ва чорси бўлиб, кунчиқар томонга қарата олди пешайвонли қилиб солинганди. Катта ўғли билан ўз номига икки участка ер олиниб, ўртаси девор билан ўралмаган эди. Икки бионинг қўшилиб қатор солингани, киравериш дарвоза тепасига чиройли зина билан чиқиладиган катта болохона қурилгани ҳовли кўркини очган. Ҳовлининг орқа томонида гараж, ошхона ва омборхоналар бўлиб, улар ҳам ганч билан сувалганидан яна бир турар жойга ўхшаб кўринарди. Катта ҳовли ўртасида ҳовуз, кираверишда қатор ток экилиб, сўри болохона ва турар уйлар устига чиқариб юборилган. Ҳовуз четига атиргул, намозшомгуллар экилган. Ҳовли четида бир-икки туп шафтоли ва олма ҳам бор. Узун пешайвонлар олдига райҳону жамбил, бир қатор гултожихўроз ҳам экилган. Невараларига қизамиқ чиққанда одамлардан излаб юрмаслиги, сўраганларга бериб, қожатини равоп қилиш мақсадида Музаффаров гултожихўроз уруғини атай қидириб топиб келган эди. Амир Равнақ кулиб, доривор ўтларни ҳам унутмабсиз, деганида Музаффаров, ҳа, ҳовлимга сиққанида бир туп шотут ҳам экардим, деб кулган эди. Ҳовлининг кунгай томонидаги қатор хоналарга икки эшикдан кирилар, эшиклар тепаси соябон билан ёпилган, бино томи тунука, охуртарновлар тепаси кунгура қилиниб, тунукадан хўрээ тасвири қирқилган. Биридан бирига ўтадиган данғиллама хоналарга гиламлар ташланган, турли жиҳозлар, гарнитурлар билан тўла. Катта ўғил участкани битиргач, хотини қайнанаси ва айниқса, уйдаги «тишлик, тиллик...» қизлар билан чиқишолмагач, секция олиб, ҳовлидан чиқиб кетган эди. Қатор хоналардан бирида Таманно билан Тасанно турарди. Бу хона ота-она учун ўзбекча миллий жиҳозланган уй ва даҳлизнинг ўнг томонида бўлиб, хонанинг икки деразаси ўртасида бўйи шифтга етадиган катта тошойна турарди. Тошойна олдида атир-упа, турли шишалар, тароқлар, шампундан тортиб то Япониядан келтирилган ясама сочларгача уйилиб кетган. Катта шифоньер ичи кийим-кечакка тўлиб, икки бўйга етган қиз дунёда нимаики янги чиққан латта бўлса, ҳаммасини йиғиб келишган эди. Бу икки қизини Музаффаров жуда яхши кўрар, айниқса кичиги — Таманно ўзининг пишиқ-зийраклиги, меҳрибонлиги билан ота қалбини забт этган. У сал

хунукроқ, отасига ўхшаш чўзиқ юз бўлса ҳам она кўзига ой эди. Дунёда Таманночалик қиз йўқ — бу Марҳаматхоннинг фикри. Ота-она турадиган хона тахмонлик бўлиб, қадимий катта сандиқ устига кўрпа-тўшак тахланиб, устидан қарға шойи дорпеч ёпилган. Хонанинг бир томонида қайин ёғочидан ясалган икки каравот ва пешайвонда хонтахта. Эрталабки нонушта мана шу хонтахта атрофида бўларди. Ота-она турган уйнинг чап томонида — акасининг участкасда Хайрушка яшарди. У турган уч хона кейинги йиллар ичида икки бор ўғри тушгандай шипшийдам бўлди... Аввал эрининг юзига туфлаб, Лаълихон бор-йўғини машинага босиб олиб кетди, кейинги сафар Матлубахон... Кейингиси икки боласи учун нафақа ҳам олиб туради. Бу икки собиқ келин оилада сир тугилади, ҳаммага ҳам айтилавермайди. Мабодо, тилга олинса, бутун айб Хайрушкада эмас, уларга ағдарилади. Файзулла Аҳмедович ҳовли ўртасидаги ҳовузга сув тўлдириб қўяди. У ҳамал ойлари икки томоғидан пуффак чиқариб вақиллаган бақа овозини яхши кўрарди. Кечқурун атроф-даладан қайтган сигирлар маърашини ҳам жуда ёқтирарди. Оту эшак камайиб кетгач, шаҳарда сигир озайгач, бир куни катта ўғли билан айтишиб қолганида Марҳаматхонни олиб далага — Аччи томонларга кўчиб кетмоқчи бўлган эди. Асли далада катта бўлгани учунми, кексайганида шаҳар жонига тегиб, юраги дала сари интиларди...

Музаффаров икки ўғли, айниқса мана шу лаби тепасига чизиқ торгандек ингичкагина қилиб мўйлов қўйган, гапининг учдан икки қисми кўп вақт ёлғон чиқадиган Хайрушкаси билан фахрланарди. Марҳаматхон бўлса Хайрушка деганда тилидан бол томар, уни одамларга «фан кандидати» дерди. Ваҳолонки, бундай эмас, институтни аранг битиргандан кейин илмий иш қиламан деб стандарт қоғозларни машинкада кўчиртириб юрди, кимнингдир уйига қатнади... Орадан уч-тўрт йил ўтгач, бу иш ҳам қолиб кетди. Бир вақт фотога қизиқиб, уч-тўрт йил фотомухбир бўлди. Кейин шахматга қизиқиб, истироҳат боғига қатнаб, шахматчилар ўйинини томоша қилиб юрди... Кап-катта йигит бўлиб, уйда каптар боқди, бу ҳам ўтди... Марҳаматхоннинг ёдида ўша «кандидат» бўламан дегани маҳкам ўрнашиб қолган эди. Бу хонадонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, гилдростроитель Музаффаров эмас, «Филология фанлари

кандидати» бўламан деган Хайрушка олим эди. Марҳаматхон билан Файзулла ака ўгли ҳақида гаплашишганда, албатта, унинг «беш минути кам фан кандидати» эканлигини алоҳида қайд этишар ва мақтанишарди. Файзулла Аҳмедовичнинг «мухбир аъзо»лиги фақат Ирригация ва мелиорация институтига борганидагина эсга тушарди.

Хайрушка ҳамма вақт қовоқ солиб турарди. У Музаффаровнинг фарзандлари ичида энг келишган, эркаси, Марҳаматхоннинг юридийдаси, Файзулла Аҳмедович: «Тобутим олдида йиғлаб борадиганим...» — дерди уни. Катта ўгли Фатҳулла анча тўнг, чакказарб чиққан. Хайрушкани ҳисобга олмаганда, уйда яна икки қиз — Таманно билан Тасанно ўтирибди. Хайрушка шу даражада кўп майда гуноҳлар қилганки, у ҳамма ишдан сувдан қуруқ чиқиш учун юристлар, адвокатлар билан кўп учрашавериб, жиноят қонунлари кодексларини ёд билиб олган эди. Кейинги пайтларда ҳужжатга кўп ружу қиларди. Қонун тақиқлайдиган иш қилиб, уни яна қонунлаштириб қўярди. Ҳар бир қора ишни ҳужжат билан «тўғрилаб» ёпарди. Шунақа ишларни қилавериб, қашқатаёқ бўлиб кетган Хайрушка нотаниш одамлар олдида қовоқ солиб сипо турарди. Гапларни чертиб-чертиб гапирарди. Аслида Хайрушканинг фирибгар эканини баъзилар яхши билса ҳам бу хонадонда асло бундай гап бўлишига йўл қўйилмайди деб ўйлашарди. У Матлуба билан яшаганда арзимаган нарсадан уришиб, тез-тез хит қилиб турарди. Шу арзимаган нарса туфайли улар ёмон гапларни тилларига олиб, бирдан ажралишиб кетишди. Орадан бир йил ўтгач, у иттифоқо кўчада Матлубани кўриб қолди. Хайрушка уйига қайтиб келиб, ярашиш ниятида унинг уйига онасини юборди. Лекин у бошқа одамга турмушга чиқиб, бахтли яшаётган экан...

Шу куни Гулгунни икки қиз ўртага олиб, ўзларининг дабдабали, чиройли хоналарига бошладилар. Чамадонини Хайрушка кўтариб олиб кириб берди. Икки каравот ўртасига учинчи каравот қўйилди. Уч қиз ўзида йўқ шод, бири хонадаги юмшоқ кресло, бири тошойна олдидаги духоба тумбага, шўх Таманно эса ўзини каравотга отди. Кейин Таманно билан Тасанно гардеробни очиб беҳисоб кийимларини Гулгунга бир-бир намойиш этиб, уларнинг тарихини гапириб бера бошладилар. Таманно кибор ва димоғдор қиз бўлиб, ўзи унча чиройли бўлмаса ҳам бошқалар уни «келишган», «чи-

ройли» дейишини жуда ёқтирарди. Тасанно бўлса шалдир-шулдир, ичида гап ётмас, тухум юз қиз. Файзулла Аҳмедович баъзан қизининг думбул ишларига қараб, сенинг ақлинг ҳам тухумдек теп-текис, деб куларди. «Адажон, ундан кўра сенинг миянг бильярд соққасидек силлиқ, деб қўя қолинг. Анатомияда миянинг бурмаси қанча кўп бўлса, ақли ҳам шунча кўп бўлади, дейилади. Сиз мени ҳеч ақли йўқ демоқчимисиз?» — «Шунга ақлинг етдими, офарин, демак, сени ақли кам, деб айтиб бўлмайди, қизим», деган эди кулиб, эркалаб Файзулла Аҳмедович. Тасанно мамнун, бош мияси тухумчалик текис эмаслигини, ҳар қалай, қаердадир бурмаси борлигини билиб, ўзига тасалли берарди. Тасанно кўчага чиқса «ҳамма унга маҳлиё бўлиб қарашини, орқасидан юрадиган йигитларни ҳайдаб юборишини...» айтарди. Аслида бу гапларнинг деярли тўқсон тўққиз фоизи ёлғон бўларди. Баъзида ўзи ёлғон гапирарди-ю, ўзи ҳам ишониб кетарди.

Бу хушнуд кунларнинг бирида уч қиз ясаниб уйдан чиқишди; Таманно билан Тасанно ҳамроҳлигида Гулгун ўз ҳужжатларини Тошкент медицина институти қабул комиссиясига топшириб келди. Шундан кейин Гулгун хонага қамалиб имтиҳонга тайёргарлик кўра бошлади. Бу йил биринчи курсни тамомлаб, иккинчига ўтган Таманно имтиҳон бўладиган асосий фанлар бўйича китобу конспектларни қалаштириб ташлади. Гулгун бошини танғиб китоб ўқишга тушиб кетди. Машҳур гидростроителлар — Синявский, Аскоченский, Раҳматулла Алимовларнинг сафдоши Файзулла Музаффаров ҳам жим ётмади. Фронтчи дўсти, Улуғ Ватан уруши инвалиди Милтиқбой Қўйбоқаровнинг ёлғиз қизини ўқишга жойлаб қўйиш учун у ҳам бел боғлаб, ишга киришди. Бир ўринга олти-етти киши ҳужжат топшириб, даъвогар бўлиб турганини эшитган Музаффаров, илгари бир уналиб киролмаган, кейин турмушга чиқиб, бахтсизликка учраган, ёши ҳам катта бўлиб қолган Гулгунни йўлга солиб юбориш учун ота ўрнида ота бўлди. Ўз қадрдонлари — баъзи профессорлар билан учрашиб, маслаҳатлашди, йўл-йўриқлар сўради. Биринчи август кuni Гулгунни кимёдан «4» баҳо олиб келганини эшитган Музаффаров ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Кириб уни табриклади. Она тили ва физикага ҳам жиддий тайёргарлик кўришни тайинлади. Икки қизига, Гулгунни кўп бошини қотирманглар, кийимкечакдан камроқ гапиринглар, деди. Кексаларга хос

эзмаланиб, Гулгунга шароит яратиш кераклиги, китобларни топиб бериш, ўзбек совет адабиёти ва она тилидан, агар Гулгун лозим топса, ошнаси Амир Равнақни бошлаб келиб, консультация уюштиришга ҳам тайёрлигини айтди. Шундоқ бўлди ҳам. Амир Равнақ унга консультация берди. Уч қиз хоналарида тек турганча отанинг эзмаланиб, узоқ гапираётганига сабртоқат билан қулоқ солишарди. У, бугун-эрта, эҳтимол, дўсти Милтиқбой Қўйбоқаров ҳам хабар олгани келиб қолар, қизининг бир имтиҳондан яхши ўтганини билиб хурсанд бўлар, деди.

Тайёргарликка қаттиқ киришиб кетган Гулгун физикадан «5», она тили ва адабиётдан ҳам «5» олди.

— Тўқсон тўққизу ўнда тўққиз фоиз ўтасан, қизим! — деди Музаффаров эрта билан нонушта пайтида Гулгунни табриклаб, — мандат комиссияси масалани ҳал қилади. Сен бир фронтчининг ёлғиз қизисан, бунга ҳам қарашади.

Гулгун одатдагидек машҳур инженер Файзулла Аҳмедовичнинг меҳрибон ва олижаноблиги олдида таъзим қилди. Унга ҳурмати минг чандон ошди. Уз отасидек сева бошлади. Баъзан боши ярим қуйи, мамнун ўтирарди. Бошқа қизларнинг ҳам кўзи Гулгунда, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатишиб, жиндак рашк қилинган ҳоллари ҳам бўлган. Илгари на тушлик ва на нонуштада стол атрофида кўринмайдиган Хайрушка кейинги пайтларда жуда ҳам интизомли бўлиб, вақтида нонуштага келиб, отаси ёнида ўтирарди. Шу йигитнинг мўйлови Гулгунга ҳеч ёқмас, унинг лаби сал қимирлади дегунча мўйлови ҳам ўйнаб, кулгили кўринарди. Хайрушка ўткир қарашлари билан Гулгунни тийр боррон қилиб ўтирар, у қийналар, аранг бир пиёла чой ичарди. Ўзининг чиройлилигидан хижолат бўлар, қошу кўзи, нафис лаблари жозибаси Хайрушкани сеҳрлаб қўйганини сезарди. Акасининг оғзидан суви келиб юрганини пайқаган Таманно ўз хоналарига унинг тақирлатмай киришини қатъий ман этиб, унга танбеҳ берди. Жириллаган Хайрушкани жеркиб: «Умуман бизнинг хонамизга кирма, дадамларга айтиб бераман!» — деди кескин қилиб.

Файзулла Аҳмедович шанба куни кечга яқин ошхонада супра ёзиб, тахта-ўқлоғи устида унналиб, юпқа пишираётган жафокаш ва садоқатли хотинини кузатиб ўтирарди. Баъзан гердайиб, шу содда Марҳаматхонга ўзини кафтида кири йўқ, «фаришта» қилиб кўрсатарди. Не-не ишлар бўлиб ўтди. Қирқ йил бирга умр кўришибди. Қўша қаридик, деб айтса ҳаққи бор. Юпқани шоша-пиша жўвалаётган хотинига тикилиб, хаёлга чўмди: бунчалик садоқатли, софдил хотини бўлмаганда, Музаффаров узоққа бормас эди. Эрни эр қиладиган ҳам, ер қиладиган ҳам хотин. Лекин у ўзини доимо юқори тутишини, аслида жуда ҳам фаришта кимса эмаслигини ҳам ёдидан ўтказди. Бундан йигирма йил муқаддам Файзулла Аҳмедович гўзал бир ёш жувон билан танишиб қолди. Бу танишув чинакамига ошиқ-маъшуқликка айланиб кетган эди. Файзулла ўша йиллари қирқ ёшлардан ошиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, бола-чақали бўлишига қарамай, ҳамма нарса-ни унутиб, дарду фикри ўша жувонда бўлиб қолган эди. Марҳаматхон эрининг ўзгариб қолганини, ҳуши ўзида эмаслигини пайқаган. Файзулла Аҳмедович ҳозир ўша вақтни эсласа юраги шиғиллаб кетарди; бир йилча ўша жувон билан ошиқ-маъшуқ бўлиб, бу ишнинг ҳидини чиқармади. Ўзининг «пухта»лигидан ўзи мамнун бўлди. Мана, йигирма йилдан кейин ўша дамларни эслаб, завқланар, бир неча бор қўлга тушиб қолишдан қутулгани, деразалардан сакраб қочгани беихтиёр кулги қўзғатарди. «Ҳа, сен, Музаффаров, жуда ҳам кўксингга уриб, ўзингни фаришта қилаверма! Сен қилган баъзи ишлар олдида шўх ёшларнинг ранги ўчади! Сен Марҳаматхоннинг оёғига йиқилиб зор-зор йиғласанг арзийди»,— дегандек бўларди. Лекин, мана, орадан шунча йил ўтиб кетибди-ю, ҳамон ёшлик шўхликлари юрагида чўғдек ёниб ётарди. Ҳей, Файзулла Аҳмедович, кексайдинг, мана, оқсоқол номини ҳам олдинг. Баланд бўй, бақбақадор, кийимнинг ҳам энг каттасини киядиган бўлдинг. Шогирдларинг узундап-узун исмингдаги «вич»ни қўшиб айтиб ўтирмай, «оқсоқол», деб қўя қолади. Амир Равнаққа ўхшаш қадрдорларинг сени «божа» дейди.

Файзулла Аҳмедович ҳалшиллаган узун пальтоси

чўнтагида атай зарга ўралган турли конфетлар олиб юриб, невараларига, ўз кўчасидаги майда болаларга улашиб юришни ҳам ёқтирарди. Ҳамминг дилида бир даста гавҳар... Инсон кўзига ўз айби кўринмайди, ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзини ҳақ деб билади. Бу ҳолат ҳозир эмас, мажусийлар даврида ҳам, балки ундан илгарироқ ҳам пайдо бўлгандир. Ҳамма вақт одамларга яхши муомала қилса бўлмасмикан, дерди баъзан тажанглиги тутиб Музаффаров. Ҳам мансаб эгаси ишдан кетиш олдидан жуда ширин сўз, «камтар» ва ҳатто ялинчоқ бўлиб қолди. Лекин, иттифоқо, уни ҳозирча жойидан силжитиш мақсадга мувофиқ деб топилмай, ўрнидан қўзғатишмагач, у яна илгариги аслига қайтди. Қўрс, тобе кишиларга бемурувват, димоғдорлиги давом этди. «Эй, хом сут эмган инсон! — деди яна тутақиб Музаффаров, — сен ҳам бошқалар қатори нон еб, сув ичиб катта бўлгансан-ку?! Ёки сен, бурма шохли қўчқор бўлиб туғилганмисан? Сенинг лойинг бошқа жойдан олинганми?»

Музаффаров тубсиз хаёллар ичида юриб асаби қақшаган, ҳар нарса тегиб кетиб, жизгинак бўлиб юрган кунлари машҳур академик, ёшлиқдан қадрдон ошнаси машинада хотини билан келиб тўйга айтиб кетди. Бу академикнинг қизлари билан Музаффаровнинг қизлари дугона эди. Улар ҳам атай келиб дугоналарини таклиф этиб кетишди. Таманно билан Тасаннодан ташқари бу хонадонда юрган Гулгун ҳам четда қолмади.

Кун бўйи тараддуд кўриб, катта тошойна ёнидан кетмай, пардоз-андоз қилган опа-сингилларга баъзан Гулгун ҳайрон бўлиб қараб қўярди. Уларнинг сочини жингалак қиладиган қайчиларини қиздириб берар, туфилларини артиб, тор кўйлаklarини кийишда қарашарди. Белларини сиқиб, қоринлари борлигини билдирмайдиган бандажлари, бюстгальтер боғичларини ҳам танғиб қўярди. Опа-сингиллар дам у кўйлак, дам бу кўйлакни кийиб кўриб, ўзларини ойнага солишар, орачора «қишлоқи»га мурожаат этиб: «Қалай, кўринишим яхшими?» — деб сўрашарди. Гулгун: «Ярашди, ярашди», — деб кулимсирарди. Бунақа чиройли ва қўша-қўша кўйлаklarни у умрида кўрган эмасди.

Музаффаровнинг катта қизи Тасанно баланд бўйли, бурундср, совуқ бўлиб, ўттиз беш ёшларда. Муро-саси келишмай эри билан ажрашиб, боласи билан отасиникида ўтирарди. У ҳам ёшлигида жуда эркан-антиқ бўлганидан, овқат пиширишни, кир ювишни

билмай ўсди. Музаффаровнинг ниҳоятда болажон бўлганлиги сабабли икки неvara ва қизи унинг елкасида эди. Бу қиз боғчада мураббия бўлиб ишларди. Ўғли Хайрушкадан кейинги Таманно ҳали қиз, онасининг ёрдамчиси. Ҳа, бир олим айтгандек, улар «назарий жиҳатдан оналарига ёрдамчидир», аслини олганда, Марҳаматхон уларга хизматкор. Марҳаматхоннинг юрагидаги ният — Хайруллани яна уйлантириб, қивини тузук бир жойга узатиш. Шундан кейингина оёғини узатиб, эри билан бирга Кисловодскками, Сочи, Ялтагами бориб, бир ойгина дам олиб келиш. Ҳар йили курортга бораман деганда ё Таманнонинг, ёки Тасаннонинг бир иши чиқиб қоларди. Болаларини тинчитиб олгач, ўзига ҳам қарашни кўнглидан ўтказиб қўйди. Таманно юмалоқ, камгап, ўзини ақлли кўрсатадиган қиз. Дарҳақиқат, у ўнинчини ҳамма фандан аъло баҳо олиб, олтин медаль билан тамомлади. Лекин шунча донолиги билан кўздан узоқроқ, ёш йигитчалар суркалавермайдиган, «салобатли» қиз эди. «Таманно», «Тасанно» исmlарини қофиядош қилиб шоир Амир Равнақ қўйган эди. Ўшанда Музаффаров хотинига ҳазил қилиб, яна ўғил туғсанг қофиядош от топилару, аммо қиз туғсанг қофиядош от топилмаса керак, деб кулган эди. Таманнони қўзивой тарвуз, Тасаннони босволди қовун, дейишарди. Бувилари бирини ҳусайни, бирини даройи, карсиллайдиган шакарангур ҳам дердилар. Кичик Таманнога, ўзининг айтишича, гўё ҳамма кийим ярашар, у шартта сўз, баъзида опаси, акасини қамчилаб қоларди. Унинг ниҳоятда «келишганлиги» ва зеҳни ўткирлиги атрофидаги ҳамма одамлар томонидан эътироф этилиб, гўё «тан олинган». «Ёзилмаган муҳаббатномалар», ҳар хил баҳоналар билан дарвозага келган йигитчалар, кетма-кет телефон жиринглашлари, овози дўриллаб, мўйлови сабз урган йигитчаларнинг ҳар оҳангга тушиб, Таманно ишқида оҳ уришлари Музаффаров хонадонида гўзал қиз борлигидан далолат берарди гўё... Нариги маҳаллалик бир йигит учун бу хонадонда «Лайлидан аъло, Шириндан ширин бир севиқли кимса» борлиги, бу кимса учун жонини фидо қилишга тайёрлиги кимларгадир маълум. Ўша йигит ҳарбийга қақирилган, Владивосток томондан хат устига хат келиб ётарди...

Бу хонадонга Гулгуннинг келиши опа-сингиллар учун эътиборга арзимайдиган бир воқеа эди. Улар: «Отамизнинг фронтчи онасининг қизи, «қишлоқли»

дастёр бўлиб, онасига қарашиб юради, деб ўйлашди. Институтни тамомлагандан кейин қишлоғига кетади. Ёки шу ерда бирон йигит билан элакишса, қолиб кетиши ҳам мумкин... деб қарашди. Баъзан Таманно «Хонзодахон бўлиб», «Ҳой, Мастон, чилим бер!» — дегандек, «Ҳой, Гулгун, кўйлагимни дазмоллаб юбор!» — дерди. Гулгун бир зумда бу ишни бажарар, кўнглига олмасди. Қизининг Гулгунга ҳадеб иш буюраверишидан Марҳаматхон баъзида хижолат бўлиб, Гулгуннинг пешонасини силаб, юзидан ўпар, эркалар, қизларим одобсизлик қилса хафа бўлма, дерди. Гулгун аксинча, улар билан мулоқотда бўлиш, ҳамма ишларини жуда тез бажариб беришга тайёр эди. Марҳаматхон: «У ҳам бировнинг арзандаси, ўқиш баҳонаси билан бу ерларда юрибди, бўлмаса жаннатдек жойидан узоққа келармиди!» — дерди. Гулгун оддийроқ кийинар, шу оддий кийим ҳам ўзига ярашиб тушарди.

Кеч соат еттида Музаффаровнинг данғиллама уйларида чиққан қизлар ҳовли ўртасида тўпланишди. Ҳовлида тарқалган атир ҳидлари қўшниларникигача етиб чиқди. Қўшни қиз: «Ойи, қаёқдандир атир ҳиди келяпти», — деди. Бу ингичка, ўткир овозни Гулгун аниқ эшитди. Зина тепасида пайдо бўлган Файзулла Аҳмедович қизларига қараб:

— Хайруллахонга айтинглар, аввал сизларни ташлаб келсин, биз оинглар билан кейин борамиз, — деди.

Қизлар хиром юриш билан дарвозадан кўчага чиқишди. Дарвоза ёнида кутиб турган Хайрушка моторни гуриллатиб, жўнаб кетди. У опа-сингилларини орқага, Гулгунни ўз ёнига ўтқазди. Гулгун қип-қизариб кетди. Унча-мунча шикоят, қочирим гапларни ёқтирмовчи Хайрушка, агар жаҳлини чиқарса, йўлнинг ўртасига олиб бориб, барчасини машинадан тушириб юбориши ҳам мумкинлигини пайқаган опа ва сингил то тўйхонага етиб боргунча миқ этишмади. Агар бегона машинада бўлганларида ҳозироқ ҳазил-мутойиба гаплар, нозу карашмалар бошланарди.

Ярим соатча йўл юришди. Бу вақт ичида Гулгун бир марта ҳам қайрилиб «шофёр»га қарамади. У қимир этмай ўтирарди. Чунки орқасида уни кузатаётган «дарранда»лар сал ножўя ҳаракат қилса еб қўйишга тайёр эди. Фақат машинадан тушишда Хайрушка Гулгунга қараб мурожаат этди: «Дадангизлар билан оингизлардан хат келибди. Қутидан ҳозир ол-

дим...» — деб унга конверт узатди. Гулгун хатни оларкан, Хайрушкага чин юракдан ташаккур айтди. Хайрушка шу заҳотиёқ ота-онасини тўйга олиб келиш учун яна машинасини гуриллатиб орқасига қайтиб кетди.

Тўй базми.

Катта боғ. Ҳовуз бўйидаги узун зиёфат дастурхони атрофи меҳмонлар билан тўлган. Столлар обдан ясалган. Хизмат қилиб юрган йигитлару қизларнинг ҳисоби йўқ. Бир томонда кабоб ҳиди, бир томонда катта қозонларда шўрваю ош... Ён томондаги сўрида созандаю хонандалар. Базмга раислик қилувчи сўзни қисқа қилди; тўйни мажлисга айлантириб юбормайлик, кўпроқ санъатимизни кўрсатайлик, деди. Нутқ-бозлик бўлмасин, деб кулди. Қадаҳлар кўтарилди. Шундан сўнг созандалар тўй базмини обод қилиб юборишди. Энг яхшиси шу бўлдики, атай сўзга тайёрланиб келганлар, эски хизматларини мақтаниб, йигирма минутлаб шақиллайдиганларнинг нафаси ўчиб, тўй тўйга ўхшади. Кимдир кексалардан: «Микрофонни йўқотинг, шундоқ ҳам яхши эшитилади. Атрофда, қўни-қўшниларда кекса, бетоб одамлар бордир, ёш болалар ухлаши керак. Уларни шовқин билан безовта қилиш ярамайди», — деб таклиф қилди. Тўй раисининг айтганлари ижобатга ўтиб, базм жуда ҳам маданий ва кўнгилли ўта бошлади. Утирган меҳмонлар ичидан ёш жувонлар рақсга тушишди. Йигитлар ҳам... Хонандалар байлашиб пулга олиб келинмаган. Меҳмонларнинг ўзлари қўшиқ айтишди. Ўйинга тушмаган биронта қиз қолмади. Кимнингдир қисташи билан рақсга тушган Гулгун бир зумда барчанинг диққатини ўзига тортди. Унинг текис қирқилган тим қора сочлари елкасига тушиб, пешанаси устидан қошигача тўсиб турарди. Устида енгсиз жужун кўйлак ва бир қадар калта юбка, белини қизил лента — камар билан боғлаган. Оёғида оқ туфли. Чизиб қўйилгандек нозик қошлари соч остида дам булут ичра яшириниб, дам кўриниб турган янги ойнинг ўроғига ўхшарди. Кўзлари шарқ миниатюраларида тасвирлангандек олма баргисимон йирик, бодом қовоқ, дудоқлари фақат бўса учун яратилгандек, бениҳоя ёқимли эди. Унинг кулгиси ҳам, шарму ҳаёдан баъзан андак қизариши ҳам, рақсга тушган чоғида гўё онаси кетидан эргашиб, икки кифтини ўйнатаётган палапон қушга ўхшаши кишилар диққатини дарҳол жалб этди. Ўнларча рақсо-

салар ичидан одамлар фақат уни кузатишарди. Гулгуннинг қилиқлари, эркаланиб ўйнаши ва баъзан тасвирига қалам ожиз хатти-ҳаракатлари бу қизда туғма бир истеъдод борлигини кўрсатиб турарди. У, ҳар қалай, Тошкентдан эмаслигини сездирарди. Кимдир ёнида ўтирган шеригига, илгари ҳинд раққосаларига маҳлиё бўлардик, мана, ўзимизда ҳам ҳақиқий раққосалар бор экан-ку, деди.

— Бу қиз Вайжантималадан зўр!

— Фикрингизга қўшиламан,— деди шеригининг кайфи ошиб,— ўзимизнинг шундоқ яхши санъаткор қизларимиз бор экану, биз бўлсак ҳиндларга оғзимизни очиб ўтирибмиз-а!

— Ўзимизники — ўзимизники, бегона — бегона,— деди қаҳ-қаҳ уриб ўрта яшар киши,— аммо косагул маладес, тўй базминики мажлисга айланиб кетишидан сақладими, бу ҳозир катта гап!

— Тўй базмини местком мажлисига айлантриб юборганларида, худо кўрсатмасин, бу ерда тоза гапирадиганлар бор эди. Ҳув, ана, иккитаси ўтирибди! Диққат қилиб қаранг, уларга гап тегмагани учун емай-ичмай хўмрайишиб ўтиришибди...

— Ха-ха-ха-ха!

Гулгунни иккинчи, учинчи бор рақсга тортишди. Ҳар сафар у ўйинга тушганида Таманнонинг ҳам, Тасаннонинг ҳам ранги ўчарди. Улар ўртага тушиб, тузукроқ кўринишолмади. Тақинчоқлари, заррин либослари меъдага тегибдими, одамлар бу ойимтиллаларга эътибор бермади. Аммо ёшу кекса Гулгуннинг бетакрор рақсига суқ билан тикилишарди. Созандалар ҳам кўпчилик диққатини тортган бу қиз учун шўх ва ўйноқи оҳангни авж олдириб чалишарди. Тўрда ўтирган келин билан куёв ҳам Гулгундан кўз узишмасди. Келин ўз ёнида ўтирган дугонасига, бу қиз тошкентлик эмаслиги, Чимёнга яқин бир қишлоқдан келганини айтди. Гулгун боя иккинчи бор ўртага тушаётганида ёнида ўтирган Тасанно билан Таманно билинар-билинемас сонини чимчилашди: «Бас, энди чиқма!» Лекин тўй эгасининг тортқилаши, қаттиқ илтимоси билан у яна ўртага тушиб кетди. Юқоридаги кексалардан ташқари, бошқаларнинг ҳам Гулгун ҳақида гаплашишаётганлигини сезган опа-сингилларнинг кайфи учиб, Гулгунга ҳасад билан қараша бошлади. Бугунги базмда Музаффаровнинг қизлари «ғўзаллик қироличаси» бўлиши керак эди, аммо пардоз-андоз

қилиб бунн мўлжаллаб келганлар бир ёқда қолиб, «қишлоқи»нинг шуҳрат топиши Таманноларга кучли зарба бўлиб тушди.

— Бу «мажусий» кимнинг қизи?— сўради кекса академик-археолог,— жуда ҳам кўҳлик, иссиқ қиз экан. Тўмарис ёки Нефертитига ўхшайди. Эрамиздан аввалги одамлар ҳам гўзалликка, нафосатга катта эътибор берганлар. Бу қизнинг қилиқлари ўзига жуда ҳам ярашиб турибди. Музаффаровнинг қизи эмасми?

— Музаффаровнинг қизлари ана,— ёнидаги одам чап томонга ищора қилди,— сувга тушган бўлка нондай бўкиб ўтиришибди. Бу қиз — олов-ку! Кўзларининг катталигига қаранг!

— Ҳар қалай, шунақа. Биринчи кўришим. Такрорлайман — мажусийларнинг ўзгинаси!

— Дидингиз чакки эмас, домлажон!— деди ширакайф шериги кулимсираб,— ўзи ҳам оддийгина кийингану билиб кийинган. Оддийгина либос ичида оташу аланга! Қилиқларига қаранг!

— Ҳой, одобдан четга чиқманг!— академик лабини тишлади.

Эътиборли кишилар Гулгундан кўз узмай, у ҳақда гаплашаётганини Таманно сезиб турарди. Бир лаҳзадан сўнг у онасига секин гап қотди:

— Ойи, «мажусий» дегани нима?

Марҳаматхон бу гапга тушунмай ёнидаги эрига мурожаат этди:

— Мажусий дегани нима?

— Бизнинг мелоддан илгари яшаган, ўтга, сувга сиғинган одамлар.

Она бу гапни дарҳол қизига айтди. Таманно бу номни камситиш — ёввойи маъносида тушуниб, мийғида кулиб қўйди. Пастроқда ўтирган Гулгунга, «ана, мўътабар одамлар сени ёввойи деяпти», дегандек қилиб истеҳзо билан назар ташлади.

Гулгун унинг маккорона нигоҳ ташлашидан ҳеч нарсани фаҳмламади.

Аммо, қайтиб келишгач, базмдан кейин уйда Таманнонинг ғазабини сезди; туфлиси илгагини ечишга ҳам сабри чидамаган Таманно оёгини силкитиб, туфлини хонанинг тўрига отди. Туфли деворга тегиб, ундан Гулгуннинг каравотига тушди. Кўйлаklarини ҳам наридан-бери ечди ва тошойнага ўзини солгани ҳолда орқада, даҳлизда ечинишини ҳам, ечинмаслигини

ҳам билмай комуш турган Гулгунга қарамай гап қотди:

— Сенинг отанг ёшлигида қўй боққанми? Нега фамилияларинг Қўйбоқаров?

— Билмайман,— деди Гулгун тўй базмида нима гуноҳ қилгани, нега Таманно даргазаб бўлаётгани, кинояли гаплар сабабига тушунмай.— Бувамнинг оти Қўйбоқар бўлган, адамнинг номи — Милтиқбой...

— Асли келиб чиқишларинг ким бўлган?! Деҳқон бўлиб деҳқонга ўхшамайсизлар! Тоғда мол боқиб юрганмисизлар?

— Шундай бўлса керак,— деди Гулгун. Таманно бу билан сенлар паст табақадансан. Биз, Музаффаровлар оиласи юқори табақа... демоқчи бўларди. Кўкракларини очиб, ўзини ўзи ойнада томоша қилаётган Таманно қайрилиб Гулгунга:

— Мен қалайман?— у бошини кўтариб, кибор боқди.

— Қайси маънода?

— Қадди-қоматим?

— Бебаҳо...

— Сенга ҳам кийим ярашаркан... Ўзинг унча чиройли эмассану, лекин кийим ярашаркан. Шунини ўзинг биласанми?

Гулгун миқ этмади.

— Бир хил қизлар бўлади, кийим билан одам. Агар кийган кийимини ечиб қўйса, ўзи бир тийинга арзимади!— деди Таманно атай Гулгуннинг гашига тегиб.

Гулгун яна индамади.

— Қорабойми, Қоратойми... бир қишлоқи йигит билан юрасан, деб эшитдим. Шу ростми?

— Сиз ўзингиз Анвар деган йигит билан?..

— Йўқ, бу тухмат! Сени ўша Қоратой билан бирга қочиб кетган, ота-оналаринг қидириб бориб, икковинг-ни бир сабзи ўрадан топиб келишган, деб эшитган эдим...

— Энди чегарадан чиқиб кетяпсиз!— деди Гулгуннинг газаби қўзғаб.— Мен нима ишим билан сизни хафа қилганимни билмаётирман. Бу таънаю заҳарли киноялар нима учун?!

— О-о, ҳамма нарсани бирданига билиб олмоқчи-сан-а! Мен сен билан уришмайман, асабим ўзимга керак!— деди сал бўшашиб Таманно,— қани айт-чи, мен чиройлими, сен чиройлими?

— Сен,— деди Гулгун стулга ўтириб,— сен жуда чиройлисан, буни ўзинг ҳам яхши биласан. Ҳамма билади. Мендан сўраб ўтиришнинг нима ҳожати бор!

— Унда, нега ҳамма сенга қарайверади?! Академик сени «мажусий» деди, эшитдингми?

— Йўқ.

— Қани айт-чи! Нега ҳамма сенга қарайверади?!

— Уйнаганим учун қарашгандир. Нега сен тушмадинг? Тушиш керак эди! Сенга ҳам ҳамма қарарди.

— Мен ҳамма менга қарашини истамайман! Мен, ахлоқи пок қизман! Уйнасам, сендан яхши ўйнайман!

— Яхши ўйнасанг, уни асраб нима қиласан!— деди Гулгун бўш келмай,— тўйда ўинамасанг, қаерда ўйнайсан?

Таманно лом-мим деёлмай, бақрайиб қолди. Гулгун ҳам кўйлагини ечиб, бюстгальтери билан ойна ёнига келди. Икки ёшлик, икки ниҳол, икки тасвирлаб бўлмас беқиёс қомат ойна олдида турарди. Таманно Гулгунни гижимлаб ташлагиси келарди, аммо бунинг ҳеч иложи йўқ. Улар бир муддат яланғоч бир-бирларига тикилганча қолишди. Таманно дераза томонга ялт этиб қараб қўйди:

— Нима, бу ер ҳаммомми! Кий кўйлагингни!— деди Гулгунга дўқ уриб.

Ойна олдида турган икки гўзал бирдан хахолашиб ўзларини каравотларига отиб, кўрпа ичига яширинишди. Улар яна илгаригидай қадрдон бўлиб, тинмай кулишарди.

XVIII боб

ТАШНАЛИК

Гулгунни Тошкентга жўнатган Қоражон яна ўзининг беомадлигидан ранжиди. Ширин ўпич... «озгина сабр», «қирқ бирига» ҳам чидаш кераклигини таъкидлаб турганида бир нима деб бўлармиди! Ҳа, ўқишга тўсқинлик қилмоқлик, аввало, нодонлик, қолаверса бахилликдир! Қувнаб, яқинда тўйим бўлади, деб юрган Қоражоннинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У эрта билан ишга келиб, хаёлот ичида Қўнғирбуқа тоғига чиқиб кетибди. Тўғон устида ишлаётган ошналари ҳайрон:

«Чотқол йўлбарси»га бир нима бўлди? Кимдир уни ранжитса — хафа бўлган кезларда шундай бошини солиб, ўксиниб Қўнғирбуқага чиқиб кетарди. Ясси харсанг тош устида соатларча ўтирар, чекар, атроф ёқни кузатар, харсанглар орасидан ўсиб чиққан ўтти юлиб олиб, беихтиёр чайнар, хаёл сурарди.

Қоражон ўзининг рози бўлганига қарамай бағри ёниб, Гулгуннинг орқасидан Тошкентга югурмоқчи, Музаффарову Марҳаматхонлардан уни ажратиб олиб келмоқчи бўлди. Лекин бу ишни қилиб бўлмайди. Улар нега келди экан бу томонга?!

Қоядан пастга тушган Қоражон тўғон устида айланиб юриб, ишни кўздан кечирди. Прораб Никаноренкога баъзи топшириқларни бериб, яна ўз машинасида Бошқарма томон жўнади. У Иван Иванович Шишкин билан бир нимани маслаҳатлашиб олмоқчи бўлди.

Ҳаво ғоятда қизиб кетган. Йўл-йўлакай Хўжакентдаги минг ёшли чинорлар тагига келиб, бир оз нафасини ростлади. Тошкентдан чиққан баъзи магазинчи чапаниларнинг нописанд ўтириши Қоражоннинг энсасини қотирди. Пулнинг кучига ишонган бу олифта, савдогарнамо йигитчалар «чарчаганликлари» сабабли дам олишар, карта ўйнашарди. Қозонларда жиб-биз авж олиб, иштаҳани карнай қилувчи ҳид тарқаларди. Ташналикдан юраги куяётган Қоражон муздек булоқ сувидан бир коса ичди. Юрагидаги оташга сув сепилгандай бўлди. У бир оз нафасини ростлаб, иккинчи косани ҳам яримлатди. Яна ўша азим чинорлар тагига гужғон ўйнаётган такасалтангларга тикилди; тўғон тепасидан бульдозерни олиб келиб, юртга фойдасидан зарари кўп тегаётганларнинг барини суриб ташласамикан! Тоғ кесганлар, офтобда қовжираб ишлаганлар чарчаб келиб бу ерда ҳордиқ чиқаришлари керак эди. Афсуски, улар йўқ. Булоқ ёнидаги улкан бир тошга кимдир ўз исмини «абдийлаштирибди». Тажанг Қоражон тошни ҳам ҳаром қилибсан, дегандай «улфатлар»га тикилди. Шу савдогарбаччалар ичида ўша отини «абдийлаштирган» кимса ҳам кўзларига кўриниб кетгандай бўлди. Шапкаси соябони билан қош-кўзини бекитиб юрадиган Ишларбек Сапчабошев ҳам шу йигитлар орасида ўтирарди.

— Ҳа, ўртоқ Мингбоев, шу ердамисиз? — деди чангга беланган йўғон бир йигит қўлидаги кружкасини оқиб тушаётган булоқ сувига тутиб.

— Юрагим куйиб келуведим,— деди тепасида турган экскаваторчи йигитга боқиб,— шу булоқнинг суви жуда маза-да!

— Утирадиган жой йўқ, ўртоқ инженер, ҳамма ёқни шаҳарлик меҳмонлар эгаллашибди. Бир бўш табуреткага қўл узатсам, анави йигит, «банд», деб кўзини олайтирди.

— Иложимиз йўқ, дўстим, улар шаҳардан иссиқ-лаб чиқишган, дам олишсин.

— Биз-чи?

— Биз мана бу тошга ёзилган номни... ўқиб, яна қайтиб бориб тўғонда ишлайверамиз! Тушундингизми?! Тунука том бўяйдиган бўёқ билан тоғ тошига «латипча» деб ёзибди. Шунда ҳам иккита хато, «Л» катта ҳарф билан, ундан сўнг «п» ўрнига «ф» ёзилиши керак эди. Исмини ёзишни ҳам билмас экан, даюс!

Қоражон тажанг бўлиб турганини сезган экскаваторчи йигит тасалли берди:

— Ўртоқ Мингбоев, хафа бўлманг, улар асаб бузишингизга арзимаёди. Отини ёзгани билан тезда ўчиб кетади.

Шундан сўнг улар булоқ бошидан қўзғалиб, бирлари тўғонга, бирлари парторг Иван Иванович Шишкин ёнига жўнашди.

Юраги тўлиб кетган Қоражон Гулгуннинг ўқишга боришига қаршилик кўрсатолмай, орадан бир кун ўтгач, мотамсаро бўлиб қолди. У нима қилишини билмасди; калаванинг учини йўқотиб диққат бўлар, ўйлар, уҳ тортарди. Полвон бир йигитнинг бўшашиб, шалвираб қолгани бошқаларга ҳам сезилди. У хаёлот наҳрида оқарди, эҳтимол Гулгуннинг муҳаббати шунчакидир... Эҳтимол, у ўз атрофида парвона бўлиб юрган софдил бир йигитга яхши гапириб, илтифоту навсизш кўрғазиб, яхшиликка яхшилик билан жавоб қилаётгандир? Эҳтимол, ўпичлар, қучоғидаги эркаланишлар, юзларини силаб, кўксига қулоғини қўйиб, юрак тепишини эшитишлар, бари-бари ёлғондир. Эҳтимол, шундай қайноқ қилиқлари билан эркакларга ёқишни истар. Ахир у бир марта турмуш кўрган қиз... Эҳтимол, бошқа бир одам юрагида галаён қилдимикан? Эҳтимол, Қоражонни ҳусндан йироқ, чандиқ юзи уни қўрқитиб, ўзини секин четга олгандир? Мана бу гап ҳақиқатга яқинроққа ўхшайди. Демак, у беҳусн, бедаводан йўлни қилиб қочган... Бу гумон ҳақиқатга

яқинроққа ўхшайди! Ундай бўлса нега бу гўзал Гулгун унинг бағрига ўзини отди? «Гап ҳуснда эмас, Қоражон ака, сиз мингта ҳусндорлардан азизсиз. Хотинлар кўпроқ ҳусни борларга қарайди, деган гапни менга тақаманг, мен учун сиз дунёда энг азиз кишисиз. Сизнинг қалбингиз гўзал», — деган эди-ку у! Гулгун иккиюзламачими? Наҳотки, у икки тиллик, икки диллик бўлса! Наҳотки?! Бундоқ айб қўйишга Қоражоннинг ҳеч тили бормасди. Унинг бағри ёнарди. Бир нимасини йўқотган кишидек хаёлот ичида эди. Шунча йилдан бери бирон қиз унинг қалбига олов сололмаган эди. Қишлоқ қизи Гулгунда бир сир, оҳанрабо бордек Қоражонни мафтун этиб ўзига тортган эди. Шу сеҳргарнинг кетиб қолиши Қоражоннинг қалб хонадонини бўм-бўш қилиб қўйди. Жангари, полвон, неча ўлимларни енгган фронтчи Қоражон Мингбоев ўзининг ожизлигини сизди. У Гулгунга жуда берилиб қолган эканми, хаёлини умидсиз ўйлар қоплагач, ожиз бўлиб қолди.

* * *

Иван Шишкин билан унинг квартирасида учрашди. Уйда Галинанинг йўқлиги — сменада экани икки йигитга ёқди. Холодильникдан олинган бир шиша муздек арақ уларнинг икковларини ҳам «ман сизга айтсам...» қилиб қўйди. Мингбоевнинг ҳасратидан чанг чиқавергач, Шишкин эътироз билдирди. У дўстидан ҳеч нарсани яширмас эди.

— Хотинларга ўхшаб кўп обидийда қилаверма! Узимизнинг қурилишимизда хотин қуриб кетибдими! Эртаиндинга Галянинг синглиси Валя келиб қолади, гап-лаш, ёқса олиб бераман. Тўй қиламиз!

Қоражон бирдан хахолаб кулиб юборди:

— Гуноҳларимиз кўп, дўстим. Лекин мен ўша қизни яхши кўриб қолганман. Мен ҳам оила қуришим керак. Қачонгача кўринган бировга ошиқ бўлиб юраман! Бўйдоқ юришдан зерикдим! Мен уни жуда ҳам яхши кўраман! Агар шунақа бўлаверса... жонимдан тўйдим!

— Э, қойил-э! Кайфинг бор. Шунақа жигарбағрингдан урган экан, нега бўлмаса уни жўнатиб юбординг?!

— Гап шунда-да! Нега мен унга жавоб бердим! Ака-

демик Музаффаровлар олиб кетди. Музаффаровни танийсан. Член корр.

— Э, анави домламизми?

— Ҳа.

— Хафа бўлма. Оғир бўл! Хотин топилади. Бошқалар жонидан тўйсин. Нега сен жонингдан тўясан? Сен бир неча марта ўлиб, тирилган, одамсан. Фиррибгарлар ўзини ўлдирсин! Тушундингми? Агар ўша қиз чин инсон бўлса, сени алдамайди, хиёнат қилмайди, сотмайди! Агар сени сотса, ундай одам нега керак! Всё!

— Унақа қиз эмас.

— Унда нега обидийда қиласан?!

Қоражон ошнасиникидан чиққач, тўғри уйига йўл олди. Оралиқ яқин бўлганлиги, кайфи борлиги сабабли Шишкин унга машинасига минишга рухсат бермади. Машина унинг уйи ёнида қолди. Кўпдан ўғлининг бундоқ маст бўлиб юрганини кўрмаган Қандил буви данг қотди.

— Ойижон, хафа бўлманг... Мен Шишкинларникида эдим...— деди водопровод кранини шариллатиб, бошини тутиб,— шундоқ бўлиб қолди...

— Вой, ўғлим-эй, машина билан жарликлардан ўтасан, сув ёқаларида юрасан, тоғларга чиқасан... Юрагим шигиллаб кетяпти. Бу иш яхши эмас!

— Шишкин ўртоғим билан бирга эдим...

— Шу ичкиликни ичиб ҳеч кимнинг шохи чиққан эмас!

— Бунга ўша сабаб!

— Ўша ким? Шишкинми?

— Йўқ.

— Бўлмаса ким?

— Ўша оламан деган қиз...

— Нега бундоқ бўлди?— Қандил буви ҳовлидаги табуреткага ўтириб, ўйланиб қолди. Крандан шариллаб тушаётган сувга бўйни, бошини тутиб, ўзини қўлга олмақчи бўлаётган ўғлига тикилганича қотиб қолди. Демак, бу ичкиликда сабаб бор экан-да...

— Уқирмиш...

Қоражон юз-қўлини артиб, гандираклаб уйга кирди-да, диванга ўзини ташлади. Бир муддатдан сўнг ухлаб қолди.

Эрта билан ўзига келган Қоражон онасидан хижолат бўлди. Ҳамма гапни айтиб, онани юпатди. Албатта тўй бўлажagini айтди.

— Худо хоҳласа, дегин, болам,— деди Қандил буви,— ота-оналарининг гапи бошқача эди-ку? Нега энди ҳамма иш битганида ўқишга кирди?! Мен қариндош-уруғларимга нима дейман? Сенларни бошингни қовуштириб, қишлоғимга кетмоқчи эдим. Иккиламчи, у унда, сен бунда бўлиб, қандай эр-хотин бўласизлар? Бу иш ҳеч ақлга сиғмайди!

Онанинг боши қотиб қолди. У хаёлотга чўмиб, бўшашиб кетди. Ўғлининг омади келмаётгани бир дард бўлиб, бу дард уни харсанг тошдай эзарди.

— Ойи, қўяверинг, мени ўйламанг, бир гап бўлар...

— Нега ўйламас эканман! Ўйлайман! Одамларда лафз қолмади! Дадаси бамаъни одам, урушда бўлган, девдинг-ку?!

— Ҳа, яхши одам.

— Бу яхши одамнинг қиладиган ишими? Унашилган, энди тўй қиламиз, деб турган қизини жўнатиб юбориши тўғрими?!

— Қизнинг ўзи хоҳлади. Ўқишим керак, деди. Шаҳардан чиққан Музаффаров деган кишининг қизларига эргашиб кетди...

— Нега бундай қилди? Биров айнитдимикан?

— Йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса, ҳеч ким айнитолмайди. Мен Тошкентга тушиб чиқмоқчиман.

Қандил буви индамади.

Қоражон жуфтани йўқотган йўлбарсдек саросима ичида кўзга кўринган нарсага човут солишга тайёр эди. Юрагида шубҳаю ишончсизликлар пайдо бўла бошлади. У ўзига бўлган муносабатни ва умуман, аҳволни яхшироқ билмоқчи бўлиб, ўз машинасида тўппа-тўғри Милтиқбой акаларниқига, Сижжакка йўл олди. Хўжакентдан иккита катта қўзивой тарвуз сотиб олиб, машинага солди. Агарда Гулгуннинг айнагани рост бўлса, буни ота билан она билмаслиги мумкин эмас. Милтиқбой ака хонадонидаги ўзгаришни дарҳол сезиб олса бўлади.

Гуриллаб келган машина Милтиқбой ака Қўйбоқаров эшигида ғийқ этиб тўхтаб, икки тарвузни кўтариб олган Қоражон эшик тақиллатиб ўтирмай, ўз ҳовлиси-дек ичкарига бостириб кирди. Ҳовлида, ариқ бўйида идиш-товоқ юваётган Санобархон Қоражонга кўзи тушиб, ўрнидан турди.

— Бормисиз, ўғлим! Сиз ҳам жим бўлиб кетдингиз, Гулгун тушгур ҳам кетди-қолди. Болаларини олиб кетишган она мушукдек ёлғиз ўзим қолдим...

— Саломатлигингиз яхшими? Милтиқбой акамлар саломатмилар?

— Шукур, шукур. Зилдек тарвузни кўтарибсиз, ерга қўйинг.

Қоражон тарвузларни ерга қўйгач, Санобархон унинг елкасига қоқиб, омонлашди.

— Ойингиз яхшимилар? Укаларингиз...

— Ҳаммалари соғ-саломат. Сизга салом айтишди.

— Саломат бўлишсин!— деди босар-тусарини билмай Санобархон,— қани, юқорига, айвонга чиқинг!

Санобархон ошхонага югурди. Йўл-йўлакай нариги хона эшигини очиб, ўғлига югуриб бориб дадасини чақириб келишни буюрди. Йигитча бўлғувси поччасига салом бериб, Наволисойга — олмazor боққа югуриб кетди.

— Сизни кутиб ўтирган эдим. Гапим бор эди,— деди Санобархон бўлғуси куёвини ўз ўғлидек кўнглига яқин тортиб.

— Хўш?

— Дадаси келганда яна айтарман. Тошкентга тушиб, Гулгундан бир хабар олиб чиқсанглар яхши бўларди. Алағ-чалағ тушлар кўриб юрибман.

— Майли...— деди Қоражон. Унинг шубҳалари бекор чиқаётганга ўхшади. Қизнинг онаси унга нисбатан илгаридан ҳам ортиқ бино қўярди. Муносабатлари жуда ҳам илиқ эди.

Бир нафасдан кейин қўлтиқтаёқни тўқиллатиб мўйловдор Милтиқбой ака кириб келди. У ҳам ўз ўғли билан кўришгандай илиқ мулоқотда бўлди.

Дастурхон устида у ёқ-бу ёқдан, она-отаси ҳақида, қурилишдаги ишлардан гапириб берган Қоражон, «эрта-индин» эмас, машина тайёр, ҳозир йўлга чиқиш мумкинлигини айтиб, Санобархонга қаради. Бу гап Милтиқбой акага ҳам маъқул тушди.

— Хизрни йўқлаган эканман,— деди Санобархон Қоражонни навозиш этиб,— имтиҳонлардан ўтган бўлса бир-икки кун бу ёққа чиқсин, Гулгунга тайинлаб айтинг!

— Хўп,— деди Қоражон фахр билан. Бу хонадонга фарзанд бўлаётганидан унинг қалбини ўзида йўқ қувонч қучган эди.

Милтиқбой ака билан Қоражон икки яшик олма, ўн килограммли бидонда май асали, битта яшикда чиллаки олиб, «ТТ»да Тошкентга, Музаффаровлар ҳовлиси-га жўнашди.

Тошкент саратон қучоғида ёнарди. Бундай иссиқ ҳар ўттиз икки йилда бир бўлишини йўлда айтиб келган Милтиқбой ака Файзулла Аҳмедович билан унинг улкан дарвозаси ёнида учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашаркан, у ҳам гап ичида иссиқдан шикоят қилиб, бундай иссиқ ҳар ўттиз икки йилда такрорланишини айтди. Милтиқбой ака билан Қоражон кулиб юборишди. Кейин бу гапга изоҳ бериб, Файзулла Аҳмедовични ҳам кулдиришди.

— Ҳа, ишқилиб, саломат бўлайлик, — деди Милтиқбой ака, — ёзда иссиқдан, қишда совуқдан шикоят қиламиз. Инсон шунақа... Иссиқ ҳам ғанимат. Утган куни тупроққа тушдим, оҳ-оҳ, бутун оғриқларимни танимдан суғуриб олди. Сизнинг ҳам бодингиз бор, деб эшитган эдим, Файзулла Аҳмедович?

— Бор бўлганда қандоқ, асти сўраманг! Дунёдаги ҳамма бод менинг белимда...

— Э, боднинг жазоси тупроқ! Баъзилар айиқ ёғи, бўрсиқ ёғи, от ёғи дейдилар. Баъзилар, хумдонга тушиш керак, дейдилар. Қизиган тупроқнинг олдида уларнинг барчаси бир пул! Тупроққа тушинг, азизим!

— Ҳозир унақа тупроқни қаёқдан топасиз. Ҳамма ёқ асфальт бўлиб кетган. Асфальт деган нарса боднинг уяси. Билқиллаган тупроқни энди жаннатда кўрсак керак... Раисполком раисига, ҳой укажон, ҳамма ёқни бузиб ташлаяпсизлар, яхши ҳовли, яхши маҳаллалардан намуна учун биронтасини олиб қолинглар, дедим. Кулади. Мен унинг кўзига эскилик тарафдори бўлиб кўридим. Бир куни келиб афсусланишади. Ана ундан кейин фойдаси йўқ.

— Қоражон — менинг ўғлим, куёвим, — деди Милтиқбой ака машинадан чиқиб, икки кекса гапига қулоқ солиб, ерга қараб турган Қоражонни кўрсатиб, — ўзи фронтовик, Белоруссия фронтида жанг қилган. Ҳозир Чорвоқ қурилишида инженер.

— Бу йигит билан ўшанда сизнинг ҳовлингизда танишган эдик, — деди Файзулла Аҳмедович Қоражонга қўл бериб, — ёшсиз-ку, фронтда ҳам бўлганмисиз?

— Ҳа, — кулди Қоражон, — қирқ иккинчи йилнинг охири эди. Унингчини тугатгач, чақирилдим. Пензада, танк училишисига юборилдим. Кейин фронт...

Файзулла Аҳмедович «танк» сўзини эшитиб, бу йигитнинг юзи ва бўйнидаги чандиқларнинг сабабини

тушунди. Шу лаҳза дарвоза олдила чақмоқ мўйловли келишган йигит пайдо бўлди. У Қоражон назарида ўттиз беш-ўттиз олти ёшларда бўлиб, хатти-ҳаракатларидан кибор ва димоғдорлиги сезилиб турарди.

— Бу менинг ўғлим Хайруллахон,— деди Файзулла Аҳмедович уни меҳмонларга таништириб. Йигит берайми, бермайми, деб аранг қўл узатди. Икки «қишлоқи»ни менсимай, яна орқасига тисарилиб гўдайиб турди,— қани, ичкарига кирайлик, марҳамат! Дўстим, боддан гап чиқиб, дарвоза олдида туриб қолдик.

Шу лаҳза деразадан отасига кўзи тушган Гулгун шиппагини пойма-пой кийиб, югурганича келди. Ёш қизалоқлардек отасини қучди. Ота унинг пешанасидан ўпди. Онасининг саломини етказди. Гулгун Қоражонга қўл узатиб, у билан ҳам илиқ кўришди:

— Қалай, яхшимисизлар?

— Имтиҳонлардан ўтганингиз билан табриклайман!— деди қизариб Қоражон.

— Раҳмат!— бу гап Гулгунга жуда ҳам ёқиб кетди. У шу кунлари отаси, онаси ва бу севикли кишисининг келишини, унинг муваффақиятидан хабардор бўлишини жуда ҳам истарди.— Ойим яхшимилар?— Гулгун Файзулла Аҳмедовичдан ҳам, Хайрушкадан ҳам тортинмай, отаси ва бўлғуси куёв билан эркин гаплашарди. Шаддод қизнинг хатти-ҳаракатларига тушуниб қолган Файзулла Аҳмедович ажабланмади. Баъзида кузатиб туриб, бу «тоғ кабутари»нинг эркинроқ, шаддодроқ ўсганини Марҳаматхонга бир неча бор айтган эди.

— Ойинг сенга салом айтди,— деди такрорлаб Милтиқбой ака қизига.

— Сизнинг ойингиз яхшиларми?

— Раҳмат. У киши ҳам сизга салом айтди.

— Вой, қандай яхши келганинглар. Мен жуда соғинган эдим.

— Қани, ичкарига кирайлик,— деди яна Файзулла Аҳмедович,— ичкарида гаплашамиз.

Қоражон машинадаги бир яшик чиллакини ўзи кўтариб ҳовлига олиб кирди. Қолган яшикларни ҳам ташиётган эди, Файзулла Аҳмедович ўғлига «қараш» дегандай имо қилди. Хайрушка машинадаги асал тўлдирилган бидонни кўтарди. Ҳовлига кирган меҳмонлар сўри тагидаги каттакон чорси каравотга чиқиб, бир муддат нафасларини ростлашди. Файзулла Аҳмедовичнинг қатор ва кўркам солинган уйларига, пешайвону ҳовли ўртасидаги ҳовузга, гулларга тикилишди. Хона

ичидан Марҳаматхон ҳам чиқиб келиб, меҳмонлар билан саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашди. Санобархонки қайта-қайта сўради. Олиб келишмаганига ачинди. Таманно билан Тасанно ҳам ичкаридан чиқиб, меҳмонларга салом беришди. Улар айниқса чандиқ Қоражонга тикилиб, бир-бирларига қараб қош қоқиб, кулишди.

— Куёвнинг аҳволига бир қара...— деди қайтиб ичкарига кирган Таманно опасига секин,— башарасига қараб қўрқиб кетдим. Наҳотки, Гулгун ўшанга тегса?

— Подшонинг ишқи қурбақага тушган экан,— деди писмиқ Тасанно.— Вой, қандай қилиб бу тасқара билан яшайди? Мендек одам ўлиб қолардим...

— Бу кишини ўшанда Гулгунларникида кўрган эдим. Уларнинг хизматкорими, деб ўйлаган эдим. Унинг таъвиялигини қара, одам ҳам шунақа хунук бўладими? Ён томондан қарасанг зоопаркдаги йўлбарсга ўхшайди.

— Ха-ха-ха-ха,— Тасанно ўзини тутолмай кулиб юборди...

Марҳаматхон дарҳол ошга ҳаракат қилиб юборди. Хонтахта устига дастурхон ёзилиб, нозу неъматлар олиб чиқилди. Таманно онасига қарашиб, чой қўйди. Гулгун ҳам босар-тусарини билмай, дугоналарига кўмаклашарди. Бу хонадонда у билан Файзулла Аҳмедович ниҳоятда хурсанд эди. Файзулла Аҳмедович чой келгунча меҳмонларга қадимги ўзбек услубида қурдирган шифти тоқилик, икки тахмон ва равзқ шаклидаги кичик токчалар ўйилган хонасини кўрсатди. Бу хонага ўзининг ота ҳовлисидан олиб келган кўҳна ўймакор эшик ўрнатилган эди. Деразаси ёнига қурилган сандал қишда очилажagini ҳам айтди. Бозиллаган сандал ҳам боднинг давоси, деди у яна.

— Бизнинг қишлоғимизда ҳам сандални, исирикни жаҳолат деб юрганларга яна ақл кирди,— деди мўйловини бураб Милтиқбой ака,— бир нарсага ўйламай-нетмай, хата-тат-надирмат қилиб, ўпкаси йўқлик қилиш яхши эмас. Лекин мана бу хонани боплабсиз! Қариганда сандалга оёқни тикиб, ҳовлини томоша қили-иб ётарсиз.

— Ҳозир ёшмидик, дўстим!

— Ҳали озроқ бор,— деди хахолаб Милтиқбой ака,— одамлар кексаликни саксондан кейин дейишадди! Ҳали биз тирикчилик қилиб турибмиз...

— Отангизга раҳмат!— деди Файзулла Аҳмедович ялт этиб Қоражонга қараб қўйиб. У бир нима деб ҳа-

виллашмоқчи эди. Айтолмади.— Шу уйда ётасизлар. Мана бу ёғида ўғлим Хайрулла туради. Бу ёғдаги уйларда биз Марҳаматхон билан, наригисида қизлар...

Меҳмонлар хонадан қайтиб чиқиб, ҳовлидаги жўмракда қўл ювишаётганда атай кузатиб ошхонадан чиққан Гулгун Қоражонга яқин келиб мурожаат этди:

— Юринг, мен турган хонани ҳам кўрсатаман. Бу хонада ойнали шкафда Файзулла Аҳмедовичга берилган туҳфалар, Ҳиндистон ва Франциядан олиб келинган сувенирлар бор...

Гулгун олдинда, ундан кейин Қоражон кулимсираб, ўнг томондаги пешайвон зинасидан кўтарилиб каттакон хонага киришди. Хона шифтида елпиғич паррак секин айланиб турарди. Хонага кириш билан Қоражон шими чўнтагидан кичкина қутича олиб, юпқа қоғозга ўроғлиқ тилла узукни Гулгуннинг қўлига тақди.

— Сенга,— деди Қоражон ўз кўзларига тикилиб турган Гулгун олдида юраги дук-дук уриб.

Гулгун Қоражон бўйнидан қучди. Қоражон уни маҳкам қучоқлаб, лабларидан ўпди. Бир лаҳза улар бир-бирларини бўшатмай туришди. Икковларининг ҳам ранглари ўчиб, юраклари гурс-гурс уриб кетган эди. Беҳаловат Таманнонинг доп этиб кириб қолишидан қўрққан Гулгун Қоражон бўйнидан қўлларини олди. Қоражон ҳам уни бағридан бўшатди.

— Иккита ёқут кўзи бор экан. Бири — мен, бири — сиз,— деди бармоғидаги чиройли узукка тикилиб Гулгун. Узоқ сафардан қайтиб келган ўз эри билан учрашгандек, Гулгун Қоражонга эркаланиб, тортинмай гап қотарди. Қоражон унга еб қўйгудек тикиларди.

— Бағрим ёнади, ташнаман. Ёнингдан ҳеч қаёққа кетгим келмаяпти. Васлингга тўярмиканман?

— Сабр қилинг, Қоражон ака, сабр...

У энди шундоқ севикли кишисини қандай ташлаб кетади. У энди қурилишда ишлолмаса ҳам керак. Унинг Қўнғирбуқа тоғига чиқиб, нола қилиб ўтиришдан бошқа иложи қолмайди. Гулгун Қоражон ёнида эркаланиб, қўлларини қўйиб юбормай, кўзларига тикиларди.

— Ишлар қалай, ўртоқ инженер?

— Яхши.

— Тўғон битай деб қолдимми?

— Ҳа, сен боришинга, 1975 йилга битади.

— Уҳ-ўҳ... 1975! Ҳали саккиз йил борми?

— Ҳа.

— Шунақа секин бўладими?

— Йўқ, жуда тез бўляпти. Бир кунда ўн минг тоннадан ортиқ масса тўкиляпти... Ўқишинг бошлангандан кейин, бир ҳафтага жавоб оласан. Тўйни қиламиз. Бизникилар отанглар билан гаплашишган...

— Мунча шошасиз?

— Сенсиз ўлиб қолай деяпман...

— Агар мени яхши кўрсангиз, тез-тез келиб туринг. Мен сизни бир қийнаб сарсон қилмоқчиман...

— Майли. Лекин тўйни қилиб олайлик...

— Майли, қилайлик,— Гулгун хандон ташлаб кулиб юборди,— юринг, энди ташқарига чиқайлик. Файзулла Аҳмедович жуда салобатли, фариштали одам. Бизни енгилтак, деб ёмон фикрга бормасинлар.

Улар олдинма-кейин юриб, хоналарни мақтагандай бўлиб, ичкаридан чиқишди. Ҳовлида турган Хайрушка икки севишганларнинг деярли ҳамма хатти-ҳаракатларини сезиб, зимдан кузатарди. У Қоражонга ҳасад билан қарарди. Гулгунни қучиб, ўганини ғира-шира нариги хонадаги тошойнадан кўриб қолган эди.

XIX боб

ҚАТЛАМДАГИ ОЛТИН ХУМЧА

Ҳаёт ҳаракатни талаб қилади.
Арасту

Файзулла Аҳмедович бу ўтиришга Амир Равнақни ҳам чақиртириб келди. Хизмат қилиб, баъзан-баъзан чорси каравот четига енгилгина ўтириб суҳбатга қулоқ солаётган Хайрушкани ҳисобга олмаганда, улар — «улфати чор — анда маза бор» эдилар...

Хушчақчақ Амир Равнақ Чорвоқдан келган меҳмонларни тоза кулдирди. Бу дафъатанги аскияга Хайрушкадан ташқари, ичкари хона деразасидан чиройли кўзларини қадаб турган Таманною Тасанно, спихона томондан Гулгуну Марҳаматхонлар ҳам қулоқ тутиб, илжайиб қўйишарди. Марҳаматхон аския бўлаётганини сезиб турарди-ю, аммо бу кулги мазмунидан беҳабар эди.

Серғайрат, озгина тортгандан кейин сергап бўлиб кетадиган шоир Амир Равнақ бу кун тўпланган ан-

жуманга ҳаяжон билан шеър ўқиб, ақлли сўзлар айтарди. Унг томонда ўтирган ошнаси Файзулла Аҳмедовичга ҳар замон-ҳар замонда кўз қирини ташлаб қўярди. Унинг берилиб, астойдил гапираётгани, ўз касбига муҳаббати Музаффаровга жуда ёқарди.

Амир Равнақ бир-икки қадаҳ коньяк ичгандан сўн жиндак ошиб, ўзининг бир шеърини ёддан ўқиб берди. Файзулла Аҳмедович «шоирнинг хотираси ўткир, ҳофизаси ширин»лигини кўргач, «инсон тафаккури», «мия фаолияти» ҳақида андак фалсафа қилди. Кейин, астрономия — юлдузлар олами, «уч юз минг нур йили наридаги бир юлдуздан ультра бинафша нурлари келиб тургани», «учиб келаётган Икар кометасининг ерга урилиши ҳақида Америка матбуоти хабарлар тарқатаётгани» ҳақида гапирди.

— Инсон тафаккури чегара билмайди, — деди Амир Равнақ Файзулла Аҳмедовичга қараб. Лекин бу гапларни аслида у кўп эшитган, бу гаплар кўпроқ Милтиқбой ака Қўйбоқаров билан Қоражон Мингбоевга қаратилган эди. — Берунию Сино даврида ҳам инсон мияси фаолиятини ўрганилган. Мия фаолиятининг ҳали бизга номаълум бўлган томонлари кўп. Инсон миясининг жуғрофий кенглигини бирон океан билан тенгласа бўлади. У ниҳоятда беҳудуд... Унинг фаолиятига мингларча электрон ҳисоблаш аппаратлари тенглаша олмайди.

— Анави... овсарнинг мияси бу ҳисобга...

— Кирмайди, албатта! — деди дарҳол шоир қилиғи совуқ, думбул ошнalarини эслаб, — бу борлиқда бизга номаълум жуда кўп сирлар бор. Иккиламчи, инсонни, таъқиб этувчи ва бунинг акси — инсонни муҳофаза этувчи кўринмас кучлар ҳам бор. Бениҳоя кўп ҳодисалар, ҳаётимиздаги воқеалар буни исботлайди. У куч руҳми, арвоҳми... у билан ҳеч вақт қамтима-қамти учрашилмаган. Аммо у куч ўзининг мавжудлигини билдириб туради. Эҳтимол, у тирик инсонни кузатар, у инсон мияси билан боғланишар, лекин ҳеч жавоб қилмас...

— Сиз идеалист бўлиб қолибсиз, — деди Файзулла Аҳмедович.

— Йўқ, мен идеалист эмасман, азизим. Мен сиздан кўра ҳам илғорроқ кишиман. Мен материалистман. Моддага ишонаман. Қотиб қолган, фақат назарияга суянадиган материалист эмасман, қидираман, излайман, кузатаман... Дунёда ҳали бизларга сир бўлиб қолаётган жуда кўп нарсалар бор...

— Кексайганда айниясиз, шоир!

— Худди шу гапни айтасиз, деб турган эдим,— кулимсиради Амир Равнақ.

Бир муддатдан кейин яна суҳбат мавзуи ўзгарди. Амир Равнақ сўзамолликни асло қўлдан бермасди:

— Баъзи кексалар ўлимига беш-олти йил қолганида ҳамманинг жонига тегади. Улгудай обрўталаб, беш қўлини оғзига баробар тиқадиган, кичикларга ҳасадгўй дилозор бўлади... Бир сўз билан айтганда, ёмон қариётган бўлади. Мана, мен ҳам кексайдим. Мен қайси тоифага киришимни ўйлаб, юрагим шигиллайди. Киши ўзининг нуқсонларини ўзи кўролмайдди. Ҳеч ким ўзини-ўзи ёмон демайди.

— Жуда тўғри,— деди Милтиқбой ака.

— Бу гап жуда тўғри,— деди Қоражон,— сиз шу мулоҳазага бориб, ўзингизга ўзингиз қарай олибсизми, демак, мулоҳаза қилибсиз. Бу ноёб хислат... Шундан ҳамма гап маълум, сиз қарияпсиз.

— Сиз, шоирлар, ичингизда анча йиллардан буён бир енгилтак кимса юради,— деди Файзулла Аҳмедович.— Бизнинг соҳада ҳам отнинг қашқасидек таниқлиги бор. Ҳамма соҳада ҳам шунақалардан бир-бир бўлиб турар экан, худо бизларни ҳам шу масалада қисмаган. Иложимиз қанча! У ёлгон гапириб, одамни алдаса кошки эди, унинг жуда ҳам мараз ишлари бор. Келинлар, яхши нарсалардан гаплашайлик,— деди яна мезбон азиз меҳмонлар олдида ҳадеб ёмон нарсалардан гаплашаётганидан хижолат бўлиб.— Май ойи асали бебаҳо, оҳ-оҳ, ҳидини қаранг, қандай яхши!— Биллур қанддонга тўлдирилган Милтиқбой ака олиб келган асалга нон ботириб еб,— дунёда шундоқ ширин нарсалар бор-ку, биз захри олуллардан гаплашиб ўтирибмиз.

— Гап «божадан» бошланди-да,— деди кулиб Милтиқбой ака,— асал ейман десангиз тоққа чиқинг, биз томонларга келинг!

— Боргим келади. Пенсиялик ҳам жонга тегди! Доим меҳнат қилиб юрган одамларнинг пенсияга чиққани унча бўлмас экан. Умр бўйи юриб ўтган почтальонлар пенсияга чиқиб, икки йилга етмай ўлиб қоляпти. Гидростанция қуриб юрган бизга ўхшаганлар уйда қолиб майда гап бўлиб қолдик. Фақат қорани кўрамиз, тажанг бўламиз. Нурли нарсаларни кўрмаймиз. Баъзиларимиз очиқдан-очиқ шикоятбозга ўхшаб

қолдик. Дам у ташкилотга, дам бу ташкилотга арива ёзамиз. Ёшларга ишончсизлик ва ёмон назар билан қараймиз, гўё улар бошқачароқ бўлиб кетаётгандек. Бундоқ эмас! Ҳамма нарса жойида, еганим олдимда, емаганим кейинда, бола-чақадан тиндим, обрўйим баланд... Аммо нимадир етишмайди. Дунёнинг иши доимо бир кам, деб ўзимга-ўзим далда бераман. Лекин ётиб-ётиб, яна юрагим шопириб кетади. Нимадир етишмайди, ҳаётимнинг бир ери кемтикдек...

— Бир ойгина Сижжакка чиқиб ётинг, — деди Милтиқбой ака, — ўзим даволайман. Икки фронтвой бир отамлашиб ётсак ҳаққимиз йўқми?! Мусаллас солганман. Каклик палов қилиб бераман...

— Буларнинг фойдаси йўқ, — деди тўсатдан Қоражон. Ўтирганлар бу кутилмаган, кескин гапдан ҳайратланиб, Қоражонга ялт этиб қарашди, — «мусалласу какликлар»... йиқилиб йиғлаётган болани обаки билан овутишга ўхшайди. Файзулла Аҳмедович йиқилганлари йўқ, аммо ҳар қалай юракларида дард бор. Бунимен пайқаетирман.

— Хўш? — деди Файзулла Аҳмедович унга жон қулоғини тутиб.

— Қандай дард? — Амир Равнақ ҳам Қоражонга нигоҳини қадади.

— Файзулла Аҳмедович Чорвоқ қурилишига бориши керак! Умр бўйи ишлаб келган одам ишламай туролмайди!

— Файзулла Аҳмедовичда Шўро ҳукуматининг ҳақи қолгани йўқ, — деди Амир Равнақ қаҳ-қаҳ уриб, — кўкраги орденга тўлиб кетган. Агар тақиб чиқса, бир генералдан қолишмайди.

— Дарҳақиқат, у киши генерал.

— Ўлгунча ишлатасизларми?!

— Ишлатиш эмас, фикримни қандай тушунтирсам экан... Бу одам ўз тажрибаси билан, ишлари билан олтин. Яъни, бир хумча олтин тупроқ орасида қолмаслиги керак. Бизга ўхшаганлар бу тажрибадан ўрганайлик. Халққа, давлатга ҳам манфаати тегсин. Менимча, юракдаги дард шу. Агар Файзулла Аҳмедович қурилишга бошлиқ бўлмаганларида ҳам, бирон консультант ёки бирон участка раҳбарлигида ишлай оладилар-ку. У кишида мадор оз, тажриба кўп. Сартарошлар обдан уста бўлганида қўли қалтироқ бўлиб қолади, дейдилар. Файзулла Аҳмедовични эшитганмиз. У киши республикамиздаги энг йирик сув иншооти

инженерларидан. Оз бўлса ҳам бизларга дарс берган. Мен у кишини ўз қурилишимизга таклиф қилмоқчиман. Милтиқбой ака баҳона, қурилишга келсин, Георгий Исаевич Садовников билан эски ошна, мен дўстим Иван Шишкин билан ҳам таништириб қўяман. Сижжакка бориб, Милтиқбой аканинг май асалини ҳам емоқ мумкин, менинг қишлоғим — Ёнқўрғонга бориб, қимизу барра кабоблар емоқ ҳам мумкин... Ҳафтанинг келаси шу кунига мен сизни, шоир ақамизни таклиф этаман. Шу баҳона билан Чорвоқни ҳам кўрсатаман.

— Ташаккур! — деди Амир Равнақ, — бу идеянгиз жуда нурли. Таҳсинга сазовор! Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, кекса одамни ишла деб зўрламанглар! Бу нақ Ҳайитбой оқсоқолнинг отидек гап! Ҳайитбой оқсоқолнинг отини эшитган бўлсангиз керак! Бу отга бир умр қамчи теккан эмас. Салор кўпригидан ўта туриб, «ҳа-чу!» деб биқинига туртишганида ўзини беш метр баланддан сувга ташлаган... Файзулла Аҳмедович ҳам шунақа серзарда от. Сал биқинига туртсангиз борми, вассалом, сувга ташлайди, ўтга ҳам... Бечорани тинч қўйинглар! Май асал, қимизу барра кабобларга биз бормиз! Келаси ҳафта Чорвоққа чиқайлик!

— Яхши бўларди. Сиз билан бизнинг қимиз ичиб, барра кабоб ейишдан бошқа ишимиз қолмади.

— Бизлар водопровод денг... — Амир Равнақ қаҳқаҳа уриб кулди.

— Борамиз десангиз борамиз, шоир, — деди Файзулла Аҳмедович, — лекин мундоқ танамга ўйлаб қарасам, бу укамнинг гапида жон бор. Сал-пал ишлаб туриш керакмикан-ов... «Ҳунарни асрабон неткумдир охир».

— Оҳ-оҳ-оҳ, — деди Амир Равнақ, — Амир Алишер Навоий хўп айтганлар. Бу байтни фақат у ҳазрат айтишлари мумкин эди!

У аруз оҳанги «фаалан-фаалан» билан уни такрорлайди:

Ҳу-нар-ний ас-ра-бон нет-кум-дур о-хур,
О-лий-б туф-роқ-қаму кет-кум-дур о-хур?!

Қоражон ҳар қандай пайтда ҳам суҳбатдошининг гапини диққат билан охиригача эшитиш, яхши англаб

жавоб қилиш одати борлигини Милтиқбой ака кўпдан бери пайқаб юрарди. Унинг бу фазилати ҳам Милтиқбой ака юрагида ҳурмат уйғотган эди. Бугунги Амир Равнақнинг узоқ ва эзмаланиб гапиришларига ҳам сабр-тоқат билан қулоқ солиб, уни ярим йўлда кесиб қўймай, охиригача эшитиши куёвининг етуклигидан далолат бериб турарди.

— Алишер Навоий биз, Чорвоқ қурувчилари фойдасига зўр шеър ёзган экан,— деди Қоражон,— эҳтимол, сиз ҳам бир сўз айтарсиз. Бунинг учун бориб кўриш керак. Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши!

— Айни муддао! Яхши гап айтдингиз, иним. Сиз қисман ташвиқот қилиб, биз кексаларни ўтирган жойимиздан қўзгатмоқчисиз. Азизим Милтиқбойнинг май асалини бекорга едирмайдиганга ўхшайсиз?

— Ха-ха-ха-ха,— Милтиқбой ака оғзини катта очиб кулди. Унинг кўзи ёшланди. Мўйловини ҳам бураб қўйди.

— Сиз азизим Файзуллахон Аҳмад ўғлини, «тилла хумча», деб атадингиз. Бизни нима деб аташингиз мумкин?

— Сизни ҳам «тилла тўла хумча» деб атаса бўлади. Ҳаётий тажрибангиз мислсиз. Лекин сизнинг тиллаларингиз халқ қўлига тегяпти. Сиз қатламда эмассиз, одамлар шеър уқўшиқларингиздан баҳра оляпти. «Дилимда суратинг» қўшиғингиз Ҳазинийнинг «Фаргона тонг отгунча»сидан кам эмас...

— Офарин! Инженер йигитларимиз ҳам адабиётни шунчалик севсалар, энди менга ўлим йўқ экан... Офарин! Сиз мени асирбанд этдингиз. Чорвоқ эмас, Ҳиротга десангиз ҳам кетавераман!

— Қойил-э!— деди Милтиқбой ака.

— Сўзларингизни юракдан деб тушунаман. Бу сўзлар устимдан кулиш эмас, самимий. Юзта танқидчининг сўзидан кўра сизнинг сўзларингизни қадрлайман. Оноре де Бальзак умуман адабий танқидчиларни ёмон кўрган. Ойбек бўлса фақат битта танқидчини тан оларди. Уларнинг жуда ҳам уруғи кўпаймагани маъқул. Азизим, халқ фикридан мўътабар фикр борми дунёда!

— Шоир танқидни эмас, танқидчини ёмон кўради,— деди Файзулла Аҳмедович.— Дарҳақиқат, ёмон танқидчи жонга азоб.

«Хушовоз хонанданинг куйлари жонга роҳат,
Сен қандай хонандасан, жим турсанг, жонга роҳат»,—

деган Шайх Саъдий.

— Ушани менга кўрсатинг, устидан «БелАЗ» солиб юбораман!— деди Қоражон,— атрофимизда ҳали ғаламислар кўп... хафа бўлманг! Бўлмаса мана шу пашшанинг нима кераги бор! Тилла пашша ҳам учиб юрибди-ку! Шуларнинг бўлгани ҳам маъқулмикан, дейман ўзимга-ўзим. Кишини доимо ҳушёр тутиб турармикан. Жуда бўлмаганда елпиб, ўзингизни пашшадан қўриқсиз-ку! Шу томондан фойдали бўлса кераг-ов!

— Одам балоси ичида. Кўзга қараб юриш керак,— деди Милтиқбой ака,— бедазорда юрганымда оёғимга ўткир чўкиртак кириб кетди. Ҳамма ёқни кўм-кўк майса, гулзор деб ўйлаган эдим. Юмшоқ барра ўтлар орасида шундоқ чўкиртаклар борки, оёқни тешиб юборди. Оёқ деган нарса ҳам мен шўрликда битта эканини, шу битта оёғим ҳам ишдан чиқса тамоман ўтириб қолшимни у чўкиртак ўйлагани йўқ... Порт этиб кириб, қонга белади. Вой-войлаганимча қолдим. Бу фронтовик Милтиқбой оёқсиз қолади, битта оёғини бериб келган, демади-я! Вой, хунаса! Бир ой касалхонада ётсам бўладими!

— Лекин дунёда икки жарроҳ воқеасига ўхшаган гаплар ҳам бор,— деди Қоражон.

Файзулла Аҳмедович, Амир Равнақ, Милтиқбой ака «Нима воқеа?» дегандек Қоражон оғзига тикилишди. Ҳикояни тезроқ айта қолсин дегандек, шоир ҳам ҳаяжон билан Қоражонга тикилиб турарди.

— Тошкент медицина институтининг жарроҳлик клиникасида ишлайдиган икки жарроҳнинг ораларидан кўпдан оламушук ўтиб, ҳасад уларни зимдан бир-бирларига рақиб қилиб қўйган экан. Улар аслида бирга ўқиб, урушдан кейин шу клиникада жарроҳ бўлиб ишлар эканлар. Бири профессор, клиника мудири, иккинчиси ҳам профессор. Клиника мудири мансабини эгаллаш икки ўртоқни зимдан душман қилиб қўйган экан. Уларнинг ораларидаги нодўстлик институт мажлисида муҳокама қилинган. Уларнинг гаплари бири бирига қовушмаслигини медицина оламида кўплар биларди. Иттифоқо клиника бошлиғи — профессор бетоб бўлиб қолади. Унинг кўричак бўлгани, тезда операция қилиниши лозимлиги маълум бўлади. Анализларни кўрган профессор ўзини операция қилишни

«дўсти»дан илтимос қилади. Клиникада ҳамма тааж-жубланади. «Профессор «К.» ўзини операция қилишни професор «Л.»дан илтимос қилибди...» Бу нима? Ўзини ўлимга тикишми? Жасурликми? Ҳатто унинг хотини дарҳол бу гапни бекор қилишга уриниб, «Л.» умр бўйи эримнинг душмани бўлиб келган, бу очикдан-очиқ ақлсизлик, дебди. Унинг беш боласи борлигини, эрини операция қилишни «Л.»га топшириб бўлмаслигини айтган. Лекин «К.» «ошнаси»га мурожаат этиб, кўричак бўйича ундан моҳир жарроҳ йўқлигини айтиб, операция қилишни ўзидан илтимос этган. «Сиз мени ноқулай аҳволга соляпсиз, мени қўйинг», — деган «Л.» «Биз биринчи галда жарроҳлармиз, инсон ҳаёти учун жанг қилаётганимизда «баъзи гаплар» қулоғимизга кирмайди. Мен сизга ишонаман», — деган «К.». Операция жуда яхши ўтиб, «К.» бирон ҳафталардан кейин ўрнидан туриб кетган. Жарроҳ «Л.» «ўртоғи»нинг матонатига қойил қолган, ўртадаги рутубат кўтарилиб, ҳозир жуда аҳил бўлиб ишлашаётган эмиш...

— Бу бир дostonга мавзу бўладиган гап экан, — деди ҳаяжонини босолмай Амир Равнақ, — бўлган воқеами?

— Ҳа.

— Офарин!

— Зўр гап бўлибди, — деди мўйловини ўйнаб Милтиқбой ака.

— Инженер укам, — деди шоир, — сиз менинг кўзимни очяпсиз. Дафтарчамга қайд этиб қўядиган кўп нарсалар айтяпсиз. Офарин!

— Агар сиз Чорвоққа келсангиз, дафтарчангизга жуда кўп нарсаларни қайд этишингизга ишончим комил.

— Биз сизнинг ихтиёрингиздамиз.

Суҳбат ниҳоятда ширин бўлди. Ярим кечада Хайрушка Амир Равнақни уйига кузатиб қўйди. Катта хонага Милтиқбой ака билан Қоражонга ўрин солиб, илтимосига кўра Милтиқбой аканинг бошига бир чойнак чой қўйишди.

Файзулла Аҳмедовичнинг данғиллама кенг хонасида чорвоқликлар ором олиб ухлашарди...

Эрта билан Қоражон ҳовлига, водопровод крани ёнига майкада чиқди. Бурнига шама тикилган чойнакдек жилдираб сув тушадиган умивальник ёқмай, кран жўмрагини шариллатди. Унинг тирсакдан юқори пайлари сапчадек бўртган, жундор кўкси кенг, елкала-

ри тепадек, суяклари бузуқ эди. Лаблари қалин бўлса ҳам ўзига ярашган, қошлари узун, мош-гуруч сочлари тўлқинланиб турарди. Шундоқ қаралганда, бўйни, юзидаги чандиқни ҳисобга олмаганда, бу барваста йигит ёш жувонлар диққатини тортмай қўймасди. Ичкари уйда турган Таманно, Тасанно ўз жисмини томоша қилаётганини Қоражон пайқамасди. «Пистаи бемағз агар лаб во кунед расво шавад...»¹ бўлмаслиги, то унинг оғзидан гапи чиқмагунча келишган қоматига маҳлиё бўлиб турганлар Қоражон билан суҳбатдан кейин ўзларини босиб олишди. Хўрсинишди. У баъзилардек ўзининг кучли гавдаси билан масрур эмас экани, гаплари жойида, ўпкасини босиб олган йигит эканлиги маълум бўлди. Ақлу гавданинг мутаносиблиги атрофини ўраган қиз-жувонларда унга нисбатан ҳавас уйғотарди. Гулгуннинг рашки келиб, ўз севгилсини тезда хона ичига киришини бетоқат кутарди. Қоражон ҳеч нарсани пайқамай, тезда ичкарига кириб кетди. Бу ҳолатни Хайрушка ҳам кузатиб турарди. Барча кийиниб, ҳовлига нонуштага тўпланишаётганда Гулгун адасига, Қоражонга салом бериб, пешайвонда улар билан ўз аҳволи ҳақида гаплашди. Гап ўзи, онаси ва отасига доир бўлса ҳам Қоражон ўзини четроққа олди. Милтиқбой ака бирон нима керак бўлиб қолар, деб ҳеч кимга сездирмай қизига йигирма беш сўмликни буклаб берди. Қизининг ишлари кўнгилдагидек, яхши эканини, Файзулла Аҳмедовичдан тортиб, бу хонадондаги барча кишилар унга меҳрибонлик кўрсатаётганини билиб, ота жуда мамнун бўлди. Нонуштадан кейин худди шундай учрашув Қоражон билан бўлиб, улар икков ҳовлида, ҳамманинг кўзи олдида тик туриб бир лаҳза гаплашишди. Ошхонадан қараб турган Марҳаматхон уларнинг эру хотиндек меҳр билан, ҳаяжону шарм билан гаплашаётганини кўрди. Шу «бадбашара» йигитга Гулгуннинг унаштириб қўйилгани, яқин орада тўйлари ҳам бўлиши... уни таажжубга солди. «Бирини — ҳурилиқо, ажаб келишган, бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўладиган Гулгун, иккинчиси — барзанги... Бир яхши томони бордирки, улар эру хотин бўлмоқчи», Гулгуннинг эрга тегиб чиққанини ҳам эшитган эди. Хонтахта атрофида ўтирган Хайрушканинг Гулгун билан Қоражон иккиси тик туриб шивирлашаётганидан гаши келарди.

¹ Бемағиз писта лаб очса расво бўлади... (Саъдий).

— Эрта билан соат тўққиздан то уч, тўртгача институтда бўламан,— деди шивирлаб Гулгун,— кейин уйга келаман. Кутубхонада ҳам бўламан...

— Бу ерга телефон қилсам бўладими?

— Албатта. Таманноларнинг телефони 41... Эсингизда қоладими?

— Ҳамма телефонлар ёдда қолмаса ҳам, бу қолади.

Гулгун ерга қараб кулди.

— Ҳар куни тушимга кирасан... Мен омади юришмаган бир одам эканман. Етдим деганда, мана бунақа ишлар...

— Қоражон ақа!

— Тушунарли... Одамлар менинг ёшимда бола-чақали бўлиб, тинч яшаса-ю... Мен етим бўтадек бўзлаб юрсам. Мен худога нима ёмонлик қилган эканман!

— Озгина сабр қилинг. Гулгун сизники. Фақат сизники!— деди жуда секин ва Қоражоннинг кўзларига тикилди. Йигитнинг ёниб, ўпкаси тўлиб турганини, эҳтиросу ҳислар туғенини шундоқ сезиб турарди.

— Тез-тез келиб турсам буларнинг кўнглига келмасмикан?

— Телефон қилинг ё институтда учрашайлик.

— Тўғри юрасанми?

— Мана шундоқ!— Гулгун табассум қилиб, туфлиси учи билан ерга тўғри чизиқ чизди. Кейин чақнаб Қоражонга тикилди. Ўзига тикилган одамни хуш кўрмайдиган Қоражон Гулгун боқишларидан тўлқинланиб кетди. Чиройли кўзларию жавдираб тикилиши ёқарди унга.— Агар сиз яна бундақа савол берсангиз, жавоб қайтармайман.

— Узр,— деди Қоражон. У ҳам ботинкасининг учи билан ерга тўғри чизиқ чизди.— Вот такой-да!

— Ҳа, «вот такой».— Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Гулгун ҳеч ўзини кулгидан тўхтатолмасди.

— Келиб, сени тоққа опқочиб кетаман! Ундан сўнг тинчийман!

— Опқочиб кетмангу бир вертолёт топинг. Ҳар куни Чорвоқдан учиб, Тошкентнинг томига қўнсин. Мени соат тўққизга етказса олам гулистон! Бунга чоғингиз келадиими?

— Ўйлаб кўрамиз.

— Ўйлаб кўринг!

— Озгина пул ташлаб кетаман, майлими? Майдачуйда харажатларинг учун...

— Қанча ташлаб кетасиз?— Гулгун Қоражонга тикилди.

— Икки юз сўм.

— Оҳ-хў-ў, жаноб олийлари!— Гулгун яна кулди,— менга ҳозир адамлар йигирма беш сўм бердилар. Шу етади. Биз, бир Ватан уруши инвалидининг оиласида тарбия кўрган, унақа катта пулга ўрганмаганмиз. Мен ҳали юз сўмлик пулнинг қанақалигини билмайман. Кўрмаганман.

— Бўлмаса ўшанчани ол! Одамларнинг кўзи олдида қандай беришни билмаяпман.

— Янаги келганингизда. Дарҳақиқат, одамлар кўз олдида узоқ гаплашиб қолдик, бу одобдан эмас! Ойингизга, ҳаммага салом айтинг!

— Айтаман! Раҳмат!

Гулгун ичкарига, қизлар ёнига, Қоражон бўлса ҳовли ўртасидаги катта чорси каравотда ўтирган Милтиқбой ака томон юрди.

Нонуштадан сўнг улар йўлга тушишди. Нонуштага кечиккан бўлса ҳам, Амир Равнақ ҳалпиллаб, кузатишга етиб келди.

— Кейинги ҳафтага биз божам билан ҳузурингизга борамиз. Биз боргунча тўғон ишларини битириб қўймайсизларми? Иш процессини, яъни ўз она тилимда айтганимда, иш жараёнини кўришим керак. Қаранг, азизим, «жараён» сўзи қандай сержаранг. Шеърга яхши тушади. «Процесс», «мотоцикл» сўзларини шеърга тушираман деб бир шоирнинг эси кетган.

— Келинг, домла. Иш ҳали кўп!

— Ҳей, почча, менга қаранг,— деди Файзулла Аҳмедович жилмайиб,— шу ерда юриш жонимга тегиб турибди, агар божангиз ишга тушса борми, Чорвоқ томонга бедана юриш қилиб қоларсиз.

— Ишқилиб, айтганингиз келсин, фаришталар омин деб юборишсин! Бўлмаса, сиз азизимни подъяёмний кран билан ҳам қўзғатиб бўлмай қолди. Сиздақа одам пенсияга чиқсин экану! Мана, биз бир умр пенсиядамиз. Бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йили икки ой, қирқ биринчи йили бир ой, жами уч ой «Янги ҳаёт» газетасида ишлаганман. Кейинги бир ойим оғир келди — газета ёпилиб, мана, ҳозир ўттиз беш йил бўлибдики, очилмайди. Ўша ёпилганча ёпилди.

— Ундақа бўлса Чорвоққа бормайлик. Яна...

— Бораверамиз! Ишга мен эмас, сиз борасиз-ку!
Машина ёнида турганлар баробар кулишиб юборди.

Дарвоза ёнида турган Марҳаматхон, қизлари, отаси ёнида туриб дам Қоражонга, дам Гулгунга қараб турган Хайрушка ҳам хахолаб кулди.

Милтиқбой ака билан Қоражон ҳамма билан қўл олишиб, хайрлашиб, хурсанд жўнаб кетишди.

XX боб

ҚАТЪИЯТ

Сешанба куни эрта билан Файзулла Аҳмедович «коллегияга борадиган...»дек соқолларини қириб, яхши кийиниб кўчага чиқди. Унинг кайфи чоғ, серҳаркат ва сергап эди. У икки масалани бир йўла ҳал қилгани Узбекэнергострой трестига — Навоий кўчаси томон юрди. Марҳаматхон эрини дарвозагача кузатаркан, костюм-шимлари эзилмагани, ўзи эса «қогозга ўроғлиқ қанддай» эканини айтиб, ҳазил қилди.

— Нима бўпти? — деди Файзулла Аҳмедович, — бир йигитдан қатимиз кам? Улар шафтолини икки ёриб лиққа ютади. Биз обдан чайнаб, мазасини кўриб ютамиз. Кексани камситманг, емга ўрганган от хуржун тешади...

— Об-бо-о-о! Яна балога қолдим, дейман... Емни сиз биласиз...

— Онаси, мен Трестга кетяпман. Инженер Мингбоевнинг гапи ўйлатиб қўйди. Менимча, бу ҳозир катта проблема. Бу йигитнинг гапида чуқур фалсафа бор; мутахассислар пенсияга чиқиб, уйда ётиб, Чиғатойга равона бўлиши керакми?! Ёки хоҳласа ишлаши керакми? Мутахассислар биринчи галда! Трест бошлиғи ўзимнинг шогирдим бўлса. Шогирд бўлганда ҳам энг яхшиси... Мен уни анчадан бери кўрганим йўқ, шу баҳона кўриб ҳам келаман. Иккиламчи, Чорвоқ унинг қўлида. Бирон ишга юборишини сўрайман.

— Тушликка келарсиз? Нима қилиб қўяй?

— Пенсионер — камбағал одамга бир сиқимгина паловхонтўра-да! Шўрва-шўлтангга тоқатим йўқ, қорнимни оғритади.

— Бўпти!

Файзулла Аҳмедович Навоий кўчасидаги пештоқига «Чирчиқстрой» деб қабартма ҳарфлар билан ёзиб қўйилган, архитектура жиҳатидан жуда чиройли бионинг мармар зинапояларидан кўтарилиб, иккинчи қаватга чиқди. Шу катта бинода Трест жойлашган. У

узун коридордан ўтиб, Трест бошлиғи қабулхонасига кирди. Бу ерда бежирим секретарь хотиндан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Зарур иши борлигини, фамилиясини айтиб, секретарь хотинни ичкарига киритиб юборди. Бир лаҳзадан сўнг, Трест бошлиғи — қирқ ёшлардаги бир йигит секретарь билан бирга қабулхонага чиқиб, Файзулла Аҳмедович билан қуюқ омонлашиб, ичкарига олиб кирди. Домласини креслога ўтқазиб, ўзи унинг рўпарасига ўтирди. Файзулла Аҳмедович телефонлар тез-тез жиринглаб турганидан шогирдининг вақтини олиб ўтирмаслик учун ниятини лўнда қилиб айта қолди.

— Шу қатъийми? — Трест бошлиғи кулимсиради.

— Жуда қатъий! Менга қанақа ишни лозим кўрсанглар ҳам розиман. Уйда ётгим келмаяпти. Чорвоқда, қурилиш қайнаган жойда бўлсам. Пули ҳам мени қизиқтирмайди, академиядан уч юз, пенсия бир юз йигирма... Етарли!

Трест бошлиғи ўрнидан туриб бориб, телефон трубкасини кўтарди.

— Чорвоқ, ўртоқ Садовниковни улаб қўйинг! — деди у телефонисткага мурожаат этиб, — Файзулла Аҳмедович, сиз бу кишини танийсизми, илгари Узводстрой министрининг муовини эди. Жуда тажрибали инженер. Ҳозир Чорвоқда... — яна бир лаҳзадан сўнг Трест бошлиғи қўлидаги телефон трубкасига баландроқ овоз билан гапира бошлади; — Георгий Исаевич, салом! Ҳа, бу мен, ишлар яхшими? Доимо аъло бўлсин! Георгий Исаевич, бир илтимос бор эди. Инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаровни танийсизми? Ҳа, жуда тўғри. У киши бизнинг домламиз. У кишидан ҳам салом. Жуда тўғри. Файзулла Аҳмедович, Чорвоқда ишлайман, деяптилар. Инженерларингиздан бири у кишининг юрагига катта тўлқин солибди... Бир ҳисобда, шундоқ ишбилармон одамлар уйда ётиб нима қилади! Домламиз саломат бўлсинлар, доимо ишлаб юрган одам уйда ётолмайди. Иккиламчи, юртга нафим тегсин, деяптилар. Бу партиявий гап! Ихтиёрингизга борсалар нима дейсиз? Яшанг! Домлани эҳтиёт қиласизлар-да! Раҳмат! Хайр, саломат бўлинг, Георгий Исаевич, — деди Трест бошлиғи.

Файзулла Аҳмедович Узбекэнергострой трестидан жуда хурсанд чиқди. Эртасигаёқ Амир Равнақни олиб Чорвоққа югурди. Садовников ҳам уни эски ошнасидек илиқ қарши олди. Шу куниеқ Музаффаровни кадрлар

бўлимнинг вақтинча мудирини қилиб, буйруқ берди. Бу вазифани вақтинчалик бажариб турган забардаст йигитни СУ-5 участкасига бошлиқ қилиб тайинлади. «Бошқармада ёнма-ён ўтираемиз, бамаслаҳат ишлаймиз», — деди Георгий Исаевич Файзулла Аҳмедовичга.

Орадан икки ой ўтгач, партия ҳисобот мажлиси бўлди. Вақтинча кадрлар бўлимнинг мудирини, консультант, кекса инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаров Чорвоқ қурилиши партия ташкилотининг бюро аъзолигига ҳам сайланди.

XXI боб

БИРИНЧИ ТУҶНАШУВ

Жаҳти инсон бар ин наёмад, варна,
Гардунро низ бар замин меовард!...
Бедил

Тошкентга тушиб, Гулгунни кўриб келган Қоражоннинг кўнгли анча таскин топди. Севиклиси инсофли кишилар қуршовида, маданий бир хонадонда турганию Музаффаровдай бир валлакат кўзи олдида эканлигини кўнглига таскин берсин, аксинча, уни гоётда қувонтирди. Файзулла Аҳмедович ҳомийлигида институтни тугатиб олса, бу қандай яхши! Шу баҳона бўлиб, Амир Равнақ билан танишиб олди. Музаффаровнинг ўғли Хайрулла, қизлари Таманно ва Тасаннолар унда яхши таассурот қолдирди — улар маданий, ўйлаб гапирадиган, дид ва идрокли фарзандларга ўхшарди. Лекин Тошкентдаги баъзи машҳур кишиларнинг фарзандлари жуда ҳам талтайиб, отасининг академиклиги — унинг академиклигидек, отасининг министрлиги — унинг мансабдорлигидек бўлиб кўриниб, димоғи кўтарилиб кетганини биларди. Ўзгаларни менсимай қўйган, яхши еб, яхши кийиниб, меҳнатдан қочадиган бўлиб қолган баъзи йигитчалар Қоражонга маълум. Ҳа, пўконида ел ўтмаганлар, дерди у. Тошкентда ўқиб юрган кезларида, хом семиз, калондимоғ бир йигитчани полга яланғоч ётқизиб, белидаги энли солдат камари билан саваламоқчи бўлган эди. Кейинги йилларда бир ёмон

¹ Инсон агар жаҳд қилса,
Осмонни ҳам ерга олиб тушади.

нарса — баъзи ёшлар ўртасидаги Ғарбга эргашиш, беибо қилиқлар қилиш бўлди. Лекин, кўплар танийдиган Музаффаров болалари бундай «дард»дан холи эканлигини сезгандек бўлган Қоражоннинг дили равшан тортди — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, фронтчи Музаффаров ўз болаларини яхши тарбиялаган экан, деган гапни дилидан ўтказиб қўйди.

Эрта билан, нонуштадан кейин Қоражон Милтиқбой акани олиб, ўзининг «тоғ такаси»да, Чорвоқ қайдасан, деб йўлга чиқди. Машина тасмадек асфальт йўлда физиллаб учиб борарди. Икки соатлар чамаси йўл босиб, Хўжакентга етишди. Кўприкдан ўтиб тоққа кўтарилишди. Милтиқбой акани Сижжакка элтиб, Санобархон опа қўлига омон-эсон топширгач, яна орқасига қайтиб, Чорвоққа келди.

Кўнгли таскин топган Қоражон эртасига эрта билан тиниқиб турди, руҳи тетик тортиб, кучли билакларини шимарди. У тўппа-тўғри тўғон қурилишига келди. Кайфи чоғ, гўшангадан чиққан куёв боладек мамнун, дунёда ундан бахтиёр кимса йўқ эди. Унинг Гулгуни бор, Гулгун дунёдаги энг гўзал қизларнинг бири. Хусн-сиз-бир кимсани севган қиз ноёб қиздир. Қоражон шу олижаноб қизга бутун умрини бағишлаб, уни бахтли қилиб, кафтида кўтариб юрмоқчи бўлди. Бу унинг дилидаги эзгу нияти. Нигоралар ҳаётда нигорон бўлган, Раънолар сўлган, Фарҳоду Ширинлар бир-бирига етолмаган.... Лекин Гулгуну Қоражонлар бир-бирига етади, бахт топади! Чунки у замон бошқа, бу замон бошқа. «Юзи тиниқ, чиройли қизларнинг кўплигининг боиси шуки,— деган эди Амир Равнақ,— сариёғ, тухуму қаймоқнинг, оқ нону ширинликларнинг кўплиги. Бўл-маса бизнинг хотинларимиз баъзиларга ўхшаб заъфарон бўлиб кетарди...»

Ёнқўрғонда Қандил буви ўз болалари орасидаги ночорроғи ёнида кўпроқ бўлиб ёрдам бериб, ёнини олиши уруғларига маълум эди. Негадир бугун эрта билан кайфи чоғ Қоражон хаёлига она лоп-лоп туша бошлади. Ишлари яхши, хурсанд пайтларида у онани, кичкина жиянларини кўп эсларди.

Қоражон тўғон қурилиши штаби олдида машинани қолдириб, одатдагидек даставвал бош диспетчер хонасига кирди. Аппаратлар ёнида тинмай телефон-бозлик қилиб ўтирган Исаак Ратман Қоражонга кўзи тушиши биланоқ «тўхтаг, чиқиб кетманг!» ишорасини қилиб, яна кимлар биландир гаплашаверди. Бир

лаҳзадан сўнг у қўлидаги трубкани қўйиб, яна бошқа трубкани Қоражонга тутқазди. Қурилиш бошлиғи билан улаб қўйди.

— Эшитаман, ўртоқ Мингбоев?— қурилиш бошлиғининг ўткир овози бутун хонага эшитилди.

— Сўраган экансиз, Георгий Исаевич?

— Қаёқда юрибсиз? КИА¹ ни текширганмидингиз? Икки трубади пьезометр сув сирқийганини кўрсатаяпти. Олтинчи стборда.

— Мен ҳозир тўғонга кўтариламан. Шахтага гушиб приборларни кўраман.

— Кўриб бўлгач, тезда Бошқармага келинг!

— Хўп,— Қоражон трубкани Исаак Ратманга бергач, хона деворидаги тепасига «КИА и контроль состояния Плотины Чарвакской ГЭС» деб ёзилган каттагина схемага кўз ташлади.

— Мана шу ерда!— деди Исаак Ратман қулоғида трубка, қўли билан схема-чертёжга ишора қилиб,— бу кеча сезилган. Сизни тоза қидиришди. Қоражон Мингбоевич, қаёқда эдингиз?

— Тошкентга кетган эдим.

— Э, аттанг! Қурилиш бошлиғи ҳам, бош инженер ҳам анча диққат бўлишди. Улар ёнида бошқалар ҳам бор эди.

Девордаги КИА схемасига тикилиб турган Мингбоев тезда диспетчер хонасидан чиқиб, машинасига ўтирди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ айланма йўллар билан физиллаганча юқорига кўтарилиб, тўғон устига чиқди. Бу йўллардан вағиллаб харсанг тош ташиётган улкан «БелАЗ»лар, «МАЗ»лар ўз ёнларидан тоғ такасидай эпчиллик билан ўтиб кетган машинага боқиб, кеча кўринмай қолган участка бошлиғига кўз ташлашди.

«Қари қиз овга чиқди, кетидан говга чиқди...— деди ўзига-ўзи Қоражон Мингбоев.— Яна беҳи новдаси билан саваланадиганга ўхшайман! Баъзиларга ҳам гап топилиб қолди. Пурвиқор Ҳазратов энди бошлиқлар олдида тумшуғи билан патини тараб, томошабин бўлади, менинг кўнглимни юпатиб, «ҳамдард» ҳам бўлса керак... Унинг товланишига, риёкорлигига ҳеч чидаб бўлмайди. Орқадан, одамлар орасидан бурнини жийириб кулади. Ҳа, майли».

Мингбоев прораб билан, «БелАЗ»да харсанг таши-

¹ К И А — контроль-ўлчов аппаратлари.

ётган шофёр ошналари билан бир муддат ҳол-аҳвол сўрашиб олгач, «ЧП» ҳақида улардан гап сўради. Кейин шошмасдан, олтинчи стборга — шахтага тушиб кетди.

— Йигирма минутдан ортиқ турманг! — деди прораб Никаноренко, — ҳавоси ёмон. Вентиляцияни ишга солинг. Датчиклар ёнида эҳтиёт қўшимча батарея бор...

— Хўп, — деди инженер Мингбоев темир нарвон билан пастга тушиб кета туриб. Этда-бетда чироқ ёниб тургани билан шахта таги кўринмас, қоронғи ва жаҳаннам эди. У ўн беш метрча пастга тушгач, бу ердаги бетон хонада андак тўхтади. Бу ерга ўрнатилган бетон қувурлар, ингичка-йўгон трубалар ҳамда барометрга ўхшаш, доира шаклидаги пьезометрга кўз ташлади. Унинг остидаги оқ, қизил, кўк рангга бўялган трубалар ичак-човоқларга ўхшарди. Пьезометрларнинг салпал ликиллаб тургани, чап томондаги миллар тўртинчи стбор яқинида, тўғоннинг сув қопланган еридан бир-икки метр пастда озгина сизот қатламга ўтаётганини кўрсатиб турарди. Қоражон Мингбоев қўлидаги ўткир батарея нуруни юқоридаги датчикларга, дипмометрларга ҳам тушириб, уларни ҳам кўрди. Шахтанинг ҳамма томонини кузатди, бир лаҳза қулоқ осди. Пьезометр трубаларига қулоғини қўйиб кўрди — юқорида гумбурлаб тупроғу харсанг тўкаётган машиналарнинг юриши, тарақ-туруқлар шахта ичида шундоқ эшитилиб турарди. Лекин ер қаърининг ваҳимаси кишини қўрқувга солар — агар бирон қатлам кўчиб озгина сурилса бас, бу ердан асло чиқиб кетиш мумкин эмас. Қандайдир бир гувиллаш ярим қоронғи шахта қудуғи ичида ҳоқим. Қоражон Мингбоев яна ҳам пастга тушиб, бошқа аппаратларни ҳам кўздан кечирди. Йигирма минутдан ошиб кетгач, юқорида люк-чўян қопқоқ ёнида ўтирган прораб Никаноренко жаҳаннам ўрага оғзини тўғрилади:

— Минг-бо-ев! Эшитяпсизми? Уртоқ Минг-бо-ев!

— Ҳа-а-а!

— Чиқиш керак! Йигирма минутдан ошди!

— Ҳо-зир.

Ярим соатлардан сўнг Қоражон Мингбоев пьезометр берган маълумотни дафтарчасига ёзиб олиб, юқорига кўтарила бошлади. Йўл-йўлакай сейсмоаппаратларни ҳам кўздан кечирди. Барчаси нормал ишлаб турибди. Сейсмик жиҳатдан актив зоналарда бундай

Ўта баланд тўғонлар қуриш ва бу тўғоннинг мустақамлиги, боқийлиги, арзонга тушуви жуда муҳим, деган эди Садовников ҳам, Музаффаров ҳам. Контроль-ўлчов аппаратларининг тўппа-тўғри, аниқ маълумот бериб туриши маҳаллий материаллардан қурилган ўта улкан тўғоннинг хавфсизлигини таъминлайди. Бу тўғон Совет Иттифоқида яғонадир... Бу гаплар Қоражон Мингбоев хаёлидан ўтди. У юқорига чиқиб, очиқ ҳаводан ўпкасини тўлдириб бир-икки нафас олди. Шундоққина ерга ўтириб, у ёқ-бу ёққа аланглади.

— Тинчликми, Мингбоевич?— сўради прораб.

— Тинчлик. Ҳовлиқадиган ҳеч гап йўқ! Пьезометр тўртинчи стборга яқин ерда озгина сув сирқиётганини кўрсатапти. Вақтида сезганимиз ҳар қандай хавфнинг олдини олади. Бўлмаса, ёмон албатта... Аппаратларни биз нима учун қўйдик? Фасонга қўйганимиз йўқ!— Қоражон Мингбоев ўрнидан туриб, қоқинди. Кейин машинаси томон юра туриб, прорабга қаради.— Азизим, мени қурилиш бошлиғи чақиряпти. Шу масалада. Ҳеч кимга жавоб берманг, ҳамма ўз жойида бўлсин. Эҳтимол, тўртинчи стбор яқинидан бир-икки метр ерни ковлаб очишга тўғри келар. «МАЗ—525» — шиббалаш машинаси ҳам тайёр турсин! У ҳам зарур!

— Тушунарли.

Қоражон Мингбоев машинасини ҳайдаб, тўғон тепасидан пастга тушди. Тўғон устида ишлаётган кишилар унинг шитоб билан Бошқарма томон кетаётганини кўриб туришарди.

Бир муддатдан сўнг у Бошқармага етиб бориб, югурганича иккинчи қаватга чиқди. Садовниковнинг қаёққадир чиққанини, қабулхона секретари негадиги унга ҳайратомуз боққанини сизди. Бир лаҳза коридорда турди. Ундан сўнг ларторг кабинети томон юрди, аксига, Шишкин ҳам кабинетда йўқ эди. У коридорда бир муддат гўдайганча туриб, девордаги ГЭС, тўғонда ишлаётганлар фотосуратларига тикилди.

«Бир кун йўқ бўлганига шунча гап. Қабулхона секретарининг ҳам қовоғидан қор ёғмоқда. Бошқалар сал аксирса ҳам, шамолладим, деб ҳафталаб ётиб олишди. Эчкиники ҳар кун очик, айби йўқ, аммо қўйники бир кун очилса дув-дув гап...» Бу мақол Қоражон Мингбоев дилидан ўтди.

Бир муддатдан кейин қурилиш бошлиғи қабулхонасининг секретари, бояги юзи чўзиқ, қиргий бурун хотин коридорга чиқиб, инженер Мингбоевни теле-

фонга чақирди. Югуриб, бошлиқ кабинетига кирган Қоражон стол устидаги трубкани олди.

— Лаббай?

— Мен, Садовниковман.

— Эшитаман, Георгий Исаевич.

— Биз ҳаммамиз тўғон устида тўпландик. Мен диспетчер хонасидан телефон қоқяпман. Сизни овора қилганим учун узр. Иш шундоқ бўлиб қолди. Тўғри тўғон устига келаверинг.

— Хўп бўлади.

Қоражон Мингбоев кабинетдан чиқиб, яна «ТТ»-да изига қайтди. Садовников ҳеч қачон бақирмас, дўқ ҳам қилмасди. У жуда вазмин киши, аммо ҳақини бировда қолдирмасди ҳам, юмшоқ супурги бўлиб кўринса-да, беҳи новдаси билан яхшилаб савалайдиган одам эди. Инженер Мингбоевнинг сўрамай ишни ташлаб кетиши, кутилмагандаги «ЧП» ва яна «унинг ахлоқига тааллуқли баъзи гаплар» тарқалгани саваласа арзийдиган сабаб эди. «Иринанинг ўйнаши», деган гап ҳам Иван Иванович Шишкин қулоғига етди. У бу гапни иғво деб ҳисоблади, чунки магазинда ишлайдиган Ирина анча шўх аёл эди. Бу гаплардан Мингбоевнинг мутлақо хабари йўқ. Садовников секретари, қирғий бурун хотин «барометр» эди, Бошқармада ва умуман инженер-техник ходимлар, раҳбарлар ўртасидаги ҳамма гапдан воқиф, қинғир гапларни тиллага сотиб оларди. Узи эр кўрмай, шундоқ ўтиб кетаётгани сабаблими, «ўйнаш», «юрармиш»... деган гапларга жон қулоғини тутар ва тезда эл ичига тарқатиб юборишда жонбозлик кўрсатарди. Бир неча инженер йигитлар Георгий Исаевичга, шу хотинни йўқотинг, деб астойдил илтимос қилишди. Аммо бунинг иложи бўлмади, у ўз ишига пишиқлиги, вазифасини яхши бажараётганлиги сабабли уни четлатиб бўлмади. «Бу хотиндан қўрқсаларинг, тўғри юринглар! Тўғри юрсанг, ҳеч ким ғиринг деёлмайди. Бир ишларинг борки, оёқларинг қалтирайди», — деган эди бир куни Георгий Исаевич Садовников. Инженер Ҳазратов мана шу хотинни ҳам қўлга олган эди.

Инженер Мингбоев тўғонга етиб борганида, бу ерга қурилиш бошлиғи Садовников, парторг Шишкин, бош инженер муовинлари, консультант Музаффаров, гидропроектдан келган Леднев, инженер Ҳазратов, прораб Никаноренко, «БелАЗ» ва шиббаловчи «МАЗ — 525» машиналарининг ҳайдовчилари тўпла-

нишган эди. Лабораториядан Галина Сергеевна Шишкина ҳам келган. Қоражон Мингбоев яқинлашиши билан Садовников қўл беришиб кўришди-да, шу лаҳза сўради:

— Уртоқ Мингбоев, шахтага тушиб чиқдингизми?

— Ҳа.

Садовниковнинг ўшқириб дўқ уриб: «Қаёқда юрибсиз? Ишлар расво-ку!» — демай, жуда босиқлиқ билан инженер Мингбоевни қарши олганидан бу ерда, одамлар ичида турган баъзи бировлар ҳайрон қолди. Улар ҳозир жанг бўлишини кутиб туришган эди. Аксинча, Садовников у билан қўл бериб кўришди.

— Фикрингиз қандай?

— Пьезометр тўртинчи стбор яқинидан озгина сув сирқиётганини кўрсатапти.

— Нега бундай бўлди экан? Уртоқ Шишкина, сиз айтинг-чи, тўртинчи стбор яқинидаги зичлик анализларини ўзингиз кўрганмидингиз?

— Ҳа,— деди Галина Шишкина қизариб. У одамлар ўртасида жуда қийналиб гапирарди.

— Ун тўртинчи стбор, ўн учинчи стборлар яқинида ҳам сув сирқиган. Бошқатдан шиббалаганмиз,— деди инженер Мингбоев гапни бўлиб,— бунинг ҳеч хавфли томони йўқ.

— Мен сизнинг бу фикрингизга қўшилмайман!— деди тўсатдан инженер Қиёмхўжа Миёнхўжаевич Ҳазратов ранги оқариб,— кичик дарз катта кемани чўқтиради. Сирқиган сув катта ўпирилишлар пайдо қилади.

Қоражон Мингбоев ўз курсдоши, ўртоғи Ҳазратовнинг ранги оқариб, титраб гапирганидан, унинг юрагида қандайдир бир ўч дарди ётганини пайқади. Нега бундай бўляпти? Нега унинг оғзидан сафродек бу гап отилиб чиқди? Қоражон бир лаҳза қотиб қолди. Ўз дўстининг бу даражада ёмон кўз билан қараётганига ҳайрон бўлди. Ёки ўртага бирон ифво тушдимикан?.. Қоражон оғирлик қилиб, норасо гап гапириб юборишдан ўзини сақлади. Кулди. Совуққонлик билан шундай деди:

— Назарий жиҳатдан бу тўғри. Лекин биз бунгача қўймаймиз.

— Даҳшат! Бунга кулиш эмас, йиғлаш керак! Агар биз бепарво бўлганимизда тўғон барбод бўларди. Республика пойтахти Тошкент хавф остида қоларди...

— Кўп ваҳима қилаверманг!— деди бир зумдай сўнг Қоражон Мингбоевнинг жаҳли қўзғаб.

— Ўртоқлар, қиссиётга берилмай гаплашайлик,— деди вазминлик билан Садовников,— ўртоқ Музаффаров, сиз нима дейсиз?

— Фарҳод ГЭСнинг бош тўғони темир-бетондан. Унинг ҳар бир сантиметри менга маълум,— деди вақтинча кадрлар бўлимининг мудирини, консультант-инженер Файзулла Аҳмедович Георгий Исаевичга қараб,— тўғон битгунча, ҳатто эксплуатацияга топширилгунигача икки бор жиддий дарз аниқланган. Бетонда-я! Азаматлар бир кундаёқ тузатишган эди. Инсон ўз қўли билан яратган нарсасини ўзи тузата олади. СУ-2 участкасининг бошлиғи инженер Мингбоевнинг ўзига бу иш топширилсин, у тезда тузатиб, бизга хабар қилади. Пашшадан фил ясаш керак эмас. Иш бор ерда нуқсон бўлади.

— Ҳурматли Файзулла Аҳмедович, сиз жуда гажрибали одамсиз, академияга мухбир аъзосиз. Лекин бу катта нуқсонни хаспўшламаслигингизни сўрардик,— деди Ҳазратов прокурорга ўхшаб,— сизнинг ҳурматингиз бор, ёшингиз катта, устозсиз, аммо...

— «Аммо», деганингиз нима? Мен тўғриси айтдим. Бўзчи билганини тўқийди. Бу, шов-шув кўтариб, ур-сур қиладиган гап эмас! Одатдаги иш, одатдаги камчилик, холос.

— Сиз нима дейсиз?— Садовников Ледневга қаради.

— Инженер Музаффаров лўнда қилиб айтди.

— Тузатсин, мен ҳам шуни айтяпман, Георгий Исаевич,— деди бир оз ўпкасини босиб Ҳазратов,— лекин тезда тузатсин! Бўлмаса хавфли! Оғзингизга толқон солганмисиз, ўртоқ Шишкин? Нега бир нима демайсиз?

— Масала равшан. Тузатиш керак! Мен нима дердим.

— Кейин бу ишни партия мажлисида кўришимиз керак!— деб қўшиб қўйди Ҳазратов.

— Мумкин. Гаплашадиган бошқа гапларимиз ҳам бор,— жавоб қилди Иван Иванович Шишкин.

— Ўртоқ Мингбоев, ўртоқ Никаноренко,— мурожаат қилди Садовников,— амалий ишга ўтайлик, нима қилмоқчисизлар?

— Экскаваторни карьердан олиб келдик, ана, шай турибди,— деди Мингбоев,— мана шу ерни уч метрча

очиб қайтадан шиббалаймиз. Вассалом! Нима дейсан, Никаноренко?

— Гап шу-да! Қўрқманглар. Ваҳимага асос йўқ! Инженер Мингбоевнинг айтганлари тўғри, Георгий Исаевич!— деди Никаноренко,— бошим билан жавоб бераман! Инженер Мингбоев ишига пишиқ, қўрқманглар.

— Бошга эҳтиёт бўл,— деди ҳазиллашиб Садовников,— бу бошни бир марта жўва билан уриб гурра қилишганини биламиз. Лекин бизга панд берсанг, лўм билан уриб, пачоқлаб қўя қоламиз-а, шуни биласанми?

— Об-бо, Георгий Исаевич-е, ўша воқеа ҳали ҳам ёдингизда бор экан-да,— хахолаб кулди Никаноренко,— хотинимнинг калтаги-ку эсимдан чиқиб кетди, лекин ўша жонон ҳамон ёдимда...

— Бу прораб — шоир! Бунинг тарихини сизга кейин гапириб бераман, Файзулла Аҳмедович, бу жуда қизиқ йигит,— деди Георгий Исаевич Музаффаров қулоғига шивирлаб, кейин кўз қисиб,— хотини бунинг бошига жўва билан урган. Ўзининг хотини паризод, кўрсангиз оғзингиз очилиб қолади. Анови Галинадан ҳам дўндиқ. Ақлли, чаққон. Бу нодон бир оймтиллага ошиқ бўлиб қолган. У «жонон» бир пақирга арзимайди! Бизни анча қийнади бу хумпар. Арзобозлик, шикоят, муҳокама...

— Сиз билан биз эҳтиёткорроқ эдик, азизим. Булар бугун ошиқ бўлиб, эртага хайр дейишади. Бизлар бурунгининг одамларимиз-да, Георгий Исаевич.

— Никаноренко! Мана, участка бошлиғи Мингбоев, сен прораб сифатида асосий кучларни ишга солиб, сирқиётган сувни йўқотинглар! Мингбоев таклифи асосан тўғри. Шиббалаш, шиббалаш ва яна шиббалаш! Агар яна бирон ердан сув сирқиса, кўрасизлар! Галечка, сиз ҳам лабораторияда яхшироқ текширинг.

— Хўп бўлади, Георгий Исаевич.

— Кечқурун менга хабар қилинглр. Келиб кўраман! Ҳар куни шахталарга тушиб, контроль-ўлчов аппаратларини ўз кўзингиз билан кўриб, менга айтиб турасиз!

— Хўп бўлади!

Бошлиқлар машиналарга ўтириб жўнашди. Ҳазратовнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, кекирган сигирдек бўлиб, бўшашиб жўнади.

Ҳазратовни «оғзи айғоқ, тили тойғоқ» дейишарди. Ушанда Қоражон ўз ошнасининг ёнини олиб, «қишлоқ» дўстларини сўккан эди. Орадан қанча йиллар ўтди, тошкентлик курсдошини доимо иззат-икром қилиб юрарди. Бугунги муомала уни жуда ўйлатиб қўйди. Бирга ишлашиб синамагунча инсонни билиб бўлмас экан. Уни сиртини силаб, ўзини ўйлайдиган бир йигит эканини сезарди-ю, аммо қулай фурсат етганда арзимаган бир шуҳрат учун ўз дўстини жарга тепиб юборишдан қайтмайдиган номард эканлигини мутлақо билмасди.

Тўғонда қолган инженер Мингбоев билан прораб Никаноренко шу лаҳзанинг ўзидаёқ экскаваторни ишга солиб, шиббаланган ўн метр атрофидаги ерни бошқатдан ковлай бошлади. Иван Иванович Шишкин билан Галина ҳам шу ерда — иш тепасида қолишди. Қоражон Мингбоев хомуш, экскаватор ковлаётган ердан жилмасди. Қорасовуқ юзга уриларди. У Галинадан уялар, ўзини сал четроққа олиб, ковланаётган ерда тикиларди. Бу нуқсон унинг нуқсонидек, изтироб чекарди. Энг оғир пайтларда ҳам ўзига йўл топа олиш мард кишининг иши. Хато ёки муваффақиятсизлик олдида ўзини йўқотиб, парокандаликка тушиш яхши эмас, деган эди бир куни партбюрода Музаффаров. Лекин ўзига йўл топиш, қийин аҳволдан чиқиш фирибгарлик йўли билан бўлмаслиги керак! Қийин аҳволга тушиб қолганда чидамли бўлиш, сукут сақлаб пайт пойлаш керак. Рақибга панд бериш йўллари ҳам яхши билиш керак. Гарчи, гуноҳи йўқ, ҳақ бўлганида ҳам Ҳазратовнинг бетига чопмагани яхши бўлди. Бундан фойда йўқ. Бу сафар у очиқдан-очиқ сурбетлик қилди. Георгий Исаевич Садовниковнинг вазминлиги унга жуда ёқарди. Бу жуда ажойиб, ишбилармон раҳбар. Унинг ўзи ва отаси ҳам Тошкентда туғилган. Ўзбек тилини яхши билади. Баъзан қочиримлар ҳам қилиб қўярди. Унинг бир ўтиришда айтишча, бундан сал илгарироқ қариб қолган отаси яқинда, Россияга бориб келай, деб, Рязань областидаги Чистие Пруди деган қишлоққа жўнабди. Бу ерда унинг қариндош-уруғлари яшар экан. Бобоси ўтган асрнинг бошларида Урта Осиёга келиб қолган. У Рязандаги

қишлоғида уч кундан ортиқ туrolмабди. Жуда зерикибди — Ўзбекистон уни оҳанрабодек тортар экан. Бу ерда унинг неваралари, уй-жойи, дўстлари бор... Чистие Прудиди қишлоғида бобосининг уруғларидан бирикки кишини топибди. Улар ҳам жуда ётлашиб кетган, асли ўзининг уруғи эканига ҳам шубҳа қилишарди. Садовников у қишлоқда туrolмабди. Илдизу томири Ўзбекистонда, у поезд билан қанча манзилу марохилни тай этиб, яна Тошкент тупроғига қайтиб келибди. Бунда бола-чақалари, уруғ-аймоғини кўриб, улар бағрида кўнгли таскин топибди. Сафардан қайтиб келган куниёқ Файзулла Аҳмедович Музаффаров чолни зиёрат қилиб чиқди. Қўшнисини кўриши биланоқ кўнгли тоғ бўлди. Нарироқда яшовчи Амир Равнақ ҳам кечга яқин Садовниковлар ҳовлисига кириб, сафардан қайтиб келган бобойни қутлаб чиқди. Бошқа қўшнилари ҳам кириб чиқди. У шу атрофдаги ўзбек қўшнилари сиз туrolмаслигини, уларни соғинишини пайқади. Бу гап ҳам Қоражон Мингбоев кўнглидан ўтиб, бошлиқнинг ҳовлиқмаслиги, бу ҳам бир ноёб талант эканини сезди.

Тўғон устида кун бўйи қизгин иш кетди. Сизилиб ўтаётган игнадек сув йўлини ҳам топишди. Бошқатдан шиббалаб, метин қилиб юборишди. Қоражон яна икки бор шахта ичига тушиб чиқди. Шиббаланган ердан намуна олган Галина Шишкина лабораторияга олиб бориб, жуда пухта анализ қилди. Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичганидек, ҳаммалари обдан текширишар, ўз-ўзларига ишонмай, бошқалардан ҳам текшириб кўришни сўрашарди.

Кечга яқин участка бошлиғи билан прораб «ТТ»да физиллаганча қурилиш бошқармасига бориб, Садовниковга иш бажарилганлиги, пьезометрлар ва бошқа аппаратлар нормал ишлаб тургани ҳақида доклад қилишди. Бу ерда Ҳазратов ва Шишкин ҳам ўтирган экан. Бошлиқ ёнидан чиқиб, ўз уйларига жўнашди.

— Камтарлик ҳам жонимга тегиб кетди! — деди у йўлда Никаноренкога қараб, — катта-кичикка хушмуомала бўлиб, қўл беришиб кўришавераман. Ичимдан қиринди ўтиб, хафа бўлиб турганимда ҳам буни бошқага билдирмай, илжайиб омонлашаман. Ошналаримдан биронтаси бетоб бўлиб қолса, ўпкамини қўлтиқлаб дам касалхонага, дам уйга югураман. Аммо баъзилар бу ишларимни бошқача тушунапти. Мени менсиш у ёқда турсин, бу жуда бачкана, жўн одам экан, деб

ҳисоблаяптилар. Менга юқоридан қараб, кўришгилари ҳам келмайди. Мен турган бўлсам, бир «адам ҳам мен томонга силжишмайди, мен бориб ўша хумпар Ҳазратов билан кўришишим керак. Нега мен бу хумпарга қуллуқ қилишим керак? Камтарлик деган нарса ҳам жонимга тегди. Кимга камтарлик қилишни, кимга димоғдор бўлишликни билиш керак экан, ош-на! Илон захрининг фойдали томони бўлганидек, баъзан димоғдор бўлишлик ҳам керакка ўхшайди. Итга ҳам, битга ҳам камтар, одамохун бўлаверсанг, ўзингни ўзинг ҳақорат қилаётган бўларкансан. Ўша ифлос сени керилиб кетган, димоғдор деб орқангдан сўкса, бу яхши! Ўшаларнинг сўккани — мақталганинг. Сўкса — сўксин, майли, гуноҳинг тўкилади!

Қоражон Мингбоев кўз олдида ўша шахс гўдаиб турарди. Асабдан тишини тишига қўйиб, бошлиқлардан бирига яқин бориб, қўл бериб кўришгани, Ҳазратовнинг киборлик билан қўл узатганидан ранжиди. Нега мен у билан кўришдим? Мен нодонга шу иш керакмиди?

Уйга келгач, асаби бузилган Қоражоннинг уйқуси қочди. У анча вақтгача ухлолмай, у ёқдан-бу ёққа ағанаб ётди. Аллавақтдан сўнг валидол шимиб, қотиб ухлаб қолди. Эрта билан асаби анча пасайиб, яна одатдагидек қурилишга, тўғонга келди. Ҳазратовнинг кечаги қилиғини эслаб, Қоражоннинг сочи тикка бўларди. У Қоражон билан ёлғиз учрашганида яхши гаплашар, хушомад ҳам қилар, аммо кўпчилик ўртасида уни танимагандек миқ этмасди. Ҳатто у билан қуюқроқ мулоқотда ҳам бўлмасди. «Ҳей, хумпар, менга сенинг обрўйинг керак эмас, муҳтожлик ерим йўқ. Гаплашадиган бўлсанг, одамга ўхшаб ҳамма вақт бир хил гаплаш-да! Сенинг обрўйингга мен зор эмасман, сен ҳар қанча ариллаб-дариллаб юрмагин, барибир майда одамсан!.. Савлатга эмас, меҳнатга қараб баҳоланади. Сунъий обрў, маккорлик билан ўзига-ўзи таққан тақинчоқлар вафо қилмайди. Ўшанда арзимас кимса эканинг маълум бўлиб қолади. Сен топган шуҳрат тарих гўборлари остида қолиб кетади. Фирибгар ҳар қанча ўзини фил қилиб кўрсатмасин, келгусида бу «фил» сичқонга айланиб, қайси бир ковакда йўқ бўлиб кетади. Дунёда турли хил одамлар бор: бирини кўриб фикр қиласан, бирини кўриб шукур қиласан», — деди ўзига-ўзи Қоражон Мингбоев. Аммо Ёнқўрғонга Сораркан, кўр бувиси унинг эшикдан кириб келаётган-

нини биларди. Қоражоннинг қадам ташлаши, нафас олиши ва умуман ҳовлига кириши биланоқ бу невараси Қоражон эканини, у келганини ҳаммадан аввал биларди. Лекин баъзи кўзи очиқлар шундоқ ёнида турсанг ҳам сени кўрмайди, балки кўришни истамайди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Тошкентда «Чорвоқ тўғони ўпирилиб кетибди, сув шаҳарга томон келяпти...» деган ваҳимали гап тарқалди. 1966 йилдаги zilзила ва томларини учуриб, дарахтларни синдирган 1967 йилдаги кучли бўрон каби табиий офатлар Тошкент аҳлини чўчитиб қўйгани сабаблими, «Чорвоқ тўғони ўпирилиб, сув уриб кетибди», деган ваҳима хабар шаҳарликларни таҳликага солди. Бундай бўлиши асло мумкин эмаслигини билувчи кишилар ҳам, бу гапни эшитган баъзи раҳбар шахслар ҳам у ёқ-бу ёққа қараб қолишди. Шу масалада бир неча телефонбозликлар ҳам бўлди. Бирорта раҳбарнинг телевизор орқали сўз айтишини ҳам кутишди. Бу гап Олой бозоридан бошланиб, бир неча кун ичида ҳамма ёққа тарқалди. «Чотқол ва Чимён тоғлари оралиғидаги ҳавзада, денгиз сатҳидан икки минг метр баландликдаги бир миллиард кубометр сув Чирчиқ воҳаси орқали Сирдарёга қараб юурса Тошкент қоладими! Ювиб, теп-текис қилиб кетиши ҳеч гап эмас!» — деди баъзи «зиёли» ваҳимачилар. «Қандайдир бир чет эл жосуси Чорвоқ қурилишига ишга жойлашиб олиб, тўғоннинг баъзи ерларини сифатсиз қилиб, динамит билан портлатиб юборибди. У қўлга тушибди...» — деб гап тарқатди олди-қочдини севадиган, жосуслар ҳақидаги киноларни кўравериб, жуда ҳам «ҳушёр» тортиб кетган баъзи кимсалар, «1941 йилда Самарқандда Амир Темур сағанаси очилиб, унинг жасади кўтарилди. Шу йили уруш бошланди. Боғистон қишлоғидаги Шайх Умар вале мақбараси, Хўжакентдаги азиз-авлиёлар жойи оёқ ости бўлди... Шу сабабли тўғон бузилиб, сув босиб кетибди...» — деди баъзи мутаассиб жоҳил кишилар...

Бу гапларни эшитган Амир Равнақ эрта билан югурганича Файзулла Аҳмедовичнинг уйига келди. Дўстининг қизларидан оталари бу яқин кунларда келмаганини, Чорвоқда эканини эшитиб, шу лаҳза машинада Чорвоққа жўнади. Йўлда икки кўзи Чирчиқ дарёсида бўлди. Дарё жуда хотиржам оқарди. Бирон ерда сув тошганини кўрмади. Ғизиллаганча икки соат йўл босиб, Хўжакентга етди. Бунда тўда

чинорлар остидаги тепаликдан икки тоғ оралигида қурилаётган тўғонга тикилди. Тўғон салобат билан қад кўтариб турибди. Унинг бирон ерида ўпирилган жойи кўринмайди. Бирон еридан сув тошиб тушаётгани ҳам йўқ. Улкан тўғон тепасида юк машиналари чумолидек ўрмалаб юрибди. Шоир кўзойнагини галстуги учи билан артиб, яна тикилди. Ҳамма ёқ жимжитлик. Чинор тагида дам олиб ўтирган шофёр йигитларга қаради. Осойишталик. Чой ичиб ўтирган икки норғул йигит ёнига бориб нафасини ростлаётган эди, улар чой узатишди. Амир Равнақ пиёлани олатуриб, улардан: «Тинчликми?» — деб сўради.

— Ҳа, тинчлик. Сиз ким бўласиз, муллака?

— Мен — мухбир, газета ходимиман. Тошкентда, тўғон ўпирилиб, сув тошиб кетибди, деган гап тарқалди. Шу ростми?

— Ана, тўғон турибди, — йигитлар кулишди, — тошкентликлар тоза ваҳима бўларкан-да, муллака...

— Э, азизларим, юрак олдириб қўйганмиз.

— Юзта бомба ташласа ҳам кор қилмайди! Бу тўғон эмас, тоғ! Бу тўғон мутлақо бежавфу хатар!

Амири Равнақ анграйиб қолди. Сўнгра улар билан хайр-хўшлашиб, ўрнидан туриб машинасига ўтирибди, қурувчилар шаҳарчасига кириб келди. У тўппатўғри қурилиш бошқармасига бориб, иккинчи қаватга кўтарилди. Кадрлар бўлимининг мудири ўз кабинетида ниманидир ёзиб ўтирганига кўзи тушди:

— Ассалому алайкум!

— Э, келсинлар, келсинлар! — Файзулла Аҳмедович дарҳол ўрнидан турди. Улар қучоқлашиб омонлашишди, — қайси шамол учирди? Қадамларига ҳасанот!

— Кўргим келди, азизим. Жим бўлиб кетдингиз? Бу ҳафта тушмадингиз чоғи? Тинчликми?

— Иш кўп бўлди.

— Ваҳима гаплар бор... — Амир Равнақ бир йўла Тошкентда тарқалган ҳамма гапни тўкиб-солди.

— Турган-битгани ёлғон! Булар уйдирма гаплар, — деди у кулиб. Лекин кўнглидан бундан бир ҳафта илгари тўртинчи стбор яқинида жиндак сув сирқигани, икки трубали пьезометр аппарати бундан кўрсатганини, дарҳол бу иш тузатилганини эслади, — тавба! Бу арзимаган иш ҳам Тошкентга етиб борибди-да. Тўғонда бир озгина сув сирқиган эди. Е, тавба! Шунча ваҳима бўлибди-да!

— Ҳа, азизим, демак, бу ваҳиманинг тагида гап бор экан-да?! Демак, озгина бўлса ҳам тўғонда дарз бўлганми, бўлган. Тўғондан сирқиган икки томчи сув думалаб-думалаб Тошкентга дарё бўлиб етган. Тагида гап бор экан, дўстим. Халқ бир нарсани бекорга гапирмайди. Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди.

— Гапиришга арзимайдиган нарса. Бундақа ишлар кўп бўлиб туради.

— Катта жойдаги игнанинг учидек хато — эл ичига филдек бўлиб етади. Эҳтиёт бўлиш керак. Катта жойдаги хатонинг оқибати ёмон бўлади.

— Кўп ваҳима қилаверманг, дўстим! Ўзингиз ҳам тоза ваҳимачи бўлиб қолибсиз.

Бир муддатлик мулоқотдан кейин Музаффаров дўстини машинага ўтқазиб, тўғонга олиб келди. Бу ерда терлаб, тупроққа қоришиб ишлаётганларни кўришди. Шоир инженернинг «зиёли»дан кўра ҳам қора «ишчи»га яқинлашиб кетганини кўриб таажжубланди. «Ҳар қалай, инженер номингиз бор, галстук тақиш керак», деган сўзни ҳам айтмоқчи бўлди, аммо тилига чиқаролмади. Амир Равнақ билан Музаффаров шаҳардаги ваҳимали гапларни Қоражонга ҳам гапириб беришган эди, у тиззасига уриб, хахолаб кулди.

— Ер шарини Қуёш тортиб туради,— деди инженер Мингбоев кулгидан ўзини андак тийиб.— Шу ростми? Рост. Агар Ер бу тортиш қувватидан чиқиб кетса нима бўлади? Тамом! Тўғон ҳам шунақа! Ер ўз ўқидан чиқиб кетса, ўшандагина бу тўғон ёрилиб, сув тошиб кетади...

— Азизлар!— деди Музаффаров,— кечагина аллақандай комета Ерга қараб учиб келаётгани, агар у Тинч океанига тушса, ҳамма ёқни сув босиши, қиёматқойим бўлишини ваҳима қилишган эди. Америкада бу жуда ваҳима бўлган. Бу ваҳимадан кўп пул ишлаб олишган. Газеталарда ёзилган. Уша комета Ер тугул Ою Марсдан ҳам наридан ўтиб кетди.

— Ҳа, ишқилиб, ҳар қандай фалокат Еримизга яқинлашмай, Ой ва Марсдан ҳам нарироқдан ўтиб кетаверсин! Халқларимиз саломат бўлсин! Менга ўхшаган шоирларнинг китобхонлари кўпаяверсин!

— Бу янгича дуо,— деди Музаффаров Мингбоевга қараб,— дўстим олтмишдан ошганларидан кейин дуо-гўй бўлиб қолганлар.

Тўғон устида чақчақлашиб турган уч ошна ёнига прораб ҳам келиб қўшилди. Тошкентдаги ваҳима гапларни унга ҳам айтиб беришди. Аввал оғзини очиб, анграйиб қараб турган Никаноренко кейин кулди:

— Кўрдингизми, Мингбоев, бир кичик дарз шовқини гумбурлаб акси садо бериб, ўзимизга эшитилди. Бу гап Тошкентга қандай етиб борди экан-а?

— Ким тарқатди экан? — Мингбоев таажжубланди.

— Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, — деди Амир Равнақ.

— Э, бунақа гапларни ташийдиган кимсалар бор. Бир мансабдор ўзининг ишдан олиш-олинмаслигини билиш учун хотинини бозорга юборган экан, — деди Музаффаров, — фақат эҳтиёт бўлишимиз керак. Тарбияга муҳтож одамлар орамизда анча-мунча.

Қоражон Музаффаров билан Амир Равнақни машинага ўтказиб кузатгач, яна «БелАЗ»га ўтириб, карьерга кетди. Бу ерда бораётган ишни кўздан кечиргач, тўққизинчи стбор шахтага тушиб кетди. Барча аппаратлар нормал ишлаб турганини кўриб кўнгли тинчиди. Лекин орадан яна бирон соат ўтгач, диспетчерликдан тўғон устига чиққан Исаак Ратман Қоражоннинг қўли бўшагач, қурилиш бошлиғига телефон қоқишини сўради.

— Тинчликми? — сўради Қоражон хушфеъл Исаак Ратмандан.

— Бевозта бўлманг. Фақат қўли бўшаганда телефон қилсин, дедилар. Назаримда, бирон хушхабар айтиш салар керак.

Пастдан чиққан «БелАЗ» тошини тўкиб, қайтиб кетаётганда Исаак Ратман ҳам у билан пастга тушиб кетди. Қўли бўшагач, Садовниковга телефон қоқди.

— Ишлар қалай, ўртоқ Мингбоев?

— Яхши, Георгий Исаевич!

— Янги гапдан хабарингиз борми?

— Қандай гап? Ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

— Тошкентни сув босибди....

— Лаббай?

— Сиз қураётган тўғон бузилиб, бир миллиард кубометр сув Тошкентга югурибди. Мислсиз сел...

— Ваҳима қилманг, Георгий Исаевич!

— Менга Тошкентдан телефон қилишди. Мен тўғон устида ўтириб, буни кўрмай, сизлар қаёқдан билдинглар, дедим. Оғзига кучи етмаганларга ишонавера-сизларми, дедим! Буни қаранг!

— Ким телефон қилди?

— Ҳурматли ўртоқлардан бири...

— Георгий Исаевич, анави кунги «ЧП» бир-икки юмаланиб, пашшадан фил ясалган. Мен илгари иблису арвоқлар йўқ нарса, бу жаҳолатнинг кашфиёти, дердим. Мен материалистман, моддага ишонаман. Лекин иблис бор нарса эканини ҳаёт кўрсатяпти. Иблис бор, шу иблис бу ваҳимали гапни пойтахтга етказган. Иблис, эҳтимол, бизнинг орамизда юрибди. Биз уни кўролмаямиз, — у жўрттага «иблис» сўзини беш бор такрорлади. Ҳазратов доимо «ишлар беш» деган сўзни кўп такрорларди.

— Ҳиссиётга берилманг, Қоражон Мингбоевич! Оғир бўлинг. Жаҳлингиз чиққанда анави «БелАЗ» ҳайдайдиган азаматларга ўхшаб, «ҳе, онангни!» деб сўкингу бунақа қаттиқ гапирманг. Орамизда иблис йўқ! Ахир, сиз билан биз фронтни кўрганмиз, ҳалигидақанги сўкишларни ҳам эшитганмиз. Лекин иблис деманг, бундай кимса орамизда бўлишига ишонмайман!

— Жаҳлим чиқди-да! Уша куни ҳам айтаётган гапларига эътибор бердингизми?

— Ҳа.

— Ҳар қандай одамнинг ҳам жаҳли чиқади-да! Ахир, биз темирдан эмасмиз-ку, Георгий Исаевич!

— Тушунаман! Мингбоев, оғир бўлинг!

Қоражон Садовниковга ишларнинг бориши ҳақида, автогараждан беш киши ишга чиқмагани, бугун тўғонда атиги ўттиз бир машина ишлаётганини айтиб, гараж бошлиғини огоҳлантириб қўйишни илтимос қилди. Ошхонада овқатларнинг сифати пасайгани, бундан қурувчилар норозилигини ҳам қўшиб қўйди.

Қош қорайишига яқин чарчаб, уйга қайтаётган Қоражон Мингбоев шаҳарча кўчасида магазинчи Ирина билан учрашиб, жиндак шакаргуфторлик қилишди. Машинани тўхтатди. «ТТ» рулини ушлаб ўтирган Қоражоннинг лаблари ёрилиб, қошлари қурум босган, эгни-боши тупроқ, ниҳоятда чарчаган эди. Чандиқ юзида ҳам қандайдир паришонлик аломатлари зоҳир эди. Бошқалардек текис, чиройли бўлмаган, рўпарадан қараганда юзи йўлбарсларга ўхшаб кетадиган бу йигит қурилишдаги кўпчилик аёлларга унчалик хунук кўринмасди. Унинг ўз сўзлиги, мардлиги уларга ёқарди.

Ишдан чарчаб келиб, ёлғиз, каравотда чалқанча ётган Қоражон кўз олдиди қора булутлар пайдо бўлди. Икки сўлақмон кафтини боши орқасига қўйиб, хаёлот дарёсига шўнғиди; шу ҳам ҳаёт бўлдими-ю? Урушдан қайтиб келгач, юзимнинг чандиқлиги сабаб бўлиб, Холида менга тегмади. Уни бошқага узатиб юборишди. Наима масаласида янглишдим. Қирқдан ошиб, энди етдим, деганда Гулгуннинг ўқишга кетиши — омадсизлигимдан нишон! Мен истамаганим ҳолда ҳамон бўйдоқ, ҳамон яккаликда! Уруш менинг ҳуснимни эмас, омадимни ҳам юлиб олганга ўхшайди! Гап ҳуснда эмас, дейдилар. Ундоқ бўлса нега одамлар мендан қочади?! Ҳаммани тушунмаган, онгсиз, деб бўладими?! Гулгун Тошкентга қочди. Ҳа, худди шундай, қочди! У мендан ўзини четга тортяпти. Бунга ҳам «ҳусним» сабаб. Юрагидаги гапни менга сездириб қўймаслик учун жўнади. Бўлмаса ҳали бир-биримизнинг васлимизга тўймасдан ўқишда юрармиди? Тошкентда, Медицина институтида чиройли йигитлар кўп, дейишади, биронтаси илакишган бўлса-я!.. Биронтаси бу «кўзга яқин» жувоннинг бош-кўзини айлантирган бўлса нима бўлади?! Гулгуннинг соддадиллиги, ширин гап, хушомадга берилишдек ожиз томонини биламан. Қайси жувон хушомадни ёмон кўради?! Хотин зоти борки, бари ширин гап, эркалашни ёқтиради. Баъзи хотинлар мушук табиат — ширин сўз билан терисини силасангиз хуррак тортади...

Қоражон бирдан ёстиқдан бошини кўтарди. Ҳамон қора булутлар боши атрофида айланарди. Гўё Гулгун институт боғида қандайдир бир сўзамол, силлиқ йигит билан гаплашиб, чақчақлашиб кетаётгани кўзларига кўрингандай бўлди. Бундан бир неча йил аввал ҳомиладор бўлиб қолган студент қиз ўзини поезд тагига ташлагани, ҳиқилдоғидан бўғиб олиб кетилган бир шилдир «домла» суд бўлгани хаёлидан ўтди. Наҳотки, соддадил тоғ қизи Гулгун шундай ярамасларнинг қўлига тушиб кетса! Уша куни уни кўргани борганида аллақандай сахт-сумбати келишган силлиқ йигит дарахт соясида кузатиб тургандай бўлган эди... Қоражон жрагига шайтон васваса солиб, шубҳалари авж ола

бошлади. У турган ерида қора терга ботиб кетди. Бир дақиқадан кейин юрагини ўкинч музлатиб, севикли кишисидан ранжигандек бўлди.

Асаблари қақшаган Қоражон кейинги пайтларда арзимаган нарсадан ранжиб, кишиларга бақриб юборарди. Бу ҳолатни прораб Никаноренко сезиб, асабни эҳтиёт қилиш, майда-чуйдаларга хафа бўлмаслик кераклигини таъкидларди. Қурилишга Ҳазратов келгандан бошлаб Қоражоннинг бақриқ-чақриқлари кучайди. Аслида у жуда вазмин, унча-мунчага тажанг бўлмайдиган кимса эди. Ҳатто уни тепса-тебранмас дейишарди. Кейинги пайтларда «тепса-тебранмас»дан асар ҳам қолмади. Баъзилар, инженер Мингбоевнинг асабий бўлиб кетиши — фронтдаги оғир жангу ярадорлик оқибати, дейишарди. Илгарилари кўп ичиб юрган Мингбоев ўзини қўлга олди, иродасининг бақувватлигидан ичишни ташлади, десалар, баъзилар, уйланиб, бахтли бўлганидан, хотинининг яхшилигидан, дерди.

Бедаво дардга учраб, узоқ ётган бемор ўлимни кутади, бир неча тўлганув — азобдан кейин у иш ҳал бўлишини билади. Ўлим унинг наздида унча машаққатга ҳам ўхшамайди. Лекин, соғ-саломат, кучли, қувнаб юрган кимса учун ўлим ниҳоятда даҳшат. Кўзи кўриб турган бу ёруғ дунёдаги ҳамма нарса қадрли, улардан кечолмайди, барча мавжудот унинг учун абадул-абад, бу дунёда доимо чопқиллаб юрадигандек бўлади. Ҳа, ўлим соғларга даҳшатли... Мен омадсизлик касали билан ётган одамга ўхшайман, демак, мен кўникишим керак, қисматим шуми?! Мен қолган умримни ҳам яккаликда ўтказишим керакми?! Тунроқда якка ётадиган вақтлар ҳам келиб қолар! Ёки, Гулгун менинг олдимга бир боғ хашак ташлаб кетди-ми? Наҳотки, у шундай қилса?

Жасур эмас, қўрқоқ аввал ўлади! Бу гапни у фронтда ўз командирлари тилидан кўп бор эшитган эди. Каравотдан сапчиб турган Қоражон кийимини тўғрилаб, куннинг кеч бўлиб қолганига қарамай, ҳовлида турган машинасини гуриллатиб Тошкентга жўнаб қолди. Агар у бирор кимса билан дон олишганини ёки шунга яқинлашганини билса, тилка-пора қилиб ташламоқчи бўлди. Брезент этиги қўнжида ўткир чуст пичоғи борлигини ҳам ўйлаб қўйди. Э, худо, шарманда қилма! Агар у Гулгунни ўлдирадиган бўлса, ўша лаҳза ўзининг ҳам юрагига шу пичоқни санчади!

Шайтон васваса қиляпти, дерди у ўзига-ўзи тасалли бериб.

Машина тасмадек йўлда ғизиллаганча чопиб борарди. Соат саккизлардан ошиб, қош қорая бошлаган. Икки кўзи ёниб, рўпарадан келаётган машиналар ёнидан ғизиллаб, эпчиллик билан ўтиб кетарди. У баъзан тўғри йўлга чиққанида машина тезлигини тўқсон, юзга кўтарарди.

Шаҳарга етиб келганида соат ўнлардан ошган. Тезликни олтмишга олиб тушиб, бир неча светофорлар амрига итоат этиб, Музаффаровлар кўчасига кириб келди. Негадир унинг юраги бесаранжом, негадир бир шубҳаю васваса уни нотинч қилиб қийнарди. Машинани Музаффаровлар дарвозасидан анча нарида, қатор тераклар ёнида тўхтатиб, ўзи машинадан чиқдида, кўчанинг нариги томонидаги йўлқадан Файзулла Аҳмедович уйи томон юрди. Кўча томонга қараган деразалар чароғон, Қоражон кўчанинг нариги томонида қоронғида туриб, ёруғ деразаларга тикилди. Бу деразаларнинг иккитаси қизлар хонаси бўлиб, шу хонадонда унинг севгилиси Музаффаров қизлари билан бирга туради. Кўча жимжит. Узоқдан келаётган икки одам ўтиб кетгач, Қоражон кўчани кесиб ўтиб, дераза ёнига келди. Бир муддат у ёқ-бу ёққа аланглагач, бино пойдевори қиррасига оёғини қўйиб кўтарилдида, хонага қаради. Хона ичида Таманно ўз каравотида китоб ўқиб ётарди. Гулгун қани? Юраги яна дукдук уриб кетди. Қани у? Қоражон пойдевор қиррасидан ерга тушиб, яна у ёқ-бу ёққа аланглади. Ичкарига кирсамикан? Йўқ! Нима деб киради? Сендан шубҳаланиб, хавотир олиб келдим, дейдими! Тунда Чирчиқдан ҳовлиқиб келиш --- Файзулла Аҳмедович оиласида ёмон таассурот қолдирмайдими?! Кириш мумкин эмас! Бир лаҳзадан сўнг Қоражон ўша пойдевор қиррасига яна оёғини қўйиб, кўтарилиб, хонага мўралади. Хонада Гулгун пайдо бўлди. Унинг дугонасига чой қўйиб узатаётганига кўзи тушди. Хайрияг, у уйда экан. Қоражон бир муддат Гулгунга маҳлиё бўлиб тикилди — у атлас кўйлақда, оппоқ кўкси ярим очиқ, чой хўпларди. Қоражон ўзига-ўзи таскин берди. Кўриб қолмасликлари учун секин, эҳтиёткорлик билан паства тушди. Нарироқда қандайдир бир кампир тикилиб турганини сезиб, ўзини дераза ёнидан нарироққа олди. Ёнидан сигарета чиқариб чекди. Шундан сўнг, бу ерда узоқ турмай, машинаси томон юрди,

Етиб бориб, кабинага кирганида бояги эшикдан чиқиб, шубҳали тикилган кампир ўгли ва яна бир йигит билан кўчага чиқиб, Музаффаровлар деразаси ёнига келиб, бир нимани тушунтирди. Бу йигитлардан бири Хайрушкага ўхшашиб кетарди. Улар ўғри келди хаёл қилиб, у ёқ-бу ёққа қарашаётганда, яна бир кори ҳол юз бермасин, деб Қоражон машинасини гуриллатиб юргизиб нариги кўчага кириб кетди. Озгина юриб, шоир Амир Равнақ дарвозаси олдида машинани тўхтатди-да, чиқа солиб қўнғироқни босди. Дарвоза қорнидаги эшикни очган шоир рўпарасида Қоражонни кўриб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Э, келсинлар!

— Ассалому алайкум!

— Ваалейкум ассалом. Келсинлар! Қайси шамол учирди? — Амир Равнақ Қоражон билан эшик олдида омонлашди. У Ромен Ролланга ўхшаб бошига беретка кийиб олган эди, — ичкарига марҳамат, укажон!

— Мир ака, бугун сизникида қоламан.

— Албатта! Шу маҳалда Чирчиққа кетишингизга рухсат берармидим!

— Машинани ҳовлига олиб кириб қўяман.

— Марҳамат.

— Трестда мажлис бўлган эди, мажлис чўзилиб кетди. Ноинсофлар жуда узун гапиришади. Мажлис тугагач, тўппа-тўғри сизникига келавердим. Азизингизнинг аҳволлари яхши. Георгий Исаевич билан бирга кеча тўғонда бўлган эдилар. Анча гаплашдик. Сизни эсладик.

Шоир хурсанд бўлиб, дарвоза илгаklarини очди. Қоражон машинасини ҳовлига киритиб қўйиб, Амир Равнақ билан бирга ичкари хонага кирди. Зероки, ошналарига муштоқ ўтирган шоирнинг кайфи чоғ бўлиб кетди.

— Бу — савқи табиий. Шу бугун хаёлимга божам билан сиз келувдингиз, буни қаранг, сизни кўрар эканман! Мажлисларингнинг чўзилиши бизга фойда бўлибди. Божамникига, келин ёнига кириб чиқдингизми?

— Йўқ.

— Эрта билан кирарсиз, майли.

Қоражон билан Амир Равнақ ярим тунгача суҳбатлашиб ўтиришди. Дастурхон ёзилди. Шоир унга янги ёзган шеърларидан ўқиб берди.

Эрта билан соат саккизда Қоражон отланиб, наридан-бери нонушта қилиб, кўчага чиқди. Узининг андак бетоқат, беҳаловат бўлаётганини шоирга сезди-масликка ҳаракат қиларди. Лекин Амир Равнақ инженернинг хаёли ўзида эмаслигини сезиб турарди. Келин билан ўрталарида гап ўтганмикан, деб ўйларди. Эрта билан Қоражоннинг соатига қараб, шошиб кўчага чиққанига ҳам таажжубланмади. Шоирнинг болалари отанинг имоси билан барвақт чой тайёрлаб беришди. Қоражон Амир Равнақ билан хайрлашиб, машинага ўтирди. Нариги кўчага ўтиб, Музаффаровлар дарвозасидан Гулгуннинг папка кўтариб чиқиб келишини бир муддат кутди. Лекин шўх Гулгундан дарак бўлмади. Ичкарига киришни негадир ўзига эп кўрмади. Ярим соатларча кутгандан сўнг, машинани гуриллатиб институтга жўнади. Ахир ёш йигитча ёки бўйдоқ бўлмаса-ю, ўз хотини билан «бекинмачоқ» ўйнаб юргани ўзига таъсир қилди. Ҳам кулди, ҳам ранжиди. Тавба, шу ҳам турмуш бўлдими-ю!

Ҳамма студентлар дарсга кириб кетганида Қоражон машинани кўчага қўйиб, институт ҳовлисига кирди. Аввал Гулгунга ўзини бу ерда изғиб юрганини сездирай, уни кузатадиган бўлиб келган Қоражон негадир ҳозир уни кўргиси келиб қолди. Таъқиб йўқолиб, висол иштиёқи пайдо бўлди. У институт боғида, бир чеккада яшириниб туриб, кечиккан Гулгуннинг ҳовлиқиб ҳали замон келиб қолишини кутди. Йўқ, ундан дарак бўлмади. Қоражон секин-аста юриб, у ёқ-бу ёқларга кўз ташлади. Шундан сўнг, яна икки соат — катта танаффусгача кутишни дилидан ўтказди. Баъзан шундай кечикканида дўсти Никаноренко унинг йўқлигини асло билдирмасди. Кўнгли кенг, оқибатли Никаноренкога суянарди. Яна кўз олдига Гулгун келди, қандайдир шубҳаю васвасалар, қора булутлар дарду дунёсини қоплай бошлади. Гулгун илгаригидан ҳам чиройлироқ кийиниб, ясанадиган, ўзига қарайдиган бўлиб қолган. Хона ичида оппоқ кўксини очиб юриши, бу хонадонга ўрганиб қолаётгани ҳам юрагига шубҳа солди. У институт боғида, дарахтлар соясида унга ўзини кўрсатмай айланиб юрди. Катта танаффусга яқин четроқдаги бир дарахт остидаги скамейкада ҳозиргина киоскадан сотиб олган газеталарни ўқиб ўтирди. Танаффус қўнғироғи чалиниб, каттагина корпусдаги студентлар ҳовлига чиқиша бошлади. Катта боғ йўллари, майдончалар қиз

Йигитларга тўлди. Лекин Гулгун кўринмайди. Орадан бир муддат ўтгач, эшикдан отилиб чиққан Гулгун юзини газета билан бекитиб ўтирган Қоражон ёнига келиб, юзига тутиб турган газетасини тортиб олди.

— Салом, жаноб! Хуш келибсиз! Ҳозир келдингизми?

— Ҳа. Мени қаёқдан кўрдингиз?

— Ҳозир бир дугонам кириб айтди. Югурдим. Мен аудиторияда ўтирган эдим. Уртоғингиз келиб кутиб ўтирибди, нега чиқмаяпсиз, деди.

— Мен сизни катта танаффусда учратиб, кўриб кетай, дедим. Трестда мажлис бор эди...

— Соат нечада?

— Ҳозир бораман. Ўн иккида... — бу ёлгон гапни Қоражон бўшашиб гапирди. Гулгун бу гапга ишонди, лекин бўшашиброқ гапиргани, умуман, телефон қилмай келгани ва бунинг устига келиб скамейкада яшириниб ўтиргани уни ўйлатиб қўйди. У эркаланиб, эри қўлидан тортиб, ўрнидан турғазди.

— Тинчликми? Ҳамма тинчми? Ҳеч ким касал эмасми? Ўзингиз қалайсиз? Шанба кунингизга бормоқчи эдим. Қишлоққа бориб, опамларни, адамларни ҳам кўриб келмоқчи эдим... Ишлар қалай?

— Яхши.

— Кенгроқ гапириб беринг! Битта «яхши» дегандан ҳеч нарса тушунмаяпман! Нега гапиргингиз келмаяпти?

— Ҳозир қўнғироқ чалинади. Узоқ гапиришга имконият йўқ.

— Кейинги икки соатга кирмайман! Лотин тили... Жуда зерикарли дарс. Улиб кетган бир тилни ўртади.

— Сиз бошқа вақтда ҳам дарслардан қочиб юрасизми?

Гулгун бу кинояли гапни эшитиб, юриб кетаётган жойида тўхтаб, Қоражонга ялт этиб қаради. Унинг қўлларидан ушлаб, елкасига бошини қўйди.

— Акажон, нима гап?

— Ҳеч гап. Ҳазил...

— Мен бу ерда ўқигим келмаяпти! Қишлоққа кетаман! Музаффаровларнинг уйи ҳам ёқмаяпти! Таманно турткилаяпти! Жуда қийналиб кетдим! Менга ўхшаганлар учун Тошкентга келиб ўқиш қийин экан! Пайқамаган эканман. Бўлди, мен кетаман!

— Чидаш керак, қўйинчиликлар бўлади, деб айтган эдик-ку.

Ўзининг очилиб-сочилиб гапирмаётганидан, қандайдир дилжирлик бўлаётганидан Қоражон хижолат бўлди. Рашку шубҳалар эҳтимол бекордир. Тўнглик қилиб гапирмаётганим, балки зулмдир. Бесабаб киши дилига озор бериш яхши эмас, деди у ўзига-ўзи. Гулгунни кўриши билан кечадан бери дарду фикри-ни қоплаган қора булутлар тарқаб кета бошлади. Эрта билан Гулгуннинг шошиб, нонушта қилмаслигини билиб институтга яқин, кўча юзидаги миллий ошхонага олиб кирди. Хотини яхши кўрадиган уйғурча чўзма лағмон буюрди. Овқат тепасида уни эркалади, жуда ҳам соғинганидан бу ерларда изғиб юргани ва ҳатто кеча тунда келиб, деразага чиқиб, унинг чой дамлаб келганини кўргани, шоир аканикида тунаганигача — барини гапириб берди. Бу гапларни эшитган Гулгун ҳангу манг бўлиб қолди. Эрининг ғоятда яхши кўриб, негадир қизганиб, тунлари бу ерларда изғиб юрганига ҳайрон бўлди. Гулгуннинг кўзларига Қоражон яна юз чандон бебаҳо кўриниб кетди.

— Жиннисиз! Сиз мени билмайсиз?!

— Бидамиз.

— Билсангиз?

— Бидамиз, лекин текширамиз, яхши кўра-
миз...

Гулгун бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Қоражоннинг бир кичик болага ўхшаб югуриб, пойинтар-сойинтар гаплар гапириши унга жуда ёқиб, нашъа қиларди. У эрига меҳр билан тикилиб, қоши устига қўнган қурумни нозик қўллари билан артиб қўйди. Ёқаларини тўғрилади. Кўйлаги кир бўлиб кетганини ҳам фаҳмлади. Шанба куни эрта билан автобусга чиқшини, соат ўн-ўн бирларга Чорвоққа етиб боришини, йиғилиб қолган кирларининг ҳаммасини ювиб, тартибга солиб келишини айтди. Уч кун кўрмай қолса мана шунақа хархаша қила бошлашини ўйлаб, ичдан кулди. Ҳа, худди шундай эди — айниқса, кейинги пайтларда Қоражон рашкнинг ёнар тоғлари, ўкинчининг муз қатламлари орасига тушиб қолгандек, дам қовурилар, дам музлар, қалби васвасага тушарди. Гулгунни ниҳоятда қизганарди...

УЧИНЧИ ҚИСМ

XXIV боб

ЙУЛВАРСДА ҚИРҚ ИГИТ ЮРАГИ БОР...

Январь ойи бошларида озгина қор ёғди. Ундан кейин ёгин-сочин бўлмай, қорасовуқ маҳкам ушлаб турди. Изгирин юзга урилиб ачиштирар, қулоқларни тишлар, бир лаҳза туриб қолсангиз, оёқлардан зах ўтиб кетарди. Синоптикларнинг хабар беришича, Шимолий Қутбдан келаётган совуқ оқим Урал тоғларининг шарқи, Олтой ва Қозоғистон ерлари оша Урта Осиё устидан ўтар эмиш. Тўғон тепасида турган одам Чотқол дарасидан чиқаётган кучли шамолга бардош бериши анча маҳол эди. Лекин Қоражон, Никаноренко, Абдуманнопу Ивановлар бунга ўрганиб кетишган. Бошларидаги қулоқчинни ҳам келиштириб боғлаб олишмаган, икки ёни қуённинг қулоқларига ўхшаб икки томонга қийшайиб, очилиб ётарди. Баландликдан қараган киши узоқда, қурувчилар шаҳарчасидаги мўрилардан чиқаётган оппоқ буғ ҳавога сингишмай, қотиб қолгандай осилиб турганини кўради. Пастда, гараж ҳовлисида эски резинка ғилдирак ёқишар, унинг қорамтир дуди ҳам осмонда қимирламай муаллақ турарди. Ҳавонинг қаттиқ совуқлигига қарамай, тўғон устида ҳам, пастдаги ГЭС қурилишида, цемент-бетон заводида — ҳамма ерда қизгин иш кетарди. Баъзи участкалар суткасига доимий, уч смена ишларди. Машинада ишлайдиганлар айниқса оёқларини иссиқ тутишади, тепада — тўғон устида ишлаётганлар физизонга бардош бермоқ учун иссиқ қулоқчин кийиб, жун шарф билан бўйинларини ўраб олишарди. Ишнинг оғирлиги, қорасовуқ кишиларни асло чўчитмайди. Улар иссиқ уйда чўт қоқиб ўтириш ёки эрта билан бемалол соқол қириб, илиқ хвой ваннага тушиб, сўнг энгил машинада ишга келиб, озода кабинетда одамлар билан баҳс қилиш, гапдан қўли бўшагач, суратли журналларни варақлаб ўтиришни кўзлашган эмас. Бу ер-

да тупроққа беланиб, моторлар гуриллаши ичида, баъзан лойга ботиб, баъзан совқотиб, устма-уст сигарета чекиб, терлаб ишлашни олдиндан билиб келишган. Техника ҳар қанча ўсса ҳам, ҳатто катта заводларда, қуюв цехларида ҳамма иш автоматлар билан бажарилганда ҳам барибир ишчи ёки қурувчи терлаши, юз-қўллари мой бўлиши аниқ. «Буни ҳаёт кўрсатяпти, — дерди баъзида оёғига кирза этик кийиб олиб, тўғон тепасида юрган академиянинг мухбир аъзоси, инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаров. — Тўғри, электростанция фойдаланишга топширилгач, бошқариш пультадаги ўртоқ галстук тақиб, оқ кўйлақда озода бўлиб ўтириши мумкин. Агар киши танига чангчунг, лой ва қорамой тегмаса, мазут ёки бензин дудини ютмаса, кўз ўта ёруғликни ҳам, қоронғиликни ҳам кўрмаса, қорни доимо сариёғу ширинликдан бўшамаса, лойни қўлқоп билан ушласа, бундай одамлар ё фариштага айланади, ёки рак бўлади! Бундай одамлардан фақат қўланса ҳид келади.

Ишлайдиган одамдан ўзи бажарадиган ишининг ҳиди келгани маъқул. Бўёқчидан бўёқ, новвойдан ун, тракторчидан қорамой, деҳқондан тупроқ ҳиди келади». Унинг ўзи қавима иссиқ фуфайка, бошига барра қалпоғини кийиб, ёши кетиб қолганига қарамай, тўғон тепасига пиёда чиқарди. Врачлар унга иложи бўлса доимо пиёда юринг, деб маслаҳат беришганди. Доимо қурилишларда юрган, иши ҳаракат талаб қилган Файзулла Аҳмедовичнинг ўз таъбирича, «пенсия қатламида» ётмай, инженер Мингбоевнинг доно таклифи билан Чорвоққа келиши унинг ҳаётини қайтариб бергандек бўлибди. Кипригига дала қуруми қўниб ёки мойга беланиб ишлаш, кейин яхшилаб душ олиш, ундан кейин чарчаб, иштаҳа билан овқат ейиш... булар кекса инженерга жуда ёқарди. Унинг мижози шуни талаб қилгани учун ҳам у Бошқармада, иссиқ кабинетда кўп ўтиравермай, иш қизиган жойга кетарди. Садовников ҳам, бошқалар ҳам кадрлар бўлими мудири вазифасида ишлаётган кекса инженерни Бошқармада қадалиб ўтиришга мажбур қилишмасди. Иван Иванович Шишкинни ҳам кўп вақт кабинетдан топишолмасди. Қорасовуқда тўғон тепасида юриб, тупроқ зичлиги — шиббаланишнинг лаборатория анализини кўздан кечираётган Музаффаров кўзи массанинг зичлигида эди-ю, ёнида чўққайиб ўтирган Қоражон билан Никаноренкога ўзининг икки юзи қи-

зараётгани, кеча ойнага қараб, анча ранги кириб қолганини пайқаганини гапирарди. Анчадан кейин суҳба мавзуи бевосита ишга ўтди.

Баъзи кунлари эрта билан туман тушарди; пастдан майда шағал-қум, ундан наридан — харсанг тош карьерларидан юк ортилган оғир машиналар тоғ йўлидан илон изи кўтарилиб, ундан тўғоннинг бел қисмига ўтарди. Бир юз олтмиш метрча кўтарилган тўғон белидаги машина йўли ҳам уч буралиб, кейин тепага чиқарди. Бу йўлларнинг бурилишидаги ваҳимали қияликдан қатнайвериб ўрганиб қолган шофёрларга билинмас, янги келганларнинг юраги дирилларди. Йўл яхмалак бўлиб қолган, бунинг устига эрта-лабки туман ишга халақит берарди. Йўлларга қум сепилган, ҳар юз метрга ёқиб қўйилган чироқлар юлдузга ўхшаб милтираб турарди. Лекин, ҳар қалай, бу йўлдан баланд тўғон тепасига кўтарилиш тажрибали кишилар учун ҳам анча ваҳимали эди. Бундан бошқа йўл йўқ, илож ҳам йўқ. Нариги томонда буюк Чотқол косасида зилол сув лимиллаб турарди. Бу косанинг бир томонини инсон ўз қўли билан кўтарарди. Бу улкан тўғонни қурувчилар жуда оддийгина, «СУ-2» деб қўя қолишарди.

Тўққизинчи январь куни майда харсанг тош ортиб, тўғон устига кўтарилаётган «БелАЗ» машинасининг тормози ушламадими, қия, тор йўлда тойиб, юз қирқ метрча баландликдан коптокдек думалаб кетди. «БелАЗ» пастдаги диспетчерлар ва ГЭС ишчилари, араматурачилар кўзи олдида пастга тушгунга қадар мажақланиб, гилдираклари сочилиб, парча-парча бўлиб кетди. Лабораторияда деразадан қараб турган Галина қўллари билан кўзини бекитди. Унинг ранги ўчиб, юраги ёмон бўлиб, ўтириб қолди. Юмалаб кетаётган машинани ҳеч ким тўхтатиб қололмасди. Диспетчерлик олдида лойиҳани кўриб турган Қоражон Мингбоев билан Никаноренко ҳам турган жойларида қотиб қолишди. Кутилмаган фожиа баданни жимирлаштириб юборди; яқинда ишга келган шофёрлардан иккитасига «БелАЗ» берилган эди. Бу қулаган шуларнинг бири. Қоражон билан Никаноренко ўша томонга югуришди. Ёшгина шофёр йигит кабинада қонига бўялиб ётарди... Йигитчанинг фамилияси Раҳимжонов бўлиб, исмини ҳали яхши билишмасди.

Бундан илгари карьердаги портлатишда ҳам бир киши фожиали ўлган эди. Кузда туннель қазийётган-

лар ичида ҳам шундай фалокат юз берди, эҳтиётсизлик натижасида газ чиқиб кетиб, икки киши туннель ичида димиқиб ўлиб қолган эди... Юқорида ишлаётган «ЭГК — 3696» экскаватори машинистлари Карнаухов, Колбасин, бульдозерчи Половцев, Сладков, Мансуровлар ҳам машинани қўйиб, пастга югуришди. Бундай воқеалар кейинги пайтда деярли йўқ бўлиб кетган эди-ку! Нима бўлди? Садовников ҳам, Шишкин ҳам югурганча Бошқармадан чиқиб, тўғри келган машинага ўтириб, тўғонга келишди. Тез ёрдам машинасининг ҳам кераги бўлмади. Фожиани эшитиб, бу ерда пайдо бўлган Ҳазратов негадир участка бошлиғи билан саломлашмай, катталар атрофида ўралашарди. Ачиниб, СУ-2 да шундай фожиали ҳодисалар кўп бўлаётганидан ранжигандек бўлиб, бурнини жийирарди. Чорвоқда иш охирлашиб қолгани, навбатдаги Хўжакент ГЭС қурилиши бошланишидан аввал қурувчиларнинг катта бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланармиш деган гап Ҳазратовга тинчлик бермасди. У «ош дамланганда» ҳозир бўлишни яхши кўрарди. Наманганда облводстрой системасида ишлаб юрган кезларида кимнингдир қўллаб-қувватлаши орқасида Чортоқ сув омбори қурилишига бошлиқ бўлиб борди. Бўйи паст бўлса ҳам эни узун тўғонни «ҳа бўл, ҳа бўл» билан тез муддатда тугаллашга муваффақ бўлди. Республика сув хўжалиғи ходимларини мукофотлашда яна кимнингдир қўллаб-қувватлаши орқасида у орден олди. Оғзи чучиб, мазахўракка ўрганган Қиём-хўжа Миёнхўжаевич Ҳазратов бу ерда Қоражон Мингбоев бажараётган вазифага зимдан кўз олайтира бошлади. Чунки СУ-2, яъни тўғон катта қурилиш комплексининг асосий учаткаларидан бири эди. Бу участка бошлиғи мукофот рўйхатларидан четда қолмаслиғи «аксиома» эканини биларди. У машинада тўғонга кетаётганида, тўғон эмас, унинг кўзларига Меҳнат Қизил Байроқ ордени ярқираб кўриниб турарди. Нега энди шу орденни бир қишлоқи олиб кетсин! Агар бу мукофотни ҳам ўзи қоқиб олса, кўксидан битта эмас, иккита орден ярқирайди. Шу сабабли у кейинги пайтларда Ишларбекка ўхшаган ўз гумашталарига, коньякка зўр бер, ичкиликка ружу қиладиган бошлиқлардан арақни аямай, қуявер, деб тайинлади.

Инженер Ҳазратов фожиа содир бўлган жойда, шофёр йиғит жасади тепасида бошини сарак-сарак қиларди. Садовниковнинг қулоғига яқин бориб: «Участка

бошлиғи одамларни аямаяпти, бу ҳолда бизга юқори партия ташкилотларидан гап тегиб қолади...» — деди.

Раҳимжонов хумсонлик йигит экан, хабар топган ота-она, оға-инилари оҳ-воҳ қилишиб, жасадни қишлоққа олиб кетишди. Эртасига эрта билан марҳумни ҳамқишлоқлари елкада кўтариб, Угом дарёси бўйидаги Севар ота қабристонига қўйишди. Жанозада қурилишдан келган Қоражон Мингбоев, Никаноренко, Шишкин, Абдуманноплар ҳам қатнашишди.

Эртасига эрта билан Чорвоққа яна қуюқ туман тушди. Совуқ унча қаттиқ бўлмагани билан ер тайғончоқ эди. Тўғонга кўтариладиган йўлларга яна қум сепишди, яна электр чироқлар туман ичида йилтиради. Кечаги фожиа «БелАЗ» ҳайдовчиларини чўчитиб қўйди. Айланма йўлда биронта ҳам машина кўринмасди. Баъзилар куннинг ўрталаригача ишни тўхта-тиб туришни маслаҳат беришди. Ҳазратов ҳам шуни таклиф этди. Бу қиш ойларида об-ҳаво шароитига қараб бир сменада ишлаш деган сўз эди. Бу аҳволда тўғон қурилишида иш графиги бузилади. Белгиланган план бажарилмай қолади. Парторг ва прораб билан маслаҳатлашган Қоражон бунга асло йўл қўйиб бўлмаслигини, фожиа фақат уқувсизлик, эҳтиётсизлик орқасида юз берганини эрталаб тўғон устида тўпланган қурувчиларга гапирди. Тўхтаб ётган «МАЗ» ва бульдозерлар ёнида чўнқайиб ўтирганлар ва машинасини пастга — карьерда қолдирган шофёрлар сигарета чекишарди. Уларнинг кўпчилиги Ҳазратов айтгандек, куннинг иккинчи ярмида ишлашга мойил эди. Негадир баъзи кишилар баландга айланма йўл орқали кўтарилишдан қўрқиб қолишганди.

— Биз ишни вақтинчалик бўлса ҳам тўхтатолмай-миз! — деди участка бошлиғи Мингбоев, — бу ерда ҳеч қандай қўрқинчли нарса йўқ!

Ўтирганлардан кимдир кулди-да, шеригига имо қилиб: «Анавининг гапига қаранглар... биз бола-чақали одаммиз...» — деб пичирлаб қўйди.

Мингбоев йигитлардан бирини имлаб, у билан пастга тушиб кетди. Ўтирган одамлар уларга қараб қолишди. Смирнов деган бу йигит Мингбоев билан бошқаларга қараганда қадрдонроқ эди: унинг партия номзодлигига ўтишига Қоражон кафолат берган эди. Улар пастга тушгач, Смирнов ҳайдайдиган «БелАЗ»га экскаватор майда харсанг тўлдирди, кабинага Қоражон

чиқди. У атай Смирновни шу ерда қолдирди. Тепала ўтирганлар ўрниларидан туриб, тўғон ёқасига келишди. Пастда «БелАЗ» мотори гуриллаб, олдинги икки чироғи ёниб, йўлга тушди. Улар машина тор йўлда келаётганини ғира-шира кўриб туришарди. Ҳамма, Мингбоев Смирновни мажбур қилиб ишга солди, деган хаёлда эди. «БелАЗ» вағиллаб кучанганича шиддат билан кўтарилиб, фожиа юз берган жойдан ҳам эсон-омон ўтиб, юқорига чиқиб келди. Уша «ажал нуқтаси»дан ўтаётганда баъзиларнинг юраги шиғиллади. Лекин машина илгаригидай салобат билан ўтиб, тўғон устига чиқди, бульдозерлар ёнига келиб, устидаги қум, майда харсанглари тўкди. «Молодец Смирнов!» — деб машина ёнига борганлар кабинада, рулда участка бошлиғи инженер Мингбоев ўтирганини кўришиб, индамай қолишди. Қоражон Мингбоев Никаноренкодан бир дона сигарета сўраб олди-да, уни тутатиб, индамай яна пастга тушиб кетди. У иккинчи бор ҳам жуда бошиқлик билан машинани тўғон тепасига олиб чиқиб харсангни тўкди. «БелАЗ» учинчи бор вағиллаб чиқиб келгач, энди бу сафар Смирновнинг ўзи ўтирибди, дейишган эди, бу сафар ҳам рулда Мингбоев экан. Шунда «БелАЗ» ҳайдайдиганлардан бири лабидаги сигаретасини ташлаб, Мингбоевга гап қотди: «Бўлди, бас! Уртоқ Мингбоев, тушунарли!» — деди-да, пастга тушиб кетди. Орадан ўн беш минутча ўтгач, у ҳам машинасини вағиллатиб олиб тепага чиқди. Лекин у жуда эҳтиёткорлик билан секин-аста моторга куч бериб келаётгани сезилиб турарди. Ундан кейин Смирнов ҳам Мингбоевдан рулни олиб, машинасини ҳайдай бошлади. Бошқалар ҳам пастга тушиб, ўз машиналарига ўтиришди. Уларнинг машиналари ҳам илон изи йўлда ўрмалай бошлади. Уша «ажал нуқтаси»га келганда ҳамманинг юраги дук-дук урарди. «Юришни билмаган киши учун ҳамма ер хавfli, ҳам эҳтиёт, ҳам дадил бўлиш керак», — деди Қоражон. «Шерда қирқ йигит қуввати бўлармиш, йўлбарсда қирқ йигит юраги бўлармиш», — деди Файзулла Аҳмедович шу куни Иван Шишкин билан тўғонга кўтариладиган айланма йўлдан пиёда юриб. Улар юқорига кўтарилишгач, ўша фалокат юз берган жойни обдан кўздан кечиришди. Бошқа ерларни ҳам кўриб, фожиага сабаб топиша олмади. «Фалокат баъзан оёқ осиганда бўлади», — дейишди улар бош қимирлатиб, ачиhib,

ТАБИАТ ТАСВИРИ

Куз.

Чимёндан то Нанайгача икки дарё ва етти довон ошасиз. Бу йўлларда юрмабсиз, дунёга келмабсиз! Майса-гиёҳлар, ясси қирлардаги пичанзорлар ҳиди димоғингизга урилади, қора чигирткалар хониши жонга ором бағишлайди. Адир гиёҳлари қуёшдан тушаётган нур қуюнида барқ уриб сизга юз тутати. Бир томонда баҳайбат тоғ чўққилари; филсимон қора ва қўнғир харсанг тошлар табиат қиличи-ла кесилган қатламлар аро асрий уйқуда — шу улкан тошлар орасидан шилдираб булоқ сувлари оқиб ётибди. Улар пастликда тошларни тошларга уриб, айқириб оқаётган асов дарё — Чотқолга томон югуришади. Шу кичик, аммо шарё мингларча ирмоқларнинг феълу ғайрати сабабмикан, узоқ Бештар томонлардан дам у қояга, дам бу қояга ўзини уриб, тоғларни қулатиб, тошларни юмалатиб келаётган Чотқол то бунга етиб келгунча тоза ҳунар кўрсатади. Пишиб, тобланиб, маъдан-тузлардан таъм олиб етилган бу сувдан бир пиёла ичиш мағиз-мағизингизга ҳузур бағишлайди. Бир пиёла қимизу бир пиёла Чотқол сувини тутинг, қани, қайси бирини ичасиз? Шу қимизнинг ҳам, шу гиёҳу меваларнинг ҳам онаси Чотқол сувидир... Бир муддатдан сўнг сиз баландликка кўтариласиз — чап томонда, каттакон бир чинни косада зилол кўл кўзга ташланади. Бу ойнадек тиниқ, шаффоф кўлни кафтингизда тутиб, симиргингиз келади. Унг томон яна ҳам баланд тоғлар — тошкентликлар узоқдан Бешиктоғ деб атаса бу ерликлар Обиқашқа деб атайдиган, баланд елкасида фақат кийиклару қоплонларгина юра оладиган бу тоғ чўққилари осмон гумбазига бигиздек кириб кетган. Юқориликка кўтарилишингиз билан ер куррасининг энг баланд нуқтасида тургандай бўласиз, пастда тоғу тош, дарёю денгиз, ям-яшил қирлар, ер юзининг ҳамма ёғи кўрингандай бўлади. Пастда, водий ичида учиб юрган қушларга кўзингиз тушади. Ернинг айланаётганини ҳам, бу буюк курра қачонлардир қуёшдан узилиб тушганини, фалак жисмлари ичида энг гўзали ер эканини ҳам кўргандек бўласиз. Сиз бу баландликда тунда бўлинг; шундоқ қўл узатиб юлдузларни узиб олгандек бўласиз. Ун беш кунлик ойга бир сакраб чи-

қиб олиш бу ердан ҳеч гап эмас. Коинот — буюк бўшлиқ ичида гавҳартошлар сочилиб ётибди. Шундоқ бир ажойибот, коинот гўзаллигини томоша қилиш учун кўзлар яратилганидан хурсанд бўласиз, агар инсон бўлмаганида, жониворлар бўлмаганида уларни ким кўрарди. Бебаҳо кўз қорачиғини мана шундоқ гўзалликни кўрмоқ учун яратилганлигига шак келтирмайсиз. Бутун бир коинот шу кўз қорачиғига жо бўлади. Бу ерларнинг бир соати бир кунга, бир куни бир йилга тенг — бир ҳафта ҳузур қилиб юрган кимса етти ёш яшаради...

Бу бобнинг романга ҳеч дахли йўқ, дейди албатта бир адабий танқидчи, мутлақо қисқартириб ташлаш керак! Йўқ! Сизга қолса тошдан тошга урилиб, буралиб оқаётган сойларнинг ҳам четини суваб, «қоидангиз»га тўғрилайсиз. Серқирра чўққиларни, тепаликларни рандалайсиз. Боғистон, Хумсонун Сижжак каби қишлоқларни қисқартириб ташлайсиз. Биргина Наволисой тасвирига умр бағишласа арзийди. Хўжакентдаги минг ёшли чинорларни олинг, сиз чинору сойлар, табиатимиз гўзаллигини сеза олмасангиз, бундай завқу муҳаббатдан маҳрум бўлсангиз, мен нима қилай! Бу манзаралар одамлар учун жуда керак!

Куз бунда баҳордан аъло. Тўғри, бошқа жойлардан кўра бу ерда эртарақ совуқ тушади. Мевалар бешўн кун кейинроқ етилади. Еттинчи ноябрга қолмай узум, нок шундоқ шира тортадики, асал билан ҳусайнини бир-биридан ажрата олмайсиз. Эрта билан мактабга кетаётган болалар папкасига дўппайтириб бир дона чойдиш ноку бир бурда нон солиб олади ва «озуқли от ҳоримас» бўлади-қўяди. Ёз бўйи кўм-кўк бўлиб турган ўрик барглари куз кириши билан ҳаммадан аввал қизариб, ўрикзорлар камалакдай товланади. Куз — қушларнинг тўдаланиш, гала-гала бўлиб учиб пайти, ҳамма қушлар бу йил очган жўжалари билан галага қўшиладилар... Гуриллаб учиб, донлаш, водий узра чарх уриш, булар куз базмидир. Чотқол тизма тоғларида ҳали унча ўрганилмаган, дунёнинг бошқа ҳеч ерида учрамайдиган суғур¹ деган жонивор

¹ Суғур (сурок мензбира) — ноёб жонивор. Бизнинг ердан бошқа ҳеч ерда йўқ У Ғарбий Тянь-Шань, Олатовнинг Талас томони, Чотқол, Қурама, Писком, Уғом ва Бойсун тоғларида учрайди.

ҳам яшайди, буни айтишдан мурод, Чотқол тоғлари бағрида оҳудан йўлбарсгача, читтакдан бургутгача — бари бор...

Келаси ҳафта шанба куни телефонда ваъдалашганларига кўра Қоражон ўз машинасида шаҳарга тушиб, тўғри институтга борди. Гулгуннинг ўқишдан чиқишини пойлаб, кўча четида, машинасида газета ўқиб ўтирди.

Бундан бир ҳафта илгари уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тўй икки ерда — аввал Сижжакда, кейин Ёнқўрғонда бўлди. Милтиқбой ака эрта билан элга ош берди, кечқурун базм бўлди. Эртасига Қоражонлар ҳовлисида тўй давом этди. Бир ҳафтагача ўқишидан рухсат олган Гулгун, тўйлар ўтиб кетгач, яна Тошкентга келиб, ўқиш билан банд бўлиб кетди. Қоражон ҳам, Тошкентга кўпроқ қатнасам қатнарман, ишқилиб, институтни тугатиб олсин, дерди...

Бирон соатлардан кейин институт боғи студентларга тўлиб кетганини, аудиториялардан чиққан йигит-қизлар дарвоза томон оқиб келаётганини кўрди. Бир тўда замонавий кийинган, гўзал қизлар тўпи ичида Гулгун ҳам келарди. Унга кўзи тушиши билан Қоражоннинг юраги беихтиёр орзиқиб, гурс-гурс ура бошлади. Гулгун тамоман ўзгарган, сочини қоши устигача тушириб қирқиб, орқага битта қилиб ташлаб олган. Бу Таманнонинг таъсири, деди у. Кўзида офтобдан сақланиш учун доира шаклидаги сурма ранг кўзойнак, устида енгсиз, қўнғир кофта ва тиззаси кўзига етадиган юбка... у бинойидек «модница» бўлиб олибди. Атрофидаги дугоналари ҳам ундан қолишмас, ёш, гўзал қизлар чуғурлашиб келиб мороженое олишди. Уларнинг атрофида сояда ўсган пиёздек новча, овозлари дўриллаган йигитчалар ҳам ўралашиб, қовушмаган саволлар бериб гап ташлашар, ёқимсиз хушомад кўрсатишарди. Қоражон машинада уларни кузатиб ўтирди. Елкасига сумкасини осиб олган Гулгун қўлидаги мороженоени ялар эди-ю, кўзи олмакесак терарди. У шу атрофда «инженер» машинада кутиб турганини билар, лекин уни тополмай атрофга олазarak бўларди. Чуғурлашиб мороженое ялаётган студент қизлар бир муддат институт боғида тарқалишмай туришди. Гулгун улардан ажралмади. Аллақандай бир «муҳим» гапни муҳокама қилишарди. Орачора Гулгун орқасига қайрилиб қараб қўярди.

Ниҳоятда чиройли бўлиб, очилиб кетган шу гўзал қиз ўзининг хотини эканлигидан Қоражон завқланарди. Қизлар тўдасига суқилиб кирмоқчи бўлаётган студент йигитлардан қизганарди ҳам. Студент ёшда қайси қиз хунук? Студентлик — олтин давр, бу ёшда қизларнинг бари гўзал ва доно, жамиятнинг «илғор» ва «идрокли» кишиларидир. Студентларни янги маънодаги валиаҳд деса ҳам жоиз, чунки мамлакатнинг келгуси алломалари, келгуси президенти ҳам эҳтимол шулар ичидадир...

Гулгун қизлар тўпи ичида атрофга олазарак бўлавергач, Қоражон машинасини дарвозага яқинроқ, қизлар тўпи рўпарасига олиб келди. «ТТ»га кўзи тушган Гулгун дарҳол дугоналарига қўли билан «хайр!» ишорасини қилиб, машина томон югурди. Қизлар беихтиёр унинг орқасидан тикилиб қараб қолишди. Машинага чиқиб олган Гулгун яна ўз дугоналарига узоқдан қўл қимирлатиб, «хайр!» ишорасини қилди. У қизларнинг ҳаваси келганини яхши пайқаб турарди. Аммо бу машинада уни кутиб ўтирган одам ўзини қизларга кўрсатишни мутлақо истамасди. Гулгуннинг илиқ саломи машинада қамалиб ўтирган Қоражон дарду дунёсини гулистон қилиб юборди.

— Бизлар бир-биримизни кутиб қолмадикми? — Гулгун эркаланиб сўради эридан.

— Йўқ, ҳаммаси жойида. Мен сал илгарироқ келиб нарида турган эдим.

— Мен сизни куттириб қўйганга ўхшайман?

— Йўқ. Мен сизнинг соат нечада ўқишдан чиқингизни яхши биламан. Мўлжаллаб келдим. Қизлар тўпи ичида гаплашиб турганингизни томоша қилдим. Менинг Гулгуним ҳаммадан гўзал, ҳаммадан доно, ҳаммадан сўзамол, ҳаммадан...

— Ҳаммадан маҳмадона, деяверинг! Эҳ, бизларнинг нима ҳақда гаплашганимизни билсангиз қотиб-қотиб кулардингиз. Мутлақо медицинага алоқаси йўқ гаплар. Билмадим бизлардан врач чиқармикан! Кампирнинг дарди гўзада — бизларнинг ҳаммамизнинг хаёлимиз мода, латта-путтада...

Қоражон илжайди.

— Бир дугонамнинг яқинда тўйи бўлиши керак эди. Йигитнинг қулоғи жуда катта, шапкасидан чиқиб турар экан, деб қиз айнабди.

— Ха-ха-ха-ха, — Қоражон беихтиёр кулди. Кейин жим бўлиб қолди.

Машина Пушкин кўчаси томон бурилиб, чорраҳадан ўтгач, Гулгун Қоражонга қаради.

— Тўғри кетдикми?

— Ҳа. Ёки ишингиз борми?

— Ишим йўқ. Марҳаматхон опамга ҳам, Таманнога ҳам, дарсим тугагач, ўшанақаси қишлоққа кетаман, душанбада учрашамиз, деганман. Сиз жанобнинг бу ёққа келишингизни ҳам билишади.

— Билишади... Ошимиз ҳалол, демочқимиз?

— Ҳа! Албатта! Мен ҳеч қачон ёлғон гапирмайман! Ҳеч ким шубҳа қилмаганда ҳам барибир ёлғон гапириш гуноҳ!

Қоражон ғизиллаб кетаётган машинани секинлашиб, йўл четида, баланд тераклар соясида тўхтатди. Бунга Гулгун ҳайрон бўлиб, гапим ёқмадим, деган хаёлда сукут сақлади.

— Шу доно гапларингиз учун бир ўпай.

— Қўйинг! Уят бўлади! Шунинг учун машинани тўхтатдингизми?

— Ҳа.

— Қизиқ экансиз-ку!

— Ошинг ҳалол бўлса...— Қоражон кабинада ўтирган жойида ёнидаги Гулгуннинг белидан қўлини ўтказиб, қучоқлаб, лабларидан ўпди. Улар бу дунё ташвишларини бир лаҳза тамоман унутиб, муҳаббатнинг қайноқ оғушида бир жону бир танга айланиб кетишган эди. Бир лаҳзадан сўнг Қоражон Гулгунни ўз бағридан бўшатди. Улар ҳислар туғёнида титрашарди. Гулгун уялиб ерга қаради. Гулгуннинг эҳтирослари ниҳоятда ўткир, ниҳоятда таъсирчан эканини Қоражон пайқаб, завқланарди. Шоир ёзгандай: «Оҳи оламни ёндиражак, кулгиси жон олғувчи...» мана шу эканини билиб олганди. Кимдир узоқдан уларни кузатаётганини кўрган Гулгун, тезда отни қамчиланг, кетайлик, ипорасини қилди. Машина вағиллаганча яна асфальт йўлда югуриб кетди.

— Ёнқўрғонга тушиб ўтамиз-да, Гулгуной?— деди Қоражон.

— Тўғри Сижжакка бормаймизми?

— Бирпас тушиб ўтайлик.

— Опам хавотир олмасмикан? Бугун келишимни билади.

— Хавотир олмайди. Ойимга мен бу ёққа келишимда айтиб келганман.

— Анави шоир нима деган эди? — Гулгун кулди яна.

— Амир Равнақми? Файзулла Аҳмедовичнинг ошнасими?

— Ҳа.

— Қичийдиган жойимни олдиндан қашлаб қўяман... Ха-ха-ха-ха-а!

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи, — Гулгун ўзини тутолмай кулиб, оғзини қўли билан беркитди. Ешланиб кетган кўзларини артиб, Қоражонга қаради, елкасига чиройли бошини қўйиб, гап қотди: — Сиз ҳам...

— Ҳа, бўлмасам-чи, — деди рулда кетаётган Қоражон йўлдан кўзини узмай. У елкасига бош қўйиб келаётган севиклисини тепадаги ойнадан бемалол кўриб турарди.

— Нечта амакингиз бор? — сўради Гулгун гапни бошқа томонга буриб. Илгари ҳам шундай бир нозик гап қочганида Гулгун Қоражонга эркаланиб, кейин гапни бошқа томонга буриб юборган эди. — Мен бунақа кийинган бўлсам ҳам сизни қариндошларингиз ёнида уялтирмайман.

— Сизнинг ҳамма ишларингиз менга ёқади. Агар хоҳласангиз, мен уларга, «синглим билан келдим, хотиним қишлоқда қолди», дейман. Агарда уларга сездирмаслик керак бўлса, айтганингизни қиламан.

— Йўқ! — деди қатъий эътироз билдириб Гулгун ва шу заҳоти Қоражон елкасидан бошини кўтарди, — мен уларнинг келини эканлигимни билишлари керак! Ҳеч ёлғон гапирманг, акажон!

— Хўп! — деди Қоражон. Кейин Гулгуннинг сочларидан секин ўпиб қўйди. — Ойим ҳам кеча Чорвоқдан қишлоққа келган.

Ёнқўрғонликларга шаддод Гулгун ёқиб қолди. У отасининг кечмиш-кечирмишлари, фронтдаги жанглари тўғрисида гапириб берди. Очиқ, шаддод, ҳозиржавоб Гулгун ҳамманинг диққатини ўзига тортди; бу ердаги қизлар билан иноқлашиб кетди. Зиёфат авж олди. У баъзилардек тортиниб, ўзини четга олмас, эркаклар суҳбатига ҳам араллашиб кетаверарди. Шу кунни ётиб қолиб эрталабки нонуштада ҳам амакилар ёнида ўтирди. Гаплари ҳам, қилиқлари ҳам ўзига ярашиб турарди. Қоражон уруғлари ичидаги қизлар тезда унга таассуб қилиша бошлаганини, Гулгуннинг гапига ўхшатиб гапиришга уринишаётганини сизди. Шу атрофдаги бир фолбин хотин ҳақида гап кетди.

— Полвуннинг оёқлари чўлоқ, бир кўзи кўр, лаблари тиртиқ, юзлари йиртиқ...— деди бир шўх қиз Гулгунга.

— Ха-ха-ха-ха-а. Сенинг отинг нима?— сўради Гулгун.

— Зухра.

— Бечора полвунни худо қўш қўллаб урган экан. Шунча «хусн» билан қандай эр олди экан?— кулиб турган Гулгун негадир бир зумда тўхтаб қолди. Кулгилар йўқолди. Унинг хаёлидан бир нима ўтди...

— Эри мачитда сўфи.

— Ҳа, шундоқ дегин.

— Полвун хотинни «Мисқол пари» дейишади.

— Уҳ-ҳў-ў-ў!— деди Гулгун,— сен жуда кўп нарсани билар экансан! Ойингларга айтгин, кўзмунчоқ тақиб қўйсинлар!

— Кўзмунчоқ тақиб эскилик!

Ўртага жимлик тушди. Гулгун ўйланиб қолди. Сўзамол битта у эмаслигини пайқади.

— Сен Тошкентга олиб кетишга арзийдиган қиз экансан!

— Сиз бизнинг Ёнқўрғонга муносибсиз, кеннай!

— Шунинг учун ҳам мен ёнқўрғонликларга келин бўлдим.

Қоражон билан Гулгун қишлоқда бир кун қолиб, эртасига жўнашди. Қоражон ёнқўрғонлик баъзи йигитларни ишга даъват этиб, Чорвоқ қурилишига таклиф қилди. Кўп ҳақ тўланишини ҳам қўшиб қўйди. Баъзиларнинг ўз қишлоғидан чиққиси келмади. Тоғин урса толқон қиладиган ҳамқишлоқларига қаради Қоражон:

— Бўлмаса шу ерда ўтираверинглар! Ёнқўрғонликларнинг ўрнидан туриб бир жойга бориши қийин. Мана, кўриб турибман... Чотқолдан ўтганингиздан кейин Чорвоқ кранлари шундоқ кўриниб турибди.

Аввал индамай қараб турган оғанилар юмшаб илжайишди. Гулгун қулай фурсатдан фойдаланиб гапирди:

— Мен аёл бошимга қарамай, Тошкенту Чирчиқни кезиб юрибман. Ҳей, йигитлар! Энди сизлар бувимнинг этакларини қўйиб юборинглар. Катта бўлдингиз. Ўз қишлоғингиздан четроққа ҳам чиқиш керак. Бошқалар келиб сизга электр станция қуриб берадими?

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи-ҳи,— соқоли мош-гуруч бобо ўзини тутолмай кулди.

Бошқалар ҳам кулиб юборди. Қандил буви ҳам ёнида ўтирган Гулгуннинг елкасига қоқди. Унинг шартакилиги ёққанди.

— Омон бўл, қизим! Бу амакиларинг бир иш қилишдан аввал ойиларидан сўраб қиладилар.

— Ҳукумат катта иш бошлаган. Сизлар қишлоқда уймаллашиб юрсаларинг тўғри бўлармикан?!

Гулгуннинг астойдил гапираётганини пайқаган оғанилар бу гапнинг жиддийлигини, куёв-келин фақат саёҳат, қариндошларини кўриб келиш эмас, Чорвоққа ўз ҳамқишлоқларини тўплаш ниятида эканини ҳам сезиб олишди.

— Юрган дарё, ўтирган бўйра,— деди Қандил буви гарчи ўғилларининг кетишларини унча истамаса ҳам Қоражонни беихтиёр қувватлаб,— сенинг фикрингча, иш қанча муддатга бораркан?

— Сал кам ўн йилга.

— Тошкентдек шаҳри азимни бир кўриб қўймоқлик ҳам жуда фарз,— деди Қандил буви,— қадимгилар, ўзбек бойиса том солади, қозоқ бойиса хотин олади, деган. Ўзбеклар ҳозир жуда бойиган.

— Биз ўзбеклар асаларимисол тинмай уй соламыз, нектар йиғамиз...

— Бизлар боришга борамиз,— деди йигитлардан бири,— аммо лекин муддати жуда узоқ экан..

— Ёқмаса, қочиб кетаверасан,— деди Қоражон.

— Ойижон, юринг, сизни ҳам олиб кетайлик,— деди Гулгун,— Сижжакни, Тошкентни бир кўриб келасиз.

— О-о-о, айланиб кетай, қизим. Раҳматлик бувангиз умрида бир маротаба Хўжакентдан ўтиб, Шўртепа бозорига борган, холос. Ҳозирги ёшларга Тошкенту Маскоп икки қадам. Икки дунё бир қадамдир авлиёнинг олдида, деган машойихлар. Ҳозирги ёш муллалар авлиёлардан ҳам ўтиб тушган.

— «Авлиё» эмас, икки дунё бир қадамдир авионинг олдида,— деди Қоражон.

— Мен ўзим ҳам аптамабелда Чорвоққа бориб тураман. Кўрмаган нарсаларимни кўрдим. Шўро ҳукумати омон бўлсин, жуда ҳунарвон. Қадимги замонда Чирчиқ устида битта Эшаккўприк бор эди. Уни ҳам не-не машаққатлар билан қуришган. Ҳозир кўприк қуриш чўт бўлмай қолди...

Эртасига эрта билан Қоражон билан Гулгун Сижжакка келишди. Йўлда эру хотин ҳазил-мутойиба гап-

лар билан бирга ўз тоғу далалари, бундаги беқиёс табиат ҳақида ҳам гаплашиб келишди. Бу тоғ ораллиқларидан юз бор ўтсангиз, юз бор бетакрор гўзалликни кўрасиз, ясанган табиат кишиларга интизор. У ўз севгилисини қучган келинлардек сизни оғушига олади.

Тоғлар фақат кўкламда эмас, ҳамма вақт гўзал. Бу ерда йилнинг тўрт фаслида ҳам жозибали манзаралар ва бўёқларни кўриш, нодир жониворлар билан юзмаюз келиш, сайроқи қушларни кўриш мумкин. Бу ер ҳали кашф этилмаган доривор ўсимликлар, нодир жониворлар, ҳашаротлар ва бир қатор маъдан ва тузларга эга бўлган харсанг тошлар ўлкасидир. Асрлар бўйи ётган бу улкан харсанглар не-не замонлар гувоҳи бўлмаган. Улар неча минг йиллар давомида қиш қаҳратони, ёз жазирамасига бардош беришган. Тоғлиқлар бу тошларнинг ҳар бирига ном қўйишган, улар тўғрисида турли афсоналарни мароқ билан ҳикоя қилишади. Шамол ва ўзгарувчан ҳарорат туфайли харсанглар мўъжизавий шаклларга ҳам кириб қолади. Бир вақтлар яхлит бўлган тошлар ҳароратнинг кескин ўзгариши натижасида парчаланиб кетади. Баъзан шамол, баъзан сайроқи қушлар тошдаги ёриқларга турли ўсимлик уруғларини олиб келади, улар аста-секин илдиз отиб, харсанглар устида гиёҳлар ўсади.

Чирчиқнинг чап соҳилида жойлашган Хўжакент қишлоғидаги қоятошлар йўловчиларнинг эътиборини қадимдан ўзига жалб этиб келган. Агар сиз қояларнинг устига кўтарилиб, атрофга назар ташласангиз, Чорвоқ тўғонига ва унинг қурувчилари истиқомат қилаётган кўркам шаҳардан тортиб, югуриб келиб Чирчиққа ўз сувини «ҳада» этаётган Угом дарёсигача кўзингиз тушади. Қаршингиздаги ям-яшил чинорлар бағрида шинам чойхона ҳам бор. Бу ерга файз киришиб, чинорлар тагидан жилдираб оқувчи зилол булоқ сувлари куз ва қиш ойларида ҳам қуримайди. Бу ердаги қояларда йигирмадан ортиқ турли катталиқдаги ғорлар бор, уларнинг баъзиларини табиат «қўли» билан қурилган «дераза»лар ёритиб туради. Уларда қачонлардир аждодларимиз истиқомат қилганлигини археолог-олимлар топишган тош қуроллар кўрсатиб турибди... Бу сўлим оромгоҳ билан танишув дастлаб тош даврида яшаган қадимги кишилар қояга ўйиб чизган расмларидан бошланади. Унда тоғ эчкилари ва қўйлари, ўқ-ёй отаётган овчилар каби лавҳалар тас-

вирланган. Бу суратлар бундан бир неча минг йиллар аввал чизилган. Минг йиллар оша бизгача етиб келган қоятошдаги расмларга қизиқиб тикилар экансиз, аллақачонлар йўқолиб кетган ҳаёт намуналарини ундан «ўқиб» оласиз. Қояларга ўйиб ишланган расмлар фақат қадимги тарих ва санъат намуналаригина бўлиб қолмасдан, балки уларни тўғри ажрата билиш туфайли қадимги аجدодларимизнинг турмуши ва маданиятини, шу районда қирилиб битган ҳайвонларни аниқлаш мумкин. Хўжакент қояларида тасвирланган расмлар йигирмага яқин бўлиб, уларнинг баъзиларини яхши ажратиб бўлмайди. Учта тоғ эчкисининг расми чала чизилган, уларнинг олд оёқларини чизиб тугатиши учун ибтидоий рассомга нимадир халақит берган кўринади...¹

Гулгун билан Қоражон Сижжакда, ўз «визитлари» билан ота-онани хурсанд қилиб, кўнгилларига хотиржамлик солишгач, эртасига Чорвоққа келишди. Бундаги ҳувиллаган квартирани ҳам бир муддат обод этишиб, эртасига яна Тошкентга тушиб кетишди. Қоражон Гулгунни Музаффаровларникига эсон-омон элтиб қўйгач, ўзи яна Чорвоққа қайтиб келиб, мамнуну масрур ишга тушиб кетди.

XXVI боб

ЧОРВОҚ ИЛҲОМИ

Қиш.

Бешинчи, олтинчи декабрь кунлари Тошкентда қорасовуқ бўлди; ерлар тошдек қотган, қатқалоқ, қор йўқ, лекин мўрилар, кўп қаватли уйлар тепаси, ариқлар, кўприклар панжарасини оппоқ қиров қоплаган. Тунда совуқ ўн-ўн икки даражага тушган, кундузи минус икки, уч ва тўпдан кейин 0 даражада бўларди. Ишлар яхши, пахта плани бажарилган — ҳамма кишилар, ҳатто пахтага бевосита алоқаси бўлмаганлар ҳам хуррам. Ўзбекистонда пахтага алоқаси йўқ одамнинг ўзи йўқлиги учун юқоридаги ибора жоиз эмас. Ҳатто оғилхонадаги сигиргача бу ишга дахлдор... Саноату қурилишда ҳам ишлар жуда яхши. Қиш қанча кучайма-

¹ Н. Раҳматов, И. Отажоновларнинг газетада босилган хабаридан.

син, изгирин тишламасин, барибир юраклар барқ урарди, галаба қувончи аёз захрини йўқотганди. Катта зафарда барчанинг ҳиссаси бор; шоирларнинг айниқса...

Шу кунлари Амир Равнақ машинасига ўтириб, тўсатдан Чорвоққа жўнади. Бир томондан, кўп мутолаа қилиб чарчагани, иккинчи томондан, қадрдони Файзулла Аҳмедовични бирон ойдан буён кўрмагани, учинчидан, юрагида гаплари кўпайиб, дўстини соғингани уйда ивирсиб ўтиришига йўл қўймади. Эрта билан йўлга чиққан шоир соат ўн иккиларга қолмай Музаффаров ҳузурига кириб борди.

— Э, келсинлар, келсинлар! Хуш келибдилар! Қадамларига ҳасанот! Юз ёшга кирар эканлар, ҳозир Марҳаматой билан азизимни эслаб ўтирган эдик,— деди қучоқ очиб новча Файзулла Аҳмедович елкасидаги тўни тушиб кетмаслиги учун бир қўли билан ушлаб, дўстини қучиб. У деразаданоқ шоир машинаси келиб тўхтаганини кўриб, югуриб айвонга чиққан эди. Кетма-кет Марҳаматхон ҳам шоир истиқболига чиқди.

— Хуш келибсиз, муллака! Уртоғингиз кечадан бери сизни йўқлаб турган эдилар...

— Саломатмисизлар! Соғиндим, нима қилай, бир ҳафтадан ортиққа чидолмайман. Мана, келдим!— деди чеҳраси очилиб Амир Равнақ. У бир кун бир мансабдор қабулига бориб, совуқ муносабатда бўлган у киши билан кабинетда бир лаҳза туриб, сўз айтмай орқасига қайтиб чиқиб кетган эди. Ўша мансабдор кимса орадан бирон йил ўтгач, ўз вазифасидан бекор бўлганида, баланд зина устида хомуш туриб, одамлардан, Навоий кўчасига қандай чиқаман, деб сўраганини, доимо машинада юриб, Тошкент кўчаларини билмаслигини «Муштум»да ҳажв қилган ҳам мана шу Амир Равнақ эди.

— Бугун Ҳосил байрами, Тошкентда тантана... Бундоқ кунларда Ҳазрат шеър ўқирдилар, «оқ олтин» ижодкорларини табриклардилар?— Файзулла Аҳмедович дўстини ичкарига олиб киргач, одатдагидек жўмрақда қўлини совунлаб юваётганида гап қотди.

— Телевизорда чиқиб, шеър ўқиб табриклардим. Газетада ҳам шеърим чиқди. Саратонда бормаган областим қолган эмас. Так что, бир шоир қилиши керак бўлган ҳамма ишни қилдим. Газетага қаҳрамонларимиз ҳақида лавҳа ёздим... Мана, тўла ҳисобот бериб бўлдимми? Лекин баъзилар биронта газета ёки жур-

налга очерк тугул икки энли лавҳа ҳам ёзмадилар. Мен' бир нарсадан хафаман!

— Яна хафалик?— жилмайди Файзулла Аҳмедович,— хафа бўлманг. Биз хафа бўлсак майли, аммо сиз хафа бўлмайг, унда бу хафаликни шеърларингиз орқали бутун элга ёясиз. Ҳамма хафа бўлади... Азизим, Сиз асло хафа бўлманг!

— Нега Ҳосил байрамига қатнашмадингиз, деб сўрамадингиз! Ҳозир шу байрам давом этяпти. Мен ўша ерда, пахтакорлар орасида бўлишим керак эди. Э-э-э, азизим, бундай пайтларда қайси бир майда мансабдорнинг айби билан бизлар четда қолдик. Бир куни кўз кўзга тушганда раҳбаримиз: «Ўртоқ шоир, қаёқларда юрибсиз, кўринмайсиз?» деб сўрайдилар. Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир... кимсалар Ҳосил байрами минбарига чиқиб олишган. Ана шунга жаҳлим чиқади, азизим! Йккиламчи, нега Ҳосил байрамини шаҳар четида — Отчопарда ўтказиш керак? Нега Тошкент шаҳри марказида бундай тантаналар ўтказилмайди? Отчопарни кўрмоқчи бўлганлар бориб кўраверишлари мумкин-ку! У ҳам керак. Ҳамма областлардан от свора, мол овора қилиб, ўша «оқ олтин» яратганлар келса-да, уларни бир чеккага олиб чиқиб қўйсак! Уйимиз тўрини кимга асраймиз? Театрларда учрашувлар қилиш керак.

— Тўғри!

— Аллақаёқлардан келган туристлар шаҳар марказида юради. Майли, юрсин, қарши эмасман. Ҳосил байрамини ҳам бунда қилиш керак. Ана шунга куяман-да, азизим. Агар шу гапни айтсам ёки бирон калтафаҳм мансабдори ҳажв қилсам, балога қоламан. Мени «турмушдан орқада қолган»ликда айблайдилар.

— Тажанг бўлманг, шоир!— деди дўстига чой узатиб Файзулла Аҳмедович,— Ҳосил байрамини шаҳарнинг марказида ўтказиш керак! Бу тўғри! Азаматларнинг кўксига Олтин Юлдузлар ярқираб турганини кўрганмиканлар улар?

— Оҳ, оҳ, азизим, дилимдагини айтдингиз. Мен бу гапни шеър қиламан!

— Йўқ, шеър қилмайсиз!— деди кескин бир вазиятда Файзулла Аҳмедович,— керак эмас! Буни партия мажлисида айтамыз, бу — ички ишимиз. Шеър абадий! Эртага тузалиб кетадиган бир нуқсонимизни ҳамма ёққа жар солиш ва уни авлоддан авлодга қолдириб кетиш нега керак? Бундай гапларни бир хашаки шоир

ёзса бўлади, эртага эсдан чиқиб кетади. Сизга ярашмайди. Сиз айтган сўз мрамарга ўйиб ёзилгандай тез орада ўчмайди. Чуқур ўйлаб қараш керак. Юракни кенг тутинг. Бу иш душман тегирмонига сув қуядиган бўлмасин!

-- Фикрингизга қўшиламан!

— Янги шеърларингиздан ўқинг! Янги шеърларингизни эшитгимиз келяпти. Номи унча таниш бўлмаган бир муаллиф «Навбаҳор» деган шеър ёзибди. Уқидим. Сизнинг анча йиллар аввал шу мавзудаги бир шеърингизни эслатади. Ҳайрон бўлдим.

— Сезибсиз. Биз бир нима десак, улар ҳам шу ишни қилишади, аммо кейинчалик бизни тан олишмагандек, тумшуқлари кўтарилиб, биз шунақа ишлар қиляпмиз, дейишади ҳам... Ҳей, укажонлар, яратилган бошқа асардан андоза олиш ижод эмас! Иккиламчи, катталарни ҳурмат қилишни ҳам билишларингиз керак! Йўқ, бу сўзларни кимга айтасиз! Вақти келиб, улар ўпкасини босиб олар, деб юрибмиз. Уч-тўрттаси бир бўлиб олиб бир-бирини мақташга ўтишяпти. Ё тавба. Ё алҳазар!

— Азизим, чарчабсиз,— деди Файзулла Аҳмедович,— бу ерга ишга келгунимча мен ҳам мана, Марҳаматойнинг хабарлари бор, жуда тажанг эдим. «Тошпўлат тажанг нима дейди», дегани мен эдим-да! Ҳозир бу ҳасрату тажангликлар деярли йўқолди. Иш билан қаттиқ бандмиз. Азизим, сиз ҳам менинг кунимга тушибсиз.

— Чорвоққа келиб ишланг, демоқчимисиз?

— Ҳа.

— Мана шу биз турган ердан сал нарироқда Хумсон қишлоғи бор. Шоир Машриқ Юнус ўғли Элбек шу ердан чиққан. Ўз ерида бундай катта қурилишларни кўрганида бағоят хурсанд бўларди. Шеър бағишларди. Эслаганимиз яхши бўлди. Мен Чорвоққа келиб ишлашга тайёрман.

— Лекин сиз цемент қормайсиз. Менинг ёнимда бўласиз. «Огни Чарвака» газетасининг штатсиз ходими бўласиз. Қурувчиларга шеърларингиздан ўқиб бера-сиз. Бугун Марҳаматой Тошкентга кетадилар, икки чол бунда қолиб, отамлашамиз: «Ош есалар ўртада сарсон илик...» қилишамиз. Бу ернинг ҳавосини қаранг! Тошкентда папирос чеккан, чекмаганнынг фарқи йўқ, ҳаво тўла рутубат. Бунда маза қилиб юрамиз. Ўтган-кетган қизиқ гаплардан гаплашамиз, пешанамиз-

дан чак-чак тер оққан вақтларни эслаймиз... Саломатликлари керак! Нима қиласиз Тошкентда? Пенсиясиз, «дафтаридин йўқ бўлак оғирлиги...» бўлсангизу э, шоир, нима қиласиз у ёқда сасиб-бижиб! Эҳтимол, мана шу қурилишда юриб, илҳом келиб қолса бир жиддийроқ нарсга ёзарсиз.

— Маъқул! Жуда маъқул! Сизнинг ёнингизда бўлсам илҳом келаверади! Файзли одамсиз, азизим.

— Асабни қўлга олинг, шоир! Иккинчи маротаба дунёга келмайсиз, сал ўзингизга қаранг!

— «Кирланиб битдим узем, дунёни поклий олмадим», деган Абдулла Тўқай. Мана шунақа! Бир ошнам менга «қош силанади, соч қирқилади», деб «чуқур фалсафий» фикр айтгандай бўлдилар. Мен унга агар сиз шунақа тутуриқсиз «мақоллар» айтиб юрсангиз, ҳажв қиламан, дедим!

— Яна асабингизни бузаяпсиз!

— Бўлди, бас, энди гапирмайман! Лекин омонлик бўлса, келгусида бирон йирикроқ асар ёзсам, ўша хумпарнинг «образи»ни кўрсатаман!

Тушки овқатдан сўнг Марҳаматхонни машинага ўтқазиб Тошкентга жўнатишди, икки ошна қурилиш бошқармасига чиқишди. Файзулла Аҳмедович ўз кабинетидан кимгадир телефон қоқди. Тошкентдан таниқли шоир келганини, агарда хоҳлашса смена тугаш вақтида ГЭС корпусига боришжагини, шоир бунда янги шеърларидан ўқиб беришини айтди. У томондан, марҳамат, марҳамат, деган овоз, ГЭС агрегатларини монтаж қилаётганлар шоир билан учрашишдан жуда хурсанд бўлишларини маълум қилди. Вақтни аниқ гаплашиб олгач, Файзулла Аҳмедович телефон трубкасини қўйди. Амир Равнақнинг ҳам чеҳраси очилиб кетди. Одамлар уни исташаётгани, ҳурмат билан таклиф этишаётгани кўнглини кўтариб юборди. «Сизни ишчилар чақиряпти, шеърларингизни эшитиб, жамолингизни кўрмоқчилар. Бу жуда муҳим гап»,— деди Файзулла Аҳмедович. Амир Равнақ сукут ичида сезилар-сезилмас кўзига ёш олди. Файзулла Аҳмедович Шишкинга, Қоражон Мингбоевга ва бошқаларга ҳам телефон қоқиб, соат тўртда ГЭС биносига шоир билан учрашув бўлишини, вақтлари бўлса келишларини илтимос қилди.

Смена тугагач, соат тўртда ГЭС корпуси ичида шоир билан учрашув жуда кўнгилли ўтди. У она ти-

лида, сўнгра рус тилида ўз шеърларидан ўқиб берди. Ҳозирги ўзбек адабиётининг катта арбоблари яратган асарлар ҳақида гапирди. Шоирга кўпгина саволлар ҳам тушди.

Амир Равнақ ғоятда мамнун бўлиб дўсти Музаффаров билан бирга уйга қайтиб келди. Эртасига эрта билан у янги шеър ёзди:

Улкан ГЭС, ойнавон шифтлар кўкўпар,
Гумбурлар моторлар — қудратли нидо...
Бунда мардлар ишлар, поездлар чопар,
Юрт ишига ўзни қилишган фидо.
Мен ўқийман шеър, юзларча кўзлар
Ўзбек шоирига қадалди бир зум.
Янгради цех ичра ўзбекча сўзлар —
Эъзозлари — қарсак, севинч, табассум...
Барча қарсак чалар, бутун цех бирдек,
Манзур қилолдимми шеъримни пича —
Гўё Маяковский бу ерда бордек,
Қошки эди бўлсам юздан бирича...
Мен она тилимда ўқидим шеърим,
Шеърим бағишланган буюк дўстликка.
Тилим билмадилар, билдилар дилим,
Қадоқ қўл ишчилар турарди тикка...
Биров комбинзонда, қўлида қўлқоп,
Биров енг шимарган, бармоқ қорамой.
Биров ҳайратланиб келганди шу тоб —
Улкан агрегатга бир зум қарамай.
Биров кўзойнакда, мўйловлари шоп —
Оқсоқол ишчилар — ветеран балки,
Биров ҳали дўмбоқ, балки у кашшоф
Кечагина келган, лабларда кулки.
Мен ўқийман шеър, қуёшли ўлкам —
Боғларим ҳуснини келтирдим бунга.
Гўё оташ цехда кашф этди кўклам,
Ўзбеклар қалбини бахш этдим сенга.
Сенга олиб келдим, эй гўзал Чорвоқ,
Бир варақ бўлса ҳам шеърим тотини.
Узум де, анор де, балки шафтоли...
Не десанг ҳам бўлар унинг отини.
Мен она тилимда ўқийман шеърим,
Шеърим бағишланган буюк дўстликка.
Баъзилар тил билмай, билдилар дилим...
Қурувчилар тинглар туришиб тикка.

ХАЙРУШКА

Эрта билан уйқудан кўз очган Гулгун ўз каравоти ёнидаги чиройли тумба устида «Zju Zju» деган француз атири турганини кўрди. Бундай атирни у тўйга борганида, ўша олимнинг қизлари хонасида кўрган эди. Бундан бошқа «fidji» деган атирни ҳам ҳидлаб кўрган. Жуда ҳам хушбўй, жуда ҳам зўр эди. Ярим яланғоч Гулгун кўрпани оёғига итариб, қўл узатиб, қутичани олди-да, нариги каравотда пишиллаб ухлаб ётган Таманнога ҳам қарамай, биллур идишдаги қаҳрабо ранг атирга тикилиб, ҳидлади. Шу пайтда бирон деразадан уни яширинча кузатган бирон кимса унинг бўртиб чиққан оппоқ кўкси, кабутарсимон чиройли бўйнию елкаларини, кўрпадан чиқиб қолган сонларини бемалол кўриши мумкин эди. Муаттар бир ҳид диюғини чоғ этди, у негадир дугонасидан қизганиб, қайта-қайта ҳидлади. Тумбочкаси устида бундай қимматбаҳо атир пайдо бўлиб қолганига таажжубланмади. Нега таажжубланмаганига ўзи ҳам тушунмасди. Ноёблик олдида иттифоқо пайдо бўлган ноёблик бир-биридан ҳадиксирамай қўшилиб кетаверар экан-да! Бу қандайдир ғайри одатий бир ҳол эдики, шунча ҳушёрлиги билан Гулгун бунга ўйлаб ҳам ўтирмади. Уйқудан эркаланиб кўз очган Таманно ҳар кунги одатича Гулгунга тикилиб, уни ҳазил-мазах қилмоқчи бўлиб турган эди, унинг қўлидаги атирга кўзи тушиб, «нима?» дегандек бош ирғади. Гулгун атирга ўз ҳирсини қўйиб, кўз-кўз қилди.

— Бу «Зю-зю!»

— Кўриб турибман,— деди Таманно оғзини катта очиб, ҳомуза тортиб.

— Тумбочкам устида пайдо бўлиб қолибди.

— Бу акамнинг қилиғи... У қачонлардир кенна-йимга «Шенъюар» атирини ҳам олиб келган эди...

Чақадиган бир нимани ушлаб олгандай, Гулгун шу лаҳза қўлидаги атирни тумба устига қўйди.

— Бу сенгами?

— Сенга,— деди Таманно ёстиқдан бош кўтариб. У ҳам Гулгундек ярим яланғоч, чиройли кўкси кўриниб турарди,— сенга, олавер! У атай сенга олиб келган.

— Нега менга? Қизиқ!

— Берганнинг юзига қарама! Олавер! Улар мага-

зинчи, савдогарлар. Акам жинни-ку!.. Сенга олиб келибдими, олавер!

— Йўқ, бекор қилибдилар!

— Биргалашиб ишлатармиз. Хоҳласанг, мен ҳам суртиб турарман.

Уртага бир неча дақиқалик сукут тушди. Гулгун каравот оёғи томонга ташлаб қўйгани — кўк селон халатини тортиб олиб, елкасига ташлади. Негадир гўзал танини бекитди.

— Акамлар шунақалар...— деди яна Таманно кулиб,— э-э, улар жуда ёмон! Акамни опамлар, адамлар яхши кўришади. Эрка ўғил. Индамайман. Бўлмас, буларнинг қилиб юрган ишлари учун ошналари билан бирга барчасини тўппонча билан отиб ташласа арзийди.

Гулгун миқ этмади. У тумбочка устидаги «Зю-зю»га яна бир қараб қўйди. «Зю-зю» секин-аста катта бир одэмга ўхшаб, Гулгунга тикилди. У бу хонадоннинг эркаси ва ҳокими Хайрушкага ҳам ўхшаб кетарди. «Мен сизга аталганман, сизникиман...» дегандай бўларди. «Мени асло маҳмадона Таманнога бера кўрманг, мен фақат сизга аталганман, бундай «Зю-зю»лар фақат сизга муносиб...» дегандай гаплар эшитилди. Гулгун кўксини қўллари билан бекитди. У атир шишасидан уялгандай бўлди.

Хайрушка ўттиз беш ёшларга борган, қадди-қомати келишган, сўзга уста йигит. Хотин-қизлар диққатини дарҳол ўзига тортади. У ўзига нигоҳлар қадалганини сезгач, камгап ва сипо бўлиб олади. Ичида гап кўп — дунёнинг тагига етган кишилардек ақлли гаплар ҳам айтиб қўяди. Аммо, унинг баъзида рўпарасида диққат билан тикилиб турган кўҳлик жувонга парво қилмай, эътибор бермагандек, ўзини арши аълодан келтириб яна бир неча баландпарвоз гаплар айтиш одати ҳам бор. Бу гаплар аслида пўрсилдоқнамо гаплар эканини янги суҳбатдошлари сезмай қолади, уни яхши биладиган одамлар эса мийиғида кулиб қўяди. У илгари юқоридан келиб, машҳур кишилар номини кўпроқ тилга оларди. Уни ёшлигида маҳалладагилар «Хайрушка» деб аташарди, яхшигина дутор чалиб ашула ҳам айттарди. Буни қарангки, отаси бутун бошқа олам, боласи бутун бошқа олам бўлиб чиққан.

Хайрушканинг ўз фалсафаси бор; дунёда қўлга тушмайдиган ҳеч бир хотин йўқ. Қаловини топсанг қор ёнади. Бунинг учун фақат йўл топа билиш керак.

Уларни гап Силан алдаш, шароитга мослашиш, осмондан келиб мақтаниш... унинг найрангларидан фақат бири эди. У бир йили ўз онаси Марҳаматхонни ҳам жуда ноқулай аҳволда қолдирган эди; қамалиб қолган бир база мудирининг ўғирлиги фош бўлганида терговчи Хайрушка Музаффаровни ҳам сўроқ қилиб, отанани юрак ўйноғи қилган...

Она қўлидаги брильянт кўзли узугининг серқирра кўзига тикилиб туриб юраги орқасига тортиб кетган эди. Мошдек ярқироқ тош бир ботмонлик тегирмон тошидек оғир бўлиб туюлди. У бошига тушиб, мажақламоқчи ҳам бўлган. Қулоғидаги икки зирак ҳам брильянт эмас, қулоғига осилиб турган икки сариқ чаёнга ўхшаган. У ҳатто қўл тегизгани ҳам қўрққан. Ҳар қалай, Хайрушка бу ишдан қутулиб қолди.

Шу йиллари Хайрушка «фан кандидати» деган илмий даража олишни жуда ҳам орзу қилиб юарди. Шаҳримиздаги магазинлардан бирида эркаклар костюми сектори мудирини бўлиб ишлаб туриб, айни вақтда «диссертация устида иш олиб борди». Кўп одамлар «фан кандидати» бўлиб олган, «кандидат» бўлиш ҳозир бир қурум зиёлинамо кимсалар орасида қадим чарлистон шим кийиш мода бўлганидек модага айланди. «Нима, Шоқосимдан менинг нима кам, ўшанинг ақлича ақлим йўқми», — деди ўзига-ўзи Хайрушка. Ўғлининг нимага лаёқати борлигини яхши биладиган Файзулла Аҳмедович аввал кулди, кейин: «Э, қўйсанг-чи, ўғлим, биров эшитиб қолса уят бўлади, — деди. — Ҳамма ҳам кандидат бўла бериши шартми?» — деб шахтинини қайтарди. Ўғлининг ёшликдан ишга тоқати йўқ, зеҳни сал пастлигини биларди.

Хайрушка отасидан бу гапни эшитиб хафа бўлди. Ўз ўғлини «камситган» отани у бир жеркиб ташламоқчи ҳам бўлди. Бу ишга журъати етмади-ю, аммо бир неча кун қовоғини солиб, гаплашмай юрди. «Бўлса бўлаверсин, сизга нима», — деди Марҳаматхон кунлардан бир куни чучвара еб ўтиришганида Файзулла Аҳмедовичга.

* * *

... Гулгун билан Таманно ўрниларидан туриб кийинишди. Катта тошойна олдида сочларини текислаётган Гулгун хаёлидан бу хонадоннинг ўз сўзли «ҳокими» Хайрулла Файзуллаевичнинг уддабуронлигидан таш...

қари, анчадан бери ўзига бошқачароқ қараётганини сезиб, юраги шигиллаб кетди. Нима қилиш керак? Бир баҳона топиб, бу уйдан чиқиб кетиш керакми? Унда, ўз отасининг қадрдон дўсти Файзулла Аҳмедович нима дейди? Бу ҳурматли киши юзига оёқ тираган бўлмай-дими? Хайрушкани ҳам айблагандек бўлиб чиқмай-дими? Гулгун ўз фикридан қайтиб, тишини тишига қўйди. Хайрушканинг хотин қўйгани, кимгадир уйланмоқчи бўлиб юрганини ҳам эшитган эди. Бундан ташқари, қайси эркак хотинларга хушомад қилмабди? Бир аёл: «Вой эркакнинг ҳам ёмони бўладими...» — деб юрганда боши очиқ Рустамдек давангир, келишган бир йигит қизларга қараса нима бўлибди! Хушомад қилиш ёки бирон нимани туҳфа этиш гуноҳми? Эркак бўлса-ю, симёғочдек гўдайган, қуруқ бўлса, гаплашишни ҳам, хушомадни ҳам билмайдиган совуқ бўлса, аёлларни кўрса тўрсайса, бундан ёмони борми!

Шундай қилиб, Гулгун ўзига-ўзи тасалли берди. У ўрнидан туриб, ювиниб, институтга жўнашга ҳозирлик кўрди. Охшонага кириб, чой қўйди. Ҳамма учун дастурхон ҳозирлаб, нон кесиб, ширинликлар тайёрлади. Стулларни тўғрилаб, пиёлаларни ювди. У, Таманнога ўхшаб, тарақ туруқ қилмай, чойнакнинг тумшугини учирмай, бу ишларни тез ва чаққон бажарарди. Бир лаҳзада олдига фартук тутиб, энгларини шимариб, ҳамма ишни муҳайё қилиб қўйди. У ошхонада чаққон ишлар экан, баъзан унинг қоматига, ақлли гапларию қилиқларига тикилиб маҳлиё бўлиб қолган Хайрушка унинг ўша «хунук», «бадбашара» кимсага текканидан хафа бўларди. Шундоқ гўзал нарса ўша одамга хотин-а! Бу гул-ку! Гулни гулга қўшмай алафу чақиртиканга қўшадими! Дунёнинг иши доимо мана шунақа бир кам икки-я! Хайрушка фақат тупугини ютарди-ю, бундан бошқа ботиниб бирон нима деёлмасди. У Гулгунга нисбатан жуда ҳам эҳтиёткорлик билан иш тутарди; меъеридан ошириб қилиқ қилганини, сурбетликларини ёқтирмаслиги, жеркиб ташлашини ҳам яхши биларди.

Бошқалар ҳали ухлаб ётишганида Гулгун билан Таманно чой ичиб, портфелларини кўтариб, институтга жўнашди. Хонадан чиқишда икки қиз катта ойна олдида бир лаҳза тўхтаб, ўзларига қарашди. Таманно «Зю-зю» қутигасини очиб, биллур идишни қўлга олдида, унинг сурғичини узиб, француз атирини Гулгун ёқасига, ундан сўнг ўз ёқасига, кўксига суртди.

— Вой, бу жуда зўр-ку!— деди Гулгун атир ҳиди димоғини чоғ этгач,— французлар атирни болайди. Аллақайси президент махсус самолёт юбориб ўз хотинига Париждан атир олиб келтирган экан.

— Бу гапни мен ҳам эшитганман,— деди Таманно дугонасига жилмайиб,— акамлар ҳам бу уйнинг «президенти». Нима, сенга туҳфа қилса арзимайдими? Бу сенга!

— Бу уйнинг «президенти» атирни нотўғри адресга юборяптилар!

— Об-бо, берганнинг бетига қарама,— Таманно ноёб атирдан яна Гулгунга суркади-да, шишани унинг тумбочкаси устига қўйди. Шундан сўнг икки қиз кўчага чиқиб кетди.

Орадан бир кун ўтгач, ўқишдан қайтиб келишган Гулгун билан Таманно хонасига кирган Хайрушка уларнинг тезда тайёрланиб, машинага чиқишларини буюрди. Нега, нима гап, деб сўрашга ҳам улгуришмай, у чиқиб кетди. Дарҳол кийиниб, қўлига сумкасини олган Таманно ҳеч нима демади-ю, акасининг сўзини икки қилиб бўлмаслигини, унинг кейинги вақтда барча хатти-ҳаракатлари фақат яхшиликка эканини, магазинда ишлари йирик, кайфиятлари чоғлигини пайқарди. Ҳамонки шундай бўлгандан кейин, у нима деса дарҳол итоат этиш зарурлигини имо-ишора билан дугонасига сездирди. Аслини олганда, акасининг яқиндан бери Гулгун кетида жинни бўлиб юргани, шу баҳона «шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичиб қолаётгани» унга жуда қўл келарди. Акаси бундай «жинни» бўлмаганида ундан бир тийин олиш ўлимдан қийин! Бу нодон тилини осилтириб, санғиб юрганда уни лақиллатиб, ўзига яхши импорт кийимлар олиб қолишни мўлжалларди.

— Нима гап? Қаёққа борамиз?

— Билмайман,— деди Таманно,— юр, чиқайликчи, қаёққа олиб борса, бораверамиз. Уйда диққинафас бўлиб ётаверамизми!

— Дарсим бор.

— Дарсни кечаси тайёрлаймиз.

Орадан кўп вақт ўтмай икки қиз бошқатдан кийинишиб, ўзларини яна ойнага солиб, ташқарига чиқишди. Дарвоза олдида ўз машиналари шай турарди. Кабинда ўтирган Хайрушка дарҳол ташқарига чиқиб, Гулгунга эшик очди. Орқага ёнма-ён ўтирган қизлар бир-бирига қараб кулишди.

— Ака, бизни қаёққа олиб кетяпсиз?

— Борганда биласан!— деди машинани гуриллатиб юборган Хайрушка жиддий туриб.

У тўппа-тўғри машинани ўзи ишлайдиган магазин ёнига олиб келди-да, қизларни туширди. Кеча Гулгуннинг сира оқ туфли киймагани ва баланд пошнаги оқ туфлини яхши кўришини эшитган эди. Хайрушка икки жуфт ўттиз еттинчи размерли, баланд пошнаги Чехословак туфлисини топиб, шерикларига тайинлаб қўйган эди. У икки қизни магазинга бошлаб кириб, аёллар пойабзали бўлимига олиб келди. Сотувчи йигитга, баянги туфлиларни ол, дегандек имо қилди. Синглиси билан Гулгунни стулга ўтқазиб, қўлларига қоғоз қутидаги туфлини тутқазди-да:

— Кийиб кўринглар,— деди Хайрушка.

— Вуй, мунча яхши!— Таманно ҳайратланиб, тезда сарғиш туфлисини ечиб ташлаб, оқни кийди,— худди ўзимнинг размерим.— Гулгун ҳам оёғидаги қора туфлини ечиб, оқни кийди.

— Менга ҳам жуда тўғри келди.

— Тўғри келдимиз? Ёқдимиз?— Хайрушка сўради.

— Ҳа, жуда зўр!— деди Таманно.

Хайрушка Гулгунга ҳам қаради.

— Размери тўғри келдимиз? Ёқадимиз?

— Яхши. Нархи неча пул?

— Бўпти, нархини суриштирманг.

— Ўн еттинчида стипендиям тегади.

— Стипендия?— кулимсиради Хайрушка,— қани, юринглар, кетдик!

Хайрушка қизларни магазиндан олиб чиқиб кета туриб, мўйловли сотувчи йигитга кўз қисди. У ҳам, «кетаверинг, пули кейин бир гап бўлар», дегандек қўлини кўрсатди. Ўзларига туҳфа этилган оқ туфлиларни қучоқлаб икки қиз яна машинага ўтиришди. Хайрушка Гулгуннинг музейларга киришни ҳам жуда ёқтиришини эшитган эди. У машинасини тўғри яқинда битиб, ишга тушган «Зангори гумбазлар» — Шарқ услубидаги ресторанга олиб борди. Бунда кабобу ош, лағмону сомсалар тайёрланарди. Шинам ва ниҳоятда гўзал бу «Зангори гумбазлар»нинг ичкарасига кириб, холи бир столи эгаллашди. Таманнонинг илтимосига кўра кабоб чақирди. «Унча қорни очмаганини» айтиб, уялинкараб турган Гулгун кўпроқ Таманнога қарарди. Бу ерда ҳам Хайрушканинг ошнаси борга ўхшайди; кимгадир имо қилган эди, тезда жизиллаб пишган ўн

сик кабобни оппоқ тарелкада олиб келишди. Пиёзу сирка, янги тандирдан чиққан нонгача бир зумда тайёр бўлди.

— Оҳ-ҳо, шашликни жуда боплашибди,— деди шўх Таманно акасидан ҳам, Гулгундан ҳам уялмай, тортинмай,— қани, совутмай олаверинглар!

Гулгун ҳам, Хайрушка ҳам бир сихдан кабоб олишди.

Чой ҳам келди.

— Шампанскоеми, сухой виноми олиб берардиму, барибир ичмайсизлар. Дарс тайёрлашингиз керак,— деди Хайрушка камтарлик ва меҳрибонлик қилиб. У ўзининг ниҳоятда олижаноб эканини, умуман, ҳаммага меҳрибонлигини, шаҳарда уни танимайдиган одам йўқлигини билдиришга ҳаракат қиларди.

— Ичамиз, шампань вносидан олаверинг!— деди Таманно эркаланиб.

— Йўқ, дарс тайёрлайсизлар! Кўп ҳаддингиздан сшманг! Бу атрофда менинг таниш-билишларим кўп. Ана, министр муовини ҳам, ҳув нарида Главканинг бошлиғи ҳам ўтиришибди. Катталар аксар шу «Зангори гумбазлар»га келишади. Менинг бу танишларим олдида ичишим мумкин эмас! Эртага шаҳарда дув-дув гап бўлади. Бунинг устига ҳозир иш вақти. Сени машинада ўйнатиб юрганамга ҳам шукур қилавер. Шу бу-гун настроением яхши бўлгани сабабли сизларни ўйнатгим келди. Қаттиқ дарс тайёрлайсизлар, чарчайсизлар... Бир оз ҳордиқ чиқариш ҳам керак,— деди Хайрушка. Унинг бу гаплари Таманнодан кўра ҳам Гулгунга қаратилган эди.

— Шу ишларингизга ҳам раҳмат!— деди Таманно ўзига келиб. У акасининг кимлигини жуда яхши биларди.

— Ҳозир мороженое олиб келади.

— Пломбир олиб келсин!

— Шундай бўлади,— деди виқор билан Хайрушка.

Гулгун бўлса баъзан атрофига олазarak қараб, гапирмай ўтирарди. Хайрушкadan ташқари атрофидаги «министрлар», «Главка бошлиқлари»нинг салобати босарди. Ҳаш-паш дегунча кабобни еб бўлишди. Официант йигитга имо қилган эди, мороженое ҳам олиб келди. Уни ҳам туширишди.

— Бўкиб қолмасам яхши эди,— Таманно қиқирлаб кулди.

Бу маданиятсиз бир гап эканлигидан уялиб, Хай-

рушка ерга қаради. У Гулгундан сунъий бўлса ҳам уялгандай бўлиб ўтирарди. Аслида жуда ҳам бети қаттиқ кимса. Зимдан Гулгунни кузатарди. Узини катта тутиб, деярли ёлгон гапларни айтиб, мақтанарди. Бу гапларнинг барчаси пўрсилдоқ, ёлгон гаплар эканини Таманно сезиб ўтирса ҳам, унинг тиззасидаги оқ туфли бу ёлгончига нисбатан «бениҳоя ҳурмат» билан қарашга мажбур этарди. Акасининг барча «обрўси» фақат шу йўл билан топиларди. Отаси унинг бундай сохта ишларини кўриб, бир марта тарсаки тортган. Кейин «микро инфаркт» бўлиб, касалхонада ётиб чиққан.

«Зангори гумбазлар»дан мамнуну масрур чиқишган қизларни Хайрушка Санъат музейига олиб борди.

— Бугун энди дарс тайёрламайдиганга ўжшаймиз,— деди Таманно Гулгунни тортқилаб,— ке ўладиган дунёда бир ўйнасак ўйнаб қолайлик. Бир кунгина дарс тайёрламасак илмимиз камайиб қолармиди! Эртага икки кунлигини бир қилиб ярим кечагача тайёрлармиз. Казосини тўғрилаймиз. Бунақа қулай ишлар ҳар куни бўлавермайди. Акамларнинг акслиги тугаса, ўйнаш у ёқда турсин, гаплашиш ҳам қийин бўлади.

Таманно сўзларига қулоқ солиб турган Гулгун хахолаб кулиб юборди. Таманнонинг бир сўзи унинг кулгисини қўзғатиб юборди. Нимага у қаттиқ кулаётганини Таманно фаҳмлай олмади.

— Бугун дарс тайёрламасангизлар, эртага икки кунлигини бирдан тайёрлаб қўя қоласизлар,— деди Хайрушка,— биз шунча ўқиб нима бўлдики! Магазин мудирини! Магазин мудирини бўлиш учун тригонометрияни билиш шарт эмас! Тавба! Агар бунақалигини билганимда вообще ўқимасдим. Калла бўлса бор, фақат адамлардан чўт қоқишни ўрганиб олсам кифоя эди...

Бу гапларни эшитиб турган Гулгун дам хижолат бўлар, дам бу уддабурон йигитга ачинарди. Таманно бўлса акасининг бу гапларидан ранжиб, энсаси қотди. «Унда нега «кандидат» бўламан деб юрган эди! Нега ўзини ерга уриб гапиради, мақтанса бўлмайдами»,— дерди гижиниб ичида. Таманнонинг айтишича, акаси Москвага ўқишга борганида хотини бунда бир киши билан юрибди... Бу гапни эшитган акаси қўйди-чиқди бўлган экан. Гулгун бу гап ёлгонлигини, Хайрушкани Москвага бориб ўқимаганлигини биларди. У, умуман,

бирон олий ўқув юртида ёлчитиб ўқиган эмас. Бу хонадонга яқин кишилардан бири «Хайрушка хотин устига хотин олгани, лекин иккала хотин ҳам уни ташлаб кетгани»ни бир куни лақиллаб айтиб қўйган эди. Хуллас, Хайрушка Гулгун назарида бир жумбоқ одамга ўхшарди. Эҳтимол, унинг боши деворга тақ этиб тегиб, ҳозир кўзи очилгандир. Умуман, бир одамни тамоман ёмон ва тамоман яхши дейиш тўғри эмас, дерди Гулгун. Инсон янглишиши мумкин. Инсон фавқулодда қаҳрамонликлар, мардликлар кўрсатиши мумкин. Чунки у фаришта эмас, инсон! Бир одамни ҳадеб ёмонлайвериш ҳам тўғри эмас. Ахир, ҳар бир ёмон деган кишининг ҳам яхши томони бўлади-ку! Одамларни «фаришталар» ва «девлар»га ажратиш мутлақо тўғри эмаслигини Гулгун ўз отасидан кўп марта эшитган эди.

Улар Санъат музейини томоша қилишди. Агар қўйиб берса, Гулгун аллавақтгача юришга тайёр эди. Ҳар бир санъат асари ёнида узоқ-узоқ қолиб кетарди. Миллоддан илгариги давр санъати ёдгорликлари, Афросиёб шаҳри топилдиқлари Гулгунни ўйлатиб қўйди. Самарқанд атрофи, Зарафшон водийсидан топилган, бундан беш минг йил илгари фил суягидан ясалган найга узоқ тикилди. Катта залдаги «Чўмилаётган гўзал» суратига тикилиб турган Хайрушка ёнига қизлар яқинлашиши билан ўзини бошқа томонга олди. Таманнонинг «бўкиб қолдим» деганга ўхшаган яна бир ёқимсиз гапни айтиб юборишидан чўчиди. Синглиси аввал шу сурат тарихини кимдандир эшитганини, инқилобдан сўнг князь одамлари сарой (ҳозирги Пионерлар саройи) деворидаги катта бир дераза ўрнига қўйиб, суваб юборганликларини Гулгунга гапириб берди. Бу ноёб сурат йигирманчи йиллар охирида топилганини ҳам қўшиб қўйди. Гулгун бу сурат тарихини тинглаб, кейин томоша қилди. Унинг назарида худди шундай аёлни институтда кўргандек — кимёдан дарс берадиган Раҳима Тешабоевна шу аёлга ўхшаб кетармиди?! Қошларининг қоралигию лабларининг тиниқлиги, кафтлари худди Раҳима опанинг ўзгинаси-я! Бошқа суратни кўраётган Хайрушка «Чўмилаётган гўзал»га тикилиб турган Гулгунни кузатарди. Икки гўзал бир-бирига қараб турганидан завкланарди.

Қош қорайишига яқин Хайрушка билан икки қиз машинада уйга қайтиб келишди. Улар ғоятда мамнун. Хонага киришлари биланоқ қўлларидаги короб-

кадан оқ туфлиларини олиб, бошқатдан кийиб кўришди.

Бугунги кун ниҳоятда гўзал ва мазмунли бўлганини икковлари ҳам самимий қайд этишди.

Орадан икки кун ўтгач, кечқурун Хайрушка, чой қўйиб беринглар, баҳонаси билан қизлар хонасига кирди. Китоб ўқиб ўтирган Гулгун Таманнодан олдин лип этиб ўрнидан турди.

— Мен, мен чой тайёрлайман!— деди Таманнонинг қўзғалмаслигини сўраб. Чунки шунча яхшилик қилаётган Хайрушкага чой эмас, ботинкаларини артиб қўйиш, кирларини ювиб, шимларини дазмоллаб беришга ҳам тайёр эди.

Гулгун ошхонага кириб кетгач, Хайрушка қоғозга ўроғлиқ бир нимани синглиси каравотига тап, этиб ташлади.

— Бу нима?— Таманно ётган жойида акасидан сўради.

— Атлас.

— Кимга?

— Сенга ва унга.

— Ака, сиз нима қиляпсиз?

— Ишинг бўлмасин! Унга кўрсат, танлаб олсин. Лекин бу тўғрида ойимларга чурқ этма! Бўйнингни узиб ташлайман!

— Гулгуннинг эри бор. У бировнинг келини. Сиз шуни биласизми?! Бир инженер йигитнинг хотини-я! Чорвоқда ишлайди. Сиз бирон қилиқ қилиб, адамларни хафа қилманг! Адам ўша инженер йигит билан бирга ишлайди. Бизга ишонганидан хотинини бунда яшаб туришига рози бўлган. Азбаройи адамларни ҳурмат қилиб, ишонганидан. Эсингизни йигиб олинг! Иккинчидан, сиз жуда кўп подарка олиб келяпсиз, ойимларга айтиб бераман.

— Ҳа, бўпти! Атласимни қайтариб оламан,— у каравотга яқин бориб, газетага ўроғлиқ атласни қайтадан олаётган эди, Таманно мушукдек човут қилиб, атласни ушлаб қолди. Дарҳол очди. Таманнонинг кўз олдида икки кийимлик хонатлас намоён бўлди.

— Э-э, олиб келдингизми, энди бермайман!

— Ойимга чақмоқчи бўляпсан-ку!

— Чақмайман. Лекин барибир биладилар.

— Ундоқ бўлса бер, бошқа одамга олиб бориб бераман!

— Йўқ!

— Гулгунга бир кийимлигини берасанми?

— Ҳа.

— Менга у ёқиб қолди.

— Бу фикрингиздан қайтинг! Агар сиз яна унга тикилаверсангиз, бу уйдан кетиб қолади! У сиз ўйлаган кизлардан эмас! Улар эр-хотин бир-бирларини жуда яхши кўришади. Тегажаклик қилсангиз, кетиб қолади, биз шарманда бўламиз!

— Қаёққа борарди? Сижжакдан қатнаб ўқиёлмайди-ку?

Шу пайт хонага Гулгун кириб қолди. Ака-сингилнинг гапи кесилиб, Хайрушка ташқарига чиқа бошлади.

— Ошхонада чой дамлаб қўйдим,— деди Гулгун Хайрушкага.

— Раҳмат!

Гулгун ялт этиб Таманно тиззасига ёйиб ўтирган хонатласга қаради.

— Аканглар олиб келдиларми? Вуй, мунча чиройли.

— Ҳа, Хайрушка олиб келди. Жуда яхши атлас экан. Бир кийимлиги менга, бир кийимлиги сенга...

— Йўқ, нега менга бўлади? Мен ўзи ҳозир ҳам анча қарздор бўлиб қолдим.

— Мен акамнинг сўзини айтяпман. У мен билан сенга атай олиб келибди. У жинни. Сенинг бирон ишинг унга ёқиб қолган. Ҳа, у бирон кимса яхшилик қилса, шунақа яхшилик қилаверади... Гапнинг тўғриси айтишим керак, сен унга жуда ёқиб қолган эмишсан...

— Бу нима деганинг?! Мен жуда хижолат бўл-
епман. Қоражон акам эшитиб қолсалар, нима бў-
лади! Туфлини ҳам у кишига айтаман. Пулини бе-
рамиз.

— Ўзинг биласан. Бу атлас сен билан менга. Вассалом! Мен оламан.

— Мен олмайман!

Шундан сўнг улар ўз жойларида консект ўқишга киришиб кетишди. Гулгун билан Таманнонинг кўзлари консектда эди-ю, хаёллари каравот этагида ёзилиб, кулиб турган атласда эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, иккала хонатлас икки қиз устида ял-ял ёнди...

Чоршанба куни Марҳаматхон кечга яқин икки қизини олиб, янги массивда ҳовли-жой қилган бир уруғиникига меҳмонга борди. Уларни Хайрушка ўз машина-

сида ташлаб келди. Гулгун, ўқишдан чиққач, кутубхонага кираман, бир оз кечикиброқ келаман, деган эди. Марҳаматхон унга косага ош солиб, қозонга қўйганини Хайрушкага айтди. Хайрушка онасига, телефон қоқсангиз, бориб олиб келарман, деди. Хайрушка онаси, сингилларини ташлаб келгач, ҳовлида бир муддат айланиб юрди-да, кейин ўз хонасига кириб чўзилиб ётди. Соат еттиларда Гулгун келди. У бугун ўқишга янги хонатлас кўйлагини кийиб борган эди. Истиқболига чиқиб эшик очган Хайрушка унга қозонда ош борлигини, чой ҳам дамлаб қўйганини айтди. Шундан сўнг Хайрушка яна ўз хонасига кириб кетди.

- Аямлар қанилар?
- Меҳмонга кетишди.
- Таманно ҳам кетдимми?
- Ҳа.

У юз-қўлини ювиб, ошхонага кириб овқатланди. Чойнак билан пиёлани ўз хонасига олиб кириб, каравотига чўзилди. Бир-икки пиёла чой ичиб, кутубхонадан олиб келган «Гистология» китобини ўқишга тутинди. Орадан бирон соат вақт ўтгач, чарчаб келган Гулгунни уйқу элитди. Китоби кўрпа устига тушган ҳолда ёстиққа бош қўйиб ухлаб қолди.

Қизлар хонаси эшигида пайдо бўлган Хайрушка стол устидаги электр чироқ ёқиқ қолганини, Гулгуннинг қўлидан китоби тушиб ухлаб ётганини кўрди. Унинг оппоқ кўкси ҳам очилиб қолибди. Хайрушка хона ичига кириб, Гулгун тепасига келди. У эгилиб, қизнинг сони устига тушиб ётган китобни эҳтиёткорлик билан олиб, тумбочка устига қўйди. Хайрушканинг юраги гуп-гуп урарди. У атлас кўйлақда пишиллаб ухлаб ётган Гулгунга бошдан-оёқ тикилди. Дунёдан гўзал нарса йўқ эди. Унинг ҳирси қўзғаб, ҳозироқ қучмоқчи бўлди. Яна бу ишдан ўзини тийди. Бир муддатдан сўнг кўрпани секин очиб, чарчаб келган Гулгун ёнига ётди. Уни маҳкам қучди. Бирдан уйғониб кетган Гулгун ўз ёнида Хайрушкани кўриб, сапчиб ўрнидан турди. У ёпишаётган эди, жон-жаҳди билан башарасига шапалоқ тортиб юборди. Каравотдан пастга ағдарилиб тушди. Саросимада ўрнидан тураётган Хайрушканинг юзига қулоч кериб, яна бир-икки тарсаки тортди: «Аблаҳ экансан! Йўқол!» «Сени яхши кўраман...» Бу қовушмаган, совуқ гапни айтган Хайрушка мулзам бўлиб уйдан чиқиб кетди...

XXVIII боб

СУВГА ЧУККАН ҚИШЛОҚ ЕКИ ШОИР АМИР РАВНАҚ ХАТОСИ

Жабри устози беҳ, зи меҳри падар.¹
Саъдий

Еши кетган баъзи кишиларнинг аксар эзма бўлиши ва бунинг устига, тилаб олгандай ҳар куни бир нима дилини хуфтон қилиши маълум. Тез-тез диққатбозлик баъзи зиёлилар ҳаёти учун одатий ҳол. Лекин киши ўзини ўзи хафагарчилик гирдобига отмаслиги ҳам мумкин-ку! Бу унинг ўз қўлида. Бу кўп вақт ақл-идрокнинг етуклигига ҳам боғлиқдир, дерди елкасига беқасам тўннини ташлаб хаёл суриб ўтирган кезларида шоир Амир Равнақ. Бундай пайтларда у Саъдийни ўқиб, мутолаа қиларди:

«Ёдимда, бир кеча севикли дилбарим эшикдан кириб келди. Мен шундай жадаллик билан ўрнимдан ирғиб турдимки, беихтиёр енгим билан шамни ўчирдим:

Кўринмоқ бўлдимۇ менга қаро тунни қувар чеҳра,
Шошиб қолдим, нечук келди менга бу бахт, саодат ҳам...

Ёрим ўтиргач, итоб қилиб деди: мени кўришинг билан чироқ ўчирганингнинг маъноси нима? Мен дедим: бунда икки маъно бор: биринчидан, сени кўрдиму, қуёш чиқди, деб ўйладим, иккинчидан, шундай бир шеър хаёлимга келди:

Гар бегона шаминг узра келганда,
Соя қилса, ундай одамни ўлдир!
Ширин лаб ёр келса, қилганда ханда
Шамни ўчир енг-ла, ушбу маъқулдир».

Амир Равнақ иккинчи ҳикоятни ҳам ўқиди:

«Мен ҳеч маҳал давр жабр-жафосию фалакнинг кажрафторлигидан шикоят қилмаган эдим, лекин бир марта нолидим. Ушанда оёқ яланг қолган эдим ва кавуш сотиб олишга қодир эмасдим. Қаттиқ ўксиниб, Куфа шаҳридаги жоме масжидига кирганимда, оёқсиз бир одамга кўзим тушди. Шунда шукур қилиб, кавушсизлигимга сабр этдим.

¹ Отанг меҳридан устознинг жабри афзал.

Қовурилган қуш қадри тўқлар олдида
Дастурхонда пиёз, кашнич, ўтдан кам.
Оч олдида ўтар товуқ ўрнига
Қуруқ сувда қайнаб пишган бир шолғом».¹

Киши баъзан жуда ҳам зарур ва доно гапларни айтиб юборади. Шайх Саъдий умри «баъзида» эмас, доимо илҳом билан ардоқланганини, бу мутафаккир шоир шеърӣй жавоҳирлар терганини кўнглидан ўтказди. Киши баъзан иккинчи бир одамдаги нуқсонни ҳам сезиб, уни йўқотиш йўллари кўрсатиб, маслаҳат беради. Лекин киши ўзининг «танқидбоп» томонларини кўп вақт кўролмайдди. Бирон кимсанинг муттасил камчилигини айтавериш сурбетликдан бошқа нарса эмас. Кишининг нуқсони бир маротаба кўрсатилгани маъқул... Амир Равнақ «эрмана бор ерда эл ўлмас, дармана бор ерда дард бўлмас»ни айтиб юрадиган мўйловдор инвалид Милтиқбой ака Қўйбоқаровни кўз олдига келтирди. «Кетмоннинг юзини босма, калтак ейсан! Меҳнат кишиси ўзини оёқ ости қилдириб қўймайди!» — деб юрарди Милтиқбой ака аксар. «Жоним ўзганинг чаман боғида эмас, ўзимнинг чалдиворимда ором олади. Унинг лоҳас қиладиган иссиғи ҳам, совуқ лойгарчиликларига ҳам чидайман. Мен уни ташлаб ҳеч қаёққа кетолмайман. Саратонда денгиз бўйларига, аёзда иссиқ мамлакатларга учолмайман! Мен ўз еридан узилса қурийдиган бир гиёҳман», — деб юрадиган Файзулла Аҳмедович Музаффаровни эслади. Бошқаларни гап билан савалаш лозим бўлиб қолганида кўзини юмиб гапирадиган сижжаклик Чоршанба отани: «Ҳа, шоир ака, ёстиқни қучоқлаб ётибмиз», — дейдиган инженер Қоражон Мингбоевни ҳам кўз олдидан ўтказди. Бу йигит бир куни тўсатдан: «Сиз энгилишни ёки муваффақиятсизликни қандай ўтказасиз?» — деб савол берган эди. Шу саволи билан шоирнинг ёдида қолди. Бундай ҳолат Амир Равнақ ҳаётида кам учрагани сабабли, у инженерга ҳайратомиз боққан. Нега бундай савол туғилди, деб анча ўйлаган ҳам.

Якшанба куни шоир ўз машинасида яна, Чорвоқ қайдасан, деб йўлга чиқди. У ҳаммадан кўпроқ фикрлар талошида ўзи билан беллаша оладиган Файзулла Аҳмедовични соғинган эди. Ўзининг янги шеърларини

¹ Фафур Фулом ва Шонслон Шомуҳамедовлар таржимаси.

биринчи бўлиб эшитадиган ҳамда ўз баҳосини берадиган дўсти бу гал ҳам уни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, одатдагидек, гапни «Эшитамизми, йўқми?»дан бошлади. Шеър ўқишдан аввал бир муддат фалсафий, дунёвий гаплар айтиш, агар жуда ҳам чуқур бир нарса айтилмаганда Англиядаги Несс кўлидаги улкан махлуқни кўришгани ёки бизнинг Галактикадаги ўта улкан юлдуз, шу Галактика туманининг бир четидаги нуқта — Қуёш системамиз эканини гапирарди. Коинот беҳудуд экани, на ибтидоию ва на интиҳоси борлиги, бутун бир Қуёш системамизни доира қилганда ҳам ундан катта юлдузлар борлигини айтарди. Коинотнинг бепоён эканини «икки материалист» ўйлаб-ўйлаб поёнига етолмасдилар. На Берунию Улуғбек, на Эйнштейн, на Галилей, на Гершель ва на Амбарцумян тугал фикр айта олганлар! Дунёнинг чегараси фақат олло таолонинг ўзига маълум, деган Мирзо Улуғбек. Бу идеалистик гапда ҳам бир фалсафа бор...

— Мозийда фиръавнлар қилич ва қон билан баланд эҳромлар қурдириб, ўзларининг буюкликлари ва одамларнинг ўрмалаб юрган чумолилардек ожиз эканини кўрсатмоқчи бўлганлар. Амир Темур ҳам жаҳонга: «Менинг қудратимни билмоқчи бўлганлар осмон-ўпар қасрларим пештоқига, мадрасаю миноралар гумбазига, кошинлар жилвасига қарасинлар», деган экан. Мовароуннаҳру Хуросон меъморлари Самарқандда қазога етардилар...Самарқанднинг ҳар қарич тупроғида бир тарих ётибди, бу ерда лоқайд қадам ташлашга ҳақимиз йўқ! Ердан, деворлардан, ғиштлар орасидан ажодларнинг овози келиб турибди...

— Фикрингизга қўшиламан, — деди Файзулла Аҳмедович, — энди, азизим, марҳамат қилиб шеърларнингизни ўқиб берсангиз.

Амир Равнақ костюмининг ён чўнтагидан букланган қоғозни олиб, чиройли қилиб кўчирилган бир шеърини қайтариб чўнтагига солди-да, бошқа бир шеърни ўқий кетди:

Агар минг йил умр ваъда этсалар,
Десаларки, дунё тургунча борсан...
Дердим, нечун минг йил бўлишлик сарсон?
Менга бир инсоний умр кифоя!
Инсоний бўлмаган ҳамма нарса ёт,
Ишлаб яшамоқлик — умрлик гоё.
Одамий бўлган-чун мазмунли ҳаёт —

Баҳорда барг ёзиб, ёз билан пишиб,
Кузда баргларини тўкишлик не соз!
Ўзлингнинг яралган моддий олам-ла
Қўшилиш, баъзида қордай сарафроз
Далаларга қўниш, ёмғирда ёғиш..
Яна кўклам келиб, биз барг ёзамиз —
Фарзандлар кўзи-ла кўрамиз юртни.
Яна эл кезамиз, дунёни сезамиз,
Демак, бу тупроқда ётмадик, турдик.
Фасллар! Келдию кетдиси бўлган
Инсоний, сермазмун яшамоқ — гоё.
Совуқ минг йилларни кечирсин зоғлар,
Бизга бир инсоний умр кифоя!

— Қалай?

— Қалай эмас, олтин! — деди Музаффаров, — яна ўқинг! Чўнтакка қайтариб солиб қўйгани ҳам ўқинг!

— Ўзи битта эди.

— Ўқинг! Кейинги пайтда мени қийнаяпсиз. Битта шеър билан шундан-шунга келармидингиз! Ўқе-енг!

— «Ўзбек гўзали» шеъримни ўқийман.

— Ҳа, ана шуни ўқинг.

Музаффаров шеърни диққат билан эшитди. Кейин сўради:

— Кимга бағишланган?

— Бир одамга...

— Виламан! — деди истеҳзо билан кулиб Музаффаров, — бу шеърнинг ўз тарихи бор. Уни кейин айтаман. Энди, бояги, чўнтакка солиб, мендан яширган шеърни ҳам ўқинг!

— Бошқа шеърим йўқ, азизим, — деди илжайиб Амир Равнақ. У зўрлаб шеър ўқитгани жуда ёқтирарди. Шу сабабли ҳам Музаффаров иши тиқилинч вақтда ҳам, шеър эшитишга иштиёқи бўлмаган фурсатда ҳам дўстини атай зўрлар, янги шеърини ўқиб беришини истарди. Амир Равнақ лабининг таноби қочиб ошнасига майин бир овоз билан, жуда берилиб шеър ўқиб берарди. У яна эътироз билдирди: — Йўқ, азизим, минг қийнасангиз ҳам учинчи шеърни ўқийёлмайман!

— Нечун?

— Махфий. Эгаси бор. Биров учун ёзиб берганман.

— Э, бундоқ денг.

Амир Равнақ чўнтагидаги шеърни инженер Қоражон Мингбоевга топшириши керак, унинг жуда ўтиниб сўрагани учун ёзиб келган эди: «Укам Қоражон!

Шеърни ёздим, аммо дилингиздаги гавҳарни ифодалай олдимми, йўқми, билмайман. Тушунарли бўлсин учун халқимиз йўлида битдим».

Аввал анча таранг қилиб шеър ўқишни ёқтирадиган шоир бир муддатдан кейин тепасига Нозима хонимдан:

«Ҳама илму ақойид рус забонида муҳайёдур,
Агар уқсанг, ани чашм олдида олам сурайёдур».

мисралари эпиграф қилиб қўйилган «Улуғ рус халқи-га» шеърини ўқиб берди.

— Э, бор экансиз-ку, азизим!— деди Файзулла Аҳмедович бу салобатли шеърдан жуда мамнун бўлганини изҳор этиб.

Яқинда қайси бир газетада янги шеърлари эълон этилиб, шоир ҳақида ширингина бир лавҳа ҳам босилган эди. Музаффаров шу лавҳани эслади.

«... Амир Равнақ деганда бизнинг кўз олдимизда най оҳангидек сўлим, жон олғувчи, баҳорнинг илк кулгиси — долаю чучмомалардек нафису беғубор лирик бир шоир гавдаланади. Аммо, иккинчи томондан, ҳамал оғи момақалди роқларидек тоғу тошларни ларзага солувчи кучли тўқнашув ва гумбурлашлар тимсоли — тугал дostonлар муаллифи ҳам намоён бўлади. У эрта билан шошмай тараниб, ўзи юриб ўрганган кўчадан ишхонага бориб келадиган, қўли бўшаганида шеър ёзиб қўядиган, текис бир зиёли киши эмас. Муҳаббати ҳам сертўлқин, илҳоми ҳам дарё, қаҳри ҳам етиб ортадиган, баъзан ўта мулойим, баъзан ҳаяжону ёниш, совур оғи чақмоқларидек пайдар-пай қарсиллашлар, баъзан ўз она-ерим, ўз халқим, деб фидойи бўлиш, ўта соддалик, қаҳқаҳаю ҳозиржавоблик, баъзан ролга кириб кетиб, Ҳамлет бўлишлик, баъзан кичик бир укаси ҳақ гапни айтиб, шаҳ берганида гувраниб, тан олишлик, шеърни ниҳоятда ўзига хос, табиий ўқишлик, дуторни яхши чалишлиги билан шоир ҳеч бир қолипга сифмайдиган, тоғлардек серқирра санъаткордир. Унинг суҳбатида бўлган, у билан бирга юрган кимса ҳамма вақт ўзини тетигу бардам, серзавқ ва кучли ҳис этади. Эрталабдан-кечгача учиб чарчамайдиган қалдирғочлардек, у фикрлашда асло чарчамайди, шахматда ногаҳоний қалтис ҳужумлари билан рақибини шошириб қўяди. Талант эгаларини, баҳодирларни булбулу қарчиғайга ўхшатиш илгаридан бир одат тусига кирган. Биз бошқачароқ муқояса қилмоқчимиз: «Амир Рав-

нақда фил чидами, йўлбарс ҳужумкорлиги мавжуд-дир...»

— Азизим, ҳозир жуда яхши замон. Ҳозир ҳеч ўлмаслик керак!— деди шоир,— илҳом ҳеч тинчлик бермайди, ишлашим керак.

— Кўп ишлаётганингиз яхши. Бирон роман ҳам ёзмадингиз-да,— деди Файзулла Аҳмедович,— ҳаётни ҳар томонлама кўрсатардингиз. Кейинги пайтларда разведкачилар, жиноят қидирув ишлари ва Ғарбий Европа олди-қочди фильмлари шунақа кўп кўрсатилмоқдаки, киши атрофидаги ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди. Ҳатто бирон музейда бўлиб, суратларни томоша қилаётганингизда ҳам шу атрофда қандайдир шубҳали одамлар таъқиб этиб юрганга ўхшайди. Бу чарчашмикан? Йўқ, бу — юқорида қайд этганимиздек фильмларнинг ниҳоятда кўп кўрсатил-ётгани. Одамларга ишонч, меҳнат жасоратига ўргатадиган, севги ҳақидаги, мардлик ҳақидаги фильмлар кам. Азизим, мен сизни бир ойсиз бу ердан жўнатмайман! Илгаригидек, «Чорвоқ чироқлари» редакциясига киринг, ёрдам беринг. Улар сизнинг илгариги ишингиздан мамнун. Қурилиш ҳақидаги шеърларингизни бо-сиб чиқаришади.

Шундай қилиб, якшанба куни эрта билан Чорвоққа келган Амир Равнақ тушгача дўстининг хонаи хосида шакаргуфторлик қилиб ўтирди, кейин бирлари сабзи тўғраб, бирлари қозонга ўт ёқиб, «камбағал одамга бир сиқим бўлса ҳам ош яхши» деб, ўз қўллари билан ош дамлашди. Бу бир хонали уйда жиз-биз бўлаётгани, қўй ёгининг «муаттар ҳиди» бошқа қаватдаги қўшнил-лар димоғига ҳам урилди. Улар «Тошкентдан чиққан кекса инженер»нинг ҳафтада икки марта ўз қўли билан ош қилиб туришини ҳам билишарди. Ёлғиз турадиган, камгап, новча бу одам катта мутахассис эканини эшитишган. Музаффаровга уч қаватли кунгай уйнинг биринчи қаватидан бир хонали квартира берилган. Бу квартиранинг ҳовли томонида бир парча ер, балкони, ошхонаси, керакли ҳамма нарсаси бор. Бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув. У шаҳардан қозон-товоқ, капгир, лаган, пиёла, чойнак ва бошқа зарур нарсалар олиб чиққан. Ош дамлангач, Файзулла Аҳмедович Қоражон Мингбоевга телефон қоқди. Амир Равнақ ҳам буни жу-да истаган эди. Улар иккови ҳам «Чотқол йўлбарси»га илинган эдилар. Чунки бу беҳусн йигитнинг ҳусни қал-бида, унинг суҳбати ҳам чиройли эканини билишарди.

Шу куни уйда диванда газета ўқиб, думаланиб ётган Қоражон югуриб чиқди. «Почча»нинг келгани хабари уни дарҳол ўрнидан қўзгатди. Уч ошна бир шеърхонлик қилишиб, бир дунёвий гаплардан обдан гаплашиб, дамланган ошни сузиб, ош олдидан қиттак-қиттак отишди. «Ош есалар ўртада сарсон илик, Амир чироқ ёғи, Файзулла пилик...» бўлиб, ўзларича кексалик гаштини суришарди. Шоир учун ўчоқда олов, устида палов, ташқарида ёғиб турган ёмғир қандай яхши! Афсуски, бу гал палов бору ёмғир йўқ... Амир Равнақ гўё Файзулла Аҳмедовичга сездирмагандай бўлиб ёнидаги янги шеърини Қоражонга берди. Бу шеър Гулгунга аталгани, бу шеърни Қоражон номидан ёзганлиги ўзидан маълум эди. Аммо бу хуфия имо-ишорани биллиб турган Файзулла Аҳмедович ўзини билмаганликка солди.

Ошдан сўнг шоирнинг уйда қамалиб ўтиргиси келмади. У «ҳаётни кўриши кераклиги, кўрган афзал»лигини айтиб, дўстларини ўринларидан қўзгатди. У Чорвоқ кўли атрофини ва тўғонни бир айлантириб томоша қилиб келишни илтимос қилди. Тиним куни бўлса ҳам тўғонга бориб келишни кўнглидан ўтказиб турган Қоражон учун бу гап жуда қўл келди. У югуриб бориб эшик ёнида турган машинасини ҳайдаб келди. Файзулла Аҳмедович газни, чироқларни ўчириб, елкасига плашини ташлаб, машинага чиқди. Аввал тўппа-тўғри тўғон бошига бориб, ложувард сувга, тоғларга, гурил-лаб ишлаётган техникага, иккинчи сменада ишлаётганларга қарашди. Шоир тоғу кўл манзараларига ҳайратланиб тикилар, ўзидан-ўзи шивирлаб нимадир дерди. Бу, албатта, шеър тўқиш бўлса керак, деди ичида Қоражон. Аммо бу беқиёс манзараларга у ўрганиб қолган, бу ерларда нима гўзал эканлигини ажрата олмасди. Унинг кўз олдига «БелАЗ», харсанг тошлар, тупроғу шиббалайдиган оғир машиналар. Шоир кўролмаётган, унинг оёқлари остидаги буюк тўғон бағрида, қатламлар орасида қанчалаб нозик ва сезгир аппаратлар борлигини, устида гумбурлаб юрган машиналарнинг ҳар бир юришини сезиб, тебраниш даражаларини рақамлар билан кўрсатиб турган асбобларни ҳис қилиб турарди. Қоражон йўл-йўлакай бунда ишлаётган шофёрлар, ер шиббаловчилар, прораб билан гаплашиб олгач, яна «гўзал манзаралар» шайдоси Амир Равнақ билан Файзулла Аҳмедовични машинага олиб, Сижжак томонга жўнашди. Яна бир қадрдонлари — «бурама»

мўйловли Милтиқбой Қўйбоқаров гўё уларни кутиб тургандай эди. Ошна-оғайнилар суҳбатига зор бу инвалид киши ҳар гал Файзулла Аҳмедовични кўрганида қучоқ очиб отамлашарди. Икки фронтчи ошна учун қанча йилдан сўнг соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юриш бахтидан афзал бахт борми? У шунча зўрлаганига қарамай, уйга киришмади. Мақсад — кўл атрофларини томоша қилиш. Милтиқбой ака куёви билан илиқ омонлашгач, машинага ўтирди. Қоражон югуриб ҳовлига кириб Санобархон билан ҳам ҳол-аҳвол сўраб, кўришиб чиқди. Милтиқбой ака «икки тойчаси»ни машина тагига ётқизиб, дўстининг ёнига ўтирди. «Тоғ такаси» қиялик, баландликларга кўтарилиб, зинғиллаганча Наволисой томон жўнади. Рўпарада Асқартоғ, пастда кўл, олмазорлар... Наволисойга етмасдан, шу орада пастликда Чоршанба ота ҳовлиси борлигини эслаб, Амир Равнақ Қоражондан машинани пастликка буришни сўради. Чоршанба ота ўғлининг тўйини ҳам эслашди. Катта йўлдан сўқмоққа бурилаётган пайтда Милтиқбой ака эътироз билдирди:

— У ҳовлилар қолган эмас, у ёқ кўл-ку!

— Лаббай? — Амир Равнақ ҳайратомиз Милтиқбой акага қаради, — нима бўлган?

— Кўлнинг тагида қолиб кетган. Ахир, сув сал кам юз метр кўтарилди. Сижжакнинг паст томонлари сув остида қолиб кетган.

— Ростданми?

— Ҳа, ана, сув кўриниб турибди-ку! У ёққа боришнинг ҳожати йўқ. Чоршанба отанинг ҳовлиси қолибдими!

— Азизим, майли, борайлик! Мен бир кўрай! — деди Амир Равнақ. Кейин у Қоражонга мурожаат этди, — шундоқми, иним?

— Ҳа. Жуда кўп қишлоқлар сув остида қолган, — деди Қоражон Мингбоев машинани сўқмоқ йўлда эҳтиёткорлик билан ҳайдаб, — Юсупхона, Бурчмулла томонларда, бу томони Жартепа, Камар, Шўнғиқ, Бақачўл, Боғистон, Сижжакнинг қуйи томони сув остида қолиб кетди. Олмазорлар ҳам қолиб кетди.

— Ия! Ё тавба! Қишлоқлар фарқ бўлди, денг?!

— Ҳа.

— Одамлар-чи?

— Уй-жой берилган...

— Сув босганда қочиб улгуришдими?

— Ҳа, — деди кулимсираб Қоражон.

Милтиқбой ака билан Файзулла Аҳмедович гапга аралашмай шоирни кузатиб туришарди.

Сижжак қишлоғининг Писком дарёси бўйида улар машинадан чиқишди. Илгари бу қиялик пастидаги кенг олмазорлар ичида Чоршанба ота ва яна бир неча кишиларнинг ҳовлилари бор эди. Пастдан оқиб ўтадиган дарё ҳатто кўзга ҳам кўринмасди. Баланд тепаликкача лимиллаб ложувард сув чиқибди. Олмазору ҳовлилар сув остида қолган. Баъзи жойларда баланд қайрағоч, ёнғоқ ва теракларнинг учлари сувдан чиқиб турарди.

Сув ниҳоятда тиниқ, мисоли шиша. Қуёш нурлари кўл узра синиб, ярқирарди. Бу ерда табиат ниҳоятда гўзал, оби ҳаво ниҳоятда поку беғубор. Қани энди инсон ҳамиша мана шундай тоза ҳаводан нафас олса! Нафас олиш ҳам овқатланиш каби инсон тириклигининг муҳим омили. Мана шу ерда тўйиб нафас олган киши маза қилади! «Бу ердагилар жонининг ҳузури-ни билар экан-а!» — деб қўйди шоир.

Амир Равнақ тепаликдан сувга, улкан ложувард шишага тикилди — шиша остида худди шу тепалик пастидаги Чоршанба отанинг ҳовлиси, хонанинг гиштин пойдеворлари, нураган тандиру ўчоқ қолдиқлари, айвон устунлари остидаги харсанглар, тош ётқизилган йўлкалар шундоқ кўриниб турарди. Амир Равнақ бошқа ҳовлиларга, деворларга, иморатларнинг қолдиқларига ҳам тикилди. Гўё айвон устунларини маҳкам қучоқлаб сув остида ётган Чоршанба отани ҳам кўргандек бўлди. Ўз ерини жондан ортиқ севувчи бу қария ҳовлисини ташлаб бошқа жойга кетишини ақлига сиғдиролмаган Амир Равнаққа сув остида чангак бўлиб ётгандек туюлди.

— Ҳа, мунча тикилиб қолдингиз, шоир? Кўл остида жавоҳир топдингизми? — сўради Файзулла Аҳмедович.

— Ҳа, азизим. Жавоҳир, бу — халқим. Мен сув остида халқимни, киндик қонимиз тўкилган еримизни кўряпман.

— Муболаға қилманг. Халқингиз ажойиб квартираларга кўчирилган...

— Билмадим, билмадим...

— Ҳа, шундай, — деди Қоражон Мингбоев.

— Ота ҳаётмилар, ёки?..

— Ота янги уйга кўчиб ўтгандан кейин кўп ўтмай қаза қилдилар, — деди Милтиқбой ака.

Амир Равнақ ва бошқалар таомил бўйича юзларига фотиҳа тортдилар.

— Давлат олти ой бурун госстрах орқали қишлоқ аҳолисига ер учун, иморат учун пул тўлади. Хоҳлаган кишиларга Хўжакент, қолаверса, Ғазалкентга тушган кўп қаватли бинолардан жонига қараб квартира кўрсатди. Қишлоқнинг кўпчилик аҳолиси тарқалиб кетишни хоҳламади. Қариндош-уруғлар бир-бирларидан узоқлашиб кетмасликлари учун Сижжак атрофидан планли ерлар берилди,— деди яна Милтиқбой ака.

— Чорвоқ тўғони қурилиши билан Бош лойиҳага мувофиқ Писком, Кўксув, Чотқол дарёларининг қўшилиш жойида сув юз метргача кўтарилиб, дарё ёқасидаги бир неча қишлоқлар сув остида қолиши кўзда тутилади. Сижжак ва Нанайга ўхшаш қишлоқларнинг ярмини сув босиши керак. Чорвоқ ҳавзасида улкан кўл пайдо бўлиб, бу ерда катта сув запаси тўпланади, ҳам ажойиб оромгоҳ вужудга келади. Ҳозирги пайтга келиб худди шундай бўлди,— деди инженер Қоражон Мингбоев.

— Ота-боболарнинг қабри ҳам сув остида қолдими?

— Ҳа. Баъзи жойларда.

— Сизлар, ўзбеклар, қандай қилиб бу ишга рози бўлдингизлар? Мана, божам академияга мухбир аъзо, Ватанимизни фашизмдан сақлаб қолганларнинг бири. Қандай қилиб аجدодлар қабрини сув остида қолдириб, таҳқир этишга рози бўлдингизлар?! Бу нима, бунда ҳам бир ярамаснинг қўли борми?

— Азизим, қизишманг! Бу рўйи заминда инсон хоки бўлмаган бирон ер бормикан?— деди Файзулла Аҳмедович,— ҳали яна минг йиллар ўтиши муқаррар ва муҳаққақ! Сиз азизимнинг хоки билан менинг хоким қаерда қолишини биз қаёқдан биламиз. Ҳар қалай, шу курраи замин устида бўлади. Тўғри гапни айтсам, бу курранинг ўзи улкан бир қабристон. Айни вақтда, авлодлар силсиласини берадиган гулистон ҳам... Бунга тушуниш керак. Ҳиссиётга берилманг.

Амир Равнақ баланд тепалик устида чўққайиб ўтириб, тиниқ сув остидаги ҳовли девори, уйлар пойдевори, тандиру ўчоқларга тикиларди. Ҳув анави ерда, Чоршанба ота сўрисида тунаб, осмонга қараб ётиб шеърлар ёзган эди. Ҳозир бу ер кўлнинг жаҳаннамий туби. Хумсонун Сижжакни, «ҳеч одам ўлмаган қишлоқ», бунда қадимий ўзбек уруғлари яшайди, дердилар. Амир Равнақ бир соатлар чамаси тиниқ сув тубига

тикилиб ўтирди. Бошқаларнинг ҳам шаҳардан чиққан «мўътабар шоир» раъйини қайтаришга ҳаддилари сизмади.

— Сидқий Хондайлиқий ҳаёт бўлганларида бу ишларни кўриб кўп изтироб чекардилар. У зот муаззам шоир эдилар...

Бу гапга ҳам ҳеч ким жавоб қилмади.

Бир муддатдан сўнг улар яна машинага ўтириб, Милтиқбой ака ҳовлисига қайтиб келишди. Кечгача бу ерда дастурхон устида шакаргуфторлик бўлди. Аммо Амир Равнақ кўз олдидан сув остида қолган ҳовлилар асло кетмас эди. Қош қорайганда Қоражон Милтиқбой ака билан хайрлашиб, икки меҳмонни Чорвоққа олиб келди. Амир Равнақ Файзулла Аҳмедовичникида тунаб қолиб, эртасига — душанба куни эрта билан Тошкентга тушиб кетди.

У шаҳарга етиб келиб, андак ҳордиқ олди-да, кейин кабинетига кириб, қўлига ручка олди. «Дил ойнасин хиралатмиш жаҳл губори...» деган ҳажвий шеър ёзди. Бу шеърда баъзи лаганбардорларнинг қилиқлари танқид этиларди. Бунга ҳам қовул қилмай, «Ғарқ бўлган қишлоқ» шеърини ёзди. Шеър мана бундай бошланарди:

«Сувга чўкди гўзал қишлоқ, ҳей, она-Ер!
Эзгу замин кўз олдимда бўлдимиз ғарқ?
Қайга кетди тўзиб ўзбек — қадрдон эл,
Мозийда не жафоларни кўрган бу халқ.

Бешик оқди, қулаб айвон, босмишдир том,
Сув остида қолмиш тандир, ёнган ўчоқ...
Азиз маскан, хайр энди, келмас илҳом,
Қалбан куйлаб, очган эдим, сенга қучоқ.

Тарихинг зўр, ерларинг бой, тенгсиз гўзал,
Жоним каби сени севдим, эй ўзбегим.
Темур, Бобир қудрати бор сенда азал,
Навоийни пирим девдим, эй, ўзбегим...»

Орадан бир ҳафта ўтгач, дўстини соғиниб Чорвоққа келган Амир Равнақ ушбу янги шеърини ўқиб берди. Сукут сақлаб турган Файзулла Аҳмедовичга «шеър қалай?» дегандек имо қилди. Икки чаккасидаги томирлари бўртиб, ерга қараб турган Файзулла Аҳме-

дович индамади. Бир мuddатдан кейин унинг овози чиқди:

— Унча эмас.

— Нечун?

— Нечун бўларди, менга ёқмади!

— Бадийий жиҳатдан саёзми ёки гоёвий жиҳатданми?

— У ҳам, бу ҳам...

— Таажжуб! Сизга шеър ёқтириш ҳам қийин.

— Сизнинг кўп шеърларингиз менга ёқади. Лекин сиздек бир шоир шундоқ катта бир қурилишга, меҳнат қайнаган жойга, одамлар матонат кўрсатаётган ерга келиб, топганингиз шу бўлди? Офарин!

— Азизим, сизга ёқмабди, майли, — деди ёрилган пуфакдек шалпайиб Амир Равнақ.

Шундан сўнг улар бошқа мавзуга ўтишди. Қурилиш бошқармасидаги ошхонага киришди. Кечга яқин шоир шаҳарга қайтиб тушиб кетди. Унинг негадир Қоражон билан учрашишга ҳам ҳафсаласи бўлмади. Яна бирон ҳафтала утгач, бу шеър Амир Равнақнинг бошқа шеърлари орасида газетада босилиб чиқди. Унга Қоражон Мингбоевнинг ҳам, Файзулла Аҳмедовичнинг ҳам кўзи тушди. Чунки Амир Равнақ имзоси билан чиқарилган шеър мақолаларни кузатиб юриб, дарҳол ўқишарди. Файзулла Аҳмедович дўстининг ўжарлигини эслаб, тилини тишлаб қолди.

Бирон ўн кунлар ўтгач, бошқа бир газетада «Амир Равнақ ҳаётга игнанинг тешигидан қарамоқда» деган мақола босилди. Сал ўтмай «Бургага аччиқ қилиб...» деган мақола ҳам чиқди. Иккала мақоланинг муаллифи ҳам шоирнинг юрт олдидаги катта хизматларини қайд этиб, чалғиб юрганига ачиниб ёзишган эди. Шу кунийёқ Амир Равнақ бу мақолаларни, «ижодни камситиш, менсимаслик ва дўқ», деб айюҳаннос солиб, партия Марказий Комитетига борди. Уни илтимосига кўра ҳурмат билан қабул қилиниб, Маданият бўлимида жуда босиқлик, донолик билан арзини тинглаб, суҳбатлашишди. Бу учрашув иш кунининг охири бўлганлиги сабабли, бўлим мудирини ўз машинасига шоирни ҳам олиб, йўл-йўлакай Тошкентнинг беқиёс гўзал марказини атай томоша қилдирди. Қадим Ҳажимал, Тўқли Жаллобдан то Эскижўвага келгунча ботқоқ, тор кўчаларни, Дегрезликдан то Пиёнбозоргача бўлган йўлни, пастқам иморатларни, каталак уйларни эслашди. Мақалларда қўртлаб ётадиган ҳовузларни ҳам тилга

олишди. Лекин ўжар шоир масъул ходимнинг босиқлик билан айтаётган сўзларини сезса ҳам, ўз фикридан асло қайтгиси келмасди.

— Биз сизни жуда ҳурмат қиламиз,— деди масъул ходим шоирни эшигига олиб келиб, хайрлашаётганда,— хизматларингиз катта. Лекин бу шеърингиз ғоявий мажруҳ, умум Ватанимиз халқларининг мустаҳкам дўстлигига рахна солади. Мен, шахсан Сиздан, ҳеч қачон бундоқ шеър ёзишингизни кутмаган эдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган. Мен Сизнинг шеър дostonларингизни жуда яхши кўраман. Сиз бекорга лауреат бўлмагансиз. Кейинги бутун бир авлод сизнинг ва бошқа атоқли адибларимизнинг ажойиб асарларини ўқиб, ўрганиб катта бўлишяпти, десам хато қилмасман. «Ғарқ бўлган қишлоқ» шеърингиз ҳақида, менимча, танқидчилар жуда ҳам холис ва тўғри ёзган...

— Мен қўшилмайман!— деди Амир Равнақ,— нокамтар сўзим учун узр!

— Идеологияда биз ҳеч қачон келишувчиликка боролмаймиз! Янглиш тушунибсиз. Океан ортидаги чет эл буржуа радиолари бизга бўҳтон ёғдираётган бир пайтда Сиздек атоқли шоир ҳақиқатни кўрмай, чалғиб юрганингизга таассуф билдирмай иложим йўқ. Хайр!

— Хайр,— деди Амир Равнақ ўз эшиги олдида машина кетидан ағрайганча қараб қолиб.

* * *

Ошналарнинг ёнига бормай, яккалангандай, ишга ҳам қўли бормай, хомуш юрган шоирга кунлардан бир кун хотини мурожаат этди:

— Адаси, сезишимча, бир нимадан хафaroқ кўри-насиз? Хомуш юрасиз. Иштаҳангиз ҳам унча эмас. Илгари ҳар куни соқолингизни қириб, тоза, кўркам юрардингиз. Мана, соқол ҳам ўсган, ўзингизга қарамайсиз. Сабаби нима?

— Э, хотин, мени танқид қилишди. Хато шеър ёзибман...

— Э, тавба. Тўғри ёзиш керак. Ўзингиз ҳаммага тўғри бўлишликни даъват этасиз-ку!

— Пўстагимни қоқишди. Бир кичик шеърга шунча шов-шув қилиш керакмиди! Мен сал чалғиганга ўхшайман! «Ўзбегим» деган фикр негадир қўй тикандек юрагимга ёпишиб олган. Файзулла Аҳмедовичга, қадр-

донимга бу шеър ғалат сезилибди, демак, янглишганга ўхшайман. Янглишибман. Одамлардан, китобхонларимдан хижолат бўляпман.

Эру хотин анча вақтгача хомуш суҳбатлашиб ўтиришди...

XXIX боб

ЕВУЗ ИЩОРА

Бир ҳафтадан буён Чорвоқда жим бўлиб кетган Ҳазратов бугун кечқурун Тошкентдаги ўз ҳовлисига бўшашиб, таъби тирриқ кириб келди. Даҳлизда кутиб олган Гулбадан эрининг руҳи пастлигини сезиб, дарҳол сўради:

— Хафамисиз?

— Йўқ. Чарчаганман.— У ҳар галгидек, эшакнинг ўлими итлар учун тўй, деган «мақол»ни айтмоқчи эди, бу сафар негадир тилига чиқармади.

— Ҳайрият,— Гулбадан ўзининг ширин сўзлари, ҳазилу дилбар қарашлари билан «кўз очиб кўрган» эрининг кўнглини овлаб, хафақонлик рутубатини тарқатиб юбормоқчи бўлди. Ҳазратов хотинининг бундай бебаҳолиги, «бошқаларга» нисбатан чиройлилигини, кўнгли тозаллигини яхши биларди-ю, «эркаклар бошқани кўрса ияди» қабилида иш тутарди. Бугунги хафа бўлиб келишининг боисини Гулбадан мутлақо билмас, у эрини «ишдан чарчаб» келди хаёл қилиб, унга навозиш кўрсатарди. Эрини «юради», деган гапларга ҳам асло ишонмасди. Аслида бугунги «хафалик»нинг боиси бошқа нарса: Қиёмхўжа билан учрашишга тоқати йўқ бўлиб қолган Обакихон эди... Бу чиройли жувон қиличдек, кифти келган «инженер»га хотин бўламан, деб орқасидан Тошкентга келди. У Гулбаданнинг борлигини яхши биларди. Ушанда Ҳазратов уни хўжалик ташкилотларидан бирига ҳисобчи вазифасига жойлаб қўйиб, кун ора учрашиб туришди. Кейинчалик ўйнашини Чорвоққа олиб келиб, ОРСга ишга жойлаб қўйди. Лекин Ҳазратовнинг «ўз кишиси» — Ишларбек Сапчабосhev Обакихон билан «мустаҳкам алоқа» боғлаганини сезиб, таъби тирриқ юрарди. Обакихоннинг Ҳазратов билан тамоман иши бўлмай, Ишларбек билан ишрат сураётганини, гўё бунинг олдига похол тўкиб алдаб кетганини кўрганида ёлғон гапириб юрганини сезган

Ҳазратов бориб Сапчабошевни уриб, дабдала қилмоқчи бўлди. «Исбот йўқлиги» сабабли ўзини тутди.

Дарҳақиқат, Обакихон ўзига оро бериб, Ишларбек билан шивирлашиб юрганини, бу сирли ишни Ҳазратов ақлан сезиб қолгани уни оёққа тургазди. Обакихоннинг маккорлиги, сотқинлигидан ранжиган Ҳазратов мана бугун ҳовлисига кирибоқ уйдаги каравотга ўзини ташлади, «бу дунёнинг ишлари шунақа чаппа...» эканидан ранжиб, қаттиқ уҳ тортди. Аммо «у билан қанча вақтдан буён ширин дақиқалар ўтказгани... Унинг энг яхши вақтлари Ҳазратов билан бўлгани... қаймоқнинг мазасини кўп тоганини» хаёлидан ўтказиб, ўзига тасалли бермоқчи бўлди. Лекин бу «сотқинлик...» — Сапчабошев билан алоқаси — ғазабини қўзғар, бетоқат қиларди.

«Беш кунлик дунёда обдан ўйнаб-кулиб қолиш керак. Қирқдан ошиб, ажин тушгач, менга ким қарарди», — дерди Обакихон ўзига-ўзи. У, дарҳақиқат, чиройли, серқичиқ жувон. Қадди-қомати келишган йигитларга тикилар, қилиқлари билан улар диққатини тезда жалб этарди. Кўйлаги кўп, «гарнинг кийими жомашовда чирийди», дегани шу Обакихонга тааллуқлидай, ҳар куни янги кўйлак кияди. Кирчи хотинлар хонатласларини мағзавада гижимлай берарди.

Эрининг каравотда юз тубан йиқилиб, жонсиздек ётганини кўрган Гулбадан у яхши кўрадиган чойнакда аччиқ чой дамлаб олиб келиб, ёруққа солинса яланғоч аёл сурати кўринадиган япон пиёласида қайтариб-қайтариб, эрига сунди.

— Бегим, ичинг! Чарчоғингиз кетади.

Тўнқарилиб ётган Қиёмхўжа ўнглиниб, хотинига қаради. Унинг рўпарасида ҳақиқатан ҳам Гулбадан табасум қилиб турарди. Хотинига узоқ тикилди. Қўлидаги пиёлани олиб ҳўплади. Шундоқ «хафақон» вақтларда Гулбадан нозик қўллари билан эрининг икки чаккасини, елкаларини уқалаб қўярди. Токи асаб бир оз бўшашсин, дегандай, Қиёмхўжа гўзал хотинига қараб кулди. Ўзининг нақадар жирканч одам эканлигини ўйлаганда покиза ва маъсума бир гул олдида шўрхок ўт — сассиқ алаф ётгандай бўлди. «Ит ҳам, бит ҳам сўриб ташлаган» Обакихондан ўз хотини минг чандон гўзал эканини пайқади. Илгари унинг «ишқида» маст бўлиб юрганида ўз хотинининг гўзаллигини сезмаган, қўрс гаплари, силташлари билан уни ҳақоратлаган эди. Унинг хаёли, дарду фикри ўйнашида бўларди. Ин-

сон табиатида шундай одат бормикан? Худо ҳамма эр-какларни ҳам шундай қилиб яратганмикан? Қиёмхўжа Ҳазратов ҳеч қачон ўзига-ўзи паст назар билан қарамаганди. Ҳозир эса Гулбадан — болаларининг онаси, садоқатли хотини олдида ўзини бир махлуққа, ғимирлаган қуртдан ҳам паст бир нарсага ўхшатди.

— Бегим, ваннахонада сув иситиб қўйибман, юзқўлингизни ювиб чиқинг. Тиниқасиз. Чарчоғингиз ёзилади.

— Хўп,— деди сапчиб ўрнидан турган Ҳазратов, — юзимни ювиб келишим керак! Шу юз билан сенга қарашлик аблахлик, Гулбаданхон.

— Бу нима деганингиз?

— Юзим чанг, бугун қурилишда бўлганман. Кийимларим ҳам қурум...

Гулбадан миқ этмади. Эрининг баъзида пойинтар-сойинтар шундай гаплари бўларди. У ўзига тасалли берарди-ю, ичдан ўйланиб қоларди. Бир вақтлар эрининг қандайдир бир жувонга элакишганини сезиб, уйларида анча жанжал бўлган эди. Лекин эрининг Обакихон билан алоқасини, шундай хотин дунёда борлигини асло билмасди.

Ҳазратов ваннали хонага кириб, илиқ сувни шариллатиб қуйиб ювинди — яна унинг кўз олдига Обакихон келди. Ванна ва душ кўз олдига ўйнашини келтирарди. «Сапчабошев... ярамас! Бу одам менинг яхшиликларимни билмади! Савдогар!» — деди у ўзига-ўзи. Бировнинг тўшагида ётиб, жамоат мулкига чанг солишдан чўчимайдиган, қалтис ишларни қилавериб хирп бўлиб кетган Ҳазратов нечун ҳозир инсоний фикрлар огушига кириб қолганини ўзи ҳам пайқамасди. (Ҳар қандай ёмон одамни ҳам мутлоқ ёмон қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Аммо шу «қора» деб тушунилган кимсанинг ҳам феълу ишидаги йилтираган томонларини айтиш ибратлидир.)

Ҳазратов ваннада туриб, қачонлардир ўқигани, нариги кўчада яшайдиган Амир Равнақнинг бир шеъри хаёлидан ўтди:

«Ўзга ёр — ўзга диёр, бўлмағай ҳаловати,
У ойдек ярқирау, йўқ нури қарорати.
Юлдуздек жилва қилар, лекин у гоят узоқ —
Ўзга ёрни ўйлама, қовжиратмоқ одати...»

«Хўб айтган-да», — деди ичида, гарчи шу шоирни тили аччиқлиги учун хуш кўрмаса ҳам. Шундан сўнг у артиниб, тараниб, уй кийимларини кийиб, ваннахонадан чиқди. Енгил тортди. Катта хона ўртасида йилтирайдиган, гичирлайдиган паркет пол устидаги қип-қизил гилам устида туриб, деразаси тўғрисидаги мирзатеракларга тикилиб, хаёлга отилди. Умуман, ишлари яхши, омади келиб турибди, бошлиқларга ёқади, ўзининг ишчанлиги ҳақида Георгий Садовниковга телефон қилдирди, Наманган, Чортоқ сув омбори қурилишида орден олганини ва бошқа «фазилатлари»ни айттирди. Шуларни дилидан ўтказди. Энди бу ёғи яхши бўлиб кетади, деди ўзига-ўзи. Обакихон бўлмаса, яна бошқа Сбакихон-да... Аммо гашига тегиб юрган Мингбоев билан ҳам ҳисоб-китоб қилиб олиш пайти етгандир, деди у кенг ва кўркам, ўз жиҳозлари, қимматбаҳо ашёлари билан музейни эслатиб турувчи катта меҳмонхонаси ўртасида қаққайиб туриб. Ўз обрў-эътибори билан бу «бадбашара»ни эзиб ташламоқчи бўлди. Уни оёғи остига олиб, буйдалаб ташлашга уринди. Ҳазратовни Трестдаги катталар суяшади, инженер Мингбоевнинг югургани сомонхонагача! Ҳазратов «фикр қиларди», у сал чап томонга қайрилиб, ўзининг файласуфона фикрлаётганини катта тошойнада кўрарди. «Ярамас Мингбоевни тамоман эзиб ташлаш, одамлар олдида беобрў қилиш, бу гапни Садовников орқали ми-нистрнинг қулоғига ҳам етказиш, тўғонда сув сирқиш авариясини партия мажлисида кўришни тезлатиш» лозимлигини ўйлади. Қоражон Мингбоевнинг ўша куни: «Сиз инженер эмас, савдогар бўлиб қолгансиз, сиз ўн йилдан буён бирон ишни инсоф билан қилганингизни билмаймиз, бировларнинг зиёфатини еб мақтайсиз. Қўлингизни совуқ сувга урмайсиз! Айшу ишрат, ўзингизни лаган-товоққа солишдан бошқа нарса қилмайсиз!» — деган гапи то қиёмат эсидан чиқмайди. Бу гап эмас, ҳақорат, деди у ўзига-ўзи. Кишиларни ҳақорат қилишни қонун қоралайди, шу бўйича жинойий иш қўзғалади. Мен сенга кўрсатиб қўяман, деди муштумини қисиб катта хона ўртасидаги гиламда қадди-қоматини тошойнага солиб турган Ҳазратов. «Сен менинг кўйлагим ичига кириб қолган бургадек безовта қиляпсан, холос. Сени тирноқларим билан қирс этиб эзиб ташлайман! Чучварани хом санаб юрибсан, нодон!» — деди гўё рўпарасида турган, юзлари куйиб кетган, чандиқ Қоражон Мингбоевга ўқрайиб.

Ҳазратов Мингбоев билан олишувни «кенг миқёсда» кучайтириб юборди. Бир партада ўтириб ўқиган икки ўртоқ бир-бирига душман бўлиб қолишди. Ҳазратов инженер бўлиб обрў қозонган қишлоқи йигитни тамоман эзиб ташлаб, иккинчи бош кўтариб юролмайдиган қилиб қўймоқчи эди. Аммо Қоражон Мингбоевнинг фронтда қон кечиб келгани, собиқ фронтчилар уни доимо қўллаб-қувватлашаётгани бошига гурзи уриб, мажақлаб ташлашига йўл қўймасди. Шундай шахслардан бири — ён қўшниси Файзулла Музаффаров, иккинчиси — Иван Иванович Шишкин. СУ-2 да юз берган хато муҳокамасида участка бошлиғи Мингбоевга жазо беришга биринчи бўлиб Музаффаров қарши чиқди. У партия мажлисида қаттиқ туриб, Мингбоевни ҳимоя қилди. Мана шу тошкентлик, пенсионерлигига ҳам қарамай отилиб чиққан эски инженерни ўртадан кўтариб ташлаш, кам деганда қурилишдан ўз уйига жўнатиб юбориш Ҳазратов учун жуда зарур бўлиб қолди.

Шу ишда Ҳазратов билан қурилиш таъминот бўлимининг мудири Сапчабошевлар яна тил топишдилар. Ўртадаги Обакихон воқеасини эсламай, бу «кичик гап», деб қарашди. Ҳазратов ўз «думи» — Сапчабошев билан маслаҳатлашиб, яна шу Обакихонни ишга солишмоқчи бўлишди. Ёқут кўзли тилла узук кўтариб келган Ҳазратов кунлардан бир кун Обакихон бағрида ўз мақсадини айтиб йиғлади. Обакихон орзу қилган брильянт кўзли узук ва пул ваъда қилиб ўйнашининг оёқларини ўпди. Хайрушканинг Гулгунга ошиқлигини, бу йигит Мингбоев хотини билан гап бўлганини оламга ёйиш керак, деди. Музаффаровнинг хотини — Марҳаматхоннинг ҳам юрагига ғулғула — алам солиши керак. Ичдан портлатамиз, дейишди улар. Марҳаматхоннинг ҳам, Гулгуннинг ҳам моховини чиқариш — тишни ковлаш билан баробар! «Ғам еманг, боплайман!» — деган ишорани қилди Обакихон. Дарҳақиқат, Файзулла Аҳмедовичга суюниб қолган, уни жуда ҳурмат қиладиган Марҳаматхоннинг феълү атвори қўни-қўшниларига маълум эди. Ҳазратов билан Сапчабошев ўзларининг машиналарида Обакихонни шаҳарга олиб тушиб, эски квартирасига қўйишди. Уйин-кулги, тараллабедодликни яхши кўрадиган Обакихон жума кунини Марҳаматхонни қўярда-қўймай зиёфатга олиб борди. Бу «хушфеъл», «ёқимтой» жувон билан илгаридан таниш эди. Эрининг

Чорвоқдалиги ва айниқса, озгина «гап бўлган» Кимсанхон билан зиёфатга боришга аввал истиқола қилиб турган Марҳаматхон кейин негадир рози бўлди. Обакихон уни авради. Файзулла Аҳмедович анча йиллар илгари ўз хотинини Қудратиллаев деган бир врач кимсадан қизганарди. Келиб-келиб зиёфат шу одам уйида бўлиб чиқди. Гарчи, улар ўртасида ҳеч гап йўқ ва умуман, бу кишини Файзулла Аҳмедович унча ёқтирмаса ҳам унинг хотинбозлиги, шилқимлиги туфайли Марҳаматхонни ундан қизганарди. Ёшлигида таниш бўлганлиги, баъзи гаплар бичиб-тўқилганлиги сабабли кўнглига бир қоралик ўрнашиб қолганди. Марҳаматхон Кимсанхон билан бирга зиёфатга борганини эридан яширди. Яшираётганини Музаффаров сезиб, Кимсанхон ҳовлидан чиқиб кетгач, хотинини сиқиққа ола бошлади. «Нега бу хотин атрофингда ўралашиб қолди? Қаяққа бординг?» Марҳаматхон эрига тўғриси айтди. «Сен кичкина хотин бўлмасанг, кексайганинда бу нима қилиқ?» Эрининг бу гапи Марҳаматхонга тегиб кетди. У эридан ўн беш ёш кичик, қирқ тўққизларда эди. Марҳаматхон ёшини яширарди. Эрининг «кекса» сўзи ёқмасди. Ўша куни зиёфатда Кимсанхоннинг зўрлаши билан озгина шампань виноси ичгани, Қудратиллаев билан чақчақлашиб гаплашгани, бир бола уларни фотосуратга олганини эслади. Кимсанхон бу ишни атай уюштиргангани пайқади. Обакихон кейинчалик Музаффаровнинг бошидан икки шох ўсиб чиққани, хотини «шунақа...»лигини гап қилиб, маҳаллага ёйди. Эрини яхши кўрадиган Марҳаматхон Обакихоннинг маккоро-на ўйини билан унга зарба бераётганини, бу пухта ўйланган ўйин эканини пайқамай, эри юрагига ханжар урарди. Обакихон учун фақат мана шу керак. Чўзилиб ётишга вақти йўқ, Чорвоқда ишлаб, тинмай елиб-югуриб юрган «машҳур гидростроитель», академик Музаффаровни ўз хотинининг «хиёнати» орқали кексайганида вайрон қилиб, сафдан чиқариб юбормоқчи эди. Шу йўл билан Ҳазратов яна бир катта гурзини Музаффаров бошига туширди: «Мана сенга ишлаш! Мана сенга эътиборли бўлиш! Мана сенга пенсияда кўмилиб ётмаслик! Мана сенга бир қишлоқини ҳимоя қилиш!!!» — демоқчи эди. Музаффаров оиласидаги қиёмат-қойим Гулгундан сир тутилди, у бу ишдан хабарсиз эди. Унинг ўзи ҳақида ҳам маҳаллага гап тарқалганди. Бу гап — Файзулла Аҳмедович Хайрушкани дўппослаб урганидан кейин бошланди. Ҳамма нарсага ишонувчан,

Ҳақгуй эрининг юрагига зарба бергани учун Марҳаматхон қаттиқ азоб чекди. Эрининг инфаркт бўлишига озгина қолди. Музаффаров анча вақтгача без бўлиб юрди. Рақиблар муваффақият қозонди. Чунки Обакихон Марҳаматхоннинг хом, ишонувчан, алдаса бўладиган, содда хотин эканини илгаридан биларди ва шунга таянган эди. У ўз ниятига етди. Бу бўлган бир воқеани эслатарди. Ёши ўтиб қолган профессорнинг хотини жуда қизғаниб, гаъқиб остига олиб қийнар, азоб берарди. Уни ёш қизлардан ҳам қизганарди. Аслида у ниҳоятда покиза, деярли сўфи одам эди. Юраги ишдан чиққан у кекса сейфни очаман деб, шу лаҳзада ўлган. Асабини босолмай, бақириб ўтирган Музаффаровнинг қоши тагида бир нима электр токидек чирс этиб, кўзи ярқираб кетди. Шундан сўнг бошининг ярми зирқираб оғриб, кўзи тиниб, боши айланиб, гавдаси ўз мувозанатини йўқотиб, каравотга ётди. Ҳеч нарсадан беҳабар, ҳурпайган Марҳаматхон эри ёнига кирган эди, у бақирди:

— Йўқол бу ердан! Тўнка! Сен ярамас ҳар бир душман учун қуролсан! Сенинг ақлингнинг пастлиги, бир нарсага тушунмаслигинг, онгсизларча ишонувчанлигинг бошимга бало бўлди. Худо сенга жиндаккина аёл берганида нима қиларди! Ҳар бир маккор менинг хошадонимни осонгина тор-мор этиб ташлайверадими?! Одамларнинг уста бўлиб кетганидан хабаринг йўқ! Жинни! Энди мен сенга қандай қилиб тушунтираман!

Файзулла Аҳмедовичга қақшатқич зарба беришнинг ёлғиз биргина йўли — унинг соддадил, ишонувчан (баъзилар Марҳаматхонни «бурунгининг одами», дейишарди) хотини орқали бўлиши кераклигини Ҳазратов ўйлаб топди. Ҳазратов назарида Қоражон Мингбоев ва Музаффаровни қулатиш ҳаёт-мамот масаласи. Ҳамкасблари ўртасида ва умуман, давлат олдида Музаффаровнинг эътибори кучаяётгани, Мингбоев билан бирлашгани Ҳазратовни очиқдан-очиқ талвасага солиб қўйди. Ҳазратовнинг уруш йилларида Наманган томонларда юргани... қисман Файзулла Аҳмедовичга маълум эди.

Кунлардан бир кун, Кимсанхон Марҳаматхонларникига кириб, хушлашмаса ҳам бир фотосуратни бериб чиқиб кетди. Бу фотосуратда Файзулла Аҳмедович «С.» деган аёл билан тоғ манзараси фонида елкалари елкаларига тегиб, кулиб туришган эди. Обакихон суратни бериб: «Мени айтманг, опажон, мен онлангиз бузилмасин, вақтида домлани қўлга олинг, деган мақсад-

да келдим. Номим ёмонга чиққанини ҳам биламан. Лекин бу хотин сизнинг эрингиздан бошқанинг ҳам турмушини бузган. Гулгун билан Хайрулла ўглингизни гап қилган ҳам шу», — деди. Марҳаматхон донг қотиб, ерга ўтириб қолди. Юрагига шубҳа тушган Марҳаматхон Обакихоннинг атай қилган фитнасидан, «бир иш борга ўхшайди», хаёл қилиб, эри билан яна айтишиб олди. Бу иш ҳам Обакихон учун жуда керак эди. Ҳазратовлар домла Музаффаровнинг юраги яхши эмаслигини билишарди. Бу имони бақувват одамни фақат ўз ичидан ўт чиқмаса, бошқа йўл билан қулатиш мумкин эмаслигини пайқаган Ҳазратову Сапчабошевлар фитна ханжарини соддадил Марҳаматхон орқали қадамоқчи бўлишди. Бундай маккор ишларни билмайдиган Марҳаматхон ширин гап, сохта илтифот туфайли талтайиб, оиласига, эрига ва ўзига тўғриланаётган ханжарни мутлақо кўрмасди. Ўз иши билан ўзи овора бўлиб қолган Музаффаровнинг куйиниб хотинига қилган насиҳатлари шамолга учди. У буни тушунмас, ўжар бўлиб, эримнинг бир айби бор, у шунинг учун ҳам кўп гапириб, буни хаспўшляпти, деб ўйларди. Фотосурат бу шубҳаларни тасдиқловчи ҳужжат бўлди. Хотинининг бундай нозик ва маккор жангларга қобил эмаслигини Файзулла Аҳмедович биларди-ю, аммо бундай «жанг» кенг тус олмаслигини, бошланиб қолгудай бўлса, дарҳол олдини олишини, рақибининг гирибонидан тутишини кўнглидан ўтказиб, кўпчилик ичига тушган рақибларни тумтарақай қочирини ўйларди. Аслида-чи, аслида ундай эмас. Фитначилар жуда ҳам қатъий жангга тушмоқчи. Бу фитна орқасида катта фожиаяширинган эди.

Музаффаров хотинининг кўп нарсага тушунмаслиги, эридан шубҳаланишдан кўра, Гулгуннинг улар оиласига келиб, ўгли билан гап бўлиб қолганидан қийналар эди. Мана, фожианинг бошланиши. Душман бешафқат. Ҳазратов Музаффаровнинг тобути елкаларда лопиллаб Чигатой қабристонига боришини ва ўзи шу тсбут тепасида хомуш кўрингани билан ичдан яшнаб нутқ сўзлашини орзу қиларди.

Йўқ! Йўқ! Йўқ!

Бундай бўлиши асло мумкин эмас! Файзулла Аҳмедовичнинг хаёллари тгрқаб, ҳуши ўзига келди. Ёмон туш кўрган одамдай чарчаб ўрнидан турди. Унинг кўз олдида маккор, ажувза-алвасти Обакихон билан бирга Ҳазратов турарди. У дам илжаяр, дам ғазабланиб, ба роқ мушукдек пихиллаб, тирноқларини қайраб, ҳози-

роқ сапчиб, юзларингни шилиб ташлайман, томоғингга ёпишиб, тишлаб, бўйин томирларингни узиб ташлайман, дегандек бўларди. Музаффаров билан Мингбоевнинг қўлида катта сўйил — бужғон ёғоч, шу билан ёввойи бароқ мушукни — ажинани уриб, ерга қапиштириб қўйишга чоғланишарди, улар бир-бирларига тап-ланиш учун пайт пойлашарди, ким кимни...

Орадан бир ҳафта ўтгач, Обакихон Марҳаматхонларникида турган Гулгуннинг бу хонадондан чиқиб кетганини эшитди... У кечга яқин кийиниб, безаниб, атай Марҳаматхон ёнига ҳол сўрагани кирди. «Бу воқеа...» маҳаллада дув-дув гап бўлганини, одамлар оёғи билан эмас, тили билан юришини айтиб, ачингандек бўлди. Боши қотиб, довдираб қолган Марҳаматхон гапиришини ҳам, гапирмаслигини ҳам билмасди. Агар судга берса, ўғлингизни қамайди, деди онанинг юрагига гулгула солиб Обакихон. «Сен, кап-катта хотин ҳар доим шу ишни қилиб келяпсан, сени эмас, менинг ўғлимни бир шўхлиги учун қамайдиларми», деди ичида Марҳаматхон.

Лекин, энг ёмони шу бўлдики, Обакихон Гулгун билан Хайрушканинг «дон олишиб юргани...» тўғрисида ёзиб, бу юмалоқ хатни Чорвоққа, инженер Мингбоевга йўллаган эди...

Қирқиб олинган новдани бир томонга эгиб қўйиб юборсангиз, у иккинчи томонга ҳам эгилиб, кейин аслига қайтади. Бизнинг аёлларимиз тўғри йўлдан бориб, бахт топишди. Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли эгалари бўлди. Лекин аёллар ичида баъзилар бор, улар новдадек иккинчи томонга ҳам эгилиб, кейин аслига қайтади, тушунмай ё ортиқча шуҳрат кетидан кетиб, Обакихонга ўхшаб қолишади. Уларни суюқоёқ деб ҳам «закончи», «шаллақи», деб ҳам айблаб бўлмайди. Обакилар кишилар бошига ташвиш солмоқда. Бу жароҳат узоққа бормай, тез тузалиб кетса керак. Ҳар қалай, унинг пайдо бўлишида баъзи имони бўш, ишратбоз кишилар сабабчидир, деди Музаффаров ичида.

Инженер Қиёмхўжа Миёнхўжаевич Ҳазратов нодон эмас, у ўзига етгунча серфикр, айёр одам — у Мингбоев билан Музаффаровларни қулатиб сафдан чиқариш учун бир неча зарбалар берди. У Наманганда юрганида бундай ишларнинг устаси бўлиб олганди. Одамларни ишонтириб, муваффақият қозонган. Лекин ўзининг жарлик қаърида эканини, тубанликка тушганини сезмасди. Уйнашига ишониб, ёвузликни зўру зар би-

лан ёпиб, бу ўйинда ютиб чиқишни мўлжаллаб юрарди.

Бу ишлардан Гулбаданнинг асло хабари йўқ, Ҳазратов хонадонининг бекаси бўлиб ўтириш билан масрур эди.

XXX боб

ЕНГИЛИШ

Ун учинчи апрель куни СУ-2 участка бошлиғи, инженер Мингбоев қурилиш бошлиғининг буйруғи билан вазифасидан четлатилди. Тўғон қурилишидан ҳеч ёққа кетмайман, деган гапи ҳисобга олиниб, гараж ихтиёрига юборилди. Қурилиш бошлиғи Садовниковнинг бу буйруққа имзо чекмаслигининг иложи бўлмади. У «Чотқол қишлоқларидан чиққан биринчи гидростроитель-инженер» ҳақида ҳеч қачон ёмон фикрга бормаган эди. Уни софдил, серғайрат бир ёш мутахассис деб биларди. Начора, иш бўлган ерда камчиликлар ҳам бўлади, қурбонлар ҳам бўлади... Лекин Мингбоев хусусида пайдо бўлган гап-сўзлар тез ривожланиб кетди. Ҳатто унинг қадрдон дўсти, қурилиш партия ташкилотининг секретари Иван Иванович Шишкин ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Хунук гаплар қаёқдан чиқаётганини ҳеч билишмасди.

— Сен кетмон юзини босяпсан! Даюс! — деди Ҳазратовга қамти келиб қолган Қоражон Мингбоев, — пешананга қарсиллаб тегишини хаёлингга келтирмаяпсан! Сен, савдогар ўғли, қаёқдан ватанпарвар бўлиб қолдинг! Сен меҳнат қилиб, қўли қаварган, офтобда елкаси куйган кишилардан эмассан! Сенинг кимлигингени яхши биламан! Мени бир қишлоқи деб, ботинкангнинг пошнаси билан қуртдек эзиб ташламоқчимисан?! Хато қиласан!

Ҳазратов донг қотиб қолди. Ҳозироқ юзига мушт тушиб ерпарчин бўлишини кутиб, атрофга олазarak қараб, ёрдам сўрамоқчи бўлиб турганида, Қоражон, «Сен ҳали шощмай тур!» деб ерга тупурди-да, йўлида давом этди.

Жаҳлу газаб уни ишдан совутиб, ўз қишлоғига итарди; у кутилмаганда Ёнқўрғонга жўнади. Гаражга ҳам бормади. Қишлоқда ишдан бекор бўлганини одамларга билдирмай, ўзи туғилиб-ўсган кўримсизгина бир хона ичида ёстиқ қучоқлаб ётди. «Ўтники ўтга, сувни-

ки сувга, қолди қатиқнинг пули...» бўлиб, Қандил буви дамлаб келган чойни ичиб, хаёл дарёсида сузиб ётаверди. У Ҳазратовни, бурга, деб «камситган» экан, у «бурга» эмас, чаён, ундан ҳам каттароқ заҳарли илон бўлиб чиқди. У ўз атрофига бу ердаги баъзиларни тўплаб, коньяк ва кабоб кучи билан одамларни қўлга оларди. Унинг баъзи ишлари тўғон бағрига силқиган сувдек юрагини зирқиратарди. Лекин бу лўттибоз Садовниковдек одамни қандай қилиб қўлга олиб, Шишкинга тазйиқ кўрсатганига сира ақли етмасди. Ўз ўрнига Ҳазратов тайинланиб, прораб Никаноренко ҳам Мингбоевни қувватламагани маълум бўлди. Қоражонга ё экскаваторда, ёки «БелАЗ»да ишлаш таклиф этилди. Агар у хоҳласа Помир тоғидаги Сарез кўлига юборилишини, бу ерда ҳам тўғон қурилиши бошланажagini айтишди. 1911 йилги zilзила натижасида тоғ қулаб, катта кўл пайдо бўлгани, бу келгусида бениҳоя кўп энергия манбаи эканини биларди. Сарез кўли денгиз сатҳидан уч минг метр баландликда бўлиб, йигирма миллиард кубометр сув тўпланган. Қоражон Мингбоев у томонга боришни истамади, ҳозирча шофёр бўлиб ишлашга ҳам кўнгли бўлмай, Чотқол бағридаги ўз қишлоғида ётарди. Бу иш тўсатдан бўлгани сабабли, ундан Гулгун ҳам хабарсиз. Кейинги кунларда Қоражон яна ёлғиз. Ногаҳоний буйруқ чиқишига асосан тўғон қурилишида меҳнат суръатининг пасайгани, олтинчи стбордан сув сирқигани, иш графигининг бузилгани сабаб бўлди. Бундан бир ой муқаддам пьезометрлар берган сигнал тўртинчи стборда сув сирқиганини кўрсатган эди. Бу ҳам Бошқарма диққатини тортган эди. Юқоридан тойиб қулаган «БелАЗ», кўл остидаги бир шофёр йигитнинг маст бўлиб боқинчилик қилгани: иши прокуратурага оширилгани... ҳам участка бошлиғининг тарбиявий ишларга қарамай қўйганини кўрсатарди. Бу фактлар — Ҳазратов қўлидаги «козир» ҳисобланарди. Иван Шишкин бир куни Садовниковга: «Мингбоевни туяни устида ит қопти қилмайлик», деди. Аммо бу гапга Садовников эътибор бермади. «Амир Равнақ деган миллий маҳдудликка тушган бир шоирни қурилишга олиб келгани, унинг туҳматомуз шеъри маҳаллий матбуотда қоралангани...» ва бошқа гаплар ҳам парторг Иван Шишкин қулоғига етган эди. Албатта бу гаплар унга ёқмаган. Буларни Ҳазратов гуруҳи тинмай парторг қулоғига қуярди... Квартираси эшигини қулфлаб, эски машинасини Бошқарма ҳовлисида қолдириб,

бир кунда Енқўрғонга жўнаган Қоражонни Файзулла Аҳмедович ҳам билмай қолибди. Бу ишларга тушунмай, таажжубланди.

Қоражон ўз қишлоғига қайтиб келиб, бир неча кун хонанишин бўлиб ётди. Диққатбозликка Қандил буви ортиқ чидай олмай, калаванинг учини йўқотган кимсадек безовта эди. Баъзан кимга ниш уришини билмай ўзидан-ўзи қақшарди: «Ҳукуматни деб фронтга бординг, ҳукуматни деб ёндинг, ҳукуматни деб тоғ кесдинг, ҳукуматни деб тўғон кўтардинг, дарё тўсдинг... Энди керагинг бўлмай қолибдими? Ҳайдаб юборишдими? Эшак деб ўйлашган экан-да! Эшакнинг ўлими — итлар учун тўй қилишаётган бўлса керак! Ўз ерингда сени ҳайдашдими?! Ўз ерингда-я! Энди ўшалар оёғини уза-тиб ўтиришгандир?! Икки хонали уйни ҳам тортиб олишса керак! Уйи бошида қолсин! Хўжакентлик Анбар отиннинг оталари етти мартаба Маккага борган, сажаралик хўжалардан дейишарди. Савдогар — қаллоб бўлиб чиқди. Ўғиллари кейинчалик ҳовлисини сотиб, шаҳарга қочиб кетишди-ку! Сени ҳайдайдиган ўша казас-казолар ҳам қаллоб! Албатта бир куни иллоти очилиб, миси чиқади!» — «Йўқ, ойижон, бундоқ эмас, — дерди Қоражон, — сизнинг фиғон бўлишингизга арзимайди». У бу гапни айтарди-ю, кўз олдида ишратбоз Ҳазратов пайдо бўларди. Унинг ёдига Амир Равнақ билан Музаффаров суҳбати келди.

«Сиз, азизим, ўз фарзандларингизнинг ким бўлишини истардингиз?»

«Аввало, инсон. Кейин, агар юрагида қўри бўлса, ишлаб ўзини кўрсатса, дейман. Агар талант эгаси бўлса, унда қўлга киритган ютуғи билан қаноатланиб қолмасдан, доимо юксакликка интиладиган, заҳматкаш кимса бўлишини истардим. Шу юрт учун катта ишлар қилаверишини истардим...»

«Қиличи синиб, қалқоғи тешилган», баъзиларнинг назарида «қулаган» Қоражон Мингбоев шу кунлари туш кўрди: тушида Гулгуни билан Чирчиқда чўмилишаётган эмиш. Гулгунни сув гирдоби ўраб, оқизиб кетибди. Қоражон тезоқар дарёнинг у ёғидан сузиб, бу ёғига ўтиб, севиклисини қидирармиш, лекин тополмасмиш. Нафаси қайтиб, бўғилиб уйғониб кетди. Кўз очиб, хомуш ўтирди. Гулгунни соғиниб, эртага Тошкентга тушиб чиқишни ўйлади.

Раҳбарлар ишдан кетганида, баъзан қўл остидаги одамлар ачинишади, уни эслашади, гарчи «тақдирга

тан беришса» ҳам барибир у билан бирга ишлаган вақтни қўмсашади. Қўл остидаги одамларда меҳри қолган раҳбар — яхши раҳбар.

Смирнов, Можаев, Абдуманноплар уни эслаб, қишлоққа ҳам келиб кетишди.

Яқинда шаҳардан чиққан мухбир Бошқармада инженер-консультант Файзулла Аҳмедович билан суҳбатлашиб, газетага мақола ёзибди. Унинг бир жавоби Қоражонга жуда таъсир қилди.

«... Тарихга қиёс қилиб кўрсак, инсон умри ялт этиб ўчган учқун билан баробар. Ер юзи гўё қаттиқ ва беҳаракат кўрингандай бўлгани билан, аслида, доимо ҳаракатда, ўзгаришда. Чексиз текисликларда ер қавати бир йил ичида уч ва беш миллиметр ё кўтарилади, ё пасаяди. Зилзила бўлиб турадиган ерларда ер қатлами бир йил мобайнида ўн икки, ўн беш миллиметргача ҳаракат қилади. Бу фанга маълум... Демак, Чорвоқ тўғони ҳам ҳаракатда, у зичланади ҳам, бўшашади ҳам. Инсон ўз қўли билан яратган нарсани ўзи идора қила олади. Ишонч керак. Қўрқув ярамайди!» — деган.

Шу кунларда иттифоқо Ёнқўрғонда пайдо бўлган Обакихон Қоражон Мингбоевга рўпара келиб, саломаликдан сўнг жўрттага савол берди:

— Қоражон ака, сиз курашда енгилдингиз. Бу сиз учун жуда оғир, албатта. Куяётган бўлсангиз керак? Енгилишни сиз қандай ўтказасиз?

Қоражон ўйланиб қолди. Бу гапга жавоб қилгиси келмади. Кейин, у Ҳазратовнинг ишонган одамларидан бири эканлигини билиб, қўпол жавоб қилди:

— Эрта саҳардаги «смена» нгизни қандай ўтказсангиз, биз ҳам шундай ўтказамиз...

Обакихон аввал ҳайрон бўлиб, тушунмади. Кейин бу гапни пайқагач, бурнини қийшайтириб, жўнаб қолди.

«Дунёда энг зўр қурол бор: у қиличдан ўткир, милтиқдан даҳшатли, у бўй эгмас ботирларнинг бошини эгади, қул қилади, шаҳарлар олади. У нима, деб сўрарсиз, у — бузуқ аёлнинг макри», — деган эди бир куни Файзулла Аҳмедович.

Икки ҳафтадан кейин Қоражон Мингбоев яна Чорвоққа келиб, эрта билан тўғон бошига чиқди. Кўп йиллик қадрдони, прораб Никаноренко ҳам янги участка бошлиғи Қиёмхўжа Ҳазратов билан тил топишиб кетганини сизди. «Мен бу ерга ишлаш учун келганман, гуруҳбозлик, фитналарга аралашмайман. Бошлиқлар нима деса шуни қиламан», — дебди у одамларга. Бу гап

Қоражон Мингбоев юрагига ништардек санчилди. «Вой, нодон-е, мен гуруҳбозлик қилдимми?! Мени ёмон ишлади, деб ўзлари ишдан бўшатдилар-ку! Уша «сув сирқиш» да ёки бошқа нуқсонларда мен билан баробар сенинг ҳам айбинг бор-ку! Нега мен кетдим у сен қолдинг?» У асосий рақиби қолиб хаёлан прорабга ёпишиб кетди. Тўғон тепасида бу «бывший» совуқдан-совуқ сигарета чекиб юрди. Одамлар кўнгли учун саломлашарди-ю, лекин биронтаси: «Шу иш тўғри бўлмади! Биз инженер Мингбоев билан бирга ишлаймиз!» — демади... Урнига тайинланган Қиёмхўжа Ҳазратов одамлар олдида ўзини Қоражон Мингбоевнинг эски ўртоғи эканлигини таъкидлаб: «Қандоқ қиламиз... тайинлашган экан, бўйин товлаб бўлмайди, солдатмиз...» — дегандек қовоқ солиб, у билан совуққина омонлашди-ю, кейин ўзини четга олди. Нарироқда прорабга нималарнидир тушунтириб, Бошқарма томон равона бўлди. Прорабга катта «ҳуқуқ» бериб, сен ишга боғлиқ одамсан, ишлай-вер, дерди. Қоражон кўчага ҳайдалган итдек, эшиги олдида мукка тушиб ётмай, ўзи тарбиялаган Геннадий Смирнов деган ёш шофёр йигитчанинг ёнига — «БелАЗ» кабинасига кириб, карьерга кетди. Тушгача унинг машинасида ўтирди. Унга қарашди. «Мени бу ердан бошқа борадиган жойим йўқ, мен ҳам энди «БелАЗ» оламан, бирга ишлашамиз», — деди Қоражон. Йигитча нима дейишини билмади, инженер, участка бошлиги бирдан оддий шофёрликка тушиб қолса ёмон бўлар экан. «Менимча, шу тўғри бўлади. Нима дейсан, Смирнов?» — деди Қоражон суҳбатдошига тикилиб. «Қоражон Мингбоевич, бу нарсани ўзингиз ҳал қилинг. Агарда СУ-2 да ишлашингизни хоҳлашмаса, СУ-3 га қўйишингиз. Сиз инженерсиз, у ишни ҳам яхши олиб кетаверасиз». Қоражон кулди: «Азизим, мен ишни яхши олиб кетмаганим учун бўшатишди...»

Қоражон Мингбоев туш пайтида Смирнов билан бориб ошхонада овқатланди, сўнг кечгача тўғон устида айланиб юрди. Қаёққа ҳам борарди! Эрта-индин, квартирани ҳам бўшат, деб қолишлари мумкин. Агар шу Ҳазратов бўладиган бўлса, албатта квартирани ҳам топшириб, қишлоққа тамоман жўнашга тўғри келади. Ишонмагин дўстингга, сомон тижар пўстингга! Ҳазратов тез фурсатда каттанинг — Садовниковнинг ишончини қандай қозонганига асло тушунмасди. Садовников майли, унинг бошида мингта ташвиш, лекин Иван Шишкиннинг «бир юз саксон градус» ўзгариб кетгани-

га, Ҳазратовни қувватлаганига ҳайрон бўларди. Шиш-кин покиза одам. Буни Қоражон жуда яхши билади. Наинки Қоражон, бу ерда ишлаётганларнинг кўпчилиги уни жуда ҳурмат қилади. Одам танийдиган Файзулла Аҳмедович ҳам шу оқ қошли, сап-сариқ Иван Шиш-кин билан бир-икки мулоқотда бўлгач, «э, бу бутун одам экан», деган эди. Наҳотки, у Қоражонни ҳимоя қилмади! Демак, айб ўзимда, деди Қоражон ўз-ўзини қоралаб.

Барвақт квартирасига бориб, ёлғиз ўтиргиси келмади. Ёлғизлик ёмон! Негадир у яна тоғни қўмсади; тоғ қоплони майсазордан кўра ҳам қизиган харсанглар, қоялар остини ёқтиради. Такаларни пойлаш, какликларни учуриш Чотқол йўлбарсларининг азалий одати. Сменадан кейин Қоражон яна ўша Қўнғирбуқа чўққиси томон кўтарилди бошлади. Сменани топшириб, тўғондан пастга тушиб кетаётганлар «феъли ғалати инженер»нинг чўққига тирмашиб чиқиб кетаётганини кўришди.

— Ана, «Чотқол йўлбарси» тоққа чиқиб кетяпти,— деди тўғон устида, ўз машинаси ёнида туриб юқорига тикилган Смирнов.

— У, йўлбарс эмас, Чотқол сичқони!— деди Ҳазратов кулиб.

Никаноренкога бу гап ёқмади, у ўзини зўрлаб йўталди.

— Инженер Мингбоевни камситманг, яхши эмас!— деди Смирнов,— бирга ўқиган экансизлар... У ҳали ўзининг йўлбарслигини кўрсатса керак!— Смирнов лабидаги сигаретани ерга туфлаб ташлаб, этиги учи билан эзди. Шундан сўнг машинасига ўтириб, жўнаб қолди.

— Кўрдингизми, ўртоқ Никаноренко?!— деди бирдан ғазабидан ранги оқариб кетган Ҳазратов,— бунинг фамилияси нима эди?

— Смирнов.

— Мана шунақаларни йўқотиш керак! СУ-4 га, цемент заводига борсин! Иккинчи унинг башарасини бунда кўрмай! Бошлиққа шундай муомала қиладимиз! У, анави, тоғ йиртқичининг одами!

Прораб яна индамади. Шу одам участка бошлиги бўлиб тайинлангандан буён тўғон устида кулги, ҳазил, қийқириқлар йўқолиб, кишилар қовоқ солиб ишларди. Бир-биридан бад олишарди, майда шикоят ва баъзан диққатбозлик, асаб бузиб бақаришлар тез-тез бўлиб ту-

рарди. Прораб Никаноренко ҳам негадир ундан ҳайқар, тўғрироғи, у билан расмий гаплашарди. Георгий Исаевич Садовниковнинг ўзи ҳам кейинчалик шу одамни СУ-2 га бошлиқ қилиб тайинлаганига ҳайрон эди.

Қоражон Қўнғирбуқа чўққисига чиқиб, ясси харсанг тошга ўтирди. Ловва-ловва ёнаётган шарқ осмонига — шафаққа тикилди. Унинг бағри ҳам худди шундай аланга олиб ёняпти! Ёняпти? Нега? Ишдан олинганими? Йўқ! Уни партия сафидан ўчиришдими? Йўқ! Қамашмоқчими? Йўқ! Мансабни боғлаб берибдими?! Нега бунча жириллаш! Оҳ-воҳ уриш! Участка бошлиғи бўлмасам кун кўролмаманми?! Лекин, лекин... (Қоражон яна ўйланиб қолди. Миясида фикрлар талоши. У бир ўтни юлиб олиб, беихтиёр чайнайди.) Гулгунга нима дейман? Милтиқбой акаю, у ҳақда шеър ёзган Амир Равнақлар олдида нима деган одам бўламан...

Баланд қоядан ўзини пастга ташлаб, бир йўла бу ташвишлардан қутулсамикан? Бу бир лаҳзалик иш. «Йўқ! — деди у ўзига-ўзи хитоб қилиб, — бу номардлик! Мен уларга кўрсатаман!»

Човут қилмоқчи бўлган йўлбарсдек беихтиёр ўрнидан туриб кетган Қоражон яна ўйланиб қолди. У яна шафаққа тикилди, ғарби-жануб томондаги шафақ остида, Тошкентда Гулгун бор... Наҳотки, у суяқоёқ. Наҳотки, у ўша Хайрушка билан дон олишган бўлса?! Бу томонда ҳам унинг аҳволи чатоқ... У йўлбарсдек ўкириб, ўша Хайрушкага ташланмоқчи бўлди. Қўлида далилу исботи йўқ, нима деб унинг, гирибонидан ушлайди. Яраланган йўлбарсдек кўзлари ёниб, тўғри келган кишига човут қилмоқчи бўларди. У ўйлар, ўйлаб-ўйлаб, Садовниковга ҳам ҳужум қилмоқчи бўларди.

Йўлбарсни, гарчи бир ойлигидан бошлаб сут билан боқиб катта қилинганида ҳам муайян бир пайтда тасодифан тушган ташқи зарба ёки қўполлик бир лаҳзадаёқ уни ўз-аслига — йиртқичлигига қайтаради. Жуда ўрганиб кетган йўлбарс бу лаҳзада ўз тарбиячисига ҳам ҳужум қилиши мумкин. Лекин сал ўтмай, у яна эски ҳолига тушиб ўкинига келади. Катта йиртқичлар ҳақидаги бу гап кўпчиликка маълум.

Қоражон чалкаш хаёллар гирдобиди доводирарди.

У қайтадан ясси харсанг тошга ўтирди, бошини баланд тутиб, сўниб бораётган шафаққа тикилди. Бу пайт Чорвоқ шаҳарчасида анор донасидай беҳисоб чироқлар йилтирарди. Бутун водийга, тоғ оралиқларига

чироқлар сочилган. Пастда ГЭСнинг гумбурлаши, тўғоннинг икки ёнидаги туннелдан тушаётган сув шариллаши шундоқ эшитилиб турарди. У қўли билан беихтиёр пешонасини, куйиб чандиқ бўлиб қолган юзларини силади. Чандиқ излари унинг хаёлига яна қонли урушни эслатди...

Яхши дўст қоронғида чироқ.

Ёнаётган танк ичида куйиб кетаётган сержант Мингбоев локни очиб, икки шериги билан ўзларини ташқарига отишга улгуришган эди. Ёнаётган танкнинг гумбурлаб портлаганини эшитган. Шундан сўнг икки йиртқич фашист билан ҳаёт-мамот жанги кетган... Бир фашистнинг бўғзини тишлаб узиб ташлагани ёдида... Кейин кучдан толиб, ҳушсиз бўлиб қолган Қоражонни учинчи куни кимдир жанг майдонидан судраб олиб чиққанини, юз-кўзларини бинт билан ўраётганини аранг-аранг сезган эди. У ҳеч нарсани кўрмас, юз-кўзи куйиб, қўллари қорамой аралаш куйиб, пуфак бўлиб кетган эди. Санбатга Ирина деган ҳамшира ўқ дўли ичидан олиб чиққанини ҳам биларди. Шу ҳамшира унинг жароҳатини бинт билан ўраган. Бу исм унинг кўрмайдиган кўзи олдида қуёшдек порларди. Унинг жамолини кўрмаган бўлса ҳам товушидан энг гўзал қиз, суратда кўргани Алёнушканинг шинель кийиб олгани дерди. Шу Ирина снарядлар портлаб, автоматлар очередь бериб турганида танкчи Мингбоевни жанг майдонидан олиб чиқди. Ҳар бир дақиқада ҳамширанинг ҳам ҳаёти хавф остида турарди. Мингбоевнинг ҳаёти бу қиз учун шунчалик азизмиди! У смоленсклик рус қизи экан. Қоражон ундан кейин узоқ муддат Пензадаги госпиталда ётди. Унга неча бор қон қуйишди, юзини операция қилишди. Энди мен абадул-абад кўр бўлиб қолам, деган Мингбоевнинг кўзини очишди. Россиянинг ҳар куни бомбардимон қилиб турилган қадимий шаҳарларидан бирида у яна ёруғ дунёни кўрди. Петров деган жарроҳ унинг кўзини операция қилган эди. Бу хушфелъ жарроҳ академик Филатовнинг шогирди экан. Петров қиёфасида рус кишисига хос самимийлик, бошқа миллат фарзандларига нисбатан байналминал олижаноблик туйғуларини сезиб турарди. Суҳбатдаги гапига қараганда, отаси Путилов заводнинг ишчиси, революция қатнашчиларидан экан. Ўзбек йигитининг ҳаётини сақлаб қолишда, кўр бўлиб қолган кўзини очишда Петровга ўхшаган олижаноб кишилар Пенза госпиталида қанча эди! Уруш тугагандан сўнг Қора-

жон Мингбоев оз муддат Чирчиқ химкомбинатида ишлади. Бу ерда у партия сафига кирди. Цех бошлиги Михаил Иванович Соколов, Андрей Петрович Матушкинлар унга кафолат беришди. Яна бир кафолатни район комсомол ташкилоти берди. Улар яна бир ўзбек йигитига ишониб, унга камол тилашди. Қоражон Мингбоев ундан кейин Политехника институтига кирди. Рус олимлари унга илм ўргатишди... Мана, орадан қанча йиллар ўтди, у — инженер, катта бир қурилишда ишламоқда. Ишламоқда? Ҳа, уни участка бошлиги вазифасидан пасайтиришди-ку! Буйруққа Садовников имзо қўйди-ку! Бошқа ким ҳам имзо қўярди? Садовников душманми? У «маҳаллий халқни ёмон кўради»ми? Ўртоқни айблашдан аввал мен ўзимга ҳам бир қараб қўйишим керак, деди ўзига-ўзи яна Қоражон. Тўғри, ҳозир баъзи вайсақи, тиррақи бузоқлар ўртага миллат ажратиш захрини тўкадилар, бу шахсларнинг фитна-сига дучор бўлиб, кўрнамак бўлгандан кўра ўлган яхши!

Қоражон Мингбоев хаёлини Георгий Исаевич Садовников қуршади. У бир ўтиришда, суҳбатда, икки оғиз сўз билан ўзининг ёшлиқдан иши Ўзбекистонга боғлиқ эканини айтган эди. Москва политехника институтини тамомлаган Садовников ўттизинчи йилларда Ўзбекистонга йўлланма олиб, Мирзачўлда ирригация қурилишида қатнашди. Уруш йиларида Фарҳод ГЭС қурилишида бош инженер муовини бўлиб ишлади. Бош инженер Иван Петрович Бабун қурилишда фожиали ҳалок бўлгач, унинг вазифасини бажариб турди. Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари, қисман Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаев, кейинчалик Усмон Юсупов ва Шароф Рашидовлар Георгий Садовников номини эшитишган. Унинг халқ олдидаги хизматлари тақдирланган. Бутун умрини Ўзбекистон ва унинг халқлари ишига бағишлаган бу одамни кўплар қадрларди. Қандил буви бир куни: «Ҳай, Қоражон, мана бу Садовниковинг ўрис бўлса ҳам ўзваданама яхши. Ёки ота-боболари ўзва бўлганмикан...» — деган эди. Онасининг бу гапини эслаб беихтиёр мийиғида кулди.

Қандил буви уч кам саксонда. Ёш қургур ўтиб бородир, энди бундан бу ёғига ноку анор бўлармидим, қарилик — оҳу надомат, дерди баъзан уруғлари ичида ўтириб. Ўтган қари-қартагларнинг удумини қилиб, доимо ўзига ўлимлик йиғарди; саккиз метр малла, ўттиз метрлик дока, атирсовун, элликта рўмолча, қозиқ-

лунги ва ҳоказо... Аммо, бурноғи йили қишлоққа янги кўчиб келган Нўғай отин деган мусофир бир хотин вафот этганида, савоб бўлади, деб ўз ўлимликларини бериб юборди. Шундан кейин Қандил буви яна ўлимлик йиғишга тушди. Магазиндан дока сотиб олди. Тошкентга тушаётганларга тайинлаб, маллача, пахтаю атирсовунгача олдириб қўйди. Бу сафарги ўлимлик ҳам Чорвоқда, аллақасқдан кўчиб келган бир кампирга буюрган экан, яна Қандил буви савобга қолди. Кўнгли бўш, очиқдиллиги сабаб бўлиб, зир югуриб юрган йиғитларга: «Менда бор», деб юборарди. Шундан сўнг, даранг-дурунг қилиб очиладиган эски сандиқ устидан кўрпа-тўшаклар олиниб, бошқа кийимлардаги нафалин ҳиди урган ўлимлик «кўзга тўтиё» бўлиб, бўғчани йиғитлар зингиллаганча олиб кетишарди. Шундай бир пайтда ким магазиндан докаю малла қидириб юрарди. Баъзан дока топилса, малла топилмас, малла топилса, докаю рўмолча топилмай қоларди. Кампиршоларга барча удумни бажо келтирмаса юракка армон — шунча фарзанд боқиб, битта ироқи совуну тобутни кўтариб қабристонга борганларга табаррук деб рўмолча улашилмаса, бу яхши эмас! Бир ўлимлик ва яна эски пулга икки минг сўм пул уруш вақтида жамоага бериб юборилган эди. Хуллас, кўнгил бўшлик сабаби бўлибми, ёки бувининг ўз тили билан айтганда, «худонинг хожиши шундоқ бўлдими», ҳар қалай, ўлимлик ўлгур жойида турмас эди. «Битта мамлакатга арзирлик ўғлингиз бор, ўлимлик йиғиб нима қиласиз», — деганлар ҳам бўлган. Лекин Қандил буви бу гапга эътироз билдирарди: «Шундоқ, айланиб кетай, шундоқ! Аммо, қазойим орқамда қоладиганларни қийнамасин. Ўлимлик деган нарса нима гап, ҳозирги янги пулга икки юз сўм харажат қилинса, ҳамма нарса олиб қўйилади. Қариллик қургур мўрт...» — дерди. Кампир ўз фикри, ўз фалсафасида ҳақ эканлигини сезишгач, индашмасди. Баъзан бутун бир мамлакатга арзийдиган ўгиллар машинасида тўрт томонга югуриб, малла топишолмай қийналишган вақтлари ҳам бўлган... Янгидан тўпланган ўлимлигини бўхча қилиб, сандиққа ташлаб, маҳкам бекитилгандан сўнг, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас яна эски сандиқ ўлгур даранг-дурунг қилиб очиладиган бўлиб қолди... Майда-чуйда болалик ўз инисининг хотини тўсатдан қазо қилиб қолди. Куйиниб, бўрсиллаб кетган Қандил буви ўлимликни ўз қўли билан олиб чиқиб берди...

Қўнғирбуқа чўққисида турли хаёлларга чўмиб ўтирган «Чотқол йўлбарси» бир муддатдан кейин яна пастликка тушди. Бу тепаликнинг бир яхши хусусияти бор — унда ўтирган одамнинг дили равшан тортади, бир томонда водий чироқлари, бир томонда буюк кўзгу — Чорвоқ кўлининг ярқираши киши дилини ёритади. Қандайдир бир самарқандий сарин шабада юзларни елшиб, ўпиб, юракдаги ғуборларни учуриб кетади.

Қоражон тоғдан тўғон устига, ундан айланма йўллар орқали пастга тушиб, шаҳарчага равона бўлди.

XXXI боб

ТИМСОҲЛИ КЎЛ

Туш пайтида СУ-2 объектдан ўз машинасида Бошқарма томон қайтиб келаётган Георгий Садовников ёнма-ён ўтирган инженер Ҳазратовнинг илтимоси билан унинг квартираси олдида машинани тўхтатди, тушликни бирга қилишликни сўради. «Қамбағал одамга бир сиқим бўлса ҳам ош яхши...» деган гапни эслашиб, кулишди. Ҳазратовнинг таомга кўп эътибор бериши, ҳатто Москвага борганида ҳам чамадоннинг бир чеккасига капгиру бир пакет қоғозга зира, гулқант, яна бир пакетда девзира гуруч олиб кетишини биларди. Садовников шу билан учинчи бор унинг уйида бўлиши. Хушмуомала, чаққон, меҳмоннавоз Гулбаданхон дамлаган ош бошқача бўларди: «Гуручлар лаганда юриб кетар эмиш». Бир куни кайф устида Гулбаданга ўткир тикилиб қараган Садовников уни, ҳақиқий ўзбек қизи, деди. Бу гапни эшитган Гулбадан меҳмонлар кетгандан кейин эридан, бу яхши деганими ёки ёмон деганими, деб сўради.

— Биринчиси,— деди Ҳазратов рашк қилиб,— бошлиққа ёқиб қолибсан, лекин ҳушёр бўл, бошинг ҳандалакдай узилиб кетмасин!

— Жинни бўлдингизми! Об-бо-о! Мунча кўнглингиз қора!— деди Гулбадан эрининг қизганганидан хурсанд бўлиб,— ўзлари?..

— Бу ўйдим-чуқурлар, цементу қувурлар ичида чангга ботиб юришимнинг боиси сенлар! Мақсадим сени бой қилиш. (У гапириб турар экан, кўз олдидан сержозиба Обакихон ҳам ўтди.) Бўлмаса тинчгина министрликда ёки Трестда ўтираверсам, биров бир нима

дермиди! Моянаси ҳам ёмон эмас эди. Садовниковни хотинбоз дейишади...

— Кекса одам-а?

— Ҳа! Кексалар ёмон бўлади! Емга ўрганган от...

— Қўйинг-е! Одамларнинг соғи қолмапти-да! Мен уни париштаси бор одам дердим.

— Паришталик одамларни у дунёда кўрасан,— деган эди ўшанда кайфи ошган Ҳазратов,— Садовниковлар ҳам ўзимиз қатори...

— Унда ҳамманглар қўшмозор бўлинглар!

Гулбадан шу ерлик халқ билан яхши гаплашади-ган, «шоҳу гадога баробар» эрининг тили билан айтганда, «одамшаванда» Георгий Садовниковни бу гап ҳам илиқ навозиш билан кутиб олди. Эрининг, «хушёр бўлгин», деган гаплари ёдига тушиб, чиройли ёноқлари қизариб турган эди, Ҳазратов бунга сезиб: «Илдам-илдам ишингни қилавер, ҳазиллашган эдим. Қайна-тиб қўйган бўлсанг тезда гуручни солиб, ошни дамла! Бир соатдан ортиқ ўтирмаймиз!»— деди. Гулбадан шоша-пиша дастурхон устига нозу неъматларни қўйиб, ошга гуруч солди. Ҳазратов жавондан арман коньягини олиб биллур қадаҳларга қуйди. Икки ошна майдалаша бошлашди. Япроқланган қазию «Тошкент суви» коньякнинг жонини киритди. Бир муддатдан сўнг улар «ман сизга айтсам...» бўлиб қолишди. Георгий Садовников ўзбекларнинг меҳмоннавозлигини таърифлаб, бундай сахийлик дунёнинг ҳеч ерида йўқлигини эътироф этарди-ю, баъзан бу ҳолни танқид ҳам қиларди: «Бор-йўғини сарфлаб тўй қилиб едириб юборишларига қўшилолмаман! Бизлар мезбон сифатида мингларча чет эллик меҳмонларни кутиб оламиз. Уларга Самарқанду Тошкент; Бухорою Хивани кўрсатамиз, атласу тўнғача кийгизамиз... Лекин шу нозу неъматини сочган одамлар ҳам ўша Брюсселу ньюйорклик жанобнинг дастурхони устида ҳурмат қилиниб, қўр тўкиб ўтирадимми?! Унинг ҳам гапларига қулоқ солиб ўтирадиларми? Гап шунда! Агар шундай қилинганда, кўп яхши бўларди. Лекин минг афсус».

Қиёмхўжа Ҳазратовни бундай умуминсоний гаплардан кўра ҳам ўзининг шахсий манфаати қизиқтирарди. Бундай «ҳавойи» гапларни баъзан эшитиб туриб эснарди. У қандай бўлса ҳам яхшилаб ўмаришни, бир нималик бўлиб қолишни ўйларди. Ўмаришда у жуда хирп бўлиб кетган: «Мингта сиз-биздан битта жиз-биз яхши»,— дерди у. Бу унинг «фалсафаси» ва кўп ишла-

тиб юрадиган мақолларидан бири. Сочилиб турадиган девзира оши киргунча икки ошна коньяк ичиб бир-бирларига гап бермай суҳбатлашиб ўтиришди. Кеча Ҳазратов базадан Садовниковнинг ёш хотини Мария Сергеевнага ҳозирги чирсиллаб турган модадаги пальто ва баланд пошналик чехословак туфлисини топиб келгани, хонадонидан нимагаки зарурат туғилиб қолса, Сапчабошев орқали тўғрилаб беражаги Георгий Исаевичнинг кайфини чоғ қилган эди. Бола-чақанинг бир лаҳзалик қувончи, хотиннинг кайфи чоғлиги ҳамма оталарга завқ берганидек, Георгий Исаевич ҳам темирдан ясалган робот эмас, ҳамма инсонларга хос кайфу айш суриш унга ҳам бегона эмас. Унинг ҳам нафси, гурури бор...

Садовниковнинг кайфи чоғлиги, тариқдек бўлса ҳам молу ишратга мойиллигини сезган Ҳазратов меҳмони ни бир неча бор ўпиб, қучиб, ўз кўнглидаги гапларини бидирлаб гапирарди. Агар бирон ҳушёр одам сиртдан кузатиб турса, у гапиришдан кўра ҳам авраётганга ўхшарди. Оғзи мойланган Садовников унинг гапларини тоқат билан эшитишга мажбур. Ҳазратов аввал кўпчилик бошлиқларга ёқадиган «қўй улашиш» латифасини айтиб берди: «Бир киши одамларни миннатдор қилман деб, ҳаммага биттадан қўй улашибди. Шундан кейин ўзи югуриб бориб йўл устидаги сой кўприги тагига тушиб, бекиниб турибди. Кўприкдан молни уриб-сўкиб олиб ўтиб кетаётган ҳалиги одамлар қўй улашган кишини сўкиша бошлашибди: «Қўй берган одам яна бир қаричгина арқон бермайдими! Шу ҳам ҳотамтойлик бўлдими-ю, падарингга лаънат! Бу қўйни қандай қилиб уйга олиб кетамиз?!» — дейишибди». Бу латифани эшитган Садовников қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Бизнинг қурилишда ҳам шунақа одамлар бор...

— Одамлар ҳеч миннатдор бўлмайдилар, Георгий Исаевич, — деди Қиёмхўжа қадаҳларга яна коньяк қувиб.

Садовников индамади.

— Баъзи кишиларнинг мансабга чиқиш усулини эшитганмисиз? Бу ҳам латифа.

— Йўқ?

— Муовини ўз бошлиғини мақтайвериб-мақтайвериб, яна ҳам баландроқ мансабга чиқариб юборар экан. Бошлиқ кетаётиб ўрнига ўша муовинини қолдираркан. Янги бошлиқ бўлган муовиннинг ҳам кейинчалик муо-

вини мақтайверар экан. У ҳам вақти соати етгач, ўрнига муовинини ташлаб каттароқ жойга кетар экан...

— Бир-бирини ялаб, денг?

— Ҳа. Бу усулга нима дейсиз?

— Ўзингиз нима дейсиз?

— Яхши.

— Бўлмаса, анави Шишкинга айтиб қўйинг, шу йўлни қўлласин! Ха-ха-ха-ха...

— Қўрқманг, Георгий Исаевич, Шишкинни тилини қисик қилиб қўямиз. Бу, жўн гап. Анави Мингбоевга ўхшаганларга эҳтиёт бўлинг.

Садовников ўйланиб қолди.

— Қадрли Георгий Исаевич, ҳали бизнинг базага жуда кўп мол келади,— деди Ҳазратов ўйланиб қолган Садовников ёнига стулини андак суриб,— керак бўлса Тошкентдан ҳам топиб келаман. Ошналарим кўп. Базани ноёб молларга тўлдириб юбораман. Ноёб молларни шундоқ муҳим қурилишларга юбормаса, қаерга юборади! Сизнинг номингиздан хат тайёрлаймиз. Боплаймиз!

— Сиз билан мен инженермиз, вазифамизни унутиб қўймайлик.

— Йўқ, ҳеч унутмаймиз! Политехника институтини битиргунча жигаримиз эзилиб кетди. Энди, қадрли Георгий Исаевич, яшашни ҳам билишимиз керак-да! Оғзимиздаги ошимизни олдириб қўядиган сўтак бўлмаслигимиз керак! Сизнинг ҳам бу мансабга етишингиз хамирдан қил суғургандек бўлган эмас!

Садовников яна сукут сақлади.

— Биз ўзимизни ўйлашимиз керак!— деди яна бидиллаб Ҳазратов,— ҳеч ким миннатдор бўлмайди. Бувим раҳматлик: «Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни...» дер эдилар. Шу ёшга кирганимда энди ақлим кирапти. Ҳеч ким миннатдор бўлмайди. Ўзингизни ўйлай беринг.

— Йўқ, сизнинг миянгиз электрон вичислителидек тез ишлайди. Лекин бошқачароқ ишлайди...

— Ха-ха-ха-ха. Қанақа бошқачароқ?

— Бошқачароқ-да. Шўхроқсиз...

— Дутор чалиб берайми?

— Марҳамат.

— Ош киргунча сизга ўзбекнинг бир мақомини чалиб бераман. Тушунмасангиз ҳам эшитасиз-да, Георгий Исаевич!

— Нега тушунмас эканман! Менга ўзбек куйлари

жуда ёқади. Жуда ҳам дилрабо, жуда ҳам ҳароратли куйлар. Яхши куй ҳаммага ҳам ёқаверади. Мен рус кишисиман, лекин менинг бутун умрим, муҳаббатим Ўзбекистон ва ўзбек халқи билан боғлиқ. Фарғонада ишлаганимда Уста Ғиёс, Умрзоқ ота, Қўшчи бобо деган кекса пахтакорлар билан қадрдон эдик. «Сиз бизни юракдан эъозлайсиз, кам бўлманг», деган эди. Мен ўзбекларнинг тарихан ниҳоятда бой халқ эканини яхши биламан.

— Офарин, Георгий Исаевич, офарин!

Қиёмхўжа дуторни сошлаб, Навони жуда ҳам эзиб, келиштириб чалди. Георгий Исаевичнинг завқ билан тинглаб ўтиргани унинг ўйчан кўзларидан сезилиб турарди. Унинг кўз олдида беқиёс бир гўзал водий — тоғу шаршаралар, майсазору боғлар пайдо бўлди. Бу манзара кишига кайфичоғлик бағишларди. Унинг кўз олдида ажойиб бир кўл, беназир табиат манзаралари пайдо бўлди. Лекин қайси бир киножурналда кўринганидек, бу гўзал кўл четида гўё танини яшириб, қимир этмай ётган, агар бирон жонивор яқинлашиб қолса, сапчиб, тишлаб олиб кетадиган тимсоҳлар ётарди. Мол-дунё йўлида ҳеч кимни аямайдиган Ҳазратов гўзал кўл ичида бурнини чиқариб, яшириниб ётган тимсоҳга ўхшарди. Георгий Исаевич гўзал бўлиб кўринган бу «кўл» атрофида эҳтиёт бўлиб юришни кўнглидан ўтказди. Чунки бунда на касбни ҳурмат қиладиган, на тарихини биладиган ва на халқига садоқат сақлай оладиган кимса — тимсоҳнамо йиртқич хавфи борлигини сезгандай бўлди. Ҳа, мулоқот баъзан киши дилини билиб олишда энг қулай восита.

Наво тугаши билан Гулбадан чинни лаганда девзиранинг ошини олиб кирди. Икки ошнанинг бири қўл билан, бири кумуш қошиқ билан тушира кетишди. Ора-чора чой ҳўпләб турган Георгий Исаевич дераза тахтасида турган кечаги газеталардан бирини олиб, «Ўзга цивилизацияни қидириш йўлида» деган кичкина хабарни ўқиб берди. Унда ёзилишича, олимлар коинотдаги бошқа тараққий топган, ҳаёт бор планетани кучли радиотелескоплар орқали қидириш лойиҳасини тугаётганликлари маълум қилинган эди. Аэроавтика ва космик бўшлиқни ўрганиш маркази мураккаб антенналар ёрдамида бошқа дунёдаги ақлли жондорлар сигналлини тутини мўлжаллаяпти. Коинотга кучли сигналлар юборилган...

— Ҳар қалай, сиз билан бизга ўхшаб, бошқа пла...

нетада ҳам тўғон қураётганлар бўлса керак,— деди Георгий Исаевич яна чой ҳўплаб,— бўлмаслиги мумкин эмас. Инсон тафаккури жуда ўсиб кетди.

— Ҳа,— деди Ҳазратов кафтига эчки боласининг калласидек паловни қўндириб ошаркан,— дунёда гап кўп...

— Сиз билан биз унчалик узоққа қаролмаганимизда ҳам, сал нарироқни кўра билишимиз керак,— деди Георгий Исаевич,— шунда янглишмаймиз. Дунёнинг ярмини қўлга киритган подшоҳ Темурланг ўлар чоғида: «Ўнг қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар», деб васият қилган экан.

— Сизга қойилман, Георгий Исаевич. Офарин!

Бир соатга деб кирган Садовников Ҳазратов уйида кечгача қолиб кетди. Унинг ичиб, эзма бўлиб келганидан хотини ҳам, болалари ҳам хурсанд бўлишмади.

Тошга ёмғир кор қилурму... деганларидек, Георгий Исаевичнинг гап билан урган шапалоғи эртасигаёқ Ҳазратовнинг эсидан чиқиб, яна ўзини базага урди.

XXXII боб

УЯСИ ВУЗИЛГАН ҚУШ КАБИ..

Қоражон калаванинг учини йўқотиб, боши гангиб, қурилишда изғиб юрарди. У қадрдон дўст, ошналари ёнига борар, қарашар ва тинмай чекарди. Ўзига нисбатан жиндак юрагида илиқлик бор ҳамма одамлар ёнида бўларди. Шундай қилиб кунлар ўтаверди. У кимдандир маънавий мадор тиларди. Унинг кўз олдида Иван Иванович Шишкин билан Файзулла Аҳмедович Музаффаров турарди. «Руҳи сўник кишидан, футур кетар ишидан». Унинг жиддий бир иш қилишга қўли бормас, анчагина совиган эди.

Жароҳатланиб ҳолсизланган кийик тоғда ўз шериклари шохини ялаб, даво топиб, кучга кириб кетар экан.

Ўзига қарши махфий найзалар тўғриланганидан мутлақо хабари йўқ инженер Қоражон Мингбоев содалик қилиб ўша кунлари елиб-югуриб ишлаб юрган экан. Инсон бемор ётаркан, қазодан аввал қадрдонларини таажжубга солиб бир қадар тетикланиб, кўзини очгандай бўлади. Қоражон Мингбоев ҳам ишдан четлатилиши олдидан одамларга ниҳоятда меҳрибон,

дилкаш, чеҳраси очиқ бўлган эди. У илгаригидан ҳам серғайрат эди. Бу субҳи козибга¹ ҳам ўхшарди. Унинг назарида ҳамма ишлар яхши: қурилишда меҳнат қайнамоқда, атроф тоғу бўстон, майсазорларда қўю қўзилар гашт қилиб ўтлаб юрибди... У ҳам ўз болалигини эслаб, шу майсазорларда чопқиллаб юргандай бўларди. Шу майсалар орасида чақиртикану учли чўкиртаклар борлигини билмас, товонига порт кириб, войвойлаб қолишини мутлақо ўйламасди. Ҳа, дарвоқе, оёғи сетида яширинган миналардан, ўқ ёмғирларидан, замбаракларнинг гумбурлаши, тупроқ, дуду оташ кўтарган бомбалардан қўрқмаган абжир солдат йигит оёғи остидаги чақиртикандан қўрқармиди! У кирза этиги билан бундай тикану чўкиртакларни босиб-янчиб келган. Аммо шу абжир йигит тўғри сўзлиги, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги билан баъзиларнинг ғашини келтириб юрар экан, нима, бу ёмонми! Тўртта-бешта кимсанинг ола қараши — давлатнинг ола қараши эмас-ку! Ҳазратов уни «берилган» дерди. Ҳалоллик, ўз вазифасини инсоф билан бажариш — юртга садоқат демек! Ўз партияси олиб бсраётган ишга садоқат демек! «Берилган» деганлари сўкиш эмас, аксинча, фахрли, эътиборли гап бўлиши керак эди. Шу муаззам мамлакатим деб қон кечиб, жонини аямаган, танк ичида ёниб кетган одам юртдан меҳнатини аяйдими! Қоражон Мингбоевнинг тарбияси Ҳазратовдан бошқачароқ бўлган. Лекин Мингбоевнинг жуда катта нуқсонни ҳам бор, у ҳаммани ҳам ўзига ўхшатиб юради. Ҳамма унинг наздида бир қолипдан чиққандек кўринадди. Биров кўпроқ, биров озроқ, аммо ҳамма ҳам ўз куч-қудратига қараб ишлайверади, деб ўйларди. Ишда қобилиятсиз, нўноқ баъзи кимсалар қурилишда ўз обрўсини ошириш мақсадида Қоражон Мингбоевга ўхшаган «берилган»ларни беобрў қилиши ёки ўртадан кўтариб ташлаши зарур эди. Мана шундоқ, очиқ курашга чоғи келмайдиганлар майдонга тушмай макрга ўтадилар.

Қиёмхўжа Ҳазратов ҳамтовоқларига ўзини мақтатишдан иш бошлади. У радиодан келган баъзи мухбирлар олдида сохта камтарлик кўрсатиб, зиёфатдан ҳам асло пул аямасди. Ўзининг фотосуратини ҳам область газетасида чиқарди. Қурилишдаги баъзи ёш ходимларнинг пешанасини силаган бўлди. «Одам ўзининг

¹ Субҳи козиб — ёлгон гонг.

ҳалол меҳнати билан обрў олиши керак. «Ўзини ўзи мақтатиш — аҳмоқлик!» — деди бир куни Қоражон Мингбоев Ҳазратов олдида. Бу гап ошнасининг у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетган бўлса ҳам, маккорлик билан қилаётган ишининг қоқ илдизига болта урилаётган бўлса ҳам индамади. Аммо Ҳазратов жон-жаҳди билан киришган, шуҳратни худодан тилаб олаётгандай, бор вужуди билан киришар эди. Қоражон шаддодлик қилиб, меъеридан ошиқроқ аччиқ сўзлар айтиб юборса ҳам у чидарди. Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисиди тошу тарози тортилган, машаққатли йилларда бозор ичида баъзан сурбет кимсалар юрарди. Тирикчилик учун новвойлик қилиб юрган хотин-халаж саватидаги нонга чанг солиб, тепкилаб урганингизга қарамай оғзига тиқиб еяверарди. Ерга ётқизиб муштласангиз ҳам нонни чангаллаб еб оларди. Урганингизга қарамасди. Ҳазратов ҳам, Файзулла Аҳмедовичнинг айтишича, шунақа сурбет одам. У гоятда шуҳратталаб: шуҳрат йўлида урасизми, сўкаси — бефойда!

Шундай изтироб чекиб юрган оғир кунларнинг бирида Қоражон Гулгунни кўргани Тошкентга тушди.

Таажжуб! Мана, бугун учинчи апрель, Тошкентда қор ёғпти... Апрельда қор ёққанини кўрганмисиз? Ҳа, жуда таажжуб! Континентал иқлим дегани шу бўлса керак — тез ўзгариб туради, гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ... Гоҳ булутлар тўполони, гоҳ жазирама. Кейинги йилларда шаҳарда кўп тарқалган қора қуш — майна дарахтдан дарахтга ўтиб сайраб, йиғлаб юргандай... Баҳордаги қор қандай совуқ! Ҳовлилардаги очиб қўйилган тоқлар ҳам яна шоша-пиша тўғри келган нарса билан ёпилди. Андак иситмаси бор Қоражон Тошкент кўчаларида юрарди.

Бу гал у шаҳардан таъби тирриқ қайтди. У йўл-йўлакай Чорвоққа тушиб, кимсасиз ётган ўз квартирасига кириб, устини чанг қоплаган диванга ўзини ташлади. Тошкентда, Файзулла Аҳмедович уйида Гулгун йўқ эди. Қўшниларининг айтишича, қаёққадир кетган эмиш. Дарвоза олдида Қоражон машинаси пайдо бўлиши билан қайси бир ковакдан югуриб чиққан Обакхон гап ичида Хайрулла отини атай тилга олиб, «машинасида Гулгунни олиб юрарди...»ни айтиб, кулди. Ёш хотинининг гўё «қинғир юргани»га шама қилинди. Сиртидан сездирмаган бўлса ҳам ичдан куйиб кетган Қоражон қандай қилиб Чорвоққа етиб келга-

нини билмади. Одатдагидек юз-қўлини ҳам юлмади. Чой қўйишга ҳам эринди. Хайрушка билан Гулгуннинг бир-бирига кўз қисишганини эшитиб дарғазаб бўлди. Умуман, бу текис йигитнинг Гулгун атрофида айланиб юришидан шубҳаланди. Унинг юраги ёнар, қандайдир мавҳум шубҳалар пашшадек боши атрофида гингиллаб учарди. Бир муддат диванда чўзилиб ётгач, беихтиёр сапчиб ўрнидан турди-да, ёқасини тўғрилаб, костюмини елкага ташлаб қўшниси, дўсти, парторг Иван Иванович Шишкинларникига чиқди. Галина Сергеевна Қоражоннинг костюми елкада, ўзлариникига келаётганини деразадан шундоқ кўриб, кузатиб турарди. Оппоқ, лўмбиллаган Галина анчадан буён Қоражон Мингбоев изтироб чекиб юрганни билар, деярли ҳамма гапдан хабардор эди. Эрининг қадрдон дўсти, инженернинг ишдан олингани, хотини Тошкентда ўқиётгани, куйиб юрганидан ҳам, Отеллодек рашкчи эканини ҳам биларди. Негадир бу текисланмаган харсанг тош — дўлвор йигит Галинага ёқарди. Унинг кенг елкалари, сўлоқмон муштларига суқ билан тикиларди. Лекин ўзининг қадрдону олижаноб, тўғри сўз эрига боқиб, бу хаёлларидан уялар, дарҳол ўзини қўлга оларди. Чотқол тоғи қатламларидаги бесўнақай харсанг тошларга ўхшаган Қоражон Мингбоев гўё унинг момиқ кўкси устига қулаб тушиб, эзиб юбораётгандай, ўзини баъзан четга оларди. Узоқ вақт кўришмаган қадрдонлардек, Иван Иванович ва Галина Сергеевна билан бир-бирларига тўйишмай суҳбатлашишди. Қувноқ, гўзал Галина «ишдан четлатилган» Қоражоннинг дардига шерик бўлиб, илгаригидек унга катта ҳурмат билан қарашини билдириб, унга навозиш этарди. Галина Қоражон билан ҳазиллашарди. У билан қурилиш, иш ҳақидаги гаплардан кўра ҳам ўз ҳаёти, Гулгун ҳақида гаплашишни истарди. Эри қуюшқондан чиқиб кетишни ёқтирмаслигини билса ҳам Галина бу забардаст, фронтчи йигит билан ҳазил-мазах қилиб гаплашиб ўтираверарди. Бир куни Иван Ивановичнинг олдида Қоражонга хушомад қилиб, «моя любовь», деган гапни айтди. Эри сал ўзини ноқулай сезгани билан хотинига унча эътироз билдирмади. Шунчаки ҳазил, деб билди. Шу ёшгача уйланмай, яқинда уйланган Қоражон Мингбоевни Галина гапга солиб, бунинг боисини билишга қизиқарди.

— Менга ҳеч ким тегмаган... Мендан қизлар йирт-

қичдан қочгандек қочишарди. Мен шўрлик қандоқ қилай...— Бирдан нолиб қолди Қоражон,— урушдан қайтиб келганимдан кейин қишлоғимиздаги кўз остимга олган Холида менга тегмади. Шундан кейин юрагим совиб кетди...

— Инсон тоқ ўтмаслиги керак эди, Мингбоев,— дерди унга тикилиб ўйламосираб турган Галина,— дунё жуда мураккаб. Лекин...

— Сиз менга тегармидингиз?— кутилмаганда гап ташлади Қоражон Иван Иванович балконга чиққанида. Галина қизариб кетди. У аввал нима дейишини билмай саросимада қолди. Бу одобсизларча, менсимай берилган саволга жавоб қилгиси келмади. Бир лаҳзадан кейин Галина мийиғида кулди:

— Ҳа, тегардим. Лекин сиз кечиккансиз, яхши кўрган эрим бор...

— Сиз менга ўхшаш бедавога тегишингиз мумкинмиди, деб сўрамоқчи эдим. Ҳозир менга тегинг, демоқчи эмасман!

— Сизга нима бўпти!— Галина қаҳ-қаҳ уриб кулди.— Сиз танкда ёнгансиз. Бу — чандиқ жасур йигит учун ҳусн! Ёшингиз анча ўтиб кетди. Шунга ачинаман, холос...

Йигирма йил деганда биринчи марта Қоражон Май байрамини ўзининг Ёнқўрғон қишлоғида ўтказди. Болаларнинг байроқча кўтариб, сурнай чалгани, майдонда сафда тизилгани, барабанларнинг дириллатиб урилганини ҳисобга олмаганда, байрам бунда бир қадар сокин ўтарди. Шу улуғ айём кунлари Қоражон хотинини етаклаб Ёнқўрғон, Сижжак, Хумсон ва охири Чорвоқда юрмоқчи бўлди. Бунинг иложи бўлмади. Қизил Юлдуз ордени ҳам костюмига қадалганча гардеробда қолди.

* * *

Худди шу куни эрта билан Файзулла Аҳмедович Чорвоқдан Тошкентга тушиб келди. Лекин Пушкин кўчасининг ярмига етганида унинг машинасини тўхтатишди; намоёнчилар ўтадиган йўллардан ташқари барча майда кўчалар беркитилган эди. Файзулла Аҳмедович шофёр йигитга уйга кетаверишга рухсат берди. Ўзи машинадан чиқиб, кўча йўлкаларида турган одамлар тўпига борди. Шунча илтимос қилса ҳам бир мўйловдор ёш милиционер уни қўйиб юбормади.

— Уйимга ўтиб кетай, кекса одамман!

— Рухсат йўқ! Мумкин эмас!

Файзулла Аҳмедович бу ердан кетиб, бошқа томонларни ҳам айланиб келди. Ҳамма ёқда одам, ҳамма кўчалар беркитилган. У ўз уйига ўтиб кетиш учун қулай бояги чорраҳага келиб, ёш милиционерга яна мурожаат этди:

— Мени қўйиб юборинг, иним, уйга бориб укол олишим керак!

— Мумкин эмас, тушунинг! Буйруқ шундай, биз у томонга ҳеч кимни ўтказмаймиз!

— Мен буйруқ борлигини биламан, лекин сиз тушуниб, менинг гапимга ҳам қулоқ солишингиз керак!

— Йўқ, мен сизнинг гапингизга эмас, командиримнинг буйруғига қулоқ соламан!

— Бу тўғри, аммо..

— Гражданин, менга халақит берманг!

— Мен, мен... академик Музаффаровман, мана гувоҳномам!— деди Файзулла Аҳмедович атрофига олазарак бўлиб. Бунда турган ёш-яланг олдида енгилтаклик қилаётгани сезилиб қолишидан хижолатда эди. Атрофдагиларнинг бу гуфтигўга эътибор бермаётганларини сезгач, ёш милиционерга яна мурожаат этди:— Обкомнинг аъзосиман! Наҳотки сиз менга ишонмасангиз? Мен ҳозир бориб укол олишим керак, кексалик... Қўйиб юборинг! Мен академик Музаффаровман...

— Бизда академиклар кўп, ҳамма академикларни қўйиб юбораверсак, тартиб бузилади. Гражданин, орқага ўтинг!

Файзулла Аҳмедович «э, нодон!» деди ичида. «Академик» сўзини тилга олганига минг пушаймон бўлди. Ётмишга яқинлашганида шунақа, ярашмаган қилиқлар қилганига ўзидан-ўзи хижолат бўларди.

У ўша жойда гўдайкиб турганча тураверди. Лекин орадан яна ярим соатча вақт ўтгач, бу ердан ўтиб кетаётган йўгон бир милиция офицери Музаффаровни кўриб, атай яқин келди, улар бир-бирларини байрам билан қутладилар.

— Бунда нима қилиб ўтирибсиз, домла?

— Уколим бор,— деди тажанг бўлиб турган Файзулла Аҳмедович кулимсираб, рўпарада — ўн қадамча нарида бояги чақмоқ мўйловли ёш милиционер ўқрайиб турарди. У ҳамма гапни тушунтирди.

— Утиб кетаверинг,— деди офицер Файзулла Аҳмедовичга йўл кўрсатиб. У анча жойга боргач, офицер ёш милиционерга бир нималар деб, Музаффаровни кўрсатарди. Офицер тахминан: «Сиз Музаффаровни танимайсизми, у ҳурматли киши, академик. Уколим бор, деяптилар... Буйруққа итоат қилиш, уни бажариш керак, лекин кўриб турибмизки, шу ҳурматли одам анави кўчага — уйига ўтиб кетади. Йўл бериш керак эди. Юраги ёмон бўлиб, ўзини ташлаб юбориши мумкин. Ҳукуматимиз учун биздан ҳам кўпроқ жавоб берадиган одам...» Ёш милиционер хоодадай қотиб турарди.

Файзулла Аҳмедович омон-эсон ҳовлисига етиб келиб, дарҳол укол олди. Марҳаматхон атрофида гирдикапалак бўлди. Фарзандлару неваралар барчаси 1-Май намойишига чиқиб кетишган эди. Унинг шу байрам куни ҳам қурилишда қолганидан жаҳли чиқиб ўтирган Марҳаматхон эрини кўриб чеҳраси очилиб кетди. Лекин бу тажанг одамнинг бугун Чорвоқдан азонлаб йўлга чиққани сабабини билмасди: кеча бу ерда пайдо бўлиб қолган Обакихон Ҳазратовни қидирган бўлиб, Файзулла Аҳмедович хонасига кирди. У ниҳоятда ясанган, безанган эди. Икки кўксини очиб, Файзулла Аҳмедович столига яқин келиб, унга хушомад қила бошлади. Музаффаровнинг бир оғиз очилиб гапиришига илҳақ эди. Лекин Файзулла Аҳмедович қоғонини солиб ўтирганча ўтираверди.

Аслида Обакихоннинг бирон қариган академикка тегиб олиб, давлатига эга бўлиш нияти ҳам йўқ эмас эди. Инсулт бўлиб, оғзи қийшайиб қолган кекса бир академик атрофида айланиб, одам қўйиб, нечоғлик ҳаракат қилди, аммо сўққабош чол ўлгур пишиқлик қилиб, давлату ҳовли жойини қизига мерос қилиб қолдирди. Расмий эри Қоризода бўлишига қарамай, у Музаффаровга ҳам кўз сузиб кўрмоқчи эди. Ҳазратов Наманганда эканида Кимсанхонни, «Мен инженер — академикман», деб алдаган эди. Аслида ўз «ишида» у дарҳақиқат «академик»лиги кейинчалик маълум бўлди. Шу кунларда уни яна бир чўтир йигит судраб юрибди. У ўзини заготзернонинг бошлиғиман, деб таништирган. Бу, заготзерно бошлиғи ҳам Обакихон кўзига «академик» бўлиб кўринди. Қари академикларни «овлаш» ҳозирги кунда баъзи эрсиз жувонлар ўртасида мода бўлиб қолган — бу «ишни»

дарҳол илғаб олган Обакиҳон юз-кўзили бўяб, Ҳазратов қолиб «ов»га шайланди. Унинг Чорвоқдаги хатти-ҳаракатидан чўчиган Файзулла Аҳмедович байрам уни ҳамма нарсани ташлаб, хотини ёнига шаталоқ отиб қочган эди.

Файзулла Аҳмедович ёш, мўйловли милиционернинг хит қилгани сабаб, яна илгаригидай тажанглиги бошланди. Бундай пайтларда Марҳаматхон уни қувватлаб таскин беришга уринар, нобоп баъзи кимсалар гашига тегаётганини айтиб, «тезаксиз майдон бўлмас» мақолини эслатиб қўярди:

— Баъзи одамлар ёмон бўлиб кетган. Қирқ йил заводда ишлаб пенсияга чиққан Мирёқуб ака қазо қилди. Шу маҳаллалик Ҳазратов машинасини нариги кўчадан буриб кетди-ку! Беш минутга кириб кўнгил сўраб чиқишга ярамади! Агар анови мансабдорнинг мушуги ўлса, кўнгил сўраш у ёқда турсин, эрталабдан кечгача дарвозаси олдида турарди...— деди Марҳаматхон.

— Баъзан кўзим оёқ остида ўрмалаб кетаётган чумолига тушади,— деди Файзулла Аҳмедович,— уни босиб ўлдирмаслик учун ё нарироққа, ёки тўрт энлик берироққа оёқ қўяман. Юриб кетаётган йўлимда тирик жон ўлмасин, дейман. Ҳалиги йўлимни тўсган йиғит хафа қилди... Лекин тилимни тийдим. Бефойда!

— Тўғри қилибсиз, адаси.

— Чорвоқда Ишларбек Сапчабошев деган бир қурт пайдо бўлди,— деди Файзулла Аҳмедович хотинига,— у ҳамма ишни қилади. Ҳеч нарсдан ҳазар қилмайди. Жуда ҳаром одам. Мен унга: «Ҳаром ишни кўп қиласиз, бу ерда ишлаётган бошқа халқлар вакиллари одам уялади. Наҳотки, ўзбеклар шунчалик пасткаш бўлса, деган гап тиллари учиде турибди...» дедим. У бўлса: «Зиёлисиз-да, Файзулла Аҳмедович, ҳамма гапни бадиий қилиб айтасиз», дейди. Бу гапга нима дейсан! «Шоирлар ўзининг шиғирида бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатиб гапирди, дейдилар, шу ростми?»— сўради мендан Сапчабошев. Рост, дедим. Улар гиёҳларни гапиртиради. Қуёш билан гаплашади. Одам сиймосида тўнғизни, тўнғиз сиймосида одамни ҳам кўрсатишлари мумкин, дедим. Бу гапга фаҳми етмади.

Урушдан қайтиб келгандан кейин, участка солдим — гишт қуйдириб, бозордан миху ромгача сотиб

слиб уй солдим. Бу участка ҳам ер қимирлашда дабдала бўлди. Ҳозир баъзилар икки қаватли зинали, меҳмонхонали уйларда турадилар. Ҳукуматга фойда берардан кўра ундан олари кўпроқ. Бу ҳукуматни тузгунимизча қанчалар қурбон бердик. Энди паркетли хоналарда туриб, кумуш жўмрақлардан сув ичиб, чинни ванналарда чўмилиб, норози бўлишлик! Ҳей, пўконидан ел ўтмаганлар! Бошларига тарсаки тортиб юборгим келади!

Бу асаб бузилишининг ҳамда нохуш воқеаларнинг эсланиши боиси битта эди; мўйловли ёш милиционерга ўзининг академиклигини айтиб тили куйгани бўлди. Музаффаров умрида бундай мақтанчоқлик қилмаган. Енгилтак одамларни савалаб келган кимсанинг ўзи шундай қилиқ қилиб қўйгани ниҳоятда виждонини гижимлади. «Хом сут эмган инсонмизда, — деди ўзига-ўзи. — Укол ўлгурга шошиб бундай мақтанчоқлик қилдим. Ишқилиб, ўша ёш йигитчанинг ёдида қолмасин-да бу иш! Ишқилиб, у бирси танишимга: «Бир Музаффаров деган академик бор экан», деб айтмасин-да!» Бу ҳам ҳолва. Дўсти Амир Равнақ шу кунларда Навоийнинг тасаввуфга, «ваҳдатул мавжуд»¹га алоқаси ҳақида тадқиқот ёзаётгани энсасини қотирди. Шунча ишлар турганда тасаввуфни қовлаштириш зарурмикан?! Шоирнинг беретка кийиб, қўлига узук тақиб юрганига ҳам чидаган эди. Ёки шоир халқи шунақароқ бўлармикан? Вақти-вақти билан айниб турадимми? Ўтмиш адабиётидаги бу фалсафий оқим «худо ломакон...» лигигача ёзибди. Э, тавба, дерди Файзулла Аҳмедович қадрдонидан ранжиб.

— Мана шунақалар менинг асабимни қақшатяпти, Марҳаматой! Бўлмаса, мен ҳеч нарсадан хафа бўлмайман, юзга кирадиган одамман.

— Йўқ, адаси, сиз қўшнимизнинг эшаги думсиз бола тугса ҳам, лойга ботиб қолса қаеридан ушлаб тортаман, деб тажанг бўлиб, ухламай чиқадиган кишисиз!

— Ха-ха-ха-ха-а-а-а! Бопладинг! Менинг жазоимни фақат сен берасан! Омон бўл! Яна! Марҳаматой энди ҳаддингиздан ошманг. Кўзойнагим қани? Топиб бер!

¹ Ваҳдатул мавжуд — пантеизм. Фалсафий оқим.

Қоражоннинг кўринмас одамга ўхшаб қурилишда юрганини сезишарди. Уни баъзан тўғон устида, баъзан пастдаги ГЭС қурилишида, автобазада ва баъзан қурувчилар шаҳарчасида кўрган одамлар бор. Ёнқўрғонга кетиб қолди, деб юрган Ҳазратов хато қилди. У Чорвоқда «БелАЗ» ҳайдаб чарчагач, тўғоннинг ўнг томонидаги Қўнғирбуқа чўққисига чиқиб соатларча ўтирар; бу ўша, «йўлбарс важоҳатли» кимса эканини рақиб кейинги кунларда узоқдан бемалол кўрарди. Ҳамма ишни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, қизишмай иш олиб борадиган, тиниб-тинчимас одамларни ёмон кўрадиган Қиёмхўжа Ҳазратов Мингбоевни бунда ўралашиб юрганидан жуда нотинч эди. У бир-икки бор Шишкинга мурожаат этиб: «Мингбоев ариза-париза бердими?» — деб сўради. Шишкин йўқ ишорасини қилди. «У ариза кўтариб юрадиган одам эмас, у бутун одам. Лозим бўлса шартта гапиради ёки райкомга бориб айтади. Айб ўзида эканлиги учун индамай юрибди...» — деди. «Қурилишда изғиб юрган эмиш?» — деди анча сиполик билан Ҳазратов. «Нима қилсин, бу ерни яхши кўради. Дўстлари кўп... Ишлагиси келади. Шу сабабли айланиб юрган бўлса керак...» — деди у. Ҳазратов миқ этмади. «Бу ерга уни йўлатиш керак эмас!» — деган гапни айтолмади. Лекин кунлардан бир кун Қоражон қурилиш Бошқармасига кириб, Файзулла Аҳмедовичга йўлиқди, у ўрнидан туриб, гангиб, ўз ерида «хор бўлиб юрган» одамга ҳурмат кўрсатди. Уни диванга таклиф этиб, ўзи ҳам унинг ёнига бориб ўтирди. Фақат Амир Равнақ келгандагина ошнасига шундай илтифот кўрсатарди. Стол устидаги чойнақдан пиёлага чой қуйиб, Қоражонга узатди. Бу илтифот илгари уйда ётган кекса инженерни турғазиб, ҳаёт қайнаётган жойга олиб келиб, савоб иш қилгани учун миннатдорчилик изҳори эмас, балки Файзулла Аҳмедович ўзи мажруҳ, хунук юз бу одамнинг юрагида олижаноблик туйғулари тўлиб-тошиб ётган ва умуман, бу одам бутун одам эканлиги учун ҳам беихтиёр ҳурмат қиларди. Унинг ишдан четлатилишини бир англашилмовчилик деб биларди, жолос. Дил дилга ойна, Қоражон Мингбоев бу туйғуни ҳис этгани учун ҳам ҳеч кимга мурожаат этмай, бир ойлардан сўнг Музаффаров ёнига кирди. Бир муддат

лик ҳол-аҳвол сўрашдан ва умумий гаплардан сўнг Қоражон мақсадга ўтди:

— Нима қилиш керак? Қандай маслаҳат бера-сиз?

— Бўш юрмай, ишлаш керак. Бу вақтинчалик танбеҳга ўхшайди.

— Қаерда?

— Сизга қаер айтилган эди?

— Уй-жой қурилиш бошқармасида,— деди Қоражон. Бир нафаслик сукутдан сўнг, яна қўшиб қўйди:— Мен, парторг билан гаплашдим. Тўғондан кетмайман. Менга «БелАЗ»да ишлашга рухсат берилсин, деб сўрадим. Оддий шофёр бўлиб... Шишкин рози бўлди. Ишлайвер, мен гараж бошлиғига Садовников номидан айтиб қўяман, деди. Нима дейсиз?

— Ишнинг катта-кичиги бўлмайди, ука. Ишлаб туриш керак!

— Ҳазратовнинг мени кўргани кўзи йўқ. У мени бу ерда юришимни ҳеч истамаётди.

— Бу ер Ҳазратовнинг катта холасининг уйи эмас. Бу ер халқ қурилиши!

— Мени бир зараркунанда одамга ўхшатиб, тўғонда ишлаётганларни менга нисбатан ҳушёр туришни тайинлабди. Наҳотки, мен душман бўлсам?

— Сиз душман эмассиз. Асабингиз чарчаган. Шу сабабли ҳар бир гапдан нотўғри хулоса чиқаряпсиз. Унинг димоғдорликларига, лўттибозликларига тупуриш керак!

Қоражон Мингбоев қўлидаги пиёлани Файзулла Аҳмедовичга узатди. Қисқагина суҳбатдан кейин у хайр-хўшлашиб, ташқарига чиқиб кетди.

ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

XX XIII боб

ПОЛ ОСТИДАН ТОПИЛГАН ОДАМ СКЕЛЕТИ ЕКИ ОЗГИНА ОЛДИ-ҚОЧДИ САРГУЗАШТ ГАП..

Ўша куни Хайрушканинг башарасига тарсаки тортиб юборган Гулгун дарғазаб, устидаги атлас кўйлагини ечиб полга отди. Сочлари тўзиб, йиғидан қовоқлари шишиб кетди. Ўзининг кийимларини кийиб, эшикдан чиқиб кетаётганида меҳмондан қайтиб келиб қолган Марҳаматхон унинг йўлини тўсиб, маҳкам қучоқлади.

— Тўхтанг, қизим! Сиздан ўтиниб сўрайман, тўхтанг!— у ялиниб-ёлвориб Гулгуннинг қўлидан ушлади. Машинадан югуриб тушган Таманно билан Тасанно ҳам Гулгуннинг йўлини тўсишди. Фақат Хайрушка рулда шумшайиб ўтирарди.— Ичкарига кирайлик, илтимос қиламан! Ичкарига кирайлик!

— Йўқ, кирмайман!

— Жон қизим, ўтиниб сўрайман. Вой, мен ўлай, мені қора босмаса, меҳмонга кетаманми!— Марҳаматхон ўзининг юзларини тимдалаб, оҳ ура бошлади. У Гулгуннинг тўзиб кетган сочлари, дарғазаб важоҳатидан ҳозироқ бир кори ҳол бўлишини сезиб, ранги ўчиб кетди. Хайрушканинг, «сал тегишувдим...» дегани юрагини шиғиллатди.— Вой, мен ўли-и-й! Агар ичкарига кирмасангиз, ҳозир юрагим приступ бўлиб, ўзимни ерга ташлайман! Ёмон бўлиб кетяпман. Вой, вой... Хайрулла тегишмай ўлсин! Сен жувонмарглардан биронтанг уйда қолсаларинг бўлмасмиди?!

Марҳаматхон икки қизи билан Гулгунни қўярдақўймай, ялиниб-ёлвориб қайтадан уйга олиб кирди. Марҳаматхон хонасида хун бўлиб йиғлаётган Гулгун шу ўтирганча тонг орттирди. Тонг отгунча Марҳаматхон унга насиҳат қилиб чиқди. Бир шўришни бошламагин, жон қизим, деб ялиниб йиғлади. Шундан сўнг ўғлини ҳам хотинсиз бебош бўлиб юргани, тоза куйдираётганини эслаб, йиғи аралаш қарғади. Музаффаровлар хонадони мотамсароликка айланиб

кетди. Бундоқ шилқимлик ёмон оқибатларга олиб келишини она ҳам, сингиллар ҳам, Хайрушканинг ўзи ҳам фаҳмлаб, миқ этмай тонг оттиришди. Босқинчилик — оғир жиноят, у суд қилинади! Марҳаматхоннинг вижир-вижир гапини эшитавериб, Гулгуннинг кўзи тиниб кетди. Онанинг шу аҳволга тушиб, талвасада ҳар хил гаплар гапириб ташлаётгани, дам валокардин гемизиб ичиб, дам валидол шимаётганини кўриб, боши қотди.

Тонг отиши билан Гулгун ҳамма дафтар-китобларини, ўзига тааллуқли нарсаларни йиғиштириб, чамадонини кўтариб, бу хонадондан чиқиб кетди. У ялиниб-ёлвориб оёғига ёпишган Марҳаматхонга ҳам, қизларга ҳам қарамади. Улар дарвоза олдида ҳайрон бўлиб қолишди. Бир муддатдан сўнг ичкарига қайтиб кирган Марҳаматхон ҳовли ўртасида гангиб турган ўғли Хайрушкага жирканч бир назар билан қаради. Хайрушка тўнғиллади:

— Тегишган эдим, менга тегсин, девдим...

— Э, башаранг қурсин сени! Сен одам бўлмадинг, ҳайвон бўлдинг!

Хайрушка бошини эгиб, индамай турарди.

— Орқасидан машинада югуриб борайми?

— Қаёққа борасан! Агар борсанг, сени милицияга ушлаб беради. Сен бебош бола мени адо қилдинг, — у пиқиллаб йиғлади, — ўзини трамвай тагига ташласа нима қиламиз? Бориб, Бўрижарга ташлаб юборса-я! Ёки прокурорга бориб арз қилсачи?

Хайрушка ҳам, қизлар ҳам миқ этишмади. Онага шайтон васваса соларди. Унинг кўзлари ола-кула бўлиб, ерга йиқилди: «Вой, мен қора боскур, энди Санобархонга нима деб жавоб қиламан?.. Унинг дадаси олдида юзимиз қора бўлди, даданг билан унинг дадаси ўртасига низо солиб қўйдинг... Энди нима қиламиз...»

Ерга йиқилган онани Хайрушка билан икки қиз елкаларидан суяб кўтариб, уйга олиб киришди.

Шу кунни Гулгун Ўрдагача трамвайда келиб, тўппа-тўғри Қашқар маҳалласи томон бурилди. Тор кўчалардан бирига кириб, кўримсизгина эшикни тақиллатди. Бу хонада унинг ҳамқишлоқ дугонаси Назми (эркалаб уни «Пучуқ» дейишарди) квартирада турарди. Югуриб чиқиб эшик очган пучуқ қиз рўпарасида оқариб, сочлари тўзиган Гулгунни кўриб, донг қотиб қолди.

— Сенга нима бўлди? Ичкарига кир,— улар торгина ҳовлини кесиб ўтиб, бир хонага киришди. Бунда Пучуқ қизнинг ўзи ёлғиз турарди. Гулгун қўлидан тўр халтадаги китобу буюмларини олган Пучуқ дарҳол дугонасини табуреткага ўтқазди,— нима бўлди, нима гап?

— Уғли...— деди гапиролмай ўпкаси тўлиб Гулгун.

— Эй, ярамас, номард!— деди Пучуқ Хайрушкани лаънатлаб,— бир-икки келганимда мени кўриб, менга ҳам шилқимлик қилган эди. Номардлик йўлига ўтибди-да!

Бир муддатдан кейин Гулгун бошини деворга тиради. Қоражоннинг кўнглига бир гап келади, деб юраги шигиллаб кетди. Агар эри шубҳаланса ўзини ўзи бир нима қилишини айтди... Бу шармандаликка ҳеч чидаб туrolмайман, деди.

— Нодон бўлма!— деди Пучуқ дугонасига. Ҳозироқ ваннага кириб, чўмилиб, ўзини тартибга солиб олишни сўради. Ўзи шоша-пиша плитага чой қўйди. Ҳамқишлоқ дугонасига чой ичирди. Кейин сув иситиб, уни қўярда-қўймай обдан совунлаб, яхшилаб чўмилтирди... Тун бўйи ухламай чиққанидан қовоқлари шишиб кетган Гулгунни ётқизиб ухлатди. Шу бугун дугонаси бахтига унинг ишга бормайдиган куни бўлганлиги сабабли, тепасидан қўзғалмай ўтирди. Пучуқ ҳам институтга киргани Тошкентга келиб, киролмаган эди. Йиқилди, унинг биронта суянчиги бўлмади. Чорвоқлик бетончи ишчининг қизи, «ўтолмадим», деб қишлоққа қайтиб боришга юзи чидамай, Текстилькомбинатда ишчи бўлиб ишларди. Ҳозир, комибнатдан квартира олгунига қадар бир қариндошлариникида яшаб турарди.

Аразлаб, Музаффаровларникидан чиқиб кетган Гулгуннинг бир кундаёқ ранги сўлди. У холи қолган чоғларида узоқ хаёлга чўмар, одамлар олдида бу сўлгинликни билдирмай, у ёқ-бу ёққа қарагандай, гапларга ҳам араллашиб, бирон нима дегандай бўларди. Унинг қовоқлари синиқиб, ранги кетди. Юзи ҳам бир бурда бўлиб қолди.

Шу куни кечга яқин удабурон Назми дугонасини кийинтириб, почтамтга олиб борди. Ўзининг турар жойи ўзгарганини хат орқали ота-онасига маълум қилмоқчи бўлган Гулгуннинг фикрига қарши чиқди.

— Хат икки кунда боради. Бу мумкин эмас,—

деди Пучуқ,— сени қидир-қидир бошланиб кетади. Инвалид дадангининг шунча чеккан азоблари етмай-дими!.. Телефон қиламиз!

«Шунча чеккан азоблари етмайдимн...» — деган гап Гулгуннинг боши атрофида аридек ғувиллаб учиб юрган даҳшатли хаёлларни бир оз орқага сурди. Улар икков почтамтга бориб, қишлоқ Советига телефон заказ қилишди. Қишлоқ Советининг раиси Пучуқнинг тоғаси. Орадан бирон ўн минутларча вақт ўтмай Пучуқ билан Гулгун кабинага киришди. Пучуқ тоғаси билан салом-аликдан кейин, ҳозироқ Милтиқбой ака Қўйбоқаровларникига кириб, қизлари Гулгун ўзининг ёнига келганини, Музаффаровлар билан «сал айтишиб қолиб», аразлаганини тушунтирди. Тоғасига ўз адресини яхшилаб ёздирди. «Нима бўлди? Нима деб айтай? Бир ерга боргандан кейин камтар бўлиб туриш керак-да», — деди тоғаси тўнғиллаб. «Музаффаровнинг мешчанка қизлари билан чиқишмай қолибди. Мингбоевга ҳам айтиб қўйишсин. Шундоқ деб айтинг, тоғажон!» — деди бижиллаб Пучуқ.

Лекин барибир эртасига, куннинг ўрталарига бориб, янги адресга инвалид Милтиқбой ака билан Санобархон ўпкасини қўлтиқлаб кириб келишди. Пучуқ эрта билан комбинатга кетган эди. Калаванинг учини йўқотган, кайфи бузуқ Гулгуннинг хаёлига ўқиш ҳам келмай, дугонасини ишонтириб, алдаб ишга жўнатган бўлса ҳам бари-бир ёлғиз ўзи хаёлот дарёсида ғарқ ўтирарди. Тўсатдан ота-онанинг кириб келгани уни ўзига келтирди. Ота-она ранги сўлган қизларига тикилишди. Уларга Гулгун Музаффаровнинг «мешчанка қизлари билан чиқишмай қолгани» дан бўлак ҳеч гап айтмади. Бир муддат бу уйда туриб, кейин ётоқхонага ўтиб, ўқишини давом эттиришини таъкидлади. Лекин шу куниёқ Милтиқбой ака қизини машинага солиб, Сижжакка олиб кетди.

* * *

Тошкентдаги зилзиладан кейин, айтилган эски Қашқар маҳалласидаги ичкари кўчаларда қулаб тушган пастқам иморатлар анча-мунча топиларди. Бу ерда яшайдиганларнинг деярли ҳаммаси янги биноларга кўчиб ўтишгач, Бош план бўйича ер текисланиб, кўп қаватли бинолар учун майдон ҳозирланар-

ди. Бир неча бульдозерлар кечаю кундуз тинмай гуриллаб, янги тушажак биноларга майдон очиб, котлован қазийётган пайтда қандайдир бир ўй остидан, тупроқ уюмлари орасидан одам суяклари чиқиб қолди. Бульдозерчи дарҳол моторни ўчириб, милицияга хабар қилди. Бундан бир ҳафтача бурун ҳам шу атрофдан сопол идишда кумуш ва мис тангачалар топилган эди. Ҳовлиқиб келган жингалак сочли, паст бўйли, ёшгина йигитча хумчани олиб кетиб акт тузган эди. Музей қабул қилиб олган бу топилдиқларнинг тарихий жиҳатдан аҳамияти борлиги учун доимо ҳуркович отдек қулоғини динг тутиб, чақчайиб турадиган милиция ходимига ҳам, бульдозерчига ҳам ташаккур айтилди. Шу ҳафта ичи қандайдир бир ҳовлининг тоқилари устидан эски китоб чиқди. Бу китобнинг ҳам аҳамияти бордек кўриниб, Шарқ қўл ёзмалари институтига топширилди. Ернинг юзагина қисмидан, тахта-пол тагидан инсон скелети, бош суяги, қовурғалар... чиқиб қолиши доимо иши юришиб, ташаккур олаётган йигитчани шошириб қўйди. У бўлак-бўлак бўлиб сочилиб ётган инсон суяги — бош чаноғи, қовурға ва қўл суякларини турган жойида дарҳол фотосуратга олди. Бу иш бир неча соат давом этди. Текширилаётган жойга чет кишилар киритилмади. Шундан сўнг, кечга яқин қўлқоп таққан формасиз ва милиция формаси кийган кишилар суякларни йиғиштириб олиб кетишди. Инсон суяги топилган ҳовли атрофига ҳеч кимса қўйилмаганига қарамай, барибир одамлар бунга кўришди. Зилзила сабабли уйи бузилиб, бу ердан кўчиб кетган одамнинг поли тагидан инсон скелети чиқибди, деган гап оғиздан оғизга кўча бошлади. Дарҳақиқат, юзагина тупроқ уюмлари орасидан инсон боши чаноқлари, қовурғалар, оёқ суяклари чиқиши милиция бўлимидаги ёш ходимни «чуқур ўйлатиб» қўйди.

Шу кундан бошлаб бу ҳовлининг эгаси, ҳамда инсон суяги топилган хонада турувчи кишилар изланди. Шу собиқ маҳалланинг комитет раиси орқали эгаси — кексагина бир хотин сўроқ қилингандан сўнг жингалак сочли йигитча Музаффаровлар ҳовлиси томон югуриб кетди.

Дув-дув гапнинг ҳақиқатдан узоқ эканлигини кишилар пайқаса ҳам, лекин барибир Қашқар маҳалладаги хона поли остидан инсон суяги топилиши кишиларни ўйлатиб қўйган эди.

Текширув ишлари жуда тез кетди. Милиция тили билан айтганда, бу жиноятнинг изи ўчмаслиги ҳамда бу ҳақда гап оғиздан оғизга ўтиб кетганлиги туфайли жиноятчи қочиб кетмаслигини кўзда тутиб, қидирув ишлари яшин тезлигида бошланди. Бу ишда арқонни узун ташлаб қўйиш методи қўл келмаслигини маъқул кўришди. Иккиламчи, жиноятчи мурдани ўрага ташладим, хаёл қилган, уйлар йиқилиб, бульдозерлар текислаганида анча чуқурликда ётган мурда яна ҳам кўмилиб, устига янги бинолар ёки асфальт йўллар тушса абадул-абад изи очилмаслиги мумкин эди ва буни жиноятчи билиб, бамайлихотир юрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас... Мана шу томонларни ҳисобга олиб, жингалак сочли йигитча тез «ҳаракатга киришди».

Инсон суяги топилганининг учинчи куни Сижжак қишлоғида, онаси бағрида уч-тўрт кун турмоқчи бўлиб, бамайлихотир эркаланиб ўтирган гўзал Гулгун Қўйбоқаровани милиция ходимлари машинага солиб, шаҳарга олиб боришмоқчи бўлишди. Унинг қишлоққа келганини ҳали Қоражон билмасди. Эси чиқиб, капалаги учиб кетган қизнинг ранги девор бўлиб ўчди. Уйда ухлаб ётган Милтиқбой ака қўлтиқтаёғини тўқиллатиб ташқарига чиқди, қизини олиб кетаётган милиция ходимларини қайтарди.

— Нима гап? Нега?

— Сўрайдиган гап бор,— деди жингалак сочли ёш милиция ходими,— ўша ерда гаплашамиз.

— Бир нима қилибмидинг?— Милтиқбой ака қизига мурожаат этди.

— Йўқ.

— Уйлаб кўр.

— Ҳеч нарса қилганим йўқ,— деди титраб Гулгун.

— Менинг қизимни қамай олмайсизлар!— деди Милтиқбой ака ғазабланиб,— унинг гуноҳи йўқ! Мен қон кечиб келиб, бу болаларни катта қилганман. Менинг хонадонимдан жиноятчи чиқмайди! Мен уни сизларга бермайман!— дея дарҳол қозиқдаги қўш оғизлик ов милтиғини қўлга олди.

— Енгилтаклик қилманг!— деди милиция ходими,— биз қизингизни қамамоқчи эмасмиз. Бир гапни сўраб, аниқлаб олмоқчимиз, тушундингизми! Юринг, сиз ҳам хоҳласангиз бирга боринг.

— Бораман! Албатта, бораман!

— Сизнинг фронтчи эканингизни биламиз. Жуда хурматли одамсиз. Қаҳрамонликларингизни ҳам биламиз. Лекин қўлингизга милтиқ олиш ярамайди! Биз ҳам бир ишни текшириш учун келдик. Сиз қонунни яхши биласиз.

— Узингизнинг фарзандингизни мен машинага босиб олиб кетмоқчи бўлсам, нима қилардингиз? Ёнингиздаги тўппончага қўл югуртирасизми, йўқми?! Сиз бировни жазолаётганингизда ўзингизга ҳам бир қаранг, йигитча! Ҳовлиқманг! Халққа жабр етказиш ҳар қандай жиноятдан ҳам ёмон! Ҳа-а!

Милтиқбой ака машинада Гулгун билан ёнма-ён ўтириб, милиция ходимлари билан бирга шаҳарга тушиб кетди. Гулгун ҳам, Милтиқбой ака ҳам, Сиж-жак участкаси милиция ходими ҳам жуда ҳайрон эдилар. Шаҳардан машинада чиққан милиция ходими — жингалак сочли сариқ йигит бу ишдан хабардор бўлса ҳам бир оғиз сўз айтмади. У ҳар замон-ҳар замонда Гулгунга қараб қўяр, наҳотки, шу нозик, чиройли қиз одам ўлдирса? Наҳотки, у мурдани яшириб, хона поли тагига ташласа! У ўзига-ўзи, баъзан оғир жиноят қилган шахслар қўй оғзидан чўп олмаган, хокисор бўлиб кўринади, кейин сир очилиб, фош бўлгач, йиртқичга айланиб кетадилар, деди.

Машина то Тошкентга етиб боргунича жингалак сочли йигитча миқ этмай, йўлда бир кори ҳол бўлмасин, деб сергак, қулоғи динг келди. Милтиқбой ака бўлса, бу қандай кўргилик бўлди, деб, агарда қизини олиб қоладиган бўлсалар, ўша ерда йиқилиб қолишини, бу аламга бардош беролмаслигини ўйларди.

* * *

Қуёш ҳамма ерга бир хил нур сочгани билан бир ерда гул, бир ерда шўрхоку сассиқ алаф битади. Ҳар ернинг ўз чамани, гулзорю ташландиқ култпаси бор. Мағзава тўкиладиган ерлардан гул унмайди. Гулгун ҳовлидан чиқиб кетган кундан бошлаб Обаки-хон илгари тарқатган гаплари тасдиқланганлиги, Музаффаровнинг ўғли ёмон иш қилгани ҳақида маҳаллага жар солган эди. Шу кунийёқ бу воқеани бутун маҳалла билди. Баъзи қўни-қўшнилар ҳовлиқиб «нима гап?» дегандай Файзулла Аҳмедович ҳовлиси-га киришди. Аввал нима дейишини билмай, саросимада кўча эшик билан уйга зир югуриб, қўрқиб кетгани-

дан дамо-дам ёғлоғи билан сув ичиб юрган Марҳаматхон бир зумдан сўнг кўзи қоронғилашиб, уйга кириб йиқилди. Таманно билан Хайрушка нима қилишини билмай, онаси тепасида туришарди. Бир қўшни кампир хотинларга:

— Бу нимаси! Боринглар, уйларингга киринглар. Бировнинг ярасини тимдалаш яхши эмас! — деб дўқ урган эди.

— Ҳой, кампир! — деган ўшанда кўзларини олакула қилиб Обакихон, — сен уйингга кириб ўтиравер! «Шўро ҳукумати учун қон кечганлар» ҳам қамаларкан-ку! Бизни ҳам бошимизга қора кун тушганда, мана шу йигитча устимиадан кулган!

— Худодан қўрқмайсизми, Кимсанхон? — кампир яна гапирди.

— Йўқ, қўрқмайман! Буларнинг ҳам уйига ўт тушаркан-ку! — у Музаффаровлар эшиги томон томоқ қириб тупурди.

Обакихон атрофидаги уч-тўрт хотин аввалига, нима гап, деб тушунмай томошаталаб бўлиб туришган эди. Обакихоннинг очиқдан-очиқ хусумати борлиги, қўшнисини ҳақорат қилиб, туҳмат ёғдираётганини пайқашгач, секин-аста уйларига кириб кетишди. Кўчада унинг ёлғиз ўзи қолди. Эшикдан бошини чиқариб турган кампир ҳам эшигини ёпиб, уйига кириб кетди.

Кўчада бўлаётган бу гапларнинг барини уйда чўзилиб ётган Марҳаматхон эшитиб турарди. «Кутилмаган балс, оёқ остида ётган фалокат, — дерди ўзига-ўзи Марҳаматхон, — ўгил ўстирмай мен ўлай!»

* * *

Шу куни тушга яқин улар шаҳарга етиб келдилар. Район милицияси идорасига киришиб, Гулгун Қўйбоқаровадан, дарҳақиқат, Қашқар маҳалласида ижарага квартирада турганмидингиз, деб сўради.

— Ҳа, — деди Гулгун ҳайратомуз.

— Қаерда ўқийсиз?

— Тошкент медицина институтида.

— Мана бу суяклар — инсон суяги. Булар сиз яшаган хона поли остидаги ўрадан топилди...

— Урага тушиб кетибдими? Ура йўқ эди-ку? — деди Гулгун қўл суягини олиб, у ёқ-бу ёғини қараб, — яна бир чаноқ ҳам бор эди.

— Бор гапни аниқ, тўғри айтиб беринг! Булар инсон суягимми?

— Ҳа.

— Воқеа қандай бўлган?

— Мен бу суякларни институтдан олиб келиб, анатомия бўйича дарс тайёрлардим. Улар тоқчада турарди. Шу орада бир ҳафтача квартирада бўлмадим. Дугонамикида турдим,— Гулгун кабинетда ўтирган отасига қайрилиб қараб, Музаффаровларникида турганини маълум қилди,— йигирма олтинчидаги зилзила ва умуман шундан кейин мен бу ҳовлига келмай қўйдим. Квартира ҳақини олдиндан тўлаб қўйганлигим сабабли, шундай келиб бир уй эгаси билан хайрлашдим бу вайронага бошқа келмадим. Бош чаноқ ва қўлларни институтга олиб бориб топширишим керак эди. Бу ишни ҳам қилолмадим.

Милиция терговчиси телефон трубкасини кўтариб шу масала юзасидан ким биландир гаплашди. У ҳайрон бўлиб қолди: «Ҳа, бериб юбориш керак. Экспертизадагилар ҳам кулишди. Пастки жағ билан юқори жағни бирлаштирган мис симни ҳам кўрмабсиз. Бу воқеа — анекдот! Эҳтимол, жаноблари бу симни мурданинг тилла тиши деб ўйлагандирлар. Ха-ха-ха... Хафа бўлманг, Пармоноп, сиз кўп жиноятларни фош этгансиз, аммо мана бу иккинчи муваффақиятсизлигингиз. Баъзан шунақаси ҳам бўлади. Қиз бола қўрққани йўқми?»

— Йўқ, дадалари ҳам шу ерда,— деди жингалак сочли йигитча.

— Бош чаноқ ва бошқа ҳамма суякларни ўша студент қизга бериб юборинг, институтга топшириб қўйсин,— деди яна у одам.

— Хўп бўлади,— деди йигит трубкани қўйиб бўшашиб. Кейин Гулгунга қаради,— буни қаранг-а, сизларни безовта қилдим. Кечирим сўрайман. Инсоннинг суяги бўлгандан кейин мен қидирув бошладим. Мана буларни олиб бориб институтга топширар экансиз. Мен янглишдим. Яна бир карра кечирим сўрайман.— У суякларни қорозга ўраб Гулгунга тутқазди.

— Шунақа экан, акаси, бизларни шунча ердан ҳовлиқтириб олиб келиш яхшими!— тутақди Милтиқбой ака,— ҳозир бунинг онаси иккита туғиб ўтирибди!

— Кичерегиз, дедим-ку! Кичерегиз.

— Сен, йигитча, милицияга шу йил хизматга келганмисан?

— Ҳа. Одамнинг скелети чиққандан кейин суриштирабиз-да!

Кекса бир милиция капитани йигитчанинг ёшлик, шошмашошарлик қилганини айтиб, Милтиқбой ака ва Гулгундан уэр сўради.

— Суриштирмай кет-е! Мен бир фронтовой кишиман. Милицияга ҳурматим ниҳоятда катта бўлмаса сени ҳозир роса дўшпослардим. Қизиқ бола экансан-ку!— деди Милтиқбой ака қизини етаклаб ташқарига чиқиб. Кетидан чиққан бояги жингалак соч йигитча машина олиб бориб қўйишини айтган эди, Милтиқбой ака унамади. Чунки у машина яна қишлоққа кириб борса, оғзига кучи етмаганлар учун гап топилади, деб шу лаҳза кўчага чиқиб бир ошнасига телефон қоқди. Орадан йигирма минутча вақт ўтгач, Гулгун билан Милтиқбой ака турган гастроном ёнига машина етиб келди. Улар яна шитоб билан Чорвоқ томон жўнашди. Уйга етиб келган Милтиқбой ака тиззасига уриб куларди.

* * *

Ҳурматли китобхон! Бу бобда айтилган гаплар бўлган воқеа. Бу англашилмовчиликни ёзишдан мақсад -- чуқур ўйламай, ҳовлиқиш одамларни қийнаб қўяди, норозилик туғдириши мумкин, деган гапни айтмоқчиман. Баъзан расмият тўсиқларини бузиб, камтару меҳрибонлик билан одамлар кўнглига йўл топиш жаҳолат ва туҳмат илонларининг бош кўтаришига йўл қўймайди. Улуғ ўзгариш жараёнида яхшилик ва илғор фикрлар мустақкамлиги синовдан ўтади, ғайри инсоний одатлар, туҳматчилар ўлаётган илондек, минг буралиб, тўғри келган кишини чақади. Баъзан эса у то боши мажақлангунича қиладиган ишини қилиб қўяди.

Энди икки оғиз сўзни Музаффаровлар хонадонидан өшитинг.

XXXIV боб

ИНФАРКТ

Хайрушканинг растрата қилиб қамалиб қолгани фақат Марҳаматхону Файзулла Аҳмедовични эмас, бутун оилани ларзага солиб, юзини ерга қаратди. Ма-

газинда бўлган ревизия Хайрулла Музаффаровнинг жуда кўп пулни ўзлаштириб юборганини, ҳисоб-китоб ишлари издан чиқиб кетганини очиб ташлади. Лекин дастлабки кунлари «Оёқ остида ётган бу фалокат», «Кўргилик ўтиб кетар, ким шундоқ бўлсин депти...» деган гапни тарқатишди. Жуда ҳам бошини кўтаролмай қолган Файзулла Аҳмедович одамлар юзига қарай олмай, бу «кутилмаган фалокат»ни тезда тўғриланшини ўйларди. Музаффаровлар хонадони алам дудига ўралди. Улар ич-ичдан куйишарди; қирқ йиллик партия аъзоси, номдор бир одамнинг оиласидан шундоқ ярамас кимса чиқиши уни гангитиб қўйди. Баъзилар: «Аталага ҳам тиш синадими, ахир, ўзлаштирилган пулни тўланса, қамамай қўйиб юбориш керак эди-да! Танбеҳ бериб, штраф солиб уялтириш керак эди-да!» — деса, баъзилар Хайрушкани ёқалашиб милицияга тушди деди. «Қадим биз ёқалашиб, кўйлақларимиз йиртилиб, қонга беланиб келардик, бунинг учун суд қилиб, қамоққа ҳукм этмас эдилар-ку?! Тавба! Агар бир шапалоқ учун ҳам қамайдиган бўлсалар, энди кўчада юриб бўлмас экан-да!» Музаффаров Марҳаматхон билан маслаҳатлашиб, ўғлини қутқариш ҳақида ошналарига мурожаат этажаги, шаҳар судининг раиси ўзининг талабаси бўлгани, министр ҳам таниш, бир оғиз илтмос билан ўғлини чиқариб юборишларини айтиб, хотинига тасалли берди. Файзулла Аҳмедович, сабр қилиш керак, дегани билан ўзининг ичи ёнарди. Бу шармандаликка ҳеч чидамасди. Гап шаҳарга тарқалиб кетган. Шунча гапиргани билан аслида у ҳеч кимга мурожаат этмади. Ўғлининг магазинда анча-мунча пул ўзлаштиргани исботланиб, бунинг ўзи ҳам бўйнига олиб, актга қўл қўйган. Терговда ҳам бўйнига олган. Демак, ҳамма масъул кишилар, мансабдорлар жиноят қилган ўз болаларини қутқариб олаверсалар, унда жамоат нима дейди? Қамоқ мансабсиз кишиларнинг болалари учунми? Қонун ҳамма учун баробар эмасми?! Ўғлининг қамалиб қолганини эшитиб, ўзингизга у ёқ-бу ёққа қатнаш ноқулай бўлса, мен бу ишни қиламан, деган фирибгар бир танишини ҳам уйга киритмади — менинг ички ишимга аралашманг, деди у чумчуқдек ликиллаб турган шахсга. Жамоат ичида ўзини тутта олмай, пул ўзлаштирган экан, бундай нобакор ўғил жазосини тортсин, деди. Лекин рўпарасида турган у лўттибоз кимса: «Сиз бундай содиқ бўламан дейсиз, ўғлингиз турмада ёмон одамлар

ичида баттар бузилиб кетади... У ерда одам ўлдирганлар ҳам бор...» — деди. «Барибир сиз аралашмай-сиз!» — деди Музаффаров беихтиёр жеркиб, бақириб, асабий бир ҳолда. Таниш кимса чиқиб кетгач, Марҳаматхонга қараб: «Ўғлимиз жиноят қилиб қамоқда ўтирган бўлса ҳам барибир у мана шу ярамасдан юз чандон пок!» — деди аъзойи бадани титраб. «Адаси, баъзан шунақалардан ҳам фойдаланиш керак, — дегандек қилди Марҳаматхон эрининг фикрига қўшилмай, — биров сизга ёрдам бераман деб келса-ю, сиз уни сўкиб ҳайдасангиз! Сизнинг обрўйингизга қарармидилар! Шунча йиллик хизматларингизга ҳам қарашмади-ку! Танбеҳ бериб чиқариб юборади, деган эдингиз, чиқаришмади-ку? Прокурор ўз шогирдим, яхши йигит, текшириб, чиқариб юборади, деган эдингиз-ку? Қани, уч-тўрт кун ётсин, қамоқ деган нарсани ҳам кўрсин, бу пўконидан ел ўтмаганларнинг ақли кирди, деган эдингиз! Улар ўғлимизни чинакамига қамаб юборишди! Аввал яхши гапириб, ўғлимнинг ҳамма гапларини ёзиб олиб, тафтиш ҳужжатларига қўл қўйдириб олишибди! Агар яқин кишингиз бўлганида, сизни кекса коммунист деб ҳурмат қилишганида шунақа бўлармиди?!» «Тилингни ти-и-й!» — деб бақириб юборди Файзулла Аҳмедович. Бир зумдан сўнг у индамай ўтириб қолди. Бўйни, чакка томирлари бўртиб, бир лаҳзадан сўнг ранги оқариб кетди. Эҳтимол, бу иш унинг рақиблари томонидан пухта ўйланиб қилинган фитнадир. Ўғлининг ҳеч қачон кўчада бировни калтаклаб келганини, пул ўзлаштирганини эшитган эмас эди. Хайрушкани баъзи уруғлари: «Ҳақиқатан ҳам қиздек йигит», — дейишарди. Умрида бировни ҳақорат қилмаган, ёқалашиб, бурнини қонатмаган бу бола қилиқ чиқариб, қамалиб ўтириши жуда таажжуб! Маҳалладаги баъзи «газанданамо» кимсалар бу «ҳалим» — Хайрушкани қамалганига кулишди.

Музаффаров уч кунгача хотини билан гаплашмади. «Ёғ ютганда ёт яхши, қон ютганда қариндош...» керак бўлар экан. Озиб, бир ҳолатда бўлиб қолган Марҳаматхон атрофидаги «эр омад, шер омад»лари ғойиб бўлиб, сўққайиб ёлғиз ўзи қолди. Таманно, Тасаннолар оначалик куйишмас, фақат унга тасалли беришарди, холос. Бир камбағал одамга тегиб кетган опаси келиб, шу оғир кунларида ёнида ўтирди. Бу хотинни унча ҳурмат қилишмас, тўй-ҳашамларда у бечора ошхонадан чиқмас эди. Шу опаси Марҳаматхоннинг ку-

нига яради. Камситилиб келган бу хотин, адвокатлар бюросига бориб, бир адвокатни ҳам ёллаб келди. Бунақа ерларга Файзулла Аҳмедович ҳам, катта ўғли ҳам боришни эп кўришмаган эди.

Ўғлининг қамалиши Музаффаров кўксига ханжар бўлиб урилди. Қаттиқ танбеҳ ва пўписа билан ўғлимни бўшатиб юборишади, деб юрган Музаффаров янглишди. Унинг ўғлини суд қилиб, уч йилга кесиб юборишди. Хайрушканинг жингалак сочлари олиниб, узоқ бир лагерга юборилди. Файзулла Аҳмедович ёдига бундан бир неча ой илгари Марҳаматхон билан бирга бориб кўришгани «Флория Тоска» операси тушди. Унда император офицери қамоқдаги инқилобчи йигитнинг синглисига: «Мени хурсанд этсанг, акангни ўлим жазосидан олиб қоламан», — деб ваъда этади. Мақсадига етгач, қизга ҳам қарамайди, акасини ҳам отиб юборишади... Бу опера мазмуни Музаффаровни жуда ўйлантириб қўйган эди. Эҳтимол, ҳаёт доим шундайдир, унинг баъзи одамларга суяниб иш тутиши, ҳаммадан фақат яхшилик кутиши рўёдек чалкаш нарсадир!

Ҳар қандай қоронғи кунлар ортидан ёруғ кунлар албатта келади. Ўғли бошига тушган иш ташвиши билан Музаффаров жуда эйилиб кетди. Марҳаматхон милиция, прокуратура, суд органларига югурди — бормасликнинг ҳеч иложи бўлмади. Унинг аламига шерик бўлишар, бу қайғу «кутилмаган тасодиф» эканини айтиб, жилла бўлмаганда кўнглини овлаб, тасалли беришарди. Суд ва тергов органларида софдил, чидамли одамлар ишлаётганини, безорилик қон-қонига сингиб кетган шахслар билан гаплашиш ниҳоятда тоқату чидам талаб қилишини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Баъзи безорилар жиноятлар кодексини яхши билишини, сурбетлигини кўриб, оғзи очилиб қолди. Бундай безорилар қашқатаёқ бўлиб кетгани, панд-насихат билан уларни одам қилиб бўлмаслигини ҳам тушунди. Яхши ҳам ҳукуматнинг бундай жазо органлари бор, бўлмаса бу безориларни ҳеч эплаб бўлмаслигини сезди.

Дунё ўзи шундайдир — Файзулла Аҳмедовичнинг елиб-югуришлари, ҳақиқат учун курашлари, одамларга меҳрибонлик қиламан деб, бунинг орқасидан азоб чекишлари, бир кичик ноҳақлик учун мансабдор кимсалар билан гоҳ телефонда, гоҳ мажлисларда қаттиқ гаплашганлари ва умуман унинг қилиб юрган барча ишлари ўзини ўйлатиб қўйди. У баъзида савоб иш

қилаётирман деб, хато қилаётгандек бўларди. Марҳаматхонни жеркиб ташлаганига ачинди, у — она, унинг бағри ёнарди. Унинг сўзларида ҳақиқат борга ўхшаб кўринди. Ўғли воқеаси унинг ўзига қаратилган бир қонли ханжарга ҳам ўхшаб кўринди. Шу йўл билан рақиблари уни майдондан итқитиб ташламоқчи бўлаётгандирлар! Рақиблар учун шу «тасодиф» етарли, улар энди «хизмат кўрсатган», «эътиборли», «софдил» Музаффаровга қарши кампания бошлаб юборишлари учун қулай шароит вужудга келди. Марҳаматхоннинг гапида жон бор: соддадиллик, илону чаёнга ҳам беозор махлуқ, деб озор бермаслик ўз бошига етди. Унинг кўз олдига Қоражон Мингбоев келди; бу довюрак йигит уни ташвиш чангалидан қутқариб олиши мумкин, деб ўйларди. Лекин унга билдирмади. Бу абжир йигитнинг ниҳоятда юраги тоза ва дўсара, яхшилик қилгач кимсага жонини берадиган одам эканлигини биларди. У гарчи дунё ишлари, сиёсат соҳасида Музаффаров каби кўпни кўрган, чиниққан бўлмаса ҳам, мард йигит эди. У бир куни Садовниковлар ёнида, агар яна Матросов, Эрайгитовлар керак бўлиб қолса, мана шу Қоражон Мингбоевдан чиқади, деган эди. Белига граната боғлаб, ўзини душман танки тагига ташлайдиганлар мана шу йигитга ўхшаганлар эканига жуда ишонган эди. У икки бор турмага хўрак ва иссиқ кийим олиб борди. Марҳаматхоннинг аламини енгиллатиш учун лозим бўлса ўғли ўрнига ўзи бориб ётишга рози эди. Хотинининг нолаю фиғони юрак-бағрини эзиб ташлади. Онанинг оҳига ҳеч нарса чидаб туролмайди. Хайрушка онага шунча азоб берди, у эмас, она юраги қамоқда ўтирарди. Хат ёзишганида унга сабр-тоқат, сабот билан жазони ўташ, интизомни бузмаслик кераклигини уқтиришар, йигит киши оғирчиликка чидаши лозимлигини таъкидлашиб, Чкаловдек қаҳрамон ҳам ташвиш чеккани ҳақида ёзишарди. Она нима ишлар қилмайди, дейсиз! Хайрушка албатта илжайган бўлиши керак, у оначалик изтироб чекмасди. Қамоқхонадаги кунлари тез ўтиб, эркинликка чиқажанини кутарди. Файзулла Аҳмедович ҳар ҳафта ўғли ҳолидан хабар олиб турарди.

Кейинги йилларда Музаффаровнинг ниҳоятда асаблари қақшаши натижасида ҳар нарсадан бад олиш дардига мубтало бўлиб қолган. Орқасида қандайдир бир соя юргандай. Айниқса, кечки пайтларда унинг кўзига жин ва арвоқлар дам шохли одам, дам соқол-

ли, дам эчки қиёфасида кўриниб кетарди. Ёшлигидан ҳеч қандай ақидаларга ишонмовчи Музаффаров ҳозир баъзида хаёл суриб қоларди; дунё моддий, аммо қандайдир киши кўзи билан кўролмайдиган бошқа дунё, бошқа куч борга ўхшарди. Яна бир муддат ўтгач, бу чалкаш хаёллар чарчашлик, асабларнинг қақшаши натижасида пайдо бўляпти, деб далда берарди ўзига-ўзи. Ўғлининг қамалиб қолгани бу «таъқиб дарди»ни яна ҳам авж олдириди. У дераза олдида узоқ вақт кўчага қараб турарди. Унинг ҳашаматли дарвозаси ёнидан ўтиб кетаётган кишилар: «Мана шу Файзулла Музаффаровнинг ҳовлиси! Бу одам эски партия аъзоси бўлса ҳам ўғлини тарбиялай олмади... Унинг ўғли турмада. Отанинг аҳволи ундай-ку, боланинг аҳволи бундай! Совет ҳукуматининг ишонган одамларининг болалари шунақа! Ўғли одам ўлдирибди. Отаси шунча ҳаракат қилгани билан чиқариб ололмабди...» — дегандай бўларди. У бўлса, «Ёлғон!» — деб бақариб юборишга оғиз чоғларди. Чунки унинг ўғли одам ўлдирмаган, фақат камомат бўлган... У миқ этмай яна дераза орқасида туради. Яна бир қур ўткинчилар Музаффаров дарвозасига қараб, бир-бирига пичирлашиб, қўли билан эшикни кўрсатаётгандай бўлишарди: «Мана шу ҳовли илгари министр бўлган Музаффаровники. Раҳбар бўлган одамнинг ўғли қамоқда ўтирибди... Шуларнингки ўғли шундоқ бўлгандан кейин, бизларга ўхшаганлар худога нима деймиз! Баъзи мансабдорларимиз ичидан чириган, хотинбозлик қилишади, давлат пулини ўмаривади, болалари ҳам...» «Ёлғон!!!» Турган жойида яна бақариб юборгудай бўлди Музаффаров. У титраб кетар, юраги санчиб, боядан бери чўнтагида эзгилаб тургани валидол идишини олиб, бир дона дорини тили тагига ташларди. Шу лаҳза дарвозаси ёнидан ўтиб кетаётган Кимсанхонлар шу томонга қараб тупуриб кетаётгандек бўларди. Музаффаров миқ этмай қолди. Яна унинг юрагига игна санчилгандек зирқираб кетди. Эрта билан кўчага чиқиб кетаётган қизлари шу маҳаллалик бир кичик бола дарвозага бўр билан ёмон сўз чизиб кетаётганига кўзи тушиб, дарҳол латта билан ўчиришибди. Қизининг латта билан дарвозани артаётганига қизиқсинган Музаффаров кўчага чиқиб, бу ҳолни аниқ кўрди. Ёмон сўзнинг ўрни шундоқ билиниб турарди. Тентак болалар нечук бундай қилишди экан, деди ўзига-ўзи Музаффаров, биз энг ёмон кимса бўлиб қолдикми?.. Бу

ҳолни билган Марҳаматхон эрини юпатиб, болалар нима ишлар қилмайди, эътибор бериш керак эмас, деди. Чизиб қочган бола шу маҳаллалик ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргашали аканинг невараси. Музаффаров яна хаёлотга шўнғиди. Демак, бу муътабар оилада ҳам биз ҳақимизда ёмон гаплар юрарканда... У жойига ўтириб қолди, у энди лол, юрагини кимга очиб, кимдан нажот сўрашни билмасди. Яқингинада у бир мажлисда сўзлаб, европалик баъзи жанобларнинг Совет Ўрта Осиёсига тез-тез меҳмон бўлиб келиши, маданият ва фан арбобларининг юксалгани, катта ихтиролар қилинаётгани билан танишиш эмас, бу томонга келиб экзотика қидирадилар, туя ва минораларни кўрадилар, бозорларга кириб, бешик, сумак сотиб оладилар, фотоаппаратлари билан пахса деворлару мўриларнинг суратини оладилар. Бизнинг китобларимиз, ёзувчи ва олимларимиз ҳақида гап кетса, уларнинг ранги ўчади. Бундоқ мавзуда гаплашишни истамайдилар! Жаноблар бизни эмас, елкасининг пахтаси ўйнаб чиққан гушпи чопонли қадимги ўзбекларни кўргиси келади. Улар жуда анойи, деган эди. Ўзининг ўша катта мажлисда қизиққонлик қилиб гапирганидан ҳозир хижолат бўлиб кетди. Демак, «гушпи чопонли ўша ўзбек» ўсиб, кимсан Музаффаров бўлибди. Оқибатда ўша Музаффаров айнаб, оиласи чириб, фарзанди қамоқда... болалар унинг эшигига ёмон сўзлар ҳам чизиб кетадиган бўлибди! Катта гапирмаслик керак эди, деди ўзига хитоб қилиб Музаффаров. Лекин у кўпроқ ўз ўғлидан қаттиқ хафа бўларди; сен, нодон, ахир кимнинг оиласидан чиққанингни билмасанг! Сен, ахир, тайини йўқ, ҳаром ишлар қилиб юрган кимсанинг боласи эмас эдинг-ку! Сен, ахир, ҳаром топилган пулга ичиб, лўттибозлик қилиб юрган кимсанинг боласи эмас эдинг-ку! Эргашалилар каби пешана тери билан пул топиб, ҳалол яшаб келаётган Музаффаровнинг фарзанди эдинг-ку! Сенинг отанг маст бўлиб, умрида биров билан ёқалашган, бировни ҳақорат қилган одам эмас эди-ку! Нечун сен бундай бебахт тасодифга йўлиқдинг?! Ахир сенга, кўзингни оч, қадамингни билиб бос, демабмидик?! Қайси гуноҳларим учун бу кўргилик менга юборилди? Баъзи муттаҳамлар тараллабедод қилиб юрибди-ку!

Ўғлининг маиший томондан бузуқлигини ҳам шитган эди. Қадим Беҳбудий «Падаркуш» драмасини бекорга ёзмаганини, гарчи бошқа замон, бошқа давр

бўлгани билан бундай бузуқликлар қизамиқ дардидек такрорланиб тураверишини эслади. Бир куни у Сапчабошевга, башарангизга қараб туриб жаҳолат кўраман, сиз одам одамга бўри дейсиз, сизнинг худоингиз пул, сиз бундан олтмиш-етмиш йиллар илгари яшаган зиқна бойваччаларга ўхшайсиз, деган эди. Шу «бойваччанамо шахслар» энди унинг юзига: «Ҳа, қўлга тушдингми?!» — деб тик қарамоқдалар. «Мен жаҳолатга ўхшаб кўринганим билан менинг ўғлим қамоқда ўтиргани йўқ! Совет ҳукумати кимни қамашни билади! Агар мен «бойвачча» бўлиб, ҳукуматга зид иш қилганимда, мени аяб ўтирмас эдилар!»

Қаттиқ изтироб чекиб юрган кунларининг бирида кечга яқин эшикдан Ишларбек Сапчабошев маст кйриб келди. Унинг қўлида тугун, тугунда ўн килограммча гўшт. Дастурхон ёзишди. У арақ қуйиб беришларини илтимос қилди. Чекилмайдиган хонада сигарета чекиб, хонани тутунга тўлдирди. Музаффаровнинг чекмаслигини, маст кимса билан гаплашмаслигини билиб, атай пойинтар-сойинтар сўзларни айтиб, алжий бошлади. «Ўлгандан кейин каттами-кичик, шоҳу гадо бир ерга боради...» — деган эски гапини қайта-қайта такрорлайверди. Бу билан у илгари катта мансабдор бўлган Музаффаровнинг жиғига тега бошлади. Марҳаматхоннинг бир неча бор эрига такрор-такрор имо-ишора билан бу ярамаснинг гапларига эътибор берманг, сассиқ оғиздан ширин гап чиқмайди, деганига ҳам қарамай, Музаффаровнинг тоқати тоқ бўлиб, ранги ўча бошлади. Сапчабошев атай ўғлидан гап очиб: «Биттагина укам қамалиб қолди, сиз ҳаракат қилмасангиз, мен ўзим ҳаракат қиламан! Пулни аччиқ чайнаймиз... Укамни қамоқда ўтқазиб, мен қандай еб-ичиб юраман, — деб йиғлади. Ундан сўнг Музаффаровга дўқ қила бошлади: — Орденларни қўша-қўша тақинг! Аммо менинг укам турмада ўтирсин! Орден берган ҳукумат нега ўғлингизни қамайди?! Бир томондан орден бериб, бир томондан қамайди-ми?! — У яна ҳўнграб йиғлади: — Йўқ! Мен ҳамма пулимни ўшаларга бериб, укамни қутқариб оламан!» Меҳмонга ҳеч озор бермайдиган Файзулла Аҳмедовичнинг сабр-тоқати тугади. У тутақди: «Ҳей, оғзингизга қараб гапиринг!» — деди. Лекин Сапчабошев яна ошди: «Бас, тўғрилиқ ҳам етар! Сизнинг чеснийлигингизни бир тийинга олмайман! Ҳа, сизни бир тийинга олмайман! Ўғлингиз турмада ўтирармишу, сиз қан-

дай қилиб юрибсиз! Уни қутқариб олиш керак!» «Йўқол бу ердан! — деди ранги оқариб кетган Музаффаров. — Йўқол! Агар чиқиб кетмасанг, ҳозир сени отиб ташлайман! Майли, ўзимни ҳам ўғлимнинг ёнига олиб борсинлар!» У титраб, ичкари хонага кириб кетди. Шу лаҳза Марҳаматхон ва қизлари ота орқасидан кириб, стол ғаладонини очишга йўл қўйишмади. Музаффаров ҳозироқ чиқиб, тўппончаси билан бу муттаҳамни отиб ташлаши аниқ эканини сезишди. Ишнинг бирдан жиддий тус олганини сезган Сапчабошев сачраб туриб, бош яланг жуфтакни ростлади. Орқасидан чиққан Марҳаматхонга имлади: «Нима қиляптилар?» Ғазабдан ранги оқариб кетган Марҳаматхон Сапчабошевнинг қўлига тугунини ушлатди: «Йўқол, тезроқ! Сен ифлосни отиб, яна балога қолади. Ҳе, башаранг қурсин!» — деди. Ишларбекнинг кайфи учиб, телба-тескари қадам ташлаб, жўнаб қолди. Ичкари хонада асабий титраб ўтирган Музаффаров кўз олдида Ишларбек Сапчабошевнинг калтакесакдек совуқ башараси пайдо бўлди. «Ёмон ўғил ўзининг хатти-ҳаракати билан отанинг бўйнидан боғлаб душманлари қўлига тутқазар экан», — деди ўзига-ўзи. Музаффаровнинг барча «ошналари» шаҳарда гап тарқатишди. Уни атай «кўргани келиб», жинойт ва суд, прокуратура, турма... деган сўзларни айтишарди. Очиқдан-очиқ кўксига ханжар уришарди. Хайрушка шу масъул оилада ўсаётганини ҳис этмай, бошқа нобоп кишиларга ўхшади, ота-онасининг поклигини билмай, қаллоблик, пул билан ҳамма ишни битираман, дейдиган кимсаларга яқинлашди. Ушалар таъсирига тушиб кетганини Музаффаровлар иш билан овора бўлиб, асло сезишмаган.

Якшанба куни эшиқдан кириб келган Амир Равнақ айвонда хомуш ўтирган Файзулла Аҳмедович билан ҳол-аҳвол сўрашди. Андуҳ денгизига ғарқ бўлиб ўтирган дўстига далда бермоқчи бўлди. Амир Равнақнинг юпатувчан, кўнгил кўтарувчи гапларидан сўнг Файзулла Аҳмедовичнинг ҳам, Марҳаматхоннинг ҳам чиройи очилиб, шоирга меҳр-муҳаббат билан қарашди. Музаффаровнинг география, умумжаҳоний гаплар, астрономияга жуда қизиқишини билиб, бугунги «Правда» газетасида босилган кичик бир мақолани ўқиб берди: «...Инсон шу кунгача назарий жиҳатдан чексиз фалакиётга қўл узатган бўлса, энди техникавий қўлини узатди. Инсон кўпдан бери ўзга олам билан алоқа қилишни орзу қиларди. Мана, бир неча йил

дирки, Совет Иттифоқи астрономлари радиотелескоп ёрдами билан космосга тикилиб, узоқ оламлар садосини тингламоқда...»

«Правда»нинг хабар беришича, шу йил... «олтинчи ноябрда Қрим ва Пуэрто Рико яқинидаги Аресибо оролларидаги обсерваториялардан юборилган ғоятда кучли радиосигнал олимлар фараз қилиб айтган бошқа планетада яшовчилар томон йўлланди. Бу сигнал уч минутча давом этиб, бунда ИНСОН ва унинг МИЯСИ, ЕР борлиги ҳақида, Ердаги ҲАЁТНИНГ КИМЭВИЙ ТАРКИБИ ҳақида маълумот берилган. Радиосигнал «Сомон йўли» четидаги юлдузлар тўдаси томон юборилган. Сигнал нур тезлигида учиб, 24 минг йилдан сўнг мўлжалланган жойга борар экан... Олимларнинг айтишича, уч юз миллион юлдуз ичида кам деганда бир юлдузда тараққий топган ҳаёт бўлиши мумкин, деган фараз бор. Бу, ГИПОТЕЗА».

— Эҳ-ҳа,— деди Музаффаров,— бу сигнал йигирма тўрт минг йилдан кейин етиб борса, унгача Ерда анча-мунча гаплар бўлиб кетса керак. Фиръавнлар замонида энди тўрт минг йил бўлган бўлса, бунақа замонлардан беш-олтитаси ўтар экан...

— У вақтгача Хайрулла қамоқдан чиқиб қолар-а?— деди Марҳаматхон, яқинда осмонга космонавт чиқади деб тушуниб.

— У вақтгача сен билан мен дунёга неча минг маротаба келиб кетамиз,— деди кулиб Файзулла Аҳмедович.

Шоир келган кунлари Музаффаровнинг андак чиройи очиларди, у қадрдони кекса бир одамнинг асабини бузмайдиган, аксинча, кўнглига ёқадиган гапларни топиб сўзлаётганини пайқаб турарди. Амир Равнақ дўсти Музаффаровга бағишланган янги шеърини ўқиди:

* * *

Ф. М. га

Бошига тушганида ноғихоний қаттиқ кун, 19
Яхшилаб билиб олди: ким дўстию ким душман...
Ачинганларни кўрди ўзи каби бўлиб хун,
Сояси юриб, деди: «Гўё бир чалкаш тушман..»

Садоқату обрўйи, эллик йиллик меҳнати
Булғанмасин, дедилар, дўстлари бўлди тирак.

Қадрдон бўлиб кетган халқига унинг оти —
Инженернинг дили пок, юртига ғоят керак!

Аммо топилиб қолди сассиқ оғизларга иш —
Висир-висир... чеккада тарқатдилар уйдирма:
«Ўғли муттаҳам экан, отасин керак қувиш!
Обру билан юриш-чун мутлақо йўл қўйдирманг!»

Бу ҳеббимлар кимлиги ҳаммага маълум эди:
Фирибгар, маишатбоз, манманликка гирифтор...
Сиз, ахир, куласизми отанинг ташвишидан!
Узингизга бир боқинг, патосу оғзингиз ғор!

Бурнини жийиришиб, ўшқиритиб, бегуноҳ
Киши пайига тушиб, қилмоқ бўлдилар бадном.
Мен ҳали тирикдирман душманлар, бўлинг огоҳ!
Ҳақиқат — қилич қўлда, ҳали бордир интиқом!

Янглишдинг, хато қилдинг. Гуноҳ қилдинг, Хайрулла.
Кўзингни оч, жиноят қашқирига бўлма ем! 19
Интизому ақл ҳам одобу ҳалол меҳнат
Қаддинг кўтарар! Бу иш дардга қарши бўлар эм.

— Офарин!— деди Файзулла Аҳмедович,— жуда
яхши ёзибсиз. Ташаккур! Дилимдаги дардимни билиб-
сиз. Нобоп ўғил ҳаммамизни андуҳга солди,— унинг
кипригига икки томчи ёш илинди.

— Азизим, сизнинг андуҳингиз — менинг анду-
ҳим.

— Бу шеърни газетага боссангиз Хайрулла чиқиб
қолармикан?— Марҳаматхон жон-жаҳди билан шоир-
га тикилди.

Файзулла Аҳмедович билан Амир Равнақ бир лаҳ-
за жим бўлиб қолишди.

— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ...
Марҳаматхон, синглим, хафа бўлманг, ўғлингиз чи-
қади. Албатта чиқади.

— Айтганингиз келсин, мулла ака, юрак-бағрим
узилиб кетди. Мен адо бўлдим... Нодон бола нима иш
қилиб қўйди!

«Фикрни сўздан бошқа воситалар билан ҳам ифо-
далаш мумкин, фикрдан маҳрум сўз — мағиздан аж-
ралган пўчоқдир»,— дерди хотинига Музаффаров. У

бир гапни икки-уч бор такрорлаган кимсани хуш кўрмас, эзмалик олдида чидаб туrolмай, бомбадек ёрилиб кётарди.

Тиним куни Файзулла Аҳмедовичнинг уйида бўлишини биладиган Ишларбек Сапчабошев яна маст ҳолатда телефон қоқди. Телефон трубкасини кўтарган Марҳаматхондан бир оғиз сўзи борлиги, домлани чақириб беришларини сўради. Музаффаров истар-истамас трубкани қулоғига босди. У ёқдан маст одамнинг беандиша свози ёнида турган Марҳаматхонга ҳам шундоқ эшитилиб турарди: «Ҳей, домлажон, менинг домламсиз-а? Шунинг айтинг, инженер Музаффаровми-сиз?» Музаффаров: «Ҳа»,— деди. У ёқдан яна заҳарли овоз эшитилди: «Мен тўртта болани тарбиялаб вояга етказдим... Ажойиб болаларим бор. Мен отаман. Мен сотқин эмасман... Мен...»

Музаффаров унинг гапини бўлди:

— Нима демоқчисан?!

— Ҳеч нима! Сиз катта одамсиз, биламиз! Сиз, кимсан, академик Музаффаровсиз! Сиз партия аъзосисиз... Сиз...

— Нима демоқчисан?!— Музаффаров бақирди.

— Бақирманг! Бақиринг кетмайди! Бақирадиган вақтингиз ўтиб кетди! Мен сотқин эмасман!

— Сенинг сотқин, сотқин эмаслигингни билмайман!

— Гапим рост, домлажон, ха-ха-ха-ха-ха-а! Узининг домлам!

Музаффаров жаҳл билан трубкани қўйди. Бир муддатдан сўнг яна телефон жиринглади. Тутақиб турган Музаффаров, бошқа кимса бўлса керак, деб трубкани кўтарди. Яна ўша беибо, маст овоз:

— Ал-ло! Домлажон, мен сотқин эмасман...

Музаффаров трубкани қарсиллатиб урди. Нариги хонада турган Марҳаматхон чўчиб кетди. Шундан кейин Марҳаматхон бу ярамас кимсанинг яна сурбетлик қилишини пайқаб, телефон симини суғуриб ташлади.

— Бу аблаҳ ўз отасини шундай қилиб ўлдирганини эшитган эдим, энди менга тикилганга ўхшайди,— деди Музаффаров бир оз бўшашиб.

— Ўзи ўлсин!— деди Марҳаматхон шартта,— бу гаванда ўлса ҳамма тинчийди. Сизга ўлим истаса, худое ўзи ўлсин!

— Сиртлонга на йўлбарсу арслон рўпара келади: у кучли бўлганлиги учун эмас, жирканч ва ифлос, ўлим-

тикларни ейиши учун ундан ҳазар қилиб қочадилар. Йўлбарс сиртлон яқинига келмайди, ҳатто узоқдан кўрса ҳам лўкиллаб қочади. Билмай овқат ичига пашша тушиб, ичга кетса, албатта ўхчиб, уни қусиб ташламагунча киши тинчимайди. Сиртлон танига ҳеч қачон бирон йиртқичнинг тиши теккан эмас. Ёруғ дунёда шундай жирканч махлуқлар ҳам ўт-ўлану тупроқни босиб, сув ичиб юради... Кўппак йўқлигида ҳовлини бароқ мушуклар эгаллаб олганидек, қоплону йўлбарслар бўлмаганида даштда сиртлонлар ҳукмронлик қилади.

Сапчабошев ва сиртлон... Бу муқояса эҳтимол жонимасдир! Музаффаров ўйлаб, хаёл суриб қоларди. Углининг қамалиб қолгани, Ишларбекнинг атайин қилаётган сурбетликлари, шу йўл билан ўч олаётгани Музаффаров юрагига ларза соларди. У кейинги кунларда ҳолаш юрар ва юраги санчаётганидан тез-тез валидолшимарди. Ора-чора хотинига билдирмай йигирма томи валокардин ичарди. Кунлардан бир куни кечқурун елевизор кўриб ўтирган Файзулла Аҳмедовичнинг ўсатдан юраги санчиб, бир лаҳзадан сўнг ўзини билгай полга йиқилиб тушди. Саросимага тушган Марҳатхон эрига дори ичирмоқчи бўлди. Лекин Музаффаровнинг ҳуши ўзида эмас эди. Ранглари оқариб, кўриб кетган қизлари «Тез ёрдам»га телефон қоқишди. Тез ёрдам» машинаси етиб келганидаям Музаффаровнинг ҳуши ўзига келмай, полда ётарди. Уни машинада асалхонага олиб бориш асло мумкин эмаслигини айишиб, оҳиста кўтариб, каравотига ётқизишди.

Бу кўнгилсиз хабарни эшитган Қоражон шу куниёқ елиб, Файзулла Аҳмедовични кўриб кетди. Улар гап-ашиша олмади. Кўзи очиқ, қимирламай шифтга қааб ётган Музаффаров «не кунларга қолдик...» деганай бўларди инженер Қоражон Мингбоевга.

XXXV боб

НАМАНГАНДА ТУҒОН БУЗИЛИВ, ЧОРТОҚНИ СУВ БОСИШ ФОЖИАСИ

Биринчи Май куни қош қорайишига яқин кутилма-нда район радиоузелидан: «Диққат! Диққат! Гражд-инлар! Қорабоғ томондан сув босиб келяпти, болалар-и, бетоб кишиларни олиб, тезликда Кушан қирларига

чиқинглар! Сайхонликдаги кишилар, Кораскон аҳолиси, дарахтларга чиқинг!» Шу орада қўлига товуш кучайтирадиган аппаратлар ушлаган милиционерлар ҳам: «Гражданлар! Тезда болаларни олиб, баландликка чиқинглар, сел келяпти!» — деб ҳамма ёққа жар солишарди. Ногаҳоний бу совуқ товуш бир лаҳзадаёк Янгичўрғон райони аҳолисини ларзага солиб, оёққа қалқитди. Байрам куни, ҳамма шоду хуррам, масрур ўйнаб юрганида, меҳмондорчилигу базмлар бўлаётганида даҳшатли хабар! Капалаги учиб кетган одамлар ўрниларидан тура солиб, кўчада ўйнаб юрган болаларини қидириб қолишди. Радиоузелдан яна: «Гражданлар! Тўғон бузилиб, сув босиб келяпти...» — деган совуқ товуш такрорланди. Чортоғу Кораскон кўчаларида чақалоғини кўтариб, ёш боласини етаклаб чошиб кетаётган аёлларнинг ҳисоби йўқ. Кимдир ранги оқариб кетган, биров боласини тополмай, у ёқдан бу ёққа бақириб югурарди. Милиция, маъмурий ташкилотлар ходимлари одамларга ёрдам бериб, йўл кўрсатар, кўп болали кишиларнинг болаларини тепаликка олиб чиқиб берарди. Бу ерда ҳаммага таниш милиция офицери Раҳимов икки бор бола кўтариб тепаликка чиқиб келди-да, икки оилани тинчитиб, далда берди. Саросима ичида қишлоқдан чиқиб кетаётган аҳолини молхоналардан кузатиб турган сигирлар, боғлоғлиқ эчкилар бу кутилмаган қиёмат-қойимни сезиб, узун-узун маърашарди. Лекин ҳеч ким бу жониворларни ёнига бориб, етаклаб қочишни ўйламасди. Ҳатто бечораларнинг арқонини ечиб юбориш ҳам ҳеч кимнинг ёдига келмасди. Чортоқ кўприги, Алихон ва Қорабоғ қишлоқларига борадиган катта асфальт йўлда район ва область раҳбар ходимларининг машиналари ҳам пайдо бўлди — оқшом қоронғилиги ичида машиналарнинг икки кўзи ёниб у ёқдан бу ёққа югуришарди. Колхоз раиси Юсуфжон аканинг оиласи узоқда қолган эди, у Кораскондаги Эшон маҳаллада адашиб юрган икки болани кўтариб тепаликка югурди. Ҳали замон келадиган қуюн ҳамма ёқни босиб кетиш хавфи кишиларни саросимага солган — одамларнинг бир-бири билан иши йўқ, радиоузел ва милиционерлар қўлидаги овозни баланд қилувчи карнайдан: «Гражданлар, сел келади, тезроқ Кушан қирларига чиқинглар, ёш болаларни кўтариб олинглар!» — деган овоз танни зириллатарди. Қандайдир бир даҳшатли аждарнинг югуриб келаётгани одамларни ваҳимага солган эди. Улуғ Ватан урушининг

қатнашчиси, юз фашист газандани ўлдирган, юз ўлимдан қолган Қўчқор чўлоқ ҳам қўлтиқтаёқларини тўқиллатиб Қушан қирларига томон чопарди. У «оберштурмбанфюрер»ни ҳиқилдоғидан бўғиб тутиб олиб келганида эти андак бўлса ҳам жимирлашмаган эди. Уттиз йилдан ошди, лекин бостириб келаётган сел ҳамма нарсадан даҳшатлироқ эди. Эскигина гимнастёркасида уч Шухрат ордени шовдираб турган абжир Қўчқор кўчадаги бир болани қўлтиқлаб олиб тирақайлаганича чопиб борарди. «Худо берганга беравераркан, болаларнинг кўп бўлгани яхши, бири кофир бўлса, бири мусулмон...» — деб юрадиган Ойшабиби каттакон нон саватдаги пилла қуртини бошига кўтариб, лапанглаб тепаликка борар, корасконлик милиционер йўл-йўлаккай унга мурожаат этарди: «Қампир саватни ташланг, жонни сақлаб қолиш керак!» Қампир унга бир қараб қўйди-ю, индамай кетаверди. Сават ичидаги тут баргларида вижир-вижир ипак қурти эди.

Кечга яқин Чортоқсой атрофидаги қишлоқлар аҳолиси — мингларча ёшу қари — икки томон қирликлар сари чумолидек ўрмаларди. Орадан бир муддат ўтгач, ўн-ўн беш метр баландликдаги қорамтир бир нима вишиллаганча, даҳшатли шовқин солиб ўтиб кетди. Ундан сўнг яна ўша қора ваҳшат киши баданини жимирлатиб, совуқ бир вишиллаган овоз чиқариб келиб ҳамма ёқни босди. Тепаликда турган колхоз раиси наздида бу қорамтир сув фақат Корасконни эмас, барча далаларни, бутун дунёни босиб кетгандек бўлди... Ҳаёт тўхтади энди, деди у ўзига-ўзи. Ҳамма сув остида қолади, қайтадан Нуҳ алайҳиссалом чиқиб, дунёдаги жониворлардан бир жуфтдан қайиққа солиб олиб қолади-лар... Унинг хаёлида вишиллаб, ҳамма ёқни вайрон қилаётган қорамтир сув ер юзи косасига тўлаётгандай, қали замон қиру тоғлар ҳам сув остида қолиб кетадигандай бўларди.

Аслида, юқориликдаги Алихон қишлоғи остидаги Қорабоғ сув омборининг тўғони бузилиб, лиммо-лим турган улкан сув омбори ўз йўлидаги бетон кўприкларни бузиб, йигирма тонналик экскаватору бульдозерларни қутичадек оқизиб, дарахтларни тортқилаб йиқитиб, пахтазорларни босди. Чортоғу корасконликларнинг етти ухлаб тушига кирмаган бу даҳшатли воқеа каттадан-кичикни саросимага солди; улар сув балоси, ўт балосидан асра, деб бежиз айтилмаганини сезишди.

Шу куни Кораскон томонларда кучли ёмғир бўлган эди. Кундузи байрамни ўтказибоқ қурилиш штабига келган инженер-ирригатор Иномжонни Алихон томонида кучли жала қуяётгани ваҳимага солиб, машинасидан тушибоқ ўзини штабга урди. Кейинги ҳафта ичида сув омбори — улкан кўл лим-лим тўлганини ва бу меъёридан ортиқча эканини қурилиш бошлиғига айтган эди. У бўлса: «Сувни эҳтиёт қилишимиз керак, толшириқ шундай. Биласиз-ку, бултур пахтага сув етмади!» — деган эди. Иномжон миқ этолмади, чунки кўз олдига киши юзига қаттиқ гапирмаса ҳам кейин билиб ишини қиладиган «хушмуомала», маккор бир одам келди. У билан ўйнашиб бўлмас эди. «Ўйнашмагин арбоб билан арбоб урар ҳар боб билан...» деган гап мана шу одамга тааллуқли эканини биларди. Бир марта унинг чаққан заҳрини тортган, яна шундоқ бўлишини асло истамасди. Шу одамнинг бевосита буйруғи билан сув омборининг туннель дарвозалари маҳкам беркитилиб, сув чиқарилмаслиги, сувни тежаш қаттиқ тайинланганди, бултурги сув танқислиги уни қўрқитган эди. Реал ҳақиқатга қараб хулоса чиқариш, ўйлашни ёқтирмайдиган, бир қадар қотиб қолган одам эди у. Бу «раҳбар»нинг асосий фалсафаси: «Чопқир аргумоқ ҳозирча сенинг остингда экан, уни чоптир, гаштини сур. Сенинг аргумоқда жавлон уриб юришинг доимий эмас. Бир кун келиб бу аргумоқ ҳам ғойиб бўлади — яъни мансаб деган нарса ҳам абадий эмас... Ана ундан сўнг афсусланиб юрмаслигинг учун ҳозир гаштини суриб қол!» — дерди. У кўп ичганидан бурни учи қизариб, сочлари оқариб, сийраклашиб кетган эди. Илгариги инженер Ҳазратов у билан яхши тил топишарди. Ўз «кишилари»ни ва умуман ўзига алоқадор одамларни қўллаб-қувватлайдиган бу кимса Чортоқ сув омбори қурилишининг бошлиғи Ҳазратовнинг мукофотланишига ҳам сабаб бўлди. Шундан сўнг ошнаси Ҳазратов Республика Сув хўжалиги ва мелиорация министрлигидаги масъул ходимлар диққатига тушиб, Чортоқдаги «миниатюра» қурилишдан кейинчалик Чорвоқдаги «гигант»га кўтарилди. «Бола-чақани тинчитиб қўйиб, ишни дўндириб, соғ юриш ўзи бахт, — дерди у «раҳбар», — кексаликка иш қўймаслик керак. Кексалик — оҳу надомат! Давринг кепти — сур бегим! Одамзоднинг пули бўлганда ақли бўлмайди, ақли бўл-

ганда пули бўлмайди. Шу сабабли, давринг кепти, ўйнаб қол, бу дамнинг қаловатини ҳеч қачон тополмайсан!»

Кўлдаги сув лиммо-лим косадек чайқалиб турарди, бунчалик кўп сувни тупроғу шағалдан бостириб кўтаририлган тўғоннинг узоқ вақт ушлаб туришига шубҳа билан қарарди, Иномжон. Ишқилиб, шарманда бўлмайлик-да, деди юрагини қўрқув босиб. Қурилиш бошлиғи эрталабдан бошлаб маст бўлиб ётарди. Унинг қурилиш штабига келадиган ҳоли йўқ эди. Уч-тўрт кундан буён тинмай ёмғир ёғаётгани сабабли қурилишда иш тўхтаган, скрепер ва бульдозерлар тўғон пастада — ишлаб турган ерларида қолиб кетган. Фақатгина «МАЗ» машиналарини штаб ёнидаги сайҳонликка олиб келиб қўйилган эди. Узоқда, тўғоннинг чап томонидаги туннель ёнида жирафага ўхшаб кўтарма кран, ундан нарироқда бир неча цистерналар юмалаб ётарди... Иномжон штабда папирос чекиб ўтиравермай, бекорчиликданми ёки юрагига бир ваҳима тушганиданми, ишқилиб нимадир унинг қўлини телефон трубкасини кўтаришга ундади. У ҳозирги участка бошлиғи Хегайга қўнғироқ қилди. Хотинининг айтишича, у ухлаб ётган экан. Шундан кейин у трубкани қўйиб ташқарига чиқди — ёмғир тиниб, осмонда булутлар чоки сўкилгандай... У тўғон устига кўтарилиб, орқа томонда жимирлаб турган ложувард сувга қаради. Юрганида брезент этигига ёпишиб, бир ботмон лой кўчарди. Қир тупроғининг ундек ёпишқоқлиги ҳаво исиганида чангиб, билқ-билқ тупроқ бўлиши Иномжонни кўп ўйлатарди. Шағал, қум, тупроқ шиббаланса метин бўлиб кетиши тўғон учун жуда муҳимлиги институтда домлалар лекциясида кўп такрорланганини ҳам эслади.

Савқи табиий¹ бўлдими, Иномжон тўғон устидан юриб туннель яқинига келди — минг метрдан ортиқ масофани хаёлу лойга ботишлар билан ўтказиб, бетон туннель ёнида сув жилдираб оқаётганига кўзи тушди. Шу пайт соат олтилар эди. Жаладан қолган сувмикач, деб у югурганича пастга тушди. Йўқ, бу тўғон тагидан сизиб чиқаётган омбор суви эди. Унинг кўзлари тиниб кетди. Бир муддатдан сўнг кўпайиб, бир ариқ сув отилиб чиқа бошлади. Тўғон таги бир юз йнгирма метр; наҳот шунча масофадан сизиб чиқяпти? Унинг кўз олдида сув фонтан бўлиб отила бошлади. У югургани-

¹ Савқи табиий — интуиция.

ча штабга бориб, телсфон трубкасига ёпишди; райкомга, ундан сўнг милицияга, ундан сўнг... Унинг хаёлига бирон бульдозер ёки скрепер билан ўша сув чиқётган ерни бўғиб қўйиш келди. У шофёр йигит билан яна туннель томонга чошиб кетди. Тўғоннинг ярмисига етмасданоқ туннель ёнидан бир анҳор сув икки устун баланглигича осмонга кўтарилиб, вишиллаб, ҳайқириб чиқётганини кўрди. Унинг яқинига бориб бўлмас эди. Шу атрофда турган цистерналарни оқизиб кетди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас қаттиқ гумбурлаш пайдо бўлиб, тешиб оқётган тўғоннинг тепаси босиб тушди. Қуюн мислсиз даҳшат солиб, ўкириб, Чортоқ томон югурди. Иномжон кўз олдида тепаликда турган жирифага ўхшаш кўтарма крани бир-икки бошини чайқаб, йиғлагандек бўлиб сувга шўнғиб кетди. Иномжон оғир темирнинг сув юзида қалқиб оққанини умрида биринчи кўриши эди. Бульдозерлару бетон бўлаклари даҳшатли аждарнинг дам кифтига чиқиб, дам ичига кириб кетарди. Шовқин-сурон Чортоқ водийсини қонлаган. Ҳозироқ оёғи остида турган тўғоннинг ҳаммаси бузилиб, оқиб кетиши хаёлидан ўтди. Лекин чўкаётган кеманинг капитани бирга чўкиб кетиши лозимдек, жасорат анъанасига содиқ Иномжон жойидан қимирламасди. Намангани сув босса, Наманган адо бўлса, ўзининг тириклиги нега керак?! Ахир, унинг бола-чақалари сув остида қолиб кетса-ю, у жонини асраб қолса!

Қиёмат-қойим. Гумбурлаш, шамол... Табиат қаҳри. Ер сувга чўкарди. Бир-икки соат ичида Чортоқ томонларда ҳамма ёқни одам босди; партия ташкилоти, милиция, ҳарбий қисмлар келиб улгурди-ю, аммо тўғон томонга ҳеч ким ўтолмади. Йўллар бузилган, бетон кўприклар дабдала, айқириб оқётган сув унинг ўзини ҳам чархпалак қилиб юборарди. Бу мислсиз ёвуз қудратга тенг куч йўқ. Шофёр йигит штаб олдидаги машинани олишга ҳам улгуролмади, машина ғойиб бўлган. У қирга қараб қочиб кетди. Тўғон устида турган Иномжоннинг ҳуши ўзига келиб, қир томон юра бошлади. Рўпарада, кўз олдида мутлақо сувга ўхшамай қолган қандайдир бир ёвуз, ваҳший жондорга — афсоналардаги аждаҳога ўхшаган бало Чортоқсой водийсига — дам қирларга, дам ўрларга сапчиб, буралиб, пишқириб, ҳамма нарсани вайрон этиб, Наманган томонга югурарди. Иномжон назарида, қора аждаҳо остида Кораскон, Айқирон, Чортоғу Уйчи... бари қолиб кетди. Боя, икки соатлар бурун Чортоқ томондан келган сире-

Ҳанинг баданни жимирлатувчи қичқириқ овози ҳам шовқинлар ичида эшитилмай қолган эди. Иномжоннинг назарида Эскиер, Чуст, Тўрақўрғон сув омборлари ҳам тўғонни уриб, тошиб кетгандай, Наманган тепасидаги оромгоҳ ерларда ҳам каналга сув лиммо-лим тўлиб, шаҳарга таҳдид солаётгандай... Унинг кўз олдида шох-сумбати келишган, «ҳа бўл, ҳа бўл!» га кўпроқ эътибор берган, республика юбилейига «совға» қилиб, тўғонни фойдаланишга топширган собиқ қурилиш бошлиғи Ҳазратов ҳам келди. Бу силлиқ йигит Наманганга келиб, товўқхонага тушиб қолган хўрозлигидан ташқари, иши ҳам ҳаромроқ бўлган экан, деди у ўзига... Урушдан илгари, ўттиз еттинчи йилгача Уйчи районида райком секретари бўлиб ишлаган Иристов Намангандан Уйчигача катта йўл қурдириб, магистрал йўлнинг икки томонига тераклар экишнинг ташаббускори бўлган. Одамларнинг айтишича, ўша пайтда унга, «йўлни кенг қурдинг, терак ўтқаздинг», деб айб қўйилган экан. Ҳозир ўша мингларча гўзал тераклар ўлиб кетган Иристовни авлоддан авлодга эслатиб турибди. Бу ердан ўтганлар гўзалликни кўриб, унинг яратувчиларини яхши гаплар билан хотирлайдилар. Аммо наридан-бери ишни «қотириб», мукофот олишни кўзлаган маишатбоз Ҳазратовнинг халқ бошига солган фожиасини унутишармикан? Тупроқ яхши шиббалавчи, устма-уст қуруқ тупроқ тўкилаверди. Шиббаловчи машиналарнинг ҳайдовчиларига шароит яратилиб, назорат қилинмади. Улар баъзан сояда домино ўйнаб ўтиришди. Бу пайтда Ҳазратов махфий бир хонада ишрат суларди.

Бундан икки-уч соат илгари жамоат ва маъмурий ташкилотлар — милиция ва ҳарбий қисм вакиллари билан халқни қирга кўчираётган колхоз раиси Усуфжон ака кенг пахтазорда, ердан энди бир қарич бўй чўзган гўзалар ичида турарди. Рўпарасида кимсасиз қолган Кораскон қишлоғини сув босаётгани, зарб билан келган тўлқинлар уйларни ағдариб, баъзи синчлик уй деворларини тешиб чиқаётганини тун ғира-ширасида кўриб турарди. Ҳамма чироқлар ўчган, зулмат. Булутлар аро баъзан ярқ этиб кўриниб қолган баркашдек ой сув босаётган қишлоқни ёритар, лекин у ёритса-ёритмаса ҳам одамларини сув етолмас тепага чиқариб қўйиб, пастда, пахтазорда ёлғиз ўзи, «шу ерларни босолмайсан, пахтазорларни сенга бермайман!» деб ҳужумга чоғлангандай, ёлғиз қолган хипчагина раис

ҳамма нарсани, ҳамма ерини кўриб турарди. Унинг кўз олдида гуппа-гуппа томлар боса бошлади. Аллақадарда сигирнинг маъраши, қозиги ечилмай қолган эчкининг ноласи қулоғига етиб кела бошлади. Икки-уч соат аввал болаларни кўтариб Кушан қирларига югуришаётган пайтда, қўрқув ичида, молхоналардаги сигиру бузоқларнинг маъраши қулоққа кирган эмас. Шу лаҳза унинг кўз олдида яқинда туққан сигирию кичкина бузоқча келди. Ҳозирги гумбурлаб босган шу том молхона эмасмикан? Сигир тинмай ялаётгани бузоқча билан том остида қолмадимикан? У оёғи тагида бузоқ бўйича келган сув бир муддатдан сўнг нариги карта-ларга ҳам ўтиб кетганини, тиззасидан лойқа сувга ботиб турганини пайқамай қолди. Унинг хаёли Чортоқсой ва бетон кўприк томонларда гумбурлаб, вишиллаётган сувда эди. Чортоқсой деган, ёз бўйи шағал-тошлари қизиби, кичик бир сув оқиб ётадиган ер қолган эмас. Икки томони баланд қирлар билан ўралган водий лим-лим сувга тўлиб кетган эди. Шу онда бирон вертолёт билан водий устида учган киши сув устида қалқиб оқаётган дарахтлару мингларча бочкалар, томлар, кўрпа-ёстиқлару бешикларгача кўриши мумкин эди. Оқиб кетаётган қўю қорамоллар, аравалар сув юзида қалқиб-қалқиб кетарди. Даҳшатли бир манзара водийни камраган.

Тунда, соат ўн иккиларга бориб сув жуда авжига минди. Қирда, тепаликларда жон ҳовучлаб, болаларини қучоқлаб ўтирган одамларнинг кўзи пастдаги водийда, Чортоқсой ўзанида. Ҳеч нарсани писанд қилмай, кўприкларни, темир йўлларни бураб оқаётган сув бу ерда ҳам ҳоким эди. Табиатни енгамиз, табиат инсон ҳукмига итоат этади, деган гапларнинг бу ерда акси бўлди. Битта хато — осойишта, ложувард, осмон каби тиниқ сувни жунбишга келтириб, аждаҳога айлантирди. У халқ бошига мислсиз мусибат солди. Соат 2—3 ларда ҳам сувнинг қаҳри пасаймади. Тонготар, соат 4—5 ларга бориб сув тошқини жазавасидан тушиб, пасая бошлади. Чортоқ водийсида ўкираётган аждаҳо пасайиб, тинчиди. Ҳамма ёқ қуйқа сув, аммо бақириб, шовиллаб оқишлар тинчиган эди. Катта ер ўртасида тиззасидан сувга ботиб турган раис Кораскон томон юра бошлади. Унинг қўлида каттакон таёқ, балчиқ тўлган этиги билан азон маҳали шалоп-шалоп этиб юриб, қишлоқ ичига кирди. «Нима бўлди ўзи? Наҳстки, бир кечада шунча даҳшатли воқеа? Қишлоқлар чўкди, не-

ча минг гектар пахта майдонлари сув остида қолди. Янги ғўзалар чирқираганча ботқоқ остида қолиб кетди... Қўшини қирилиб, енгилган, қиличи синиб, қалқони тешилган саркардадек, раис сувда шалоп-шалоп қадам ташлаб, ёлғиз ўзи қишлоқ томон келарди. Шунча мусибатни худо юбордими? Бу худонинг қаҳрими? Худо ўз бандаларига мунча жафони раво кўрмаса? У Қораскондаги эшон сағанаси ёнидан ўтаркан, шундай овозлар қулоғига эшитилгандек бўлди. Бу фожиادا Ҳазратов қўли борлигини раис билмас эди. Агар у билганида ҳозироқ самолётда учиб, Тошкентга келар, ундан автобус билан Чорвоққа чиқиб, бу ерда савлат тўкиб юрган Ҳазратовни гирибонидан ушлар эди. У ўша номардни то Намангангача, ундан Чортоққача судраб олиб келарди. Ҳа, судраб олиб келарди! Бу ердаги бутун фожиани кўрсатарди, ундан кейин оёғининг остига олиб тепкиларди. Бир замонлар халқ бошига фожиа келтирган қўрбошини ҳам жамоа оёқ остига олиб, янчиб ташламоқчи бўлган эди. Халққа зиён етказганлари халқ қўлига бериш, халқнинг ўзи жазолаши тўғри бўларди, дерди раис.

Бу фожианинг сабаблари текширилмоқда. Дастлабки тафсилот ҳақида маъмурий орган область партия ташкилотига қуйидаги мазмунда докладнома ёзди:

«Мазкур йилнинг Биринчи Май куни маҳаллий вақт билан соат 20 да Чортоқ сув омбори тўғони ўпирила бошлади. Тўғон бузилишининг олдини олиш ва сув тошқинига йўл қўймаслик учун барча эҳтиёт чоралари кўрилди. Шунга қарамай тўғонни бузилишдан сақлаб қолиш мумкин бўлмади, сув тўғонни бузиб, Чортоқсой бўйлаб мислсиз суръат билан оқа бошлади.

Сув тошқини хавфи маълум бўлгач, Чортоқсой атрофида яшаётган аҳоли огоҳлантирилди, шунингдек, бу ҳақда қўшни Уйчи ва Наманган районлари ҳамда Наманган шаҳри аҳлига ҳам хабар берилди. Жамоатчиликнинг уюшқоқлик билан қилган ҳаракати натижасида зудлик билан 60 кишидан иборат оператив, техник воситалар билан таъминланган ОВД шахсий состави йиғилди. Ленин колхози, Ойқирон ҳамда Қораскон қишлоқ Советлари ва Чортоқ посёлка Совети биргаликда халқ кўнгилли дружиначилари аҳолини хавfli зонадан шошилиш олиб чиқишда фаол қатнашдилар. «Чортоқ» санаторийси биноларига бирма-бир кириб чиқишди. Бу ишда уларга қишлоқ Советларининг ГО-20

деб номланган 4 та овозни кучайтириш асбоби, 3 та радиостанцияси қўл келди.

Умумий тартиб органлари ўз вақтида ҳаракат қилганлари натижасида, байрам куни бўлишига қарамай, сув тошқини бўлиб ўтган жойларда бирорта ҳам тартиббузарлик ҳоллари рўй бермади. Барча ташкилий ишларда ОВДнинг шахсий состави ҳамда қишлоқ Советларидан жалб этилиб тузилган дружина аъзолари мардлик ва фидокорлик кўрсатдилар...»

XXXVI боб

«МУРДОР УЛУРМУ БАҲР ЕТУРСА КИЛОБ ЛАБ!...»

Хотинининг Хайрушка билан гап бўлганини эшитган Қоражоннинг дарду дунёси қоронғи бўлиб кетди. У аввал ишонмади, лекин ўртада шайтон бор... У ўйлашиб қолди. Бориб ўша «суюқоёқ»нинг юзига тупуриб, Хайрушкани дабдала қилсамикан? «Йўқ, исбот керак, — деди ўзига-ўзи. — Қанақа исбот? Бу нарсани исботлаб бўладими? Шармандалик!» У Қўнғирбуқа чўққисига чиқиб, орқадаги тик жарликка ўзини ташлаб юбормоқчи бўлди. Дунёга келиб, гурбатдан бўлак нима кўрдим?! Бир ишонган кишим, севикли инсон шундай сотқин бўладиган бўлса, дунёнинг нима қизиғи бор?! Агар унинг ўйнаши ўша Хайрушка қамалмаган бўлганида нима қилишимни ўзим билардим! Мен бир ёнган одамман! Мен бир ўлиб кўрган одамман — менинг учун ўлимнинг қўрқинчли томони йўқ, бошқаларнинг оёғи қалтирайди. Наҳотки, эътиқодимиз бир, фронтчи Милтиқбой аканинг қизи шунақа бўлса?! Наҳотки, у ҳирсга берилиб кетди?! Унинг хоинлик қилиши асло мумкин эмас эди-ку! Ваъдаю вафо қани? Ёки мен, бир чандиқ одам... ёқмай қолдимми? У менинг қучоғимда ҳамма нарсани унутарди, дунёда ёлғиз сиз ўзингиз, дерди-ку?! Бу гаплар ёлғонмикан? Бир ой, ярим ойга чидолмайдиган жувонларданмикан? Бу қандай шармандалик! У ўзининг эркаликларини, ёқимли қилиқларини Файзулла Аҳмедович уйида ҳам қилган. Шилдир Хайрушка унинг изига тушиб, лақиллатган. Наҳотки,

¹ Ит тилини теккизгани билан денгиз ҳаром бўлиб қолармиди? (Огаҳий.)

аёллар шундай ожиз, алдаганга, хушомадга учади? Наҳотки, муҳаббат деган нарсa вақтинчалик, уни дарроз ўзгартириш мумкин? Наҳотки!.. Наҳотки!.. «Турмуш — ўтмас арра билан қуриган тўнкани қирқиш — эр бир томон, хотин бир томон...» — деган эди-ку шоир. Амир Равнақ ҳам Қоражоннинг кўзига ёмон кўриниб кетди. Бу одам Гулгунни гўзал деб мақтаб, шеърлар ёзди. Сен шоир бўлсанг, унинг ҳуснини мақтамай, меҳнатини куйлаш керак эди, садоқат ҳақида шеър ёзиш керак эди! Оҳ, ўлдим, куйдим, деб ёзиб, ёшларни бузиб юбораётирсиз!

Имзосиз хат... Бу хат Қоражоннинг бағрига урилган ханжар бўлди. У, мана, бир неча кундан буён жонини қўярга жой тополмайди. Бу гапни ҳеч кимга айтмайди ҳам. Уша «базми жамшид...», Файзулла Аҳмедович қизлари ва бошқа жувонлар ўртасида айтилган эски қўшиқлар, «Ака, ёшман, ёмон йўлга бошламанг...» деган ашула, зиёфатнинг тафсилоти, Хайрушканинг ошнаси — киши билмас жуда бойиб кетган райпишчеторг мудирини ҳовлисидаги базм, бу ерга Обакихоннинг келгани — бари, бари маълум бўлди.

Қоражон беихтиёр тишларини гижирлатди. Бу чириш-ку! Бу, текин томоққа семирган «бойваччалар» уйига Гулгун қайси юз билан борди экан?! Наҳотки, базми шаҳарликлар шунақа бўлиб кетган? Мен нодон нега хотинимни шаҳарга юбордим? Мутлақо рози бўлмаслик керак эди! Афсус! Минг афсус!

Уша беибо қўшиқ, имзосиз хатда ёзилганидек, Қоражон қулоғига эшитилиб, ғазабланди. Амир Равнақнинг: «Токдан вақтида узумни олинмаса, елини тўлиб кетган сигирдек занглар азоб чекармиш...» — деган гапи ҳам Қоражон хаёлидан ўтиб, уни яна мавҳум, қоронғи ва шубҳали хаёллар қуршади. Беибо қўшиқ! Унинг боши қотиб қолган, бошини икки кафтига олиб, тинмай ўйларди. Ёки ҳаётнинг шундай пасту баланд, ҳақу ноҳақ томонлари билан келишиш керакми? Хотининг чиройли бўлса, унинг шундай куйдиришларига бардош бериш керакми? Ҳаёт ўзи шунақа, кўплар мана шундай «ҳаётнинг инжиқликлари»га кўниккан, бўлмаса яшаб бўлмайдими, дегандай бир овоз ҳам эшитилиб кетди...

Қоражон ҳозироқ Тошкентга югурмоқчи бўлди. Аммо бир бўлак муз юрагига ёпишиб, совитди. У Тошкентга эмас, яна ўз қишлоғига жўнади,

Ҷиш. Ерлар оппоқ қор. У даралар оша қишлоққа келарди. Узоқда Чирчиқ шовиллайди. Хўжакент тепасидаги қоялар қора девларсимон хўмрайиб туришарди. Довон оша сўқмоқ йўлда кетаётган Қоражон олдидан йўлни кесиб бир нима ўтгандай бўлди. У аввал эътибор бермаган бўлса ҳам бир лаҳзадан сўнг эти жимирлашиб кетди. Бу нима? Тик қоятошлар ёнига яқинлашганида бояги шарпа — қорамтир «ит» яна лип этиб йўлни кесиб ўтди. У чиябўрига ўхшарди. У Қоражоннинг юзига бир қараб қўяру яна қор устидан чопиб, ғойиб бўларди. У итми, чиябўрими — билиб бўлмасди. Бу шарпа Қоражон юрагига қўрқув солди. Асаблар қақшаб, руҳий азоб чекиб юрган киши кўзига шарпалар кўринаверади, ҳар қандай иродали одам бўлса ҳам ожизлик жарлигига юмалай бошлайди. У қўрқмади, унинг энди қўрқадиган нарсаси қолмаган эди, на шарпа, на бўри ва на жонига қасд қилган йўлтўсарлар қўрқита оларди! У ёлғиз қоялар оралаб ўз қишлоғига борарди. Қишлоққа кираверишда, эшик тепасига шинамгина қилиб солинган болохонада чироқ ёниб, дуторнинг ҳазин овози эшитиларди. Бу Холмурад деган муаллим йигитнинг уйи. Бешта фарзанд кўрган бу йигитнинг вафодор хотини бултур рақ касалидан ўлди. Майда болалар ичида қолган Холмурад болаларини ухлатиб, тепасига кампирни қўярди-да, ўзи эшик тепасидаги болохонага чиқиб, бозиллаган сандалда эртанги дарсга тайёргарлик кўрар, ўқувчиларнинг иншосини текширарди. Ишларини битиргач, қозикдаги дуторини олиб, юракдаги дардини титроқ торлар тили билан айтарди, йиғлагандек бўлиб, фарзандлари бахтини кўриб қувнолмаган вафодор хотинини эсларди.

Қишлоқда кўп эшиклар занжирланмайди. Қоражон бир муддат кўчада туриб, дутор навосини тинглади. Дутор дам юраги тўлиб ҳўнгиллаганга, дам эзилиб йиғлаганга, дам қайнаб-қайнаб гаплашганга ўхшарди. Дам чертмакка ўтиб, ўша жонон зарда билан юриб чиқиб кетганга; дам елкасига осилиб, ўпич бераётганга; дам буралиб, ифбат билан кулиб турганга ўхшарди.

«Ҳар ким ўз дардини эслаб чаларкан-да, — деди қишлоқ кўчасида тунда ёлғиз қаққайиб турган Қоражон, — мана, азизим Холмурад, иккимиз ҳам бир хил, иккимиз ҳам ўз жуфтини йўқотган оҳулардек дилимиз бўзламоқда, дилимиз ўртанмоқда. Лекин иккимизнинг ғамимиз икки хил: биримиз вафодоримизни йўқотдик, биримиз бевафони...»

Қоражон эшик орқасидаги лопиллаб турган тахта зинадан кўтарилиб, ошнаси ёнига кирди.

— Ия, Қоражонмисиз?

— Ҳа. Ассалому алайкум!

— Салом!

— Дуторингиз овозини эшитиб, эшигингизни босиб ўтиб кетолмадим.

— Хуш келибсиз! Қани, қани, марҳамат!

— Икки кун дам олиш. Шу сабабли кампирни кўриб кетай, деб келаётганим.

— Машинангиз йўқ, пиёда?

— Ҳа, дўстим, пиёдаман. Участка бошлиғи вазифасидан бекор бўлганман. Ҳозир «БелАЗ»да ишлаяпман. Холмурад индамай қолди. Бир лаҳзадан кейин у пастга тушиб, чой олиб чиқмоқчи эди, Қоражон тўхтатди.

— Безовта бўлманг. Менга «Чўли проқ»ними ёки ўзингизга ёққан бирон куйни чалиб беринг, илтимос қиламан. Мен дуторни жуда соғиниб қолганман, дўстим. Бир чалинг! Менга бошқа нарса керак эмас.

Холмурад дуторини қайта қўлга олди.

Тун. Жимжитлик. Узоқдан шаршара овози келарди. Аҳён-аҳёнда қари бир кўпшакнинг эринчоқлик билан вов-вов деб қўйган товуши эшитилади. Тоғ ораллигидаги шинам қишлоқдаги хоналардан бирида ўзбекининг жон олғувчи сози — бебаҳо дутор овози янгради. Бошини солиб, хаёл дарёсига ғарқ бўлган Қоражон кўз олдида Гулгун дам кулиб, ҳазил-мутойиба гаплар айтиб, орқадан келиб Қоражон кўзларини маҳкам бекитиб, қулоқларини секин тишлаб қўйгандек бўларди. Бир дамдан сўнг, у бир гуноҳкор одамдек йиғлар, юзларига қаролмасди. У илгариги Гулгунга ўхшамас, унинг лаблари бўялган, кўзлари ости, қовоқлари кўкариб кетган эди. Бир лаҳзадан кейин эса беибо, бети қаттиқ қизлардек Қоражонга чақчайиб қарар, суюқоёқ жувонларга хос қаҳ-қаҳ уриб, сохта кулар ва ҳеч нима бўлмагандек, ёлгон гапирарди. Хаёл ичидаги Қоражон, ё тавба, деб ёқасини ушлагандек бўларди, одам ҳам шундай тез ўзгариб қоладими? Жувонлар бузилиб, нопок йўлга ўтиб олгач, ёлгон гапирарди, гапга уста бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам пинагини бузмай, шубҳаю ишончсизликни бир лаҳзада йўқотишга уринади. Бўянади, безанади, тез-тез янги кийимлар кияди, меҳнату ўқишдан кўра айшу ишрат, базму кўнгил очарларни истайди. Гапга уста, келишган йигитларни ёқти-

ради... Гулгун унинг назарида мана шунақа бир уста жувон бўлиб қолгандай...

Холмурод билан Қоражон аллавақтгача бирга ўтиришди, ўртада гап кам бўлди. Кўпроқ ёлғиз дуторнинг ўзи гапирди. Ҳамқишлоқларнинг дардлари бир-бирига ўхшаш эканлигини сезишди. Муаллим йигит Қоражонга тикилиб туриб, дард чекаётган бир ўзи эмаслигини пайқади.

Икки соатлардан кейин Қоражон ўрнидан қўзғалиб, ўз ҳовлиси томон юрди. Унинг қулоғида дутор оҳанглари, кўз олдида эса бевафо Гулгун...

Шанба, якшанбани қишлоқда ўтказган Қоражон душанба кунини Чорвоққа тушди; гаражга келиб, ўз «БелАЗ»ини минаётганида бошлиқ унинг тезликда Бошқармага боришини, шаҳардан чиққан бир одам кутиб ўтирганини маълум қилди. Қоражон ҳайрон бўлди. Шу муддат ҳовлида эгасиз шўппайиб турган ўзининг «ТТ»сига минишга руҳсат олиб (бу эски машинани Ҳазратовнинг кўнгли тортиб минмаган эди), унга чиқди-да, гуриллатиб Бошқармага жўнади. Бунда уни кутиб турган Амир Равнақни кўриб, ҳайрон бўлди. Улар ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, божа (Файзулла Аҳмедович)нинг инфаркт бўлиб ётгани, аҳволи ёмон эканлигини, ҳамда уларнинг ҳовлисидан чиқиб кетган Гулгун бегуноҳ экани, уни ташлаб қўйиш яхши эмаслигини айтди. Файзулла Аҳмедовични ҳам, рафиқангизни ҳам кўришингиз керак, деди қатъий. Шоир жуда ҳам ҳаяжону таҳликада эди. Қоражон уни бундай ҳолда ҳеч кўрмаган эди. У яна бир бориб ўз қадрдони Файзулла Аҳмедович билан кўришиб, хайрлашиб қолмаса жуда армон бўлади, деди.

Қоражон аҳвол жиддийлигини, қадрдон кишиси қил устида турганлигини сезиб, шу ердан гараж бошлиғига телефон қилди-да, Амир Равнақни ўз машинасига солиб, физиллаганича шаҳарга тушиб кетди. Орқанда шоирнинг машинаси келарди. Хўжакент билан Товоқсой оралиғида тезликни юз-юз йигирмага чиқаришди. Ундан сўнг то Исканларгача юзда, ундан то Дўрмонгача саксонда келишди. Бир ярим соат деганда Музаффаровлар ҳовлисига етиб келишди. Улар Файзулла Аҳмедович билан бир-икки имо билан гаплашишгач, Таманно Қоражонни ҳовлига чақириб, эрта билан отаси тайинлаган гапни айтди: «Гулгуннинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, у жуда покиза жувон, ифвогарларнинг гапига қулоқ солмасдан, ҳозироқ бориб, уни дугонаси

уйдан олиш лозим». Бугун эрта билан Файзулла Аҳмедович: «Гап бериб қўйишимдан» олдин, мен бу англашилмовчилик йўқолганини эшитишим керак», — дебди. Ўғлининг қамалганидан кўра ҳам Қоражон оиласининг бузилиши унинг учун жуда оғир эди. «Қонуний туғилиб, обрў билан ўлиш бахт», деб юрадиган Файзулла Аҳмедович, шоирнинг ҳазиллашишича, қонуний туғилиб, обрў билан тупроққа боришни кутиб ётарди.

Музаффаров ёнида бир муддат турган Қоражон катта, кўркам, «музей» деб аталадиган хонадан ҳовлига чиқди, Марҳаматхон аяга далда бериб, Файзулла Аҳмедович тузалиб оёққа туриб кетадилар, деди. У Музаффаровлар ҳовлисига кириб, бир соатлик вақт ичида бир дақиқа ҳам қовоғини очмади. Турмада ўтирган ярамас ўғил ўз қилмиши билан отани инфаркт ва Гулгунни бадном қилди. Мунча касофат экансан, деб йиғларди Марҳаматхон ўғлининг қилмишларидан куйиб. Таманно аллақачон Қоражон машинасига чиқиб ўтирарди. У «виждон амри», софдиллигини изҳор этмоқ мақсадида Гулгун кўчиб борган Пучуқ қиз уйини кўрсатиб, Қоражон билан Гулгунни учраштириб қайтиб келмоқчи эди. Бу ишни Марҳаматхон унинг қулоғига роса қуйган. Амир Равнақнинг Чорвоққа боришини ҳам Марҳаматхоннинг ўзи ўтиниб илтимос қилган эди.

Иўлда Таманно ўртадаги сукутни бузди.

— Гулгун ҳақидаги гап — пуч гап! Мен бу билан хонадонимизни ҳимоя қилиб, сизни хотиннингиз билан ярашиб, тинч бўлинг, деяётганим йўқ, мен ҳақиқатни гапиряпман. Мен ҳамма вақт Гулгун билан бирга бўлганман. У жуда ҳам яхши қиз, покиза қиз. Агар мен эркак бўлганимда, сизнинг ўрнингизда бўлганимда, уни бунчалик ташлаб қўймас эдим... Қасам ичиб айтаманки, Гулгунда гуноҳ йўқ! Гулгун покиза!

Қоражон индамади. Навоий кўчасидан ўтишгач, Таманно «ўннга», «чапга», деб йўл кўрсатиб турди. Ичкарилиқдаги бир ҳовли эшиги ёнида машинани тўхтатишиб, дарҳол ичкарига киришди. Уларнинг ҳовлига киришганини кўрган Пучуқ қиз югуриб эшик очиб чиқди. У Таманнони танирди. Чандиқ Қоражонни ҳам бир кўришда таниди. Шу йиғитни Гулгун бир ҳафта уйдан чиқмай, нигорон бўлиб кутган эди.

— Келинлар!

— Гулгун борми? Чақиринг!

— Яқинда чиқиб кетган эди, — деди Пучуқ қиз афсуслангандай, — сиз ўртоқлари бўласизми?

Қоражон бош ирғади.

— Боядан бери хат ёзиб ўтирган эди. Бечора сизни жуда кутди. Кечадан буён тинмай йиғлади. Шунча овутомсам ҳам бўлмади. Уқишга ҳам бормади. Столи устида сизга хат ёзган, конвертда, менга кўрсатмади.

Қоражон югурганча хона ичига кириб, стол устидаги конвертни олди. Конверт устига «Қоражон акамга» деб ёзилган. Қоражон ёпиштирилган конвертни дарҳол йиртиб, хатга кўз ташлади:

«Бебаҳо баҳодирим Қоражон ака! (Гулгун аввал «эрим» сўзини ёзиб, уни ўқиб бўлмайдиган даражада ўчириб, ёнига «Қоражон ака»ни ёзган эди.) Мен Сизни анча кундан буён кутдим, энди маълум бўлишича, Сиз мендан юз ўгирдингиз, жирканяпсиз. Аслини олганда мен бегуноҳман ва Сизнинг илгариги Гулгунингизман. Мен ҳеч қачон Сиздек бир олижаноб одамни, юракдан севган кишимни бир фирибгарга алиштирган эмасман, мен ҳали бу даражада пасткашликка ўтмаганман. Мен хиёнат қилмаганман. Лекин мўътабар хонадоннинг талтайган, ахлоқи нопок боласи ўз хулқи билан мени бадном қилди. Сизнинг юрагингизда шубҳалар пайдо бўлди, ифвогар кимсалар учун гап топилиб қолди. Мен ўзим қийинчилик билан ўсган бир қишлоқ қизи эдим, ҳаётда омади келмаган, бир инвалид кимсанинг бахти очилмаган фарзанди эдим. Сизни севиб, сизга тегар эканман, бахтимни топдим, деган эдим. Бу бахт мени ўқишга, олий маълумот олишга ундаган эди. Начора, қисматим ёмон экан. Мен ҳаётни бир майсазорга ўхшатибман, аммо бу майса гуллар ичида чўкиртаклар, заҳарли тиканлар борлигини билмабман. Майли, қисматим шу экан... Отамни, Сизни уялтиришдек азобга чиқолмайман... Мен номи қора, ахлоқсиз қиз, деган маломатни эшитишни истамайман! Мен покизаман! Игвони фақат сўзим билан исботлаб, асосизлигини айтишдан бошқа чорам йўқ. Акажон, мени кечиринг. Мен Сизни севаман. Гуноҳим йўқ. Мени ёмон сўз билан эсламанг.

Адо бўлган Сизнинг *Гулгунингиз*».

Қоражон хатни ўқиб, охирига етмасданок ёнида ҳеч гапга тушунмай, ҳайратланиб турган Пучуқ қизга қаради:

— Қаёқча кетди?

— Билмайман, Анави...

— Хўш? «Анави» нима?! Нима дедингиз?!

— Хатни ёзди-да йиғлаб чиқиб кетди. Шунча овутомсам ҳам ҳеч бўлмади. «Мен энди ҳеч кимга керак эмасман. Иккинчи бор турмушим бузилиши... Мен ҳозир кутубхонага бораман, ундан сўнг қишлоққа чиқиб кетаман...» деди, холос. Лекин кейинги пайтларда Анҳор бўйига бориб дарс тайёрлаётган эди. Уша жойини менга кўрсатган. Қишда ҳам сув бўйига борасанми, деб сўрасам, шу айқирган сув Чирчиқдан, бизнинг Сижжакдан ўтадиган Писком билан Чотқол дарёлари қўшилиб, Тошкентга келади, деган эди. Лекин Писком билан Чотқол суви қўшилса ҳам, одамлари қўшиломмаяпти, деб кулган эди. Бечора бунда етим қўзидек ичдан бўзлаб юрибди. Юрагида гапи кўп, кимга айтади. Мен ҳеч нарсага тушунмаётирман. Сиз ҳақингизда доимо энг яхши гапларни айтарди. Сизни жуда кутди. Уни ташлаб қўйиб яхши қилмадингиз. Тошкентга келиб ўқишнинг шунақа машаққатлари бор, чидаш керак, дедим мен унга.

— Уша ерга борайлик! Тезроқ бўлинг!— Қоражон ёш болалардек ҳовлиқиб, ранги ўчиб, тезроқ эшикка чиқишга интиларди. Унинг гапларидан латта ҳиди келаётганини бояёқ пайқаган, ўзини қўярга жой тополмай, қақраб, лаблари ёпишиб, тез-тез Таманнога маъносиз қараб қўярди.

— Кутубхонага борамизми?— Пучуқ қиз сўради.

— Йўқ, сув бўйига!

Улар учов машинага ўтириб баланд кўприк остидан айқириб оқаётган Салор томон югуришди.

— Чиқиб кетганига қанча бўлди?— машинада сўради Қоражон.

— Бир соатдан мўлроқ...

* * *

Музаффаровлар уйдан чиқиб кетгандан кейин Гулгун билан Қоражон фақат бир марта институтда учрашишди. Бу учрашув жуда ҳам совуқ бўлган эди. «Мен Тошкентда туролмайман, мен ўқишни ташлаб кета қолай...»— деганида Қоражон заҳарли сўз билан: «Сиз бу ерга ўқишга келгансиз, фақат ўқишга! Шунини биласизми!»— деган эди. Ясан-тусан, қувнаб юрган Гулгун бир зумда руҳи сўниб, Хайрушканинг шилқимлиги... Қоражон қулоғига етганини фаҳмлаган эди. Гулгун

миқ этмай, ерга қаради. Бу ерга қараш Қоражон юра-
гидаги шубҳалар бўронини кучайтирди. Бошқа бирон
гап айтиб, Гулгуннинг дилини оғритгиси келмади, чуқ-
ки бир нарсани обдан пишиқ билмай туриб, кишига айб
тақаш — фазилат эмас. Бу учрашувда Қоражон уни
сизлади, бу ҳам Гулгун қалбига наштар бўлган. «Пу-
лингиз борми?» — «Ҳа, бор. Етарли...» — деган эди
Гулгун, гарчи ёнида пули тугаган бўлса ҳам. Шундан
кейин улар совуққина хайрлашишди. Қоражоннинг бар-
ча илтифотлари сохта, унинг юраги тўла алам, шубҳаю
ишончсизликларга тўлганини Гулгун жуда яхши пай-
қаб турарди. Ўша, Хайрушка деган ярамаснинг Ҳаз-
ратовлар билан ҳам танишлиги, алоқаси борлигини ан-
лаган. «Хайрушканинг шилқимлиги, — деди ўзига-ўзи
Гулгун, — демак, Қоражон қулоғига бориб етибди-да...
Энди нима қилиш керак? Тўғриси айтиб, йиғлаш
керакми? Уқишни ташлаб, қишлоққа кетиш керакми?
Ёки Қоражонга димоғ қилиб, агар у шубҳаланиб, Хай-
рушкага ишора қилса, лўлилик қилиб, бақириб, ури-
шиб ташлаш керакми? Ёки ялиниб, узр сўраш керак-
ми? Нима қилмоқ керак?» Гулгуннинг боши қотиб қол-
ган эди. Аммо у Қоражонни яхши кўрар эди. Унинг эр-
калаларини, кучли прода, оқ кўнгиллигини ҳамма-
дан юқори қўярди. Наҳотки, шу шилқимлик сабаб бў-
либ, турмушлари бузилиб кетса?! Бундан бир неча ой
илгари ўқишдан чиқишини мўлжаллаб келган Қора-
жон билан кинога тушишганида, залда илгариги эри-
ни кўриб қолган эди. Бу кимсани Қоражон танимас,
лекин Гулгуннинг «бир ойча умр қилиб, мурасалари
келишмаганидан» хабари бор эди. Рўпара келиб қол-
ган бу кимса олдида у қизариб кетди, лекин нима қи-
лишини билмай Қоражонга гап қотиб, унга эркаланган
эди. Фавқулодда бундай қайноқ ҳаракатни кўриб, Қо-
ражон кулиб қўйган эди. Гулгуннинг жуда ҳам оч-
либ, чиройли бўлиб кетганидан у албатта куйган. Аммо
юзлари чандиқ, ёши ҳам ўтинқираган одам билан юр-
ганига ҳайрон бўлиб: «Юрадиган бўлиб кетибди», деб
ўйлаган бўлса ҳам керак... Бу, ниҳоятда сирли ҳолатни
Қоражон сездимикан? Агар сезган бўлса, унинг бир
зумда қизариб кетиши эрида яхши таассурот қолдир-
маган... Қоражоннинг совуқ хайрлашиб, унинг ёнига
келмай қўйганига шу ҳам сабаб бўлдимикан?

Ун кундан бери Гулгун Қоражонни кутади. Қора-
жон унинг тушларига ҳам кирди. Ҳамма гапни очиқ
айтмаса-да, ойсини жуда соғинганини, уйдагилар ун-

дан хафа бўлишдими, келишмаётганини дугонаси Пу
чуқ қизга айтган эди. Дугонаси фақат ойисини эмас,
эрини ҳам соғинганини биларди. Қишлоққа бориб кели
қолсанг бўлмайдими, деса, Гулгун дарслари кўплигини
баҳона қиларди. Бултур шу кўчалик бир жувон ўзини
ўтиб кетаётган троллейбус тагига ташлаганида, трол
лейбус ҳайдовчи йигит эпчиллик билан тормоз бериб,
югуриб тушиб, ёш жувонни қутқариб қолган эди... Нега
бундай қўрқинчли, фожиавий хаёллар қуршаётганини
ўзи ҳам билмасди. Танкда ёнган йигитни шубҳа муз
ликлари ичига отаётганидан ўзи қийналарди. Бир
одамга шунча жафоми? Унинг шунча кўргиликлари
ўзига етмасмиди? Уйланиб олиб, тинчгина яшайман,
деганда яна шубҳалар... Бекорга хафа бўлаётганини
унга тушунтириб бўладими! У бир шубҳали нарсани
обдан текшириб, ишонмагунча тинчимайди. Уни қан
дай қилиб ишонтириш керак! Гулгун боши берк кўча
га кириб қолди. У нима қилишини билмасди. Ҳамма
дан ҳам севикли кишиси — эрининг юз ўгирганлиги
ўлимдан ҳам оғир бўлди. Мана, ўн кундирки ундай
дом-дарак йўқ. У энди келмайди...

Гулгун хат ёзди-да, пальтосини кийиб, момиқ рў
моли билан бошини ўради. Унинг хаёли жойида эмас
эди. Нима қилаётганини ўзи билмасди. Гўё кутубхона
га кетаётган бўлиб, қўлида папка, қор учқунлаб ту
ганда тўппа-тўғри айқириб оқаётган Салорнинг баланд
кўприги устига келди. Бунда сув икки катта туннелга
шиғиллаб кириб, юз метрча наридан айқириб, ваҳима
билан чиқиб кетарди. У кўприкнинг чўян панжарала
рига қўлини қўйиб, сувга тикилди: наҳотки, унинг қис
мати шу бўлса? Наҳотки, у бир неча минутдан сўнг
ғойиб бўлиб, ёруғ дунёдан ўтиб кетса... Бадномлик,
шармнинг совуқ қўли уни сувга итара бошлади, қан
дайдир бир овоз: «Ташла ўзингни, э, қўрқоқ, ташла!
Бир лаҳзадан сўнг сен бу машаққату, ҳақорату гап
сўзлардан тамоман қутуласан! Сен ҳомиладорга ўх
шаяпсан, бу ўша ярамас ўйнашидан бўлган, деб эринг
ҳам тан олмай сени ҳақорат қилади. Бола кимни ота
дейшни билмайди... Ташла, бу ҳақоратдан бир йўла
қутуласан» — дегандек бўларди. Аммо, ёруғ дунё, ҳаёт,
Сижжакда ўтирган онаси унинг елкаларидан ушла
гандек бўларди: «Тўхта, тўхта, жоним қизим! Сен шай
тон васвасасига учрабсан, сен яшашинг керак! Сен ҳам
мамиз учун ҳам яшашинг керак! Сен юрт учун ҳам
яшашинг керак! Сен комсомолсан, комсомол тарбияси

қани?! Йиртқич душманлар билан курашда матонат кўрсатган комсомоллар авлодидансан-ку! Наҳотки, сен шу даражада иродасиз бўлиб қолдинг! Сенинг отанг ким? Сенинг отанг юрт қаҳрамони! Орқангга қайт, болам! Иродали бўл!»— деган овоз қулоғига эшитиларди.

Қор ёғарди. Изғирин. Кўчалар кимсасиз. Ҳар замон-ҳар замонда кўприк устидан трамвай гумбурлаб ўтиб қолади. Ундан кейин троллейбус ҳам. Айқириб оқаётган Салор кўпригида ёлғиз турган қизга ҳеч ким эътибор бермасди.

У энди ортиқ хаёллар талошига бардош бериб ўтирмади. Васвасаю шубҳанинг совуқ қўли уни итара бошлади; у кўприкнинг чўян панжаралари устига чиқаётганида аллақандай бир машина узоқдан нурли кўзларини қадаб, югурганча кўча қоидасини бузиб йўлқага чиқди-да, кўприк панжараси олдида турган Гулгуннинг ёнгинасида тўхтади. Машинадан отилиб чиққан Қоражон Гулгун қўлидан ушлади. Улар жим, садосиз бир-бирларига қараб қолишди. Машинадан тушган Таманно билан Пучуқ қиз ҳам Гулгунга яқин келди. Улар ҳам нима дейишни билмай, сукут қилишди. Бир лаҳзалик саросима, сукутдан кейин Гулгун Қоражон қўлларидан билагини олди.

— Ҳа, нима қилиб юрибсизлар?— сўради Гулгун дугоналаридан. У ҳамма нарсага тушунган бўлса ҳам ўзини соддаликка солиб, пинагини бузмади.— Мен кутубхонага кетаётим, бир лаҳза бунда тўхтаган эдим...

Лекин кутубхонанинг бошқа томонда эканини икки дугона яхши билишарди.

— Кетдик!— деди Қоражон қизларни машинага таклиф этиб.

Уч дугона машинага чиқа бошлади. Гулгун ҳам чиқиб, йўлда: «Мен кутубхона ёнида тушиб қолишим керак...» — деди бегона одамлардек Қоражонга лоқайдлик билан. Қоражон индамади. Йўл-йўлакай Таманнони, ундан сўнг Пучуқ қизни ҳам олиб бориб, эшиги ёнида машинадан туширди. Гулгун ҳам тушаётган эди, Қоражон унга мурожаат этди:

— Сиз жойингизда ўтиринг!

Гулгун нима қилишини билмай, жойида ўтириб қолди. Пучуқ қиз пастга тушиб, машинада турганларга хайр ишорасини қилди. Машина гуриллаганча жўнади.

Тоғ қоплони боласини тишлаб, қоялардан қояларга кўтарилиб, инига югурганидек, ўзининг эски «ТТ» ма-

шинасида йўлбарс сиёқ киши Гулгунни гўё елкасида кўтарганча тоғ томон жўнаб қолди. Енгил машина тасмадек йўлда гувиллаганча учиб борарди. «Бунда менинг нарсаларим бор, олишим керак...» Қоражон жа воб қилмади.

Улар иккови ҳам машина ичида миқ этмай ўтиришар, Гулгуннинг кўзи атрофда, ҳар замон-ҳар замон рулда ўтирган Қоражон чаккаларига ёмон назар билан қараб қўяр, ҳеч нарса демасди. Улар икки душман, икки ёт одамми ёки икки қадрдонми, билиб бўлмасди.

Машина шу югурганича икки соатлардан сўнг Чорвоққа кириб келди. Қоражон машинадан тушиб, ёнидан калитини олиб, квартираси эшигини очди.

— Марҳамат, кириш!

— Кирмайман!

— Кириш, илтимос қиламан!

Гулгун хонага кирди. Столлар тартибсиз, эски-туски кийимлар диван устида сочилиб ётибди. Ичкари хонадаги ўз каравотида янги модадаги пальто, қундуз қалпоқ, атлас ва тумба устида чиройли қутида атир. Кийимликлардан кўра ҳам тумба устида турган атир қовоғи солиқ, гаплашгиси келмаётган Гулгун диққатини тортди. Қоражон ташқарига чиқиб, машинани ўнг томонга олиб қўяётганида Гулгун тумба устидаги атирни қўлига олиб кўрди. У француз атири «Зю-Зю» эди. Гулгуннинг юраги шиғиллаб кетди. Бу нима? Бу жўрттага қўйиб қўйилганмикан? Ёки бу билан унга бир сирли нарсани эслатмоқчими? Гулгун атирни яна тумба устига, ўз жойига билинтирмай қўйди-да, хона ичида пальтосини ҳам ечмай тик тураверди. Эшикдан кирган Қоражон хона ўртасида сумкасини кўтарганча қаққайиб турган Гулгун ёнига келди. Унинг эътирозига қарамай, маҳкам бағрига босди. Гулгун шунча типирчилагани билан Қоражоннинг кучли билакларидан чиқиб кетолмади. Қоражон Гулгуннинг ёқут лабларидан ҳеч тўймай ўпарди. Қошларидан, кўзларидан, дудоқларидан ҳам ўпарди. Гулгун, кўзларида ёш, Қоражон бағрида йиғларди...

Бир зумдан кейин улар хона четидаги юмшоқ диванга ўтиришди. Шармдан юзлари қизариб кетган Гулгун кафтлари билан кўзларини бекитди. Қоражон хотинига суқланиб, соғиниб тикиларди. Унинг қўлларидан, кўзларидан ўпди:

— Менга қара, мени соғиндингми, йўқми?

Гулгун индамади.

— Бу атир сенга. Сенга олиб келдим. Буларни ҳам...— деди Қоражон ҳаяжонланиб.— Тошкентдан олганман. Олганимга ҳам анча бўлган. Бу француз атири. Ҳозир атир-упа магазинларидаги энг яхши атир шу экан.

Гулгун юрагидаги шубҳа йўқолди. Шу атир ўлгурдан бошланган фожиа яхшилик билан тугагани юрагини тинчитгандай бўлди. Демак, шу кунларда магазинларда «Зю-Зю» сотилган экан, деди ўзига-ўзи. Бир муддатдан сўнг у эркаланиб, эри бўйнидан қучди, юзидан ўпди. Хотинининг оппоқ билаклари сиқигида Қоражон мумдай эриб кетди. Гулгун бўлса хурсандчиликдан йиғларди...

XXXVII боб

НИҚОВ ЙИРТИЛДИ

Гулгун Қоражон бағрида йиғларди... «Агар сиз шундоқ ёруғ кунда менинг дилимни билолмасангиз, унда бу кўзнинг чиндан ҳам сўқирлигига ишондим...»— дегандек бўлиб, Қоражоннинг кўзларига тикилиб боқарди. «Мен осойишта турмуш кечирмоқчиман, минг-минг одамларнинг турмуши каби турмуш қуришни умид қиламан. Мен муҳаббатим, ҳаётим аллақандай романларга ўхшашини ҳеч истамайман! Менинг ёшим ҳам катта, лекин ҳаётда омади келмаган кишиман. Менинг қил устида юриб, рашку шубҳалар қилишга тоқатим йўқ! Бу ошиқ-маъшуқлик гирдобига мени ташлама! Мен бола-чақали, насиб бўлса келин-куёвли, неварали киши бўлишни, бошқа ўзбекларга ўхшаб ували-жували бўлиб яшашни истайман...»— дегандек бўларди Қоражон унинг кўзларига тикилиб.

Шу кундан бошлаб Гулгун Чорвоқда эри билан бирга яшай бошлади. У институтдан бир йилга академик отпускаи олди.

«БелАЗ»да ишлаётган Қоражон ўзининг кундалик нормасини икки юз фоиз бажарарди. Мутлақо гаплашгани истамаслигига қарамай, кейинги кунларда унинг атрофида Қиёмхўжа Ҳазратов хира пашшадек айланишар, у билан сўрашиш, илгаригидек ошначилик қилишга йўл қидирарди. У участка бошлиғи ва-

зифасидан олингач, бу қишлоқи аразлаб кетиб қолади, деб ўйлаган эди. У кетмади. Файзулла Аҳмедовичнинг: «Меҳнатнинг катта-кичиги бўлмайди, ишлаш керак! Тўғон қаддини гап билан эмас, иш билан кўтаряпмиз», — деганига амал қилди. Ҳамон шундай экан, мен қишлоғимдан ҳамма йигитларни бу ерга олиб келаман, деб ўнтага яқин ёнқўрғонликларни бошлаб келиб, қурилишга ишга киритди. Улар ҳар ерда иш-лашмоқда. Отпусқа олган Гулгун қурувчилар шаҳар-часидаги поликлиникада фельдшер бўлиб ишларди. Бунда ҳаммага таниш врач Сергей Сергеевич Парадков Гулгунни ишга олиб, ҳомийлик қилди. Орадан икки ҳафта ўтгач, тўғон устида Амир Равнақ пайдо бўлди. У шағал, харсанг тош ташиётган машиналар орасида ўраллашиб юрарди. Галстуги қийшайган, бошида шляпа, бурнига кўзойнак қўндирган бу зиёлининг-чанг-ғубор ичида юриши, баъзан тепаликдан пастга, дарё ва тоғ манзарасига тикилиб қолиши, қўлидаги дафтарчасига алланималарни ёзиши бунда ишлаётган шофёрларнинг, прорабнинг диққатини жалб этар; улар бу серғайрат зиёлига қараб кулиб қўйишарди. У кимнидир қидирарди ҳам. Улкан «БелАЗ»ига шағал ортиб, уни пастликдан вағиллатиб чиқиб келган Қоражон Мингбоевнинг кўзи шоирга тушди. У белгиланган жойга шағални тўккач, машинани четга олиб, кабинадан чиқди.

— Салом, шоир оғамизга, салом!

— Ассалому алайкум! Э, бормисиз, иним? Сизни қидиравериб оёғим қавариб кетди. Аҳволлар қалай? Ишлар, уй ичиларингиз? Кампир бақувватмилар?

— Ҳаммаси яхши.

— Сизга хушxabар олиб келдим, божа, яъни сиз билан менинг қадрдоним Файзулла Аҳмедович ўринларидан туриб ўтирибдилар. Врачлар рухсат берди. Бечора қирқ кун қимирламай ётди-я! Қари қиз овга чиқар, кетидан ғовға чиқар, деганларидек, бечора пенсияга ҳам қарамай, халқим, партиям учун, деб ишга тушган эди, касофат ўғлининг қилмиши уни йиқитди. Яхши фарзанд юрт бойлиги, ёмон фарзанд эл бошига тушган бало. Маҳмудхўжа Бехбудий «Падаркуш» асарини бекорга ёзмаганлар. Шунақа, иним! Анча пароканда бўлиб, тарқалишиб кетдик. Энди зора яна бирлашсак, Милтиқбой оғамиз саломатмилар? У кишига ҳам божам салом дедилар!

— Файзулла Аҳмедович тезроқ тузалиб, ўрнидан

туриб кетсин! Отдек бўлиб, юриб кетсин! Иккинчи йиқилмасин!

— Яшанг, айтганингиз келсин,— деди илжайиб, Қоражоннинг илгаригидай Файзулла Аҳмедовични ҳурмат қилганидан мамнун, терисига сигмай шоир.— Сизга салом айтдилар!

— Миннатдорман. Биздан ҳам салом айтиб қўйинг!

— Мен, азизим, яқинда Арманистонга, бир улуг шоир юбилейига бориб келдим. Утган куни келдим. Тоғ орасидаги ГеҒарт ва Ғарни маъбудаларини, ундан кейин Матенадорон¹га бориб, арман алифбосини яратган Месраб Маштоц² ҳайкалини, Мусо пайғамбар осмондан келиб тушган Эчмиадзин муқаддас монастирини ҳам бориб кўрдим. Худди мана бу ўзимизнинг Чорвоқ кўлига ўхшаш Севанни кўрдим. Кўп одамлар билан мулоқотда бўлиб, кўп нарса ўргандим. Тоғлари тоғларимизга ўхшаш экан. Аммо, арчазорлар билан қопланган ўзимизники чиройли. Ўзбек тилимиз ҳам жуда шеърбоп, сержаранг. Мен, азизим, шу ўзимизнинг беқиёс Чорвоқ водийси ҳамда қурилиши ҳақида дoston ёзаётирман. Бу ерга тез-тез келиб тураман. Бу ерда ишлаётган баҳодирлар ҳақида ёзиш иштиёқи тинчлик бермаяпти.

— Яхши иш қиласиз.

— Азизим, бу «БелАЗ» деган полвон қанча юк кўтаради?

— Қирқ тонна.

— О-о-о, отанга раҳмат! «Тасвири «БелАЗ» ёки «БелАЗ» — полвон» деган махсус боб ёзсам нима дейсиз?

— Зўр бўлади.

Амир Равнақ Қоражон «БелАЗ»ига яқинроқ бориб, уни бир айланиб чиқди. Кабинага ҳам кўз ташлади. Ундан сўнг бу филга ўхшаш улкан машинанинг кифтига чиқиб, ҳамма ёғига разм солди.

— Бу, маъво! Техниканинг қудратини қаранг-а! Агар шу бўлмаганда тўғонни қанча вақтда қурадик?

— Эллик йилда.

— Азамат «БелАЗ» полвон! Бир вақтда, биз болалигимизда, Чигатой томонда Аваз полвон бўларди.

¹ Матенадорон — Еревандаги машҳур кутубхона.

² Месраб Маштоц — асримизнинг 405 йилида яшаган, арман ва грузия алифбосини яратган маърифатпарвар олим.

Беш пуд юкни кўтарганда ҳайрон қолган эдик. «Тасвири «БелАЗ» полвон» бобини мана шу тўғондан бошлайман. Тўғон кўзимиз олдида қад кўтариб, фалакка бўй чўзяпти. Фалакда «Союз — 5» учиб юрибди, бу Ер курраси устидаги катта уй — илмий лаборатория. Мана, азизим, биз қандай яхши замонда яшаяпмиз. Кўзимизга қуёш нури тушиб турибди, биз яшаяпмиз, яратаяпмиз. Мен — материалист, реалистман. Ҳеч қачон илоҳиётга ишонмаганман. «Шариатсиз киши учса ҳавога, кангул берма анингдек худнавога...» деган эдилар ҳазрат Кулҳожии Аҳмад Яссавий. Мен бу мистик фикрга қаршиман! Мана, сиз тўғону нур манбаи қурыапсиз. Яратувчи баҳодирлар ҳақида бизнинг улуг шоиримиз мир Алишер Навоий бундай деганлар:

Чарх еткурди ою кундин ҳишт,
Ясалур деб ер узра етти беҳишт.
Ҳар замон ўзга шакл этиб пайдо,
Шоҳ тамошосига бўлиб шайдо...

Мен, азизим, ўша шоҳман, мана мен тамошосига келдим. Совет шоирлари эркин, халқ севган, ўз сўзли, буюк мамлакатга эгадир. Шу сабабли мен мир Алишер Навоийни устозим дейман. Агар Навоий ҳазратлари ҳаёт бўлганларида «БелАЗ» полвон ҳақида газал ёзмай қўймас эдилар. Эзмаланиб, қимматли вақтингизни олаётганим учун узр, мен азизим Файзулла Аҳмедовичнинг ўлим тўшагидан бош кўтариб турганларига, яна сафимизга қўшилаётганларига ич-ичимдан қувониб, мана шунақа қилиб юрибман. Кайфиятинг яхши бўлса, илҳом деган нарса ҳам тез кела қолади. Божанинг тузалаётганлари руҳимни кўтарди. Мана энди мен «БелАЗ» полвон ҳақида ёзаман. Худо хоҳласа, қайнатангиз Милтиқбой билан ҳам учрашаман. У зот жуда ажойиб, бебаҳо кимса. Шундоқ яхши одамларнинг ёруғ дунёда соғ-саломат юришлари ўзи бахт, ука. Сиз энди ишингизни қилаверинг! Мен яна бирон соат бу ерда айланаман.

— Келиннгиз шу ерда, бизникига кинг. Мен соат бешларда бораман.

— Албатта бораман! Мен севикли қизим, фарзандим Гулгунхон тайёрлаган чойдан бир пиёла ичиб, фотиҳа ўқимай кетмайман. Сиз ишингизни қилаверинг! Мен бу ерда ғимирсиб юриб, «БелАЗ» полвонларни бир кўриб олай.

Қоражон Мингбоев кабинага чиқди. Мотор гурил.

лади. «БелАЗ» ер депсиниб, яна вағиллаганча карьер томонга жўнади. Тўғон устида йигирмадан ортиқ улкан машиналар, шиббаловчи «МАЗ»лар, бульдозерлар вағиллаб, тинмай ҳаракат қиларди. Бошига қулоқчиң, оёғига кирза этик кийиб олган прораб у ёқданбу ёққа югурар, Амир Равнақни мухбир хаёл қилиб, ўзини ишчан кўрсатарди. Прораб ортиқча ҳаракат қилиб, ўзини кўрсатишга уринмасин, барибир тўғон бошида ишлаётганларнинг ҳаммаси ҳам, дарҳақиқат, тупроққа беланиб, чинакам меҳнат қилишарди. Улкан тўғон тоғ қоматини кўтарган, Қоражоннинг Амир Равнаққа айтишича, битишига яна беш метрча қолган. Тўғоннинг баландлиги бир юз олтмиш саккиз метр... Қирқ бири қолибди-да, деган эди шоир. Лекин шунча қизғин иш кетаётган бир пайтда, бунда участка бошлиғи Ҳазратов жуда кам бўларди. Кейинги кунларда бу ерга шоир Амир Равнақ ундан кўра кўпроқ келди. Ҳазратовнинг вақти Бошқармада ва яна ўз улфатлари зиёфатида ўтарди.

Енгил машинада тўғон устига чиқиб келган кипригигача сап-сариқ Иван Шишкин кимнидир қидириб юрарди. У Амир Равнақ билан кутилмаганда учрашиб қолиб, эски қадрдонлардек сўрашди. Эсдалик қилиб ташлаб кетгани, Москвада нашр этилган рус тилидаги шеърлар тўплами учун ташаккур айтди.

— Бир нима ёзмоқчига ўхшайсиз, ўйлаганим тўғрими?

— Мутлақо тўғри. Шеър-да...

— Катта иншоот битяпти. Бу яхши. Бизнинг қардошлигимиз Улуғ Ватан уруши жангларида, мамлакат қил устида турганида синовдан ўтган эди. Мана бу улкан қурилишда бу метин қардошлик яна бир синовдан ўтиб, ўз меваларини бермоқда... Шундай эмасми, ўртоқ Амир Равнақ?

— Сиз дostonимнинг дастлабки мисраларини айтиб бердингиз. Раҳмат!— деди мамнуният билан шоир,— айтинг-чи, азизим Иван Иванович, тўғонда ҳозир қанча машина ишлаб турибди?

— Бир суткада қирқ учта «БелАЗ—540», ўнта «КрАЗ» ва ўнта «МАЗ — 525», бу шиббаловчи машина. Тўғон узунлиги етти юз олтмиш икки метр. Маррага етишга беш-олти метр қолди. Финиш яқин. Поэмангиз битганда бизга ҳам албатта ўқиб беринг. Мен анави «Чотқол йўлбарси»ни қидириб юрибман. Мингбоевни, Ҳей, Никаноренко, Мингбоевни кўрмадингми?

— Карьерга кетди, — деди прораб кафтларини оғзига карнай қилиб, баланд овоз билан.

— Иш кўп, ўртоқ Амир Равнақ, менга рухсат беринг, кетдим, — деди Шишкин у билан қўл қисиб.

— Хайр, Иван Иванович, поэмам битгач, албатта сизга, Мингбоевга, бу ердагиларнинг ҳаммасига ўқиб бераман.

— Шундоқ бўлсин, — деди дилкаш Иван Иванович Шишкин шоирга зиёлинамо, майин илтифот билан гапириб.

Бир муддатдан кейин пастдан вағиллаб чиқиб келган «БелАЗ» Шишкин ёнида тўхтади, у кабинада ўтирган Қоражонга бир нима деди. Қоражон ўйланиб қолди. Ундан сўнг яна машинани юргизиб, прораб кўрсатган жойга массани тўкиб, тўғон четида, одамлардан нарироқда турган парторг ёнига келиб машинадан тушди. Бир муддат улар ниманидир гаплашиб қолишди. Бу гап жуда муҳимлигини икковининг қиёфасидан сезиш мумкин эди.

* * *

Наманган областидаги Чортоқ сув омборининг тўғони бузилиб, қишлоқларни сув босиб кетганини эшитган инженер Қиёмхўжа Ҳазратовнинг оёғи қалтирай бошлади. У яширинча Тошкентга тушиб, Усгидропроектга кириб, бу ердаги танишларидан Наманган воқеаси тафсилотини сўради. Аҳволни аниқ билди. Ундан сўнг Ўзбекистон Сув хўжалиги ва мелиорация министрлигига ҳам кириб, Намангандаги бу фожиа тафсилотини суриштирди. Ҳамма нарса аён — Чортоқ сув омборининг тўғони чап томондаги туннель ёнидан ўйилиб, сув уриб кетган... Бунда сал кам саккиз миллион кубометр сув тўпланган эди. Бу ҳазилакам сув эмас! Бу ерда инженер Қиёмхўжа Ҳазратов тўғон қурилиши бошлиғи бўлиб ишлаган... Хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Ишнинг ҳа бўл, ҳа бўл қилиб, наридан-бери тугатилгани, шиббалашнинг сифатсиз ўтгани бари, бэри... бир зумда унинг кўз олдидан ўтди. Чорвоқдаги бу улкан тўғон битса, у яна ҳам юқорироқ муқофотни, маъсабни кўзлаган эди... Шу сабабли ҳам у баъзи мансабдор акаларга орқа қилиб, жанг ичида жанг бошлади — инженер Мингбоевни ситиб чиқариб, ўрнини эгаллади.

Эҳтимол, бирон йилдан кейин бу ўрин ҳеч кимга ҳам керак бўлмас, Ҳазратовнинг ўзи ҳам ариза ёзиб, ташлаб кетарди. Ҳозир пачка-пачка пуллари обрў уни «жангга» олиб кирган эди.

Безгак бўлган одамдай бир кунда ранги ўчиб кетган Ҳазратов тўғон устида прораб Никаноренкога унибуни топширгандай бўлиб, ўзининг тўсатдан бетоб бўлиб, аъзойи бадани оғриётгани, ёмон нарса еб қўйганга ўхшаётганини билдириб, шаҳарга жўнади. Шу лаҳза «БелАЗ»ини вағиллатиб пастдан чиқиб келган Қоражон Мингбоев тўғон устида Ҳазратовнинг бўшашиб турганини, унга бир нима демоқчи бўлаётганини сезиб, юзини тескари қилганча, машинасига газ бериб ўтиб кетди. Ҳазратов ўз машинасида тўппа-тўғри қурувчилар шаҳарчасидаги квартирасига кириб, унибуни олдида, шу машина билан Тошкентга тушиб кетди. Бу ерда ўралашиб юрган Обакихонга ҳам қайрилиб қарамади. Икки соатдан сўнг машинасини Сквер атрофида тўхтатиб, бу ердаги омонат кассага кирди. Нариги бир туйнукда, одамлар орасида навбат кутиб турган Амир Равнақни кўрмади. У иккинчи туйнук ёнига келиб, бир кишидан кейин турди. У бетоқат, нимагадир шошгандай бўларди. Кўзларини шира босгандай, саломлашаман, деб турган шоирга ҳам эътибор бермади. Амир Равнақ ундаг хафа бўлмади, чунки у шунақа димоғдор, гўдайган одам эканлигини яхши биларди. У омонат дафтарчаси билан паспортини ҳам бериб, кассадан тўрт пачка катта пул олиб чиқиб кетди. Бу ердаги қари-қартаг пенсионерлар унинг орқасидан қараб қолишди. Ҳазратов тўғри уйига келиб, пулни Гулбаданга топширди-да, наридан-бери телефон ёнига ўтириб, ошналарига сим қоқа бошлади. Хотини Гулбаданга, тобим йўқ, иситмам бор, деди. Гап орасида Наманганда иш чатоқроқлигини, Чортоқ тўғони бузилиб, сув тошиб кетганини айтди. «Вой ўлай, энди нима бўлади?» — деди эри билан Наманганда анча вақт турган Гулбадан ваҳимага тушиб, «Нима бўларди, мен раҳбар бўлганман, ишлаганлар бошқа! Уша вақтда ҳам кўп вақт касал бўлиб юрган эдим, асли врачдан справка олиб қўйсам бўларкан... — деди хаёлга чўмиб Ҳазратов, — райкомдагилар, водстройдагилар жавоб берсин! Нега мен ташвиш қилишим керак! Мен ишни комиссияга топширганман...» — деди ўзига-ўзи далда бериб. Аммо, қир тупроғини бульдозер билан сурдириб, қани,

тезроқ бўла қолинглар, деб шошириб, шиббаланган жойдан лаборатория анализлари олмаганлиги кўнглидан ўтди. Тўғон сифатсиз, бўш қурилганлигини ўзи яхши биларди. Лекин, бу ерда сув юқорига чиқмайди, олти миллион кубометрдан ошмайди, деб ўйларди. Мен тезроқ ишни битириб мукофот рўйхатларидан четда қолмасам бўлди деб, ишни «дўндириш»ни ўйлади. Ўшанда Облводстройда инспектор бўлиб ишлаб юрган Иномжон Чортоқдаги Ҳазратов қилаётган ишни кўриб: «Ака, трамбовканинг мазаси йўқ-ку! Сизлар кетгандан кейин ким боқса боқаверсин бўладими?» — деган эди. Ўшанда Ҳазратов: «Ҳа, жуда берилган кўринасиз! Ёмон ишлаётганимиз йўқ. Бу ер база эмас, ҳамма ёқ тупроқ, нима, бульдозерни ўмарармидим. Қўрқманг!» — деган. Иномжон: «Ўмариш эмас, ўмарсангиз ўмараверинг, гап қанча қишлоқлар, минг-минг одамлар ҳаёти ҳақида кетяпти!» — деган эди. Ҳазратов уни ўшанда ҳажижиз деб сўкиб, қўрқоқликда айблаб, кўп ваҳима қилаверманг, деб оғзига урган эди. Ҳазратовнинг кўп вақти Қимсанхон ҳовлисида ўтарди.

Иномжон ўшандаёқ бу иш қўл учида бўлаётганини пайқаб, жизгинак бўлиб юрди-ю, кучи етмади. Бироқ ерга хат ёзишни иғвогарлик деб тушунди. Мана оқибат!

Ҳазратов телефонда ошналаридан бирига тезликда стационардан жой тайёрлашни, касаллигини, шу бугуноқ ётиши лозимлигини айтди. Шинаванда ошнасидан шу бугуноқ келаверинг, жой тайёр, деб «ўғил болалик» қилди. Ҳазратов Чорвоқдан келган машинани қайтариб юборди. Оч, чанқаган шофёр йигитга бир бурданону бир пиёла сув ҳам беришмади. Бу — Володя деган сариқ йигитча Шишкиннинг жияни эди. Бу йил ҳарбий хизматни тамомлаб, ишга кирган эди. У итоаткорлик билан эшикда бир соатча туриб, кейин яна Чорвоққа жўнаб кетди. Ҳазратов хотинига наридандан берди ош дамлатиб еб, кечки салқинда бояги ошнасининг машинасида стационарга кетди. Етиб боргач, ошнасидан қандайдир врачлар билан гаплашиб, уни люкс-хосхонага жойлаштириб қўйди. Касалхона либосини кийиб олган «бемор» Ҳазратов каравотда ётиб, тинмай сигарета чекар, хаёл уни яна Наманганга олиб кетарди. Сув босган колхоз далалари, қишлоқлар, вайрона кўприклар, бошпанасиз қолган одамлар, том босиб, ўлдирган моллар, паррандалар, сувга оққан бойликлар... Сифатсиз иш, сансалорлик, манманлик оқибатида қанча

фожиа! Қанча қурбон ва неча миллион зарар... Бунинг учун Ҳазратов жодига солиниши керак! (Бирдан у ўрнидан туриб сабаб кўрсата бошлайди.) Йўқ, мен атай қилибманми! Биз фақат шошдик. Шошиш орқасида иш сифатсизроқ бўлди... Мен атайи қилганим йўқ!

«Нега шошдинг? Ким сени шошишга мажбур қилди?!» — Шундай бир овоз қулоғига эшитилди. Бу товуш кимники эканини ўзи ҳам яхши билмасди. Бу прокурорми, ким? Ҳар қалай, унинг юраги қинидан чиқиб кетди.

«Ишни барвақт топшириб, планни бажарайлик, дедим».

«Сифатни ўйламадингми?»

«Биз шошдик. Бўйнимга оламан. Мен кўпроқ мукофот олишни ўйладим».

«Яна нимани ўйладинг?»

«Пулни, ўзимни, маишатни...»

«Сен мамлакатга катта зарар етказдинг. Сен атайинми ёки атай эмасми, катта жиноят қилдинг!»

«Йўқ, йўқ!»

«Одамлар ҳалок бўлди, қишлоқлар вайрон бўлди, пахта майдонларини сув босди... Давлатга катта зиён етказдинг!»

«Мен онгсизлик қилганман, тушунмаганман, рост! Ҳишиниб кетиб, ҳеч ким билан ҳисоблашмаганман, партия органларини ҳам менсимай қўйганман, одамлар билан ҳисоблашмадим... Менинг камчиликларим кўп. Бу гапларни чин дилимдан айтаётирман, мени кечиринглар...»

«Сен манший томондан ҳам бузуқсан! Сенинг ўз кабинетингда ярамас ишлар қилиб қўлга тушганинг ҳам бизга маълум. Сен бировнинг силасини буздинг! Сенинг партия масалангни вақтида кўрмай, келишувчилик қилиб юрган Иван Иванович Шишкин ҳам ҳали жавоб беради! Сен мансабдор кишилар атрофида ўралашиб, уларнинг ожиз томонларидан фойдаладинг. Оддий меҳнаткаш халқни назар-писанд қилмадинг. Кимнинг амали бўлса, у билан гаплашдинг, сени халқ ҳукмига ҳавола қиламиз!»

«Гуноҳқорман. Кечиринглар. Юртим, давлатимдан сўрайман, мени кечиринглар».

«Энди сенга юрт керак бўлиб қолдимми?! Сен юртингни вайрон қилиб, одамларни чумолича кўрмадингку! Сен фақат пачка-пачка пулларни ўйладинг. Сен»

га тўсқинлик қилганларнинг юзига чанг солдинг! Иғво билан ишдан ҳайдаттирдинг. Давлатни талаб динг...»

«До-о-о-о-д!..» — деб, Ҳазратов уйғониб кетди. У кўзини очса, касалхонанинг юмшоқ каравотида ётган экан...

* * *

Шу кунлари Амир Равнақ билан Қоражон учрашиб қолди. Уларнинг суҳбати қуйидаги мазмунда бўлди:

— Янгича беклар, тўралар пайдо бўляпти,— деди Амир Равнақ қизишиб,— эҳтимол, хато қиларман, локкин чуқур кузатишимдан кейин шундай қарорга келдимки, баъзи кишилар қадимги бойваччаларга ўхшаб кетишган...

— Гапингизда жон бор. Улар асосан сиёсий жиҳатдан қолақ, жамиятимизни яхши билмайдиган одамлар. Кишининг сиёсий онги мансабига қараб белгиланмайди. Мен оддий бир ишчини яхши танийман, у, сиз шама қилаётган мансабдордан анча саводли ва узоқни кўрадиган одам. Сал мансаб тегса, одамгарчиликдан чиқамиз. Баъзилар, албатта! Мана шу «ҳайвон» сизни фиғон қилиб, аччиқ шеър ёзишга мажбур этапти. По-рахўр, икки юзламачи бу шахс халқимиз юзини ерга қаратган экан, биз бундан бу ёғига эҳтиёт бўлишимиз керак. Улар ўзларини покиза кўрсатадилар. Кўзингиз шамғалат бўлдим, бир томондан уриб, ўмариб кетдилар. Ҳаромга қўл урадилар. Агар уларнинг қўлини ушласангиз, гуруҳ бўлиб олиб, сизга ҳужум қиладилар, номингизга қора суркайдилар. Нима қилмоқ керак?

— Партияга айтмоқ керак! Халққа маълум қилмоқ керак!

— Қандай қилиб?

— Мен аризабозлик қилмайман, мен ўз асарим билан айтаман!

— Ўз асарингизда бу гапларни айтинг! Бу савоб иш.

* * *

Орадан бир ойча ўтгач, Чорвоқ қурилишига республика прокуратурасидан бир киши келиб Ҳазратовни излаб юргани Қоражоннинг қулоғига етди. У одам қу-

рилиш бошқармасида бўлиб, кадрлар бўлиmidан баъзи ҳужжатларни олгани, парторг Шишкин билан ҳам гаплашгани маълум бўлди. Кейинчалик Намангандаги жиноят юзасидан иш қўзғалиб, сохта бемор бўлиб стационарга бекинган Қиёмхўжа Ҳазратовни тегишли ерга олиб кетишганини эшитди. Илгариги замонда ўғриллар қўлга тушадиган бўлса, мачитга қочар экан. Чунки, «худонинг уйи»да ур калтак-сур калтак қилишмасди. Ҳозир баъзи оёғи қалтирайдиганлар тезда касалхонага қочишади, чунки давлатнинг инсонпарварлигини, бетоб одамга озор бермаслигини билишади.

Инженер Қоражон Мингбоев дарҳол ўз вазифасига қайтадан тикланди. У яна СУ-2 тўғон қурилишида участка бошлиғи. Уч ойча у ўз вазифасидан четлашиб юрди. Ишдан вақтинча четлаштирилганда дўсти учун қаттиқ туриб, уни ҳимоя қилмагани, принципсизлик қилгани учун партия мажлисида Иван Иванович Шишкин анча гап эшитди. У дўстининг юзига қаролмасди. Лекин Галина Гулгун ёнига келиб, «ҳамма гапни унга тушунтирди». У эрининг ёнини олмади. Аммо ишнинг яхши томонга қараб кўчаётгани, илгариги жанговар дўстлар яна бирлашаётгани сабабли, Қоражон Шишкинга нисбатан юрагида ҳеч адоват сақламади. У проаб Никаноренко билан ҳам ўртада ҳеч нима бўлмагандек, илгаригидек ишлашиб кетаверди. У баъзан ўзининг қадрдон «БелАЗ»ини ҳам гумбурлатиб ҳайдаб қоларди. Бу машинага Шишкиннинг жияни Володяни гараж орқали расмийлаштириб, ишга олди. Гулгун бўлса поликлиникада ишлар, у баъзан «Тез ёрдам» машинасида қурилиш участкаларига ҳам келиб турарди.

Файзулла Аҳмедовичнинг туриб юрадиган бўлганини, яқин кунларда врачнинг рухсати билан бу томонларга келиб қолишини эшитган Милтиқбой ака қизи ва куёвини кўргани Чорвоққа келди. Бугун Амир Равнақ ҳам келган, Иван Иванович Шишкин, Никаноренко, бир неча шофёрлар тўпланишиб туришган эди. Машинадан тушиб, қўлтиқтаёқда, костюмига жанговар орденларини тақиб олган Милтиқбой ака одамлар билан қўл қисишиб, омонлашди. Шундан сўнг Шишкинга қаради:

— Дўстим Шишкин!!! Анавининг ишлари люблю Мамажон бўпти-ку! Синглингни...— деди Милтиқбой аканинг бир томон мўйлови лип-лип учиб,— шу топда

Ёнимда бўлса-я! Э, худо, мен бир пронтовой бандангта шафқат қилиб, ўша номардни рўпара қил! Майли, кейин ўзинг дўзахингни раво қилсанг ҳам! Бўкиртириб уриб, бир армондан чиқмасам, кўзим очиқ кетади! Э, худо, ўшани менга рўпара қил!

Йўқ, Милтиқбой ака ниятига етолмади; Ҳазратов дўлга олинган эди.

— Унинг яна бошқа гуноҳлари ҳам очиляпти. У топилгач, биз унинг партия ишини кўрамиз. Бундай кимса сафимизда бўлмайди,— деди Иван Шишкин Қоражон Мингбоевга қараб.— У ҳаммадан бад оларди, ҳаммадан қўрқар, ҳеч кимга ишонмасди. Тавба!

Қиёмхўжа Миёнхўжаевич Ҳазратов шу даражада кўп қабих ишлар қилган эдики, одамлардан қўрқарди. Кишиларга сохта яхшилик қилган бўларди. Кўза кунда эмас, кунда синишини, бир куни ҳаётида фожиаяз беришини кутарди: ё қамалади, ё биронта ўйнашининг эри пичоқлаб кетади. У баъзан каравотда чалқанча ётиб, ўйлаб, ўзидан-ўзи қўрқиб кетарди. Тўсатдан кириб қолган Гулбадан ҳам чўчир эди. Силлиқ кийинадиган, галстук, шляпа, сўнгги модадаги костюм ичида шунча жиноятни қилиб, пинагини бузмай юрадиган, ҳатто баъзида баланд келадиган, кимсан, «инженер Ҳазратов» кейинги пайтларда ёмон ухларди. Босинқираш, юрак санчиғи, хаёлотга чўмиш... булар бари Гулбаданни ҳайрон қиларди.

— Ёв қочса, боғир кўпаяди қабалида гапирётганим йўқ, у билан бизнинг партия ташкилотимиз шуғулланган. Лекин Наманган воқеаси тез очилиб қолди,— деди Шишкин.

Қоражон индамади.

— Бу тўғонда ҳам ишни расво қилмаганикин? Шиббалаш қалай бўляпти?

— Бу томонда у эмас, биз ишлаганмиз!— деди Қоражон Мингбоев.

— Иван Иванович, шунча қадрдон бўлиб, дўстингизни ҳимоя қилолмадингиз-а. Ҳа, майли,— деди Никаноренко. У оз-моз Шишкинни ёқтирмасди. Пайтдан фойдаланиб, бир чўқиб олди.

— Бу гапни сен менга гапирмагин! Ҳаммамизда ҳам ўзимизга ярашур гуноҳ бор; мана шу Мингбоев фронтда танк операцияси учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлса арзирди. Характеристикалар ёзилиб, ҳаммаиш ҳал бўлганида ўзлари қовун тушириб қўйганлар.

Буни ўзлари биладилар... Ундан кейин Қизил Юлдуз ордени билан алмаштирилган.

— Ҳей, яхшилар, анави люблю Мамажонни менга топиб беринглар! Уни бир дўппослаб, аламдан чиқардим. Қўлим қичияпти. Ҳа, номард!— Милтиқбой ака қўлтиқтаёғини кўтариб-кўтариб қўярди.

XXXVIII боб

ГУЛГУН ЭЛ ХИЗМАТИДА

Кутилмаганда, эрта билан СУ-2 тўғон участкасининг бошлиғи, инженер Мингбоевни қурилиш бошқармасига, Садовников кабинетига чақиришди. Кабинетда парторг Шишкин ҳам ўтирарди. Жомакорда кириб келган Мингбоев Садовников, Шишкин билан қўл қисишиб, омонлашиб бўлгач, қурилиш бошлиғининг таклифи билан катта ёзув столи ёнидаги креслога ўтирди. Қалам ўйнаб ўтирган, кайфи чоғ Георгий Исаевич Қоражонга зудлик билан Тошкентга тушишини, уни Марказий Комитетга чақиришаётганини маълум қилди.

— Нима гап? Тинчликми?

— Тинчлик. Яхшилик. Ҳамма гапни бориб биласиз,— деди Садовников кулимсираб.

Қоражон Мингбоев фронтдаги офицердек буйруқ олгач, қурилиш бошлиғи кабинетидан чиқди. У ўз квартирасига кириб, наридан-бери соқолини қирди. Яхши кийинди. Поликлиникка бориб, бу ҳақда Гулгунга хабар қилди. Улар икковлари ҳам ҳеч нарсага тушунмай бошлари қотди. Ҳар хил хаёлларга боришди. Қоражон Мингбоев ўзининг «ТТ»сига миниб, зудлик билан Тошкентга тушиб кетди.

Марказий Комитетга яхшилик билан чақирилади, деди ўзига-ўзи Қоражон, қурилишда ишлаётган ўнларча инженерлар ичидан уни таклиф этишган экан, демак, яхшилик... Садовниковнинг кайфи чоғлиги ҳам эснаш каби дарҳол Қоражонга ўтди. Негадир унинг ҳам кайфи чоғ, юрагини завқу сурур қучган эди. Эҳтимол, бу қўлга кирган зирапчанинг суғуриб олиб ташлангани, дўстлар орасига низо солиб юрган, мансабпараст, икки юзламачи Ҳазратовнинг фош бўлишидир. Бу шахс жуда маккорлик билан иш тутиб ҳам ҳақиқат

ни босиб-янчиб кетолмади. Эҳтимол, бу кайфичоғлик ана шу мараздан халос бўлишгани шукронасидир. Инженер Мингбоев йўлда кета туриб, ўтган-кетган кулгили гапларни эсларди. Негадир унинг ёдига Файзулла Аҳмедович келди; Рихсиниса деган қўшниларининг қорни ҳеч бўш турмаслиги, ўн битта бола туққан бўлса, шулардан тўрттасининг йили бир, яъни бир қизи 1967 йил январда туғилган бўлса, ўғилчаси шу йил декабрда туғилган эди. Эри Аппонбой қиқирлаб: «Э, бу этагимнинг учи тегиб кетса ҳам туғади...» — дерди. Шундан кейин унинг хаёлини Обакихон қуршади. Ёмғир ёққан кунни эслади. Жала қандай яхши, губору рутубатни йўқотади, дарахт баргларию томларни ювиб тозалайди, ўт-ўлан барқ уради. Эртага ҳаво очилиб кетса, тоғлар тепасидан бош кўтарган қуёш ҳаммадан аввал кунгай Сижжакни чароғон этади. Бу жала Гулгун бошига не-не тўхмат гуссасини ёғдирган Обакихон макрини ҳам бир рутубатдек ювиб кетганида қандай яхши бўларди! Афсуски, бунинг ҳеч иложи йўқ. Чалғиб, дунё фақат ишратдан иборат, деб юрган бу аёлнинг «ярқираган» кунлари ўтиб, кўринмай қолди. У жуда қаттиқ янглишиб юрганини ўзи ҳам пайқамадимикан? У ёқ-бу ёғини бўяб, кўкракбурма кўйлак кийиб кўчага чиққани билан ҳеч ким қарамасди. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб, Сапчабошев ҳам кўринмай қолди. Обаки циркдаги ўргатилган, думи попук қилиниб, устига сарафан кийдирилган гўзал кучукчага ўхшарди. Чалпакка ўраб ташласа ит боқмайди, дегани шу бўлса керак. У шунчалар ўзига бино қўйгани билан бозори касод эди... Амир Равнақнинг айтишича, у ҳозир Файзулла Аҳмедовичларнинг гашига тегиш билан овора эмиш. Бу баобрў хонадондан унга манфаат тегмагач, Музаффаровнинг тарақ-туруқ, шовқин-суронни ёқтирмаслигини билиб, кўчада бақириб юарди, радиоприёмнигини бақиртириб қўярди. Бир-икки танбеҳ беришганида юқори ташкилотларга устидан ариза кўтариб борди. «Ҳа, бизга ўхшаган камбағалларни сўкишга Музаффаровнинг нима ҳақи бор! Устидан ёзиб, партиядан ўчиртираман! Прокурорга бераман!» — дерди. Сен ўзинг кимсан? Ҳали унга, ҳали бунга тегиб юрадиган суюқоёқ энди ҳақ бўлиб қолдингми, дейдиган одам йўқ.

Шу лаҳза унинг кўз олдига Амир Равнақ билан Ҳазратовнинг тўқнашуви келди. Бу воқеа бир ой муқаддам Чорвоқда юз берганиди, туғруқхонадаги Ника-

норенко хотини адресига айтилган тухмат гапдан ту-
тақиб кетган шоир, Қоражон олдида Ҳазратовни тар-
сакилаган эди.

— Отаси қарамай қўйган чақалоқнинг ноласи, туғ-
руқхонада ётган укпардай, сутдай пок бегуноҳ онанинг
алам чекиши ғийбатчининг икки кўзини кўр қилмас-
микан?

— Бу билан нима демоқчисиз? Аниқроқ гапи-
ринг?— деган эди Ҳазратов.

— Яъни, бир нима деб сўксам ёки бир шапалоқ ур-
сам, устимдан шикоят қиласиз... Шундайми?

— Тушунмаётирман?!

— Сиз бировнинг хотинини гап қилиш билан эски
тўрвангиздаги ўтмас шақилдоқларингизни бозорга со-
либ, пул топмоқчи бўлдингиз, лекин уйдаги икки гў-
дакнинг маъюсланиши, эру хотиннинг жанжалига са-
баб бўлдингиз. Тушунмаётирман, деяпсиз! Наҳотки?!
Дунё яратилгандан буён нечта лўттибоз ўтган бўлса,
барчаси сиздақа бўлган, бошқалар тушуниб етмасдан
аввал тушунган! Акс савол бериб, оғзимдан «падаринг-
га...» деган бир нима чиқиб кетса маҳкам ушлаб, судга
бермоқчисиз. Шу билан қўрқитиб, ўз жиноятингизни
бекитмоқчисиз. Эгри ишга эгри тўқмоқ — найрангин-
гиз ўтмайди! Менинг эзиб гапиришдан мақсадим ири-
ган-чириган юрагингизни эзиб ташлаш! Зора икки но-
расида гўдак ва унинг мушфиқ онаси шу бахтли куна
етса. Никаноренконинг хотини яхши хотин! Сиз унга
тил тегизманг!

Амир Равнақнинг тўғри сўз, ҳақгўйлиги Қоражонга
ёқарди. Кейинги пайтда Музаффаровнинг йиқилиб қол-
ганига сабаб фақат ўғли эканини ҳам барча биларди.
Иш кишиларни бирлаштиради, қадрдонлаштиради.
Бўлмаса у Амир Равнақнинг номини матбуотдан бил-
гани билан ўзини мутлақо танимасди. Файзулла Аҳме-
дович қанча йиллар дарс бериб кетгани билан бу одам-
лар билан шахсий танишлиги йўқ эди. Чорвоқ уларни
бирлаштириб, дўст қилди. Инфаркт бўлиб, оғир ётган
Музаффаровга ачинарди; эрта билан газетанинг тўр-
тинчи саҳифасига қарашга юраги безиллар, қора рамка
ичида бу фамилия кўриниб қолишидан жуда ҳам қўр-
қарди. Луқмони Ҳаким билан Афлотун қаттиқ баҳсла-
шиб, Афлотун дорисидан бир қошиқ сув бўлиб эриб
кетган Ҳакимнинг «яна битта қуй... яна битта қуй...»
деб ётгани, нобоп шогирди уни ташлаб кетгани ҳақида-
ги афсонани дилидан ўтказди. Хайрушка ўша нопоб

шогирддан ҳам баттарин бўлиб чиқди. У ўз отасини қулатиб, ўлим тўшагига тортди. Қадим у Чотқол бағридаги Майдонтол кенгликларида мол боқиб юрганида, Бошқизилсой, СеркалISOйлар қучоғида дам олганида дунёда бунақа гаплар, фитнаю фирибгарликлар, керилишлар борлигини билмас эди. У бегубор, бўз болалар орасида юрарди. Ундаги ҳаёт табиат каби содда ва покиза эди...

Юз бор келса, юз бор янгидек кўриниб турадиган гўзал Тошкент, боғлар, янги бинолар, кўчалар, анҳору ариқлар... Ўзбекларнинг ҳам қадимий, ҳам навқирон шаҳри. Қоражон бу ердан фронтга кетган, шу ерда ўқиди. Ҳаётию иши бу муаззам шаҳарга боғлиқ. Қоражон Ленин кўчасидан ўнгга бурилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биноси ёнида машинасини тўхтатди. Машинани бир четга қўйиб, ҳашамағли бинога қаради. Шундан сўнг, ҳужжат кўрсатиб, ичкарига кирди. Юқори қаватга кўтарилди. Ўзбекистон партия Марказий Комитетининг секретари уни ўзининг кенг ва ёрқин кабинетида қабул қилди. Бу ерда саноат ва қурилиш бўлими мудир, Республика сув хўжалиги ва мелиорация министри ҳам ҳозир эди. Марказий Комитет секретари инженер Қоражон Мингбоев билан ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач, асосий гапга ўтди:

— Уртоқ Мингбоев, Намангандаги Чортоқ сув омборининг тўғони бузилиб, сув уриб кетганидан хабарингиз борми?

— Ҳа, қисман хабарим бор.

— Мутахассисларнинг айтишича, экспертизанинг кўрсатишича, тўғон бошидан бошлаб яхши шиббалабмаган. Массанинг зичлиги сифатсиз бўлган. Умуман, иш анча сифатсиз бажарилган. Яна бошқа сабаблар ҳам бор... Вазифа — шу ишни тузатиш. Бсшқа иложимиз йўқ! Уртоқ Мингбоев, Наманганга боришга тўғри келади. Министрлик, Облводстрой, ҳаммамиз нима ёрдам керак бўлса, беришга тайёрмиз. Ҳамма гап шундан иборат. Сиз ўзингиз нима дейсиз?

— Биз солдатмиз, ўртоқ секретарь.

Марказий Комитет секретари чап ёнидаги телефонлардан бирини кўтариб, Наманган обкомини сўради. Орадан бир лаҳза ўтмасданоқ, «Эшитаман, ўртоқ секретарь», деган товуш ўтирганларга ҳам эшитилди.

— Инженер Мингбоев Чортоқ сув омбори қурилишига бошлиқ этиб тайинланган. Уни тузатади ва учин-

чи қисм қурилиш ишларини бошлаб юборади. Кеча Сиз билан маслаҳатлашганимизга кўра, Чорвоқ тўғонидан уни олиб обком ихтиёрига юбораетирмиз. Чорвоқ тўғони деярли битган. Инженер Мингбоев фронтвик, Чорвоқ қурилиши бошлангандан буён участка бошлиғи бўлиб ишлаб келади. Принципиал, ўз ишини яхши биладиган инженер. Унга ҳамма шароитлар яратиб берилишини илтимос қиламан.

Марказий Комитет секретарининг бу гапларини эшитиб турган Қоражоннинг юзлари қизариб кетди. Бу замимий гаплар уни яна катта-катта ишларни бажаришга ундарди. У солдат камарини яна бир карра сиқиб боғлагандай бўлди. Масала равшан, топшириқни яхшилаб уқиб олган Қоражон Мингбоев ўрнидан турди. Секретарь ҳам. Улар самимий қўл қисишиб хайрлашишди. Қоражон Мингбоев кабинетдаги бошқа кишилар билан ҳам хайрлашди. У кабинетдан чиққач, лифт орқали пастга тушди-да, машинасига ўтириб, Чорвоққа жўнади. Кеч, қош қорайишига яқин тўғонга етиб борди. Иккинчи смена катта прожекторлар ёруғида «БелАЗ»ларни гумбурлатиб ишларди. У ёқдан-бу ёққа юриб, шунча вақтдан буён тер тўкиб ишлаган тўғон устидан кўлга қаради. Инсон қўли билан яратилган буюк тўғон ўз елкасида турган қора йигитга гап қотгандай бўларди. Бу гап ер остидан чиқаётгандай, аллақандай гумбурлашларга ўхшаб кетарди. Қанчалаб «БелАЗ» машиналарининг шовқини ҳам бу овозга жўр бўларди:

«Ҳа, Минг-бо-ев, ке-тяп-санми? Бизни ташлаб-а? Қўнғирбуқа чўққисини, денгизни, одамларни? Туғилиб ўсган жойларни-я? Бу ерга сенинг озмунча меҳнатинг сингдими? Қурилиш битай деганда кетасанми? Ошни дамлаб, ўзинг емайсанми?»

«Мен солдатман, эскидан солдатман! Юракдан солдатман, буни энди ўзгартириб бўлмайди! Партия амри — қонун! Хайр, буюк тўғон, хайр, Қўнғирбуқа тепалиги, хайр, қўл, ҳаммангизга хайр!»

Қоражон ўз машинасида тўғон устидан тушиб квартирасига борди. Гулгун уни бетоқатлик билан кутиб ўтирарди. У дамо-дам эшикка чиқиб, узоқ Хўжакент томонларда кўзи ялтираган машиналарга тикиларди. Қоражон уйга кириши билан бир йўла ҳамма гапни Гулгунга айтиб берди. Гулгун ҳайрон бўлди.

— Шу гап эканми?

— Ҳа, шу гап. Наманганга кетамиз! Фирибгар, лўт-тибоз «дўстимиз»нинг шалтоғини тозалаймиз...

— Йўқ, сиз ундай деманг, сизни партия Марказий Комитети оғир участкага юборяпти. Сиз бунинг уддасидан чиқасиз! Унинг номини тилга олманг.

Қоражон Гулгундан биринчи марта бундай гап эшитиши эди. У кулимсиради:

— Бу, плакат — шиор гапни қаерда ўргандинг?

— Йўқ, бу дилимдаги гап. Акажон, биз кўп вақт бир-биримиздан узоқ бўлдик. Сиз мени яхши билмайсиз.

— Агар сен шунақа, жуда яхши қиз бўлсанг, билмаганим ҳам маъқул. Лекин Амир Равнақ ака сенга шеър бағишлаб, бир мисрада дилингни денгизга ўхшатгани ҳам бежиз эмас экан.

— Ўша сиртини силаган фирибгар бизга кўп ёмонликлар қилди. Наҳотки, раҳбарларимиз шундай одамларни билишмаса! У ҳукуматга ҳам зиён етказди-ю! Нега бундай одамларнинг қўли ушланмайди?! Биз уни қўймаймиз, бизга кўп ёмонлик қилди! Сиз индамасангиз ҳам мен индайман — уни қамаш керак! У хотинининг ҳам шўри!

— Оғирроқ бўлсинлар,— деди Қоражон, Гулгуннинг тутаб кетаётганини кўриб пилигини пасайтирди,— бу иш билан шуғулланадиганлар бор. Улар арқонни узунроқ ташлаб қўйишган.

— Бу нотўғри! Нега арқонни узун ташлайди? У ярамас бутун бир денгизни халқ бошига ағдариб юборди! Фожиа... Тушунмайман, нега бундай фирибгарларга ён босишади? Садовников ҳам, Шишкин ҳам ён босди. Бу — факт! Коньяклар, кабоблар... уларнинг кўзини шира бостирди.

— Бу гапингга қўшиламан. Тўғри! Лекин биз ишлайверамиз. Шунинг ўзи ўша нопокларни мажақлайверади. Лекин биз, бу фирибгарни жазоланглар, деб милицияга бормаймиз. Маъмурий органлар уларни сен билан мендан яхшироқ билади.

— Шоирни фелъетон қилганларига ҳайрон бўлиб қолдим. Дунё тескари бўлиб кетгандай. У жуда покиза одам, мен шу ёшгача яхши муаллимларни кўрдим, аммо бунақа олижаноб одамни кам кўрганман. Уни айирмачи дейишади. Бу туҳмат! У ўз ери, ўз халқини жонидек яхши кўради. Ҳамма шоирлар ҳам шундоқ бўлганда қандай яхши эди Афсус! Лекин Навоий ҳам,

Саъдий ҳам, Пушкин ҳам... шундай. Равнақ домланиқ бекорга хафа қилишди. У Чорвоқ атрофидаги қишлоқларни сув босганини тушунмади. Сизга ўхшаганлар шоирга тушунтирганда у янглишмасди.

— Чорвоқ қурилиши ҳақида дoston ёзпти.

— Сиз қаҳрамони бўлсангиз керак?

— Ия, ўйлаб гапир! Уят бўлади бундоқ дейиш!

Гулгун эркаланиб, ечинаётган эри бўйнига осилди...

У кичкина боладек Қоражонга осиларди.

Тунда эру хотин машинага ўтириб, аввал Сижжакка, ундан кейин Ёнқўрғонга бориб, ота-оналари, ёр-биродарлари билан хайрлашиб келишди. Эрта билан Қоражон Мингбоев Бошқармага борди, ундан сўнг тўғонга, диспетчерликка, гаражга, ГЭС қурилишига... ишлаётган дўстларига йўлиқиб, уларга Наманганга кетаётганини айтиб, хайрлашиб келди. Юкларни саранжомлаб ўтирган Гулгунни олиб, Садовников машинасида эру хотин Тошкент аэропортига жўнашди. Шу куни енгил самолёт қирқ минутча учиб Наманганга олиб келди. Обком, ундан сўнг Янгиқўрғон район партия ташкилоти...

* * *

Қоражон Мингбоевларга Янгиқўрғон райони марказидан жой кўрсатишди.

Эртасига эри билан Чортоқ сув омбори тўғонига борган Гулгун узун тўғоннинг бетон туннелга туташган чап томони каттакон жар бўлиб ўпирилиб кетганини кўрди. Бу ердан кам деганда бир Чирчиқ дарёсичани сув шиддат билан оққан. Шу кунёқ инженер Мингбоев штабга кириб, бу ерга тўпланган одамлар билан танишиб чиққач, пастликда, тўғон тепасида айланди. Тўпланган одамлар асосан бульдозерчи, экскаваторчи, «МАЗ» шофёрлари, райком вакили ва Облводстрой ходими, шу бугундан эътиборан унга муовин қилиб белгиланган Иномжон Одилов эди. Бу тўғон Чорвоқ тўғони олдида миниатюрадек жуда кичик. Аммо унинг назаридан бу ерга ҳам уч-тўрт «БелАЗ» олиб келинмаса ҳеч иложи йўқ. Қоражон атрофни синчиклаб текшириб, бу ерга тўпланган тупроқни олиб ташлаб, бошқатдан, обдан шиббалаб тўғон кўтаришни ўйлади. Иномжон кулди:

— Бунинг учун яна уч йил керак бўлади,— деди,— гапнингизда жон бор. Лекин иложимиз қанча, ўртоқ Мингбоев, дабдала бўлган тўғонни тузатишимиз керак.

Қоражон сукут сақлади. Қиладиган ишини қилиб, тинч оқаётган зилол сувга, узоқдаги Чотқол тизма тоғлари этакларига, қир оралиқларидаги қишлоқларга тикилди. Шундан сўнг улар эр-хотин машинага ўтириб, Чортоқсой ичи билан сув босган ерларни кўргани Кораскон томон кетишди. Кораскон қишлоғи вайрона бўлган эди, одамлар Тошкент зилзиласидагидек патлаткаларга кўчиб чиққан. Кўчалар ботқоқ. Баъзи улар босган, баъзиларининг деворлари қулаган, пишиқ синчлар устида том илиниб турарди. Ҳар ер-ҳар ердан экскаваторлар билан ковлаб, сув остида қолган қорамолларни чуқурга кўмишарди. Кишиларнинг қовоғи солиқ, кутилмаган офатнинг бениҳоя зарари бир томон, ваҳимаси бир томон бўлган. Колхоз раиси жафокаш Юсуфжон ака хотини билан айланиб юрган янги инженер йигитни кутиб олиб, ўша кунги сув босиб келиш тафсилотини гапириб берди. У қўлидаги кетмонни бир йигитга бериб, қўлларини барига артиб, Қоражонга ҳаяжон билан гапира кетди. Корасконликлар бошига шунча мусибат тушганига қарамай, ботқоқ кўчаларда болалар илгаригидай қувноқ, югуришиб ўйнаб юришарди. Бу ҳол Гулгунга жуда таъсир қилди. Ҳар қандай фожиа ва талафот болаликни синдирилмас экан! Болалик ҳамма ерда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам болалик! Гулгун нигоҳини чопис юрган болалардан узмасди. Том остида қолган қорамол ва эчкилар ўлигини кўмаётган кишилар билан хайр-хўшлашиб, раиснинг илтимосига кўра улар колхоз марказига келишди. Раис: «Бир пиёла чой ичиб кетасиз! Бу колхозда таомил!» — деб, эру хотинни қўйиб юбормади. Улар кетишаётганда, кимдир Қоражон билан Гулгунни обком партиядан келган кишилар хаёл қилиб, гап қотди:

— Цемент, ғишт, ёғоч... керак. Шағал билан қум ўзимизда топилади. Ёруғ ёзда уй солиб олишимиз лозим. Шундоқми, раис?

— Ҳа, албатта!

— Сизга ҳам, бизга ҳам бу материаллар керак. Жуда тез керак! — деди Қоражон.

Юсуфжон ака эру хотинни машинага ўтқазиб, колхоз марказига олиб келди. У йўл-йўлакай сув босган

катта-катта майдонларни кўрсатди. Аллақандай қорамтир ботқоқ пахтазорни босиб ётарди.

— Қайтадан ҳайдаб, гўза экяпмиз.

— Жуда жабр бўлибди,— деди Гулгун. У хаёлида, Ҳазратовни шу ерга олиб келиб суд қилинса, яхши бўларди, деб ўйларди. У Чортоқ ёнидаги «вилла»да туриб, шу ерда Кимсанхонни йўлдан урганини эшитган эди.

Раис ўз ҳовлисига бошлади. Болалари дастурхон ёзиб, чой олиб келишди. Раиснинг рафиқаси жуда дилбар аёл экан, Гулгунга ёқиб қолди. Каттакон ҳовлининг ёнгинасида меҳмонхона деб шинам уй-айвон солинган эди. Ҳовли қир этаги, дўнгликда бўлганлиги сабабли тошқин ялаб, молхона, ўтинхоналарни қулатган эди-ю, асосий турар жойи шикастланмаган эди. Раис суҳбат ичида Гулгуннинг медицина ходими эканлигини, институтни тугаллашига озгина қолганлигини билиб, қишлоқ касалхонасида ишлашни тавсия этди. Райздрав мудирини ҳам шу қишлоқдан, ўзининг жияни эканини айтди. «Район марказида нима қиласизлар, мана шу уй, айвон сизларга!» — деди раис. Бу гап Гулгунга ёқди. У Қоражоннинг қўлини яширинча сиқиб қўйди.

— Колхозда қолинглар, бу ер тўғонга ҳам яқин. Мен шоир Ғафур Ғулом билан оғанин тутинганман. У киши оламдан ўтганлар. Локин у зотга ҳам бу ерлар жуда ёқиб, колхозингда уй-жой солиб, шу ерда қолиб кетаман, дердилар. Мана, бир томонимиз Чортоқ санаторийси. Ғафур акада ҳам озгина бод бор эди. Тошкентга борсам, доимо у кишининг уйларига тушардим. Бу ердагилар мени, «Ғафур Ғуломнинг иниси», деб аташадди. Тошкентга борганимда у киши мени «Муштум» журналига олиб бориб, қирра бурунли, қўй кўз бир шогирдлари билан таништирганлар. У билан мен бир-биримизга жуда ўхшашлигимизни пайқаган эдилар...

Гулгунга раиснинг «ташвиқотию» оила аъзоларининг дилбар одамлар эканлигидан ташқари, бошқа бир нарса қалбига, шу ерда қол, деган даъватни бера бошлаган эди. Партия Марказий Комитети ишни тўғрилаш, халққа ёрдам беришни унинг эрига топширган экан, демак, бу унга ҳам тааллуқли! Қоражон партия учун жуда керак экан, демак, у ҳам керак! Бу ерга у оиймтилла бўлиб ўтириш, эрининг кўйлагини ювиб, шимини дазмоллаш учун келган эмас! Бу

ҳам керак, аммо у медик, бу ерда унга зор одамлар бор...

Гулгун колхозда, одамлар ичида қолишга, шу ердаги касалхонада ишлашга қатъий қарор қилди. У раисдан райздрав мудирни билан гаплашиб, ишни расмийлаштириб беришни илтимос қилди.

* * *

Поликлиника район марказида бўлиб, Ҳефизхон деган, олтмишларга борган, семиз, тепакал бир одам унда бош врач вазифасини бажарарди. Бу одам алмисоқдан бери бу ерда ишлаб, даволаш ишларидан кўра кўпроқ хўжалик ишлари билан шуғулланарди. Баъзи кунлари Чортоқдаги чойхонада ошхўрлик қилиб, сув устидаги сўрида чўзилиб ётиб кунни ўтказиб юборишарди. Корасконликлар уни «Семиз дўхтир» деб аташарди-ю, унинг докторлиги қолмай, фақат семизлиги қолган эди. Келишган, чикка бел, қошлари қалдирғоч, чақнаб турган, аканг айлансин бир жувоннинг ишга келиши унга ёқиб тушди. У Гулгунга бошдан-оёқ тикилди; қўллар, кўкрагу сонлар қайроқдек... Чортоқ санаторийсига бориб, ҳури филмонларга тикилиб ўтиришнинг ҳожати қолмади. Гулгун бўлса Ҳефизхон акага бир қарашдаёқ кўзининг бежоллигидан, ширин-шакар гапларидан, ўрнидан туриб, дикиллаб қолишидан унинг кимлигини билди. Райздрав мудирни Ҳефизхоннинг эски қилиғини билиб, секин унинг қулоғига, «эри эски фронтвик, жаҳли тез, тагин бир қилиқ қилиб, думбадан ўқ еманг...» деган гапни айтиб қўйди. «Унда, Чортоқ тўғонимиз тамоман вайрон бўлиб, Наманганга-ча сув босади»,— деди. Ҳефизхон кўкрагига туфлади.

— Олтмишга кирдим, ака, ҳали ҳам мени шунақа деб ўйлайсизми? У вақтлар ўтиб кетган. Бутун кучқудратимиз кўзда. Кўзга рухсат борми ёки уни ҳам ўраб ташлайликми?

— Кўз ўлсин, кўз ҳеч тўймайди-да! Тикилишга рухсат берамиз-ку, локин эвида! Эрталабдан кечгача бақадек тикилиб ўтирмасангиз керак! Эрталаб бир қараб қўйсангиз етади, бас!

— Ха-ха-ха-ха-ха-а! Етади денг. Энди кунимиз шунга қолди. Ҳолимизга маймунлар йиғлайди. Оҳ-оҳ, қандай вақтлар бўлган эди. Ушаларни ўйлаб, анави

ола сигирдек кавш қайтариб етамиз. Лекин бу чикка бел, мўрча миён жуда зўр! Эрининг аҳволига қаранг, кундуз куни одам кўрса кўрқади!

— Фронтда куйган. Кулиб бўлмайди, Ҳефизхон!

— Тўғри-тўғри, ошнам, хато қилдик. Бу жонон беркорга бу инженернинг кетидан юрмагандир-ов, деб ўйладим ўзим ҳам.

— Балли! Сиз билан биздан кучлироқ бир томони бордирки, ёққан. Сиз бўлсангиз ҳар куни қўй ёғига ош дамлаб ейсиз, натижа йўқ...

— Ха-ха-ха-ха-а! Қўй эмас, қора қўчқор ёғига... Натижа ёмон эмас, ука, тонготарини кеннайингиздан сўрайсиз...

— Оббо, Ҳефизхон ака-е! Поликлиника томорқа. Бахтингизга касал кам. Ёз бошланди, одамлар палаткада... Сиз ағаниб ётаверсангиз, кейин чатоқ бўлади!

— Тушундик. Ҳамма гаплар ҳазил эди,— деди Ҳефизхон бир сесканиб, жиддий тортиб.

Гулгун Янгиқўрғон район поликлиникасига фельдшер бўлиб тайинланиб, ишлай бошлади. Орадан бир ҳафта ўтгач, бош врач Ҳефизхондан рухсат олиб, Кораскон участкасида медпункт очди. Бу ерда асосан ўзи ва яна бир ҳамшира галма-гал навбатчилик қилишди. «Семиз доктор», баъзи одамлар ҳазил қилгандек, ёмон одам бўлиб чиқмади. Гулгун назарида у ҳам раисга ўхшаган меҳрибон, дилкаш одам экан. У Гулгун ташаббусига ҳеч монелик кўрсатмади. Аксинча, медпунктга ўзи ҳам тез-тез келиб аптечкани янги дорилар билан мукамал қилиб турди. Укол қилиш санъатида Гулгуннинг маҳоратини аввал Ҳефизхон, кейин поликлиникадаги бошқа ҳамширалар ҳам тан олишди. Гулгун бу ҳунарни мединститутга кирмасдан илгарийёқ, мактабда ўқиб юрганида инвалид отасига ёрдамлашиб, ўрганиб олганлигини айтди. Отаси оёғи қирқилганлиги ва танида осколка борлиги сабабли, мана, ўттиз йилдан бери оғриқни қолдирадиган укол олади. Бу уколни Гулгун бўлмаганда у ўзига-ўзи қиларди...

Қорабоғ, Алихон, Айқирон томонларида чорвада карантин бўлиб, йўлларга қоровул қўйилди. Иссиқ кунлар бошланиши билан палаткада яшаётганлар ўртасида ичбуруқ вирус тарқалиш хавфи бор эди. Райздрав буйруғи билан Гулгун бир ҳафта ичида

Қораскон территориясидаги барча кишиларни назоратдан ўтказиб, вирусга қарши укол қилиб чиқди. Унинг тинимсизлиги, бир сўзлилиги бош врачга жуда ёқарди. У раисни ҳаммадан аввал медпунктга чақириб, ташқарида кутиб турган одамлар олдида укол қилди. Илгари кўплар бу ишга менсимай қарашарди. Ҳозир оқ халатли «Опа доктор» сўзини икки қилишмади. Қишлоқ аҳли янги келган докторни (бу ерда у ҳамширами, врачми — фарқига боришмасди) «Опа доктор», деб атай бошлади. Кимнингдир иситмалаб ётган боласи пенициллин уколидан кейин (диагнозни Ҳефизхон қўйиб бергандан сўнг) иситмаси пасайиб, икки кундан сўнг кўзини очгани, кейинчалик ўрнидан туриб, ўйнаб кетгани «Опа доктор»нинг обрўсини оширди. Одамлар «Семиз дўхтир»дан кўра кўпроқ дилбар «Опа доктор» келишини исташарди. Гулгун оқ халатда, елкасидаги сумка (бунда термометр, наушник, қон босимини ўлчайдиган асбоби, биринчи ёрдам дорилари, бинту йодгача муҳайё қилинган)нинг оғир бўлиб кетганига қарамай дала кезар, уйма-уй юрарди. Баъзан машинада, баъзан тўрт гилдиракли аравада, баъзан пиёда. От минган вақтлари ҳам бўлди. Кечқурун чарчаб уйга келар, раиснинг хотини уларга ажратилган меҳмонхонага бир косада ош олиб кириб, бир муддат дилкашлик қиларди. Қоражон Гулгуннинг терлаб-пишиб, жизганак бўлиб ишлаб юрганини кўриб, хурсанд бўларди. Унинг бунчалик жонкуярлигини, шифокорликни яхши кўришини билмас экан.

— «Опа доктор», тўғон томонларга ҳам борасизми? Машина юборайми, бир одамимиз бетоб бўлиб қолди,— деди кечқурун ишдан қайтган Қоражон.

— У ёқ менга қарамайди!— деди Гулгун кулиб,— у территориядан фақат битта сизнинг касаллик карточкангиз менда.

— Бош врач Ҳефизхон ака билан гаплашсам, у томонга ҳам анави ҳамшира хотин билан бирга бориб турсангизлар бўлмайдими? Жиддий гапиряпман. Бир бульдозерчи қаттиқ бетоб.

— Бош врач билан гаплашинг,— деди Гулгун ўзини кулгидан тийиб. Бу ҳазил эмаслигини пайқаб қолди.

— Бир шофёр йигитнинг қўлини мотор эзиб юборди. Штабда битта аптечка бор экан, ундаги йод ҳам

қуриб қолибди. Бинт тополмадик. Иш расво,— деди Қоражон,— бечорани ўн беш километр машинада йўл босиб, район марказига олиб келибмиз.

— Медпункт очиш керак! Шу ҳам қийин бўлиб-дими! Райздрав билан, Хўжаев билан гаплашиш керак!

— Ўзинг гаплаш.

— Хўп. Гаплашаман, рухсат этсангиз.

— О, ўзимнинг «Доктор опам»дан,— Қоражон Гулгунга ташланди.

— Тсс! Дераза пардалари очиқ. Бекитиш керак! Раиснинг хотини бунақа енгиллик қилганларни ёқтирмайди.

— Раиснинг хотини ёқтирмайди, деб энди ўламизми...

— Тўхтанг, тўхтанг!— Гулгун югуриб бориб дераза пардаларини, эшикни ёпиб қулфлади,— Наманган Тошкент эмас, акажон, эҳтиёт бўлиш керак. Обрўни тўкиб қўймайлик. Бу ерда хотинлар жуда тақводор, юзларига оқ рўмол тутиб, бекитиб юришар экан.

— Тушунтириш керак! Баъзилар паранжини ташлаб ёруғликка чиққанликларини ёддан чиқарганга ўхшайдилар. Ёки бу ерда жаҳолат кишиларининг таъсири кучлимикан?

— Мана бу гап ҳақиқатга яқин,— деди Гулгун. У Қоражон билан бу томонларга келганидан норизо эмас эди. Агар у институтни тамомлаган бўлганида яна ҳам яхши бўларди. Икки йилгина қолганида «бир шўриши гавғо» уни академик отпусका олишга мажбур қилди.

Колхоз қишлоқларининг, айниқса, Кораскон аҳлининг «Опа доктор»га муҳаббати ошди. Улар ўзлигидан кечиб, чопқиллаб юрган янги ҳамқишлоқларидан мамнун эдилар. Бу ердаги ёш жувонлар, келинлар, бўйи етган қизлар у билан дугона тутинишди. У ҳамма билан тил топиша оларди, учрашганларида дарров гап ҳам топила қоларди. Фақат ишга вақтинчалик келганидан норизо эдилар. Уларни бу ерда бутунлай қолишга даъват этишарди. Шу давр ичида район газетасида унинг фотосурати билан мақола ҳам чиқди. Орадан бир ҳафта ўтгач, «Қишлоқ врач» деган шеър босилди. Бу шеър китобдан олинган эди:

Уни «Доктор опа», дейишади,
Барча уни танир қишлоқда.
У ҳар доим тайёр, эрта ва кеч,
Йўқдир унинг маълум иш вақти.

«Доктор опа», дейди кекса ва ёш —
Юрагида юртнинг ғами бор.
Ана ўзи, чуст дўпписига
Чилвир сочин қилибди чамбар.

Кабинети ёруғ, озода —
Стол, термометр, каравот...
Атлас кўйлагининг устидан
Кийиб олган эди оқ халат.

Далаларда юрар, тиним йўқ,
Элнинг ғами тушган юракка.
Узоқ ҳовлилардан гоҳ машинада,
Гоҳ ўзи қайтарди якка.

Беморларга бўлар парвона,
Кеча демас ва демас кундуз.
Боаларга бўлар эди она,
Оналарга бўлар эди қиз.

Колхозларда юрар уйма-уй,
Доим унинг ишлари жадал,
Гоҳо ширип уйқусини бузиб
Чақирингар ярим кечада.

Беморларнинг худди ўзи каби
Юқтирмайди бир ерига гард.
Кириб келганида, уни кўриб,
Шу ҳовлидан чиқиб кетар дард.

Томир ушлар, термометр қўяр,
Аҳвол сўрар ва берар далда...
Одамларнинг меҳри тушган унга,
Уни барча севар далада.

«Доктор опа», дейди катта-кичик,
Таърифи зўр, дорилари асил.

Қишлоқлардан қувмоқчи дардни,
Соғлом ўссин, дейди, ёш насл.

Шеър район газетасида босилиб чиққан куни эрта билан семиз бош врач Ҳефизхон ҳалпиллаб Қораскондаги медпунктга кириб келди. Унинг тили оғзига сиғмасди.

— Шунча вақт ишлаб, бизнинг медиклар ҳақида шеър ёзилмаган эди. Қизим, сизга бағишланган шеърни жуда тўғри ёзибди, зўр! Маладес!
Гулгун кулимсираб индамай турарди.

XXXIX боб

ҚОРАЖОННИНГ БАХТИ

Энди икки оғиз сўзни Қоражон Мингбоевдан эшитинг.

Қоражон ўша куни Иномжон иштирокида тўғонда ишлаётган барча шофёр ва экскаваторчиларни штабга чақириб, танишиб олгач, тўғоннинг бузилган участкаси ва бўлғуси ишларни бошлаш учун мўлжалланган пул ва қурилиш материаллари сметасини қайта тузишга киришди. Тўққиз миллион кубометр сув тўплашга мўлжаллаб, иш бошланажаги ҳақида обкомга, Сув хўжалиги ва мелиорация министрлигига докладнома тайёрлади. Қурилиш штабида ишлаётган бухгалтер, ҳисобчи ва кассир, кадрларни ҳисобга олувчи секретарь ва иш юритувчилар, Маша деган машинистка аёл ҳам сув тошқини фожиасидан кейин, бири касал, бири яна бир баҳона билан ишни ташлаб кетишган экан. Бухгалтер ҳам нималардандир ваҳимага тушиб, бошқа шаҳарга қочиб кетибди. Штабдаги ҳужжатлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Янги инженер Мингбоев аввал бориб, секретарь-машинисткани уйдан топиб келтирди. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқлиги, бу ерда суд ва текширув ишлари кетмаслиги, тезроқ ишни яхшилаш кераклигини, янги келган бошлиқ бундаги одамларни жавобгарликка тортиш, қувғин қилиш эмас, аксинча, ишнинг кўзини биладиган одамлар билан ишни тuzатмоқчи эканини билишгач, штабнинг столда ўтириб, чўт қоқадиган, хат

ёзадиган барча ходимлари бошқатдан тўпланиб келишди. Янги инженер ўзи ҳақида, фронтда, танкда куйгани сабабли юзлари чандиқ бўлиб қолганини, хотини ҳам шу ерга келиб фельдшер бўлиб ишлаётганини гапириб берди. Унинг ҳеч нарсани сир тутмагани, камтарлиги одамларни йиғиб олишга қўл келди. Фожиа сабабчиси илгариги инженер Ҳазратов номини асло тилга олмади. У атай бу фожиани, кутилмаган фалокат, деб атади. Шошмашошарлик билан шиббалаш пухта бўлмаган, деди, бунинг устига тўғон фақат олти миллион кубометр сувга мўлжалланганлигини, ёмғир — жала сувни саккиз миллионга чиқариб юборгани оқибатида бу фожиа юз берганини айтди. Ҳиссиётга қул бўлиб, одамларни айбашга уринмади. Ишга қайтиб келиб, машинкасини чиқиллатиб ўтирган Маша деган рангпар жувон ҳам бу ердаги ишга алоқадор жуда кўп сирлардан хабардор экан, Қоражон унга яхши муомала қилиб, ҳамма гапни билиб олди. Шофёр, бульдозерчи ҳамда экскаваторчилар ҳақида ҳам тўла маълумот тўплади. Уларнинг феъли, заифу кучли томонларигача ўрганди. Бир неча катта машина — «БелАЗ»ни бу ерга юбориш ҳақида Облводстрой бошлиғига хат ёзди. Қайтадан геодезист бу ер хусусиятларини текширувчи мутахассислар чақириб, ерни ўрганди. Илгариги тўпланган маълумотларни ҳам қайта кўриб чиқди. Қир тупроғи бўшлиғи учун бетон туннель билан ёпишиб, зичланмаётгани, тўғон тагида шағал қатлами борлигини, сувнинг вақтинчалик ер тагидан сирқиётганини аниқлаб, яна ўттиз метр узунлигида, унча баланд бўлмаган дамба қуришни лозим кўриб, лойиҳа авторларига хат ёзди. Узгидропроект институтидан бир неча мутахассис келиб, Мингбоев ва Одиловлар билан бу таклифни муҳокама қилишди. Инженер Мингбоев фикри лойиҳа авторларига ҳам ёқди. Олти ойга чўзиладиган иш давомида тўғон лойиҳаси авторларидан бири бу ерда бўлиб, қурувчилар ишини кузатишини ҳам талаб қилди. Лойиҳа авторлари янги, бир сўзлик, бу ерга Марказий Комитет махсус юборган инженер илтимосига кўнмасликнинг иложини топишолмади. «Бир бўлган фалокат, ишни пишиқ қилмасак, иккинчи марта ҳам такрорланиши мумкин. Унинг қайтарилмаслиги, умуман, сел келадиган бу районларда бундай фожианинг тамоман олдини олиш учун курашувимиз керак», — деди инженер Қоражон Мингбоев.

Ўш иншоотларда лойиҳа автори қурилчида доимо штирок этиши лозим эмас эди. Лекин Қоражон бу ерда лойиҳа автори бўлмаганида ҳам, унинг вакили иш ўнгланиб олгунига қадар қолишини талаб этди. Биз ишимизни, трамбовкамизни лабораторияда анализ қиламиз. Шу анализ натижасини лойиҳа авторлари ҳам билиб туришлари керак. Чорвоқ тўғонида иш тартиби шундоқ, деди кечки муҳокама йиғинида. Бундай йиғинларда, дастлабки кунлари деярли барча бульдозерчилар, шофёрлар, «МАЗ»да шиббалаётганлар ҳам иштирок этишарди.

Чоршанба куни Қоражон доклад хати билан Наманганга, обкомга борди.

Қоражон билан Гулгуннинг ишга тушиб кетгани, бири чангга ботиб, иккинчиси далама-дала юриб, фаоллик кўрсатишаётгани атрофдагиларга ўзгача таъсир қилди. Ёки Наманган иқлими кишига ғайрат бағишлармикан? Нега бундай? Кейинги кунларда, гарчи хат, телеграмма, баъзида телефон орқали гаплашиб турганига қарамай, Гулгун онасини жуда соғинди. «Хипча бел, мўрчамиёнлик» ҳам ўзгара бошлади — хусн абадий эмас-ку! Ҳомиладорлик — ғунчалик, кўзи ёригандан сўнг яна очилиб, яшнаб кетади аёллар.

* * *

Кечга яқин раис эшиги тақиллади. Югуриб чиққан кенжатой эшик олдида юзларини оқ рўмол билан ўраган бир аёл турганини кўрди. Қолхоз аъзоларидан бири бўлса керак, дадамларда иши бордир, деб ўйлаб, «Дадамлар келганлари йўқ», деб жавоб қилди.

— Менга даданг эмас, «Доктор опа» керак эди, бормилар?

— Ҳа, борлар.

— У кишининг эрлари, инженер ҳам келганмилар?

— Ҳа, келганлар.

— Бўлмаса, айланай сендан, кириб айтгин, бир хотиннинг сизларда зарур гапи бор экан, кирсалар майлими, деб сўрагин!

Бола ичкарига қайтиб кириб, бир зумдан кейин яна қайтиб чиқди.

— Кираверинг, майли, дейишди.

Оқ рўмолга юзини ўраган аёл тўппа-тўғри ичкарига кириб, Қўражон билан Гулгун олдида юзини очди. Эру хотин ҳайрон бўлиб қолишди: уларнинг рўпараларида Обакихон турарди. Қиёмхўжа Ҳазратов, Ишларбек Сапчабошевларнинг ўйнаши... Бу бузуқ хотин Гулгун бошига не-не маломатлар ёғдирмади, эри билан ораларининг бузилишига сабабчи бўлди!

— Мени танидингизми? Ҳа, мен ўшаман...

Гулгун билан Қўражон миқ этмай қотиб қолишди. Улар нима дейишни билишмади. Бу бузуқ хотин орқамиздан таъқиб қилиб юрибди, деб Гулгуннинг ранги ўчди. Қўражон ҳам лол қотди.

— Сизга нима керак? — Қўражон нафрату титроқ билан сўради.

— Мен асли шу ерликман. Авлод-аждодим шу ерда ўтган. Мен шу ерда катта бўлганман, шу ҳовлига ҳам кириб турардим. Шу кўчаларда ўсганман. Мен бузуқ эмас эдим... — У бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. У ўзини тутолмас, елкалари титрарди. Кўзидан ёш оқиб, кафтларини ҳўл қилди. — Мен, мен... — У фикрини тушунтиролмамай йиғларди.

— Стулга ўтиринг, — деди Қўражон.

— Раҳмат, — деди у эшик олдидаги стулга енгил ўтириб, қўлидаги оқ рўмол билан кўз ёшларини артиб. — Бу ерга келганларингни эшитиб, юрагим ёрилгудай севиндим. Сизлар бунда менинг қишлоғимни тузатаман, одамларга яхшилик қиламан, деб юрсанглар, мен унда ёмон ишлар қилиб юрсам, ҳам қишлоқларим юзини ерга қаратсам. Уша одам... Ҳазратов бу ёққа келиб ишлаганида мени лақиллатган... Мени алдаб Тошкентга олиб кетди. Хотиним билан ажралишаман, сени оламан, деб йўлдан урди. Унинг ошналари ҳам мени лақиллатиб, ёмон йўлга бошладилар...

У яна ўзини тутолмай йиғлади.

— Мен сизларнинг ёнингизга бир иш билан келдим, мени кечиринглар. Олдимда икки йўл бор: ё ўзимни ўлдириш, ё менинг бузилганлигимни ҳеч ким юзимга солмаслиги... Мен колхозчи бўлиб, уруғларим ичида ишлашни истаيمان. Сиздан илтимос қиламан, раисга мени ёмон хотин деб айтманг, менга фақат шу керак. Тошкентда эшитганларингизни айтманг. Мен хато йўлимдан қайтдим. Менинг асли исмим

Кимсанхон. «Обакихон» эмас! Мени бузуқ, деб айтманглар.

— Агар ишлаб, пок яшамоқчи бўлсангиз, биз раисга ҳеч нима демаймиз. Бизга бунинг нима кераги бор?

Обакихон Қоражон билан Гулгун ёнидан йиглаб-йиглаб чиқиб кетди. Шу кеча эру хотин кўзига уйқу келмади. Обакихоннинг йиғиси, асли шу ерлик экани уларни жуда ўйлантиб қўйди. Ҳазратов бу ерларда гашт қилиб юрганида қурбон бўлганлардан бири эканини пайқашди. Эру хотин ўз сўзларига, берган ваъдаларига амал қилиб, Кимсанхон ҳақида ҳеч ёмон сўз айтишмади, аксинча, раис олдида уни ҳимоя қилишди. Иш беришни, қариндош-уруғлари ичида юзини шамгин қиладиган гаплар бўлмаслигини таъинлашди. Бу гаплардан оз-моз хабари бор раис, инженер Мингбоев ҳурматини қилиб, Кимсанхонни колхозга қабул қилиб олди. Унинг сув босган уйини тузатишга қарашди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Кимсанхон Бегматова ўз сўзи устидан чиқди. Туғилиб ўсган уйини бузиб, укаси билан бирга янги уй сола бошлади. У ўз қариндошларидан бирининг бригадасида ишламоқда. Раиснинг айтишича, шу бригададаги хотини ўлган йигитга «бир лаган ош билан» никоҳ қилиб қўйишибди. Ҳозир у ўша йигитнинг боғини обод қилаётган эми.

* * *

Ойлар ўта бошлади. Оғироёқ бўлиб, пишиллаб қолган Гулгун ўз қишлоғига, Сижжакка, онаси ёнига боргиси келди. Негадир ўша ерда кўзи ёришини жуда истай бошлади. У баъзида кун бўйи уйда ётар, лекин ҳомиладорликда секин-аста юриб туриш фойдали эканини билгани учун баъзан машинада эри ёнига, баъзан поликлиникага борарди. Агар Сижжакка бориш жуда лозим бўлса, ўзим элтиб қўйиб келаман, деб Қоражон самолётга билет олган кунни Гулгунни тунда дард тутиб, «Тез ёрдам» машинасида туғруқхонага олиб борди. Тонготарга яқин Гулгуннинг кўзи ёриди. У ўғил туғди...

Ҳамширадан бу гапни эшитган Қоражоннинг оғзи қулоғида, илжайиб, тўппа-тўғри штабга борди.

Бу гапни Иномжонга, секретарь қиз Машага гапирди. Шофёр йигитлар ҳам эшитиб қолиб, дарҳол штабдаги ёзув столларидан иккитасини бирлаштириб, устига газета ёзишди. Бир неча бутилка ароқ, шампань виноси, шоколад, олмалар тўкилди. Янги меҳмон шарафига тоза ичишди. Кайфи ошиб қолган Қоражон, «сиз маст эмассиз-ку, дўстим, сиз штабда туринг», деб, уйга жўнади. Иномжон Қоражондан кўра ҳам маст эди. У «мен сизга айтсам...» бўлиб қолган эди. Қоражоннинг шофёри ҳам «тортган»лиги сабабли ўткинчи бир машинага қўл кўтариб, Корасконга етиб олди — гандираклаб, ашула айтиб раис ҳовлисига кирди.

— Э, ўзлари жуда қувноқ бўлуттилар-ку!— деди раис инженерни биринчи марта бу аҳволда кўриб. У доимо жиддий одам бўлиб юарди.

— Раис, ҳурматли раисимиз,— у Юсуфжон акани қучоқлаб ўпа бошлади,— фарзанд кўрдим..

— Э, муборак бўлсин! Умри билан берган бўлсин! Узингизга ўхшаган баҳодир бўлсин!

— Азизим, мен... мен қирқдан ошиб кетганман-а! Биласизми! Мен... Мен фронтда дабдала бўлган одамман-а! Биласизми? Мен... уйлана олмаганман... Мени хунук деб тегишмади... Биласиз-а! Локин, мана шу Гулгун чин инсон. Ўлгунимча уни бошимга қўйиб юрсам арзийди...— Қоражон ҳўнгиллаб йиғларди. Раис инженерни бундай ҳолатда ҳеч кўрмаган. Бу ўта хурсандчилик, мастликдан эканини билиб турарди.— Мен ўғил кўрдим. Менинг садоқатли, бебаҳ ҳотиним ўғил туғиб берди. Сиз боя «баҳодир» дедингизми? Шундай дедингиз-а? Келинг, раис бува, сиз айтгандек, исми Баҳодир бўлсин! Менга бу исм ёқади!

Шу кунийёқ иморат солишаётган корасконликларнинг деярли ҳаммаси инженернинг оғзи қулоғида, ўғил кўриб, хурсанд бўлиб юрганини эшитишди.

Қоражон Мингбоев ҳар куни икки мартадан туғруқхонага қатнардди, раис хонадонидаги дўсара аёлларни ҳисобга олмаганда, Гулгуннинг Қоражондан бўлак бунда ҳеч кими йўқ эди. Эрининг туғруқхонага тез-тез келиб туриши, фарзандини кўриши она учун катта бахт.

ИҶЎЛБАРС ИЗИДАН, ЎЗБЕК СУЗИДАН ҚАЙТМАС

«Наманган область Чортоқ сув омбори қурилиши, инженер Минбоевга, Азизим, сизни Ленин ордени билан мукофотланганингизни чин юракдан табриклаймиз. Олтинчи ноябрда Чорвоқ ГЭСининг тўла эксплуатацияга топширилиши ва плотинанинг битишига бағишланган тантанали митингга сизни ҳамда Мингбоевани таклиф этамиз.

Садовников».

1975 йил, 28 октябрь эди... Штабда, стол устида ётган бу телеграммага кўзи тушган Иномжон азонлаб, унинг ўз сўзи билан айтганда, «сўфилар оёқ ювмасдан» қайтадан велосипедига миниб, Кораскон томонга югурди. Афтидан, бу телеграммани почталёон Довдир мирза кеча кечқурун олиб келгану, бу ерда одам бўлмагани сабабли стол устига ташлаб кетаверган. Иномжон велосипеди билан тўғри раис ҳовлисига кирди. Елкасига беқасам тўн ташлаб лўмбиллаган ўғлини қучоқлаб, бамайлихотир айвонда чой ичиб ўтирган Қоражон ялт этиб «муовинига» қаради-да, бир кори ҳол бўлдими, деб бақрайиб қолди. Гулгун ҳам қўлидаги пиёлани хонтахта устига қўйиб, Иномжонга тикилди.

— Хурсандчилик! Ҳайрон бўлманглар, хурсандчилик!— деди энтикиб Иномжон.— Яхши одам хушхабар беришдан завқланади, хушхабар!— У телеграммани Қоражонга узатди,— Ленин ордени билан табриклайман!

Қоражон телеграммани ўқиб, кейин Гулгунга узатди. Гулгун ҳам бир қарашда ҳамма гапни билди.

— Табриклайман, адаси, Ленин ордени билан! Баҳодиржон номидан ҳам адасини Ленин ордени билан табриклаймиз!

Қоражон кўзига ёш келди. У бир лаҳзалик бу ҳолатни асло сездирмади.

— Бу ёққа чиқинг, Иномжон, дастурхон ёнига ўтиринг!

— Қаранг, саломлашишни ҳам унутибмиз. Ассалому алайкум!

— Салом!— Улар қўл қисиишиб омонлашишди.— Ичамизми? Озгина қовурдоқ қилиб юборасанми?

— Ака, шу ишни кечқурун қилайлик.
— Бўпти,— деди Қоражон,— Гулгунойнинг отпускалари, кечқурунни ҳисобга олиб қўядилар...

— Яна ичиш! Кўп ичмасаларинг дастурхонни боплайман. Ош дамлайман, дўлма қиламан...

— Наманганга келганимиз бизга ёқпти,— деди Қоражон,— Ленин ордени, фарзанд... Бизнинг келишимиз наманганликларга ҳам ёқса соз бўларди. Зора қутоёқ бўлсак...

— Ака, бирингиз, мана, қанча вақтдан бери чанг ютиб, тўғон қуриб, элни сувга сероб этсангиз, бирингиз шу эл саломатлиги учун ўзликдан кечиб даволасангизу, сизлар қутоёқ бўлмай, ким қутоёқ бўлади! Район аҳли сизларни жуда яхши билади. Янгиқўрғонликлар одам танийдиган халқ, ҳаммани ҳам бунчалик эъвозлайвермайди, ака!

Эртанги газеталарда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинди; арматурачи Абдуманноп Содиқов билан «БелАЗ» ҳайдовчи Пётр Петрович Можаевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, қурилиш бошлиғи Георгий Исаевич Садовников, участка бошлиғи Қоражон Мингбоев, оддий шофёр Азамат Пўлатов, монтажчи Сергей Исаевич Соколовлар Ленин ордени билан мукофотланган. Орден ва медаллар билан мукофотланганлар орасида Иван Иванович Шишкин, Михаил Трофимович Никаноренко, Абдуманноп Чоршанбахўжаев ва бошқалар ҳам бор... Тўғон тепасидан қулаб тушиб, ҳалок бўлган шофёр, марҳум Раҳимжонов номи «Ҳурмат Белгиси» ордени рўйхатида. Қоражон мукофотланган ошналарига алоҳида-алоҳида телеграмма йўллади. Шу кунги Қоражонга Файзулла Аҳмедовичдан, Шишкин ва Галинадан, Амир Равнақдан, Никаноренкодан, Милтиқбой акадан ва бошқалардан ҳам табрик телеграммалари келди.

Байрам арафасида, бешинчи ноябрь куни Қоражон хотини, боласини олиб, тантанали митингда иштирок этиш учун Тошкентга учди. Бу хабарни эшитган Кимсанхон эри билан бир сават корзинкага яхшилаб анжир териб, битта челақда ҳусайни, чарос узум кўтаришиб келиб, Гулгуну Қоражон билан хайрлашишди. Қоражон «Обаки»нинг тамоман бошқа одамга айланганини кўриб ҳайрон қолди. Жамоа, атрофидаги меҳнат аҳли киши феълү ҳаракатини, одобини ўзгартириб юборишини ўз кўзи билан кўрди.

Подшонинг ўгли қирқ йигитни бузгани ҳақидаги латифани айтиб, ишқилиб, худо шундоқ бўлишдан асрасин, деган эди Қоражон Гулгунга. Йўқ, бунинг тескариси бўлди. Меҳнатдан қочмайдиган, ҳалол кишиларни ёмон йўлга бошлаб бўлмайди! Қораскон қишлоғини сув босиб, эртасига ярим белдан сув — ботқоқ кечиб юрганларида, шу қорасконлик икки аёл қазноқдаги ипак қуртларини кўтариб юриб, фалокатдан асраб қолишганини эшитган Гулгун ҳам қойил қолган эди.

Қоражонларни аэропортга Юсуфжон ака, Иномжон, Ҳефизхон ва район милициясининг бошлиғи Жўрабеклар олиб чиқиб, кузатиб қолишди. Тезроқ қайтиб келишни, «Наманган граждани» Баҳодир полдон ҳам тезроқ қайтишини сўрашди.

Улар Тошкентга омон-эсон етиб келиб қўнишгач, такси билан шаҳар марказига келишди, машинадан чиқишгач, Қоражон костюмининг ён чўнтагидан дафтарчасини олиб, унинг ичида кўпдан ётган, увадаси чиққан, йиртиқ бир сўмликни олиб, таксичига узатди.

— Э, пулингизнинг номери йўқ-ку? — деди таксичи. — Бу увадаси чиққан пулни мен нима қиламан? Мен хизматимга оламан!

Гулгун ялт этиб эрига, кейин увада бир сўмликка қаради. У бу пулни эслади.

— Укажон, бу пулни мен ҳам хизматимга олганман. Номери бор. Пулнинг эски-янгиси бўлмайди, — дея кулди.

Шу лаҳза Гулгун сумкасидан шалдироқ, янги уч сўмлик олиб, таксичига узатди.

— Олинг, бу менинг хизматимга берилган пул!

— Бу бошқа гап! — деди таксичи янги пулни олиб, эски пулни Гулгунга қайтарди.

— Адаси, бу увадаси чиққан бир сўмлик пул шу кунгача етиб келибди, мен уни йўқотмайман. Олиб қўйиб, Баҳодиржоннинг хотинига бераман. У таксига ишлатади.

— Мен ҳам шунақа қиламиз, деб ёнимда неча йилдан бери олиб юрган эдим.

— Оббо сиз-е! — Гулгун хаёлидан тоғда жала қуйган кунда Қоражон юзидан қўрқиб, ҳадиксираганлари ёдига тушди. Бу «қўрқинчли» одам ҳаммадан яхши, асил бўлиб чиқди. Яна бир машинани кира қилиб Сижжакка, тоғ оралиқларининг мўйловдор оқсоқоли,

Баҳодирнинг бобоси — Милтиқбой ака бағрига жўнашди. Узоқда, буюк тўғон устида Политбюро аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг портретлари турибди.

ГЭС биносидан сал берироққа, тепаликка бронздан ишланган Фарҳод қўйилган эди. Бу водийга жуда ярашиб турибди. Хўжакент кўпригидан ўтишда йўл четига донгдор қурувчиларнинг матога чизилган катта портретлари ҳам қатор қўйилган эди. Байроғу шиорлар... Улар орасидаги «Инженер Қ. Мингбоев» портретига ҳам Гулгун билан Қоражоннинг кўзи тушди. Ҳамма ёқ байрам либосида. Сўнгги ҳужум борарди — улкан тўғон атрофида «БелАЗ»лар гумбурлаб югурар, бульдозерлар йўл четида кучаниб тош-шағал сураб, «МАЗ», «КрАЗ»лар бетон-арматура таширди. Пайвандчиларнинг чарс-чурси... Пастда Чирчиқ дарёси шовиллар, қурувчилар шаҳарчаси томонда радиокарнайлардан аллақандай музика шовқини ҳам келиб турарди. Қадим, кимсасиз, жимжит водий одамлар билан гавжум эди. Уларнинг ҳаммаси Қоражоннинг шериклари, сафдошлари. Уларнинг ишини кўриб, Қоражон тўлқинланар, ҳаяжонини босолмасди, ҳозироқ кичик машина ичидан чиқиб кетгиси келарди. Унинг қўлида гўдак, ёнида Гулгун, аммо хаёлан у ҳозир тўғон устида эди. Бундай иш қизгин, ҳаяжонли дақиқаларда четда, машина ичида, дўстларидан ажралгандек ҳис қиларди. Лекин аслида у ўз дўстлари билан бирга, бир сафдадир. Чортоқ ҳам, Чорвоқ ҳам битта мамлакат, битта Ватаннинг икки ёноғидирки, бир-бирисиз яшаши мумкин эмас. Улар ҳатто Али, Вали деб ака-укага қўйилган номдек: Чорвоқ — Чортоқдир. Бунақа қофиядош сўзларни текис чиққан ғиштдек Амир Равнақ дарров бир шеърида ишлатиб юборади.

Қоражонларни байрамга, тантанали митингга таклиф этилганини, улар аввал бобоникига келишликларини Милтиқбой ака билган эди. У ҳали неварасини кўргани йўқ, кўрмана ҳам бергани йўқ. У албатта неварам биринчи галда мени келиб кўради, деб ҳовлига чиройли бир тойчани боғлаб қўйди. Кўчаларга сув сепилган, каттакон тўйга тайёргарлик кетарди. Молхонада бир-икки қўй Қоражонлар қадамига мунтазир... Бутун қишлоқ аҳлини, мана бугун — бешинчи, олтинчи числоларда Намангандан фарзандларим келади, ҳамма бизникига тўйга, деб хабарлаган эди. Қўлтиқтаёқли эски жангари солдат, қишлоқдаги ўзига ўхшаган

кексалар билан бир ҳафтадан бери маслаҳат оши устига маслаҳат оши берарди. «Невара кўрармиш, куёви Ленин ордени билан мукофотланармишу, у тўй бермай, ким тўй берсин»,— дерди ариллаган оқсоқол. «Тўйни биз қиламиз! Уттиз йил аввал шу мамлакатни саломат сақлаб қолдикми, энди унда катта иншоотлар қуриб, Ленин ордени олдикми, тўйни биз қиламиз. Тўй қилганда ҳам жамшидона қиламиз»,— деб ҳотамтойлиги тутиб кетган Милтиқбой ака ҳеч нарсани аямасди. «Йўлбарс изидан, ўзбек сўзидан қайтмас! Беш миллиондан ошириб пахта берамиз, дедик, бердик! Ўз сўзлик биз, ўзбекларнинг қонимизда!» — дерди у ҳамма жойда. Милтиқбой аканинг гаплари ўзига ярашиб турарди.

Қоражонлар тушган машина Сижжакнинг қия, пасту баланд кўчаларидан ўтиб, Милтиқбой ака дарвозаси олдида тўхтади. Бу ерда тўдалашиб юрган болалар югурганича ҳовлига кириб кетишди. Чойхонада ўтирган кексалар ҳам бугун беш кундан буён пойлаб ўтирганлари — қаҳрамон йигитнинг истиқболига келишди. Янглишиб қўлтиқтаёғини ўнгга олганича Милтиқбой ака, ундан олдинроқ баркаш кўтариб ҳовлига тушган Санобархон болалари устидан сочқи сочди: тангаю чақалар жаранглади. Шундан сўнг югуриб бориб, болаларини қучоқлади. Милтиқбой ака ҳам ҳақкачоқлаб бориб, болаларини қучоқлади. «Ҳой, Ҳикматулло, қўйни сўй! Болаларимнинг келишига, қадамига сўйиб юбор. Бизни ҳам шунча фронтдай жойлардан омон-эсон келиб, мундоқ кунларга етказар экан. Худога шукур!» Санобархон хокандозга тайёрлаб қўйган исириқни тутатиб юборди. Қўшни қиз хокандозни кўтариб, Гулгун, Қоражон атрофидан айлантирди. Санобархон машинада пишиллаб ухлаб қолган Баҳодиржонни қўлига олиб, қучоқлади, тўйиб-тўйиб ўпиб, уйғотиб юборди. Айвонга чиқишгач, чақалоқни Милтиқбой ака тиззасига қўйиб, дарҳол айвон устунига илинган чамбаракдаги қатиқни олиб, Қоражон билан Гулгунга ичирди. Шундан сўнг ҳамма Милтиқбой ака атрофига ўтирди, у қўлини фотиҳага очди: «Қани, қадам етди, бало етмасин, ҳаммаларингиз саломат бўлинглар, омин, облоҳу акбар!»

Бирпасдан сўнг ҳовли одамга тўлиб кетди. Қўни-қўшни, ёр-биродарлар, болалар «Ленин ордени билан мукофотланган қаҳрамонни кўриш»га интилишарди. Қоражоннинг барча хатти-ҳаракатларини кузатишарди,

Дастурхонлар ёзилиб, зиёфат бошланиб кетди.

Бир-икки соатдан кейин Қоражон, Гулгун, неварани олиб, машинада Ёнқўрғонга боришди. Айланма тоғ йўллари орқали бу қишлоқ Сижжакдан машинада ярим соатлик йўл эди. Кутилмаганда кириб бориб, «алағ-чалағ тушлар кўриб чиққан» Қандил бувини хурсандчиликдан ўтакасини ёриб юборай дейишди. Қоражон ҳақида хушхабарларни эшитган она бугун-эрта ўғли келишини кутиб ўтирган эди. Гулгун Қандил бувига сумкадаги товар кўйлак, маҳси-калишларни, атирсовунни олиб туҳфа этди.

— Ойи, буларни тепкилаб кийинг! — деди Гулгун.

— Сандиққа солиб қулфлаб, ўлимлик қилинмасин! — деди Қоражон кулиб.

— Б-о-о-о, болам, саникини ўлимлик қилмайман, кияман! Утган жума оқшанба куни ёнимиздаги Зумратхон қазо қилдилар, ўлимликлари йўқ экан, мандаги ўлимлик ўлгурларни олиб кетишди. Сандиғимда байталмондан қолмади. Ман шўрлик яна бир йил овора бўлиб, ўлимлик йиғадиганга ўхшайман.

Қоражон билан Гулгун кулишди. Кампир она неварани қучоқлади:

— Эҳтимол, шуни кўраман, деб юргандирман. Етказганинга шукур, э худо! Мана, сани ҳам, болангни кўрдим...

Қоражоннинг қайнатасиникида катта тўй. Қуда ва қудағайларни тез олиб келинлар, дейишганини айтиб, Қандил бувини, синглисини машинага ўтқазди. Ака-ука, жиянлари, кеннойиларининг бошқа машинада боришларини тайинлаб, улар яна йўлга тушишди.

Эру хотин Ёнқўрғонга кетганларида, ҳовлидаги меҳмонлардан ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Қоражон улардан икки соатга рухсат сўраган эди. Шу пайт ичида Милтиқбой ака қишлоқ Совети идорасидаги телефонга бориб, ўтган куни ваъдалашилганига мувофиқ, Чорвоққа қадрдони Музаффаровга сим қоқди. Бу қўнғироқни Файзулла Аҳмедович билан Амир Равнақ кутиб ўтирган эдилар. Уларга қўшилиб Иван Иванович Шишкин хотини билан Файзулла Аҳмедовичнинг қизи Таманно, Никаноренко, Абдуманноп ва яна бир неча Қоражоннинг қадрдонлари кириб келишди. Ҳамманинг чеҳрасида қувонч, байрам шодиёнаси барқ урарди.

Қандил буви, Гулгунлар ҳовлига кириб келиши би-

лан Чорвоқнинг казо-казолари ҳам етиб келди. Милтиқбой ака дарвозаси атрофи, шу ердаги кўчалар машинага тўлиб кетди.

Ҳовлига кирган баланд бўйли Файзулла Аҳмедович Гулгун билан омонлашиб, уни янги фарзанд билан табриклади. Гулгун Файзулла Аҳмедовичнинг бетобликдан тузалгани билан қутлади. Дарҳол Марҳаматхон аясини нега олиб келмадингиз, деб сўради. «Э, қизим... Марҳаматхонга бу шодиёналар буюрмаган экан, у катта қизим билан қамоққа — анавини кўргани кетди», — деди. Гулгун Тамано билан қучоқлашиб кўришди.

Таманно онаси ҳақида тортинмай ҳамма гапни айтди, чунки Марҳаматхон ая Гулгунни жуда яхши кўрарди. Дил дилга ойна. Аммо шилдир ўғил отани инфаркт, онани сарсон-саргардон қилди.

Онаизор... Йилда бир учрашувга рухсат берилгани сабабли, Марҳаматхон ўглининг олдига кетган эди. Нобоп ўғил Хайрушка қамоқда. Умрида бунчалик қийинчиликларни кўрмаган она икки корзинкани ширинлик, қази, чеснок, тамаки, қуруқ чойлар билан тўлдириб борди... Маҳбус ўғлини кўриб, Марҳаматхон йиғлади, кейин бир-бирларига далда беришиб, «кўргилик», «ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ...» дейишди. Байрам арафасида мана, бир неча кундан буён Марҳаматхон қамоқ атрофида ўғли Хайрушкани деб сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Кейинги кунларда Амир Равнақ дардга чалиниб қолди. Дўстлар бирлашиб, китоблари икки жилдда нашр этилиб, ишлари юришган бир пайтда унинг тез-тез юраги санчиб, ҳушидан кетиб қоларди. Врачлар бир неча бор кардиограмма олишди, укол қилишди. Ўзингизни кўп уринтирмай ётинг, дейишди. У врачларнинг ҳамма гапларига амал қилди, лекин Чорвоқ қурувчилари ҳақидаги достонини ётган жойида ёзарди. Ҳамма ишлар яхши бўлиб, Файзулла Аҳмедович ишга тушиб кетганида, Қоражонларнинг ҳам оилалари тинчиб, унвон берилиб, омади келганида у юрагини чангаллаб қолди. «Сартарошлар обдан уста бўлганида қўли қалтироқ бўлиб қолар экан», — деб куларди халқ шоир ўзини камтарона кўрсатиб. Газета-журналларда унинг шеърлари тез-тез чиқиб турарди.

Шоир шу ҳолига қарамай, тантанали митингда достонимдан парча ўқийман, Қоражон Мингбоевни, Гулгунни, Милтиқбой акани кўраман, деб Файзулла Аҳме-

довичга ёпишиб, бу томонларда юрарди. Эҳ, саломатлик ўлгур яхши бўлганда шу Милтиқбой ҳақида роман ёзардим. Минг афсус, саломатлик йўқ. Бунинг устига ёш ўтиб кетди, дерди.

Бугун шу одам хонадонида тўй! Милтиқбой ака ўзида йўқ шод, у ҳаммага гап қотар — иш буюрар, меҳмонлар зеркиб қолмасин, деб ҳазил-мутойиба гаплар айтиб ташларди. Телевизорни ҳам ҳовлига олиб тушиб қўйган; ёшлар «фигурални катания»ни томоша қилишарди.

— Ҳой, қудажон, айнаниб кетай, мана бу нозу неъматлардан еб ўтиринг. Ўлгандан кейин жаннатга тушиб бапуржа шафтоли ейман, анжир ейман, босволди қовун ейман, деб у дунёни ўйламай қўя қолинг, — дерди у ҳазиллашиб Қандил бувига. Улар бир-бирларининг ҳазилларини кўтаришарди, — ҳозир шу ерда еб қолинг! У ёқда йўқмиш, Сапчабошевга ўхшаган олибсотарлар килосини ўн сўмдан сотиб юборишибди.

— Ҳазилингиз қурсин, ҳой, қуда, сизлар томонга газ келдими? — деди Қандил буви кафтларини қошига соябон қилиб, Милтиқбой акага гап қотди, — газда пишган қайнатма шўрва иссиқлик бўлармиш, шу ростми? Сулфиддин деган дорининг ўрнига валиддин дегани чиқибди, шу ростми? Шимса ҳам бўлармиш, носвойга ўхшатиб кафтга ташлаб отса ҳам бўлармиш... Шўро ҳукумати хўп ҳунарвон чиқди-а? Ҳовлига ҳам текис қилиб, яхшилаб сув сепибсизлар, шланда сепгандирсиз-а? Шлан ҳам хўп чиқди-да, бир текис шариллатиб сепеди. Илгариги вақтда пақирда сепардик, ҳовли юзи олачалпак бўлиб қоларди. Йилдан-йилга ҳар хил нарсалар чиқвотти. Шўро ҳукуватимиз омон бўлсин, жуда ҳунарвон!

— Тўғри, қуда! — дерди озгина оқидан тортиб олган, ширакайф Милтиқбой ака, — дориларни қўйинг, мана бу луччак шафтолидан енг! Оғзингизда эриб кетади.

— Э, қудажон, бу ўлгур совуқлик! Манга дўхтирлар иссиқлик енг дейишган!

— Узумдан енг бўлмаса!

— Ҳусайнию даройию шакарангулу... ҳамма-ҳаммаси уйимда кўп, ишкомда осилишиб ёгодир. Қани энди менда иштаҳа бўлсаю шу ўлгурлардан есам. Анави келганимда, айиқ ёғи топиб қўяман, деган эдингиз. Айиқ қолмабдими? Тўнғизни отишса бўлмайдимиз овчилар! Яна бод ўлгур қўзғаяпти. Порсо домла, бўрсиқ

ёғи сурсангиз ҳам бўлади, деган эдилар. Бўрсиқ ўлгир ҳам йўқ.

— Бод деган ярамас сиз билан менга ўхшаган худонинг энг азиз бандаларига ёпишмай қўя қолса нима қиларди! Назаримда, худои таолонинг энг ишонган бандалари бу дунёда иккаламиз қолдик. Бўрсиқ ёғи нима деган нарса! Шу нарса ҳам топилмаса-я! Э, қудратингдан! Бу тоғу тошларда совуқлик нарсалардан кўра, иссиқлик, шу бўрсиқ ўлгурларни кўпайтирсанг бўлмасмиди! Тўнғиз кўп, овчилар отиб келяпти, локин унинг ёғи бодга ўтмайди! Қудажон, авваламбор биз ўлмайлик. Агар ўладиган бўлсак, бизлар бесўроқ шундоқ жаннатга кириб кетаверамиз! Лекин анави, «онаси чўмич билан қўшиб туққанлар» бўлса ҳеч ошхонадан чиқмайди. Ҳа, майли, бугун хурсандчилик, озгина шўхроқмиз-да, хафа бўлмайсиз, қудажон!

— Йўқ, йўқ, мен энди унинг Чорвоқдаги квартира-сига бориб ўтиролмаман!— деди яхши эшитмай буви,— уйининг таги тахта, каламуш чиқади. Чинни тоғорага печоб қилишади. Йўқ, йўқ, зўрлашса ҳам бормайман! Номоз ўқийман десанг, қўбланинг қаёқдалигини билмайсан!

Милтиқбой ака ҳингиллаб кулиб, бошқа меҳмонлар ёнига борди. Стакану пиёлаларга арақ, коньяк, вино қуйиб, тўлдириб берарди. Унинг кайфи чоғ, у ондан тугилиб, ҳали бунчалик қувончу шодликни кўрмагандек. Созандалар машқни бошлагач, чирманданинг серзавқ гижбангига биринчи бўлиб ўзи ўйинга тушди. Ҳовлига, айвону уйларга меҳмонлар тўлиб кетган. Дамо-дам кабобу сомсалар, лаганда гўшту жаркоп тортилиб турарди. Шу орада райком секретари, исполком раиси билан биргаликда Садовников ҳам кириб келиб, бу хонадоннинг отаси Милтиқбой ака билан омонлашиб, тўрга, Файзулла Аҳмедовичлар ёнига ўтиришди. Милтиқбой ака ўйнаб, ҳовлини бир айланиб чиққач, унинг таклифи билан бир неча ёш қизлар ҳам ўйинга тушишди. Ўйин тугагач, пўрим кийинган бир йигитча, у афтидан қишлоқ муаллими бўлса керак, микрофони Файзулла Аҳмедовичга тутди.

— Илтимос қилишяпти, бир оғиз сўз айтсангиз,— шундан сўнг у йигит шошиб деди:— Ҳурматли меҳмонлар! Сўз Чорвоқ қурилиши партия бюросининг аъзоси, консультант, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, инженер Файзулла Аҳмедович Музаффаровга!

Тўй шов-шуви, гурунг бир лаҳзада сув қуйгандек жим бўлиб қолди. Каттадан-кичикнинг нигоҳи ўрнидан турган баланд бўйли, кўзойнакли одамда. Файзулла Аҳмедович бурни устига тушиб кетган кўзойнагини итариб қўйгач, одамларга қаради:

— Баъзилар, уруш тугаганига ўттиз йилдан ошган бўлса ҳам сиз ҳамон уруш ҳақида гапирасиз, дейди. Ҳа, ҳали биз яна кўп йиллар гапирамиз! Бугун фронтчи, Улуғ Ватан урушининг жасур солдати Милтиқбой Қўйбоқаров хонадониди катта тўй. Гитлер Милтиқбойни отиб ўлдириб, Ўзбекистонни босиб олмоқчи бўлди. Беомон жангда Милтиқбойлар фашистларнинг ўзини ўлдирди, юртни душманнинг оёқости қилишига йўл қўйишмади. Мана, гап қаерда! Шу жасур солдат урушдан кейин ҳам ўттиз йил яшаб, тўй қилмоқда. Унинг куёви, яъни фарзанди ҳам фронтвик. Биз ҳам... Милтиқбойлар гўзал Ўзбекистонни обод этмоқда. Милтиқбойлар давом этмоқда — мана, дунёга қўчқордек ўғил келди. Унинг отаси эски фронтвик, меҳнат фронтида ҳам иш кўрсатиб, Ленин ордени билан мукофотланди. Қизимиз ёш врач... Демак, биз давом этяпмиз... Биз яшаяпмиз. Ҳар ким ҳалол бўлса улуғликка етишади, тўғри бўлса, мартабаси баланд бўлади. Уч нарса уч нарсдан топилади: сабрдан — нажот, саховатдан — улуғлик, адолатдан — зафар. Бахт кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлинадиган нарса эмас, фақат атрофдагиларга қарабгина ўз бахту саодатингни кўра оласан. Тўрт нарса иззат-обрўни кетказди: ёлгончилик, манманлик, эзмалик ва мунофиқлик. Менинг дўстим шулардан холис. Менинг дўстим юрагида саховат, жасорат, поклик мужассам. Менинг дўстим богбон, «Йўлбарс изидан, ўзбек сўзидан қайтмас» деган мақол унга тааллуқли, бизлар ўз сўзли одамлармиз! Келинлар, дўстлар, шу қадаҳни ажойиб одамлар учун кўтарайлик!

Сижжак яқин орада бундоқ катта тўйни кўрмаган эди. Ҳайвон-кулги, аския, хонандаларнинг дилрабо куйлари — хурсандчилик азонгача давом этди. Баъзи меҳмонлар тонг ёришганда тарқалишди.

Эртасига, олтинчи ноябрь куни бутун Чорвоқ бўйлаб меҳнат ғалабасининг тантанаси ҳукм сурди.

Соат тўртда митинг бошланди.

Тантанали митинг очилишига яқин партия ва ҳукумат аъзолари орасида минбарга чиқиб кетаётган Қо

ражоннинг кўзи чеккароқда, ўзини панага олиб, рапи- да шапкаси соябони билан кўзини бекитиб турган Иш- ларбек Сапчабошевга тушди. Бу каламушнинг бунда ўраллашиб юрганга тушунмади. Фирибгарлар бетсиз бўлади, деган гапни хаёлидан ўтказди. Думалоқ тар- вузга икки чўп тиқиб, устига картошка қўйсангиз, шу шахснинг айнан ўзи пайдо бўлади. Бунинг устига, у ўлимдан шу даражада қўрқардики, қани энди унинг учун дунёда ўлим деган нарса бўлмаса! Агар, мабодо бу ишни йўқотиш мумкин бўлмаса, унда, бошқалар ўлавериб, у яшаб юраверса! Худди мана шу «жиддий масала»да жонга ора кирадигандек, Сапчабошев ўша пайтларда чунонам ваъзхон бўлдики, асти қўяверинг! Қурилиш бошқармасида биронта мажлисни сўзга чиқ- май ўтказиб юборса, хотини талоқ бўларди. Сўз билан шаҳар олган одамлар ҳам бўлганини гапириб, ўзига-ўзи қувват берарди. У баъзи одамларнинг пиқиллаб кули- шига ҳам қарамай, минбарда туриб олиб жон-жаҳди билан сўзларди. Идорада ходимлардан бири Сапчабо- шевнинг мия мағзи ичидаги инсонни гапиртирадиган ҳужайралари тараққий топиб, кўпайиб кетганини ай- тибди. Агар ўша ҳужайралар кўпайиб кетмаганда хоз- снаб бошлиғи Сапчабошев бунчалик серваъз бўлиб кет- мас эди...

Лекин унинг Қоражонга туҳмат қилгани ҳеч қачон эсдан чиқмайди. У Кимсанхонни ҳам йўлдан оздириб, бадном қилди. Негадир унинг гапларига ишонардилар. Ҳазратов фош бўлганига қадар, Георгий Исаевич Са- довников ҳам унинг гапларига оз-моз ишонган. Туҳмат аввал ҳақиқат бўлиб кўринади. У оппоқ ва ҳарир ки- йимда жилваланади. Унинг ичи бўш эканини пайқа- майсиз. Вақт қиличи қирқиб, сабр-тоқат офтоби унинг юзидаги ниқобини куйдириб, асл башарасини кўрсат- гач, инсон ўз бошига тушган дўзахий қийноқдан қуту- лади. Туҳмат йўқ бўлиб кетади, аммо бу ашаддий душ- маннинг юракда қолдирган қора изи анча вақтгача йўқолмайди. Бу «из» ҳам кейинчалик инсонни қула- тиши мумкин. Лекин чинакам баҳодир киши ўзини эҳтиёт қилиши керак! Бошқа одамларга ҳам, ҳатто ке- йинги авлод бошига ҳам туҳмат тоши тегмаслиги учун ҳазратовчилиқни ҳеч қачон кечирмаслик керак! Бир ёмонлик қилган душман ҳеч қачон яхшилиқ қил- майди.

Митинг бошланди. Қурилиш илғорлари, партия Марказий Комитети секретари ва Чорвоқ қурилиши

бошқармаси бошлиғи сўзлаган оташин нутқ годийда жаранглаб, тоғлардан акси садо берарди. Инженер Мингбоев ҳам қайноқ нутқ сўзлади. Тошкентдан меҳмон бўлиб келган, қурилиш ҳақида асар ёзаётган Амир Равнақ ҳам дostonидан парча ўқиди. Қурувчилар номидан партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, қадрдонимиз Леонид Ильич Брежнев номига ёзилган хат ўқиб берилди...

* * *

Эртасига Қоражон йўлга отланди, Наманганга бориш керак! У ерда ўртоқлар кутиб туришибди, тўғон устида иш қизғин.

Кечга яқин йўл анжомлари, чамадонларни тахт қилиб, ўғилчасини кўтариб олган Қоражон Гулгунни имлаб, Наволисой томон юришди. Бу ерда сув остида қолган Чоршанба ота боғи тепасига келишди. Қирра харсанг тошлар устида туриб ойнадек тиниқ сувга тикилишди. Беш, ўн метр пастликда иморат пойдеворлари, гиштлар, ҳовли четидаги тандир қолдиқлари, сув остида қолган ёнғоқ ва тут дарахтлари шундоқ зилол сув остида кўриниб турарди.

— Мени бу ерга нега олиб келдингиз?— Гулгун ҳайратомуз эридан сўради.

Қоражон индамай кулиб тураверди. У икки кўзини сув остида қолган ҳовлию боғлардан олмас эди.

— Қани ўзинг топ-чи?

— Ёдимда йўқ...

— Сизлар шунақасиз-да! Дарров ёдингиздан чиқадди. Мана шу боғда, тўйда мен сени биринчи маротаба кўрган эдим. Юрагимга ўт ташлаб, ёндирган эдинг. Мен сенга бир-икки маротаба қараганимда аразлаб чиқиб кетган эдинг. Мен ўшанда, шу қизни олсам, дунёда армоним йўқ, деган эдим. Сен ҳеч қачон бундай гапни хаёлингдан ўтказмагансан. Сенинг васлингга етдим, мен бахтли одамман. Муҳаббатимиз меваси — мана, Баҳодирбек ҳам катта бўлганда унга мана шу ҳовлини кўрсатаман, онанг мендан кўрқиб, тўйдан чиқиб кетган, дейман.

— Оҳ-хў-ў-ў... — деди Гулгун эри билан Баҳодирни қўшиб қучоқлаб, икковини ҳам ўпди, — Чоршанба ота жуда зўр тўй қилган эди. Ҳаммаси ёдимга тушди, акажон! Сиз жуда зўрсиз! Сиз, сиз, сиз...

Қўшнилари Эшмат буванинг қазо қилгани маълум бўлиб, Қоражон яна бир кун Сижжакда қолди; у қишлоқнинг отахонларидан бири, Милтиқбой аканинг қадрдони Эшмат бува тобутини елкада кўтариб, бобога катта ҳурмат кўрсатиб, уни тупроққа топширишди.

Моддий дунё доимо ҳаракатда, ўзгаришда — биров келади, биров кетади. Ҳаётни бир ерда ушлаб туриб бўлмаганидек, ҳар бир туғилиш уни қайтадан яшартираверади. Елиб-югуриб ўқийсан, ишлайсан, қарийсан, вақти келиб ёруғ дунё билан видолашасан... Бу табиатнинг ўзгармас азалий бир қонунидирки, бўйсунмай иложинг йўқ! Бир ҳисобда шундай бўлгани, яъни ҳаёт дарёсининг айқириб оққани маъқул! Муҳими шуки, сен жамият учун иш қилиб, одамлар корига яродингми? Ёки?.. Мана шу «ёки»дан кейин келадиган ҳаёллар ғоятда даҳшатли! Дабдабалар, тўю қашамлар... бари ўтади. Ёшингни яшаб, ошингни ошаб, пилла қуртидек вақти етгач, ўзингни турмушнинг ипаки иплари билан ўраб, бу ҳаётни авлодга ташлаб кетаётганингда кечмиш-кечирмишларингни бир лаҳза бўлса ҳам хаёлингдан ўтказасан; меҳнат, садоқату олижанобликларинг учун одамлар сенга ташаккур айтаётгандек бўлади. Қувонасан, ўлим ҳам бир ухлаш каби енгил ўтади. Қонуний никоҳ ва шодлик билан туғилиб, обрў билан ўлишдек бахтга мушарраф бўласан. Аммо, хиёнатинг, пасткашликларинг, калондимоғлигу икки юзлилигинг... дом-дараксиз йўқолиб кетиш даҳшати ва танангга чирмашган дард азоби билан қўшилиб сени бўғиб ташлайди, бу бир оний азоб умринг бўйи кўрган роҳату фароғатларингни бир пул қилади!..

Улар икки машина бўлиб йўлга тушишди. Милтиқбой ака билан Санобархон фарзандларини Наманганга учуриб юборишгандан сўнг шу куни Марҳаматхон аяларникида қоладиган бўлишди. Файзулла Аҳмедович ўтган куни зиёфатдан кейин Санобархонга, саккизинчига Марҳаматхон Учқудуқ томонлардан қайтиб келди, албатта боринг, деган эди. Нобоп ўғил учун созуриб, либ, алам чеки юрган Марҳаматхон кўнглини сўраб, ҳасратлашиб келиш керак эди, албатта. Олдинма-кейин кетаётган машиналар Чирчиқ кўпригидан ўтгач, боя

дан бери индамай, ўнгда икки тоғни ушлаб, Қоражонга жилмайиб қараб турган тўғондан кўз узмасди. Чоқолу Угом тоғ тизмалари баробар бўй чўзиб булутларга боши етиб Алпмиш паҳлавондек кўкрак кериб турган тўғон атрофидан тиллақўнғиз машиналар ичида визиллаб ўтиб кетаётган қадрдони Қоражонга хаёлан гап қотгандек бўларди.

«Ҳа, Қора бола, йўл бўлсин? Ун йил қадрдон бўлдик, ўн йил бирга ишлашдик... Йўл бўлсин энди? Бу ерда бизнинг ҳам қаддимиз кўтарилиб, энди абадул-абад хизмат қиламиз. Елкамизда зилол денгиз, шу денгизни кўтариб турамиз. Бу зилол сувдан инсон, жониворлару даладаги жамики гиёҳларгача, осмонда учиб юрган қушларгача ичади. Пахтагача ичади... Ҳаммалари, сувдек сероб бўл, деб шаънингга ташаккур айтадилар. Биз энди абадул-абад халқ хизматидамиз. Ҳа, Қора бола, инженер бола, биз билан бирга ишлашиб сиз ҳам кам бўлганингиз йўқ. Қаддингиз кўтарилди, кўксингизда Ленин ва Қизил Юлдуз орденлари ярқираб турибди. Шунақа, азизим!»

Хаёл суриб келаётган Қоражон беихтиёр рулдаги йигитга мурожаат этди:

— Чапга буринг, укажон! Тўғон устига чиқайлик. Айланма йўллар билан ҳайданг, ўзим кўрсатаман.

— Кечикиб қолмаймизми? Самолёт нечада учадиги?— сўради дарҳол Гулгун.

— Вақт бор. Тўғон мени чақиряпти, эшитяпсанми? Хайрлашиб кетмасам бўлмайди. Кўнглим тинчимайди,— деди кулиб Гулгунга қайрилиб боқиб,— у мени имлаб чақираётгандек бўляпти. Ана, ўзинг ҳам қаргин, тўғон мени чақиряпти. Бориб у билан хайрлашмасам албатта хафа бўлади! Ун йил отамлашиб ишласаму шундоқ ёнидан ўтиб кетиб бўладими?! Бу мумкин эмас, асло мумкин эмас, Гулгуной!

Машина ғизиллаганча югуриб тўғон тепасига чиқди. Ғир-ғир шабада. Бунда чиройли бетон панжаралар, кундузгидек нур берадиган чироқлар қўйилган. Бир томонда водий, дарёлар ва пастда гугурт қутисидек ГЭС корпуси, нарида шаҳарча, бир томонда ойнадек ярқираган зилол денгиз...

— Бундай гўзал манзарани ҳеч қаердан тополмайсан!— деди Қоражон Гулгунга қараб,— буни қара! Мен бу ерларимни соғиниб қоламан. Хайр, хайр!

Бир муддатдан сўнг улар яна машинага ўтириб, тў,

гон тепасидан пастга тушишди. Тошкент қайдасан, деб,
тасмадек йўлда учиб кетишди. Бора-боргунча Қоражон
хаёллар гирдобига чўмди. Ҳаётнинг чуқур, сермазмун
ва ранго-ранг фалсафасини англай бошлади. Узоқда,
Кушан қирлари тепасидаги олволизор боғда, эрта би-
лан наҳорда қатиқ ичишни ёқтирадиган, заҳматкаш
дўстлари, қани, бу ёққа келинглар, деб имлаб чақира-
ётган Иномжону Юсуфжон раис, Ҳефизхонлар томон
учиб кетишди.

1974—1976, Тошкент.

МУНДАРИЖА

МЕЪМОР. Роман	5
ЧОТҚОЛ ЙУЛБАРСИ. Роман	383

На узбекском языке

МИРМУХСИН

Собрание сочинений в 4-х томах

ТОМ III

ВОДЧИЙ

ЧАТКАЛЬСКИЙ ТИГР

Р о м а н ы

Редактор *Т. Норов*

Рассом *А. Ҳолиқов*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Т. Смирнова*

Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 1867

Босмахонага берилди 22.02.82. Босишга рухсат этилди 29.11.82. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 3 Мактаб гарнитураси. Юқори босма Шартли босма л. 38,64+0,63 вкл. Нашр. л. 40,09+0,24 вкл. Тиражи 60000. Закав № 1620. Боҳоси 2 с. 80 т. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва саяҳат нашриёти. 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Мирмуҳсин

Асарлар: 4 жилдлик.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр.
3-жилд. Меъмор: Чотқол йулбарси; Романлар. 1982. 786 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Мирмуҳсиннинг тўрт жилдлик «Асарлар»и нашр этилмоқда. Қўлингиздаги учинчи жилдга «Меъмор», «Чотқол йулбарси» романлари киритилди.

Мирмуҳсин. Собрание сочинений.

т 9